

Н. А. КУН



ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН
АФСОНА ВА РИВОЖЛАРИ



Н.А. КҮН

**ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН
АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИ**



**Қодир Мирмухамедов
таржимаси**



УЎК 398.22(38)

КБК 84(0)3

К-92

Дунёга машхур тарихий асарлар орасида Н.А. Кун каламига мансуб «Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари» ҳам муносиб ўрин эгаллаган. Антик даврнинг афсонавий қаҳрамонлари, хусусан, Ҳеракл, юнон аргонавтилари, троялик жасур жангчилар, Одиссейнинг саргузаштлари ҳақидаги қиссалар барча давр, элат китобхонларини доимо бирдай қизиқтириб келган.

Қадимги юнон олами қаҳрамонлари ҳақидаги афсона ва ривоятлар моҳир таржимон Қ. Мирмуҳамедовнинг ўзбек тилига қилинган гўзал таржимасида янада сайқал тонган, дея эътироф этиш муболаға бўлмас.

Ушбу китоб нафақат тарих ёхуд қадим адабиёт намуналари ихлосмандлари, балки барча китобхонларга қимматли тухфа бўлади.

ISBN 978-9943-28-008-3

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2013

Биринчи қисм

Хўдолар ва қаҳрамонлар



ХУДОЛАР



БОРЛИҚНИНГ ВА ХУДОЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Худолар ҳақида уларнинг титанлар¹ ва титанларга қарши кураши ҳақидаги ривоятлар асосан қадимги юнон шоири Гесиоднинг «Теогония» («Худоларнинг қелиб чиқиши») номили достони асосида баён қилинган. Айричи ривоятлар Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея» ҳақида Фуло шоири Овидийнинг «Метаморфозалар» («Қиёфалар ўзариши») номили достонидан олинган

Даставвал фақат азалий, ҳад-худудсиз, сим-сиё Хаос – ғайри-муташаккил олам бўлган экан. Ана шу Хаос бўлғуси ҳаёт манбаи бўлган. Ҳамма нарса: бутун борлиқ ҳам, боқий худолар ҳам поёни йўқ Хаосдан вужудга келади. Маъбуда Гея (Замин)ни ҳам Хаос бунёд этади. Ўз бағрида яшаб равнақ топувчи жамики нарсаларга ҳаёт бахш этувчи бу қудратли маъбуда – Гея. У кенг ястаниб ётарди. Заминнинг жуда теран қаърида, поёни йўқ мунаввар осмон биздан қанчалик йироқда бўлса, рўйи заминдан шунчалик чуқурликда мангу зулматга чўмган машъум тубсиз жар – бадқовоқ Тартар таваллуд топади. Беназир қувва соҳибаси, жамики мавжудотга жон ато этувчи Муҳаббат, яъни Эрос ҳам Хаосдан дунёга келади. Шу тариқа олам яратила бошланди. Буюк Хаос яна Мангу Зулмат – Эреб билан қоронғи Тун – Нюктани ҳам бунёд этади. Тун билан Зулматдан эса, мангу Ёруғлик – Эфир билан шодон нурафшон Кун – Ҳемера дунёга келади. Самовий Ёруғлик ҳамма ёққа ёйилиб, тун ва кун бир-бири билан алмаша бошлайди.

Кейин иқтидорли, файзу баракатли Замин поёни йўқ зангори Осмон – Уранни туғади, натижада Осмон Замин узра қанот ёзади. Заминдан таваллуд топган юксак Тоғлар Осмон сари мағрур қад кўтардилар, тинимсиз шовулловчи Денгиз Она Замин бағрига кенг ёйилиб оқа бошлайди. Шундай қилиб, Она Замин Осмон, Тоғлар ва Денгизни яратди, бироқ уларнинг отаси йўқ эди. Уран – Осмон бутун оламга ҳукмрон бўлди. У сернеъмат Заминни ўзига хотин қилиб олади. Уран билан Гея – Ер ўн икки фарзанд (олти ўғил, олти киз) кўришади; фарзандларнинг бари баҳайбат, даҳшатли титанлар эди. Уларнинг ўғли, бутун рўйи заминни соҳилсиз наҳрдек қамраб олган титан Океан ва маъбуда Фетида қовушиб, ўз сувларини денгиз томон оқизувчи барча дарёларни ҳамда денгиз маъбудаларини – океанзодаларни бунёд этишади. Ти-

¹ Мифологик ва жуғрофий номларга ҳамда исмларга асар охирида алифбо тартибида изох берилган.

ган Хяпперион билан Теядан: Куёш – Гелиос, Ой – Селена ва қирмизи Тонг – гулбадан Эос (Аврора)лар дунёга келади. Астрей билан Эосдан эса коронги тунда осмонда порловчи юлдузлар ҳамда шамоллар: (жўшқин шимол шамоли Борей, шарқ шамоли Эвр, рутубатли жануб шамоли Нот ҳамда беадад ёмғирга сероб булутни олиб келувчи мулоғим ғарб шамоли Зефир таваллуд топадилар.

Иктидорли Замин титанлардан ташқари, яна учта паҳлавонни – манглайида биттадан кўзи бўлган циклопларни ҳамда бўйи тоғдек дароз, эллик бошли учта девқомат ҳекатонхейрни туғди; бу баҳодирларнинг ҳар бирида юзтадан қўл бўлгани сабабли уларни ҳекатонхейр, яъни юз қўлли деб атадилар. Уларнинг мудҳиш қудратига ҳеч қандай куч бас кела олмайди, уларнинг қудрати – қувваи беҳудуд эди.

Уран ўзининг девқомат фарзандларини ёмон кўриб қолди ва уларни маъбуда Заминнинг зулмат босган энг теран қаърига ҳибс этиб, ёруғ жаҳонга қайта чиқишларини қатъиян тақиқлади. Бу ҳол онаизор Заминни қаттиқ азобга солди. Зеро, вужудидаги даҳшатли азоб унга тинчлик бермасди. Шунда у ўз ўғлонлари – титанларга юзланиб, уларни оталари Уранга қарши бош кўтаришга ундайди, бироқ улар отага қўл кўтаришга кўрқадилар. Фақат кенжа ўғил, маккор Крон ҳийла ишлатиб, отасини тахтдан ағдаради ва бутун ҳокимиятни қўлга олади.

Лекин маъбуда Тун Кроннинг адабини бериш учун бир талай бадкирдор маъбуд ва маъбудаларни туғади. Булар: ўлим – Танат, нифоқ – Эрида, фириб – Апата, маҳвор маъбуд – Кер, ўзи билан гала-гала кўрқинчли оғир тушларни эргаштириб юрувчи уйку – Хипнос, жинояткорларни жазоловчи, бешафқат Немесида ва яна шу каби қатор маъбуд ва маъбудалар эди. Улар ўз падари тахтини эгаллаб ҳукмронлик қилаётган Кроннинг салтанатига даҳшат, адоват, фириб, жанг ва бахтсизлик олиб келадилар.



ЗЕВСНИНГ ТУҒИЛИШИ

Кроннинг ҳокимиятни ҳамиша қўлда тутиб туришига ишончи йўқ эди. У ўз падари Ураннинг бошига не кулфатлар солган бўлса, фарзандлари ҳам унга қарши чиқиб, уни шундай мусибатларга гирифтор қилишидан чўчир эди. Қайтар дунёлигини биларди. Шундай ҳол юз беришидан кўрққан Крон ўз рафиқаси Реяга, ҳар бир тукқан болангни менга олиб келасан, деб амр этади ва уларни туғилган заҳоти, шафқатсизлик билан ямламай ютаверади. Мана, у бешта боласини: Гестия, Деметра, Ҳера, Аид (Гадес) ва Посейдонларни ютиб юборади.

Рея кенжа фарзандидан ҳам жудо бўлишни истамайди. У ота-онаси Уран – Осмон билан Гея – Заминларнинг маслаҳатига кириб, тўлғоқ тута бошлаган пайтда Крит оролига равона бўлади-да, ўша ердаги чуқур бир ғорда ўғли Зевсга кўзи ёриydi. У чақалокни ғорга яшириб қўйиб, золим отага йўргакланган узунчоқ тош олиб бориб тутказди. Крон алданганини сезмай, тошни ютиб юборади.

Зевс эса Крит оролида ўсиб улғаяверади. Санамлар Адрастея билан Идея кичкина Зевсни ардоқлаб, илохий эчки Амалфеянинг сути билан бокадилар. Боларилар сарбаланд Дикта тоғининг ёнбағридан Зевсга асал ташийдилар. Чақалок Зевс ҳар гал биғиллаб йиғлаган пайтида маъбуда Рея ва Зевс ётган ғорни кўриқлаб турган навжувон куретлар бола йиғисини Крон эшитиб қолмасин, унинг бошига ҳам акалари ва опаларининг куни тушмасин деб, шамширларни қалқонларга ура бошлайдилар.

ЗЕВС КРОННИ ТАХТДАН АҒДАРАДИ. ОЛИМПЛИК МАЪБУДЛАРНИНГ ТИТАНЛАР БИЛАН ОЛИШУВИ

Зевс улғайиб, вояга етади. У отасига қарши исён кўтаради ва уни ютиб юборган хушсурат ва мунаввар фарзандлари – худоларни бирин-кетин қусиб, ёруғ жаҳонга қайтаришга мажбур этади. Сўнг ака-ука худолар бирлашиб, жаҳонга ҳукмронлик қилиш учун Крон ва титанларга қарши кураш бошлайдилар.

Бу кураш ниҳоятда даҳшатли ва шиддатли кечади. Кроннинг болалари юксак Олимпни эгаллайдилар. Баъзи бир титанлар, биринчи навбатда, титан Океан, қизи Стикс ҳамда унинг болалари Иштиёк, Иктидор ва Зафарлар кронзодалар томонига ўтадилар. Бу кураш олимплик тангрилар учун ғоятда хатарли эди. Зеро, уларнинг ракиблари – титанлар қудратли ва даҳшатли эди. Лекин шу пайт циклоплар Зевсга ёрдамга етиб келадилар, Зевс учун момақалдироқ ва чақмоқларни оловда тоблаб берадилар. Зевс уларни титанлар устига ёғдиради. Бу кураш ўн йил давом этади, лекин зафар тарозусининг палласи на у томонга, на бу томонга оғади. Ахири Зевс ер қаърида ётган юз қўлли паҳлавонлар – ҳекатонхейрларни ҳибсдан озод қилишга ва улардан мадад сўрашга аҳд қилади. Бу даҳшатли ва тоғдай хайбатли паҳлавонлар ер қаъридан чиқа солиб жангга отиладилар. Улар тоғ чўққиларидан бутун-бутун қояларни юлиб олиб, Олимп пойига бостириб келаётган титанлар устига дўлдек ёғдирадилар. Замин фарёд чекади, фазони ваҳшатли гумбур-гумбур садолари тутиб кетади, атрофдаги ҳамма нарса зир титрайди. Бу жангдан ҳаттоки Тартар ҳам ларзага келади. Зевс ғанимлари устига ўтли чақмоқлар ва кулоқни батанг қилгудек гумбурловчи момақалдироқларни пайдар-пай отади. Натижада бутун рўйи замин

аланга ичида қолади, денгизлар кўпириб қайнайди, қуюқ тутун ва қўланса ис борликни қалин парда бўлиб бурқаб олади.

Ниҳоят, титанлар саросимага тушишади. Улар паҳлавонлар ҳамласига дош бера олмай, жангда мағлуб бўладилар. Олимпиклар уларни кишанбанд этиб, мангу зулматгоҳ – зимистон Тартарнинг қаърига улоқтирадилар. Шунда Тартарнинг метиндек мустаҳкам мис қопқаси олдида юз қўлли паҳлавонлар – ҳекатонхейрлар соқчилик қила бошлайдилар; уларнинг вазифаси қудратли титанларнинг Тартар қаъридан қочиб, озодликка чиқишларига йўл қўймаслик эди.

ЗЕВСНИНГ ТИФОН БИЛАН ОЛИШУВИ

Лекин жанг бу билан тугамайди. Замин маъбудаси – Гея мағлубиятга учраган фарзандлари – титанларнинг ўта шафқатсизлик билан жазоланганини кўриб, олимпик Зевсдан қаттиқ ғазабланади ва зимистон Тартар билан қовушиб, юз бошли сервахшат Тифонни дунёга келтиради. Юзта аждар боши бўлган бу баҳайбат махлуқ ер остидан чиқиб келади ва ваҳшиёна наъра тортиб, ҳавони ларзага келтиради. Итларнинг улиши, одамзод товуши, кутурган буқанинг бўкириши, шернинг ўкириши омихта бўлиб эшитилади бу мудҳиш наърада. Тифоннинг атрофида аланга гуриллайди, унинг зилдек оғир пойи остида замин ларзага келади. Худолар даҳшатга тушиб титрай бошлайдилар. Лекин чакмоқдор Зевс Тифонга қарши мардона отилиб чиқади ва ўртада жанг бошланади. Яна Зевснинг илкида елдиримлар чакнайди, момақалдироқ гумбурлайди. Замин ҳам, осмон гумбази ҳам тамомилā ларзага келади. Титанлар билан олишув пайтида бўлганидек, бутун ер юзини ёрқин аланга қамраб олади. Тифон яқинлашиши биланок денгизлар кўпириб тоша бошлайди. Чакмоқдор Зевс ғаним устига ўзининг юзлаб оловли ўқлари – чакмоқларини ёғдиради; бу чакмоқлардан ҳатто ҳаво ҳам аланга олгандек бўлади. Ниҳоят, Зевс Тифоннинг юзта бошидан биттасини ҳам қолдирмай ёндириб, кулга айлантиради. Тифон ерга гурсиллаб қулайди, шунда бу махлуқ жасадидан чиққан ўтли ҳароратдан теварак-атрофдаги жами нарса эриб оқа бошлайди. Зевс Тифонни кўтариб, уни дунёга келтирган зимистон Тартарнинг қаърига улоқтиради. Лекин Тифон Тартарда ётиб ҳам худоларга ва бор жонзотга таҳдид қилаверади. У бўронларни уйғотади, вулконларни кўзғотади; ярим аёл-ярим илон Эхидна билан қовушиб, икки бошли ит Орфни, жаҳаннам кўппаги Кербер (Цербер)ни, Лерна аждарини ва Химерани дунёга келтиради. Тез-тез ерни ларзага солиб туради.

Олимпик худолар ўз ғанимлари устидан зафар қозонадилар. Энди ҳеч бир жонзот уларнинг ҳукмронлик қуввасига қарши бош кўтара олмайди.

Худолар энди дунёда бемалол ҳукмронлик қилишлари мумкин эди. Улар орасида энг қудратлиси бўлган чакмоқдор Зевс самони, Посейдон – денгизни, Аид – мархумлар руҳининг ер ости салтанатини ўз тасарруфига олади. Замин эса ҳаммаларининг умумий мулки бўлиб қолади. Гарчи кронзодалар бутун жаҳонни ўзаро бўлишиб олган бўлсалар ҳам, само султони Зевс қолган барча худолар устидан ҳукмронлик қилади; у ҳам бандаларга, ҳам худоларга подшолик қилади, бутун оламни бошқаради.

ОЛИМП

Зевс мунаввар Олимпнинг юксак чўккисиди, худолар жамоаси даврасида ўтириб ҳукмронлик қилади. Унинг завжаси Ҳера ҳам, зулфизар Аполлон билан унинг синглиси Артемида ҳам, соҳибжамол Афродита ҳам, Зевснинг иқтидорли қизи Афина ҳам, яна жуда кўп маъбуду маъбудалар ҳам шу ерда истиқомат қиладилар. Уч нафар гўзал Оралар юксак Олимпга кирадиган қопқани кўриқлаб турадилар; худолар заминга тушишни ихтиёр қилган чоғда ёхуд Зевснинг мунаввар кўшкига кўтарилишаётганида бу дилбар қизлар олий маскан дарвозасини буркаб олган қуюқ булутларни кўтариб турадилар. Олимп узра жуда юксакда бепоён тубсиз осмон бўлиб, у ердан мудом заррин шуъла ёғилиб туради. Зевс салтанатида на ёмғир, на қор бўлади; у ерда мангу чароғон, фарахбахш ёз фасли ҳукм суради. Куйида булутлар кўпириб, ғужғон ўйнайди ва ахён-ахёнда жуда олисда ястанган ер юзини буркаб олади. У ерда, заминда баҳор ва ёз фасллари куз ва қиш фасллари билан алмашинади, қувонч ва шодлик ўрнини бадбахтлик ва ғам-ғусса эгаллайди. Тўғри, худолар ҳам ғам чекадилар, лекин уларнинг ғами тез ўтиб кетиб, Олимпда яна вақтичоғлик ҳукм сура бошлайди.

Худолар Зевс ўғли Ҳефест қурган олтин қасрларда базм қиладилар. Шоҳ Зевс сарбаланд олтин тахтда ўтиради. Унинг мардонавор, кўркам илоҳий чехрасида ҳукмдорларча хотиржамлик ва беназир қудрат акс этади. Унинг тахти ёнидан тинчлик-тотувлик маъбудаси Эйрена билан чакмоқдорнинг доимий ҳамроҳи, музаффарият маъбудаси қанотли Никей жой олган. Мана, кўшкка Зевснинг завжаси муаззама маъбуда Ҳера кириб келмоқда. Зевс ўз хотинини беҳад эъзозлайди; никоҳ ҳомийси бўлмиш Ҳерани Олимпдаги барча тангрилар ҳурмат қиладилар. У серҳашам либосда, чиройи кўзларни қамаштириб базмгоҳга кириб келганида жами худолар оёққа қалқиб, чакмоқдорнинг завжасига таъзим бажо қиладилар. Ўз қудратидан мағрур Ҳера олтин тахт томон юриб келиб, худолар ва одамлар шоҳи Зевснинг ёнига ўтиради. Сармаликанинг ёнида унинг муждачиси, камалак маъбудаси соҳибасининг амрини дарҳол адо этишга ҳозир у нозир тезучар Ирида камалаксимон қанотларида рўйи заминнинг энг чеккасига ҳам «ғув» этиб учиб боришга шай туради.

Худолар ишрат қиладилар. Зевснинг кизи навнихол Ҳеба ва арзанда-си – Троя подшоҳининг ўғли, Зевс томонидан боқий умр ато этилган Ганимед худоларга амброзия¹ ва обихаёт тортадилар. Дилбар хариталар ҳамда музалар ўз кўшиқ ва рақслари билан тангриларга ҳузур бахш этадилар. Улар қўл ушлашиб давра куриб, кўшиқ айтадилар, худолар эса уларнинг нафис ҳаракатларини, ғоятда мафтункор, мангу навкирон ҳуснларини мароқ билан томоша қилиб ўтирадилар. Шундай базмлар пайтида худолар барча ишларни бажарадилар, бутун жаҳон қисмати ва одамлар тақдирини белгилайдилар.

Зевс Олимпдан туриб ўз неъматларини бандаларига юборади ва ер юзида тартибни, қонунларни жорий қилади. Жами одамзоднинг қисмати – бахту бадбахтлик, эзгулигу ёвузлик, ҳаёту мамот – бари Зевснинг ихтиёрида. Зевс қасрининг қопқаси ёнида иккита катта хум туради. Биринчи хум эзгулик, иккинчи хум ёвузлик неъматлари билан тўлдирилган. Зевс шу хумлардан эзгулик ва ёвузликни чўмичлаб олиб, одамларга инъом этади. Чакмоқдор ёвузлик тўлдирилган хумдан инъом қилган кишининг шўри қуриydi. Зевс рўйи заминда жорий қилган тартибни бузган, унинг қонунларига риоя қилмаган банданинг ҳам шўрига шўрва тўқилади. Кронзода қуюқ қошларини таҳдидона чимирса, бутун осмонни қора булут буркайди. Бузург Зевс ғазабланса, бошида сочи мудҳиш тиккаяди, кўзлари бетоқат чакнайди; у илкани силкиса – момақалдироқ гумбури бутун осмонни тутайди, ўтли чакмоқ чакади, юксак Олимп ларзага келади.

Қонунларни ёлғиз Зевс қўриқламайди. Унинг тахти ёнида қонунларни қўриқловчи маъбуда Фемида туради. У чакмоқдорнинг амри билан мунаввар Олимпда худолар мажлисини, ерда эса халқ йигинларини чақиради, Зевс жорий қилган тартиб ва қонунлар бузилмаслигини кузатиб боради. Зевснинг кизи, адлия ишлари нозири маъбуда Дикэ ҳам Олимпда истиқомат қилади. Дикэ Зевснинг қонунларига риоя қилмаган ноодил ҳакамлар ҳақида хабар қилса, бузург тангри ундай нобакорларни дарҳол қаттиқ жазога мустаҳиқ этади. Маъбуда Дикэ – ҳақиқат ҳомийси, фирибгарликнинг душмани.

Зевс оламда тартиб ва ҳақиқатни қўриқлайди, одамларга бахту иқбол ҳамда мусибат йўллайди.

Ва лекин, бахту бадбахтликни одамларга гарчи Зевс ато этса ҳам, одамзод қисматини мунаввар Олимпда яшовчи бешафқат тақдир маъбудалари – мойралар ҳал қилишади. Ҳаттоки, Зевснинг ҳам тақдири уларнинг қўлида. Жамики фоний бандалару боқий худолар қисмат олдида ожиздилар. Худолар ва бандаларга қисмат қилинган нарсаларнинг ҳеч бирини ўзгартира олишга қодир куч йўқ. Тақдирга тан бериб, унга бўйин эгиш-

¹ Амброзия – ҳукмдорларнинг хушбўй таоми; уни истеъмол қилган худолар мангу ёш ва боқий бўлармиш.

дан бўлак илож йўқ. Тақдир амридан ёлғиз мойраларгина воқифдирлар. Мойра Клото одамзоднинг ҳаёт ипини йигириб, унинг яшаш муддатини белгилайди. Ип узилса – умр тугайди. Мойра Лахесис одамнинг қисмати ёзилган қуръани кўрмай туриб чиқариб олади. Мойралар белгилаб берган тақдирни ҳеч ким ўзгартира олмайди, зеро, учинчи мойра – Атропос икки опаси томонидан белгиланган одамзод ҳаётидаги барча нарсаларни узундан-узун ўрамга ёзадики, ушбу тақдир ёзиғи муқаррардир. Бераҳм муаззам мойралар бадқаҳрдирлар.

Олимпда яна бахту иқбол ва роҳат-фароғатли қисмат маъбудаси ҳам бор. Бу – маъбуда Тюхэ. У мудом лиммо-лим ноз-неъмат мугузидан, бир вақтлар гўдак Зевс сути билан боқилган илоҳий эчки Амалфеянинг мугузидан, одамларга неъмат улашади, бинобарин, ҳаёт йўлида бахту иқбол маъбудаси Тюхэга рўпара келган одам бахтиёр яшайди. Водариг, бундай ҳол ғоят кам содир бўлади. Ҳозиргина неъматидан баҳраманд этган маъбуда Тюхэ юз ўғирган одамнинг эса ҳолига вой!

Зевс бутун ер юзида тартиб ўрнатиб, Олимпдаги нурафшон худолар жамоаси даврасида шундай ҳукмронлик қилади.



ПОСЕЙДОН ВА ДЕНГИЗ ИЛОҲЛАРИ



Денгизнинг теран қаърида чақмоқдор Зевснинг оғаси зилзилакор Посейдоннинг ғоят мўъжизавий қасри бор. Посейдон барча денгизлар ҳукмдори, у уч айрили даҳшатли асо тутган қўлини бироз бўлса-да силкиса, денгиз тўлкинлари унга дарҳол итоат этадилар. Посейдон билан бирга унинг соҳибжамол рафиқаси, соҳибқаромат денгиз қарияси Нерейнинг кизи, Посейдон отасининг уйдан ўғирлаб келган Амфитрита ҳам денгиз тубида яшайди. Зилзилакор тангри кунларнинг бирида Наксос ороли соҳилида бу қиз опа-сингиллари билан давра куриб ўйин-кулги килаётганини кўриб қолади. Шунда денгиз худоси гўзал Амфитритага мафтун бўлиб, ўз жангаробасида уни олиб кетмоқчи бўлади. Лекин Амфитрита осмон гумбазини кудратли елкасида кўтариб турган титан Атласни кига яширинади. Посейдон Нерейнинг дилбар қизини узоқ вақт топа олмайди. Ниҳоят, юнус балиқ (дельфин) қиз қаерга беркинганини айтиб беради – бу хизмати учун Посейдон юнус балиқни самовий юлдузлар туркумига киритади. У Нерейнинг соҳибжамол қизини Атласниқидан ўғирлаб, унга уйланади.

Шундан бери Амфитрита эри Посейдон билан сув ости қасрида яшайди. Қаср узра юксақда денгиз тўлкинлари тинмай шовуллайди. Посейдоннинг атрофида унинг амрига мунтазир бўлган денгиз илоҳлари парвона. Улар орасида Посейдоннинг ўғли Тритон ҳам бор; у чиганок бурғусини

баралла чалганида даҳшатли бўрон кўтарилади. Бу илоҳлар ва маъбудалар орасида Нерейнинг кизлари, Амфитританинг опа-сингиллари ҳам бор. Посейдон денгиз устидан ҳукмронлик қилади. Посейдон ғаройиб отлар қўшилган жангаробасида денгиз узра учиб бораркан, тиним билмас долғалар икки тарафга айрилиб, ўз ҳукмдорига йўл очадилар. Гўзалликда Зевсдан қолишмайдиган Посейдон поёни йўқ уммон узра ўқдек учиб боради, шунда унинг атрофида юнусбалиқлар жавлон уради, денгиз тубидан сузиб чиққан балиқлар унинг жангаробасини ўраб олишади. Посейдон уч айрили даҳшатли асосини силкитса, ўрқачларини оппоқ кўпик коплаган тўлқинлар тоғ-тоғ бўлиб кўтарилади ва денгиз узра шиддатли қуюн қутиради. Шунда денгиз долғалари ўшқириб келиб соҳилдаги қояларга урилиб, заминни ларзага келтиради. Лекин Посейдон қудратли асосини тўлқинлар узра чўзгани ҳамон улар тинчийди. Бўрон тиниб, денгиз тинчийди, сатҳи ойна мисоли теп-текис бўлиб, ҳадсиз-худудсиз зангори уммоннинг қирғоққа оҳиста чўлп-чўлп урилганигина эшитилади.

Зевснинг оғаси Посейдон кўплаб худолар қуршовида яшайди. Улар орасида истиқболнинг барча ниҳоний сирларидан вокиф бўлган соҳибқаромат денгиз қарияси Нерей ҳам бор. Нерейга ёлғону фирибгарлик ёт, у худолар ва бандаларга фақат ҳақиқатни очади ва маслаҳатлар беради. Нерейнинг элликта дилбар қизи бор. Бу навниҳол қизлар ўз илоҳий хуснларини кўз-кўз қилиб, уммон тўлқинида шўх-шўх ўйнайдилар. Улар денгиз қаъридан қўл ушлашиб, турнақатор тизилишиб чиқадилар ва тинчиб қолган денгиз тўлқини «шалп-шалп» этиб мулойимгина урилаётган қирғоқда давра қуриб қўшиқ айтадилар. Қизларнинг сокин денгиз шовуллашини эслатувчи нафис қўшиқлари соҳилдаги қояларда акс садо бўлиб янграйди. Нерей қизлари бахрийларга ҳомийлик қилишади ва уларнинг сафарларини бехатар қилишади.

Денгиз илоҳлари орасида қария Протей ҳам бор, у ўз қиёфасини денгиз мисол ўзгартириб туради ва хоҳлаган пайтида турли ҳайвон ё баҳайбат махлукқа айлана олади. У ҳам соҳибқаромат худолардан, фақат уни ғафлатда қолдириб тутиб ола билиш ва ғойибдан хабар беришга мажбур эта олиш керак. Зилзилакор Посейдоннинг ҳамроҳлари орасида маллоҳлар ва балиқчиларнинг пушти-паноҳи тангри Главк ҳам бор, у ҳам башорат қилиш қобилиятига эга. Кўпинча у денгиз тубидан сузиб чиқиб, бандаларга ғойибдан хабар беради, доно маслаҳатлар такаллум қилади. Денгиз илоҳлари қудратли, ҳокимиятлари чексиз, аммо уларнинг ҳаммаси устидан бузург Посейдон ҳукмрондир.

Барча денгизлар ва бутун замин атрофидан иззат-эътибор ва шон-шуҳратда Зевсга тенг буюк худо – мўйсафид Океан¹ оқиб ўтади. У жуда-

¹ Юнонлар Океан сувлари бутун ер атрофидан муттасил равишда айланиб оқаверади, деб фараз қилишган.

жуда олисда, дунёнинг энг чекка сарҳадида яшайди, рўйи замин ташвиши билан унинг мутлако иши йўқ. Океаннинг уч минг ўғли – дарё тангрилари ва уч минг кизи – жилғалару чашмалар маъбудалари бор. Унинг ўғил-кизлари ўзларининг мангу оқиб турувчи обихаётлари билан бандаларга маъмурлик ва қувонч бахш этадилар, улар рўйи заминни ва барча жонзотларни ўз сувларидан бахраманд этадилар.

ЗИМИСТОН АИД (ПЛУТОН) **САЛТАНАТИ¹**

Зевснинг бадқаҳр, бадқовоқ оғаси Аид Заминнинг теран қаърида хукмронлик қилади. Унинг салтанатини зулмат ва даҳшат ўз оғушига олган. У ерга нурафшон куёшнинг шодон нурлари ҳеч қачон тушмайди. Бу ғурбатгоҳ Аид салтанатига тубсиз жарликлардан тушиб борилади. У ерда сим-сиё дарёлар оқади. Муқаддас Стикс дарёси ҳам шу ердан оқиб ўтади. Бу шундай дарёки, худоларнинг ўзи ҳам Стикс суви билан қасам ичишади.

У ердан яна Коцит ва Ахеронт дарёлари тўлқинланиб оқади; бу дарёларнинг шумшук соҳиллари арвоҳларнинг фарёдидан ларзага келади. Ер ости салтанатида яна Лета дарёси ҳам мавж уриб оқади, унинг сувини ичганлар хотирасидан барча дунёвий нарсалар тамомила фаромуш бўлади². Аид салтанатининг раиғпар, заҳил ёввойи лолаларга бурканган далаларида марҳумларнинг жисмсиз енгил руҳлари кезиб юради. Улар ўзларининг рўшнолик кўрмай, беэиё ва бешукуҳ ўтаётган ҳаётларидан зорланадилар. Оху нолалари худди куз шамоли учирган сўлғин баргларнинг шитирлашидек, зўр-базўр эшитилади. Бу андуҳ масканидан ҳеч ким қутулиб чиқиб кета олмайди. Зеро, салтанат қопқасини уч бошли кўппак Кербер кўриқлайди, унинг бўйнида даҳшатли илонлар мудом вишиллаб тўлғаниб туради. Марҳумлар руҳини Аид масканига сим-сиё Ахеронт дарёсидан қайикда олиб ўтувчи тошбағир қария Харон ҳам ҳеч бир арвоҳни тириклик куёши порлаб турган ерга қайтариб олиб ўтишга рози бўлмайди.

Сим-сиё Аид салтанатида марҳумлар руҳи абадий рўшносизликка маҳкум этилган.

¹ Қадимги юнонлар Аид салтанатини, яъни марҳумлар руҳи масканини қоп-қоронғи, мудҳиш гўша деб, у дунёдаги ҳаётни эса бадбахтлик деб тасаввур қилганлар. Шунинг учун ҳам Ҳомер достонининг қаҳрамони Одиссей ер ости салтанатидан чакиртирган Ахилл арвоҳи: «Аид салтанатида шоҳ бўлгандан, ер юзида энг қашшоқ дехкон бўлган афзал», – дейди.

² «Кануло в Лету», яъни «мангу унутилди» деган ибора шундандир.

Дунёвий ҳаётнинг на ёруғлиги, на қувончию ғам-ғуссаси кириб борадиган мана шу салтанатда Зевснинг биродари Аид ҳукмронлик қилади.

У ўз рафиқаси Персефона билан олтин тахтда ўтиради. Бешафқат интиком маъбудалари Эриниялар¹ Аиднинг амрига мунтазирдирлар. Илонлар ва қамчилар билан қуролланган бу даҳшатли маъбудалар жиноятчиларни таъқиб қилиб, уларга бир зум ҳам тин бермай, мудом виждон азобида қийнайдилар: улардан қочиб қутулиб бўлмади, таъқиб қилган одамларини қаердан бўлса ҳам топиб оладилар. Аиднинг тахти ёнида марҳумлар салтанатининг ҳакамлари – Минос билан Радамант ўтиради. Тахт қошида елкасига қора ридо ташлаган ўлим худоси Танат қўлида шамшир билан туради. У қўлида шамшир билан, жон таслим қилаётган одамнинг сочидан бир тутамини кесиб, жонини суғуриб олиш учун унинг тепасига учиб борганида, унинг тимқора маҳобатли қанотлари лаҳад изгиринини олиб келади. Танатнинг ёнида тунд Кералар ҳозир унозири. Улар жанг майдони узра шиддат билан учиб юрадилар. Кералар жангда бирин-кетин маҳв бўлаётган сипоҳларни кўриб беҳад қувонадилар; ярадорларнинг жароҳатига қип-қизил лабларини босиб, қайноқ қонини жон-жаҳдлари билан сўрадилар ва танасидан жонини суғуриб оладилар.

Навкирон ва гўзал уйку худоси Ҳипнос ҳам шу ерда, Аиднинг тахти олдида. У қўлида кўкнор ғунчалари билан замин узра товушсиз учиб юради ва мугуздан одамлар устига ухлатадиган шарбат қуяди. Сўнг у ўзининг мўъжизакор асосини фоний бандалар кўзига охиста теккизиб, қовоқларини юмади ва уларни маст уйкуга ғарқ этади. Тангри Ҳипноснинг қудрати беназир, унга бандалар ҳам, худолар ҳам, ҳаттоки, чакмоқдор Зевснинг ўзи ҳам монелик қила олмайди: Ҳипнос, ҳатто, шу бузург худонинг ҳам пурдаҳшат кўзларини юмиб, унга маст уйку ато этади.

Аиднинг зулмат салтанатида туш худолари ҳам учиб юради. Улар орасида кароматли ва қувончли туш тангрилари бор, лекин, шунингдек, одамларни даҳшатга, изтиробга солувчи кўрқинчли туш худолари ҳам учрайди. Яна бу ерда ёлғон туш худолари ҳам йўқ эмас: бу худолар одамни калака қилиб, аксар пайт ўлимга рўпара қиладилар.

Аид салтанатининг ҳаммаёғи даҳшат. У ерда эшакоёк Эпмуснинг мудҳиш шарпаси қоронғи гўшаларни ўзига маскан қилиб олган; бу шарпа тунги зулматда одамларни ҳийла билан хилват жойларга олиб бориб, қонларини бир томчи ҳам қолдирмай сўриб олади ва ҳали жони узилмасданок жасадларини еб юборади. У ерда яна даҳшатли махлук Ламия изғиб юради; у кечалари бахтиёр оналарнинг ётоқларига кириб, чақалоқларини ўғирлаб кетади ва бу мурғакларнинг қонини сўради. Бу машъум шарпалар ва даҳшатли махлуклар устидан муаззама маъбу-

¹ Эриния сўзи дарғазаб деган маънони билдиради.

да Ҳеката ҳукмронлик қилади. Унинг учта боши, учта танаси бор. У ой чиқмаган қоронғи кечаларда ўзининг даҳшатли мулозимлари билан, Стикс дарёси соҳилида яшовчи баҳайбат итлар қуршовида катта йўлларда ва қабрлар яқинида тентираб юради. У замин аҳли бошига даҳшатлар солади, уларга қўрқинчли тушлар юбориб, жонларини олади. Одатда, сеҳргарлик қилувчилар Ҳекатадан мадад сўрайдилар, лекин айни пайтда, бу маъбуда уч томонга айрилган йўлларда унга сиғиниб, қурбонликка ит сўйган одамларни ўз химоятига олади ва уларга қарши қаратилган сеҳр-жодуга барҳам беради.

Қисқаси, Аид салтанати ғоят мудҳиш, одамзод ундан ҳазар қилади¹.



ҲЕРА

Маъбуда Ҳера – Зевснинг завжаси: у никоҳга ҳомийлик қилади, никоҳ риштасининг муқаддас ва мустаҳкамлигини сақлайди.

Зевс томонидан маҳв этилган Крон Ҳерани, унинг оға-ини ва опасингилларини қусиб ёруғ жаҳонга қайтарганидан кейин, маъбуданинг онаси Рея уни ер юзининг энг чеккасига, мўйсафид Океан қошига элтиб қўяди; у ерда Ҳерага Фетида тарбия беради. Ҳера узок вақт Олимпдан олисда сокин ва осойишта ҳаёт кечиради. Лекин кунларнинг бирида унга чакмоқдор Зевснинг кўзи тушадию шайдо бўлиб қолади ва уни Фетиданикидан ўғирлаб кетади. Худолар Зевс билан Ҳеранинг тўйини дабдаба билан ўтказишади. Ирида ва Хариталар Ҳерани ҳашаматли либослар билан ясантирадилар, шунда у олимпик худолар даврасида салобатли латофати билан куёшдек порлаб, Зевс билан ёнма-ён олтин тахтга ўтиради. Барча худолар сармалика Ҳерага бебаҳо тухфалар тортиқ этадилар, Заин маъбудаси Гея эса, Ҳерага армуғон қилиш учун ўз бағридан олтиндан мева соладиган ажиб олма дарахти ўстириб чиқаради. Бутун борлиқ Ҳера билан Зевсга ҳамду сано айтади.

Ҳера – сарбаланд Олимп маликаси. У ҳам, эри Зевс сингари, момақалдироқ ва чакмоқларга ҳокимлик қилади, унинг амри билан ёмғирли қора булутлар бутун осмонни буркайди, бир қўл ишораси билан даҳшатли бўрон кўтаради.

Муаззама Ҳера ғоятда гўзал. Бошидаги тожи остидан ажиб кокилла-ри кўнғироқ-кўнғироқ бўлиб чикиб туради, унинг нигоҳларида бамайлихотир салобат учкунлари акс этади. Худолар Ҳерани эъзозлайдилар, эри булуткувар Зевс ҳам уни иззат қилади, у билан тез-тез маслаҳатлашиб туради. Лекин Зевс билан Ҳера тез-тез жанжаллашиб ҳам туришади. Аксар пайт Ҳера Зевснинг каломларига эътироз билдиради ва худолар кенгаши-

¹ Ер ости худолари, асосан, табиатнинг маҳвор қувваларини ифодалаган, улар Олимпдаги худолардан анча қадимийроқдир. Халқ уларга кўпроқ эътиқод қўйган.

да эри билан мубоҳаса қила бошлайди. Бундай пайтларда чакмоқдорнинг ғазаби қайнайди ва Ҳеранинг адабини беришини айтиб, пўписа қилади. Ҳера тилини тийиб, шаштидан қайтади. Бир вақтлар Зевс унинг икки оёғига зилдай оғир икки сандонни боғлаб, ўзини олтин занжир билан осмону ер ўртасига муаллақ осиб қўйганини ва беаёв қамчилаганини эслаб жим қолади.

Ҳеранинг қудрати беназир, ҳукм борасида унга тенг келадиган бирон-та ҳам маъбуда йўқ. Бу улғусифат маъбуда Афина ўз қўли билан тўқиган узун серҳашам кўйлакни кийиб, бир жуфт бокий от қўшилган жангаробага чиқади-да, Олимп чўққисидан заминга тушиб келади. Жангароба сиймдан, ғилдираклари соф олтиндан, кегайлари ялтироқ мисдан. Ҳера босиб ўтган ерларда ҳамма ёққа муаттар ҳидлар тарқалади. Тирик жон борки, ҳаммаси Олимпнинг муаззама маликаси қаршисида бош эгади.



Овидийнинг «Метаморфозалар» достони асосида баён қилинади

Зевс Ҳерани тез-тез ранжитиб турарди. У соҳибжамол Иони севиб қолганида ҳам шундай бўлганди. Зевс севгилисини Ҳерадан пинҳон тутиш учун Иони сигирга айлантиради. Лекин чакмоқдор худо шунда ҳам Иони қутқара олмайди. Ҳера сутдек оппоқ сигирни, яъни Иони кўриб қолади ва эридан, уни менга тухфа эт, деб талаб қилади. Зевс хотинининг сўзини икки қила олмайди. Ҳера Иони қўлга киритгач, унга юзта кўзли Аргусни пойлоқчи қилиб қўяди. Шўрпешона Ио ўзининг қандай изтироб чекаётгани ҳақида ҳеч кимга зорлана олмас эди, негаки, сигирга айлантирилган чоғиданоқ гапириш қобилиятидан маҳрум бўлган эди. Ғафлат нималигини билмайдиган Аргус Иони кечаю кундуз сергаклик билан қўриқлайди. Зевс Ионинг азоб чекаётганини кўриб турарди. Ниҳоят, у ўғли Ҳермесни чакириб, унга Иони ўғирлашни амр этади.

Ҳермес юзта кўзли Аргус пойлоқчилик қилиб турган тоғ чўққисига ғизиллаб чиқади. Бу ерда у ўзининг ширинсухан нутқлари билан Аргусни аллалаб ухлатади. Ниҳоят, бу махлукнинг ҳамма кўзлари битта қолмай юмилади, шунда Ҳермес ёнидан учи қайрилган шамширини чиқариб, бир зарба билан Аргуснинг калласини чўрт узиб ташлайди. Ио озод қилинади. Лекин шундан кейин ҳам Зевс Иони Ҳеранинг қаҳридан халос эта олмайди. Маъбуда бахтиқаро Иони чакқани разил бир сўнани юборади. Сўна Ионинг баданига ништарини тинимсиз санчиб, шўрликни мамлакатма-мамлакат қувиб юраверади. Бу азобдан телба бўлаёзган жафокаш Ио ўзини қўярга жой топа олмай, шаталоқ отиб узоқ-узоқ юртлар-

га қочи́б кетади, аммо сўна унинг орқасидан учи́б бораверади ва лаҳза сайин қиздирилган косовдек азобкаш ништарини бечоранинг баданига санчаверади. Ио босиб ўтмаган ер, бормаган ўлка қолмайди! Нихоят, у дарбадарликда узоқ вақт овораи жаҳон бўлиб юргач, скифлар¹ мамлакатига етиб боради, бу ерда у қоятошга занжирбанд этилган паҳлавон Прометейни кўради. Прометей бахтиқаро Иога фақат Миср мамлакатадагина бу азоблардан фориг бўлиши мумкинлигини айтади. Шунда сўна таъкибидаги Ио яна шамолдек югуриб кетади. У Миср тупроғига етиб боргунча кўп азобу уқубатларни бошидан кечиради. Ўша ерда, сернеъмат, сербарака Нил дарёсининг соҳилидагина Зевс Иони аввалги киёфасига қайтаради, бу ерда дилбар Ионинг кўзи ёриб, Эпаф дунёга келади. Эпаф Мисрнинг энг биринчи подшоҳи ва қаҳрамонлар авлодининг бобокалони эди. Юнонистоннинг энг бузург қаҳрамони Ҳеракл ҳам шу паҳлавонлар сулоласидан эди.



АПОЛЛОН



АПОЛЛОННИНГ ТУҒИЛИШИ

Зиё тангриси зулфизар Аполлон Делос оролида дунёга келади. Унинг онаси маъбуда Ҳера томонидан қувғин қилинган Латона ўзини кўярга жой топа олмайди. У Ҳера юборган аждар Пифондан қочи́б, овораи жаҳон бўлиб юради ва ахири ўша замонларда серталотум денгиз тўлкинларида чайқалиб сузиб юрган Делос оролидан паноҳ топади. Латона Делос заминига қадам қўйиши билан, денгиз қаъридан маҳобатли устунлар ўсиб чиқиб, бу хилватгоҳ оролнинг сув бетида қалқиб юришига барҳам беради. Шундан буён бу орол ҳозирги жойида кимир этмай туради. Делоснинг гир атрофида денгиз шовуллайди. Ундаги тақир қояларда, ҳатто, гиёҳ ҳам унмайди. Ёлғиз денгиз оқ чорлоқларигина бу ерга ин қуриб бола очадилар. Лекин, мана, зиё тангриси Аполлон дунёга келади-ю, ҳаммаёқ чароғон бўлиб, чамандек яшнаб кетади. Соҳилдаги қоялар ҳам, бу ердаги Кинт тоғи ҳам, водий ҳам, денгиз ҳам чарақлай бошлайди. Оролга тўпланган маъбудалар янги туғилган тангрига баралла ҳамду сано айтадилар, уни илоҳий неъматлару обиҳаёт билан боқадилар. Маъбудаларга жўр бўлиб бутун табиат шодланади.

¹ *Скифлар* – жуда қадимда Қора денгизнинг шимолий соҳилида яшаган қабилаларнинг умумий номи.

АПОЛЛОННИНГ АЖДАР ПИФОН БИЛАН ОЛИШУВИ ВА ДЕЛЬФА¹ БАШОРАТГОҲИГА АСОС СОЛИНИШИ

Мунаввар Аполлон қўлида кифара² билан, елкасига кумуш камон осиб, ложувард осмонга парвоз этади; унинг садоғида олтин ўқлар жаранглайди. Аполлон зулмат самараси бўлмиш жамики ёвузликларга таҳдид солиб, заминдан жуда-жуда юксакда мағрур ва шодон учади. У онаси Латонага тинчлик бермай таъқиб қилган Пифондан онаси Латонага қилган барча бадқирдорлиги учун ўч олмоқ ниятида унинг макони сари интиларди.

Аполлон Пифоннинг макони – машъум водийга зумда етиб боради. Ҳаммаёқда азим қоялар осмонга бўй чўзиб турарди. Водий зулмат оғушида. Кутурган тоғ сели жар тубида оппоқ кўпириб, шовуллаб оқиб тушади, оқим узра эса туман ястанган. Мана, ваҳшатли Пифон ўз уясидан ўрмалаб чиқди. Унинг бошидан думининг учигача тангачалар билан қопланган баҳайбат гавдаси қоялар орасида кулча-кулча бўлиб буралар, тўлғанарди. Аждарнинг зилдек оғир вужудидан тоғлар ва қоялар ларзага келиб, ҳатто, жойларидан силжирдилар ҳам. Бадқаҳр Пифон ҳаммаёқни харобага айлантирар, ҳар томонга ажал уруғини сочарди. Даҳшатга тушган санамлару жами жонзотлар зада бўлишиб, бу ердан узоқ-узоқларга қочардилар. Мана, кутурган Пифон баҳайбат гавдасини ростлади ва мудҳиш комини очиб, Аполлонни ютишга шайланди. Шунда Аполлон қўлидаги кумуш камоннинг чилласи³ даранглайдию мўлжалга беҳато тегувчи олтин ўқ ҳавода яшиндек яраклайди, бу ўқдан сўнг орқама-орқа иккинчи, учинчи ўқ учади; Аполлоннинг ўқлари аждар устига ёмғирдек ёғилади ва, ниҳоят, унинг жони узилиб, ер тишлайди. Шунда диловар Аполлоннинг тантанавор зафар қўшиғи (пэан) баралла янграйди ва бу қўшиққа тангри илкидаги кифаранинг олтин торлари жўр бўлади. Пифон устидан ғалаба қозонган Аполлон бу махлуқнинг жасадини муқаддас Дельфа жойлашган ерга кўмиб ташлайди ва ўз падари Зевс иродасини бандаларга ғойибдан хабар қилиб туриш учун бу шаҳарда муқаддас ибодатгоҳ ва башоратгоҳ барпо этади.

¹ Рус тилида кўплик сон билан ифодаланган жойларнинг номлари (масалан, Дельфы, Афины ва б.) талаффузга қулай бўлиши учун ўзбек тилида бирлик сонда, женский родда ёзилди (масалан, Дельфа, Афина, Фива ва б. – *таржимон*).

² *Кифара* – Қадимги Юнонистонда торли мусиқа асбоби; у кўп жиҳатдан лирага ўхшаб кетса ҳам, ҳажман ундан кенгрок ва калтарок. Кифаранинг акустик хусусияти лирадан сифатлирок, унинг торлари кўпроқ ва жаранглаш қобилияти зўрроқ. Созанда унинг торларини бармоқлари билан ёхуд плектор (яъни, махсус чўп) билан чалган.

³ Камоннинг чилласи – камоннинг ипи.

Бир кун Аполлон юксак қоя чўққисида турганида, олис денгизда критлик баҳрийлар кемасини кўриб қолади. У юнус балиққа айланиб, мовий денгизга шўнгийди ва зумда кемага етиб олиб, денгиз тўлкинлари орасидан чароғон юлдуз бўлиб отилиб чиқади-да, кема куйруғига инади. Сўнг у кемани Криса шахрининг бандаргоҳи томон бошлайди, Крит баҳрийларини ҳосилдор далалардан олиб ўтиб, Дельфага олиб келади. Бу ерда улар Аполлон ибодатгоҳининг илк коҳинларига айланадилар.

ДАФНА

Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Мунаввар худо Аполлон ҳам ғам-андуҳ нималигини билган. У Пифонни маҳв этганидан кейин сал вақт ўтар-ўтмас қайғуга ботади. Мудҳиш махлуқ жасади тепасида ўз ғалабасидан мағрурланиб турганида, ёнида олтин камонининг чилласини тортиб ўзини нишонга олаётган севги илоҳи Эротни кўриб қолади. Шунда Аполлон унга кулиб туриб дейди:

– Сенга не ҳожат бундай даҳшатли қурол, о болакай? Маҳвкор олтин ўқларни нишонга отишни менга қўйиб бер, ана, ҳозир ҳам ўқ отиб Пифонни ер тишлатдим. Мендек новакандоз тангрига тенг келиш йўл бўлсин сенга!

Бу гапдан кўнгли ранжиган Эрот Аполлонга шундай жавоб қилади:

– О Феб-Аполлон, тўғри, сенинг ўқларинг нишонга бехато уради, илло менинг ўқим сенга ҳам шикаст етказгай.

Эрот шундай деб, олтин қанотларини қоқадию кўз очиб-юмгунча сарбаланд Парнасинг чўққисига учиб чиқади. Ўша ерда у садоғидан иккита ўқ олади ва муҳаббат туйғусини уйготувчи биринчи ўқ билан Аполлоннинг юрагини жароҳатлайди; севгини маҳв этувчи иккинчи ўқ билан эса, дарё худоси Пенейнинг қизи санам Дафнанинг юрагини нишонга олади.

Аполлон кунларнинг бирида сохибжамол Дафнани учратиб, уни астойдил севиб қолади. Лекин Дафна заркокил Аполлонни кўргани ҳамоно худди ёв қувгандек қоча бошлайди: чунки Эрот муҳаббатни маҳв этувчи иккинчи ўқи билан шу санамнинг қалбини жароҳатлаган эди-да. Кумушкамон тангри санам орқасидан югуради.

– Тўхта, эй сохибжамол санам, – деб ҳайкиради Аполлон, – нечун менадан худди бўри қувган кўзичоқдек қочмоқдасан? Ахир мен ғаним эмасман-ку! Қара, оёқларингни тиканлар тилиб қонатиб юборди. О, сабр қил, бир дам тўхта! Ахир мен хашаки бир подачи эмас, балки чақмоқдор Зевсининг ўғли – Аполлон бўламан.

Лекин сохибжамол эшитиб, яна-да тезроқ қочиб борарди. Аполлон ҳам унинг ортидан елдек учиб бораверди. Мана, у санамга етай деб қолди. Ҳозир қувиб етади! Дафна Аполлоннинг нафас олишини эшитади. Шунда мажоли қуриб ҳоли танг бўлган Дафна ўз падари Пенейга илтижо қила бошлайди:

– Эй падарим, менга кўмак бер! Эй Замин, тезроқ ёрилу мени ютиб юбор! О, мени бу ҳуснимдан жудо этинглар, у менга фақат азобу укубат келтирмоқда!

Дафна шу сўзларни айтиб бўлиши билан жони вужудини тарк этади. Нафис баданини дагал пўстлоқ қоплайди, сочи япроқларга, илтижо билан кўкка кўтарган қўллари дафна дарахтининг шохларига айланади. Аполлон бу дафна қаршисида узоқ вақт лол бўлиб туриб қолади ва, ниҳоят, ғамгинлик билан шундай дейди:

– Истайманки, сенинг яшил наваларингдан ўрилган гултож ҳамиша менинг бошимни безасин, япроқларинг бундан буён кифарам билан садоғимга зеб бўлсин. О, дафна, наваларинг ҳеч қачон сўлмасин! Сен ҳамиша ям-яшил бўлиб туравер!

Дафна эса Аполлоннинг бу гапига жавобан қуюқ наваларини оҳиста шитирлатди ва гўё, маъкул, демоқчи бўлгандек, яшил бошини оҳиста эгди.

АПОЛЛОН АДМЕТ ҲУЗУРИДА

*А*поллон аждар Пифоннинг қонини тўкиб қилган гуноҳидан пок-ланиши керак эди. Ахир унинг ўзи ҳам қотиллик қилган одамларни гуноҳидан поклайди-ку. Шунга кўра, у Зевснинг қарорига биноан Фессалияга, бағоят ажойиб ва олийҳиммат шоҳ Адмет ҳузурига равона бўлади. У ерда Аполлон шоҳнинг подасини боқиб, ўз гуноҳини ювади. Аполлон ўтлоқда ўтириб қамиш най ёки олтин кифарасини чалганида, ваҳший ҳайвонлар ажиб наволарга ром бўлиб, қуюқ ўрмондан чиқиб кела бошлардилар. Қоплонлару бадқаҳр шерлар қорамол подаси орасида бамайлихотир айланиб юрардилар. Буғулару кийиклар най навосидан сармаст бўлиб, чор томондан елиб келаверардилар. Ҳаммаёқда осойишталик, шодмонлик ҳукм сулар эди. Адметнинг хонадонига қут-барақа, бахт-саодат кириб келарди; ҳеч ким ўз боғлари, экинзорларидан Адметчалик мўл-кўл ҳосил ололмасди. Бутун Фессалияда энг яхши йилқилар, қорамоллар шоҳ Адметда эди. Буларнинг ҳаммасини унга зулфизар тангри Аполлон инъом этган эди. Булардан ташқари, Аполлон Адметни Йолк шоҳи Пелийнинг қизи Алкестага уйлантиради. Алкестанинг отаси, қизимни шер билан айикни жангаробага қўша олган азаматга турмушга бераман, деб ваъда

қилган эди. Шунинг учун, Аполлон ўз суюкли бандаси Адметга беназир қувва ато этади, оқибат у Пелийнинг топшириғини бажаришга муваффақ бўлади. Аполлон Адмет хузурида саккиз йил хизмат қилиб, сўнг яна Дельфага қайтиб келади.

Аполлон баҳор ва ёзни Дельфада ўтказарди. Куз келиб гуллар сўлиши, дарахт япроқлари сарғайиши билан, яъни Парнас чўққисини оппоқ қорга бурқовчи аёзли қиш яқинлаша бошлаши билан Аполлон оққушлар қўшилган аробасига чиқиб, қиш нималигини билмайдиган хипербореялар мамлакатига учиб кетарди. Бутун қишни у ўша ерда ўтказарди. Лекин баҳор келиб, Дельфада ҳаммаёқ кўкаламзор бўлиши, барқ уриб очилган гуллар бутун Криса водийсини турфа ранг гиламдек қоплаши билан, зулфизар Аполлон чакмоқдор Зевснинг иродасини бандаларга башорат қилмоқ учун оққушлар қўшилган аробада яна Дельфага қайтарди. Шунда Аполлоннинг хипербореялар юртидан қайтишини бутун эл байрам қиларди. Кумушкамон тангри бутун баҳор ва бутун ёз Дельфада яшар, шунингдек, ўз ватани Делос оролига ҳам борарди – зеро, бу ерда ҳам унинг шарафига ғоят мухташам ибодатхона қурилган эди.

АПОЛЛОН ВА МУЗАЛАР

Баҳор ва ёз ойларида Ҳелиқон тоғининг қуюқ ўрмон билан қопланган ва муқаддас Ҳиппокрена чашмаси мафтункор жилдираб оқиб турган ёнбағрида, шунингдек, юксак Парназдаги суви зилол Касталья булоғи бўйида Аполлон тўққиз нафар муза билан давра куриб, ўйин-кулги қиларди. Зевс билан хотира маъбудаси Мнемосинанинг қизлари бўлмиш бу навнихол дилбар музалар Аполлоннинг доимий ҳамроҳлари эди. Аполлон бу музаларга бошчилик қилиб, олтин кифараси билан уларнинг хушовоз қўшиғига жўр бўларди. Бошига дафна навдаларидан тўкилган гултож кийган Аполлон музалар гуруҳи олдида виқор билан кетиб бораркан, унга эпик дostonлар музаси – Каллиопа, назм музаси – Эвтерпа, ишқий қўшиқлар музаси – Эрато, фожиалар музаси – Мельпомена, комедия музаси – Талия, рақслар музаси – Терпсихора, тарих музаси – Клио, илми нуҷум (астрономия) музаси – Урания ҳамда муқаддас химнлар (мадҳиялар) музаси – Полиҳимниялар эргашадилар. Уларнинг жўровоз қўшиғи тантанавор янграйди, шунда бутун борлиқ бу илоҳий қўшиққа махлиё бўлиб қулоқ солади.

Аполлон музаларни бошлаб Олимпга чиқиб, бу санъат маъбудалари хонишига унинг кифараси жўр бўлганда барча тангрилар музаларнинг қўшиғига махлиё бўлиб лол қоладилар. Арес қонли жанглар суронини унутади, булуткувар Зевс илқида чакмоқлар чақилмайди, тангрилар ни-

зою нифокларини кўнгилларидан чиқарадилар – Олимпда тинчлик-тогувлик ҳукм сура бошлайди. Ҳаттоки, Зевс бургутининг даҳшатли овози ҳам тинади: у маҳобатли қанотларини тушириб, ўткир кўзларини юмганча Зевс асоси бошига кўниб, пинакка кетади. Мана шу теран сукунат кўйида Аполлон олтин торларни шўх-шўх черта бошлайди, шунда тангриларнинг базмгоҳида гўзал музалар ҳаммаёкни мунаввар қилиб, кўшиқ айтиб рақсга тушадилар. Бу қувнок даврага ҳамма: музалару хариталар, мангу навнихол Афродита, ҳаттоки, Арес билан Ҳермеслар ҳам кирадилар, давра рақсини эса, Аполлоннинг соҳибжамол сингиси муаззама Артемида бошлаб беради. Тангрилар офтобнинг заррин шуъласига ғарқ бўлиб, Аполлоннинг хушовоз кифараси садоси остида рақс тушадилар.

АЛОЭЙНИНГ ЎФИЛЛАРИ

Чўнғмерган Аполлон аччиғланган пайтда жуда даҳшатли, олтин ўқлари ғоят бешафқат бўлиб кетади. Кўп одамларнинг бошига етган Алоэйнинг ўғиллари – беқийс қуввалари билан керилган ва ҳеч кимга итоат этишни хоҳламаган От билан Эфиальт ҳам Аполлоннинг ўқларидан маҳв бўлганлар. Бу ўғлонлар гўдаклик чоғларидаёқ баҳайбат гавдалари, ғайритаъриф кучларию қийси йўқ жасоратлари билан довруқ қозонганлар. Бу ака-ука, ҳаттоки, Олимпдаги тангриларга ҳам таҳдид қила бошлаганлар:

– Ҳали биз балоғат ёшига етиб, ғайритабiiй қуввага тўлиқ эга бўлайлик, ўшанда кўрасиз... Биз Олимп, Пелион билан Осса тоғларини устма-уст қўйиб, осмонга чиқамиз-да, сизлардан, эй олимпиклар, Ҳера билан Артемидани ўғирлаб тушамиз.

Алоэйнинг бевош ўғиллари олимпик тангриларга шундай пўписа қилганлар. Улар сўзларининг устидан чиқишлари ҳам мумкин эди. Ахир даҳшатли уруш худоси Аресни занжирбанд этиб мис зиндонга ташлаган шу От билан Эфиальт эди-да (ўттиз ой азоб чекиб, силласи қуриган Аресни зиндондан абжир Ҳермес ўғирлаб чиққан эди). От билан Эфиальт ана шундай беназир қувва соҳиби эдилар. Аполлон уларнинг бу таҳдидидан дарғазаб бўлади. У кумуш камонининг чилласини таранг тортади, камондан отилган ўқлар ҳавода чакмоқдек паррон этиб бориб, От билан Эфиальтни ер тишлатади.

МАРСИЙ

Аполлон фригиялик сатир Марсийни ҳам қаттиқ жазолаган, зеро, у яъни Марсий, мусика чалишда Аполлон билан беллашишга журъат этган. Бундай густохлик Аполлоннинг аччиғини келтиради. Кунларнинг бирида Марсий Фригия далаларида тентираб юрганида, қамишдан ясалган бир най топиб олади. Уни маъбуда Афина кашф этиб чалиб юргану, чалганида гўзал жамоли хунуклаша бошлаганини пайқаб, ташлаб юборган ва шундай сўзлар билан найга лаънатлар ўқиган эди:

– Кимки шу найни ердан кўтарса, бешафқат жазога мустахик бўлсин.

Афинанинг бу каломидан беҳабар Марсий найни ердан кўтаради ва орадан хиёл вақт ўтмай уни шундай зўр маҳорат билан чала бошлайдики, бу одмигина мусика асбобидан чиққан навони ҳамма махлиё бўлиб эшитади. Бундан Марсий мағрурланиб кетади ва мусика ҳомийси тангри Аполлонни машшоқлик бобида ўзи билан беллашувга даъват этади.

Аполлон бу мунозарага дафнадан гултож тақиб, эгнига серҳашам узун жубба кийиб, қўлида олтин кифараси билан келади.

Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, кимсан, музалар сардори Аполлоннинг қўлидаги олтин кифарадан чиқаётган ғаройиб мусика оҳангига ўрмон ва далалар фуқароси бўлмиш Марсий чалган одмигина қамиш найнинг навоси ҳеч замонда тенг кела олармиди! Турган гапки, Аполлон ғолиб чиқади. Тангри билан беллашишга журъат этган Марсийдан қаҳри қайнаган Аполлон бу бадбахтни қўлидан осиб, тириклайин терисини шилишга амр этади. Марсий густохлик қилгани учун шундай қаттиқ жазоланган эди. Кейин Марсийнинг терисини Фригиядаги ғорга осиб қўйишган. Дейдиларки, шамол қамиш най навосини шу ғорга учириб келганида, Марсийнинг териси худди рақсга тушмоқчи бўлгандек ҳаракатга келармиш, лекин кифаранинг улуғвор садоси эшитилганда қилт этмай қолармиш.

АСКЛЕПИЙ «ЭСКУЛАП»

Аполлон нафақат қасоскор, нафақат ўзининг олтин ўқлари билан фоний бандаларни маҳв қилади – яна у беморлар дардига шифо ҳам беради. Унинг ўғли Асклепий – табиблар ва табобат санъати худоси. Донишманд кентавр Хирон Асклепийни Пелион тоғи ёнбағирларида тарбиялаб ўстирган. Асклепий Хироннинг сабоғини олиб шундай ўткир табиб бўладики, бора-бора маҳорат бобида у ўз устозидан ҳам ўтиб кетади. Асклепий нафақат бетобларни муолажа қилар, ҳаттоки, ўлганларни ҳам тирилтирар эди. У мана шу фаолияти билан ўлиқлар салтанатининг сул-

тони Аидни ҳамда чакмоқдор Зевсни қаттиқ ранжитади, зеро, у Зевс ер юзида жорий қилган қонун ва тартибни бузган эди. Оқибат, дарғазаб Зевс чакмоқ отиб Асклепийни маҳв этади. Лекин одамлар Аполлоннинг ўғлини шифокор тангри деб қадрлашади ва унга сиғинишади. Улар Асклепий ша-рафига жуда кўп ибодатгоҳлар тиклайдилар. Бу ибодатгоҳлар орасида энг машхури Эпидаврда.

Тангри Аполлонни бутун Юнонистонда бирдай иззат-икром қиладилар. Юнонлар унга зиё тангриси, қон тўккан одамни гуноҳдан покловчи, Зевс амрини башорат қилувчи, бандаларни жазоловчи, дардга йўликтирувчи ва дарддан фориғ қилувчи тангри сифатида сиғинишган. Ёшлар уни ўз пушти-паноҳи сифатида қадрлашган. Аполлон – денгиз сафарисидаги кема-лар ҳомийси, у янги мустамлакалар ва шаҳарлар барпо этишда одамларга мададкор. Аполлон ҳаммадан ҳам кўпроқ мусаввирлар, шоирлар, хонан-даю созандаларга ҳомийлик қилади.



АРТЕМИДА



Мангу бокира маъбуда Артемида Делос оролида зулфизар акаси Аполлон билан бир вақтда дунёга келади. Ака-сингил бир-бирини жуда самимий меҳр билан севади. Улар ўз оналари Латонани ҳам жондан ортик яхши кўрадилар.

Артемида рўйи заминдаги барча жониворларга, ўрмону далаларда ўсувчи жамики ўсимликларга ғамхўрлик қилади. Шунингдек, у одамлар, уй ҳайвонлари, даррандаларни ҳам ўз ҳимоятига олган. У кўзи ёриётган аёлларнинг дардини енгиллаштиради, никоҳларга раҳнамолик қилади, дуои хайрлар айтиб, гиёҳлар, гуллар ва дов-дарахтни ўстиради. Юнон аёл-лари саодатли никоҳ ато этувчи, дардларга шифо берувчи Артемида шара-фига бебаҳо қурбонликлар қилишади.

Елкасига камон билан садоқ осиб олган, кўлида найза тутган, нақ чарогон кундек гўзал Артемида соя-салқин ўрмонларда, куёш нурига ғарқ бўлган дала-даштларда гул-гул очилиб, ов қилиб юради. Унинг нишонга беҳато тегадиган ўқларидан на ҳурқонғич буғу, на кўрқок оху, на кутурган қобон қочиб кутула олади. Артемида ортидан унинг ҳамроҳлари – ним-фалар эргшиб юрадилар. Тоғу тошда мудом кувноқ ханда, қийқириклар, итлар ҳуриши янграйди. Маъбуда шикордан чарчаган чоғларида, санамлар билан биргаликда Дельфага, суюкли огаси чўнгмерган Аполлон ҳузурига ошиқади. Бу ерда у Аполлоннинг олтин кифараси садоси остида музалар ва санамлар билан давра қўшиғини куйлаб рақсга тушади. Артемида бар-ча санаму музалардан дилбарроқ, бўйи ҳам улардан бир қарич баланд. Артемида ям-яшил буталар панасидаги салқин ғорларда, фоний бандалар

нигоҳидан четда ҳордиқ чиқаришни хуш кўради. Унинг тинчини бузган одамзоднинг шўри қуриydi. Фива шоҳи Кадмнинг қизи Автоноянинг ўғли навқирон Актеон шу зайлда ҳалок бўлган эди.

АКТЕОН

Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Қунлардан бир кун Актеон ўз дўстлари билан Киферон ўрмонларида ов қиларди. Чошгоҳга бориб кун чўғдек қизиб кетади. Толиққан овчилар қуюқ ўрмон ичига кириб, дам олгани манзил қурадилар, навқирон Актеон эса, салқинроқ жой қидириб нари кетади. У юриб-юриб ям-яшил чаманзор бир водийга бориб қолади – бу маъбуда Артемидага назр қилинган Гаргафия водийси эди. Бу ерда чинорлар, доимо кўм-кўк арчалар, оққарагайлар гуркираб ўсарди; хушқад сарв дарахтлари кўк найзалардек осмонга бўй чўзган, ям-яшил ўтлоқларда турфа ранг чечаклар товланарди. Бу водийдан зилол ирмоқ жилдираб оқиб ўтарди. Ҳаммаёқда сокинлик, ҳаловат, ҳузурбахш салқинлик ҳукм сурар эди. Актеон тоғнинг тик ёнбағрида кўм-кўк чирмовикларга бурканган ажойиб горни кўриб қолади. Бу ғор Артемида учун ҳордиқгоҳ вазифасини ўташидан беҳабар, у томон чиқа бошлайди.

Бу пайт Артемида эндигина ғорга кириб келган, камони билан ўқларини санамлардан бирига топшириб, чўмилишга шайланаётган эди. Санамлар маъбуданинг шиппақларини ечиб, сочини турмаклашиб, муздек сув келтиргани жилға бўйига йўл олмоқчи бўлиб туришганда, бирдан ғор бўсағасида Актеон пайдо бўлади. Санамлар ғорга кириб келаятган Актеонни кўриб қаттиқ чинқариб юборишади. Улар Артемидани фоний банда нигоҳидан пана қилиш учун ўз соҳибаларини қуршаб оладилар. Уфқдан бош кўтариб чиқаётган куюш самодаги булутларга олов янглиғ қирмизи ранг бахш этганидек, маъбуданинг икки юзи ғазабдан лоладек қизариб кетади, кўзларида қаҳрли учқунлар порлайди, бундан бир ҳуснига ўн ҳусн кўшилади. Актеон Артемиданинг оромини бузган эди. Бундан қаттиқ ғазабланган маъбуда бахти қаро йигитни буғуга айлантириб кўяди.

Шунда Актеоннинг бошидан тарвақайлаган шоҳ ўсиб чиқади. Оёқ-кўллари буғунинг оёқларига айланади. Бўйни узаяди, қулоқлари тиккайиб чўзилади, бутун баданини хол-хол тук қошлайди. Бу ўзгаришни кўриб хуркиб кетган буғу шаталок отиб қоча бошлайди, чунки у ариқдаги сувда ўз аксини кўрган эди. У: «О, шўрим қуриди!» – деб қичқирмоқчи бўлади, лекин бир сўз ҳам айта олмайди. Унинг кўзларидан, яъни буғунинг кўзларидан дув-дув ёш оқади. Унда инсонга хос хусусиятлардан фақат

акл-идрок сақланиб қолган эди. Энди нима қилсин? Бошини қаёққа урсин?

Актеоннинг този итлари буғу исини олишади, улар ўз эгаларини танимай, жон-жаҳдлари билан хурганча орқасидан кува бошлайдилар. Шунда бу гўзал буғу айри шохларини орқасига қайтариб, Киферон водийсидаги сойликлардан, тоғу тошлардан, ўрмонлардан, зироатзор далалардан мисоли шамол югуриб ўта бошлайди, този итлар эса унинг ортидан изма-из қувиб бораверадилар. Мана, итлар унга етиб қолаёздилар, ана, етиб ҳам олдилар, ўткир тишларини буғуга айланган бадбахт Актеоннинг баданига гарчча ботирдилар. Шўрлик Актеон: «О, вафодорларим, раҳм қилинглар! Ахир мен соҳибингиз Актеонман!» – деб чинқирмоқчи бўлади, лекин буғунинг огзидан инсон овозига ўхшаб кетувчи инграш эшитилади, холос. Буғу – Актеон чўк тушади. Унинг кўзларида ҳасрат, даҳшат ва илтижо акс этади. Унинг ўлиши муқаррар: дарғазаб итлар бечоранинг вужудини тилка-тилка қила бошлайдилар.

Бунинг устига етиб келган Актеоннинг ўртоқлари, бундай самарали овни Актеон кўрмай қолганидан таассуф қиладилар. Този итлар ажойиб бир буғуни тутган эдилар. Лекин Актеоннинг ўртоқлари бу буғу аслида ким эканлигини билмас эдилар. Маъбуда Артемиданинг оромини бузган, Зевс билан Латона қизининг илоҳий жамолини кўришга мушарраф бўлган ягона фоний банда – Актеон шундай нобуд бўлган эди.

АФИНА-ПАЛЛАДА

АФИНАНИНГ ТУҒИЛИШИ

Маъбуда Афина-Палладани Зевснинг ўзи тукқанди. Чақмоқдор Зевс зехн маъбудаси Метиснинг икки фарзанд кўришидан хабардор эди: Метис Афина исмли қиз билан ғайритабiiй ақл ва фавқулудда қувва соҳиби бўлган ўғил туғиши керак эди. Қисмат маъбудалари – мойралар, Метисдан туғиладиган ўғил сени тахтдан ағдариб, бутун дунёга ҳукмрон бўлади, деб Зевсга сирни очиб қўядилар. Зевс қўрқиб кетади. У мойралар каромат қилган машъум тақдирга чап бериш ниятида, маъбуда Метисни ширин сўзлар билан аллалаб ухлатади-да, қорнидаги ҳомиласи билан бирга ютиб юборади. Орадан бир оз вақт ўтгач, Зевснинг боши чидаб бўлмайдиган даражада қаттиқ оғрий бошлайди. Шунда у ўғли Ҳефестни чақириб, бошини ёриб икки паллага айиришни амр этади. Ҳефест қўлига болта олиб Зевснинг бошига кучининг борича зарб билан уриб, уни икки паллага ажратади. Шунда чақмоқдорнинг бошидан иқтидорли жангчи, маъбуда Афина-Паллада чиқиб келади. У бошдан-оёқ қуролланган ҳолда, яъни бошида обдор дубулға, илкида найза ва қалқон билан олимпик тангрилар кўзи ол-

дида намоен бўлиб, ҳаммаларини ҳайрон қолдиради. Афина яшин янглиғ яракловчи найзасини даҳшатли силкитади. Унинг жанговар наъраси осмони фалакнинг энг нариги чеккаларигача эшитилади ва Олимп тоғини энг теран тубигача ларзага келтиради. Афинанинг кўк кўзларида илоҳий донишмандлик зиёси порлар, вужуди ғоят ажиб ва кудратли латофат билан йўғрилган эди. Шунда тангрилар ўз падари Зевснинг бошидан туғилган бу ардоқли кизга – шаҳарлар ҳомийси, донишмандлик ва илм маъбудаси, энгилмас жангчи Афина-Палладага ҳамду санолар айтишади.

Афина Юнонистон қаҳрамонларига паноҳгоҳлик қилади, уларга доно маслаҳатлар беради, хавф-хатар пайтида ёрдам кўрсатади. У шаҳарлар, қалъалар ва уларнинг деворларини муҳофаза қилади. Юнон қизлари эса Афинани чеварларга ҳомийлик қилгани учун кўпроқ эъвозлайдилар. Кашта тўқиш санъати бобида на фоний аёллар, на маъбудалардан биронтаси Афинанинг олдига туша олади. Паллада билан бу борада беллашиш қанчалик хавфли эканини Афинадан устун бўлмоқчи бўлган Арахнанинг машъум қисмати яққол исботлаб беради.

АРАХНА

Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Идмонинг кизи Арахна ўзининг чеварлиги билан бутун Лидияга машхур бўлган эди. Кўпинча унинг ишини томоша қилгани Тмол тоғининг ёнбағридан ва Пактол дарёсининг заркум соҳилидан санамлар келишарди. Арахна тумансимон иплардан ҳаво янглиғ ҳарир матолар тўқирди. У, мато тўқишда ҳеч ким менга тенг кела олмайди, деб мақтанарди. Бир куни у, ҳатто, шундай деб юборади:

– Мен билан мусобақалашгани Афина-Палладанинг ўзи келақолсин! У ҳам мендек яхши тўқий олмайди!

Мана, маъбуда Афина сочлари оппоқ оқариб, қадди дол бўлиб қолган кампир қиёфасида Арахна олдига келади ва шундай дейди:

– О Арахна, кексалик наинки кўнгилсизлик, аини пайтда, кўп яшаган кўп билади ҳам. Маслаҳатимга кулоқ ос: сен ўз хунаринг билан фоний бандалардангина ўзишга ҳаракат қил. Илло маъбуда билан зинҳор тортишма. Афинага мутелик билан сиғиниб, густоҳ сўзларинг учун унга тавба қил. Маъбуда сидқидилдан сиғинганларнинг гуноҳидан ўтади.

Арахна йигириб турган нафис ипни кўлидан тушириб юбориб, кўзларини чақчайтирганча кампирга шартга шундай дейди:

– Сен, кампир, нодон экансан. Бунақа насиҳатларингни келинларинг билан қизларингга қил, мени ўз ҳолимга қўй. Мен ўзим ўзимга маслаҳат бера оламан. Айтган гапимдан қайтмайман. Хўш, нега Афина келмаяпти, нега у мен билан мусобақалашишдан ўзини олиб қочяпти?

– Мен шу ердман, Арахна! – дейди шунда маъбуда ўз киёфасига кириб.

Шунда санамлару Лидия аёллари Зевснинг бу ардоқли кизига эгилиб таъзим қилишиб, унга ҳамду сано айтишади. Ёлғиз Арахнагина сукутга толади. Афинанинг чехраси ғазабдан чўғдек қизаради. Чунки Арахна ҳамон ўз сўзида катъий туриб, Афина билан мусобақалашни хоҳларди. У фалокат ёқасида турганини сезмасди.

Баҳс бошланди. Паллада ўзининг уртуғига турфа ранг ришталар билан Афинадаги маҳобатли Акрополь тасвирини туширди ҳамда Аттикага ҳукмронлик қилиш учун Посейдон билан олиб борган мубоҳасасини тасвирлади. Бу баҳсга ўн икки тангри, шу жумладан маъбуданинг падари Зевс ҳам, ҳакамлик қилишган эди. Посейдон ўзининг шохдор асосини бир қояга санчган, шунда қакраб ётган қоядан шўр чашма қайнаб чиқа бошлаган эди. Бошига дубулға, эғнига совут кийиб, Горгона калласининг тасвири туширилган қалқон билан қуролланган Афина эса, қўлидаги найзасини силкитиб, заминга чуқур ботирган. Шунда ердан муқаддас зайтун дарахти ўсиб чиққан эди. Тангрилар маъбуданинг бу тухфасини Аттика аҳли учун кадрлироқ деб топиб, совринни Афинага берган эдилар¹. Маъбуда уртукнинг четларида итоатсиз бандаларни худолар қандай жазолашини тасвирлайди ва гир айланасига зайтун баргларида ўрилган гулчамбар расмини тўқийди. Арахна эса, ўз уртуғида тангрилар ҳаётидан шундай бир манзарани акс эттирадики, бу манзарада тангрилар ожиз, инсоний ҳиссиётларга берилган ҳолда тасвирланади. Бу тасвирнинг гир айланасига Арахна печак билан кўшиб ўрилган гуллар тасвирини тикади. Арахнанинг иши ғоятда баркамол бўлиб, нафосатда Афинанинг ишидан қолишмасди, лекин Арахна тиккан тасвирларда тангриларга беҳурматлик ҳисси яққол кўзга ташланиб турарди. Бу ҳолдан ғазабланган Афина Арахнанинг ишини йиртиб ташлайди ва моки билан Арахнани уради. Бу шармандаликка чидай олмаган бадбахт Арахна аркон эшиб, ундан сиртмоқ қилиб ўзини осади. Лекин Афина Арахнани сиртмоқдан озод қилиб, унга шундай дейди:

– Яшайвер, итоатсиз. Лекин тоабат муаллақ осилиб, тинимсиз тўқиш билан машғул бўлгайсан, бу жазо келгуси авлодларингнинг ҳам бошига тушади.

Шу сўзларни айтиб, Афина Арахнага сеҳрли гиёҳ шарбатини пуркайди, Арахнанинг вужуди шу заҳоти ғужанак бўлиб, қалин сочи битта қолмай тўкилади-ю, ўргимчакка айланиб қолади. Шундан бери ўргимчак – Арахна ўз уясида муаллақ осилганча мудом тўқиш билан машғул.

¹ Афина билан Посейдоннинг баҳси юнон ҳайкалтароши Фидий (милоддан аввалги V аср) томонидан Афина шаҳридаги Парфенон ибодатхонасининг пештоқида акс эттирилган; бу пештоқ ҳозир ҳам анча бузилган ҳолда сақланиб қолган.

Зевс билан Майянинг ўғли, тангрилар элчиси Ҳермес Аркадия вилоятининг Киллена тоғидаги ғорда дунёга келади. Қўлига қацудей¹ – асо ушлаб, оёғига қанотли кафш кийган бу худо Олимпдан дунёнинг энг чекка сарҳадига хаёл тезлигида учиб бора олади. Ҳермес йўлларни муҳофаза қилади, шу боис Қадимги Юнонистонда чорраҳаларда, уй бўсағаларида унга бағишланган ҳермалар² ўрнатилар эди.

У сафардаги одамларни ўз паноҳига олади ва одамлар қазо қилганида уларнинг руҳини сўнгги манзилга – Аиднинг андухли салтанатига кузатиб қўяди. Ҳермес ўзининг сеҳрли асоси билан бандаларнинг кўзини юмиб, уларни уйку оғушига ғарқ этади. Ҳермес – йўллар ва йўловчиларнинг ҳомийси, тижорат тангриси. У тижорат аҳлига даромад, одамларга бойлик ато этади. Ҳермес ўлчовларни, рақамларни, алифбони кашф этган ва буларнинг барини одамларга ўргатган. Аини пайтда, у фасихлик (сўзамоллик), шу билан бирга, уддабуронлик ва фирибгарлик тангриси ҳамдир. Эпчиллик, айёрлик ва, ҳатто, ўғрилиқда ҳеч ким унинг олдига туша олмайди. Бу тангри ҳазил-ҳазил билан Зевснинг салтанат асосини, Посейдоннинг шохдор асосини, Аполлоннинг олтин ўқлари билан камонини, Ареснинг шамширини ўғирлаб қўйган эди.

ҲЕРМЕСНИНГ АПОЛЛОН СИГИРЛАРИНИ ЎҒИРЛАШИ

Ҳермес Киллена ғорида ёруғ дунёга келгани ҳамоно биринчи найрангини рўёбга чиқармоқчи, яъни кумушкамон Аполлоннинг сигирларини ўғирламоқчи бўлади; бу пайт Аполлон Македониянинг Пиэрия водийсида пода боқиб юрарди. Гўдак Ҳермес онасига сездирмай, оҳиста йўргакни ечиб, оёқ учида ғор оғзига боради. Бу ерда у бир тошбақани кўриб қолади-ю дарҳол тутиб олиб, унинг косаси ва уч дона навдадан дунёда биринчи лира (соз)ни ясайди-да, унга хушнаво торлар тортади. Сўнг Ҳермес яна ғорга қайтиб кириб, лирани ўз бешигига яширади ва ташқарига қайтиб чиқиб, Пиэрия ёкқа шамолдек учади. У ерда Аполлоннинг подасидан ўн бешта сигирни ўғирлаб, изни йўқотиш мақсадида, ҳар бир сигирнинг оёғига қамиш ва шохлар боғлайди-да, ҳаммасини Пелопоннес томонга жадал ҳайдаб кетади. Ҳермес кечқурун қош қорайганда сигирларни Бестиядан ҳайдаб ўтаётганида, ўз боғида ишлаётган бир чолни кўриб қолади.

¹ *Қацудей* – Ҳермес (римликларда Меркурий) тутиб юрадиган асо; ривоятларда айтилишича, бу мўъжизакор асога иккита илон чирмашган экан.

² *Ҳермалар* – тўрт қиррали тош устунлар; бу устунларнинг тепа қисми йўнилиб, Ҳермес калласининг хайкали ишланган.

– Манави сигирлардан бирини ўзинга ол-у, – дейди унга Ҳермес, – бу ердан пода ҳайдаб ўтганимни ҳеч кимга айтма.

Бундай саховатли совғадан севиниб кетган чол бу ҳақда ҳеч кимга чурк этиб оғиз очмасликка сўз беради. Ҳермес йўлида давом этади. Лекин у сал нарироққа боргач, чолнинг берган ваъдасига қандай амал қилишини текшириб кўрмоқчи бўлади. У сигирларни ўрмон ичига яшириб, ўз қиёфасини ўзгартиради-да, қариянинг олдига қайтиб келиб, ундан сўрайди:

– Айт-чи, бу ердан бир бола бир тўда сигир ҳайдаб ўтмадимми? Агар ўша сигирларни қай томонга ҳайдаб кетганини айтсанг, сенга бир буқа билан бир сигир бераман.

Яна бир буқа билан сигирни қўлдан чиқаришни хохламаган чол қўп тарадудланиб ўтирмай, бояги бола сигирларни ҳайдаб кетган томонни кўрсатиб беради. Чолнинг бебурдлигидан қаттиқ ғазабланган Ҳермес, бундан буён мангу лол бўлсин ва берган сўзининг устидан чиқиш лозимлигини унутмасин деб, қарияни қояга айлантириб қўяди.

Сўнг у яна сигирлар олдига қайтиб, уларни жадал ҳайдаб кетади. Ниҳоят, Ҳермес подани Пилос оролига олиб келади. Бу ерда у иккита сигирни тангрилар йўлига қурбон қилиб, бу қурбонликнинг изини дарҳол йўқ қилиб ташлайди, қолган сигирларни эса ғорга яширади, яширган-да ҳам, уларни ғорга орқаси билан тисартириб киритади: у сигирларни ғорга кирмаган, балки у ердан чиқиб кетгандек қилиб кўрсатмоқчи бўлади.

Ҳермес шуларнинг барини бажариб бўлиб, яна ўз ғорига, онаси Майянинг олдига бамайлихотир қайтиб боради-да, астагина бешигига ётиб, яна йўргагига ўраниб олади.

Ўғлининг гордан чиқиб кетганлигидан хабар топган Майя унга таъна билан шундай дейди:

– Яхши иш қилмадинг, болам. Нечун Аполлоннинг сигирларини ўғирладинг? Энди у қаттиқ ғазабланади. Ўзинг биласан-ку, Аполлон ғазабга минганида жуда кўркинчи бўлиб кетади.

– Кўркмайман ўша Аполлондан, – деб жавоб қилади Ҳермес онасига, – ғазабланса ундан нарига. Агар сени ё мени хафа қиладиган бўлса, қасдма-қасдликка, Дельфадаги унинг ибодатгоҳига кириб, ҳамма сепояларию олтин-кумушларию либосларини ўмариб кетаман.

Шу аснода Аполлон сигирлари йўқолганини пайқаб қолиб, уларни қидиришга тушган эди. Лекин у сигирларини ҳеч ердан топа олмайди. Сигирлар яшириб қўйилган ғорга эса кирмайди, зеро, қорамолларнинг изи ғорга эмас, ғордан чиққан эди.

Ниҳоят, у узоқ вақт бесамар қидирувдан кейин Майянинг ғорига кириб келади. Аполлоннинг шарпасини эшитган Ҳермес йўргагига яна ҳам пишиқроқ ўраниб, бешигига биқиниб олади. Аполлон Майянинг ғорига кириб, Ҳермеснинг бешиқда гуноҳсиз гўдакдек бепарво ётганини кўради.

Шунда у, сигирларимни сен ўғирлагансан, деб Ҳермесга таъна қила бошлайди, лекин Ҳермес бу айбни мутлақо бўйнига олмайди.

– Сигирларингни ўғирлашни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, – деб у Аполлонни ишонтирмоқчи бўлади, – улар қаёққа гумдон бўлганини ҳам билмайман.

– Менга қара, ҳей бола! – дейди дарғазаб Аполлон. – Агар сигирларимни қайтариб бермасанг, сени зимистон Тартарга улоқтираман, ана унда на отанг, на онанг кутқара олади сени.

– О, Латонанинг ўғли! – деб жавоб қилади Ҳермес. – Мен сигирларингни кўрганим йўқ, уларнинг қайга кетганини билмайман ҳам, бу ҳақда ҳеч кимдан эшитганим ҳам йўқ. Нима, шундан бошқа қиладиган ишим йўқми – менинг ўз вазифам, ўз ташвишим бор. Менинг фикру зикрим – кўпроқ ухлаш, онамнинг кўкрагини мириқиб эмиш, яна йўргакларимни шиптир қилмаслик. Йўқ, онт ичиб айтаманки, ҳатто, сигирларингни ўғирлаган ўғрини ҳам кўрганим йўқ.

Аполлон нечоғлиқ аччиқланмасин, барибир, ҳеч нимага эриша олмайди. Ахири у Ҳермесни бешигидан чиқариб олиб, уни Зевс ҳузурига боришга мажбур этади, майли, мубоҳасамизга шу бузург тангри ҳакамлик қилсин, дейди Аполлон. Мана, икки тангри Олимпга чиқишади. Бу ерда Ҳермес гапни чалғитишга, муғамбирлик қилишга қанча уринмасин, барибир, Зевс унга ўғирланган сигирларни Аполлонга қайтариб беришни амр этади.

Ҳермес Аполлонни Олимпдан тўғри Пилос оролига бошлаб боради; у йўл-йўлакай тошбақанинг косасидан ясаган лирасини олиб олади. Пилосга келишгач, у сигирлар яшириб қўйилган жойни кўрсатади. Аполлон сигирларни ғордан ҳайдаб чиқараётганида, Ҳермес ғор олдидаги бир харсангтошга ўтириб олиб, лирасини чала бошлайди. Бу сознинг ғоят ажиб навоси бутун водийда ва денгизнинг қумлоқ соҳилида янграб эшитилади. Ҳайратланиб кетган Аполлон Ҳермес чалаётган лиранинг овозини ҳузур қилиб тинглайди. Бу сознинг садоси уни шу қадар ром қилиб кўядики, натижада кумушкамон тангри Ҳермесга унинг лираси учун ҳамма сигирларини беради. Шундан кейин Ҳермес ўзи учун ҳафтнай¹ кашф этади, бу ҳафтнай Юнонистонда чўпонларнинг энг суюкли созига айланади.

Майя билан Зевснинг чапдаст, уддабурон, худди хаёлдек тез учиб юрувчи ажойиб ўғли Ҳермес ўзининг нечоғлиқ муғамбир ва абжир эканлигини гўдақлик чоғидаёқ исботлаган эди. У навқирон йигитлик қудрати рамзи

¹ *Ҳафтнай (свирель)* – пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. Одатда, у турли узунликдаги етгита камиш найдан таркиб топиб, бу найлар бир-бирига маҳкамланган бўлади.

сифатида ҳам донг таратган. Ҳамма ердаги палестраларда¹ унинг шарафига хайкал ўрнатиларди. У навқирон паҳлавонлар худоси. Мусобақадорлар курашга тушиш ва тез югуриш олдидан Ҳермесга сиғинишган.

Қадимги Юнонистонда Ҳермесга деярли барча тоифа одамлар: сайёҳлар ҳам, нотиклар ҳам, савдогарлар ҳам, паҳлавонлар ҳам, ҳаттоки, ўғрилар ҳам сиғиниб, ундан мадад сўрашган.

❖ АРЕС, АФРОДИТА, ЭРОТ ВА ҲИМЕНЕЙ ❖

АРЕС

Уруш худоси, бадқаҳр Арес (римликларда Марс) – чақмоқдор Зевс билан Ҳеранинг ўғли. Зевс бу ўғлини қонхўрлиги учун ёмон кўради. Агар ўз ўғли бўлмаганида, уни аллақачон зимистон Тартар қаърига, азоб чекиб ётган титанлар олдига улоқтирган бўлар эди. Жоҳил Ареснинг кўнглини фақат шафқатсиз жанглар қувонтиради. У обдор совутлар кийиб, маҳобатли қалқон кўтариб, силоҳлар жаранги, жанг қилаётганларнинг наъралари, ярадорларнинг ноалари тутиб кетган жангтоҳда ваҳшатли киёфада елиб-югуради. Ўғиллари Деймос (дахшат) билан Фобос (вахший) мудом унга эргашадилар, нифоқ маъбудаси Эрида билан ажал уруғини сочувчи маъбуда Эньо ҳам Ареснинг бу икки ўғлига ҳамиша ҳамроҳдирлар. Жанг қайнайди, гумбурлайди, жангчилар фарёд чекиб, пайдар-пай ер тишлайдилар, лекин Ареснинг завқи ошгандан ошади. У ўзининг мудҳиш шамшири билан бирон сарбозни маҳв қилиб, унинг қайноқ қонини ерга оқизса, шодликдан боши осмонга етади. У ҳеч кимни фарқ қилмай, ўнгу сўлга шамшир солиб, дуч келган одамни маҳв қилаверди.

Арес қаҳҳор, ғазабнок ва сервахшат тангри, аммо унга ҳамма вақт ҳам зафар ёр бўлавермайди. Кўпинча у жанг майдонида Зевснинг жангчи қизи Афина-Паллададан паст келишга мажбур бўлади. Ўз иктидорига қатъий ишонган Афина мулоҳаза билан иш кўриб, Аресни енгади. Аксар пайт фоний қахрамонлар ҳам, алалхусус, уларга Афина-Паллада мадад берган пайтларда, Арес устидан ғалаба қозонадилар. Масалан, қахрамон Диомед Аресни шу зайлда Троя бўсағасида найза билан жароҳатлаган эди. Чунки ўшанда қахрамоннинг найзасини Афинанинг ўзи Арес томон йўналтирганди. Шунда яраланган тангрининг мудҳиш ноласи узок-узокларга эшитилган. Оғриққа чидай олмай ҳайқирган Ареснинг овози гўё ҳаёт-мамот жангига киришган ўн минг жангчи баравар наъра тортгандек эшитилган эди. Бу ҳайқириқдан юнонлар ҳам, уларнинг муҳолиф-

¹ *Палестра* – Қадимги Юнонистонда хусусий гимнастика мактаби, бу ерда 12 дан 16 ёшгача бўлган ўқувчилар пойга, кураш, сакраш, найза ва лаппак отиш, гимнастика ва сузишни ўргатардилар...

лари – трояликлар ҳам сесканиб кетгандилар, қонга беланган Арес эса, жазаваси тутиб, қора булутларга ўранган ҳолда падари Зевс қошига учган ва унга Афина устидан шикоят қилганди. Аммо Зевс унинг арзига қулоқ ҳам солмаганди. Зеро, Зевс фикру зикри нифок, жанг ва қотиллик бўлган ўглини ёмон кўрарди.

АФРОДИТА

Назокатли ва латофатли, қонли жангларга аралашмайдиган Афродита тангрилар ва бандалар қалбида муҳаббат туйғусини уйғотади. Шу фазилати туфайли у бутун дунёга ҳукмрондир.

Унинг ҳукмидан ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Унинг илоҳий қудрати фақат Афина, Ҳестия ва Артемидага таъсир этмайди. Афродита бўйдор, сарвкомат маъбуда, унинг майин заррин жингала сочи бежирим бошига худди тождек чамбарак қилиб ётқизилган. Афродита гўзаллик ва мангу навниҳоллик тажассумидир. У муаттар либослар кийиб, ўз латофати билан чақмоқдек чақнаб юрганида куёш янада кучлироқ порлайди, гулгунчалар барқ уриб очилади. Ваҳший ҳайвонлар қуюқ ўрмон ичидан унга пешвоз чиқади, паррандалар гала-гала бўлиб унинг қошига учиб келади. Шерлар, қоплонлар, йўлбарслару айиқлар маъбуданинг пойида беозор эркаланишади. Афродита ўзининг нурафшон хуснидан фахрланиб, бу ваҳший ҳайвонлар орасидан хотиржам ўтиб боради. Унинг ҳамроҳлари – гўзаллик ва назокат маъбудалари: Оралар ва Хариталар унга мулозимлик қиладилар.

Ураннынг қизи Афродита Кифера ороли яқинида денгиз тўлқинининг оплоқ кўпигидан дунёга келади. Енгил ва майин шаббода уни Кипр оролига оқизиб олиб келади¹. Бу ерда навниҳол Оралар денгиз тўлқинидан чиққан муҳаббат маъбудасига пешвоз чиқиб, қарши оладилар. Улар Афродитага зарбоф либослар, бошига муаттар гуллардан ўрилган гултож кийдирадилар. Афродита қадам қўйган ерларда гул-чечаклар гуркираб очила бошлайди. Кейин бу пурлатофат маъбудани Олимпга олиб чиқадилар. Тангрилар, хуш кўрдик, деб уни баралла овоз билан қарши оладилар. Ўшандан буён ҳамиша навниҳол ва соҳибжамол бу маъбуда – олтин Афродита Олимпдаги худолар жамоасидан ўрин олади.

¹ Афродитанинг Киприда деб аталишига сабаб ҳам шу. Кипр ороли Афродитага сиғинувчи марказ ҳисобланган, бу ерда, Пафос шаҳрида маъбуданинг юнонлар томонидан юксак қадрланувчи ибодатхонаси бўлган. Афродитага сиғинувчи яна бир марказ – Кифера ороли эди.

ПИГМАЛИОН

Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Афродита садоқат билан сиғинган бандасига бахт ато этади. Масалан, кипрлик ҳайкалтарош Пигмалионни у шу тарзда бахтиёр қилган эди. Пигмалион аёл зотини ёқтирмас, уйланишдан бўйин товлаб узлатда яшарди. Бир куни у оппок, обдор фил суягидан гўзалликда бекиёс бир қизнинг ҳайкалини ясайди. Бу ҳайкал унинг устахонасида худди жонлидек туради. Ҳайкал гўё нафас олаётгандек, ҳали замон ҳаракатга келиб гапириб юборадигандек туюлади. Санъаткор ўзи яратган бу мўъжизага соатлаб маҳлиё бўлиб ўтириб, бора-бора уни севиб қолади. У ҳайкалга бебаҳо маржонлар, билагузуклар, сирғалар тухфа этади, эгнига энг муҳташам либослар кийдиради, бошини гултож билан безайди. Энди кўпинча Пигмалион:

– О, қанийди, сен тирик бўлсанг, кошкийди, айтган гапларимга жавоб бера олсанг, ўзимни дунёда энг саодатли одам ҳисоблаган бўлардим! – деб пичирларди.

Бироқ ҳайкал гунг эди.

Мана, Афродита шарафига ўтказиладиган байрам кунлари етиб келади. Пигмалион муҳаббат маъбудаси ҳаққига шохлари зар билан ҳалланган оқ ғунажинни қурбонликка сўяди, сўнг муҳаббат маъбудаси томон қўлларини чўзиб, пичирлаганча илтижо қила бошлайди:

– О, боқий тангрилар, сен ҳам, эй, олтин Афродита! Агар сиз обид бандангиз тилаган нарсани раво кўришга қодир бўлсангиз, каминага ўзим ясаган қиз ҳайкалидек соҳибжамол бир аёлни ато этинг.

Пигмалион ясаган ҳайкалимни тирилтириб беринг, деб сўрашга журъат эта олмайди, бундай илтимос олимпик тангриларни ғазаблантиришидан кўрқади. Шунга қарамай, муҳаббат маъбудаси Афродита пойида ёқилган қурбонлик гулхани бирдан «лоп» этиб ўт олади; бу билан маъбуда Пигмалионнинг илтимосини эшитганига шаҳодат беради.

Ҳайкалтарош уйига қайтиб, ҳайкалга яқин боради... О қандай бахт, қандай қувонч! Ҳайкалга жон ато этилган эди! Унинг қалби уриб турар, кўзларида ҳаёт учкунлари порларди. Маъбуда Афродита шу зайлда Пигмалионга дилбар хотин тухфа этганди.

НАРКИСС

Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Ва лекин олтин Афродитани кимки эҳтиром қилмаса, кимки унинг тухфаларидан юз ўгириб, амрига монелик қилса, ундай бандаларни муҳаббат маъбудаси шафқатсиз жазолайди. Дарё тангриси Кефис билан

санам Ларионанинг ўгли, дилбар, аммо бемехр, ўзига бино қўйган Наркисс ўздан бошқа ҳеч кимни севмас, ёлғиз ўзинигина севгига муносиб деб ҳисобларди.

Кунларнинг бирида у қалин ўрмонда ов қилиб юриб йўлдан адашди, шунда уни санам Эхо кўриб қолади. Бу санам Наркисс билан гаплаша олмас эди. Чунки у маъбуда Ҳеранинг дуоибадига учраган эди¹: санам Эхо гапира олмасди, берилган саволга эса, фақат саволнинг сўнгги сўзини такрорлаш билангина жавоб қилиши мумкин эди. Чакалакзор панасига яширинган Эхо қадди-басти келишган бу дилбар йигитга махлиё бўлиб қолади. Наркисс қай томонга юришини билмай атрофга олазарак бўлиб қарайди ва овозининг борича:

– Ҳей, ким бор? – деб қичқиради.

– Бор! – деб жавоб қилади Эхо янгроқ овоз билан.

– Бу ёкқа кел! – дейди Наркисс.

– Кел! – деб такрорлайди Эхо.

Ўқтам Наркисс ҳайрон бўлиб атрофига қарайди. Лекин ҳеч кимни кўрмайди. Бу ҳолдан таажжубланган йигит яна баралла овоз билан кичқиради:

– Тезроқ кел бу ёкқа!

Шунда Эхо кувонч билан жавоб қилади:

– Бу ёкқа!

Санам кўлларини олдинга чўзганча, дарахтлар орасидан Наркисснинг истиқболига отилиб чиқиб келади, лекин дилбар йигит Наркисс санамдан нафратланиб, уни итариб юборади. Сўнг ўрмон ичига кириб, кўздан ғойиб бўлади.

Наркисс рўйхуш бермаган санам ҳам ўзини қуюқ ўрмон ичига олади. Бахтиқаро Эхо Наркисснинг ишқида муттасил азоб чекади, ўзини ҳеч кимга кўрсатмайди, фақат ҳар қандай овозга акс садо бўлиб мунгли оҳангда жавоб қайтаради.

Наркисс эса бояги-боягидек мағрур, такаббур бўлиб қолаверди. У ҳамманинг муҳаббатидан юз ўгирди ва кўпгина санамларни бахтсиз қилди. Бир гал у рад этган санамлардан биттаси шундай деди:

– Сенинг ҳам бошингга, Наркисс, ишқ азоби тушсин! Илло сен кўнгил қўйган одам сени асло севмасин!

Санамнинг бу тилаги рўёбга чиқади. Муҳаббат маъбудаси Афродита ўзи инъом этган тухфаларга рўйхуш бермаётган Наркиссдан ғазабланиб, уни қаттиқ жазолайди. Баҳор кунларидан бирида Наркисс ов қилиб юриб, ташна бўлади ва муздек сув ичгани жилға бўйига боради. Шу пайтгача бу

¹ Зевс санамлар хузурида меҳмон бўлган чоғда санам Эхо унинг завжаси рашкчи Ҳерани гапга солиб чалғитган; шу қилмиши учун маъбуда бу санамни жазога мустаҳиқ этган эди.

жилганинг сувига на биронта чўпоннинг, на тоғ эчкисининг оғзи теккан эди; бу жилгага бирон марта ҳам ҳеч қанадай хас-чўп тушмаган, ҳаттоки, шамол ҳам биронта гул баргини учуриб келиб сув бетига туширмаган эди. Сув ниҳоятда мусаффо ва зилол эди. Бутун борлик: соҳилда ўсган буталар ҳам, хушқад сарв дарахтлари ҳам, зангори осмон ҳам жилга сатҳида худди кўзгудагидек акс этарди. Наркисс ҳам, жилга бўйига келиб, қўлларини сувдан чиқиб турган харсангтошга тирайди ва сув бетига ўзининг мутлақо бенуқсон, дилбар жамолини кўради. Ана шунда Афродитанинг ғзаби рўёбга чиқади. Наркисс ўзининг сувдаги аксига ҳайрат билан тикиларкан, вужудини қудратли муҳаббат туйғуси банд қилади. У ўзининг сувдаги тасвирига муҳаббат тўла нигоҳини тикади, уни имлаб ўзига чорлайди, қўлларини чўзиб қақиради. У ўз аксидан бўса олиш учун сув сатҳига энгашади, аммо у ариқдаги муздек зилол сувнигина ўпади. Наркисс ҳамма нарсани унутиб кўяди: у жилга бўйидан жилмай, мудом ўз аксидан кўз узмай ўтираверади. У емайди ҳам, ичмайди ҳам, мижжа ҳам қоқмайди. Ниҳоят, руҳи тушиб, қўлларини ўз аксига чўзганча шундай дейди:

– О, ҳеч ким менчалик ишқ азобини тортмаган! Сен билан бизни тоғу тошлар ҳам, дарёю уммонлар ҳам эмас, фақат юпқагина сув пардаси ажратиб турипти, илло шунга қарамай, биз бирга бўла олмаймиз. Тезроқ чиқақол сувдан!

Наркисс сувдаги ўз аксига тикилганча ўйланиб қолади. Шунда бирдан унинг миясига ғоят даҳшатли фикр келади-ю, сувга энгашиб, ўз инъикосига оҳиста пичирлаб дейди:

– О, қандай мусибат! Мен ўзимни севиб қолганга ўхшайман! Ахир сен – ўзимсан-ку! Демак, ўзимга ўзим муҳаббат изҳор этияпман. Кўнглим сезяпти, ҳадемай бу ёруғ жаҳондан кўз юмаман. Мен эндигина ғунча очганимда сўлиб, зимистон руҳлар салтанатига риҳлат этаман. Мен ўлимдан қўрқмайман, зеро, ўлим бу ишқий азобларимга барҳам беради.

Наркисс ҳолсизланади, ранги бўзаради, жони узилаётганини ҳис қилади, лекин шунга қарамай, ҳануз ўз аксидан кўзини уза олмайди. У йиғлайди. Кўз ёшлари жилганинг зилол сувига томади. Шунда сувнинг ойнадек тиниқ сатҳида пайдар-пай ҳалқалар пайдо бўлади-ю, унинг сувда акс этиб турган гўзал тасвири кўздан йўқолади.

– О, қаёққа кетдинг? – дейди қўрқиб кетган Наркисс. – Қайт! Мен билан қол! Мени тарк этма: ахир бу шафқатсизлик-ку. О, ҳеч бўлмаса, жамолингга боқишимга имкон бер!

Мана, сув сатҳи тиниб, яна Наркисснинг акси намоён бўлади, яна у ўз аксидан кўз узмайди. Гул баргига инган шабнам томчиси офтобнинг қайноқ тафтига дош бера олмай ғойиб бўлганидек, шўрлик Наркисс ҳам сўла бошлайди. Унинг қандай изтироб чекаётганини бахтиқаро санам Эхо ҳам кўриб туради. Санам уни ҳануз аввалгидек севади, шу боис Наркисснинг изтироби унинг қалбини исканжага олиб оғритади.

– О, мен қандай бадбахтман! – деб нола қилади Наркисс.

– Бадбахтман! – деб жавоб қилади Эхо.

Ниҳоят, бу ишқ азобидан қийналиб кетган Наркисс, ўз аксига тикилганча заифлашган овозда зўрға дейди:

– Алвидо!

Шунда санам Эхонинг жавоби янада заифроқ эшитилади:

– Алвидо!

Наркисснинг боши жилға бўйидаги майсага эгилади ва ажалнинг зулмат пардаси унинг кўзларини юмади. Наркисс ўлади. Ўрмон санамлари унга аза тутиб йиғлайдилар, Эхо ҳам йиғлайди. Санамлар навқирон Наркиссни дафн қилиш учун қабр қазийдилар, аммо жасадни олиб кетгани келишганда, у ғойиб бўлган эди. Қарасалар, Наркисснинг боши майса узра эгилган ерда муаттар оқ гул – ўлим гули ўсиб чиқипти; бу гулни наргис дейдилар.

АДОНИС

Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Бироқ Наркиссни шундай қаттиқ жазолаган муҳаббат маъбудасининг ўзи ҳам ишқ азобиға мубтало бўлган ва севикли маҳбуби Адонисға аза тутиб, юм-юм йиғлаган эди. Фоний бандалардан ҳеч бир кимса гўзалликда Кипр шаҳзодаси Адонисға тенг кела олмасди, у, ҳатто, Олимпдаги тангрилардан ҳам дилбарроқ эди. Афродита шу йигитни деб ўз маскани Патмосни ҳам, бўстон Киферани ҳам унутиб юборади. Унинг учун Адонис мунаввар Олимпдан ҳам азизроқ эди. Маъбуда бутун вақтини навқирон Адонис билан ўтказди. Афродита бу йигит билан бирга Кипр тоғлари, ўрмонларида худди бокира Артемидадек ов қилиб юради. Афродита ўзининг олтин безакларини ҳам, энг соҳибжамол маъбуда эканлигини ҳам унутиб қўяди. У жазирама офтоб тиғида ҳам, рутубатли ёғингарчилик дамларида ҳам овға чиқиб, куёнлар, хуркак буғулар ва охуларни паққос ов қилади, лекин даҳшагли шерлар, қобонларни овлашдан ўзини олиб қочади. Бирон фалокат юз бермасин, деб у Адонисдан ҳам шерлар, айиқлар, қобонларни овламасликни илтимос қилади. Маъбуда шаҳзодани камдан-кам ёлғиз қолдиради, лекин ҳар гал у билан хайрлашганида, илтимосимни унутма, деб қайта-қайта тайинларди.

Бир куни шикор пайтида Адониснинг този итлари баҳайбат бир қобоннинг изини оладилар. Улар бу ҳайвонни уясидан ҳайдаб чиқиб, хурганча жон-жаҳдлари билан қувиб кетадилар. Адонис салмоқли ўлжаға рўпара келаётганидан суюниб кетади; лекин у ўз ҳаётида охирги марта ов қилаётганини билмайди. Итларнинг хуриши тобора яқинлашаверади, ана, қобоннинг баҳайбат гавдаси буталар орасида лип-лип кўрина бошлади.

Адонис бу кутурган хайвонга энди найза санчмоқчи бўлганида, кобоннинг ўзи унга ташланади, қатта-қатта ўткир тишлари билан Афродитанинг эрка маҳбубини оғир жароҳатлайди. Адонис бу мудҳиш жароҳатдан ўлади. Афродита Адониснинг ўлганини эшитиб, ниҳоятда оғир қайғуга ботади ва навқирон маҳбубининг жасадини ахтариб, Кипр тоғларига чиқиб кетади. Афродита тоғларнинг тик кесиб тушган ёнбағирларидан, паскам дараларидан, тубсиз жарларнинг лабидан юради. Чақир тошлар, тиканаклар маъбуданинг нафис оёқларини тилиб қонатади. Маъбуда юрган ерларда унинг оёқларидан оққан қон томчиларидан из қолади. Ниҳоят, Афродита Адониснинг жасадини топади. Бевақт нобуд бўлган ўктам йигитнинг хотираси мангу қолиши учун, маъбуда нафис қарғатуёқ гулига Адониснинг қонидан озуқа олиб ўсишни амр этади. Маъбуданинг тилинган оёқларидан қон томган ерлардан эса, худди Афродитанинг қони сингари қирмизи ранг атиргуллар гуркираб ўсиб чиқади. Чақмоқдор Зевснинг азадор маъбудага раҳми келади. У оғаси Аид билан унинг завжаси – янғаси Персефонага ҳар йили Адонисни машъум арвоҳлар салтанатидан рўйи заминга чиқариб туриш ҳақида фармон беради. Шундан бери Адонис ярим йил Аид салтанатида қолса, ярим йил ер юзида маъбуда Афродита билан бирга бўлади. Муҳаббат маъбудасининг арзандаси, навқирон ўктам йигит Адонис ҳар гал куёшнинг чароғон шуъласига ғарқ бўлган ер юзига чиққанида бутун табиат шодланади.

ЭРОТ

Соҳибжамол Афродита дунёга ҳукмронлик қилади. Унинг ҳам, худди чақмоқдор Зевсда бўлганидек, ўз чопари бор: ўз ҳукмини шу чопар орқали рўёбга чиқаради. Бу чопар – унинг ўғли Эрот бўлиб, хушчақчақ, тўполончи, муғамбир, баъзида, ҳатто, бадқаҳр боладир. Шамолдек тез ва енгил Эрот ўзининг обдор олтин қанотларида мамлакатлар, денгизлар узра учиб юради. Унинг қўлида жажжигина тилла камон, елкасида ўқ тўла садок. Бу олтин ўқлардан ҳеч ким қочиб кутула олмайди. Эрот отган ўқини нишонга теккизмай қўймайди, у мерганликда, ҳатто, зулфизар Аполлондан ҳам қолишмайди.

Эротнинг ўқлари, одатда, кишига қувонч ва бахт олиб келади, лекин у ўқлар кўпинча одамлар бошига оғир савдолар солиши, уларни ишқ азобига мубтало қилиши, ҳаттоки, ҳалокатга олиб бориши ҳам мумкин.

Афродитанинг бу ўғли ёруғ дунёга не-не қайғу-ҳасрат, не-не фалокат олиб келишини Зевс биларди. Шунинг учун уни туғилган заҳоти ўлдириб юборишларини талаб қилади. Аммо қайси она ўз фарзандининг ўлимини истайди? Афродита Эротга кўзи ёриган ҳамоно, уни чангалзор ўрмоннинг

энг хилват ерига яширади, шу ерда чақалоқ Эротни иккита ваҳший она шер ўз сути билан боқа бошлайди. Эрот улғаяди, шундан буён бу навқирон, ўктам бола дунё узра тинмай учиб юриб, ўз ўқлари билан бандалар бошига гоҳ бахт, гоҳ бахтсизлик, гоҳ эзгулик, гоҳ ёвузлик ёғдиради.

ҲИМЕНЕЙ

Афродитанинг яна бир кўмакчиси ва хамроҳи бор – бу навқирон никоҳ маъбуди Ҳименей. У ўзининг қордек оппоқ қанотларини ёйиб, никоҳ намоиши олдида учиб боради. Унинг кўлидаги никоҳ машъаласи лов-лов ёнади. Никоҳ тўйи пайтида жўр бўлиб кўшиқ айтган қизлар Ҳименейга юзланиб, келин-куёвнинг никоҳига дуои хайр беришни ва уларга қувончли ҳаёт ато этишни илтижо қиладилар.



ҲЕФЕСТ



Зевс билан Ҳеранинг ўғли, олов тангриси – Ҳефест темирчилик санъатида қиёси йўқ уста эди; у Олимпда таваллуд топади, лекин нимжон ва ланг (чўлоқ) бўлиб туғилади. Муаззама Ҳерага унинг хунук ва рамақижон чақалоғини кўрсатишганда, сармаликанинг фиғони фалакка чиқади ва гўдакни олиб, Олимпдан пастга – жуда олис заминга улоқтиради.

Бахтиқаро чақалоқ анча вақт парвоз қилиб, ахири мудом тўлқинланиб турувчи ҳад-худуди йўқ уммонга келиб тушади. Денгиз маъбудалари Эвринома (бузург Океан қизи) билан Фетида (сохибқаромат денгиз қарияси Нерей қизи)нинг мурғак гўдакка раҳмлари келади. Улар денгизга келиб тушган кичкина Ҳефестни олиб, ўзлари билан мўйсафид Океаннинг энг теран қаърига олиб тушиб кетадилар ва ўша ердаги ложувард ғорда уни парвариш қила бошлайдилар. Тангри Ҳефест хунук ва чўлоқ, аммо билаклари бақувват, кўкраги кенг, бўйни мушакдор бўлиб ўсади. У темирчилик касбида ғоят баркамол, устаси фаранг ҳисобланади. У ўз мураббиялари Эвринома билан Фетидага олтин ва кумушдан жуда кўп ғаройиб безак буюмлар ясаб беради.

Ҳефест онаси – маъбуда Ҳерага бўлган адоватини узоқ вақт дилида сақлаб юриб, ахири бир кун, ўз фарзандини Олимпдан улоқтиргани учун, ундан интиком олмоқчи бўлади. У соф олтиндан ниҳоятда бежирим ғаройиб бир тахт ясаб, онасига туҳфа сифатида Олимпга жўнатади. Сармалика бу ажойиб совғани кўриб беҳад қувониб кетади. Ҳақиқатан ҳам, бундай ғайритаъсиф тахтда фақат худолар ва бандаларнинг маликаси ўтириши мумкин эди. Лекин – о, қандай даҳшат! Ҳера тахтга ўтириши билан, бирдан тахт метин исқанжага айланиб, маъбудани занжирбанд эта-

ли. Тангрилар маъбудани кутқармоқ учун ёрдамга отиладилар. Лекин бе-
фойда: биронта ҳам худо малика Ҳерани тузоқдан кутқара олмайди. Шун-
да тангрилар бу тахтни ясаган Ҳефестгина ўз онасини исканжадан озод
килиши мумкинлигини тушунадилар.

Шу заҳоти темирчи тангрини бошлаб келгани унинг ҳузурига
Ҳермесни юборадилар. Муждаци Ҳермес дунёнинг чеккасига, Океан
соҳилига қуюндек учиб боради. У замин умон устидан бир лаҳзада пар-
воз этиб ўтиб, Ҳефест ишлаётган ғорга кириб боради. У малика Ҳерани
исканжадан озод қил, деб узоқ вақт Ҳермесга ялиниб-ёлборади, бироқ
онасининг бадкирдорлигини унутмаган темирчи тангри ёрдам беришдан
мутлақо бош тортади. Шу пайт бу ғорга Ҳермесга далда бўлиш мақсадида
май худоси Дионис кириб келади. У қаҳ-қаҳ уриб кулиб, Ҳефестга бир
қадах хушбўй май узатади, кейин устма-уст иккинчи, учинчи қадахларни
тўлдириб тутаяди. Ҳефестнинг кайфи ошиб қолади, ана энди уни истаган
кўйга солиш, хоҳлаган ерга олиб бориш мумкин эди. Май худоси Дио-
нис Ҳефестни мағлуб қилган эди. Ҳермес билан Дионис Ҳефестни эшак-
ка миндириб, Олимпга олиб чиқишади. Ҳефест эшакда чайқалиб боради.
Унинг атрофида қўлларига тирс¹ ушлаб, печакгулга ўранган менадалар
шўх-шўх рақс тушиб боришади. Ширакайф сатирлар бесўнақай сакра-
шади. Машғалалар тутайди, дафлар² баралла тарақлайди, чилдирмалар
гумбурлайди, намоишнинг олдида эса, бошига итузум наваларидан
гулчамбар кийган Дионис боради. Намоишчилар шоду хуррам. Мана,
ниҳоят, улар Олимпга чиқадилар. Ҳефест бир зумда онасини исканжадан
кутқаради, энди у гина-кудуратни унутиб юборган эди.

Шу-шу Ҳефест Олимпда яшаб қолади. У ерда Ҳефест тангрилар учун
серҳашам олтин қасрлар қуради, ўзига ҳам олтин, кумуш ва биринждан
катта сарой тиклайди. Бу саройда Ҳефест ўз завжаси, назокат ва латофат
маъбудаси, хушрўй, хушмуомала Харита билан истиқомат қилади³.

Ҳефестнинг мўъжизакор чилангархонаси ҳам шу саройда бўлиб, у
кўпроқ вақтини шу ерда ўтказаяди. Устахонанинг ўртасида маҳобатли сан-
дон, бурчакда – олови хамиша лангиллаб ёниб турувчи ўчок билан босқон
бор. Бу босқон ғоят мўъжизали: унга дам бериш учун қўлни ишга солиш
керак эмас, босқон Ҳефестнинг оғзидан чиққан сўзга итоат этади. Темирчи
тангри қора терга ботиб, бошдан-оёқ чанг ва курумга беланиб ишлайди. У
кўз кўриб қулоқ эшитмаган ажиб буюмлар, чунончи: мағлуб бўлмайдиган

¹ *Тирс* – Дионис ва унинг ҳамроҳлари олиб юрадиган асо; одатда, бундай асо
печакгул ва узум барглари билан чирмалган ва учига қарағай бужури қўндирилган
бўлади.

² *Даф* – бир-бирига уриладиган мис лаппак шаклидаги зарбли чолғу асбоби.

³ Бошқа бир ривоятда айтилишича, Ҳефестнинг хотини Афродита бўлган.

курол-аслаҳалар, олтин ва кумуш тақинчоклар, қадахлар, жомлар, олтин ғалтакларга ўрнатилган ўзи бориб келиб турувчи сепоялар ясаиди!

Ҳефест ишни тугатгач, муаттар сувда ювиниб, тер ва курумдан покланади, сўнг нимжон оёқларида оксокланиб, гандираклар падари чакмоқдор Зевс ҳузурига, худолар базмига равона бўлади. Бу хушмуомала, окқўнгил худо падари Зевс билан волидаси Ҳера ўртасида тез-тез чиқиб турадиган можаронинг олдини олади, эр-хотинни яраштиради. Ҳефест базм аҳлига бир чеккадан хушбўй обихаёт сунарган, унинг оксокланиб юришини кўрган худолар ўзларини кулгидан тўхтата олмайдилар.

Лекин тангри Ҳефестнинг дарғазаб пайтлари ҳам бўлади. У ёққан олов қуввасини ва баҳайбат болғасининг махвор зарбини кўпчилик синиб кўрган. У, ҳатто, Троя бўсағасидаги жўшқин Ксанф ва тошқин Симоис дарёларини ҳам ўз олови қудрати билан ҳовуридан туширган. Шунингдек, болғаси билан қудратли гигантларни ҳам маҳв қилган.

Пурмаҳорат темирчи, олов соҳиби Ҳефест – бузург тангридир: у бандаларга ҳарорат ва қувонч бахш этади, мушфиқ ва окқўнгил, лекин гуноҳкорни бешафқат жазолайди ҳам.



ДЕМЕТРА ВА ПЕРСЕФОНА



Муаззама маъбуда Деметранинг қудрати беназирдир. У заминга ҳосилдорлик ато этади, унинг сербарака қуввасисиз на қалин ўрмонларда, на поёнсиз ўтлоқларда, на серҳосил шудгорларда биронта гиёҳ униб чиқади.

АИД ПЕРСЕФОНАНИ ЎФИРЛАЙДИ

Ҳомернинг қасидаси бўйича баён қилинади

Маъбуда Деметранинг чакмоқдор Зевсдан бўлган Персефона исмли навнихол, соҳибжамол қизи бор эди. Кунлардан бир кун Персефона дугоналари – Океан қизлари билан чаманзор Нисей водийсида¹ мисоли капалак у гулдан-бу гулга учиб ўтиб, беташвиш яйраб, шўх-шўх ўйнаб юрарди. У барк уриб очилган гулларни, муаттар бинафшаларни, қордек оппоқ нилуфарларнию қирмизи ранг хушбўй сунбул гулларини терарди. Пешонасига падари Зевс ёзган қисматдан мутлақо ғофил Персефона парвойи фалак эди. У энди анча вақтгача нурафшон куёш шуъласидан баҳраманд бўла олмаслигини, ҳали-бери гул сайрига чикмаслиги, уларнинг тотли атрини

¹ Нисей водийси кўпроқ афсонавий деб ҳисобланади. Чунки ривоятларда у гоҳ Фракияда, гоҳ Арабистонда, гоҳ Ҳиндистонда деб тасвирланади. Лекин энг аввал у Бестияда бўлган.

тўйиб-тўйиб ҳидлай олмаслигини хаёлига ҳам келтирмас эди. Зевс уни ўзининг бадқовок оғаси, мархумлар салтанатининг хукмдори Аидга хотин қилиб берди-ки, бундан буён Персефона қайноқ жануб офтоби нуридан маҳрум бўлиб, зимистон ер ости салтанатида яшашга маҳкум этилган эди.

Аид Нисей водийсида ҳаловатда ўйнаб юрган Персефонани кўради-ю шу заҳоти уни ўғирлашга қарор қилади. У ер маъбудаси Геяга юзланиб, ўз бағридан гўзалликда қиёси йўқ бир гул ўстириб чиқаришни илтижо қилади. Гея рози бўлади, натижада, Нисей водийсида мўъжизаваш бир гул ғунча очади; бу гулнинг кишини сархуш этувчи атри бутун водийга таралади. Персефона гулни кўриб қолади; мана, кўлини гул бандига чўзиб, уни узиб ҳам олади. Шунда бирдан ер ёрилади-ю, унинг қаъридан қора отлар кўшилган олтин жангаробада Аид чиқиб келади. У Персефонанинг белидан кучиб аробага чиқаради-да, кўз очиб-юмгунча ер остига кириб, ғойиб бўлади. Персефона фақат бир марта чинқиришгагина улгуради. Бадқовок Аид Персефонани ўғрилаганини ҳеч ким пайқамайди, буни фақат тангри Хелиос, яъни Куёш кўрган эди.

Маъбуда Деметра Персефонанинг чинқирганини эшитади. У дарҳол Нисей водийсига етиб бориб қизини қидиради, дугоналари – Океан қизларидан сўраб-суриштиради, аммо уни ҳеч ердан топа олмайди. Персефона қаерга ғойиб бўлганидан Океан қизлари беҳабар эдилар.

Кўзининг оқу қораси, яккаю ёлғиз қизидан жудо бўлган муаззам маъбуда Деметранинг қалби оғир андуддан изтироб чекади. У эгнига қора кийиб¹, аччиқ-аччиқ кўзёш тўкиб, рўйи замин узра тўккиз кун мутгасил кезиб юради. Онаизорнинг Персефонани қидирмаган ери, кизимни топиб беринглар, деб ёрдам сўрамаган кимсаси қолмайди, аммо ҳеч ким унга ёрдам кўлини чўза олмайди, қайғусини арита олмайди. Ниҳоят, у тангри Хелиос (Куёш) қошига бориб, юм-юм йиғлаганча илтижо қилади:

– О, мунаввар Хелиос! Сен олтин аробангда бутун замин уммонлар узра юксак самода парвоз қиласан, ҳамма нарсани кўрасан, ҳеч бир нарса сенинг нигоҳингдан яширина олмайди; агар мендек муштипар онаизордан зиғирдаккина шафқатингни дариг тутмасанг, айт, қизгинамни мен қаердан ахтарай? Мен нуридийдамнинг фарёдини эшитиб қолдим, биламан, уни ўғирлаб кетишди. Айт, ким уни ўғирлади?

Деметрага мунаввар Хелиос шундай жавоб беради:

– О, муаззама маъбуда, сени нечоғли ҳурмат қилишимни ўзинг яхши биласан, кўряпсанки, бошинга тушган бу андуҳ мени ҳам изтиробга солмоқда. Шунин билки, кизингни бузург булутқувар Зевс ўз оғаси бадқовок Аидга хотин қилиб берди. Персефонани Аид ўғирлаб, ўзининг даҳшатгоҳ салтанатига олиб тушиб кетди. О, маъбуда, қалбинга таскин

¹ Қора кийим – азадорлар либоси.

бер, җазабингдан туш: зеро, куёвинг улкан худодир, кизинг бузург Зевсинг кудратли оғасига хотин бўлди.

Маъбуда, Деметра янада кўпроқ кайғуга ботади, қизи Персефонани онасининг розилигини олмай, Аидга хотин қилиб берган чакмоқдор Зевсдан қаттиқ җазабланади. У тангрилар жамоасини, Олимпни тарк этиб, фоний банда қиёфасига киради ва узок муддат аччиқ кўзёш тўкиб, бандалар орасида мотам либосида тентираб юради.

Шунда ер юзида ҳеч нима ўсмай қўяди. Дарахтларнинг барглари хазон бўлиб тўкилади. Ўрмонлар шир яланғоч бўлиб қолади. Ўт-ўланлар қовжирайди, гуллар сўлиб, турфа ранг бошларини маъюс эгадилар. Боғлар ҳосилдан қолади, ям-яшил токзорлар қурийди, оғир-оғир узум бошларидан асар ҳам қолмайди. Ҳосилдор экинзорлар ҳувиллаб қолади – у ерларда, ҳатто, гиёҳ ҳам унмайди. Бутун ер юзида ҳаёт тўхтайдди. Ҳамма ерда очлик бошланади, қаёққа қарама, нола-ю фиғон эшитилади. Жамики одамзоднинг буткул қирилиб кетиш хавфи туғилади. Лекин кайғуга чўмган Деметра ҳеч нимани пайқамайди ҳам, эшитмайди ҳам.

Ниҳоят, у юриб-юриб Элевсин шаҳрига келади. Бу ерда Деметра қалъа девори яқинида ўсган зайтун тагига бориб, «қизлар қудуғи» олдидаги «ҳасрат тоши» устига инади. У худди ҳайкалдек кимир этмай ўтиради. Эгнидаги қора либоси сидиргасига осилиб ергача тушиб туради. Унинг боши эгик, кўзёшлари кўксига дув-дув оқади.

Маъбудани Элевсин шоҳи Келейнинг қизлари кўриб қолади. Улар мотамсаро кийимда қудуқ бошида юм-юм йиглаб ўтирган аёлни кўриб ҳайрон бўладилар ва унга яқин бориб, раҳмдиллик билан кимсиз, деб савол берадилар. Лекин маъбуда Деметра ўзининг кимлигини улардан сир тутаяди.

– Исмин Део, – дейди у, – асли Крит оролиданман. Мени қароқчилар ўғирлаб кетган эди. Илло мен уларнинг қўлидан қочдим, кўп вақт дарбадарликда юриб, ахири шу Элевсинга етиб келдим.

Кейин Деметра Келей қизларидан ўзини оталарининг уйига бошлаб боришни илтимос қилади; у қизларнинг онасига чўри бўлиб хизмат қилишга рози эканлигини айтади. Шунда шоҳ қизлари Деметрани ўз оналари Метанейра қошига бошлаб боришади.

Қизлар уйларига фоний бир бандани эмас, маъбудани бошлаб келганларидан беҳабар эдилар. Лекин Деметра остона ҳатлаб ўтаётганида, боши эшик тепасидаги тўсинга тегиб кетадию бирдан бутун уйни ажиб бир шуъла чарогон қилиб юборади. Малика Метанейра ўрнидан туриб, Деметра томон пешвоз юради; чунки у қизлари бошлаб келган бу аёлнинг фоний банда эмаслигини фаҳмлаган эди. Малика бу нотаниш аёлга эҳтиром билан таъзим қилади ва уни ўзи ўтирган курсига таклиф этади. Лекин Деметра бундан бош тортади; хануз атрофда бўлаётган воқеаларга бепарво бу маъбула маъбуда жория учун мўлжалланган оддий курсига бо-

риб ўтиради. Метанейранинг жорияси хушчақчақ Ямба бўлса, бу нотаниш аёлнинг чуқур қайғуга ботганини кўриб, унинг кўнглини кўтаришга ури-нади. У меҳмон аёл билан ўз соҳибасига хизмат қиларкан, қизиқ-қизик гаплар айтади, хандон ташлаб кулади, ҳазил-мутойибаларининг кети узилмайди. Деметра, бадкирдор Аид кизи Персефонани ўғирлаб кетганидан бери биринчи марта шу ерда жилмаяди, биринчи марта овқат тановул қилишга рози бўлади.

Деметра Келейнинг хонадонида қолади. У шоҳ ўғли Демофонтга му-раббиялик қила бошлайди ва унга боқий ҳаёт ато этишга қарор қилади. Маъбуда гўдакни тиззасига ўтказиб, уни ўзи билан ҳамнафас қилади: гўдак маъбуданинг боқий нафасидан баҳраманд бўлади. Деметра гўдакнинг ба-данига боқийлик неъматини – амбар мойи суради, кечалари эса, шоҳ қасрида ҳамма уйқуга кетган чоғда Демофонтни йўргаклаб, ўчоқда лангиллаб ёниб турган оловга кўяди. Лекин Демофонт боқий бўла олмайди. Чунки бир марта Метанейра ўғлининг ўчоқдаги оловда ётганини кўриб қолиб, жуда кўрқиб кетади ва Деметрага, бундай қилма, деб ёлборади. Маъбуда маликадан қаттиқ ранжийди, болани ўчоқдан оларкан, дейди:

– О, нодон аёл, мен ўғлингга боқийликни раво кўрмоқчи, баданини бешикаст қилмоқчи эдим. Билки, мен бандаларга ҳам, боқий тангриларга ҳам қувва ва қувонч бахш этувчи маъбуда Деметра бўламан.

Шундай қилиб, Деметра шоҳ билан унинг завжаси Метанейрага ўзини ошкор қилади ва яна одатий маъбудалик қиёфасига киради. Келейнинг кўшқлари илоҳий шуъла билан мунаввар бўлади. Соҳибжамол маъбу-да Деметра энди олтин зулфлари елкасига тушиб, нигоҳларида донолик учқунлари чакнаб, либосларидан хушбўй ис келиб, малика қаршисида виқор билан турарди. Буни кўрган Метанейра билан унинг эри маъбуда пойига тиз чўкишади.

Маъбуда Деметра шоҳга Элевсин шаҳридаги Каллихора чашмаси ёни-га ибодатхона қуришни амр этади, сўнг шу ибодатхонада яшаб қолади. Мазкур ибодатгоҳда Деметранинг ўзи янги байрамларни таъсис этади.

Биттаю битта суюкли кизидан жудо бўлган Деметра ҳамон андуҳда яшар, Зевсга бўлган адоватини зинҳор унутмас эди. Ҳануз далалар қисир эди. Дехқонларнинг экинзорларидан гиёҳ ҳам униб чикмас, бунинг оқибатида элда очарчилик тобора авж ола бошлаган эди. Хўкизлар зил-дек омочларни шудгорда зўр бериб тортишар, лекин бу ишларнинг бари бесамар эди. Бутун-бутун қабилаларнинг ёстиғи қурий бошлайди. Оч бандаларнинг оху фиғони фалакка етади, лекин Деметра ҳамон бепарво-лигича қолаверади. Мана, ниҳоят, ер юзида боқий тангрилар шарафига қурбонликлар қилиш барҳам топади – қурбонгоҳлардаги гулханлар ўчади. Ер юзидаги жонзот борки, ҳаммаси қирилиб кетиш хавфи остида қолади. Аммо булутқувар тангри Зевс бандаларининг маҳв бўлишини истамасди. У Деметранинг хузурига тангрилар муждачиси Иридани жўнатади. Ирида

камалакранг қанотини қоқиб, шамолдек елганча, зумда Элевсиндаги Деметра ибодатхонасига етиб келади ва ундан Олимпга, худолар жамоасига қайтишни илтижо қила бошлайди. Деметра унинг илтижосига қулоқ солмайди. Шундан кейин Зевс Деметра хузурига бошқа маъбудаларни ҳам юборади, аммо Деметра то кизи Персефонани Аид қайтариб бермагунча, Олимпга қадам босмаслигини айтади.

Шунда ноилож қолган Зевс Аид хузурига хаёлдек учқур Ҳермесни юборади. Ҳермес Аид салтанатига тушиб, олтин тахтда ўтирган мархумлар руҳининг султони қошига боради ва унга Зевс хоҳишини изҳор этади.

Аид Персефонани онасининг олдига юборишга рози бўлади, лекин уни жўнатишдан олдин, қизга никоҳ рамзи бўлмиш анор донасини едиради. Мана, Персефона Ҳермес билан бирга эрининг олтин жангаробасига чиқади; Аиднинг ҳеч қандай ғовни писанд қилмайдиган боқий отлари шамолдек еладилар ва кўз очиб-юмгунча вақт ўтмай, Элевсин шаҳрига етадилар.

Севинчдан боши осмонга етган Деметра қизига пешвоз чиқиб, уни бағрига босади. Кейин Деметра қизи Персефона билан бирга Олимпга қайтади. Шунда Зевс, Персефона йилнинг учдан икки қисмини онаси билан бирга яшаб ўтказади, учдан бир қисмида эри Аиднинг хузурида бўлади, деб ҳукм чиқаради.

Деметра ерга яна ҳосилдорликни ато этади, яна бутун борлиқ яшил либосга бурканиб, чаманзорга айланади. Ўрмонлар баҳор айёмига хос нафис япроқлар билан ўранади, ўтлоқлардаги зумрад майсалар орасидан турфа ранг чечаклар бош кўтариб чиқади. Орадан хиёл вақт ўтар-ўтмас сербаракот буғдойпоялар бошоқлай бошлайди, боғ-роғлар гуллаб, атрофга муаттар хид таратади, тоқларнинг ям-яшил япроқлари офтоб шуъласида товланади. Бутун табиат уйғонади. Жонзот борки, ҳаммаси қувончга тўлади ва муаззама маъбуда Деметра билан унинг қизи Персефонага ҳамду сано айтади.

Лекин Персефона ҳар йили кузда онасини ташлаб, Аид салтанатига кетади. Деметра яна ғамга ботиб, қора либос кияди. Шунда бутун табиат ер юзини тарк этган Персефонага куюниб ғамга ботади. Дарахтларнинг япроқлари сарғаяди, куз шамоли уларни узиб, учириб кетади; гуллар сўлади, экинзорлар хувиллаб қолади, қиш бошланади. Энди табиат, то Персефона Аиднинг ғамхона салтанатидан яна онасининг бағрига қайтмагунча, то чароғон баҳор айёми етиб келмагунча, маст уйкуда ётади. Деметра қизини ўз оғушида кўриши билан бу ҳосилдорлик маъбудаси яна ўз неъматларини одамларга саховат билан улаша бошлайди, деҳқон меҳнатини мўл-кўл ҳосил билан тақдирлайди.

ТРИПТОЛЕМ

Брга хосилдорлик ато этувчи маъбуда Деметра одамларга сермуҳассал экинзорларда қандай ишлашни ўргатади. У Элевсиннинг навкирон шахзодаси Триптолемга уруғлик буғдой беради, шунда шоҳ ўғли Элевсин яқинидаги кенг далани биринчи марта уч карра омовчи билан ҳайдаб, қора тупроқли шудгорга уруғ сочади. Деметранинг дуои хайли теккан бу далада ҳосил беҳад мўл бўлади. Триптолем қанотли илонлар қўшилган ғаройиб аравага ўтириб, Деметранинг амри билан барча ўлкаларни айланиб чиқади ва ҳамма ерда одамларга деҳқончиликдан сабоқ беради.

Триптолем олис Аскифияда, шоҳ Линх хузурида ҳам бўлади. Унга ҳам деҳқончилик касбини ўргатади. Бироқ аскифларнинг мутақаббир шоҳи Триптолемга ҳасад қилиб, унинг устоз бободехқонлик шуҳратига эга чикмоқчи бўлади. Линх Триптолемни ухлаб ётган чоғида ўлдиришга жазм қилади. Лекин Деметра бу ёвузликнинг олдини олади. Меҳмондўстлик қондасига хилоф иш тутиб, маъбуданинг мумтоз бандасига қўл кўтармоқчи бўлган Линхни Деметра қаттиқ жазолашга қарор қилади.

Кечаси Линх маст уйкуда ётган Триптолемнинг хобхонасига аста оёқ учида кириб боради. Лекин у ғафлатдаги йигитга эндигина ханжар санчмоқчи бўлганида, Деметра бу подшони бирдан силовсинга айлантириб қўяди.

Натижада, силовсинга айланган Линх қуюқ ўрмонга қочиб кетади, Триптолем эса, аскифлар мамлакатини тарк этиб, Деметранинг беназир неъматини – деҳқончиликдан одамларга сабоқ бериш учун ўзининг ғаройиб аробасида мамлакатма-мамлакат кезиб юради.

ЭРИСИХТОН

Маъбуда Деметра нафақат аскифлар шоҳи Линхни, шунингдек, Фессалия подшоҳи Эрисихтонни ҳам жазога мустаҳиқ этган эди. Эрисихтон жуда такаббур ва муртад одам эди, у худоларга ҳеч сиғинмас, уларнинг шарафига қон чиқариб қурбонлик қилмас эди.

Эрисихтон шаккоқлик қилиб Деметрани таҳқирлайди. У маъбудага назр қилинган муқаддас ўрмондаги юзга кирган эман дарахтини (бу дарахт Деметранинг эркатой санамига паноҳгоҳ эди) кесиб қулатмоқчи бўлади. Бу ишда муртад Эрисихтон ҳеч нимадан тап тортмайди.

– Бу эман наинки Деметранинг санамига, ҳатто маъбуданинг ўзига маскан бўлганида ҳам, уни қулатмай қўймайман! – дейди бетавфиқ шоҳ.

У хизматқори қўлидан болтани юлиб олиб, бор кучи билан уни дарахтга уради. Болта дарахт танасига ботганида унинг ичидан ҳазин инграш

эшитилади ва дарахт пўстлоғи остидан қон тизиллаб отила бошлайди. Бу ҳолдан шоҳ хизматкорлари ханг-манг бўлиб қолишади. Шунда улардан бири юрак ютиб, шоҳ қўлидан болтани тортиб олмоқчи бўлади, лекин дарғазаб Эрисихтон уни болта билан чопиб ўлдиради ва:

– Худоларга сиғинишнинг жазоси мана шунақа бўлади! – деб хайқиради.

Эрисихтон юз йиллик эманни кесади. Қарсиллаб ерга кулаётган дарахтдан инграган овоз эшитилади; шундай қилиб бу дарахт ичида маскан қурган ўрмон санами дунёдан кўз юмади.

Муқаддас ўрмон санамлари қора кийишиб, маъбуда Деметра қошига борадилар ва унга илтижо қилишиб, дугоналарини ўлдирган Эрисихтонни жазолашни сўрайдилар. Деметра қаттиқ ғазабланади. У ўрмон санамини очлик маъбудасини айтиб келгани юборади. Санам Деметранинг қанотли илонлар қўшилган аробасига ўтириб, Кавказ тоғлари ортидаги Аскифияга шамолдек елади ва у ердаги хувиллаган тоғдан ранги захил, кўзлари кир-тайган, сочлари хурпайган, эти бориб устухонига ёпишган очлик маъбудасини топади. Санам унга Деметранинг амрини еткази, очлик маъбудаси Деметранинг амрига итоат этади.

У Эрисихтоннинг уйига келиб, шоҳга мангу қонмайдиган очлик дардини уфуради, бу дард Эрисихтоннинг ичини муттасил таталайди. У қанча кўп овқат еса, очлик уни шунча қаттиқроқ қийнай бошлайди. Эрисихтон бутун молу давлатини турфа хил озиқ-овқатларга сарфлайди, аммо бу таомлар Эрисихтоннинг иштаҳасини бадтар очиб, очлик азоби уни муттасил изтиробга солади. Ахири Эрисихтоннинг ёлғиз қизидан бўлак ҳеч вақоси қолмайди. У пул топиб қорин тўйдириш мақсадида кизини ҳам қул бозорига олиб чиқиб сотади. Лекин унинг бахтига, кизи тангри Посейдоннинг шарофати билан ҳар хил қиёфага кира оларди, шунинг учун киз ҳар гал уни харид қилганлар қўлидан гоҳ парранда, гоҳ от, гоҳ сигир қиёфасига кириб қочиб келаверарди.

Эрисихтон кизини жуда кўп марта сотади, лекин, барибир, бу савдодан қўлга киритган ақчаси овқатига етмайди. Очлик уни тобора қаттиқроқ қийнай бошлайди, бу азобга бардош бериш тобора мушкуллашади. Ахири бориб, тоқати тоқ бўлган Эрисихтон ўз баданини ғажиб ея бошлайди ва ит азобида ўлади.



ТУН, ОЙ, ШАФАҚ ВА ҚУЁШ



Маъбуда Тун – Нюкта қора отлар қўшилган аробасида осмондан охиста сузиб ўтади. У ер юзига тим қора пардасини ёпади. Бутун борлиқни зулмат чулғаб олади. Маъбуда Туннинг аробаси атрофида юлдузлар уймалашади, милтиллаб, ерга хира нур сочишади, бу юлдузлар –

маъбуда Шафақ – Эос билан Астрейнинг ўғлонлари. Улар жуда кўп, тунги зулмат осмонининг ҳамма ёғига сочилишган. Мана, шарқ томонда нафис бир шуъла кўринди. У борган сари кучлироқ ёриша бошлади: маъбуда Ой – Селена бош кўтариб осмонга чикмоқда. Унинг аробасини шохдор буқалар имиллаб осмонга тортиб чиқадилар. Этаги узун оқ либос кийиб, каллапўшига ой ўроғини кўндириб олган маъбуда Ой савлат тўкиб, хотиржам ўтиб боради. У уйкуга кетган ер юзига майин шуъла сочиб, уни кумушранг ёғдуга ғарк этади. Кейин, маъбуда Ой бутун осмон гумбазини босиб ўтиб, Кариядаги Латма тоғига жойлашган чуқур ғорга тушиб кетади. У ерда сохибжамол йигит Эндимион мангу маст уйкуда ётарди. Селена уни севади. У йигитнинг тепасига энгашиб, уни эркалайди, қулоғига муҳаббат сўзларини пичирлайди. Лекин мангу ғафлатга ғарк бўлган Эндимион маъбуданинг каломларини эшитмайди, шунинг учун ҳам Селена ҳамиша махзун, замин узра ёғдираётган шуъласи ҳам мудом маъюс.

Тонг тобора яқинлашиб келади. Маъбуда Ой осмонни тарк этганига ҳам анча бўлди. Машрик хиёлгина ёришди. У томонда тонг муждачиси Зухро юлдузи порлайди. Енгил шаббода эса бошлайди. Шарқдаги уфқ тобора кўпроқ ёришади. Мана, гулбадан маъбуда Шафақ – Эос дарвозани ланг очади, ҳадемай бу дарвозадан мунаввар Куёш худоси – Ҳелиос чиқиб келади. Мана, пуштиранг шуъладан хиёл ёришган самога оч, заъфарон либос кийган маъбуда Шафақ қирмизи қанотларини ёзиб парвоз қилади. Маъбуда олтин кўзадан ерга шабнам тўкади, шунда бу шабнам томчилари гиёҳлару гулларга иниб, олмос мисоли яраклай бошлайди. Бутун ер юзига муаттар ис таралади, ҳаммаёқдан хушбўй тутун кўтарилади. Ғафлатни тарк этган замин куёш тангриси Ҳелиосни кувонч билан қарши олади.

Нурафшон Ҳелиос тангри Ҳефест ясаб берган, тўртта тулпор кўшилган олтин аробада Океан сохилидан осмонга кўтарилади. Бош кўтариб чиқаётган Куёш даставвал тоғ чўққиларини ёритади, шунда чўққилар худди ўт олгандек виқор билан кўринади. Куёш пайдо бўлиши билан юлдузлар осмон гумбазини тарк этиб, бирин-кетин зулмат тун оғушига қоча бошлайдилар. Ҳелиоснинг олтин аробаси тобора юқорироқ кўтарилади. У бошида обдор тож, эгнида узун заррин либос билан фазода сузаркан, ерни эзгу ёғдуси билан мунаввар қилиб, унга ёруғлик, ҳарорат ва ҳаёт бахш этади.

Куёш худоси кундузги сафарини тугатиб, Океаннинг муқаддас суви-га бориб ботади. У ерда уни олтин қайиқ кутиб туради. Зиё тангриси шу қайиққа тушиб, яна орқага, куёш ўлкаси жойлашган машрикқа сузади. Бу ерда унинг ғоят муҳташам қасри бор. Куёш худоси тунда мана шу қасрда дам олиб, эртаси куни яна аввалгидек нурафшон ҳолда осмонга балқиш учун куч йиғади.

ФАЭТОН

Обидийнинг «Метаморфозалар» достони асосида баён қилинади

Куёш худоси ўзи жорий қилган тартибни фақат бир марта бузган эди – одамларга зиё таратиш учун фақат бир кунгина осмонга кўтарилмаган эди. Воқеа бундай бўлганди. Куёш – Ҳелиос денгиз маъбудаси Фетида-нинг кизи Клименадан Фаэтон исмли ўғил кўрган эди. Кунлардан бир кун Фаэтоннинг қариндоши, чақмоқдор Зевснинг Иодан («Ио» бобига қаранг) туғилган ўғли Эпаф, уни мазах қилиб шундай дейди:

– Мунаввар Ҳелиоснинг ўғли эканлигинга ишонмайман. Онанг сенга ёлғон гапирган. Сен – оддий бир фоний банданинг ўғлисан.

Фаэтон бу гапдан қаттиқ аччиқланади, номуснинг зўридан икки юзи чўғдек қизариб кетади; у югурганча онасининг олдига бориб, бошини унинг кўксига қўяди-да, юм-юм йиғлаб, мени Эпаф бадном қилди, деб зорланади. Лекин унинг волидаси Климена қўлларини нурафшон куёш томонга чўзганча, ўғлига шундай деб таскин беради:

– О, нуридийдам! Бизни кўриб, каломларимизни эшитиб турган Ҳелиосни тилга олиб (ўзинг ҳам ҳозир уни кўриб турибсан) онт ичаманки, ҳақиқатан ҳам у сенинг падарингдир! Агар лафзим ёлғон бўлса, майли, куёш мени ўз чароғон нуридан махрум этсин! Ўзинг унинг хузурига бор, у истиқомат қиладиган қаср биздан узоқ эмас. Гапимнинг ҳақлигини Куёшнинг ўзи эътироф этгай.

Фаэтон шу захоти Ҳелиос қошига равона бўлади. У олтину кумушу бебаҳо тошлардан қурилиб порлаб турган куёш қасрига зумда етиб боради. Тангри Ҳефест беагаган бу қаср камалакнинг барча рангини ўзида акс эттириб товланарди. Фаэтон қасрга кириб, у ерда арғувоний либосда тахтда ўтирган Ҳелиосни кўради. Лекин Фаэтон порлаб турган тангрига яқин бора олмайди, унинг кўзлари – фоний банданинг кўзлари Ҳелиоснинг тождан таралаётган порлоқ шуъладан камашарди. Куёш худоси Фаэтонни кўриб, ундан сўрайди:

– Хузуримга келишга сени нима мажбур қилди, ўғлим?

– О, олам зиёси, бузург падар Ҳелиос! Лекин сени падарим деб аташга ҳаддим сиғармикан? – дейди Фаэтон. – Ҳақиқатан ҳам менинг отам бўлсанг, далил кўрсат. Ўтинаман, дилимдаги иштибоҳни даф эт!

Ҳелиос бошидаги обдор тожини олиб қўйиб, Фаэтонни ўз ёнига қақиради ва уни бағрига босиб туриб шундай дейди:

– Ҳа, сен – менинг ўғлимсан, онанг Климена сенга рост гапирган. Ўғлим эканлигинга бошқа шубҳа қилмаслигинг учун хоҳлаган истагингни бажармоқчиман: тила тилагингни, муқаддас Стикс дарёсининг суви ҳаққи онт ичиб айтаманки, хоҳишингни бажармай қўймайман.

Ҳелиос шундай деб айтиши билан, дархол Фаэтон отасидан унинг ўрнида, унинг олтин аробасида бир кун осмонни сайр қилиб чиқишга ижозат сўрайди. Буни эшитиб мунаввар худо даҳшатга келади.

– Тентак, нимани сўраяпсан ўзи! – дейди Ҳелиос. – О, кошкийди ичган онтимни буза олсам! Сен асло бажариб бўлмайдиган нарсани сўраяпсан, Фаэтон. Бунга қурбинг етмайди. Ахир сен фоний бандасан, бандаларнинг иши эмас бу! Ҳаттоки, боқий тангрилар ҳам менинг аробамда парвоз қилишга ожиздирлар. Энг бузург тангри чақмоқдор Зевснинг ҳам аробамни бошқаришга юраги дов бермайди, ҳолбуки, дунёда ундан қудратлироқ хилқат йўқ! Ўзинг ўйлаб кўр: йўл аввалига шу қадар тикка кўтарилдики, ҳатто, менинг тулпорларим ҳам ундан зўр-базўр чиқишади. Кейин, йўлнинг ўрта қисми бошланади: бу энди ер юзидан шу қадар юксакдаки, пастда, жуда-жуда чуқурликда ястаниб ётган дала-даштлар, уммонларга қараганимда, ҳатто, менинг ҳам юрагим орқамга тортиб кетади. Йўлнинг охириги қисми Океан соҳилига бениҳоя тикка тушиб боради, бу йўлда менинг омилкорлигимсиз бошқариладиган ароба пастга кулаб тилка-пора бўлиши муқаррар. Балки сен йўлда кўп ажойиботларни учратиш орзусидадирсан? Йўқ, менинг йўлим хавф-хатар, даҳшат ва ваҳший ҳайвонлар орасидан ўтиб боради. У йўл ниҳоятда тор; агар ундан бир қадам четга чиқсанг, даҳшатли саврнинг шохларига, қавснинг ўқиға, ғазабнок асадга, мудҳиш ақрабу маҳобатли саратонга¹ рўпара келасан. Хуллас, осмон гумбази остидан ўтган йўл ниҳоятда хатарли. Гапимга ишон, ўғлим, мен сенинг нобуд бўлишингни истамайман. О, кошкийди, менинг қалбимга нигоҳ ташлай олсанг-у, сендан қанчалик хавотирланаётганимни ўз кўзинг билан кўра олсанг! Атрофингга бир бок, оламни кўздан кечир, рўйи заминда ажойиб ва ғаройиб нарсалар беҳисоб! Кўнглинг хоҳлаган нарсани сўра, ҳамма сўраганларингни бажо келтираман, фақат менинг ўрнимда осмонга чиқишни сўрама. Зеро, сен мендан ўзинг учун совға эмас, даҳшатли бало сўраяпсан.

Лекин Фаэтон ота каломига кулоқ солишни истамади; у Ҳелиоснинг бўйнидан маҳкам кучоклаб, айнан шу истагини бажо келтиришни сўрайверди.

– Яхши, илтимосингни бажараман, зеро, Стикс суви ҳаққи қасам ичдим. Айтганинг бўлади, афсус, сени ақли бола деб ўйлаган эдим, – деб гамгин оҳангда жавоб қилди Ҳелиос.

У Фаэтонни ўзининг жангаробаси турган ерга бошлаб борди. Фаэтон аробани кўриб маҳлиё бўлиб қолди: у бошдан-оёқ соф олтиндан

¹ Куёшнинг йиллик ҳаракати йўлида 12 та юлдуз туркуми жойлашган. Бу ерда Ҳелиос шу юлдузлардан буқа қиёфасидаги Саврга, камон кўтарган кентавр қиёфаси билан ифодаланувчи Қавсга, ваҳшатли Асадга, чаён шаклидаги Ақраб ва қискичбақа шаклидаги Саратон буржларига ишора қиляпти – (тарж.).

ясалган бўлиб, ҳамма ёғида турфа ранг қимматбаҳо тошлар яракларди. Бу ерга Ҳелиоснинг амбар билан боқилиб, обиҳаёт билан суғорилган тулпорларини етаклаб келдилар. Уларни аробага қўшдилар. Гулбадан маъбуда Эос осмон қопқасини очди. Ҳелиос, офтобнинг оташ шуъласи куйдириб юбормасин деб, Фаэтоннинг юзига кудсий ёғупа суриб, бошига обдор тож кийдирди. Сўнг у маънос хўрсиниб, Фаэтонга сўнги ўгитини айтди:

– Ўғлим, ҳеч бўлмаса, сўнги насиҳатларимни ёдингда тутгин-у, қўлингдан келганча унга амал қил. Отларни қаттиқ чоптирма, тизгинни кучинг борича маҳкам ушла. Менинг отларим қамчисиз ўзлари чопаверади. Лекин уларни ушлаб туриш қийин. Йўлни бўлса ўзинг аниқ кўрасан: ароба изи бутун осмонни кесиб ўтган. Сен жуда юксакка ҳам кўтарилма – осмонни ўт олдириб юборасан, унчалик пастлаб ҳам учма – бутун ер юзини куйдириб юборасан. Хуллас, ўннга ҳам, чапга ҳам оғмай, отларни тўғри ароба изидан ҳайда. Йўлинг Илон билан Мехроб орасидан ўтади¹. Қолган ҳамма ишни тақдирга ҳавола қиламан, бутун умидим ўшандан. Қани, вақт бўлди, тун осмонни тарк этди, ана, гулбадан Эос жамолини кўрсатди. Тизгинни маҳкам ушла. Балки, ҳали ҳам ниятингдан қайтарсан – ахир бу ишинг сени фалокатга йўлиқтириши мумкин! Кел, рўйи заминга зиё сочмоқликни ўзимга қўйиб бер! Ўз жонингга ўзинг қасд қилма, бўтам!

Аммо Фаэтон падарининг қаломига қулоқ солмайди, аробага сакраб чиқиб, тизгинни қўлига олади. Ўзида йўқ хурсанд ўғил отаси Ҳелиосга ташаккур айтиб, сафарга шайланади. Тулпорлар ер тепинишади, бурунларидан аланга пуркаб пишқиришади, аробани жойидан енгилгина жилдиришади-ю қуюқ туман орасини ёриб, осмони фалакка тикка кўтарилган йўлдан гизиллаб учиб кетишади. Ароба бу тулпорлар учун қушдек енгил туюлади. Мана, тулпорлар кўкда елиб боришмоқда, лекин улар Ҳелиоснинг одатий йўлидан чиқиб кетиб, бошлари окқан ёққа югуриб кетишмоқда. Фаэтон эса йўлнинг қаерда эканлигини билмайди, отларни бошқаришга кучи етмайди. Ана, у осмону фалақдан пастга – ерга қараган эди, кўрканидан ранги оқариб кетди – ер жуда-жуда узокда эди. Унинг тиззалари қалтираб, кўз олди қоронғулашди. У энди отасидан қуёш аробасини бошқаришни сўрагани учун ўкина бошлади. Энди нима қилсин? У анча-мунча йўл босиб қўйди, лекин олдиндаги йўл ҳали жуда узок. Фаэтон отларни бошқара олмаяпти, уларнинг исмларини ҳам билмайди, тизгинни маҳкам тортиб, уларни йўлга солиш учун эса кучи етмаяпти. У қаёққа қарамасин, кўзи даҳшатли само махлуқларига тушиб, бадтар юраги орқасига тортиб кетади.

¹ Юнонларда икки бурж Илон ва Мехроб (курбонгоҳ) деб аталган; Илон осмон гумбазининг шимолида, Мехроб эса жанубида жойлашган.

Самода бахайбат, кўркинчли чаён (Ақраб) ястаниб ётиб олган жой бор, отлар Фаэтонни тўғри ўша ёққа учириб кетяптилар. Шўрлик йигит бутун вужуди заҳардан кўкариб, ажалкаш нишини унга санчишга шай бўлиб ётган чаённи кўрадио кўркиб кетганидан эси оғиб, тизгинни кўлидан тушириб юборади. Ўзларини эркин ҳис қилган отлар яна ҳам тезроқ югура бошлайдилар. Улар гоҳ юксак юлдузларгача учиб чиқадилар, гоҳ «шувв» этиб пастга тушиб, шундоққина ер узра еладилар. Ҳелиоснинг синглиси ой маъбудаси Селена оғасининг отлари бошвоқсиз пала-партиш елиб-югураётганини кўриб ханг-манг бўлиб қолади. Пастлаб учаётган аробанинг ғилдиракларидан ер аланга олади. Улкан ва азим шаҳарлар вайрон бўлади, бутун-бутун қабилалар қирилиб кетади. Қуюқ ўрмонларга бурканган тоғлар: қўшчўққи Парнас, соя-салқин Киферон, ям-яшил Ҳеликон, Кавказ тоғлари, Тмол, Ида, Пелион, Оссалар лов-лов ёнади. Ҳаммаёқни бурқсиган тутун буркаб олади; Фаэтон бу қуюқ тутун орасидан ўзининг қаерда кетаётганини кўрмайди. Дарёю анҳорларда сув биқирлаб қайнайди. Санамлар фарёд чекишиб, бу даҳшатдан теран ғорларга яширинишади. Фурот, Оронт, Алфей, Эврот ва ўзга наҳрлар шарақлаб қайнайди. Ҳароратнинг зўридан ер тарс-тарс ёрилиб, куёш нури Аиднинг сим-сиё салтанатигача кириб боради. Денгизлар қурий бошлайди, денгиз маъбудалари иссиққа чидай олмай, азоб чекадилар. Шунда тоқати тоқ бўлган Гея – Ер бош кўтариб, баралла овоз билан дейди:

– Эй, энг кабир худо, чакмоқдор Зевс! Наҳотки мен ҳалок бўлсам, наҳотки оғанг Посейдоннинг салтанати нобуд бўлса, наҳотки рўйи заминдаги жамики жонзот қирилиб кетса? Бир қара! Атлас зилдек осмон гумбазини елкасида зўрға кўтариб турипти. Ахир бунақада осмон ҳам, худолар маскани – арши аъло ҳам ҳадемай кулаб тушиши мумкин-ку. Наҳотки, бутун борлиқ барбод бўлиб, яна аввалги ғайри муташаккил Хаос бошланса? О, Зевс, ҳеч бўлмаса, тирик қолганларнинг жонини омон сақла!

Маъбуда Геянинг ноласи Зевснинг қулоғига етиб боради, шунда чакмоқдор тангри илкини таҳдидона силкийдию нурафшон чакмоқ қақиб, ер юзини қоплаган ёнғинни ўчиради. Яна у яшин қақиб, олтин аробани тилка-тилка қилиб юборади, натижада Ҳелиоснинг отлари ҳар томонга шаталоқ отиб қочади, аробасининг бўлаклари ҳамда тулпорларининг абзаллари бутун осмонга сочилади.

Сочлари жизгинак бўлиб ёнаётган Фаэтон эса, худди осмондан кўчган юлдуз сингари учиб, ватанидан жуда йироқдаги серталотум Эридан дарёсига бориб тушади. Бу ерда Ҳесперанинг санам қизлари унинг жасадини сувдан олиб чиқиб дафн қиладилар. Фаэтоннинг падари Ҳелиос чуқур қайғуга ботиб, юзини беркитади-да, ложувард осмонда кун бўйи кўринмайди. Ерни ёнғин шуъласигина ёритиб турарди.

Фазтоннинг онаизори шўрлик Климена ўғлининг жасадини узоқ вақт қидиради. Ниҳоят, у Эридан дарёси соҳилидан ўғлининг жасадини эмас, даҳмасини топади. Андуҳга ботган она ўғлининг қабри устида аччиқ кўз-ёш тўкади, Клименага кўшилиб унинг қизлари Ҳелиадалар (Кўёш қизлари) акаларига аза тутиб йиғлайдилар. Уларнинг қайғуси чексиз эди. Бу азадор Ҳелиадаларни худолар мажнунтолга айлантирадилар. Шундан буён мажнунтол – Ҳелиадалар Эридан дарёсига эгилишган, уларнинг елим кўз ёшлари муздек сувга чак-чак томиб туради. Кейин бу елим совуқда қотиб, шаффоф кахрабога айланади.

Ҳалок бўлган Фазтонга унинг дўсти Кикн ҳам қаттиқ аза тутди. Унинг оху ноласи Эридан соҳили бўйлаб узоқ-узоқларга эшитилади. Кикннинг гами ҳеч аримаётганини кўрган тангрилар уни окқушга айлантирадилар. Шундан бери окқуш – Кикн сувда – дарёлару поёнсиз мунаввар қўлларда яшайди. У дўсти Фазтонни маҳв қилган оловдан кўрқади.



ДИОНИС



ДИОНИСНИНГ ТУҒИЛИШИ ВА ТАРБИЯЛАНИШИ

Учакмоқдор Зевс Фива шоҳи Кадмнинг соҳибжамол қизи Семелани севарди. Кунларнинг бирида Зевс у қизга, ҳар қандай истагингни бажаришга розиман, деб ваъда қилади ва бу аҳдидан қайтмаслик учун тангриларгагина хос бўлган беиштибоҳ қасам ичади, яъни ер остида оқувчи Стикс дарёсининг муқаддас суви ҳаққи онт ичади. Лекин маъбуда Ҳера Семелани ёмон кўриб қолади ва уни нобуд қилмоқчи бўлади.

– Сен Зевсга айт, – дейди у Семелага, – ҳузурингга чакмоқдор худога монанд савлат билан, Олимп шоҳи қиёфасида борсин. Агар у сени астойдил севса, илтимосингни ерда қолдирмайди.

Ҳера Семелани шундай дейишга кўндиради, қиз ҳам Зевсдан шу истагини бажаришни сўрайди. Зевс Семеланинг сўзини рад эта олмайди. У чакмоқдор худога хос улуғвор салобат ва дабдаба билан қиз ҳузурига боради. Зевснинг илкида порлоқ чакмоқлар чакнаб, момақалди роқ гумбурлаб, Кадм қасрини ларзага келтиради. Зевснинг чакмоқларидан атрофдаги ҳамма нарсани ўт олади. Қасрда ёнғин бошланади, бинолар ларзага келиб қулай бошлайди. Кўркиб кетган Семела ерга мук тушади, аланганинг узун тили унга ҳам етиб келади. Қиз нажот йўли йўқлигини, Ҳера уқдирган илтимос ўз бошига етганини тушунади.

Шунда Семела жон бераётиб, ўғли Дионисга кўзи ёрийди. Бу заиф, яшаб кетиши даргумон чақалоқ эди. У ҳам ўтда ёниб кетиши муқаррардек кўринади. Лекин Зевс фарзанди ҳалок бўлиши мумкинми? Шунда, сеҳрли

асо ишора килгандек, дафъатан чақалокнинг гир атрофидан қалин ям-яшил печак ўт ўсиб чиқиб, мурғак болани оловдан ихота қилади, ўлимдан асраб қолади.

Зевс ўғлини кўтариб олади, сўнг ҳали жуда кичкина ва нимжон бўлган ўғилчасини ўз белига, териси остига тикиб қўяди. Дионис отаси Зевснинг баданида етилиб кучга киради ва иккинчи марта – бу гал энди чакмоқдор худонинг белидан дунёга келади. Шунда Зевс Ҳермесни чақириб, чақалок Дионисни холасига, яъни Семеланинг опаси Ино билан унинг эри, Орхомен шоҳи Атамантга олиб бориб беришни амр этади. Дионисни шулар боқиб тарбиялашлари лозим эди.

Лекин маъбуда Ҳера кундоши Семеланинг ўғлини тарбиялашга рози бўлган Ино билан Атамантга ғазаб қилади ва улардан ўч олмоқчи бўлади. У Атамантнинг миясига телбалик дардини пуркайди. Шунда Атамантнинг жиннилиги кўзиб, ўз ўғли Леархни ўлдириб қўяди. Кейин у хотини Инога ҳамла қилади, Ино иккинчи ўғли Меликертни бағрига босиб уйдан қочади. Атамант хотинининг орқасидан қувиб, Инога етай деб қолганида... она-изор ўзини тик қояли денгиз соҳилида кўради. Қуйида денгиз даҳшатли шовулларди, орқадан эса эри қувиб келарди – Ино учун нажот йўли йўқ. Шунда яшашдан мутлақо умидини узган шўрлик она ўғлини кўксига босганча, соҳилдаги баланд қоядан ўзини денгизга ташлайди. Денгизда Ино билан унинг ўғли Меликертни денгиз қарияси Нерейнинг қизлари илиб олишади. Натижада, Диониснинг мураббияси ҳам, мураббиянинг ўғли ҳам денгиз маъбудаларига айланишипти-ю шундан бери улар денгиз тубида яшарканлар.

Дионисни эса, телба Атамантдан Ҳермес қутқариб қолади. У гўдакни бир зумда Ниса водийсига учуриб олиб ўтиб, у ерда уни санамлар қўлига топширади.

Дионис санамлар тарбиясида, одамларга қувваю қувонч бахш этувчи май тангриси, тупроққа унумдорлик бахш этувчи ғоят ўктам ва қудратли тангри бўлиб улғаяди. Дионисга тарбия берган санамларни Зевс осмонга кўтаради, шундан бери улар юлдузли тунларда, ўзга буржлар орасида Ҳиадалар номи билан чақнаб туришаркан.

ДИОНИС ВА УНИНГ МУҚАРРАБЛАРИ

Дионис бошига гулчамбар кийган хушчақчақ менадалар ва сатирлар оломони ҳамроҳлигида бутун ер юзини ўлкама-ўлка кезиб юради. У ток наваларидан тўқилган тож кийиб, кўлида печак ўралган асо тутиб, ҳаммадан олдинда боради. Навнихол менадалар қўшиқ айтиб, қийқиришиб, шўх-шўх рақс тушишиб, Диониснинг атрофида парвона бўлишади; майдан сармаст бўлган эчкиоёқ ва думдор бесўнақай сатирлар

дикир-дикир сакрашади. Оломон ортидан Диониснинг донишманд устози қария Силенни эшакка миндириб олиб боришади. Чолнинг кайфи ошиб қолган, у эшакнинг яғринига ўнгарилган май тўла мешга икки қўлини тираб, эгарда зўрға ўтиради. Ток новдасидан тўқилган гулчамбар унинг кал бошида сирғалиб, қулоғи устига тушиб қолган. Чол мулойим жилмайиб, эшак устида чайқалиб боради. Навқирон сатирлар уни йиқилиб тушишдан эҳтиёт қилиб, оҳиста одимлаётган эшак билан ёнма-ён боришади. Бу тараллабедод оломон сурнай, бурғу ва дафлар садоси остида вақтичоғлик қилиб, тоғу тошлар, соя-салқин ўрмонлар, ям-яшил майсазорлардан ўтиб боради. Дионис – Вакх ҳамма нарсани ўз ҳукмига олиб, ер юзини хушчакчақлик билан кезади. У одамларга ток ўстиришдан, узумларнинг ларзон бошларидан май (мусаллас) солишдан сабоқ беради.

ЛИКУРГ

Диониснинг амрига ҳамма ерда ҳам бирдай итоат этишмайди. Қўпинча у қаршиликка дуч келади, баъзида мамлакат ва шаҳарларни куч ишлатиб ўзига тобе қилишга мажбур бўлади. Бироқ Зевснинг ўғли, қудратли тангрига қарши ким ҳам кураша оларди.

Дионис таъқибга илк бор Фракияда, ўз муқарраблари – менадалар билан оромгоҳ водийда вақтичоғлик қилаётганида дучор бўлади; унинг устига эдонларнинг бадқахр шоҳи Ликург бостириб келади. Қўрқиб кетган менадалар, Диониснинг муқаддас қадахларини ерга улоқтириб, ҳар томонга қочиб кетадилар; ҳаттоки, Диониснинг ўзи ҳам қочишга мажбур бўлади. У Ликургнинг таъқибидан кутулиш учун ўзини денгизга отади; ўша ерда уни маъбуда Фетида ўз паноҳига олади.

Лекин Диониснинг отаси – чакмоқдор Зевс навқирон тангрини таҳқирлашга журъат этган Ликургни қаттиқ жазолайди: Зевс унинг кўзини кўр, умрини қисқа қилган экан.

МИНИЙНИНГ ҚИЗЛАРИ

Овидийнинг «Метаморфозалар» дostonи асосида баён қилинади

Орхоменда ҳам, Беотияда ҳам тангри Дионисни дарров тан олақолмадилар. Қунларнинг бирида Диониснинг қохини Орхоменга бориб, барча хотин-қизларни ўрмонлару тоғларда май худоси шарафига ўтказиладиган байрамга даъват этади. Лекин подшо Минийнинг учта қизи бу байрамда қатнашмайди, зеро, Дионисни худо деб тан олишмайди. Орхоменлик барча аёллар шаҳардан соя-салқин ўрмонларга чиқиб кетишади.

Улар қўлларида асо тутиб, худди менадаларга ўхшаб, бакириб-чакириб, тоғма-тоғ юришар, жазавалари тутиб, Дионисга ҳамду сано айтишарди. Орхомен шохининг қизлари бўлса, уйда ўтириб, бамайлихотир ип йи-гиришар, кашта тўқишарди, улар тангри Дионис ҳақида эшитишни ҳам хоҳламасдилар. Кеч кириб, куёш ботди, лекин шох қизлари ҳануз иш-ларини тўхтатишмади – улар кўзлаган ишларини нима қилиб бўлса ҳам шу бугун тугатишмоқчи эди. Шунда тўсатдан қизларнинг кўзи олдида мўъжиза рўй беради. Қасрда даф ва бурғулар овози янграйди, йигирил-ган ип ток новдасига – мадангга айланиб, уларда катта-катта оғир узум бошлари пайдо бўлади. Мато тўкувчи дастгоҳлар барг чиқаради: уларнинг ҳаммаёғини печак чирмаб олади. Ҳар томондан чечаклар ва гулларнинг муаттар ҳиди анқий бошлайди. Шох қизлари бу мўъжизани кўриб, ҳайрон қолишади. Шу пайт, оқшом зулматига чўмган саройнинг ҳамма ерида машғалалар ваҳимали порлайди. Ваҳший ҳайвонларнинг ўкиргани эшити-лади. Қасрдаги барча кўшқу хоналарда шерлар, қоплонлар, силовсинлар, айиқлар пайдо бўлади. Улар кўзларидан ўт сочиб, қасрнинг ҳаммаёғида изғиб юришарди. Даҳшатга келган шох қизлари машғалалар шуъласини кўрмаслик, даррандаларнинг ўкиришини эшитмаслик учун жон ҳолатда елиб-югуриб, қасрнинг энг пасқам, энг қоронғи гўшаларига яширинмоқчи бўладилар. Лекин уринишлари самара бермайди, ҳеч ерга қочиб беркина олмайдилар.

Шунда шох қизларининг гавдалари кўрқувдан ғужанак бўлиб, аъзойи баданларини сичқонники сингари кулранг тук қоплай бошлайди, улар-нинг қўллари ўрнида юпқа пардали бир жуфт қанот ўсиб чиқади – қизлар кўршапалакка айланиб қоладилар. Шундан бери шох қизлари – кўршапалаклар кундузги ёруғликдан қочиб, қоронғи, зах харобазорлар ва ғорларда яшаркан-лар.

ТИРРЕН ДЕНГИЗИ ҚАРОҚЧИЛАРИ

*Ҳолернинг қасидаси ва Овидийнинг «Метаморфозалар»
дostonи асосида баён қилинади*

Дионис Тиррен денгизи қароқчиларини¹ ҳам жазога мустаҳиқ этган, лекин уларни бошқа гуноҳлари учун: Дионисни худди фоний бандадек таҳқирламоқчи бўлганлари учун жазолаган.

Дионис ўспиринлик даврида бир куни зангори денгиз соҳилида турар-ди. Денгиздан эсган майин шаббода унинг тим қора сочини силар, хушқад

¹ Тиррен қароқчилари – жуда қадимда Италиянинг ўрта вилоятида истиқомат қилган этруск қабиласи. Бу вилоят ғарбда денгиз билан туташгани сабабли, у денгиз Тиррен денгизи деб юритилган.

елкасига ташлаган қирмизи жуббасининг этагини аста елпирди. Шу пайт денгизда, анча олисда бир кема кўринади ва Дионис томон тез сузиб келаверади. Кема соҳилга яқин келганида, ундаги баҳрийлар (булар Тиррен денгизи қароқчилари эди) ҳувиллаган кимсасиз соҳилда турган ғоят хушрўй йигитни кўришади. Улар шоша-пиша соҳилга тушиб, Дионисни тутиб олишади ва кемага олиб чиқишади. Қароқчилар асир олган одамларининг худо эканлигини тасаввур ҳам қилишмайди. Билъакс, улар ғоят зўр ўлжани қўлга киритганларидан беҳад мамнун бўлишади. Улар бу ўктам йигит учун кул бозорида мўмайгина олтин олишни кўзлайдилар. Қароқчилар кемага чиқиб, Дионисни зилдек оғир кишанга занжирбанд қилмоқчи бўладилар, лекин кишан ўз-ўзидан ечилиб, навқирон тангрининг қўли ва оёқларидан тушиб кетаверади. У қароқчиларнинг хатти-ҳаракатини лабида табассум билан хотиржам кузатиб ўтираверади. Йигитнинг қўлида кишан турмаётганини кўрган дарға даҳшатга тушиб, шерикларига шундай дейди:

– О, бадбахтлар! Нима қияпмиз ўзи? Худони кишанбанд қилмоқчимиз шекилли? Қаранглар – кемамиз ҳам унинг залваридан ботай-ботай деяпти! Бу хилқат тангри Зевснинг ўзи бўлмасин тагин, ё кумушкамон Аполлонмикин, балки зилзилакор Посейдондир? Йўқ, у фоний бандага ўхшамайди! Бу Олимпда истиқомат қилувчи худолардан бири бўлиши керак. Тезроқ уни озод қилинглар, дарҳол соҳилга чиқариб қўйинглар. Тагин, одам ҳодис, у кучли шамол уйғотиб, денгизда офаткаш қуюн кўтармасин!

Лекин кема зобитининг аччиғи чиқиб, доно дарғага шундай дейди:

– Лаънати! Кўрмаяпсанми, боди мурод эсмоқда! Кемамиз бепоён денгиз тўлқинлари узра худди қушдек учажак. Бу йигитча масаласини, майли, кейин ҳал қиламиз. Биз Мисрга ёки Кипрга, ё бўлмаса олис ҳипербореялар ўлкасига сузиб бориб, йигитчани ўша ерда пуллаймиз; кейин ўша ёқларда ўзининг ёр-дўстлари, оға-иниларини ахтараверсин. Йўқ, тангриларнинг бизга инъомидир бу йигит!

Қароқчилар елканларни кўтаришадию кема очик денгизга сузиб чиқади. Шунда бирдан мўъжиза содир бўлади: бутун кемани майнинг хушбўй ҳиди тутиб кетади. Димокка муаттар хид кира бошлайди. Қароқчилар хайратдан донг қотиб қолишади. Мана, елканларда ям-яшил маданглар, уларда оғир-оғир узум бошлари пайдо бўлади, елкан устунларини тўқ яшил печак чирмаб олади, ҳаммаёқ ширин-шакар ёз неъматларига тўлиб кетади, эшакларнинг қулоғи гулчамбарларга бурканади. Бу ҳолни кўриб кўрқиб кетган қароқчилар дарғага юзланиб, тезроқ кемани соҳил томон буришни илтимос қила бошлайдилар. Лекин энди кеч бўлган эди! Йигит шерга айланади ва бутун кемани ларзага келтирганча даҳшатли бўкириб, кўзларидан ўт сочиб орқа оёқларига туради. Кема саҳнида барок юнгли урғочи айик пайдо бўлиб, оғзини катта очиб, даҳшатли тишларини

кўрсагади. Қароқчилар кўриб кетиб, ҳаммалари кеманинг қуйруқ томонига кочишади. Шер бир сакрашнинг ўзида кема зобитига етиб олиб, уни тилка-тилка қилиб, ғажиб ташлайди. Ҳеч қандай нажот йўқлигини сезган қароқчилар ўзларини бирин-кетин денгизга отадилар, Дионис эса, уларнинг ҳаммасини юнус балиққа айлантиради. Лекин у дарғага раҳм қилади. У яна асл қиёфасига қайтади-да, мулойим табассум билан дарғага шундай дейди:

– Кўркма! Сен менга ёқиб қолдинг. Мен – чақмоқдор Зевс билан Кадмнинг қизи Семеланинг ўғли Дионис бўламан.

ИКАРИЙ

Дионис ўзини худо деб эътироф этган одамларни жуда кадрлайди. Масалан, у Аттикага борганида, уни меҳмоннавозлик билан қарши олган Икарийга маданг тухфа этади, оқибатда Аттикада биринчи бўлиб шу Икарий узум ўстиради.

Кейин, кунларнинг бирида Икарий подачиларга узумдан солинган май куйиб беради, лекин кайф нималигини ҳали билмаган подачилар Икарий бизни захарлади, деб ўйлаб, уни ўлдиришади ва жасадини тоққа олиб бориб кўмиб ташлашади. Икарийнинг қизи Эригона отасини кўп кидиради. Ниҳоят, ўз кўппаги Майра ёрдамида Икарий кўмилган ерни топади. Оғир жудоликка бардош бера олмаган шўрлик қиз шу ерда, қабр ёнида қад кўтарган дарахтга ўзини осади. Дионис Икарийни, Эригонани ва унинг кўппаги Майрани осмонга олиб чиқиб кетади. Шундан буён улар беғубор тунларда юлдуз бўлиб порлаб туришаркан. Булар – Ҳўкизбоқар, Сумбула ва Катта Ит буржларидир.

МИДАС

Овидийнинг «Метаморфозалар» достони асосида баён қилинади

Кунларнинг бирида хушқайф Дионис Фригиядаги Тмол тоғи ўрмонларида хушчакчақ менадалар ва сатирлар даврасида сайр қилиб юрарди. Май худосининг мулозимлари ичида фақат қария Силен кўринмасди. У кайфи ошиб қолганлигидан, ҳар қадамда қоқилиб-суқилиб орқада қолиб кетган ва энди Фригиянинг кенг далаларида сандироклаб юрарди. Уни дехқонлар кўриб қолишади, оёқ-қўлини гулчамбарлар билан боғлаб, тўғри шоҳ Мидас хузурига олиб боришади. Мидас бир қарашдаёқ Диониснинг устозини танийди ва уни ўз қасрида эъзозу эҳтиром билан кутиб олиб, тўққиз кун муттасил асъасаю дабдаба билан зиёфат қилади. Ўнинчи кунга ўтганда эса, Мидаснинг ўзи Силенни Диониснинг хузурига

элтиб кўяди. Дионис қарияни соғ-саломат ҳолда кўриб қувониб кетади ва устозига кўрсатган эҳтироми учун Мидасга, хоҳлаган тухфангни сўраб ол, деб айтади. Шунда Мидас бундай дейди:

– О, бузург тангри Дионис, шундай қилгинки, менинг қўлим теккан ҳар қандай нарса соф олтинга айлансин!

Дионис Мидаснинг истагини бажаради, фақат дурустроқ тухфа танламаганидан таассуф қилади.

Мидас севинчдан терисига сиғмай уйига равона бўлади. Бундай ажойиб тухфадан боши осмонга етган шоҳ йўл-йўлакай эман дарахтининг ям-яшил новдасини синдириб олади – шу заҳоти новда шоҳнинг қўлида олтинга айланади. У буғдойзордан ўтаётиб юлгани олтин бошоққа, ичидаги донлари ҳам олтинга айланади. Олмазорда у дарахтдан олма узади – олма ҳам худди Ҳесперидаларнинг олмазоридаги олмалар сингари дарҳол олтинга айланади. Хуллас, Мидас қўл учини теккизган ҳар бир нарса шу заҳоти олтинга айланаверади. У қўлини ювганида сув қўлидан олтин томчиларга айланиб тўкила бошлайди. Мидас шодмон. Мана, у ўз қасрига қайтиб келади. Бу ерда саодатли шоҳ учун ноз-неъмат тўла дастурхон мухайё. Фақат дастурхон тепасидагина Мидас Дионисдан қандай машғум тухфа сўраганини англайди. Дастурхондаги ҳар бир нарса шоҳнинг қўли тегиши билан олтин бўлиб қолаверади. Нон ҳам, бошқа таомлар ҳам, шароб ҳам унинг оғзига бормасдан олтинга айланади. Мидас очлик азобидан ўлиши муқаррарлигини тушунади ва қўлларини кўкка чўзиб шундай илтижо қила бошлайди:

– О, Дионис, шафқат қил, шафқат! Мен бандангининг бу гуноҳидан ўт! Ёлбориб сўрайман, раҳм қил менга! Берган тухфангни қайтариб ол!

Шунда Дионис намоён бўлиб, Мидасга дейди:

– Сен Пактол дарёсининг бошига бор, ўша ерда сувга тушиб, мен берган тухфани ҳамда ўз гуноҳингни баданингдан ювиб ташла.

Мидас Диониснинг амри билан Пактол дарёси бошига бориб, унинг зилол сувига чўмади. Пактол суви олтиндек ярақлаб оқиб, Мидаснинг баданини Дионис тухфасидан поклайди. Шундан бери Пактол дарёсидан кўп олтин ювиб оладиган бўлишипти.



ПАН



Диониснинг муқарриблари орасида кўпинча тангри Панни учратиш мумкин. Пан дунёга келганида, онаси санам Дриопанинг кўзи унга тушадию кўрқиб қочиб кетади: чақалоқ эчкиоёк бўлиб, бир жуфт шоҳ ва узун соқол билан тугилган эди. Аммо боланинг отаси Ҳермес ўғил кўрганидан мамнун бўлиб, Панни қўлига олади-да Олимпга олиб чикиб кетади. Барча

худолар Паннинг туғилганидан хушнуд бўладилар ва унга назар ташларканлар, қотиб-қотиб куладилар.

Пан Олимпни тарк этиб, соя-салқин ўрмонлару тоғ-тошларда яшашни ихтиёр қилади. Бу ерларда у ўзининг янғроқ ҳафтнайини чалиб, пода боқади. Санамлар Пан чалган ҳафтнайнинг ажиб сасини эшитган ҳамоно гала-гала бўлиб югуриб келишиб, уни ўраб олишади, ям-яшил сокин водийда дарҳол шўх қўшиқлар, ўйин-кулги бошланиб кетади. Паннинг ўзи ҳам санамлар билан рақс тушишни яхши кўради. Паннинг вақти чоғ бўлганда, санамлар тоғ бағридаги ўрмонзорларни бошларига кўтариб хурсандчилик қилишади. Санамлар ва сатирлар эчкиоёқ тўполончи Пан билан бирга беармон ўйнаб-кулишади. Кейин Пан ўрмоннинг энг қалин ерига ёки биронта салқин ғорга кириб дам олади. Бундай пайтларда уни безовта қилиш жуда хавфли; Паннинг жаҳли ёмон, оромини бузган одамга босинқиратувчи оғир туш юбориши ёки бирдан пайдо бўлиб, капалагини учириши мумкин, бундай пайтларда ваҳимага тушган одам йўлнинг фарқига бормай, ўрмонларни тик кесиб, тоғлардан ошиб, тубсиз жар ёқаларидан зинғиллаб кетаверади – бундай пайтда у тикка ҳалокат сари кетаётганини ўзи ҳам сезмайди. Баъзида Пан бутун-бутун қўшинларни шундай ваҳимага солиб, жанг майдонидан қочишга мажбур қилади. Лекин у аччиғланмаган пайтларида жуда раҳмдил ва хушфёъл бўлади. Жазаваси тутган кохинлар (менадалар) билан рақсга тушувчи, май худоси Диониснинг ҳамроҳи Пан юнонларнинг подаларини қўриқлайди.

ИАН ВА СИРИНГА

Зарринканот Эротнинг ўкига Пан ҳам дучор бўлган эди. У Сирига исмли дилбар бир санамни севиб қолади. Лекин бу такаббур санам ҳамманинг севгисини рад этаверади. У ҳам худди Латонанинг қизи муаззама Артемида сингари ов қилишга ишқибоз. Сиригани кўрган одамлар кўпинча Артемида деб ўйлашарди – этаги калта либос кийиб, елкасига садоқ осиб, қўлида камон тутган бу навниҳол санам шунақа гўзал эди. Бундай пайтларда у Артемидага худди икки томчи сувдек ўхшаб кетар эди, фақат фарқи шуки, унинг камони маъбуданики сингари олтиндан эмас, мутуздан эди.

Бир куни Пан Сиригани кўриб қоладию унинг ёнига бормоқчи бўлади. Лекин санам Пanni кўриб кўрқиб кетади ва қоча бошлайди. Пан аzza-базза югуриб, санамни қувиб етиб олмоқчи бўлади. Шу пайт Сириганинг йўлига дарё ғов бўлади. Энди у қаёққа қочсин? Сирига қўлларини дарё томон чўзиб, мени кутқар, дея дарё худосига илтижо қилади. Дарё худоси санамнинг таваллосини инобатга олиб, уни қамишга айлантиради.

Пан югуриб кела солиб, Сирингани кучоқламокчи бўлади, лекин аслида оҳиста шитирлаб тебраниб турган нозикқад камишни кучади. Пан маҳзун хўрсиниб тураркан, камишнинг майин шитирлашида соҳибжамол Сиринганинг видолашув каломини эшитгандек бўлади. Пан бир неча камишни қирқиб олади-да, уларни ҳар хил узунликда кесади ва ҳаммасини бир-бирига мум билан ёпиштириб, хушовоз ҳафтнай (свирель) ясайди. Кейин Пан бу ҳафтнайни гўзал санам шарафига сиринга (сибизға) деб атайди. Шундан буён Пан ўрмон ичидаги хилватгоҳларда атроф-муҳитни нафис мусиқа садолари билан сел қилиб, сибизға – сиринга чалиб юрар экан.

ПАННИНГ АПОЛЛОН БИЛАН БЕЛЛАШУВИ

Пан сибизға чалишнинг ҳавосини олганидан фахрланарди. Шунинг учун бир куни у кимсан, Аполлонни машшоқликда беллашишга даъват этади. Бу воқеа Тмол тоғининг ёнбағрида бўлган эди. Беллашувга шу тоғ тангриси ҳакамлик қилади. Аполлон бу беллашувга эғнида алвон ридо, бошида дафна гултожи, кўлида кифараси билан келади. Беллашувни биринчи бўлиб Пан бошлайди. Унинг чўбонлик сибизғаси одмигина овоз чиқариб, майин садоси тоғ ёнбағрини янгратади. Мана, Пан чалиб бўлди. Сибизға навосининг акс садоси тингач, Аполлон ўз кифарасининг олтин торларини черта бошлайди. Дабдабали наво янграйди. Бу ерга тўпланганларнинг бари Аполлон мусикасини маҳлиё бўлиб тинглайдилар. Бутун табиат теран сукутга толади, ана шу сукунат оғушида ғоят ажиб нафосат билан йўғрилган латиф куй ҳаммаёққа тўлқин-тўлқин бўлиб ёйилади. Мана, Аполлон куйни чалиб бўлди, кифарасининг сўнгги саслари тинади. Шунда Тмол тоғининг тангриси зафар совринини Аполлонга беришга қарор қилади. Ҳамма кифара чалувчи худога ҳамду сано айтади. Фақатгина Фригия шоҳи Мидас Аполлоннинг машшоқлигини хуш кўрмай, Паннинг жайдари ижросини мақтайди. Бундай ҳукмдан қаҳрланган Аполлон Мидаснинг икки қулоғидан тортиб чўзади. Шундан бошлаб шоҳ Мидас эшаккулоқ бўлиб қолади ва қулоқларини элдан яшириш учун бошига чуқур амома кийиб юради. Аполлондан енгилган ғамзада Пан куюқ ўрмонзор ичига бош олиб кириб кетади; шундан бери у ердан Пан сибизғасининг мунгли ва нафис саси тез-тез эшитилиб турармиш, навнихол санамлар у чалган куйни жон қулоқлари билан тинглашармиш.

ҚАҲРАМОНЛАР



БЕШ ДАВР¹

Ҳесиоднинг «Заҳмат ва қунлар» достони бўйича баён қилинади

Олимпда яшовчи боқий худолар илк одамларни саодатли қилиб яратган ва бу олтин давр эди. У замонда самода тангри Крон ҳукмрон бўлган. Одамлар меҳнат қилмай, ғам, ташвиш нималигини билмай, худди масъуд худолардек яшашган. Улар бемажол қарилик нималигини билишмаган, одамларнинг билаклари ҳам, оёқлари ҳам мудом бақувват бўлган. Улар ҳеч касал бўлмай, азият чекмай, муттасил хушбахт яшашган, бошлари базму зиёфатдан чиқмаган, жуда узоқ умр кечиришган, шундан кейин келган ўлим худди хотиржам, оромбахш уйқудек туюлган. Бандаларнинг ҳаёти маъмурчилик билан ўтган. Ҳар йили экинлар ўзидан ўзи мўл-кўл ҳосил бераверган, экинзорлару боғларда ишлашнинг ҳождати бўлмаган. Сонсаноғи йўқ подалар серўт яйловларда бемалол ўтлаб юришган. Бу олтин даврда одамлар мутлако беташвиш яшашган. Худоларнинг ўзлари одамлар қошига маслаҳатга келиб туришган. Лекин вақти келиб, ер юзида олтин давр тугаган-у, ўша давр авлодидан бирон қимса қолмаган. Олтин давр одамлари ўлганидан кейин, уларнинг рухлари янги давр авлодларининг ҳомийсига айланган. Рухлар туман пардасига бурканиб, бутун ер юзини кезиб, ҳақиқатни ҳимоя қилишган, ёвузлик қилганни жазолашган. Бундай фазилатни олтин давр одамлари руҳига Зевс ато этган экан.

Одамзоднинг иккинчи авлоди олтин давр одамларичалик саодатли бўлмаган. Бу энди кумуш давр эди. Бу давр одамлари олтин давр одамларига на куч-қудратда, на ақл-фаросатда тенг кела олгандилар. Улар юз йилгача оналари олдидан нари жилмай, нодонликда яшашган, фақат шу

¹ Шоир Ҳесиод ўзига замондош бўлган (милоддан аввалги VIII – VII асрлар) юнонлар одамнинг пайдо бўлиши ва даврлар алмашинуви ҳақида қандай мулоҳаза юритганлари ҳақида ҳикоя қилади. Юнонлар даставвал тириклар ҳаётига таъсир кўрсатувчи марҳумлар руҳини қахрамон деб эътироф этишган; шунинг учун қахрамонлар руҳига асосан уларнинг қабри устида сиғинишган: одамлар кечкурунлари қош қорайганда ёки тунда қабр устида май-паймо қилишиб, қурбонликка албатта қора тусдаги молни сўйиб, қон чиқаришган. Қахрамонларни бандаларнинг пуштипаноҳи, шаҳар ва мамлакатларга асос солувчи, фалокатни даф этувчи, жангу жадалда мададкор, бало-офатлардан халос этувчи деб ҳисоблашган. Ҳесиод қахрамонларни биринчи бўлиб ярим худолар деб эътироф этади. Қахрамонлар одамлар билан худолар ўртасида воситачи ҳисобланган. Юнонистон ва Римнинг кўпгина машҳур оилалари ўзларини ўша қахрамонлар наслидан деб ҳисоблашган.

муддатдан кейин балоғатга етиб, туғилиб ўсган уйлари тарк этишган. Уларнинг балоғатга етгандан кейинги умри қисқа бўлган, нодон бўлиб ўсганлари учун бошларига кўп бахтсизликлар, ғам-ғусса тушган. Кумуш давр одамлари итоатсизлик қилишганди. Боқий худоларга бандалик қилишмаган, уларга меҳробларда қурбонлик аташмаган. Кронзода Зевс бу одамлар насабини ер юзида битта қолдирмай қириб ташлайди. Зеро, кумуш давр одамлари Олимпда маскан қурган худоларга итоат этмаганлиги учун Зевс уларни ғзабига олган эди. Зевс уларнинг барини ер остидаги зимистон Аид салтанатига жўнатади. Шундан бери у одамлар ўша зулматгоҳда қувончли ҳам, қайғули ҳам билмай яшайдилар; ер юзидаги одамлар уларни ҳам қадрлашган.

Шундан кейин Зевс учинчи даврни ва одамларнинг учинчи авлодини яратади. Бу мис даври бўлиб, кумуш даврга асло ўхшамайди. Зевс бу даврнинг одамларини найза дастасидан дахшатли ва қудратли қилиб яратади. Мис даврида яшаган авлод ғоят такаббур ва азоб-уқубатга тўла урушни суюшган. Бу одамлар деҳқончилик нималигини билишмас, боғларда ва экинзорларда етилиб пишган замин неъматларини истеъмол қилишмасди. Зевс уларга баҳайбат бўй-баст ва беназир қувва ато этган эди. Уларнинг қалби саркаш ва мардона, билаклари бакувват бўлган. Курол-аслаҳалари мисдан тайёрланган, уйлари мисдан қурилган, иш куроллари ҳам мисдан ясалган эди. У замонда ҳали темир нималигини билишмасди. Мис даври одамлари бир-бирларини қийратиш билан машғул бўлишган. Шу боис улар тезда дахшатли Аиднинг зулмат салтанатига рихлат этганлар. Улар нечоғлик кучли бўлишмасин, барибир, куёшнинг мунаввар шуъласидан маҳрум бўлишиб, машғум ўлим ўз домига тортган.

Бу авлод руҳлар салтанатига кўчиб ўтган ҳамоно, Зевс ер юзида тўртинчи даврни ва одамларнинг янги, тўртинчи авлодини яратади. Булар аввалги авлоддан мурувватлироқ, адолатлироқ, худоларга муқояса қилса бўладиган яримхудолар, яъни қаҳрамонлар эди. Булар ҳам шиддатли қонли жангларда битта қолмай қирилиб кетишган. Баъзилар Эдипдан қолган мерос учун жанг қилиб, Кадм мамлакатада, етти дарвозали Фива бўсағасида ҳалок бўлишган. Бошқалари кемаларда поёнсиз денгизни сузиб ўтиб, сумбулсоч Еленани қайтариб олиб кетгани Трояга келишиб, шу азим шаҳар бўсағасида маҳв бўлишган.

Бу қаҳрамонларнинг барини ўлим ўз домига тортгач, чакмоқдор Зевс уларни ер юзининг энг чеккасига, тирик одамларнинг кўзидан йироққа жойлаштиради. Қаҳрамонлар ўша ёқда жўшқин Океан бўйидаги саодатбахш оролларда роҳат-фароғатда яшайдилар. У ернинг мевалари асалдек тотли, экинзорлари йилига уч қарра ҳосил беради.

Охирги, бешинчи давр – темир даври. Ҳозирги одамлар – шу темир даври авлодидир. Бу давр ер юзида ҳануз давом этиб келмоқда. Бу даврда

гам-андух ва машаққатли меҳнат кечасию кундузи давом этиб, одамзод ёстиғини курилади. Худолар ердаги одамлар бошига оғир ташвишлар солади. Тўғри, худолар одамзод бошига ёғдираётган ёвузликларга эзгуликни ҳам омихта қиладилар, лекин, барибир, ёвузлик ҳамиша кўпроқ бўлади, шу боис у ҳамма ерда хукм суради. Фарзандлар ота-онани хурмат қилмайди, дўст дўстга вафо қилмайди, меҳмон меҳмоннавозлик билан кутиб олинмайди, оға-инилар ўртасида меҳр-оқибат йўқолади. Одамлар лафзида турмайди, ҳақиқатни, эзгуликни қадрламайди. Бир-бирининг шаҳарларини вайрон қилади. Ҳамма ерда зулм-истибдод хукм суради. Бу даврда фақат кибру ҳаво ва зўравонлик қадрланади.

Оппоқ либос кийган Виждон ва Адолат маббудалари одамларни тарк этадилар. Энди улар юксак Олимпга, боқий худолар хузурига учиб кетганлар, одамларга эса фақат оғир азоб-уқубатлар қолган, шу боис улар ёвузликдан ўзларини муҳофаза қилишга ожизлар.



ДЕВКАЛИОН ВА ПИРРА (Тўфон)¹



Мис даврининг одамлари кўп жиноятлар содир этишган. Бу такаббур, муртад одамлар олимплик худоларга итоат этмаган эдилар. Бу ҳол чакмоқдор Зевснинг қаҳрини келтиради; айниқса, у Аркадиядаги Ликосура вилоятининг шоҳи Ликаондан кўпроқ дарғазаб бўлади. Кунлардан бир кун Зевс фоний бир банда қиёфасида Ликосурага келади. Ўзининг худо эканлигини бу ўлка аҳолисига аён қилиш учун бу ерда бир илоҳий белги беради, шунда бутун халқ Зевсни худо деб эътироф этиб, унинг пойига бош урадилар. Ёлғиз Ликаон Зевсга сиғинишдан бош товлайди ва унга сиғинганлар устидан кулади. Ликаон бу мусофирнинг худоми ё бандами эканлигини синаб кўрмоқчи бўлади, бунинг учун у ўз саройида гаров тариқасида ушлаб турилган одамни сўйдириб, унинг гўшtidан овқат пиширтиради ва бу таомни бузург чакмоқдор олдига қўяди. Бундан Зевснинг ғазаби қайнаб кетади. У чакмоқ чақиб, Ликаоннинг қасрини вайрон қилади, ўзини эса очофат бўрига айлантиради.

Ер юзида одамлар тобора кўпроқ гуноҳга бота бошлайдилар, шунда кудратли Зевс бутун одамзод уруғини қуритиб юборишга аҳд қилади. У ниҳоятда кучли жала ёғдириб, бутун ер юзини сувга ғарқ қилмоқчи бўлади. У шамолларга эсмай туришни амр этади, фақат рутубатли жануб шамоли Нот осмонда серёмғир қора булутларни ҳайдайди. Мана,

¹ Бу ривоятда оламни сув босгани ва Девкалион билан Пирра улкан сандикда жон сақлаб қолгани ҳақида ҳикоя қилинади. Дунёни сув босиши ҳақидаги ривоят қадимги Бобилда ҳам бўлган; бу Утнапиштим ҳақидаги ривоят бўлиб, қадимги яҳудийлар уни ўзлаштириб, Нух тўфони ҳақидаги ривоятни яратганлар.

ер юзига жала куя бошлайди. Дарёю уммонларнинг суви кўтарилиб, кирғоқлардан ошади. Шаҳарлар, қалъаларнинг баланд деворлари ҳам, уйлару ибодатхоналар ҳам сув остида қолади. Ер юзидаги ҳамма нарса – дарахтларга бурканган тепаликлар ҳам, юксак тоғлар ҳам бирин-кетин сувга ғарқ бўлаверади. Бутун Юнонистон серталотум сув остида қолиб кетади. Фақат Парнас тоғининг чўққиси сув бетида шўппайиб қолган эди. Дехқонлар қўш ҳайдаб экин эккан далаларда, ҳосилдор узумзорларда балиқлар сузиб юрар, сув остида қолган ўрмонзорларда юнусбалиқлар гала-гала бўлиб ўйнашарди.

Мис даври одамлари шу зайлда қирилиб кетади. Фақат икки одам – Прометейзода Девкалион билан унинг хотини Пирра омон қолишган эди. Чунки Девкалион падари Прометейнинг маслаҳатига кириб, каттакон бир сандиқ ясайди, унга анча-мунча егулик овқат солади-да, хотини билан бирга шу сандиққа тушиб олади. Девкалион ясаган сандиқ тўққиз кечаю тўққиз кундуз тўлқинларга ўйинчоқ бўлиб, бутун рўйи заминни босган сув бетида қалқиб сузиб юради. Ниҳоят, тўлқинлар сандиқни Парнасининг қўш чўққиси олдига оқизиш келади. Зевс юборган жала тинади. Девкалион билан Пирра сандиқдан чиқишади ва Зевсга ҳамд айтиб, шукронасига қурбонлик қилишади. Сув қайтиб, яна ернинг сатҳи очилади; энди у мисоли саҳро хувиллаб ётарди.

Шунда муҳофиз Зевс Девкалион қошига Ҳермесни юборади. Худолар муждачиси шир яланғоч замин ўзра ўқдек учиб, зумда Девкалион олдига етиб боради ва унга шундай дейди:

– Худолар ва бандалар султони Зевс сенинг художўйлигингдан воқиф бўлиб, сенга илоҳий тухфа инъом этмоқчи; тилагингни айт, Кронзода истаган тилагингни бажаргай.

Девкалион Ҳермесга шундай жавоб қилади:

– О, буюк Ҳермес, мен Зевсдан фақат бир нарсани – ер юзини яна одамлар билан гавжум қилишини сўрайман.

Учқур Ҳермес Олимпга қайтиб бориб, Девкалионнинг илтимосини Зевсга баён қилади. Зевс Девкалион билан Пиррага бир талай тош олиб, орқаларига қарамай, тошларни бошларидан ошириб отишни амр этади. Девкалион Зевс амрини бажаради, шунда у отган тошлардан эркаклар вужудга келади; Пирра отган тошлардан эса аёллар пайдо бўлади. Бутун оламни босган сув тошқинидан кейин тошлардан пайдо бўлган янги одамлар авлоди ер юзига ёйилган экан.



ПРОМЕТЕЙ



*Прометейнинг Зевс алди билан қишанбанд қилингани ҳақидаги бу
ривоят Эсхилнинг «Занжирбанд Прометей» номили фоҳиаси
бўйича баён қилинади*

Ер юзининг энг чеккасидаги аскифлар мамлакатада одам оёғи етмаган овлоқ бир жой. Шумшук қояларнинг ўткир чўкқилари булутлар бағрини тешиб осмонга кадалган. Теварак-атрофда на бир дарахт бор, на биронта гиёҳ ўсади, ҳаммаёқ тақир, кўримсиз. Қаёққа карама, маҳобатли қоялардан узилиб тушган тош парчалар айқаш-уйқаш бўлиб ётипти. Бу азим қоялар пойида денгиз шовуллайди, шўр сувини баланд-баландга сачратиб ваҳшиёна ўқиради. Соҳилдаги харсангларни денгиз кўпиги ювади. Қоялар ортида, жуда олисда Кавказ тоғларининг қорли чўкқилари элас-элас кўринади. Дахшатли булутлар аста-секин уфқни кўздан яшириб, тоғ чўкқиларини бурқаб ола бошлайди. Булутлар осмонни тобора кўпроқ камраб олади. Теварак-атроф яна ҳам шумшукроқ кўринади. Ниҳоятда беҳаловат, овлоқ жойлар. Ер юзининг мана шу одам оёғи етмаган сарҳадига Зевснинг икки навқари – Иқтидор билан Қувват қишанбанд паҳлавон Прометейни етаклаб келишади; Зевс уларга Прометейни қоя бошига йўғон занжирлар билан парчинлаб ташлашни амр этган. Навқарларнинг жуссаси худди улкан қоялардан йўнилгандек баҳайбат кўринади. Уларнинг қалбида раҳм-шафқатдан асар ҳам йўқ, нигоҳлари ачиниш нималигини билмайди, ҳиссиз чехралари атрофдаги қоялар сингари тош қотган. Уларнинг ортидан қўлига залварли болғасини кўтариб, тангри Ҳефест бошини эгиб, ғамгин юриб келмоқда. Унга ниҳоятда кўнгилсиз вазифа топширилган. У кадрдон дўсти Прометейни ўз қўли билан қояга занжирбанд қилиб парчинлаши керак. Дўстининг бошига тушган бу оғир мусибат Ҳефестнинг қалбини қаттиқ изтиробга солади, лекин чакмоқдор Зевснинг амрига итоат этмай иложи йўқ. Зеро, Зевс ўз амрига итоат этмаганларни шафқатсизлик билан жазолашни у яхши билади.

Иқтидор билан Қувват Прометейни қоянинг чўкқисига кўтаришади ва, қани, ишга кириш, деб Ҳефестни шоширишади. Уларнинг дағдағаларидан Ҳефестнинг қалби яна ҳам қаттикроқ эзилади. У маҳобатли болғасини истамайгина қўлга олади, фақат ночорлик уни итоат этишга мажбур қилади. Лекин Қувват уни яна шошира бошлайди:

– Қани, тезроқ, тезроқ қишанларни ол! Бутун кучингни ишлатиб, Прометейнинг қўл-оёғини қояга парчинлаб ташла. Сен унга ачиниб бекор қиялсан: ахир у Зевснинг ғаними! Агар уни ҳеч бир жонзот кутқара олмайдиган қилиб маҳкамлаб парчинламасанг, ўзинг Зевснинг ғазабига учрагайсан!

Ҳефест Прометейнинг оёқ-қўлларига кийдирилган кишанларни қояга парчинлаб қоқади. Мана шунда у ўзининг моҳир темирчи бўлганидан қаттиқ нафратланади! Зевснинг тошбағир навкарлари мудом уни назорат қилиб турадилар.

– Қаттиқроқ ур болгани! Кишанни тарангроқ қилиб торт! Бўшатма занжирни! Прометей муғамбир, у ҳар қандай мушкул ахволдан ҳам қутулиб чиқиб кетишнинг иложини топади, – дейди Қувват. – Маҳкамроқ парчинлаб ташла қўл-оёғини, Зевсга фириб бериш қандай бўлишини билиб қўйсин.

– О, бу бадқаҳр гапларинг жохил қиёфанга жуда ярашиб турипти! – дейди Ҳефест.

Қоя болганинг оғир зарбидан ларзага келади, унинг гумбурлаган садоси рўйи заминнинг у чеккасигача эшитилади. Мана, ниҳоят, Прометей занжирбанд қилинади. Ҳали бу кифоя эмас, энди унинг кўксига метин найза санчиб, қояга михлаб қўйиш керак. Ҳефест бу ишни пайсалга солади.

– Прометей! – дейди у. – Сен чекаётган изтиробларни кўриб, юрагим эзилиб кетяпти!

– Яна имилляяпсан! – дейди дарғазаб Қувват Ҳефестга. – Ҳали ҳам Зевснинг ағёрига раҳминг келяптими? Эҳтиёт бўл, ўзинг Прометейнинг аҳволига тушиб қолмагин тагин!

Ниҳоят, ҳамма иш тугайди. Зевснинг амри бажарилади. Паҳлавон занжирбанд этилиб, кўксига найза тиғи санчилади. Шунда Қувват Прометейни мазах қилиб дейди:

– Мана, энди бу ерда кўнглингга сиққанча кеккаявер, яна аввалги калондимоғлигингдан қолма! Фоний бандаларга ўзинг ўғирлаган худолар неъматини улаш! Кўрамиз, ўша бандаларинг сенга ёрдам бера олишарминкин. Энди бу кишанлардан қандай озод бўлиш ҳақида ёлғиз ўзинг бош қотирасан.

Мағрур Прометей сукут сақлайди. Ҳефест дўетининг қўл-оёғидаги кишанларни қояга парчинлаб қоқаётганида у бир оғиз ҳам нола қилмади, ҳаттоки, бирон марта инграмади ҳам.

Мана, Зевснинг хизматкорлари Қувват билан Иқтидор, уларга эргашиб маҳзун Ҳефест ҳам жўнаб кетишди. Прометей ёлғиз қолди. Энди унинг овозини фақат пойидаги жўшқин уммону боши узра сузиб юрган қора булутлар тинглаши мумкин. Шундагина унинг найза санчилган кўксидан аччиқ фиғон отилиб чиқди, шундагина у ўзининг шум тақдирдан нола қила бошлади. Унинг бу ноласида ғайритаваиф изтироб ва талх алам бор эди:

– Ё, илоҳий мусаффо осмону учқур шамоллар, дарёларнинг сарчашмаларию денгизларнинг бетиним тўлқинлари, жамики борлиқнинг момокалони замин, бутун рўйи заминни айланиб чиқувчи, зийрак нигоҳи

билан ҳамма нарсани мушоҳада қилувчи куёш – барчангизни шаҳодат беришга даъват этаман! Не азобларга бардош бераётганимни кўринлар. Энди мен сонсиз-саноксиз йиллар давомида шармандаларча шундай яшашга мажбурман! Қандай мусибат! Энди мен ҳозирдан бошлаб беҳисоб асрлар давомида муттасил афғон чеккумдир! Бу азобларга чек кўйишининг иложини қайдан топай? О, нималар деяпман ўзи? Ахир шундай бўлишини ўзим билардим-ку. Бу азобу укубатлар тасодиф эмас. Мудҳиш қисмат таъқибидан қочиб қутулиб бўлмаслигини мен олдиндан билардим. Бу қийноқларга бардош беришга мажбурман! Илло қай гуноҳим учун? Мен фоний бандаларга беназир илоҳий армуғон тухфа этдим. Шу қилмишим учун энг машъум азобларга мубталоман, энди мен бу укубатлардан қочиб қутула олмайман. Шўрим курсин менинг, шўрим!

Шу пайт худди куш қанотлари қоқилгандек оҳиста товуш эшитилади ва бунинг оқибатида ҳаво назокат ила аста елпинади. Прометей михланган қоя олдига мўйсафид Океаннинг энг олис соҳилидаги сув ости ғоридан энгил шаббода билан бирга Океан қизлари ўз аробаларида учиб келишади. Улар Ҳефест болғасининг гурсиллаган овозини, Прометейнинг нолаю фиғонини эшитган эдилар. Қояга парчинлаб занжирбанд этилган қудратли паҳлавонни кўрган Океан санамларининг оҳу кўзлари ғилт-ғилт ёшга тўлди. Паҳлавон бу Океан қизларига яқин қариндош эди. Прометейнинг отаси Япет Океаннинг оғаси, хотини Ҳесиона эса бу санамларнинг синглиси эди. Санамлар қоя атрофида парвона бўлиб, Прометейнинг аҳволига қаттиқ ачинишади. Лекин Прометейнинг Зевсга ва Олимпдаги барча худоларга қарата айтган таҳқирона сўзларини эшитиб, санамлар чўчиб кетишади. Улар, ҳали Зевс паҳлавон оғамизни яна бешбадтар жазоламасайди, деб кўрқишади. Прометейни қайси гуноҳи учун бундай жазолашганидан Океан қизлари беҳабар. Улар аччиқ-аччиқ фарёд чекишиб, қай гуноҳинг учун сени Зевс бундай жазога мустаҳиқ этди, не рафторинг ила парвардигорнинг ғазабига учрадинг – бизга баён қил, деб ёлборишади.

Шунда Прометей Океан қизларига, титанлар билан бўлган жангда Зевсга ёрдам қилгани, ўз онаси Фемида билан замин маъбудаси Геяни Зевснинг тарафини олишга кўндиргани ҳақида ҳикоя қилиб беради. Натижада, Зевс титанларни маҳв қилган ва Прометейнинг маслаҳати билан уларни машъум Тартарнинг энг қаърига ҳибс этган эди. Кейин Зевс бутун дунёга султон бўладию ҳокимиятни олимплик янги худолар ўртасида бўлишиб олади, аммо чакмоқдор худо унинг ҳокимият тепасига чиқишида кўмаклашган паҳлавонларни ҳеч қандай ҳуқуқ ва мансаб билан тақдирламайди. Зеро, Зевс паҳлавонларни ёмон кўради, уларнинг ғайритаъриф қудратидан кўрқади. Зевс, шунингдек, Прометейга ҳам ишонмайди, ундан нафратланади. Прометей Крон замонида яшаган ва эндиликда Зевс маҳв қилмоқчи бўлган бахтсиз фоний бандаларни ўз ҳимоятига олгандан кейин эса,

чақмоқдор уни яна ҳам ёмон кўриб қолади. Прометей ҳали онгсиз бўлган бу бандаларга раҳм қилади, уларнинг зулмат Аид салтанатига шу бадбахтлигича рихлат этишларини хоҳламайди. Прометей бу одамларга, улар ғофил бўлган умид туйғусини уфуради ва ўз рафтори учун оғир жазога тортилиши муқаррар эканлигини билса ҳам, илоҳий оловни ўғирлаб, уни одамларга олиб тушиб беради. Бу мағрур ва қудратли паҳлавон энг даҳшатли жазога мустаҳиқ этилишидан ҳам қўрқмай, одамларга ёрдам бериш истагидан қайтмайди. Ҳаттоки, башорат соҳибаси бўлмиш онаси Фемиданинг огоҳлантирувчи каломлари ҳам уни бу ниятидан қайтара олмайди.

Океан қизлари Прометейнинг ҳикоясини қаттиқ ҳаяжон билан тинглайдилар. Лекин шу пайт қоя олдига соҳибқаромат қария Океаннинг ўзи жангаробасида учиб келади. У Прометейга ўғит бермоқчи, уни Зевс қуввасига беписанд бўлмасликка даъват этмоқчи бўлади: ахир Тифондек мудҳиш махлукни енгган тангрига қарши бош кўтаришдан ҳеч қандай наф чикмаслигини бу паҳлавон тушуниши керак-ку. Океан Прометейнинг аҳволига ачинади, унинг мушкул аҳволини кўриб, ўзи ҳам қаттиқ изтироб чекади. Бу соҳибқаромат қария ҳозироқ Олимпга чиқиб, паҳлавондан шафқатингни дариғ тутма, деб Зевсга тавалло қилмоқчи бўлади (гарчи бундай тавалло билан ўзи ҳам чакмоқдорнинг ғазабига дучор бўлиши мумкинлигини билса ҳам). Чунки оқилона эзгу калом билан ҳар қандай ғазабни сўндириш мумкинлигига унинг имони комил эди. Лекин Океаннинг барча гаплари беписанд қолади, Прометей Океанга виқор билан шундай жавоб қилади:

– Йўқ, сен ўзингни омон сақлаш ҳаракатини қил. Зеро, бу ҳамдардлигинг билан ўз бошингга бало орттиришинг мумкин. Мен пешонамга битилган жамики азобу укубатларга охиригача бардош бермоқчиман. Илло, сен, Океан, менинг ёнимни олиб, Зевснинг ғазабига дучор бўлишдан қўрқ.

– Сезяпман, – дейди маҳзун Океан Прометейга юзланиб, – бу гапларинг билан мени ўз масканимга бесамар қайтишга мажбур этмоқчисан. Ахир, ишонсанг-чи, Прометей, бу ерга сенинг ташвишинг ва сенга бўлган меҳрим бошлаб келди мени!

– Йўқ! Кетавер! Тезроқ, тезроқ кет бу ердан! Мени ёлғиз қолдир! – дейди Прометей.

Шунда Океан қалбида дард-алам билан Прометейни тарк этади. Океан ўзининг қанотли жангаробасида учиб кетади, Прометей эса, ҳикоясини давом эттириб, Зевс раъйига зид ўлароқ одамлар учун қандай савоб иш қилганини баён этади. Прометей дўсти Ҳефестнинг Лемнос оролидаги Мосха тоғига ўрнатилган кўрасидан чўғ ўғирлаб, уни фоний одамларга олиб тушиб берган эди. Бундан ташқари, у бандаларга турли хил хунар ўргатган, уларга ҳисоблаш, ўқиш, ёзишдан сабоқ берган эди. У фоний

бандаларга маъдан нималигини тушунтирган, уларни ер остидан қандай олиш, уларга ишлов бериш усулларини ўргатган. Прометей ёввойи буқани қўлга ўргатиб, унга бўйинтурук солган, оқибат одамлар буқаларни ишла-тиб, ер ҳайдай бошлаганлар, экин экканлар. У отни жангаробага қўшиб, уни одамзодга итоаткор қилган. Донишманд паҳлавон энг биринчи кемани қурган, уни керакли ашёлар билан жиҳозлаган, поёнсиз уммонда шамол-дек учсин деб, унга зиғирпоя матосидан елкан ўрнатган. Илгари одамлар дори-дармон нималигини, касални қандай даволашни билишмаган, лекин Прометей уларга дорининг қудратини намойиш қилган. У одамларга ҳаётий қайғуларни енгиллатиш, вақтни бахтиёр ва хушчақчақ ўтказиш учун лозим бўлган ҳамма усулларни ўргатган. Шу қилмишлари билан у Зевснинг ғазабига учраган ва чакмоқдор худо уни шунинг учун жазога мустаҳиқ этган эди.

Лекин Прометей мангу азоб чекмайди. У қудратли чакмоқдорнинг ҳам бошига ҳали огир савдолар тушишини билади. Ҳаттоки, шу бузург худо ҳам ўз пешонасига ёзилган тақдири азалдан қочиб қутула олмайди! Зевснинг ҳукмронлиги тоабат давом этмаслигидан Прометей вокиф: вақти келиб у ҳам сарбаланд шоҳона Олимпдаги тахтдан ағдарилади. Бу қошифқаромат паҳлавон Зевснинг ўз ёвуз қисматига чап бериши мумкин бўлган буюк бир сирни билади, лекин бу сирни у Зевсга асло очмайди. Ҳеч қандай куч, ҳеч қандай қийноғу дўқ-пўписа ўша сирни ошкор қилишга мажбур эта олмайди Прометейни.

Мана, Прометей ҳикоясини тугатди. Океан қизлари уни ҳайратга тушиб тинглашди. Улар чакмоқдор Зевсга қарши бош кўтаришга журъат этган бу иқтидорли паҳлавоннинг бемисл заковатидан ва букилмас ирода кучидан таажжубда эдилар. Бу санамлар Прометейнинг Зевс бошига қандай савдолар солажагини эшитишиб, баттар ваҳимага тушишди. Зеро, Прометейнинг таҳдиди Олимпга етиб боргудек бўлса, чакмоқдор худо бу машъум сирни билиб олиш учун ҳеч нимадан қайтмаслигини Океан қизлари яхши билишарди. Машъум қисмат амрининг муқаррарлигидан қаттиқ ваҳимага тушган Океан қизлари Прометейга ғилт-ғилт ёш келган кўзларини мўлтиратиб боқишади. Қоя теран сукутга толади, бу сукутни фақат денгизнинг тинимсиз шовуллашигина бузади.

Шу пайт бирдан жуда узокдан кимнингдир қайғу ва аламдан афғон чекаётган ноласи базўр кулоққа чалинади. Мана, яна эшитилди у нола. Энди яқинроқдан, анча аниқроқ эшитила бошлайди. Бу келаётган Аргolidанинг биринчи шоҳи – дарё тангриси Инахнинг сигирга айлантирилган қизи шўрлик Ио бўлиб, маъбуда Ҳера томонидан юборилган баҳайбат сўна уни тиркиратиб қувиб келарди; сигир қора қонига беланган, телбаларча тинимсиз югураверганидан терлаб кўпик бўлиб кетган эди. Сарсонликдан хориб, силласи қуриган, сўнанинг тўхтовсиз ниш уришидан аъзойи бада-

ни илма-тешик бўлиб кетган Ио занжирбанд Прометей қаршисига келиб тўхтади. У фарёд солиб, бошига тушган беадад мусибатлар ҳақида зорланиб гапиради ва қошифқаромат пахлавонга ёлбориб дейди:

– Прометей! Бошимга тушган мусибатларнинг ушбу сарҳадида тавалло қиламан сенга, ошкор қил, қачон бу азобларим барҳам топади, қачон мен ҳам ором оламан?

– Ио, гапларимга ишон! – деб жавоб қилади Прометей. – Лекин буни билганингдан билмаганинг маъқул эди. Ҳали сен яна кўп мамлакатларни кезасан, йўлингда беҳисоб даҳшатларга дуч келасан. Сенинг машаққатли йўлинг аскифлар мамлакатидан, Кавказнинг юксак қорли чўққиларидан, амазон аёллар ўлкасидан ўтиб, Босфор бўғозига боради – сен бу бўғоздан сузиб ўтганингда уни сенинг шарафинга шундай деб атай бошлайдилар. Кейин сен яна Осиё бўйлаб узок вақт сарсонликда юрасан. Сен ажалкаш Горгоналар яшайдиган юрт ёнидан ўтасан; у махлуқларнинг бошларида соч ўрнида илонлар мудом вишиллаб, тўлғаниб туради. Сен улардан ўзингни эҳтиёт қил! Шунингдек, грифларга¹ ва бир кўзли аримаспларга² қорангни кўрсата кўрма, зеро, сен уларга ҳам тўкнаш келасан. Ниҳоят, Библин тоғларига етасан, Нилнинг сербаракот суви шу тоғлардан оқиб тушади. Сен ўша ерда, яъни Нилдан озикланувчи мамлакатда, дарёнинг сарчашмаси яқинида, ниҳоят, ором топасан. Ўша ерда Зевс сени аввалги гўзал қиёфанга қайтаради ва ўша ерда ўғлинг Эпафга кўзинг ёрийди. Кейинчалик Эпаф бутун Мисрга ҳукмронлик қилади, мана шу ўғлонинг қатор-қатор шавкатли қахрамонларнинг бобокалони бўлмай. Мана шу пахлавонлар авлодидан дунёга келган фоний банда мени бу бандиликдан озод этмай. Ой, Ио, башорат соҳибаси, волидам Фемида менга сенинг қисматинг ҳақида шуларни баён қилган эди.

Ио буни эшитиб наъра тортади:

– Пешонам мунча шўр бўлмаса! Ох, бу машъум қисмат бошимга яна қанчадан-қанча оғир мусибатлар ёғдираркин! Бу даҳшатлардан мудом кўксимда қалбим зир-зир титрайди! Яна телбалик дарди хуруж қила бошлади, яна сўнанинг косовдек оташ ништари тилка-пора бўлган баданимга ботмоқда, яна мен сўзлаш қобилиятимни йўқотмоқдаман! Ох, разолат, разолат!

Шундан сўнг Ио худди кутургандек, кўзлари ола-кула бўлиб, қоя тагидан узоклашади. У гўё қуюн учиргандек шаталоқ отиб, узок-узокларга югуриб кетади. Сўна эса, ғувиллаганча Ионинг орқасидан қуварқан, оташ ништарини дам-бадам бояқишнинг баданига жон-жаҳди билан ботиради.

¹ Танаси шер, бургутбош канотли махлуқлар, улар олтин сочма конларини кўриклашади.

² *Аримасплар* – бир кўзли, барок юнгли суворий-чорвадорларнинг афсонавий қабиласи, улар грифлардан олтинларни тортиб олиш билан шуғулланган.

Нихоят, Ио ўз оёқларидан кўтарилган тўзон ичида қолиб, Прометей билан Океан қизларига кўринмай кетади. Унинг оху фарёди энди борган сари секинроқ эшитилиб, ниҳоят, шўрликнинг нолали саси мутлақо сўнади.

Бахти қаро Иога раҳми келган Прометей ҳам, Океан қизлари ҳам теран сукутга толадилар. Лекин, мана, дарғазаб Прометей ниҳоят ҳайқиради:

– Ё чақмоқдор Зевс, сен мени қанча қийноққа солма, барибир, бир кун келиб, ўзинг ҳам хору расво бўлгайсан. Сен ҳукмдорлик рутбангдан маҳрум этилиб, зулмат салтанатининг қаърига отилгайсан. Ана унда отанг Кроннинг дуоибоди рўёбга чикқай! Лекин боқий тангрилардан биронтаси ҳам бу фалокатқаш қисматни қандай қилиб бошингдан аритишни билмагайлар! Буни ёлғиз мен биламан! Мана, ҳозир сен мунаввар Олимпда қодир худо бўлиб ўтириб, чақмоқлар отиб, момақалдиروқлар гумбурлатмоқдасан, аммо шу чақмоғу момақалдироқларинг ҳам сенга иш бермайди, улар барқарор қисмат олдида ожиздирлар. О, сен хокитуроб бўлганингда ҳукмронлик билан куллик ўртасидаги тафовутни билиб оласан!

Кўрқиб кетган Океан қизларининг кўз олди қоронғилашади, даҳшатдан гўзал чехраларида қон қолмайди. Бу санамлар денгиз кўпигини эслатовчи оппоқ кўлларини Прометейга чўзиб, шундай такаллум қиладилар:

– Мунча телба бўлмасанг! Худолару бандалар султони бўлмиш Зевсга бундай таҳдид солишдан кўркмайсанми? О, Прометей, у сени бундан ҳам баттарроқ азобга солиши мумкин! Сен ўз тақдирингни ўйлаб кўр, ўзингга раҳминг келсин!

– Мен ҳар қандай қийноққа ҳам дош бераман!

– Ахир донишмандлар ҳам тақдирга тан берадилар!

– Майли, сизлар тавалло қилинглар, шафқат сўраб ёлборинглар! Ўша даҳшатли ҳукмдор пойига эмакляб боринглар! Илло мен учун ким бўлибди ўша чақмоқдор Зевс? Унинг нимасидан кўрқаман? Менга ўлиш насиб этмаган! Бас, шундай экан, қўлидан келганини қилаверсин ўша Зевс. Ҳадемай унинг худолар устидан ҳукмронлик қилиш муддати тугайди.

Шу сўзлар Прометейнинг оғзидан чиққан ҳамоно, Ҳермес гўё учар юлдуздек ҳаводан учиб тушиб, даҳшатли вазоҳати билан Прометей қаршисида намоён бўлади. Уни бу ерга Зевс юборган эди.

– Қани, ўша сирингни оч: Зевсни тахтдан ким ағдармоқчию тақдирнинг бу тақозосига қандай чап бериш мумкин? – деб у паҳлавондан қатъий талаб қила бошлайди. – Агар Зевс амрига итоат этмасанг, ҳозиргидан ҳам мудҳишроқ жазога тортилгайсан!

Лекин қудратли паҳлавон Ҳермеснинг таҳдидини писанд ҳам қилмай, ўз сўзида маҳкам туради ва муждачи тангрига истехзо билан жавоб қайтаради.

– Агар мендан бирон янги гап эшитиш ниятида бўлсанг, унда ҳали гўдак экансан, ақлинг ҳам гўдакнинг ақлича экан. Қулоғингга қуйиб ол:

мен Зевсга кул бўлиб хизмат қилгандан кўра қисматимга битилган энг бешафқат изтиробга бардош беришни афзал кўраман. Золим Зевснинг вафодор малайи бўлгандан шу қояга занжирбанд бўлиб яшаганим яхши. Зевс минг қийноққа солсин, минг қатл этсин, мени на кўркита олади, на бирон гап айтишга мажбур қила олади. Йўқ, золим Зевс тақдирдан қочиб кутулиш йўлини ҳам, ҳокимиятни унинг кўлидан ким тортиб олишини ҳам ҳеч қачон била олмагай!

– Унда сен, Прометей, Зевс амрига итоат этмаган тақдирингда ҳолинг не кечишини эшитиб кўй, – деб жавоб қилди Ҳермес паҳлавонга. – Парвардигор ўз чакмоғи зарби билан сен занжирбанд этилган мана шу қояни ҳам, қояга кўшиб сени ҳам тубсиз зулмат салтанатига улоқтиради. Қоятошлар уйилиб ётган ўша зим-зиё жарликда сен жуда кўп асрлар мобайнида куёш шуъласига зор бўлиб, рўшнолик кўрмай азоб чекиб ётасан. Орадан анча-мунча аср ўтгач, Зевс сени у чуқур зулматдан ёруғ дунёга яна тортиб чиқаради, аммо сен бундан хурсанд бўлмайсан. Ана унда ҳар куни олдингга Зевс юборган бургут учиб келади-да, ўткир тирноқлари ва тумшуғи билан баданингни тешиб, жигарингни чўқийди, аммо жигаринг ҳар куни яна бутун бўлиб қолаверади, оқибат, азобинг кун сайин ортиб бораверади. То сенинг ўрнингга бошқа бир кимса зулмат Аид қаърига тушишга рози бўлмагунча шу зайлда қояга осилиб тураверасан. Ўйлаб кўр, Прометей, бундан кўра Зевсга итоат этган маъқул эмасмикин! Зотан, ўзинг биласан, Зевс ҳеч қачон бекор таҳдид қилмайди!

Мағрур паҳлавон ўз сўзида собитлигича тураверади. Зеро, унинг юрагини ҳеч қандай таҳдид ғулғулага сола олмасди! Шу пайт бирдан ер ларзага келади, бутун борлиқ зир-зир титраб, момақалдиروقнинг даҳшатли гумбурлаши эшитилади, пайдар-пай яшин чақади. Шиддатли қора куюн кўтарилади. Денгизда кўпикли долғалар худди юксак тоғ тизмаларидек кўтарилди бошлайди. Қоя тебранади. Бўроннинг увиллаши, момақалдиروق ва зилзиланинг гумбурлаши орасидан Прометейнинг даҳшатли фарёди эшитилади:

– Зевс менга энг мудҳиш зарба йўллаб, юрагимни ларзага солмоқчи! О, мухтарам волидам Фемида, бутун коинотни ўз партави ила мунаввар этувчи беғубор само! Зевс мени адолатсизлик билан жазолаётганини кўриб кўйинглар!

Шу чоғ қоя мудҳиш гумбурлаб, ўзига занжирбанд этилган Прометей билан бирга мангу зулмат салтанатининг энг чуқур қаърига қулайди¹.

Орадан кўп асрлар ўтиб, Зевс Прометейни зулмат салтанати қаъридан ёруғ дунёга яна тортиб олади. Аммо паҳлавоннинг азоб-уқубатлари бу билан тугамайди, билъакс, яна ҳам оғирлашади. Мана, у ҳамон оёқ-кўли кишанбанд этилиб, юксак қояга парчинлаб ташланганча чалқанча ётипти.

¹ Эсхилнинг «Занжирбанд Прометей» фожиаси шу воқеа билан тугайди.

Жазирама офтоб унинг баданини чўғ бўлиб куйдиради, боши узра куюн увиллайди, беҳол ва заиф жисмини гоҳ шаррос куйган ёмғир, гоҳ дўл савалайди, кишда эса, устига паға-паға қор ёғади, қакшатқич аёз унинг баданини жунжиктиради. Бу ҳали ҳаммаси эмас! Ҳар куни бир баҳайбат бургут қудратли қанотларини патиллатиб қоя бошига учиб келади. У Прометейнинг кўкрагига қўниб олиб, ўткир тирноқларини паҳлавоннинг баданига ништардек ботиради, узун тумшуги билан унинг жигарини чўкилаб, пор-пора қилади. Прометейнинг баданидан оққан дарё-дарё қон қоя тагида ҳалқоб бўлиб тўпланиб қуюлади ва офтоб тафтида ирийди, натижада ҳаммаёқни ўга бадбўй ҳид босиб кетади. Бургут ҳар куни эрталаб учиб келиб, қонли тановулга киришади. Прометейнинг жароҳати ҳар куни тунда битиб, жигари яна бус-бутун бўлиб қолади, зеро, бу жигар эртаси куни яна бургутга ем бўлмоғи лозим эди. Бу азоб кўп йиллар, кўп асрлар муттасил давом этади. Қудратли паҳлавон Прометей тамоман ҳолдан тояди, лекин шунча азобу уқубат ҳам унинг мағрур руҳини бука олмайди.

Титанлар Зевс билан аллақачон ярашиб олишган ва унга тобеъ бўлишган эди. Улар чакмоқдор худони тан олишган, Зевс ҳам уларни зимистон Таргардан озод қилган эди. Мана, энди бу беназир қувва соҳиблари – маҳобатли титанлар ер юзининг энг чеккасига, Прометей занжирбанд этилиб парчинланган қоя олдига келдилар. Улар қоя пойида туриб, бас, энди Зевсга бўйин эгақол, дея Прометейни кўндирмоқчи бўладилар. Бу ерга Прометейнинг онаси Фемида ҳам келади, у паҳлавонга юзланиб, энди ғурурингдан туш, ўғлим, Зевс билан ўртангдаги муҳолафатга барҳам бер, онаизорингга раҳминг келсин, деб ёлборади, зеро, у ўғлининг азоб чекишини кўриб, ўзи ҳам қаттиқ андуҳга ботган эди. Ҳаттоки, Зевс ҳам энди аввалги ғазабидан тушган эди. Зеро, у энг қудратли ҳукмдор, ҳеч ким унинг тожу тахтига путур етказа олмас, демакки, у ҳеч кимдан кўрқмас эди. Қолаверса, Зевс энди аввалгидай золимлик қилмас, ҳокимиятни бешикаст саклар, қонун-қоидага амал қилар эди. У фоний бандаларга ва улар ўртасидаги ҳақиқатга ҳомийлик қиларди. Энди чакмоқдор худога фақат бир нарса тинчлик бермасди, у ҳам бўлса, ёлғиз Прометейгагина аён бўлган сир эди. Агар Прометей бу машъум сирни Зевсга очса, чакмоқдор худо бу иқтидорли паҳлавонни афв этишга ҳам тайёр эди. Мана, Прометейнинг азоблари тугайдиган пайт ҳам яқин қолди, ҳозир бир қаҳрамон дунёга келган, улғайиб балоғатга ҳам етиб қолган. Тақдири азал Прометейни кишандан озод қилишни шул қаҳрамоннинг пешонасига ёзган. Букилмас ирода соҳиби Прометей ғайритавсиф азобларга бардош бериб, ҳамон сирни яшириб келмоқда, лекин унинг ҳам силласи қуриб, энди беҳол бўла бошлайди.

Мана, Прометейни озод қилиш пешонасига ёзилган буюк қаҳрамон жаҳонгашталиқ қилиб юриб-юриб, охири тақдир тақозоси билан ернинг

мана шу чекка сарҳадига бориб қолади. Бу қахрамон одамлар ичида энг кучли, худолардек иқтидорли Ҳеракл эди. У Прометей чекаётган азобларни кўриб, ҳайратга келади ва бу ҳолдан ўзининг ҳам юраги қаттиқ эзила бошлайди. Прометей Ҳераклга ўзининг аччиқ қисмати ҳақида сўзлаб беради ва бу паҳлавон истикболда қандай буюк жасоратлар кўрсатиши ҳақида башорат қилади. Ҳеракл унинг гапларини зўр диққат билан эшитади. Лекин ҳали у Прометей чекаётган азобларнинг энг даҳшатлисини кўргани йўқ. Мана, олисда маҳобатли қанотларнинг пагиллагани эшитилади – бу ўзининг ҳар кунги қонли базмига учиб келаётган бургут қанотларининг овози эди. У Прометейнинг кўксига келиб қўнишга шайланиб, юксак осмонда чарх уриб айланади. Лекин бугун Прометейнинг ёнида халоскори Ҳеракл бор, у паҳлавонни азобламоқчи бўлган бургутни яқин йўлатмайди. Дарҳол қўлига камонини олиб, садоғидан ажалкаш ўқ чиқаради ва чўнг мерган тангри Аполлондан мадад сўраб, отаётган ўқини беҳато нишонга теккизишни илтижо қилади-да, ўқ узади. Камон чилласи қаттиқ жаранглаб кетиб, ўқ паррон этади ва бу ўқдан маҳв бўлган бургут тўғри қоя пойида шовуллаб ётган денгизга келиб тушади. Озодлик фурсати етиб келган эди. Шу пайт бу ерга сарбаланд Олимпдан учқур Ҳермес етиб келади. У қудратли Прометейга ширинсуханлик билан тақаллум қилиб, агар у Зевснинг шум тақдирга чап бериш сирини очса, шу заҳотиёқ уни кишандан озод қилишга сўз беради.

Нихоят, иқтидорли Прометей Зевсга сирни очишга рози бўлади ва шундай дейди:

– Сир шуки, чақмоқдор тангри зинҳор-базинҳор денгиз маъбудаси Фетидага уйлана кўрмасин, зеро, қисмат маъбудалари – башоратчи мойралар Фетиданинг куръасини тортганлар ва унда, Фетиданинг эри ким бўлмасин, ундан дунёга келган ўғлон ўз отасидан қудратлироқ бўлади, деб ёзилган қисматни ўқиганлар. Шунинг учун, яхшиси, Фетидани қахрамон Пелейга эрга беришсин, ана шунда Фетида билан Пелейдан туғилган ўғил Юнонистоннинг фоний қахрамонлари ичида энг бузруги бўлади.

Шундай қилиб, Прометей буюк сирни ошкор қилади. Ҳеракл залвар гурзиси билан паҳлавоннинг кишанларини парчалайди ва паҳлавонни қояга михлаб қўйган кўксига тиғни суғуриб олади. Прометей ўрнидан туради, энди у озод, азобу уқубатлари барҳам топган эди. Прометейни фоний банда озод қилиши ҳақида башорат қилишган эди, қаранги, шу башорат рўёбга чиқди. Прометейнинг озодликка чиқишини титанлар баралла наъралар, шодиёна қийқириклар билан қарши олишади.

Шундан буён Прометей қўлига кийдирилган кишаннинг темир ҳалқаси билан юради, ҳалқага у неча-неча асрлар муттасил ғайритавсиф азобларга бардош берган ўша машъум қоянинг бир бўлаги ёпишиб қолган эди.

Ер остидаги зулмат салтанатига эса, Прометейнинг ўрнига донишманд кентавр Хирон рихлат этишга рози бўлибди. Ҳеракл Хиронни беҳосдан қаттиқ жароҳатлаб қўйган эдики, кентавр у дунёга равона бўлиши билан ўша жароҳат азобидан қутулган экан.



ПАНДОРА



Прометей самодан илохий оловни ўғирлаб тушиб, уни фоний бандаларга тортиқ этганида уларга турли-туман санъат ва хунарлардан ҳам сабоқ берган, уларни илм-маърифатли ҳам қилганидан сўнг ер юзида одамлар анча хушбахтрок яшай бошлаганлар. Прометейнинг бу қилмишидан дарғазаб бўлган Зевс ердаги одамлар устига ёвузлик иллатини ёғдиради. У уста тангри Ҳефестга, тупроқ билан сувни қориштириб, унинг омихтаси – лойдан шундай дилбар бир қизни яратишни амр этадики, бу қиз одамзодга хос қувва, мулойим овоз соҳибаси, нигоҳи эса боқий маъбудаларникидек ўткир бўлиши лозим эди. Маъбуда Афина-Паллада бу қиз учун ниҳоятда мухташам латофат ва назокат уфуриши, Ҳермес эса унинг дилига маккорона фаросат ва уддабурунлик сингдириши керак эди.

Ҳефест ҳам, маъбудалар ҳам Зевс амрини дарҳол бажарадилар. Ҳефест тупроқдан хуснда ғайритаъриф қизни яратади. Худолар унга жон ато этадилар. Афина-Паллада ва Хариталар у қизга қуёшдай порлоқ либослар кийдириб, бўйнига олтин маржон тақадилар. Йил фасллари маъбудалари Оралар қизнинг чиройли бошига баҳорги муаттар гуллардан ўрилган гултож кийдирадилар. Ҳермес унинг дудокларига сохта ва серхушомад сўзлар уфуради. Худолар бу қизга Пандора деб исм қўядилар, зеро, унга ҳамма худолар ҳам бирон хислат ё фазилат инъом этган эди¹, энди Пандора одамлар жамоаси ичига бадбахтлик олиб кириши керак эди.

Мана, ёвузлик тимсоли Пандора тайёр бўлди, Зевс Ҳермесни чақириб, у қизни ерга олиб тушиб, Прометейнинг иниси – Эпиметейга тортиқ қилишни амр этади. Донишманд Прометей телбасифат инисини бир неча бор огоҳлантириб, чақмоқдор Зевсдан зинҳор ҳеч қандай инъом ола кўрма, деб маслаҳат берган эди. Лекин Эпиметей доно оғасининг танбехларига кулоқ осмади. Пандоранинг хуснижамоли уни ром қилиб қўйган эди, шу боис у қизни ўзига хотин қилиб олади. Лекин орадан сал вақт ўтар-ўтмас, Пандора одамларга қанчалик кўп ёвузлик, бадқирдорлик олиб келганига Эпиметей шохид бўлади.

Эпиметейнинг уйда қаттақон бир хум бўлиб, унинг оғзи зилдек оғир қопқоқ билан зич қилиб ёпилган эди; бу хумда нима борлигини ҳеч ким билмас, уни очишга ҳам ҳеч ким журъат этмас эди, чунки хум очилса, зўр

¹ Юнон тилида Пандора сўзи «барча инъомларга мушарраф бўлган», деган маънони билдиради.

фалокат рўй бериши мумкинлигини ҳамма биларди. Лекин синчков Пандора ҳеч кимга сездирмай хумнинг копқоғини кўтаради, шунда бир замонлар шу хумга қамаб қўйилган фалокат ва иллатлар учиб чиқиб, бутун рўйи заминга ёйилади. Бу баҳайбат хумнинг тубида фақат биттагина Умид қолиб кетади. Хумнинг копқоғи яна ёпиладию Умид Эпиметейнинг уйида муқим қолади. Чакмоқдор Зевснинг хоҳиши шундай эди.

Илгари одамлар ёвузликни ҳам, оғир меҳнатни ҳам, маҳвор хасталикларни ҳам билмай, бахтли ҳаёт кечиришарди. Пандора ер юзига тушгандан кейин эл орасида беҳисоб офату фалокатлар тарқалади. Замин ҳам, уммон ҳам ёвузликка тўлиб кетади. Ёвузлик ва хасталик одамлар ҳузурига – хоҳ кечаси бўлсин, хоҳ кундузи – қутилмаганда бостириб келиб, одамларга паққос разолату азоб-укубатлар олиб келади. Бу иллатлар товуш чиқармай юриб, гунг бўлиб келади, зеро, Зевс уларни сўзлаш қобилиятидан маҳрум этган – тангри ёвузлик билан хасталикни соқов қилиб яратган эди.



Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Учакмоқдор Зевс дарё худоси Асопнинг соҳибжамол қизини ўғирлаб, уни Ойнопий оролига олиб кетади, шундан кейин бу орол Асопнинг қизи номи билан, яъни Эгина деб атала бошлайди. Шу оролда Эгина билан Зевснинг ўғли Эак дунёга келади. Ўғил улғайиб, балоғатга етади ва мазкур Эгина оролига шох этиб тайинланади. Ҳақиқатпарварлик, адолатпешаликда бутун Юнонистонда ҳеч ким унга тенг кела олмас эди. Олимплик худоларнинг ўзи ҳам уни ҳурмат қилишар ва кўпинча ўз ўрталарида содир бўлган мубоҳасага ҳакамлик қилиш учун шу Эакни танлашар эди. Эак қазо қилганидан кейин, у ҳам худоларнинг амри билан, худди Минос билан Радаманта сингари, ер ости салтанатида қозилик лавозимини бажаради.

Фақат маъбуда Ҳера Эакни жуда ёмон кўрарди. У Эакнинг салтанатига бемисл офат ёғдиради. Эгина оролини қуюқ туман бурқаб, тўрт ойгача кўтарилмай туради. Ниҳоят, жануб шамоли у туманни ҳайдаб юборади. Лекин бу шамол ўзи билан озодлик эмас, офат олиб келган эди. Бу оғукаш туман таъсирида оролдаги барча ҳовузлар, кўллар, анҳорларни заҳарли илонлар тўлдириб юборади; бу илонлар одамларни заҳарлайди. Эгина оролида даҳшатли ўлат бошланади. Оқибат, оролдаги тирик жон борки, бари қирилиб кетади. Фақат Эак билан унинг ўғиллари бешикаст қолишади. Шунда Эак кўлларини кўкка чўзиб, аянчли нола қилади:

– Ё Зевс, буюк олампадох, агар сен чиндан ҳам Эгинанинг шавҳари бўлган эрсанг, агар менинг падарим эканлигинг рост бўлса, пуштикама-

рингдан бўлган мен учун хижолат бўлмасанг, кирилиб кетган халқимни кайтариб бер, ё бўлмаса, мени ҳам қаро ерга тик!

Шунда чакмоқ чакиб, момақалдиروق садоси беғубор осмонни ларзага келтиради. Эакнинг муножотини падари Зевс эшитган эди. Эак Зевсга сизиниб тавалло қилган ерда чакмоқдор худога бахшида қилинган азим бир туп эман дарахти қад кўтарган бўлиб, унинг тагида чумоли ини бор эди. Эакнинг нигоҳи тасодифан шу инга тушади: у ерда туман-туман заҳматкаш чумолилар уймаланишарди. Эак ўз шаҳарларини барпо қилиш учун тинмай елиб-югураётган бу жажжи жонзотларга узоқ вақт тикилиб қолади ва ниҳоят чакмоқдорга юзланиб тавалло қилади:

– Ё раҳмдил падарим Зевс, мана шу уяда қанча чумоли бўлса, менга ҳам шунча меҳнатсевар фуқаро ато эт.

Эак шу каломини айтиб бўлган ҳамоно, ҳеч қандай шамол эсмаётган бўлса ҳам, эманнинг бақувват шохлари бирдан силкина бошлайди. Бу Зевснинг Эакка юборган яна бир белгиси эди. Кеч кириб қоронғи тушади. Эак уйқусида жуда аломат бир туш кўради. Тушида у Зевснинг муқаддас эман дарахти тагида турганмиш, дарахтнинг навдаларини ғиж-ғиж чумоли босганмиш. Кейин, навдалар силкинибди-да, дарахтдан чумолилар ёмғирдек ёғилиб туша бошлабди. Улар ерга тушгач, тобора катталашаверибди, мана, ниҳоят, чумолилар орқа оёқларига туриб қаддиларини ростлашибди, энди уларнинг қоралиги ҳам, чўпдек озғинлиги ҳам йўқолибди, аста-секин одам қиёфасига кира бошлашибди. Эак уйғонади, лекин ғойибдан хабар берган бу тушга ишонмайди, ҳатто, у мадад бермаяптилар, деб худолардан нолий бошлайди. Шунда бирдан Эакнинг қулоғига қадам товушлари, ғовур-ғувур овозлар эшитилади. «Нима бало, яна туш кўряпманми?» – деб ўйлайди у. Шу пайт ўгли Теламон уйга югуриб кириб отасини кучоқлаганча хушхабар айтади:

– Ота, тезроқ ташқарига чиқ! Мутлақо кутилмаган буюк мўъжизанинг шоҳиди бўласан.

Эак оромгоҳини тарк этиб, ташқарига чиқади ва хобида кўрган одамларни тирик ҳолда кўради. Илгари чумоли бўлган бу одамлар Эакни ўзларига подшо этиб сайлайдилар, шох эса, бу фуқарони мирмидонлар деб атай бошлайди. Эгина ороли одамлар билан шу зайил қайта гавжум бўлган экан.

ДАНАЙ ҚИЗЛАРИ (ДАНАИДАЛАР)

*Асосан Эсхилнинг «Муножот қилувчилар» фожиаси
бўйича баён этилади*

Зевс билан Иодан туғилган Эпафнинг Бел исмли ўғли бўлиб, унинг Египт ва Данай исмли икки ўғли бор эди. Нил дарёсининг баракотли сувидан бахраманд бўлган бутун ўлкага Египт ҳоким эди, мамлакатнинг номи унинг номи билан Египет, яъни Миср деб аталган эди. Данай эса Ливиянинг ҳукмдори эди. Худолар Египтга эллик ўгил, Данайга эса гўзалликда тенги йўқ элликта қиз ато этган эдилар. Данай қизлари ўз тароватлари билан Египтнинг ўғилларини ром қилиб қўйишади, шунда йигитлар бу латифа қизларга уйланишни ихтиёр қиладилар, аммо уларнинг таклифи Данай томонидан ҳам, унинг қизлари томонидан ҳам рад этилади. Шунда Египтзодалар катта кўшин тўплаб, Данай салтанатига қарши уруш очадилар. Данай бу урушда ўз жиянларидан мағлубиятга учрайди. У маъбуда Афина-Палладанинг мадади билан дунёда биринчи эллик эшаккли кемани қуради ва шу кемада ўз қизлари билан мудом бетиним ва поёни йўқ умонда узоқ-узоқларга сузиб кетади.

Данайнинг кемаси денгизда узоқ вақт сузади ва охири Родос оролига етади. Шоҳ шу ерда манзил қуради; у қизлари билан соҳилга кадам қўяди, бу ерда у ўз пуштипаноҳи маъбуда Афинага атаб ибодатгоҳ қуриб, беҳисоб хайру садақа ва курбонлик қилади. Лекин Данай Родос оролида узоқ туриб қолмайди. У жиянларининг таъқибидан кўрқиб, қизлари билан янада узоқларга, Юнонистон соҳилига, Ионинг ватани – Арголидага сузиб кетади. Бу хатарли сафар пайтида унинг кемасини Зевс ўз паноҳида асрайдди. Кема ҳадсиз-худудсиз уммонда кўп вақт сузиб, ниҳоят, Арголиданинг саховатли соҳилида лангар ташлайди. Данай ва унинг қизлари Египтнинг манфур ўғилларидан шу ерда паноҳ топишни умид қилган эдилар.

Данай қизлари соҳилга чиқишади. Теварак-атрофда зоғ ҳам кўринмасди. Мана, жуда олисда, уфқда чанг-тўзон кўтарилади. Тўзон тобора яқинлашиб келаверди. Ниҳоят, чанг орасидан қалқонлар, дубулғаю найзалар ярақлаб кўрина бошлайди. Жангаробаларнинг шалдирагани эшитилади. Бу яқинлашиб келаётган Арголида шоҳи Палехтон ўғли Пеласгнинг қўшини эди. Бандаргоҳда бегона кеманинг лангар ташлаганидан дарак топган шоҳ Пеласг соҳилга қўшин тортиб келган эди. Лекин у қирғоқда душманни эмас, қария Данай билан унинг эллик нафар соҳибжамол кизини кўради. Қизлар шоҳни қўлларидан зайтун навдалари билан қарши оладилар ва, бизни паноҳингга ол, деб илтижо қила бошладилар. Кўзлари ғилт-ғилт ёш бу дилбар қизлар қўлларини шоҳ томонга чўзиб, бизни мутақаббир Египтзодалардан жон сақлашимизга ёрдам бер, деб илтижо қиладилар.

– Муножот килувчиларни ўз паноҳида асровчи кодир Зевс ҳаққи, бизни Египтзодалар қўлига топширма! – деб ёлборишади Данай қизлари Пеласгга. – Зеро, сенинг Арголидангда биз бегона эмасмиз – ахир бу ер мокалонимиз Ионинг ватани ҳисобланади-ку.

Шоҳ Пеласг тараддудда: Мисрнинг қудратли шаҳзодалари билан бўладиган уруш уни ваҳимага солади. Нима қилсин? Аммо нажот истаб келганлардан юз ўгириб, Зевс таъсис этган меҳмондўстлик қонунини бузса, чакмоқдорнинг ғазабига учраши ҳам муқаррар эдики, бу ғазаб Египтзодалар ҳужумидан ҳам даҳшатлироқ эди. Ахири Пеласг Данайга шундай маслаҳат беради:

– Яхшиси, ўзинг Аргосга бориб, у ердаги худолар меҳробига зайтун навдасини қўйгин-да, бизни ўз ҳимоятингизга олинглар, деб боқийларга муножот қил.

Пеласгнинг ўзи эса, бутун аҳолини йиғиб, у билан маслаҳатлашишга қарор қилади. У Данай қизларига сўз бериб, Аргос аҳолисини уларга ҳомийлик қилишга даъват этажагини айтади.

Пеласг кетади. Данай қизлари халқ мажлиси қандай қарорга келишини юраклари безиллаб кута бошлайдилар. Улар Египтзодаларнинг нечоғлиқ тийиқсиз, жанг майдонида нақадар даҳшатли эканликларини яхши билишарди; агар мисрликларнинг кемалари Арголида бандаргоҳига келиб тўхтаса, қандай оғир кулфатларга дучор бўлишларига қизларнинг кўзи етарди. Башарти Аргос аҳолиси уларга бошпана ва ёрдам беришдан бош тортгудек бўлса, бу нотавон қизларнинг қўлидан нима ҳам келарди? Ана, фалокат яқинлаб қолди. Соҳилга Египтзодаларнинг муждачиси етиб келди. У куч ишлатиб, Данай қизларини кемага олиб чиқмоқчи. У қизлардан бирининг биллагидан маҳкам ушлайди ва ғулумларга бошқа қизларни ҳам тутишни буюради. Лекин шу пайт яна шоҳ Пеласг пайдо бўлади. У Данай қизларини ўз ҳимоятига олади. Муждачининг, қаршилик кўрсатсанг, Миср шаҳзодалари сенга қарши уруш очишади, деб қилган дағдағасидан Арголида шоҳи кўркмайди.

Лекин Данай билан унинг қизларига ҳомийлик қилган шоҳ Пеласг ҳам, Арголиданинг бутун аҳолиси ҳам ҳалокатга учрайди. Қонли жангда мағлубиятга учраган шоҳ бепоён мамлакатнинг энг шимолий сарҳадига қочади. Тўғри, Данайни Аргосга шоҳ этиб сайлайдилар, лекин Египтзодалар билан сулҳ тузиш учун у ўзининг дилбар қизларини уларга хотинликка бериши шарт эди.

Мана, Данай қизлари билан Египтзодаларнинг никоҳ тўйи зўр даб-даба билан ўтди. Лекин йигитлар бу никоҳ бошларига қандай офат келтиришидан ғофил эдилар. Мана, дабдабали тўй базми ниҳоясига етиб, тумтароқ қўшиқлар ва мусиқа садолари тинади: никоҳ тўйида ёқилган машғалалар ўчади, бутун Аргосни тун пардаси буркаб олади. Маст

уйкуга кетган шаҳар теран сукунат оғушида. Шунда бирдан бу сукунатни жон талвасасидаги аянчли фарёд бузади, ана, яна бир фарёд, яна, яна... Зеро, Данай қизлари бу зулмат қўйнида энг мудҳиш жиноятга қўл урган эдилар. Улар эрларининг пинакка кетишини пойлашган ва Данай берган ханжарлар билан ўз ёстикдошларининг жонига касд қилган эдилар. Египтзодалар шу йўсинда ҳалок бўлишади. Шаҳзодалардан фақат биттаси – ўктам йигит Линкей жон сақлаб қолади. Данайнинг навнихол қизи Ҳипермнестранинг ўз маҳбубига раҳми келиб, унинг кўксига ханжар санчишга қўли бормади. Шу боис, қиз уни уйғотиб, ими-жимиди қасрдан чиқариб юборади.

Қизи Ҳипермнестранинг итоатсизлик қилганини билган Данай каттик ғазабланади. У қизини зилдек оғир кишанлар билан занжирбанд этиб, зиндонга ташлайди. Мана, ўз падарига итоатсизлик қилгани учун Ҳипермнестрани сўроқ қилгани Аргос оқсоқоллари тўпланишади. Данай ўз қизини ўлдиришга аҳд қилади. Лекин шу пайт бу ерга муҳаббат маъбудаси зарнигор Афродитанинг ўзи ташриф буюради. У Ҳипермнестрани химоя қилади ва уни мудҳиш қатлдан қутқариб қолади. Натижада Данайнинг мушфику меҳрибон қизи Линкейнинг умр йўлдоши бўлади. Худолар бу никоҳга раҳнамолик қиладилар ва келин-куёвга беҳисоб қаҳрамон фарзандлар ато этадилар. Ҳаттоки, Юнонистоннинг боқий қаҳрамони Ҳеракл ҳам мана шу Линкей авлодидан дунёга келган эди.

Зевс Данайнинг қолган қизларининг ҳам нобуд бўлишини истамайди. Унинг амри билан Афина ва Ҳермес қотиллик қилган бу қизларни гуноҳларидан поклайдилар. Шоҳ Данай олимпик худоларга бағишлаб мусобақа ўйинлари уюштиради. Бу ўйинларда ғолиб чиққан ҳар бир одам мукофот сифатида Данай қизларидан бирини хотин қилиб олади.

Лекин Данай қизлари барибир ёвуз қилмишлари учун жазодан қочиб қутула олмайдилар. Улар ўлганларидан кейин Аиднинг зулмат салтанатида ўшал бадқирдорликларининг азобини тортмоқдалар. Улар туби йўқ улкан бир хумни сувга тўлдириш билан оворалар. Тиним билмай ер ости дарёсидан сув ташиб келиб, ўша хумга қуядилар. Лекин хум энди тўлай деганда, сув унинг тагидан оқиб кетиб, яна бўм-бўш бўлиб қолади. Қизлар яна ишга киришадилар, яна сув ташиб келиб, туби йўқ хумга қуяверадиладар. Уларнинг мана шу самарасиз иши мудом давом этаверармиш.

ПЕРСЕЙНИНГ ТУҒИЛИШИ

Линкейнинг набираси Аргос шоҳи Акрисийнинг Даная исмли қизи бўлиб, у ўзининг илоҳий гўзаллиги билан оламга доврुक таратган. Аммо коҳинлар Акрисийга ғойибдан хабар бериб, кизинг Даная тукқан ўғил сени ўлдиргай, деб башорат қиладилар. Шунда Акрисий бу машъум қисматдан қутулиш мақсадида ер остида, жуда чуқурликда биринж ва тошлардан улкан кўшк қуради-да, кизини шу кўшкка ҳибс этади.

Лекин чакмоқдор Зевс Данаяни севиб қолган эди, шу боис у қизнинг ер остидаги кўшкига олтин ёмғир бўлиб сингиб кирадию Акрисийнинг кизи билан қовушади. Бу қовушув натижасида Даная ғоят дилбар бир ўғил кўради. Она ўғлига Персей деб от қўяди.

Жажжи Персей онаси билан ер ости кўшкида узоқ вақт қолмайди. Кунларнинг бирида Акрисий кичкина Персейнинг қўнгирокдек овозини, унинг шўх кулгисини эшитиб қолади. Гўдак овозининг қайдан келаётганини аниқлаш учун у кизининг кўшкига тушади. Бу ерда шоҳ нотаниш ўғил болани кўриб, таажжуб қилади. Бу бола кизи Даная билан тангри Зевснинг ўғли эканлигидан хабар топгач эса, қаттиқ чўчиб, юраги орқасига тортиб кетади! Шу заҳоти коҳинлар айтган башоратни эслайди. У қандай қилиб тақдирга чап бериш ҳақида яна ўйлай бошлайди. Ниҳоят, шоҳ ўз одамларига каттакон ёғоч сандиқ ясашни буюради, кейин Даная билан унинг ўғли Персейни шу сандиққа солдириб, уни миҳлаб ташлатади-да, сандиқни денгизга улоктиринглар, деб амр этади.

Сандиқ шўр денгизнинг тўлкинларида чайқалиб, узоқ вақт сузиб юради. Даная билан унинг ўғилчаси хавф остида эди. Тўлкинлар сандиқни гоҳ у, гоҳ бу томонга отар, гоҳ ўрқачлар устида уни осмони фалакка кўтарар, гоҳ денгизнинг теран қаърига улоктирар эди. Ахири бир кун бетиним тўлкинлар сандиқни Сериф² ороли соҳилига ҳайдаб келади. Бу пайт Диктис исмли балиқчи балиқ овлагани денгиз бўйига келган ва эндигина сувга тўр ташлаган эди. Сандиқ Диктиснинг тўрига илинадию балиқчи уни қиргоққа тортиб чиқариб, қопқоғини очади: сандиқ ичида гўзалликда

¹ Ушбу ривоятда иштирок этган шахсларнинг деярли ҳаммаси кейинчалик осмонга олиб чиқиб кетилиб, Персей, Андромеда, Кассиопея (Андромеданинг онаси), Кефей (Андромеданинг отаси) ва Наҳанг (Андромедани емоқчи бўлган кит балиги) буржларига айлантирилганлар. Бу ривоят ниҳоятда кўҳна бўлиб, Микенада яратилган деб тахмин қилинади (Персейни Микена шаҳрининг бунёдкори деб ҳисоблаганлар).

² *Сериф* – Эгей денгизидаги Киклар оролларида бири.

бекиёс бир аёл билан ёқимтой жажжигина ўғил бола ётганини кўради. Диктис бу икки хилқатни ўз оғаси – Сериф шоҳи Полидект хузурига олиб боради.

Персей шу шоҳ Полидект саройида ўсиб улғаяди, кўп азамат, хушқомат йигит бўлади. У орол йигитлари орасида ўз хусни билан мисоли юлдуздек порлаб турарди, куч-қудратда, абжирликда, жасоратда унга ҳеч ким тенг кела олмасди.

ПЕРСЕЙ ГОРГОНА МЕДУЗАНИ ЎЛДИРАДИ

Шоҳ Полидект соҳибжамол Данаяни зўравонлик билан ўзига хотин килиб олмоқчи бўлади, лекин Даная бу бадқахр шоҳдан нафратланарди. Персей онасининг ёнини олади. Бундан Полидектнинг ғазаби қайнайди ва шу дамдан бошлаб фақат бир нарса – қандай килиб Персейни гумдон қилиш тўғрисида ўйлай бошлайди. Ахири бу бешафқат шоҳ Персейни горгона Медузанинг бошини келтиришга юбормоқчи бўлади. У Персейни чакириб бундай дейди:

– Агар чақмоқдор Зевснинг ўғли эканлигининг рост бўлса, буюк бир жасорат кўрсатгайсан. Ҳеч қандай хавф-хатар юрагингни чўчитмаслиги керак. Қани, падаринг чиндан ҳам Зевс эканлигини исботла: менга горгона Медузанинг калласини олиб кел. О, аминманки, Зевс ўз ўғлига мадакдор бўлмай!

Персей шоҳга мағрур тикилганча хотиржамлик билан жавоб қилади:

– Яхши, мен сенга Медузанинг калласини олиб келаман.

Персей узок сафарга жўнайди. У ер юзининг ғарбий сарҳадига, маъбудда Тун билан ўлим илоҳи Танат ҳукмронлик қиладиган мамлакатга бориши керак. Дахшатли горгоналар шу мамлакатда яшар эдилар. Уларнинг аъзoi бадани ялтироқ ва тошдек қаттиқ тангачалар билан қопланган бўлиб, дунёда фақат тангри Ҳермеснинггина шамшири бу тангачаларни чопа оларди. Горгоналарнинг қўллари мисдан, тирноқлари ўткир эди. Уларнинг бошларида соч ўрнида заҳарли илонлар вишиллаб, тинмай тўлганарди. Горгоналарнинг сўйлоқ тишлари ханжардек ўткир, лаблари худди қон ичгандек қип-қизил, ўт чақнаб турган кўзлари шу қадар дарғазаб эдики, уларнинг бадқахр ва кўрқинчли башараларига бир нигоҳ ташлаган ҳар қандай одам дарҳол тошга айланиб қоларди. Горгоналар ялтироқ патли заррин қанотларини қоқиб, ҳавода шамолдек тез учар эдилар. Уларга рўпара келган одамнинг шўри қурирди! Горгоналар илинган одамни мис тирноқлари билан тилка-тилка қилишиб, унинг қайноқ қонини сўришар эди. Хуллас, Персейнинг зиммасига жуда мушкул вазифа юкланган эди. Олимпдаги худолар Зевс ўғлининг ҳалок бўлишига йўл қўя олмасдилар, албатта. Шу боис тангрилар элчиси хаёлдек учқур Ҳермес билан Зевснинг

эрка кизи жангчи маъбуда Афина Персейга ёрдамга келишади. Афина унга мис калкон беради, қалкон шу қадар ялтироқ ва силлиқ эдики, у кўзгуга ўхшаб ҳар қандай нарсани ўзида акс эттирарди; Ҳермес эса, Персейга ўзининг ўткир шамширини беради. Яна у навқирон қаҳрамон йигитга горгонани қандай топиш йўлини кўрсатади.

Персейнинг йўли узоқ эди. У кўп мамлакатлардан ўтади, кўп халқларни кўради. Ниҳоят, у жуда шумшук бир ўлкага етиб боради, бу ерда уч нафар қари кампир – грайялар яшашарди. Учала кампирда атиги бир дона тиш ва битта кўз бор эди. Кампирлар бу тиш билан кўздан навбатма-навбат фойдаланишарди. Кўз битта грайяда бўлганида қолган икки грайя сўқир бўлиб қоларди, шунда кўзи бор грайя икки нотавон, сўқир эгачи-сингилни етаклаб юрарди. Грайя кўз косасидан кўзни олиб эгачисига узатаётганида учала кампир бир зумга сўқир бўлиб қоларди. Бу грайялар горгоналар масканига олиб борадиган йўлни қўриқлашар, зеро, у йўлни фақат шу кампирларгина билишарди. Персей қоронғидан фойдаланиб кампирлар олдига аста оёқ учида юриб боради ва Ҳермеснинг маслаҳатига амал қилиб, ўша мўъжизакор кўзни бир грайя иккинчи грайяга узатаётганида тортиб олади. Кампирлар кўрқиб кетиб чинқириб юборишади. Энди уларнинг учовлари ҳам кўр бўлиб қолишган эди. Бу нотавон сўқир кампирларнинг қўлидан энди нима ҳам келар эди? Улар худонинг зорини қилиб, кўзимизни қайтариб бер, деб Персейга илтижо қила бошлашади. Улар бебаҳо мулклари – кўзни қайтариб олиш учун қаҳрамон йигитнинг ҳар қандай шартига ҳам рози эдилар. Шунда Персей грайялардан горгоналар масканига олиб борадиган йўлни кўрсатишни талаб қилади. Кампирлар анча вақтгача иккиланиб туришади, аммо кўзларини қайтариб олиш учун, ахири, ўша йўлни кўрсатишга мажбур бўладилар. Персей горгоналар оролига борадиган йўлни мана шу тарзда билиб олади ва ўша ёққа жадал равона бўлади.

Персей бир неча вақтдан кейин санамлар юртига етиб боради. Санамлар унга учта совға: ер ости салтанатининг ҳукмдори Аиднинг дубулғасини (уни кийган одам кўринмай қолади), қанотли шиппак (бу шиппак ёрдамида ҳавода шамолдек тез учиш мумкин эди) ва мўъжизали халтача (у ичига солинган нарсанинг ҳажмига қараб тораяр ёки кенгаяр эди) тухфа этишади. Персей оёғига қанотли шиппакни, бошига Аиднинг дубулғасини кияди, мўъжизакор халтани елкасига иладию ҳавога парвоз қилиб, горгоналар ороли томон елдек учиб кетади.

У осмонда, жуда юксакда парвоз қилади. Пастда, жуда чуқурликда замин ястаниб ётар, унинг саҳнида ям-яшил водийлар ва водийларни мисоли кумуш тасмалардек илонизи бўлиб кесиб ўтган дарёлар кўзга ташланар эди. Пастда яна азим шаҳарлар, шаҳарларда эса, оппоқ мрамрлардан қурилган ибодатгоҳлар ярақлаб кўринарди. Олисда кўм-кўк ўрмонзорларга

бурканган тоғлар қад кўтарган, тоғларнинг қор босган чўққилари қуёш шуъласида олмосдек яркирарди. У қудратли қанотлар соҳиби бўлган бургутлардан ҳам юксакка кўтарилган эди. Ана, олисда денгиз худди эритилган олтиндек ялтиллаб кўринди. Энди Персей денгиз узра учиб бораркан, қулоғига долғаларнинг шовуллаши зўрға жилдираб эшитилади. Энди ер мутлақо кўринмасди. Ҳаммаёқ кўз етганча сув эди. Ниҳоят, денгизнинг энг олис бурчида бир оролнинг қора шарпаси кўзга ташланди. Мана, у тобора яқинлашмоқда. Бу горгоналар ороли. Оролда нимадир қуёш нурини ўзида акс эттириб, кўзни қамаштиргудек ярақлайди. Персей бир оз пастлайди. У орол узра худди бургутдек гир айланиб парвоз қиларкан, учта даҳшатли горгонанинг бир қоя устида пинакка кетганини кўради. Улар мис қўлларини ёйиб ухлаб ётишар, баданларини қоплаган тангачалар ва заррин қанотлари қуёшда оловдек товланарди. Уларнинг бошларидаги илонлар уйқусираб, оҳиста ғимирларди. Персей дарҳол юзини горгоналардан тескари ўгириб олди. У бу махлуқларнинг манфур юзига қарашдан кўркади: чунки бир қарашнинг ўзида тошга айланиб қолиши мумкин. Шунда Персей Афина-Палладанинг қалқонини кўлига олади – бу қалқон горгоналарни худди кўзгудек ўзида акс эттиради. Уларнинг қайси бири Медуза бўлдийкин? Ҳамма горгоналар бир-бирига худди қуйиб қўйгандек ўхшашарди. Бу учта горгона ичида фақат Медузагина фоний, фақат шунигина ўлдириш мумкин. Персей ўйланиб қолди. Лекин бу ишда ҳам унга учқур Ҳермес ёрдам берди. У-Персейга Медузани кўрсатди ва қулоғига оҳиста пичирлаб деди:

– Қани, бўлақол, Персей! Кўркмай пастга туш. Хув ана, денгизга яқинроқ ётгани Медуза. Тезда унинг бошини чоп. Эсингда бўлсин, башарасига қарай кўрма. Қарадинг – нобуд бўласан. Горгоналар пинакка кетган, фурсатдан фойдаланиб қол!

Осмонда учиб юрган бургут ерда ўз улушини кўриб пастга қандай шўнғиса, Персей ҳам ғафлатдаги Медуза устига мисоли ўқдай отилиб тушди. У аниқ зарба бериш учун ойдек ялтироқ қалқонига қаради. Медузанинг бошидаги илонлар ёвнинг яқинлигини сезиб қолдилар. Улар даҳшатли вишиллаб ғимирлай бошладилар. Мана, Медуза ҳам уйқусираб бир ижирғаниб қўйди. Ана, у кўзини ҳам хиёлгина очди. Худди шу лаҳзада ўткир шамшир чакмоқдек чарақлади-да, Персей бир зарба билан Медузанинг калласини чўрт узиб ташлади. Махлуқнинг қора қони қоя устига шовуллаб оқа бошлади. Медузанинг жисмидан шу қон билан бирга қанотли от Пегас отилиб чиқиб осмонга парвоз қилди, яна унинг вужудидан паҳлавон Хриасор ҳам отилиб чиқиб келди. Персей дарҳол Медузанинг калласини олиб, мўъжизали халтачага яширади. Унинг жасади эса жон талвасасида тиришиб, қоя бошидан денгизга думалаб тушади. Сувнинг шалоплаганидан Медузанинг эгачилари Стейно билан Эвриала уйғониб кетишади.

Улар маҳобатли қанотларини қоқиб, орол узра парвоз қиладилар, чўғдек ёнган кўзлари билан олазарак бўлиб чор атрофга назар ташлайдилар. Горгоналар қанотларини патиллатиб ҳар томонга учадилар, сингиллари Медузанинг қотилини қидирадилар, лекин у беному нишон ғойиб бўлган эди. На бутун оролда, на олисдаги денгиз сатҳида биронта жонзот кўринарди. Персей эса, Аиднинг кўринмас дубулғасини кийиб олиб, сершовқин денгиз узра шамолдек учиб борар эди. Мана энди у Ливиянинг кумли саҳроси устидан учиб бормоқда. Медузанинг калласидан оққан қон халта тубидан сизиб ўтиб, кум саҳросига чак-чак томарди. Саҳрога томган зилдек оғир бу қон томчиларидан заҳарли илонлар пайдо бўла бошлади. Шунда ҳаммаёқни заҳарли илонлар босиб кетди, оқибатда тирик жон борки, саҳродан бош олиб қоча бошлади; бора-бора бу илонлар Ливияни тақир саҳрога айлантирган эканлар.

ПЕРСЕЙ ВА АТЛАС

Персей жўшқин шамол қувган булут сингари самода парвоз қилиб, горгоналар оролидан тобора олислаб борарди. Ниҳоят, у титан Япетнинг ўғли, Прометейнинг оғаси бузург Атлас ҳокимлик қилаётган мамлакатга етади. Атласнинг сайхон далаларида сурув-сурув майин юнгли кўйлар, минг-минглаб сигирлар ва шохдор буқа подалари ўтлаб юрарди. Унинг юртидаги боғлар ғоятда серҳосил ва сержозиба эди. Бир боғда эса навдалари ҳам, барглари ҳам олтиндан бўлган олма дарахти ўсарди; бу олманинг мевалари ҳам олтиндан эди. Атлас бу дарахтни кечаю кундуз кўз қорачиғидек авайлаб-асрарди: бу дарахт унинг энг улкан бойлиги эди. Маъбуда Фемида: «Бир кун эмас бир кун боғингга Зевснинг ўғли келиб, олтин олмаларингни ўғирлагай», – деб Атласга башорат қилган эди. Атлас шундан хавотирда эди. У олтин олма дарахти ўсган боғни баланд девор билан ўради ва дарвоза олдига олов пурковчи аждарни соқчи қилиб қўйди. Атлас ўз юртига мусофирларни киритмас, чунки шу одамлардан биттаси Зевснинг ўғли бўлиб чиқиши мумкин, деб кўрқарди.

Мана, Персей Атласнинг ҳузурига учиб келиб, унга ширинсуханлик билан мурожаат қилди:

– О, Атлас, мен уйингга меҳмон бўлиб келдим. Кимлигимни сўрасанг – Зевснинг ўғли Персей бўламан; горгона Медузани ўлдириб келяпман. Мен бекиёс жасорат кўрсатдим. Ижозат бер, сенинг уйингда бир оз ҳордиқ чиқарай.

Атлас келган меҳмон Зевснинг ўғли эканлигини билган ҳамоно, маъбуда Фемиданинг башоратини эслади ва Персейга кўрс жавоб қилди:

– Қани, жўнаб қол бу ердан! Ёлғон гапларингга ким ҳам ишонарди; сен чакмоқдорнинг ўғли ҳам эмассан, ҳеч қандай буюк жасоратга ҳам қўл урмагансан.

Атлас қахрамонни остонадан ҳайдамоқчи бўлади. Бу қудратли паҳлавон билан олишишга қурби етмаслигини кўрган Персей ўзи тезроқ бу ердан чиқа бошлайди. Персей ғазабдан тутакиб кетади, чунки Атлас уни меҳмон қилишдан бош товлаган, боз устига «ёлғончи» деб таҳқирлаган эди.

Шунда Персей қаҳри қайнаб, паҳлавонга дейди:

– О, Атлас, мени уйингдан ҳайдаб ажаб қилдинг! Ҳа, яхши, ҳеч бўлмаса, совғамни қабул қилиб ол!

Персей шундай деб, дарҳол халтачадан Медузанинг калласини чиқаради ва ўзи тескари ўгирилиб туриб, уни Атласга кўрсатади. Паҳлавон шу лаҳзадаёқ тоғга айланиб қолади. Унинг соқоли ва сочлари қалин ўрмонзорга, қўллари ва елкалари юксак қояларга, боши эса, осмонни фалакка бориб тиралган тоғ чўққисига айланади. Шундан буён Атлас тоғи¹ осмон гумбазини ва ундаги жамики юлдузларни елкасида кўтариб турар экан.

Персей бўлса, Чўлпон юлдузи балкиган тонг палласида яна олисларга парвоз этипти.

ПЕРСЕЙ АНДРОМЕДАНИ ҚУТҚАРАДИ

Персей узок сафардан кейин Эфиопиядаги шоҳ Кефейнинг салтанатига, Океан соҳилига етиб боради. Бу ерда у шундоққина сув бўйида бир қояга банд этилган гўзал Андромедани кўради. Шоҳ Кефей билан Кассиопейанинг қизи Андромеда ўз жонини фидо қилиб, онасининг гуноҳини ювиши лозим эди. Чунки Кассиопея, гўзалликда ҳеч ким менга тенг кела олмайди, деб мақтаниб, денгиз санамларининг аччиғини келтирган эди. Дарғазаб санамлар денгиз худоси Посейдонга муножот қилишиб, Кефей билан унинг хотини малика Кассиопеяни жазога мустаҳиқ этишни сўрайдилар. Посейдон санамларнинг илтижосига кулоқ солиб, Кефей юртига маҳобатли наҳанг қиёфасидаги мудҳиш бир махлукни юборади. Махлуқ денгиз қаъридан сузиб чиқиб, мамлакатни ғорат қила бошлайди. Кефейнинг салтанати улкан ғамхонага айланади: ҳар ёқдан оху фиғон, йиғи-сиғи эшитилади. Шунда шоҳ Кефей Зевснинг ғойибдан хабар берувчи қоҳини Аммонга тавалло қилиб, бу мусибатдан қандай қутулса бўлади, деб сўрайди. Ғойибдан шундай жавоб келади:

– Денгиз наҳанги нафсини кондириш учун қизинг Андромеданинг бахридан кеч, шунда Посейдоннинг жазосидан фориг бўлгайсен.

Бу жавобдан воқиф бўлган халқ подшоҳдан қизи Андромедани денгиз бўйидаги қояга занжирбанд этишни талаб қилади. Оёқ-қўли кишанланган Андромеда кўркқанидан ранги оппоқ оқариб, қоя тагида зир-зир титраб

¹ Африкадаги Атлас тоғига ишора.

турарди; у денгиз ёққа ғайритавсиф дахшат билан тикиларкан, мана, ҳозир дахшатли махлуқ сув остидан сузиб чиқади-да, вужудимни нимта-нимта қилиб ейди, деб кутар ва кўзларидан дув-дув ёш оқарди. У ҳаётий лаззатлардан бахраманд бўлмай, гул бўлиб очилишга улгурмай жувонмарг бўлишини ўйларкан, вужудини дахшат қамраб оларди. Персей мана шу кизни кўриб қолган эди. Агар ғир-ғир эсаётган денгиз шамоли кизнинг зулфини елпимаганда, унинг оху кўзларидан ёш чак-чак томиб турмаганида, йигит уни оқ мрамардан ясалган ғоят ажиб ҳайкал деб ўйлаган бўларди. Навқирон қахрамон кизнинг хуснига махлиё бўлиб қоладию қалбида Андромедага бўлган муҳаббат туйғуси гуриллаб аланга олади. Персей дарҳол кизнинг қошига тушиб, илтифот билан сўрайди:

– О дилбар киз, менга айт-чи, бу кимнинг мамлакатию ўзининг исминг нима? Айт, нечун сени қояга занжирбанд этганлар?

Андромеда бу қахрамоннинг кўнглига, шўрлик киз ўз гуноҳидан покла ниш учун қояга банд этилибди-да, деган қингир фикр келишини истамайди, шу боис у кимнинг гуноҳи учун бундай азобга мубтало бўлганлигини баён қилади. Андромеда ҳикоясини тугатиб улгурмасдан денгизда қуюн кўтарилиб, маҳобатли тўлқинлар орасида баҳайбат денгиз махлуқи кўринади. У бошини баланд кўтариб ўрадек оғзини катта очади. Кўрқиб кетган Андромеда жон ҳолатда чинқириб юборади. Бошларига тушган оғир андуҳдан телба бўлаёзган Кефей билан Кассиопея қизларининг фарёдини эшитиб соҳилга югуриб келишади. Улар Андромедани бағирларига босиб, аччиқ-аччиқ кўзёш тўкадилар. Шўрлик кизни қутқариб қолишнинг иложи йўқ!

Шунда Персей гап бошлайди:

– Ҳали истаганингизча кўзёш тўкишингиз мумкин, ҳолбуки, қизингизни халос этиш учун вақт ниҳоятда зиқ. Мен – Зевс ўғли Персей бўламан; бошини илонлар чулғаган горгона Медузани ўлдириб келяпман. Қизингиз Андромедани менга хотин қилиб берсангиз, уни ўлимдан қутқараман.

Кефей билан Кассиопея бу таклифга жон-жон деб рози бўлишади. Шоҳ билан малика қизларини ўлимдан асраб қолиш учун ҳар қандай шартга ҳам тайёр эдилар. Кефей Персейга қизининг сепи сифатида бутун салтанатини бермоқчи бўлади, ишқилиб Андромедани мудҳиш махлуқ чангалидан қутқариб қолса бўлгани. Мана, махлуқ соҳилга яқинлашиб қолди. У бақувват ёш эшкакчиларнинг эшкаклари зарбидан ўқдек учиб келаётган улкан кема янглиғ кенг кўкраги билан тўлқинларни тилиб келарди. Махлуқ билан соҳил ўртасида бир камон ўқи учгучалик масофа қолганида, Персей осмонга парвоз қилади. Унинг сояси денгиз сатҳига тушади, шунда махлуқ жон-жаҳди билан қахрамоннинг соясига ҳамла қилади. Персей пайт пойлаб туриб осмондан тикка шўнғийди ва эгри

шамширини бандигача махлуқнинг гарданига ботиради. Махлуқ огир жароҳатнинг аламига чидай олмай, тўлқинлар узра баландга сапчийди; у худди бир гала този итлар куршовида қолган тўнғиз сингари, жон аччиғида ўзини ҳар томонга отар, дам сувнинг теран қаърига шўнғиб, дам яна сув бетига сузиб чиқарди. У баҳайбат думини алам билан сувга уриб шاپиллатаркан, сув минг-минглаб зарраларга бўлиниб, соҳилдаги қояларнинг чўққисигача сачрарди. Денгиз сатҳини кўпик қоплади. Махлуқ оғзини катта очганича Персейга ташланди, лекин қаҳрамон йигит ўзининг қанотли шиппақларида мисоли оқчарлоқдек шув этиб кўкка кўтарилди. У наҳангга устма-уст зарба бера бошлади. Бу аснода Персейнинг оёғидаги шиппақнинг қанотлари намиқиб, қаҳрамоннинг ҳавода учиши қийинлашди. Данаянинг иқтидорли ўғлони аҳволи мушкуллашадиганини сезиб, денгиздан чиқиб турган бир қояга учиб борди ва чап кўли билан қояни қучоқлаганча, ўнг кўлидаги шамширини махлуқнинг кенг кўкрагига кетма-кет уч марта санчди. Мана, машъум жанг тугади. Соҳилдан шодиёна қийқириқлар эшитилди. Қодир қаҳрамонга эл ҳамду сано айтди. Соҳибжамол Андромеда кишандан озод қилинди. Музаффариятдан боши осмонга етган Персей ўз қаллиғининг кўлидан тутиб, отаси шоҳ Кефейнинг саройи сари етаклади.

ПЕРСЕЙНИНГ НИКОҲ ТЎЙИ

Персей Зевсга, Афина-Палладага ва Ҳермесга атаб бисёр инъом-эхсонлар қилди. Шундан кейин шоҳ Кефей саройида дабдабали тўй-томоша бошланиб кетди. Ҳименей билан Эрот ўз муаттар машъалаларини ёқдилар. Бутун сарой анвои гуллар билан безатилди. Кифара ва лиралар садоси, жўровоз бўлиб айтилган никоҳ кўшиқлари баралла янгради. Сарой дарвозаси ланг очиб қўйилган. Зиёфатгоҳ олтиндек товланарди. Шоҳ ила малика хонанинг тўрида келин-куёв билан ёнма-ён ўтирипти. Ҳаммаёқда шодиёна, қувноқ ханда. Зиёфат чоғида Персей ўз жасоратлари ҳақида ҳикоя қилмоқда. Шу пайт бирдан зиёфатгоҳда ўтирганларга яроқ-аслаҳаларнинг мудҳиш овози эшитилади. Саройда ваҳшатли жанговар наъра янгради, бу наъра бўрон кўтарилган пайтда ўркач-ўркач бўлиб келиб, соҳилдаги юксак қояга урилган денгиз тўлқини овозини эслатарди. Маълум бўлишича, Андромеданинг биринчи қаллиғи Финей катта қўшин билан келган экан.

Финей саройга кириб келиб, кўлида найзасини силкитганча баралла овоз билан ҳайқиради:

– Кунинг битди, хотин ўғриси! Энди қанотли шиппақларинг ҳам, хаттоки, чақмоқдор Зевснинг ўзи ҳам сени ўлимдан қутқариб қола олмайди!

Финей шундай деб туриб, Персейга энди найза отмоқчи бўлганида, шох Кефей уни тўхтатади:

– Ҳой, нима қиялпсан? – дейди у. – Нима бало, эсингни еб қўйганмисан? Ҳали сен Персейнинг жасоратини шу йўсинда қадрламоқчимисан? Шуми сенинг никоҳ тўйига олиб келган армуғонинг? Персей сенинг каллигингни ўғирлабдими? Йўқ, сен Андромедани занжирбанд этгани соҳилга олиб боришаётганда, қизим ўлимга кетаётганда каллигингни бой бериб қўйган эдинг. Хўш, нега ўшанда Андромедага ёрдам бермадинг, уни фалокатдан халос этмадинг? Энди ғолиб чиққан йигитнинг муздини тортиб олмоқчимисан? Диёнат борми ўзи сенда? Нега Андромеда қояга банд этилган чоғда унинг қошига ўзинг бормадинг, нечун уни денгиз махлуки чангалидан ўзинг тортиб олмадинг?

Финей бунга жавобан ҳеч нима демади, у дам Кефейга, дам Зевснинг ўктам ўғлонига ғазабли нигоҳ ташларкан, бирдан бутун кучини йиғиб, Персейга найза отди. Найза паррон этиб келиб, Персейнинг чорпоясига¹ санчилди. Навқирон қаҳрамон қудратли қўли билан найзани суғуриб олиб, дик этиб ўрнидан турди ва қулочкашлаб туриб найзани ғанимига отди. Агар Финей ўзини меҳроб панасига олмаганида маҳв бўлиши аниқ эди: найза қаҳрамон Ретнинг бошига бориб тегди. Рет тил тортмай жон берди. Мудҳиш уруш қизиб кетди. Шунда жангчи маъбуда Афина ўз иниси Персейга мадад бергани Олимпдан тез учиб тушди. У Персейни ўз қалқони – эгида панасига олиб, унга жўшқин жасорат уфурди. Персей ҳам шиддат билан жангга кирди. Маҳвор шамшир унинг қўлида худди чакмоқдек ярақларди, Персей Медузани шу шамшир билан ўлдирган эди. Ботир йигит Финей бошлаб келган қаҳрамонларни бирин-кетин ер тишлата бошлади. Персейнинг атрофи қонга ботган жасадларга тўлиб кетди. Мана, Персей меҳмонлар учун май омихта қилинадиган каттакон биринж жомни икки қўли билан кўтариб, қаҳрамон Эвритойнинг бошига отди. Эвритой бу зарбадан тил тортмай ўлдию руҳи шу заҳоти арвоҳлар салтанатига рихлат этди. Азамат йигитлар бирма-бир маҳв бўлавердилар, аммо Финей бошлаб келган йигитларнинг кети узилмасди. Ва лекин Кефей салтанатида мусофир бўлган Персейнинг тарафини олувчи ёру дўстлари жуда кам эди, шу боис, қаҳрамонимиз беадад душманларга қарши деярли ёлғиз ўзи жанг қилишга мажбур бўлди. Бу бешафқат олишувда Персейнинг анчамунча сафдошини маҳв этдилар. Олтин торли кифарани чалиб, ўзининг ёқимли қўшиқлари билан зиёфат аҳлини хушнуд этаётган хушовоз хонанданинг ҳам жони узилди. У ерга йиқиларкан, қўли кифарасининг торларига тегиб кетди, шунда торлардан худди жон қазо қилаётган одамнинг инграшига ўхшаш ҳазин овоз чиқди, аммо шамширларнинг шарақ-шуруқию

¹ Қадимги Юнонистонда одамлар хонтахта атрофида ёнбошлаб ётиб тановул қилишган.

ўлаётганларнинг фарёди тор нидосини босиб кетди. Камонлардан отилган ўқлар дўл мисоли ёғиларди.

Персей устунга орқасини тираб, Афина ҳады қилган обдор қалқон билан ўзини мудофаа қилганча, ғанимлар билан тўхтовсиз олишар эди. Улар эса қахрамон йигитни ҳаммаёқдан куршаб олишган, жанг тобора шиддатлироқ тус ола бошлаган эди. Шунда Данаянинг қодир ўғли ўзининг ҳалокат ёқасида турганини кўриб, баралла овоз билан ҳайқирди:

– Ўзим маҳв этган душман менга мададкор бўлсин! Мени ундан паноҳ излашимга сизлар мажбур қиляпсиз – ўзларингиздан кўринг! Қани, кимки менга дўст бўлса, тезроқ юзини тескари ўгирсин!

Персей мўъжизали халтадан горгона Медузанинг калласини шартта чиқарди-да, уни боши узра баланд кўтарди. Шунда Персейга хужум қилаётган азаматлар бирин-кетин ҳайкалга айланавердилар. Баъзилар шамшир ўқталганча, бошқа бировлар ўткир найзани отишга чоғланганча, яна бир хиллар ўзларини қалқон панасига олганча тош қотдилар. Улар Медузанинг калласига бир қиё боқишнинг ўзида мраммар ҳайкалларга айланган эдилар. Бутун зиёратгоҳ ҳайкаллар омборига айланди.

Барча ёру биродарлари тошга айланганини кўрган Финейнинг вужудини титроқ босди. У Персейнинг пойига тиз чўкиб, қўлларини қахрамон йигит томон чўзганча тавалло қила бошлади:

– Персей, сен енгдинг! Ёлбораман, тезроқ яшир бу Медузанинг даҳшатли калласини... кўздан яшир уни! Зевснинг бузург ўғлони, менинг ҳамма мол-дунёمنى ол, ҳамма мулкимга соҳиблик қил, фақат жонимни омон қолдирсанг бўлгани!

Персей унга истехзо билан шундай жавоб қилди:

– Кўркма, бадбахт! Шамширим сени маҳв этмайди. Сенга мен антиқа бир тухфа бераман! Сен абадулабад шу ерда, шоҳ Кефей қасрида тургай-сен, токи менинг завжам ҳар куни ўзининг биринчи қаллиғи тимсолини кўриб, кўзи қувониб юрсин.

Персей шундай деб туриб Медузанинг калласини Финей томон чўзади. Финей бу мудҳиш каллага қарамасликка қанча уринмасин, барибир кўз қири билан бир марта қиё боқади, боқадию шу заҳоти мраммар ҳайкалга айланади-қолади. Шундан бери ҳайкалга айланган Финей худди кулдек икки букилиб турармиш. Бу ҳайкалнинг кўзларида қўрқув ва мутеларча илтижо ифодаси мангу сақланиб қолганмиш.

ПЕРСЕЙ СЕРИФГА ҚАЙТАДИ

Персей Кефей юртида узоқ турмади. У соҳибжамол завжаси Андромеда билан Сериф мамлакатига, шоҳ Полидект ҳузурига қайтди. Келиб кўрса, онаси Даная қаттиқ изтиробда яшаётган экан. Шўрлик аёл Поли-

дект таъқибидан қочиб, Зевс маъбадидан паноҳ топган ва у ердан бир кадам жилмай камалиб ўтирган экан. Бу аҳволдан ғазаби аланга олган Персей тўғри шоҳ Полидект саройига боради ва унинг ёр-биродарлари билан ишрат қилиб ўтиргани устидан чиқади. Полидект Персейни қайтиб келади деб ўйламаган эди; Сериф шоҳи бу йигитнинг горгоналар билан олишувда аллақачон ҳалок бўлган деб ҳисоблар, шунинг учун у Персейни ўз саройида соғ-саломат ҳолда кўриб ханг-манг бўлиб қолади, йигит эса, шоҳга бамайлихотирлик билан шундай дейди:

– Буйруғинг бажарилди, мен сенга Медузанинг калласини олиб келдим.

Полидект Персейнинг бундай улкан жасорат кўрсатганига ишонмайди. У қаҳрамон йигитни мазах қилади ва «ёлғончи» деб таҳқирлайди. Шоҳнинг ҳамтовоқлари ҳам унга жўр бўлиб йигитни майна қила бошлайдилар. Персейнинг қаҳри қайнаб кетади, бундай ҳақоратни у асло кечира олмасди. У дарғазаб кўзларидан ўт сочиб, халтадан Медузанинг калласини чиқараркан, дейди:

– Сен, Полидект, гапимга ишонмадинг, ундай бўлса, мана кўр ҳақлигимнинг исботини!

Полидект горгонанинг калласига ялт этиб қарайди ва шу ондаёқ тошга айланади. Шоҳ билан маишат қилиб ўтирган унинг ёронлари ҳам бу фалокатдан қочиб қутула олмаган эканлар.

ПЕРСЕЙ АРГОСДА

Персей Полидектнинг иниси Диктисни Сериф мамлакатига ҳоким этиб тайинлайди (эсингизда бўлса, бир вақтлар шу Диктис Персей билан унинг онаси солинган сандикни денгиздан тортиб олиб, уларни ўлимдан сақлаб қолган эди), сўнг онаси Даная билан хотини Андромедани олиб, Аргосга равона бўлади. Персейнинг бобоси Акрисий набираси келаётганидан хабар топиб, бир вақтлар ғойибдан келган башоратни эслайди ва узоқ шимолга, Ларисса вилоятига қочади. Персей эса ўз ватани Аргосда ҳукмронлик қила бошлайди. Персей Аидга унинг дубулғасини, санамларга қанотли шиппак билан мўъжизали халтани қайтариб беради. Ҳермеснинг ўткир шамширини ҳам ўзига қайтаради. Медузанинг калласини бўлса, Афина-Палладага беради, маъбуда уни ўз кўксига, ялтироқ совути устига ёпиштириб кўяди. Персей Аргосда саодатли шоҳ бўлиб ҳукм суради.

Лекин унинг бобоси Акрисий пешонасига ёзилган қисматдан қочиб қутула олмайди. Кунларнинг бирида Персей шаҳарда ғоят дабдабали мусобақа ўйинлари уюштиради. Бу мусобақага чор тарафдан жуда кўп азамат йигитлар келишади. Томошабинлар орасида мўйсафид Акрисий ҳам бор эди. Зил лаппак отиш мусобақаси пайтида Персей бақувват қўлига

биринждан ясалган лаппакни олиб, қулочкашлаб туриб отади. Лаппак париллаганча осмони фалакка учади ва ерга тушаётганида тўғри келиб Ак-рисиининг бошига тегадию шу заҳоти чолнинг жони узилади. Ғойибдан хабар берган қохиннинг башорати шу зайл рўёбга чиққан экан.

Персей бехосдан бобосининг қотилига айланганидан қаттиқ гамга ботиб, уни дафн этади. Шундан сўнг у Аргосда, яъни ўзи қотиллик қилган салтанатда подшо бўлишдан воз кечади; у Тиринфга жўнаб кетиб, узоқ йиллар ўша шаҳарда шохлик қилади. Аргос тахтини бўлса ўз қариндоши Мегалентга топширган экан.



*Ҳомернинг «Цлиада» ва Овидийнинг «Ҳаҳрамон аёллар»
дostonлари бўйича баён қилинади*

Сизиф барча шамоллар султони тангри Эолнинг ўғли бўлиб, у қадим замонларда Эфира деб юритилган Коринф шаҳрини қурган эди.

Бутун Юнонистонда биронта ҳам одам маккорлик, айёрлик ва зийракликда Сизифга тенг кела олмасди. У мана шу айёрлиги туфайли Коринфда бемисл бойлик тўплайди; унинг беназир хазинаси ҳақидаги овоза узоқ-узоқларга кетади.

Мана, вақт-соати етиб, унинг қошига ўлим худоси бадқовоқ Танат келади: у Сизифни Аиднинг ғамгин салтанатига олиб кетиши керак. Лекин Сизиф ўлим худоси яқинлашиб келаётганини сал олдинроқ сезиб қолади ва Танатни ғаддорлик билан лақиллатиб, кишанбанд қилади. Шундан бошлаб ер юзида одамлар ўлмай қўяди. Энди ҳеч ерда дабдабали мотам маросимлари қилинмайди, жанозалар ўқилмайди, ер ости салтанати худоларига атаб ҳеч ким қурбонлик, эҳсон қилмай қўяди. Ер юзида Зевс жорий қилган тартиб бузилади. Шунда чакмоқдор Зевс Сизифнинг олдига иктидорли уруш худоси Аресни юборади. Арес Танатни кишандан озод қилади, Танат эса Сизифнинг жонини олиб, уни руҳлар салтанатига олиб бориб қўяди.

Лекин Сизиф бу сафар ҳам худоларни алдайди. У хотинига: «Ўлганимда жасадимни дафн ҳам этма, ер ости худоларига бағишлаб хайр-худойи ҳам қилма», – деб тайинлаган эди. Хотин эрининг айтганини қилади. Аид билан унинг хотини Персефона Сизифнинг дафнидан сўнг қилинадиган қурбонликни узоқ вақт кутадилар. Лекин ундан ҳамон дарак йўқ! Ниҳоят, Аиднинг тахти пойига Сизиф келиб шундай дейди:

– О, марҳумлар руҳининг султони, иктидорда Зевсмонанд бузург Аид, ёруғ дунёга бориб келишимга ижозат бер. Бораману сенга атаб беназир қурбонликлар қилишни хотинимга тайинлаб айтиб, яна дарров бу руҳлар салтанатига қайтаман.

Аид Сизифнинг гапига ишонади ва унинг ер юзига чиқишига рухсат беради. Лекин Сизиф Аид салтанатига қайтиб бормади. У ўзининг мухташам қасрида қолиб, фоний бандалар ичида ёлғиз мен руҳларнинг зимистон салтанатидан қайтиб чиқишга муваффақ бўлдим, деб мактанади ва тараллабедод маишатга берилади.

Бундан воқиф бўлган Аид қаттиқ ғазабланади ва Сизифнинг жонини олгани яна Танатни юборади. Танат бандалар ичида энг муғамбири бўлган Сизифнинг саройига борса, у шоҳона зиёфатда ишрат қилиб ўтирипти. Ўлим худоси Сизифнинг худоларга ҳам, бандаларга ҳам манфур бўлган жонини суғуриб олади, шунда унинг руҳи жисмини абадулабад тарк этиб, арвоҳлар салтанатига рихлат қилади.

Шундан буён Сизиф ер юзида қилган барча маккорлик, ғаддорликлари учун у дунёда қаттиқ азоб чека бошлайди. Сизиф баланд тоғнинг тикка ёнбағридан каттакон харсангтошни думалатиб тоғ чўққисига олиб чиқишга маҳкум этилади. У бутун кучини ишга солиб, жон-жаҳди билан меҳнат қилади, кучаниб, чираниб, қора терга ботганча тошни тепага думалатади. Лекин чўққига етай деб қолганида, яна бир ҳамла қилсам машаққатли меҳнатдан қутуламан, деб умид қилганида, тош чанг-тўзон кўтариб, гумбурлаганча пастга думалаб тушиб кетадию Сизиф бошқатдан ишга киришиб, яна тошни тоғ бошига думалатиб чиқа бошлайди.

Сизиф шу зайлда тоабат тош думалатиш билан машғулмиш ва ҳеч қачон кўзлаган манзилга – тоғ чўққисига чиқиб ололмасмиш.



БЕЛЛЕРОФОНТ



Ҳомернинг «Илиада» достони ва Тиндарнинг шеърлари бўйича баён қилинади

Сизифнинг ўғли қаҳрамон Главк бўлиб, у отасининг ўлимидан сўнг Коринфда ҳокимлик қилади. Главкнинг Беллерофонт исмли ўғли Юнонистоннинг энг буюк паҳлавонларидан бири ҳисобланар эди. Беллерофонт ўктамликда тангримонанд, жасоратда боқий худолардан қолишмасди. Беллерофонт навқирон йигитлик пайтида бошига оғир кулфат тушади: у Коринфнинг бир фуқаросини беҳос ўлдириб қўяди ва ўз туғилиб ўсган шаҳридан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлади. У Тиринф шоҳи Пройтнинг ҳузурига қочади. Шоҳ Пройт бу ботирни иззат-икром билан қарши олади ва қотиллик гуноҳидан поклайди. Лекин Беллерофонтга Тиринфда узоқ яшаш насиб этмайди. Шоҳ Пройтнинг гўзалликда маъбудасифат хотини Антейя йигитга ошику шайдо бўлиб қолади. Аммо Беллерофонт маликанинг изҳори ишқини рад этади. Шунда Беллерофонтдан

каттик нафратланган Антейя уни нобуд қилмоқчи бўлади. У эри Пройт хузурига бориб шундай дейди:

– Аё шоҳ! Беллерофонт сени таҳқирлашга жазм қилди. Сен уни ўлдиришинг керак. У менга, яъни сенинг ёстиқдошингга муҳаббат изҳор этиб, ҳеч тинчлик бермаяпти. Мана сенинг меҳмоннавозлигинг эвазига қилган унинг «шукрона»си!

Пройтнинг ғазаби қайнайди; у ўз меҳмонига қўл кўтаришга журъат эта олмайди, зеро, меҳмоннавозлик ҳомийси бўлмиш Зевснинг қаҳрига учрашдан кўркади. Пройт Беллерофонтни қандай маҳв этиш ҳақида қўп бош қотиради ва, ниҳоят, уни ўз қайин отаси, Ликия шоҳи Иобат хузурига мактуб билан жўнатишга қарор қилади. Икки тавақали букма тахтакачга ёзилиб, муҳрланган бу мактубда Пройт қайин отасига, Беллерофонт мени қаттик таҳқирлади, бу қилмиши учун қасдимни ол, деб ёзган эди. Беллерофонт ўзининг қандай хавф остида эканлигини тасаввур ҳам қилмай, мактубни оладию шоҳ Иобат хузурига равона бўлади.

Беллерофонт узоқ вақт йўл юриб, ахири Ликияга етиб боради. Шоҳ Иобат навқирон ботирни кучоқ очиб кутиб олади ва тўққиз кун сурункасига дастурхон ёзиб зиёфат қилади. Ниҳоят, ўнинчи кун келганда шоҳ меҳмондан бу ташриф сабабини сўрайди. Шунда Беллерофонт хотиржамлик билан Пройт бериб юборган мактубни мезбонга узатади. Қайин ота муҳрланган тахтакач мактубни очади ва уни ўқиб ҳайратга келади. Шоҳ шу ўтган тўққиз кун мобайнида дидига ўтириб қолган бу навқирон азамат йигитни ўлдириши керак эди. Аммо Иобат ҳам, куёви Пройтга ўхшаб, муқаддас меҳмондўстлик таомилини бузишга журъат эта олмайди. У Беллерофонтни маҳв қилиш учун унга оқибати ўлим билан тугаши муқаррар бўлган вазифа юклайди. У Беллерофонтга офаткаш махлуқ Химерани ўлдириб келишни буюради. Химера даҳшатли Тифон билан баҳайбат илон Ехиднадан туғилган бўлиб, боши шерга, бели – тоғ эчкисига, орқа томондан аждарга ўхшарди. У ўзининг учта оғзидан олов пурқарди. Бу мудҳиш Химерадан ҳеч бир жонзот қочиб қутула олмасди. Унга яқин борган албатта ўлар эди.

Бу топширик нечоғлиқ хатарли бўлмасин, Беллерофонт бўйин товламайди – иктидорли қаҳрамон топширикни бажаришга дадил киришади. Гап шундаки, Персей горгона Медузани ўлдирганида, унинг жасаидан қанотли от – Пегас учиб чиқиб кетган эди; Химерани маҳв этиш учун эса ўша Пегасни жиловлаб мина олиш шарт эдики, буни Беллерофонт яхши билар эди, шунингдек, у ғаройиб тулпорни қаердан қидиришни ҳам биларди. Пегас кўпинча Олимпдан учиб, Акрокоринф тоғининг чўққисига бориб тушар ва ўша ердаги Пирена булоғидан сув ичиб чанқоғини қондирарди. Беллерофонт шу тоққа йўл олади. У тоғ бошига етиб борганида, Пегас булутлар тўшини ёриб, эндигина осмондан учиб тушган ва муздек шаффоф булоқ сувини ичиб чанқоғини босаётган эди. Йигит Пегасни тутмоқчи

бўлиб, кечаю кундуз уни таъкиб қилади, лекин барча уринишлари, найранглари зое кетади. Пегас Беллерофонтга ҳеч тутқич бермайди. Навқирон ботир қанотли отга яқин бориши билан, от бақувват қанотларини қоқиб, осмони фалакка, булутлардан юқорига мисоли бургут парвоз қилар эди. Ахири Беллерофонт қошифкаромат Полииднинг маслаҳати билан Афина-Палладанинг Пирена чашмаси бўйидаги қурбонгоҳи яқинига ётиб ухлайди; йигит Пегасни биринчи марта шу ерда кўрган эди. Беллерофонт, шояд тушимда худолардан ваҳий келса, деб умид қилади. Дарҳақиқат, унинг тушига Афина киради, бу маъбуда унга Пегасни қандай тутишни ўргатади, кўлига олтин юган тутқазиб, денгиз худоси Посейдон ҳаққига қурбонлик қилишни буюради. Мана, Беллерофонт уйқудан кўзини очади. Ёнида ётган олтин юганни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолади. Шунда у астойдил ихлос билан ибодат қилиб маъбудага шукроналар айтади.

Орадан кўп вақт ўтмай, Пирена чашмаси олдига қанотлари қордек оппоқ ажиб от учиб келиб қўнади. Шу заҳоти қаҳрамонимиз дадил ҳаракат қилиб, Пегасга миниб оладию олтин юганни унинг бошига кийдиради. Асов Пегас узоқ вақтгача ботир йигитни осмонда худди шамолдек учириб юради, лекин, барибир, ахири ювош тортади ва шу пайтдан бошлаб Беллерофонтга садоқат билан хизмат қила бошлайди.

Шундан кейин қаҳрамонимиз Пегасга миниб, мудҳиш махлуқ Химера маскан қурган Ликия тоғи томон жадал парвоз қилади. Даҳшатли ва қудратли Химера душман яқинлашиб келаётганини сезиб, қоронғи ғордан ўрмалаб чиқади. Унинг учта оғзидан бирваракайига маҳвор олов гуриллаб отилади, ҳаммаёқни коп-қора тутун бурқаб олади. Пегас ўз суворийси Беллерофонт билан юксакка парвоз қилади, шунда ботир йигит осмондан туриб Химерага устма-уст ўқ ёғдира бошлайди. Химера жон аччиғида ўзини қояларга уради, тоғма-тоғ кезиб, харсанглари ағдаради. Унинг оғизларидан отилган олов бутун борлиқни қийрата бошлайди.

Беллерофонт тулпордан тушмай, ҳамма ерда Химерани таъкиб қилади. У қаҳрамоннинг беҳато отилган ўқларидан ерга қочиб, ҳеч беркина олмайди. Ахири Беллерофонт бу даҳшатли махлуқнинг жонини олади ва шоҳ Иобат ҳузурига зафар билан қайтади.

Лекин Иобат унга яна бошқа иш топширади. У қаҳрамонни жангари солим қабиласига қарши йўллайди. Солимлар билан бўлган бу жангда анча-мунча қаҳрамон жон фидо қилади, аммо, барибир, Беллерофонт ғолиб чиқади. Бунга ҳам шоҳ Иобат қониқмайди: сабаби, шоҳ бу қаҳрамонни ўлдириши керак эди-да. Шунинг учун, энди у паҳлавон Беллерофонтни маглубият нималигини билмайдиган амазон аёлларга қарши юборади. Беллерофонт бу муҳорабадан ҳам ғолиб бўлиб қайтади. Шунда Иобат, ғалаба билан қайтаётган Беллерофонтни ғафлатда қолдириб, гумдон қилиш ниётида, унинг йўлига Ликиянинг энг полвон йигитларидан анча-мунчаси-

ни пистирмага кўяди. Ликиялик йигитлар қахрамоннинг йўлини тўсиб чиқишади, лекин бу ерда ҳам улар мусофир йигитни ўлдира олмайдилар. Билъакс, бу паҳлавонларнинг ўзлари Беллерофонт зарбасидан ҳалок бўлишади. Шунда Иобат ўз меҳмонининг қандай беназир қувва соҳиби эканлигини тушунади ва пешвоз чиқиб, бу шавкатли паҳлавонни беҳад зўр иззат-эҳтиром билан қарши олади. Шоҳ Иобат Беллерофонтга ўз қизини бериб, куёв қилади ва қизининг сепи сифатида унга ярим давлатини инъом этади. Ликия фуқароси эса куёвга энг ҳосилдор ерларни тортиқ қилади.

Шундан кейин Беллерофонт Ликияда қолиб, иззат-ҳурматда яшайди. Лекин унинг умри бадбахтлик билан тугайди. Бу бузург қахрамоннинг кўзини мой босиб, у шунчалик кеккайиб кетадики, бора-бора ўзини олимп-лик худоларга тенглаштирмоқчи бўлади. Беллерофонт ўз тулпори Пегасда мунаввар Олимпга, боқий худолар хузурига учиб чиқишни кўзлайди. Мана шу такаббурлиги учун Зевс уни жазога мустаҳиқ этади. Чакмоқдор худонинг хоҳиши билан қанотли Пегас қаттиқ қутуради. Оқибат, Беллерофонт Олимпга парвоз қилиш ниятида тулпорга минганида от ўйноқлаб, уни устидан йиқитиб юборади. Иқтидорли қахрамон заминга йиқилади ва шу зарб натижасида жинни бўлиб қолади. У узоқ вақт телбаликда дунё кезади, ахири бадковок ўлим худоси Танат қора қанотларини қоқиб келиб, унинг жонини олади. Шундай қилиб, буюк қахрамон Беллерофонт арвоҳларнинг зулмат салтанатига рихлат этган экан.

ТАНТАЛ

Ҳолмернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Лидия мамлакатадаги Сипил тоғи этагида бадавлат бир шаҳар бўлиб, у ҳам Сипил деб аталарди. Бу шаҳарга худолар арзандаси, Зевсзода Тантал ҳукмдор эди. Худолар унга ҳамма нарсани мўл-кўл ато этган эдилар. Ер юзида шоҳ Танталдек бадавлат, саодатманд одам йўқ эди. Сипил тоғидаги конлардан у туман-туман олтин казиб оларди. Ҳосилдор экинзорлари, ғаройиб мевалар унадиган боғ-роғлари, ширин-шакар узумлари беназир бўлган тоқзорлари дунёда бекиёс эди. Танталнинг ўтлоқларида минг-минглаб ипак юнгли кўйлар, шохдор буқалар, говмиш сигирлар ва шамол-

¹ Тантал олимп-лик худоларнинг қанчалик қодирлигини синамоқ учун энг разил ва энг бемаъни шафқатсизликка кўл уради – ўғли Пелопсни ўлдириб, унинг гўшти билан худоларни меҳмон қилмоқчи бўлади. Чамаси, бу ривоят жуда қадимги юнонларда расм бўлган худо йўлига одам жонини қурбон қилиш одатининг таъсирида вужудга келган. Танталнинг ўғли Пелопс ва набиралари Атрей билан Фиест жинояткорликда ўз аждодларидан ўзиб кетадилар ва улар ҳам худди Тантал сингари худоларнинг тавки лаънатига мубтало бўладилар.

дек учкур йилки уюрлари ўтлаб юарди. Шоҳ Танталнинг ҳеч нимадан камчилиги йўқ эди. У жуда узоқ вақт, ҳаттоки, нуруний қария бўлганида ҳам саодатда, фароғатда умр кечириши мумкин эди, бироқ унинг ҳаддан зиёд такаббурилиги ва қилган жиноятлари ўз бошига етди.

Худолар бу эрка бандани ўзлари билан тенг кўрадилар. Олимп аҳли – боқийлар Танталнинг олтиндан қурилган мунаввар қасрига тез-тез меҳмон бўлиб келиб туришар ва у билан бирга вақтичоғлик қилишарди. Тантал худоларнинг таклифи билан, ҳатто, фоний банданинг қадами етмаган Олимпда ҳам бир неча марта бўлган эди. У ерда Тантал худолар кенгашида иштирок этган, ўз падари бузруквори чакмоқдор Зевснинг қасрида шу худолар билан бирга зиёфатда бўлган эди. Лекин Тантал бора-бора мағрурланиб кетади. У ўзини, ҳатто, булутқувар Зевсга тенглаштира бошлайди. Тантал кўпинча Олимпдан қайтаётиб, худолар таоми – амброзия ҳамда нектардан олиб тушар ва ёр-дўстлари билан базм қурган чоғида уларни шу таомлар билан меҳмон қиларди. У, ҳатто, мунаввар Олимпда худолар жамоаси томонидан дунё тақдири ҳақида қабул қилинган қарорларни ҳам ерга олиб тушиб, одамлар орасида ёярди; Тантал ўз падари Зевсдан эшитган сирларни-да элга фош этарди. Кунларнинг бирида Олимпдаги базм пайтида муаззам Зевс Танталга юзланиб шундай дейди:

– Ўғлим, мен сенинг барча истақларингни бажаргум. Тила тилагингни. Сенга бўлган оталик меҳрим ҳаққи, ҳар қандай илтимосингни рўёбга чиқаргум.

Лекин Тантал ўзининг жайдари, фоний бир банда эканлигини унутиб, падари – эгидабардор Зевсга гердайиб шундай жавоб қилади:

– Мен сенинг мурувватинга зор эмасман. Менинг ҳеч нимадан камим йўқ. Зеро, қисматим боқий худолар қисматидан ҳам саодатлироқдир.

Чакмоқдор худо бу гапни эшитиб лол бўлиб қолади: у қошларини даҳшатли чимиради-ю, лекин ғазабини ичига ютади. У ўғли Тантални, калондимоғ бўлишига қарамай, яхши кўрарди. Орадан хиёл вақт ўтмай, Тантал худоларни устма-уст икки қарра қаттиқ таҳқирлайди. Шундан кейингина Зевс мутақаббир ўғлини жазога мустаҳиқ этади.

Чакмоқдор худонинг ватани Крит оролида бир олтин ит бўларди. Бир замонлар бу ит чақалоқ Зевсни ҳамда уни эмизган ажойиб эчки Амалфеяни кўриклаган эди. Зевс улғайиб, дунёга ҳокимликни отаси Крондан тортиб олганида, ўша итни Критдаги ибодатгоҳини кўриқлаш учун қолдирган эди. Лекин Эфес шоҳи Пандарей бу итнинг гўзаллиги ва қудратига мафтун бўлиб қоладию Критга хуфиёна келиб, итни ўғирлаб кетади. Аммо бу ажойиб жониворни қаерга яширсин? Пандарей ўз кемасида денгиздан сузиб бораркан, бу ҳақда жуда кўп бош қотиради ва, ниҳоят, ўша олтин итни Танталга беришга қарор қилади. Сипил шоҳи Тантал бу мўъжизали кўппакни худолар назаридан яширади. Оқибат Зевснинг ғзаби қайнайди.

У худолар муждачиси бўлмиш ўғли Ҳермесни чақириб, уни олтин итни кайтариб беришни талаб қилгани Танталнинг олдига юборади. Чаққон Ҳермес Олимпдан парвоз қилиб, кўз-очиб юмгунча вақт ўтмай, Сипилга этади ва Тантал қошида намоён бўлиб, унга шундай такаллум қилади:

– Эфес шоҳи Пандарей Крит оролидаги Зевснинг ибодатгоҳидан олтин итни ўғирлаб, уни яшириб қўйгани сенга олиб келиб берибди. Олимплик худолар ҳамма нарсадан воқифдирлар, фоний бандалар уларнинг назаридан ҳеч нимани пинҳон сақлай олмайдилар! Сен итни Зевсга қайтар. Чакмоқдорнинг ғазабига дучор бўлишдан ўзингни сақла!

Тантал худолар муждачисига шундай жавоб қайтаради:

– Сен менга Зевс ғазабини пеш қилма. Мен ўша олтин итни кўрганам ҳам йўқ. Худолар янглишипти: у ит менда йўқ.

Тантал, рост гапиряпман, деб жуда оғир қасам ичади. Бу қасами билан у Зевс қаҳрини багтар аланга олдиради. Бу Танталнинг худоларни биринчи таҳқирлаши эди. Лекин шунда ҳам чакмоқдор Зевс уни жазоламайди.

Кейин, Тантал энг қабиҳ ишга қўл уриб, худоларни иккинчи марта таҳқирлайди ва шундан кейингина у худоларнинг қарғишига қолади. Кунлардан бир кун олимплик худолар Тантал саройидаги зиёфатга таклиф этиладилар. Шунда шоҳ худоларнинг нечоғлик басири оламлигини (дунёдаги жамики воқеани кўришини) синамоқчи бўлиб, уларга энг мудҳиш таом пиширади. У ўғли Пелопсни ўлдириб, унинг гўштини ғоят ноёб таом сифатида худолар олдига қўяди. Худолар шу ондаёқ Танталнинг ёвуз ниятини пайқаб қоладилар ва ҳеч бир худо мудҳиш таомга қўл урмайди. Фақат кизи Персефонанинг ўғирлаб кетилганидан қаттиқ қайғуга ботган ва атрофда рўй бераётган воқеаларга мутлақо лоқайд бўлган маъбуда Деметра навқирон Пелопснинг елка гўштини олиб ейди. Худолар лагандаги бу машъум таомни ҳам, Пелопснинг суяқларини ҳам олиб бориб, қозонга ташлайдилар ва тагидан лангиллатиб олов ёқадилар. Ҳермес эса ўз сеҳр-жодуларини ишга солиб, болани яна тирилтиради. У худолар нигоҳи олдига аввалгидан ҳам ўктамроқ бўлиб гавдаланади; фақат унинг Деметра еб қўйган елкасигина кемтик бўлиб қолган эди. Уста тангри Ҳефест Зевснинг амри билан Пелопсга фил суягидан дархол янги елка ясайди. Шундан буён Пелопс авлодига мансуб ҳамма одамлар ўнг елкаси оппоқ ва ялтироқ бўлиб туғилар экан.

Танталнинг кетма-кет қилган жиноятларидан Зевснинг тоқати тоқ бўлади ва, ниҳоят, уни ўз оғаси Аиднинг зимистон салтанатига улоқтиради. Аид уни энг разолатли жазога мубтало қилади. Тантал ташналик ва очлик азобидан қийналиб, зилол сув ичида туради. Сув унинг иягигача етгач, у чанқоғини қондириш учун хиёлгина бўйнини эгса, кифоя. Аммо Тантал бошини эгиши билан сув зумда ғойиб бўлиб, оёғи остида қовжираган қора ердан бўлак ҳеч вақо қолмайди. Танталнинг боши узра ширин-шакар анжирлару қирмизи олмалар, анору ҳил-ҳил пишган ноку зайтунлар осилиб

туради; ғарқ пишган салмоқли узум бошлари унинг сочига тегай-тегай деб туради. Очликдан силласи қуриган Тантал бу турфа меваларга қўл чўзади, лекин шу лаҳзада «ғув» этиб эсиб келган шамол мевали навдаларни ундан узоқлаштиради. Тантални наинки очлик ва ташналик азобга солади, у қўрқувдан ҳам тоабат юрагини ҳовучлаб туради. Унинг боши узра улкан бир қоя ҳар дақиқада қулаб тушиб, уни мажаклаб ташлағудек бўлиб зўрға илиниб туради. Зевс ўғли бўлмиш Сипил шоҳи Тантал бадқовоқ Аид салтанатида қўрқув, очлик ва ташналик азобидан шу зайлда мангу азоб чекар экан.

ПЕЛОПС

Овидийнинг «Метаморфозалар» достони ва Тиндарнинг шеърлари бўйича баён қилинади

Танталнинг ўлиmidан кейин Сипил шаҳрига унинг ўғли Пелопс (худолар мўъжизаси билан қайта тирилган Пелопс) шоҳ бўлади. Лекин у ўз ватани Сипилда узоқ вақт ҳокимлик қила олмайди. Троя шоҳи Ил Пелопсга қарши уруш очиб, Сипилга бостириб келади. Бу уруш Пелопсга бахтсизлик келтиради. Троянинг қудратли шоҳи уни енгади. Оқибатда, Пелопс ўз ватанидан бош олиб кетишга мажбур бўлади. У бутун хазинасини, молу давлатини тезсузар кемага ортиб, садоқатли ҳамроҳлари билан узоқ денгиз сафарига чиқади ва Юнонистон қирғоқлари томон йўл олади. Пелопс Юнонистоннинг энг жанубидаги ярим оролга етиб бориб, ўша ерда манзил куради. Шу пайтдан бошлаб бу ярим орол Пелопс шарафига Пелопоннес деб атала бошлайди.

Кунларнинг бирида Пелопс бу янги ватанида айланиб юрганида соҳибжамол бир қизни кўриб қолади. Бу – Писа шаҳрининг шоҳи Эномайнинг қизи Ҳипподамия эди. Эномай қизининг хусну жамоли Пелопсни ўзига ром қилиб қўяди. Пелопс унга уйланишга қарор қилади.

Аммо Ҳипподамияга уйланиш ниҳоятда душвор эди. Зеро, қоҳинларнинг башоратига қараганда, Эномай ўз қизининг эри, яъни ўз куёви томонидан ўлдирилиши муқаррар экан. Эномай, бундай аччиқ қисматнинг олдини олиш учун қизини эрга бермасликка аҳд қилади. Лекин бунинг иложи бўлармикан? Ҳипподамияга уйланиш ниятида бўлган қайлиқларга у қандай қилиб рад жавобини берсин? Ҳолбуки, Эномай ҳузурига унинг қизини хотинликка сўраб келган йигитларнинг ҳисоби йўқ эди. Агар у барча қайлиқларга ҳам ҳеч қандай сабабсиз бир хилда рад жавобини бераверса, турган гапки, уларни қаттиқ таҳқирлаган бўларди. Шоҳ Эномай ўйлаб-ўйлаб, ахири шундай қарорга келади: у бутун элга жар солдириб, қизи Ҳипподамияни жангароба пойгасида ўзидан ўза олган одамгагина

турмушга беражагини, мусобақада мағлубиятга учраган рақиб эса қатл этилажагини овоза қилади. Жангаробани бошқаришда Эномайга тенг келадиган азамат бутун Юнонистонда топилмас эди, қолаверса, унинг отлари ҳам жўшқин шимол шамоли Борейдан ҳам учкурроқ эди. Шу сабабли, Писа шоҳи биронта ҳам ботирнинг ундан устун чиқа олмаслигига астойдил ишонарди.

Қаҳқор Эномай кўлида ҳалок бўлиш хавфи ҳам юнон қаҳрамонларини тўхтага олмади. Улар Ҳипподамияга уйланиш ниятида (қиз шу қадар мафтункор эди), шоҳ билан беллашгани бирин-кетин келавердилар. Бирок ҳамма қаҳрамонларнинг ҳам қисмати аянчли бўлди, Эномай уларнинг барини қатл эттириб, Ҳипподамияга уйланиш ниятида келган қанчадан-қанча шавкатли қаҳрамонларнинг шоҳ билан бўлган пойгада мағлубиятга учраб жон берганига янги келган ботирлар шоҳид бўлсин ҳамда ўзини қандай аччиқ қисмат кутаётганини билсин, деган мақсадда ҳалок бўлганларнинг каллаларини каср дарвозасига остириб кўяверди. Лекин бундай машъум таҳдид ҳам Пелопсни ниятидан қайтара олмади. У, ўлсам ҳам Ҳипподамияга уйланмай қўймайман, деб қатъий аҳд қилди ва бадқаҳр шоҳ Эномай ҳузурига равона бўлди.

Эномай Пелопсни хўмрайганча қабул қиларкан, шундай деди:

– Сен ҳам қизим Ҳипподамияга уйланмоқчимисан? Қанчадан-қанча шавкатли қаҳрамонлар хатарли мусобақада бошларидан жудо бўлдилар, нима, сен шуларни кўрмадингми? Эҳтиёт бўл, сенинг бошингга ўша мардларнинг куни тушади!

– Бошимга маҳв бўлган азаматларнинг куни тушишидан кўрқмайман, – деб жавоб қилди Пелопс. – Аминманки, олимпик худолар менга мадаккор бўлишгай. Шу боқий тангрилар ёрдамида мен Ҳипподамияни ўзимга хотин қилиб олгум.

Эномайнинг лабларида бир лаҳзага заҳарли истехзо пайдо бўлди: бунақа гапларни у кўп марта эшитган эди.

– Ундай бўлса, Пелопс, – деди шоҳ, – мусобақа шартини эшитиб ол: пойга йўли Писа шахридан бошланиб, бутун Пелопоннесни кесиб ўтади ва Истмагача бориб, денгизлар султони Посейдоннинг қурбонгоҳи олдида тугайди; у қурбонгоҳ Коринф яқинига жойлашган. Агар қурбонгоҳга биринчи бўлиб етиб борсанг – ютганинг, лекин бу йўлда сени қувлаб етиб олсам – шўринг қуригани! Ана унда менинг найзам сени маҳв этадию Аиднинг зулмат салтанатига шармандаларча рихлат этасан. Мен сенга фақат битта имтиёз бераман, уни бошқаларга ҳам берганман: сен мендан олдин йўлга тушасан, мен эса, аввал муаззам чакмоқдор худога атаб қурбонлик қиламан, шундан кейингина жангаробага чиқаман. Мен қон чиқариб, қурбонлик қилиш билан овора бўлган пайтимда, ҳаминқадар йўлни босиб ўтишга ҳаракат қил.

Пелопс шоҳнинг шартини эшитиб уйига қайтди. Бу бераҳм ҳукмдорни фақат найранг ишлатиб енгиш мумкинлигини биларди. Пелопс бу ниятини амалга ошириш учун ўзига ёрдамчи қидирди ва уни топди. Бу Эномайнинг аробакаши Миртил эди. Пелопс у билан хуфиёна учрашди. Миртил тангри Ҳермеснинг ўғли эди. Пелопс унга беназир муздлар ваъда қилиб, жангароба ўқига чувчўп тикмасликни сўради (шундай қилса, йўлда шоҳ аробасининг ғилдираклари ўқидан чиқиб кетиб, Эномай йўлда анча ушланиб қолиши мумкин эди). Миртил анчагача тараддудланиб турди ва, ахири, Пелопс ваъда қилган бемисл совғаларга учиб, унинг айтганини бажаришга сўз берди.

Тонг отди. Бош кўтариб чиқаётган гулбадан Эос осмон гумбазини заррин рангга бўяди. Мана, нурафшон Ҳелиос ҳам ўзининг олтин аробасида фазога балқиб чиқди. Ҳозир мусобақа бошланади. Пелопс бузург тангри зилзилакор Посейдонга тавалло қилиб, ундан мадад сўради, сўнг сакраб жангаробасига чиқди. Шоҳ Эномай бу аснода Зевс қурбонгоҳи олдига келди ва Пелопсга, жўнашинг мумкин, дегандек ишора қилди. Пелопс отларини учириб кетди. Мана, у минган жангаробанинг ғилдираклари тош йўлда тарақлаб бормоқда. Зум ўтмай Пелопс чанг-тўзон ичида кўринмай кетди. Уни Ҳипподамияга бўлган муҳаббати ва ўз жонидан жудо бўлиш хавфи қувиб борарди. Мана, ниҳоят, унинг орқасида, жуда-жуда узоқда Эномай жангаробасининг гумбурлаб келаётгани эшитилди. Писа шоҳи Танталзодани қувиб етиб қолган эди. Шоҳнинг отлари мисоли қуюн учар, жангароба ғилдираклари остидан тўзон гирдибод бўлиб кўтариларди. Пелопс отларига қамчи босди, улар янада тезроқ югура кетдилар. Отларнинг бу шиддатли югуришидан Пелопснинг кулоқлари остида шамол ғувилларди, лекин Эномай отлари таъқибидан қандай қутула олсин: ахир шоҳнинг отлари шимол шамолдан ҳам учқурроқ-ку! Мана, Пелопс Эномай отларининг иссиқ нафасини энсаси билан хис қила бошлади, кўз қирини ташлаб шоҳнинг тантанавор тиржайганча найза ўқталаётганини кўрди. Шунда Пелопс Посейдонга илтижо қилди ва поёнсиз уммонлар султони унинг оху зорини инобатга олди. Эномай жангаробасининг ғилдираклари бирдан ўқидан чиқиб кетиб, ароба ағдарилди, оқибат, Писанинг тошбағир шоҳи ерга йиқилиб, тил тортмай ўлди ва ўлимнинг зим-зиё пардаси унинг кўзларини юмди.

Пелопс Писага зафар билан қайтди, Ҳипподамияга уйланди ва Эномайнинг бутун салтанатига ҳоким бўлиб олди. Шунда Пелопснинг қошига Эномайнинг аробакаши Миртил келиб, ваъда қилинган ярим салтанатни талаб қилади. Лекин ярим давлатдан воз кечиш Пелопсга малол келади. Бу маккор Танталзода ҳийла ишлатиб, Миртилни денгиз бўйига бошлаб боради ва юксак қоя бошидан уни серталотум денгизга итариб юборади. Миртил қоядан йиқилиб тушаркан, Пелопсга ва унинг бўлғуси авлодлари-

га лаънат ўқийди. Кейинчалик, Танталзода Пелопс Миртил руҳи ғазабини юмшатишга, унинг падари Ҳермеснинг кўнглини овлашга қанча уринмасин, ҳамма ҳаракати самарасиз бўлади. Миртилнинг лаънатлари рўёбга чиқди. Шундан бери Пелопснинг авлодлари бошига сон-саноксиз фалокатлар ёғилаверибди, улар ўзларининг ёвуз қилмишлари билан худоларнинг қаҳрига учраган эканлар.

ЕВРОПА

Миладдан аввалги III асрда Сиракузада яшаб ижод қилган шоир Мосҳнинг «Фароғатнома» нолими достони бўйича баён қилинади

Финикия мамлакатигадаги бой-бадавлат Сидон шаҳрининг шоҳи Агенорнинг уч ўғли ва гўзалликда маъбудаваш бир қизи бор эди. Бу навнихол гўзал қизнинг исми Европа эди. Бир куни Европа туш кўради. Тушида Осиё ва Осиёдан денгиз билан ажралиб турган иккинчи бир қитъа икки аёл қиёфасига кириб, уни, яъни Европани талашаётганмиш. Ҳар иккала аёл уни тасарруф қилишни истармиш. Мана, Европани боқиб тарбиялаган Осиё бу тортишувда енгилганмишу Европани иккинчи қитъа-аёлга беришга мажбур бўлганмиш. Европа кўрқиб уйғониб кетади, бу тушнинг маънисига тушуна олмай, боши қотади. Шунда Агенорнинг бу навнихол қизи бадбахтлик юзини мендан тескари қилинлар, деб худоларга мутеларча муножот қила бошлайди. Кейин у зарришта билан тикилган қирмизи либосини кийиб, ўз дугоналари даврасида денгиз бўйидаги чамангуллар очилиб ётган ям-яшил ўтлоққа боради. Сидон қизлари у ерда шўхлик қилиб қувлашмачоқ ўйнашади, қордек оппоқ хушбўй наргис гулларини, турфа ранг нилуфарлар, заъфар гул ва муаттар бинафшаларни теришади. Дугоналари орасида ўз хусну таровати билан кўзга ташланиб турган шоҳ қизи Европа эса, зарсимлардан тўқилган саватчасига фақат алвонранг атиргулларни теради. Қизлар гул териб бўлишиб, хандон ташлаб кулганча, давра қуриб ўйин тушишади, жўр бўлиб қўшиқ айтишади. Уларнинг янгроқ овозлари чаманзор ўтлоқдан ўтиб, зангори денгизнинг майин шовуллашини босиб, унинг энг олис чеккасигача эшитилади.

Аммо соҳибжамол Европа бу фароғатли ҳаёт лаззатидан узоқ баҳраманд бўла олмади. Қизни Кронзода, яъни қодир булутқувар тангри Зевс кўриб қолади ва уни ўғирлаб кетмоқчи бўлади. У ўз вазоҳати билан навнихол Европани чўчитиб юбормаслик учун ажойиб бир буқа қиёфасига киради. Бу буқанинг, яъни Зевснинг териси бошдан-оёқ олтиндек товланар, фақат пешонасидаги кумушранг кашқа мисоли ой порларди; буқанинг олтин шох-

лари окшомги шафақда намоён бўлган янги туғилган ой ўроғидек эгилган эди. Бу ғаройиб буқа ялангликда пайдо бўлиб, оёқлари майсаларга хиёл тегиб, қушдай енгил юриб, қизлар даврасига яқинлашади. Сидон қизлари ундан кўрқишмайди, улар бу ажиб жониворни ўраб олиб, меҳрибонлик билан уни силай бошлайдилар. Буқа Европага яқин боради, эркаланиб унинг кўлини ялайди. Буқанинг димоғидан амброзиянинг муаттар иси анқиб турарди, бу амброзия атри бутун ялангликни тутиб кетади. Европа ўзининг нозик кўли билан буқанинг заррин терисини силайди, унинг бўйнидан кучоқлаб ўпади. Шунда буқа, қани, устимга минақол, демоқчи бўлгандек дилбар қизнинг оёғи остига чўкади.

Европа жилва қилиб, буқанинг кенг сағрисига чиқиб ўтиради. Бошқа қизлар ҳам дугоналарининг ёнига ўтирмоқчи бўладилар. Лекин буқа шу пайт бирдан «дик» этиб ўрнидан турадию ғизиллаганча денгиз томон югура бошлайди. Қўрқиб кетган қизлар кичкириб юборишади. Европа эса қизлар томонга кўлларини чўзиб, улардан ёрдам сўрайди, илло Сидон қизлари унга ёрдам беришга ожиз эдилар. Олтин шохли буқа шамолдек югуриб борарди. Ана, у денгизга сакраб, ложувард сувни кўкси билан тилганча, худди юнусбалиқдек тез-тез суза бошлади. Денгиз тўлқинлари икки ёққа айрилиб унга йўл очар, баданига сачраган сув томчилари терисига юкмасдан, гавҳар доналаридек думалаб тушарди. Денгиз тубидан Нерейнинг гўзал қизлари сузиб чиқишади, улар буқа атрофида парвона бўлишиб, унга эргашиб суза бошлайдилар. Денгиз худоси Посейдоннинг ўзи ҳам буқанинг олдида ўз жангаробасида денгиз маъбудалари даврасида сузиб бораркан, шохдор асоси билан асов тўлқинларни тинчитарди.

Европа буқанинг сағрисида кўрқувдан дағ-дағ титраб ўтирарди. У бир кўли билан буқанинг олтин шохидан чангаллаб ушлаган, иккинчи кўли билан қирмизи кўйлагининг этагини, сувга тегиб хўл бўлмасин деб, йиғиштириб ўтиради. Лекин у бекорга безовта бўлади: денгиз мулойим шовуллар, унинг шўр томчилари қизнинг кўйлагига етмасди. Денгиз шаббодаси Европанинг кокилларини оҳиста елпир, ҳарир уртугини ҳилпиратарди. Соҳил тобора узоқлашиб, ахири ложувард уфқда бутунлай кўринмай кетди. Энди қаёққа кўз ташламасин – денгизу зангори осмондан бошқа ҳеч нима кўринмасди. Кўп ўтмай, узоқда Крит ороли соҳили кўринди. Зевс устидаги бебаҳо дилбар қиз билан шу оролга сузиб бориб, соҳилга чиқди. Европа шу ерда Зевсга хотин бўлди ва ўша пайтдан бошлаб Крит оролида яшай бошлайди. У Зевсдан учта ўғил кўрди. Булар: Минос, Радаманф ва Сарпедонлардир. Чақмоқдор Зевснинг бу иқтидорли ва донишманд ўғиллари бутун дунёга доврақ таратган экан.



Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Зевс бука қиёфасига кириб, Европани ўғирлаб кетганида, қизнинг отаси Сидон шоҳи Агенор бу жудоликдан қаттиқ ва бетаскин қайғуга ботади. У учала ўғли – Фойникс, Киликс ва Кадмни чақириб, уларга сингиллари Европани қидириб топишни амр этади ва агар Европани тополмай уйга қайтсаларинг, ўлдираман, деб таҳдид қилади. Мана, уч оғанини сингилларини излаб йўлга равона бўладилар. Орадан сал вақт ўтгач, Фойникс билан Киликс Кадмдан ажралиб, ҳар бири ўзича янги салтанатга асос солади: Фойникс Финикия давлатини, Киликс эса Киликия давлатини бунёд қилади. Улар уйга қайтмай, шу давлатларига ҳоким бўлиб қоладилар.

Бундан буёғига Кадм синглисини ахтариб топгани ёлғиз ўзи кетади. У ҳамма ерда синглиси Европани сўраб-суриштириб, узоқ вақт жаҳонгашталик қилади. Лекин бора-бора синглисини топишдан бутунлай умидини узади ва уйга бесамар қайтишдан кўрқиб, мусофир юртларда умрбод қолиб кетишга аҳд қилади. У муқаддас Дельфага бориб, у ерда чўнгмерган тангри Аполлоннинг маъбадидаги соҳибқаромат коҳиндан, қаерда манзил қуриб, шаҳар барпо қилсам бўларкин, деб сўрайди. Аполлоннинг коҳини унга шундай жавоб қилади:

– Сен овлоқ майсазорга чиқсанг, ҳеч қачон бўйинтурук нималигини билмаган бир сигирни кўрасан. Шу сигирга эргашиб кетавер. У қаерга бориб чўкса, ўша ерда қалъа деворини тиклаю у мамлакатни Беотия деб ата.

Кадм бу жавобни олиб, муқаддас Дельфани тарк этади. У маъбад дарвозасидан чиқиши билан кенг майсазорда ёлғиз ўтлаб юрган қордек оппоқ бир сигирга кўзи тушади. Кадм ўзининг содиқ шотирлари билан шу сигир орқасидан эргашиб кетаверади. Мана, Кефиса дарёси оқиб ўтадиган водий ҳам орқада қолди. Шунда сигир кутилмаганда юришдан тўхтади, бошини кўкка кўтариб баралла маърайди, орқасидан эргашиб келаётган муҳорибларга ўгирилиб қарайди-да, шу ердаги ям-яшил ўтлокқа бамайлихотир чўқади. Кадм тиз чўкиб, Аполлонга чин дилдан шукрона айтади ва ўзининг янги ватани тупроғини ўпиб, худолардан дуойи хайр сўрайди. Кадм эгидабардор Зевс йўлига қурбонлик қилиш учун дарҳол шу атрофдаги тошлардан қурбонгоҳ тиклайди; лекин қурбонлик қилиш учун пок сув бўлмагани сабабли у садоқатли шотирларини сув топиб келгани жўнатади.

Сал нарироқда ҳеч қачон ўтинчининг болтаси тегмаган асрий дарахтзор бор эди. Бу дарахтзор орасида қалин чакалақлар билан ўралган бир тоғ бўлиб, унинг атрофида харсангтошлар бетартиб уйилиб ётарди. Ғор ичи-

дан чикаётган биллурдек тиник сув тошлар орасидан жилдираб оқарди. Бу ғорда уруш худоси Аресга бахшида этилган бир аждар ётарди. Унинг кўзлари ўт бўлиб ёнар, захарли тишлари уч қатор бўлиб, оғзидан уч айри тили ликиллаб чиқиб турар, бошидаги олтин тож тахдидона тебранарди. Кадмнинг шотирлари жилға бўйига бориб, идишларини муздек зилол сув билан тўлдира бошлашганида, маҳобатли илон даҳшатли вишиллаганча ғордан чиқиб, харсангтошлар орасидан ўрмалаб кела бошлайди. Қаттиқ хаяжонга тушган шотирларнинг ранги қув ўчиб, қўлларидан идишлари тушиб кетади, улар даҳшатдан донг қотиб қолган эдилар. Шунда баҳайбат илон думига таяниб туриб, асрий азим дарахтлардан ҳам баландга бўй чўзганча оғзини катта очади. Сидонлик йигитлар фалокатдан қочиш ёки ўзини ҳимоя қилиш ҳақида ўйлашга улгурмасларидан даҳшатли илон уларга ҳамла қилиб, ҳалок этади.

Кадм шотирларини узоқ кутади. Ана, қуёш ҳам уфққа ёнбошлай бошлади, соялар узайди-ю, шотирлардан хануз дарак йўқ. Агенорзода ҳайрон: сидонлик йигитлар қаёққа кетишдийкин, нечун ҳаяллаб қолишди? Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган Кадм белига ўткир шамширини тақиб, қўлига найза ушлаб, шер терисини совут ўрнида кўксига таққанча шотирлари изидан дарахтзор томон йўл олади. Қаҳрамонга бу қурооллардан ҳам кўра унинг довураклиги кўпроқ далда бўлади. Кадм ўрмон ичига кириб, у ерда садоқатли шотирларининг тилка-тилка қилинган жасадларини кўради, жасадлар устида баҳайбат бир илон кулча бўлиб ётарди. Кадм чуқур қайғуга ботиб, қаҳру ғазаб билан шундай нола қилади:

– О садоқатли шотирларим, сизлар учун мен албатта интиқом оламан! Ё ўчингизни оламан, ё бўлмаса, рухларнинг зулмат салтанатига сизлар билан бирга рихлат этаман!

Шу қасамдан сўнг Кадм қоядек улкан бир тошни боши узра кўтариб, илонга отади. Бундай харсангнинг зарбидан, ҳатто, қалъа минораси ҳам қулаган бўларди, илло илон заррача ҳам лат емайди – баданини қоплаган метиндек қаттиқ тангачалари уни ихота қилган эди. Шунда Агенорзода найза отади, найза илоннинг баданига ботади. Илон жон аччиғида биланглаб, найзани тишлаб, баданидан суғуриб олмоқчи бўлади. Лекин бу уринишидан наф чиқмайди, найза унинг баданига чуқур ботиб кирган эди, шу боис илон найзанинг ёғоч бандинигина синдириб олади. Илон захрини сочиб, қаттиқ кучанганидан бўйни шишиб кетади, оғзидан варақ-варақ кўпик кела бошлайди, унинг бадбўй нафаси ўрмон ҳавосини бузади. Илон гоҳ қатма-қат кулча бўлиб ерга ётар, гоҳ буралиб-буралиб бўйини кўкка чўзарди. У жон аччиғида азим дарахтларни илдизи билан кўпориб ағдарар, харсангтошларни думи билан уриб учирарди. У захар тўла оғзини катта очиб, Кадмни тишламоқчи бўлар, лекин ботир йигит шер терисини қалқон қилиб, илон ҳамласини шамшир билан даф қиларди. Илон Кадм-

нинг ўткир шамширини ғажиб ташламоқчи бўлар, аммо ғажиган сари тишлари ўтмаслашаверарди.

Мана, ниҳоят, Агенорзода қудратли бир зарб билан илоннинг бўйнига найза санчиб, уни эман дарахтига миҳлаб қўйди.

Шунда, асрий азим дарахт баҳайбат махлуқ жасадининг залваридан эгилиб кетди. Кадм ўзи маҳв этган бу илоннинг ҳайбатидан ҳайратга келди. Шу пайт бирдан нотаниш овоз эшитилди:

– Эй, Агенор ўғли, нима қилиб ўзинг ўлдирган илоннинг жасадига таажжуб ила боқяпсан? Ҳадемай ўзинг ҳам илонга айланурсан, шунда сенга ҳам одамлар ажабланиб қарагайлар.

Кадм теварак-атрофга олазarak бўлиб қаради, лекин сирли овоз қаердан келганини билолмади. У бундай шумшук башоратни эшитиб, кўркиб кетди ва бутун вужудини титроқ босди. Кадм ўзи ўлдирган илон қаршисида хушидан кетгудек бўлиб донг қотиб турарди. Шу пайт унинг кўзи олдида Зевснинг арзанда қизи маъбуда Афина-Паллада намоён бўлди. У илоннинг барча тишларини суғуриб олиб, шудгор ерга худди уруғ сочгандек экишни амр этди.

Кадм уккикўз¹ жангчи маъбуданинг амрини дарҳол бажарди. У илон тишларини шудгорга селиб бўлган заҳоти, – ё кодир худо! – ердан олдини-га найза тиғлари ниш уриб чиқа бошлади; кейин экинзорда дубулғаларнинг тожлари, ундан кейин лашкарларнинг бошлари, елкалари, совут такқан кўкраклари, сўнгра қалқон тутган қўллари кўрина бошлади ва, ниҳоят, аждарнинг тишларидан шудгорда беҳисоб қуролли қўшин униб чиқди. Кадм бу янги пайдо бўлган ағёрларни кўриб, шамширини суғурди, лекин ердан униб чиққан сипоҳлардан бири унга шундай деди:

– Шамширингни суғурма! Бизнинг доҳилий жангга аралашишдан ўзингни тий!

Бирдан бу сипоҳлар ўртасида бешафқат, қонли жанг бошланди. Улар бир-бирларини шамшир ва найзалар билан аёвсиз маҳв қила бошладилар ва ҳозиргина ўзлари униб чиққан заминга бирма-бир қулай бошладилар. Мана, сипоҳлардан фақат беш киши тирик қолди. Шунда улардан бири Афина-Палладанинг амри билан қуролларини ерга ташлади; бу сулҳ аломати эди. Мана, беш нафар сипоҳ ўзаро биродарлик иттифоқини туздилар. Аждарнинг тишлари экилган ердан униб чиққан мана шу сипоҳлар Кадмнинг шотирлари бўлишди ва етти қопқали Фива шаҳрида Кадмея қальясини қуришда Кадмга кўмаклашишди.

Кадм азим шаҳар Фивани бунёд этди, шаҳар аҳолиси учун қонунлар жорий қилди. Олимпдаги худолар Арес билан Афродитанинг дилбар қизи

¹ Уккикўз – Афинанинг васфи, донишмандлик рамзи бўлмиш укки ва маъбуданинг хислатларидан бири бўлган.

Ҳармонияни Кадмга хотин қилиб беришди. Фива шаҳрини курган бу қахрамоннинг никоҳ тўйи ғоят зўр дабдаба билан ўтди.

Бу никоҳ тўйига Олимпнинг бутун аҳли ташриф буюрди ва келин-куёвга бебаҳо совға-саломлар армуғон этди¹.

Шу пайтдан бошлаб Кадм Юнонистоннинг энг қудратли шоҳларидан бирига айланади. Унинг молу давлати бемисл эди. Сон-саноксиз қўшинига аждар тишларидан униб чиққан сипоҳлар қўмондонлик қиларди. Бир қараганда, Аганор ўғлининг хонадонида мангу шодмонлик ва саодат ҳукм суриши керакдай туюларди. Бироқ олимплик тангрилар Кадмга нафақат бахт-саодат ато этган эдилар. Кадмнинг бошига кўп оғир савдолар тушди. Қизлари Семела билан Ино² унинг кўз ўнгида нобуд бўлдилар. Тўғри, бу қизлар ўлганларидан кейин олимплик худолар жамоасига қабул қилинган эдилар, лекин, ҳар ҳолда, Кадм ўзининг энг суюкли қизларидан жудо бўлган эди-да. Бундан ташқари, Кадмнинг набираси Актеон Артемида-нинг ғазабига учраб ҳалок бўлади.

Шоҳ Кадм қариган чоғида оғир қайғуга ботиб, етти дарвозали Фивадан бош олиб чиқиб кетади. У узоқ вақт бегона юртларда сарсон-саргардон бўлиб юриб, ахири олис Иллирия тупроғига етади. Бу ерда у юрак-бағри эзилиб, оиласи бошига тушган жамики бадбахтликларни, шунингдек, ўзининг баҳайбат илон билан олишган пайтини ва гойибдан келган мавҳум овозни эслайди.

– Мен ўз шамширим билан маҳв этган ўша илон, – дейди шунда Кадм, – худоларга бахшида қилинган жонзот бўлмаганмикин? Агар худолар мени шу илон туфайли ўз ғазабларига олаётган бўлишса, унда бу кунимдан илонга айланиб қолганим афзал.

Кадмнинг оғзидан шу гап чиққан заҳоти гавдаси чўзилиб, бутун бадани тангачалар билан қопланади, икки оёғи бир-бирига ёпишиб, илоннинг билангловчи узун думига айланади. Бу ҳолдан қаттиқ даҳшатга тушган Кадм қўлларини хотини томонга чўзганча, шундай илтижо қилади:

– Ҳармония, тезроқ ёнимга кел! Қўлингни узат, бутунлай илонга айланмасимдан, қўлларимни ушла!

У Ҳармонияни ўз қошига чакиради, хотинига яна кўп гапларни айтмоқчи бўлади, лекин бу пайт унинг тили иккига айрилиб, оғзидан энди илоннинг айри тили ликиллаб чиқади ва сўз ўрнига фақат вишиллаган товушгина эшитила бошлайди. Ҳармония илонга айланган эри томон отилади.

¹ Кадм Ҳармонияга никоҳ совғаси сифатида маъбуда Афродитадан олган ажиб маржонни беради; кейинчалик бу маржон, уни таққанлар бошига фақат фалокат ёғдиради.

² Кадм қизлари Семела билан Ино ҳақидаги ривоят Дионис ҳақидаги ҳикоятларга туташиб кетади.

– Кадм! – деб нидо қилади у. – Тезроқ тарк эт бу қиёфангни! Ё худолар, нечун мени ҳам эримга қўшиб илонга айлантирмадинглар!

Шунда маҳобатли илонга айланган Кадм ўз гавдаси билан вафодор завжасини ўраб олади ва унинг юзини айри тили билан ялайди. Маҳзуна Ҳармония илоннинг тангачалар билан қопланган баданини силайди. Шунда худолар Ҳармонияни ҳам илонга айлантирадилар.

Кадм билан Ҳармония умрларининг ниҳоясига шу зайлда етган эканлар.

ЗЕТ ВА АМФИОН

Фива шаҳрида дарё худоси Асопнинг қизи Антиопа яшарди. Уни чақмоқдор Зевс яхши кўриб қолади. Антиопа Зевсдан икки эгизак ўғил кўради, у гўдакларга Зет ва Амфион деб исм қўяди. Зевс билан хуфиёна қовушгани учун отасининг ғазабидан кўрққан қиз чақалоқларини саватга солиб, тоққа олиб бориб ташлаб келади. Зевс ўз ўғлонларининг нобуд бўлишига йўл қўймаслигига Антиопа ишонарди. Ҳақиқатан ҳам, Зевс чақалоқларга ҳомийлик қилади. Улар етган жойга бир чўпонни юборади. Натижада бу жажжи ўғилчаларни чўпон топиб олиб, уйига олиб кетади ва уларни парваришлаб ўстиради. Икки эгизак шу йўсин чўпоннинг хонадонидида ўсиб улғая бошлашади. Зет билан Амфион гўдаклик чоғларидаёқ феълан бир-биридан кескин фарқ қилардилар: Зет бақувват бола эди, у кичкиналигидан чўпонга пода боқишда кўмаклаша бошлайди. Амфион эса мўмин ва ёқимтой бола бўлиб ўсади. Оға-инилар ўсиб улғайишгач, Зет қудратли мухориб ва довюрак овчи бўлади. Куч-қудрат ва чаққонликда ҳеч ким унга тенглаша олмайди, жанггоҳлардаги куруллар жарангию ёввойи ҳайвонларни овлаш унинг жони дили эди. Тангри Аполлоннинг арзандаси бўлмиш Амфионга эса фақат бир нарса – кумуш камон соҳиби Аполлон тухфа этган олтин торли кифарани чалиш қувонч бағишларди. Амфион кифарани шу қадар зўр маҳорат билан чалар эдики, у торларни чертганида, ҳатто, дарахтлару қоя тошлар ҳам ўз-ўзидан ҳаракатга кела бошларди.

Бу икки йигитча ўз ота-оналарининг кимлигидан ғофил бўлиб, хануз чўпоннинг уйида яшар эдилар. Уларнинг оналари Антиопа бўлса, бу аснода Фиванинг баттол шоҳи Лика ва унинг хотини малика Дирка қўлида асоратда яшарди. Антиопа кишанбанд этилиб, қоронғи зиндонга ташланган эди. Лекин Зевс уни озод қилади. Асиранинг оёқ-қўлларидаги кишанлар ўзидан-ўзи узилиб ерга тушади, зиндон эшиги ҳам ўзи очилади; шунда Антиопа тоққа қочиб чиқиб кетиб, ўз ўғилларини асраб олган чўпоннинг уйида паноҳ топади.

Чўпон бу аёлни ўз ҳимоясига олиб улгурмасидан, бу ерда бирдан бераҳм малика Дирка пайдо бўлади; у тангри Диониснинг шодиёна бай-

рамини нишонлаб маишат қилгани ўз канизаклари билан тоққа чикқан эди. Дирка бошига печак гулдан гултож кийиб, қўлига Диониснинг асо-сини ушлаб тоғма-тоғ кезиб юрганида, тасодифан чўпоннинг кулбасига дуч келади. Бу ерда маликанинг кўзи Антиопага тушадию уни гумдон қилмоқчи бўлади. Дирка Зет билан Амфионни ўз қошига чакириб, Антиопанинг устидан тухмат ёғдиради ва икки ўғлонга, бу ярамас аёлни ёввойи буқа шохига чандиб боғлангларки, кутурган буқа уни тилка-тилка қилиб ташласин, деб уқтиради. Зет билан Амфион маликанинг амрини бажаришга киришадилар: ёввойи буқани тутиб келадилар, Антиопани судраб чиқадилар, лекин шу фожианинг устига чўпон келиб қолиб, Антиопанинг жонига ора киради. У ўғлонларнинг ўз оналарини кутурган буқа шохига боғламоқчи бўлганини кўриб, шундай деб ҳайқиради:

– Ҳой, бадбахт болалар, қандай мудҳиш жиноятга қўл ураётганингларни биласанларми ўзи! Ахир сенлар, эй, ғофил бандалар, ўз волидаларинг-ни азоблаб ўлдирмоқчисанлар-ку!

Бадқахр Дирканинг гапига кириб қандай машъум қотилликка қўл уришлари мумкинлигини тушунган Зет билан Амфион қаттиқ ҳаяжонга тушадилар. Сўнг бу дарғазаб ўғлонлар оналарига тухмат тошини ёғдирган Диркани тутиб, унинг ўзини ёввойи буқа шохига боғларканлар, шундай дейдилар:

– Сен онажонимизни ўлдирмоқчи бўлдинг, энди ўзинг шу ўлимга гирифтор бўлгайсан! Токи бу ўлимнинг ўз бадқахрлигинг ва қилган тухматларинг учун муносиб жазо бўлсин!

Дирка дахшатли ўлим топади. Зет билан Амфион шоҳ Ликадан ҳам оналарининг қасдини олишади: улар Ликани ўлдириб, Фивага шоҳ бўлиб олишади.

Бу оға-ини Фива салтанатига ҳоким бўлгач, шаҳар истехкомини тиклашга киришадилар. Кадм томонидан қурилган Фива қальаси, юксак Кадмеягина девор билан ўралган эди. Энди оға-инилар бутун Фива атрофини юксак девор билан ўрайдилар. Лекин икковларининг иши бир-бириникидан тамомила фарқ қилар эди! Титанлардек қудратли Зет, бутун кучини ишга солиб, маҳобатли харсангтошларни кучанганча кўтариб келиб, бир-бирининг устига қўярди. Амфион эса харсангларни кўтармасди: тошлар унинг олтин торли кифараси оҳангига итоат этиб, ўзлари ҳаракатга келар, ўзлари устма-уст тахланиб, юксак ва мустаҳкам деворни вужудга келтирар эдилар. Буюк қаҳрамонлар – Зет билан Амфионнинг доврўғи олис-олисларга таралади. Ҳаттоки, худолар арзандаси бўлган Танталнинг ўзи қизи Ниобани Амфионга турмушга беради. Зет эса Эфес шоҳи Пандарейнинг қизи Аэдонага уйланади. Айнан мана шу келинлар: Ниоба билан Аэдона ўз шавҳарлари уйига бадбахтлик олиб кирган эканлар.



Әфес шоҳи Пандарейнинг қизи Аэдона Зетнинг хотини эди. Танталнинг қизи Ниобани калондимоғлиги нобуд қилган бўлса, бахтиқаро Аэдонани ҳасадгўйлик ва ўч олиш истаги адои тамом қилди. Аэдонанинг Итис исмли ёлғизгина ўғли бор эди, овсини Ниоба эса, бири биридан дилбар етти ўғилу етти қизнинг онаси эди. Турган гапки, бу тафовут Аэдонанинг дилида ҳасад уйғотарди. Бу ҳам етмагандек, Ниоба овсинини муттасил мазах қилар ва бу билан Аэдонанинг калбидаги рашк ўтига мой сепардики, бора-бора бу ўт аланга олиб, кудратли нафратга, ўч олиш иштиёқига айланади.

Ниоба кўпинча овсинига бундай дерди:

– Сен шўрликка ачинаман! Бепуштсан. Атиги биттагина фарзанд кўрдинг – бу ҳам бепуштлик билан баробар.

Фивалик аёллар жамоасида бўлса, Ниоба кулиб туриб дерди:

– Мана буни шўрпешона деса бўлади! Менга қара, Аэдона, сен дам ганиматида, ибодатхонага югур. Худоларга муножот қил, шундай баланд овоз билан муножот қилгинки, шояд улар нолангни эшитиб, сенга яна биронта ўғил ато этишса. Иккита ўғлинг бўлса, ҳарқалай, бепушт эмас, ча-лапушт бўлардинг.

Аэдона овсинининг бу кесатикларига жавобан ҳеч нима демай, ўрнидан туриб даврадан чиқиб кетар эди. Кўксига эса ҳасад ва интиқом ўти тобора кўпроқ алангаланарди.

Бир куни кечқурун алламаҳалда Аэдона ўз хобхонасидаги чорпояда ўтириб олиб, овсинидан ўч олиш ҳақида ўйлай бошлади. Қай йўсинда ўч олса экан? Қандай қилса, кўзлаган режаси Ниобанинг қоқ юрагига хан-жардек санчиларкин ва у фарёд чекиб, ўз кўксини тилка-пора қиларкин? Қоронғи куюқлашиб, тун бошланди. Шу пайт Аэдона шахд ўрнидан туриб кетди ва секингина ҳиринглаб: «Топдим, иложини топдим!» – деб пичирлади. Унинг ўғли Итис Ниобанинг Исмен исмли тўнғич ўғли билан қадрдон дўст бўлиб, ҳамиша икковлари бир хобхонада ётишарди. Аэдона шу хобхонага кириб, онасининг энг суюкли ўғли Исменни ўлдиришга аҳд қилди. Тун қоронғи бўлса ҳам Аэдона хато қилмайди, албатта, хонага кирганида, Исменнинг чорпояси ўнг томонда, ўғли Итиснинг чорпояси эса, чап ёқда турганини у яхши билади. Ахир Аэдона шу бугун ўглининг чорпоясига ўз қўли билан тўқиган алвонранг чойшаб тўшади-ку. Нега энди янглишаркан?

Вақт ярим тунга бориб қолган. Бутун сарой аллақачон маст уйқуга кетган. Мана, ярим кеча ҳам бўлди. Аэдона ўрнидан туриб, бир вақтлар отаси совға қилган олтин сопли пичоқни хуфья қутидан олди, хобхонасидан чиқиб, саройнинг зим-зиё осойишгоҳларидан оёқ учида оҳиста ўтиб бо-

раверди. У ўнг қўлидаги пичокни кўксига босиб, қоронғида бирон нимага урилиб ё қокилиб кетмаслик учун чап қўлини олдинга узатганча, сўқир одамдай кетиб борарди. У «тик» этган товуш чиқаришдан қўрқарди, иложи бўлса, юраги ҳам тепишдан тўхтаса – у шу қадар қаттиқ ҳаяжонда эди. Мана, ниҳоят, йигитлар ухлаб ётган хобхонага етиб келди. Аэдона тўхтаб кулоқ солди; ҳаммаёқ сокин, фақат йигитларнинг бир меъёрда пишиллаб ухлаётгани эшитилади. Аэдона нафасини ичига ютиб, гўё ғайрижисм бир шарпадек охиста ўнг томонга юриб, Исменнинг чорпояси ёнига яқин борди. У бармоқ учлари билан йигитнинг кўкрагини аста пайпаслаб топди ва маст уйқуда ётган йигитчанинг қоқ юрагини мўлжаллаб, кучининг борича зарб билан пичок санчди.

Шундан кейин Аэдона ўз хобхонасига қайтиб келиб, чорпоясига ётди ва ғурур билан: «Хайрият, ўчимни олдим, ўчимни олдим!» – дея пичирлади.

Тун ёриша бошлади. Тонг яқин. Мана, олисдаги тоғларнинг чўққилари бош кўтариб чиқаётган куёшнинг қирмизи шуълаларидан ранг олди. Тонг отди. Бу тонг бахтиқаро Аэдонанинг бошига не қайғу-аламларни соларкин! Ана, унинг қулоғига ташқаридан ваҳимали овозлар эшитила бошлади, аллаким: «Итис, Итис!» – деб чинқирди. Аэдона ўрнидан туриб ўтириб, ҳаяжонли бақир-чақирларга кулоқ сола бошлади. Кимдир югуриб келди, хобхона эшигини тапиллатиб уриб, Аэдонани чақира бошлади. Бу жориянинг овози:

– Бека, бегойим! Итис, Итис!

Аэдона эшикни очиб, жориясининг юзига тикилди ва унинг елкасидан маҳкам чангаллаганча сўради:

– Нима қилди Итисга?

– Итисни ухлаб ётган ерида ўлдириб кетишипти.

Аэдона мурдадек оқариб кетди. У беихтиёр ўша хонага, ўзи тун қоронғисида писиб кирган хобхонага йўл олди. Аэдона нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди. У ўнг қўлини кўксига босиб, чап қўлини олдинга узатганча юриб борарди – қоронғи тунда у худди шу тарзда юрган эди. Мана, Аэдона хобхонага кирди ва тундаги ҳаракатини такрорлаб, ўнг томонга йўл олди; не кўз билан кўрсинки – овсинининг ўғли Исменнинг чорпоясида ўзининг ёлғизгина ўғли Итис кўксига онасининг пичоғи санчилган ҳолда ўлиб ётарди. Она кўз кўриб кулоқ эшитмаган тажовузга қўл урган: яккаю ягона арзанда ўғлини ўз қўли билан ўлдирган эди. Онаизор ўзини нуридийдасининг кўксига ташлайди, лекин йиғламайди (бундай машъум қайғудан кўзга ёш келмайди), фақат вужуди аста қалтирайди. Лекин худолар бу онанинг аҳволини кўриб, унга раҳм қилдилар. Хобхонага кирган одамларнинг кўзи олдида бирдан Аэдона ғойиб бўлиб қолади, Итиснинг кўксидан эса кичкинагина кўримсиз бир қушча чиқиб, дераза

оркали ташкарига учиб кетади. Худолар Аэдонани булбулга айлантирган эдилар.

Шундан бери, баҳор пайтларида куёш ботгандан то тонг отгунча, қош корайган оқшом пайтларида ҳам, булбул – Аэдона шабнам томчиларига нафис юзларини ювган муаттар гулларнинг буталарига кўниб олиб, ҳазин ва аянчли сайрай бошларкан. Булбул ўлдирилган ўғли ҳақида ғамгин кўшиқ куйлар ва бу кўшиқда ўғлининг исми такрор-такрор эшитилар экан: Итис, Итис, Итис!



НИОБА



*Обидийнинг «Метаморфозалар» достони ва Пиндарнинг шеърлари
бўйича баён қилинган*

Фива маликаси Ниобанинг етти ўғли ва етти қизи бор эди¹. Бу Тантал қизи навжувон маъбуд ҳамда маъбудалардек ўқтам ва дилбар фарзандларнинг онаси бўлганидан фахрланар эди. Худолар Ниобага беқиёс бойлик, бахту саодат ва ажойиб фарзандлар ато этган эди, аммо Тантал қизи худоларга ношукрлик қилди.

Кунлардан бир кун кўзи кўр соҳибкаромат Тиресийнинг башоратпеша қизи Манто етти дарвозали Фива шаҳрининг кўчаларидан ўтиб бораркан, шаҳарнинг барча аёлларини маъбуда Латога ва унинг икки фарзанди: зулфизар, чўнгмерган Аполлон билан бокира Артемидага атаб хайру эҳсон ва қурбонликлар қилишга ундайди. Фивалик аёллар Мантонинг даъватига кулоқ осиб, бошларига дафнадан гулчамбарлар кийишади ва худоларнинг меҳроблари, қурбонгоҳлари томон йўл олишади. Фақат биргина аёл, ўз иктидори ва худолар ато этган саодатли ҳаёти билан кеккайиб кетган Ниоба Латога эҳсон қилишдан бўйин товлайди.

Унинг кибру ҳаво билан айтган гапларидан Фива аёллари қаттиқ хижолат бўлишади. Улар муаззама Латога сиғинишиб, биз осий бандаларингни ғазабингга олма, деб тавалло қилишади.

Лекин Латона Ниобанинг такаббуруна сўзларини эшитган эди. У ўғли Аполлон билан қизи Артемидани қошига чақириб, Ниобадан зорланиб, шундай дейди:

– Танталнинг мутакаббир қизи мени, онаизорингизни қаттиқ таҳқирлади. У менинг илоҳа эканлигимга шак келтирди! Гарчи мен рутбада фақат Зевснинг муаззама завжаси Херадангина пастда турсам ҳам,

¹ Ниоба болаларининг сони антик дунё ёзувчилари томонидан ҳар хил талқин қилинган. Ҳомернинг таърифлашича, Ниобанинг олти ўғил, олти қизи бўлган, Еврипид баёнида – еттию етти, Сапфода – тўққизу тўққиз, шоир Пиндарнинг ёзишича, Ниобанинг болалари – ўн ўғил, ўн қиз бўлган.

Ниоба мени тан олмади. Наҳотки сизлар, бўталарим, волидангизни таҳқир қилган бандадан интиком олмасангиз? Агар сиз Ниобадан қасос олмасангиз, бандалар мени маъбуда деб эъозламай кўюрлар ва қурбонгоҳларини ғорат этгайлар. Ахир Тантал қизи сизларни ҳам бадном қилди-ку! У сизларни, яъни боқий тангриларни ўзининг фоний фарзандлари билан тенглаштиряпти. Ниоба калондимоғликда падари Танталдан ҳам ўзиб кетди!

Кумушкамон Аполлон волидасининг сўзини бўлиб дейди:

– О, онажон, етар! Қўй, бошқа гапирма! Зеро, бу нолаю хасратларинг билан жазо бериш муддатини узоклаштирмоқдасан!

– Бас! Бошқа гапирма, она! – дейди Артемида ҳам дарғазаб оҳангда.

Шундан сўнг ака-сингил Кинт тоғи чўккисидан Фива шахри томон булутлар оғушида жадал парвоз қиладилар. Уларнинг садоқларида олтин ўқлар таҳдидона жаранглайди. Мана, улар етти дарвозали Фивага учиб келдилар. Аполлон шахар девори яқинидаги кенг майдонда тўхтаб, ўзини намоён қилмай турди; бу ерда Фива йигитлари ҳарбий ўйин машғулотини ўтказар эдилар. Аполлон булутга ўралганча қалъа девори пойидан жой олди. Бу пайт Ниобанинг икки ўғли: қирмизи ёпинчик кийган Исмен билан Сипил гижинглаган отларда елиб боришарди. Бирдан Исмен жон аччиғида чинқириб юборди – Аполлоннинг камонидан отилган олтин ўқ унинг кўксини тешиб ўтган эди. Исмен от жilовини қўлдан чиқариб ерга куладию жон берди. Шунда Сипил ҳам Аполлон камони чилласи даҳшатона даранглаганини эшитди, у паррон этиб келлаётган офатдан ўзининг учқур отида қочиb қутулмоқчи бўлди. Лекин ажалкаш ўқ зумда етиб келиб, уни ҳам маҳв қилди. Ниобанинг яна икки ўғли: Файдим билан Тантал бир-бирларининг белидан олиб, кураш тушардилар. Аполлон узган ўқ ҳавода яшиндек порладию бу икки ўғилни бирваракайига ер тишлатди. Улар оҳ урганча ерга куладилар. Ўлим бу икки оға-инининг кўзидан ҳаёт нурини бир вақтда даф қилди, уларнинг жонлари бараварига узилди. Яна бир ўғил – Альпенор оғаларининг аҳволини кўриб ёрдамга отилди; у оғаларининг совиб қолган жасадларини бағрига босиб, ердан кўтармоқчи бўлди, лекин шу чоғ ўзининг ҳам қалбига Аполлоннинг ўқи ботди ва жони узилиб, оғаларининг жасадлари устига юзтубан йиқилди. Шундан кейин, кумушкамон худо Дамасихтоннинг сонини тиззасига яқин жойдан жароҳатлади; Ниобанинг ўғли олтин ўқни жароҳатидан тортиб олмоқчи бўлганида, тангрининг иккинчи ўқи унинг кекирдагига келиб санчилди. Энди Ниобанинг биргина кенжа ўғли – навжувон Илионей омон қолган эди; у қўлларини кўкка чўзиб, худоларга тавалло қила бошлайди:

– Ё, олимпик худолар, шафқат қилинглар, шафқат!

Йигитчанинг илтижоси пурвахшат Аполлоннинг кўнглини юмшатади. Аммо кеч бўлган эди! Олтин ўқ бу аснода камон чилласидан учиб

кетган эди. Ўқ Ниобанинг охирги ўғлини ҳам ер тишлатади. Бу бемисл офат ҳақидаги шум хабар бир зумда Ниобага етиб боради. Сарой хизматчилари шоҳ Амфионга ҳам ўғилларининг ҳалок бўлгани ҳақида юм-юм йиғлаганча хабар берадилар.

Амфион бу жудоликка чидай олмайди, у ўз кўксига ўткир шамшир санчиб, оламдан кўз юмади.

Ниоба ўғиллари ва эрининг жасадлари устида фарёд солиб йиғлайди. У мурдаларнинг совиб қолган лабларидан ўпаркан, изтиробдан юракбағри хун бўлади. Руҳи буткул тушиб кетган бадбахт аёл қўлларини кўкка чўзади. Лекин у худолардан раҳм-шафқат сўрамайди. Шундай улкан қайғу ҳам унинг кўнглини юмшатмаган эди. Ниоба ғазаб билан ҳайқиради:

– Шодлан, о қаҳқор Латона! Менинг бошимга тушган оғир мусибатни кўриб, кўнглингга сикқанча қувон! Сен енгдинг мени, рақибам! Э, йўк, нималар деяпман ўзи? Асло енгганинг йўк! Ҳали ҳам бўлса, мен бахтиқаронинг фарзандлари сен бахтиёр маъбуданинг болаларидан кўпроқ! Кўз олдимда шунча ўғлонларимнинг жонсиз жасадлари ётган бўлса ҳам, барибир, мен сендан ғолиб чиқдим, ҳали ҳам менинг фарзандларим сеникидан кўпроқ.

Ниоба шу гапни айтиб тугатиши билан камон чилласи даҳшатона дириллайди. Ҳамма қаттиқ ваҳимага тушади. Ёлғиз Ниобагина хотиржам эди, зеро, бахтсизлик уни довюрак қилган эди.

Дириллаган маъбуда Артемида кўлидаги камоннинг чилласи бўлиб, у бекорга овоз чиқармаган эди. Жасадлар атрофида чуқур қайғуга ботиб турган Ниоба кизларидан бири Артемида отган ўқдан ҳалок бўлади. Мана, яна чилла дириллаб, Ниобанинг иккинчи қизи ҳам ерга қулайди. Артемиданинг камонидан олтита олтин ўқ паррон қиладию Ниобанинг олти нафар соҳибжамол, навнихол қизи нобуд бўлади. Фақат унинг кенжа қизи қолган эди. Қиз онасининг тиззалари орасига кириб, ўзини унинг кўйлаги этаги панасига олади.

Бу оғир қайғу Ниобанинг мағрур қалбини пора-пора қилган эди.

– Ҳеч бўлмаса, менга шу қизимни қолдир, муаззама Латона! – деб илтижо қилади андуҳдан сарнигун бўлган она. – Ёлғизгина шу қизимнинг жонини олма!

Лекин унга маъбуданинг раҳми келмайди, Артемида отган ўқ Ниобанинг кенжа қизини ҳам маҳв этади.

Мана, Ниоба эрининг ва барча ўғил-қизларининг жасадлари даврасида қайғудан шамдек қотиб турипти. Шамол унинг соч толаларини ҳам елпимайди. Унинг рангида қон қолмаган, кўзларида ҳаётдан асар ҳам йўк, кўксида юраги тепмай кўйган, фақат кўзларидан шашқатор ёш оқади. Ниобанинг бутун вужуди совуқ тош билан ўралади. Шунда бирдан кучли қуюн кўтарилиб, Ниобани осмонга учирадию ватани Лидияга олиб бориб

қўяди. Шундан бери, тошга айланган Ниоба юксак Сипил тоғида қотиб турармиш ва муттасил ҳасрат кўз ёшларини тўкармиш¹.

ХЕРАКЛ

Херакл ҳақидаги ривоятлар Софоклнинг «Траҳина аёллари» ва Еврипиднинг «Херакл» номли фоҳиалари, шунингдек, Павсанийнинг «Эллада таърифи» қитоби бўйича баён қилинади

ХЕРАКЛНИНГ ТУҒИЛИШИ ВА ТАРБИЯЛАНИШИ

Электрион Микена шоҳи эди. Кунлардан бир кун шоҳ Птерелайнинг ўғиллари телебойларни Микенага бошлаб келиб, Электрионнинг подаларини ҳайдаб кетишади. Лекин Электрионнинг ўғиллари молларни қайтармокчи бўлишганда, телебойлар шахзодаларни қиличдан ўтказишади. Шунда шоҳ Электрион бутун элга, подаларимни қайтариб, ҳалок бўлган ўғилларим учун интиқом олган азаматга дилбар қизим Алкменани хотин қилиб бераман, деб жар солдиради. Қаҳрамон йигит Амфитрион бу шартни бажаришга бел боғлайди, у подаларни ҳеч қандай жангсиз эгасига қайтаришга муваффақ бўлади, чунки телебойлар шоҳи Птерелай ўғирланган қорамол подасини кўриқлашни Элида шоҳи Поликсенга топширган, Поликсен эса, подани ҳеч қандай қаршиликсиз Амфитрионга берган эди. Шундай қилиб, қаҳрамон Амфитрион подаларни эгасига қайтарган ва гўзал Алкменага уйланган эди. Бироқ никоҳ базми пайтида қайтарилган қорамол подаси ҳақида мубоҳаса бошланиб, Амфитрион ўз қайнотаси Электрионни беҳосдан ўлдириб қўяди, натижада навниҳол хотини Алкмена билан Микенадан бош олиб кетишга мажбур бўлади. Алкмена, агар оғаларимни ўлдирган Птерелайзодалардан ўч олсанггина сен билан бегона юртларга жўнашга рози бўламан, деб эрига шарт қўяди. Амфитрион шартни қабул қилади, у Фивага бориб, шоҳ Креонт даргоҳидан паноҳ топган заҳоти қўшин тўплаб, телебойларга қарши жанг қилгани жўнаб кетади. У жангу жадалда юрган чоғида Алкменанинг жамолига шайдо бўлиб қолган Зевс Амфитрионнинг қиёфасига кириб, гўзал келинчакнинг қошига келади. Салдан кейин, Амфитрион жангдан

¹ Антик давр адиблари Ниоба болалари ҳалок бўлган жойни ҳам турлича кўрсатадилар: Ҳомернинг таърифлашича, болалар ўз онасининг уйида ўлдирилади; Аполлодорнинг ёзишича – ўғиллар Киферон тоғида шикор пайтида, қизлар – Фивада, шоҳ саройида нобуд бўладилар. Эсхил ва Софокл Ниоба воқеасига бағишлаб, ҳар бири шу номли фоҳиа ёзганлар, антик давр ҳайкалтарошлари ҳам бу мавзуга кўп мурожаат қилганлар.

кайтади. Натижада Алкмена Зевс билан Амфитриондан икки эгиз ўғил кўради.

Алкменанинг Зевсдан буюк ўғлонга кўзи ёрийдиган кун юксак Олимпда худолар анжуман курган эди. Шунда мухофиз Зевс ҳадемай ўғил кўражагидан қувониб, тангриларга шундай каломлар айтади:

– Ё, тангрилар ва маъбудалар, тингланглар: қалбим сизларни бир хуш-хабардан огоҳ этишга даъват этмоқда! Бугун бузург қахрамон таваллуд топади; у ўзининг жамики хешлари, яъни менинг буюк ўғлим Персей зурриётлари устидан ҳукмронлик қилғай.

Бироқ эрининг фоний банда Алкменага уйланганидан дарғазаб бўлган сармалика Ҳера, макр ишлатиб, Алкменадан туғиладиган ўғилни Персей авлодига ҳукмронлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмоқчи бўлади. Шунга кўра, Ҳера эрига юзланиб бундай дейди:

– Сен ёлғон гапирдинг, о бузург чакмоқдор! Сен ҳеч қачон айтган сўзингнинг устидан чиқмайсан! Агар гапинг рост бўлса, худоларнинг бузилмас қасамини ичиб, Персейзодалар насабида бугун биринчи бўлиб туғиладиган гўдак ўз хешлари устидан ҳокимлик қилади, деб сўз бер менга.

Бўхтон маъбудаси Ата бу чоғ Зевснинг ақлини оғдириб қўйган эди, натижада чакмоқдор худо Ҳеранинг найрангини пайқамай, бузилмас илоҳий қасам ичади. Ҳера шу захоти Олимпни тарк этади ва ўзининг олтин аробасида Аргос томон парвоз қилади. У бу ерда Персейнинг набираси Сфенелнинг гўзалликда маъбудамонанд ҳомиладор хотинининг тўлғоғини жадаллаштиради, оқибат шу кун Персейлар авлодида нимжон ва касалманд чақалоқ дунёга келади, бу Сфенелнинг ўғли Эврисфей эди. Ҳера дарҳол Олимпга қайтади ва булуткувар тангри Зевсга шундай дейди:

– Ё бузург падар, чакмоқдор Зевс, каломимга қулоқ ос! Ҳозир шарофатли Аргосда Персей зурриёти Сфенелнинг хотини ўғил туғди, унга Эврисфей деб исм қўйдилар. Бугун биринчи бўлиб шу чақалоқ дунёга келди, бинобарин, шу бола Персейнинг жамики зурриётлари устидан ҳукмронлик қилмоғи керак.

Зевснинг кўнгли ғашланади, у Ҳеранинг қандай макр ишлатганини энди фаҳмлаган эди. Зевс, эсини ўғирлаб қўйган бўхтон маъбудаси Атадан қаттиқ ғазабланади; ғазабланиб туриб, унинг сочидан тутамлайди-да, Олимпдан улоқтиради. Шу-шу, бўхтон маъбудаси Ата одамлар орасида яшаркан.

Зевс Ҳера билан қатъий аҳднома тузади, бу аҳдномага кўра, унинг туғилажак ўғли умрбод Эврисфей хизматида бўлмаслиги, у шоҳ Эврисфей амри билан ўн иккита буюк жасорат кўрсатгандан сўнг, наинки шоҳ асоратидан кутулиши, балки, айни пайтда, боқийликка ҳам мушарраф бўлиши керак эди. Чакмоқдор худо бўлғуси ўғлининг жуда кўп мислсиз хатарларга

дош беражагини биларди, шунинг учун у Афина-Палладани чақириб, Алкменанинг ўғлига муттасил мадад бериб туришни буюради.

Кейинчалик Зевс ўз ўгли заиф ва кўрқоқ Эфрисфейнинг хизматида бўлиб, оғир юмушларни бажараётганини тез-тез кўриб, ғамга ботарди-ю, Ҳерага берган касамини буза олмасди.

Сфенелнинг хотини билан бир кунда Алкменанинг ҳам кўзи ёрийди; у икки эгиз ўғил кўради: биринчиси Зевснинг ўгли бўлиб, унга Алкид деб от қўйишади, эгизакларнинг иккинчиси Амфитрионнинг ўғли эди; уни Ификл деб атай бошладилар. Алкид Юнонистоннинг энг буюк қаҳрамони бўлади. Кейинчалик кошифкаромат пифия унга Ҳеракл деб ном кўяди. Ҳеракл шу ном билан бутун оламга машҳур бўлади, худолар унга боқийлик ато этадилар ва у Олимпдаги худолар жамоасига қабул қилинади.

Лекин Ҳера Ҳераклни туғилган кунидан бошлаб таъқиб қилишга тушади. У Ҳераклнинг дунёга келганидан ва иниси Ификл билан ёнма-ён йўрғакда ётганидан хабар топиб, чакалокни ҳозироқ гумдон қилиш мақсадида, унинг олдига иккита илон юборади. Илонлар тун қоронгисида кўзларини чакнатиб, Алкменанинг оромгоҳига кирадилар. Улар эгизаклар ётган бешик олдига товуш чиқармай ўрмалаб борадилар ва эндигина чакалоқ Ҳераклнинг гавдасига ўралиб, уни бўғиб ўлдирмоқчи бўлишганда, Зевсзода уйғониб кетади. У жажжи қўлларини чўзиб, икки илоннинг бўйнидан чангаллаб олади ва шундай куч билан бўғадики, газандалар бир зумда тил тортмай ўлади. Бу ҳолдан кўркиб кетган Алкмена тўшагидан сапчиб туриб кетади; шу хонада ётган энагалар бешикдаги илонларни кўриб, айюҳаннос соладилар. Ҳамма бараварига Ҳераклнинг бешиги томон ташланади. Аёлларнинг фарёдини эшитган Амфитрион бу ерга қилич яланғочлаб кириб келади. Бешик атрофини ўраб олганлар ажиб бир манзаранинг шоҳиди бўладилар: чакалоқ Ҳеракл икки қўлчаси билан катта-катта иккита илоннинг бўйнидан хиппа бўғиб ётар, илонлар жон талвасасида базўр тўлғанардилар. Ўғилчасининг ғайритаъриф кудратидан ҳайратга келган Амфитрион соҳибкаромат Тиресийни чақиртиради ва ундан бу чакалоқнинг қисмати ҳақида башорат қилишни сўрайди. Соҳибкаромат қария Ҳераклнинг бисёр буюк жасоратлар кўрсатишини сўзлаб, умрининг охирида боқий ҳаётга мушарраф бўлажагини башорат қилади.

Бу ўғлининг улкан шон-шухратларга сазовор бўлиши дарагини эшитган Амфитрион, уни асл қаҳрамон этиб тарбиялашга киришади. У Ҳераклнинг нафақат куч-қудратини камол топтириш, балки айни пайтда, уни илм-маърифатли қилиш ҳақида ҳам қайғура бошлайди. Ҳераклга ўқиш, ёзишдан, қўшиқ айтиш, кифара чалишдан сабоқ берадилар. Лекин у илм-фан ва мусиқа бобида эмас, кўпроқ кураш, камондан ўқ отиш ва курол ишлатишда бемисл маҳоратлар кўрсата бошлайди. Мусиқа муаллими, Орфейнинг иниси Лин аксар пайт талабасининг ношудлигидан

аччиғланар ва, хатто, уни жазолаб ҳам турарди. Бир куни дарс пайтида Лин илм олишни хоҳламаётган Ҳераклдан аччиғланиб унга бир тарсаки уради. Бу ҳолдан қони қайнаб кетган Ҳеракл қўлидаги кифара билан муаллимининг бошига туширади. Ўспирин Ҳеракл ўз зарбаси кучини ҳисобга ололмагани натижасида, Лин кифаранинг зарбидан шу заҳоти тил тортмай ўлади. Ҳераклни бу котиллиги учун суд қиладилар. Судда у ўз қилмишини оқлаб шундай дейди:

– Ахир ҳакамлар ичида энг адолатпеша Радамант айтганди-ку, калтак еган ҳар бир кимса, зарбага зарба билан жавоб қайтариши мумкин, деб.

Ҳераклни судда оқлашади, лекин Амфитрион яна бирон фалокат содир бўлмасин, деб хавотирланиб, Ҳераклни серўрмон Киферон тоғига пода боққани жўнатади.

ҲЕРАКЛ ФИВАДА

Ҳеракл Киферон тоғи ўрмонларида ўсиб балоғатга етади, у энди қудратли йигитга айланади. Унинг бўйи бошқа одамлардан анча баланд, куч-қудрати эса, ҳар қандай паҳлавоннинг қудратидан анча афзалроқ эди. Ҳарбий машқларда ҳеч ким Ҳераклга тенг кела олмас эди, у камон отиш, найза улоқтириш санъатини шу қадар пухта эгаллаган эдики, отган ўқи ҳам, найзаси ҳам ҳеч хато кетмас эди. Ҳеракл ўспирин йигитлик чоғидаёқ Киферон тоғининг чўққисида яшовчи энг дахшатли шерни ўлдириб, терисини шилиб олган эди. Кейин бу шер терисини у яғриндор елкасига ташлаб, унинг олд оёқлари терисини кўксига тугун қилиб тугган, бош терисини дубулға қилиб кийиб олган эди. У Немея ўрмонида метиндек қаттиқ бир шумтол дарахтини илдиз-пилдизи билан суғуриб олиб, ундан ўзига гурзи ясаб олади. Шамширини унга Ҳермес, камон билан ўқларни – Аполлон ҳадя этади, Ҳефест унга олтин совут ясаб беради, Афина эса бу паҳлавонга ўз қўли билан либос тикади.

Ҳеракл балоғатга етганида, Орхомен шоҳи Эргинни жангда енгади. Фива шаҳри бу шоҳга ҳар йили беҳисоб ўлпон тўлаб турар эди. Ҳеракл Эргинни жангда маҳв этади, шундан кейин у Орхомен давлатига шоҳ Эргин Фивадан олиб турган ўлпондан икки ҳисса кўпроқ солиқ солади. Ҳераклнинг бу хизмати учун Фива шоҳи Креонт ўз қизи Мегарани унга хотин қилиб беради, худолар унга бири-биридан дилбар уч ўғил ато этадилар.

Ҳеракл етти дарвозали Фива шаҳрида саодатли ҳаёт кечиради. Аммо маъбуда Ҳеранинг ҳамон Зевс ўғлини кўришга кўзи йўқ эди. У Ҳераклни энг мудҳиш дардга гирифтор қилади. Ҳеракл ақлдан озиб, телба бўлиб қолади. Шу телбалиги кўзиган пайтда у ўз ўғилларини ҳам, иниси Ификлнинг болаларини ҳам ўлдириб қўяди. Дарди аригандан кейин эса, қилиб

кўйган ишидан қаттиқ ғамга ботади. Беихтиёр қотиллик қилиб гуноҳга ботган Ҳеракл кейинчалик бу гуноҳидан покланади ва Фивадан бош олиб чиқиб кетиб, муқаддас Дельфага равона бўлади. Бу ерда тангри Аполлон Ҳераклга ўз аждодлари ватанига бориб, ўша ерда шоҳ Эврисфейга ўн икки йил хизмат қилиб беришни амр этади. Латонанинг ўғли Аполлон соҳибқаромат пифиянинг тили билан сўзлаб, агар Эврисфейнинг фармони билан ўн иккита улкан жасорат кўрсатсанг, боқий ҳаётга мушарраф бўлгайсан, деб башорат қилади.

ҲЕРАКЛНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ

Ҳеракл Тиринфга бориб, рамақижон ва кўрқоқ шоҳ Эврисфейга хизматкорлик қила бошлади. Шоҳ бу қудратли қаҳрамондан кўрққанидан, уни Микенага киритмайди. У ҳамма амру фармонларини Ҳераклга ўз муждациси Копрей орқали етказиб туради.

НЕМЕЯ ШЕРИ (БИРИНЧИ ЖАСОРАТ)

Орадан хиёл вақт ўтмай, Ҳеракл шоҳ Эврисфейдан биринчи топшириқни олади. Шоҳ унга Немей шерини ўлдиришни амр этади. Тифон билан Эхидна (заҳарли илон)дан дунёга келган бу шернинг гавдаси ниҳоятда баҳайбат эди. У Немей шаҳри яқинига жойлашиб олиб, тева-рак-атрофни ғорат қилиб ётарди. Ҳеракл Немейга етиб борган ҳамано, шернинг уясини қидириб топиш учун тоққа йўл олади. У тоғ ёнбағрига кўтарилганида, куёш қиёмга келган эди. Лекин ҳеч ерда кимирлаган жон кўринмасди. Жонзот борки, ҳаммаси даҳшатли шернинг вазоҳатидан кўрқиб, бу ерлардан қочганди. Ҳеракл шернинг маконини узоқ вақт қидиради; у ўрмон билан бурканган тоғларни кезади, поёнсиз дараларни кўздан кечиради; ниҳоят, куёш уфққа ёнбошлай бошлаганда Ҳеракл бир зимистон дарада шер уясини топади. Шер икки томонда туйнуғи бўлган каттакон бир ғор ичига жойлашиб олган эди. Ҳеракл туйнуклардан бирининг оғзига тошлар қалаб беркитади-да, иккинчи туйнук олдида туриб шернинг ташқарига чиқишини пойлайди. Кеч кириб қош қорая бошлаган пайтда, узун ёллари хурпайган баҳайбат шер ғордан чиқади. Шунда Ҳеракл камонининг чилласини таранг тортиб, шерга қарата устма-уст учта ўқ узади, лекин ўқлар шернинг терисига урилиб, худди коптокдек қайтади. Шер даҳшатли ўкиради, унинг ўкирган овози тоғу тошда момақалдиروقдек гумбурлаб акс садо беради. Шер зулмат дарада тураркан, унга ўқ отишга журъат этган кимсани ўт бўлиб ёнаётган кўзлари билан қидиради. Мана, ниҳоят кўзи Ҳераклга тушиб, югурганча қаҳрамонга ташланади. Ҳераклнинг қўлида гурзиси худди яшиндек чақнаб, шер бо-

шига дахшатли зарба бўлиб тушади. Бундай кучли зарбадан шер сулайиб ерга қулайди. Шу захоти Ҳеракл унинг устига ташланиб, қудратли қўллари билан уни бўғиб ўлдирди. Сўнг шер жасадини елкасига ортмоқлаб, Немяга қайтади. Келасолиб, Зевсга бағишлаб қурбонлик қилади ва ўзининг биринчи жасорати хотираси учун Немя мусобақаларини жорий қилади¹. Ҳеракл ўзи ўлдирган шернинг жасадини Микенага олиб келганида, Эврисфей бу махлуқни кўради. Қўрққанидан ранги мурданикидек оқариб кетади. У Ҳераклнинг ғайринсоний қувва сохиби эканлигини тушунади. Шунинг учун у Ҳераклнинг, ҳатто, шаҳар қопқасига яқин келишини ҳам тақиқлаб қўяди; шундан кейин, ҳар гал Ҳеракл ўз жасоратини исботловчи далилни олиб келганида, шоҳ Эврисфей бу далилларга қалъанинг баланд деворида туриб, қўрққанидан дағ-дағ қалтираганча шаҳодат билдиради.

ЛЕРНА ҲИДРАСИ (ИККИНЧИ ЖАСОРАТ)

Энди Эврисфей Ҳераклни Лерна хидрасини ўлдиргани юборади. Бу махлуқ тўққизта аждар бошли илон эди. Бу хидра ҳам худди Немя шери сингари Тифон билан Эхиднадан дунёга келган эди. У Лерна шаҳри яқинидаги ботқоқликда яшар ва ҳар куни уясидан ўрмалаб чиқиб, пода-пода молларни қийратар, теварак-атрофни ғорат қиларди. Тўққиз бошли бу илон билан олишиш хавфли эди, чунки унинг бошларидан биттаси боқий эди. Ҳеракл ўз жияни, яъни иниси Ификлнинг ўғли Иолай билан йўлга чиқади. Улар Лерна шаҳри яқинидаги ботқоқликка етиб келишади. Ҳеракл жияни Иолайни жангароба билан шу ердаги дарахтзорда қолдириб, ўзи хидрани қидириб кетади. У баҳайбат махлуқни гир атрофи ботқоқ бўлган бир гор ичидан топади. Ҳеракл ўқларини оловда тоблаб, чўғдек киздириб, хидрага қарата устма-уст ота бошлайди. Ҳераклнинг ўқлари илонни кутуртириб юборади. Шунда бутун бадани ялтироқ тангачалар билан қопланган бу илон биланглаб тўлғаниб, қоронғи ғор ичидан ўрмалаб чиқади ва баҳайбат думида тикка туриб, эндигина қаҳрамонга ҳамла қилмоқчи бўлганида, Зевс ўғли Ҳеракл унинг белига оёқ қўйиб ерга босади. Хидра қаҳрамоннинг оёқларини думи билан ўраб олиб, уни чалиб йиқитмоқчи бўлади. Лекин Ҳеракл маҳобатли қоя сингари кимир этмай тураркан, залварли гурзиси билан илоннинг бошларини биттама-битта уриб мажақлайверади. Гурзи хавода қуюндек увиллаб, илоннинг бошларини бирма-бир маҳв этса ҳам, хидра ҳануз тирик эди. Унинг ҳар бир узил-

¹ Бошқа бир ривоятда баён қилинишича, Немя мусобақалари Фивага қарши юриш уюштирган етти қаҳрамон томонидан таъсис этилган экан. Милоддан аввалги VI асрдан бошлаб бу мусобақа ўйинлари Зевс шарафига ўтказиладиган умумнон байрами сифатида нишонланган; бу байрамлар ҳар уч йилда бир марта, гоҳ ёзда, гоҳ қишда ўтказиб турилган; бу мусобақа ўйинлари пайтида ҳар қандай урушларга барҳам берилган, тинчлик қатъий тарзда сақланган.

ган боши ўрнида иккитадан янги бош ўсиб чикарди. Бу ҳам етмагандек, хидрага мадад кучи етиб келади. Ботқоқликдан баҳайбат бир қискичбака ўрмалаб чиқиб, ўткир қискичи билан Ҳераклнинг оёқларини қисиб олади. Шундагина қаҳрамонимиз жияни Иолайни ёрдамга чақиради. Иолай баҳайбат қискичбақани ўлдиради, яқин атрофдаги дарахтларга ўт қўйиб юборади ва ёнаётган дарахт танасини косов қилиб, илоннинг боши узилган бўйинларини жизғинак қилиб куйдира бошлайди. Шунда куйдирилган бўйинларидан бошқа бош ўсиб чикмайди. Ҳидранинг силласи куриб, Зевс ўғлига энди тобора камроқ қаршилиқ кўрсатади. Мана, охири илоннинг боқий боши ҳам узилади. Ваҳшатли махлуқ мағлуб бўлиб, ерга кулайди ва жон беради. Голиб Ҳеракл чуқур ўра казиб, унга Ҳидранинг боқий бошини кўмади ва ёруғ дунёга қайтиб чиқмасин деб, устига маҳобатли қоятош бостириб қўяди. Сўнг у илоннинг қорнини ёриб унинг оғули ўт копига ўз ўқларини ботириб-ботириб олади. Шундан буён Ҳераклнинг ўқидан ҳосил бўлган жароҳатлар ҳеч тузалмас экан. Ҳеракл Тиринфга зўр зафар билан қайтади. Лекин бу ерда уни шох Эврисфейнинг янги топшириғи кутарди.

СТИМФАЛ ҚУШЛАРИ (УЧИНЧИ ЖАСОРАТ)

Эврисфей энди Ҳераклга Стимфал қушларини киришни топширади. Бу қушлар Стимфал шаҳри атрофини буткул ҳаробазорга айлантирган эди. Чангаллари ва тумшуклари мисдан бўлган бу қушлар ҳайвонларга ҳам, одамларга ҳам ҳужум қилишар, уларни чўкиб ўлдиришар, тирноқлари билан гўштларини титишарди. Лекин энг даҳшатли томони шунда эдики, бу қушларнинг патлари қаттиқ биринждан бўлиб, улар осмонда учиб юриб, ердаги ғанимлари устига шу патларини ўқдек ёғдиришлари мумкин эди. Эврисфейнинг бу топшириғини бажариш Ҳеракл учун ниҳоятда мушкул эди. Шунда жангчи маъбуда Афина-Паллада унга ёрдамга келади. У Ҳераклга мисдан ясалган иккита даф беради (уларни тангри Ҳефест ясаган эди). Маъбуда қаҳрамон йигитга қушлар уя қурган ўрмон яқинидаги тепа бошига чиқиб, дафларни баралла овоз билан чалишни, чўчиган қушлар осмонга кўтарилганида, уларни камондан ўқ отиб кийратишни тайинлайди. Ҳеракл Афинанинг айтганини қилади: у тепа бошига чиқиб, дафларни чала бошлайди, шунда жаранглаган овоз ҳамма ёқни тутиб кетади ва чўчиган қушлар гала-гала бўлиб, осмонга парвоз қиладилар-да, ўрмон узра гир-гир айлана бошлайдилар. Улар ўзларининг тиғдек ўткир патларини ерга дўлдек ёғдирадилар, лекин у патлар тепа бошида турган Ҳераклга тегмайди. Шунда қаҳрамонимиз камонидан ажалкаш ўқлар отиб, қушларни кийрата бошлайди. Стимфал қушлари жон ҳовучлаб, булутлардан ҳам юкорига парвоз қилишади. Кейин улар Юнонистон сарҳадидан

хам нарига, Эвскин понти¹ соҳилига учиб кетадилар. Шу-шу кушлар бошқа ҳеч қачон Стимфалга қайтиб келмаган эканлар. Ҳеракл, шундай қилиб, Эврисфейнинг бу тошириғини ҳам бажариб, Тиринфга қайтади, лекин зум ўтмай яна янги топширикни бажаргани – аввалгиларидан ҳам машаққатлироқ жасорат кўрсатгани йўлга равона бўлади.

КЕРИНЕЯ ОҲУСИ (ТҶРТИНЧИ ЖАСОРАТ)

Аркадияда Керинея оҳуси яшаши ва уни маъбуда Артемида гуноҳкор одамларни жазолаш мақсадида бу ёққа юборгани шох Эврисфейга маълум эди. Бу оҳу экинзорларни ғорат қиларди. Эврисфей Ҳераклга шу оҳуни тутиб, тириклайин Микенага олиб келишни буюради. Оҳу ниҳоятда гўзал эди: унинг шохлари олгиндан, оёқлари мисдан эди. У чарчаш нималигини билмай, Аркадиянинг тоғу тошлари, дала-даштларида шамолдек учарди. Ҳеракл бу оҳуни бир йил муттасил қувиб юрди. Оҳу тоғлардан, даштлардан ошар, тубсиз жарлардан сакраб, дарёлардан сузиб ўтарди. У шимол томонга тобора узоклашиб кетиб борарди. Қаҳрамон ҳам уни кўздан йўқотмай, изма-из таъқиб қилиб бораверди. Ниҳоят, Ҳеракл оҳуни қувиб юриб Узок Шимолга – хиперборейлар мамлакатига ва Истр² дарёси сарчашмасига етиб борди. Шу ерга келганда оҳу югуришдан тўхтайди. Ҳеракл уни тутмоқчи бўлади, лекин у чап бериб, яна орқага, жануб томонга ўқдай учиб кетади. Яна таъқиб бошланади. Аркадияга борганидагина Ҳеракл оҳуга етиб олади. Оҳу шунча узок муддат тинимсиз югурган бўлса ҳам, кучини асло йўқотмаган эди. Оҳуни бешикаст қўлга киритишга кўзи етмаган Ҳеракл нишонга беҳато тегувчи ўқларидан фойдаланишга мажбур бўлади. У олтин шохли оҳуни оёғидан жароҳатлайди ва шундагина уни тутиб олади. Ҳеракл бу мўъжизаваш оҳуни елкасига ўнғариб, Микенага олиб кетмоқчи бўлиб турганида, бирдан унинг қаршисида дарғазаб Артемида намоён бўлади.

– Ҳеракл, – дейди у, – бу оҳунинг менга қарашли эканини билмасмидинг? Ушбу севикли оҳуимни яралаб, нечун мени таҳқирладинг? Таҳқирлаган одамни кечирмаслигимни билмасмидинг? Ё сен ўзингни олимпик худолардан ҳам қудратлироқ ҳисоблайсанми?

Ҳеракл соҳибжамол маъбудага эҳтиром билан таъзим қилиб шундай жавоб қилади:

– Ё Латонанинг муаззама қизи, мени айбга буюрма! Камина ҳеч қачон мунаввар Олимпда истиқомат қилгувчи боқий худоларни таҳқирламаганман; мен ҳамиша ул самовий хилқатлар ҳаққига бисёр қурбонликлар

¹ Эвскин понти – Қора денгиз.

² Истр – ҳозирги Дунай дарёси. Юнонлар бу дарёнинг каердан бошланишини билишмаган ва унинг сарчашмаси Узок Шимолда деб тахмин қилишган.

килиб, уларни эъзозлаганман, қолаверса, чақмоқдор Зевснинг ўгли бўлишимга қарамай, ҳеч қачон ўзимни тангриларга тенг қўймаганман. Сенинг охунингни, о маъбуда, ўз ихтиёрим билан эмас, балки Эврисфейнинг буйруғи билан таъқиб қилдим. Ул шоҳга хизмат қилишни менга худоларнинг ўзи амр этишган, бинобарин, Эврисфейга итоат этмасликка ҳаддим сиғмасди!

Шунда Артемида Ҳераклнинг гуноҳидан ўтган экан. Чақмоқдор Зевснинг бузург ўгли Керинея оҳусини Микенага тириклайин олиб бориб, уни Эврисфейга топширган экан.

ЭРИМАНФ ТЎНҒИЗИ ВА КЕНТАВРЛАР БИЛАН ЖАНГ (БЕШИНЧИ ЖАСОРАТ)

Ҳеракл мисоёқ охуни тутиб келганидан кейин ҳам узоқ дам ололмади. Эврисфей унга яна топшириқ берди: энди Ҳеракл Эриманф тўнгизини ўлдириши керак эди. Бу тўнғиз девдай кучли бўлиб, Эриманф тоғида яшар ва Псофис шаҳри атрофидаги экинзорларни муттасил пайҳон қиларди. Шунингдек, у одамларга ҳам хужум қилиб, уларни ўзининг баҳайбат қиличтишлари билан ўлдиради. Ҳеракл шу Эриманф тоғига равона бўлади. У йўл-йўлакай донишманд кентавр Фолнинг олдига кириб ўтади. Кентавр Зевс ўғлини иззат-икром билан қарши олиб, шоҳона зиёфат қилади. Зиёфат чоғида у меҳмоннинг кўнглини овлаш учун май тўлдирилган қаттакон хумни очади. Бу ажиб шаробнинг муаттар ҳиди узоқ-узоқларга таралади ва ўзга кентаврларнинг ҳам димоғига бориб урилади. Шунда кентаврлар хумни очгани учун Фолдан қаттиқ ғазабланадилар, чунки у май нафақат Фолга, балки барча кентаврларга тегишли эди. Кентаврлар Фолнинг уйига бостириб келишади; бу пайт Фол билан Ҳеракл бошларига печак гулдан тож кийишиб, роса мириқиб маишат қилиб ўтиришарди. Кентаврлар дабдурустдан хужумга ўтишади. Лекин Ҳеракл улардан қўрқмайди. У сапчиб ўрнидан туради-да, ўчоқдаги тутаб ётган қатта-қатта қосовларни олиб кентаврларга ота бошлайди. Улар бундай қаршилиққа дош бера олмай қочадилар, Ҳеракл эса ўзининг захарли ўқлари билан кентаврларни жароҳатларди. Қаҳрамон йигит уларни то Малаягача қувиб боради. Малаяда кентаврлар Ҳераклнинг қадрдон дўсти, энг донишманд кентавр Хиронникида паноҳ топишади. Уларнинг орқасидан Хироннинг горига Ҳеракл ҳам изма-из бостириб кириб боради. Киради-ю, ғазаби қайнаб, камонининг чилласини тортиб ўқ узади, ўқ ҳавода яшиндек паррон этиб, кентаврлардан бирининг тиззасини жароҳатлайди. Аммо Ҳеракл ғанимини эмас, балки ўз дўсти Хиронни яралаган эди. Қаҳрамон йигит кимни яралаб қўйганини кўриб қаттиқ изтироб чекади. Ҳеракл шоша-пиша дўстининг жароҳатини ювиб боғлайди, лекин бу уринишлари наф бермайди. Зеро,

Ҳеракл хидранинг ўт пуфагига ботириб олинган захарли ўқларидан ҳосил бўлган жароҳатнинг давоси йўқлигини яхши тушунарди. Энди Хирон ҳам ўзининг минг азобу уқубатда ўлишини биларди. Оқибатда, у жароҳат азобини тортмаслик учун ўз ихтиёри билан Аиднинг зулмат салтанатига рихлат этган экан.

Ҳеракл Хирон билан видолашаркан, чуқур қайғуга ботади ва сал вақтдан кейин, Эриманф тоғига етиб боради. У ерда, куюқ ўрмонзор ичида даҳшатли тўнғизни учратади; Ҳеракл қаттиқ наъра тортиб, тўнғизни ўрмондан чиқишга мажбур этади. Сўнг анча вақтгача тўнғизнинг пайига тушиб қувиб юради ва охири уни тоғ чўққисида қалин қор ичига қувиб киритади. Тўнғиз қорга ботиб юра олмай қолади, шунда Ҳеракл унинг устига ташланиб, оёқ-қўлини боғлайди-да, тириклайин Микенага олиб боради. Эврисфей бу даҳшатли махлуқни кўриб қўрқиб кетганидан биринждан ясалган каттакон хумга тушиб беркиниб олган экан.

ШОҲ АВГИЙНИНГ МОЛХОНАСИ (ОЛТИНЧИ ЖАСОРАТ)

Эврисфей тез орада Ҳераклнинг зиммасига яна янги топширик юклайди. Энди у Элида шоҳи Авгийнинг улкан молхонасини гўнгдан тозалаш керак эди; Авгий нурафшон Ҳелиоснинг ўғли эди. Қуёш худоси унга бениҳоя кўп молу давлат берган эди. Айниқса, унинг подалари, сурувлари, уюрлари беҳисоб эди. Шоҳнинг подалари ичида оёқлари қордек оппоқ уч юзта буқа, Сидон матоси янглиғ тўқ қизил икки юзта буқа, яна тангри Ҳелиосга назр қилинган худди оққушлардек оппоқ ўн икки буқа бор эди, лекин бир буқа ўзининг ғайритабиий гўзаллиги билан бошқаларидан ажралиб, мисоли юлдуздек порлаб турарди. Ҳеракл, агар Авгий ўз подаларининг ўндан бирини берса, унинг бепоён молхоналарини гўнгдан бир кунда тозалаб беражagini айтади. Авгий бу шартга рози бўлади. Чунки бундай улкан ишни бир кунда бажариш мумкинлигига шоҳнинг кўзи етмасди. Лекин Ҳеракл бу ишни бажаради: у молхонанинг бир-бирига қарама-қарши икки деворини бузади-да, Алфей ва Пеней дарёларининг сувини шу молхона томон оқизади. Бу икки дарёнинг суви молхонадаги бутун гўнгни бир кунда оқизиб чиқиб кетади-ю, Ҳеракл деворларни яна тиклайди. Сўнг у ўз муздини талаб қилиб шоҳ Авгий қошига боради, лекин шоҳ берган ваъдасининг устидан чиқмайди: подасининг ўндан бирини Ҳераклга беришдан бош тортади. Шунда Ҳеракл Тиринфга қуппа-қурук қайтган экан.

Кейинчалик Ҳеракл субутсиз Элида шоҳидан ёмон ўч олган эди. Орадан бир неча йил ўтиб, у Эврисфей хизматидан озод бўлгач, катта қўшин тўплаб Элидага бостириб боради, бешафқат қонли жангда Авгий устидан ғалаба қозонади ва уни ўзининг ажалкаш тири билан маҳв қилади. Бу му-

заффариятдан кейин Ҳеракл бутун қўшини ва қўлга киритилган беҳисоб ўлжаларни Писа шаҳри яқинига олиб боради: бу ерда у олимпик худоларга бағишлаб қурбонликлар қилади ва Олимпия ўйинларини¹ таъсис этади. Шундан бошлаб бу ўйинлар ҳар тўрт йилда муқаддас майдонда ўтказилиб туради. Бу майдоннинг атрофига Ҳеракл маъбуда Афина-Палладага бағишлаб ўз қўли билан зайтун ниҳолларини ўтказиб чиққан эди.

Ҳеракл Авгийнинг барча муттафиқларидан ҳам қасос олади. Бу қасосдан Пилос шоҳи Нелей, айниқса, кўпроқ талафот кўради. Қўшин билан Пилосга яқин келган Ҳеракл шаҳарни қўлга олиб, Нелейни ва унинг ўн бир ўғлини ўлдирди. Нелейнинг ўғли Периклимен ҳам омон қолмади. Денгиз ҳукмдори Посейдон унга шер, илон ва асаларига айланиш иқтидорини берганди. Ҳеракл уни асаларига айланиб, Ҳераклнинг жангаробасига қўшилган отлардан бирига қўнганида ўлдирди. Нелейнинг ўғилларидан биттасигина – Нестер омон қолди. Нестер кейинчалик ўзининг жасоратлари ҳамда буюк донишмандлиги билан юнонлар орасида шуҳрат топди.

КРИТ БУҚАСИ (ЕТТИНЧИ ЖАСОРАТ)

Ҳеракл Эврисфейнинг еттинчи топширигини бажариш учун Юонистонни тарк этиб, Крит оролига равона бўлади. Эврисфей қахрамонга Крит буқасини тутиб Микенага олиб келишни буюрган эди. Бу буқани Европанинг ўғли, Крит шоҳи Миносга зилзилакор тангри Посейдон юборган эди; Минос бу буқани Посейдон шарафига қурбонлик қилиши лозим эди. Лекин Минос шундай чиройли буқани қурбонликка сўйишни истамади – у буқани ўз подасида олиб қолиб, Посейдонга атаб ўз буқаларидан бирини қурбонлик қилади. Миноснинг бу рафторидан Посейдон қаттиқ ғазабланади ва ўзи тўхфа этган буқани кутуртиради. Кутурган буқа бу-

¹ Олимпия ўйинлари – умумюнон байрамлари ичида энг муҳими; бу ўйинлар тўрт йилда бир марта ўтказилар ва олимпик Зевсга бағишланар эди. Ўйин пайтида бутун Юонистонда тинчлик эълон қилинарди. Юонлар милоддан аввалги 776 йилда ўтказилган ўйинни биринчи олимпиада деб ҳисоблаганлар ва йил ҳисобини шу Олимпия ўйинлари бўйича олиб борганлар. Олимпия ўйинлари милодий 394 йилгача давом этиб келган: кейин император Феодосий бу ўйинларни христиан динига номувофик деб топиб, уларни бекор қилган. Олимпия ўйинлари байрами ёзда энг узун кун (22 июнь)дан кейинги биринчи тўлин ой пайти бошланиб, 5 кун давом этган. Бу ўйинлар пайтида югуриш, кураш, муштлашиш, найза ва лаппак отиш, жангаробалар пойгаси бўйича мусобақалар ўтказиларди. Мусобақага ҳеч қандай жиноятга қўл урмаган номи пок озод юнонлар қатнашиши мумкин эди. Ғолиблар олимпиклар деб аталарди; улар муқаддас зайтун новдасидан тўқилган гултож ва норжил новдаси билан тақдирланганлар.

тун орол бўйлаб шаталоқ отиб югуриб, йўлида учраган ҳамма нарсани пайхон қила бошлайди. Ҳеракл мана шу букани тутиб олиб, уни ўзига бўйсундирди. У буканинг кенг сағрисига миниб, денгиз орқали Крит оролидан Пелопоннесга сузиб ўтади. Ҳеракл букани Микенага олиб келади, аммо Эврисфей Посейдоннинг буқасини ўз салтанатида ушлаб туришдан кўриб, уни бўшатиб юборади. Қутурган буқа яна эркин эканлигини ҳис этиб, бутун Пелопоннес бўйлаб шимол томонга югуради ва, ниҳоят, Аттикадаги Марафон майдонига етиб боради. Шу ерда букани афиналик қахрамон Тесей тутиб ўлдиради.

ДИОМЕДНИНГ ОТЛАРИ (САККИЗИНЧИ ЖАСОРАТ)

Ҳеракл Крит буқасини тутиб келганидан кейин, Эврисфейнинг топшириғи бўйича, Фракияга, бистонлар шоҳи Диомед ҳузурига йўл олади. Бу шоҳнинг гўзалликда ва куч-қудратда қиёси йўқ отлари бор эди. Отлар охурга йўғон занжирлар билан банд этилган эди, чунки уларга ҳеч қандай тушов дош бера олмасди. Шоҳ Диомед бу отларни одам гўшти билан боқарди. У шаҳарга келиб қолган барча мусофирларни отларнинг охурига ем қилиб ташларди. Ҳеракл ўз ҳамроҳлари билан мана шу Фракия шоҳи ҳузурига боради. У Диомеднинг отларини қўлга киритади ва уларни ўз кемасига олиб кетади. Ҳеракл қирғоққа етганида ортидан Диомед ўзининг жангари фуқароси – бистонлар билан қувиб етиб боради. Шунда Ҳеракл отларни дўсти Ҳермесзода Абдер ихтиёрига топширади, ўзи Диомед билан жанг қила бошлайди. Гарчи Ҳераклнинг сафдошлари оз бўлса ҳам, барибир, Диомед мағлубиятга учраб, жангда ҳалок бўлади. Ҳеракл кемага чиқади. Қай кўз билан кўрсинки, ваҳший отлар шўрлик Абдерни тилка-пора қилиб ташлашипти! Бундан Ҳераклнинг қалби қаттиқ изтиробга тушади. У суюкли дўстининг дафн маросимини дабдаба билан ўтказади, қабри устида баланд тепа барпо этади, қабр яқинида эса янги бир шаҳар бунёд этиб, унга Абдера деб ном қўяди. Кейин у Диомеднинг отларини Эврисфейга олиб келиб топширади, аммо шоҳ уларни бўшатиб юбориш ҳақида фармон беради. Отлар қуюқ ўрмон билан қопланган Ликейон тоғига¹ қочиб кетишади ва ўша ерда ваҳший хайвонларга ем бўлишади.

¹ Ликейон – Пелопоннесдаги тоғ.

ҲЕРАКЛ АДМЕТНИНГ МЕҲМОНИ

Еврипиднинг «Алкестида» фожiasi бўйича баён қилинади

Ҳеракл Диомеднинг отларини олиб келиш учун Фракияга кемада сузиб бораётганида, йўл-йўлакай Фера шахрига кириб, дўсти Адметни кўриб ўтишни ихтиёр қилади.

Борса, Фера шохининг уйи мотамда. Унинг хотини Алкестида ўлимини кутиб ётаркан. Бир вақтлар қисмат маъбудалари – муаззама мойралар Аполлоннинг илтимоси билан: Адмет жони узилиши арафасида, агар бирон кимса ўз ихтиёри билан унинг ўрнига зимистон Аид салтанатига рихлат этишга рози бўлса, ўлимдан кутулиб қолиши мумкин деган қарорга келган эдилар. Мана, Адмет ўладиган пайт яқинлашибди, шунда у қартайиб, мункиллаб қолган ота-онасига юзланиб, биронтангиз менинг ўрнимга ўлишга рози бўлинг, деб илтижо қилган, лекин ота-онаси бунга рози бўлишмаганди. Фера фуқаросидан ҳам биронтаси ўз ихтиёри билан шоҳ Адмет ўрнига жон қазо қилишни истамаганди. Шунда Адметнинг навнихол, соҳибжамол завжаси Алкестида севимли эри учун жонидан кечишга рози бўлганди.

Адмет вафот этиши лозим бўлган кунда унинг хотини жон таслим қилишга ҳозирлана бошлайди. У ғул қилиб, ўлимлик либосларини кияди, тақинчоқларини тақади. Сўнг уйдаги ўчоқ ёнига бориб, хонадонга бахт-икбол улашувчи маъбуда Ҳестияга юзланиб, азтахидил тавалло қила бошлайди:

– Ё муаззама маъбуда! Охирги марта қаршингда тиз чўкиб сажда қилмоқдаман. Муножотимга қулоқ ос: орқамда қолаётган етимчаларимни химоятингга ол, зеро, мен бугун бадқовоқ Аид салтанатига рихлат этгум. Болаларимни мен сингари бевақт ўлимдан асра! Илоҳо, улар шу ерда, ўз ватанларида бадавлат ва бахтиёр ҳаёт кечирсинлар!

Кейин Алкестида худоларнинг барча меҳробларини зиёрат қилиб, уларни муаттар марсин¹ новдаси билан безади.

Нихоят, у ўз хобгоҳига кирди-да, тўшагида ётиб юм-юм йиғлай бошлады. Фарзандлари – ўғли билан қизи унинг тепасига келишди. Улар оналарининг кўксига бошларини қўйиб, фарёд солиб, аччиқ кўзёш тўқдилар. Алкестиданинг жориялари ҳам хўнграб йиғлашди. Адмет бу оғир жудаликка чидай олмай, навнихол хотинини бағрига босганча, мени ташлаб кетма, деб илтижо килди. Алкестида ўлимга тайёр, мана, худолар учун ҳам, бандалар учун ҳам манфур ўлим худоси Танат Фера шоҳи саройига товуш чиқармай яқинлашиб келмоқда: у Алкестиданинг сочидан бир тутамини шамшири билан кесиб олиши керак. Ҳатто, зулфизар Аполлон

¹ *Марсин* – хамиша ям-яшил хушбўй бута ўсимлиги.

ҳам ўз арзандаси Адметнинг рафикаси ўлимини бир оз кейинга суришни Танатдан илтимос қилади, аммо бадкирдор ўлим худоси ўз аҳдидан қайтмайди. Алкестида ўлими яқинлашганини сезади. У даҳшатга тушиб, шундай нола қилади:

– Ана, ўлганлар руҳини ташувчи Харон ўзининг икки эшакли қайиғида сузиб келмоқда, у қайиқни мен томон йўналтираркан, овозининг борича шундай деб кичқиради: «Нечун имиллаяпсан? Қани, бўлақол! Шошил! Вақт зиқ! Бизни куттирма! Ҳамма нарса муҳайё! Қани, тез бўлақол!» Қўйворинглар мени! Оёқларим совий бошлади, ажалим яқин. Зулмат тун кўзларимга қора шарпасини ёпди! Болаларим, нуридийдаларим! Онангиз энди ўлди! Бахтли яшанглар! Адмет, сенинг ҳаётинг мен учун ўз ҳаётимдан ҳам қадрлироқ эди. Яхшиси, энди куёш ўз нурини менга эмас, сенга сочсин. Адмет, фарзандларимизни сен ҳам мендан кам севмайсан. Ўтинаман сендан, агар болаларимизнинг кўнгли оғримасин десанг, уйга ўғай она олиб келма!

Шўрлик Адмет бу гапларни эшитиб изтироб чекади.

– Алкестида, ҳаётимиз қувончини бутунлай ўзинг билан олиб кетяпсан! – дейди у. – Энди мен умрбод сенинг ҳасратингни чекиб ўтаман. Худолар, худолар, дилбар хотинимни тортиб оляпсизлар-а!

Алкестида зўрға пичирлаб дейди:

– Алвидо! Мана, кўзларим мангу юмилди. Алвидо, нуридийдаларим! Энди мен йўқман. Алвидо, Адмет!

– Яна бир бор кўзингни оч! Фарзандларингга раҳм қил! Бу кунимдан кўра, менинг ҳам жонимни олақолсинлар, – дейди Адмет хўнг-хўнг йиғлаб.

Алкестиданинг кўзлари юмилиб, жисми совийди. У қазо қилади. Адмет мархуманинг тепасида бетаскин фарёд чекаркан, ўзининг талх қисматидан нолийди.

У одамларига дафн маросимини дабдаба билан ўтказиш учун тайёргарлик кўриш ва аёллар ичида энг нодираси бўлган хотинига саккиз ой мутгасил аза тутиш ҳақида фармон беради. Бутун шаҳар мотам тутган, зеро, бу саховатли маликани бутун эл бирдек яхши кўрар эди.

Лекин мархуманинг жасадини қабристонга олиб бориб, даҳмага қўйишмоқчи бўлишганда, шаҳарга Ҳеракл ташриф буюради. У тўғри шох саройи томон йўл олади ва дўстини сарой дарвозаси олдида учратади. Адмет қалқонбардор Зевснинг ўғлини иззат-эҳтиром билан кутиб олади. У азиз меҳмоннинг дилини оғритмаслик учун қайғусини ундан сир тутди. Аммо Ҳеракл дўстининг қаттиқ ҳасратда эканлигини бир қарашдаёқ пайқайди ва бундай нохуш кайфиятнинг боиси нима, деб сўрайди. Адмет мавҳум жавоб қилади, шунда Ҳеракл дўстимнинг биронта узоқ қариндоши қазо қилган бўлса керак, деган хулосага келади. Адмет хизматкорларига

Ҳераклини меҳмонхонага бошлаб кириб, яхшилаб зиёфат қилишни, азадор аёлларнинг йигиси меҳмонга эшитилмасин учун ичкари ҳовли эшигини танбалаб қўйишни буюради. Дўстининг бошига қандай оғир кулфат тушганидан ғофил Ҳеракл шоҳ саройида хушчақчақлик билан ишрат қилиб ўтираверади. У пайдар-пай қадах кўтаради. Лекин меҳмоннинг шодмонлиги унинг хизматидаги сарой ходимларига малол келади: ахир улар ардоқли бекалари – маликадан жудо бўлган эдилар-да. Улар Адметнинг фармониغا амал қилиб, бошларига тушган оғир жудоликни сир сақлашга қанчалик уринишмасин, барибир, Ҳеракл уларнинг кўзларидаги ёшни, чехраларидаги маҳзунликни пайқаб қолади. У хизматкорлардан бирини ўзи билан ишрат қилишга чақиради, «май ичсанг юрак дардинг арийди, чехранг ёришиб, манглайингдаги ажинлар ғойиб бўлади», – дейди унга. Лекин хизматкор май ичишдан бўйин товлайди. Шунда Ҳеракл Адметнинг хонадони ғамхонага айланганини фаҳмлайди. У, не ҳол юз берди, деб хизматкордан ҳадеб сўраб суриштиравергач, охири хизматкор унга жавобан бундай дейди:

– Эй мусофир, бугун маликамиз Аид масканига рихлат этди.

Ҳеракл ғамга ботади. У шундай оғир жудоликка учраган дўстининг уйида бошига гултож кийиб маишат қилиб ўтирганидан қаттиқ хижолат бўлади. Ҳеракл, бошига шундай оғир мусибат тушганига қарамай, уни меҳмоннавозлик билан қарши олган дўстига бир яхшилик қилмоқчи бўлади. Шу заҳоти у машъум ўлим худоси Танатдан унинг ўлжаси – Алкестидани тортиб олишга қарор қилади.

У хизматкордан Алкестиданинг дахмаси қаердалигини сўраб билиб олиб, ўша ерга шошилади. Ҳеракл дахма панасига беркиниб олиб, Танатнинг марҳума қонини сўргани учиб келишини кута бошлайди. Мана, ўлим худосининг қанот қоқиб учиб келаётгани эшитилади, худди лаҳаддан ажал уфургандек совуқ шамол эсади, офаткаш ўлим худоси дахма ичига учиб киради ва марҳуманинг қонини сўра бошлайди. Шунда Ҳеракл пистирмадан отилиб чиқиб, Танатга ташланади ва ўлим худосини қудратли қўллари билан маҳкам кучоқлаб олади. Ўртада даҳшатли жанг бошланади. Ҳеракл бутун кучини ишга солиб, ўлим худосига ҳамла қилади. Лекин Танат ўзининг қоксуяк қўллари билан Ҳераклнинг кўксини эза бошлайди, қаҳрамоннинг юзига муздек совуқ нафас уфуради, елпиниб турган қанотларидан жонни суғуриб олувчи бадкор шамол эсади. Шунга қарамай, чақмоқдор Зевснинг қодир ўғли Танатни енгади. У ўлим худосини чандиб боғлаб, агар марҳумани қайта тирилтирсагина, уни озод қилажагини айтади. Танат бу шартга рози бўлади ва Алкестиданинг жонини қайтариб беради. Қудратли қаҳрамон Алкестидани саройга – эрининг хузурига бошлаб кетади.

Энди гапни Адметдан эшитинг: у хотинини дафн қилиб саройга қайтгач, аччиқ кўзёш тўкиб, беназир рафиқасига аза тута бошлайди.

Унинг юраги сиқилади, сарой Алкестидасиз хувиллаб қолгандек туюлади унга. Энди бошини қаёққа урсин? Адмет ўлганларга ҳавас қила бошлайди. Ҳаёт унга манфур бўлиб кўринади. У ўлишни истайди. Унинг бутун бахту иқболини Танат ўғирлаб, Аид салтанатига олиб кетди. Севикли маҳбубасидан жудо бўлишдан-да оғир мусибат борми дунёда! У Алкестидан билан бирга жон таслим қилмаганига ўқинади, шундай қилганида ўлим икковларини яна бир-бири билан қовуштирган бўларди. Шунда Аиднинг бандалари бир эмас, иккита вафодор рухга кўпаярди. Бу икки рух Ахеронт дарёсидан бирга сузиб ўтган бўлишарди. Шу чоғ бирдан мотамсаро Адмет қаршисида Ҳеракл гавдаланади. У бошига уртук ёпинган бир аёлнинг кўлидан етаклаб келарди. Ҳеракл бу аёлни оғир жанг қилиб қўлга киритганини айтади ва то Фракиядан қайтиб келгунича уни ўз қасрида сақлашни Адметдан илтимос қилади. Лекин Адмет рози бўлмайди, уни бошқа одамга топширакол, деб илтимос қилади у Ҳераклдан. Суюкли ёридан жудо бўлган бир пайтда ўз уйида бегона аёлни кўриш Адмет учун жуда оғир эди. Аммо Ҳеракл ўз сўзида қаттиқ туради, ҳатто, Адметдан бу аёлни саройга ўзи етаклаб киришини талаб қилади. Сарой хизматчиларини аёлга яқин йўлатмайди. Ахири Адмет дўстининг илтимосини ерда қолдира олмай, аёлни саройга бошлаб кириш учун унинг кўлидан ушлайди. Шунда Ҳеракл унга такаллум қилади:

– Адмет, сен бу аёлнинг кўлидан тутдинг! Уни кўз қорачиғингдек асра! Ана энди сен мени, яъни Зевс ўғлини, садоқатли дўстим, деб айтишинг мумкин. Сен бу аёлнинг жамолига бир бок! Қара, у умр йўлдошинг Алкестидага ўхшамасмикин? Ҳасратни тарк эт! Яна аввалгидек хушбахт яшайвер, дўстим!

Адмет аёл ёпинган уртукни кўтаради.

– Ё, кодир худолар, – деб ҳайқириб юборади у шунда. – Ахир бу завжам Алкестидан-ку! Йўк, йўк, бу унинг арвохи, холос! Зеро, у гунг, шу чоққача бир оғиз ҳам калима айтмади.

– Йўк, дўстим, бу арвоҳ эмас, – жавоб қилади Ҳеракл. – Бу Алкестиданинг ўзи. Мен уни рухлар султони Танат билан бўлган шафқатсиз жангда қўлга киритдим. Алкестидан то ер ости худолари йўлига садақа, курбонлик қилиб, уларнинг таъсиридан фориғ бўлмагунча гапиролмайди, хотининг уч кечаю уч кундуз гапирмайди; шундан кейингина тилга киради. Энди менга рухсат, дўстим! Алвидо! Бахтли бўл ва менинг падарим – Зевснинг ўзи фатво берган буюк меҳмоннавозлик одатига ҳамиша амал қил!

– Эй, Зевснинг буюк ўғли, ҳаётимга сен яна қувонч бахш этдинг! – дейди Адмет. – Сенга қандай миннатдорчилик билдирсам экан? Уйимда меҳмон бўлиб қол. Мен барча музофоту вилоятларимда сенинг бу зафарингни байрам қилиб нишонлашлари ҳақида фармон чиқараман, худоларга багишлаб тоғ-тоғ курбонликлар қилдираман. Ёнимда қол!

Лекин Ҳеракл бу ерда қолмади: у Эврисфейнинг топшириғини бажариши – Диомед отларини қўлга киритиб, Эврисфейга элтиб бериши лозим эди.

ИППОЛИТАНИНГ БЕЛБОҒИ (ТЎҶҚИЗИНЧИ ЖАСОРАТ)

Ҳеракл тўққизинчи жасоратни бажариш учун амазон аёллар мамлакатига бориб, уларнинг маликаси Ипполитанинг белбоғини олиб келиши керак эди. Бу белбоғни Ипполитага уруш худоси Арес совға қилган, малика уни барча амазонлар устидан ҳокимлик тимсоли сифатида боғлаб юрар эди. Белбоғ Эврисфейнинг қизи – маъбуда Ҳеранинг коҳинаси Адметага ёқиб қолади. Эврисфей қизининг хоҳишини бажариш учун Ҳераклни ўша белбоғни олиб келишга юборади. Зевс ўғли бир гуруҳ азамат йигитлар билан кемада узоқ денгиз сафарига чиқади. Ҳераклнинг лашкари оз миқдорда бўлса ҳам, улар ичида шавкатли қаҳрамонлар анча-мунча эди; ҳатто, Аттика қаҳрамони Тесей ҳам Ҳераклга ҳамроҳ бўлган эди. Узоқ сафарга чиққан қаҳрамонлар Эвксин понтининг энг олис соҳилига боришлари керак эди. Амазон аёллар мамлакати ва бу мамлакатнинг пойтахти Фемискира ўша ёқда эди. Ҳеракл кетатуриб, йўл-йўлакай Парос оролида лангар ташлайди; бу оролда Миноснинг ўғиллари ҳокимлик қилардилар. Ана шу Миносзодалар Ҳераклнинг икки ҳамроҳини ўлдириб қўядилар. Бундан қаттиқ ғазабланган Ҳеракл шу заҳоти Миносзодаларга қарши уруш очади. У Парос аҳолисининг анча-мунчасини маҳв этади, қолганларини шаҳарга ҳайдаб киритиб, уларни қамал қилиб тураверади. Ниҳоят, қамал азобига дош беролмаган халқ Ҳеракл олдига элчи юбориб, унинг ҳалок бўлган дўстлари ўрнига ўз ичларидан икки қаҳрамон йигитни олишга рози бўлишини сўрайдилар. Шундан кейингина Ҳеракл қамални бекор қилади ва ўлган ҳамроҳлари ўрнига Миноснинг набиралари – Алкей билан Сфенелни ўз лашкари сафига олади.

Ҳеракл Паросдан жўнаб, йўл-йўлакай шоҳ Ликнинг салтанати Мизияда ҳам тўхтади. Шоҳ уни улкан меҳмоннавозлик билан кутиб олади. Лекин айни шу пайт, кутилмаганда бебриклар шоҳи Мизияга бостириб келади. Ҳеракл ўз йигитлари билан жангга отланиб, бебриклар шоҳи устидан ғалаба қозонади, унинг пойтахтини ғорат қилади, бебрикларга қарашли бутун ўлкани шоҳ Ликка олиб беради. Лик бу ўлкани Ҳеракл шарафига Ҳераклия деб атади. Шундан сўнг Ҳеракл яна сафарга чиқиб, ахири амазон аёллар шаҳри Фемискирага етиб боради.

Зевс ўғлининг жасоратлари ҳақидаги овозалар амазон аёллар мамлакатига ҳам аллақачон етиб келган экан. Шунинг учун, Ҳеракл кемаси Фемискира бандаргоҳида лангар ташлаганида, амазон аёллар ўз маликалари

билан унга пешвоз чиқадилар. Улар ўз ҳамроҳлари ичида мисоли боқий тангридек ажралиб турган Зевс ўғлига таажжуб билан боқадилар. Малика Ипполита Ҳераклга такаллум қилади:

– Сўзла, чакмоқдор Зевснинг шавкатли ўғлони: шаҳримизга не мақсадда ташриф буюрдинг? Ниятинг хайрлими, ё бизга қарши уруш очмоқчимисан?

Ҳеракл маликага шундай жавоб қилади:

– Малика, мен юртингга қўшиним билан серталотум уммонда узок вақт сузиб, ўз ихтиёрим билан келганим йўқ; мени бу ерга Микена шоҳи Эврисфей юборди. Шоҳ қизи Адметанинг кўнгли тангри Арес сенга туҳфа этган белбоғни тусаб қолипти. Эврисфей менга шу белбоғингни қўлга киритишни амр этди!

Талабни рад этишга Ипполитанинг тили бормайди. У белбоғни ўз ихтиёри билан Ҳераклга топширмоқчи бўлади, лекин сармаъбуда Ҳера ўзи учун мудом манфур бўлган Ҳераклни шу ерда жувонмарг қилмоқчи бўлади; у амазон аёл қиёфасига кириб, ўзини оломон орасига уради ва жангчи жувонларни Ҳеракл лашқарига қарши тезлай бошлайди.

– Ҳеракл ёлгон гапирди, – дейди Ҳера амазон аёлларга, – у юртимизга бадният билан келган: бу қахрамон маликамиз Ипполитани ўғирлаб кетиб, уни ўз уйида чўри қилиб ишлатмоқчи.

Амазон аёллар Ҳеранинг гапига ишонишади. Улар дарҳол курулланишиб, Ҳеракл йигитларига хужум қилишади. Амазон аёллар қўшини олдида Аэлла от устида қуюн мисоли елиб келарди. У биринчи бўлиб Ҳераклга уммон тўлқинидек ҳамла қилади. Лекин қахрамон унинг ҳужумини қайтаради, Аэлла ортга қочади. У жадаллик билан қочиб, қахрамондан қутулиб қолишни ўйлаганди.

Бироқ Ҳеракл Аэллага етиб олиб, обдор шамшири билан уни маҳв этади. Амазон аёл Протоя ҳам жангда ҳалок бўлади. Протоя Ҳераклнинг ҳамроҳларидан етти азаматни ўз қўли билан гумдон қилган эди, лекин ўзи Зевс ўғлининг камонидан отилган ўққа чап бера олмай ҳалок бўлади. Ҳераклга етти нафар амазон аёл баравар ҳамла қилади: улар маъбуда Артемиданинг ҳамроҳлари эди: найза отиш санъатида ҳеч ким уларга тенг кела олмасди. Аёллар ўзларини қалқонлар панасига олиб, Ҳераклга найзалар улоқтирадилар, лекин найзалар Ҳераклни ёнлаб ўтади. Шунда Зевс-зода бу жангчи аёлларнинг барини ўз гурзиси билан маҳв қилади; амазон аёллар пайдар-пай ерга қулаб жон берадилар. Ҳеракл аёллар қўшинига қўмондонлик қилган Меланиппани, унга қўшиб Антиопани ҳам асир олади. Шундан сўнг, сертахдид жангчи аёллар мағлубиятга учраб, орқага чекинадилар, лекин шу чекиниш пайтида қахрамон йигитлар уларни қувиб бориб, анча-мунчаларини қириб ташлайдилар. Оқибат, амазон аёллар Ҳеракл билан сулҳ тузадилар. Малика Ипполита иқтидорли Меланиппа-

ни ўз белбоғига айирбошлаб олади, Антиопани эса, қахрамонлар ўзлари билан олиб кетадилар. Ҳеракл бу кизни жангда улкан жасорат кўрсатган Тесейга тухфа этади. Ҳеракл Ипполитанинг белбоғини шу тарзда қўлга киритган экан.

ҲЕРАКЛ ЛАОМЕДОНТНИНГ ҚИЗИ ҲЕСИОНАНИ ҚУТҚАРАДИ

Ҳеракл амазон аёллар мамлакатидан Тиринфга қайтаётиб Трояда тўхтади. Қахрамонлар шаҳар яқинидаги қирғоққа сузиб келишганида ғоят кўнгилсиз манзаранинг шоҳиди бўладилар. Улар шундоққина сув бўйидаги қояга занжирбанд этилган соҳибжамол қизни кўриб ҳайрон қоладилар. Бу – Троя шоҳи Лаомедонтнинг қизи Ҳесиона эди. Бу қиз ҳам Андромеда сингари денгиз махлуқига ем бўлиши лозим эди. Гап шундаки, Посейдон билан Аполлон Зевснинг амри билан Троя атрофини юксак девор билан ўраган эдилар, лекин Лаомедонт бу икки тангрига берган ваъдасига вафо қилмай, уларнинг хизмат ҳақини тўлашдан бўйин товлайди. Бу такаббур шоҳ Зевснинг ҳукми билан унга хизмат қилиши лозим бўлган икки маъбуд – Посейдон билан Аполлонга, агар мендан ҳақ талаб қилсанглар, кулоқларингни кесиб оламан, деб пўписа ҳам қилади. Бу адолатсизликдан қаҳри қайнаган Аполлон Лаомедонтнинг бутун юртига ўлат тарқатади. Посейдон эса, бу ўлкага баҳайбат денгиз махлуқини юборади ва бу махлуқ Троянинг теварак-атрофини ғорат ва пайҳон қила бошлайди. Лаомедонт фақат ўз қизини қурбон қилгандагина мамлакатни мудҳиш офатдан халос этиши мумкин эди. Шунда у ноиложликдан денгиз бўйидаги қояга қизи Ҳесионани занжирбанд қилган эди.

Ҳеракл бу бахти қаро қизни фалокатдан қутқаришга аҳд қилади, лекин у Троя шоҳи олдига шарт қўйиб, ундан бу хизмати эвазига Зевс берган отларни талаб қилади. Воқеа бундай бўлган эди: бир вақтлар Зевснинг бургути Лаомедонтзода Ганимедни ўғирлаб Олимпга олиб чиқиб кетган эди. Зевс шу йигитча учун Троя шоҳига тўлов тариқасида ажойиб отларни ҳадя этган эди. Ҳеракл шохдан ана шу отларни сўрайди. Лаомедонт Ҳераклнинг талабини бажаришга рози бўлади. Шунда бузург қахрамон трояликларга тупроқ олиб келиб, соҳилда ғов ҳосил қилишни буюради, сўнг шу ғов панасига яширинади. Ҳеракл ўзини панага олган ҳамоно бирдан денгизда пўргана кўтарилиб, баҳайбат махлуқ сув бетига сузиб чиқади ва ўрамисол оғзини катта очганча Ҳесионага ташланади. Шунда Ҳеракл бор овози билан наъра тортиб, ғов ортидан югуриб чиқади ва ду-дама шамширини махлуқнинг кўксига сопигача санчади. Шундай қилиб, Ҳеракл Ҳесионани ўлимдан қутқаради ва Лаомедонтдан шартлашилган отларни талаб қилади. Лекин ажойиб отларни Ҳераклга беришга шохнинг

кўзи киймайди, у лафзида турмайди, ҳатто, дўқ-пўписа билан Ҳеракли Троядан ҳайдаб ҳам юборади. Буюк қахрамон ғазабини ичига ютадию Лаомедонт юртини тарк этади. Ҳозир у бу бевурд шохдан интиком ола олмасди, чунки сипоҳларининг сони жуда оз, Трояни ўраб олган юксак деворлар метиндек мустаҳкам эди. Шаҳарни узоқ муддат камал қилиб туриш учун эса, имконияти йўқ эди: Ипполитанинг белбоғини шошилинч равишда Микенага етказиши лозим эди.

ҲЕРИОННИНГ СИГИРЛАРИ (ЎНИНЧИ ЖАСОРАТ)

Ҳеракл амазон аёллар мамлакатига қилган сафаридан қайтгач, орадан сал вақт ўтар-ўтмас яна бир жасорат кўрсатгани йўлга чиқади. Эврисфей энди унга алп Ҳерионнинг сигирларини Микенага ҳайдаб келишни буюради. Хрисаор билан Океан қизи Каллироянинг ўғли паҳлавон Герион жуда олисда яшарди. Ҳеракл замин ғарбидаги энг чекка сарҳадга бориши лозим эди: мунаввар куёш худоси Ҳелиос ҳар куни окшомда шу ерга гориб бўлар эди. Бу олис сафарга Ҳеракл ёлғиз жўнайди. У Африкадан, Ливиянинг гиёҳ ҳам унмайдиган тақир даштларидан, ёввойи бадавийларнинг мамлакатидан ўтиб бориб, ниҳоят, ер юзининг энг чеккасига етади. Ҳеракл ўз жасоратидан мангу ёдгорлик сифатида бу ерда торгина бўғознинг икки қирғоғига иккита маҳобатли тош устун ўрнатади¹.

Шундан кейин Ҳеракл то мўйсафид Океан қирғоғига етиб олгунча яна узоқ йўл босади. У манзилга етиб бориб, мангу шовулловчи Океан соҳилига тушиб, чуқур ўйга толади. У Ҳерион пода бокиб юрган Эрифейя оролига қандай ўтиб олиш ҳақида бош қотирарди. Кун оғиб, кеч кираётган эди. Шу пайт кўкда Ҳелиоснинг жангаробаси кўринади, у Океан суви томон тушиб келарди. Куёшнинг ёрқин шуъласи Ҳераклининг кўзини камаштиради, ҳарорати баданини жизғанак қилиб куйдиради. Бу ҳолдан ғазабланган Ҳеракл ўрнидан туриб кетиб, дарҳол қўлига офаткаш камонини олади, лекин унинг бу рафторидан Ҳелиос ранжимади; у қахрамонга юзини ўгириб, мулойим жилва қилади: зеро, бу йигитнинг ғайритаъриф жасорати унга мақбул бўлган эди. Ҳелиос Ҳераклга Эрифейя оролига ўзининг олтин қайиғида сузиб ўтишни таклиф қилади; куёш маъбуди ҳар куни кечкурун ўз тулпорлари ва жангаробаси билан заминнинг ғарбий сарҳадидан шарқий сарҳадидаги олтин қасрига шу қайиқда сузиб ўтар эди. Ҳелиоснинг таклифидан қувониб кетган Ҳеракл олтин қайиққа дадил сакраб ўтади ва зумда Эрифейя соҳилига етиб олади.

¹ Жабал аг-Торик (Гибралтар) ва Сеут бўғозининг икки қарама-қарши соҳилидаги икки қоя қадимда Ҳеракл ёхуд Ҳеркулес устунлари деб юритилган. Ҳеракл ўзининг Океан сари қилган саёҳати сарҳадини шу қоялар (устунлар) билан белгиллаган экан.

Лекин Ҳеракл оролга қадам қўйиши билан икки бошли бадқаҳр кўппак Орфо унинг исини олади ва акиллаб қаҳрамонга ташланади. Ҳеракл оғир гурзиси билан бир уриб, кўппакни ўлдиради. Бироқ Ҳерионнинг подаларини кўриқлаётган фақат Орфогина эмас эди. Ҳеракл яна Ҳерионнинг подачиси алпкелбат паҳлавон Эвритион билан ҳам олишишга мажбур бўлади. Зевс ўғли бир зумда бу паҳлавоннинг суробини тўғрилаб, Ҳерионнинг сигирларини Ҳелиоснинг олтин қайиғи турган қирғоқ томон ҳайдай бошлайди. Шу пайт Ҳерион сигирларининг маъраганини эшитиб қолиб, пода ўтлаб юрган ерга боради. Бу ерда у кўппак Орфо билан паҳлавон подачи Эвритионнинг ўлиб ётганини кўради ва пода ўғрисининг кетидан қувиб, унга денгиз соҳилида етиб олади. Ҳерион ўта баҳайбат махлуқ эди: унинг учта танаси, учта калласи, олти қўли ва олти оёғи бор эди. У жанг пайтида ўзини учта қалқон билан ихота қилар, ғанимига бир йўла учта улкан найза улоқтирарди. Лекин Ҳераклга бу пайт Афина-Паллада мададкор бўлади. Қаҳрамонимиз Ҳерионни кўриши билан унга камонидан ажалкаш ўқ узади. Ўқ паррон этиб бориб, Ҳерионнинг каллаларидан биридаги кўзига киради. Бу биринчи ўқдан кейин орқама-орқа иккинчи, учинчи ўқ учади. Кейин Ҳеракл ғоратгар гурзисини хавода айлангириб туриб девқомат Ҳерионга шундай зарба берадики, натижада учтанли паҳлавон яшин ургандек ерга гурс этиб қулаб, тил тортмай ўлади. Шундан сўнг Ҳеракл Ҳерионнинг сигирларини Эрифейядан Ҳелиоснинг олтин қайиғида олиб ўтади-да, қайикни эгасига қайтариб беради.

Лекин бу билан унинг вазифаси тугамаган эди. Ҳали у сигирларни бутун Испания орқали, Пиреней тоғларидан, Галлия¹, алп тоғлари ҳамда Италиядан ҳайдаб ўтиши лозим эди. У Италиянинг жанубига етиб борганида, подадаги сигирлардан бири қочиб, ўзини сувга ташлайди ва бўғоздан сузиб, Сижжилия² оролига ўтиб олади. У ернинг шоҳи Эрикс (тангри Посейдоннинг ўғли) сигирга кўзи тушадию дарҳол уни ўз подасига қўшиб олади. Ҳеракл сигирни узоқ вақт қидиради. Тополмагач, сигирларини кўриқлаб туришни тангри Ҳефестдан илтимос қилиб, ўзи Сижжилия оролига сузиб ўтади, бу ерда у шоҳ Эрикснинг подаси ичида қидирган сигирини кўриб қолади. Лекин шоҳ сигирни эгасига қайтаришни хохламайди; у ўз кучига ишониб, Ҳераклни кураш тушишга даъват этади. Сигирни курашда ғолиб чиққан олиши керак эди. Лекин Ҳераклдек рақибни енгишга Эрикснинг қурби етмас эди, албатта. Зевс ўғли шоҳнинг белидан маҳкам сиқиб кўксига босадию ўлдириб қўя қолади. Кейин у сигирни олиб подаси турган ерга қайтади-да, сигирларни ҳайдаб, яна йўлга тушади. У Иония денгизи қирғоғига етганда, маъбуда Ҳера бутун подага қутуриш дардини уфуради. Қутурган сигирлар ҳар томонга шаталоқ отиб қочиб кетишади.

¹ Галлия – бутунги Франция, Бельгия ва Шимолий Италия ерлари.

² Сижжилия – Сицилия.

Ҳеракл кўп машаққатлар билан сигирларнинг аксариятини Франциядан тутиб келади ва, ниҳоят, Микенага ҳайдаб бориб, Эврисфейга топширади. Эврисфей эса бу сигирларни сўйдириб, маъбуда Ҳера шарафига қурбонлик қилдиради.

КЕРБЕР (ЎН БИРИНЧИ ЖАСОРАТ)¹

Ҳеракл Тиринфга қайтиб келгани ҳамано Эврисфей уни яна жасорат кўрсатгани жўнатади. Бу энди Ҳераклнинг Эврисфей хизматидаги жасоратларининг ўн биринчиси эди. Бу гал у тангри Аиднинг ер қаъридаги зулмат чулғаган мудҳиш салтанатига тушиб, у ердан арвоҳлар масканининг кўрикчиси, даҳшатли кўппак Керберни олиб чиқиши керак эди. Кербернинг боши учта бўлиб, бўйинини ўраб олган илонлар мудом вишиллер, тўлганарди, кўппак думининг учи оғзини катта қилиб очган аждар боши билан яқунларди. Ҳеракл Лакония томон йўл олади ва Тэнар яқинидаги пасқам жар орқали мангу зулмат ерости салтанатига тушади. Аид салтанатининг қопқаси олдида Ҳеракл икки қаҳрамонни: Тесей билан Фессалия шоҳи Перифойни қояга қапишиб тошдек қотиб туришганини кўради. Бу икки азамат Аиднинг хотини Персефонани ўғирламоқчи бўлгани учун тангрилар уларни шу жазога мустаҳиқ этган эдилар. Тесей Ҳераклга ёлбориб шундай дейди:

– О, Зевснинг бузург ўғли, мени қутқар! Кўряпсан-ку қандай азоб чекаётганимни! Мени бу мусибатдан халос этишга ёлғиз сенгина қодирсан!

Шунда Ҳеракл Тесейга кўлини узатиб, уни қоя асоратидан озод қилади. Кейин у Перифойни ҳам шу зайлда қутқармоқчи бўлганида, бирдан ер ларзага келади; демакки, худолар унинг озод бўлишини хоҳлашмаётган эди. Ҳеракл тангрилар хоҳишига итоат этади ва мангу зулмат қўйнига кириб бораверади. Ҳераклни ер ости салтанатига худоларнинг муждачиси, ўлганлар руҳини Аидга кузатиб қўювчи тангри Ҳермес олиб тушган, Зевснинг арзанда қизи Афина-Паллада қаҳрамонга ҳамроҳ бўлган эди. Ҳеракл Аид салтанатига қадам қўйган заҳоти, бу ердаги руҳлар чўчиб, ҳар ёққа патиллаб учиб кетишади. Фақат қаҳрамон Мелеагрнинг руҳи Ҳераклдан чўчимаydi. Бу руҳ Зевс ўғлига шундай сўзлар билан илтижо қилади:

– О, буюк Ҳеракл, ўртамиздаги дўстлик риштаси ҳаққи, сендан бир нарсани илтимос қиламан: етим қолган синглим гўзал Деянирадан шафқатингни дариф тутма! Мен ўлганимдан кейин у ҳимоясиз қолди. Сен унга уйлан, о, бузург қаҳрамон! Уни ҳимоятингга ол!

Ҳеракл дўстининг илтимосини бажаришга сўз беради ва Ҳермесга эргашиб нарига кетади. Шу пайт мудҳиш горгона Медузанинг руҳи Ҳераклнинг йўлини тўсиб чиқади, у ўзининг мис қўлларини қаҳрамон

¹ Кербер – Цербер деб ҳам юритилади.

томонга таҳдидона чўзиб, олтин қанотларини қоқади, унинг бошидаги илонлар ғимирлай бошлайди. Буни кўрган довжурок қахрамон шамширини суғуради, лекин Ҳермес бундай деб уни тўхтатади:

– Шамширингни тинч қўй, Ҳеракл! Ахир жисмсиз бир арвоҳ-ку! У сенга ҳеч қандай хавф туғдиrolмайди!

Ҳеракл йўлда кўп даҳшатли нарсаларни учратади, охири Аид тахти пойига етиб боради. Мархумлар салтанатининг султони ва унинг завжаси Персефона бу зулмат ва ҳасрат масканига юрак бетлаб тушган Зевсзодага таҳсинлар ўқийдилар. Елкасига шер терисини ташлаб, орқасига камонини осиб олган бу алпкелбат ўғлон ўзининг маҳобатли гурзисига таяниб турарди. Аид чақмоқдор Зевс ўғлини лутфан қутлайди ва мунаввар куёшдан воз кечиб, бу зулматгоҳга тушишга сени нима мажбур этди, деб сўрайди. Ҳеракл Аидга таъзим қилиб, бундай жавоб қайтаради:

– О, мархумлар руҳининг султони, муаззам Аид, менинг илтимосимдан ғазабланма, о, қодир худо! Сенга аёнки, салтанатингга мен ўз ихтиёрим билан келганим йўқ, айтмоқчи бўлган илтимосим ҳам менинг хоҳишим эмас. О, ҳукмдор Аид, агар ижозат берсанг, уч бошли кўппагинг Керберни Микенага олиб борсам. Бу ишни менга Эврисфей буюрди, зеро, мен олимпик мунаввар худоларнинг амри билан шу шоҳнинг хизматидаман.

Аид қахрамонга шундай жавоб қилади:

– Майли, Зевсзода, илтимосингни бажараман, илло сен Керберни силоҳ ишлатмай қўлга олмоғинг лозим. Агар кўппакни таслим қилдира олсанг, уни Эврисфей олдига етаклаб боришинг мумкин.

Ҳеракл ер ости салтанатида узоқ вақт кезиб, Керберни қидиради. Ниҳоят, уни Ахеронт соҳилидан топади. Ҳеракл югура бориб, пўлатдек мустаҳкам қўллари билан Кербернинг бўйнидан хипша бўғади. Аид кўппаги бутун ер ости салтанатини бошига кўтариб вовуллайти. У бор кучи билан тиришиб, Ҳераклнинг қўлидан кутулиб чиқишга уринади, лекин паҳлавон йигитнинг қўллари Кербернинг бўйнини худди исканжадек сиқиб турарди. Шунда кўппак думи билан Ҳераклнинг оёқларини чирмаб олади, думи учидаги аждарбош оғзини очиб, тишларини паҳлавоннинг баданига ботиради, лекин Ҳераклга бу ҳам кор қилмайди. Иқтидорли Ҳеракл Кербернинг бўйнини тобора қаттиқроқ сиқаверади. Ахири чалажон бўлиб қолган кўппак сулайиб, қахрамоннинг оёғи остига «шалп» этиб йиқилади. Ҳеракл уни шу тарзда қўлга ўргатиб, зулмат салтанатидан етаклаб олиб чиқиб кетади. Кербер ёруғ жаҳонга чикқач, куёш нуридан кўркиб кетади, аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб, учала оғзидан ерга захарли кўпиклар чак-чак тома бошлайди; натижада, шу кўпик томган ерлардан захарли гиёҳлар униб чиқади.

Ҳеракл Керберни Микена шаҳрининг девори тагига етаклаб келади. Юраксиз Эврисфейнинг кўзи бу даҳшатли кўппакка тушадию кўрққанидан

сочлари тикка туради. У Ҳераклга зор-зор ялиниб, Керберни Аид салтанатига қайтариб олиб боришни илтимос қилади. Шунда Ҳеракл шоҳ илтимосини бажариб, Аидга унинг дахшатли кўриқчиси – кўппак Керберни қайтариб беради.

ҲЕСПЕРИДАЛАРНИНГ ОЛМАЛАРИ (ЎН ИККИНЧИ ЖАСОРАТ)

Ҳераклнинг Эврисфей хизматидалиқ пайтида кўрсатган жасоратлари ичида энг душвори шу охирги, ўн иккинчи жасорат бўлганди. Ҳеракл осмон гумбазини елкасида кўтариб турган буюк титан Атлас олдига бориши ва унинг қизлари – ҳесперидалар (Ҳеспер набиралари) парваришида бўлган боғдан уч дона олтин олма узиб олиб келиши лозим эди. Бу олмалар олтин олма дарахтининг меваси бўлиб, у дарахтни замин маъбудаси Гея сармаъбуда Ҳеранинг никоҳ тўйига армуғон тариқасида ўз бағридан ўстириб чиқарган эди. Бу оғир вазифани бажариш учун, биринчи навбатда, ўша ҳесперидалар боғига олиб борадиган йўлни билиб олиш керак эди. У йўлни ҳеч қачон миужа қокмайдиган аждар кўриқлаб турар экан.

Ваҳоланки, Атлас билан унинг қизлари турадиган ерни ҳеч бир кимса билмас эди. Ҳеракл Осиё ва Европа бўйлаб узоқ жаҳонгашталиқ қилади, у илгари Герион сигирларини олиб келгани борганда ўтган ҳамма мамлакатларни босиб ўтади, ҳамма ерда у ҳесперидалар боғига борадиган йўлни сўраб-суриштиради. Мана, ниҳоят, Ҳеракл энг олис шимолга, суви мангу жўшқин азим Эридан дарёси¹ соҳилига етиб боради. Бу ерда Зевс ўғлини соҳибжамол санамлар эҳтиром билан кутиб оладилар ва ҳесперидалар боғига борадиган йўлни қандай қилиб билиб олиш мумкинлиги ҳақида маслаҳат берадилар. Бунинг учун Ҳеракл соҳибқаромат денгиз қарияси Нерейнинг денгиз қаъридан соҳилга чиқадиган пайтини пойлаб ётиб, унга кўкқисдан ташланиши ва ҳесперидалар масканига борадиган йўлни шу чолдан сўраб билиб олиши керак эди; у йўлни Нерейдан ўзга ҳеч ким билмас эди. Ҳеракл Нерейни узоқ қидиради. Ниҳоят, уни денгиз соҳилида кўриб қолиб, унга кўкқисдан ҳамла қилади. Денгиз маъбуди билан олишиш осон бўлмайди. Нерей Ҳераклнинг метин кучоғидан қутулиб чиқиш учун турли жонзотлар қиёфасига киради, лекин қаҳрамон йигит уни ҳеч қўйиб юбормайди. Ахири у силласи қуриган Нерейнинг оёқ-кўлларини боғлашга муваффақ бўлади, шунда денгиз тангриси бандилиқдан қутулиш учун Ҳераклга ҳесперидалар боғига борадиган йўл сирини ошкор қилади. Зевс ўғли бу сирни билиб олгач, денгиз қариясини бўшатиб юбориб, узоқ сафарга жўнайди.

¹ Афсонавий дарё.

У яна Ливия тупроғидан кезиб ўтади. Бу мамлакатда у денгизлар худоси Посейдон билан уни туғиб, эмизиб, тарбиялаган замин маъбудаси Геянинг ўғли паҳлавон Антейга рўпара келади. Бу паҳлавон барча сайёҳларни ўзи билан курашишга мажбур этарди ва курашда енгилганларни шафқатсиз равишда қатл этарди. Антей Ҳераклдан ҳам ўзи билан курашишини талаб этади. Бу паҳлавон яккама-якка кураш пайтида чарчаш нималигини билмас, аксинча, кучи ортиб борар эдики, бунинг сири билмагунча уни асло енгиб бўлмасди. Бунинг сири куйидагича эди: Антей кучдан қолаётганини сезиши билан ўз волидаси – Ерга бағрини бериб ётар ва онаси – муаззама Ер маъбудаси (Гея)дан куч эмарди. Лекин Антейнинг оёғини ердан узиб, уни ҳавога кўтаришган заҳоти, у кучдан қоларди. Ҳеракл Антей билан узоқ вақт курашади, у паҳлавонни кўтариб туриб, бир неча марта ерга отади, лекин ҳар гал Антей ерга йиқилганида, кучига куч қўшилаверади. Ҳеракл бирдан Антейни ердан узиб, боши узра баланд кўтаради; шунда Гея ўғлининг силласи буткул қурийд ва Ҳеракл уни бўғиб ўлдиради.

Кейин Ҳеракл яна йўлида давом этиб, Миср мамлакатига етади. Бу ерда узоқ йўл босиб ҳориган қахрамон Нил бўйидаги дарахтлар соясига ётиб пинакка кетади. Маст уйқуда ётган Ҳераклни Миср шоҳи Эпаф қизи Ли-сианасса билан Посейдоннинг ўғли Бусирис кўриб қолади ва уни гафлатда ётган чоғида кишанбанд қилишни буюради. Шоҳ бу йигитни тангри Зевс йўлига қурбонлик қилмоқчи эди. Гап шундаки, Мисрда тўққиз йил сурункасига далаларда ҳосил бўлмаган, мамлакатда қаҳатчилик бошланган эди. Шунда бу ерга Кипрдан келган соҳибкаромат Фрасий башорат қилиб, Бусирисга бундай деганди:

– Агар сен, тангри Зевс йўлига ҳар йили биттадан мусофирларни қурбонлик қилиб турсанг, қаҳатчиликдан фориғ бўлурсан, зироатзорларинг ҳосил бўлмай.

Бусирис бу башоратни эшитган ҳамано кошифкаромат Фрасийнинг ўзини оёқ-қўлини боғлатиб, биринчи навбатда уни худо йўлига қурбонлик қилади. Шундан буён бу бадқаҳр шоҳ Мисрга ташриф буюрган барча мусофирларни чақмоқдор тангри йўлига қурбонлик қилаверарди. Мана, Ҳераклни ҳам қурбонгоҳга олиб борадилар, лекин буюк қахрамон бир чиранишда оёқ-қўлини боғлаган арқонларни чирт-чирт узиб ташлайди ва шу қурбонгоҳ бошида шоҳ Бусириснинг ўзини ва унга қўшиб, ўғли шахзода Амфидаманти ўлдиради. Бадқаҳр Миср шоҳи шундай жазоланган эди.

Ҳеракл бу сафари пайтида яна жуда кўп хавф-хатарларга дуч келиб, ахири ер юзининг энг чеккасига етиб боради ва бу ерда бутун осмон гумбазини елкасига кўтариб турган энг бузург ва энг қудратли титан Атласни қуриб қанг-манг бўлиб қолади.

– О, бузург пахлавон Атлас! – дея мурожаат қилади унга Ҳеракл. – Мен – Зевс ўғли Ҳеракл бўламан. Мени хузурингга олтинга бой Микена давлатининг шоҳи Эврисфей юборди. У менга қизларинг ҳесперидаларнинг боғидаги олтин дарахтдан уч дона олтин олма узиб келишни буюрган.

– Майли, мен сенга учта олма берай, о Зевсзода, – деб жавоб қилади унга Атлас, – лекин то бориб олма узиб келгунимча, сен менинг ўрнимда осмон гумбазини елкангга кўтариб туришинг керак-да.

Ҳеракл бу шартга рози бўлиб, Атласнинг ўрнини эгаллайди. Унинг елкасига оғирликда ғайритаъриф юк тушади. У бутун кучини йиғиб осмон гумбазига устун бўлиб туради. Бу юк Ҳераклнинг алпона елкаларини каттиқ эза бошлайди. Самонинг залваридан қахрамоннинг қадди эгилади, мушаклари улкан тепаликлар сингари кўпчиб чиқади, кучангидан аъзойи бадани қора терга чўмади, лекин ўзининг ғайриинсоний қувваси, боз устига, маъбуда Афина ато этган илоҳий мадад туфайли, Атлас қайтиб келгунича осмон гумбазини елкасида ушлаб туради.

– Мана, Ҳеракл, учта олма, – дейди қайтиб келган Атлас, – агар хоҳласанг, олмаларни ўзим Эврисфейга олиб бориб бераман, то қайтиб келгунимча осмон гумбазини елкангга кўтариб турасан; келганимдан кейин яна ўзим ўрнингга тураман.

Ҳеракл алп Атласнинг найранг ишлатиб, ўз зиммасига юкланган оғир меҳнатдан қутулмоқчи бўлганини фаҳмлайди ва унинг найрангига қарши ўзи ҳам найранг ишлатади.

– Яхши, Атлас, мен розиман! – дейди Ҳеракл. – Лекин осмон гумбази каттиқ эзиб юбормасин учун олдин бир ёстиқ тикиб, елкамга қўйиб олсам дедим.

Атлас рози бўлиб, яна зилдек оғир осмон гумбазини ўз елкасига олади. Ҳеракл эса камонини, ўқ тўла садоғини елкасига илади, ерда ётган гурзисини ва уч дона олтин олмани қўлига олади-да, шундай дейди:

– Хўп, омон қол, Атлас! Сен то қизларингнинг боғига бориб олма олиб келгунингча, осмон гумбазини елкамда кўтариб турдим, аммо осмон юкини мудом елкамда кўтариб туришни асло хоҳламайман.

Ҳеракл шундай деб, Атлас билан хайрлашиб жўнаб кетади. Титан Атлас эса, ўшандан буён осмон гумбазини яна аввалгидек ўзининг маҳобатли елкасида кўтариб тураркан. Ҳеракл Эврисфей хузурига қайтиб келиб, унга олтин олмаларни беради. Эврисфей уларни Ҳераклнинг ўзига тортиқ қилади, Ҳеракл эса, уларни ўз пушти-паноҳи Афина-Палладага армуғон этади. Афина бу олтин олмаларни, ўз боғингизда мангу сақланг, деб ҳесперидаларга қайтаради.

Ҳеракл шу ўн иккинчи жасоратидан сўнг Эврисфей хизматидан озод бўлади. Энди у етти қопқали Фивага қайтиши мумкин эди. Аммо Зевс ўғли Фивада узоқ турмади. Зеро, уни янги-янги жасоратлар кутарди. У ўз

завжаси Мегерани дўсти Иолайга хотин қилиб бериб, ўзи яна Тиринфга равона бўлади.

Аммо Ҳераклини энди нафақат зафарлар, балки оғир мусибатлар ҳам кутар эди, чунки маъбуда Ҳера ҳамон қахрамонни таъқиб қилишни тарк этмаган эди.

ҲЕРАКЛ ВА ЭВРИТ

Эвбея оролига жойлашган Ойхалия шахрида шоҳ Эврит ҳукмдорлик қилар эди. Камондан ўқ отишда унга тенг келадиган мерган бутун Юнонистонда ҳам топилмас эди. Бу санъатни эгаллашда унга чўнгмерган тангри Аполлоннинг ўзи устозлик қилган ва, ҳатто, унга камон билан ўқлар ҳам ҳадя этган эди. Бир вақтлар, ўспиринлик пайтида Ҳеракл ҳам камондан нишонга уриш санъатини шу Эвритдан ўрганган эди. Кунларнинг бирида мана шу шоҳ Эврит, қайси қахрамон камон отишда мендан устун чиқса, соҳибжамол қизим Иолани ўшанга хотинликка бергум, деб бутун Юнонистонга жар солдиради. Бу пайт Ҳеракл эндигина Эврисфейнинг хизматидан қутулган эди. Мусобақа дарагини эшитиб, у ҳам аксар юнон қахрамонлари қатори Ойхалияга равона бўлади ва у ерда шоҳ Эврит билан беллашади. Бу беллашувда Ҳеракл Эврит устидан осонгина ғалаба қозонади ва ундан қизи Иолани талаб қила бошлайди. Лекин Эврит ўз лафзидан қайтади. У Эврисфейнинг қули бўлган кишига қизини бермаслигини айтади. Боз устига, муқаддас меҳмоннавозлик таомилига зид ўлароқ, бузург қахрамонни мазах ҳам қилади: Эврит билан унинг мутақаббир ўғиллари зиёфат пайтида қайфи ошиб қолган Ҳераклини шоҳ саройидан, ҳаттоки, Ойхалия шахридан ҳам ҳайдаб юборадилар. Ҳеракл соҳибжамол Иолани қаттиқ севиб қолган эди, у Эвбея оролини қалби ўртанган ҳолда тарк этади. У Тиринфга қайтаркан, ўзини таҳқирлаган Эвритдан бир кун албатта ўч олишни дилига тугиб қўяди.

Шу гапдан кейин орадан бир оз вақт ўтгач, Ҳермеснинг ўғли, юнонлар ичида энг доғулисидан бўлган Автолик Эвритнинг бир пода молини ўғирлаб кетади. Эврит бу ишда Ҳераклдан гумонсирайди. Биз Ҳераклини таҳқирлаб саройдан қувган эдик, шунинг учун мендан қасдини олган бўлиши керак, деб ўйлайди шоҳ. Фақат унинг тўнғич ўғли Ифитгина молларни Ҳеракл ўғирлаганига ишонмайди. Ифит Ҳераклнинг бегуноҳлигини исбот қилиш учун ўғирланган подани ўзи қидирмоқчи бўлади, зеро, Ифит билан Ҳеракл иккови ораларидан қил ҳам ўтмайдиган жонажон дўст эдилар. Ифит подани кидириб юриб, Тиринфга бориб қолади. Ҳеракл дўстини кучоқ очиб кутиб олади. Кунларнинг бирида икковлари Тиринф қалъасининг қоя устига тикланган юксак деворига чиқиб атрофни томоша қилиб туришганида, бирдан маъбуда Ҳера Ҳераклнинг қалбига ғазаб туйғусини уфу-

ради. Қаҳри тобора ортиб бораётган Ҳераклнинг кўнглига шу пайт Эврит билан унинг ўғилларидан эшитган таҳқир сўзлари келади ва ўзини гута олмай, дўсти Ифитни қалъа деворидан пастга итариб юборади. Ифит тил тортмай ўлади. Ҳеракл бу ғайриихтиёрий қотиллиги билан Зевснинг ғазабига учрайди, чунки у муқаддас меҳмоннавозлик таомилига хиёнат қилиб, дўстлик риштасини узган эди. Бузург чакмоқдор бу кирдикори учун ўғлини жазолайди – уни оғир дардга мубтало қилади.

Ҳеракл узоқ вақтгача дардига шифо топа олмай дарбадар юради; ахири тинка-мадори қуриган Ҳеракл қандай қилсам худолар ғазабидан халос бўламан, деб сўраш учун Аполлоннинг Дельфадаги маъбадига равона бўлади. Лекин бу маъбаддаги башоратчи аёл – пифия Ҳераклнинг саволига жавоб бермайди. У, ҳатто, қаҳрамонни, қотиллик қилиб гуноҳга ботгансан, деб маъбаддан ҳайдаб ҳам чиқаради. Бу таҳқирдан ғазаби қайнаган Ҳеракл Аполлон маъбадидан сепояни ўғирлаб чиқиб кетади, пифия шу сепояга қараб ғойибдан хабар берар эди. Ҳераклнинг бу қилмиши Аполлонни аччиғлантиради. Бу зулфизар худо Ҳеракл қошига келиб, ундан сепояни қайтариб беришни талаб қилади, лекин Ҳеракл унга кулоқ солмайди. Шунда Зевснинг бу икки ўғлони – боқий худо Аполлон билан энг буюк қаҳрамонлардан бири – фоний Ҳеракл ўртасида шиддатли жанг бошланади. Аммо Зевс Ҳераклнинг ҳалок бўлишини истамасди. У Олимпдан туриб порлоқ чакмоғини икки ўғлони ўртасига отади ва уларни бир-биридан ажратиб, олишувга барҳам беради. Оға билан ини ярашади. Шундан сўнг ғойибдан хабар берувчи пифия башорат қилиб дейди:

– Сен, Ҳеракл, уч йил муддатга қул қилиб сотилган тақдирингдагина дардингдан фориг бўласан. Сен учун тўланган ақчани эса шоҳ Эвритга элтиб бериш лозим: бу ақча шоҳнинг сен томондан ўлдирилган ўгли Ифит учун товон пули бўлмай.

Ҳераклнинг яна эрдан маҳрум бўлишига тўғри келади. Уни Лидия маликаси – Иарданнинг қизи Амфалага қул қилиб сотадилар. Ҳеракл учун тўпланган ақчани Эвритга тангри Ҳермеснинг ўзи олиб бориб беради. Лекин Ойхалиянинг мутақаббир шоҳи ақчани олмайди, у ҳамон Ҳераклга душман бўлиб қолаверади.

ҲЕРАКЛ ВА ДЕЯНИРА

Шоҳ Эврит Ҳераклни Ойхалиядан ҳайдаб юборганида, бузург қаҳрамон Этолия вилоятидаги Калидон шаҳрига бориб, шаҳар ҳокими Ойней хузурига ташриф буюрган эди. Бу ерга у Ойнейдан унинг қизи Деянирани хотинликка сўрагани борган эди, чунки, агар эсингизда бўлса, Ҳеракл ер ости салтанатида бўлганида, Мелеагрнинг арвоҳи билан учра-

шиб, унинг синглиси Деянирага уйланишга ваъда берган эди. Бироқ Калидон шахрида Ҳеракл даҳшатли рақибга дуч келади. Соҳибжамол Деянирага уйланишни ихтиёр қилган қаҳрамонлар кўп, улар орасида, ҳатто, дарё илоҳи Ахелой ҳам бор экан. Шу боис, шоҳ Ойней, қизим Деянирага беллашувда ғолиб чиққан қаҳрамонгина уйланади, деб овоза қилади. Бу қарорни эшитиб, барча қайликлар иқтидорли Ахелой билан олишишдан воз кечадилар. Фақат Ҳераклгина ўз аҳдида қатъий туриб олади. Буни кўрган Ахелой унга юзланиб шундай дейди:

– Сен боя, Зевс билан Алкменанинг ўғлиман, деб айтдингми? Пада-ринг Зевс эканлиги ахир ғирт ёлғон-ку!

Ахелой Зевс ўғлонини шу каби сўзлар билан мазах, волидаси Алкменани эса бадном қила бошлайди. Ҳеракл Ахелойга ўқрайиб қарайди; кўзларида ғазаб учкунлари порлаганча, шундай жавоб қилади:

– Ахелой, менинг тилимдан кўра кўлим чаққонроқ ҳаракат қилади! Майли, гапда сен ғолиб чиқақол, аммо амалда мен сендан устун чиққум.

Ҳеракл Ахелой олдига шахдам юриб бориб, бақувват қўллари билан унинг белидан олади. Лекин у жон-жаҳди билан қанча ҳаракат қилмасин, Ахелойни йиқита олмайди – алпкелбат бу тангри бамисоли қудратли денгиз тўлқинларига мудом дош бериб келаётган улкан қоядек қилт этмай турарди. Ҳеракл билан Ахелой шохларини чалиштириб сузишаётган икки буқага ўхшардилар. Ҳеракл Ахелойга уч марта устма-уст ҳамла қилади, тўртинчи ҳамласида қаҳрамонимиз дарё тангрисининг орқасидан кучоклаб олади ва уни улкан тоғ мисол босиб, ерга эга бошлайди. Ахелой бутун кучини ишга солиб, қора терга ботган қўлларинигина зўрға бўшата олади; у қанча кучанмасин, қанча ҳаракат қилмасин, Ҳеракл остидан чиқиб кета олмайди; Ҳеракл унинг қаддини тобора ерга кўпроқ эга бошлайди. Ахелой инграб юборади, тиззалари букилади, пешонаси бориб ерга тегади. Шунда у, фоний бандадан енгилди, деган иснодга қолмаслик учун найранг ишлатади – илонга айланади. У илонга айланиб, Ҳераклнинг кўлидан сирғалиб чиқиб кетган ҳамони Ҳеракл қаҳ-қаҳ уриб кулиб, унга бундай дейди:

– Илонлар билан олишишнинг ҳавосини мен бешиқда ётган чоғимдаёк олганман! Тўғри, сен бошқа илонлардан зўрроқсан, Ахелой, лекин, барибир, Лерна аждари билан тенглаша олмайсан. У аждарнинг ҳар бир чопилган боши ўрнида иккитадан янги бош пайдо бўлиб турган эди, шунда ҳам уни маҳв этганман.

Шундай деб Ҳеракл илоннинг бўйнидан худди омбурдек хиппа бўғади. Илон – Ахелой жон ҳолатда тўлғаниб қаҳрамоннинг кўлидан кутулиб чиқишга уринади, лекин чиқа олмайди. Шунда у буқага айланиб, яна Ҳераклга ҳамла қилади. Ҳеракл буқа – Ахелойнинг шохини қайириб, уни ерга шундай зарб билан кулатадики, битта шохини синдириб юборади.

Шундай қилиб, Ахелой енгилган, Ойней эса қизи Деянирани Ҳераклга узатган экан.

Никох тўйдан кейин Ҳеракл Ойнейнинг қасрида қолади, аммо бу ерда кўп вақт яшай олмайди. Бир куни зиёфат пайтида Эвном исмли бола оёқ ювиш учун ҳозирланган сувни билмасдан Ҳераклнинг қўлига қуяди. Бундан аччиғи чиққан Ҳеракл бир шاپалок уриб болани ўлдириб қўяди. Бу қилмишидан у қаттиқ қайғуга ботади, гарчи боланинг отаси Архитал бу бехосдан қилинган қотиллик учун Ҳераклни кечирган бўлса ҳам, барибир, қаҳрамон Калидонда ортиқ қола олмайди ва хотини Деянирани олиб, Тиринфга равона бўлади.

Бу сафар пайтида Ҳеракл хотини билан Эвен дарёси бўйига етади. Бу ерда Несс исмли кентавр одамларни ўзига миндириб, бу жўшқин дарёдан ўтказиб қўйиб, кира ҳақи олар экан. У Деянирани ҳам нариги соҳилга ўтказиб қўйишга рози бўлади. Ҳеракл хотинини кентаврга миндиради. Ўзи эса, гурзиси билан камонини нариги қирғоққа улоқтиради-да, тошқин дарёдан сузиб ўтиб, қирғоққа чиқади. Шу пайт қулоғига Деяниранинг ёрдам бер, деб жон-жаҳд билан чинқиргани эшитилади. Маълум бўлишича, кентавр Деяниранинг ҳусни жамолига мафтун бўлиб, уни олиб қочиб кетаётган экан. Зевс ўғли кентавр орқасидан гулдурлаган овоз билан ҳайқиради:

– Қаёққа қочяпсан, касофат? Наҳотки шу чаққон оёқларингга ишониб мендан қочиб қутулишни ўйласан? Йўқ, овора бўласан! Сен қанчалик тез югурсанг ҳам, камонимдан отилган ўқ, барибир сенга етиб олади!

Шу чоқ Ҳераклнинг таранг тортилган чилласидан ажалкаш ўқ паррон қилади. Ўқ Несснинг елкасидан кириб, кўксидан тешиб чиқади. Жароҳатланган Несс чўккалаб қолади. Унинг ярасидан Лерна аждарининг захари билан омухта бўлган қон тиркираб оқа бошлайди. Несс жон берар экан, Ҳераклдан интиқом олишни кўзлайди; у бир ҳовуч қонини олиб Деянирага узатаркан, шундай дейди:

– Эй, Ойнейнинг қизи, жўшқин Эвен дарёсидан олиб ўтганларим ичида охиргиси сен бўлдинг. Мана шу қонимни олиб сақлаб қўй! Агар сендан Ҳераклнинг кўнгли совигудек бўлса, бу қоним эрингнинг сенга бўлган муҳаббатини қайта тиклайди, шунда унинг учун дунёда сендан азизроқ аёл бўлмайди, фақат эрингнинг либосига шу қонимни суртсанг бўлгани.

Деянира кентавр Несснинг қонини олиб яшириб қўяди. Несс жон беради. Ҳеракл хотини Деянира билан Тиринфга келиб, шу ерда яшай бошлайди. Лекин Ҳеракл ўз дўсти Ифитни беихтиёр ўлдириб қўйганини ўйлаб, виждон азобида қийналаверади ва охири бу мудҳиш азоб уни шавкатли Тиринф шаҳридан бош олиб чиқиб кетишга мажбур этади.

ҲЕРАКЛ ОМФАЛАНИНГ ҚУЛИ

Дўсти Ифитни ўлдириб қўйган Ҳеракл Лидия маликаси Омфалага кул қилиб сотилган эди. У ҳеч қачон Лидиянинг калондимоғ маликаси хизматидагичалик оғир кулфат чекмаганди. Юнон қаҳрамонлари ичида энг бузурги бўлган Ҳераклни бу малика муттасил камситгани камситган эди. Омфала Зевс ўглини таҳқирлашдан ҳузур қилаётгандек туюларди. У Ҳераклга аёллар либосини кийдириб қўйиб, ўз жориялари билан бирга ип йигиртирар, мато тўқитар эди. Залварли гурзиси билан Лерна аждарини маҳв этган, Аиднинг мудҳиш ер ости салтанатидан даҳшатли кўппак Керберни етаклаб олиб чиққан, Немезя шерини ўз қўллари билан бўғиб ўлдирган, осмон гумбазини елкасида кўтарган ва, ниҳоят, номининг ўзи душманларни зир қақшатган мана шу қаҳрамон йигит ўткир шамшир яланғочлашга, камон чилласини таранг тортишга ва ганимларни қийратувчи гурзисини кўтаришга одатланган қудратли қўллари билан тўқув дастгоҳи ортида икки букилиб ўтиришга ёки жун йигиришга маҳкум эди. Омфала бўлса, Ҳераклнинг елкасидаги шер терисини елкасига ташлаб, қаҳрамоннинг олтин совутини кийиб, шамширини белига таққанча, гурзисини аранг ердан узиб елкасига қўйганча, Зевсзоданинг рўпарасига келиб, уни – ўз кулини мазах қилар эди. Омфаланинг бирдан-бир мақсади, чамаси, Ҳераклдаги паҳлавонлик қуввасини сўндиришдан иборат бўлса керак. Ҳеракл ҳар қандай оғир таҳқирга ҳам тишини тишига қўйиб чидаши лозим эди: ахир у Омфаланинг кули эди-да, бу куллик ҳали уч йил давом этиши керак.

Омфала кули Ҳераклнинг саройдан ташқарига чиқишига аҳён-аҳёнда рухсат берарди. Шундай рухсат берилган кунларнинг бирида Ҳеракл саройдан чиқиб Эфес яқинидаги дарахтзорга боради ва бир дарахт тагига ётиб пинакка кетади.

У маст уйқуда ётганида керкоплар, яъни пакана одамлар унинг кулолини ўғирламоқчи бўлишади, лекин улар эндигина Ҳераклнинг камони билан ўқларини қўлга олишганида, қаҳрамон уйғониб қолади ва бу керкопларнинг ҳаммасини тутиб олиб, оёқ-қўлларини боғлайди, сўнг боғланган оёқлари орасидан узун таёқ ўтказиб, Эфесга кўтариб олиб боради. Бироқ бу керкоплар жуда аломат ҳаракатлар қилиб қийшанглашиб, Ҳераклни шу даражада кулдиришадикки, натижада қаҳрамон уларни бўшатиб, қўйиб юборади.

Ҳеракл Омфала қўл остида кул бўлиб юрган чоғида бир кун Авлидага, шоҳ Силей ҳузурига боради; бу шоҳ ўз юртига келган барча хорижийларни ўз узумзорида кулдек ишлатар экан. У Ҳераклни ҳам ишлашга мажбур қилади. Лекин Зевс ўғлини муқаддас меҳмоннавозлик таомилига амал қилмаган бу шоҳдан қаттиқ газабланиб, унинг боғидаги ҳамма ток-

ларни илдиз-пилдизи билан суғуриб ташлайди, шоҳнинг ўзини ўлдиради. Ҳеракл Омфаланинг кули бўлиб ишлаб юрган пайтида аргонавтлар сафарида¹ иштирок этади. Ниҳоят, жазо муддати тугаб, Зевснинг бузург ўғли озодликка чиққан экан.

ҲЕРАКЛ ТРОЯНИ ЗАБТ ЭТАДИ

Ҳеракл кулликдан озод бўлгани ҳамано катта кўшин тўплаб, ўн саккизта кемада Троя сари йўл олади: қахрамонимиз бир вақтлар уни лақиллатган шоҳ Лаомедонтдан ўч олмоқчи эди. Мана, у Троя соҳилига етиб келиб, лангар ташлайди; шунда Ҳеракл дўсти Оикл бошчилигидаги бир гуруҳ сипоҳларга кемаларни кўриқлашни буюриб, ўзи бутун кўшин билан Троя қалъаси сари йўл олади. Лекин Ҳеракл жўнаб кетиши билан кўриқчиларга Лаомедонт хужум қилади, Оиклни ва соқчиликда турган сипоҳларнинг деярли ҳаммасини қиличдан ўтказди. Аммо шу пайт Ҳеракл бандаргоҳда бўлаётган жанг суронини эшитиб, орқага қайтади ва Лаомедонтни кувиб, Троя қалъасига қочиб киришга мажбур этади. Қамал узоқ давом этмайди. Трояга биринчи бўлиб қахрамон Теламон бостириб киради. Қахрамонларнинг энг буюги Ҳеракл бошқаларнинг ундан ўзиб кетганига ҳеч чидаб туролмайди. У шамширини яланғочлаб Теламонга ташланади. Ўлиши муқаррар эканлигини фахмлаган Теламон дарров эгилиб, ердан тош тера бошлайди. Бу ҳолни кўрган Ҳеракл ҳайрон бўлиб сўрайди:

– Нима қияпсан, Теламон?

– Эй, Зевснинг буюк ўғли, мен музаффар Ҳеракл шарафига курбонгоҳ тикламоқчиман! – деб жавоб қилади айёр Теламон ва шу жавоби билан Зевс ўглини ғазабдан туширади.

Шаҳарни қўлга олиш пайтида Ҳеракл ўз камонидан ўқлар отиб, Лаомедонтни ва унинг барча ўғилларини ўлдиради; фақат энг кенжа ўғил Подаркка шафқат қилади. Лаомедонтнинг соҳибжамол қизи Ҳесионани жангда катта жасорат кўрсатган Теламонга хотинликка беради ва бу қизга асирга тушганлардан биронтасини танлаб, озод қилиш имконини беради. Ҳесиона ўз иниси Подаркни танлайди.

– Йўк, у барча асирлардан олдин кул бўлиши керак! – дейди Ҳеракл. – Лекин агар ининг учун товон тўласанг, у озод этилиши мумкин.

Ҳесиона бошига ёпинган уртугини ечиб, шуни иниси учун товон сифатида беради. Шу пайдан бошлаб Подаркни Приам (яъни, товон тўлаб олинган) деб атай бошлашган экан. Ҳеракл Приамни Трояга ҳоким этиб тайинлаб, ўзи кўшини билан янги жасоратлар кўрсатгани кетади.

¹ Аргонавтларнинг сафари ҳақида ушбу китобнинг иккинчи бўлимидаги «Аргонавтлар» бўлимида ўқийсиз.

Ҳеракл ўз кемаларида сузиб Троядан қайтаётганида маъбуда Ҳера, уни маҳв қилиш мақсадида, денгизда кучли тўфон кўтарди, зеро, у Зевс ўғлига бўлган адоватидан ҳануз кечмаган эди. Ўғли қандай мудҳиш хатарга учраётганини кўрмасин учун Ҳера уйку маъбудаси Ҳипноздан эгидабардор худо – Зевсни ухлатиб қўйишни илтимос қилади. Денгизда кўтарилган тўфон Ҳераклниг кемасини Кос оролига суриб боради.

Кос аҳолиси Ҳераклниг кемасини кўриб, қароқчилар бостириб келди, деб ўйлайди ва тошбўрон қилиб, кемани соҳилга яқин йўлатмайди. Лекин Ҳеракл, барибир, тунда қирғоққа тушади, Кос аҳолисини енгади, уларнинг шоҳи, тангри Посейдоннинг ўғли Эврилипни ўлдиради ва бутун оролни харобазорга айлантиради.

Зевс уйкудан уйғониб, ўғли Ҳеракл қандай хатарга учраганини билгач, қаттиқ дарғазаб бўлади. Шу ғазаби асносида у Ҳерани олтин занжирлар билан кишанбанд қилади ва маъбуданиг икки оёғига иккита зилдек оғир сандонни боғлаб, уни осмон билан ер оралиғида муаллақ осиб қўяди. Қаҳҳор Зевс Ҳерага ёрдамга отланган ҳар бир олимпик тангрини осмондан улоқтира бошлайди. Худолару бандалар султони Ҳипносни узоқ вақт ахтаради, топганида, уни ҳам Олимп чўққисидан улоқтирган бўларди, аммо Тун маъбудаси Ҳипносни яшириб, фалокатдан асраб қолган эди.

ҲЕРАКЛ ХУДОЛАР БИЛАН БИРГА ГИГАНТЛАРГА ҚАРШИ ЖАНГ ҚИЛАДИ

Зевс суюкли қизи Афина-Палладани Ҳераклни худолар билан бирга гигантларга қарши жанг қилишга даъват этиш учун Кос оролига жўнатади. Буюк қаҳрамон бу жангда ўз падари Зевсга мадад бермоғи лозим эди. Гап шундаки, бу гигантларни маъбуда Гея Крон маҳв этган Ураннынг ерга тўкилган қон томчиларидан яратган эди. Бу гигантлар соч-соқоли ўсиқ ва ҳурпайган, оёқ ўрнида илон бўлган ўта баҳайбат ва даҳшатли махлуқлар эди.

Улар даҳшатли кучга эга бўлиб, ўз қудратлари билан керилиб, дунёга ҳукмрон бўлган олимпик худолар қўлидан ҳокимиятни тортиб олмоқчи бўладилар. Улар Халкидадаги Паллена яриморолида ястаниб ётган Флегрей майдонида худоларга қарши жангга кирадилар. Бу гигантлар Олимпдаги худолардан заррача ҳам кўркмас эдилар. Гея ўғилларига шифобахш гиёҳдан ажиб бир дори тайёрлаб берган эдики, бу дори суртилган баданга худоларнинг силоҳлари таъсир қилмасди. Бинобарин, бу гигантларни фақат фоний бандагина маҳв этиши мумкин эди, Гея уларни фоний бандаларнинг қуролиларидан ҳимоя қила олмас эди. Гея бутун дунёни кезиб, ўғилларини фоний банданинг ҳам зарбасидан бешикаст сақлайдиган гиёҳларни қидиради, аммо Зевс шафақ маъбудаси Эос билан ой маъбудаси

Селенага, шунингдек, нурафшон куёш худоси Ҳелиосга ер юзини ёритишни ман қилиб қўяди ва фурсатдан фойдаланиб, ўша шифобахш гиёҳларни ўзи юлиб олади.

Мана, гигантлар худолар кўлида ажал топишларидан ҳам кўркмай, дадил жангга кирадилар. Жанг узоқ давом этади. Алплар худолар устига баҳайбат қояларни, лов-лов ёниб турган азим дарахтларни ота бошладилар. Бу муҳораба садоси гумбурлаб, бутун дунёга эшитилди.

Нихоят, жанггоҳга Ҳеракл Афина-Паллада билан етиб келади. Мана, Зевсзода илкидаги мудҳиш камоннинг чилласи даранглайди, Лерна аждарининг захарига ботирилган ўқ ҳавода чакмоқдек чакнайди ва паррон этиб бориб, энг қудратли алп – Алкионейнинг кўксига санчилади. У ерга гурсиллаб йиқилади. Лекин Паллена яриморолида уни ажал олмасди – бу ерда у боқий эди. Ерга қулаган алп бир оз муддатдан сўнг аввалгидан ҳам қудратлироқ бўлиб, яна оёққа турар эди. Шунинг учун Ҳеракл, дам ғаниматида Алкионейни елкасига ўнгариб, Паллена яриморолидан олиб чиқиб кетади, шундан кейингина алп жон беради. Алкионей маҳв бўлгач, алп Порфирион Ҳеракл билан Афинага ҳамла қилади; у Афинанинг бошидан уртугини юлиб олади, у маъбуданинг билагидан тутиб, ўзига тортмоқчи бўлганида, Зевс чакмоқ отиб уни ерга қулатади, Ҳеракл камондан оғукаш ўқ отиб, уни маҳв этади. Аполлон ўз камонининг олтин ўқи билан алп Эфиальтнинг чап кўзига уради. Ҳеракл эса унинг ўнг кўзига ўқ отиб, ер тишлатади. Алп Эвритни Дионис ўз асоси билан уриб қулатади, Ҳефест эса, алп Клитийнинг бошига лаққа чўғ қилиб қиздирилган каттакон темир бўлагини отиб ўлдиради. Афина-Паллада қоча бошлаган алп Энкеладнинг бошига бутун Сижжилия оролини ағдаради.

Алп Полибот эса дарғазаб зилзилакор худо Посейдоннинг таъқибидан қочиб, денгиз орқали Кос оролига боради. Шунда Посейдон ўзининг айри шохли асоси билан оролнинг бир бўлагини синдириб олиб, Полиботга отади. Натижада, бу бўлакдан Нисирос ороли пайдо бўлади. Ҳермес алп Ипполитни, Артемида Гратионни, муаззама мойралар мис гурзилар билан жанг қилаётган Аргий ва Фоон исмли алпларни енгадилар. Қолган алпларнинг барини бузург тангри Зевс ўзининг обдор чакмоқлари билан қулатади, Ҳеракл эса нишонга бехато тегувчи ажалкаш ўқлари билан уларнинг жонини олади.

ҲЕРАКЛНИНГ ЎЛИМИ ВА ЎЛИМИДАН КЕЙИН ОЛИМПЛИК ХУДОЛАР АНЖУМАНИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ

*Софоклнинг «Трахина аёллари» нолили фожiasi
бўйича баён қилинади*

Ҳеракл Ифитни ўлдиргани учун уч йил муддатга малика Омфалага кул қилиб сотилганида, унинг хотини Деянира болалари билан Тиринф шаҳрини тарк этишга мажбур бўлганди. Фессалия вилоятидаги Трахина шаҳрининг шоҳи Кеик Ҳераклнинг умр йўлдошига бошпана беради. Мана, Ҳераклнинг ўз хотини билан видолашиб кетганига уч йилу уч ой бўлади. Аммо хануз ундан дарак йўқ. Деянира эрининг қисматидан қаттиқ хавотир ола бошлайди, у Ҳераклнинг тириклигини ҳам, ўлганини ҳам билмас эди. Деяниранинг кўнглини шу мавҳумлик қаттиқ безовта қиларди. Шунда у ўғли Ҳиллни чақириб бундай дейди:

– Эй, ардокли ўғлим! Падарингни қидирмасдан ўтиргани уялмайсанми? Ўн беш ойдан бери ундан ҳеч қандай дарак йўқ-ку, ахир!

– Миш-мишларга қараганда, – деб жавоб қилади унга Ҳилл, – отам малика Омфала кўлида уч йил кул бўлиб ишлаганидан кейин куллик муддати тугагач, кўшин тўплаб, Ойхалия шоҳи Эвритдан интиқом олгани Эвбея оролига жўнаб кетганмиш.

– Ўғлим! – Ҳиллнинг сўзини бўлади она. – Отанг Ҳеракл кўп марта мени ташлаб, улкан жасоратлар кўрсатгани кетган. Лекин ҳеч қачон ундан ҳозиргидек хавотир олмаган эдим. У хайрлаша туриб, менга қадимий башорат ёзилган бир тахтакач қолдирган эди; бу тахтакачни унга Додонада беришган экан. Тахтакачда магар Ҳеракл мусофир юртда уч йилу уч ой қолиб кетса, ё ўша ерда бандаликни бажо келтиради, ёинки уйига қайтиб келиб, роҳат-фароғатда ҳаёт кечиради, деб ёзилган. Отанг жўнаб кетаётиб, агар ўлиб-нетиб қолгудек бўлсам, аждодларимдан менга мерос қолган ерларга фарзандларим ворисдурлар, деб тайинлаб айтган эди. Мен даданнинг қисматидан хавотирдаман. Ахир у Ойхалия қамали ҳақида оғиз очганида, ё ўша шаҳар бўсағасида ҳалок бўламан, ё бўлмаса, уни забт этиб саодатли ҳаёт кечираман, деб айтган эди-да. Йўқ, жон болам, сен бориб отангни қидириб топ.

Ҳилл волидасининг сўзини ерда қолдирмай, отасини қидириб топиш учун Эвбея томон равона бўлади.

Ҳилл жўнаб кетганидан кейин орадан бир оз вақт ўтгач, Трахинага, Деянира хузурига муждачи чопиб киради. У Ҳераклдан элчи келаётганини хабар қилади. Унинг гапига қараганда, элчи Лихас хушxabар олиб келаётганмиш: Ҳеракл соғ-саломатмиш; у жангда Эвритни енгибди, Ой-

халия шахрини қўлга киритиб, уни горат этибди, энди ҳадемай Трахинага музаффар бўлиб қайтиб келармиш. Муждачининг орқасидан изма-из элчи Лихаснинг ўзи ҳам Деянира ҳузурига ташриф буюради. У бир тўда асирларни ҳайдаб келади. Бу асирлар орасида шоҳ Эвритнинг қизи Иола ҳам бор эди. Деянира Лихасни шоду хуррамлик билан кутиб олади. Элчи унга Ҳераклинг бояги-боягидақ қудратли ва соғ-омонлигини, Эвбеяни тарк этишдан олдин у ерда ўз ғалабасини нишонлаб, худолар йўлига бисёр назр-садақа ва курбонликлар қилмоқчи эканлигини сўзлаб беради. Деянира асирлар орасида турган соҳибжамол аёлни кўриб қолади ва Лихасга юзланиб дейди:

– Менга айт-чи, Лихас, анави аёл ким бўлди? Унинг ота-онаси ким? У жуда ҳам ғамгин кўринади. Шоҳ Эвритнинг қизи эмасми, мабодо?

Лихас Ҳераклинг завжасига бундай жавоб қилади:

– Мен бу аёлнинг кимлигини билолмадим, маликам. Эҳтимол, Эвбеядаги биронта бадавлат хонадоннинг қизи бўлса керак. Сафар пайтида у чурк этиб ҳам товуш чиқармади. У она юртидан чикқандан буён тинимсиз юм-юм кўзёш тўкиб келди.

– Шўрлик қиз! – деди Деянира. – Йўқ, сенинг ғамингга ғам қўшмайман! Лихас, асирларни қасрга олиб кир, мен ҳам ҳозир ортингдан кириб бораман!

Лихас асирларни қасрга олиб кетади. Элчи кетиши билан сарой ходимларидан бири Деяниранинг олдига келиб, унга шундай дейди:

– Шошма, маликам, гапимга қулоқ бер. Лихас сенга ҳамма гапни очик айтмади. У ҳалиги аёлнинг кимлигини яхши билади; у шоҳ Эвритнинг қизи Иоладир. Бир вақтлар Ҳеракл шу кизга ошиқ бўлиб қолиб, камондан ўқ отишда Эврит билан мусобақалашган. Лекин мутақаббир шоҳ лафзида турмай, мусобақада ғолиб чикқан Ҳераклга қизини бермаган, боз устига, бузург қахрамонимизни таҳқирлаб шахардан қувиб чиқарган. Эндиликда, Ҳеракл шу Иола деб Ойхалияни босиб олди ва шоҳ Эвритни маҳв этди. Эринг Зевсзода бу Иолани Трахинага чўри сифатида юбормаган – уни ўзига хотин қилиб олмоқчи.

Деянира бу гапни эшитиб, қаттиқ ғамга ботади. Ҳақиқатни яширганни учун Лихасни койийди. Шунда Лихас, дарҳақиқат, Ҳеракл Иоланинг ҳусни жамолига мафтун бўлгани ва унга уйланиш ниятида эканлигини айтади. Деянира буни эшитиб ғамга ботади. Демак, Ҳеракл узоқ давом этган ҳижрон пайтида ўз ёрини унутиб қўйибди-да. У бошқани севиб қолибди. Нима қилсин энди бу бадбахт аёл? У Зевснинг буюк ўғлини чин қалбдан севади ва уни ҳеч бир кимсага беришни истамайди. Оғир қайғуга ботган Деянира бир вақтлар кентавр Несс берган қопчикни ва унинг ўлими олдидан айтган гапни эслайди. «Менинг қонимни Ҳераклинг кийимига сурка, шунда у сени тоабад севгай, дунёда биронта аёлни сендан

афзал кўрмагай», – деган эди у. Бу сеҳрли тадбирни қўллашга Деяниранинг юраги дов бермайди, лекин Ҳераклга бўлган муҳаббати ва ундан айрилиб қолиш хавфи Деяниранинг юрагига далда беради. У Несснинг конини кўзачага солиб куёш нури тушмайдиган ва ўчоқдаги олов тафтидан узокроқ ерга яшириб қўйган эди. Деянира шу кўзачани олиб, Ҳеракл қайтганида унинг елкасига ташлаш учун ўз қўли билан тиккан муҳташам жуббага суркайди-да, уни қопкоғи зич ёпиладиган қутига солиб, Лихасни қакиради.

– Сен, Лихас, – дейди Деянира, – дарҳол Эвбеяга жўна, манави қутини Ҳераклга элтиб бер. Унга мен жубба солганман. Уни Ҳеракл Зевс учун қурбонлик қилаётганида эгнига кийсин. Унга тайинлаб айтгинки, бу либосни ўзидан бошқа ҳеч бир фоний банда кия кўрмасин, яна айтгинки, то жуббани эгнига киймагунча, унга мунаввар Ҳелиоснинг шуъласи тушмасин. Шошил, Лихас!

Лихас жуббани олиб жўнаб кетади. У кетгандан кейин Деяниранинг кўнглига ғулғула тушади ва саройга қайтиб киради, қараса, Несснинг конига ботириб жуббага суркаган бир парча мато илвиллаб кетибди. Деянира даҳшатга келиб, матони ерга отиб юборади. Шунда матога куёш нури тушиб, ундаги Лерна илони заҳри билан омихта бўлган қон қизийди. Офтоб тафтида кентаврнинг қони билан бирга илон заҳри ҳам қизийди ва матони куйдириб қулга айлантиради, мато ётган ерда эса, оғули кўпик пайдо бўлади. Деянира буни кўриб даҳшатга келади: энди у, Ҳераклнинг жуббани кийган ҳамона ўлиб қолишидан кўрқади. Машъум фалокат содир бўлишини сезаётган Деянира тобора қаттиқроқ изтироб чека бошлайди.

Лихас Эвбеяга жўнаб кетгач, орадан кўп вақт ўтмай, саройга Ҳилл қайтиб келади. Унинг ранги оқарган, кўзлари ғилт-ғилт ёш. У онасига бир қараб қўйиб шундай дейди:

– Эй, она, кошкийди, сен ўлган бўлсанг, ё мен эмас, бошқалар сени она деб атаса ва ёки ақл-заковатинг тамомила бошқача бўлса! Билиб қўй, сен ўз эрингни, менинг падаримни нобуд қилдинг!

– Вой, шўрим қурсин! – деб фарёд қилади Деянира. – Нималар деяпсан асти, ўғлим? Буни сенга ким айтди? Мени бундай ёвузликда айблашга қандай тилинг борди!

– Отамнинг қандай изтироб чекканини мен ўз кўзим билан кўрдим, буни ҳеч ким айтгани йўқ!

Шунда Ҳилл онасига Ойхалия шаҳри яқинидаги Канейон тоғида содир бўлган воқеани сўзлаб беради: Ҳеракл бу ерда қурбонгоҳ тиклаб, биринчи навбатда ўз падари Зевсга, сўнгра ўзга худоларга қурбонлик қилишга шайланиб турганида Лихас жубба кўтариб бориб қолипти. Зевсзода хотинининг совғаси – жуббани кийибдию худолар учун қурбонлик қилишга киришипти. У ўн икки нафар зотдор буқани Зевс

йўлига қурбон қилибди, хуллас, худоларга бағишлаб, қаҳрамонимиз жами юзта тана сўйдирибди. Мехробларда олов лангиллаб ёна бошлабди. Ҳеракл қўлларини кўкка чўзганча, худоларга иззат-эҳтиром ила тавалло қила бошлабди. Қурбонгоҳларда гуриллаб ёнаётган олов тафтидан Ҳераклнинг бадани кизиб, терлай бошлабди. Шунда бирдан захарли жубба қаҳрамоннинг баданига чиппа ёпишиб қолипти. Ҳераклнинг вужуди жимирлаб кетибди. Унинг бутун аъзойи бадани зиркираб оғрий бошлабди. Бу азобга чидай олмаган Ҳеракл Лихасни ёнига чақириб, не мақсадда унга бу жуббани олиб келган эдинг, деб сўрабди. Лихас жуббани сенга хотининг бериб юборди, дебди. Шунда оғрик азобидан телба бўлиб колаёзган Ҳеракл Лихаснинг оёғидан ушлаб, уни ҳавода чирпирак қилиб айлантирибди-да, денгиз тўлкини урилиб турган қоятошга уриб, миясининг қатигини ўнатиб юборибди. Лихас тил тортмай ўлибди. Ҳеракл ҳам гурсиллаб ерга йиқилибди. У ғайритаъриф укубатга дош бера олмай, ўзини хар томонга отибди, жон аччиғида бутун Эвбеяни бошига кўтариб фарёд солибди. Деянира билан турмуш қурган кунига лаънатлар ўқибди. Сўнг бузург қаҳрамон ўғлини ёнига чақириб, ихраб-сихраб шундай дебди:

– Ўғлим, мени бундай мушкул аҳволда ташлаб кетма, ҳатто, сенга ўлим хавф солган тақдирда ҳам, мени тарк этма! Мени кўтар! Олиб кет бу ердан! Биронта ҳам фоний банда кўрмайдиган ерга олиб кет. Агар падарингга озгина бўлса ҳам раҳминг келса, бу ерда жон беришимга йўл қўйма!

Ҳераклни замбилга ётқизишиб, Трахинага олиб келгани кемага олиб чиқишибди. Ҳилл онасига шуларни баён қилиб, ҳикоясини шундай сўзлар билан яқунлади:

– Ҳадемай ҳаммангиз Зевснинг бузург ўғлонини шу ерда кўрасиз: эҳтимол, у ҳали тирикдир. Ким билсин, эҳтимол, аллақачон жони узилгандир ҳам. Она, илоҳо бадқаҳр Эриниялар билан қасоскор Дикэнинг ғазабига учрагин! Сен шундай асл инсонни нобуд этдингки, дунё дунё бўлиб ҳали бунақа улуг зот рўйи заминга келмагани! Сең бундай паҳлавонни энди ҳеч қачон учратмагайсан!

Деянира чурқ этмай қасрга кириб кетади. Кириб қўлига ханжар олади. Буни кекса энага кўриб қолиб, Ҳиллни чақириб келгани югуради. Ҳилл онаси қошига ўқдек отилиб кириб келади, лекин у кечиккан, Деянира ўз кўксига ханжар санчишга улгурган эди. Шўрлик ўғил дод солиб онасига ташланади, у волидасини бағрига босиб, совий бошлаган жасадини устма-уст ўпаверади, ўпаверади...

Худди шу пайт қасрга ўлим тўшагида ётган Ҳераклни кўтариб олиб келишади. У йўл азобидан толиқиб пинакка кетган эди, лекин қаср бўсағасида замбилни ерга қўйишлари билан Ҳеракл кўзини очади. Бешафқат оғрик азобидан қаҳрамон ҳеч нимани идрок қила олмайди.

– Ё, муаззам Зевс! – деб хайқиради у. – Мен қай мамлакатдаман? Қайдасиз, Юнонистоннинг азамат ўғлонлари? Ёрдам беринг менга! Сизларни деб рўйи заминни ва теран уммонни бадкор махлуқлардан, ёвузликлардан фориг қилдим, энди бўлса мени бу оғир азоблардан ўт ё ўткир шамшир билан қутқаришни истамаяпсиз! Ё Зевснинг оғаси бузург Аид, мен бахти қарони тезроқ ухлат ва шиддатли ўлимни юбориб, мангу ғафлат оғушига ол!

– Отажон, ўтинаман, гапларимга кулоқ сол, – деб юм-юм йиғлаганча илтижо қила бошлади Ҳилл. – Онам бу ёвузликка билмай қўл урибди. Сени беихтиёр нобуд қилганини билиб, волидам ўз юрагига ханжар санчди!

– Ё худолар, хотиним ўлибди, лекин ундан қасос ололмадим! Таассуфки, менинг қўлимдан ажал топмади ғаддор Деянира!

– Ота, онамда гуноҳ йўк! – дейди Ҳилл. – Эврит қизи асира Йола уйимизга келганини кўриб, сеҳр-жоду билан сенинг муҳаббатингни ўзига оғдирмоқчи бўлган экан. Онам сенинг ўқингдан ҳалок бўлган кентавр Несснинг қонини жуббанга суркабди, аммо бу қон Лерна илонининг захари билан омихта этилганидан беҳабар экан.

– Қандай мусибат! – деб фиғон чекади Ҳеракл. – Падарим Зевснинг башорати шу экан-да! У менга, сенинг қотилинг-тирик жонзот бўлмайди, балки сен Аиднинг зулмат салтанатига рихлат этган махлуқнинг дасисасидан (найрангидан) ўлгайсан, деб айтган эди. Мана, ўғлим, ўзим маҳв этган Несс мени ўлдирди! Додонадаги коҳин менга ором башорат қилган эди; бу – ўлим ороми экан! Ҳа, дарҳақиқат, ўликларда беоромлик бўлмайди! Сен энди менинг охирги хоҳишимни бажар, Ҳилл! Содик дўстларим ёрдамида мени юксак Оэта тоғига олиб чик, унинг чўққисида дафн гулхани учун шох-шабба уй ва шу шохлар устига жасадимни қўйиб, гулханга ўт қўйиб юбор. Бўлақол, ўғлим, жадал ҳаракат қил, азобимни тезроқ арит!

– Шафқат қил менга, ота, наҳотки мени – ўз фарзандингни қотилинг бўлишга мажбур этсанг! – деб Ҳилл отасига илтижо қилади.

– Йўк, қотилим эмас, халоскорим бўласан – сен мени азобдан қутқарасан! Яна бир истагим бор, сен уни ҳам бажаришинг шарт! – деб ёлборади Ҳеракл ўғлига. – Сен Эвритнинг қизи Йолага уйланасан!

Лекин Ҳилл отасининг бу илтижосини бажаришдан бош тортиб шундай дейди:

– Йўк, ота, мен онамнинг ўлимида айбдор бўлган қизга уйлана олмайман!

– Эй, Ҳилл, ота ҳукми – худо ҳукми, деганлар, хоҳишимга рози бўл! Тинчгина жон қазо қилишимга имкон бер! – деб қатъий илтижо қила бошлайди Ҳеракл.

– Хўп, розиман, ота, – деб жавоб қилади Ҳилл мутелик билан. – Мен васиятингга амал қилгум.

Ҳеракл ўғлини шоширади, ундан ўзининг сўнги илтимосини тезроқ бажаришга киришишни талаб қилади.

– Бўлақол, шошил, ўғлим! Яна оғрик хуруж қилмасидан, тезроқ мени гулханда ёндир! Олиб боринглар мени! Алвидо, Ҳилл!

Ҳилл отасининг дўстлари билан бирга замбилини кўтаришиб, Ҳераклни юксак Оэта тоғига олиб чиқади. Улар шох-шаббаларни тоғ қилиб уйиб, устига дунёдаги энг буюк қахрамон Ҳераклни ётқишишади. Шу пайт унинг дарди яна хуруж қилиб, азоби тобора оғирлашади, Лерна илонининг захри баданига тобора чуқурроқ сингий бошлайди. Ҳеракл баданига чиппа ёпишиб қолган захарли жуббани тилка-тилка қилиб йиртади: жубба билан бирга ўз терисини ҳам палахса-палахса қилиб шилиб олади, даҳшатли азоб ҳеч чидаб бўлмайдиган даражада оғирлашади. Бу азоблардан кутулишнинг бирдан-бир йўли – ўлим. Мудҳиш укубатларга бардош бериб яшагандан гулханда ёниб ўлиш минг карра афзал, аммо Ҳераклниинг дўстларидан биронтаси ҳам гулханни ёқишга журъат эта олмайди. Шу пайт Оэта тоғига Филоктет келиб қолади; Ҳеракл гулханга ўт ёқишни шу дўстидан илтимос қилади ва бу хизмати учун унга ўз камони билан захарли ўқларини совға қилади. Филоктет гулханга ўт ёқади, гулхан алангаланиб порлаб ёна бошлайди, лекин шу чоғ Зевснинг чакмоғи гулхандан ҳам равшанроқ чарақлайди. Момақалдироқ бутун осмонни ларзага келтириб гумбурлайди. Шунда гулхан тепасига Афина-Паллада¹ билан Ҳермес олтин жангаробада учиб келиб, жаҳонда энг буюк қахрамон бўлган Ҳераклни Олимпга олиб чиқиб кетадилар. У ерда қахрамонни худолар қарши оладилар. Шунда Ҳеракл боқий тангрига айланади. Ҳера эса, адвокатини унутиб, Ҳераклга ўз қизи, мангу навниҳол маъбуда Ҳебани хотинликка беради. Шундан буён Ҳеракл мунаввар Олимпда, боқий тангрилар жамоасида яшар экан. Бу унинг ер юзида кўрсатган барча жасоратлари, бошидан кечирган жамики азоб-укубатлари эвазига худолар томонидан кўрсатилган мурувват эди.



ҲЕРАКЛЗОДАЛАР



Еврипиднинг «Ҳераклзодалар» фожияси асосида баён қилинади

Ҳеракл ўлгандан сўнг унинг фарзандлари ва онаси Алкмена Тиринфга, тўнғич ўғил Ҳиллникига кўчиб ўтишади. Лекин бу ерда улар узоқ вақт яшай олишмади. Ҳераклни ўлгудек ёмон кўрувчи шох Эврисфей жаҳонда энг бузург қахрамон бўлган Ҳераклниинг болаларини отамерос ерлардан қувғин қилади ва уларнинг бирон ердан паноҳ топишларига имкон бер-

¹ Бошқа бир ривоятда баён қилинишича, жангаробада зафар маъбудаси – Никэ бўлган экан.

майди. Ҳераклниг болалари узоқ вақт сарсон-саргардон бўлиб, бутун Юнонистонни кезиб юришади; ниҳоят, Ҳераклниг дўсти ва жияни кекса Иолай уларга ўз уйдан бошпана беради. Лекин Эврисфейнинг таъқиби бу ерга ҳам етиб келади, шунда Ҳераклзодалар Иолай билан биргаликда Афинага қочишга мажбур бўлишади; бу пайт Афинада Тесей ўгли Демофонт ҳокимлик қилар эди.

Ҳераклзодаларнинг Афинадан паноҳ топганини эшитган шоҳ Эврисфей ўз муждачиси Копрейни Демофонт хузурига юборади ва ундан Ҳераклзодаларни қайтариб беришни талаб қилади. Демофонт Копрейга рад жавобини беради; унинг «акс ҳолда, Эврисфей кўшин тортиб келиб, Афинани ғорат айлағай», деб айтган дағдағасини ҳам писанд қилмайди. Демофонт меҳмондўстлик таомилига хилоф иш тутишни хохламайди.

Орадан кўп ўтмай, Эврисфей катта кўшин билан Аттикага бостириб киради. Афиналиклар душманнинг беҳисоб кўшини билан қақшатқич жангга киришиши керак эди. Шунда улар худолардан бу жангнинг қандай яқунланишини башорат қилишни сўрайдилар. Худолар башорат қилиб шундай дейдилар: «Агар афиналиклар тангрилар йўлига бир қизни қурбонлик қилишса, зафар қозонурлар». Ҳеракл билан Деяниранинг катта қизи Макария бу башоратни эшитиб ўз ихтиёри билан жонини худолар йўлига қурбон қилмоқчи бўлади. У оға-инилари ва сингилларини ўлимдан асраб қолиш учун ўз жонини фидо қилишга рози бўлган эди.

Мана, икки кўшин жанггоҳда учрашади. Ҳилл ҳам Эврисфейга қарши мадад кучи йиғиб, ўз кўшини билан жанг майдонига етиб келади. Жанг олдидан Макарияни худолар йўлига қурбонлик қилишади. Жанг ниҳоятда шиддатли бўлади, кўп қон тўкилади. Бу жангда афиналиклар зафар қозонишади. Эврисфей қочади, Ҳилл ўз падарининг ғанимини тутиб маҳв этиш учун жангаробада уни қувиб кетади.

Буни кўрган Иолай, жангаробангни менга бер, деб Ҳиллдан илтимос қилади – Ҳераклниг кекса сафдоши Иолай дўстининг бошига не-не кул-фатларни солган Эврисфейдан ўзи интиқом олмақчи бўлган эди. Иолай жангаробага чиқиб, ғаними кетидан шамолдек учади. Мана, у Эврисфейга етай-етай деб қолади.

Шунда Иолай Олимпдаги худоларга юзланиб, улардан фақат бир кунгагина ёшлигини ва ёшликдаги қудратини бериб туришни илтижо қилади. Худоларга Иолайнинг таваллоси етиб боради ва самодан иккита порлок юлдуз паррон этиб тушади, қора булут Иолайнинг жангаробасини буркаб олади. Булут тарқаганда жангаробада навқирон, ўктам ва паҳлавон Иолай турарди. У бир зумда Эврисфейга етиб олиб, уни асир олади.

Иолай оёқ-қўли боғланган Эврисфейни Афинага зўр тантана билан олиб келади. Ҳераклниг онаси Алкмена ўглининг рақибини кўриб, ғзаби қайнайди. Гарчи Ҳилл билан Демофонт Эврисфейни ҳимоя қилишга ури-

нишган бўлса ҳам, Алкмена ўз қўллари билан ғанимнинг кўзларини ўйиб олади, сўнг ўлдиради. Эврисфей шу тарика ўлади. Афина аҳли мағлуб душманнинг жасадини Аттикадаги муқаддасгоҳ ёнига дафн этади.

КЕКРОП, ЭРИХТОНИЙ **ВА ЭРЕХТЕЙ**

*А*зим шаҳар Афина ва унинг сарбаланд қасри Акрополга Замин фарзанди Кекроп асос солган. Уни Ер ярим одам – ярим илон қиёфасида туққан эди. Кекропнинг белидан пасти маҳобатли илон думидан иборат эди. Кекроп Аттика вилоятида шаҳар бунёд этаётган пайтда, денгиз худоси зилзилакор Посейдон билан жангчи маъбуда – Зевснинг суюкли қизи Афина бутун мамлакатга ҳоким бўлиш учун ўзаро баҳслашар эдилар. Шунда бу мубоҳасани ажрим қилиш мақсадида чакмоқдор Зевс бошчилигида жамики худолар Афинадаги Акрополга тўпланишади. Худолар ва бандалар султони Зевс бул ҳакамлар анжуманига Кекропни ҳам чақиради: Аттикага ким султон бўлишини у ҳал қилиши лозим эди. Илоноёқ Кекроп Акрополга келиб, ҳакамлар даврасидан жой олади. Худолар, кимда-ким мамлакатга энг қимматли тухфа ҳадя этса, ўша Аттика устидан ҳоким бўлсин, деган қарорга келадилар. Шунда зилзилакор худо Посейдон илкидаги шохдор асосини қоятошга санчади, шу лаҳзада тош орасидан булоқ кўз очиб, ундан шўр денгиз суви қайнаб чиқа бошлайди. Афина эса, ўзининг обдор найзасини ерга ботиради, шунда ер остидан зайтун дарахти ўсиб чиқиб, ҳосил бера бошлайди. Энди Кекроп ҳукм чиқариши керак эди. У шундай дейди:

– Ё, Олимпнинг мунаввар тангрилари, чор атрофда бепоён денгизнинг шўр суви шовуллаб ётипти, илло зайтун дарахти ҳеч ерда йўқ. Ваҳоланки, бул дарахт бутун мамлакатга маъмурчилик келтиради, одамларни деҳқончиликка, ер чопиб, мўл-кўл ҳосил олишга даъват этади. Афина Аттикага беназир неъмат ато этди, шу боис бутун мамлакатга Афина ҳокима бўлсин.

Худолар Кекроп бунёд этган шаҳарга ҳам, бутун Аттика вилоятига ҳам Афина-Паллада ҳокимлик қилсин, деб ҳукм чиқарадилар. Шундан бошлаб Кекроп шаҳри Зевс қизи шарафига Афина деб юритила бошлайди. Кекроп Афина шаҳрида биринчи бўлиб шаҳарнинг пушти-паноҳи маъбуда Афина билан унинг падари Зевс шарафига муқаддасгоҳ куради. Бул муқаддасгоҳга Кекропнинг қизлари Афинанинг энг дастлабки коҳиналари бўлишади. Кекроп Афина аҳли учун қонунлар жорий қилади ва давлатни барпо этади. У Аттиканинг биринчи шоҳи бўлган эди.

Кекропдан сўнг бу вилоятга олов худоси Ҳефестнинг ўгли Эрихтоний шоҳ бўлади. У ҳам Кекроп сингари Замин фарзанди, жисми илон

кўринишида эди. Эрихтонийнинг тугилиши мутлақо сир-синоатли эди. Эрихтоний туғилган ҳамоно маъбуда Афина уни ўз ҳимоясига олади ва у маъбуданинг мукаддасгоҳида ўсиб-улғая бошлайди. Афина чакалоқ Эрихтонийни тўкима саватга солиб, копқоғини зич қилиб ёпиб кўяди. Чакалоқни иккита илон кўриқлаши лозим эди. Шунингдек, унга Кекропнинг қизлари¹ ҳам кўз-кулоқ бўлиб туришарди. Афина уларга сават копқоғини очишни қатъиян ман қилиб кўйган эди, зеро, Ердан сирли тарзда туғилган чакалоқни қизлар кўрмаслиги керак эди. Лекин Кекроп қизлари қаттиқ қизиқсинишади, улар ҳеч бўлмаса, Эрихтонийга бир мартагина кўз қирини ташлаш иштиёқида ёнадилар.

Кунлардан бир кун Афина Акрополдаги мукаддасгоҳини тарк этиб, Палленага жўнайди: у ўша ёқдан тоғни келтириб, уни Акрополь қаршисига ихота сифатида қўймоқчи бўлади. Маъбуда тоғни кўтариб Афина томон олиб келаётганида қаршисидан бир қарға учиб келиб, Кекроп қизлари сават копқоғини очишганини ва пинҳона сақланган чакалоқ Эрихтонийни кўришганини хабар қилади. Бу гапни эшитиб дарғазаб бўлган Афина тоғни ўша ерга ташлайдию зумда мукаддасгоҳга етиб келади. У Кекроп қизларини қаттиқ жазолайди: қизлар телбалик дардига дучор бўлишади ва мукаддасгоҳдан югуриб чиқиб, нима қилаётганларини билмай, Акрополнинг тик қояларидан ўзларини жарга отиб нобуд бўладилар². Шу пайтдан бошлаб чакалоқни Афинанинг ўзи кўриқлайди. Энди тоғдан гапирсак. Афина қарғадан шум хабар эшитганида тоғни қаерга ташлаган бўлса, ўша ерда қолади; кейинчалик бу тоғ Ликабет деб атала бошлайди. Эрихтоний ўсиб-улғайгач Афинага подшо бўлади ва узоқ йиллар ҳукмронлик қилади. У маъбуда Афина шарафига энг қадимий асосий байрамни, яъни Панафинеяни таъсис этади.

Эрихтоний биринчи бўлиб жангаробага отларни кўшади ва Афинада унинг авлодидан биринчи бўлиб жангароба пойгасини жорий қилади.

Эрихтонийдан кейин Афинада унинг авлодидан Эрехтей шоҳ бўлади. Унинг ҳукмронлик даври Элевсин шаҳри билан шиддатли жангларда ўтади, устига-устак Фракия шаҳзодаси Иммарад ўз қўшини билан Элевсинга ёрдамга келади.

Бу урушда омад Эрехтейдан юз ўгиради. Иммарад билан фракияликлар Эрехтейни тобора кўпроқ исканжага ола бошладилар. Ахири бўлмагач, Эрехтей, нималар эвазига ғалаба қозониши мумкинлигини билиш учун,

¹ Кекроп қизлари (Аглавла, Ҳерса ва Пандроса) шабнам маъбудалари хисобланишар ва қурғоқчиликни даф қилишарди.

² Бошқа бир ривоятда баён қилинишича, Кекроп қизлари чакалоқ Эрихтонийнинг танаси илон эканлигини (ёхуд чакалоқни илон ўраб олганлигини) кўриб даҳшатга келадилар ва ўзларини Акрополдаги қоядан жарга ташлаб ўладилар (яна бир ривоятда уларни илон бўғиб ўлдиради).

Аполлоннинг Дельфадаги башоратгоҳига мурожаат этишга қарор қилади. Шунда ғойибдан дарак берувчи пифия, ўз қизларингдан бирини худолар йўлига қурбон қилган тақдирингдагина Иммарад устидан зафар қозонгайсан, деб Эрехтейга ғоят шум гап айтади. Шохнинг навниҳол қизи Хтония пифиянинг жавобини эшитиб қолади ва қалбида ватанига бўлган меҳр жўшиб, жонажон Афина учун жонини фидо қилишга шай эканлигини овоза қилади. Эрехтей кизининг бошига тушган бу аччиқ қисматдан қаттиқ изтироб чеккан ҳолда, уни худолар йўлига қурбон қилади; Афинани ёвлардан асраб қолиш истагигина уни бундай қилишга мажбур этади.

Хтония қурбон қилингандан кейин сал вақт ўтар-ўтмас жанг бошлади. Жанг авжи кизиган пайтда Эрехтей билан Иммарад юзма-юз учрашадилар ва яккама-якка жанг бошлайдилар. Бу икки қахрамон узоқ олишишади. Улар куч-қувватда ҳам, қурол ишлатишда ҳам, жасоратда ҳам бир-бирларига бўш келмайдилар. Ахири Эрехтей найза санчиб Иммарадни маҳв этади. Бундан Иммараднинг отаси Эвмолп қаттиқ қайғуга ботади ва тангри Посейдонга юзланиб, Эрехтейдан ўғлининг хунини олишни илтижо қилади. Шунда Посейдон ўз жангаробасида Аттикага денгиз тўлкинлари узра шамолдек елиб келади ва айри бошли асосини Эрехтейга санчиб уни ўлдиради. Ўз ватанини ҳимоя қилган Эрехтей шу тарзда ҳалок бўлган экан. У билан бирга барча фарзандлари ҳам нобуд бўлишади. Фақат Креуса исмли қизи омон қолади, қаҳҳор қисмат фақат шу кизгагина раҳм қилган эди.



КЕФАЛ ВА ПРОКРИДА



Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Кефал тангри Ҳермеснинг ўғли бўлиб, уни Кекропнинг қизи Херса тукқан эди. Кефалнинг бекиёс ҳусни жамоли ҳақидаги овоза бутун Юнонистонга таралганди, шунингдек, у ашаддий овчи сифатида ҳам довруқ қозонган эди. У ҳар куни эрталаб тонготарда навниҳол завжаси Прокридани саройда қолдириб, ов қилгани Ҳимет тоғларига жўнаб кетарди. Шундай кунларнинг бирида тонг маъбудаси гулбадан Эос дилбар йигит Кефални кўриб қоладию уни ўғирлаб, Афинадан узоққа, ернинг энг чекка сарҳадига олиб қочиб кетади¹. Лекин Кефал фақат ўз хотини Прокридани севар, ёлғиз ўшани ўйлар, унинг исмини огзидан кўймас эди. Бу ҳижрон пайтларида у хотинининг висолига етиш иштиёкида яшар, маъбуда Эосга илтижо қилиб, Афинага қайтиб кетиши учун ижозат сўрарди. Ахири Эоснинг аччиғи чиқиб, Кефалга шундай дейди:

¹ Гесиоднинг ёзишича, Эос Кефалдан ўғли Фаэтонни тукқан экан.

– Яхши, тақдирингдан ҳадеб зорланаверма, ўша Прокридангнинг олдига қайтақол! Бир кун келиб, Прокридага уйланганингга, ҳаттоки, уни учратганингга минг-минг пушаймон қиласан! О, шундай бўлишини мен ҳалитдан тасаввур қиялман!

Шундай деб, Эос Кефални кўйиб юборади. Маъбуда йигит билан хайр-лашаркан, хотинингнинг вафодорлигини бир синаб кўр, деб маслаҳат беради. У Кефалнинг қиёфасини ўзгартиради. Йигит Афинага қайтади, уни ҳеч ким танимайди. Кефал найранг ишлатиб ўз уйига киради ва хотинини чуқур ғамга ботиб ўтирган ҳолда кўради. Прокрида ғамгин чоғида ҳам беҳад гўзал эди. Кефал хотинини гапга солади, ширинсуханлик билан уни ўзига оғдиришга, эридан воз кечиб, унга хотин бўлишга роса ундаб кўради. Прокрида эрини танимайди. У бегона одамнинг гапларини эшитишни истамайди, ўз аҳдида қаттиқ туриб, нуқул такрорлайверади:

– Мен ёлғиз Кефални севаман, ўла-ўлгунимча унинг вафодор ёри бўламан. У қаерда бўлса ҳам, тирикми, ўликми, барибир, абадулабад унга содик бўлиб қоламан!

Кефал беҳисоб бойликлар ваъда қилиб, ахири хотинининг кўнглида тараддуд уйғотади. Прокрида эндигина унинг илтимосига кўнмоқчи бўлганида, Кефал бирдан ўз қиёфасига кириб, хотинига дағдаға қила бошлайди:

– Эй, бевафо! Мен – эринг Кефалман! Бевафолик қилганингни ўз кўзим билан кўрдим!

Прокрида эрига бир оғиз ҳам гап айтмайди. У бошини ҳам қилганча Кефалнинг уйини тарк этади ва ўрмонзор тоғларга чиқиб кетади. У ерда бу жувон маъбуда Артемидага ҳамроҳ бўлади. Маъбуда унга ҳамиша нишонга беҳато тегиб, яна изига қайтиб келувчи ғаройиб найза билан Лайлап деган итни совға қилади. Лайлапдан биронта ҳам ваҳший хайвон қочиб қутула олмас эди.

Кефал Прокридадан айрилганига ҳеч чидай олмайди. У ўрмонга бориб, хотинини қидириб топади ва уни уйга қайтишга кўндиради. Прокрида шавҳари қошига қайтади ва улар узоқ вақт бахтли ҳаёт кечиришади. Прокрида ўзининг ажойиб найзаси билан кўппаги Лайлапни эрига совға қилади, Кефал эса, яна бир вақтлардагидек, ҳар куни тонг отмасдан овга чиқиб кета бошлайди. Кефал ҳамиша ёлғиз ўзи ов қилар, ҳеч қандай ёрдамчининг унга кераги йўқ эди, зеро, қўлида ғаройиб найза, ёнида Лайлап бор эди. Кунларнинг бирида Кефал, ўз одати бўйича, тонг отмасдан овга чиқиб кетади; чошгоҳга бориб кун қизигандан қизийди, шунда у жазирама иссиқдан қочиб, салқин жой қидириб бораркан, қўшиқ куйлайди:

– Эй, лаззатли сарин шаббода, тезроқ етиб кел! Яланг кўксимга ҳаловат бахш эт! Эй, нозли сарин шаббода, яқинроқ кел қошимга ва оташ ҳароратини сўндир! Эй, самовий сарин шаббода, сен менинг қувончимсан,

менга жон ва кувва бахш этасан! Тезроқ елиб кел, токи мен сенинг тотли нафасингдан бахраманд бўлай!

Афиналиклардан кимдир Кефалнинг бу кўшиғини эшитиб қолади ва унинг маъносига тушунмай, тўғри Прокриданинг олдига бориб, эринг Сарин исмли бир санамга ошиқ бўлиб қолипти, ўрмон кезиб уни чақириб юрипти, деб айтади. Бу гапни эшитган Прокрида қаттиқ кайғуга ботади. Кефал бошқани севиб қолипти, энди мендан юз ўтиради, деб ўйлайди у. Бир куни Кефал овга кетган пайтида Прокрида ҳеч кимга сездирмасдан ўрмонга боради ва қуюк буталар орасига яшириниб олиб, эрини пойлайди. Мана, дарахтлар орасида, узоқда Кефал кўринади. У баралла овоз билан:

– Эй, сернавозиш сарин ел, кел, келу менга ҳаловат бахш эт! – деб кўшиқ куйлаб келарди.

Бирдан у таққа тўхтади – кимнингдир оғир тин олганини эшитади. Кефал кулоқ солиб кўради, аммо бутун ўрмон сув куйгандек жим-жит, бу жазирама туш пайтида, ҳатто, биронта япроқ ҳам «қилт» этмасди. У яна кўшиқ куйлай бошлайди:

– Тезроқ кел, ардокли сарин ел, мени оғушингга ол!

Шу пайт буталар орасида алланима охиста шитирлайди. Кефал бута орасида биронта ваҳший ҳайвон пусиб ётипти, деб ўйлаб, ўша томонга нишонни бехато урувчи найзасини отади. Шунда сийнасидан жароҳатланган Прокрида жон аччиғида чинқириб юборади. Кефал бу овозни танийди. У буталар томон отилади ва у ерда бутун кўкси қора қонга беланган хотинини кўради. Кефал шоша-пиша хотинининг ярасини боғлайди, лекин ҳаракати зое кетади: Прокриданинг жароҳати оғир эди. У эрининг қўлида жон беради. Ўлими олдидан у эрига шундай дейди:

– Эй, Кефал, ўртамиздаги никоҳ риштаси ҳаққи, Олимпдаги жамики худолар ҳаққи, ҳозир мен риҳлат этиб кетаётган ер ости салтанатининг худолари ҳаққи, қолаверса, сенга бўлган муҳаббатим ҳаққи, илтижо қиламанки, ҳозир чақирганинг аёлни зинҳор уйнмизга бошлаб кирма!

Шундагина Кефал жон қазо қилаётган Прокридани нима чалғитганини тушунади. У хотинига унинг янглишганлигини изоҳлашга ошиқади. Лекин энди Прокрида ҳушини йўқота бошлаган, кўзларининг нури сўнган эди; у Кефалга латофатли жилва қилганча, унинг қўлида жон беради. Охирги бўса билан бирга унинг руҳи Аиднинг зулмат салтанати сари учиб кетади.

Кефал бу жудоликдан узоқ вақт бетаскин яшайди. У қотил сифатида ўз ватани Афинани тарк этиб, етти дарвозали Фивага жўнаб кетади. Бу ерда у тутқич бермас тавтесей тулкисини овлашда Амфитрионга кўмаклашади. Бу тулкини тангри Посейдон Фива аҳлини жазолаш мақсадида юборганди. Шаҳар аҳолиси тавтесей тулкисининг қаҳрини сўндириш учун ҳар ойда биттадан ўғил болани курбон қиларди. Кефал тулкига ўз кўппаги Лайлапни қўяди. Лайлап тулкини қувиб кетади; агар чақмоқдор Зевс бу тулки билан

Лайлап икковини иккита тошга айлантириб қўймаганда борми, ким билсин, кўппак тулкини ханузгача кувиб юрган бўлармиди!.. Кефал тавтесей тулкисини ов қилгандан кейин Амфитрионнинг телебойлар билан бўлган урушида қатнашади ва бу муҳорабада ўз довюрраклиги шарофати билан Кефаления оролига султон бўлади (оролни унинг шаънига шундай деб атаган эдилар) ва умрининг охиригача шу оролда роҳат-фарогатда яшайди.



ПРОКНА ВА ФИЛОМЕЛА



Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Афина шоҳи, Эрихтоний наслидан бўлган Пандион шаҳарни қамал қилган бадавийлар билан уруш қилар эди. Агар Фракия шоҳи Терей ёрдамга келиб, унинг жонига оро кирмаганида борми, Афинани бадавийларнинг беадад қўшинидан мудофаа қилиш Пандион учун жуда мушкул бўлар эди. Шоҳ Терей бадавийлар устидан зафар қозонади ва уларни Аттика еридан кувиб юборади. Мана шу хизмати эвазига Пандион Терейни ўз қизи Прокнага уйлантиради. Терей энди Фракияга навниҳол завжаси билан қайтади. Бу ерда Прокна шоҳ Терейдан ўғил кўради. Зоҳиран қисмат маъбудалари мойралар Терей билан унинг хотинига саодатли ҳаёт ато этгандек туюларди.

Терей уйланганидан сўнг беш йил ўтади. Бир куни Прокна эрига юзланиб дейди:

– Агар мени севсанг, юртимга бориб синглимни кўриб келишимга ижозат бер, ё бўлмаса, ўзинг уни бу ерга олиб кел. Афинага бориб, отамдан илтимос қил, синглимни менинг олдимга юборсин, қизингиз тезда қошингизга қайтиб келади, деб ваъда бер. Синглим билан дийдор кўришиш мен учун энг улуғ бахт.

Терей кемани узоқ денгиз сафарига ҳозирлайди ва тезда йўлга чиқиб, Аттика қирғоғига омон-эсон етиб олади. Пандион куёвини кучоқ очиб кутиб олади ва уни саройга бошлаб боради. Меҳмон ўзининг ташрифи сабабини айтишга улгурмасдан, қайнота-куёвнинг олдига Прокнанинг синглиси, гўзалликда дилбар санамларга монанд Филомела пешвоз чиқиб келади. Терей қизнинг хусни латофатини кўриб лол бўлиб қолади ва Филомелага нисбатан унда шахвоний хирс уйғонади. У, рухсат беринг, қайнсинглим опаси олдига бориб меҳмон бўлиб келсин, деб Пандиондан ижозат сўрайди. Филомелага мафтун бўлиб қолган Терейнинг тили жуда бийрон бўлиб кетганди. Филомеланинг ўзи ҳам отасидан эгачисининг олдига юборишни илтимос қила бошлайди, зеро, у ҳали қандай фалокатларга дуч келишидан ғофил эди. Ниҳоят, Пандион рози бўлади. У қизини олис Фракияга жўнатаркан, Терейга шундай дейди:

– Эй, Терей, қизимни сенга, сени бокий худоларга топширдим. Шу худоларни ўртага қўйиб ёлвораман: Филомелани ўз қизингдек химоя қил. Уни тезроқ қайтариб юбор; биласанки, қариган чоғимда биттаю битта юпанчиғим шу Филомела бўлиб қолган.

Кейин Пандион Филомелага юзланиб шундай дейди:

– Қизим, агар кекса отангни яхши кўрсанг, тезроқ қайтиб кел, мени зинҳор ёлғиз қолдирма.

Пандион қизини кўзларида ғилт-ғилт ёш билан кузатади. Қандайдир нохушлик юз беришини кўнгли сезаётган бўлса ҳам, у Терей билан Филомеланинг илтимосини рад эта олмайди.

Мана, Пандионнинг соҳибжамол қизи кемага чиқади, эшкакчилар бирдамлик билан эшкак эша бошлайдилар, кема очик денгиз томон шамолдек елади, Аттика соҳили олислаб, кўринмай кетади. Терейнинг огзи қулоғида. У хурсанд бўлиб, ўзига-ўзи дейди:

– Омадим бор экан! Дилоромим гўзал Филомела кемада, ёнимда.

Бутун сафар давомида Терей Филомеланинг ёнидан нари кетмайди, унинг жамолидан нигоҳини узмайди. Мана, сафар тугаб, кема Фракия соҳилида лангар ташлайди. Аммо Фракия шоҳи Терей қайнсинглиси Филомелани саройга олиб бориш ўрнига, қоронғи ўрмон ичидаги бир подачининг кулбасига зўрлаб олиб кетади ва уни ўша ерда асоратда сақлайди. Филомеланинг кўз ёшларига ҳам, илтижоларига ҳам парво қилмайди тошбағир Терей. Шўрлик қиз ғурбатда азоб чекади, фарёд солиб, опасини, отасини ёрдамга чақиради, тез-тез олимпик худоларга илтижо қилади, аммо унинг барча нолаю илтижолари зое кетади. Бу асоратдан қутулишга кўзи етмаган Филомела ўзининг талх қисматида зорланиб, сочларини юлади.

– Эй, қаҳҳор ваҳший! – дейди қиз. – Отамнинг илтимослари ҳам, унинг кўз ёшлари ҳам, опагинамнинг менга бўлган жигарлик меҳри ҳам сенинг кўнглингни юмшатмади! Сен ўз хонадонингнинг муқаддас таомилини топтадинг! Майли, агар хоҳласанг, менинг ҳам жонимни олақол, илло билиб қўй, сенинг бу жиноятингга муаззам худолар шоҳиддирлар, агар уларнинг илохий қуввалари ҳали аримаган бўлса, сени қилмишингга яраша жазога мустаҳик этгайлар. Сенинг бадкирдорлигинг ҳақида ўзим бутун элга овоза қилгайман! Агар бу ердан кетишимга атрофимни ўраб олган куюк ўрмон имкон бермаса, ҳамма ёқни бошимга кўтариб айюҳаннос соламан; майли, нолаю фиғонимни боқий фазо эшитсин, худолар тингласин!

Терей Филомеланинг бу таҳдидини эшитиб қаттиқ ғазабга келади. У Филомеланинг сочидан чангаллаб, оёқ-қўлини боғлайди ва шамширини қинидан суғуриб, бу қилмишларимни ҳеч кимга айта олмасин деб, бахти қаро қизнинг тилини кесиб ташлайди. Сўнг ўз хотини Прокна олдиға жўнайди. Прокна эридан, синглим қани, деб сўрайди, шунда Терей, синг-

линг қазо қилипти, деб жавоб қайтаради. Прокна Филомелага аза тутиб, узоқ вақт кўзёш қилади. Орадан бир йил ўтади. Филомела бу пайт бандиликда изтироб чекади, у ўзининг ўрмонда хибсда ётганлиги ҳақида на отасига, на опасига хабар қила олади. Ахири бир кун у Прокнага дарак бериш усулини ўйлаб топади. У дастгоҳ ёнига ўтириб, уртук тўқийди ва унда ўз бошига тушган бутун азобу уқубатларни тасвирлаб, уртукни махфий тарзда опаси Прокнага юборади. Мана, Прокна уртукни ёйиб, синглисининг дахшатли қиссасини ўқийди. Прокна йиғламайди, у худди телба одамдек қаср ичида тентираб юраркан, эри Терейдан қандай интиқом олиш ҳақида ўйлайди.

Айни шу кунларда Фракия аёллари тангри Дионис байрамини нишонлаётган эдилар. Прокна ҳам уларга қўшилиб ўрмонга йўл олади. У қуюқ ўрмон билан бурканган тоғ бағрида синглиси Филомела хибс этилган кулбани қидириб топади. Прокна уни бандиликдан озод этиб, ҳеч кимга сездирмай саройга олиб келади.

– Энди йиғидан наф йўқ, Филомела, – дейди Прокна. – Биз кўзёш билан эмас, шамшир билан ҳаракат қилмоғимиз лозим. Мен Терейдан ўч олиш учун, сен билан ўзимнинг қасдимни олиш учун энг ёвуз ишга қўл уришдан ҳам қайтмайман!

Прокна шундай деб турганида хонага ўғилчаси киради.

– Шунчалик ҳам отангга ўхшайсанми? – дейди Прокна ўғлига тикиларкан.

У бирдан қошларини чимириб, жим бўлиб қолади. Прокнанинг кўнглига кўз кўриб қулоқ эшитмаган ёвузлик келади; Прокнанинг кўксига тўфондек жўш ураётган ғазаб туйғуси уни шундай машъум ёвузликка даъват этарди. Лекин ўғилчаси бу аснода онасига яқин келиб, жажжи қўлчалари билан уни кучоқлайди, эркаланиб уни ўпмоқчи бўлади. Прокнанинг қалбида бир лаҳзага меҳр туйғуси уйғонади, кўзларида ғилт-ғилт ёш пайдо бўлади, шунда у шоша-пиша юзини ўғлидан тескари ўгиради, аммо энди кўзи синглисининг кўзига тушиб, яна кўксига ғазаб алангаси ўт олади. Прокна ўғлининг қўлчасидан ушлаб, қасрнинг энг чекка гўшасига етаклаб кетади. У ўша ерда қўлига ўтқир ханжар олиб, юзини тескари ўтирганча, ханжарни ўғилчасининг кўксига санчади. Сўнг Прокна билан Филомела бадбахт гўдакнинг гўштидан Терей учун машъум таом тайёрлайдилар. Тановул пайтида Прокнанинг ўзи эрига хизмат қилади, юз берган фалокатдан ғофил Терей эса, суюкли ўғилчасининг жисмидан ҳозирланган таомни ея бошлайди. Терей тановул пайтида ўғлини эслайди ва уни чақириб келишни буюради. Лекин интиқом лаззатидан ҳузур қилаётган Прокна эрига шундай жавоб қилади:

– Йўқлаётганинг ўзингда!..

Терей хотинининг бу гапига тушунмайди; у ўғлини чақирришларини яна талаб қила бошлайди. Шунда парда орқасидан Филомела чиқади ва Терейнинг олдига ўгилчасининг қора қонга бўялган калласини ташлайди. Терей сесканиб кетади: қандай даҳшатли таомни тановул қилганини тушунади. У хотинига ва қийнсинглиси Филомелага лаънатлар ўқийди. Хонтахтани итариб ташлаб, ўзи ёнбошлаб ётган катдан сапчиб туриб кетади ва қилич яланғочлаб, Прокна билан Филомеланинг орқасидан кувади: у арзанда ўгилчасининг хунини олмоқчи эди. Лекин Терей аёлларга ета олмайди. Опа-сингилнинг елкасидан қанот ўсиб чиқиб, улар никита қушга (Филомела – қалдирғочга, Прокна эса булбулга) айланадилар. Шунинг учун қалдирғоч – Филомеланинг тўшида қизил хол бор: бу Терей ўғлининг қонидан юкқан доғдир. Терейнинг ўзи эса, узун тумшукли худхуд қушга айланган экан. Шундан буён худхуднинг бошида худди саркарда Терейнинг дубулғасидаги тарокни эслатувчи тож елпиниб турар экан.



БОРЕЙ ВА ОРИФИЯ



Шиддатли ва саркаш шимол шамоли худоси Борей ғоятда ғазабнок. У замин умонлар узра тиним билмай қутуриб учиб юраркан, ерда ғоратгар бўрон кўтаради. Кунларнинг бирида Борей Аттика устидан учиб ўтаётганида нигоҳи Эрехтейнинг қизи Орифияга тушади бир кўришда уни севиб қолади. Борей Орифияга ёлбориб, менга хотин бўл, кел, сени узоқ шимолдаги ўз салтанатимга олиб кетай, дейди. Лекин Орифия рози бўлмайди, у даҳшатли бадқаҳр худодан қўрқади. Қизнинг отаси Эрехтей ҳам Борейга рад жавобини беради. Борейнинг барча илтимос ва илтижолари зое кетади. Шунда қаҳҳор худонинг ғазаби қайнаб, шундай дейди:

– Айб ўзимда! Мен энг мудҳиш, энг шиддатли қувва соҳиби эканлигимни унутиб қўйибман! Наҳотки, ўзимни ерга уриб бандаларга ёлборишим керак бўлса? Ахир мен куч ишлатиб мақсадга эришишим лозим-ку! Мен самода момақалдиروقли булутларни гала-гала қилиб қувсам, денгизларда тоғ-тоғ тўлқинлар ҳосил қилсам, асрий эман дарахтларини осонгина илдиз-пилдизи билан қўпориб ташласам, ер юзини дўл билан саваласам, сувни тошдек қаттиқ музга айлантирсам-у, севган қизимга ожиз бир бандадек ялиниб ўтирсам-а! Мен замин узра шиддатли парвоз қилганимда, бутун замин, ҳаттоки, Аиднинг ер ости салтанати ҳам ларзага келади. Мен бўлсам Эрехтейга, гўё унинг хизматкоридек, ялиниб ўтирибман. Йўқ, Орифияни менга хотинликка бер, деб унга ялиниш ўрнига, куч билан тортиб олишим лозим!

Шундай деб, Борей қудратли қанотларини қоқади. Бутун замин узра бўрон кўтарилади. Асрий дарахтлар худди қамишдек чайқала бошлай-

ди, денгизларда оппоқ кўпикка бурканган долғалар даҳшатли ўкиради, қора булутлар бутун самони буркаб олади. Борейнинг қора ридоси тоғ чўққиларини буркайди ва ундан суякларни зиркиратувчи совуқ шимол шамоли эса бошлайди. Борей йўлида учраган ҳамма нарсани пайҳон ва ғорат қилиб, Афина сари учади ва у ердан Орифияни олиб, осмони фалакка кўтариладию киз билан шимолдаги ўз масканига равона бўлади.

У ёқда Орифия Борейга хотин бўлади. У эрига эгиз ўғиллар туғиб беради. Чақалокларга Зет ва Калаид деб исм кўядилар. Иккала ўғил ҳам, оталари сингари, қанотли эди. Борейнинг бу ўғлонлари бузург қаҳрамон бўлиб етишишади, икковлари ҳам аргонавтларнинг Колхидага тилларанг тери учун қилган сафариди иштирок этадилар ва жуда кўп улкан жасоратлар кўрсатадилар.



ДЕДАЛ ВА ИКАР¹



Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Эрхтей наслидан бўлган Дедал Афина шахрининг энг буюк мусавири, ҳайкалтароши ва меъмори бўлган. У оппоқ мрамор тошдан шундай ажиб ҳайкаллар йўнар эканки, кўрган одам уларни тирик деб ўйлар экан; Дедалнинг ҳайкаллари жонли кўзлари билан боқаётгандек, ҳаракат қилаётгандек туюларкан. Дедал ўз хунарини такомиллаштириш учун анчамунча асбоб-ускуналар кашф этади. Унинг шону шуҳрати узоқ-узоқларга таралади.

Бу ҳайкалтарошнинг синглиси Пердиканинг Тал исмли ўғли бўлиб, у тоғасининг кўлида шогирдлик қилади. Тал ўспиринлик чоғиданоқ ўз истеъдоди ва тадбиркорлиги билан ҳаммани ҳайратга сола бошлайди. Келажакда Тал ўз тоғасидан ҳам ўзиб кетажагини ҳалитдан башорат қила бошлайдилар. Дедалнинг қалбида жиянига нисбатан ҳасад туйғуси уйғонади ва уни ўлдиришни кўнглига тугиб кўяди. Кунлардан бир кун Дедал жияни Тал билан Афина Акрополида юксак қоя лабида турарди. Атрофида бирон кимса кўринмасди. Дедал мана шу имкониятдан фойдаланиб, жиянини қоя бошидан итариб юборади. Ҳайкалтарош бу жиноятининг сир бўлиб қолишига қатъий ишонган эди. Қоя бошидан жарликка қулаган Тал тил

¹ Дедал билан Икар ҳақидаги ривоят одамлар жуда қадим замонларда ҳам наинки куруқликда юриш ва сувда сузиш, балки фазода ҳам парвоз қилиш ҳақида бош қотиришганидан далолат беради. Шуниси кизиқарлики, Дедалнинг фаолиятида у яратган ҳайкаллар, бунёд этган муҳташам бинолар эмас, балки у ясаган қанотлар энг буюк самара сифатида эътироф этилган. Дедал тўғрисидаги ривоят Қадимги Юнонистонда тижорат, хунармандчилик, санъат ва илм-фаннинг энг муҳим маркази ҳисобланган Афинада яратилгандир.

тортмай ўлади. Шунда Дедал шоша-пиша Акрополдан тушиб келиб, Талнинг жасадини кўтаради ва ими-жимида уни кўмиб ташламоқчи бўлади. Лекин Дедалнинг бу жинояти фош бўлади. Ареопаг (олий суд) уни ўлимга ҳукм қилади.

Дедал жон ҳовучлаб Афинадан қочади ва Крит оролига, Зевс ва Европанинг ўғли – кудратли шоҳ Минос ҳузурига боради. Минос уни бажонидил ўз паноҳига олади. Бу ерда Дедал Крит шоҳи учун жуда кўп ажиб санъат асарлари яратади. У Минос учун машҳур Лабиринт қасрини куради: бу қасрнинг йўлаклари шу қадар чалкаш эдики, унга кирган одам адашиб, қайтиб чиқиши маҳол эди. Минос ўз хотини Пасифиянинг ўғли Минотаврни шу лабиринтга ҳибс этади. Минотавр гавдаси одам, калласи буқа бўлган даҳшатли махлуқ эди.

Дедал Миноснинг қўл остида кўп йил яшайди. Крит шоҳи уни ҳеч қўйиб юборишни истамас, буюк санъаткорнинг ижодидан ёлғиз ўзи фойдаланишни хоҳларди. У Дедални оролда худди асирдек асарди. Дедал бу асоратдан қутулиш ҳақида узоқ ўйлайди ва, ниҳоят, озодликка чиқиш йўлини топади.

– Баски, – дейди Дедал ўзига-ўзи, – куруклик орқали ҳам, денгиз орқали ҳам Минос асоратидан қочиш қутула олмас эканман, қочишим учун ҳали осмон ҳам бор-ку! Менинг йўлим шу! Ҳаводан бошқа ҳамма нарса Миноснинг измида!

Дедал ишга киришади. У қушларнинг патларини йиғиб, уларни ип билан тикади, мум билан бир-бирига ёпиштиради, улардан тўртта каттакон қанот ясайди. Дедал қанот ясаш билан машғул бўлган пайтда, унинг ўғли Икар отасининг ёнида гоҳ хиёл эсган шабададан ҳавога учган енгил патларни тутиб, гоҳ мумни қўлида эзгилаб ўйнаб ўтирарди. Ниҳоят, Дедал қанотларни ясаб битиради. У бир жуфт қанотни ўз елкасига боғлайди, қўлларини қанотдаги ҳалқаларга киритиб, қанот қоқади ва оҳиста ҳавога кўтарилади. Икар осмонда худди улкан қушдек парвоз қилаётган отасига ҳайрат билан тикилади. Кейин Дедал ерга қўнади ва ўғлига шундай дейди:

– Қулоқ сол, Икар, ҳозир биз бу ердан учиб кетамиз. Парвоз пайтида эҳтиёт бўл. Денгиз узра жуда ҳам пастлаб учма – денгизнинг шўр суви сачраб қанотларинг намиқиши мумкин, шунингдек, юқорига кўтарилиб, куёшга ҳам унчалик яқинлашма: харорат мумни эритиб, патлар сочилиб кетиши мумкин. Фақат менинг орқамдан изма-из уч.

Ота билан ўғил қанот боғлаб, осонгина ҳавога кўтарилишади. Уларнинг осмони фалакда парвоз қилаётганини кўрган ердаги одамлар зангори фазода икки худо учмоқда деб ўйлашади. Дедал тез-тез орқасига ўгирилиб, ўғлининг учинини кузатади. Улар энди Делос, Парос ороллари орада қолдириб, узоқ-узоқларга учиб борардилар.

Икар шамолдек тез учаётганидан мағрурланиб тобора дадилроқ қанот кокади. У отасининг ўғитларини унутиб қўяди, энди у отаси орқасидан учмайди. У тез-тез қанот қокиб, жуда-жуда юксакка, мунаввар қуёшга яқинлашади. Шунда қайноқ қуёшнинг тафтидан мум эриб, патлар шамолда ҳар томонга тўзиб, сочилиб кетади. Икар қанот боғланган қўлларини силкитади, лекин қанотдан асар ҳам қолмаган эди. Натижада, у осмон-фалакдан тўғри денгизга келиб тушиб, тўлқинлар орасида ҳалок бўлади.

Дедал теварак-атрофга қарайди. Лекин Икарни кўрмайди. У бор овози билан ҳайқириб ўғлини чақира бошлайди:

– Икар! Қаёқдасан? Икар! Жавоб бер!

Жавоб йўқ. Шу пайт Дедал денгиз тўлқинларида қалқиб сузиб юрган патларни кўради: бу Икар қанотининг қолдиқлари эди, албатта. Дедал қандай фалокат содир бўлганини тушунади. Тушунади-ю, ўз хунарига – Крит оролидан ҳаво орқали қочиб қутулиш хаёлига келган кунга лаънатлар ўқийди!

Икарнинг жасади эса денгиз тўлқинлари орасида яна узоқ вақт сузиб юради, кейинчалик бу денгиз ҳалок бўлган Икар шарафига Икарий деб юритила бошлайди. Ниҳоят, тўлқинлар Икар жасадини орол қирғоғига оқизиб келади. Бу ерда жасадни Ҳеракл кўриб қолиб, уни дафн қилади. Дедал эса учишда давом этиб, ахири Сижжилия оролига бориб қўнади. Бу ерда у шох Кокал паноҳида яшай бошлайди. Лекин Минос ҳайкалтарошнинг қаерга яширинганидан хабар топиб, қатта қўшин билан Сижжилияга бостириб боради ва Кокалдан Дедални қайтариб беришни талаб қилади.

Бирок Кокалнинг қизлари Дедалдек ажойиб санъаткордан айрилишни истамайдилар. Улар оталарига, Миноснинг талабига рози бўлинг, уни азиз меҳмон сифатида саройга таклиф этинг, деб уқдирадилар. Меҳмон Минос чўмилаётган пайтда Кокалнинг қизлари унинг бошидан бир қозон қайноқ сув тўкиб юборишади; Минос қаттиқ азобда жон беради. Дедал Сижжилияда яна узоқ йиллар яшайди. Умрининг охирида у ўз ватани Афинага қайтади; бу ерда у афиналик шавкатли ҳайкалтарошлар – Дедалзодалар сулоласининг бобокалони бўлади.



П. Лутарҳнинг «Тесей» қитоби бўйича баён қилинади

ТЕСЕЙНИНГ ТУҒИЛИШИ ВА ТАРБИЯЛАНИШИ

Пандионнинг ўғли Эгей ўз ака-укалари билан бирлашиб, Атикада ғайриқонуний равишда ҳукмронлик қилаётган қариндошлари – Метионзодаларни вилоятдан қувиб юборгач, узоқ йиллар Афинада ҳоким

бўлиб, саодатли ҳаёт кечиради. Уни фақат бир нарса қаттиқ ташвишга солар эди: бефарзанд эди. Ахири бўлмагач, бир кун у Дельфадаги Аполлон башоратгоҳига йўл олади ва башоратгоҳга кириб, нечун тангрилар менга фарзанд ато этмаяптилар, деб сўрайди. Лекин ғойибдан хабар берувчи коҳин мубҳам жавоб беради. Эгей бу жавобнинг теран маъносига тушуниб етиш учун кўп бош қотиради, аммо барибир тушуна олмайди. Ниҳоят, шоҳ Эгей Троицена шаҳрига, Арголиданинг донишманд султони Питфей ҳузурига бориб, Аполлон жавобининг таъбирини ундан сўрамоқчи бўлади. Питфей жумбоқнинг маъзини бир зумда чакиб беради. Унинг фаҳмлашича, Эгей ўғил кўраркан ва бу ўғил Афинанинг энг бузург қаҳрамони бўлиб етишар экан. Питфей ўз шаҳри Троицена туғилажак буюк қаҳрамоннинг ватани бўлишини истайди ва шу боис ўз қизи Эфрани Эгейга хотин қилиб беради. Эфра ўғил туғиб беради, лекин бу Эгейнинг эмас, тангри Посейдоннинг ўғли эди. Чақалокқа Тесей деб исм қўядалар. Тесей туғилгандан кейин, шоҳ Эгей Троиценани тарк этиб, Афинага отланади. У кетатуриб, Троицена яқинидаги тоғнинг улкан бир қояси остига ўз шамшири билан кафшини бостириб қўяди ва завжаси Эфрага шундай дейди:

– Ўғлим Тесей мана шу қояни суриб, унинг тагидан шамширим билан кафшимни олишга қодир бўлгандагина уни менинг ҳузуримга, Афинага жўнат. Мен ўғлимни унинг илкидаги ўз шамширим, пойидаги кафшимдан таниб олгумдир.

Тесей ўн олти ёшга етгунча бобоси Питфейнинг уйида тарбияланади. Ўз донишмандлиги билан доврўғи элга кетган Питфей набирасини камоли ғамхўрлик билан тарбиялайди ва Тесейнинг ақлу идрок, кучу қудратда барча тенгқурларидан афзаллигини кўриб, кўзи қувонади. Мана, Тесей ўн олти ёшга тўлади; шу ёшида ҳам ҳеч бир кимса на иктидорда, на эпчилликда, на курол ишлатишда унга тенг кела олади. Тесей ғоят ўктам йигит бўлиб етишади: у норғул, хушқомат, нигоҳлари порлок, тим қора сочлари кўнғироқ-кўнғироқ бўлиб елкаларига тушиб турарди; пешонасидаги соч толалари эса қайчилаб олиниб, Аполлонга назр қилинган эди; бу азамат, навқирон йигитнинг мушакдор, чайир жуссаси унинг беназир қудрат соҳиби эканлигидан дарак берар эди.

ТЕСЕЙ АФИНАГА КЕТАТУРИБ ЙЎЛДА КЎРСАТГАН ЖАСОРАТЛАР

Эфра ўғлининг куч-қудратда ҳамма тенгқур ўртоқларидан ўзиб кетганини кўради; шунда у Тесейни қоя олдига бошлаб боради: бир вақтлар Эгей ўз шамшири билан кафшини шу қоя остига бостириб кетган эди.

– Ўғлим, – дейди Эфра, – мана шу қоятош остида Афина султони – падари бузрукворинг Эгейнинг шамшири билан кафши ётипти. Сен қояни

суриб, уларни ол, отанг қошига борганинга у сени шу шамшир билан кафшдан танигай.

Тесей қояни итариб, уни осонгина жойидан кўзгатади. Сўнг шамшир-ни такиб, кафшни оёғига боғлайди-да, волидаси ва бобоси билан хайр-хўшлашиб, Афина, қайдасан, дея узоқ сафарга равона бўлади. Лекин Тесей онаси билан бобосининг денгиз сафари бежавотиррок, деб берган маслахатларига кирмай, Афинага Истм орқали курукликдан боришга қарор қилади.

Тесей жуда машаққатли йўлни танлаган эди. Бу сафар пайтида у жуда кўп хавф-хатарларни бартараф қилади, беҳисоб жасоратлар кўрсатади. Қахрамонимиз Тесей Тропсена билан Эпидавр чегарасига етганда тангри Ҳефестнинг ўғли алп Перифетга рўбарў келади. Бу паҳлавон ҳам отаси Ҳефест сингари ланг, аммо билаклари метин, гавдаси баҳайбат эди. У даҳшатли махлуқ эди. Перифет маскан қурган тоғдан биронта ҳам жаҳонгашта бешикаст ўта олмасди, бу паҳлавон ҳар бир ўткинчини ўзининг темир гурзиси билан маҳв қилар эди. Лекин Тесей Перифетни осонгина енгади. Бу Тесейнинг биринчи жасорати эди; у зафар нишонаси сифатида маҳв этгани паҳлавоннинг темир гурзисини ўзига олади.

Кейин Тесей Посейдонга назр қилинган Истм қарагайзориди дарахтларни эгувчи полвон Синидни учратади. Бу ўта бешафқат қароқчи эди. У ўрмондан ўтган барча йўловчиларни қаттиқ азоблаб ўлдиради. У ёнма-ён турган икки қарағайни эгиб, уларнинг учига ўз асирини боғлар, сўнг дарахт учларини кўйиб юборарди. Қарағайлар ғоятда даҳшатли куч билан қаддини тикларкан, шўрлик асирни икки нимтага айириб юборарди.

Тесей Синиддан у нобуд қилган барча шўрпешоналарнинг қасдини олади. У ўзининг қудратли қўллари билан иккита азим туп қарағайни эгади ва бу дарахтлар учига қароқчини боғлаб, кўйиб юборади. Баттол Синид бегуноҳ йўловчиларнинг жонига қандай қасд қилган бўлса, ўзи ҳам шу йўсинда жонидан жудо бўлади. Энди Истм орқали ўтадиган йўл очиқ эди. Кейинчалик Тесей Синидни маҳв этган ўша ерда ўз ғалабаси шарафига Истм ўйинларини таъсис этади¹.

Энди Тесей Кромион орқали ўтиши керак эди. Бу шаҳарнинг тева-рак- атрофи Тифон билан Ехидна (заҳарли илон)нинг зурриёти – баҳайбат ёввойи чўчқа томонидан горат ва пайҳон қилиб ташланган эди. Шаҳар аҳолиси навкирон қахрамон йигитга илтижо қилиб, бизни бу махлуқ дас-

¹ *Истм ўйинлари* – ахамият жиҳатидан Олимпия ўйинларидан кейин турувчи юнон байрами бўлиб, бу байрам ҳар икки йилда Истмда Посейдон шарафига ўтказилар эди. Истм ўйинларида гимнастика, чавандозлик ва созандалик бўйича мусобақалар ўтказиларди. Ғолибларга кашничдан ё қарағай новдасидан тож кийдирилар ва улар норжил новдаси билан мукофотланар эдилар. Бу ўйинлар пайтида сулҳ шартномаларига Олимпия ўйинлари пайтидагидек қатъий риюя қилинмасди.

тидан кутқар, дейдилар. Тесей чўчкани кувиб етади ва шамшири билан уни чопиб ташлайди.

Тесей яна йўлга тушади. Осмонга бўй чўзган тик қоялар тагида мўйсафид денгизнинг жўшқин долғалари тинмай ўшқиради. Мегара вилоятининг мана шу сарҳадида Тесей яна бир хатарга дуч келади. Бу ерда қоя бошида Аскирон исмли қароқчи ўтирарди. У ёнидан ўтмоқчи бўлган ҳар бир йўловчини тўхтатиб, оёғимни ювиб қўйсанг ўтасан, деб дағдаға қилар эди. Шўрлик йўловчи унинг амрини бажариш учун эндигина энгашганида, қаҳҳор қароқчи бир тепиб, бояқишни серталотум денгизга улоқтирарди. Бечора йигит денгиздан чиқиб турган қиррали тошларга тушиб жон берар, сўнг унинг жасадини баҳайбат тошбақа еб кетарди. Аскирон Тесейни ҳам денгизга итариб юбормоқчи бўлади, лекин навжувон қаҳрамонимиз чаққонлик билан қароқчининг оёғидан олиб, унинг ўзини денгизга улоқтиради.

Кейин Тесей Элевсин яқинида, худди Антей билан кураш тушган Ҳераклдек, шоҳ Керкионга қарши жанг қилади. Паҳлавон Керкион кўп одамларни маҳв қилган эди. Аммо Тесей Керкионни худди метин исканжадек сиқиб, жонини олади. Бунинг оқибатида у Керкион қизи Алопани мусибатдан озод қилади. Ҳокимиятни эса Тесей Алопанинг Посейдондан бўлган ўғли Ҳиппотоонтга олиб беради.

Тесей Элевсиндан ўтиб, Агтикадаги Кефис дарёси водийсига етади, бу ерда у қароқчи Дамаст билан учрашади. Бу қароқчи эл оғзида Прокруст (яъни Чўзғич) номи билан машҳур бўлган эди. Бу қароқчи қўлига тушган барча одамлар учун бирдай энг азобли кийноқ ўйлаб чиқарган эди. Прокрустнинг бир чорпоёси бўлиб, тутилган одамларни шу чорпоёга ётқизар эди. Агар чорпоё узунлик қилса, қароқчи ётқизилган одамнинг гавдасини чўзиб, чорпоёнинг бўйига тўғрилар, борди-ю чорпоё калталик қилса, Прокруст шўрлик тутқуннинг оёқларини чопиб, уни чорпоёнинг бўйига тўғриларди¹. Тесей Прокрустни шу чорпоёга ағдаради, қараса, чорпоё қароқчининг бўйидан анча калта, шу важ билан Тесей уни ўлдиради.

Бу Тесейнинг Афинага кетатуриб кўрсатган охирги жасорати эди. Синид, Аскирон, Прокруст ва ўзгаларнинг қонини тўкиб гуноҳга ботган Тесей муқаддас Афина шаҳрига бундай доғ билан кириб боришни хоҳламайди². У Фиталзодаларга тавалло қилиб, Раҳмдил Зевснинг меҳроби олдида маҳсус диний расм-русумлар билан уни қон тўкиб қилган гуноҳдан фориг этишларини сўрайди. Фиталзодалар азиз меҳмонни очик юз билан қарши

¹ «Прокруст чорпоёси» («Прокрустово ложе») деган ибора ҳамма нарсани тўғри келса-келмаса, бир хил андозага солиш, демакдир.

² Юнонлар хунрезлик одамни бадном қилади, деб ўйлашган, шунинг учун котиллик қилган ҳар бир киши биронта тангрининг меҳроби олдида гуноҳдан фориг бўлиш таомилини бажариши фарз ҳисобланган.

оладилар. Улар Тесейнинг илтимосини бажарадилар ва гуноҳини ювадилар. Энди Тесей Афинага, ўз падари Эгей ҳузурига бемалол йўл олиши мумкин эди.

ТЕСЕЙ АФИНАДА

Ионияликларнинг узун либосини кийган Тесей ўз ҳусну жамоли билан одамларни лол қолдириб, Афина кўчаларидан ўтиб борарди; унинг қалин кўнғироқ сочлари елкасигача тушган. Узун либос кийган бу йигитча беҳисоб улкан жасоратлар кўрсатган қаҳрамонга эмас, балки кўпроқ дилбар қизга ўхшаб кетар эди. Тесей янги қурилаётган Аполлон ибодатхонаси ёнидан ўтиб бораётганида, иморатнинг томини ёпаётган ишчилар қаҳрамонни қиз бола деб ўйлашиб, уни мазах қила бошлайдилар. Улар хандон ташлаб қулишиб:

– Анави қизни қаранглар, кузатувчисиз ёлғиз ўзи шаҳарда тентираб юрибди-я! – деб бақаришади. – Ё тавба, уялмасдан сочини ёйиб юборипти-я, узун этаги билан кўча супуриб кетяпти.

Бу пичингларни эшитган Тесейнинг аччиғи чиқади; шу ерда турган бир арава олдига югуриб бориб, унга қўшилган ҳўкизларни чиқаради-да, аравани кўтариб осмонга чунон отадики, у ибодатхона томини ёпаётган ишчилар устидан учиб ўтиб, нариги томонга тушади. Тесейни қиз бола деб майна қилган ишчилар, унинг қиз эмас, балки беназир қувва соҳиб бўлган навқирон йигитча эканлигини кўриб даҳшатга келадилар. Улар, мазах қилиб балога қолдик, деб дағ-дағ титрай бошлайдилар, лекин Тесей бамайлихотир ўз йўлида кетаверади.

Мана, ниҳоят, Тесей Эгей қасрига етиб келади. У кексайиб қолган отаси билан учрашганида, олдинига ўзини танитмайди, паноҳ излаб юрган бир мусофирман, деб қўя қолади. Эгей ўз ўғлини танимайди, аммо сеҳргар Медея бир қарашдаёқ йигитни танийди. Бу аёл Коринфдан Афинага қочиб келиб, Эгейга хотин бўлиб олган эди. Айёр Медея, сеҳр-жоду билан сени ёшартираман, деб Эгейга ваъда берган ва шу ваъдаси туфайли Афина шоҳи хонадониди ҳокималик қилар, шоҳ Эгей эса Медеянинг ҳамма айтганларига сўзсиз итоат этар эди. Ҳокимиятпараст Медея бу мусофир ўктам йигитнинг кимлигини Эгей таниб қолган тақдирда, ўзининг ҳоли не кечишини дарҳол кўз олдига келтиради. Шунда Медея ҳокимиятни қўлдан бой бермаслик мақсадида қаҳрамон йигитни ўлдирмоққа чоғланади. Жодугар аёл, бу йигит – ғанимларнинг юборган айғоқчиси, деб Эгейни ишонтиради ва Тесейни захарлаб ўлдиришга ундайди. Тожу тахтини тортиб олишларидан кўрққан, нимжон, мункиллаган шоҳ Эгей бундай тажовузга рози бўлади.

Зиёфат пайтида Медея Тесей олдига оғули май тўлдирилган қадах қўяди. Худди шу пайт Тесей шамширини қинидан чиқаради. Эгей бундан

ўн олти йил олдин Троицена яқинидаги қоя остига бостириб қўйган ўз шамширини бир кўришдаёқ танийди. Шу лаҳзада у ялт этиб Тесейнинг оёғига қарайди ва унинг оёғида ўз кафшларини кўради. Энди у бу мусофир йигитнинг кимлигини билади. Шу заҳоти Эгей заҳарли май қуйилган қадахни бир уриб ағдариб юборади ва ўғли Тесейни бағрига босади. Медея Афинадан қувилади – жодугар аёл ўз ўғли Медон билан Мидияга қочади.

Эгей жар солдириб, ўғли келганини бутун Афина халқига хабар қилади ва унинг Троисенадан то Афинага келгунча йўл-йўлакай қандай жасоратлар кўрсатганини элга баён этади. Афина аҳли ҳам Эгей билан бирга қувонади ва келажакда ўз подшолари бўладиган шаҳзода Тесейни шодиёна қийқириқлар билан қутлашади.

Эгейзоданинг Афинага келгани дараги Эгейнинг иниси Паллантнинг ўғиллари қулогига ҳам етиб боради. Улар Тесей ўлганидан кейин Афинага хукмрон бўлиш ниятида юрар эдилар, энди қонуний тахт вориси – Тесей келиши билан уларнинг бутун орзу-умидлари пучга чиққан эди. Бадният Паллантзодалар Афина салтанатидан жудо бўлиб қолишни хоҳламайдилар. Улар куч ишлатиб ҳокимиятни қўлга киритмоқчи бўладилар. Паллантнинг ўн беш нафар ўғли ўз оталари бошчилигида Афинага қарши юриш қиладилар. Улар Тесейнинг бениҳоя иқтидор соҳиби эканлигини билишарди, шунга кўра, бир ҳийла ишлатмоқчи бўладилар: Паллантзодаларнинг бир қисми ошкора тарзда Афина қалъасига ҳужум қиладилар, уларнинг иккинчи қисми эса, Эгейга қўққисдан ҳамла қилиш мақсадида пистирмада турадилар. Лекин Паллантзодаларнинг даракчиси Лоес келиб, Тесейга уларнинг режасини айтиб қўяди. Қаҳрамон йигит қандай тадбир кўришни бир зумда ўйлаб чиқади: дастлаб у пистирмада турган Паллантзодаларга ҳужум қилиб, ҳаммаларини пашшадай кириб ташлайди; йигитларга уларнинг на қудрати, на довиюраклиги қўл келади. Афина қалъасининг девори пойига борган Паллантзодалар пистирмадаги ўз оға-иниларининг ҳалок бўлганини эшитиб, қаттиқ ваҳимага тушадилар ва шармандаларча тирақайлаб қоча бошлайдилар.

Энди Эгей бу қудратли ўғлининг ҳимояси остида хотиржам хукмронлик қилиши мумкин эди.

Лекин Тесей Афинада узоқ қолмади. У Аттика вилоятини Марафон атрофини ғорат қилиб ётган ёввойи буқадан кутқаришга бел боғлайди. Бу буқани бир вақтлар Ҳеракл шоҳ Эврисфейнинг амри билан Крит оролидан олиб келган ва Микенада арқонини ечиб, қўйиб юборган эди. Буқа Аттикага қочиб кетган ва ўша пайтдан буён жамики деҳқонларнинг бошига битган бало бўлган эди. Тесей бу янги жасорат сари йўл олади. У Марафонда Ҳекала исмли кекса бир аёлни учратади. Кампир уни азиз меҳмондек кутиб олади ва баҳайбат буқа билан бўладиган хатарли жанг пайтида Тесейни ўз паноҳида асрасин учун унга нажоткор Зевс шарафига қурбонлик қилишни

маслаҳат беради. Йигит кампирнинг маслаҳатига кулоқ солади. Орадан сал вақт ўтмай, Тесей буқага рўпара келади; буқа қахрамонимизга ҳамла қилади, лекин Тесей буқанинг шохларидан маҳкам чангаллаб олади. Буқа қаттиқ силтанади, лекин Тесейнинг бақувват қўлларидан кутулиб чиқа олмайди. Йигит махлуқнинг бошини ерга эгиб, бўйнига арқон боғлайди ва ўзига бўсундириб, Афинага етаклаб олиб боради. Йўл-йўлакай у кампир Ҳекалани кўриб ўтмоқчи бўлади, лекин афсуски, у оламдан ўтган эди. Тесей яқиндагина ўзини меҳмоннавозлик билан қарши олиб, доно маслаҳат берган марҳуманинг руҳини шод қилиб, уни ёдлайди. Тесей буқани Афинага олиб келгач, уни тангри Аполлон йўлига қурбон қилади.

ТЕСЕЙНИНГ КРИТГА САЁҲАТИ

Тесей Афинага қайтиб келиб, бутун Аттика вилоятини чуқур қайғуга ботган ҳолда кўради. Билса, Крит оролининг қудратли шоҳи Минос ўз элчиларини Афинадан ўлпон ундиргани юборган экан. Бу – ниҳоятда оғир ва шармандали ўлпон эди. Афина ҳар тўққиз йилда бир марта Крит оролига етти йигит ва етти қиз юбориб туриши лозим эди. Бу йигит ва қизларни у ерда Лабиринт қасрига ҳибс этишар, шунда бу ёшлар қасрда яшовчи даҳшатли махлуқ – танаси одам, боши буқа Минотаврга ем бўлардилар. Гап шундаки, бир вақтлар афиналиклар Миноснинг ўғли Андрегейни ўлдириб қўйишган эди, шунинг учун Крит шоҳи Афина аҳли елкасига шундай мудҳиш ўлпонни юклаган эди. Мана энди бундай мудҳиш ўлпон учинчи марта юборилаётган эди. Аҳоли денгиз сафарига кема ҳозирлаб, унга қора елканлар ўрнатган эди; бу Минотаврга ем бўлувчи навқирон ва навжувон ёшларга тутилган аза белгиси эди.

Бутун элнинг мотамда эканлигини кўрган Тесей, шўрпешона йигит-қизлар билан Крит оролига жўнашга ва уларни машғум ўлимдан асраб қолиб, айна пайтда, Афина аҳли бошидаги бундай даҳшатли ўлпонни буткул соқит қилишга бел боғлайди. Тесей, ё Минотаврни ўлдираман, ё ўзим ҳалок бўламан деб, ўшал махлуқ билан олишишга аҳд қилади. Мункиллаб қолган Эгей яккаю ёлғиз ўғлининг ажал домига боришига қатъиян қаршилиқ кўрсатади, лекин Тесей ўз аҳдида қаттиқ туради. У денгиз сафарининг пушти-паноҳи бўлмиш Аполлон Дельфиний шарафига қурбонлик қилади, натижада сафар олдидан Дельфа башоратгоҳи унга ғойибдан хабар бериб, мазкур жасорат пайтида ўзи учун муҳаббат маъбудаси Афродитани ҳомий этиб танлашни айтади. Шунда Тесей Афродитадан мадад сўраб, унинг шарафига қурбонлик қилади ва Критга равона бўлади.

Кема Крит оролига бешикаст, эсон-омон етиб боради. Афиналик йигит-қизларни Миноснинг ҳузурига бошлаб борадилар. Қудратли шоҳ ўқтам йигитга бир қарашдаёқ эътибор беради. Шоҳ қизи Ариадна ҳам Тесейнинг

хуснижамолига махлиё бўлиб қолади, йигитнинг пушти-паноҳи Афродита эса Ариаднанинг қалбида навжувон Эгейзодага мухаббат туйғусини уйғотади. Натижада шоҳ кизи Тесейга қўмаклашмоқчи бўлади; у бу навқирон йигитни Лабиринг ичида Минотавр ғажиб тилка-пора қилиб ташлаши ҳақида ўйлашни ҳам истамасди.

Тесей Минотавр билан жанг қилгани боришдан олдин яна бир жасорат кўрсатади. Минос Афинадан келган қизларнинг бирини қаттиқ таҳқирлайди. Тесей қизнинг ёнини олади, лекин ўз насабидан мағрурланган Крит шоҳи йигитни мазах қилиб, унинг устидан кула бошлайди.

– Қандайдир бир афиналик, – дейди у қаҳри қайнаб, – менга, кимсан, Зевснинг ўғлига гап қайтаряпти-я, тирранча.

Тесей шоҳнинг бу гапига жавобан виқор билан шундай дейди:

– Сен ўзингнинг Зевс насабидан эканлигинг билан ғурурланяпсан, аммо мен ҳам жайдари бир фоний банданинг фарзанди эмасман, менинг падарим – денгиз худоси, муаззам зилзилакор Посейдондир.

– Агар сен чиндан ҳам тангри Посейдоннинг ўғли бўлсанг, гапингнинг ҳақлигини исботла ва денгиз қаъридан манави узукни топиб олиб чиқ, – дейди Минос ва денгизга ўзининг тилла узугини ташлайди.

Тесей ўз падари Посейдондан мадад сўраб, юксак соҳилдан сергўлқин денгизга мардона калла ташлайди. Денгизнинг шўр сув томчилари осмони фалакка сачрайди, ўрқач-ўрқач долғалар орасида Тесей кўринмай кетади. Ҳамма қаҳрамонни ўз қаърига тортган денгизга даҳшат билан тикилади, ҳамма унинг тирик қайтиб чиқишидан умидини узган эди. Ариаднанинг бутунлай руҳи тушиб кетади, у Тесейни ҳалок бўлди, деб ўйлайди.

Аслида эса, Тесей сувга шўнғигани ҳамоно, илоҳ Тритон йигитни илиб олиб, зумда уни Посейдоннинг сувости қасрига етказди. Посейдон ўз ўғлини кучоқ очиб қарши олади ва шу заҳоти унга Миноснинг узугини тутқзади, Посейдоннинг завжаси Амфитрита эса бу ўқтам йигитнинг диловарлигига тасанно айтиб, унинг қуюқ ва чиройли сочи устига олтин тож кўндиради. Шунда Тритон яна Тесейни устига миндириб, кўз очиб-юмгунча соҳилга – у денгизга сакраган ўша юксак соҳилга олиб чиқиб қўяди. Миноснинг кизи Ариадна Тесейнинг денгиз қаъридан бешикаст қайтиб чиққанини кўриб, ўзида йўқ қувониб кетади.

Лекин Тесей ҳали Минотавр билан хавфли жанг қилиши керак эди. Шунда қаҳрамон йигитга Ариадна ёрдам қўлини чўзади. У отасининг кўзини шамғалат қилиб, Тесейга ўткир шамшир ва бир копток ип беради. Мана, Тесейни ва у билан бирга ўлимга маҳкум бўлган афиналик йигит-қизларни Лабирингга киритиб юборишади, шунда Тесей қўлидаги копток ипнинг бир учини эшик илгагига боғлайди-да, Лабирингнинг сон-саноксиз, чалкаш йўлакларидан юриб кетаверади: бу йўлаклар шу қадар чалкаш эдики, қасрга кирган одамнинг ташқарига қайтиб чиқиши амримаҳол эди; шунга

кўра, Тесей орқага қайтишда адашмаслик учун копток ипни аста-аста чуватиб бораверади. Тесей юравериб-юравериб, ахири Минотавр ётган ерга етиб боради. Минотавр даҳшатли наъра тортиб, маҳобатли, ўткир шохли бошини эгганча навқирон паҳлавонга ташланади, даҳшатли жанг бошланади. Ҳазабдан кўзлари қонга тўлган Минотавр Тесейга бир неча марта ҳамла қилади, лекин йигит ҳар гал унинг ҳамласини шамшир билан даф қилади. Мана, ниҳоят, Тесей Минотаврнинг шохларидан чангаллаб ушлаб олади, унинг тўшига ўткир шамширини ботиради. Шундай қилиб, Тесей Минотаврни ўлдиради, ўзи чуватган копток ип ёрдамида лабиринтдан қайтиб чиқади, афиналик йигит-қизларни ҳам ўзи билан бирга олиб чиқади¹. Қаср бўсағасида Ариадна уларни, айниқса, Тесейни кувонч билан қарши олади. Тесей туфайли ҳалокатдан қутулган йигит-қизлар ҳам шодмон эдилар. Улар бошларига гултожлар тақиб, қаҳрамон йигитга ва унинг пушти-паноҳи Афродитага ҳамд айтишиб, шўх-шўх ўйинга тушадилар.

Энди шоҳ Миноснинг ғазабидан қутулиш йўлини ўйлаб топиш керак эди. Тесей ўз кемасини сафарга шайлайди, соҳилга чиқариб қўйилган барча Крит кемаларининг тубини тешади ва шошилинич йўлга тушиб, Афина томон сузиб кетади. Тесейни севиб қолган Ариадна ҳам у билан бирга жўнайди.

Тесей уйига қайтатуриб, йўлда Наксос оролида манзил қуради. Сайёҳлар бу ерда дам олишади, шунда пинакка кетган Тесейнинг тушига май худоси Дионис киради; у Тесейга шундай дейди: «Сен, йигит, Ариаднани Наксоснинг хилват соҳилида қолдириб жўнаб кетмоғинг керак. Зеро, худолар у қизни менга хотин қилиб бердилар». Тесей уйқудан кўзини очадию ғамга ботиб, шоша-пиша йўлга тушади. Худолар амрига итоат этмай иложи йўқ эди унинг. Ариадна бузург Дионисга хотин бўлгач, маъбудага айланади. Диониснинг ҳамроҳлари баралла ҳайқиришиб Ариаднани қутлайдилар ва илоҳий кўшиқлар билан унга ҳамду сано айтадилар².

Бу пайт Тесейнинг кемаси қора елканларини шишириб, мовий денгизда шамолдек елиб борар эди. Мана, ниҳоят, уфқда Аттика соҳили кўрина бошлайди. Ариаднадан жудо бўлиб андуҳга ботган Тесей отаси Эгейга берган ваъдасини (агар у Минотаврни енгиб, Афинага бахтиёр қайтадиган бўлса, қора елканлар ўрнига оппоқ елканлар ўрнатиши лозим эди) унутиб қўйган эди. Эгей ўғлини кўзи тўрт бўлиб кутар эди. У денгиз бўйидаги юксак қояда туриб, поёнсиз денгиздан кўз узмасди. Мана, уфқда қора бир нуқта кўринади, у нуқта соҳилга яқинлашган сари катталаша боради. Ҳа,

¹ «Ариадна ипи» («Нить Ариадны») – «Йўл кўрсатувчи ип» («Путеводная нить») деган ибора шу воқеадан келиб чиққан.

² Бу ривоятнинг бошқача талқинлари ҳам мавжуд: 1. Дионис Ариаднани Тесейдан зўравонлик билан тортиб олиб, уни ўзига хотин қилади; 2. Ариадна маст уйқуда ётганида, Тесей уни ташлаб кетади ва қизни Дионис топиб олади.

бу шоҳ ўғлининг кемаси. Кема яқинлашмоқда. Эгей кема елканларига астойдил тикилиб қарайди. Йўқ, кема елканлари оқ эмас – оқ бўлганда куёшда яраклаб кўринган бўларди. Ҳа, кема елканлари қора эди. Демак, Тесей ҳалок бўлган! Эгей шундай фикрга келиб, юксак қоядан ўзини денгизга ташлаб, денгиз тўлқинлари оғушида нобуд бўлади. Тўлқинлар унинг жонсиз жасадини соҳилга чиқариб ташлайди. Шу пайтдан бошлаб, Эгей ҳалок бўлган бу денгиз Эгей денгизи деб юритила бошлайди. Бу аснода Тесей Аттика соҳилига етиб келиб, лангар ташлаган ва эсон-омон ватанига етиб келгани учун худоларга шукрона айтиб қурбонлик қилишга улгурган эди. Шу пайт бирдан у ўзи билмай, отасининг ўлимига сабабчи бўлганини эшитади. Қаттиқ қайғуга ботган Тесей отасининг дафн маросимини иззат-икром билан ўтказади, дафн маросимидан кейин эса Афина тахтига ўтиради.

ТЕСЕЙ ВА АМАЗОН АЁЛЛАР

Тесей Афина давлатини донолик билан бошқаради. Лекин у ҳамшиша беором яшайди, ўзга юнон қаҳрамонларининг мардона курашларида уларга ёрдам бериш учун тез-тез Афинани тарк этиб туради. Чунончи, у Калидон овида иштирок этади, аргонавтларнинг тилларанг тери учун қилган сафарида қатнашади, Ҳераклга елкадош бўлиб, амазон аёллар билан жанг қилади. Бу жангда амазон аёлларнинг шаҳри Фемискира таслим бўлади ва Тесей жангда кўрсатган жасоратлари эвазига амазон аёллар маликаси Антиопани музд сифатида Афинага олиб кетади. Бу ерда Тесей Антиопага уйланади. Қаҳрамон йигитнинг амазон аёллар маликаси билан бўлган никоҳ тўйи ниҳоятда зўр дабдаба билан ўтади.

Лекин амазон аёллар юртларини ғорат қилган юнонлардан қасд олмоқчи ва маликалари Антиопани тутқунликдан қутқармоқчи бўладилар: зеро, улар Антиопани Тесей асоратида қаттиқ изтироб чекмоқда деб ўйлайдилар. Мана, амазон аёлларнинг катта қўшини Аттикага бостириб келади. Афина аҳли бу жангари аёллар ҳамласидан қочиб, шаҳар қалъасидан паноҳ топишга мажбур бўлади. Амазон аёллар, ҳатто, шаҳар ичига ҳам ёриб киришиб, аҳолини Акрополь истехкоми ичига яширинишга мажбур этадилар. Жангари аёллар ареопаг¹ тепалигида қароргоҳ қуриб, бутун Афина халқини қамал қилиб турадилар. Афиналиклар бадқаҳр урушқоқ аёллар қўшинини қувиб юбориш ниятида бир неча марта ҳужумга ўтиб кўрадилар. Ниҳоят, икки тараф ўртасида кескин жанг бўлади.

Бу жангда Антиопа Тесей билан елкама-елка туриб, илгари ўз фуқароси бўлган амазон аёлларга қарши урушади. У аздайдил севиб

¹ *Ареопаг* – юнонча Арес (уруш худоси) тепалиги деган маънони билдиради. Афинада бу ерда олий суд ва ҳокимият арбоблари анжуман қурганлар.

қолган қахрамон эридан воз кечишни истамасди. Илло бу даҳшатли жангда Антиопанинг қисматиға ҳалок бўлиш ёзилган эди. Амазон аёллардан бири улоқтирган найза ҳавода чақмоқдек паррон этиб келиб, унинг ажалкаш тиғи Антиопанинг кўксига санчилади ва маликанинг жони узилиб, ўз шавҳари пойига қулайди. Антиопанинг маҳв бўлганини кўрган иккала кўшин ҳайратдан тонг котиб қолади. Қаттиқ қайғуга ботган Тесей хотинининг жасади узра маҳзун бош эгади. Қонли жанг тўхтайдди. Амазон аёллар ҳам, Афина лашкари ҳам чуқур андуҳға ботиб, навнихол маликани дафн этадилар. Шундан сўнг, амазон аёллар Аттикани тарк этиб, ўзларининг узоқ юртларига қайтадилар. Афина бевақт нобуд бўлган соҳибжамол Антиопага яна анчагача мотам тутади.

ТЕСЕЙ ВА ПЕЙРИФОЙ

Фессалияда яшовчи урушқоқ лапифлар қабиласига қудратли қахрамон Пейрифой сардор эди. У паҳлавон Тесейнинг беназир диловарлиги дарагини эшитиб, у билан бир куч синашмоқчи бўлади. Пейрифой Тесейни жангга ундаш мақсадида Марафонга боради ва Тесейнинг ўша ердаги яйловларда ўтлаб юрган буқаларини ўғирлаб ҳайдаб кетади. Бу воқеадан дарак топган Тесей шу заҳоти ўғрининг орқасидан қувиб, зумда унга етиб олади. Мана, обдор совутлар кийган Тесей билан Пейрифой ҳайбатли боқий тангрилар мисоли бир-бирлари қаршисида юзма-юз турардилар. Икковлари ҳам бир-бирларининг салобатидан ҳайратда, икковлари ҳам бирдай довюрак, икковлари ҳам бениҳоя иқтидор соҳиби ва ғоятда хушқомат эдилар. Шунда улар силохларини ерга отиб, бир-бирларига қўл узатадилар, мангу ажралмас қалин дўст бўлишга аҳду паймон қиладилар ва бунинг рамзи сифатида қуролларини алмашадилар. Тесей билан Пейрифой шу тарзда дўст тутинган эдилар.

Шундан кейин, орадан сал вақт ўтиши билан Тесей Фессалияга, дўсти Пейрифойнинг никоҳ тўйига жўнайди. Дўсти гўзал Хипподамияга уйланаётган эди. Тўй ғоятда дабдабали бўлади. Бу тўй тантанасига Юнонистоннинг ҳамма еридан жуда кўп шавкатли қахрамонлар келин-куёвни муборакбод қилгани келишади. Шунингдек, бу маросимга ёввойи кентаврлар ҳам таклиф этилган эди. Бутун сарой меҳмонлар билан гавжум. Улар нознеьматларга тўла хонтахталар атрофида ёнбошлаб ётиб ишрат қиладилар, саройдаги меҳмонхоналарга сиғмай қолган меҳмонларга улкан ва салқин ғор ичида зиёфат берилади. Ҳамма ерда хушбўй гиёҳлар тутайди, келин-куёвга бағишлаб мадҳиялар айтилади, мусиқа чалинади, меҳмонларнинг хушчакчак ҳайкириқлари баралла янграйдди. Барча меҳмонлар навқирон куёвга ва гўзалликда самовий Зухро юлдузидан қолишмайдиган навнихол келинга ҳамду санолар айтадилар. Улар никоҳ тўйини кўнгилхушлик

билан ўтказадилар. Май ва шароб дарёдай оқади. Маишат қилаётган меҳмонларнинг ҳайқириқлари тобора авжга минади.

Шу пайт кайфи ошиб қолган кентавр Эврит бирдан келин болага ташланади. Кентаврлар ичида энг кучлиси ва энг ваҳшийтабиатлиси бўлган бу махлук, метиндек бақувват қўллари билан Ҳипподамияни қучоқлаб олиб, уни олиб кочмоқчи бўлади. Бу тажовуздан руҳланган бошқа кентаврлар ҳам ўринларидан туриб, меҳмон аёлларга ташландилар. Улар ҳам бу тўйдан ўлжа олиб кетмоқчи бўладилар. Шунда зиёфатда ўтирган Тесей, Пейрифой ҳамда бошқа юнон қахрамонлари сапчиб ўринларидан туриб, аёлларни ҳимоя қила бошлайдилар. Никоҳ маросими бузилади, даҳшатли жанг бошланади. Бу жангда қўлга илинган ҳамма нарса: залварли қадахлар ҳам, май тўлдирилган жомлар ҳам, хонтахталарнинг оёқлари ҳам, муаттар гиёҳлар тутатилаётган сепоялар ҳам қурол вазифасини ўтайди. Қахрамонлар ёввойи кентаврларни қадам-бақадам меҳмонхонадан суриб чиқара бошлайдилар, лекин меҳмонхонадан ташқарида ҳам жанг давом этади.

Энди бу ерда қахрамонлар қўлларида қурол, кўксларида қалқон билан жанг қиладилар. Кентаврлар эса азим дарахтларни илдиз-пилдизи билан суғуриб, қоятошларни кўпориб, қахрамонлар устига дўлдай ёғдирадилар. Тесей, Пейрифой, Пелей ва Несторлар олдинги сафда жанг қиладилар. Уларнинг атрофида кентаврларнинг жасадларидан қонли тепалар вужудга келади. Кентаврлар бирин-кетин маҳв бўлиб, ер тишлай бошлайдилар. Мана, ниҳоят, улар таҳликага тушиб, шаталоқ отганча қочадилар ва сарбаланд Пелион тоғини буркаган қуюқ ўрмонга кириб яширинадилар. Юнон қахрамонлари ёввойи кентаврлар устидан шундай зафар қозонган, бу мудҳиш жангда кентаврларнинг камдан-ками омон қолган эди.

ЕЛЕНАНИНГ ЎҒИРЛАНИШИ. ТЕСЕЙ БИЛАН ПЕЙРИФОЙНИНГ ПЕРСЕФОНАНИ ЎҒИРЛАШГА ЖАЗМ ҚИЛИШИ. ТЕСЕЙНИНГ ЎЛИМИ

Бирок Пейрифойнинг соҳибжамол хотини Ҳипподамиянинг умри қисқа экан, у эндигина гулдай очилган чоғида дунёдан кўз юмади. Бева қолган Пейрифой ўз завжасига қаттиқ аза тутган бўлса ҳам, орадан бир оз вақт ўтгач, яна уйланишга жазм қилади. У Афинага, дўсти Тесей хузурига жўнайди, бу ерда икки ўртоқ тил бириктириб, соҳибжамол Еленани ўғирламоқчи бўлишади. Бу қиз ҳали ниҳолдай ёш эди, аммо унинг ҳусну жамоли ҳақидаги овозалар ҳалитдан бутун Юнонистонга таралган эди. Дўстлар Лаконияга хуфиёна боришади ва Еленани Артемида байрами пайтида ўғирлаб олиб қочишади. Тесей билан Пейрифой қизчани Аркадия тоғига олиб келишади, у ердан Коринф ва Истм орқали Афина шаҳрига

олиб ўтишади. Спарталиқлар ўғрилар орқасидан қувишади, лекин уларга ета олмайдилар. Дўстлар Еленани Афинада бир хуфя ерга яшириб қўйиб, бу хайратомуз дилбар қизга мушарраф бўлиш учун куръа ташлайдилар. Куръа Тесейга чиқади. Лекин куръа ташлашдан олдин бу икки дўст, кимда-ким зулфи сумбул Еленага муяссар бўлса, у дўстига хотин топишда кўмаклашади, деб аҳд-паймон қилишган эди. Шу аҳдга кўра, Пейрифой, рухлар салтанатининг султони тангри Аиднинг хотини Персефонани у дунёдан олиб чиқишда менга кўмаклашасан, деб талаб қилади Тесейдан. Бу талабни эшитиб, Тесейнинг ваҳми келади, лекин нима ҳам қила оларди? У қасам ичган, энди лафзидан қайта олмасди. Оқибат, у Пейрифойни ўликлар салтанатига кузатиб тушишга мажбур бўлади. Афина яқинидаги Колона қишлоғида ер қаърига очилган зим-зиё туйнук бўлиб, икки дўст ўликлар салтанатига шу туйнукдан тушади. Бу даҳшатгоҳда улар тангри Аид истиқболига бориб, ундан хотини Персефонани талаб қиладилар. Ўликлар салтанатининг бадқовок хукмдори бу талабдан қаттиқ ғазабланади, лекин ғазабланганини йигитларга сездирмайди ва уларни ўликлар салтанати бўсағасидаги қоятошдан ўйиб иншланган тахтга ўтиришга таклиф қилади. Икки қаҳрамон бу тахтга ўтирадилар, лекин ўтирган заҳотлари унга чиппа ёпишиб, қимир этмай қоладилар. Аид бу икки йигитни қилган гуноҳи учун шундай жазолаган эди.

Тесей ўликлар салтанатида ҳибсда ўтирган чоғида, соҳибжамол Еленанинг акалари – Кастор билан Полидевк сўнгилларини ахтариб бутун мамлакатни кезиб чиқадилар. Ниҳоят, Еленанинг қаерга яшириб қўйилганидан огоҳ бўладилар. Улар дарҳол Афина шахрини қамал қиладилар, метин қалъа бу қамалга дош бера олмайди. Кастор билан Полидевк Афинани забт этишади, сўнгилларини озод қилишади ва Тесейнинг онаси Эфрани асир олиб, Елена билан бирга Спартага олиб кетишади. Кастор билан Полидевк Афина шахри ва бутун Аттика вилоятига ҳокимлик қилишни Тесейнинг азалий душмани Менесфейга топширадилар. Тесей эса Аид салтанатида узоқ вақт қолиб кетади. У ерда Тесей кўп азобу укубатларни бошидан кечиради, лекин ахири бир кун келиб, уни энг улуғ қаҳрамон – алп Ҳеракл бандилиқдан озод қилади.

Тесей яна ёруғ жаҳонга қайтади, лекин бу қайтиш унга қувонч бағишламайди. Афинанинг мустаҳкам қалъаси вайрон қилинган, Елена озод этилган, Тесейнинг онаси эса Спартада асирлик азобини чекарди; Тесейнинг ўғиллари Демофон билан Акамонт Афинадан қочиб кетишга мажбур бўлгандилар, бутун ҳокимият манфур Менесфей қўлига ўтган эди. Бу аҳволни кўрган Тесей Аттикани тарк этади ва Эвбея оролидаги ўз мулки сари равона бўлади. Лекин ҳамма ерда унга бадбахтлик ҳамроҳ бўлаверади. Аскирос шоҳи Ликомед Тесейга унинг ер-сувини қайтаришни истамайди, у бузург қаҳрамонни ҳийла билан юксак қоя чўққисига бош-

лаб чиқади-да, денгизга итариб юборади. Аттиканинг энг буюк қахрамони ғанимнинг хиёнаткор қўлида шундай ҳалок бўлган эди. Орадан жуда кўп йиллар ўтади, Тесейнинг ўғиллари, Троя урушидан сўнг Менесфей ўлгандан кейингина Афинага қайтишади. Трояда улар бувилари Эфрани топадилар. Приамзода Парис соҳибжамол Еленани ўғирлаганида, Эфрани ҳам чўри сифатида Трояга олиб кетган эди.



МЕЛЕАГР



*Ҳолернини «Илиада» достони бўйича баён қилинади.
Мелеагр аронавтлар сафарига ҳам қатнашган*

Қаҳрамон Мелеагрнинг отаси, Калидон шоҳи Ойней маъбуда Артемида ғазабига гирифтор бўлади. Бир куни у ўз боғи ва узумзорларида ҳосил байрамани нишонларкан, олимпик худоларга бағишлаб катта-катта назр-ниёзлар, қурбонликлар қилади-ю, маъбуда Артемида ҳаққига бирон нима иона қилишни хаёлига ҳам келтирмайди. Шу шаккоклиги учун Артемида Ойнейни жазога мустаҳиқ этади. У Ойнейнинг юртига даҳшатли бир тўнғизни юборади. Бу маҳобатли бадқаҳр тўнғиз Калидон атрофидаги барча экинзорларни пайҳон, уй-жойларни ғорат қила бошлайди. У ўзининг баҳайбат қозик тишлари билан дарахтларни илдиз-пилдизи ила қўпоради, узумзорларни, нафис гулга бурканган олмазорларни топтайди. Рўпара келиб қолган одамларни ҳам аямай махв қилаверади. Оқибат, Калидоннинг теварак-атрофи улкан ғамхонага айланади. Шунда бутун элнинг ғамга ботганини кўрган Ойнейзода Мелеагр тўнғизни чор атрофдан қуршовга олиб, уни ўлдиришга жазм қилади. Мелеагр бу хатарли овга Юнонистоннинг энг машҳур қаҳрамонларини таклиф қилади. Бу овда қатнашиш учун Спартадан Кастор билан Полидевк, Афинадан Тесей, Ферадан шох Адмет, Иолқдан Ясон, Фивадан Иолай, Фессалиядан Пейрифой, Фтиядан Пелей, Саламин оролидан Теламон ва бошқа кўпдан-қўп қаҳрамонлар етиб келишади. Яна бу овда иштирок этиш учун Аркадиядан охудек чопқир Атланта ҳам келади. Бу қиз тоғда ўсган эди. У дунёга келгани ҳамоно, қиз фарзанд кўришни хоҳламаган отаси чақалоқни дарҳол тоққа олиб бориб ташлашни амр этганди. Лекин чақалоқ ўлмайди, тоғ дарасида уни она айиқ эмизиб боқади, кейинроқ эса қиз овчилар даврасида ўсиб улғаяди. Атлангани овчиликда маъбуда Артемидага қиёс қилиш мумкин эди.

Тўнғиз овига тўпланган қаҳрамонлар меҳмондўст Ойнейнинг қасрида тўққиз кунгача базм қуриб, ахири ўнинчи куни овга жўнайдилар. Сонсаноксиз този итларнинг вовиллашидан теварак-атрофдаги тоғлар ларзага келади. Итлар баҳайбат тўнғизни чўчитиб юбордилар ва унинг изига тушиб қувиб кетадилар. Мана, узоқда този итлар таъқибидан қочиб ўқдек

учиб келаётган тўнғиз кўринади. Овчилар шу тўнғиз томон отиладилар. Ҳар қайси овчи бу махлукни ўз найзаси билан маҳв этиш иштиёкида ёнар эди, аммо бу даҳшатли тўнғиз билан олишиш ниҳоятда оғир кўчади, олишув пайтида кўпчилик овчилар тўнғизнинг ўткир козиқ тишидан жароҳатланидилар. Аркадиялик диловар овчи Анкей қўлидаги ойболта билан тўнғизни чопиб ташлашга шайланганида, тўнғиз козиқ тиши билан унинг қорнини ёриб юбориб, маҳв қилади. Шунда овчи қиз Атланта ўз камонининг чилласини таранг тортиб, тўнғизга маҳвкор ўқ узади. Худди шу пайт бу ерга Мелеагр етиб келади. У баҳайбат махлукқа зарб билан найза санчиб уни ўлдиради. Ов тугайди. Ҳамма овнинг барор топганидан хурсанд.

Лекин мукофотни кимга бериш керак? Овга жуда кўп қаҳрамонлар қатнашганди. Уларнинг кўпчилиги ўз найзалари билан тўнғизни жароҳатладилар ҳам. Ўртада мубоҳаса бошланади, бунинг устига, тўнғизини ўлдириб қўйган Мелеагрдан дарғазаб маъбуда Артемида низо чўғига мой сепади, уни баттар алангалатади.

Бу нифоқ Калидон аҳолиси – этолияликлар билан қўшни Плеврон шаҳрининг аҳолиси – куретлар ўртасида уруш бошланишига сабаб бўлади. Иктидорли қаҳрамон Мелеагр этолияликлар қаторида туриб олишган чоғида жангда бу халқнинг қўли баланд келиб туради.

Лекин жангга астойдил берилиб кетган Мелеагр бехосдан ўз тоғасини ўлдириб қўяди. Шунда Мелеагрнинг онаси Алфея ўғли суюкли акасини ўлдириб қўйганини эшитиб ғазаби қайнаб кетади. У жаҳл устида ўликлар салтанатининг бадқовоқ шоҳи Аид билан унинг завжаси Персефонага сиғиниб, улардан ўғли Мелеагрни ғазабларига олишни илтижо қилади. Алфея жазавага тушиб, интиқом маъбудалари Эринияларга ёлборади. Мелеагр онасининг унга, яъни ўз ўғлига ўлим тилаётганини билиб қолиб, каттиқ аччиқланади ва жанг майдонини ташлаб чиқиб кетади. Энди у ўз хотини соҳибжамол Клеопатранинг хосхонасида бошини ҳам қилиб ғамгин ўтарарди. Шу аснода ташқарида бораётган жангда ўзгариш юз беради: Мелеагр этолияликлар тарафида жанг қилмай қўйгани ҳамано, куретларнинг қўли баланд кела бошлайди. Улар фаровон Калидон шаҳрини камал қиладилар. Шаҳар ҳалокат ёқасига бориб қолади. Шунда калидонлик мўйсафидлар Мелеагр олдига келиб, ундан қўшин сафига қайтишни ёлбориб сўрайдилар, аммо уларнинг барча илтижолари зое кетади. Қариялар бебаҳо муздрлар ваъда қиладилар, аммо қаҳрамон йигит уларнинг гапига парво ҳам қилмайди. Ҳаттоки, мункиллаб қолган отаси Ойнейнинг ўзи ҳам келини Клеопатранинг эшиги тагига келиб, бас энди, ўғлим, ранж-ни тарк эт, деб Мелеагрга ёлборади: ахир унинг жонажон шаҳри Калидон барбод бўлаётган эди-да. Лекин Мелеагр отасининг ҳам гапига қулоқ солмайди. Шундан кейин Мелеагрнинг синглиси билан онаси, энг жонажон

ёру биродарлари ундан мадад сўраб келишади, ammo Мелеагр ўз қарорида қатъий туриб олади. Шу аснода куретлар шаҳар деворларидан ошиб туша бошлайдилар. Улар бутун шаҳарнинг кулини кўкка совуриш мақсадида одамларнинг уйларига ўт қўя бошлайдилар. Мана, ниҳоят, ғанимлар зарбасидан Мелеагр ўтирган хосхонанинг деворлари ҳам ларзага кела бошлайди. Шунда Мелеагрнинг навниҳол завжаси Клеопатра эрининг оёғига тиз чўкиб, шаҳарни ёвлардан қутқаришни илтижо қилади:

– Ёлбораман сенга, суюкли шавҳарим, агар таслим бўлсак, шаҳримизнинг не қўйга тушишини, бахти қаро фуқаро не мусибатларга гирифтор бўлишини бир кўз олдингга келтир. Ахир ғолиб ганим хотинларимиз, гўдақларимизни асир этиб, ўз юртига олиб кетади-ку. Наҳотки менинг – ўз завжангнинг бошига ҳам шундай кулфат тушишини истасанг?

Шундагина паҳлавон Мелеагр хотинининг таваллосига кулоқ солади. У эпчиллик билан обдор совутини кияди, белига шамширини тақади, қўлига баҳайбат қалқони билан найзасини олади ва саройдан ўқдек отилиб чиқиб, жангга киради, куретлар хужумини даф қилиб, жонажон шаҳри Калидонни душмандан тозалайди. Бироқ Мелеагрнинг ҳам куни битиб, ажали етган эди. Ўликлар салтанатининг тангриси ва маъбудаси Алфейнинг нола ва илтижосини эшитган эдилар. Шу боис Мелеагр жангда чўнг мерган тангри Аполлоннинг камонидан отилган олтин ўқдан ҳалок бўлади ва унинг руҳи ўликларнинг андуҳли салтанатига учиб кетади¹.

КИПАРИС

Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Кеос оролидаги Карфея водийсида санамларга назр қилинган бағоят чиройли бир буғу яшарди. Унинг айри шохлари олтиндан бўлиб, бўйнига марварид маржон осилган, кулоқларига бебаҳо сирғалар тақилган эди. У кўркув нималигини унутган, қишлоқ аҳли уйларига бемалол кириб бора-верар, уни эркалаб силамоқчи бўлганларга бажонидил бўйнини тутиб бе-

¹ Кейинроқ яратилган ривоятларда шундай дейилади: Мелеагр туғилганида, унинг волидаси Алфей қошига қисмат маъбудалари – мойралар келишади. Шу маъбудалардан бири ўчоғингдаги кўсов ёниб кул бўлган заҳоти ўғлингнинг жони узилади, деб қаромат қилади. Алфей дарҳол кўсовни ўчириб, сандиққа солади ва уни авайлаб-асрайди. Кейин, Мелеагр катта йигит бўлиб, жангда бехосдан ойисининг инисини – тоғасини ўлдириб қўйганида, жигаридан жудо бўлган Алфей ўғлидан ғазабланиб, жаҳл устида сандиқдаги ўша чала ёнган кўсовни олиб ёқиб юборади; кўсов ёниб бўладию Мелеагрнинг ҳам жони узилади. Мелеагрнинг ўлимидан кейин Алфей билан Клеопатра ўзларини осиб, жонларига қасд қиладилар, сингиллари эса Мелеагрга аза тутиб, гўхтовсиз йиғлайверганларидан Артемида уларни макиёнларга айлантиради.

рар эди. Бу жониворни ҳамма, алалхусус, Кеос шохининг навжувон ўгли, чўнгмерган тангри Аполлоннинг ардокли дўсти Кипарис яхши кўрарди. Кипарис буғуни хушхўр ўтлар ўсган яйловларда ўтлатар, зилол суви айқириб оқаётган жилғаларга бошлаб бориб суғорарди, унинг маҳобатли шохларини хушбўй чечаклардан ўрилган гулчамбарлар билан безарди; навқирон Кипарис кўпинча буғу билан ўйнашиб туриб, унга миниб олар ва чаманзор Карфея водийсини сайр қиларди.

Саратоннинг жазирама кунларидан бирида, айна туш пайтида куёш ҳавони мисоли ўтдай қиздирар эди. Шунда буғу тушки жазирама иссиқдан қочиб, буталар панасига бориб ётади. Буғу ётган шу бутазор яқинида тасодифан Кипарис ов қилиб юрган бўлади. Бутанинг шитирлаганини эшитиб, у ерда ўз арзандаси – буғу ётганини билмай, найза отиб, жониворни беҳосдан ўлдириб қўяди. Навқирон Кипарис нима иш қилиб қўйганини кўриб ҳайратга келади, бу оғир жудоликка чидай олмай, ўз жонига қасд қилмоқи бўлади. Аполлон уни юпатмоққа уринади, лекин юпата олмайди. Кипариснинг бошига бетаскин қайғу тушган эди, у кумушкамон тангри Аполлонга илтижо қилиб, шундай қилгинки, мен мангу ғам чекиб яшай, дейди. Аполлон дўстининг илтимосига кулоқ осиб, уни сарв (кипарис) дарахтига айлантиради. Шунда йигитнинг сочлари тўқ яшил йғнабаргларга айланади, гавдаси дарахт пўстлоғига бурканади. Энди у Аполлоннинг қаршисида сарв дарахтига айланиб, қаддини адл тутиб турар, дарахтнинг қир учи тикка осмонга қадалган эди. Дўстининг бу аҳволини кўрган Аполлон оғир хўрсиниб қўйиб, шундай дейди:

– Мен ҳамиша сенга мотам тутаман, о дилбар йигит, сен ҳам энди ўзгалар дардига мудом қайғуришни тарк этмагайсан. Тилагим, сен ғамзадаларга доимо ҳамдард бўл!

Шундан буён юнонлар азадор хонадоннинг кўча эшигига сарв новдасини иладилар, жасадни куйдириш учун ёқилган гулханлар устига дарахтнинг игна баргларини сочадилар ва қабр атрофига сарв ниҳолларини ўтказадилар.



КЕИК ВА АЛКИОНА



Тонг юлдузи худоси Фосфорнинг ўгли Кеик Трахина шоҳи эди. У шамоллар худоси Эолнинг соҳибжамол қизи Алкионага уйланган эди. Кунларнинг бирида Кеик ғойибдан келган мудҳиш башоратни эшитиб қаттиқ қўркиб кетади ва тангри Аполлондан ўз келажаги ҳақида сўраб-суриштириш ниятида, унинг Дельфадаги башоратгоҳига бормоқчи бўлади. У Дельфага қуруқлик орқали бора олмас эди, чунки бу йўлда флегрий қабиласи босқинчилик қиларди. Шунинг учун у денгиз орқали жўнамоқчи бўлади. Кеик бу ниятини хотини Алкионага айтганида, хоти-

ни қаттиқ ҳаяжонга тушади. Алкиона эрига, денгиз сафарига чиқишдан воз кеч, тақдирингни денгизга ва денгиз довулига ишониб топширма, деб кўп ёлборади, зеро, шамоллар худосининг қизи поёнсиз денгизларда кўтариладиган довулнинг қанчалик пурдаҳшат бўлишини яхши биларди. Кеик хотинининг гапига қулоқ солмайди. Шунда Алкиона, баски шундай олис сафарга чиқишга қатъий қарор қилган экансан, мени ҳам ўзинг билан бирга олиб кетгинки, денгиз сафари пайтида тақдир не қулфатни раво кўрса, бирга баҳам кўрайлик, деб илтижо қилади. Лекин Кеик ўз аҳдида қаттиқ туриб олади, фақат хотинига ой иккинчи марта тўлмасдан қайтиб келишга сўз беради.

Мана, кемани денгизга туширадилар. Кеик сафарга жўнамоқчи бўлади, лекин Алкионанинг видолашуви ҳадеганда тугамайди, унинг қўнгли катта бахтсизлик содир бўлишини сезаётган эди. Алкиона эрини бағрига босганча юм-юм йиғлайди. Ниҳоят, Кеик хотинининг қучоғидан оҳиста кутулиб чиқади ва охирги марта унга:

– Алвидо! – дейди.

– Алвидо! – деб оҳиста пичирлайди маҳзуна Алкиона.

Ниҳоят, Кеик кемага чиқади; навқирон эшкакчилар зўр бериб бараварига эшкак эша бошлайдилар; кема долғалар тўшини кесиб ўқдек учади. Кўзлари ғилт-ғилт ёш Алкиона кема орқасидан кузатаркан, унинг куйруғида турган Кеикни сўнги марта қўл силтаб видолашаётганини кўради. Шўрлик аёл хўнг-хўнг йиғлаганча, қасрга қайтади.

Кеик эса тобора олислаб борарди. Боди мурод елканларни шиширар, денгиз оҳистагина чайқаларди. Ҳамма нарса гўё сафарнинг хайрли бўлишидан дарак бераётгандек эди. Кеч киради. Бу пайтга келиб йўлнинг ярми босиб ўтилган эди. Шунда бирдан денгиз узра жўшқин жануб шамоли ғувиллаб эсиб ўтади. Денгиз суви хиралашади ва унинг сатҳида ўрқач-ўрқач кўпикли долғалар пайдо бўлади. Дарға овозининг борича бақириб, елканларни маҳкамроқ боғлаш ҳақида буйруқ беради, аммо денгизнинг қаттиқ шовуллашидан буйруқни ҳеч ким эшитмайди: дарғанинг овозини тобора жунбишга кираётган бўроннинг увиллаши босиб кетади. Мана, чор ёқдан эсиб келган кучли шамол денгиз узра жазавага тушади. Денгиз ўкиради, қайнаб тошади. Тўлқинлар, гўё осмон-фалакка етмоқчи бўлгандай, тобора баландроқ кўтарилади, осмонни эса қоп-қора булут буркаб олган, зулмат баттар қуюклашади; бу зулматни яшин тиглари ёриб ўтиб, даҳшатли тўлқинларни бир лаҳзагина ёритади. Қора булутлардан ёмғир шаррос қуя бошлайди. Кема бу мудҳиш тўфон билан олишишга заифлик қилади, уни сув боса бошлайди. Ҳалокат муқаррар. Кеик буни билади, лекин у ҳозир фақат Алкионани ўйларди, лаблари фақат шу маҳбубасининг номини пичирлаб такрорларди. Мана, маҳобатли долға ўкириб келиб, кемага ҳамла қилади ва уни кўз очиб-юмгунча тилка-пора

килиб ташлайди. Кейк бир тахта порани ушлаб олади, бироқ бу билан жон саклаб қола олмайди, денгиз тўлқинлари уни ўз домига тортиб кетади.

Алкиона Кейкнинг қайтишини узоқ вақт кутаркан, олимпик худоларга сиғиниб, эримга саодатли сафар ато этинглар, деб тез-тез тавалло килиб туради, эримни соғ-саломат уйга қайтар, деб у маъбуда Ҳерага ҳам ёлборади. Алкионанинг ҳалок бўлган эри ҳақида илтижо қилиши Ҳерага ёқмайди. Шу боис чакмоқдор Зевснинг бу муаззама завжаси Иридани ўз қошига чақириб, унга уйку тангриси Ҳипнос хузурига боришни амр этади: Ҳипнос Кейкнинг ҳалок бўлганини Алкионага унинг хобида ошкор қилиши лозим эди.

Ирида ўзининг камалакваш турфаранг қанотларини қоқиб, Ҳипноснинг кулбаси жойлашган ғарбий сарҳадга зумда учиб боради. Бу ерда у ҳеч қачон куёш шуъласи тушмайдиган теран ғор ичига киради. Ғор ичи ҳам, унинг атрофи ҳам чуқур сукутга толган эди, фақат унга кираверишда бир жилға, атроф муҳитни аллалаётгандек, оҳиста жилдираб оқарди. Ғор оғзида кўкнор ва уйку гиёҳлари калин чакалак бўлиб ўсган эди; куюк тумандан ҳаммаёқ нимкоронғи эди. Ирида қоронғи ғорга кириши билан унинг ичи чароғон бўлиб кетади. Бу ерда уйку тангриси Ҳипнос ухлаб ётар, унинг атрофида эса тушлар ётишарди; улар худди ўрмондаги япроқлар, буғдойзордаги бошоқлар сингари беҳисоб эди. Мана, тангри Ҳипнос ўзининг тимқора тўшагидан бош қўтаради, уйқули кўзларини аранг очиб, Иридадан не мақсадда таширф буюрганини сўрайди. Ирида унга муаззама Ҳеранинг амрини баён қилади. Шунда уйку тангриси ўз ўғли Морфейни чақириб, унга Ҳеранинг амрини бажаришни буюради.

Морфей тун қоронғисида товушсиз қанот қоқиб, зумда Трахинага етади. У Кейк қиёфасига кириб, ухлаб ётган Алкиона тепасига энгашади. Шунда Алкиона тушида Кейкнинг шарпасини кўради, унинг ранги мурданикидек оқарган, сочи ва соқолидан денгиз суви чак-чак томиб турарди. Кейк хотинига ўзининг денгиз қаърига чўкиб ҳалок бўлганини баён қилади. Алкиона уйқусида Кейк томон қўлларини чўзиб, узоқлаб кетаётган эри орқасидан пичирлайди:

– Кетма! Қаёққа шошиляпсан? Мен ҳам сен билан бораман!

Шу чоқ Алкиона уйғониб кетади. У Кейкни қидира бошлайди, лекин хонада ҳеч кимни кўрмайди. Шундагина у эрининг ҳалок бўлганини тушунади. Бу жудолик алами Алкионанинг қалбини қаттиқ изтиробга солади, у севикли шахсуворисиз ёруғ жаҳонда яшашни истамайди.

Тонг ғира-шира ёришиши билан Алкиона саройдан чиқади ва руҳий изтиробдан бошини эгиб, денгиз бўйига, унинг баланд соҳилига йўл олади. Алкиона ўзини суюкли ёридан жудо қилган тўлқинларга тикилади. Кун ёришади, тонг отади, денгизнинг уфққа туташган олис томонлари ҳам энди аниқ кўрина бошлайди. Шунда Алкиона сувга чўкиб ўлган бир одам

жасадини тўлқинлар аллалаб соҳил сари оқизиб келаётганини кўради. Жасад яқинлаша бошлайди. Алкиона жасадга тикилиб қараб, ўз шавҳари Кеикни танийди. Шунда Алкиона маҳбубининг жасади томон кўлларини чўзганча, юксак қоядан ўзини денгизга отади.

Лекин у бирдан кўкторғоқ қушга айланади, қанотларини тўлқинлар ўрқачига теккизиб, денгиз узра уча бошлайди. Унинг ҳазин ноласи олис-олисларга эшитилади. Ана, кўкторғоқ Алкиона Кеикнинг жонсиз жасади устига ётиб, уни қучмоқчи бўлгандек қанотларини ёяди ва тумшуғи билан эридан бўса олади. Кеик ўз завжасининг бўсасини ҳис этади. Шунда худолар Кеикни ҳам кўкторғоқ қушга айлантирадилар. Мана, бир жуфт кўкторғоқ тўлқинлар узра кўтарилишади ва қанотларини ял-ял ярақлатиб, соҳил томон парвоз қилишади. Кеик билан Алкиона яна топишадилар, яна ўрталарида чин муҳаббат туйғуси уйғонади.

Шундан буён кўкторғоқ қуш – Алкиона сув узра муаллақ осилган ўз уясида тухум босиб ўтирган пайтларида денгиз тўлқинланмас экан. Зеро, Алкионанинг отаси Эол шамолларни тушовлаб турар, уларнинг қутуришига йўл қўймас экан. Эол ўз қизининг тинчини кўзларкан¹.

ОРФЕЙ ВА ЭВРИДИКА

Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

ОРФЕЙ ЕР ОСТИ САЛТАНАТИДА

Дарё тангриси Эагр билан муза Каллиопа¹нинг ўғли буюк хонанда Орфей олис Фракия вилоятида яшайди². У соҳибжамол санам Эвридикага уйланади. Орфей Эвридикани жонидан ортиқ севади. Лекин хотини билан саодатли ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлиш Орфейга насиб этмаган экан. Никоҳ тўйидан кейин, бир куни соҳибжамол Эвридика ўзининг навниҳол дугоналари – санамлар билан баҳор чечакларини тергани ям-яшил водийга боради. Эвридика гул териб юрганида қуюқ ўтлар орасида кулча бўлиб

¹ Ушбу ривоятнинг яна бир тури бор: Кеик билан Алкиона ўз ошиқ-маъшукликларидан беҳад ғурурланиб, бир-бирларини Зевс ва Ҳера деб атай бошлаганлар. Шу қилмишлари учун Зевс уларни қушларга: Алкионани – окчорлоқка, Кеикни кўкторғоқка айлантирган экан. Одамларни паррандаларга айлантириш ҳоллари қадимги ривоятларда тез-тез учраб туради.

² Фракияликлар Дионис ҳамда музаларнинг энг жонкуяр муҳиблари бўлишган, Орфейни ҳам улар музанинг назм санъати намояндаси сифатида юксак қадрлашган. Орфейнинг ашулачилик қобиляти шу қадар юксак бўлганки, у қуйлаган чоғда дарахтлар ва қоятошлар ҳаракатга келиб, ваҳший ҳайвонлар ювош бўлиб қолишар экан. Бора-бора Орфейнинг номи энг истеъдодли хонанда ва созанда, деган маънони билдира бошлайди.

ётган бир илонни бехосдан босиб оладию тинчи бузилган илон келинчакнинг оёғини чақади. Эвридика жон аччиғида додлаб юборади ва ёрдамга югуриб келган дугоналарининг қўлига беҳуш йиқилади. Унинг ранги докадек оқариб, кўзлари юмилади. Илон захри уни хазон қилган эди. Эвридиканинг дугоналари бу фожиадан даҳшатга тушадилар, уларнинг аянчли фарёди узоқ-узоқларга эшитилади. Бу фарёдни Орфей ҳам эшитади. У водийга шамолдек учиб келадию суюкли завжаси ўлиб ётганини кўради. Бу холдан руҳи тушиб кетган Орфей девона бўлаёзади. Орфей бундай жудоликка асло чидай олмайди. У севикли Эвридикасига узоқ вақт аза тутиб фиғон қилади, бутун табиат Орфейнинг аянчли фиғонини эшитиб, унга жўр бўлиб юм-юм йиғлайди.

Ахири, йиғи билан таскин топа олмаган Орфей ўлганлар руҳининг маскани – ер ости салтанатига тушиб, Аид билан Персефонадан, хотинимни қайтариб беринглар, деб илтижо қилмоқчи бўлади. У Тэнар бурнидаги машъум гор орқали муқаддас Стикс дарёси бўйига тушиб боради. Мана, Орфей дарё бўйида турипти. Энди у нариги соҳилга, яъни Аид салтанатига қандай қилиб ўтиб олиш ҳақида бош қотиради. Орфей атрофида ўлганларнинг руҳлари куймаланишади. Уларнинг оху нолалари худди кеч кузда дарахтлардан тўкиладиган япроқларнинг шитирлашидек кулоққа зўрға чалинади. Узоқда эшакларнинг сувга шалопплаб урилгани эшитилади: ўлганлар руҳини Аид салтанатига ўтказиб қўювчи Харон ўз қайиғида сузиб келаётган эди. Харон сузиб келиб, қирғоқда тўхтади. Орфей, мени ҳам руҳлар билан бирга дарёнинг нариги бетига ўтказиб қўй, дея ўтиниб сўрайди, аммо бадқаҳр Харон кўнмайди. Орфей унга қанча ялиниб-ёлбормасин, Харондан фақат, «Йўқ!» деган жавоб эшитади.

Шунда Орфей кифараси торларини черта бошлайди, Стикс соҳилида кифара садоси янграйди. Орфейнинг нафис мусикаси Харонни маҳлиё қилиб қўяди; у эшакка таяниб, куйни тинглайди. Шу мусика садоси остида Орфей қайиққа чиқади, Харон эшакни соҳилга тираб, қайиқни жойидан жилдиради, қайиқ Стикс дарёсининг тўсдек қора сувидан сузиб ўта бошлайди. Шундай қилиб, Харон Орфейни нариги соҳилга ўтказиб қўяди. Орфей қайиқдан соҳилга тушиб, кифарасини чалганча тангри Аид истиқболига йўл олади. Орфейнинг кифараси садосини эшитиб учиб келган руҳлар уни куршаб олиб, Аид ҳузурига кузатиб борадилар.

Мана, Орфей Аиднинг тахтига яқин бориб, унга бош эгиб таъзим қилади. У кифараси торларини қаттиқроқ чертиб, қўшиқ куйлай бошлайди. Гўзал Эвридикани қандай севгани, баҳорнинг беғубор, мунаввар айёмларида у билан қандай хушбахт ҳаёт кечиргани ҳақида куйлайди. Бироқ бахтиёр кунлар шамолдек «ғув» этиб ўтиб кетиб, Эвридика нобуд бўлган. Энди Орфей бевақт қазо қилган маҳбубасини кўмсаб, ўз қайғу-ҳасрати, барбод бўлган муҳаббати ҳақида куйлайди. Бу зулмат салтанатида унинг

қўшиғини барча жон қулоғи билан тинглайди, зеро, Орфейнинг қўшиғи хаммани ром қилиб қўйган эди. Аид бошини кўксига эгиб, Персефона эса эрининг елкасига бош қўйиб тинглардилар; Персефонанинг мужгонларида ҳасратли ёш томчилари титрарди. Қўшиққа махлиё бўлган Тантал уни қийнаётган очлик ва ташналик азобини унутиб юборганди. Сизиф қилаётган машаққатли бесамар ишини тўхтатиб, тоғ бошига думалатиб чиқараётган харсангтош устига ўтириб, чуқур ўйга толган. Данаидалар (Данай қизлари) ҳам қўшиққа махлиё бўлиб, ўз вазифаларини – туби йўқ хумни сув билан тўлдиришни унутиб қўйганлар. Уч хил чехра соҳибаси, пурдаҳшат Ҳеката кўзлари ёшга тўлганини кўрсатмаслик учун қўллари билан юзини беркитган. Бешафқат Эринияларнинг ҳам кўзлари жикқа ёш, Орфейнинг қўшиғи, ҳаттоки, шу интиком маъбудаларини ҳам таъсирлантирган эди. Мана, ниҳоят, олтин кифара садоси тобора пасая бориб, ниҳоят, Орфейнинг қўшиғи маҳзун хўрсинишдек, буткул сўнади.

Бутун агроф теран сукутга толади. Ахири, тангри Аид сукунатни бузиб, Орфейга шундай савол беради:

– Айт, о фоний банда, не мақсадда салтанатимга кадам ранжида қилдинг, нима истайсан мендан?

Шундан сўнг Аид, худоларнинг муқаддас ва бузилмас қасамини тилга олиб, яъни Стикс дарёсининг суви ҳаққи онт ичиб, бу ажиб хонанданинг илтимосини албатта бажаришга сўз беради.

Орфей Аидга шундай жавоб беради:

– О, қодир ҳукмдор Аид, биз фоний бандаларнинг ер юзидаги кунимиз битганида, барчамизни ўзинг даргоҳингга қабул этасан. Илло мен бу ерга салтанатингдаги даҳшатли манзараларни томоша қилгани ҳам, Ҳераклга ўхшаб, салтанатнинг қўриқчиси – уч бошли Керберни олиб кетгани ҳам келмадим. Мен сенинг қошинга ўз ёрим Эвридикани ёруғ дунёга қайтаришингни илтимос қилиб келдим. Хотинимга яна жон ато эт; ўзинг шохид бўлдинг, усиз қалбим бениҳоя изтироб чекмоқда! Бир тасаввур қилиб кўр, о ҳукмдор, агар сендан Персефонангни тортиб олишса, сен ҳам, албатта, изтироб чеккан бўлардинг. Ахир Эвридикамни мангуга қайтараётганинг йўқ. У бир кунмас бир кун салтанатингга яна қайтиб келади. Биз бандаларнинг ҳаётимиз жуда қисқа, ҳукмдор. Илтижо қиламан, Эвридиканинг ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлишига имкон бер, ахир у сенинг салтанатингга шундай навнихол чоғида рихлат қилди!

Аид ўйлашиб қолди, ахири Орфейга шундай деб жавоб қилади:

– Яхши, Орфей! Мен сенга Эвридикангни қайтараман. Майли, уни ҳаётга, ёруғ жаҳонга олиб чиқиб кет. Лекин бунинг битта шарти бор, шуни унутмаслигинг керак: сен тангри Ҳермеснинг орқасидан юрасан, у сенга йўлбошчилик қилади, Эвридика эса сенинг орқангдан юради. Илло ер ости салтанатидан бораётганингда зинҳор орқангга ўгирилиб қарамаслигинг

керак. Ёдингда бўлсин! Агар ўгирилсанг, Эвридика сени тарк этадию салтанатимда мангу қолади.

Орфей ҳар қандай шартга ҳам рози эди. У тезроқ ер юзига чиқиб олишга шошиларди. Хаёл каби учқур Ҳермес Эвридиканинг арвоҳини бошлаб келади. Орфей хотинининг жамолига завқланиб боқади. У Эвридиканинг арвоҳини бағрига босмоқчи бўлади, лекин тангри Ҳермес уни бу ниятидан қайтаради.

– Орфей, – дейди у, – сен ҳозир хотинингнинг руҳинигина кучоқламоқчи бўляпсан. Юр, тезроқ кетайлик бу ердан, йўлимиз жуда оғир.

Улар йўлга тушадилар. Олдинда Ҳермес, Ҳермеснинг орқасидан Орфей, унинг кетидан Эвридиканинг арвоҳи кетиб боради. Улар Аид салтанатини тез босиб ўтишади. Харон уларни ўз қайиғида Стикс дарёсидан ўтказиб қўяди. Мана, ер юзига олиб чиқадиган сўқмоқ. Йўл жуда оғир. Сўқмоқ тикка кўтарилган, боз устига, йўлда харсангтошлар қалашиб ётипти. Атроф зим-зиё. Олдинда бораётган Ҳермеснинг қиёфаси элас-элас кўзга ташланади. Ана, жуда-жуда олисда ёруғлик кўринди. Бу ер юзига чиқадиган туйнук. Атроф ҳам ғира-шира ёриша бошлагандай бўлди. Агар Орфей ҳозир орқасига ўгирилса, Эвридикани кўради. Хотини келяптими ўзи? Тагин у ўликлар салтанатидаги зулматгоҳда қолган бўлса-я? Балки у етишиб юролмаёпкандир: ахир йўл машаққатли-ку! Агар Эвридика орқада қолса, бу зулмат салтанатида мангу тентираб юради. Орфей қадамини секинлатиб, кулоқ солади. Ҳеч қандай оёқ товуши эшитилмайди. Аммо, жисмсиз руҳнинг юргани қандай эшитилсин, ахир? Орфей Эвридикадан тобора кўпроқ хавотирлана бошлайди. Юришдан бот-бот тўхтаб, кулоқ солади. Атроф эса анчагина ёришган. Ҳозир Орфей орқасига ўгирилса, хотинининг арвоҳини аниқ кўрган бўларди.

Ниҳоят, Орфейнинг сабри чидамай, юришдан тўхтаб, орқасига қарайди. У Эвридикани шундоққина ёнгинасида кўради. Орфей хотинининг руҳи томон кўл чўзади, шунда руҳ бирдан узоклаша-узоклаша зулмат қўйнига кириб, кўздан ғойиб бўлади. Бутун орзу-умидлари пучга чиққан Орфей хайратдан тошдек қотиб қолади. Эвридика унинг кўз олдида иккинчи марта ўлган эдики, бу ўлимга Орфейнинг ўзи сабабчи бўлган эди.

Орфей узок вақт қимир этмай туриб қолади. Бу турган тирик Орфей эмас, балки жонсиз мрамор ҳайкалга ўхшарди. Ниҳоят, у жойидан қўзғалиб, бир кадам, сўнг яна бир кадам босади, у орқага, яна шумшук Стикс дарёси томон йўл олади. У яна Аиднинг ҳузурига бориб, яна Эвридикани ёруғ жаҳонга қайтаришни илтимос қилмоқчи. Бироқ қария Харон уни ўзининг шалок қайиғида дарёдан олиб ўтишни хоҳламайди. Орфей эса роса ялиниб-ёлборади, илтижо қилади, лекин ғаройиб хонанданинг каломларига Харон мутлақо парво қилмайди. Мотамсаро Орфей овқатдан ҳам, уйқудан ҳам – ҳамма нарсадан воз кечиб, етти кечаю етти кундуз Стикс дарёси

бўйида юм-юм йиғлаб, ўлганлар руҳининг машъум салтанати тангриларидан зорланиб ўтиради. Фақат саккизинчи кун келганда, у Стикс соҳилини тарк этиб, Фракияга қайтишга жазм қилади.

ОРФЕЙНИНГ ЎЛИМИ

Эвридика ўлганига тўрт йил бўлди, аммо Орфей ҳамон ўз маҳбубасига содиқ бўлиб қолаверди. У биронта ҳам аёл билан турмуш қуришни хоҳламади. Дарахтлар эндигина барг чиқара бошлаган баҳор кунларининг бирида машҳур хонанда унча баланд бўлмаган бир тепаликда ўтирарди. Олтин кифараси унинг оёғида ётарди. Мана, хонанда созини қўлга олиб, унинг торларини аста черта бошлайди, сўнг созига жўр бўлиб қўшиқ куйлайди. Унинг ажиб қўшиғи бутун табиатни ўзига ром қилади. Орфейнинг қўшиғида шундай бир қудрат мавжуд эдики, қўшиқ шу қадар мафтункор янгрардики, атроф тоғлардаги, ўрмонлардаги ёввойи ҳайвонлар хонанданинг латофатли овозига шайдо бўлиб, унинг теварагига тўплана бошлардилар. Қушлар ҳам унинг овозига мафтун бўлиб, гурра-гурра учиб келишарди. Ҳаттоки, дов-дарахтлар ҳам жойларидан жилиб, Орфейни ўраб олишарди; эману тераклар, хушқад сарвлару шапалоқ баргли чинорлар, қарағайлару қорақарағайлар хонанда атрофида уймалашиб, унинг хонишини завқ билан тинглардилар: уларнинг на бирон новдаси, на биронта япроғи шитирларди.

Шу пайт бирдан олисда одамларнинг ҳайқириғи, қаҳ-қаҳ уриб қулишгани, даф садолари эшитилади. Бу – қувноқ Вакх байрамини нишонлаётган Кикон аёлларининг шов-шуви эди. Улар ўйин-кулги билан Орфей ўтирган ерга яқинлашиб келарканлар, тўсатдан хонандани кўриб қоладилар, шунда ширакайф аёллардан бири баралла овоз билан:

– Ана, аёлларни ёмон кўрувчи кўшиқчи! – деб чинкиради.

У қўлидаги асони Орфейга отади. Лекин асо ток новдаси билан ўралгани сабабли, хонандага қаттиқ тегмайди. Иккинчи сархуш аёл Орфейга тош отади, лекин мафтункор қўшиқдан маст бўлган тош, гўё хонандадан узр сўрамоқчи бўлгандай, Орфейнинг пойига келиб тушади. Хонанда атрофида хушчақчақ, сармаст аёлларнинг қийқириқлари тобора баландроқ янграйди, сибизғалар садоси, дафларнинг дўпир-дўпири қулоқни қоматга келтиради. Вакх байрамининг бу шовқини Орфей айтаётган қўшиқни босиб кетади. Мана, сархуш аёллар Орфейнинг устига худди кузғундек ёпириладилар. Орфей хонанданинг бошига асолар, тошлар дўлдай ёғила бошлайди. Орфей раҳм-шафқат сўраб зор-зор ёлборади, лекин хонанданинг дов-дарахт, тоғ-тошларни ўз измига солиб жойларидан жилдиришга кодир бўлган овозига жазаваси тутган бадмаст аёллар парво ҳам қилмайдилар. Орфей қора қонга беланиб, ерга йиқиладию жон тас-

лим этади, Вакхга сиғиниб байрам қилаётган аёллар эса, жазавалари тутиб, қонли қўллари билан Орфейнинг жасадини нимта-нимта қиладилар¹. Сўнг улар Орфейнинг калласи билан кифарасини жўшқин Гебр дарёсига отадилар. Шунда... Во ажаб! Дарё тўлкинида чайқалиб оқиб бораётган кифаранинг торлари, гўё ўз хонандасининг ҳалок бўлганидан зорланаётгандек, нола қилади ва бу нолага дарё қирғоқлари ҳазин овоз билан акс садо берадилар. Орфейга бутун табиат аза тутуди: дарахтлари гуллар йиғлайди, паррандаю даррандалар кўзёш қиладилар, ҳаттоки, гунг қоялар ҳам юм-юм йиғлайдилар, дарёлар эса бу тўкилган қайғу ёшларидан лим-лим тўлиб оқа бошлайдилар. Санамлар ва дриадалар Орфейга мотам тутиб, сочларини ёядилар, эгниларига қора либослар киядилар.

Дарё хонанданинг калласи билан кифарасини олис-олисларга, бепоя денгизга олиб кетади, денгиз тўлкинлари эса уларни Лесбос ороли соҳилига оқизиб келади.

Шундан буён Лесбосда ажиб қўшиқлар доимо янграгани янграган. Орфейнинг олтин кифарасини эса худолар кейинчалик осмонга, юлдузлар буржи сафига олиб чиқиб қўядилар².

Орфейнинг руҳи арвоҳлар салтанатига рихлат этади ва бу ерда Орфей бир вақтлар Эвридикани қидирган жойларини яна кўради. Буюк хонанда яна Эвридиканинг руҳини учратади, энди уни самимий меҳр билан бағрига босади. Шу пайтдан бошлаб бу севишганлар бир-бирларидан бир лаҳза ҳам ажрашмаган бўлишса керак. Орфей билан Эвридиканинг руҳлари энди асфодел³ ўтлари билан қопланган қоронғи далаларда тентираб юради. Энди Орфей, Эвридика келяптимикин, деб қўрқмай орқасига ўтирилиши мумкин.

¹ Бошқа ривоятда Орфейни Дионис ўлдиргани баён қилинади: май худоси хонанданинг Дионисга (Вакхга) сиғинмай қўйганидан ва Аполлонга хизмат қилаётганидан аччиғланиб, уни маҳв этганмиш (бу ривоят замирида икки илоҳий қувва ўртасидаги рақобат ётади). Орфейнинг ҳалок бўлиши ҳақидаги ривоят Лин ҳақидаги афсонага ўхшаб кетади. Афсонада уни гоҳ Орфейнинг аждоди ва устози, гоҳ оғаси деб таърифлайдилар. Лин – афсонавий хонанда ва буюк мусикашунос бўлиб, у музалар маскан қурган Ҳеликон тоғидаги ғорда истиқомат қилган. У созандалик санъати бўйича Аполлон билан беллашади, мағлубиятга учраб, шу тангри томонидан ўлдирилади (анча кейинроқ яратилган ривоятларга кўра, Лин Ҳераклга кифара чалишдан сабоқ беради; бир куни Лин дарсни тайёрламаган талабани жазолайди. Ҳазабни қайнаган Ҳеракл ўқитувчисини кифара билан уриб ўлдиради).

² Таркибида энг порлоқ Вега юлдузи бўлган Лира юлдузлар буржи назарда тутиляпти.

³ *Асфодел* – лола гулдилар уруғига кирувчи ўт. Юнонларда ўлим белгисини билдиради.



ҲИАЦИНТ (СУМБУЛ)



Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Спарта шохининг гўзалликда олимпик худоларга тенг келувчи бағоят ўқтам ва навқирон ўғли Ҳиацинт (юнонча Ҳиацинтос, яъни Сумбул) ёй-андоз тангри Аполлоннинг жонажон дўсти эди. Аполлон Спартадаги Эврот дарёси бўйига, ўз дўсти олдига тез-тез келиб, икковлари биргаликда тоғ ёнбағридаги куюқ ўрмонзорда ов қилишар ёки спарталикларнинг энг яхши кўрган машғулоти – гимнастика билан шуғулланишарди.

Жазирама ёз кунларининг бирида, кун қиёмга яқинлашган пайтда Аполлон билан Ҳиацинт кимўзарга лаппак отишарди. Биринждан ясалган зилдек оғир лаппак ҳар гал отилганда чирпирак бўлиб осмон-фалакка учарди. Мана, кудратли тангри Аполлон бутун кучини йиғиб туриб, лаппакни осмонга отади. Лаппак жуда баландга, булутлар сузиб юрган ергача кўтарилади ва мисоли думли юлдуздек ярақлаб ерга қайтиб туша бошлайди. Шунда Ҳиацинт лаппак тушадиган ерни тахминлаб, ўша ерга югуриб боради. У тезроқ лаппакни кўтариб осмонга отмоқчи, бу билан ўзининг ҳали ёш бўлса ҳам, лаппак отишда боқийлардан қолишмаслигини дўсти Аполлонга намоиш қилмоқчи эди. Бироқ ерга келиб тушган лаппак коп-токдек сакрайди-да, учиб бориб бу жойга етиб келган Ҳиацинтнинг бошига зарб билан урилади. Ҳиацинт инграб ерга йиқилади. Ўқтам йигитнинг жароҳатидан варақлаб оққан қон унинг тимқора сочларини алвон рангга бўййди.

Бу холни кўриб кўрқиб кетган Аполлон дўстининг олдига югуриб келади, энгашиб, унинг қонга бўялган бошини олиб тиззасига қўяди ва жароҳатдан оқаётган қонни тўхтатишга ҳаракат қилади. Лекин бунинг иложи бўлмайди. Ҳиацинтнинг ранги докадек оқаради. Унинг ҳамиша порлоқ кўзлари хиралаша бошлайди; мана, унинг боши, саратон қуёшининг қайноқ тафтидан сўлган дала чечагидек, беҳол эгилади. Шунда Аполлон қаттиқ аянч билан дейди:

– Азиз дўстим, сен дунёдан кўз юмаяпсан! Қандай оғир мусибат бу! Сени мен ўз қўлим билан ўлдирдим! Нимага ҳам отдим-а шу лаппакни! Қанийди, бу гуноҳимни юва олсам, кошқийди мен ҳам сен билан бирга ўлганлар руҳининг ўша ғамгин салтанатига рихлат эта олсам! Афсуски, мен боқийман! О, нечун мен боқий бўлиб туғилдим, нечун сен билан бирга у дунёга кета олмайман?

Аполлон жон бераётган дўстини бағрига босиб тураркан, унинг кўз ёшлари Ҳиацинтнинг қонга беланган сочларига томади. Мана, Ҳиацинт ўлди, унинг руҳи Аид салтанатига учиб кетди. Аполлон марҳумнинг жасади тепасида бош эгиб тураркан, оҳиста пичирлайди:

– Сен ҳамиша менинг қалбимда яшагайсан, о дилбар Ҳиацинт. Истайманки, одамлар ҳам сени тобад хотирлаб турсинлар.

Оқибат, Аполлоннинг шу каломи билан Ҳиацинтнинг қонидан қирмизи ранг муаттар гул – сумбул униб чиққан экан, унинг гулбаргларида тангри Аполлоннинг аянчли ноласи акс этган. Одамлар ҳам мудом Ҳиацинтни хотирлаб турадилар, ҳиацинтия байрами кунлари уни ардоқли сўзлар билан ёдлайдилар.



ПОЛИФЕМ, АКИД ВА ГАЛАТЕЯ



*Овидийнинг «Метаморфозалар» достони
Бўйича баён қилинади*

Денгиз қарияси Нерейнинг соҳибжамол қизи Галатея Симефиданинг навқирон ўғли Акидни севади, Акид ҳам Нерей қизини яхши кўради. Лекин Галатеянинг хуснига мафтун бўлган фақат Акид эмас эди. Кунлардан бир кун мовий денгиздан хусни жамоли, чиройли қаддиқомати билан офтоб мисол порлаб сузиб чиқиб келаётган Галатеяни баҳайбат циклоп (бир кўзли махлук) кўриб қоладию бутун вужудини қайноқ муҳаббат қамраб олади. Ё, зарнигор Афродита, сен бекиёс қудрат соҳибасисан! Шу чоққача ҳеч кимни ёнига йўлатмаган, йўлаганларни беаёв ямламай ютган, ҳаттоки, олимпик худоларни тан олмаган бадқовоқ ва бадбуруш циклопнинг ҳам қалбига сен муҳаббат туйғусини уфурдинг! Мана, циклоп Полифем ишқ алангасида қовурилмоқда. У сурув-сурув қўйларини ҳам, қўй кўралари – ғорларни ҳам унутиб қўяди. Ҳатто, бу ёввойи циклоп ўзига оро ҳам бера бошлайди, хурпайган сочини чўкич билан тарайди, ўроқ олиб патакилдиз бўлиб кетган соқолини кузай бошлайди. Ҳаттоки, унинг феъл-атворидаги аввалги ваҳшийлик, қонхўрлик иллатлари барҳам топа бошлайди.

Худди шу пайт Сижжилия соҳилига соҳибқаромат Телем кемада сузиб келади. У Полифемга шундай башорат қилади:

– Манглайингдаги биттагина кўзингни Одиссей исмли қаҳрамон ўйиб олгай.

Полифем соҳибқароматга жавобан кўполлик билан хандон ташлаб кулади.

– Гапинг ёлғон, эй, жаҳондаги башоратчилар ичида энг овсари! Менинг кўзимга бошқа бир хилқат эга бўлиб олган энди!

Қоятошлардан вужудга келган юксак бир тепалик денгиз ичига анча туртиб кирган бўлиб, унинг тик кесиб тушган этагида тўлқинлар тинмай шовулларди. Полифем кўпинча сурувларини шу тепага ҳайдаб келиб ўтларди. Бу ерда у худди кема мачтасидек маҳобатли гурзисини ёнига

қўйиб, қўйнидан юзта қамишдан ясалган сибизғасини чиқарарди-да, кучининг борича пуфлаб уни чала бошларди. Полифем чалган сибизғанинг беўхшов хунук овози узоқ-узоқларга эшитиларди. Сибизға овозини Акид билан Галатея ҳам эшитарди. Чунки бу ошиқ-маъшуклар аксар пайт тепалиқдан унча узоқ бўлмаган соя-салқин ғорга келиб чакчақлашиб ўтиришарди. Бир пайт сибизға чалиб, теварак-атрофни ларзага келтирганча қўшиқ айтиб ўтирган Полифем худди кутурган буқадек бирдан ўрнидан туриб кетади. У соҳилдаги ғорда ўтирган Галатея билан Акидни кўриб колган эди. Полифем шундай жаҳолат билан бўкирадики, овози Этна тоғида акс садо беради.

– Кўряпман сенларни! Ҳа, яхши, бу сенларнинг охири учрашувларинг бўлади!

Полифемнинг дағдағасидан кўркиб кетган Галатея ўзини денгизга отади. Кадрдон долғалар уни ўз ҳимояларига оладилар. Лекин даҳшатга тушган Акид бу офатдан қочиб қутулмоқчи бўлади. У қўлларини денгиз томон чўзиб наъра қилади:

– Галатея, ёрдам бер менга! Отажон, онажон, кутқаринглар, яширинглар мени!

Аммо бир кўзли махлуқ зумда Акидни қувиб етиб олади. У тоғ бағридан каттакон бир қоятошни кўчириб олиб, уни Акидга отади. Полифем отган қоянинг бир чеккасигина Акидга тегиб, бахтиқаро йигитни мажақлаб ташлайди. Қоя остидан Акиднинг қип-қизил қони айқириб оқа бошлайди. Бора-бора қирмизи қон аста-аста рангини йўқотиб, сувга айланади. Мана, ниҳоят, бу сув сел туфайли лойқаланган дарёга ўхшай бошлайди. Сув тобора ёришиб, тиниклашиб боради. Бирдан Акидни янчиб юборган қоятош дарз кетиб ёрилади. Қоянинг шу дарз кетган еридан ям-яшил қамиш поя ўсиб чиқади ва унинг остидан зилол сув жилға бўлиб оқа бошлайди. Жилға сувидан ранги рўйи кўкимтир, бошига қамишдан гултож таққан бир навқирон йигитча қаддини белигача кўтаради. Бу дарё тангрисига айланган Акид эди.

ДИОСКУРЛАР (КАСТОР ВА ПОЛИДЕВК)

Спарта шоҳи Тиндарей Этолия хумқдори Фестийнинг қизи Ледага уйланган эди. Леданинг ҳусни жамоли ҳақидаги овоза бутун Юнонистонга ёйилганди. Оқибат, Леда Зевсга ҳам хотин бўлади ва бу олий тангрідан икки фарзанд кўради; булар – гўзалликда маъбудаваш Елена билан бузург қахрамон Полидевқдир. Леда Тиндарейдан ҳам бир қиз, бир ўғил: Клитемнестра билан Касторни туққан эди.

Полидевк отасининг наслига тортиб, боқий бўлиб туғилади, ammo унинг оғаси Кастор фоний банда эди. Бу оға-ини Диоскурлар (яъни Зевс ўғиллари) Юнонистоннинг энг буюк қахрамонлари эдилар. Жангароба пойгасида ҳеч ким Касторга тенг кела олмасди, у энг асов отларни ҳам зумда ювош қилиб кўярди. Полидевк бўлса, муштлашиш санъатининг ҳавосини олган, бу борада у билан беллашишга журъат этадиган одам топилмасди. Бу оға-ини Диоскурлар юнон қахрамонлари кўрсатган кўпгина жасоратларда улар билан елкама-елка туриб жанг қилган эдилар. Оға-инилар бир лаҳза ҳам бир-бирларидан ажралмасдилар, зеро, улар самимий меҳр-муҳаббат риштаси билан боғланган эдилар.

Диоскурларнинг иккита амакиваччаси бор эди, булар Мессиния шоҳи Афарейнинг ўғиллари – Линкей билан Идас эди. Идас энг қудратли полвон ҳисобланарди; акаси Линкейнинг кўзлари шу қадар ўткир эдики, ҳатто, ер тагидаги нарсаларни ҳам кўрарди; ундан ҳеч нимани ҳеч қаерга яшириб бўлмасди. Кунларнинг бирида Диоскурлар амакиваччалари билан биргаликда Аркадиядан буқалар подасини ўғирлаб ҳайдаб кетишади ва бу ўлжани бўлишиб олмоқчи бўлишади. Тақсимлашни Идас бажариши керак эди. Идас бутун ўлжани ўзи билан инисининг қўлига киритиш мақсадида найранг ишлатмоқчи бўлади. У бир буқани сўйиб, гўштини тўртта баб-баравар бўлакка бўлади-да, шундай таклиф киритади:

– Кимки ўз улушини биринчи бўлиб еб битирса, ўлжанинг ярмини олади, поданинг иккинчи ярми гўштни иккинчи бўлиб еб тугатганга тегади.

Шундан кейин, у ўз улушини апир-шапир еб бўлиб, иниси Линкейга ҳам кўмаклашади.

Идас ўз хешларини лақиллатган эди. Бундан дарғазаб бўлган Кастор билан Полидевк амакиваччаларидан ўч олмоқчи бўладилар (ҳолбуки, шу пайтгача улар ораларидан қил ҳам ўтмайдиган жонажон дўст бўлиб яшашган эди). Кастор билан Полидевк Мессенияга бостириб бориб, нафақат Аркадиядан ҳайдаб келинган буқаларни, балки амакиваччаларига қарашли поданинг ҳам бир қисмини ўғрилаб кетадилар. Бундан ташқари, улар яна Идас билан Линкейнинг қаллиқларини ҳам опқочадилар.

Бу рафторларини Идас билан Линкей асло кечирмаслигини Диоскурлар яхши билишарди, шунинг учун улар амакиваччаларининг таъқибидан қочиб, бир азим туп дарахтининг қавагига яширинадилар. Мақсад оғанини ғафлатда қолдириб, кўкқисдан уларга хужум қилиш эди. Диоскурлар паҳлавон Идас билан очиқчасига жанг қилишдан кўрқардилар. Негаки, Идас соҳибжамол хотини Марпессани деб, ҳаттоки, кумушкамон Аполлон билан ҳам олишишга журъат этган паҳлавон эди¹. Лекин, барибир,

¹ Аполлон Марпессага уйланмоқчи бўлганида, Идас бу қизни Посейдон тухфа қилган канотли жангаробада олиб қочади. Аполлон жангароба орқасидан қувиб, унга Мессенияда етиб олади. Шунда ўз қудратига ишонган Идас худо билан жанг

Линкейнинг ўткир нигоҳидан ўзларини панага ола олмайдилар. Линкей Тайгет тоғининг чўққисидан туриб, дарахт қавагига яширинган ака-ука-ни кўради, натижада Идас билан Линкей Диоскурларга кўққисдан хужум қиладилар. Улар дарахт қавагидан чиқиб улгуришмасидан Идас дарахтга найза санчади, найза қавакдаги Касторнинг кўксини тешиб ўтади. Шунда дарғазаб Полидевк амакиваччаларига хужум қилади. Унинг ҳамласига дош бера олмаган Афарейзодалар қоча бошлайдилар. Улар оталарининг қабри тепасига қочиб боришганида, Полидевк уларни кувиб етади. У Линкейни ўлдириб, Идас билан бешафқат жанг қила бошлайди. Лекин тангри Зевс самодан яраклаган чакмоқ отиб, Идасни ҳам, Линкейнинг жасадини ҳам куйдириб кулга айлантиради ва шу билан икки амакивачча ўртасидаги жангга барҳам беради.

Шундан сўнг Полидевк оғир жароҳатдан жон бераётган Касторнинг тепасига қайтиб боради. Полидевк машъум ўлим уни жигаридан жудо қилаётганини кўриб, аччиқ кўзёш тўкади. Шунда у ўз падари бузруквори Зевсга юзланиб, менинг ҳам жигарим билан бирга ўлишимга имкон бер, деб тавалло қилади. Чакмоқдор худо ўз фарзанди қошида намоён бўлиб, унга шундай таклифни айтади:

– Ё мангу навкирон бўлиб Олимпда, худолар жамоасида яшашинг, ёхуд ининг билан биргаликда бир кун зулмат салтанати Аидда, бир кун мунаввар Олимпда кун кечиришинг мумкин. Танла.

Полидевк укасидан айрилишни истамай, унинг қисматига шерик бўлишни афзал кўради. Шундан буён бу оға-ини бир кун ўликлар руҳи салтанатидаги шумшук далаларда тентираб юришса, бир кунни эгидабардор Зевс қасрида худолар анжуманида ўтказишар экан. Юнонлар ака-ука Диоскурларни худолардек эъозлашган. Улар ҳар қандай хавф-хатар пайтида одамларга ҳомийлик қиладилар, ҳар бир сайёҳни, хоҳ мусофир юртда бўлсин, хоҳ ўз ватанида бўлсин, узоқ сафар пайтларида ўз паноҳларида асрайдилар.

килмоқчи бўлади, лекин Зевс бу жангга барҳам беради ва куёв танлашни Марпессанинг ўзига хавола қилади. Марпесса Идасни танлайди, чунки қариганида Аполлон уни ташлаб кетишидан қўрқади. Марпесса Идасдан Клеопатрани туғади. Клеопатра Мелеагрга турмушга чиқади.

АТРЕЙ ВА ФИЕСТ

Мазкур ривоятда оталари қилган уноҳ учун фарзанд лардан интиқоли олиниши таяси олдинга сурилган. Атрей билан Фиест ўртасидаги қонли воқеа Софокл, Еврипид ва Сенекалар трагедиялари учун мавзу бўлган

Атрей билан Фиест буюк қахрамон Пелопснинг ўғиллари эди. Бир вақтлар Пелопс шоҳ Эномайнинг аробакаши Миртилни хиёнаткорона ўлдирганида¹, аробакаш ўлатуриб унга лаънатлар ўқиган ва бу тавқи лаънат Пелопснинг бутун бўлгуси авлоди бошига энг машъум ёвузликлар ёғдириб, ҳаммаларини ҳалокатга рўбарў қилган эди. Миртилнинг лаънати Атрей билан Фиест бошига ҳам бемисл мусибатлар ёғдиради. Улар қатор-қатор бадкорликлар қилишади. Атрей билан Фиест оналари Ҳипподамиянинг гапига кириб, ўз ўғай инилари Хрисиппни (санам Аксионанинг Пелопсдан тукқан ўглини) ўлдирадилар. Ака-ука бу жинойтга қўл ургач, халқ ғазабидан кўркиб, ота юртдан қочадилар ва Микенага бориб, поччалари – шоҳ Сфенел саройидан паноҳ топадилар: Сфенел йигитларнинг опаси Микенага уйланган эди. Сфенел қазо қилади, унинг Йолай кўлига асир тушган ўғли Эврисфей ҳам Ҳераклнинг онаси – Алкмена томонидан ўлдирилади, шунда Микена салтанатига Атрей подшо бўлади, чунки Эврисфейдан ворис қолмаган эди. Лекин Фиест акаси Атрейга ҳасад қила бошлайди ва ҳокимиятни қандай қилиб бўлмасин, акасидан тортиб олиш режасини тузади. У тангри Ҳермес акасига армуғон этган ипак юнгли кўчқорни келинойиси Аеропанинг ёрдамида ўғирлайди. Бунинг сабаби бор эди, албатта: худоларнинг калимаси бўйича, ипак юнгли кўчқор кимда бўлса, ўша Микенанинг ҳокими бўлар экан. Фиест кўчқорни ўғирлагач, салтанат ҳокимлигини талаб қила бошлайди. Бу қилмиши билан у чақмоқдор Зевснинг қаҳрини келтиради; у самода рамзий ишоралар намоён қилиб, Фиестнинг ҳокимиятни разилона йўл билан қўлга киритмоқчи бўлаётганини Микена фуқаросига кўрсатади. Шунда Микена аҳолиси Фиестни шоҳ деб эътироф этишдан бош тортади, натижада у оғасининг ғазабига учрашдан кўркиб, Микенадан қочиб кетишга мажбур бўлади. Шу кетишда у оғаси Атрейдан интиқом олиш мақсадида, ими-жимида унинг ўғли Полисфенни опқочиб кетади. Фиест бегона юртда Полисфенни ўз фарзандидек тарбиялаб ўстиради ва унинг қалбида Атрейга нисбатан улкан нафрат уйғотади. Зеро, маккор Фиест Полисфендан ўч олиш қуроли сифатида фойдаланмоқчи бўлади. Бола ўсиб улғаяди. Шунда Фиест уни Микенага, Атрейни ўлдиргани юборади. Аммо йигитнинг ўзини отаси ўлдириб қўяди. Атрей ўз ўғлини ўлдириб

¹ Пелопс ҳақидаги ривоятни ўқинг.

кўйганини билгач, қаттиқ даҳшатга тушади. Укасининг бу қилмиши учун Атрей ундан интиқом олишга оинт ичади ва энг иблисона, энг ваҳшиёна режа тузади. У ўз режасини амалга ошириш учун ўзини Фиест билан ярашмоқчидай кўрсатади. Атрей ундан Микенага қайтишни илтимос қилади. Фиест қайтиб келади, лекин у қандай қилиб бўлмасин, акасини ўлдириш ниятида яна келинойиси Аеропа билан тил бириктириб, найранг ишлатмоқчи бўлади. Атрей укасининг бу қилиқларини сезади ва маккор Фиестдан ўч олишга қатъий қарор қилади. У ўз одамларига Фиестнинг икки гўдак ўғли: Полисфен билан Тантални ими-жимиди тутиб келиб сўйишни буюради. Атрей шу гўдакларнинг гўштидан ўз укаси учун мудҳиш таом тайёрлайди.

У Фиестни меҳмонга чақириб, уни ўғилчаларининг гўштидан тайёрланган таом билан зиёфат қилади. Шу пайт беғубор осмонда Зевснинг момақалди роғи даҳшатли гумбурлайди: чакмоқдор худо Атрейнинг бу бадкирдорлигидан ғазабланган эди. Нурафшон қуёш худоси Ҳелиос ҳам бу машъум манзарадан ҳайратга келади; Фиестнинг ўз фарзандлари гўштини тановул қилишини кўрмаслик учун у учар отлар кўшилган жангаробасини буриб, орқага, машрик томонга учириб кетади. Фиест эса ҳеч нимани сезмай, бемалол ёнбошлаб овқатланаверади. Ниҳоят, унинг қорни тўяди. Шу пайт, қандайдир машъум фалокат юз беришини сезаётгандек, унинг юрагига бирдан ғулгула тушади ва Атрейдан ўз ўғилчаларини сўрайди. Атрей хизматкорларини чақириб, укасига Полисфен билан Танталнинг каллалари ва оёқларини кўрсатишни буюради. Ўз ўғилчаларининг ҳалок бўлганини кўрган Фиест дод солиб йиғлай бошлайди ва акасига ёлбориб:

– Болаларимнинг жасақларини бер, мен уларни дафн қилай, – дейди.

Лекин Атрей унга жавобан:

– Болаларингни ўзинг дафн этиб бўлдинг, фақат қабрга эмас, ўз қорнингга дафн қилдинг, – дейди.

Шунда Фиест ҳозиргина қандай овқат тановул қилганини тушунади. У хонтахани ағдариб юбориб, фарёд чекиб, ўзини ерга отади. Бу оғир жудоликдан эси оғиб қолган Фиест, ниҳоят, «дик» этиб ўрнидан туради, Атрейга ва унинг жамики авлодига лаънатлар ўқиб, саройдан отилиб чиқиб кетади. У нима қилаётганини, қаёққа кетаётганини ҳам тушунмай, Микенани тарк этади ва даштда саҳройи бўлиб яшай бошлайди. У анча вақтгача саҳрода яшириниб ётгач, ниҳоят, Эпир шоҳи Феспрот хузурига бориб, ўша ердан паноҳ топади.

Худолар Атрейни бу қилган ёвузлиги учун ғазабларига оладилар. Уни жазолаш ниятида Арголида вилояти ерларини ҳосил унмайдиган қилиб кўядилар. Далаларда гиёҳ ҳам унмай кўяди. Атрейнинг салтанатида очарчилик бошланади. Минг-минглаб одамлар очликдан қирилади.

бошлайди. Шунда Атрей бу бахтсизликнинг сабабини билиш учун башоратгоҳга мурожаат қилади. Башоратгоҳдаги коҳинлар, Фиест Микенага қайтариб олиб келинган тақдирдагина бахтсизлик барҳам топгай, деб жавоб қиладилар.

Атрей бутун Юнонистонни кезиб, инисини узоқ вақт ахтаради, лекин унинг маконини топа олмайди. Ахири у Фиестнинг ўғилчаси гўдак Эгисфни учратиб қолади. Атрей бу болани саройига олиб келиб, ўз ўғлидек тарбиялай бошлайди.

Орадан кўп йил ўтади. Кунларнинг бирида Атрейнинг ўғиллари – Менелай билан Агамемнон Фиест қаерга яширинганини тасодифан билиб қолишади. Улар амакиларини тутиб Микенага олиб келишади. Лекин Атрей ўз укаси билан ярашмайди, уни зиндонга ташлаб, ўлдирмоқчи бўлади. У Эгисфни чақириб, кўлига ўтқир ханжар тутқизади ва унга, зиндонга тушиб, у ерда ётган маҳбусни ўлдиришни буюради. Атрейни ўз отаси деб ҳисоблаган Эгисф қандай даҳшатли ишга бораётганидан ғофил эди. Лекин у зиндонга тушгани ҳамоно, Фиест ўғлини танийди. У ўзини Эгисфга танитади, шунда ота-бола шу зиндоннинг ўзида тил бириктиришиб, Атрейни гумдон қилиш режасини тузишади. Мана, Эгисф саройга қайтиб, Атрейга, амрингни бажардим, маҳбусни ўлдирдим, деб айтади. Атрей, ҳайрият, ахири бадкор инимдан қутулдим, деб қувониб кетади. У олимплик худодларга атаб қурбонлик қилиш ниятида денгиз соҳилига шошилади. Мана шу ерда, қурбонлик қилиш маросими пайтида Эгисф зиндондаги маҳбусни ўлдириш учун Атрейдан олган ханжарни амакисининг икки кураги орасига санчиб ўлдиради¹. Сўнг у отаси Фиестни зиндондан қутқаради. Фиест ўғли билан биргаликда Микена тахтини тортиб олади. Атрейзодалар: Менелай билан Агамемнон жон сақлаб, бошқа юртга қочишга мажбур бўладилар. Улар Спарта шоҳи Тиндарей саройидан паноҳ топишади. Бу ерда улар Тиндарейнинг қизларига: Менелай – гўзалликда маъбуда Афродитадан қолишмайдиган Еленага, Агамемнон – Клитемнестрага уйланадилар. Орадан анча-мунча вақт ўтгач, Агамемнон Микенага қайтиб, Фиестни ўлдиради ва бир вақтлар ўз отасиники бўлган салтанатга ҳокимлик қила бошлайди. Менелай эса, қайнотаси Тиндарей ўлганидан кейин Спартага шоҳ бўлади.

¹ Бошқа бир ривоятда (Ҳомернинг таърифлашича) Атрей Пелопоннесда тинчгина ҳокимлик қилган ва ўз ажали билан ўлган.



Обидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Эсак Троя шоҳи Приамнинг ўғли, буюк қаҳрамон Ҳекторнинг оғаси эди¹. Эсакни Ида тоғининг ўрмонга бурканган ёнбағрида дарё тангриси Граникнинг қизи, соҳибжамол санам Алексироя туққан эди. Тоғу тошларда ўсиб-улғайган Эсак шаҳарни хуш кўрмас, ўз падари Приамнинг мухташам саройида яшашдан ўзини олиб қочарди. У хилват тоғларни, соя-салқин ўрмонларни, поёнсиз очиқ далаларни яхши кўрарди.

Эсак Трояда кам кўринар, трояликлар анжуманига кам қатнашар эди. У одамлардан четда, узлатда яшаса ҳам, ёввойитабиат, кўрсфёъл эмас эди; у ғоят илтифотли, қалби муҳаббат туйғусига мойил йигит эди. Приамнинг бу навқирон ўғли гоҳ ўрмонларда, гоҳо кенг далаларда Ҳесперия исмли дилбар санамни тез-тез учратиб қоларди. Бу санамни Эсак астойдил севиб қолган эди.

Кунларнинг бирида йигит соҳибжамол Ҳесперияни Кебрэн дарёси бўйида қалин сочини ёйиб офтобда қуритаётгани устидан чиқиб қолади. Санамнинг йигитга кўзи тушадию чўчиб кетиб, ундан қоча бошлайди. Эсак унинг орқасидан қувади.

Шу пайт бирдан ўт орасида соялаб ётган илон санамнинг оёғини чақиб олади, унинг тишидан жароҳатга заҳар томади. Ҳесперия хушидан кетиб, бу ерга югуриб келган Эсакнинг қўлига йиқилади. Шунда бу фалокатдан телба бўлиб қолган Эсак мархумани бағрига босганча:

– Шўрим қуриди! – фарёд қилади. – Минг лаънат бундай қувлаш-мачоққа! Таъқибимнинг бунчалик қимматга тушишини ҳеч ўйламаган эдим! Биз икковлашиб ўлдирдик сени, Ҳесперия! Илон сенга заҳрини сочди, унинг заҳар сочишига эса, мен сабабчи бўлдим. Энди агар ўз жонимни қурбон қилиб, сенинг ўлимингга сабабчи бўлган гуноҳимни ювмасам, ўзимни илондан ҳам маразроқ махлуқ деб биламан!

Эсак шундай нола қилиб, баланд қоя бошидан шу қоя этагида пишқириб шовуллаётган сертўлқин денгизга ўзини отади. Аммо маъбуда Фетиданинг бу бахтиқаро йигитга раҳми келади, Эсакни тўлқинлар орасида эҳтиётлик билан илиб олиб, у сувга чўккан чоғида бутун вужудини патларга буркайди. Приамзода ўлишни қанчалик хоҳлаган бўлмасин, ўлмай қолади. Денгиз сатҳига қуш бўлиб қалқиб чиқади. У ўз хоҳишига зид ўлароқ яшашга мажбур эканлигидан қаттиқ изтироб чекади. Эндигина пайдо бўлган

¹ Эсак бобосидан тушларни таъбирлаб бериш санъатини ўрганган бўлиб, Приамга унинг хотини Ҳекуба тугадиган чақалок, яъни Парис Троя шаҳрини вайрон этажagini башорат қилган ва шу боис, чақалок дунёга келган заҳоти уни узоқ-узоқларга олиб бориб ташлашни маслаҳат берган эди.

қанотларини қоқиб осмонга учади ва ўша ердан денгизга тикка шўнғийди, лекин унинг тошдек шўнғишига баданини ўраган патлари халақит қилади. Эсак ўзини қайта ва қайта денгизга отади, чунки у шу денгиз қаърига ғарқ бўлиб ўлишни истайди. Лекин унга ўлим йўқ!

У денгиз тўлқинларига шўнғийди-ю, яна сув бетига қалқиб чиқаверади! Эсак тобора оза бошлайди, оёқлари ингичкалашиб чиллакдек бўлиб қолади, бўйни чўзилади ва бора-бора ботқалдоқ қушга айланиб қолади¹.

¹ Одамларнинг қушга айланиши кадимги дунё ривоятларида кўп учрайди (Мелеагр, Кеик билан Алкиона, Аэдона, Филомела ҳақидаги ривоятлар билан қиёс килинг).

Иккинчи қисм

Қадимги юнон эпоси



АРГОНАВТЛАР



*Аргонавтларнинг сафари ҳақидаги ривоятлар асосан лилоддан аввали
III асрда яшаган юнон шоири Родослик Аполлонийнинг «Аргонавтика»
номли достони бўйича баён қилинади*



ФРИКС ВА ҲЕЛЛА



Беотия вилоятида, бир замонлар минилар қабиласининг бобокало-ни Миний ҳокимлик қилган кўҳна Орхоменда шамоллар худоси Эолнинг ўгли шоҳ Афамант ҳукмронлик қиларди. Бу шоҳ булутлар маъбудаси Нефеладан икки фарзанд кўрган бўлиб, булар – ўғли Фрикс ва қизи Ҳелла эди. Лекин Афамант хотини Нефелага бевафолик қилиб, Кадм қизи Инога уйланади. Ино эрининг биринчи никоҳдан бўлган болаларини ёқтирмайди ва уларни йўқ қилиш пайига тушади. У орхоменлик аёлларни экиш учун ҳозирланган уруғлик донни қовжиратиб қуритишга кўндиради. Оқибат, дехқонларнинг ҳамиша мўл ҳосил берадиган далаларида биронта ҳам дон униб чикмайди. Охроменликларга очлик таҳдид соларди. Бу офат шоҳ Афамантни қаттиқ хавотирга қўяди; у ёйандоз Аполлоннинг қоҳинидан бу унумсизлик сабабини билиб келгани муқаддас Дельфага элчилар юборади. Аммо маккор Ино элчиларни пора билан ўзига оғдиради, шу боис улар Дельфадан сохта жавоб олиб келишади.

– Каромат соҳибаси пифия бизга шундай жавоб қилди, – дейдилар Дельфадан қайтган элчилар Афамантга. – Ўғлинг Фриксни худолар йўлига қурбонлик қилсанггина улар экинзорларингни яна ҳосилдор қилар эканлар.

Афамант ўз шахри бошига тушажак офатни бартараф қилиш учун суюкли ўғлонини қурбон қилишга ҳам рози бўлади. Инонинг оғзи кулоғида эди: Фриксни йўқ қилиш режаси амалга ошаётган эди.

Мана, қурбонлик қилиш учун ҳамма нарса тайёр. Ҳозир қоҳин навжувон Фриксни бўғизлаши керак, лекин шу пайт бирдан бу ерда тангри Ҳермеснинг тухфаси – тилла юнгли кўчқор пайдо бўлади. Бу кўчқорни Фрикснинг онаси маъбуда Нефела ўз фарзандларини фалокатдан қутқариш учун юборган эди. Фрикс билан Ҳелла шу заҳоти тилла юнгли кўчқорга миниб олишади, кўчқор осмонга парвоз қилиб, болаларни олис шимол томонга учуриб кетади.

Кўчқор шамолдак тез учиб борар эди. Пастда, жуда-жуда олисда поёнсиз далалар, ям-яшил ўрмонлар ястаниб ётар, улар орасидан кумушранг дарёлар илонизи бўлиб оқарди.

Мана, денгиз ҳам кўринди. Энди кўчкор денгиз узра учиб борарди. Шу пайт Ҳелла пастга қараб кўрқиб кетадию денгизга йиқилади ва мангу бесаранжом тўлқинлар уни ўз домига тортиб кетади. Фрикс синглизини кутқаришга ожиз эди. Ҳелла ҳалок бўлади. Шундан буён Ҳелла ҳалок бўлган денгиз унинг номи билан Ҳеллеспонт (яъни Ҳелла денгизи, ҳозирги Дарданелл бўғози) деб атала бошлаган экан.

Кўчқор ўз устига минган Фрикс билан яна анча узоққа учиб бориб, ниҳоят, олис Колхидадаги Фасис дарёси бўйига қўнади. Бу ерда тангри Ҳелиоснинг ўғли сеҳргар Эет салтанатни бошқарар эди. Фриксни шу Эет тарбиялаб ўстиради, балоғатга етгач, уни ўз қизи Халкиопага уйлантиради. Фриксни ўлимдан кутқарган тилла юнгли кўчқорни эса, булуткувар тангри Зевс шарафига қурбон қилишади. Унинг олтиндек товланувчи тилларанг терисини Эет уруш худоси Ареснинг муқаддас дарахтзорига осиб қўяди. Энди бу тилларанг терини оғзидан ўт пурковчи, ҳеч қачон мижжа қоқмайдиган аждар кўриклаши лозим эди.

Тилларанг терининг овозаси бутун Юнонистонга таралади. Афамантнинг авлодлари ўз насл-насаблари ҳаловатда ва фароғатда яшаши учун шу тилларанг тери соҳиби бўлишлари шарт эканлигини яхши билишар, шунга кўра, қандай қилиб бўлмасин, уни қўлга киритишни истардилар.



ЯСОННИНГ ТУҒИЛИШИ ВА ТАРБИЯСИ



Шоҳ Афамантнинг оғаси Кретея Фессалиядаги мовий денгиз қўлтиғи бўйида шаҳар барпо этиб, унга Иолк деб ном қўяди. Иолк ривож топиб, ҳудуди тез кенгайиб боради, ерининг ҳосилдорлиги, тижорат ишлари ҳамда баҳрийлик қилиш имконияти бу шаҳарнинг бойиб кетишига имкон яратади. Кретея ўлгач, тахтга унинг ўғли Эсон ўтиради, бироқ Эсоннинг Посейдондан туғилган онабир укаси Пелия зўравонлик билан ҳокимиятни ундан тортиб олади, шундан кейин Эсон шаҳарда оддий бир фуқаро сифатида яшашга мажбур бўлади.

Орадан кўп вақт ўтмай, Эсон ўғил кўради. Бола гулдек чиройли эди. Бироқ Эсон уни такаббур ва тошбағир Пелия ўлдириб қўйишидан қўрқади, чунки шу чақалоқ келгусида Иолкнинг қонуний ҳукмдори бўлиши керак эди. Эсон ўғлини эл кўзидан яширишга қарор қилади. У, чақалоқ туғилган заҳоти дунёдан ўтди, деб овоза қилади, хатто, дабдабали жаноза ҳам ўқитади; ўзи эса, ими-жимида ўғилчасини Пелион тоғига олиб бориб, уни кентаврлар орасида энг донишманди ҳисобланган Хиронга топширади. Бола ўша ерда, ўрмон ичидаги ғорда Хирон, унинг онаси Филира ва хотини Хариклолар қўлида тарбия олиб ўса бошлайди. Донишманд Хирон болага Ясон деб исм қўяди. Хирон унга шамшир ва найза билан жанг

килишни, чилласи таранг тортилган камондан ўқ отишни ўргатади. Аб-жирлик, куч-кувват ва диловарликда Ясонга тенг келадиغان азамат топилмайди, хусндорликда-ку бу йигитни самовий хилқатларга тенглаштира бўлар эди.

Ясон йигирма ёшга тўлгунча Хироннинг ғорида яшайди. Шундагина у Пелион ёнбағридаги бу хилват ғўшани тарк этиб, Иолк шаҳрига бормокчи ва амакиси Пелийдан Иолк давлатини даъво қилмокчи бўлади.

ЯСОН ИОЛҚДА

*Шоир Пиндарнинг «Пифия қасидаси»
шеърлари бўйича баён қилинади*

Ясон Иолкка келиб, тўғри барча аҳоли тўпланган майдонга боради. Шаҳарликлар бу йигитга ҳайрат ва таажжуб билан тикиладилар. Йигит шу қадар ўктам ва чиройли эдики, одамлар уни ё Аполлон, ёки Ҳермес бўлса керак, деб ўйлашганди. Ясоннинг кийим-боши ҳам Иолк аҳолисиникига ўхшамасди: елкасига қоплоннинг чипор териси ташланган, фақат битта ўнг оёғигагина кафш кийган эди. Ясоннинг қалин жингалак сочлари елкасига тушган, худди навқирон маъбуддек чехрасидан нур ёғилиб турарди. У ўзига маҳлиё бўлиб қараб қолган оломон орасида бир жуфт найзага таяниб, хотиржам турарди.

Шу маҳал майдонга ғоят серҳашам жангаробада Пелий кириб келади. У йигитчага бир нигоҳ ташлайдию унинг бир пой кафш кийганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетади. Бунинг сабаби бор эди: бир вақтлар башоратгоҳ коҳини, оёғига бир пой пойабзал кийиб Иолкка тоғдан тушиб келган одам сени ҳалок этиши мумкин, деб айтган эди. Бу одам Эсоннинг ўғли бўлиб, у ё куч, ё найранг ишлатиб Пелийни ўлдириши муқаррар эди.

Лекин Пелий кўрқиб кетганини сездирмай, йигитчага такаббурлик билан савол беради:

– Ҳой йигит, қаерда тугилиб ўсгансан, қайси қабиладансан? Фақат ҳақ гапни айт, ёлғон сўзлаб гуноҳга ботма, камина – манфур бўхтоннинг душманидурман.

Ясон Пелийга хотиржамлик билан жавоб қайтаради:

– Донишманд Хирон мени фақат ҳақгўй ва виждонли бўлишга ўргатган, мен унинг сабоқларига ҳамиша амал қилгумдир. Мен Хироннинг ғорида йигирма йил яшаб, бирон марта ҳам ҳақиқатдан юз ўгирмадим, биронта айб иш қилмадим. Мана, энди бўлса, ўзим таваллуд топган Иолкка, ўз уйимга, падарим Эсоннинг ҳузурига қайтиб келдим. Мен бу ерга Иолк давлатига бўлган шоҳлик ҳуқуқимни тикламоқ учун келдим. Эшитишимча, бу давлатни менинг отамдан маккор Пелий зўрлик билан тортиб ол-

ган экан. Халойик, мени бузург аждодларим хонадонига бошлаб боринг. Мен мусофир эмасман, шу ерда Иолкда туғилганман. Исми – Ясон, ҳамшаҳарингиз Эсоннинг ўғли бўламан.

Иолкликлар Ясонга отасининг уйини кўрсатиб қўйишади. Ясон уйга кириши билан отаси бир қарашдаёқ ўғлини танийди. Кекса Эсоннинг кўзларига севинчдан ғилт-ғилт ёш келади. У ўғлининг диловар ва хушрўй йигит бўлганини кўриб, қўнгли тоғдек кўтарилади.

Ясоннинг шаҳарга қайтгани ҳақидаги хабар бир зумда Эсоннинг оғаси ва иниси – Фера шоҳи Ферет билан Мессенияда яшовчи Амфаонга етиб боради. Улар, орадан сал вақт ўтар-ўтмас, ўз ўғиллари Адмет ва Мелампод билан Иолкка етиб келадилар.

Эсон билан Ясон ўз хешларини кутлаб, беш кечаю беш кундуз зиёфат беришади. Улар суҳбат қуришган чоғда, Ясон хешларига юрагини очиб, Иолк ҳокимиятини ўзига қайтариб олиш нияти борлигини айтади. Ясоннинг амаки ва амакиваччалари унинг бу ниятини маъқуллайдилар ва у билан бирга Пелийнинг хузурига борадилар. Саройда Ясон Пелийдан ҳокимиятни қайтаришни талаб қилади ва отаси Эсондан тортиб олган бойликларни ўзига қолдиришга сўз беради. Пелий Ясонга рад жавоби беришдан кўрқади.

– Яхши, мен розиман, – дейди Пелий, – лекин битта шартим бор: сен олдин ер ости маъбудларининг шафқатига мушарраф бўлишинг лозим. Узоқ Колхидада қазо қилган Фрикснинг руҳи тушимга кирди. У мендан Колхидага бориб, тилларанг терини қўлга киритишимни илтижо қилди. Мен Дельфадаги башоратгоҳга бордим, у ерда ёйандоз тангри Аполлоннинг ўзи менга, Колхида сари равона бўл, деб амр этди. Бироқ мен кексайиб қолганман, бундай улкан жасоратга журъат эта олмайман; сен эсанг, айни куч-куватга тўлган навқирон йигитсан, шунинг учун бу жасоратга сен бел боғла, шу илтимосимни бажариб келсанг, ҳокимиятни сенга ўзим икки қўллаб топшираман.

Ичикора Пелий Ясонга шундай жавоб қилади. У, агар Ясон тилларанг тери учун Колхидага борадиган бўлса, албатта ўша ёқда ҳалок бўлиб кетишига ишонган эди.



ЯСОННИНГ ҲАМРОҲЛАР ЙИҒИБ, КОЛХИДА САФАРИГА ҲОЗИРЛИК КЎРА БОШЛАШИ



Пелий билан бўлган суҳбатдан сўнг Ясон дарҳол Колхида сафари-га ҳозирлик кўра бошлайди. У Юнонистоннинг барча вилоятларини айланиб чиқиб, ўз жасоратлари билан доврुक қозонган қаҳрамонларни тил-

ларанг тери учун уюштирилаётган сафарда қатнашишга даъват этади. Унинг бу даъватига барча азамат йигитлар отилиб чиқадилар. Ҳаттоки, Ҳеракл ҳам бу сафарда қатнашишга рози бўлади. Барча қахрамонлар Иолкка тўпланишади. Тўпланганлар орасида маълум ва машҳур не-не паҳлавонларни учратиш мумкин эди: бу ерда Афина шахрининг фахри бўлмиш иктидорли Тесей ҳам, ака-ука Кастор билан Полидевк ҳам, булардан ташқари, Борей билан Орифиянинг қанотли ўғиллари – Калаид билан Зет ҳам, Калидондан келган Мелеагр ҳам, қудратли Анкей, Адмет ва Теламонлар ҳам ва яна жуда кўп қахрамонлар бор эди. Машҳур хонанда Орфей ҳам улар орасида эди. Бу самовий хилқатлар сингари хушчехра ва диловар қахрамонларга бутун Иолк аҳолиси махлиё бўлиб боқарди. Уларни нима йўлдан тўхтата олардию ким қаршилиқ кўрсата олардию нима кўркита оларди?

Қахрамонларнинг сафарга чиқиши учун кема ҳам тайёр эди. Бу кемани Аресторзода Арг курган, унга бу ишда маъбуда Афинанинг ўзи мадад бериб турган эди. Маъбуда кеманинг қуйруғига Додонадаги Зевс ибодатхонаси ёнида ўсган муқаддас эман дарахтининг бир бўлагини ёпиштиради. «Арго» деб номланган бу ўн эшакли кема ғоят мухташам эди. У қушдек енгил ва учкур бўлиб, тўлқинлар тўшини оқчорлоқдек тилиб, шамолдек еларди. Мазкур сафарга қатнашган қахрамонларни кема номи билан аргонавтлар (яъни «Арго»да сузган денгизчилар) деб юрита бошлайдилар. Аргонавтларга нафақат Афина пушти-панохлик қилади, шунингдек, маъбуда Ҳера ҳам уларни ўз ҳимоясига олади. У Пелийдан қаттиқ ғазабда эди, зеро, бу шоҳ Ҳерага бағишлаб ҳеч қачон эҳсон ҳам, қурбонлик ҳам қилмас эди. Ва лекин Ясон маъбуданинг карамига кўпроқ муяссар бўлган эди. Бунинг сабаби бор эди: кунларнинг бирида маъбуда Ҳера бу навжувон йигитни синамоқ учун мункиллаган кампир қиёфасида тоғ дарёси бўйига келиб, дув-дув кўзёш тўкканча, Ясондан уни дарёнинг нариги бетига ўтказиб қўйишни илтимос қилади. Шунда қахрамон йигит кампирни ниҳоятда авайлаб опичади-да, тошқин дарёни кечиб, уни нариги соҳилга олиб ўтади. Фақат бу кечув пайтида Ясон чап оёғидаги кафшини йўқотиб қўяди. Шундан буён Ҳера Ясонга меҳр-шафқат қилар ва ҳар бир ишда унга мададкор бўлар эди. Қолаверса, ёйандоз Аполлон ҳам аргонавтларга ҳомийлик қиларди: ахир қахрамонлар қалбида сафарга чиқиш фикрини уйғотган ва айни пайтда уларга бу ишларида саодат ва омад башорат қилган шу тангри Аполлон эди-да.

Иолкка тўпланган қахрамонлар Ҳераклни ўзларига сардор этиб сайламоқчи бўладилар, аммо Ҳеракл бу лавозимдан бош тортади ва Ясоннинг номзодини тавсия қилади. «Арго» кемасига дарға этиб Тифийни сайлайдилар, Линкей эса, кеманинг тумшуғидан ўрин олади; унинг ўткир кўзлари наинки ер юзидаги, балки сув остидаги нарсаларни ҳам кўра олар эди.

Йўлга чиқиш учун ҳамма нарса шай эди. Сувга туширилган «Арго» кемаси денгиз тўлкинида охиста чайкалиб турарди; узоқ сафар учун гамланган озуқа ҳам, чучук сув ҳам кемага ортилган, Аполлонга ва ўзга худоларга атаб сўнгги курбонлик ҳам қилиб бўлинган эди. Бу курбонлик сафарга отланганларга бахтли аломат намоён қилади. Жўнаш арафаси окшомида базм қуришиб, элга зиёфат ҳам берадилар. Мана, ниҳоят, хавф-хатарга тўла олис сафарга жўнаш пайти етган эди.

Тонг шафағи уфқни қирмизи рангга бўяши билан дарға Тифий аргонавтларни уйғотади. Аргонавтлар кемага чиқишиб, ҳар бир ўриндикқа, эшкаклар ёнига бир жуфт-бир жуфтидан бўлиб жойлашишади. Уларнинг метиндек бақувват билаклари бараварига эшкак эша бошлайди. «Арго» бандаргоҳдан виқор билан очиқ денгизга сузиб чиқади. Денгизчилар кеманинг қордек оппоқ елканини кўтардилар. Боди мурод елканни шиширади, шунда қушдай енгил кема сафарга чиққанларни қутлаб шовуллаётган тўлкинлар узра ўкдек уча бошлайди. Мана, нурафшон куёш худоси Ҳелиос ҳам ўзининг оқ тулпорлар қўшилган олтин жангаробасида осмонга кўтарилди. Шунда «Арго»нинг елкани пушти рангга кирди, тўлкинлар куёшнинг эрталабки шуъласида йилт-йилт жимирлай бошлади.

Орфей олтин кифарасининг торларини чертиб куй чала бошлади, унинг ажиб кўшиғи поёнсиз денгиз узра янгради. Қахрамонлар кўшиқни берилиб тингладилар. Денгиз қаъридан эса Орфейнинг хонишига мафтун бўлган балиқлару учқур юнусбалиқлар сузиб чиқиб, тўлкинлар тўшини тилиб ғизиллаб сузаётган «Арго» кемаси ортидан, худди подачининг хуш-овоз сибизғаси навосидан маст бўлиб, унинг ортидан эргашган пода сингари, кузатиб бордилар.



АРГОНАВТЛАР ЛЕМНОСДА



Ўзоқ давом этмаган саодатли сафардан сўнг аргонавтлар чаманзор Лемнос оролига келиб тўхтайдилар. Бу ерда давлатни навниҳол малика Ҳипсипила бошқарарди. Бу оролда биронта ҳам эркак зоти йўқ эди. Лемнослик аёллар ўз эрларини бевафолик қилганликлари учун ўлдириб юборишган эди. Фақатгина бир эркак – Ҳипсипиланинг отаси шоҳ Фоант омон қолган эди. Уни кизи ўлимдан қутқариб қолганди.

Аргонавтлар Лемнос соҳилига келиб лангар ташлайдилар ва шаҳарга ўз вакилларини юборадилар. Бу пайт лемнослик аёллар шаҳар майдонида бўладиган кенгашга йиғилган ва навниҳол Ҳипсипила уларга аргонавтларни шаҳарга киритмаслик ҳақида маслаҳат бераётган эди. Чунки малика аргонавтлар Лемнос аёлларининг ўз эрларига қилган ёвузликлари ҳақида хабар топишидан қўрқарди. Бироқ шу пайт кекса кампир Полуксо ўртага

чиқиб, маликанинг гапига эътироз билдиради. У аргонавтларни шаҳарга киритишни талаб қилади.

– Одам ҳодис, Лемносга бирдан ёв бостириб келса, – дейди Полуксо, – ким муҳофаза қилади сизларни? Агар ёлғиз қолсангиз, қариган чоғингизда ким сизларга ғамхўрлик қилади? Йўқ, бегона юртдан келган эркакларни шаҳарга киритинглар, улар шу ерда қолгани маъқул.

Лемнослик аёллар кампир Полуксонинг маслаҳатини инобатга оладилар ва «Арго»да келганларни шаҳарга таклиф қилиш учун аргонавтларнинг вакилига бир аёлни қўшиб бандаргоҳга юборадилар.

Ясон Афина-Паллада томонидан шахсан ўзи учун тўқиб тикилган ғоят ҳашаматли қирмизи либосни кийиб шаҳарга йўл олади. Ҳипсипила Ясонни иззат-икром билан қарши олиб, унга ўз қасридан жой таклиф қилади. Қолган аргонавтлар ҳам шаҳарга ташриф буюрадилар. «Арго» кемасида Ҳеракл бошчилигида фақат бир нечагина одам қолади.

Оролда ўйин-кулги, қувноқ кайфият авжга минади. Ҳамма ерда гулханлар ёкилиб, худолар йўлига қурбонлик қилинган молларнинг ёғ-гўшлари куйдирилади, байрам кетидан байрам, зиёфат кетидан зиёфат давом этаверади. Қаҳрамонлар, гўё ўзлари режалаштирган жасоратларини унутиб қўйганга ўхшардилар. Улар фаровон Лемнос оролида бамайлихотир ишрат қилиб ётардилар. Ахири бир кун паҳлавонлар паҳлавони Ҳеракл йигитларни ими-жимиди бандаргоҳга чақиртириб, уларни қаттиқ койийди. «Беғам, беташвиш ҳаётга, маишату ўйин-кулгига берилиб, кўзлаган ишимизни унутиб қўйдингиз», – дейди у. Изза бўлган қаҳрамонлар Ҳераклнинг ҳакли таънасига итоаткорона қулоқ соладилар. Улар дарҳол Лемносни тарк этишга қарор қилдилар. Шошилинич равишда «Арго»ни сафарга ҳозирлайдилар. Қаҳрамонлар эндигина кемага чиқмоқчи ва эшкаклар ёнига ўтирмакчи бўлишганида, бирдан бандаргоҳга лемнослик аёллар бир гала бўлиб ёпирилиб келишади. Улар, бизни ташлаб кетманглар, ёнимизда қолинглар, деб қаҳрамонларга ялиниб ёлбора бошлайдилар. Лекин қаҳрамонлар ўз аҳдларидан қайтмайдилар. Улар «Арго»га чиқадилар, ҳамжиҳатлик билан эшкак эша бошлайдилар; бақувват эшкакчиларнинг эшкаклари зарбидан денгизда тўлқинлар пайдо бўлади, шунда «Арго» кемаси поёнсиз денгиз сатҳида мисоли кушдек парвоз қилади.

❁ АРГОНАВТЛАР КИЗИК ЯРИМ ОРОЛИДА ❁

Аргонавтлар Пропонтида денгизидан сузиб бориб, Кизик ярим оролида лангар ташлайдилар. Бу ярим оролда Посейдон авлоди бўлмиш долионлар яшарди. Бу халқ устидан Кизик шоҳи ҳукмронлик қиларди. Шоҳ саройидан сал нарироқда Айиқ тоғи бўлиб, бу тоғ олти қўлли баҳайбат паҳлавонларнинг маскани эди; Посейдоннинг ҳомийлиги туфайлигина

долион ахли бундай мудҳиш қўшнилар яқинида бехатар яшардилар. Кизик шоҳи аргонавтларни иззат-ҳурмат билан қарши олади ва улар шоҳ саройида кун бўйи зиёфатда бўладилар, ишрат қиладилар. Эртаси куни тонг ғира-шира ёриша бошлаганида аргонавтлар йўлга отланадилар. Улар кемага чиқадилар, лекин шу чоқ кўрфазнинг нариги соҳилида олтиқўлли баҳайбат одамлар пайдо бўлади. Улар тоғ бағридан улкан-улкан қояларни кўчириб денгизга ота бошлайдилар: тошларни устма-уст қалаштириб, аргонавтларнинг кўрфаздан очиқ денгизга чиқиб кетадиган йўлини тўсмоқчи бўладилар. Шунда Ҳеракл камонининг чилласини таранг тортиб, бу девқомат махлукларга қарата кетма-кет ажалкаш ўқлар уза бошлайди. Қолган аргонавтлар ҳам найза, қалқонлар билан қуролланиб, баҳайбат махлукларга ҳужум қиладилар. Жанг узоқ давом этмайди. Махлуклар бирин-кетин, баъзилари ерга, баъзилари денгизга қулайверадилар; қаҳрамон йигитлар уларнинг биронтасини ҳам қолдирмай кириб ташлайдилар.

Мана, аргонавтлар яна йўлга тушадилар. Боди мурод елканни шиширади ва «Арго» тўлқинлар узра кун бўйи хотиржам сузади. Кеч киради, куёш худоси Ҳелиос самони тарк этади, шунда тун пардаси замин у осмонни зулматга ўрайди. Шамол ўз йўналишини ўзгартириб, «Арго»ни яна орқага, яқиндагина у манзил қурган соҳилга қайтариб олиб келади. Аргонавтлар зим-зиё тунда Кизик соҳилига келиб тўхтайдилар. Бироқ Кизик аҳолиси қоронғида уларни денгиз қароқчилари деб ўйлаб, ўзларининг навқирон подшоҳлари бошчилигида аргонавтларга ҳужум қиладилар. Қоронғи тунда даҳшатли жанг бошланади. Аргонавтлар ҳам зулмат тунда куни кеча ўзларини дўстона кутиб олган мезбонларни танитай, улар билан жанг қиладилар. Ясон ўзининг ўткир найзаси билан Кизикнинг навқирон шоҳини оғир жароҳатлайди, у қаттиқ оҳ уриб ерга йиқилади. Мана, ниҳоят машриқ томонда заркокил Эос уфқни қирмизи рангга бўяйди. Шундагина жанг қиляётганлар бир-бирларини таниб, даҳшатга келадилар: дўстлар ўзаро жанг қилишган эди. Аргонавтлар билан Кизик аҳолиси тунги жангда ҳалок бўлганларни хотирлаб уч кун мотам қиладилар, шаҳид бўлган навқирон шоҳга уч кун аза тутадилар. Бироқ шоҳ завжаси соҳибжамол малика Клейто (Меропнинг қизи) бу жудоликка чидай олмайди; у ўз кўксига ўткир ханжар санчиб, дунёдан кўз юмади.



АРГОНАВТЛАР МИЗИЯДА



Аргонавтлар денгизда бир оз сузишгач, Мизия соҳилига бориб тўхтайдилар. Улар ичимлик сув ва озуқа ғамлаб олиш учун бу ерда лангар ташлайдилар. Пахлавон Ҳеракл эшкакбоп ёғоч кидириб соҳил яқинидаги ўрмонга йўл олади: у синиб қолган эшқаги ўрнига янги эшкак ясаши керак эди. У ўрмонда азим оққарағай дарахтини учратади ва уни қучоқлаб ту-

риб, илдизи билан ердан суғуриб олади. Кейин дарахтни елкасига кўйиб, соҳил томон йўл олади. Шу пайт бирдан унинг олдига Полифем югуриб келиб:

– Ҳозир мен бизни ёрдамга чақириб чинқирган Ҳиласнинг овозини эшитдим, – дейди.

Ҳеракл ҳар томонга зир югуриб Ҳиласни қидира бошлайди, аммо топа олмайди. У қаттиқ қайғуга чўмади. Полифем билан икковлари Ҳиласни қидирмаган жойлари қолмайди, лекин барча уринишлари зое кетади.

Шу аснода, нурафшон тонг юлдузи осмонда балқиб, тонг яқинлашаётганидан дарак берадию аргонавтлар эрталабки ғира-ширада жамоа жам эмаслигини пайқамай, сафарга жўнаб кетадилар. Тонг отиб, кун ёришгач, қаҳрамонлар кемада шавкатли дўстлари Ҳеракл, Полифем ва Ҳиласларнинг йўқлигини пайқаб қаттиқ қайғура бошлайдилар.

Ясон андуҳга ботиб, бошини хам қилиб ўтирарди; у гўё ўз ҳамроҳларининг оху нолаларини эшитмаётгандай, гўё Ҳеракл билан Полифемнинг кемада йўқлигини пайқамаетгандай кўринарди. Шунда Ҳераклнинг содиқ дўсти Теламон Ясоннинг олдига бориб, шундай сўзлар билан унга маломат қилади:

– Бутун кемада ёлғиз сен хотиржамсан. Ҳа, энди суюнаверишинг мумкин. Орамизда Ҳеракл йўқ – энди ҳеч ким сенинг шуҳрат қозонишинга тўғаноқ бўла олмайди. Бўлди, гап шу: агар ҳозир орқага қайтиб, Ҳеракл билан Полифемни қидириб топмасангиз, мен сизларга ҳамроҳ бўлмайман.

Теламон шундай деб дарға Тифийнинг олдига югуриб боради ва «Арго»ни орқага қайтаришга уни мажбур этмоқчи бўлади. Борей ўғиллари – шамоллар Теламонга тасалли бермоқчи бўладилар, бироқ бу дарғазаб қаҳрамон йигит ҳеч кимнинг гапига кулоқ солмайди, Ҳеракл билан Полифемни атайлаб Мизияда қолдиргансизлар, деб хаммага айб қўя бошлайди. Шу пайт бирдан денгиз тўлқинлари орасида денгиз тангриси Главкнинг сув ўтлари билан чулғанган боши кўринади. У «Арго» кемасининг пуштагидан ушлаб, уни тўхтатади ва шундай дейди:

– Ҳеракл билан Полифем муаззам чакмоқдор Зевснинг амри билан Мизияда қолдилар. Ҳеракл Юнонистонга қайтиши ва Эврисфейнинг хизматида бўлиб, ўн иккита буюк жасорат кўрсатиши лозим. Полифемнинг қисматига эса, халиблар мамлакатада шавкатли Киос шаҳрини барпо қилиш битилган. Бу икки қаҳрамон ҳозир Мизияда санамлар томонидан ўғирлаб кетилган ўктам йигит Ҳиласни қидирмоқдалар.

Главк шундай деб яна сувга чўкадию кўздан гойиб бўлади.

Қаҳрамонлар таскин топишади. Теламон Ясон билан яна апоқ-чапоқ бўлади. Ҳамма қаҳрамонлар яна эшкаклар ёнига ўтиришади, қудратли эшкакчиларнинг ҳамжихатлик билан эшкак эшиши натижасида «Арго» денгизда кушдек учади.



Эртаси куни эрталаб аргонавтлар Вифиния соҳилига бориб тўхтайдилар. Лекин бу ернинг аҳолиси уларни Кизикдагидек очик юз билан қарши олмайди. Вифинияда, денгиз бўйида бебриклар яшашар, улар устидан шоҳ Амик ҳукмронлик қилар эди. У ўзининг паҳлавонона қудрати ва муштлашиб жанг қилиш бобида қозонган доврўғи билан кериларди. Бу ғаддор шоҳ хориждан келган ҳамма одамларни ўзи билан муштлашишга мажбур этар ва уларни метинсифат мушти билан шафқатсизларча уриб ўлдирадди. Шоҳ Амик аргонавтларни истеҳзо билан кутиб олиб, пичинг гаплар айтади, бузург қаҳрамонларни сайёҳлар деб ҳақорат қилади ва ораларингда мен билан куч синашишга юраги дов берадиган азамат бўлса, қани, ўртага чиқсин, деб даъват қилади. Қаҳрамонларнинг аччиғи чиқади. Шунда Зевс билан Леданинг ўғли навқирон Полидевк ўртага чиқади. У бебриклар шохининг такаббуруна даъватини хотиржамлик билан қабул қилади. Қора ридо кийиб, елкасига маҳобатли гурзи кўтарган Амик мудҳиш Тифонни эслатарди. У тумшайганча Полидевкка бошдан-оёқ разм солиб чиқади, аммо кўркам йигит бу бадқаҳр шоҳ қаршисида мисоли юлдуздек порлаб турарди. Улар жангга ҳозирлик кўра бошлайдилар. Амик муштга ўрайдиган тасмаларни ерга ташлайди¹. Полидевк чарм тасмани танлаб ўтирмай, ўзига яқинроқ ётганини олиб, қўлига боғлайди. Жанг бошланади. Бебриклар шохи Полидевкка худди кутурган буқадек ташланади. Лекин Полидевк ғанимидан бир қадам ҳам орқага чекинмай, унинг зарбаларини эпчиллик билан даф қила бошлайди. Улар нафасни ростлаб олиш учун бир лаҳзага жангни тўхтатадилар. Мана, яна муштлаша кетдилар, зарба кетидан зарба дўлдай ёғиларди. Шу пайт шоҳ Амик Полидевкнинг бошига маҳвкор мушт тушириш учун қўл кўтаради, лекин навқирон қаҳрамон чаққонлик қилиб, зарбага чап беради ва ўзи рақибининг кулоғи остига шунақанги куч билан мушт урадики, бу зарбаси Амикнинг бош чаноғини пачоқлаб юборади.

Амик жон талвасасида «гурсиллаб» ерга кулайди. Аргонавтлар ҳайқиришиб, Полидевкни зафар билан қутлайдилар.

Ўз ҳукмдорлари ҳалок бўлганини кўрган бебриклар Полидевкка ҳамла қиладилар. Улардан биринчи бўлиб рўпара келган икки кишини Полидевкнинг ўзи мушт уриб ер тишлатади. Шунда аргонавтлар куроллларини қўлга олиб бебрикларга қарши жанг бошлайдилар. Посейдонзода Анкей улоқтирган залвар табар (ойболта) ғувиллаб учиб, бебрикларга қирон кел-

¹ Муштлашиш пайтида юнонлар қўлларини чарм тасмалар билан ўраганлар; баъзида улар тасма остидан учи бўртик мис парчаларини ҳам қўшиб боғлардиларки, бу нарса полвоннинг кучини ва зарбанинг серхатарлигини оширадди.

тиради, Кастор шамширини чакмоқдек ярақлатиб, ғанимларни бирин-кетин маҳв қилаверади. Қаҳрамонлар шердек жанг қиладилар. Аргонавтлар уларни анча ергача таъқиб қилиб бориб, денгиз бўйига беҳисоб ўлжалар билан қайтадилар, Орфейнинг зафарни мадҳ этувчи кўшиқлари баралла янграйди. У бебриклар шоҳини маҳв этган музаффарга – чакмоқдор Зевснинг навқирон ўғлонига олтин кифара жўрлигида ҳамду санолар айтади.



АРГОНАВТЛАР ФИНЕЙ ҲУЗУРИДА



Аргонавтлар эртаси куни эрталаб яна сузишда давом этадилар. Сал вақтдан кейин улар Фракия соҳилига етиб борадилар. Қаҳрамонлар егулик овқат ғамлаш учун соҳилга тушадилар. Улар кирғоқдан узоқ бўлмаган жойда бир кулба кўрадилар ва шу кулба томон йўл оладилар. Бу кулбадан мункиллаган сўқир бир чол чиқиб, аргонавтлар томон пешвоз юради; у оёғида зўрға турар, дармонсизликдан бутун вужуди қалт-қалт титрарди. Чол ўз кулбасининг остонасига етганида лоҳас бўлиб ўтириб қолади. Қариянинг баёнидан аргонавтлар шуларни билиб олишади: бу одам – бир вақтлар Фракия шоҳи бўлган Агенорзода Финей экан. Лекин у Аполлоннинг ғазабига учраб, шу аҳволга тушган экан; маълум бўлишича, у Аполлондан ўрганган қошифқароматлик қобилятини суиистеъмол қилиб, Зевснинг сирларини бандаларга аён қилган. Мана шу густохлиги учун Аполлон Финейни кўр қилган, ўзга худолар эса, унинг олдида боши киз, танаси қуш ҳарпияларни юборгай: бу ҳарпиялар ҳар куни Финейнинг кулбасига учиб келиб, ҳамма овқатларини еб, ҳаммаёқни булғаб, саситиб кетарканлар. Лекин худолар Финейга, қошингга аргонавтлар келганда ва улар орасида Борейнинг қанотли ўғиллари Зет билан Калаид бўлган тақдирдагина сен бу жазодан фориг бўлгайсан, деб сирни очган эканлар. Шу боис, аргонавтларнинг ташрифидан Финейнинг боши осмонга етади ва мени бу офатдан халос этинглар, деб қаҳрамонларга ёлборади, Борейзодаларга илтижо қилиб шундай дейди:

– Худолар хайрингизни берсин, ҳарпияларни даф қилинг, ахир мен сизларга бегона эмасман-ку – поччангизман. (Финей Борейзодаларнинг опаси Клеопатрага уйланган эди.)

Қаҳрамонлар Финейга қўмаклашишга рози бўладилар. Улар мўл-кўл овқат пишириб хонтахтага қўядилар, лекин очликдан сирилиб юрган Финей овқатланмоқ учун эндигина ёнбошлаши билан¹, ҳарпиялар ёпирилиб учиб келишади ва аргонавтларнинг «хай-хай»лаб қичқиришига ҳам парво қилмай, барча таомларни кўз очиб-юмгунча еб битиришади, сўнг бутун уйга бадбўй хид таратиб, осмонга парвоз қилишади. Борейзодалар қудратли қанотларини қоқиб ҳарпиялар орқасидан қувиб кетадилар. Улар

¹ Қадимги юнонлар одатда ёнбошлаб ётиб овқатланишган.

харпияларни узоқ вақт қувадилар ва, ниҳоят, Плотий ороллари яқинида уларга етиб оладилар. Борейзодалар қиличларини яланғочлаб, эндигина харпияларни чопмоқчи бўлишганда, бирдан юксак Олимпдан худолар даракчиси камалакқанот Ирида учиб тушади. У Борейзодаларни жанг қилмасликка ундайди ва худоларнинг амри билан энди харпиялар Финейни бошқа безовта қилмасликларини хабар қилади. Борейзодалар бу гапни эшитиб, яна Фракияга учиб кетадилар.

Шу пайтдан бошлаб Плотий қоялари Строфадалар деб, яъни қайтиш ороллари деб юритила бошлайди.

Борейзодалар харпиялар ордидан қувиб кетишганида аргонавтлар Финей учун янгитдан таом пиширишади, шундан кейингина очликдан силласи қуриган қария мириқиб овқатланади. Бу тановул пайтида Финей аргонавтларга уларни олдинда қандай хавф-хатарлар кутаётганини айтади ва у хатарлардан қутулиш йўлларини кўрсатади. Бундан ташқари, Финей аргонавтларга Колхидага етиб боришгани ҳамано зулфизар Афродитадан мадад сўрашни маслаҳат беради, зеро, тилларанг терини қўлга киритишда Ясонга фақат шу маъбуда ёрдам бера олиши мумкин экан. Аргонавтлар кароматпеша қариянинг ўғитларини диққат билан тинглар эканлар, ҳамма айтганларини хотирлаб қолишга ҳаракат қиладилар.

Ҳадемай Борейзодалар ҳам қайтиб келишади; улар харпияларни қандай таъқиб қилганларини сўзлаб берадилар. Харпиялар балосидан батамом қутулганини эшитган қария Финейнинг кўнгли тоғдек кўтарилади.



СИМПЛЕГАДАЛАР



Аргонавтлар Финейнинг ҳузуринида узоқ қолишмайди. Улар яна шошиб йўлга тушадилар. «Арго» тўлқинлар узра ўқдек учади. Бирдан олдинда, жуда узоқдан қандайдир даҳшатли товуш эшитилади. Бу товуш яқинлашиб келаётган бўронни эслатар ва ўқтин-ўқтин момақалдирок гумбури, бўрон увиллашини босиб кетаётгандай бўларди. Мана, олдинда Симплегада қоялари кўринди. Бу қоялар дам бир-биридан узоқлашар, дам бир-бирига урилиб даҳшатли овоз чиқарарди. Бу қоялар атрофида денгиз биқирлаб қайнар, ҳар гал қоялар чақишганида денгиз суви осмони фалакка фавворадек отилар, қоялар ажралишганда эса, улар оралиғида ўрқач-ўрқач тўлқинлар пайдо бўлиб, гирдоб мисоли чирпирак бўлиб айланарди.

Қахрамонлар Финей берган маслаҳатни эшлашади. Қария: «Олдин кабутар учиринглар, агар у қоялар орасидан учиб ўта олса, «Арго» ҳам бешикаст сузиб ўтади», деган эди. Аргонавтлар бутун ғайратларини ишга солиб эшқак эшадилар ва шундоққина қоялар тагига бориб тўхтайдилар. Шу чоқ икки улкан қоя гумбураб бир-бирига урилади-да яна икки ёққа ажралади. Эвфем кабутар учиради. Мана, қоялар яна қўшилишади. Денгиз

аргонавтлар устига шўр сув пуркайди, «Арго» кемаси эса, худди қуюнда қолгандек, тўлқинлар орасида чирпирак бўлиб айлана бошлайди. Бу пайт кабутар икки қоя орасидан бешикаст учиб ўтади, фақат қоялар бир-бирига урилганда, қушнинг думидан бир жуфт пати юлиниб қолади. Аргонавтлар суюниб чинқириб юборишади ва бараварига эшкак эша бошлайдилар. Худди шу пайт қоялар ажрашади. Ўркачи олпоқ кўпик бўлган маҳобатли бир тўлқин «Арго»ни кўтариб олиб бориб, қоялар оралиғидаги бўғозга улоқтиради. Қарши томондан бошқа улкан тўлқин ёпирилиб келиб, кема-ни орқага қайтариб юборади. Эшкаклар эгилади. «Арго» тўлқинлар орасида қолиб, нола чекаётгандек қисирлайди. Мана, яна бир тоғдек баланд тўлқин кўтарилади; у «Арго»га ёпирилади, шунда кема писта пўчокдек чирпирак бўлиб кетади. Шу аснода қоялар яна бир-бирига яқинлаша бошлайди, мана, ҳозир улар бир-бирига қарсиллаб урилади. Ҳалокат муқаррар. Айни шу лаҳзада маъбуда Афина-Паллада аргонавтларга ёрдамга етиб келади. У бақувват қўли билан қоялардан бирини тутиб туриб, иккинчи қўли билан «Арго»ни шундай итариб юборадик, кема бўғоздан ўқдек отилиб чиқиб кетади. Шу аснода бир-бирига туташган Симплегадалар кеманинг фақат қуйруғини мажаклаб юборади. Қоялар яна ажралишадию бу сафар шу ажралишганча, бўғознинг икки томонида мангуликка қимирламай туриб қолишади. Тақдири азалда, Симплегадалар орасидан биринчи бор кема сузиб ўтгандагина, бу қоялар қимирламай жойларида қотадилар, деб башорат қилинган эди, бу башорат вожиб бўлади. Энди ўз сафарларининг беҳатар яқунланишига имонлари комил эди.

АРЕТИАДА ОРОЛИ. АРГОНАВТЛАРНИНГ КОЛХИДАГА ЕТИБ БОРИШИ

*А*ргонавтлар Эвксин понти қирғоқлари ёқалаб узоқ сузишади. Кўп ўлкалардан ўтишади, кўп халқларни кўришади. Ниҳоят, олисда бир орол кўринади. «Арго» шу орол томон жадал сузиб боради. Мана, кема оролга яқинлашади. Шу пайт қутилмаганда бу оролдан куёш шуъласида қанотларини ярақлатиб улкан бир қуш осмонга кўтарилади: қуш «Арго» кемаси устидан учиб ўтаркан, бир дона патини ташлайди. Пат учиб тушиб, қаҳрамонлардан бири – Оилейнинг елкасига худди камондан отилган ўқдек санчилади. Қаҳрамоннинг жароҳатидан қон тиркираб оқа бошлайди, у ҳолсизланиб, қўлидан эшакни тушириб юборади. Оилейнинг ёрдўстлари унинг ярасидан патни тортиб оладилар ва унинг ёй ўқи каби ўтқир мис пат эканлигини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қоладилар. Шу пайт оролдан яна бир қуш кўтарилиб, «Арго» томон учиб кела бошлайди, лекин энди бу қушни қаҳрамон Клитий қўлида камон билан кутаётган эди. Қуш кемага яқин учиб келиши билан, Клитий уни нишонга олиб ўқ узади, қуш маҳв

бўлиб денгизга қулайди. Аргонавтлар ҳамма ёғи мис пат билан қопланган бу қушни кўриб, унинг Стимфал қуши, орол эса, Аретиада ороли эканлигини аниқлайдилар. Бу ҳолни кўрган Амфидамант қахрамонларга совут кийиб, ўзларини қалқонлар панасига олишни маслаҳат беради. Аргонавтлар соҳилга тушишдан олдин найза ва шамширларини қалқонларига уриб, бонг чалиб, баралла овоз билан ҳайкирадилар. Шунда орол узра сонсаноксиз қушлар гала-гала бўлиб кўтарилади, улар кема тепасига келиб чарх урарканлар, қахрамонлар бошига ўқсимон патларини дўлдай ёғдира бошлайдилар. Йигитлар бу ўқлардан ўзларини қалқонлар билан пана қиладилар. Шундан сўнг қушлар «Арго» тепасида бир-икки марта айла-ниб, уфқ томон учиб кетадилар ва кўздан гойиб бўладилар.

Аргонавтлар Аретиада соҳилига тушиб, эндигина манзил куриб дам олмоқчи бўлишганида, олдиларидан тўрт нафар ўспирин чикиб келади. Улар чўпдек озиб кетган, устларидаги кийимлар йиртилиб, уводага айланган эди. Булар Фрикснинг¹ ўғиллари эди. Улар ўз ота юртлари – Орхоменга бориш учун Колхидани тарк этишган экан. Аммо бўронли тунда кемалари ҳалокатга учраб, бахтли тасодиф туфайли тўлқин уларни Аретиада оролига чиқариб ташлабди. «Арго» қахрамонлари бу учрашувдан ғоят хурсанд бўладилар; Ясоннинг қувончи-ку чексиз эди, зеро, бу йигитчалар унинг қариндошлари эди. Аргонавтлар йигитчаларнинг қорнини тўйдиришади, уларга янги кийим-бош кийдиришади, сўнг Эет салтанатига тилла юнгли кўчқор терисини олгани кетаётганларини сўзлаб беришади. Ўспиринларнинг каттаси – Аргос бу ишда аргонавтларга кўмаклашишга сўз беради.

– Лекин, – дейди у аргонавтларни огоҳлантириб, – шоҳ Эет ниҳоятда қудратли ва ўта қаҳқор одам, у ҳеч бир кимсага шафқат қилмайди.

Бироқ тилларанг терини қўлга киритишга қатъий аҳд қилган аргонавтларни ҳеч бир куч орқага қайтара олмасди.

Эртаси куни эрталаб яна йўлга чиқадилар. Улар денгизда узок сузадилар. Ниҳоят, узокда Кавказ тоғининг уфқдаги булутларни эслатувчи чўққилари элас-элас кўзга ташлана бошлайди. Энди Колхидага яқин қолган эди.

«Арго» сувга бир меъёрда урилган эшкакларнинг зарбидан шамолдек физиллаб сузарди. Мана, қуёш ҳам денгизга ботиб, кўздан ғойиб бўлади. Тўлқинлар узра оқшом кўланкаси суза бошлади. Кеманинг тепасида осмонни фалакда қуш қанотининг патиллагани эшитилади. Бу жуда маҳобатли бургут бўлиб, у паҳлавон Прометей занжирбанд этилган қоя томон учиб борарди. Бургут қанотларининг елпинишидан денгизда довул кўтарилади. Мана, бургут кўздан ғойиб бўлади, шунда аргонавтлар қулоғига олисдан Прометейнинг вовайло қилган ҳазин инграши эшитилади.

¹ «Фрикс ва Хелла» бобига қаранг.

Кирғоқ яқин. Мана, Фазис дарёсининг денгизга куйилиш ери. Аргонавтлар шу дарёдан юқорига сузиб чиқиб, унинг қалин қамишзор билан бурканган кўрфазида лангар ташлайдилар. Ясон худоларга шукрона айтиб, майпаймо қилади ва Колхида илоҳларига ҳамда ўлган қаҳрамонларнинг руҳларига муножот қилиб, ўзи бел боғлаган бу хатарли ишда улардан мадад сўрайди. Кемадаги қаҳрамонлар тинчгина пинакка кетадилар. Улар кўзлаган манзилларига – шоҳ Эетнинг пойтахти Колхидага етган эдилар. Лекин уларни олдинда ҳали жуда кўп хавф-хатар кутаётган эди.



ҲЕРА ВА АФИНА АФРОДИТА ҲУЗУРИДА



Аргонавтлар Колхидага етиб келишгандан кейин, маъбуда Ҳера билан маъбуда Афина тилларанг терини кўлга киритмоқчи бўлган Ясонга қандай ёрдам қилиш ҳақида маслаҳатлаша бошлайдилар. Ниҳоят, улар муҳаббат маъбудаси Афродита ҳузурига бориб, ундан шоҳ Эетнинг қизи Медеянинг қалбида Ясонга муҳаббат уйғотишни илтимос қилмоқчи бўладилар. Зеро, Ясонга ёлғиз шу афсунгар Медеягина қўмаклаша олиши мумкинлигини маъбудалар билишарди.

Мана, икки маъбуда Афродита ҳузурига. Муҳаббат маъбудаси уйида ёлғиз ўзи экан. Афродита ғоят мухташам олтин тахтда ўтириб, қалин ва узун сочини тароқ билан тарарди. У азиз меҳмонларга пешвоз туради ва уларни самимий қутлайди. Муҳаббат маъбудаси меҳмонларни Ҳефест ясаган олтин курсиларга ўтказиб, ташриф сабабини сўрайди.

– Бизлар Ясонга ёрдам бермоқчи эдик, – дейди маъбудалар. – Шу боис, сен ўғлинг Эротга амр этсангу, у бориб олтин ўқи билан Медеяни нишонга олиб, унинг қалбида Ясонга муҳаббат уйғотса.

Афродита бу илтимосни қабул қилади ва ўйинқароқ ўғли Эротни кидиргани чиқиб кетади. Эрот Ганимед билан ошиқ ўйнаб ўтирган экан. Онаси келганида муғамбир Эрот соддадил Ганимедни ютиб олиб, унинг устидан хандон ташлаб кулаётган эди. Афродита ўғлини бағрига босиб, унга шундай дейди:

– Қулоқ сол, тўполончи. Сенга бир иш буюрмоқчиман. Дарҳол камонинг билан ўқларингни олгин-да, заминга уч. У ерда Колхидага бориб, шоҳ Эетнинг қизи Медеянинг юрагини жароҳатла, токи у қаҳрамон йигит Ясонни севиб қолсин. Агар шу айтганимни бажарсанг, бир замонлар Адрастея гўдак Зевс учун ясаб берган ўйинчоқни сенга совға қиламан. Фақат хозироқ уч, бу ишни тез бажармоқ лозим.

Эрот онасидан, олдин ўйинчоқни бер, деб сўрайди, лекин айёр ўғлининг феълини билган Афродита, буюрган ишимни бажармагунингча ўйинчоқни бермайман, деб айтади. Шунда, онасидан ҳеч нима ундира ол-

маслигини тушунган Эрот, камони билан ўқларини олади-да, куёш шуъласида ўзининг олтин қанотларини яраклатиб, Олимпдан Колхида томон учеди.

ЯСОН ШОҲ ЭЕТ ҲУЗУРИДА

Аргонавтлар эрталаб барвақт уйғонишди. Улар кенгаш қилишиб, Ясон тилларанг терини сўрагани шоҳ Эет хузурига Фриксодалар билан бирга бориши керак, деган қарорга келишди. Мабодо мутакаббир шоҳ рад жавобини берса, шундагина куч ишлатмоқчи бўлдилар.

Мана, Ясон кўлида сулҳ асоси билан Эет қасрига равона бўлди. Маъбуда Ҳера, Колхида аҳолиси Ясон билан унинг ҳамроҳларини ҳақорат қилмасин деб, бу қахрамонларни куюқ булут билан буркади. Йигитлар Эет қасрига етиб боришгандагина булут тарқалди. Эетнинг қасри бениҳоя улуғвор, салобатли эди. Унинг юксак деворларига жуда кўп миноралар ўрнатилган. Қаср ичига мрамар тошлар билан безатилган катта дарвозадан кириб бориларди. Узун пешайвон олдида тизилган қордек оппоқ устунлар офтобда ярақларди.

Қадимда гигантлар билан қаттиқ жанг қилиб силласи куриган Ҳефестни Эетнинг отаси – куёш худоси Ҳелиос ўзининг олтин жангаробасида Флегрей майдонидан олиб қочиб кетган эди. Ҳелиоснинг шу қилган яхшилиги учун миннатдорлик сифатида Ҳефест унинг ўғли Эет қасридаги безакларни ишлаган, бебаҳо жиҳозларни ясаган эди. Қаср атрофини беҳисоб ғаройиб кўшклар ўраб олган. Бу кўшкларнинг энг данғилламасида Эет ўз хотини билан турар, иккинчи бир кўшқда унинг Абсирт исмли ўғли (бу йигит гўзалликда шу қадар беназир эдики, колхидалиқлар уни Фэтон (яъни нурафшон) деб атардилар) яшарди. Қолган кўшқларда Эетнинг қизи, марҳум Фрикснинг беваси Халкиопа ва шоҳнинг кенжа қизи, маъбуда Ҳекатанинг қоҳинаси, муаззама афсунгар Медея истиқомат қилишарди.

Ясон ҳамроҳлари билан Эет қасри ҳовлисига кириб борганида, Медея ўз кўшқидан чиқиб, опаси Халкиопанинг кўшқига ўтиб кетаётган эди. Шу пайт унинг кўзи бегона йигитга тушадию ҳайратда қолганидан чинқириб юборади. Унинг чинқиригини эшитиб, Халкиопа ҳам ўз кўшқидан чиқади ва ўғилларининг қайтиб келганини кўриб, уларга пешвоз югуриб боради. Шов-шувни эшитиб Эет ҳам ҳовлига чиқади. У ажнабий меҳмонларни ичкарига таклиф қилади ва сарой хизматкорларига зиёфат тараддудини кўришни амр этади. Ясон билан Эет мулозамат қилишиб, ўзаро ҳол-аҳвол сўрашиб туришганида Эрот юксак Олимпдан ўзининг заррин қанотларини қоқиб учиб тушади. У бир устун панасида туриб, садоқидан олтин ўқ олади ва уни камонига қўйиб, чилласини тортади. Кейин Эрот ҳеч кимнинг кўзига кўринмай, Ясоннинг орқасига бориб туради-да, Медеянинг қоқ

юрагини нишонга олиб, муҳаббат ўқини узади. Ўқ Медеянинг юрагига бориб тегади ва шу пайтдан бошлаб Медея Ясонни севиб қолади.

Ясон ўз ҳамроҳлари билан Эет саройи сари йўл олади. Колхида шоҳи меҳмонларни тўқин дастурхон атрофига таклиф қилади. Шу зиёфат пайтида Аргос Эетга ўз кемасининг денгизда қандай ҳалокатга учрагани борми, тўфонли тўлқинлар ака-укани Аретиада оролига олиб чиқиб ташлагани борми, у ерда очликдан ўлар ҳолга бориб қолишганида аргонавтлар жонларига ора киргани борми – ҳамма воқеани бир бошдан сўзлаб беради. Шунингдек, у Ясоннинг Колхидага не мақсадда келганини ҳам айтади. Эет Ясоннинг тилларанг терини қўлга киритмоқчи эканлигини эшитган заҳоти ғазаби қайнаб, кўзларидан ўт чақнай бошлайди. У қаҳрамонларнинг фақатгина тилларанг тери учун денгизда сузиб келишганига ишонмайди. «Тагин бу касофат Фриксодалар, – деб ўйлайди у, – бутун Колхидани қўлга киритиш мақсадида юнон қаҳрамонларини ўзлари билан бошлаб келишган бўлмасин?» Эет Ясонга таъна-маломат қила бошлайди, у Ясонни саройдан қувиб чиқармоқчи бўлади, кетмасанг, қатл этдираман, деб пўписа ҳам қилади. Шунда шоҳнинг дағдағасидан ғазабланган Теламон уни узиб олмоқчи бўлиб оғиз жуфтлайди, лекин Ясон дўстини бу шаштидан қайтаради, у Эетнинг кўнглини тинчитишга ҳаракат қилиб, шундай дейди:

– Азбаройи худо, мен Колхидага фақат тилларанг тери учун келдим – гапимга ишонинг. Мен сизнинг ҳар қандай топшириғингизни бажара олишга, Зевс шоҳид, сўз бераман, фақат шу хизматларим эвазига менга тилларанг терини берсангиз кифоя.

Эет ўйланиб қолади. У Ясонни гумдон қилиш ниятини кўнглига туғиб шундай дейди:

– Яхши, тилларанг терини оласан, илло олдин бир топшириғимни бажаришинг керак: менинг темир омочимни олиб, унга пишқирса димогидан олов сочувчи мистуёқ буқаларни қўшиб, жанг худоси Аресга бахш этилган майдонни шудгор қиласан-да, у ерга аждар тишларини сочасан; кейин бу тишлар совут кийган лашкар бўлиб униб чиққанида, улар билан жанг қилиб барини қириб ташлайсан. Шу айтганларимни бажарсанг, тилларанг терини оласан.

Ясон аввалига бир оз ўйланиб қолади, сўнг Эетга шундай деб жавоб қилади:

– Розиман, Эет, лекин сен ҳам ўз лафзингдан қайтма. Ўзинг яхши биласан, баски, мен тақдир тақозоси билан мамлакатинг – Колхидага келган эканман, сен буюрган топшириқни бажаришдан воз кеча олмайман.

Ясон шундай деб ўз ҳамроҳлари билан «Арго»га жўнаб кетади.



АРГОНАВТЛАРНИНГ МЕДЕЯДАН ЁРДАМ СЎРАШЛАРИ



Ясон кемага қайтиб келиб, ўртоқларига Эет қасрида бўлган гаплар ва шоҳ берган топшириқ хақида сўзлаб беради. Аргонавтлар, энди нима қиламиз, Эет буюрган ишни қандай бажарсак экан, деб ўйланиб қолишади. Ниҳоят, Аргос гап бошлайди:

– Биродарлар, Эетнинг қасрида унинг қизи, менинг холам Медея туради. У – энг зўр афсунгар қиз, фақат шу Медея бизга ёрдам бера олиши мумкин. Мен бориб онамдан илтимос қилай – у холамини бизга кўмак беришга кўндирсин. Агар Медея бизга ёрдам қўлини чўзса, ҳар қандай хавф-хатардан ҳам кўркмаймиз.

Аргос энди гапириб бўлган ҳам эди, «Арго» тепасида бир калхат таъқиб қилиб келаётган оқ кабутар пайдо бўлди. Кабутар пастга шўнғиб, ўзини Ясоннинг ридоси этаги остига олди, калхат эса «Арго» саҳнига йиқилиб ўлди.

– Бу худоларнинг саодатли аломати! – деди соҳибқаромат Мопс. – Медеядан мадад сўрашни худоларнинг ўзи амр этмоқда бизга. Қаранглар, Афродитага назр қилинган куш Ясоннинг қўйнига кириб жон сақлаб қолди! Финей айтган гапларни эсланг. Ахир, у Афродитага муножот қилиб, ундан мадад сўранглар, демаганмиди? Майли, Аргос тезроқ бориб онаси билан учрашсин: Халкиопа синглиси Медеяни бизга ёрдам беришга кўндиргай.

Аргонавтлар башоратчи Мопснинг гапларига кулоқ осиди: улар Афродитага бағишлаб қурбонлик қилишди, шундан сўнг Аргос Эет саройига, ўз онаси хузурига жадал равона бўлди.

Бу аснода Эет бутун Колхида аҳолисини тўплаб, хорижий юртдан бир кема одам келганини хабар қилади ва одамларига «Арго»ни кўриклашни буюради, токи биронта ҳам аргонавт қочиб қутула олмасин. Эет бундай режа тузган эди: Ясон жанг худоси Аресга бахш этилган далада ҳалок бўлгач, «Арго» кемасини ундаги барча қахрамонлар билан бирга ёндириб юбормоқчи эди. Фрикснинг икки ўғлини эса, қийноқ билан қатл эттиришни кўзлаб қўйган эди.

Тун бошланиб, бутун борлиқ сукутга толади. Фақат Медея ўз кўшида беором. Бири-биридан кўркинчли тушлар қизнинг боши узра гала-гала бўлиб учиб юрадилар. Медеянинг тушига гоҳ буқалар билан олишаётган Ясон киради: агар йигит жангда ғолиб чиқса, мукофотга Медеяни хотинликка олармиш; гоҳ пишқирса димоғидан олов отилувчи буқалар билан Медеянинг ўзи жанг қилиб, уларни осонгина енгармиш. Гоҳ ота-онаси Ясонга: «буқаларни сен енга олмадинг», деб Медеяни унга хотин қилиб беришдан бўйин товлашармиш. Шунда Ясон билан Эет можаролашиб, майли, баҳсни Медеянинг ўзи ажрим қилсин, дейишармиш. Медея маса-

лани Ясоннинг фойдасига ҳал қилганмиш, шунда отасининг ғазаби қайнаб кизига ўшқириб берганмиш. Медея кўзлари жикқа ёш ҳолда уйғониб кетади, шу заҳоти опаси Халкиопанинг олдига бормоқчи бўлади, лекин боргани истиҳола қилади. У уч марта остонага бориб эшик бандидан ушлайди, лекин ҳар гал орқасига қайтади. Медея ўзини чорпояга отиб, юм-юм йиғлай бошлайди. Унинг ув тортиб йиғлаганини чўриларидан бири эшитиб қолади ва бу ҳақда Халкиопага хабар қилади. Халкиопа югурганича синглизининг кўшига киради, кўрса, Медея чорпояда хўнг-хўнг йиғлаб ётибди.

– Синглим, – дейди Халкиопа, – не сабабдан йиғлаяпсан? Ўғилларимнинг талх қисматидан куйиб кўзёш тўкяпсанми? Наҳотки уларни падаримиз нобуд қилмоқчи бўлганидан сен ҳам дарак топган бўлсанг?

Медея Халкиопага жавобан шундай дейди:

– Опажон, жуда ёмон тушлар кўрдим. Ўғилларинг ҳам, улар бошлаб келган мусофир йигит ҳам хавф остида. Қанийди худолар менга мадад берсаю мен уларни фалокатдан қутқариб қолсам!

Халкиопа синглизининг бу сўзларини эшитиб даҳшатдан бир сесканиб тушади; у Медеяни кучоғига босиб, ёрдам бер уларга, деб зор-зор ёлборади. Зеро, Халкиопа синглизининг Ясонга ёрдам бера олишини билар эди. Мана, Медея опасига шундай сўзлар билан юзланди:

– Эшит, опа, мен ўша мусофир йигитга ёрдам бермоқчиман. Майли, у эрталаб Ҳеката ибодатхонасига борсин. Унга бир тумор бераман, бу тумор унинг жасоратига мададкор бўлади. Фақат бу сирни ҳеч кимга айтмасликка ваъда бер, агар отам хабар топса, ҳаммамизни ўлдиради.

Халкиопа чиқиб кетади. Кўшқда Медея ёлғиз қолади. Энди унинг кўксига бир-бирига зид ҳиссиётлар жанги бошланади. Медея гоҳ отасининг раъйига қарши боришдан кўрқар, гоҳ яна ўзи каттиқ севиб қолган Ясонга ёрдам беришга шайланарди. Бир марта у, ҳатто, ўз жонига қасд қилмоқчи ҳам бўлади. Мана, Медея оғу солинган қутичани олиб, қопқоғини очади, аммо шу пайт маъбуда Ҳера унинг қалбида яшашга бўлган тийиксиз иштиёқ туйғусини уйғотади. Медея оғудонни ўзидан итариб юборади, барча иштибоҳларини унутади, фақат Ясон ҳақида ўйлай бошлайди ва унга кўмаклашишга аҳд қилади.

Тонг ёришиб, олисдаги Кавказ тогининг қорли чўққилари шафақнинг пуштиранг шуъласига ғарқ бўлганида, Аргос аргонавтлар олдига бориб, Медея Ясонга ёрдам беришга рози бўлганини ва у Ясонни Ҳеката ибодатхонасида кутажагини хабар қилади. Офтоб уфқдан бош кўтариши билан Ясон ёнига Аргос билан соҳибкаромат Мопсни олиб, Ҳеката ибодатхонаси сари йўл олади. Маъбуда Ҳера Ясонни шундай қиёси йўқ дилбар йигитга айлантирган эдики, ҳатто, аргонавтлар ҳам унга махлиё бўлиб қараб қолишади.

Энди гапни Медеядан эшитинг. У эрта билан барвақт туриб, сеҳрли малҳам солинган қутичани очади, ундан «Прометей мойи» деб юритилувчи малҳамни олади. Бу малҳам Прометей кони томган ердан униб чиққан гиёҳ илдизи шарбатидан тайёрланган эди. Бу малҳамни баданига сурган ҳар қандай одамни на темир, на мис қурол жароҳатлай олар, унга на олов таъсир этарди; бундай одам ғайритаъриф қудратга эга бўлиб, уни бир кун давомида ҳеч қандай жонзот енга олмас эди. Медея Ясонга шу малҳамни беришга қарор қилади. У жорияларини чакириб, улар билан Ҳеката ибодатхонасига жўнайди. Медеянинг қалби қувончга тўлган эди, у дилидаги барча ташвишларни унутиб юборган, энди фақат Ясон билан бўладиган висол онлари ҳақида ўйларди.

Мана, Медея Ҳеката маъбадига етиб келиб, ичкарига киради. Тезда Ясон ҳам бу ерга етиб келади. Медея унга нигоҳ ташлайдию бирдан қалби қаттиқ тепа бошлайди.

Ясон билан Медея узоқ вақт лол қоладилар, ниҳоят, қаҳрамон йигит сукутни бузади. У Медеянинг кўлидан ушлаб, шундай гап бошлайди.

– Нечун кўзларингни ерга қаратдинг, о дилбар киз? Нечун мендан чўчимоқдасан? Наҳот мени ёмон ниятли одам деб ўйласанг? Йўқ, мен бу ерга ёмон ният билан келмадим. Мен сендан ҳомийлик тилаб келдим. Фақат ўтиниб сўрайман, менга ҳақ гапни айт, зеро, унутмаки, Ҳеката ўз маъбадида ёлғон гап айтилишини минбаъд хуш кўрмайди, шунингдек, ёлғон сўзни жамики муножот қилувчиларнинг ҳомийси Зевс ҳам ёқтирмайди. Ростингни айт: менга ёрдам берасанми? Агар ёрдам берсанг, мен билан бу ерга, Колхидага келган буюк қаҳрамонлар сенинг шону шавкатингни бутун Юнонистонга ёйгайлар. Сен Миноснинг бузург паҳлавон Тесейга кўмаклашган қизи Ариадна қандай довруқ қозонганини эсла.

Медея муҳаббат тўла нигоҳини Ясонга тикканча сукут сақлаб туради. Уятчанлиги уни яна ҳам латофатлироқ қилиб кўрсатади. Шунда Медея титроқ қўллари билан белбоги қатидан сеҳрли малҳамни чиқариб, Ясонга узатади.

– Кулоқ сол, Ясон, – дейди қиз эшитилар-эшитилмас овоз билан, – сенга берадиган ёрдамим мана шу: сен кечаси дарёда чўмилиб поклан, сўнг эгнингга қора либос кийиб, соҳилда чуқур ўра қазигин-да, бир қора совлик қўйга асал суркаб, уни шу ўра тепасида маъбуда Ҳеката йўлига қурбон қил. Шундан кейин кемангга қараб йўл ол, илло орқангга асло ўгирилиб қарама. Сен одамларнинг овозини, итларнинг азда-базда хуришини эшитасан, лекин ҳеч қўрқмай тўғри йўлингдан боравер. Тонг отгандан кейин эса, бутун баданингга, найзанг, қалқонинг ва шамширингга манави малҳамни сур. Малҳам билагингга бемисл қувват уфурадию сен отам Эетнинг топшириғини бажарасан. Фақат ёдингда бўлсин: ерга экилган аждар тишларидан лашкар униб чиққанида, уларга тош от, шундай қилсанг, улар

бир-бири билан жанг қила бошлайди, ана унда хужумга ўтсанг бўлади. Малҳамни йўқотма, тилларанг терини шу малҳам ёрдамида қўлга киритгайсан. Кейин уни хоҳлаган ерингга олиб кетавер.

Медея жим бўлиб қолади. У яқинда Ясоннинг висолідан яна жудо бўлишини ўйларкан, нигоҳлари маҳзун боқади. Андуҳга ботган Медея бошини ҳам қилиб турарди.

– Ясон, – деб ниҳоят лукма ташлайди қиз, – сен ўз юртингга жўнаб кетасан, лекин мени ёдингдан чиқарма, аҳён-аҳёнда бўлса ҳам эслаб тур, ҳар қалай, мушкулингни осон қилдим-ку.

Шундан кейин Медея Ясоннинг қайси мамлакатдан келганини сўрайди. Ясон ўз ватани Иолк ҳақида, шаҳар жойлашган чаманзор водий ҳақида ҳикоя қилиб беради. У Медеяни ўзи билан Юнонистонга кетишга таклиф қилади.

– Сени у ерда иззат-эҳтиром қилгайлар, – деб сўз беради Ясон, – Иолкда сен худди маъбудадек ҳурматга сазовор бўласан. О, қанийди, отанг Эет мен билан дўстлик риштасини боғласа! Кошқийди, сени ўз ватанимга олиб кетишимга ижозат берса!

– Йўқ, ундай бўлмайди асло, – дейди маҳзуна Медея чуқур хўрсиниб, – отам ниҳоятда ўжар ва тошбағир. Ватанингга ўзинг қайтиб кетаверасан, фақат мени ёдингдан чиқармасанг бўлгани. О, қанийди, жўшқин шамол мени ўз қанотларида Иолкка учириб олиб борса! Мени ёдингдан чиқарган пайтларингда, сени фалокатдан қутқарганимни унутган чоғларингда ўзимни сенга эслатиб турардим!

Медеянинг кўзлари ёшга тўлади. Ясон унга тикилиб қараркан, вужу-дида Медеяга муҳаббат туйғуси уйғонганини ҳис этади. У қизга ота уйини яширинча тарк этиб, ўзи билан Иолкка қочиб кетишни таклиф қилади. Медея ҳам Колхидани тарк этишга рози, Ясондан жудо бўлиш унинг юрагига ғулғула солади; у бу ҳижрон азобига дош бера олмаслигидан қўрқади. Медея Ясондан ажралиб қолишини ўйлаб, юм-юм йиғлайди. Ҳера бу қизнинг дилига ҳамиша ва ҳамма ерда Ясон билан бирга бўлиш истагини уфуради. Маъбуда Ҳера Медеянинг Иолкка боришини хоҳлайди, зеро, у ерда Ҳера ўзи учун манфур бўлган Пелийни Медеянинг ёрдамида маҳв этмоқчи бўлади.

Медея Ясон билан хайрлашади; йигит қиз билан яна бир бор учрашиб, биргаликда режа тузмоқ учун Ҳеката маъбадига яна келишга сўз беради. Медея ўз аробасида уйига кўнгли шодликдан гул-гул очилиб жўнайди: зеро, Ясон ҳам қизни севиб қолган ва буни Медея сезган эди.



ЯСОН ЭТНИНГ ТОПШИРИҒИНИ БАЖАРАДИ



Шун киради. Ясон эгнига бошдан-оёқ қора кийиб, Фазис дарёси бўйига боради-да, зим-зиё тунда кўпириб-тошиб оқаётган сувда чўмилади. Сўнг шу сохилда чуқур казиб, Медея тайинлаганидек, Ҳекатага бағишлаб қурбонлик қилади. У қурбонлик қилиб бўлиши билан, замин ларзага келадигу кўз олдида машъала тутган муаззама Ҳеката намоён бўлади. Мабуданинг атрофини даҳшатли махлуқлар, оғзидан олов сочувчи аждарлар ўраб олган эди, жаҳаннамдан чиққан мудҳиш кўппаклар гоҳ вовуллаб, гоҳ ув тортиб Ҳеката атрофида гир-гир айланишарди. Шу атрофга маскан курган санамлар Ҳекатани кўриб, аюҳаннос солиб қоча бошлайдилар. Ясон кўркқанидан дағ-дағ титрайди, лекин у Медеяннинг гапини эслаб қолгани, шу боис орқасига ўгирилмасдан, тўғри «Арго» томон кетаверади. У ерда Ясонни ёру дўстлари кутишаётган эди.

Тонг отиши билан аргонавтлар аждар тишларини олиб келгани Теламон билан Мелеагрни Этнинг олдига юборадилар. Эет уларга Кадм ўлдирган аждарнинг тишларини беради, сўнг ўзи ҳам Ясоннинг ишини кузатиш учун Арес майдонига отланади. У эгнига совут, бошига мисоли куёш порловчи дубулға кияди, кўлига фақат Ҳеракл кўтара олишга қодир бўлган ғоятда залварли найза билан қалқон-олиб, жангаробага чиқади; отларни унинг ўғли Абсирт бошқаради. Бу ёқда аргонавтлар ҳам Арес майдонига бориш учун отлана бошлайдилар.

Ясон найза, шамшир ва қалқонига, сўнг баданига ҳам сеҳрли мой суради. Шунда у бутун вужуди беназир қудратга тўлганини ҳис этади. Мушаклари метиндек қотади. Аргонавтлар ўзларининг учқур кемалари «Арго»да Арес майдонига сузиб боришганида, Эет уларни кутаётган, майдон теварагидаги тоғ ёнбағирларини эса, Колхиданинг тумонат аҳли босиб кетган эди. Ясон сохилга тушади, унинг силоҳ-совутлари нурафшон юлдуздек порларди. У майдонда темир омоч билан мис бўйинтурук ётганини кўради. Шунда у ўзини қалқони билан пана қилиб, оловнафас буқаларни қидириб кетади. Ана, иккита буқа пишқирганча ғордан ўқдай отилиб чиқиб, даҳшатли бўкирганча қахрамонга ташланади. Улар ҳар пишқирганида оғизларидан лов-лов олов отиларди. Қахрамонимиз ўзини қалқон панасига олиб, буқалар ҳамласини кута бошлайди. Мана, икки буқа қуюндек елиб келиб, шохларини даҳшатли куч билан Ясоннинг қалқонига санчадилар. Бундай зарбага биронта ҳам одамзод дош бера олмас эди, аммо Ясон маҳобатли қоядек жойида қимир этмай туради. Буқалар туёқлари остидан чанг-гўзон кўтариб, даҳшатона ўкирганча қайта-қайта Ясонга ҳамла қиладилар. Лекин Ясон бақувват қўллари билан буқаларнинг шохларидан ушлайди-да, уларни тортиб келиб, темир омочга қўшади. Буқалар

тисарилиб, пахлавоннинг кўлидан кутулмоқчи, оғизларидан олов пуркаб, уни куйдирмоқчи бўладилар, бироқ Ясонга ҳеч шикаст етказа олмайдилар ҳам, унинг кўлидан кутулиб чиқа олмайдилар ҳам. Ясон уларни ака-ука Кастор билан Полидевк ёрдамида темир омочга кўшади. Кейин у буқаларни найза билан уриб ҳайдаб, Арес майдонини шудгор қилади ва бутун далага аждар тишларини экади. Экиб бўлгач, буқаларни темир омочдан чиқаради ва уларни найзаси билан уриб ҳайдаркан, даҳшатли овоз билан ҳайкиради. Буқалар шаталоқ отганча теран ғор ичига кириб, кўздан ғойиб бўладилар. Энди экинзорда аскарлар униб чиқишини кутиш керак эди. Ясон Фазис дарёси бўйига бориб, дубулғасида сув олиб ичиб, чанқогини қондиради.

Лекин унинг дам олиши узоққа чўзилмайди. Шудгорда битта найза тиғи ердан ниш уриб чиқади, ундан кейин бирин-кетин яна беҳисоб найзалар униб чиқа бошлайди, оқибат бутун далани мис тиканлар қоплайди. Ер тўлганиб, энди ундан жангчиларнинг дубулғалари, сўнг бошлари кўпчиб чиқа бошлайди. Мана, ниҳоят, бутун экинзорни обдор совутлар кийган жангчилар босиб кетади. Шунда Ясон Медеянинг айтганларини эслаб, ердан каттакон бир харсангтошни кўтаради; бу тошни, ҳатто, тўрт нафар пахлавон ҳам жойидан кўзгата олмас эди, аммо Ясон уни бир кўлида кўтариб, узоққа, аждар тишларидан униб чиққан жангчилар тўпи устига улоқтиради. Шу заҳоти жангчилар қуролларини ишга соладилар, улар ўртасида қақшатқич қонли жанг бошланади. Ясон ҳам қиличини яланғочлаб, жангчилар устига ташланади ва уларни бирин-кетин қиличдан ўтказаверади, орадан хиёл вақт ўтмай, бутун майдонни жангчиларнинг жасади босиб кетади, биронта ҳам жангчи тирик қолмайди. Ҳаммаларини қудратли Ясон маҳв этган эди. Жасадлар худди ўроқ билан ўрилган буғдой поялари сингари бутун майдонни қоплаган эди.

Шоҳ Эет Ясоннинг ғайриинсоний қуввасидан ҳайратга келиб, унга бақрайиб қолади, қошларини мудҳишона чимиради, унинг кўзларида ғазаб порлайди. У бир оғиз ҳам сўз айтмай, ўз жангаробасига чиқадию шаҳар томон ўқдай учади; у фақат бир нарса ҳақида – бу антиқа мусофир йигитни қандай гумдон қилиш тўғрисида ўйларди. Ясон эса, «Арго»га қайтиб келиб, уни зафар билан кутлаётган дўстлари даврасида бамайлихотир дам олиб ўтирарди.

МЕДЕЯ ТИЛЛАРАНГ ТЕРИНИ ЎҒИРЛАШДА ЯСОНГА КЎМАКЛАШАДИ

*Ш*оҳ Эет саройга қайтгани ҳамоно Колхиданинг казо-казо кишиларини кенгашга чақиради. Шоҳ аргонавтларни қандай қилиб қириб ташлаш ҳақида улар билан тун ярмидан оғгунча маслаҳатлашади. Эет Ясоннинг бундай жасорат кўрсатишида қизим Медеянинг кўли бўлиши

керак, деб гумонсирайди. Медеянинг кўнгли ўзи ҳам, Ясон ҳам жуда оғир кулфатга дучор бўлажагини сеза бошлайди. Уйқуси қочиб кетади. Ярим тунда тўшагидан туриб, оёқ учида юрганча Эетнинг қасридан чиқиб кетади. У ёлғиз ўзигагина маълум бўлган хуфия сўқмоқлардан юриб, аргонавтлар манзилгоҳи – Фазис дарёси бўйига боради; бу ерда аргонавтлар гулхан ёқиб, дам олиб ўтиришарди: Медея гулхан олдига келиб, Ясонни ва Фрикснинг кичик ўғли Фронтисни чакириб олади. У Ясонга, кўнгли қандайдир бир ёвузлик юз беришини сезаётганини айтиб, уни тилларанг терини олгани хозирок ўзи билан боришга ундайди. Ясон дарҳол совутларини кийиб, Ареснинг муқаддас ўрмонига йўл олади. Ҳаммаёқ зимзиё қоронғи, фақат ўрмонзордаги муқаддас дарахтга осилган тилларанг тери олтиндек товланиб турарди. Медея Ясон билан ўрмонзорга кирганида, бирдан даҳшатли бир аждар огзидан олов сочиб бош кўтаради. Шунда Медея кудратли уйқу худоси Ҳипнозга сиғиниб, ундан мадад сўрайди. У пичирлаб даҳшатли афсун ўқиркан, ерга сеҳрли оғулар сепади. Бу оғулардан аждар ерга гурсиллаб йиқилади, сўнг ҳолсизланиб, зўрға бошини кўтаради, лекин Медея унга уйқу дориси пуркайди. Мана, аждарнинг олов уфурувчи оғзи ҳам, ўт чакнаб турган кўзлари ҳам юмилади, у шундоққина тилларанг тери осилган дарахтнинг тагига узала тушиб, тарракдек қотиб ухлаб қолади. Ясон терини дарахтдан туширадию тезроқ «Арго»га шошилади.

Қаҳрамонлар Ясон билан Медея атрофига тўпланишиб, тилларанг терига ҳайрат билан боқадилар. Лекин тери ўғирланганидан Эет хабар топмасидан тезроқ Колхидани тарк этиш лозим. Ясон шоша-пиша кеманинг соҳилга боғланган арқонларини узади, йигитлар эшкаклар ёнига ўтириб, эшкак эша бошлайдилар ва «Арго» Фазис дарёси оқими бўйлаб денгиз томон ўқдек учади. Мана, денгиз. Қаҳрамонлар бутун кучларини ишга солиб эшкак эшадилар, «Арго» денгиз тўлкинлари узра кушдек учиб, Колхидадан тобора узоклаша бошлайди.

Тилларанг терининг ўғирлангани ва Медеянинг аргонавтлар билан қочиб кетгани ҳақидаги хабарни Эет эрта тонг палласида эшитади. У қаттиқ даргазаб бўлиб, бутун Колхида аҳолисини денгиз бўйига тўплайди. Лекин «Арго» узоклашиб кетган, денгизда кеманинг қораси ҳам кўринмасди. Эет «Арго»нинг орқасидан қувишни амр этади. Агар аргонавтларни тутиб келмасанглар, ҳаммаларингни қиличдан ўтказаман, деб дағдага қилади. Шунда колхидалиқлар кемаларини сувга туширишиб, Эетнинг ўғли Абсирт бошчилигида аргонавтларни қувиб кетадилар.



«Арго» очик денгизга сузиб чикқани хамоно боди мурод эса бошлайди. Қахрамонлар елканларини ёядилар. «Арго» Эвксин Понти тўлқинлари узра кушдай учади. Аргонавтлар уч кеча-кундуз муттасил сузадилар. Ниҳоят, уфқда Аскифиянинг соҳили кўринади. Аргонавтлар Истр дарёсидан юкори томон сузишга, сўнг унинг тармоқларидан бири орқали Адриатика денгизига тушишга қарор қиладилар¹. Аммо аргонавтлар Истрнинг денгизга куйиладиган ерига етиб боришганида, дарёнинг барча шохобчаларини ва шохобчалар оралиғидаги оролчаларни Колхида лашкари босиб кетганини кўрадилар: лашкар бу ерга бошқа яқин йўл билан сузиб келиб, аргонавтларнинг йўлини тўсган эди. Бу тумонат лашкарни енгишга «Арго» қахрамонларининг кўзи етмайди; яхши қуролланган минг-минглаб жангари колхидаликлар билан беллашиш учун аргонавтлар миқдоран жуда оз эдилар. Шу боис улар айёрлик билан иш кўрмоқчи бўладилар. Аргонавтлар душман қўшини саркардаси Абсирт билан музокара олиб борадилар ва Медеяни ибодатхонага ҳибс этишга, қолган ишни эса кўшни шаҳар ҳокимининг ҳукмига ҳавола қилишга сўз берадилар: агар шаҳар ҳокими, Медея Колхидага қайтиши шарт, деб ҳукм чиқарса, уни Абсиртга топширмоқчи бўладилар; аммо тилларанг тери аргонавтларда қолиши керак, зеро, Ясон уни Этнинг топшириғини бажариб, ҳалоллик билан қўлга киритган, дейишади. Аслида, бу музокаралар фақат вақтни чўзиш мақсадида олиб борилаётган эди. Бу аснода Медея Абсиртни алдаб, оролчалардан биридаги ибодатхонага жалб қилишга сўз беради.

Ясон Абсиртга Медея номидан бебаҳо совға-саломлар юборади ва ундан овлоқ ердаги ибодатхонада синглиси билан учрашишни илтимос қилади. Абсирт келади, лекин у ибодатхона остонасида пайдо бўлиши билан қилич яланғочлаган Ясон Абсиртга ташланиб, бир зарба билан уни ер тишлатади. Шундай қилиб, Ясон билан Медея энг мудҳиш ёвузликка қўл урадилар: улар қуролсиз Абсиртни ўлдиргандилар. Устига-устак, бу иш муқаддас ибодатгоҳда содир этилганди. Ясон Абсиртнинг жасадини Истр дарёсига ташлайди. Саркардалари ҳалок бўлганини эшитган колхидаликлар қаттиқ ҳаяжонга тушадилар; аргонавтлар бўлса, бу фурсатдан фойдаланиб, Истр дарёсидан юкорига сузиб кетадилар.

Улар узоқ сузадилар ва, ниҳоят, Истр ирмоқларидан бирига ўтиб, Адриатика денгизига сузиб тушадилар. Улар Иллирия мамлақати соҳилига етадилар. Шу ерга етганларида денгизда кучли тўфон кўтарилади. Кўпирган долғалар тоғ-тоғ бўлиб кўтарилади. Шамол худди арқонини узган айғирдек денгиз узра шиддат билан елиб, «Арго»нинг елканини тилка-пора қилади.

¹ Оврупо жуғрофияси билан яхши таниш бўлмаган юнонлар Истр (ҳозирги Дунай) дарёсининг махсус бир тармоғи Адриатика денгизига куйилади, деб фараз қилганлар.

Аргонавтларнинг ҳалокатга учрашига бир баҳя қолади. Шунда кеманинг куйруқ томонидан бир овоз эшитилади. Бу овоз Додонада ўсган ва «Арго»нинг куйруғига ўрнатилган муқаддас эман дарахтининг бўлагидан чиқётган эди:

– Амр этаман: аргонавтлар дарҳол афсунгар Кирка ҳузурига равона бўлсинлар: у Абсиртни қатл этган Ясон билан Медеяни мудҳиш гуноҳларидан поклагай.

Аргонавтлар кемани шимол томонга бурадилар: шу заҳоти тўфон тинади; демак, худоларнинг иродаси шу экан.

Аргонавтлар аввал Эриданда, сўнг Родан дарёсида сузиб, Тиррен денгизига тушадилар ва узоқ сафардан сўнг Эетнинг сингиси (Медеянинг аммаси) афсунгар Кирка яшайдиган оролга етадилар. Бу оролда Кирка Медея билан Ясонни қотиллик гуноҳидан поклайди. У Зевс йўлига қурбонлик қилиб, шу қурбон қилинган жониворнинг қонини Ясоннинг қўлига қуяди ва меҳроб олдида туриб, энди бул қотилликларни ғазабингизга олманг, уларни таъқиб этманг, дея Эринийларга муножот қилади. Кирка, шунингдек, Медеянинг порлаб турган кўзига қараб, унинг ҳам ўзи сингари кўёш худоси Хелиос насабидан эканлигини фаҳмлаганди.

Аргонавтлар йўлларида давом этадилар, улар яна кўп хавф-хатарларга дуч келадилар. Сцилла билан Харибда орасидан сузиб ўтишга муваффақ бўладилар, вале Зевснинг муаззама завжаси Хера аргонавтларга ёрдам кўрсатмаганида, улар ўша ерда ҳалок бўлишлари муқаррар эди. Аргонавтлар сиреналар ороли ёнидан ҳам эсон-омон сузиб ўтадилар; бу ердан ўтишаётганида сиреналарнинг мафтункор қўшиқларини эшитиб, улар томон талпинадилар, аммо хонанда Орфей шу пайт олтин кифараси торларини чертиб қўшиқ куйлай бошлайди, унинг қўшиги сиреналар жодусидан устун чиқади. Ниҳоят, аргонавтлар жуда тор Планкт бўғозига етиб келадилар, бу бўғоз узра маҳобатли қоялар гумбаз бўлиб туташган эди. Қоялар оралиғида денгиз тўлғонар, тўлқинлар гирдоб бўлиб чир айланар, долғалар кўпириб тошиб, баъзида гумбаз тоқигача кўтариларди. Ҳаттоки, Зевс учун амброзия олиб бораётган кабутарлар ҳам бу гумбаз остидан бешикаст учиб ўта олмасдилар, ҳар куни битта кабутар нобуд бўлар эди. Лекин бу ерда ҳам аргонавтларга Хера мадад беради: у Амфитритадан Планкт бўғозигаги тўлқинларни тинчитишни илтимос қилади, натижада аргонавтлар бу бўғоздан ҳам эсон-омон сузиб ўтадилар.

Аргонавтлар денгизда узоқ вақт сузишгач, феаклар оролига етиб борадилар. Уларни шоҳ Алкиной меҳмоннавозлик билан кутиб олади. Аргонавтлар бу оролда бамайлихотир дам олишлари мумкин эди, бироқ уларнинг оролга келганига бир кун ҳам бўлмай, орол соҳилида колхидаликлар лангар ташлаб, Медеяни қайтариб беришни талаб қила бошлайдилар. Ракиблар ўртасида қақшатқич қонли жанг бошланиши мумкин эди, лекин

Алкиной орага тушиб, можарони жангсиз ажрим қилади. У, агар Медея Ясоннинг хотини бўлмаса, у чоғда колхидаликларга қайтариб берилади, деган ҳукм чиқаради. Шу кечаси шоҳнинг хотини Арета Ясонга ўз одами-ни юбориб, уни Алкинойнинг ҳукмидан огоҳ қилади.

Шу заҳотиёқ Ясон билан Медея никоҳ ўқитадилар ва эртаси куни Ясон майдонга тўпланган феаклар ва колхидаликлар олдида Медея ҳақиқатан ҳам жуфти ҳалолим, деб тантанали қасам ичади. Шундан кейин Алкиной, Медея ўз эри билан қолмоғи лозим, деб қарор қилади, натижада, колхидаликлар ўз ҳукмдорлари Эет хузурига Медеясиз қайтишга мажбур бўладилар.

Аргонавтлар меҳмондўст феаклар оролида ҳордиқ чиқаришгач, ўз йўлларига равона бўладилар. Улар узоқ сузадилар. Мана, зангори уфқда Пеллопоннес ярим оролининг соҳили кўрина бошлади. Лекин шу пайт денгизда бирдан даҳшатли тўфон кўтарилиб, «Арго»ни поёнсиз денгиз томон учуриб кетади. Тўфон кемани денгизда узоқ вақт ҳар ёкқа қувиб, ниҳоят, кимсасиз, овлоқ бир соҳилга олиб бориб ташлайди. «Арго» бу ердаги балчикқа тамоман ботиб қолади, сув ўтлари уни худди тузоқдек чирмаб олади. Бу ҳол аргонавтларнинг руҳини тушириб юборади. Дарға Линкей кема қуйруғида бошини ҳам қилиб ўтирарди: у Юнонистонга қайтиб боришдан буткул умидини узганди. Аргонавтлар соҳилда маъюс тентираб юришар, уларнинг бутунлай силласи қуригандай, аввалги довьоракликларидан асар ҳам қолмагандай эди. Улар ўзларини ҳалоқат ёқасида тургандай ҳис қилар эдилар. Лекин бу пайт денгиз санамлари келишиб, Ясонга ёрдам қиладилар.

– Тўфон «Арго»ни Ливия¹га олиб келиб ташлади, – дейишади улар. – Энди аргонавтлар кемани балчикдан тортиб олиб, уни елкаларига кўтарганча, бутун Ливия саҳросидан олиб ўтишлари керак. Аммо бу ишга маъбуда Амфитрита ўз отларини аробадан чиқарган пайтда қўл урсинлар.

Бироқ маъбуда отларини қачон аробадан чиқаришини аргонавтлар билмасди. Шу пайт бирдан қордек оппоқ бир от денгиз қаъридан отилиб чиқиб, поёнсиз саҳро томон шамолдек елиб кетади. Бу Амфитританинг тулпори бўлиши керак, деб фараз қилишади. Шунда улар «Арго»ни елкаларига кўтарадилар-да, жазирама офтоб тафтидан, ташналик азобидан силлалари қуриб, уни ўн икки кун давомида саҳродан кўтариб ўтадилар. Ниҳоят, улар Ҳесперидалар мамлакатига етадилар.

Бу ерда Ҳеспер набиралари аргонавтларни бир қоя олдига бошлаб боришади: бир вақтлар Ҳеракл бу қояни тешиб булоқ кўзини очган эди. Қахрамонлар чанқоқларини қондирадилар, булоқ сувидан йўлга ҳам ғамлаб оладилар-да, яна кемага тушиб ўз ватанлари сари суза бошлайдилар. Лекин аргонавтлар қанча уринишмасин, денгизга чиқадиған йўлни

¹ Яъни Африкага.

ҳеч топа олмайдилар, чунки улар Тритон кўлига тушиб қолган эдилар. Улар Орфейнинг маслаҳати билан кўл тангриси Тритонга сепоя эҳсон қиладилар. Шу заҳоти қаҳрамонлар рўбарўсида ўктам бир йигит намоён бўлади. У меҳмондўстлик рамзи сифатида Эвфемга бир зувала лой узатади ва денгизга чиқадиган йўлни кўрсатади. Аргонавтлар бир кўчқор сўйиб, худо йўлига қурбонлик қиладилар. Шунда «Арго» қаршисида кўл тангриси Тритоннинг ўзи пайдо бўлади ва кемани оқ қоялар ёнидаги даҳшатли гирдобдан олиб ўтиб, очиқ денгизга чиқариб кўяди. Аргонавтлар Крит оролига сузиб келишиб, бу ердан узоқ сафар учун ичимлик сув ғамлаб олмоқчи бўладилар. Лекин маҳобатли мис одам (чақмоқдор Зевснинг шох Миносга совғаси) Талос уларни соҳилга яқин йўлатмайди. У бутун оролни зир айланиб юриб Миноснинг худудини кўриқлар эди. Медея афсун айтиб Талосни ухлатиб кўяди. Мис паҳлавон пинакка кетиб ерга қулайди. Шунда унинг бошидан оёғигача тушган ягона қон томирига тўпиғи ёнида тикиб қўйилган мис мих отилиб чиқиб кетадию унинг бутун қони худди эритилган қўрғошиндек ерга оқиб тушади ва жони узилади. Энди аргонавтлар бемалол соҳилга яқинлашиб лангар ташлашлари ва ўзлари учун сув ғамлаб олишлари мумкин эди.

Қаҳрамонлар Критдан чиқиб Юнонистон томон сузиб боришаётганда Эвфем Тритон ҳадя қилган бир зувала лойни бехос денгизга тушириб юборади. Бу зуваладан денгиз ўртасида орол пайдо бўлади, аргонавтлар унга Каллиста деб от қўядилар. Кейинчалик бу оролга Авфемнинг авлодлари кўчиб келишиб, шу ерда яшаб қолишади ва оролга Фера деб ном қўйишади.

Зим-зиё тунда бирдан кучли тўлқин кўтарилади. Аргонавтлар сув остидаги ёки соҳилдаги бирон қояга урилиб ҳалокатга учрашдан тинмай хавотирланадилар. Шу пайт бирдан денгиз узра олтин ўк паррон этиб, атрофни чароғон қилади, унинг кетидан иккинчи, учинчи ўклар учиб ўтади. Тангри Аполлон ўз камонидан отган ўклар билан аргонавтлар йўлини ёритаётган эди. Қаҳрамонлар Анафе оролига етиб бориб, шу ерда бўроннинг тинишини кутадилар. Ниҳоят, бўрон тиниб, денгизда тўлқинлар барҳам топади, боди мурод эса бошлайди. «Арго» яна зангори денгизда бахузур сузиб кетади. Аргонавтлар бошқа ҳеч қандай хатарга учрамайдилар ва сал вақтдан кейин орзиқиб кутган юртларига – Иолк бандаргоҳига етиб оладилар.

Аргонавтлар Иолкка етиб боришгани ҳамоно, хатарли сафарлари пайтида уларга мадақдор бўлган худолар учун бемисл қурбонликлар қилишади. Бутун Иолкда шодиёна авжга минади, ҳамма буюк қаҳрамонларга ва тилларанг терини олиб келишга муяссар бўлган уларнинг сардорлари Ясонга ҳамд-сано айтади.

ЯСОН ВА МЕДЕЯ ИОЛҚДА. ПЕЛИЙНИНГ ЎЛИМИ

Овидийнинг «Метаморфозалар» достони бўйича баён қилинади

Маккор Пелий ўз лафзидан қайтади: у Иолк ҳокимиятини Ясонга қайтариб бермайди. Ясон аламини ичига ютади, аммо Пелийдан қаттиқ интиқом олишга қасд қилади. Бу ишда ҳам Медея унга ёрдам қилади. Ордан хиёл вақт ўтар-ўтмас интиқом олиш учун имкон туғилади. Ясоннинг мункиллаб қолган отаси Эсон Медеянинг зўр афсунгар эканлигини эшитиб қолиб, «канийди, келиним афсун ўқиб, мени ёш йигитга айлантирса», дейди ўғлига. Ясоннинг ўзи Медеяга юзланиб, отамни ёшартир, деб илтимос қилади.

– Майли, – дейди Медея, – агар маъбуда Ҳеката менга мададкор бўлса, илтимосингни бажараман.

У ой тўлган пайтда, ярим тунда эгнига қора либос кийиб, сочларини ёйиб, яланг оёқ уйдан чиқади. Атроф теран сукунат оғушида эди.

Медея тўлин ой ёғдусига ғарқ бўлиб, товуш чиқармай кетиб борарди. Мана, у учта йўл туташган ерда тўхтайди, қўлларини кўкка чўзиб, уч бор наъра тортади. Кейин тиз чўкиб афсун ўқий бошлайди. У зулмат тунга, самовий ёритқичларга, ойга, заминга, шамолларга, тоғлару дарёларга муурожаат қилади. Ўрмону дарёларнинг маъбудаларини ўз ёнига чорлайди. У муаззама Ҳекатага юзланиб, сўзларимга кулоқ ос ва ёрдамингни мендан дариг тутма, деб тавалло қилади. Ҳеката Медеянинг ноласини эшитади, шу лаҳза унинг қаршисида маъбуданинг қанотли аждарлар қўшилган аробаси пайдо бўлади. Кейин Медея тўккиз кечаю тўккиз кундуз мобайнида тоғ-тошларда, ўрмонзорларда, дарё ва денгиз бўйларида тентираб юриб, шифобахш гиёҳлар, сеҳрли илдизлар йиғади. У қайнотасиникига қайтиб, дарҳол бири – Ҳекатага, иккинчиси – навқиронлик маъбудасига аталган иккита қурбонгоҳ меҳроб тиклайди. Медея меҳроблар яқинига чуқур қазитиб, зулмат ва афсунгарлик маъбудаси Ҳеката йўлига қора қўйларни қурбон қилади, сўнг қурбонлик устидан бол ва сут паймо қилади. У ер қаъри худолари Аид билан унинг завжаси Персефонага тавалло қилиб, улардан мўйсафид Эсоннинг жонини олмасликларини сўрайди. Кейин Эсонни бошлаб келишларини айтади. Медея сеҳр-жоду билан Эсонни ухлатиб, уни ўзи териб келган сеҳрли гиёҳлар устига ётқизади. Мис қозонда ўт-ўланлардан сеҳрли дори қайнатади. Дори қайнаб, қозон юзини оппоқ кўпик қоплайди. Медея асрий дарахтнинг қуриган шохи билан қозондаги дорини қовлай бошлайди. Шу захоти шох кўкариб, куртак чиқаради, япроқлар билан қопланади, зум ўтмай шохда ғўра мевалар пайдо бўлади. Сеҳрли дорининг кўпиклари томган ерлардан гиёҳлар ва чечаклар униб

чиқади. Медея тайёрлаётган дориси тобига етганига ишонч ҳосил қилгач, қария Эсоннинг бўғзига шамшир солиб, унинг қарилик қонини оқизиб юборади ва чолнинг шу жароҳатланган еридан унинг томирларига сеҳрли дорини қуяди. Шунда – во ажаб! – чолнинг қордек оппоқ сочлари бирдан қорая бошлайди, устухон юзлари тўлишиб, ажинлари йўқолади, ёноқларига яна қон югуради. Эсон уйғониб, ўзини навқирон, бақувват ва тетик ҳолда кўради.

Медея қайнотаси Эсонни ёшартирганидан кейин бениҳоя шум режа тузади: у Иолк ҳокимиятини Ясонга топширишга сўз бериб, сўзининг устидан чиқмаган қари Пелийдан ўч олмоқчи бўлади.

У шохнинг қизларини ёнига чақириб, агар хоҳласангизлар отангизни ёшартиришим мумкин, дейди ва гапига уларни ишонтириш учун бир совлик қўйни етаклаб келиб, бўғизлайди-да, уни дори қайнаётган қозонга ташлайди. Қўй жасади қозонга ғарқ бўлган ҳамоно у ердан шўх бир кўзичоқ сакраб чиқади. Пелийнинг қизлари бу мўъжизани кўриб ҳангманг бўлиб қоладилар ва оталарини ёшартиришга рози бўладилар.

Медея яна дори тайёрлайди, аммо бу дорида мўъжизакорлик қуввати йўқ эди. Мана, у афсун ўқиб Пелийни ухлатади, кейин унинг хобхонасига қизларини бошлаб киради-да уларга, отангизни бўғизланг, деб буюради. Лекин қизлар бундай ишга журъат эта олмайдилар.

– Қўрқоқлар! – дейди Медея. – Тезроқ қилич яланғочлаб, отангизнинг томиридаги қарилик қонини оқизиб юборинг, мен унга навқиронлик қонини қуяман.

Пелийнинг қизлари ухлаб ётган оталарини бўғизлаб ўлдиришга юраклари дов бермай, анча тараддудда туриб қоладилар. Ниҳоят, улар юзларини тесқари ўгирганча бирин-кетин оталарига шамшир урадилар. Оғир жароҳатланган Пелий уйғониб кетади, ҳолсизланган қўлларини чўзиб тўшакдан бошини кўтараркан, инграганча шундай дейди:

– О, қизларим, нима қиляпсизлар? Ўз падарингизга қўл кўтаришга сизларни нима мажбур қилди?

Қизлар бу даҳшатни кўриб лол бўлиб қоладилар. Ранглари қув ўчиб, хушларидан кетадилар. Мана шу фурсатдан фойдаланган Медея шохнинг тепасига югуриб келиб, унинг бўғзига пичоғини санчади, кейин унинг жасадини нимта-нимта қилиб, қайнаб турган қозонга ташлайди. Шу пайт Пелийнинг хобхонасида қанотли аждарлар қўшилган ароба пайдо бўлади, Медея шу аробага ўтирадию мудҳиш фожиадан телба бўлиб қолган шох қизлари кўзидан ғойиб бўлади.

Пелийнинг ўғли Адраст отасини зўр дабдаба билан дафн этади. Дафндан сўнг унинг шарафига ўйинлар ўтказлади. Ўйинларда Юнонистоннинг энг буюк қаҳрамонлари иштирок этишади. Гермеснинг ўзи судьялик қилади. Кастро, Полидевн ва Эверем арбода югуришда, Адмет билан Мопс –

муштлашув жангида, Аталан билан Пекей курашда мусобақалашадилар. Югуришда Ификл ҳаммадан ғолиб чиқади.

Лекин Ясон, барибир, Иолк ҳокимиятини қўлга кирита олмайди. Унинг Иолкда қолишига Адраст ижозат бермайди. Хотининг отамни ўлдирди, деб Ясонни Иолкдан бадарға қилади. Шунда Ясон ўз она ватанини тарк этиб, Медея билан бирга Коринфга равона бўлади.



ЯСОН ВА МЕДЕЯ КОРИНФДА. ЯСОННИНГ ЎЛИМИ



Еврипиднинг «Медея» фожияси бўйича баён қилинади

Ўзелий ўлдирилгач, Иолкдан қувилган Ясон билан Медея Коринфга бориб, шоҳ Креонтникида паноҳ топадилар. Медея бу ерда иккита ўғил кўради. Бундай қараганда, Ясон билан Медея, ҳатто, мусофир юртда ҳам роҳатда, саодатда кун кечиришлари лозим эди. Лекин тақдир Ясонни ҳам, Медеяни ҳам саодатдан бебаҳра қилган эди. Ясон шоҳ Креонтнинг қизи Главканинг хуснижамолига мафтун бўлиб қолиб, бир вақтлар Медеядан сеҳрли малҳам олган чоғида унга берган ваъдаларини унутиб қўяди; Ясон буюк жасоратларда мададкор бўлган ўз жуфти ҳалолига хиёнат қилади. Энди у шоҳ қизи Главкага уйланмоқчи, Креонт ҳам бу машҳур қаҳрамонга кизини беришга рози.

Медея эрининг унга хиёнат қилишини сезиб, қаттиқ изтироб чекади. Зеро, у ҳануз Ясонни жонидан ортиқ севарди. Мана, у қаттиқ ғамга ботиб, тошдек қотиб ўтирипти. Медеянинг вужудини аста-секин ғазаб алангаси қамраб ола бошлайди. Саркаш феълли Медея бундай хиёнатга асло чидай олмас эди. Кимсан, Колхида шохининг қизи, нурафшон тангри Ҳелиоснинг набираси – Медея ғанимларнинг тантана қилишига, уни мазах қилиб қулишларига чидаб тура оларканми? Йўқ, Медея аччиғланса, бадқаҳр бўлиб кетади, қасос олса биракай олади.

Медея жаҳл устида ҳаммани бирдай қарғайди. У ўз фарзандларининг ҳам, эри Ясоннинг ҳам бошига лаънат тоши ёғдиради. Унинг қалби қаттиқ изтироб чекади, у худоларга юзланиб, чакмоғингизни чақингу тезроқ жонимни олинг, дея тавалло қилади. Бу ёруғ жаҳонда у интиқом олишдан ўзга нима ҳам қила оларди!

– Эй, ажал, – нола қилади Медея, – тезроқ жонимни олу изтиробларимга барҳам бер, мени чуқур андуҳдан фақат сен фориг қила оласан. Не-чун Ясон менга бунчалик шафқатсизлик қилди? Ахир мен уни ўлимдан қутқарган эдим-ку, аждарни ухлатиб қўйиб, тилларанг терини қўлга кири-тишига имкон яратган ҳам мен эдим-ку! Уни фалокатдан халос этиш учун ўз жигарим – Абсиртни пистирмага мен чорламадимми, шу Ясонни деб

шоҳ Пелийни ўлдирмадимми? Ё, бузург тангрим Зевс, ё, адолат маъбудаси Фемида, эрим Ясоннинг менга қандай хиёнат қилганига шоҳид бўлинглар!

Медеянинг Ясондан қасос олиш нияти тобора қатъийлаша боради.

Шу пайт унинг қошига шоҳ Креонт киради.

– Сен, – дейди у Медеяга, – зудлик билан Коринфдан чиқиб кетмоғинг лозим.

Креонт Медеядан кўркади; у Медеянинг ғазабга минган чоғда қанчалик дахшатли бўлишини, сеҳру жодулари нақадар қудратли эканини яхши билди: Медея жаҳл устида шоҳ қизини, ҳатто, Креонтнинг ўзини ҳам нобуд қилиши ҳеч гапмас.

Медея қасос олиш учун вақтдан ютиш ниятида ўзини шоҳ амрига итоат этгандай қилиб кўрсатади.

– Тўғри, Креонт, – дейди Медея. – Мени шахрингдан қувишга ҳақлисан. Лекин фақат бир илтимосим бор: иложи бўлса, яна бир кунгина Коринфда қолишимга рухсат бер.

– Розиман, – дейди Креонт, ҳолбуки бу рафтори билан у ўзини ўлимга маҳкум этганлигидан ғофил эди. – Лекин билиб қўй, Медея, эртага куёш уфқдан бош кўтарган чоғда Коринфда қорангни кўрмай. Акс ҳолда, ўзингни ҳам, ўғилларингни ҳам қатл эттиргум.

Медея энди ўлимдан кўркмайди. Зеро, ўзидан олдин Креонт ҳалок бўлишини яхши билди – ахир у, ғанимларимни махв этмай қўймайман, деб рангпар маъбуда Селена билан ўз пушти-паноҳи Ҳекатага бекорга қасам ичгани йўқ. Йўқ, Медея эмас, балки Медеянинг душманлари ўлимга маҳкумдирлар. Наҳотки, кимсан, тангри Ҳелиоснинг набираси Медея Сизиф авлодларига ва Ясоннинг қайлиғига майна бўлса!

– Мен Главкага уйланарканман, – дейди Ясон Медеяга, – биринчи галда, сен билан болаларимизнинг истиқболи саодатли бўлишини кўзлаб шундай қиялман. Агар худолар бу янги никоҳдан менга фарзандлар ато этса, улар бизнинг ўғилларимизга мададкор бўлғайлар.

Лекин Медея эрининг бу гапларига заррача ҳам парво қилмайди.

– Гапларингни эшитишни ҳам истамайман, – дейди Медея. – Сен менга хиёнат қилдинг. Ҳали бу бадкорлигинг учун худоларнинг ғазабига учрагайсан. Ясон, илгари мен сени жонимдан ортиқ севар эдим. Сени деб ўз падаримдан, волидамдан, оғамдан, ватанимдан юз ўгирган эдим. Энди эса мен учун сен энг манфур махлуқсан.

Ясон ғазоби қайнаб уйдан чиқаркан, орқасидан Медеянинг истехзоли кулгиси ва таҳдид сўзлари янграйди.

Бу пайт Дельфа зиёратидан Троиценага қайтаётган Афина шоҳи Эгей йўл-йўлакай Коринфга келади. У Медея билан дўстона сўрашар экан, нечун ғамгинлигини сўрайди. Медея ўзининг Коринфдан қувғин қилинаётгани, эри ундан юз ўгиргани ҳақида ҳасрат қилиб, Афина шоҳидан бошпана сўрайди.

– Мен, – дейди у Эгейга, – ўз сеҳр-жодуларимни ишга солиб, сенга кўп яхшиликлар қилишим мумкин. Мана, сен ҳалигача бефарзанд экансан, менинг ёрдамим билан серфарзанд бўлгайсан, эвазига юртингдан менга бошпана берсанг кифоя.

Эгей Медеяга бошпана беришга рози бўлади. У ер маъбудаси Гея, Медеянинг бобоси Ҳелиос номини тилга олиб, уни ғанимларидан муҳофаза қилишга қасам ичади. Фақат Медеянинг олдига битта шарт кўяди:

– Сен, – дейди у, – Афинага менинг ёрдамимсиз ўзинг боришинг керак, зеро, мен Коринф шоҳи билан низолашишни истамайман.

Медея ўзини бошпана билан таъминлагач, кўзлаган қасосини амалга оширишга киришади. У нафақат Креонт билан унинг қизи Главкани ўлдиришни, шунингдек, ўз фарзандларини, яъни Ясоннинг ўғилларини ҳам нобуд қилишни кўзлаган эди. Медея ўз оқсочини Ясоннинг олдига юборади. Ясон дарҳол етиб келади. Медея ўзини тақдирга тан бергандек, Ясоннинг ниятларига рози бўлгандек қилиб кўрсатади.

– Сендан фақат битта илтимосим бор, – дейди у Ясонга. – Ўғилларимизни шу ерда – Коринфда қолдириб кетишимга қайнотанг Креонтнинг розилигини олиб берсанг.

Ясон бу шартга рози бўлиб чикиб кетади.

Шу пайт хонага Медеянинг болалари кириб келишади. Медея уларни кўриб юм-юм йиғлайди, ўғилларини бағрига босиб, юзларидан ўпади. Лекин интиқом даъвати фарзандларга бўлган меҳрдан ҳам кучлироқ эди.

Хўш, Главка билан Креонтни қандай қилиб маҳв этсайкин? Мана, ниҳоят, баҳона ҳам топилди: у ўз болаларини Ясоннинг янги хонадонида қолдиришга Главканинг розилигини олиш мақсадида бўлғуси кундошига қимматбаҳо либос билан олтин тож ҳада этиб юборади. У ажалкаш ҳада эди. Главка Медея армуғон қилган либос билан тожни кияди, шу заҳоти либосга суртилган заҳар Главканинг баданига сингади; олтин тож унинг бошини худди мис исканжадек сика бошлайди. Либос шоҳ қизининг баданини чўғдек куйдиради. Натижада Главка даҳшатли азоб-уқубатга дош бера олмай оламдан кўз юмади. Главканинг фарёдини эшитган ота югуриб келиб, бахтиқаро қизини ўз бағрига босади, лекин қизнинг эгнидаги кийими отанинг баданига ҳам чиппа ёпишади. Креонт кийимни ўз баданидан ажратмоқчи бўлади, лекин кийим билан бирга баданидан палахса-палахса бўлиб гўшт илиниб чиқа бошлайди. Шу йўсинда, Медеянинг совғасидан Креонт ҳам нобуд бўлади.

Ўз кўшки олдида турган Медея Креонт билан Главканинг ҳалок бўлгани дарагини эшитиб ҳузур қилади, лекин бу икки ўлим билан ҳам Медеянинг интиқомга бўлган ташналиги босилмайди: ахир у Ясонни янада қаттиқроқ изтиробга солиш учун ўз фарзандларини ҳам ўлдирмоқчи бўлган эди-ку. Энди эса, Медеянинг бундай қотилликка журъат этиши-

га яна бир сабаб туғилди: Креонтнинг хешлари Медея қилган қотиллик учун унинг фарзандларидан бешафқат қасд олишлари муқаррар эди – бунни Медея кўз олдига келтирадию шошганча ўз кўшиқига кириб кетади; шу заҳоти ичкаридан ўғилчаларининг оху фарёди эшитилади. Медея ўз жигаргўшаларини қатл этган эди. Бу пайт, Креонт билан Главканинг Медея томонидан ўлдирилганини эшитган Ясон ўз ўғилларидан хавотир олиб қасрга югуриб келади, чунки у Креонтнинг хешлари шоҳ билан Главканинг хунини олиш мақсадида Ясоннинг болаларини ўлдириб қўйишларидан кўрқарди. Аммо сарой эшиги ичидан берк эди. Шунда Ясон эшикни бузиб ичкарига кирмоқчи бўлади. Бирдан осмонда тангри Ҳелиоснинг аждарлар қўшилган жангаробасида Медея пайдо бўлади; унинг оёғи остида, аробада ўзи ўлдирган ўғилларининг жасадлари ётарди. Ясон бунни кўриб даҳшатга келади. У Медеяга ёлбориб, ҳеч бўлмаса, болаларимнинг жасадларини қолдир, мен уларни дафн этай, дейди. Лекин Медея эрига шу кўнгил юпанчини ҳам раво кўрмайди ва жангаробада шамолдек елиб, кўздан ғойиб бўлади.

Ясоннинг қолган бутун умри бетаскин ўтади. У ҳеч бир ерда узоқ вақт манзил қура олмайди. Кунлардан бир кун у Истм узра қирғоққа чиқариб қўйилган ва аргонавтлар томонидан денгиз худоси Посейдонга эҳсон этилган «Арго» кемаси ёнидан ўтади. Узоқ йўл юриб чарчаган Ясон кеманинг қуйруғи соясига ётиб бир оз дам олмоқчи бўладию пинакка кетади. У маст уйкуда ётганида, шарти кетиб, парти қолган кўхна «Арго» бирдан бузилиб тўкилади ва ғафлат уйкусида ётган Ясон ўз кемаси харобалари остида қолиб ҳалок бўлади.

ТРОЯ АФСОНАЛАРИ СИЛСИЛАСИ



Троя афсоналари силсиласига қирин ривоятлар Ҳомернинг «Илиада» достони, Софоклнинг «Қалчибардор Аякс», «Филоклет», Еврипиднинг «Циригея Авлидада», «Андромаха», «Ҳекуба» трагедиялари, Вергилийнинг «Энеида», Овидийнинг «Қаҳрамон аёллар» номли достонлари ҳалда ўзи асарлардан олинган парчалар бўйича баён қилинади



ЗЕВС БИЛАН ЛЕДАНИНГ ҚИЗИ – ЕЛЕНА



Бир вақтлар шавкатли қаҳрамон Тиндарей Ҳиппокоонат томонидан ўз салтанатидан қувиб чиқарилган эди. У узок вақт сарсон-саргардон бўлиб юриб, ахири Этолия шоҳи Фестийнинг саройидан паноҳ топади. Шоҳ Фестий бу йигитни ёқтириб қолади ва уни ўзининг гўзалликда маъбудаваш қизи Ледага уйлантиради. Кейинчалик Зевс фарзанди Ҳеракл Ҳиппокоонт устидан галаба қозонади, уни ўлдиради, барча ўғилларини қириб ташлайди; шундан кейин Тиндарей ўзининг соҳибжамол завжаси Леда билан Спартага қайтиб, яна давлатни бошқара бошлайди.

Леданинг тўрт фарзанди бор эди. Улардан иккитаси: соҳибжамол Елена билан Полидевк – чакмоқлар тангриси Зевснинг, яна иккитаси – Клитемнестра билан Кастор – Тиндарейнинг болалари эди.

Елена гўзалликда бекиёс қиз эди. Фоний аёллар орасида хусну тароватда унга тенг кела оладигани йўқ эди. Ҳаттоки, маъбудалар ҳам бу дилбар қизга ҳасад билан қарар эдилар. Еленанинг гўзаллигидан дарак топган Аттиканинг буюк қаҳрамони Тесей уни ўғирлаб кетади, бироқ қизнинг акалари Полидевк билан Кастор уни қутқариб, яна ўз оталари уйига олиб келадилар. Соҳибжамол Еленага уйланишни орзу қилган йигитлар Тиндарей саройига бирин-кетин қадам ранжида қилаверадилар.

Лекин Тиндарей қизини совчи бўлиб келган қаҳрамонларнинг биронтасига ҳам беришга журъат эта олмайди, негаки у, агар қизимни умид билан келган қаҳрамонлардан биронтасига узатсам, қолганлари ҳасад қилишиб, бахти кулган куёв билан жанг қилишлари ва оқибатда катта нифок бошланиши мумкин, деб хавотир қиларди. Ниҳоят, Тиндарейнинг тарадудда қолганини кўрган қошифқаромат қаҳрамон Одиссей ўртага чиқиб:

– Кимга турмушга чиқишини зулфи сумбул Еленанинг ўзи ҳал қилсин. Унга уйланишни ихтиёр қилган бошқа йигитлар эса ўшал хушсаодат пахлавонга қарши ҳеч қачон қурол кўтармаймиз, билъакс, бирон фалокат

содир бўлиб, у ёрдам сўраб наъра тортса, ҳаммамиз унга ёрдамга келамиз, деб қасам ичсинлар, – дея маслаҳат беради.

Тиндарей Одиссейнинг маслаҳатини қабул қилди. Ҳамма куёвлар Одиссей айтганидек онт ичдилар, шундан кейин Елена паҳлавонлар орасидан энг ўқтам йигитни – Атрей ўғли Менелайни танлади.

Катта тўй-томоша бўлиб, Менелай Еленага уйланди. Тиндарей оламдан ўтганидан кейин эса, Спартага подшо бўлди. Соҳибжамол Еленага уйланиб ҳам ўзининг, ҳам бутун юнон элининг бошига не-не кулфатлар орттирганидан ёш подшо ҳали беҳабар эди.

ПЕЛЕЙ ВА ФЕТИДА

Шавкатли қаҳрамон Пелей дарё тангриси Асопнинг кизи Эгина билан Зевс ўғли донишманд Эакнинг фарзанди эди. Қаҳрамонлар ичида энг бузурги – Ҳераклнинг жонажон дўсти ботир Теламон Пелейнинг оғаси эди. Пелей билан Теламон бир куни ўгай укаларига ҳасад қилиб, уни ўлдириб қўядилар, натижада ватандан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўладилар. Пелей бадавлат Фтия томон йўл олади. У ерда Пелейни қаҳрамон Эвритион дўстона қувонч билан кутиб олади, ўз мулкининг учдан бирини унга инъом этади, боз устига Пелейни ўз кизи Антигонага уйлантиради. Аммо Пелейга Фтияда узоқ вақт яшаш насиб этмайди. Калидон шикори пайтида у беҳосдан қайнотаси Эвритионни ўлдириб қўяди. Бу машъум ҳолдан қаттиқ изтиробга тушган Пелей Фтияни тарк этади ва Иолкка йўл олади. Лекин Иолкда ҳам Пелей бахтсизликка рўпара келади. Бу ерда шоҳ Акастнинг хотини унга ошиқ бўлиб қолади ва Пелейни дўсти Акастга хиёнат қилишга ундайди. Пелей маликанинг талабини рад этади, шунда бу маккор аёл аламига чидай олмай, Пелейдан ўч олиш мақсадида, эрининг олдига бориб, дўстининг устидан тухмат қилади. Хотинининг гапига лаққа ишонган Акаст Пелейни ўлдирмоқчи бўлади. Кунлардан бир кун Пелей Пелион тоғининг ўрмон билан бурканган ёнбағрида ов қилиб юриб чарчайди ва салқинлаб ётиб, ухлаб қолади. Шунда Акаст Пелейнинг худолар совға қилган сеҳрли шамширини яшириб қўяди. Пелей бу шамшир билан жанг қилган пайтида, ҳеч ким унинг зарбасига дош бера олмас эди. Акаст бу шамширни ўғирлаб, мана энди қуроли бўлмаган Пелейни ёввойи кентаврлар тилка-пора қилиб ташлашади, деб ўйлаган эди. Лекин шу пайт донишманд кентавр Хирон Пелейга ёрдамга етиб келади. У қаҳрамон йигитга сеҳрли шамширини топишда қўмаклашади. Кейин ёввойи кентаврлар Пелейни тилка-тилка қилгани хужумга ўтганларида, қаҳрамон йигит ўз шамшири билан уларни осонгина даф қилади. Пелей хоин Акастдан ҳам ўч олади. У Диоскурлар, яъни Кастор ва Полидевк ёрдамида бадавлат Иолк шаҳрини забт этиб, Акаст билан унинг хотинини ўлдиради.

Кунларнинг бирида титан Прометей худоларга улкан бир сирни очади:
– Агар сарпадар Зевс маъбуда Фетида билан қовушса, улардан шундай ўғил дунёга келгайки, у ўз падаридан ҳам қудратлироқ бўлиб, отасини юксак тахтдан кулатгай, – деб башорат қилади ва тангриларга, маъбуда Фетидани донишманд Эакнинг ўғли ботир Пелейга эрга бериш керак, деб маслаҳат беради, – агар шундай қилсак, Фетида билан Пелейдан энг буюк қахрамон дунёга келади, – деб илова қилади у.

Бу маслаҳат худоларга маъқул тушади; улар фақат битта шарт қўядилар: Пелей маъбуда Фетидага уйланишдан олдин, уни яккама-якка жангда енгмоғи лозим эди.

Худоларнинг бу хошишини Ҳефест Пелейга етказади. Пелей дарҳол маъбуда Фетиданинг оромгоҳи – ғор сари равона бўлади. Фетида денгиз қаъридан сузиб чиққанида аксар пайт шу ғорга кириб дам олар эди. Пелей ғор ичига яшириниб, Фетидани кута бошлайди. Мана, маъбуда денгиздан сузиб чиқиб, ғор томон йўл олади. Фетида ғорга кириши билан Пелей унга ташланади ва қудратли билаклари билан унинг белидан маҳкам сикади. Маъбуда қахрамоннинг қўлидан қочиб кутулишга ҳаракат қилиб, дам шер, дам илон киёфасига киради. Ҳаттоки, суюқ сувга ҳам айланади, лекин Пелей уни сира қўйиб юбормайди. Фетида енгилади, энди у Пелейга турмушга чикиши шарт эди.

Пелей билан Фетиданинг никоҳ тўйи кентавр Хироннинг улкан ва мухташам ғорида ўтади. Тўй ниҳоятда шукуҳли бўлади. Олимпик худоларнинг бари бу тўйга ташриф буюрадилар. Тўйда Аполлоннинг олтин кифараси баралла янграйди, бу мусиқа садосига музалар жўр бўлишиб, Пелей билан маъбуда Фетидадан дунёга келажак пахлавоннинг беназир шон-шавкати ҳақида қуйлайдилар. Худолар базмда ишрат қиладилар. Улар келин-куёвни бебаҳо совгалар билан қутлайдилар. Хирон Пелейга ўз найзасини тортиқ қилади; бу найзанинг дастаси Пелион тоғида ўсган метиндек қаттиқ шумтолдан ясалган эди; денгизлар султони Посейдон унга арғумоқлар ҳадя этади, қолган тангрилар эса ғаройиб совут-силоҳлар беришади.

Зиёфат авжида эди. Бу тўй базмида боқийлардан фақатгина адоват маъбудаси Эрида кўринмас эди. У тўйга таклиф этилмаганидан хуноб бўлиб, аламини ичига ютганча, ёлғиз ўзи Хироннинг ғори оғзида тентираб юрарди. У ўч олиш ҳақида ўйларди. Ниҳоят, Эрида худолардан қандай интиқом олиш ва улар орасига қандай низо солиш йўлини ўйлаб топади. У Ҳесперидаларнинг дунё чеккасидаги олмазоридан узилган олтин олмани олиб, унга «энг гўзал маъбудага» деб ёзади. Сўнг ҳеч кимнинг кўзига кўринмасдан астагина тўйхонага киради-да, қўлидаги олмани нознеъматлар тўла дастурхонга думалатиб юборади.

Тангрилар олмани қўлларига олиб, ундаги ёзувни ўқийдилар. Лекин қайси маъбуда энг гўзал экан? Шу заҳоти уч маъбуда ўртасида баҳс бош-

ланади. Булар: Зевснинг хотини Ҳера, жангчи маъбуда Афина ва муҳаббат маъбудаси Афродиталар эди. Уларнинг ҳар қайсиси олмани ўзига олишни истар ва бир-бирига бўш келишни хаёлларига ҳам келтиришмас эди. Ниҳоят, улар бу можарони ажрим қилиб беришни худолар ва одамларнинг султони олампадох Зевсдан илтимос қиладилар.

Аммо Зевс бу ишда ҳакамлик қилишдан бош тортади. У олмани ўғли Ҳермеснинг қўлига тутқазади ва маъбудаларни Троя яқинидаги юксак Ида тоғининг ёнбағрига бошлаб боришни буюради. Олтин олма қайси маъбудага тегишли эканлигини, уларнинг қай бири энг соҳибжамол эканлигини ўша ерда, Троя шоҳи Приамнинг ўғли Парис исмли йигит ҳал қилиб бериши керак эди. Пелейнинг никоҳ тўйи шу йўсинда маъбудалар низоси билан тугайди. Бу низо одамзод бошига жуда кўп кулфатлар солиши керак эди.

ПАРИСНИНГ ҲУКМИ

Ҳермес ва уч маъбуда дарҳол Ида тоғи сари парвоз этадилар. Приам ўғли Парис бу пайтда пода бокиб юрган эди.

Бунинг сабаби бор эди. Париснинг онаси Ҳекуба унга ҳомиладор бўлиб ой-куни яқин қолган пайтда, хобида ёмон бир туш кўради: тушида даҳшатли ёнғин бутун Троя шаҳрини қамраб олаётганмиш. Қўркиб кетган Ҳекуба тушининг тафсилотини эрига айтиб беради. Приам таъбирловчи коҳинга юзланади, коҳин эса, Ҳекуба ўғил туғади ва бу ўғил Троя ҳалокатига сабабчи бўлади, деб каромат қилади. Шунга кўра, Ҳекубанинг кўзи ёриган заҳоти Приам ўз кули Агелайга, чақалокни юксак Ида тоғига олиб бориб хилват ўрмонга ташлашни амр этади. Лекин чақалоқ нобуд бўлмайди – бир она айиқ уни ўз сути билан бокиб, ўлимдан асраб қолади. Орадан бир йил ўтгач, тасодифан ўша тоққа бориб қолган Агелай болани топиб олиб, уни ўз фарзандидек бокиб, тарбиялай бошлайди. Унга Парис деб исм беради. Парис чўпонлар орасида ўсиб-улғаяди ва ҳуснда тенги йўқ азамат йигитга айланади. У тенгурлари орасида қудрати, жасорати билан ажралиб турарди. Бора-бора у нафақат подаларни, шунингдек, ўз ўртоқларини ҳам ваҳший ҳайвонлар ҳамласидан, қароқчилар ҳужумидан ҳимоя эта бошлайди; Парис ўз қудрати ва жасорати билан шундай доврүк қозонадики, ёрдўстлари уни Александр (мардларни маҳв этувчи) деб атай бошлайдилар. Шу тарзда Парис Ида ўрмонларида хотиржам яшаб юраверди. У ўз қисматидан мутлақо мамнун эди.

Мана, қутилмаганда унинг қошига Ҳермес маъбудаларни бошлаб келади. Парис уларни кўриб чўчиб кетади. У қочиб қолмоқчи ҳам бўлади, лекин хаёлдек учқур Ҳермесдан қочиб қутулиб бўлармиди? Ҳермес Парис-

ни тўхтатиб, унинг қўлига олтин олмани тутқазаркан, мулойим оҳангда шундай дейди:

– Сен, Парис, манави олмани ол. Кўряпсанми, қаршингда учта маъбуда турипти. Улардан қай бирини энг дилбар, энг гўзал деб ҳисобласанг, олмани ўшанга бер. Сарпадар Зевс бу маъбудалар баҳсини ажрим қилишни сенга буюрди.

Парис хижолат бўлади. У маъбудаларга тикиларкан, қайси бири гўзалроқ эканини ҳал қила олмай, боши котарди. Шунда ҳар қайси маъбуда олтин олма учун ғоятда улкан мукофот ваъда қила бошлайди. Ҳера унга, бутун Осиёга султон бўласан, деб ваъда қилади, Афина – жанговар шоншухрат ва мангу музаффарият ваъда қилади. Афродита эса чакмоқдор Зевс билан Леданинг қизи, фоний аёллар ичида энг соҳибжамоли бўлган Еленани унга хотин қилиб олиб беришни ваъда қилади. Парис Афродитанинг шу ваъдасини эшитгач, кўп ўйлаб ўтирмай, олмани унга беради. Шундай қилиб, маъбудалар орасида энг соҳибжамоли Афродита, деб эътироф этади. Шу пайтдан бошлаб Парис Афродитанинг арзандаси бўлиб қолади, Афродита Парисга ҳар бир ишда мадакдор бўла бошлайди. Ҳера билан Афина эса Парисни, Трояни ва барча трояликларни ёмон кўриб қолишади, натижада, бу шахри азимни ҳам, унинг бутун аҳолисини ҳам нест-нобуд қилмоқчи бўладилар.

ПАРИС ТРОЯГА ҚАЙТАДИ

Парис маъбудалар билан учрашганидан кейин кўп вақт ўтмай Ида ўрмонларини тарк этди. Шоҳ Приам хотини Ҳекубанинг кўнгли ҳеч тасалли топмаётганини ва ҳамон йўқотиб юборилган ўғлини кўмсаб, куюнаётганини кўриб, ўша нобуд бўлган деб ҳисобланаётган ўғли шарафига Трояда улкан ва дабдабали ўйинлар уюштиради. Бу ўйинларда ғолиб чиққанга мукофот учун Приам подасидаги энг яхши буқа тайинланган эди. У буқа айнан Парис боқиб юрган пода ичида эди. Париснинг ўзи ҳам бу буқани жуда яхши кўрарди. Ундан ҳеч айрилгиси келмаганидан ўзи уни шаҳарга етаклаб борди. Парис Трояда уюштирилган мусобақада ботирларнинг беллашувини кўрди. Унинг ҳам мусобақага қатнашгиси келди. Натижада, у мусобақада ҳамма қаҳрамонларни, ҳаттоки, қудратли Ҳекторни ҳам енгиб, совринга муяссар бўлди.

Приамнинг ўғиллари қандайдир бир чўпондан енгилганлари учун жуда ғазабланиб кетдилар. Приамзода Деифоб шамширини ғилофидан суғуриб, Парисни ўлдирмоқчи бўлади. Кўрқиб кетган Парис ўзига паноҳ қидириб Зевс меҳробига тикилади. Меҳроб қошида уни Приамнинг ғойибдан хабар берувчи қизи Кассандра кўриб қолиб, бу чўпон йигитни дарҳол танийди. Приам билан Ҳекуба йўқолган фарзандларининг топилганидан севиниб

кетишиб, зўр тантана билан уни саройга бошлаб борадилар. Кассандра отасини огохлантириб, тақдири азалга кўра Троянинг ҳалокатга учрашига шу Парис сабабчи бўлади, деб қанча гапирса ҳам, Приам унинг гапига кулоқ солмайди. Каромат соҳибаси Кассандранинг айтганларига умуман ҳеч ким эътибор бермасди. Зеро, тангри Аполлон Кассандрани аянчли қисматга маҳкум этган эди: шунга кўра ҳеч ким унинг башоратларига ишонмасди, ваҳоланки, унинг ҳар бир каромати ҳамиша рўёбга чиқарди.



ПАРИС ЕЛЕНАНИ ЎҒИРЛАЙДИ



Мана, Парис ўз отаси паноҳига қайтиб келганига ҳам анча вақт бўлди. У ўз ҳаётида юз берган бу улкан ўзгариш туфайли Афродита ваъда қилган мукофот – соҳибжамол Еленани ҳам гўё унутиб юборгандай кўринарди. Лекин бир кун келиб Афродитанинг ўзи унга Еленани эслатди ва арзандаси Парисга ғоятда мухташам кема қуришда кўмаклашди. Кунлар ўтиб Парис Елена яшаб турган Спартага отланди. Приамнинг соҳибкаромат ўғли Хелен, бу қилмишининг оқибати сени ҳалокатга олиб боради, деб инисини қанча огохлантирмасин, Парис кулоқ солмади. У кемага чиқиб, ёрдўстлари билан олис сафарга равона бўлди. Парис кемасининг соҳилдан узоқлашаётганини кўрган Кассандра қўлларини кўкка чўзиб фарёд қилди:

– Фалокат! Муаззам Троянинг ва жамики трояликларнинг шўри қурийди энди! Кўриб турибман, муқаддас Илион аланга ичида, унинг маҳв этилган ўғлонлари қора қонларига беланиб, ерпарчин бўлиб ётурлар! Ана, хориждан келган ғанимлар троялик хотин, қизларимизни оху зорлари, дод-фарёдларига қарамай, асира айлаб ҳайдаб кетмоқдалар!

Каромат соҳибаси Кассандра шундай нола қиларди, аммо унинг бу кароматига ҳам ҳеч ким парво қилмади. Ҳеч ким Парисни тўхтатиб қолишни ўйламади ҳам.

Парис эса ҳамон бепоен денгизда сузгандан сузиб борар эди. Ҳатто, кўтарилган мудҳиш тўфон ҳам уни йўлидан тўхтатолмади. У бадавлат Фтия элидан, бўлажак душманлари яшаб турган Саламин ва Микена ёнидан ўтиб, ниҳоят Лакония соҳилига етди. Парис Эврот дарёсининг денгизга қуйилиш жойида лангар ташлаб, қадрдон дўсти Эней билан соҳилга тушди ва ҳеч қандай ёвуз нияти бўлмаган меҳмон сифатида шоҳ Менелай қасрига йўл олди.

Парис билан Энейни шоҳ очик чехра билан кутиб олди. У азиз меҳмонлар шарафига анвойи ноз-неъматлар тўла дастурхон тузади. Мазкур зиёфат пайтида Парис биринчи марта гўзал Еленанинг жамолини кўришга мушарраф бўлди ва унинг илоҳий хуснига маҳлиё бўлиб қолди.

Елена ҳам Парис хуснининг асири бўлиб қолган эди: шарқона серҳашам либос кийган Париснинг жамоли мафтункор эди. Орадан бир

неча кун ўтди. Бу пайтда Менелай зудлик билан Крит оролига жўнаши лозим бўлиб қолди. У жўнаб кетатуриб, хотини Еленага: «Сен меҳмонларга яхши қара, ҳеч бир нимадан сиқилмасинлар», – деб тайинлади. Зеро, у меҳмонларнинг қора ниятидан буткул беҳабар эди.

Менелай жўнаб кетган заҳоти, Парис фурсатдан фойдаланишга аҳд қилди. У Афродита кўмагида ширин-шакар сўзлар билан гўзал Еленани эрининг уйини тарк этиб, ўзи билан Трояга қочишга ундади. Елена ҳам Париснинг илтимосига рози бўлди. Шундан кейин Парис Еленани ўз кемасига хуфиёна олиб чиқди; у меҳмондўст Менелайнинг хотинини, у билан бирга бутун хазинасини ҳам ўғирлаб олиб кетди. Елена Парисга бўлган муҳаббати туфайли эрини ҳам, кадрдон Спарта шаҳрини ҳам, қизи Ҳермионани ҳам унутиб юборган эди.

Мана, Париснинг беҳисоб бой ўлжалар ортилган кемаси Эврот дарёси этагидан кенг денгизга сузиб чиқади. Кема тўлқинлар тўшини тилиб, ортга, Троя соҳили томон елдек учади. Севинчдан Париснинг боши кўкка етган эди, зеро, жаҳонда энг соҳибжамол аёл – Елена у билан бирга кетаётган эди. Кема поёни йўқ очиқ денгизда сузиб кетаётганида бирдан уни қудратли денгиз тангриси Нерей тўхтатади. У денгиз қаъридан сузиб чиқиб, Париснинг ҳам, бутун Троянинг ҳам ҳалокатга учрашини башорат қилади. Парис билан Елена бу башоратдан қаттиқ хижолат тортадилар. Бироқ Афродита ёшларга тасалли беради ва бу мудҳиш кароматни унутишга мажбур этади. Кема сокин уммонда, Афродита паноҳида яна уч кун тўхтовсиз сузади. Боди мурод мадади билан кема, ниҳоят, эсон-омон Троя соҳилига етиб келиб, лангар ташлайди.



МЕНЕЛАЙ ТРОЯГА ҚАРШИ ЖАНГГА ШАЙЛАНАДИ



Елена хиёнаткор Париснинг макрига учиб, Менелай қасрини тарк этган ҳамано, тангрилар ўз даракчилари Иридани Менелай ҳузурига йўлладилар. Ирида ҳам Олимпдан парвоз этиб, ҳарир қанотларида кўз очиб-юмгунча Менелай истиқболига етиб борди ва унинг бошига оғир мусибат тушганини хабар қилди. Менелай дарҳол юрти Спартага қайтиб келди. Еленанинг бевафолик қилганини ва хазинасидан беҳисоб бойликларни ўғирлаб кетилганини кўрган Менелай қаттиқ дарғазаб бўлди. У зудлик билан оғаси Агамемнон ҳузурига йўл олди ва хиёнаткор, кўрнамак Парисдан қандай ўч олиш керак, деб ундан маслаҳат сўради. Агамемнон инисига бир вақтлар унга кўмаклашишга онт ичган қаҳрамонларни йиғишни ва улар билан биргаликда Трояга қарши юриш қилишни маслаҳат берди.

Менелай оғасининг маслахатига кириб, у билан биргаликда юнон қахрамонларини жамлашга киришди: улар биринчи навбатда Пилосга, мўйсафид шоҳ Нестор хузурига равона бўлдилар.

Қария Нестор энг донишманд юнонлардан эди. У жуда узоқ умр кечирган, жуда кўп ҳарбий юришларга қатнашганди. Унинг жанговар ишлардаги тажрибаси бениҳоя катта эди. Нестор қахрамонларнинг учинчи авлоди билан ҳамзамон бўлиб яшаб турганди.

Нестор оға-ини қахрамонларни очиқ чехра билан қарши олди. Рўй берган воқеани эшитиб, Парисдан қаттиқ ранжиди. У ўз ўғиллари Фразимед ва Антилох билан биргаликда Трояга қарши уюштириладиган юришда қатнашишга аҳд қилди. Нестор Атрейзодалар билан бутун Юнонистонни айланиб, барча қахрамонларни Трояга қарши юришга даъват этмоқчи бўлди.

Юнон қахрамонларининг кўпчилиги бу юришда қатнашишга рози бўлдилар. Баъзилари қасам ичганлари учун қатнашишга розилик билдиришган бўлса, бошқалари жанговар жасорат кўрсатиш иштиёқида йўлга отланишди. Жумладан, бузург Тидейнинг ўғли Аргос шоҳи Диомед; Эвбея шохининг донишманд ўғли Паламед; Миноснинг иқтидорли набираси, Крит шоҳи Идомей; Ҳераклнинг дўсти Филоктет (Ҳеракл ўлими олдидан ўз ёни ўқларини унга ҳадя қилган эдики, коҳинларнинг башорат қилишича, бу ўқларсиз Трояни забт этиб бўлмас экан), шунингдек, икки Аякс – Ҳераклнинг дўсти Теламоннинг паҳлавон ўғли, Саламин шоҳи, қахрамонлар орасида куч-қудратда қиёси йўқ Аякс билан ботир Оилейнинг ўғли локридалик Аякс ва яна жуда кўп мардимайдонлар Троя юришида қатнашишга аҳд қилдилар. Энди Итака шоҳи кув Лаэртзода Одиссейни ҳам бу ҳарбий юришга жалб этиши лозим эди. Лекин Одиссей жонажон юрти Итакани тарк этишни истамасди. Зеро, у яқингинада соҳибжамол Пенелопага уйланган ва ўғил кўриб, унга Телемах деб исм қўйган эди. Менелай, Агамемнон, Нестор ва Паламедларнинг Итакага келгани дарагини эшитган айёр Одиссей уларга ўзини жинни қилиб кўрсатмоқчи бўлди: хўкиз билан эшакни қўшга қўшиб, далага чиқди ва ерни шудгор қилиб, дон ўрнига туз сепи бошлади. Одиссейнинг айёрлик қилаётганини биринчи бўлиб Паламед пайқаб қолди ва йўргакланган Телемахни олиб бориб, Одиссей ер ҳайдаб келаётган эгатга ётқизиб қўйди. Одиссей эгатда ётган ўғилчасини кўриб тўхтаб қолди. Унинг Итакада қолиш истаги қанчалик зўр бўлмасин, бу истагига ёлғиз фарзандини нобуд қилиб эришишга ҳадди сиғмади. Одиссейнинг айёрлиги шу йўсинда фош бўлди. Оқибат, Одиссей жонажон юрти Итакани, хотини ва ўғлини ташлаб, жуда узоқ фурсатга Трояга жўнашга мажбур бўлди. Шу пайтдан бошлаб Одиссей Паламедни ёмон кўриб қолди ва шу қилмиши учун ундан, албатта, қасос олажагини дилига тугиб қўйди.

Трояга қарши уюштирилган юришга яна бир қахрамонни жалб этиш шарт эди. Бу подшо Пелей билан маъбуда Фетиданинг ўғли навқирон Ахилл (Ахиллес) эди. Соҳибқаромат Калхас Троя юришига Ахилл иштирок этган тақдирдагина, ул шахри азимни забт этишингиз мумкин, деб башорат қилган эди Атрейзодаларга. Фалак Ахиллесга мангу шон-шавкат бахш этган эди. У Троя остонасида жанг қиладиган қахрамонлар орасида энг буюги бўлиши керак эди.

Ахиллеснинг жасоратлари ғоятда улуг бўлади, аммо у Троядан тирик қайтмайди, у айни навқирон ёшида камон ўқидан ҳалок бўлиши керак. Маъбуда Фетида ўғлининг қисматига нималар ёзилганини яхши биларди. Шунга кўра, бу машъум қисматни даф этиш учун у астойдил ҳаракат қилди. Ахилл чақалоқлик чоғида унинг баданига муаттар анбар мойи суртиб, оловда тоблади. Оназор шу тарзда унинг баданини ўқ ўтмайдиган қилиб чиниқтирмоқчи ва уни боқий қилмоқчи бўлган эди. Лекин бир кун тунда Фетида Ахиллни тоблаш учун оловга қўйганида ногаҳон уйғониб кетган Пелей, жигарбандининг оловга ташланганини кўриб ҳайратга келади. У қаҳри қайнаб, шамширини яланғочлайди ва хотини Фетидага ташланади. Маъбуда бу таҳдиддан кўрқиб, Пелей қасридан қочади ва денгиз қаърида истиқомат қилувчи падари Нерейнинг қошонасида паноҳ топади. Шундан кейин Пелей ўғли Ахиллни ўз дўсти кентавр Хиронга тарбияга беради. Хирон Ахиллни айиқ мияси ва шер жигари билан боқади. Оқибат, Ахилл энг қудратли қахрамон бўлиб улғаяди. У олти ёшлик чоғидаёқ ваҳший арслонларни ва тўнғизларни маҳв эта бошлади, елдек учқур буғуларга този итларсиз ўзи қувиб ета оларди – Ахилл шунчалик чаққон ва тез югурар эди. Қурол ишлатишда ҳам Ахиллга тенг келадиган паҳлавон топилмасди. Хирон Ахиллга яна хушсадо кифара чалишни, ажойиб қўшиқлар куйлашни ҳам ўргатган эди. Фетида ҳам ўз фарзандини унутмади. У ўғли билан дийдор кўришмоқ учун бот-бот денгиз қаъридан чиқар ва ҳамиша унга ғамхўрлик қилар эди.

Ахилл улғайиб, ғоятда ўктам йигит бўлиб етилган бир пайтда, Менелай юнон паҳлавонларини Трояга қарши юришга даъват этмоқда, деган овоза бутун Юнонистонга тарқалди. Ўғлининг қисмати қандай хавф остида эканлигини тасаввур қилган Фетида, уни Аскирос оролига, шоҳ Ликомеднинг қасрига яширди. Ахилл аёллар либосини кийиб, ўша ерда шоҳ қизлари орасида яшаб юраверди. Унинг қаерга яширинганини ҳеч ким билмас эди. Лекин бу сирни Менелайга соҳибқаромат Калхас очди. Бундан огоҳ бўлган Одиссей билан Диомед дарҳол йўлга чиқдилар. Йўл-йўлакай Одиссей бир ҳийла ўйлаб топди. Улар Аскирос оролига етиб боришгач, икковлари савдогар қиёфасида Ликомед қасри сари йўл олдилар.

Улар шоҳ қизлари олдига ўзлари билан олиб келган турли-туман молларни: кимхобу шойи матолар, олтин маржонлар, тилла исирғалар, зарришта билан тикилган чойшабларни ёйиб ташладилар, бу моллар орасида яна шамшир, дубулға, қалқон, пойбанд ва совут ҳам бор эди. Шоҳ қизлари тилла такинчоклар, қимматбаҳо матолар тепасида уймалаша бошладилар. Ахилл эса жанг аслаҳаларидан кўзини узмасди. Шу чоқ бирдан кўчада жангга даъват этувчи бурғу ва қурол-яроғларнинг шарақ-шуруқи эшитилди. Диомед ва Одиссейнинг ҳамроҳлари атайлаб қиличларини қалқонга уриб, овоз чиқаришаётган эди. Шоҳ қизлари тўс-тўполондан кўрқиб, қийқирганча қочиб кетишди, Ахилл эса дарҳол кўлига қилич билан қалқонни олиб, душманлар томон отилди. У Ликомед қасрига ёв хужум қилди, деб ўйлаган эди. Одиссей билан Диомед Ахиллни шоҳ қизлари орасидан шу йўсинда таниб олган эдилар.

Ахилл Трояга қарши бошланган юришда иштирок этишга бажонидил рози бўлди. Садоқатли дўсти Патрокл билан донишманд қария Феникс ҳам у билан бирга сафарга кетишди. Пелей бир вақтлар маъбуда Фетидага уйланган пайтида худолар томонидан ўзига совға қилинган жанг анжомларини, шунингдек, Хирон тортиқ қилган найзани ўғлига тутқазди. Бундан ташқари, тангри Посейдоннинг тухфаси – арғумоқ отларни ҳам берди.



Юнон қахрамонлари юриш бошламоқчи бўлган Троя жуда азим ва қудратли шаҳар эди. Трояга Зевсзода Дардан билан Савр буржидаги етти юлдуздан бири – Электранинг эвараси Ил асос солган эди. Бир пайтлар Дардан Аркадиядан шоҳ Тевкрнинг хузурига меҳмон бўлиб келганида, Тевкр унга ўз қизини хотин қилиб берган ва мулкининг бир қисмини қизининг сепи сифатида тортиқ қилган эди. Дардан кейинчалик мана шу худудда Дардания шаҳрини барпо қилди. Трос Дарданнинг набираси, Ил эса Троснинг ўғли эди. Кунлардан бир кун Ил Фригияда паҳлавонлар мусобақасига қатнашиб, ҳамма қахрамонларни бирма-бир енгади. Ушбу музаффарияти эвазига Фригия шоҳи Илга эллик нафар йигит ва эллик нафар навниҳол қизни тортиқ қилади. Бундан ташқари, шоҳ унга бир таргил сигир ҳам беради-да, Илга шу сигир кетидан эргашиб кетаверишни ва у тўхтаган ерда шаҳар тиклашни амр этади. Фригия шохининг айтишича, соҳибкаромат коҳин, ўшал шаҳар улкан шон-шавкатга муяссар бўлмай, деб башорат қилганмиш. Ил шоҳ буюрганидек иш кўради. У сигир кетидан кетаверади. Сигир юриб-юриб, охири маъбуда Атэ тепалигида тўхтади. Ил ҳам мана шу тепаликни манзил айлаб, у ерда шаҳар тиклай бошлайди. У қўлларини кўкка чўзиб Зевсга илтижо қилади:

– Ё чакмоқдор худо, агар шу қилаётган ишим манзур бўлса, бирон илоҳий ишоранг билан менга фатво бер!

Эрталаб Илчодиридан чиқиш билан кўзи Афина-Палладанинг ёгочдан йўниб ясалган тасвирига тушади; бу санам бунёд этилгуси шаҳарнинг пушти-паноҳи бўлиши лозим эди. Шаҳар қурилиб битади; унга шоҳ Ил шаънига Илион деб от қўядилар. Ил подшоҳлик қилган даврда Троянинг тепаликдаги қисмигина девор билан ўралган эди; аммо шаҳарнинг тепа этагидаги қисми ихотасиз эди. Шаҳарнинг бу қисмидаги деворни худоларнинг амри билан Троя шоҳи Илзода Лаомедонтга хизмат қилгани келган Посейдон билан Аполлон кўтаради. Улар тиклаган девор метиндек мустаҳкам эди. Девордан фақат бир жойда – худоларга қўмаклашган Эак ишлаган жойдагина раҳна очиш мумкин эди.

Юнон қаҳрамонлари Трояга қарши юриш бошлаган пайтда бу ерда Илнинг набираси Приам хукмронлик қиларди. У гоятда бадавлат подшо эди. Унинг қасри ҳам, ўз хотини малика Ҳекуба билан истиқомат қилиб турган кошонаси ҳам бениҳоя ҳашаматли эди. Приам билан унинг элликта қизи ва куёви бирга яшардилар. Приамнинг ўғиллари орасида саховатли Ҳектор ўз диловарлиги ва қудрати билан бошқалардан ажралиб турар ва элга довруқ таратган эди.

Троя ниҳоятда қудратли шаҳар эди. Юнон қаҳрамонлари жанговар трояликларга қарши курашда ҳали кўп машаққат тортишлари лозим бўлади, ҳозир эса, трояликларни енгиб, шаҳарни забт этганларни беадад шон-шухрат, беҳисоб ўлжа кутарди.



ЮНОН ҚАҲРАМОНЛАРИ МИЗИЯДА



Жами юнон қаҳрамонлари ва уларнинг лашкарлари Трояга юриш-ни бошлаш олдидан Авлида бандаргоҳига тўпланишди. Денгиз соҳилига тўпланган бу қўшин юз минг кишилик бўлиб¹, улар 1186 та кемада Троя томон сузишлари керак эди. Сафарга жўнаш олдидан жами қўшинларнинг лашкарбошилари, буюк қаҳрамонлар худолар йўлига қурбонлик қилиб, улардан боди мурод баҳшида қилишни илтижо этмоқ учун асрий чинор кўланкасида меҳробга тўпландилар. Шу пайт бирдан меҳроблардан бирининг остидан ниҳоятда мудҳиш, худди қон сингари қип-қизил бир илон ўрмалаб чиқди. У баҳайбат гавдасини биланглатиб, чинорга чирмашиб, унинг қир учига чика бошлади. Дарахтнинг қир учига қуш уяси бўлиб, унда бир қуш саккизта полапонни қанотлари остига олиб ўтирарди. Кўз

¹ Бу ерда муболаға бор, зотан, ўша даврда ўша заминда бунча микдордаги қўшинни тўплашнинг иложи йўқ эди.

очиб-юмгунча вақт ўтмай бояги қизил илон қушни ва унинг саккизта по-лапонини ютиб юборди, лекин шу заҳоти ўзи ҳам тошга айланиб қолди. Бу ҳолни кузатиб турган саркардалар ханг-манг бўлдилар: улар худоларнинг бу белгиси маънисини тушунишга ожиз эдилар. Лекин пуркаромат қоҳин Калхас бу ишоранинг маънисини уларга изоҳлаб:

– Илон тўққизта қушни ютди, бинобарин, сизлар Троя шахрини тўққиз йил қамал қилиб жанг қилғайсиз, ўнинчи йилга ўтгандан кейингина, кўп машаққатлар чекиб, бисёр қурбонлар бериб, муаззам Трояни забт этгайсизлар, – деди.

Калхаснинг бу башоратини эшитган юнонлар суюниб кетишди. Бошлаган юришларининг оқибати хайрли тугашига умид боғлаб, кемаларни сувга туширишди... Кемалар бирин-кетин Авлида кўрфазидан жўнаб кета бошлади. Эшкакчилар баравар ҳаракат қилиб, эшкак эшдилар, шунда юнонларнинг кемалари қарвони Осиё соҳиллари томон ғизиллаб суза бошлади.

Юнонлар денгизда бир оз вақт сузишгач, Мизия соҳилига келиб тўхтадилар. Бу ерда Ҳераклнинг ўғли қахрамон Телеф салтанат юритар эди. Юнонлар, Трояга етиб келдик, деб ўйлаб, Телефнинг мулкани ғорат қила бошлашади. Телеф қўшин тўплаб, ўзи унга саркарда бўлади ва ўз давлатини муҳофаза қилгани урушга отилади. Қирғинбарот жанг бошланади.

Ахилл садоқатли дўсти Патрокл билан жангга киради. Патрокл жароҳатланади, бироқ жароҳатга парво қилмай, Ахилл билан елкама-елка мардона жанг қилади.

Ниҳоят, Ахилл кўп машаққатлар билан Телеф қўшинини чекинишга мажбур этади.

Телеф тун қоронғисидан фойдаланиб, жанггоҳдан қочиш ва ўз шахрига кириб, яшириниш имконига эга бўлади. Эртаси куни тонготар пайтда юнонлар ҳалок бўлган жангчилар жасадини йиға бошлайдилар, шундагина улар ўзларининг трояликлар билан эмас, мизияликлар – Ҳераклнинг ўғли шоҳ Телефнинг фуқароси билан жанг қилганларини пайқаб қоладилар.

Юнонлар қаттиқ ўқинадилар, чунки улар ғаним билан эмас, балки ўз мутгафиқлари билан олишган эдилар. Кейин юнонлар Телеф билан сулҳ тузадилар, шоҳ уларга кўмаклашишга сўз беради. Лекин Трояга қарши юриш қилишдан у бош тортади: Телеф шоҳ Приамнинг қизига уйланган эди.

Юнонлар жангда ҳалок бўлганларни дафн қилгач, Мизияни тарк этишади ва Троя соҳиллари томон сузиб кетишади. Бироқ улар очиқ денгизга чиқишганида ғоятда мудҳиш тўфонга дуч келишади. Маҳобатли тўлқинлар тоғ баравар кўтарилиб, кемаларга таҳдид солади. Бу тўфон кемаларни енгил пайраҳалардек ҳар ёққа улоқтиради. Юнонлар йўлдан адашадилар.

Улар узоқ вақт денгизда санкиб сузиб юриб, ахири Авлидага қайтиб келдилар. Юнон кемалари яқингинада ўзлари тарк этган кўрфазга биринкетин сузиб кира бошлайди. Уларнинг биринчи сафари муваффақиятсиз чиққан эди.

ЮНОНЛАР АВЛИДАДА

*Еврипиднинг «Цифелия Авлидада» трагедияси
бўйича баён қилинади*

Барча кемалар Авлидага йиғилгач, юнонлар уларни соҳилга тортиб чиқаришади. Авлида қирғоғида ғоят улкан ҳарбий қароргоҳ вужудга келади. Кўпчилик юнонлар Авлидада қолишни истамай, уй-уйларига жўнаб кетадилар. Бутун кўшиннинг олий саркардаси шоҳ Агамемнон ҳам Авлидани тарк этади. Трояга қарши яна қачон юриш бошланишини ҳеч ким билмас эди. Юнонлар энди нима қилишсин? Уларга Троя соҳилига бошлаб борадиган йўл кўрсатувчи керак эди. Бу йўлни фақат Телеф биларди. Таассуфки, юнонлар яқинда Телефнинг қўшини билан жанг қилган пайтда, Ахилл уни сонидан жароҳатлаганди. Телеф жароҳатни даволашга роса уринади, лекин ҳеч қандай наф бўлмайди. Яра тобора қаттикроқ оғриб, унга азоб бераверади. Ниҳоят, оғриққа ортиқ бардош бера олмаган Телеф Дельфага равона бўлади, у ерда Аполлоннинг башоратгоҳига кириб, нима қилсам дардимга даво топаман, деб сўрайди. Пифия унга ғойибдан хабар бериб, сени ким жароҳатлаган бўлса, фақат ўша одам муолажа қилиши мумкин, деб жавоб қилади. Шунда Телеф эгнига жулдур-жулдур кийим кийиб, қўлтиктаёққа таяниб, бир гадо қиёфасида Микенага, Агамемноннинг саройига боради: у Микена шоҳидан, Ахиллни ярамни даволашга кўндир, деб илтимос қилмоқчи эди. Бу ерда Телефни шоҳдан олдин унинг хотини Клитемнестра кўриб қолади. Телеф ўз дардини маликага изҳор қилади. Клитемнестра Телефга:

– Ҳозир бу ерга Агамемнон киради, у кириши билан сен бешикда ётган ўғилчамиз Орестни олу тўғри анави қурбонгоҳга югуриб бориб, Агамемнонга, агар жароҳатимни даволашда менга ёрдам бермасанг, ҳозир ўғлинг Орестнинг бошини қурбонгоҳга уриб мажақлаб ташлайман, деб дағдага қил, – деб маслаҳат беради.

Телеф Клитемнестра айтгандай иш тутади. Агамемнон, Телеф ҳозир ўғлимни ўлдириб қўяди, деб хавотирланади ва унга кўмаклашишга бажонидил сўз беради, чунки Трояга борадиган йўлни юнонларга фақат шу Телеф кўрсатиши мумкинлигини у яхши биларди. Агамемнон одам юборади.

– Табибликдан беҳабар бўлсам, қандай қилиб Телефнинг жароҳатини даволайман, ҳайронман, – дейди таажжубда қолган Ахилл.

Лекин қаҳрамонлар ичида энг донишманди бўлган Одиссей Ахиллга шундай маслаҳат беради:

– Бунинг йўли осон: Телефни жароҳатлаган ўша найзангнинг учига темир пайкондан кириб олиб, ярага сепасан.

Ахилл шу заҳоти найзасининг темир пайконида кукуни кириб олиб, Телефонинг жароҳатига сепасан, жароҳат зумда битиб, бемор дард кўрмагандай бўлиб кетади. Қувончдан боши осмонга етган Телефон юнонларни, бу яхшиликлари эвазига, Троя соҳилига кузатиб боришга розилик беради. Бироқ юнонлар Авлидадан ҳеч сузиб чиқиб кета олмадилар: боди мурод эсмай қўйган эди, зеро, маъбуда Артемида муқаддас оҳусини ўлдириб қўйган Агамемнондан дарғазаб бўлиб, унинг кемаларига тескари шамол йўллаган эди. Қаҳрамонлар боди мурод эсишини узоқ кутишади, аммо шамолнинг йўналиши сира ўзгармайди. Қароргоҳда касалликлар тарқалади, лашкарлар орасида норозиликлар пайдо бўла бошлайди. Уларнинг исён кўтариши хавфи ҳам туғила бошлайди. Ниҳоят, коҳин Калхас юнон саркардаларига шундай деб юзланади:

– Маъбуда Артемиданинг кўнглини юмшатиш учун бирдан-бир йўл – Агамемноннинг гўзал қизи Ифигенияни унга бахшида этиб қурбонлик қилишдир, шундагина маъбуда бизга раҳм қилгай.

Авлидага қайтиб келган Агамемнон бу машъум башоратни эшитиб ғамга ботади. У кизини ўлимдан асраб қолиш учун ҳатто Трояга юриш қилишдан воз кечишга ҳам тайёр эди. Лекин Менелай, Артемиданинг хоҳишига итоат этмоқ лозим деб, акасига узоқ гап уқдиради: ниҳоят, Агамемнон укасининг илтимосига амал қилиб, Микенага, ўз хотини Клитемнестра қошига чопар юборади. Чопар асосий сабабни яширган ҳолда, Клитемнестрага Агамемноннинг амрини, яъни Ахилл жангга кириш олдидан Ифигения билан никоҳ ўқитмоқчи, шул боисдан Клитемнестра қизини Авлидага бошлаб келмоғи лозим, деган фармонни етказди... Агамемнон Микенага элчи юборишга юборади-ю, кизига яна ҳам қаттиқроқ юраги ачиша бошлайди. У ҳеч кимга сездирмасдан Клитемнестранинг олдига яна бир чопар юборади: бу чопар бориб унинг хотинига Ифигенияни Авлидага олиб келмасликни хабар қилиши керак эди. Лекин бу чопарни Менелай тутиб йўлдан қайтаради. Унинг ғазаби қайнайди ва акасининг олдига келиб, умумжамоа ишига хиёнат қилмоқчи бўлибсан-да, деб уни қаттиқ қийин бошлайди. Бу таъна-маломат замирида ака-ука ўртасида қизғин мувоҳаса бошланади. Бу баҳсни чодирга кириб келган чопар бўлади. У Клитемнестранинг юнонлар қароргоҳига етиб келганини ҳамда қизи Ифигения ва ўғилчаси Орест билан қароргоҳ яқинида чашма бўйида манзил қурганини хабар қилади.

Агамемноннинг руҳи бутунлай тушиб кетади. Наҳотки, унинг пешонасига энг суякли қизидан жудо бўлиш ёзилган бўлса, наҳотки, у ўз дилбан-

дини курбонлик қилгани Артемиданинг курбонгоҳига ўзи етаклаб борса? Акасининг қандай аччиқ изтироб чекаётганини кўрган Менелай ҳам энди бундай курбонликдан воз кечмоқчи бўлади. Лекин ҳали Калхас маъбуда Артемиданинг хоҳишини бутун қўшин олдида овоза қилиши муқаррар эди – буни Агамемнон биларди; ана унда хоҳласа-хоҳламаса, қўшин саркардани Ифигенияни курбон қилишга мажбур этарди. Ҳаттоки, Калхас маъбуданинг тилагини эълон қилмаган тақдирда ҳам, буни Одиссей албатта овоза қилади: ахир Артемиданинг хоҳишидан унинг ҳам хабари бор эди-да.

Вужудини каттиқ андуҳ қамраган Агамемнон хотини билан кизи истиқболига йўл олади. У ўзини хотиржам ва қувноқ қилиб кўрсатишга уринарди. Лекин Ифигения бир қарашдаёқ отасининг нимадандир каттиқ хафа эканлигини пайқади. У отасидан бу кайфият сабабини қанча суриштирмасин, Агамемнон қизига ҳеч нима айтмади. У хотини Клитемнестрага ҳам сирни очмади, фақат уни тезроқ уйга жўнаб кетишга ундай бошлади: Ифигениянинг курбонлик учун сўйилишига хотинининг шохид бўлишини истамас эди у. Ниҳоят, Агамемнон хотини билан қизини чодирда қолдириб, ўзи қоҳин Калхас қошига жўнади: у қоҳиндан, қизимни ўлимдан асраб қолишнинг ҳеч иложи йўқми, деб сўрамоқчи эди.

Агамемнон чодирдан чиқиб кетиши билан бу ерга Ахилл кириб келади... У Микена шоҳи билан учрашиб, ундан зудлик билан Трояга юришни бошлаш керак, деб талаб қилгани келган эди. Авлидада бекор ўтириш Ахиллеснинг жонига теккан, ундан ташқари, ўз қўл остидаги мирмидонлар орасида ҳам ғалаён кўтарилма бошлаган эди: улар ё жангга бораёлик, ё жавоб бер – уйимизга қайтайлик, деб талаб қилаётган эдилар.

Клитемнестра эрини сўраб келган қаҳрамоннинг кимлигини билгач, Ахиллга юзланиб, у билан қизининг қайлиғидек саломлашади. Ахилл бундан таажжуб қилади. Ахир у ҳеч қачон Агамемноннинг қизига оғиз солмаган эди-ку! Ахиллес Ифигенияга уйланишни хаёлига ҳам келтирмаганидан огоҳ бўлган Клитемнестра йигитга нима дейишни билмай, каттиқ хижолат бўлади. Шу воқеа устига кириб келган иккинчи чопар қул, Агамемнон Ифигенияни не мақсадда Авлидага чақиртирганини ошкор қилишга мажбур бўлади. Бу шум хабарни эшитган Клитемнестрани даҳшат чулғайди. Демак, у қизидан жудо бўлиши керак экан. Энди у кимга сиғиниб, кимдан мадад сўрасин? У Ахилл олдида тиз чўкиб, юм-юм йиғлаганча унинг тиззасини қучиб, онаси буюк Фетида ҳаққи, қизини муҳофаза қилишни илтижо қила бошлайди. Ахиллес Клитемнестранинг мушкул аҳволини кўриб, унга кўмаклашишга, Ифигенияни ҳимоя қилишга онт ичиб, совут кийиб, қуролланиб чодирдан чиқиб кетади. Шу аснода Агамемнон қайтиб келади. Шунда Клитемнестра фарзандини нобуд қилмоқчи бўлган эрига бутун ғазабини тўкиб солади.

Лекин Агамемнон хотинига нима ҳам деб жавоб қила оларди? Ахир у маъбуда Артемида йўлига қизини ўз ихтиёри билан қурбон қилаётгани йўқ-ку. Энди у нима ҳам қила оларди?

Шу маҳал лашкаргоҳда қаттиқ ғалаён кўтарилади. Ахиллес, менга хотинликка аталган қизни худо йўлига қурбон қилишларига йўл қўймайман, деб ҳайқиради. Саркардаларининг ҳайқириғини эшитган мирмидонлар уни тошбўрон қилмоқчи бўладилар. Бутун лашкар Одиссей бошчилигида Ифигения ўтирган чодир томон отилади. Лекин Ахилл кўлида шамшир ва қалқон билан чодирга кираверишда туриб олиб, сўнгги томчи қони қолгунча Ифигенияни муҳофаза қилмоқчи бўлади.

Айни шу пайт қонли жанг бошлашга шай лашкарларни бундай машъум ниятдан Ифигениянинг наъраси тўхтатади:

– Низони бас қилинглар! Мен ўз ихтиёрим билан умум иши учун бўйнимни қурбонлик пичоғига тутиб беришга тайёрман. Зевснинг муаз-зама қизи Артемиданинг хохишига монелик қилишни истамайман. Мени қурбонгоҳ меҳроби тепасига олиб боринглар! Токи юнон лашкарлари Трояни маҳв айлашгандан кейин, унинг харобалари менга қўйилган мангу ёдгорлик бўлиб қолсин!

Шунингдек, у Ахиллдан ҳам, унинг ёнини олиб, ўзаро жанг бошламасликни илтимос қилади. Ахилл Ифигенияга қаттиқ ачинган бўлса ҳам, унинг амрига итоат этади: холбуки, у омманинг эзгу иши учун ўз жонини қурбон қилишга қатъий аҳд қилган бу соҳибжамол қизни энди чин дилдан севиб қолган эди.

Мана, Ифигения маъбуда Артемида шаънига тикланган қурбонгоҳ томон хотиржам йўл олди. У беҳисоб лашкарлар сафи орасидан виқор ва салобат билан ўтиб бориб, қурбонгоҳ ёнида тўхтади. Агамемнон навнихол қизнинг нобуд бўлишини ўйлаб йиғлаб юборди ва унинг жон бераётганини кўрмаслик учун бошини ридоси билан буркаб олди. Ифигения қурбонгоҳ олдида бошини адл кўтариб, хотиржам турарди. Ҳамма, жарчи Тальфибия талабига кўра, чуқур сукутга чўмган эди. Мана, қохин Калхас қурбонлик учун ишлатиладиган пичоқни қинидан суғуриб, олтин саватга солиб қўйди. Қизнинг бошига гулчамбар кийдирдилар, одат бўйича қурбонликка бағишланган жонивор меҳроб сари олиб борилаётганда, унга шундай гулчамбар кийдирардилар. Шу маҳал лашкарлар сафидан Ахилл чиқиб келди. У бир кўлида муқаддас сув тўлдирилган кўза, иккинчи кўлига туз аралаштирилган қурбонлик унидан бир сиқим олиб, сувни Ифигения бошидан ҳам, қурбонгоҳга ҳам шакароб қилиб сепди, уни эса қизнинг бошидан сочди ва баланд овоз билан маъбуда Артемидага сиғиниб, юнон қўшинларининг Троя соҳилига бешикаст эсон-омон етиб боришларида ва душман устидан зафар қозонишларида мададкор бўлишини илтижо қилди. Калхас кўлига қурбонлик пичоғини олди. Ҳамма қимир этмай жим қолди.

Коҳин пичоқни Ифигениянинг бўтзига олиб борди. Мана, пичоқнинг дами кизнинг нафис бўйнига тегди ҳам... Бироқ киз жон талвасасида қурбонгоҳ пойига йиқилмади. Зеро, айна шу дам буюк бир мўъжиза содир бўлди. Маъбуда Артемида Ифигенияни ўғирлаб кетди, унинг ўрнида меҳроб пойида Калхаснинг пичоғидан қурбон бўлган оху жон талвасасида типирчилаб, бутун қурбонгоҳни ўз қонига бўяб ётарди. Бу мўъжизадан ҳайратда қолган жами қўшин бараварига қичқириб юборди. Бу ҳолдан суюниб кетган соҳибқаромат Калхас лашкарларга юзланиб баралла деди:

– Чақмоқдор Зевснинг муаззама қизи Артемиданинг биздан талаб қилган қурбонлиги мана шу эди! Суюнинг, юнонлар! Маъбуда бизга боди мурод йўллагай ва Троя устидан зафар кучишимизда мадакдор бўлгай.

Дарҳақиқат, Артемида бахш этган оху қурбонгоҳда куйдириб улгурилмасдан шамолнинг йўналиши ўзгариб, лашкарлар учун хайрли шамол уфурди. Юнонлар шошилинч равишда узоқ сафарга отлана бошладилар. Лашкаргоҳда шодлик ҳукм сураб эди. Агамемнон ҳам дарҳол ўз чодирига бориб, хотини Клитемнестрага юз берган мўъжизани баён қилди ва уни тезда Микенага қайтишга ундади.

Энди гапни маъбуда Артемидадан эшитинг. У қурбонгоҳдан Ифигенияни ўғирлаб, олис Тавридага олиб бориб қўйди. У ерда соҳибжамол Ифигения маъбуданинг қоҳинасига айланди.



ЮНОНЛАРНИНГ ТРОЯ СОҲИЛИ ТОМОН СУЗИБ БОРИШИ. ФИЛОКТЕТ



Софоклнинг «Филоктет» трагедияси бўйича баён қилинади

Юнонларнинг Трояга сафари хотиржам ўтди. Боди мурод тинмай эсиб турди. Кемалар денгиз тўшини тилиб, елдек учиб борардилар. Ана, Лемнос оролининг соҳили ҳам кўзга ташлана бошлади. Шу яқин ўртада овлоқ Хриса ороли бўлиши керак. Ўшал оролнинг пушти-паноҳи санам Хрисага атаб бу ерда бир вақтлар қурбонгоҳ қурилган эдики, юнонлар мазкур қурбонгоҳни топиб, санам ҳаққига у ерда қон чиқаришлари лозим эди. Қоҳинлар башорат қилишича, юнонлар Хриса оролида тўхтаб, у ерда қурбонликка жонлиқ сўйишган тақдирдагина Троя шахрини маҳв эта оларканлар. Бу оролда қурбонгоҳни буюк Ясон аргонавтлар билан олтин рангли терини қўлга киритиш учун олис Колхидага сузиб кетаётганида барпо этганди. Зевснинг буюк ўғлини Ҳеракл шоҳ Лаомедонтдан қасос олиш учун Трояга қарши юриш қилганида шу қурбонгоҳда қурбонлик қилганди. Троя сафарига чиққан юнонлар орасида ўшал қурбонгоҳ жойлашган ерни фақат бир киши – Ҳераклнинг содиқ дўсти Филоктет

биларди. У курбонгоҳни кўрсатишга рози бўлди. Саркардалар унинг орқасидан эргашдилар. Орол кимсасиз хувиллаб ётарди. Ҳамма ёқни чакалакзор қоплаган. Мана, ниҳоят, лашкарбошилар ярим харобага айланган курбонгоҳни кўриб, унга яқин бордилар. Шу чоқ бирдан буталар орасидан курбонгоҳни кўриқлаб ётган улкан бир илон ўрмалаб чиқиб, Филоктетнинг оёғини чақиб олди. Филоктет додлаб, гурс этиб ерга йиқилди. Ҳамма унинг тепасига ёрдамга югуриб борди, лекин улар кечиккан эдилар. Огу жароҳатга ўтган, оғрик чидаб бўлмас даражада қаттиқ эди, ундан тинимсиз бадбўй йиринг оқарди. Бахти қаро Филоктетнинг оху войлари кечаю кундуз юнонларнинг тинчини бузарди. Лашкарлар орасида норозилик бошланди. Филоктет жароҳатининг бадбўй ҳиди бутун оролни тутганди. Ниҳоят, саркардалар Одиссейнинг маслаҳатига кўра, Ҳераклнинг бахти қаро дўстини қирғоққа ташлаб кетишга қарор қилишди. Лемнос ороли ёнидан сузиб ўтишаётганда ухлаб ётган Филоктетни соҳилга олиб чиқиб, қоялар орасига ётқизиб, ёнига камони ва ўқларини, шунингдек, кийим-кечак ва озиқ-овқат қўйиб кетишди. Юнонлар бу қахрамонни шу алпозда кимсасиз соҳилга ташлаб кетдилар, ҳолбуки, унинг ўқларисиз Трояни забт этиб бўлмаслиги тақдири азалда ёзилган эди. Филоктет бу бўм-бўш соҳилда тўққиз йил азоб-уқубатда яшайди. Лекин ҳали шундай пайт келадикки, юнонларнинг ўзлари одам юбориб, ундан мадад сўрашга мажбур бўладилар. Бу Троя қамалининг ўнинчи йилида юз беради.

Юнонлар Филоктетни ташлагач, йўлда давом этишди ва, ниҳоят, Троя соҳилларига яқинлашиб келишди. Бу ерда эса уларни машаққатлар хавфхатару буюк жасоратлар кутмоқда эди.



ТРОЯ ҚАМАЛИНИНГ ДАСТЛАБКИ ТЎҚҚИЗ ЙИЛИ



*Антиқ давр адибларининг турли асарлари бўйича баён қилинади.
Талламеднини ўлими воқеаси Овидийнинг «Метаморфозалар» дostonи
бўйича баён қилинган*

Юнонлар узоқ давом этган сафар ниҳоясига етганидан ғоятда мамнун эдилар. Бироқ улар соҳилга яқин боргач, бу ерда кекса шоҳ Приамнинг муаззам ўғли Ҳектор бошчилигида трояликларнинг қудратли қўшинини кўрдилар. Қўшин келган ёвни жанг билан кутиб олишга шай турарди. Қандай қилиб соҳилга яқин бориб, кемалардан тушиш мумкин? Биринчи бўлиб соҳилга қадам қўйган одам ҳалок бўлишини ҳамма юнонлар билишарди. Шу боис улар соҳилга тушолмай тараддудда эдилар.

Юнонлар орасида Протесилай исмли навқирон, жасоратга ташна бир қахрамон йигит бор эди. Троя тупроғига биринчи бўлиб қадам қўйган

юнон ҳалок бўлишини у ҳам биларди. Бу башоратни Одиссей ҳам биларди. Мана шунда, қув Одиссей лашкарни ўз орқасидан эргаштириш, аммо айна пайтда, ўзи ўлмайд қолишнинг иложини топиб, соҳилга калкони ташлади ва чаққонлик билан шу қалқон устига сакраб тушди. Протесилай Одиссейнинг соҳилга биринчи бўлиб сакраб тушганини кўриб, юнонлардан бир киши Троя соҳилига қадам қўйди, деб ўйлади. Бироқ Одиссей Троя тупроғига эмас, ўзининг қалқонига оёқ қўйганини кўрмади. Уни жасорат кўрсатиш истаги чулғаб олганди. У барча нарса-ни: ватанини ҳам, гўзал хотини, навнихол Лаодамияни ҳам унутди. Протесилай кемадан сакраб тушиб, қиличини яланғочлаганча душман томон отилди. Лекин шу пайт Ҳектор салмоқдор найзасини қулочкашлаб отиб, навкирон йигитни маҳв этди. Биринчи бўлиб Троя соҳилини ўз қони билан ювган юнон шу Протесилай бўлди. Мана, юнонлар кемалардан сакраб тушиб, душман устига бостириб бордилар. Мудҳиш жанг қизиб кетди, трояликлар ларзага келишди ва орқага чекиниб, Троя қалъаси ичига яшириниб олишди.

Эртаси куни ҳалок бўлган лашкарларни жанг майдонидан йиғиб олиб дафн қилиш учун юнонлар билан трояликлар ўртасида вақтинчалик сулҳ тузилди.

Ҳалок бўлган барча жангчиларни дафн этгач, юнонлар истехком тиклашга киришдилар. Улар кемаларни сувдан чиқариб, Сигейон тоғидан то Ройтейон тоғигача бўлган масофада соҳил ёқалаб қароргоҳ барпо этдилар. Улар ўз қароргоҳларининг Трояга қараган томонини узундан-узун баланд девор ва чуқур зовур билан ихота қилдилар. Қароргоҳнинг икки чеккасига икки буюк пахлавон – Ахиллес билан Теламонзода Аякс чодир тикишди; улар трояликларнинг ҳаракатини шу ердан туриб кузатишлари ва юнонлар устига дабдурустан бостириб келишларига имкон бермасликлари лозим эди. Қароргоҳнинг қоқ ўртасида барча юнон лашкарларига олий саркарда этиб сайланган шох Агамемноннинг ҳашаматли чодир қад кўтарди. Бу чодир олдида жамоа йиғинларини ўтказадиган кенг майдон бор эди. Доно Одиссей ўз чодирини шу майдон ёнига ўрнатди: у қароргоҳда юз бераётган воқеалардан ҳамиша воқиф бўлиб туришни истарди. Илгари у Трояга қарши бошланган жанговар юришда қатнашишдан бош тортган эди, энди бўлса, трояликларнинг ашаддий душманига айланган ва икки гапнинг бирида, юнонлар нима қилиб бўлса ҳам Трояни забт этиб, қулини кўкка со-вуришлари керак, деб талаб қиларди.

Қароргоҳ тайёр бўлганидан кейин юнонлар музокара олиб бориш учун Трояга Менелай билан қув Одиссейни элчи қилиб юбордилар. Юнон элчиларини донишманд Антенор ўз қасрида қабул қилиб, улар шарафига катта зиёфат берди. Антенор сулҳ тузиш ва Менелайга унинг хотини Еленани бутун мол-дунёси билан қўшиб қайтариб бериш тарафдори эди. Шох

Приам элчилар келганидан хабар топиб, бутун шаҳар аҳлини улкан маъракага тўплади. Бу йиғинга Менелай билан Одиссей ҳам қатнашдилар. Менелай ўзининг трояликларга қарата айтган қисқагина, аммо эҳтиросли нуткида завжаси Еленани ва Парис у билан бирга ўғирлаб келган беҳисоб хазиналарини қайтариб беришларини талаб қилди. Менелайдан сўнг Одиссей сўз олди. Итака шоҳининг ғаройиб нутқи Троя аҳлини маҳдиё қилиб қўйди. У Менелай талабини қондириш ҳам қарз, ҳам фарз эканлигига трояликларни ишонтирди. Шундан сўнг Троя халқи Менелайнинг шартларини қабул қилишга рози бўлди. Қолаверса, соҳибжамол Еленанинг ўзи ҳам бемулоҳаза иш кўрганидан пушаймон бўлиб, Парисни деб эрининг уйидан қочиб кетганига афсуслана бошлаган эди. Бу ёқда Антенор ҳам Менелайнинг талабини қондириш кераклиги ҳақида бутун жамоага гап уқдира бошлади. У трояликлар билан юнонлар ўртасида бўладиган қирғин халқ бошига қандай офат келтиришини яхши тасаввур қилаётган эди. Аммо Приамнинг ўғиллари, биринчи навбатда Парис, юнонлар билан сулҳ тузишни истамасдилар. Парис халқ қарорига итоат этишдан бўйин товлайди, ака-укалари эса уни қўллаб-қувватлайдилар. Парисга сотилган Антимах эса, ҳатто, трояликларга юзланиб, шоҳ Менелайни тутиб олиб ўлдиришни талаб қила бошлайди. Лекин Приам билан Ҳектор бундай хиёнатга йўл қўйишмайди, улар чакмоқдор Зевс ҳимоясида бўлган элчиларни таҳқирлашга имкон бермайдилар.

Шу чоқ Троя элининг башоратчиси Приамзода Ҳелен ўртага чиқиб: «Тангрилар бизга мадад бермоқчилар, бинобарин, юнонлар билан бўладиган урушдан кўркманглар!» – деб айтади.

Халқ Ҳеленнинг башоратига ишонади. Шундай қилиб, юнон элчилари Троядан куруқ қайтадилар. Энди трояликлар билан юнонлар ўртасида энг мудҳиш қонли уруш бошланиши муқаррар эди.

Троя аҳли ўзининг метин деворли шаҳрига кириб яширинди, ҳатто, паҳлавон Ҳектор ҳам шаҳардан чиқишга журъат эта олмади. Юнонлар эса Трояни қамал қила бошладилар. Улар шаҳарга уч марта кетма-кет ҳужум қилдилар, лекин шаҳарни забт эта олишмади. Шунда юнонлар Троя атрофидаги шаҳар ва қишлоқларни ғорат қилишга ва Троя билан муттафиқ шаҳарларни забт этишга киришдилар. Юнонлар бу ғанимларига қарши ҳам куруқликдан, ҳам денгиз орқали ҳужум қилишарди. Ахиллес бу жанговар юришларда кўп жасоратлар кўрсатади. Юнонлар Генедос, Лесбос ороллари, Педас, Лирнесс ва бошқа шаҳарларни қўлга киритишди. Улар мамлакат ичидаги кўплаб шаҳарларни вайрон этишди. Ҳекторнинг қайнотаси, яъни Андромаханинг отаси шоҳ Эстион ҳукмронлик қилаётган Фивани ҳам забт этадилар. Ахилл бир куннинг ўзида Андромаханинг етита ака-укасини ҳамда отасини ўлдиради. Лекин Ахилл Эстионнинг жасадини таҳқирлашга журъат этмайди; у худолар газабидан кўркиб, жасад

устидан тупрок торгтиради¹. Андромаханинг онасини эса банди қилишиб, юнонлар қароргоҳига олиб кетадилар. Ахилл Фивадан ғоят бебаҳо ўлжа олиб қайтади. У Аполлоннинг кохини Хриснинг сохибжамол қизи Хрисеидани асир этиб олиб келади. Ўлжаларни бўлишиб олиш пайтида Хрис кизини юнонлар шоҳи Агамемнонга тортиқ қиладилар.

Тўққиз йиллик уруш мобайнида Троя аҳли кўп машаққатларни бошидан кечирди. Жуда кўп мард ўғлонларига аза тутди. Лекин урушнинг охирги, энг мусибатли ўнинчи йили ҳали олдинда эди. Ҳали энг даҳшатли фалокат – Троя ҳалокати бор эди.

Бу тўққиз йил мобайнида юнонлар ҳам кўп қийинчиликларга дуч келдилар. Кўп азамат қаҳрамонлар қатори донишманд Паламед ҳам ҳалок бўлди, бироқ у душман қўлида ўлмади. Уни қув Одиссей маҳв этди. Паламед юнонларга оқилона маслаҳатлар берар, бир эмас, бир неча марта бебаҳо хизматлар кўрсатган эди. Яраддорларнинг жароҳатларини, беморларни доривор гиёҳлар билан даволарди; у қароргоҳдан узокка сузиб кетган юнонлар коронғи кечаларда адашиб қолишмасин учун сохилга маёқ ҳам ўрнаган эди.

Юнонлар қаҳрамон Паламедни иззат қилишар ва унинг маслаҳатларига бажонидил қулоқ осишар эди. Шу боисдан Одиссейнинг унга ғайирлиги келарди. Бундан ташқари, Одиссей урушга бормаслик учун ўзини жинни қилиб кўрсатиб, найранг ишлатганида, айнан шу Паламед унинг найрангини фош қилган эдики, буни Одиссей ҳанузгача кўнглидан чиқариб ташламаганди; мана шу сабаблар Одиссейнинг Паламедга бўлган гаразини янаям оширди. Одиссей қандай қилиб Паламедни нобуд қилиш тўғрисида кўп вақтгача ўйлаб юрди. Ниҳоят, Паламеднинг урушни тарк этиб, уй-уйимизга кетайлик, деб юнонларга берган маслаҳати Одиссейнинг эсига тушиб, маккорона бир режа ўйлаб топди. У кечаси Паламеднинг чодирига бир қоп олтин яшириб қўйди ва: «Паламеднинг Трояни қамал қилишдан воз кечишга ундаётгани бежиз эмас, у Приамга сотилган, шунинг учун бизга бундай маслаҳат беряпти», – деб ҳаммага ўз фикрини уқдира бошлади. Юнонлар орасида Паламеддан норози бўлганлар ҳам оз эмас эди. Чунки, агар юнонлар Паламеднинг маслаҳатига киришса, Трояни забт этишганида қўлга киритишадиган улкан ўлжалардан куруқ қолган бўлардилар. Мана шу норози одамларнинг ҳаммаси Одиссейнинг иғвосига чиппачин ишонадилар. Паламеднинг хоинлигига кўпчилик юнонлар ишона бошлаганини кўрган Одиссей, унинг Приамга чинданам сотилганлигига ҳаммани ишонтириш учун ўзи Приам тилидан қилиб Паламед номига мактуб ёзади. Бу мактубда юнонларни ўз ватанларига қайтиб кетишга уна-

¹ Юнонларнинг эътиқодича, дафн этилмаган марҳумларнинг руҳи тоабат тиним билмай тентираб юрар экан. Шунинг учун, майитни дафн этмаслик майитга нисбатан энг оғир ҳақорат ҳисобланар экан.

таётгани эвазига Приам томонидан Паламедга юборилган олтин ҳақида гап борар эди. Одиссей бу мактубни фригиялик бир асирга тутқазиб, уни Приамга элтиб беришни буюради. Лекин у асир юнонлар қароргоҳидан чиқиши билан Одиссейнинг одамлари унга ташлаиб ўлдирадilar ва ёнидан чиққан мактубни олиб, дарҳол Агамемноннинг қошига равона бўладilar. Бу хабардан огоҳ бўлган Агамемнон зудлик билан барча саркардаларни ўз чодирига чақиради. Ҳамма гапдан ғофил Паламед ҳам бу ерга чақиртирилади. Одиссей шу ерда, кўпчилик олдида Паламедни хоинликда айблади. Паламед хоинлик қилишни хаёлига ҳам келтирмагани ҳақида қанча гапирмасин, ҳеч ким унинг гапларига қулоқ солмайди. Одиссей Паламеднинг хоинлигини исботлаш учун унинг чодирда тинтув ўтказишни таклиф қилади. Агамемноннинг фармони билан Паламеднинг чодирига юборилган одамлар у ердан бир қоп олтин топиб оладilar. Энди Паламеднинг сотқин эканлигига ҳеч кимда заррача шубҳа қолмаган эди. Паламед устидан суд бошланади; уни ўлимга ҳукм қиладилар. Шўрликни тошбўрон қилиб ўлдиришга қарор қиладилар. Бегуноҳ Паламедни занжирбанд этиб, денгиз соҳилига олиб борадилар. Бечора Паламед юнонларга юзланиб: «Менда гуноҳ йўқ, ўлдирманглар мени, бундай шармандаларча қатлга йўл қўйманглар», – деб қанча илтижо қилмасин, унинг ноласига ҳеч ким парво қилмайди.

Мана, мудҳиш қатл бошланди. Бироқ қотиллар Паламеднинг оғзидан на бир инграган, на бир ёлборган садо эшитдилар. Фақат жон бериш олди-дан у оҳиста пичирлаб:

– Шўринг курсин, ҳақиқат, сен менадан олдин нобуд бўлган экансан! – дея олди, холос.

Юнон қахрамонлари орасида энг олийжаноб, энг донишманд зот бўлган Паламед шундай деб оламдан кўз юмганди.

Кейинчалик юнонлар бу адолатсиз қотилликлари учун ҳали жуда қаттиқ изтироб чекадилар. Паламеднинг отаси – Эвбея шоҳи Навплий¹ улардан интиқом олади.

Агамемнон Паламедни наинки ўлимга ҳукм қилади, унинг руҳини ҳам мангу саргардон қилади. У Паламеднинг жасадини дафн этишларига рухсат бермайди, юнонлар жасадни ваҳший ҳайвонлар ва кузгунларга ем бўлсин, деб денгиз бўйида очиқ қолдиришади. Лекин қудратли пахлавон Теламонзода Аякс бундай таҳқирга йўл қўймайди. У Паламед жасадини барча расм-русумларга риоя этиб дафн қилади. Аякс Паламеднинг хоинлик қилганига ишонмас эди.

¹ Юнонлар Троядан қайтишаётганда Навплий қалбаки маёқ ёқади, натижада анча-мунча юнон кемалари ҳалокатга учрайди.



АХИЛЛ БИЛАН АГАМЕМНОН ЎРТАСИДАГИ НИЗО



Ҳомернинг «Олиада» достони бўйича баён қилинади

Бу юк муҳорабанинг ўнинчи йили бошланган эди. Бу йил бошида чўнгмерган тангри Аполлоннинг коҳини Хрис юнонлар қароргоҳига келади. У юнонларга, алалхусус, уларнинг саркардаларига ёлбориб, катта тўлов эвазига қизи Хрисеидани қайтариб беришларини илтимос қилади. Шунда бутун лашкар коҳиннинг улкан тўловини қабул қилиб, қизи Хрисеидани унга қайтариб беришга рози бўлади. Лекин шоҳ Агамемнон бу таклифдан дарғазаб бўлиб, Хрисга шундай дағдага қилади:

– Тезроқ жўнаб қол бу ердан, ҳой чол, иккинчи сени бу бандаргоҳда кўрмай; йўқса, адабингни бериб қўяман, тангри Аполлоннинг коҳини эканлигинга ҳам қараб ўтирмайман. Мен сенга Хрисеидани қайтариб бермайман. Қизинг энди умрбод асира бўлиб яшайди. Агар уйингга эсон-омон қайтиш ниятинг бўлса, жаҳлим чиқмасдан жўнаб қол бу ердан!

Хрис кўрқиб кетиб, юнонлар қароргоҳини тарк этади. У ғамгин бош эгиб, денгиз бўйига боради. Бу ерда у қўлларини кўкка чўзганча, Латонанинг бузург ўғли Аполлонга шундай сўзлар билан илтижо қилади:

– Ё, кумушкамон тангри! Садоқатли коҳинингнинг каломларига кулоқ сол! Камонингдан ўк ёғдириб, мени таҳқирлаган, ғамга солган юнонлардан интиқом ол!

Аполлон ўз коҳини Хриснинг зорини эшитади. У елкасига камони билан садоғини илиб, Олимпдан жадал югуриб туша бошлайди. У тушаётганида садоғидаги олтин ўқлар мудҳиш шарақлайди. Аполлон ғазабга тўлиб, юнонлар қароргоҳи томон чопади; унинг чеҳраси гўё зим-зиё тунга ўхшарди. У юнонлар манзилига елиб келиб, садоғидан ўқни олди-да, манзилни нишонга олди. Унинг қўлидаги камон чилласи даҳшатли даранглайди. Биринчи отилган ўқдан кейин юнонлар қароргоҳидаги лашкар бошига ўқ дўлдай ёғила бошлайди. Даҳшатли ўлат барчага бирдан қирон келтиради. Кўппаб юнонлар ҳалок бўлишади. Ҳамма ерда дафн гулханлари ёқилиб, жасадлар ёндирилади.

Мудҳиш ўлат тўққиз кун давом этади. Ўнинчи кунга ўтганда Ахилл, сармаъбуда Ҳеранинг маслаҳати билан, юнонларни кенгашга йиғади. Ҳамма йиғилади. Ахиллес ўрнидан туриб, қандай қилсак худоларнинг кўнглини юмшатишимиз мумкин бўларкин, деган маслаҳатни ўртага ташлайди ва Агамемнонга юзланиб бундай дейди:

– Атрейзода, юртимизга қайтиб кетишимизга тўғри келяпти. Кўряпсанки, уруш ва ўлат лашкаримизни тутдай тўкяпти. Лекин жўнашимиздан олдин биронта қошифқаромат фол очиб, қай рафторимиз

билан биз кумушкамон Аполлоннинг ғазабига дучор бўлганимизни сўзлаб берса бўларди.

Шундан кейин донишманд башоратчи Калхас ўрнидан туради. У олдин ҳам юнонларга кўп маротаба худоларнинг иродасини баён қилган эди.

– Чўнгмерган Аполлоннинг не боисдан ғазабга минганини мен айтиб беришим мумкин, – дейди фолбин Калхас. – Аммо шартим бор: Ахиллес, мени шоҳ Агамемноннинг қаҳридан муҳофаза қилишинг лозим.

Ахиллес, Аполлон ҳаққи, Калхасни ҳимоя қилишга сўз беради.

Шунда Калхас ўз башоратини баён қилади:

– Латонанинг бузург ўғли Аполлон шоҳ Агамемноннинг қилмишидан ғазабланмоқда. Зеро, шоҳ унинг коҳини Хрисни қаттиқ ҳақорат қилиб, қароргоҳдан ҳайдаб юборди, коҳиннинг ўз қизи учун тавсия қилган кимматбаҳо тўловни ҳам қабул қилмади. Энди биз тангрининг шафқатига мушарраф бўлишимиз учун қорақўз Хрисеидани отасига қайтариб беришимиз ва Аполлон йўлига юзта танани қурбонлик қилишимиз керак.

Бу гаплардан Агамемноннинг фиғони фалакка чиқди, лекин Хрисеидани отасига қайтармаса бўлмаслигини тушуниб, ниҳоят, бунга рози бўлади. Аммо бу қиз эвазига у саркардалардан бошқа музд талаб этади. Ахиллес унга гаразгўй муздпараст деб таъна қилади. Шунда Агамемнон ўзининг олий ҳукмдорлигини пеш қилиб, Хрис қизи учун Ахиллеснинг ёки Аякснинг, ё бўлмаса, Одиссейнинг муздини тортиб оламан, дея дағдаға қилади.

– Э, ҳаёсиз, маккор, мунча тамагирсан? – деб бақиради унга Ахиллес. – Таксимот пайтида бизларга теккан улушни тортиб олмоқчимисан? Ахир ҳеч қайсимиз ҳеч қачон сенчалик улкан улуш олмаганмиз-ку. Нима, биз бу ерга ўз нафимизни кўзлаб жанг қилгани келибмизми? Менелай билан сенга кўмаклашгани келганмиз бу жангтоҳга. Энди бўлса, улкан жасоратлар кўрсатиб топган ўлжамнинг бир қисмини тортиб олмоқчисан. Бундан кўра ўз ватаним Фтияга қайтиб кетганим афзал. Сенинг бу зайлда ўлжа ва бойликлар орттиришингни асло хоҳламайман.

– Майли, жўнаб қол ўша Фтиянгга! – деб бақиради Агамемнон Ахиллесга. – Барча саркардалар ичида мен учун энг манфури сенсан! Ёлғиз сен доим ғаламислик қиласан. Вале мен сенинг қаҳрингдан кўркмайман. Гапимни иккала қулоғинг билан яхшилаб эшитиб ол! Баски, тангри Аполлон ихтиёр қилган экан, Хрисеидани отасига қайтариб бераман. Лекин бунинг эвазига сенинг асиранг Брисеидани тортиб оламан. Токи мен билан баҳслашишдан, менга тенг келишдан ҳамма кўрксин!

Агамемноннинг бу пўписасини эшитган Ахиллес дарғазаб бўлиб кетади. У бош қўмондонга ҳамла қилиш мақсадида, ҳатто, шамширини гилофидан суғура бошлайди ҳам. Шу чоқ кимдир унинг сочини оҳиста силайди. Ахилл сесканиб ўгирилади ва чўчиб кетиб, ўзини орқага ташлайди. Унинг қаршисида чакмоқдор худонинг қизи Афина-Паллада ўзидан ўзга

хеч бир кимсанинг кўзига кўринмай турар эди. Бу маъбудани Зевснинг завжаси Ҳера юборган эди, зеро, Ахилл ҳам, Агамемнон ҳам бул сармаъбу-да учун бирдай азиз бўлиб, Ҳера на у, на бу қаҳрамоннинг ҳалок бўлишини истарди. Ахиллес шундай ҳаяжонли сўзлар билан маъбуда Афинага юзла-нади:

– Ё чакмоқдор Зевс кизи, нечун юксак Олимпдан бу ерга тушдинг? Наҳотки, Агамемноннинг кутураётганини ўз кўзинг билан кўриб, шаҳодат билдирмоқчи бўлсанг? Унинг бу мутакаббирлиги ҳадемай бошига етади!

– Йўк, қудратли Ахилл, – деб жавоб қилади шахло кўз Паллада, – мен бу ерга сени ҳовурингдан туширмак учун келдим. Шамширингни яланғочлашдан ўзингни тий, лекин тилингга эрк бериб, Агамемнонни хоҳлаганингча бўралаб сўкавер. Каломимга ишон: ҳадемай худди мана шу ерда, бугунги ранж эвазига бениҳоя кўп музд армуғон этгайлар сенга. Сен жаҳлингдан туш ва боқий худолар иродасига итоат эт.

Ахиллес худолар амрига итоат этиб, шамширини ғилофига солиб кўяди, шунда Афина яна Олимпга парвоз этади.

Ахилл эса, ғазабга миниб Агамемнонни, сен халқ офатисан, куёнюррак шаробхўр, кўппак, деб ҳақорат қила бошлайди. У кўлидаги салтанат таёқчасини ерга отиб юбориб, Агамемнонга шундай дейди:

– Онт ичиб айтаманки, ҳали бир кун келиб, бу муҳорабада сен мендан мадад сўрагайсан. Аммо ўшанда минг ялиниб ёлборсанг ҳам сенга кўмаклашмасмен.

Пилос оролининг донишманд шоҳи, қария Несторнинг довлашганларни яраштиришга уринишлари беҳуда кетади: Агамемнон Несторнинг насихатига кулоқ солмайди, Ахиллес ҳам ярашишни хоҳламайди. Пелейнинг бузург ўғлони Ахилл садоқатли дўсти Патрокл ҳамда мирмидонлик довюррак лашқари билан ўз чодирлари томон йўл олади. Унинг кўксиди ўзини ҳақорат қилган Агамемнонга нисбатан ғазаб ва нафрат туйғуси туғён уради.

Айни пайтда Агамемнон денгизга кема тушириб, унга тангри Аполлон учун аталган қурбонликларни ортишни ва дилбар қиз Хрисеидани ҳам кемага чиқариб, уни Фивага, ўз падари Хрисга олиб бориб топширишни амр этади. Елдек учқур кема қув Одиссей бошчилигида Фивага жўнайди. Қароргоҳда қолган юнонлар эса шоҳ Агамемноннинг фармони билан, тангри Аполлон шафқатига мушарраф бўлиш учун, унинг ҳаққига мўлқўл қурбонликлар қила бошлайдилар.

Агамемнон жўнатган кема поёнсиз денгизда қушдек учиб борарди. Ниҳоят, у Фива бандаргоҳига сузиб кирадию соҳилда тўхтаб, лангар ташлайди, юнонлар елканларни туширадидлар. Одиссей ўз сипоҳларига бош бўлиб кемадан тушади, соҳибжамол Хрисеидани отаси қошига етаклаб бориб, қарияга шундай илиқ сўзлар билан такаллум қилади:

– Эй, Аполлоннинг коҳини! Мен Агамемноннинг фармони билан сенга кизинг Хрисеидани қайтариб олиб келдим. Ундан ташқари, биз бу ерга ўзимиз билан яна юз бош буқа ҳам олиб келдикки, уларни бузург тангри Аполлон ҳаққига қурбонлик қилмоқчимиз, шояд бул амалларимиз ила Аполлоннинг кўнглида раҳм-шафқат уйғотсаг-у, у аҳли юнонни мудҳиш ўлат офатидан халос этса.

Жигаргўшасининг омон-эсон қайтиб келганидан қария Хриснинг кўнгли тоғдек кўтарилади ва қизини оталик меҳри билан бағрига босади. Шу заҳоти Аполлон йўлига қурбонлик қилишга киришадилар. Хрис эса новакандоз тангрига сиғиниб, шундай тавалло қилади:

– Ё кумушкамон тангри! Гапларимга кулоқ ос! Юнонлар бошига ёғдираётган фалокатларингга барҳам бер, уларни маккор ўлатдан халос эт!

Тангри Аполлон ўз коҳинининг илтижосини эшитиб, юнонлар қароргоҳида ҳукм сурган ўлатга барҳам беради. Хрис Аполлон йўлига қурбонлик қилгандан сўнг Фивада дабдабали зиёфат уюштирилади. Бу ерда юнонлар мириқиб вақтичоғлик қиладилар. Ёш йигитлар зиёфатда ўтирганларнинг қадахларига лиммо-лим қилиб май сунадилар. Аполлон шарафига айтилган улуғвор мадҳия баралла янграйди. Бу зиёфат кун ботгунга қадар давом этади. Эртаси кун тонг отганида, ухлаб ҳордиқ чиқарган Одиссей ва унинг сипоҳлари яна сафарга чиқиб, ўз қароргоҳлари томон сузадилар. Тангри Аполлон уларга боди мурод бахш этади. Кема тўлқинлар тўшини кесиб, мисоли чағалай уцади ва тез орада юнонлар қароргоҳига етиб келади. Бу ерда йигитлар кемани соҳилга чиқариб, ўз чодирлари томон йўл оладилар.

Одиссей Фивага жўнаган чогида Агамемнон Ахиллга айтган пўписасини амалга оширади. У жарчилари – Талфибий билан Эврибатни чорлаб, уларга Ахиллеснинг чодирига бориб, унинг музди – Брисеидани олиб келишни буюради. Элчилар Ахиллеснинг қароргоҳига оёқлари тортмайгина борадилар. Улар Ахилл ўз чодирини олдида чуқур ўйга ботиб ўтирганини кўрадилар. Улар қудратли қахрамоннинг ёнига борадилар-у, лекин хижолат бўлганларидан унга бир оғиз ҳам сўз айта олмайдилар. Шунда Пелейзоданинг ўзи гап бошлайди:

– Салом жарчилар. Биламан, сизларда айб йўқ, ҳаммасига ёлғиз Агамемнон айбдор. Сизлар Брисеидани олиб кетгани келгансиз. Дўстим Патрокл, буларга Брисеидани бериб юбор. Лекин шу йигитлар шохид бўлсинларки, юнонларни фалокатдан қутқариш учун мен керак бўладиган кун келади ҳали. Зотан, ақлдан озган Агамемнон юнонларни ҳалокатдан қутқаришга қодир эмас!

Ахилл аччиқ кўзёш тўкиб, ёр-дўстлари даврасини тарк этади ва хувиллаган соҳил томон йўл олади. Соҳилда у қўлларини денгиз томон чўзиб, баралла овоз билан маъбуда Фетидага бўзлаб илтижо қила бошлайди:

– Онажон, баски мени фоний банда этиб тукқан экансан, нечун Зевс мени шону шавкатимдан махрум қилмоқда? Шоҳ Агамемнон жангларда кўрсатган жасоратларим эвазига тухфа этилган муздимни тортиб олиб, мени қаттиқ таҳқирлади. Эшитяпсанми каломимни, онажон?

Маъбуда Фетида ўғли Ахиллеснинг ноласини эшитади. У тангри Нерейнинг денгиз қаъридаги мухташам қасрини тарк этиб, бевазн булут парчасидек кўпикли тўлкин сатҳига зудлик билан қалкиб чиқади. Фетида сохилга қадам кўяди ва суюкли ўғлони ёнига ўтириб, уни кучади.

– Нечун бўзлаб йиғламоқдасан, ўғлоним? – деб сўрайди у. – Дардингни сўзла менга.

Ахилл онасига, Агамемнон мени бутун эл олдида бадном қилди, деб айтади.

– Жон онажон, – деб ёлборади у маъбудага, – сен тезроқ Олимпга учиб, сарпадар Зевсдан илтижо қил: у Агамемнонни жазога тортсин. Зевс Троя кўшинига мадад берсину трояликлар юнонларни то бандаргоҳгача кувиб борсинлар. Шундагина Агамемнон мендек бағоят жасур жангчини таҳқирлаб аҳмоқлик қилганини тушунгай. Аминманки, она, Зевс илтимосингни ерда қолдирмагай. Гўдаклик чоғимда ўзинг менга сўзлаб берган эдинг: бир замонлар олимпик тангрилар Зевсни тахтдан ағдармоқчи бўлиб, уни кишанбанд қилишган экан. Шунда сен юзқўлли Бриарейни чақириб келиб, Зевсга улкан ёрдам кўрсатган экансан. Тангрилар бу баҳайбат хилқатнинг важоҳатини кўриб Зевсга қарши қўл кўтаришга журъат эта олмаган эканлар. Сен, она, бузург тангри чакмоқдор Зевсга шуларни эслат, шунда у илтимосингни эйтиборсиз қолдирмагай.

– О, суюкли ўғлоним! – дейди Фетида аччик кўзёш тўқаркан. – Пешонанг шунчалар шўр экан, сени нега ҳам туғдим? Ҳа, умринг қисқа сенинг, паймонанг тўлай деб қолган. Алалхусус, ҳозир сен барчадан фонийроқ ва бадбахтроксан! Яхши, мен мунаввар Олимпга парвоз қиламан, у ерда Зевсга ёлбориб мадад сўрайман. Сен эса унғача ўз чодирингда ўтириб тур, асло жангга кирма. Ҳозир Зевс Олимпда йўк: у занжилар юрти – Эфиопияга меҳмон бўлиб кетган. У қайтиб келганида, истиқболига чиқиб, оёғига бош уриб ёлбораман, шояд тавалломга кулоқ осса!

Фетида шундай деб, маҳзун ўғлини сохилда қолдириб, денгиз қаърига шўнғийди, Ахиллес ўзининг довьорак кўшини – мирмидонлар қароргоҳи томон йўл олади. Шу кундан бошлаб Ахиллес саркардалар анжуманига ҳам, жангга ҳам қатнашмай кўяди.

Орадан ўн бир кун ўтиб, ўн иккинчи кун тонг палласида маъбуда Фетида денгиз қаъридан чиқиб, мўйсафид туман билан бирга Олимпга кўтарилади. Бу ерда Зевснинг пойига йиқилиб, унинг тиззаларини сўл қўли билан кучади, ўнг қўлини чўзиб олампаноҳнинг соқолига теккизади¹.

¹ Қадимги юнон таомили бўйича ҳудоларга илтижо қилиш ишораси.

– Ё падари бузрукворимиз! – дейди Фетида. – Менга мадад бер, ўғлим учун интиком олай! Агар бир вақтлар сенга озми-кўпми яхшилиқ қилганимни эътироф этсанг, илтимосимни ерда қолдирма. То юнонлар ўғлим Ахиллес қошига ёрдам сўраб келишмагунча, то уни бузург қахрамон сифатида иззат-ҳурмат қилишмагунча, сен трояликларга зафар ато этавер.

Булуткувар Зевс узоқ вақт сукутга чўмиб ўтиради. Лекин Фетида унга қайта-қайта илтижо қилаверганидан кейин, чакмоқдор тангри чуқур хўрсиниб кўйиб шундай дейди:

– Билиб кўй, Фетида! Бу илтимосинг билан сен завжам Ҳеранинг ғазабини кўзга япсан, энди у жаврайвериб кулоқ-миямни ейди. Шундоқ ҳам у доим, жангда нукул трояликларга ён босяпсан, деб менга таъна қилгани-қилган. Бироқ, шунга қарамай, илтимосингни бажо айлағум. Мана, кўр, ваъдамнинг устидан чиқаман, деб ишора қиламан.

Зевс шундай деб қошларини мудҳишона чимиради, унинг бошидаги сочлари тиккаядию бутун Олимп ларзага келади. Фетиданинг кўнгли таскин топади. У дарҳол юксак Олимпдан парвоз этиб, денгиз қаърига шўнғийди.

Зевс эса, тангрилар зиёфатга йиғилган кўшк томон йўл олади. У кўшкка кириши билан барча тангрилар ўринларидан турадилар. Биронта ҳам тангри ё маъбуда сарпадарни ўтириб қарши олишга журъат эта олмайди. Тангрилар ва бандалар султони ўз олтин тахтига бориб ўтиргач, унга сармаъбуда Ҳера такаллум қилади. Чунки у маъбуда Фетиданинг эри ҳузурига келганини кўрган эди.

– Ё, маккор эр, – дейди Ҳера Зевсга, – боя қайси боқий илоҳа билан махфий кенгаш қурдинг? Сен ҳамиша ўз ният ва режаларингни мендан сир тутасан.

– Ҳера, – дейди Зевс завжасига, – менинг ўйу ниятларимни билишни ҳеч қачон хаёл қила кўрма. Билишинг лозим бўлган нарсаларни, шундоқ ҳам, барча боқийлардан олдин сен биласан, илло менинг барча сиру асрорларимни билишга уринма ҳам, суриштириб овора бўлма ҳам.

– Эй, булуткувар, – дейди унга Ҳера, – ўзинг биласан-ку, мен ҳеч қачон сенинг сирингни билишга уринмаганман. Сен ҳамиша барча масалани менсиз ҳал қиласан. Лекин бутун Фетида сени ўғли Ахилл учун юнонлардан ўч олишга кўндирмадимикин, деб кўрқаман. Биламан, сен Фетиданинг илтимосини бажариб, талайгина юнонларни қийратишга сўз бергансан.

Зевс Ҳерага ўқрайиб қарайди, хотинининг ҳамма нарсани кузатиши, суриштиришидан ғазабланади.

– Агар сени жазолашимни хоҳламасанг, – дейди у Ҳерага дағдаға қилиб, – каломларимга итоат этиб, жим ўтир.

Ҳера Зевснинг қаҳридан кўркиб, ўз олтин тахтида жимгина ўтиради. Бу можародан ўзга тангрилар ҳам чўчиб қолган эдилар. Шунда чўлоқ танг-

ри Ҳефест ўрнидан туради; у фоний бандалар туфайли можаро талашган падари билан волидасига танбеҳ беради.

– Эсингдами, она, – дейди Ҳефест, – бир вақтлар чакмоқдор отам сендан ғазабланганида, ёнингни олган эдим, шунда унинг қаҳри қайнаб, мени Олимпдан ерга улоқтирган эди.

Мана, Ҳефест қўлидаги қадахни обиҳаёт билан тўлдириб, уни Ҳерага узатади. Ҳера жилва ила қадахни қўлига олади. Шундан сўнг Ҳефест қадахларга жомдаги обиҳаёт шарбатидан тўлдириб, уларни бир чеккадан тангри ва маъбудаларга суна бошлайди. Аҳли само зиёфатгоҳда пилдираб юрган бу ланг Ҳефест устидан қаҳ-қаҳ уриб кулади. Яна тангрилар базмгоҳда кун ботиб, кеч киргунгача Аполлоннинг олтин кифараси ва соҳибжамол музаларнинг нафис куйлари жўрлигида мириқиб маишат қиладилар. Базм тугагач, барча тангрилар ўз кўшқларига тарқаладилар ва бутун Олимп саодатли уйкуга ғарқ бўлади.



АХЕЙ ЛАШКАРИНИНГ МАЖЛИСИ. ТЕРСИТ



Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Мунаввар Олимпда боқий худолар тинч ухлаб ётишибди. Юнонлар қароргоҳи ҳам, буюк Троя ҳам қаттиқ ғафлат уйкусида. Бироқ чакмоқдор Зевс хануз бедор; у таҳқирланган Ахиллес учун қандай қилиб ўч олишни ўйлайди. Ниҳоят, у Агамемнон ҳузурига қалбаки туш юборишга қарор қилади. У ғафлат тангрисини чақириб, шундай сўзлар билан уни Агамемноннинг чодирига жўнатади:

– Эй, боқийлару фонийларни чалғитувчи сохта туш, сен дарҳол учқур қанотларингни қоқиб, Агамемнон тепасига бор. Унга хабар қилгилки, юнон лашкарини жангга бошласин. Яна айтки, бу сафарги жангда у буюк Трояни забт этгай, зеро, Ҳера барча тангриларни Трояга кўмаклашмасликка кўндирди. Троя шаҳри ҳалокат ёқасида турипти, деб айт унга.

Ғафлат тангриси шамолдек «ғув» этиб учиб заминга тушади ва Агамемнон учун жуда эъзозли бўлган зот Нестор қиёфасига кириб, унинг боши узра туради-да, чакмоқдор тангри айтган ҳамма гапларни унинг қулоғига қуяди. Агамемнон уйғониб кетади, аммо ғафлат тангрисининг гаплари хануз қулоғи остида янграйверади. Микена шоҳи тўшакдан туриб шошапиша серҳашам либосларини кияди, олтиндан ясалган салтанат асосини қўлига олади ва сувдан чиқарилиб, бир текис тизилиб турган юнон кемалари томон равона бўлади. Бу пайт мунаввар тонг ёриша бошлаган эди. Агамемнон жарчиларни ёнига чақиради, уларга жар солиб бутун лашкарни халқ кенгашига чақиршни буюради. Микенанинг қудратли шоҳи бу

пайт барча саркардаларни қария Несторнинг кемаси пойига чақиртириб, уларга хобида чақмоқдор Зевс юборган туш тангрисидан неларни эшитганини сўзлаб беради.

Бу хабарни эшитган саркардалар жангга ҳозирлик кўра бошлайдилар. Лекин Агамемнон, бутун қўшинини Троя бўсағасига бошлаб боришдан олдин уни бир синаб кўрмоқчи, яъни лашкарига ватанга қайтиб кетишни таклиф қилмоқчи бўлади. Саркардалар маслаҳатлашиб ўтирган чоғда, сон-саноксиз жангчилар худди тоғлардаги горлардан гала-гала бўлиб учиб чикувчи боларилар сингари лашкаргоҳга тўп-тўп бўлиб кела бошлайдилар. Жарчилар бу оломон орасида елиб-югуриб, уларни зўр-базўр тинчитадилар. Нихоят, бутун эл жойлашиб ўтиради. Майдонга жимлик чўқади. Шунда биринчи бўлиб Агамемнон ўрнидан туради ва салтанат асосига сунянганча халққа мурожаат қилади. У мухорабанинг машаққатлари ҳақида, юнонларнинг Троя бўсағасида шунча вақтдан бери олиб борган жанглари бесамар бўлгани ҳақида сўзлайди.

– Назаримда, – дейди у, – метин деворли Трояни забт эта олмай, ватанимизга қуруқ қайтсак керак. Чамаси, худоларнинг ўзи ҳам юнонларнинг бу ердан қайтиб кетишини ихтиёр қилаётганга ўхшайдилар.

Лашкар Агамемноннинг нутқини тинглаб бўлади. Шунда бутун халқ Нот ва Эвр шамолларидан денгизда вужудга келадиган ўрқач-ўрқач тўлқинлар сингари бирдан оёққа қалқади. Ҳамма майдонни бошига кўтариб ҳайқирганча кемалар томон отилади. Бу югуриб бораётган сипоҳлар оёғи остида замин ларзага келади, паға-паға чанг-тўзон кўтарилади. Бутун қароргоҳни бакириқ-чакириқ босиб кетади. Ҳамма бирдай кемаларни сувга туширишга шошилади, бутун халқ ватанга қайтиш иштиёқида ёнади.

Лашкарнинг ҳайқириғи Олимпгача кўтарилади. Шунда Ҳера, бунақада юнонлар Трояни қамал қилишдан айниб қолишлари мумкин-ку, деб хавотирланиб, уларни чекиниш ниятидан қайтариш мақсадида, юнонлар қароргоҳига Афина-Палладани юборади. Афина қуюндек учиб бориб, Одиссей рўбарўсида намоён бўлади ва унга шундай такаллум қилади:

– Эй, Лаэртнинг жувонмард ўғлони, наҳотки, ҳаммангиз юртингизга қочишга жазм қилган бўлсангиз? Наҳотки, Приамни ва бутун Троя аҳлини хушнуд этиб, соҳибжамол Еленани уларга ташлаб кетмоқчи бўлсангиз? Яхшиси, сен тезроқ бориб лашкарга гап уқдир: Трояни тарк этмасин!

Маъбуданинг янгроқ овозини эшитган Одиссей дарҳол елкасидаги ридони ерга отиб, бандаргоҳ томон югуриб кетади. У йўлда Агамемнонга дуч келиб, ундан ҳукмдорлик ҳассасини сўраб олади ва дуч келган одамга – хоҳ у саркарда бўлсин, хоҳ оддий жангчи, – кемаларни сувга туширмасликни уқдиради, у барчани яна қароргоҳга, умумхалқ йиғинига даъват эта бошлайди. Кўпроқ шовқин солиб, тезроқ Троя соҳилини тарк этмоқчи бўлганларни эса Одиссей қўлидаги асо билан уради. Мана, бутун эл яна

майдон сари йўл олади. Оломон серқоя сохилга худди момақалди рокдек гумбурлаб уриладиган мангу беором денгиз тўлкинлари каби шовқин солиб келарди. Ниҳоят, ҳамма жой-жойига ўтириб жимиб қолади. Фақат оддий жангчи Терсит ҳамон тинмай бақирарди. Оддий жангчилар фикрини баён этадиган Терсит шоҳлару саркардаларни ҳамиша ёмонлагани-ёмонлаган эди. У, айниқса, Одиссей билан буюк қаҳрамон Ахиллесни ўлгудай ёмон кўрарди. Энди бўлса, бутун майдонни бошига кўтариб айюҳаннос солганча Агамемнонни бадном қилаётган эди.

– Агамемноннинг чодириси бизлар жангу жадалда қўлга киритган ўлжалар қалашиб ётибди, асиралари ҳам беҳисоб. Токай асир тушган бадавлат трояликлар учун тўланадиган талай-талай тўловларни у ўзига олади? Ахир ўша трояликларни биз – оддий жангчилар асир олганмиз-ку. Етар, биродарлар, тезроқ юртимизга қайтайлигу Троя бўсағасида Агамемноннинг ёлғиз ўзини қолдирайлик. Ана шундагина Атрейзоданинг кўзи очилади, шундагина биз, сипоҳлар, унга қанчалик садоқат билан мадад берганимизни тушунади.

Терсит Агамемнонга шундай маломат ёғдирарди. Кейин у Ахиллесни ҳам иродасиз деб таҳқирлай бошлади. Терситнинг шанғиллашини Одиссей эшитади ва унга яқин келиб дағдаға қилади:

– Хукмдорларни бадном қилишдан тилингни тий, аҳмоқ, ватанга қайтиш ҳақида оғиз ҳам оча кўрма! Биз бошлаган бу ишнинг нима билан тугашини ҳеч ким билмайди. Иккала қулоғингга яхшилаб қуйиб ол, бадбахт, айтган сўзимнинг устидан чиқмай қўймайман! Эшит, тентак, агар яна шоҳ Агамемнонни ёмонлаб, шанғилик қилгудек бўлсанг, ўша заҳоти сени тутиб, шир яланғоч қилиб ечинтирмасам ва дўппослаганча халқ мажлисидан қувиб, бандаргоҳгача қон йиғлатиб қувиб бормасам, майли, калламни танамдан жудо қилсинлар, майли, мени Телемахнинг отаси деб атамасинлар.

Одиссей шундай дағдаға қиларкан, қулочкашлаб туриб, қўлидаги хукмдорлик ҳассаси билан Терситнинг гарданига туширади. Қалтакнинг зарбидан Терситнинг кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетади. Елкаси моматалоқ бўлиб, конталашади. Ўзи кўрққанидан дағ-дағ қалтираб, икки букчайганча, кўз ёшларини кафти билан арта бошлайди. Оломон Терситнинг бу аҳволини кўриб хандон ташлаб қулади¹ ва шундай дейди:

– Одиссей жангтоҳда ҳам, маърақада ҳам кўп шавкатли жасоратлар кўрсатган. Аммо унинг бугунги қилмиши ғоят бекиёсдир. У бакироқ хангининг бошлаб адабини берди! Бу бадбахт бундан буён, Зевс арзандалари бўлган шоҳларни ёмонлашга журъат эта олмайди.

¹ Терситнинг устидан кулганлар ва Одиссейни кўкка кўтариб мақтаганлар барча юнонлар эмас, аслзода лашкарбошилар эди. Оддий жангчилар Терситга ачинишарди.

Шундан кейин Одиссей халққа мурожаат қилиб, оташин нутк сўзлайди, Афина-Паллада эса бу пайт чопар қиёфасига кириб, қахрамоннинг ёнида туради. Одиссей юнонларга Трояни камал қилишни давом эттириш лозимлигини уқдиради.

– Агар, – дейди у, – Трояни забт этмай уйлариңгизга қайтсангизлар, наинки Агамемнонни бадном қиласизлар, ўзлариңгиз ҳам эл олдида шармандаи шармисор бўласизлар. Наҳотки, нимжон гўдаклар ё тул хотинлар сингари кўрқоклик қилиб, жанггоҳдан қочсангизлар, наҳотки, қоҳин Калхасниңг сабр қилиш кераклиги ҳақидаги башоратини унутган бўлсангизлар? Наҳотки, Авлидада Зевс намоён қилган ишора ёдингиздан кўтарилган бўлса? Ахир юнонларга Трояни қўлга киритиш фақат камалниңг ўнинчи йили насиб этади, деб айтилган эди-ку.

Одиссей бу нутки билан барчаниңг қалбида жасоратга иштиёк уйғотади. Ахли юнон Одиссейниңг оташин нутқини баралла ҳайқириб маъқуллайди, бу ҳайқириқ бутун атрофдан янғроқ акс-садо бўлиб қайтади. Ниҳоят, мана, қария Нестор ўрнидан туради, шунда бутун жамоа яна сукутга чўмади. Нестор ҳам кетмасликни ва трояликлар билан жанг қилишни маслаҳат беради. У жанг пайтида қўшинларни қабилалар ва насабларга қараб сафлашни маслаҳат беради, шундай қилинса, жанг пайтида қабила қабилага, насаб насабга мадад бериши мумкинлигини айтади. Ана унда, қайси қабиланиңг саркардаси ёки сарбози кўрқоғу қайсиси довюрақ эканлиги, Троя ҳануз не сабабдан – худоларниңг хоҳиши биланми ё саркардаларниңг ношудлиги туфайлими – забт этила олинмагани ҳаммага ойдин бўлади-қолади, дейди. Агамемнон Несторниңг бу таклифини қабул қилади. У бутун лашкарга тушлик қилишни, сўнгра ҳаёт-мамот жангига ҳозирлик кўришни амр этади.

– Бу қақшатқич жангда, – дейди у, – бир лаҳза ҳам дам берилмайди, жангдан ўзини четга олганларниңг эса, шўри қурийд: уләр маҳв этилиб, жасадлари итлар билан кузғунларга ташланади.

Бутун лашкар олий саркарданиңг гапини маъқуллаб, шундай қаттиқ ҳайқирадики, бу ҳайқириқ тўфондан денгизда тоғ-тоғ кўтарилган тўлқинларниңг шовуллашига ўхшаб кетади. Ҳамма чодир-чодирига шошилади. Қароргоҳниңг ҳамма ерида гулханлар ёнади. Юнонлар жанг олдида қорин тўйдиришга киришадилар. Ҳар битта жангчи худо йўлига қурбонлик қилиб, қонли жанг пайтида жонини омон сақлашни тангриларидан илтижо қилади. Агамемнон бўлса, Зевс ҳаққига қурбонлик қилади. У қурбонгоҳ меҳроб атрофига машҳур қахрамонларни йиғиб, шуларниңг кўзи олдида семиз бир буқани қурбонликка сўйдиради ва Зевсниңг номи тилга олиб шундай илтижо қилади:

– Ё, сарпадар тангрим, менга зафар ато эт, метин деворли Троя шаҳрини ва шоҳ Приамниңг қасрини забт этишимда мададкор бўл, ўтиниб сўрайман

сендан, шу бугун то мунаввар куёш ғойиб бўлгунга қадар Ҳекторни ер билан яксон қилишимга имкон бер.

Бироқ чакмоқдор Зевс Агамемноннинг ноласини инобатга олмайди, зеро, у бугун Микена шохи – Агамемноннинг бошига бисёр мушкулликлар солишни кўзлаб қўйган эди. Курбонликка қорамол сўйилиб, худойи ош тановул қилиниб бўлгач, қария Нестор жами саркардаларга лашкарларни дарҳол жанггоҳ сари бошлашни амр этади.

Қўмондонлар ўз қўшинлари олдига шошилардилар. Жарчилар жангчиларни сафланишга баралла чакирадилар. Ҳар бир саркарда ўз қўшинини жанговар тартибда сафлаб, Троя девори томон бошлайди. Лашкарларнинг қадам ташлашидан ва от туёқларининг дўпиридан замин инграйди. Бугун Аскамандр водийсини қўшин босиб кетади. Ҳамма трояликлар билан жанг қилиш иштиёкида ёнади. Афина-Паллада қўшин орасида тинмай зир югуради. У жангчилар қалбига букилмас мардлик уфуриб, уларни жангга руҳлантиради. Ҳар бир қўшин олдида унинг қўмондони жангаробада борарди. Дахшатли вазоҳати билан чакмоқдор Зевсни эслатувчи шоҳ Агамемнон барча қўмондонлар ичида ажралиб турарди. Лашкарлар бир текис, саф-басаф бўлишиб, Троя томон кетиб борардилар.

МЕНЕЛАЙ БИЛАН ПАРИС ЯККАМА-ЯККА ЖАНГ ҚИЛАДИЛАР

Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Пангрилар даракчиси Ирида Олимпдан парвоз қилиб, заминга тушади ва Приамзода Полит қиёфасига кириб, юнонларнинг туман-туман қўшини Троя бўсағасига мўр-малахдек бостириб келаётгани ҳақида трояликларни огоҳ қилади. Ирида Трояга учиб тушганида бутун шаҳар аҳли халқ кенгашига йиғилган эди. Ҳектор бу хабарни эшитган заҳоти кенгашни тарқатиб юборади.

Троя аҳолиси ва уларнинг муттафиқлари жадал қуролланишиб, жанговар сафга тизила бошлайдилар. Мана, шаҳар қопқаси очилиб, ундан Троя ҳамда муттафиқларнинг қўшинлари бирин-кетин кенг майдонга чиқа бошлайдилар. Трояликлар кузда ва баҳорда осмондан учиб ўтувчи турналар галаси сингари баралла уввос солиб борардилар. Аммо юнонлар сукут сақлаган ҳолда жанггоҳга яқинлашиб келардилар. Лашкар пойидан кўтарилган чанг-тўзон бутун майдонни бурқаб олганди.

Мана, икки тараф қўшинлари бир-бирларига рўпара келадилар, лекин ҳали жанг бошлаганларича йўқ. Шу пайт Троя қўшини орасидан қоплон териси ёпинган Парис ўртага чиқади. У елкасига камон билан ўқ тўла

садоқ осиб олган, ёнбошида – ўткир шамшир, қўлида иккита найза бор эди. Парис юнон қахрамонларини яккама-якка жангга даъват этади. Шунда Менелай Парисни кўриб қоладию дарҳол жангаробасидан сакраб тушиб, ўртага отилиб чиқади. Менелай худди ўзи учун катта ўлжа топган шердек қувониб, Парис томон пешвоз бораверади. Соҳибжамол Еленани ўғирлагани учун Парисдан ўч олиши мумкинлигидан шод эди у.

Лекин Париснинг кўзи Менелайга тушадию юраги орқага тортиб кетади ва ўлимдан кўркиб, ёр-биродарлари орасига ўзини уради. Ҳектор инисининг бу қилмишини кўриб, унга маломат қила бошлайди.

– Сен кўрқокнинг фақат кўринишинг довурак экан, – дейди Ҳектор Парисга, – бутун авлодимизга иснод келтириб яшаганингдан кўра, ёруғ жаҳонга келмаганинг афзал эди. Эшитяпсанми, юнонлар масхара қилиб, устингдан кулишяпти? Сенинг довураклигинг фақат Менелайнинг хотинини ўғирлашгагина етдики, бу қилмишинг билан бутун Троянинг бошига бало орттирдинг! Яккама-якка жангга тушганингда ўзинг ўғирлаган Еленанинг эри қанақанги жангчи эканлигини билиб олардинг! О, Троя аҳли салгина журъатлироқ бўлганида борми, юрт бошига шундай бадбахтликларни солганинг учун сени аллақачон тошбўрон қилган бўларди.

– Ҳектор, мени койишга ҳақлисан, – дейди Парис, – лекин ранжима. Мен Менелай билан яккама-якка жанг қиламан. Фақат сен трояликларга амр эт, жангни бошламай турсинлар. Биз Менелай билан иккала қўшин олдида соҳибжамол Елена учун жанг қиламиз. Ғолиб чиққан, майли, Еленани ўз уйига олиб кетсин.

Ҳектор инисининг бу жавобини эшитиб, трояликлар сафи олдига чиқади ва жангни тўхтадию туришни буюради. Қўшин олдига чиққан Ҳекторни кўрган юнонлар уни ўққа тутишга шай эдилар. Баъзилар ҳалитдан унга тош ота бошлайдилар, лекин Агамемнон уларни тўхтадию, шундай дейди:

– Тўхтанг, аҳли юнон, тўхтанг, Ахей мардлари! Обдор дубулгали Ҳектор бизга бир калом айтмоқчига ўхшайди!

Ҳамма жим бўлади, шунда Ҳектор ўз иниси Париснинг Елена ҳақидаги баҳсини яккама-якка жангда ҳал этиш ниятида эканлигини овоза қилади.

Менелай унга шундай жавоб қилади:

– Менинг ҳам гапларимга қулоқ сол! Биз аллақачон бу қонли нифоққа барҳам беришимиз керак эди. Майли, Парис билан жанг қилайлик, қайси биримизнинг пешонамизга ўлим ёзилган бўлса, ўша ҳалок бўлсин. Сизлар эса, ажримдан сўнг ўзаро сулҳ тузинглар. Лекин даставвал худоларга атаб курбонлик қилайлик. Бу ерга қария Приамни чақиринглар: зеро, унинг ўғиллари маккор ва бербурд, шу боис бизнинг яккама-якка жангимиз олдидан икки тараф ўртасида тузилган сулҳ аҳдини бекаму кўст бажаришга шох Приамнинг ўзи қасам ичган.

Бундай таклифдан барча бирдай кувониб кетади. Шу заҳоти Ҳектор Приамни чақириб келгани Трояга чопар юборади.

Бу орада маъбуда Ирида Приамнинг соҳибжамол қизи Лаодика қиёфасига кириб, Еленанинг оромгоҳида намоён бўлади ва уни Аскей қопқаси устидаги минорага таклиф этади: троялик мўйсафидлар Парис билан Менелайнинг яккама-якка жангини кўргани Приам бошчилигида шу минорага йиғилган эдилар. Соҳибжамол Елена энг хушбичим либосини кийиб, икки жорияси кузатувида Ириданинг орқасидан эргашади. У кета туриб, ўзининг биринчи эрини, жонажон ватани Спартани ўйларкан, кўзлари ғилт-ғилт ёшга тўлади. Мана, троялик қариялар яқинлашиб келадиган Еленани кўришади. У хуснда шу қадар беқиёс эдики, чоллар унга маҳлиё бўлиб қоладилар ва бир-бирларига шундай каломлар айтадилар:

– Йўқ, бундай соҳибжамол аёлни деб шунча йилдан бери қонли жанг қилаётган юнонларни ҳам, трояликларни ҳам асло айбситаб бўлмайдим. Орий ростки, бу жувонни гўзалликда боқий маъбудаларга қиёс қилса бўлади. Лекин шундай бўлса ҳам, унинг ўз юрти – Юнонистонга кетгани маъқул, шундагина машъум ўлим хавфи ўзимизнинг ҳам, фарзандларимизнинг ҳам бошидан соқит бўлмай.

Бу пайт Приам келини Еленани ёнига чақириб олиб, минорадан кўриниб турган жанггоҳдаги юнон қаҳрамонлари ҳақида сўраб-суриштира бошлайди. Елена унга иқтидорли Агамемнонни, қув Одиссейни, Теламонзода Аяксни, Крит шоҳи Идомейларни танитади. Приам бу диловар ва жанговар қиёфали қаҳрамонларни кўриб ҳайратга келади. Шу маҳал бу ерга, Приам ҳузурига Ҳектор юборган чопарлар етиб келишади. Приам дарҳол ўрнидан туриб, жангаробага отларни кўшишни амр этади. Сўнг Аскей қопқасидан чиқиб, ўз қўшини олдига шамолдек учади.

Жанггоҳда Агамемнон билан Одиссей қария Приамни пешвоз келиб қарши оладилар. Бу пайт олимпик худолар йўлига қурбонлик қилиб бўлинган эди. Саркардалар, ичган қасамимизга содиқ қоламиз деб, онт ичадилар. Шунда шоҳ Приам Троя ва юнон лашкарига мурожаат қилади:

– Эй, Троянинг ва юнонларнинг диловар эрлари! Ҳозир мен муаззам Трояга жўнаб кетаман. Зеро, ўғлим Париснинг қудратли шоҳ Менелай билан яккама-якка жангини кузатишга менда мажол йўқ. Бу жангга кимнинг ажали етиши ёлғиз Зевсгагина аёндир.

Приам жанггоҳдан жўнаб кетади. Ҳектор билан Одиссей яккама-якка жанг учун жой ҳозирлашади, кейин дубулғага қуръа ташлаб, уни силкитишади: қуръа кимга чиқса, ўша биринчи бўлиб найза отиши керак эди. Қуръа Парисга чиқади.

Парис билан Менелай қуролланишиб, қўлларидаги залвар найзаларини ўйнатганча майдон ўртасига чиқишади. Уларнинг нигоҳлари мудҳиш чакнар, кўзларида адоватли нафрат алангаси лов-лов ёнар, икки рақиб

бир-бирига еб юборгудек ўкрайиб қарар эди. Мана, Парис кулочкашлаб туриб Менелайга найза отади. Найза паррон этиб бориб Атрейзоданинг маҳобатли қалқонига тегади, лекин уни теша олмайди. Найзанинг тиғи мис қопланган қалқон сиртига тегиб қайрилиб кетади. Шундан кейин Менелай баралла овоз билан Зевсга тавалло қилади:

– Ё бузург тангри, Парисдан ўч олишим учун менга мадад бер, токи бундан буён ҳеч бир кимса эзгу меҳмондўстлик одатига кўрнамаклик билан жавоб қайтаришга журъат эта олмасин!

Шундан кейин шоҳ Менелай кулочкашлаб туриб найзасини Париснинг қалқонига санчади. Найза қалқонни ҳам, Париснинг эгнидаги совутни ҳам тешиб ўтиб, либосини ҳам йиртиб юборади. Парис эпчиллик қилиб зарбага чап бера олгани учунгина жон сақлаб қолади. Шунда Менелай шамширини суғуриб олиб, уни Париснинг дубулғасига уради, лекин шамшир бу мудҳиш зарбдан тўрт бўлакка бўлиниб кетади. Шамширидан айрилиб қолган Менелай шитоб билан Парисга ташланади ва дубулғасидан чангаллаб олиб, уни юнон кўшини томон судрай бошлайди. У Парисни юнонлар сафланиб турган ерга судраб борган бўларди, аммо шу чоқ маъбуда Афродита ўз суюкли бандасига ёрдамга етиб келади. Менелай ерда чўзилиб ётган Парисни эндигина найза билан маҳв этмоқчи бўлганида, Афродита Парисни қора булутга буркаб, дарҳол Трояга олиб кетади. Менелай Парисни роса кидиради; у Троя кўшини орасида мисоли ўз ўлжасини ахтараётган ваҳший ҳайвондек изғийди, лекин уринишлари зое кетади: Приамзоданинг қаерга яширинганини ҳеч ким билмасди, ҳолбуки, барча трояликлар Парисни ўлгудек ёмон кўришарди. Ахири шоҳ Агамемнон баралла ҳайқириб дейди:

– Каломимга қулоқ солинг, аҳли Троя ва аҳли юнон! Ҳозир Менелайнинг зафар қозонганига ҳаммангиз шоҳид бўлдингиз. Бинобарин, энди бизга Еленани ҳам, Парис Менелайнинг уйидан ўғирлаб келган барча молу давлатни ҳам қайтарсинлар, қолаверса, шартлашганимиздек, бизга хирож ҳам тўлашлари керак.

Бироқ Агамемноннинг бу талаби жавобсиз қолди, зеро, уруш тугайдиган пайт ҳали етиб келмаган эди.



ПАНДАР ҚАСАМГА ХИЁНАТ ҚИЛАДИ.



ЖАНГ

Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Менелай билан Парис яккама-якка жангга жазм қилишган пайтда, боқий тангрилар Зевснинг шоҳсупасида базм қурадилар. Навнихол маъбуда Ҳеба қадахларга обиҳаёт суниб, худоларга улашарди. Худолар

сарбаланд Олимпда ишрат қилиб ўтириб, Трояни кузатар эдилар. Шу пайт Зевс Ҳеранинг жигига тегмоқчи бўлиб, мен энди трояликлар билан юнонлар ўртасида бораётган қонли нифокка барҳам бермоқчиман, чунки яккама-якка жангда Менелай ғолиб чиқди, дейди. Лекин маъбуда Ҳера Зевсдан Троя кўшини ичига жангчи маъбуда Афинани юборишни илтимос қилади: у трояликлардан бирон қаҳрамонни ичган қасамига хиёнат қилишга ундаши лозим эди. Чақмоқдор Зевс бу таклифга рози бўлади. Шунда маъбуда Афина порлоқ юлдуз қиёфасига кириб, дарҳол Олимпдан Троя сари учади ва тўғри Троя лашкари ичига бориб тушади. Буни кўриб трояликлар ҳайратга келадилар: бу худолар кўрсатган қандай нишона бўлди экан, деб бошлари қотади; яна мудҳиш кирғинбарот жанг бошланармикин ёхуд Зевс бу нишона билан икки ўртада сулҳ тузишга даъват этмоқчимикин? Бу пайт Афина бир жангчи қиёфасига кириб, машхур ёйандоз мерган Пандар олдига боради ва унинг камонидан ажалкаш ўқ отиб, Менелайни маҳв этишга кўндиради. Пандар кўлига камони билан битта ўткир ўқ олиб, Аполлондан мадад сўрайди. Таранг тортилган чилла даранглаб кетади, ўқ паррон этади, Менелай бу ўқдан ҳалок бўлиши аниқ эди, аммо Афина ўз вақтида ўқ йўналишини хиёл ўзгартириб юборади, натижада ўқ Менелай баданининг қўшқават совут билан тўсилган ерига бориб қадалади. Шунда ҳам ўқ совутни тешиб ўтиб, унинг баданини жароҳатлайди. Гарчи жароҳат оғир бўлмаса ҳам, Менелай жуда кўп қон йўқотади. Агамемнон жигари яраланганини кўриб, ваҳимага тушади. Лекин Менелай унга тасалли беради. Агамемнон дарҳол табиб Махаонни чақириб келишни буюради. Махаон жароҳатни кўздан кечириб, унга малҳам босади. Агамемнон билан ўзга қаҳрамонлар ярадор Менелай тепасида парвона бўлиб туришганида, у ёқда трояликлар ҳужумга ўтадилар. Шунда Агамемнон ўз кўшини сари отилади ва сарбозларни жангга руҳлантира бошлайди.

Кўшинлараро фақат саркардаларнинггина овозлари янграйди, лашкар чуқур сукутда жанггоҳга кириб боради. Аммо трояликлар ҳамма ёқни бошларига кўтариб бақириб-чақириб келардилар. Юнон лашкарига Афина-Паллада пешволик қилади, трояликларга эса бадқаҳр уруш худоси Арес сардор эди. Жанггоҳда қиличбозлик жанги бошланиб кетади. Бу жангда ғолибларнинг ҳайқириқлари ўлаётганларнинг оҳу нолалари билан омихта бўлиб кетади.

Юнонларнинг шиддатли ҳужумидан трояликлар чекина бошлайдилар, буни кўриб юнонлар янада кескинроқ ҳужумга ўтадилар. Троянинг пушти-паноҳи тангри Аполлоннинг қаҳри қайнаб кетади.

– Троялик мардлар, олға! Билингларки, юнонларнинг кўкси тошдан, баданлари метиндан эмас. Қаранглар, бугун бузург Ахилл жанггоҳда йўқ – у ҳамон ғазабидан тушмай ўз чодирда ўтирипти.

Ўйандоз тангри бу наъраси билан трояликларни жангга руҳлантириб юборди. Жанг янада шиддатлироқ тус олади. Жуда кўп қахрамонлар ҳалок бўлади. Бу томонда Афина-Паллада юнон лашкарини руҳлантирарди. Жангда у Тидейзода шоҳ Диамедга бемисл қувват ато этади. Сал вақт ўтмай, трояликлар ларзага келади.

Шу пайт машҳур ўйандоз Пандарнинг кўзи Диомедга тушади ва камонининг чилласини тортиб туриб, унга ўқ узади. Ўқ Диомеднинг елкасига ботади, унинг совути қип-қизил қонга бўялади. Пандар қийқириб юборади. У Диомеднинг оғир яраланганини айтиб, трояликларга бор овози билан далда бера бошлайди. Диомед эса, қахрамон Сфенелни чақириб, жароҳатдан ўқни тортиб олишни илтимос қилади. Сўнг баланд овозда Афина-Палладага тавалло қилиб, мени жароҳатлаган одамни махв этишимга имкон бер, дея ёлборади. Афина-Паллада Диомеднинг қаршисида намоён бўлади. У қахрамонга беназир қудрат ва бемисл жасорат ато этади. Кейин маъбуда Диомедга дадил жангга киришни, лекин боқий тангриларга хужум қилишдан ўзини тийишни амр этади. Диомед боқийлардан фақат маъбуда Афродитага найза билан ҳамла қилиши мумкин эди. Диомед жангга отилади, энди у енгил жароҳатланиш оқибатида бир кучига ўн куч қўшилган дарғазаб шерни эслатарди.

Диомеднинг қахру ғазаб билан жанг қилаётганини кўриб қолган қахрамон Эней дарҳол трояликлар сафини оралаб, Пандарни қидиришга тушади. Эней Пандарни топади ва уни Диомедга хужум қилишга ундайди. Пандар рози бўлиб, Энейнинг жангаробасига чиқади, улар икковлон от чоптириб, Диомед устига бостириб борадилар.

Диомеднинг содик дўсти Сфенел Троянинг машҳур қахрамонларидан Эней билан Пандарнинг жангаробада елиб келаётганини кўриб, Диомедга улар билан жанг қилмасликни маслаҳат беради. Лекин қудратли қахрамон бу маслаҳатни нафрат билан рад этади. Энейнинг жангаробаси Диомед томон елдек учиб келарди. Жангароба яқинлашганда, Пандар кулочкашлаб туриб найза отади. Найза Диомеднинг қалқонини тешиб ўтиб, эгнидаги зирҳли совутига қадалади, илло совут найза тиғини ўзидан ўтказмай, қахрамон жонини сақлаб қолади. Пандар эса Тидейнинг ўғлини ўлдирдим, деб қувонарди. Шунда Диомед найза отади. Найза Пандарга бориб тегади ва у жангаробадан йиқилиб, тил тортмай ўлади. Эней дарҳол ерга сакраб тушади. У ўзини қалқон панасига олиб, улкан найзасини ўйнатганча, Пандарнинг жасадини кўриқламоқчи бўлади. Лекин Диомед икки киши ердан зўрға уза олиши мумкин бўлган харсангтош олиб, бир қўллаб Энейга отади, харсанг Энейнинг тосига бориб тегади. Эней бу зарбадан чўккалаб қолади, агар волидаси маъбуда Афродита шу захоти ёрдамга етиб келмаганида, унинг нобуд бўлиши муқаррар эди. Афродита Энейни ўз либоси билан пана қилиб жангтоҳдан олиб чиқиб кетмоқчи бўлади.

Лекин Диомед энди маъбудага ҳамла қилади ва зилдек оғир найзаси билан Афродитанинг нозик қўлини жароҳатлайди. Маъбуда қаттиқ чинқириб бағрига босган ярадор ўгли Энейни тушириб юборади. Аммо тангри Аполлон шу заҳоти Энейни қора булутга ўраб олади. Диомед эса маъбуда Афродитага дагдага қилади:

– Кўзимдан йўқол, эй Зевс қизи! Даф бўл тезроқ жанггоҳдан! Заифаларни йўлдан оғдириш билан шуғулланганинг камлик қиялптимиси сенга?

Муҳаббат маъбудаси майдони харбни тарк этади, Диомед эса яна Энейга ҳамла қила бошлайди. У Энейга уч марта устма-уст хужум қилади, лекин Аполлон уч сафар ҳам унинг хужумини даф этади. Диомед Энейга тўртинчи марта хужум қилганида, Аполлон қаттиқ хайқириб уни койиб беради:

– О, Тидейзода, эсингни йиғ! Чекин дарҳол ва боқийларга ҳамла қилишдан ўзингни тий! Зеро, ҳеч қачон фоний бандалар куч-қудратда боқийларга тенглаша олмагайлар.

Диомед тангри Аполлоннинг овозини эшитиб, қўриқиб кетади ва орқага чекинади. Аполлон эса Энейни кўтариб, Троядаги ўз маъбадига олиб кетади. У ерда маъбудалардан Лета билан Артемида Энейни даволай бошлайдилар; айна пайтда Аполлон жанг майдонида Энейга қуйиб қўйгандек ўхшаб кетувчи сохта бир рўё яратади ва мана шу рўё атрофида шиддатли жанг давом этади.

Энди Диомед яралаган маъбуда Афродитадан эшитинг: у жанг майдонини тарк этиб, Арес хузурига боради ва оху нола чекиб, уруш худосидан жангаробасини бериб туришни илтимос қилади; кейин шу жангаробада бир зумда мунаввар Олимпга етиб олади. Бу ерда Афина билан Ҳера Афродитанинг аҳволидан кулишаркан, чакмоқдор Зевсга шундай дейдилар:

– Маъбуда Афродита яна биронта Ахей қизини троялик арзанда йигитларидан биронтаси билан қочишга қўндирмаганмикин мабодо? Эҳтимол, у ўша Ахей қизини эркалаб силаётганида қўлини унинг тўғноғичи билан тилиб қонатгандир?

Зевс жилмайиб қўйиб, Афродитани ўз ёнига чакиради ва шундай дейди:

– Эрка қизим, сенинг вазифанг жангу жадал эмас. Сен муҳаббат ва никоҳ ишлари билан машғул бўл. Харб ишини шиддатли тангри Арес билан жангчи маъбуда Афинага қўйиб қўй.

Жанг майдонида эса, ҳамон Аполлон яратган Энейнинг рўёси атрофида жанг авжга минарди. Тангри Аполлон Аресга юзланиб, Диомеднинг танобини тортиб қўйишни илтимос қилади. Жанг яна ҳам шиддатлироқ тус олиши лозим эди. Бу аснода бутунлай тузалиб, отдай бўлиб кетган Эней ҳам жанггоҳга қайтади. Трояликлар уни соппа-соғ холда кўриб, қувониб кетадилар. Пароканда бўлиб кетган трояликлар яна бир те-

кисда саф тортишиб, юнонлар устига бостириб бораверадилар. Юнонлар эса босиб келаётган трояликларни тоғни босиб ётган, қаттиқ шамол ҳам таркатолмайдиган қуюқ қора булутдек кутиб туришарди. Ҳар икки қаҳрамон Аякслар, Одиссей ва Диомед юнонларни жангга чорлай бошлашди. Агамемнон ҳам силоҳ-совутини ярқиратиб, уларнинг сафидан ўта бошлади. Яна жанг қайнагандан қайнайди. Жангчилар бирин-кетин маҳв бўлиб ерга қуларканлар, ажалнинг қора пардаси уларнинг кўзини юмади. Троя лашкарининг энг олдинги сафида Ҳектор жанг қиларди. Унга уруш маъбуди Арес билан дахшатли жанг маъбудаси Эньюо мадад бериб турарди. Мард Диомед Аресни кўриб орқага чекинади ва чекина туриб юнон лашкарига шундай деб ҳайқиради:

– Эй, ёронлар, Ҳекторнинг бугун ўта жасорат билан жанг қилишига ажабланмасак ҳам бўлади! Ахир Ареснинг ўзи унга паноҳ бўлиб, у билан ёнма-ён олишмоқда-ку! Биродарлар, чекининглар, тангрилар ила олишишдан ўзингизни тийинглар.

Трояликлар юнонларни соҳил томон тобора сиқиб бораверадилар. Бу жангга Ҳераклниг навқирон ўғли Глиподем Зевсзода Сарпедон томонидан отилган найзадан ҳалок бўлади. Айни чоғда Глиподем ҳам уни сонидан жароҳатлайди. Сарпедоннинг ёр-дўстлари уни жанг майдонидан зўр қийинчилик билан олиб чиқиб кетадилар, ҳатто, баданига санчилган найзани тортиб олишга ҳам имконлари бўлмади. Шу пайт Сарпедон ётган ердан Ҳектор ўтиб қолади; ярадор йигит Ҳектордан, юнонларни янчиб ташла, деб илтимос қилади. Ҳектор яна жангга отилади, у найзаси билан анча-мунча азамат юнонларни ер тишлатади. Троя қўшини юнонларни яна ҳам шиддатлироқ қува бошлайди.

Бу ҳолни кўрган Ҳера ёнига маъбуда Афинани чақириб олади ва Ареснинг ғазабини тийиш мақсадида икковлари биргаликда жангга отланишади. Маъбудалар Ҳеранинг ёрдамида муҳташам жангаробага тулпорларни қўшадилар. Афина эгнига совут, бошига залвар дубулғасини кийиб, горгона Медуза боши тасвирланган эгидани елкаси оша тапплаб, қўлида найза билан маъбуда Ҳеранинг жангаробасига чиқади. Ҳера отларни шамолдек елдириб кетади. Улар юксак Олимпдан парвоз этишаётганда, кўзлари Зевсга тушади; Зевс сарбаланд чўққида ёлғиз ўтирарди; Ҳера тулпорлар жировини тортиб тўхтатади ва Зевсга шундай тақаллум қилади:

– Ё, бузург Зевс, Ареснинг бадкорлик ила не-не қаҳрамонларни нобуд қилаётганини кўриб нахот қаҳринг қайнамаётган бўлса? Кўряпман, бу ҳол Аполлон билан Афродитага хуш ёқмоқда. Башарти тангри Ареснинг танобини тортиб қўйсам, мендан ранжимайсанми?

Эгидабардор Зевс унга шундай жавоб қилади:

– Борақол! Арес билан олишишни жангчи маъбуда Афина-Палладага қўйиб бер. Боқий тангрилар орасида ҳеч ким Аресни шу Афиначалик изза қилиб, қийноққа сола олмай.

Шундан сўнг маъбуда Ҳера яна отларни учириб кетади. Маъбудалар тезда Симоис ва Аскамандр дарёлари туташган ерга келиб етадилар, аробадан тушиб, отларни чиқарадилар-да, уларни қора булутга ўраб кўздан пана қиладилар. Кейин Ҳера жарчи Стенторнинг қиёфасига кириб, баралла наъра тортади ва юнонларни Троя лашкари билан мардонавор жанг қилишга ундайди. Афина-Паллада эса Диомеднинг тепасига боради. Паҳлавон бу пайт ярасидан оқаётган қонни артарди. Паллада, ўзингни жангдан олиб қочибсан-да, трояликлар билан олишишга юрагинг бетламаяптими? Падаринг – шавкатли муҳориб Тидей ҳеч қачон бундай кўрқоқлик қилмаган бўларди, деб қахрамонга маломат қила бошлайди. Диомед маъбудага бундай жавоб қиладди:

– Йўқ, чақмоқдор Зевснинг шахло кўзли қизи, мен Троя мардлари билан жанг қилишдан қочмайман. Мен фақат сенинг ўгитингга амал қилмоқдаман: сен менга боқий тангрилар билан олишишдан ўзингни тий, деб маслаҳат бериб эдинг.

Шунда Афина ҳам Диомедга бир калом дейди:

– Арзандам Тидейзода, энди сен Аресдан ҳам, ўзга тангрилардан ҳам ҳайикма. Ўзим сенга мадақдор бўлгум. Дарҳол Аресга қарши жангга кир. Бу бевурд яқиндагина юнонларни қўллашга сўз берган эди, энди бўлса лафзидан қайтиб, трояликларга кўмаклашмоқда.

Шундай деб Афина-Паллада Диомеднинг жангаробасига чиқади. Аробанинг болутдан¹ ясалган ўки маъбуданинг залваридан ғижирлаб кетади. Афина Аресга кўринмаслик учун бошига Аид дубулғасини² кияди ва отларни тўғри шу уруш худоси томон йўналтиради; худди шу пайт Арес ўзи маҳв этган қахрамон Перифантнинг силоҳ-совутини ечиб олаётган эди. У бирдан жангаробада елдек учиб келаётган Диомедни кўрадию дарҳол унга найза отади. Лекин Тидейзоданинг ёнида турган маъбуда Афина найзани четга буриб юборади ва у Диомедни ёнлаб ўтиб кетади. Шу чоғ маъбуда Диомеднинг қудратини ўн хисса оширади, оқибат бу мард Аресни ўз найзаси билан жароҳатлаб, найзани яна суғуриб олади. Арес оғриқнинг зўридан баралла додлаб юборади, унинг фарёдини эшитган одам, ўн мингта жангчи бараварига наъра тортди деб ўйлаши мумкин эди. Бу мудҳиш фарёддан трояликлар ҳам, юнонлар ҳам қаттиқ ваҳимага тушадилар. Қаҳқор Арес қора булутга ўраниб, шитоб билан Олимпга парвоз қиладди. У ерда Зевс ёнига бориб ўтириб, сарпадарга Афина-Паллада устидан шикоят қиладди: Диомед уни Афинанинг ёрдамида жароҳатлаганини айтади. Зевс ўғлига ўқрайиб қарайди. У қонли жангларга ўч бўлган Аресни ёмон кўрар

¹ Болут – эман дарахти ёғочи.

² Аид дубулғаси – эртақлардаги «кўринмас қалпоқ»ка муқояса қилинувчи бу дубулға юнон ривоятларида Аидга тегишли деб ҳисобланган. Тангри Аиднинг исми ҳам «кўринмас» деган маънони билдиради.

эди. Арес дарҳол шикоят қилишдан тўхтади. Зевс илоҳий табиб Паонни чақиртиради, у келиб бир лаҳзада Ареснинг ярасини даволайди. Ҳеба эса Аресни ювиб-тараб, эгнига ажиб либос кийдиради. Маъбуда Ҳера билан маъбуда Афина ҳам бу пайт мунаввар Олимпга қайтган эдилар.

Троя остонасида эса ҳануз шиддатли жанг борарди. Яна юнонлар трояликларни тирқирата бошлайдилар. Буткул мағлубиятга учраш пайти яқин қолганини кўрган соҳибкаромат Ҳелен обдор дубулғали Ҳектор билан Энейга юзланиб, улардан трояликларни жангга руҳлантиришни ва маъбуда Афинанинг шафқатига мушарраф бўлиш учун тезроқ Трояга боришни ва ул маъбуданинг маъбадига қимматли эҳсонлар олиб боришни илтижо қилади. Ҳектор инисининг маслаҳатига кулоқ осадди. У яна Троя лашкарини жангга руҳлантиради, натижада трояликлар юнонлар хужумини қайтарадилар.



ҲЕКТОР ТРОЯДА. АНДРОМАХА БИЛАН ВИДОЛАШУВ



Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Бу пайт Ҳектор Аскей қопқаси орқали Трояга кириб боради. Шу заҳоти уни аёллару болалар ўраб олишиб, жангтоҳдаги эрлари, оталари ҳақида сўрай бошлайдилар. Ҳектор уларга, олимплик тангриларга сизнинглар, деб тасалли беради, холос. У падари Приам қасри сари шошилади. Қасрда онаси Ҳекубага дуч келади; онаизор, толиққансан, қувват бўлади, деб ўғлига май олиб келмоқчи бўлади, лекин Ҳектор майдан бош товлайди. У онасига юзланиб дейди:

– Онажон, сиз дарҳол Троя аёлларини тўпланг ва ҳаммангиз биргаликда Афина-Паллада ҳаққига назр қилиш учун қасрдаги турфа гуллар билан безатилган ажиб чойшабни тезроқ маъбуданинг маъбадига олиб боринглар, кейин маъбуда йўлига яна кўплаб қурбонликлар, хайру эҳсонлар багишлангларки, шояд ул маъбуда бадқаҳр Диомедни шаштидан қайтарса.

Ҳекуба шу заҳотиёқ ўғлининг илтимосини бажаришга киришади. Ҳектор эса, иниси Парис хузурига жадал йўл олади.

Парис уйида яроқ-аслаҳаларини кўздан кечириб, бамайлихотир ўтирарди; Елена эса жорияларига иш тақсимлаш билан овора эди. Ҳектор, бутун Троя аҳли ҳалокат ёқасида турган бир пайтда сен, уятсиз, уйда қўл қовуштириб ўтирибсан-а, деб Парисни қойийди. Парис оғасига, мен жангга шайланаётгандим, деб жавоб қилади. Елена қайноғаси Ҳекторга ширинсуханлик билан юзланиб, жангу жадалдан ҳориб чикқансиз, ўтириб бир оз дам олинг, дейди, ўз эри Парисга эса, беғамсан, деб маломат қилади. Шунингдек, Елена, Троя бошига тушган бу кулфатларнинг бари мен туфай-

ли бўлмоқда, деб ҳасрат қилади. Ҳектор Париснинг уйида дам олишдан воз кечади: у ўз завжаси билан ўғилчасини кўришга шошиларди. Бундан кейин хотини ва боласи билан дийдор кўришиш яна насиб қилармикин, йўқми, жанггоҳдан тирик қайтармикин, ё тангрилар унинг пешонасига жангда ҳалок бўлишни ёзганми – Ҳектор билмас эди.

Ҳектор ўз қасри томон йўл олади, лекин у ерда Андромаха билан ўғлини учрата олмайди. Жорияларнинг айтишича, унинг хотини Троя кўшини юнонлардан чекинаётганини эшитиб, ўғилчасини олиптию шаҳар деворига чиқипти, ҳозир ўша ерда юм-юм йиғлаб турганмиш.

Ҳектор бу гапни эшитиб, қасрдан ўқдай отилиб чиқади ва Аскей қопқаси томон жадал юриб кетади. У қопқага етай деб қолганида завжаси Андромахани учратади. Андромаханинг ортидан Ҳекторнинг ўғилчаси Астионаксни кўтариб олган энага келарди; бу гўдак гўзалликда мисоли чўлпон юлдузидек эди. Андромаха эрининг қўлидан тутиб, кўзида ғилт-ғилт ёш билан шундай дейди:

– Маҳбубим! Бу жасоратлигининг бошингга бало бўлмасайди, деб кўрқаман! Сен на менга, на ўғлингга ачинасан. Кўнглим сезмоқда, ғаним сени маҳв этади ҳали замон, ўшанда мен тул қоламан. Сенсиз тул бўлиб яшаганимдан, Ҳектор, ўлганим минг карра афзал. Ахир бу ёруғ жаҳонда менинг сендан бошқа ҳеч кимим йўқ-ку. Мен учун сен ҳам ота, ҳам она, ҳам эрсан. Мен билан ўғлингга раҳминг келсин! Бас қил жангга киришни!

Дубулғаси обдор Ҳектор хотинига шундай деб жавоб қилади:

– Ўзим ҳам шулардан ташвиш тортмоқдаман. Бироқ жангга қатнашмай, шаҳар ичида биқиниб ўтириш мен учун улкан иснод-ку. Йўқ, падаримнинг шаънига доғ туширмаслик учун мен кўшинимнинг олдига тушиб жанг қилмоғим лозим. Ҳа, мен аниқ биламан, бир кун эмас, бир кун муқаддас Троя вайрон бўлади. Лекин кўнглимни ғаш қилаётган нарса бу эмас, мени сенинг қисматинг ташвишга солмоқда: сени биронта юнон сарбози асира этиб ўз юртига олиб кетгай ва сен мусофир юртда, ёв хотинига чўри бўлиб кашта тиккайсан, сув ташиб оёғини ювгайсан. Ўшанда қон йиғлаб юрганингни кўрганлар: «Бу ожиза қудрат ва жасоратда бутун Трояда қиёси бўлмаган мард Ҳекторнинг хотини эди», дейдилар. Бу гапларни эшитиб сен багтар ғамга ботасан. Йўқ, сенинг асира бўлганингни кўриб, ҳазин йиғингни эшитганимдан кўра, олдинроқ ҳалок бўлганим яхши.

Ҳектор шундай деб, ўғилчасини қўлига олиб бағрига босмоқчи бўлади, лекин гўдак Астианакс чинқириб, энагасига ёпишиб олади: бола отасининг дубулғасида елпиниб турган от ёлидан қўрқиб кетган эди. Гўдакнинг бу рафторидан Андромаха билан Ҳектор майин жилмайиб қўядилар. Шунда Ҳектор дубулғасини бошидан ечиб, ерга қўяди ва Астианаксни қўлига олиб ўпади. У ўғилчасини боши узра баланд кўтарганча, чакмоқдор Зевсга ва барча боқий тангриларга тавалло қилади:

– Зевс, сиз ҳам, эй бокий тангрилар! Илтижо қиламан сизлардан, шундай қилинларки, менинг ўғлим ҳам ўзим сингари бутун эл аро машҳур бўлсин. У иқтидор соҳиби бўлиб, Трояда заковат ила шоҳлик қилсин. Вақти келиб у жангу жадалдан қайтаётган чогида, одамлар, бу йигит отасидан ҳам ўтиб кетди, дейишсин. Ўғлим ҳамиша ғанимларини маҳв этсин ва мудом онасининг кўнглини хушнуд этсин.

Ҳектор худоларга шундай тавалло қилади. Кейин у Астианаксни хотинига тутқазади. Андромаха кўзида ёш, лабида жилва билан ўғилчасини бағрига босади. Ҳекторнинг кўнгли ийиб, Андромахани меҳр ила кучаркан, унга шундай такаллум қилади:

– Кўп андух чекаверма, дилбарим. Ҳеч ким, хоҳ у мард, хоҳ қўрқок бўлсин, ўз тақдири таъқибидан қочиб қутула олмайди. Сен энди уйга борақол, жоним, кашта тикиш, ип йигириш билан ўзингни овут, жорияларингнинг ишини кузат. Биз, эркаклар, алалхусус – мен ҳарб ишлари билан машғул бўлмоғимиз керак.

Ҳектор бошига дубулғасини кийиб, Аскей қопқаси томон йўл олади. Чашми гирён Андромаха эса уйига қайтар экан, тобора узоқлашиб кетаётган Ҳекторга дам-бадам ўгирилиб қарайди. У юм-юм йиғлаганча уйига келади, жориялар ўз соҳибалари кўзёш қилаётганини кўриб, унга жўр бўлиб ув тортиб йиғлай бошлайдилар: Ҳекторнинг жанггоҳдан бешикаст қайтишига уларнинг кўзи етмас эди.

Ҳектор Аскей қопқасига борганида, Парис унга етиб олади. У ҳам ярақлаган совут кийиб, жанг майдонига ошиқарди.

– Биродарим, – деди унга Ҳектор, – биронта ҳам одил одам сенинг жасоратларингни муносиб баҳоламай иложи йўқ, лекин сен кўпинча жангга истамай бормоқдасан. Трояликлар сени сўқишаётганини эшитиб, тез-тез азоб тортмоқдаман. Майли, кўшин қошига тезроқ борақолайлик.

ЖАНГ ДАВОМ ЭТАДИ. ҲЕКТОР БИЛАН АЯКСНИНГ ЯККАМА-ЯККА ОЛИШУВИ

Ҳолиернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Ҳектор билан Парис Аскей дарвозасидан бирга чиқишади. Трояликлар ака-ука қаҳрамонларни кўриб қувониб, кўнгиллари тоғдек кўтарилади ва яна жанг қилишга иштиёқлари ортади, қиргинбарот жанг яна авжга ми-нади. Ҳектор, Парис ва Главклар жуда кўп қаҳрамонларни маҳв этадилар. Юнонлар чекина бошлайди. Маъбуда Афина бу ҳолни кўриб, дарҳол муқаддас Троя сари парвоз этади. Олимпдан учиб тушаётган бу маъбу-

дани жанг майдони сарҳадидаги асрий азим эман дарахти остида турган Аполлон қарши олади. У маъбудадан, мабодо юнонларга мадад бергани шошилмаяпсанми, деб сўрайди ва Афинанинг жавобини эшитгач: «Кел, икковимиз биргаликда бу қонли жангга бугунчалик барҳам берайлик», – деб таклиф қилади. Афина рози бўлади. Сўнг Аполлон билан Афина, урушга чек қўйиш учун Ҳекторнинг дилига юнонларнинг энг шавкатли қаҳрамонларидан бирини яккама-якка жангга даъват этишни уфурадилар. Тангри Аполлон билан маъбуда шул қарорга келишгани ҳамоно, уларнинг бул нияти Приамнинг соҳибкаромат ўғли Ҳеленга аён бўлади. У оғаси Ҳекторга яқин бориб, унга юнон қаҳрамонларидан биронтасини яккама-якка жангга чақиришни маслаҳат беради.

– Мен, – дейди у оғасига, – само аҳли – илоҳларнинг сен тўғрингда шундай қарорга келишганини эшитдим. Сен кўркма, Ҳектор, ушбу олишувда ҳалок бўлиш қисматингга битилмаган.

Ҳектор бу гапни эшитиб, дарҳол трояликларни жанг қилишдан тўхтатади; Агамемнон ҳам худди шундай иш кўради. Беомон жангга толиккан сарбозлар ерга ўтирадилар. Афина-Паллада билан Аполлон мисоли йиртқич қарчигаёлардек парвоз қилишиб, асрий эман шохига бориб инарқанлар, довлашганларнинг лашкарларини кузата бошлайдилар. Ҳектор янгроқ овоз билан юнон қаҳрамонларидан бирини ўзи билан яккама-якка жанг қилишга даъват этади.

– Онт ичиб айтаманки, – дейди у, – агар рақибимни маҳв этсам, унинг жасадини хўрламайман, силоҳ-совутини ҳам ечиб олмайман, шунингдек, агар рақибим ғолиб чиқса, унинг ҳам шундай қасам ичишини истардим.

Юнонлар Ҳекторнинг таклифини эшитиб, узоқ вақт лол қолишади, ҳеч ким у билан беллашишга журъат эта олмайди. Бу ҳолни кўрган Менелай ҳамюртларидан қаттиқ ғазабланади; унинг ўзи Ҳектор билан олишмоқчи бўлади, аммо Агамемнон бунга йўл қўймайди: у укасининг ҳалок бўлишидан кўрқар эди, чунки Ҳектор билан олишишга, ҳатто, Ахиллеснинг ҳам юраги дов бермаганини биларди. Қария Нестор ўрнидан туриб, юнонларга дашном бера бошлайди. Шунда бир йўла тўққизта қаҳрамон ўртага отилиб чиқади. Булар: шох Агамемнон, Диомед, иккала Аякс, Идомей, Мерион, Эврипил, Фоант ва Одиссейлар эди. Несторнинг маслаҳати билан куръа ташлашга қарор қиладилар. Куръа Теламонзода Аяксга чиқади.

Аякс беҳад қувониб кетади ва силоҳ-совутини кийиб, кураш майдонига шошилади. Бу маҳобатли, салобатли ва даҳшатли паҳлавон уруш худоси Арес сингари шахдам-шахдам юриб, сиртига мис қопланган, минорадек улкан қалқон билан ўзини тўсиб, бир қўлида зилдек оғир найзасини ўйнатиб борарди. Аякснинг бу важоҳатидан трояликлар даҳшатга тушадилар; ҳатто Ҳекторнинг ҳам юраги кўрқувдан увушади. Икки

рақиб бир-бирига таҳдид солиб тикилади. Биринчи бўлиб Ҳектор найза улоқтиради. Лекин найза Аякснинг қалқонини теша олмайди. Навбат Аяксга келади, унинг найзаси Ҳекторнинг қалқонини тешиб ўтади, эғнидаги совутини ҳам ёриб, либосини чок қилади. Ҳектор вақтида чап бера олгани учунгина жон сақлаб қолади. Бу икки қаҳрамон найзаларини тортиб олиб, яна тўқнашадилар. Ҳектор яна Теламонзоданинг қалқонига найза уради, бироқ найзанинг тиғи қайрилиб кетади. Аякс эса, яна бир бор ғанимнинг қалқонини тешиб, унинг бўйинини енгил яралайди. Шунда ҳам Ҳектор жангни тўхтатмайди, у ердан каттакон бир харсангтошни кўтариб, уни Аякснинг қалқонига отади; маҳобатли қалқон сиртидаги мис қатлами даранглаб кетади; энди Аякс ҳам ердан Ҳекторникидан каттароқ харсангни кўтариб, кучининг борича уни рақибининг қалқонига отади, – харсанг қалқонни тешиб ўтиб Ҳекторнинг оёғини жароҳатлайди. Ҳектор ерга йиқилади, лекин тангри Аполлон уни дарҳол кўтариб қўяди. Энди қаҳрамонлар қилич яланғочлайдилар; яхшиямки, жарчилар етиб келиб, рақиблар орасига асо ташлайдилар ва жангни тўхтатадилар, йўқса улар бир-бирларини қийма-қийма қилиб ташлашлари муқаррар эди.

– Жангни тўхтатинглар, мардлар! – дейди жарчилар. – Бизлар шохид бўлдик: икковингиз ҳам жасоратда беназир экансиз, тангри Зевс икковингизни ҳам бирдай эъозлашига имон келтирдик. Бироқ тун яқинлашмоқда, ҳамма энди ҳордиқ чиқармоғи лозим.

– Кулоқ сол, – дейди Аякс трояликлар жарчисига юзланиб, – сен айтган шу каломни Ҳекторнинг оғзидан эшитсам мақбул бўлур эди: зеро яккама-якка жангга у даъват этди. Агар у хоҳиш билдирса, мен тайёрман жангни тугатишга.

Ҳектор шу заҳоти Аяксга жавоб қилади:

– Теламонзода, худолар сенга алп қомат ҳам, бемисл қудрат ҳам, ўткир заковат ҳам ато этганлар, сен – юнон қаҳрамонлари ичида энг шавкатлисисан. Бугунчалик олишувга чек қўяйлик. Кейин сен билан жанггоҳда яна тўқнашишимиз мумкин. Лекин ҳозир иккаламиз эсдаликка тўхфа алмашайлик. Токи ҳам Троя, ҳам юнон жангчилари, бу икки мард қалбларида адоват билан ўзаро бешафқат жанг қилишган бўлса ҳам, ўта кадрдон дўстлардек ажралишган эди, деб юришсин.

Ҳектор шундай деб кумуш накшли шамширини Аяксга узатади, Аякс эса, Ҳекторга қирмизи ранг бебаҳо камарини армуғон этади. Икки қаҳрамоннинг яккама-якка олишуви шундай тугайди. Шох Агамемнон шу оқшом Аякс шарафига зиёфат бериб, унга барча шоху саркардаларни чақиради.

Зиёфат охирлаганида қария Нестор юнон саркардаларига, жангни бир кунга тўхтатишни ва ҳалок бўлган жангчиларни дафн этиш ҳамда қароргоҳ билан бандаргоҳни ёвдан ихота қилиш учун ҳар ер-ҳар ерда минораси

бўлган юксак девор тиклашни маслаҳат беради. Саркардалар Несторнинг маслаҳатини маъқуллайдилар, сўнг тонг отгунча хордик чиқаргани чодир-чодирларига тарқаладилар.

Бу ёқда троялик саркардалар ҳам кенгашга йиғилган эдилар. Бу кенгашда Антенор соҳибжамол Еленани ва у билан бирга ўғирлаб келинган хазинани юнонларга қайтариб беришни маслаҳат қилади. Лекин Парис Еленани қайтаришни хоҳламайди: у фақат Менелайнинг хазинасини қайтаришга ва у хазинага қўшиб, ўз ёнидан яна анча-мунча бебаҳо бойликлар армуғон қилишга рози бўлади. Шоҳ Приам эрталаб тонг отиши билан юнонлар қароргоҳига жарчи юборишни таклиф қилади: бу жарчи Париснинг хоҳишини баён қилиши лозим эди. Агарда, юнонлар таклифга рози бўлишмаса, унда то тангрилар у ё бу тараф лашкарига зафар бахш этмагунларича урушни давом эттираверамиз, дейди Приам. Приамнинг таклифига ҳамма қўшилади. Тонг отиши билан жарчи Идеини юнонлар қароргоҳига юборадилар. Аммо юнонлар Париснинг таклифини қабул қилмайдилар, фақат ҳалок бўлган жангчиларни дафн этиш учун бир кунгагина жангни тўхтатишга розилик билдирадилар.

Трояликлар ҳам, юнонлар ҳам куёш чиқмасданок нобуд бўлган жангчиларни дафн этишга киришадилар. Кейин юнонлар бир кун ичида ўз қароргоҳлари атрофини ҳар ер-ҳар ерида миноралари бўлган баланд девор билан ўраб, деворнинг сиртки томонида чуқур зовур қазийдилар. Ҳаттоки, олимпик худолар ҳам юнонларнинг бунчалик шижоат билан ишлашини кўриб лол қоладилар. Фақат тангри Посейдон девор кўтариш олдидан худолар йўлига қурбонлик қилмаган юнонлардан қаттиқ ғазабланади.

Мана, юнонлар ишни битириб, ўзлари учун шомлик ҳозирлашга тутинадилар. Худди шу пайт Лемнос оролидан кемаларда май олиб келишади. Юнонлар шодланиб, зумда ҳамма майни сотиб оладилар, шундан кейин қароргоҳда улкан базм бошланади. Лекин биронта ҳам юнон Зевс йўлига май паймо қилмай туриб бир култум ҳам шароб ичишга журъат эта олмайди. Ахири бутун юнон қароргоҳи маст уйкуга кетади.

ТРОЯЛИКЛАР ЗАФАР ҚОЗОНАДИЛАР

Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Эрта тонг палласида шафақ маъбудаси Эос зар кокилини самога ёйиши билан чақмоқдор Зевс Олимпда барча тангриларни кенгашга йиғади ва уларга шундай деб юзланади:

– Каломимга кулоқ беринг, бокий худолар! Ҳеч бирингиз бугун Олимпни тарк этиб, юнонларга ёхуд трояликларга кўмаклашгани заминга тушмасин. Кимда-ким амримга итоат этмаса, уни Тартарнинг энг теран тубига

улоқтиргумки, ул зимистон гўшага бориб тушган тангри ё маъбуда менинг жамики худолардан қанчалик қудратли эканимга имон келтиргай. Менинг кучимни синаб кўрмоқчи бўлсангиз, олтин занжир олинг-да, уни ергача тушириб, мени Олимпдан тортиб туширинг. Мен эса бир қўлим билан бу занжирни тутиб, барчангизни замин у денгизлар билан қайтариб тортиб олгумдир.

Зевснинг бу даҳшатли нутқидан барча тангрилар ваҳимага тушиб, лол қоладилар. Шунда маъбуда Афина сукутни бузиб, гапга оғиз очади:

– О, бузург чакмоқдор, биламиз, қудратингнинг ниҳояси йўқ, аммо бизнинг юнонларга раҳмимиз келяпти-да. Наҳотки бутунлай қирилиб кетиш битилган бўлса уларнинг қисматига?

– Қизим, – деб жавоб қилади Зевс, – мен юнонларнинг барини маҳв этмоқчи эмасман.

Зевс шундай деб, олтин ёлли отларни жангаробага қўшади, илкига қамчи олиб, жангаробага чиқади. У отларни шамолдек учиради, отлар само билан замин оралиғида елиб бориб, юксак Ида тоғининг сар чўққисида тўхтайтиди. Зевс шу ерда чўққи бошига ўтириб, юнонларнинг ва Троя фуқаросининг жангга қандай ҳозирлик кўраётганини кузатади.

Мана, иккала тараф қўшинлари жанггоҳда бир-бирлари билан тўқнашадилар. Яна даҳшатли жанг бошланади. Вақт қиёмга борганида, Зевс қўлига олтин тарозуни олиб, унда юнонлар билан трояликлар қуръасини тортиб кўради. Трояликлар қуръаси осмони фалакка кўтарилиб, зафардан дарак беради ва лекин юнонлар қуръаси қўшилган палла рўйи замингача тушиб боради – бу кўпчилик юнонларнинг куни битганини билдирарди. Ида чўққисида бузург Зевснинг момақалди роғи мудҳиш гумбурайди, у юнон қўшини устига чарақлаган чакмоқ отади. Лашкар даҳшатга тушади ва бу балокаш чакмоқдан қароргоҳ девори панасига яшириниш учун қоча бошлайди. Жанггоҳда ёлғиз қария Нестор қолади. Унинг отларидан бири Парис отган ўқдан яраланиб, жон аччигида орқа оёқларига турган ва ёнбошидаги отларнинг югуришига халал бераётган эди. Несторнинг мушкул аҳволга тушиб қолганини кўрган Ҳектор жангаробасида шу томонга шамолдек елиб келаверади. Қария Нестор шу ерда ҳалок бўлиши муқаррар эди, аммо шукрки, Диомед Ҳектордан олдинроқ унга ёрдамга етиб келади. Тидейзода қарияни ўз жангаробасига чиқариб олиб, отларни шу томонга келаётган Ҳектор сари елдиради. Улар бир-бирларига яқинлашганларида, Диомед Ҳекторга найза отади, лекин нишонга теккиза олмайди – Ҳекторнинг отлари хуркиб шартга четга бурилган эди. Диомеднинг жанггоҳда жавлон уриб жанг қилаётганини кўрган юнонлар орқага қочишдан тўхтаб, яна жангга кирган бўлардилар ҳам, лекин шу пайт Зевс Диомед отларининг оёғи остига яшин улоқтиради. Бу яшин даҳшатли аланга бўлиб ёнади ва отлар хуркиб кетиб, жангаробани орқага

олиб қочадилар. Нестор Диомедга жанггоҳни тарк этишни маслаҳат беради, бугун Зевс сенга зафар ато этмоқчи эмас, деб тушунтиради. Ҳектор жанг майдонидан қочаётган Диомедни масҳара қилиб кулади. Диомед жанггоҳга қайтишга уч маротаба жазм қилади, бироқ ҳар гал Зевс даҳшат солиб момақалдироқ гумбурлатаверади. Ҳектор Зевс аён қилаётган бу аломатларнинг маъносига тушунади: чақмоқдор тангри трояликларга зафар бахш этаётган эди. Шунда Ҳектор ўз лашкарини жангга руҳлантириб, юнонларни таъқиб қилишда давом этишни, уларнинг қароргоҳига ёриб кириб, кемаларига ўт қўйишни буюради.

Энди жанг юнонлар қароргоҳини ўраб олган девор тагида авжга минади. Маъбуда Ҳера Агамемноннинг кўнглига юнон лашкарини руҳлантириш лозимлигини солади. Шунда Агамемнон Одиссейнинг кемасига чиқиб, кўшинига мурожаат қилади ва қароргоҳни мардларча ҳимоя қилишга даъват этади. Шунингдек, у Зевсга ҳам сиғиниб, ундан мадад сўрайди ва юнон лашкарининг трояликлар томонидан маҳв этилишига йўл қўйма, деб тавалло қилади. Бу нутқдан юнонлар руҳланиб кетадилар ва трояликлар ҳамласини даф қиладилар. Бу жангда шоҳ Диомед ҳаммадан кўпроқ жасорат кўрсатади. У Троянинг анча-мунча қахрамонларини ер тишлатади. Ўзга юнонлар ҳам мардона жанг қиладилар:

Зевс трояликлар қалбига яна жасорат туйғусини уфуради. Энди улар хужумга ўтиб, юнонларни то кемалари тизилиб турган бандаргоҳгача сиқиб борадилар. Ҳектор даҳшат солиб сафлар орасини ёриб, олға интиларди. Ҳеранинг юнонларга раҳми келади, у Афинадан, дарҳол заминга тушиб, юнонларга кўмаклашишни илтимос қилади. Шу пайт Ида тоғининг чўққисидида ўтирган Зевс Ҳера билан Афинанинг жангаробада замин сари от чоптириб тушиб кетаётганини кўриб қолади. Унинг қаҳри қайнаб, маъбудалар ортидан Иридани юборади. «Дарҳол маъбудаларни қайтар, – деб буюради Зевс, – йўқса уларни ғазабимга олгум». Икки маъбуда сарпадар Зевснинг қаҳридан кўрқиб ғамгин кайфиятда Олимпга қайтадилар. Бу ерда Ҳера Зевснинг дағдағасига жавобан, биз юнонларга ачинган эдик, деб жавоб қилади. Зевс эса завжасига шундай жавоб қилади:

– Шуни билки, то Агамемнон Ахиллесни таҳқирлагани учун унга беҳисоб совға-саломлар юбормагунча ва у билан ярашиб олмагунча, трояликлар юнонлар устидан зафар қозонаверадилар.

Заминни тун пардаси буркайди. Қонли уруш тўхтаydi. Лекин Троя кўшини муқаддас Трояга қайтмай, шу жанг майдонида тунаб қолишга қарор қилади. Ҳектор келгуси куни юнонлар устидан тамомила ғалаба қозониб, уларни Троядадан буткул қувиб юбориш ниятида эди. Майдони ҳарбнинг ҳамма ёғида трояликларнинг гулханлари ёнади. Тун зулматида бу гулханлар юлдузлардек порларди.



АГАМЕМНОН АХИЛЛЕС БИЛАН ЯРАШМОҚЧИ



Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Трояликларнинг қўли баланд келганидан чуқур гамга ботган Агамемнон жарчиларга барча ҳукмдору саркардаларни кенгашга чақириб келишни буюради. Ҳамма тўплангач, Агамемнон гап бошлаб, вазиятнинг мушкуллигини ва Троядани тарк этиб, тезроқ Юнонистонга қочишдан ўзга чора қолмаганини баён қилади. Зевсга ҳам шу хуш ёқса керак, дейди у. Лекин Диомеднинг қаҳри қайнаб, Агамемнонга эътироз билдирар экан, то Трояни забт этмагунимизча биз, саркардалар, урушни давом эттираверамиз, дейди. Қария Нестор ҳам кетмасликни маслаҳат беради. У Агамемнонга катта зиёфат уюштиришни ва шу зиёфат чоғида мавжуд вазият ҳақида фикрлашиб олишни таклиф этади.

Зиёфат пайтида Нестор Агамемнонга Ахиллес билан ярашишни маслаҳат қилади. Агамемнон унинг маслаҳатини инобатга олади.

– Агар Ахиллес мен билан ярашишга рози бўлса, – дейди у ҳаммага эшиттириб, – уни жуда кўп бебаҳо муздрлар билан тақдирлайман. Брисейдани ўзига қайтариб бераман. Троя устидан ғалаба қозониб, ватанизмизга қайтганимиздан кейин эса, унга қизларимдан бирини бериб, куёв қиламан ва қизимнинг сепи сифатида унга етгита фаровон, обод шаҳарни армуғон этаман.

Агамемноннинг бу қарори барча ҳукмдору кўмондонларга маъкул тушади ва шу маъракада, Теламонзода Аякс, Одиссей ва Фениксларни Ахиллес билан музокара олиб боргани юборишга келишадилар. Чунки Ахиллес ҳаммадан ҳам кўра шу қахрамонларни ўзига яқин кўриб юрарди. Нестор бу элчиларга жўнаш олдидан анча-мунча ўғитлар қилади.

Элчилар Ахиллеснинг ўз чодирда лира чалиб, қахрамонлар ҳақида кўшиқ куйлаб ўтиргани устидан чиқадилар. Ахиллес ёнида унинг жонажон дўсти Патрокл ўтирарди. Ахиллес элчиларни очиқ чехра билан қарши олади ва уларни яхшилаб меҳмон қилади. Элчилар мириқиб овқатланишгач, Одиссей гап бошлаб, Пелейзода Ахиллесни Агамемнон билан ярашишга кўндирмоқчи бўлади. Одиссей трояликлар юнон лашкарини бандаргоҳгача сиқиб бориб қолганини айтади, кейин у ярашиш нишонаси сифатида, Агамемнон томонидан Ахиллесга тухфа этилажак беҳисоб бойликлар, совғаларни бир-бир санаб чиқади. Бироқ Ахиллес Микена шоҳи Агамемнон билан ярашишдан бош тортади: у Агамемноннинг таҳқирларини ҳеч унута олмасди. Ахилл ўз сўзида қаттиқ туриб олади, ҳатто, Фтияга жўнаб кетаман, деб дўқ ҳам қилади. Лекин юнонларнинг аччиқ қисматидан қаттиқ ташвишга тушган Феникс яна Ахиллесни Агамемнон билан яра-

шишга ундай бошлайди. Ахиллес Фениксга жавобан ҳеч нима демайди. Ниҳоят, Аякс ҳам ўз гапини ўтказишга уриниб кўради, Ахиллес эса бояги-боягидек ўз сўзидан қайтмайди. Ахири бўлмагач, Ахиллес шундай дейди:

– Трояликлар юнон кемаларига ўт қўйиб, менинг кемам ва чодиримгача етиб боришган тақдирдагина, Ҳекторга қарши уруш бошлайман.

Қахрамонлар сукутга толганча жўнаб кетадилар, Феникс Ахиллеснинг чодирда қолади. Аякс билан Одиссей Агамемнон қароргоҳига қайтиб, у ерга тўпланган саркардаларга Ахиллеснинг жавобини баён қиладилар. Саркардалар бу хабарни эшитиб, анчагача лол қоладилар. Ниҳоят Диомед шундай тақлиф киритади:

– Бизлар ҳозир овқат еб, май ичиб қорин тўйғизайлик-да, ётиб ухлайлик. Зеро, эртага янги куч билан яна жангга киришимиз лозим бўлади.

ОДИССЕЙ ВА ДИОМЕД ТРОЯЛИКЛАР ҚАРОРГОҲИГА АЙҒОҚЧИЛИККА БОРИШАДИ. РЕС ТУЛПОРЛАРИ

Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Юнонларнинг бутун қароргоҳи чуқур уйқуга чўмади. Агамемноннинг кўзига уйқу келмасди. Тинимсиз қайғули ўй-фикрлардан тўлғаниб, тўшагида ух тортиб ётарди. Трояликлар қароргоҳи атрофида ловуллаб ёнаётган гулханларга бокиб, у ердан най навоси таралаётганига ҳамда кувноқ товушлар эшитилаётганига ажабланарди. Юнонлар қароргоҳига назар ташлаганида эса юраги эзилиб, сочини юларди. Ниҳоят, Атрейзода тўшакдан туриб, кийинади, елкасига шер терисини ташлайди-да, қўлида найза тутган ҳолда Несторни излаб кетади. У юнонларни ҳалокатдан қандай асраб қолиш тўғрисида Пилос шоҳи билан маслаҳатлашмоқчи эди. Агамемнон Менелайга дуч келади. Менелайнинг ҳам кўзига уйқу қўнмас, у ҳам ўзининг муаммосини ҳал этиш учун Троя остоналарига келган одамларнинг тақдирини ўйлаб, хаяжонланарди. Биродарлар қахрамонларни кенгашга чақиришга қарор қилишади. Агамемнон эса Несторнинг ҳузурига жўнайди. Нестор яқинлашиб келаётган Агамемноннинг қадам товушларини эшитади, лекин тун қоронғусида танимамай, уни ёнига индамай келмаслик ҳақида огоҳлантириб, овоз чиқаради. Агамемнон ўзини танитиб, Несторнинг ёнига келади ҳамда ўзини хавотирга солаётган масала тўғрисида сўзлаб, ўзи билан кенгашга боришини илтимос қилади. Нестор шу ондаёқ ўрнидан туриб, Агамемнон билан бирга юнонларни кенгашга чақириш учун кетади. Улар Одиссейни чорлашади, сўнг боши остига қалқонини

кўйиб ухлаб ётган Диомедни чақиривади. Унинг найзаси ёнгинасида ерга санчиб кўйилган эди. Улар қаҳрамонларни тўплагач, соқчилар ёнига келишади ва уларни хушёр турган ҳолда кўришади. Соқчилар кўзларини тун зулматига тикиб ўтиришар, трояликлар келмаяптмикан деб кулоқлари динг эди. Шоҳлар хандақдан ўтишади-да, қароргоҳ девори олдидаги майдонга ўтиришади. Шунда Нестор трояликлар нима қилишмоқчи – яна юнонлар устига ҳужум қилишадими ёки шаҳарга қайтишадими – шуни билиш учун трояликлар қароргоҳига айғоқчиларни юборишни таклиф қилади. Диомед шу ондаёқ ушбу хавфли ишга боришга шайлигини билдириб, қаҳрамонлардан бирини ўзи билан бирга боришга даъват этади. Диомед билан боришга кўпчилик юнонлар истак билдиришади. Шунда Агамемнон шерикни танлашни Диомеднинг ўзига ҳавола этади. Диомед эса Афина-Палладанинг арзандаси Одиссейни танлайди. Одиссей шу қадар айёр ва уддабурон эдики, улар икковлон, ҳатто, ловулаган оловдан ҳам омон чиқишларига Диомед ишонарди. Диомед ва Одиссей силоҳ-совутларни олишади. Силоҳларни шу ерда тўпланган шоҳлар беришади, чунки бу икки қаҳрамон кенгашга қурол-яроғсиз келишганди.

Юнонлар трояликлар қароргоҳига айғоқчи юборишган вақтда трояликлар ҳам, юнонлар ўз қароргоҳларини яхши кўриқлашаётibdими ёки йўқми, билиш учун, ўз айғоқчиларини юборишган эди. Эвмейнинг ўғли, тез юрувчанлиги билан донғи чиққан Долон бу юмушни бажаришга отилиб чиқади. У юнонларнинг шоҳлари кенгашда нималар ҳақида гаплашишларини эшитмоқ учун юнонларнинг кемаларига яқин боришга қарор қилади. Қуролланиб, устига бўри терисини ёпиниб олган Долон юнонлар қароргоҳи томон кетади. Бирок, тез орада Диомед билан Одиссей Долонни сезиб қолишади. Улар ер бағирлаб ётиб, унинг ёнгиналаридан ўтиб кетишига имкон беришади. Сўнг, куённи ёки тоғ кийигини қувгандек, уни қувиб кетишади.

– Тўхта! – ҳайқиради Диомед Долонга, – йўқса найзам сенга етиб оладию ер тишлайсан.

Диомед найзасини Долоннинг елкаси устидан учиб ўтадиган қилиб отади. Кўркиб кетган Долон даҳшатдан ранги бўзариб, тўхтайтиди. Диомед билан Одиссей уни тутиб олишади. Қаҳрамонлар Долонни сўроққа тутиб, юнонларнинг қароргоҳига нега келаётганини, уни ким юборганини ҳамда трояликлар ва уларнинг муттафиқлари қароргоҳда қандай жойлашишганликларини сўрашади. Долон эса, қаҳрамонлар ўзига раҳм қилишларига умид боғлаб, ҳамма гапни айтиб беради. У яқиндагина келиб кўшилган фракияликлар шоҳ Рес бошчилигида қаерда макон тутишганини ҳам кўрсатади. Шоҳ Рес ажойиб тулпорлари ва тилла силоҳ-совути билан машҳур эди. Бирок Диомед билан Одиссей Долонга раҳм-шафқат қилиб ўтиришмайди. Қаҳрамонлар унинг дубулғаси ва бўри териси-

ни ечиб куролини олишади. Одиссей Долоннинг куролини қайтатуриб олиб кетишга қулай қилиб яширади. Сўнг икки қахрамон фракияликлар қароргоҳи томон йўл олишади.

Қахрамонлар Рес ўз жангчилари орасида, тулпорлари ёнида ётган жойга сездирмай боришади. Диомед химоясиз қўй-эчки подасига ташланган шердек, ухлаб ётган фракияликлар устига ташланади. У ўн икки нафар фракиялик жангчини ер тишлатади. Шоҳ Ресни ҳам ўлдиради. Одиссей Реснинг тулпорларини тушовдан ечиб, қароргоҳдан ташқарига олиб чиқади. Диомед тилла силоҳ-совут турган жангаробани ҳам олиб чиқиб кетмоқчи бўлганида маъбуда Афина-Паллада унинг олдида намоён бўлиб:

– Эй, Тирейзода, юнонлар қароргоҳига қайтишни ўйлагин, қайтар вақт келди. Акс ҳолда арши аълодаги сенга душманлардан биронтаси ғафлатда ётган трояликларни уйғотиб юборса, қочишингга тўғри келади, – дейди.

Диомед маъбуданинг гапига кириб, Реснинг тулпорларидан бирига сакраб минади. Одиссей бошқа тулпорга минади ва қахрамонлар юнонлар қароргоҳи томон жадал от суриб қолишади.

Афина-Паллада Диомед ва Одиссейга қандай кўмаклашганини тангри Аполлон кўрганди. У трояликлар қароргоҳи томон учиб, Реснинг қариндоши Хиппокоонтни уйғотади. Хиппокоонт ўрнидан ирғиб турадию тулпорлар боғлиқ турган жойни бўш кўради. У Ресни отини айтиб чақира бошлайди, бироқ ҳеч қандай жавоб бўлмайди. Трояликлар қароргоҳида тўс-тўполон кўтарилади. Воқеа содир бўлган жойга югуриб келган кишилар Диомед билан Одиссейнинг қилган ишини ўз кўзлари билан кўришади. Бу вақтда икки қахрамон йўл-йўлакай Долоннинг курол-аслаҳасини олиб, ўзларини юнонлар шоҳлари кутиб турган жойга қайтишади. Одиссей Долонни қандай тутиб олишганини, Диомед шоҳ Ресни ва ўн икки нафар фракиялик номдор қахрамонни қай тарзда ўлдирганини ҳамда тулпорларни қай тариха қўлга киритишганини хикоя қилиб беради. Қахрамонлар Диомед билан Одиссейни олқишшлашади. Уларнинг жасоратидан хабардор бўлган юнонлар шод-хуррам бўлишади. Рес тулпорларини шоҳ Диомед чодир олдига боғлашади, Долоннинг силоҳ-совутини эса Одиссей ўз кемасига олиб кетади.



ЮНОНЛАР ҚАРОРГОҲИ ЯҚИНИДА ЖАНГ



Хомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Шонги шафақ шарқ осмонини ўз шуъласи билан мунаввар қила бошлаган ҳамано Зевс маъбуда Эридани юнонлар қароргоҳига юборади. Маъбуда Одиссейнинг кемасига чиқиб олиб, ғоят мудҳиш овоз

билан баралла наъра тортади ва барча сарбозлар калбига тинмай жанг қилиш иштиёқини уфуради. Шунингдек, серхашам совут кийган Агамемнон ҳам қўлида маҳобатли найзасини ўйнатганча қаҳрамонларни жангга даъват этади. Юнонлар пиёда ҳолда шижоат билан жангга кирадилар. Трояликлар ҳам улар билан мардона олишадилар, уларнинг бош саркардаси Ҳектор эса жанггоҳда ақл бовар қилмайдиган жасоратлар кўрсатади. Иккала тараф сарбозлари жанг майдонида худди кутурган бўйлардек зир югурардилар. Кин маъбудаси қонли жангни кўриб, завқ оларди. Тангрилар ва маъбудалар эса Зевс фақат трояликларга мадад бераётганидан ранжишиб, Олимпга, ўз қўшқларига чикиб кетадилар. Бу аснода Зевс муҳорабани ҳузур қилиб кузатарди. Бугунги жангга ҳаммадан ҳам кўра Агамемнон пуршиддат эди. У залварли найзаси билан анчамунча қаҳрамонларни ер тишлатади. Приамнинг икки ўғли – Ис ва Антифни ҳам ер тишлатди. Улар битта жангаробада туриб, душман билан олишайтган эдилар. Агамемнон уларни яқиндагина, Ахилл уларнинг иккаласини Ида ёнбағрида тутиб олиб, юнонлар қароргоҳига келтирганида кўрган эди. Трояликлар приамзодаларга ёрдам қўлини чўзишмади, натижада ҳар иккови ҳалок бўлишди. Агамемнон Антимахнинг ҳам икки ўғлини ўлдирди. Улар Микена шоҳидан шафқат қилиш ҳақида беҳуда ёлвордилар. Агамемнон уларнинг Парисга сотилган отаси Трояга элчи қилиб юборилган Менелайни ўлдириш тўғрисида маслаҳат бергани учун ундан ўч олмоқда эди. Агамемнон уларни ўлдириб, жанг кизғин бораётган жойга ўзини урди. Ўрмонга ўт кетганида, дарахтлар олов бўронида ёниб, бир-бир қулаганидек, Атрейзода ҳам Троя қаҳрамонларини пайдарпай қийрата бошлайди. Отлар эгасиз қолган жангаробаларни гумбуллатиб, ҳар томонга олиб қочади, уларнинг Агамемнон томонидан маҳв этилган эгалари жанггоҳнинг ҳар ерида чўзилиб ўлиб ётарди. Ниҳоят, трояликлар ларзага келадилар ва жанггоҳдан қоча бошлайдилар, улар Аскей қопқаси олдига етгандагина тўхтайдилар.

Чакмоқдор Зевс трояликларнинг жанггоҳдан қочаётганини кўриб, маъбуда Иридани Ҳектор ҳузурига юборади. «Сен Ҳекторга бориб айт, – дейди Зевс, – у Агамемноннинг яраланишини кутсин, кейин мен Ҳекторга бемисл қувват ато этгум ва у юнонларни бандаргоҳгача қувиб боргай». Ирида Зевс амрини дарҳол бажаради. Ҳектор жангаробадан сакраб тушиб, қўшинини жангга руҳлантиради. Шу аснода Агамемнон Троя қаҳрамонларини биттама-битта қийратишда давом этади. Шу маҳал Антенорнинг тўнғич ўғли Коонт найза отиб, Агамемноннинг қўлини яралайди, аммо у бўш келмайди: шамширини сугуриб, Коонтнинг калласини узиб ташлайди, жасад ерга қулайди. Лекин энди Агамемнон ортиқ жанг қила олмас эди: у жароҳатининг қаттиқ лўқиллаб оғриши оқибатида, жанг майдонини тарк этади.

Агамемнон жангаробага чиқиб жўнаб кетганини кўрган Ҳектор баралла хайқириб, сарбозларнинг руҳини кўгаради ва ўзи ҳам жанггоҳга қуюндек отилиб киради. Бу гал ҳам у жуда кўп қахрамонларни ер тишлатади. Юнон лашкари яна ҳалокат ёқасига бориб қолади. Лекин шу пайт Одиссей Диомедни ёрдамга чакиради ва бу икки қахрамон биргалашиб трояликлар ҳамласини қайтара бошлайдилар. Ҳектор яқинлашиб келаётганини кўрган Диомед унга найза улоктиради. Найза дубулғага тегади. Тангри Аполлон найза дубулғани тешиб ўтишига йўл қўймай, Ҳекторни муқаррар ўлимдан асраб қолади. Лекин қаттиқ зарбадан Ҳектор ҳушини йўқотиб, йиқилади. Диомед найзасини олиш учун жангчилар сафлари оралаб ўтгунича Ҳектор ўзига келади ва жангаробасига сакраб чиқиб, ҳалокатдан қутулиб қолади. Ҳекторни яна ҳалок эта олмаганидан Диомеднинг ғазаби қайнайди. У найзани улоктириб, троялик қахрамонлардан бирини ўлдиради. Диомед маҳв этилганнинг силоҳ-совутини ечиб олиш учун эгилганида Парис кўриб қолиб, камонидан ўк отиб, Диомедни жароҳатлайди ва суюнганидан қийқириб юборади. Диомед эса, Одиссейнинг қалқони панасида туриб, баданига кирган ёй ўқини тортиб олади, лекин жангни давом эттиришга ҳоли қолмай, жанг майдонини тарк этади.

Бу маҳал трояликлар ўрмондан чиққан шерни ўраб олган итлардек Одиссейни қуршовга оладилар. Одиссей хужум қилаётган ғанимларни найзаси билан даф эта бошлайди. Бу ерда Одиссей Троя қахрамонларидан анча-мунчасини ер тишлатади. У шоҳ Сокнинг иниси Харопни маҳв этади. Шунда Сок иниси учун ўч олишга киришиб, найзасини Одиссейнинг қалқонига санчади, найза қалқонни тешиб ўтиб, Одиссейнинг биқинини жароҳатлайди. Аммо Одиссей ярадор бўлишига қарамай, Сокни жон ҳовучлаб қочишга мажбур қилади ва ортидан найза отиб, уни ўлдиради. Сўнг баданидан ёй ўқини тортиб олади, шунда ярасидан қайноқ қон тизиллаб отила бошлайди. Одиссей яраланганини кўрган трояликлар унга ташланишади. Итака шоҳи баланд овозда ёрдамга чорлай бошлайди. Аякс дарҳол ёрдамга етиб келиб, баҳайбат қалқони билан Одиссейни пана қилади. Менелай эса Одиссейни жанг майдонидан жангаробада бир амаллаб олиб чиқади. Энди Одиссей ҳам жанггоҳни тарк этган эди.

Аякс эса ўзини жанггоҳга уриб, найзаси билан трояликларни қийратарди. Бу пайт Парис қахрамон Махаонни камон ўқи билан ўнг елкасидан яралайди. Идоменейнинг илтимосига кўра Нестор ярадорни юнонлар қароргоҳига олиб кетади. Ҳекторнинг аравакаши Кебрион Аякс трояликлар лашкарини сиқиб бораётганини кўриб, бу ҳақда Ҳекторга айтади. Ҳектор ёрдамга ташланади. Бу вақтда Зевс Аякс қалбига кўркув солади. У улкан қалқонини орқасига ташлаб, аста чекина бошлайди. У бамисоли кўппаклар ва жасур чўпонлар шерни подадан нари қувгандек, чекиниб борарди.

Қахрамон аста чекиниб борар, ора-орада тўхтаб, қалқони ортига яшириниб, ўзини сиқиб келаётган трояликларни тўхтатиб турарди. Чекиниб бораётган Аяксга кўзи тушган қахрамон Эврипил унга ёрдамга ошиқади. Бироқ Парис уни ҳам камон ўқи билан яралайди ва Эврипил жанггоҳни тарк этишга мажбур бўлади. Аяксга кўмакка эса юнонлар етиб келишади ва Теламонзода уларнинг ёрдамида беэиён чекинади.

Қароргоҳда эса Ахилл кеманинг қуйруғида туриб, жангни кузатарди. Нестор яраланган қахрамонни олиб келганини кўриб, дўсти Патроклни ёнига чакиради-да, Несторнинг олдига бориб, Махаон жароҳатланганми ёки йўқлигини билиб келишни тайинлайди. У ерда Патроклнинг кўзи чиндан ҳам ярадор Махаонга тушади. Унга ичимлик тайёрлашаётган эди. Пилос шоҳи уни кўриб, ўзлари билан ўтиришга таклиф этади, бироқ дўстининг хузурига шошиб турган Патрокл ўтиришдан бош тортади. Нестор трояликлар юнонларни қандай қилиб исканжага олишаётганини, қахрамонлардан кимлар ярадор бўлганини айтиб, юнонларга ёрдам беришини сўрайди. У Патроклга Ахиллнинг силоҳ-совутини кийиб, мирмидонларга қарши жангга киришга Ахиллдан розилик олишни маслаҳат беради; шундай қилса, трояликлар Патроклни Ахиллга ўхшатиб, жангни тўхтатишармиди? Шунда юнонлар машаққатли жанглардан бирор хордиқ олишарди. Патрокл бу гапга рози бўлади-да, дўстидан ўзига жангга киришга рухсат беришини астойдил сўраш иштиёқи билан ортига, Ахиллнинг ёнига қайтади. Патрокл йўл-йўлакай сонидан камон ўқи билан яраланган Эврипилга дуч келади. Қахрамон оғриқдан қаттиқ азоб чекмоқда эди, ярадан эса қон тинмай оқарди. Патроклнинг қахрамонга раҳми келади. У Эврипилга кемага етиб олишида кўмаклашиб, ўқни жароҳатдан кесиб олади-да, ярага шифобахш гиёҳ босади. Эврипил ҳам трояликлар юнонларни қандай сиқувга олишаётганини айтади.

Бу ёқда жанг ҳамон шиддат билан давом этарди. Лекин трояликлар дастлабки ҳамлада зовурдан ҳам ўта олмайдилар, юнонларнинг деворини ҳам забт эта олмайдилар. Ҳектор зовурдан жангаробада ҳатлаб ўтмоқчи бўлади, лекин отлари зовур лабига чошиб келганда, бирдан ҳуркиб, четга буриладилар. Шунда қахрамон Полидамантнинг маслаҳати билан трояликлар бешта қатта-қатта дастага бўлинади-да, ҳар даста ўз саркардаси бошчилигида ҳужумга ўтади. Энди Троя саркардалари ҳам жангаробаларини зовур лабида қолдириб пиёда жанг қила бошлайдилар. Ёлғиз қахрамон Асийгина жангаробасидан тушмаганди. У қочаётган юнонларни таъқиб қилиб, тўппа-тўғри юнонларнинг кемасига ҳужум қилмоқликни кўзлаганди. Бироқ девор ёнида Асийнинг ҳужумини икки қахрамон – лапифлар – Полипет ва Леонтей даф этишди. Улар дарвоза ёнидаги девор олдидан бамисоли икки азим эман туришарди. Лапифлар ҳужум қилаётганларни қайтариб, мардона жанг қилишди, деворлар усти-

дан эса улкан тошлар ва беҳисоб ўқлар дўлдек ёғиларди. Лапифлар кўплаб троялик қахрамонларни ер тишлатиб, Асий хужумини қайтаришди. Лекин Ҳектор ва Полидамант етакчилигидаги янги кучлар дарвозага яқинлашиб келаётган эди. Шу пайт Зевс буюк аломатини билдиради. Трояликлар отряди боши узра бехос бургут пайдо бўлади. У илонни чангаллаб олган эди. Илон биланглаб, бургутнинг кўксини чақади. Бургут даҳшатли чинқириб, чангалидан илонни трояликлар отряди устига ташлаб юборади-да, тезда кўздан йўқолади. Бу аломатни кўрган Полидамант Ҳекторга жангни тўхтатиш, юнонлар қароргоҳини қўлга олишга уринмасликни маслаҳат беради. Бироқ Ҳектор Полидамантнинг маслаҳатига кулоқ солмай, отряди билан девор томон йўл олади.

Чақмоқдор Зевс даҳшатли бўрон кўтаради. Юнонларнинг кемалари томон чанг-тўзон куюндек ёпирилади. Кучли бўрон турган бўлишига қарамай, юнонлар ихота деворини мардларча ҳимоя қиладилар. Трояликлар девор бошидаги дандаларни бузишар, ёғоч устунларни қимирлатиб, уларга ўрнатилган минораларни қулатмоқчи бўлишарди. Лекин юнонлар девор бошидан тош ва ўқ ёғдириб, найза отиб ёвни қарши оладилар. Иккала Аякс юнонларни матонат билан ҳимояланишга илҳомлантиришарди. Муаззам Сарпедон қалқон билан кўксини тўсиб олиб, қўлида иккита найза билан дарвоза яқинига келади. У ликиялик Главкни кўмакка чақирган эди. Дарвозани Менесфей мудрофаа қиларди. У Аяксларни ёрдамга чақириш учун киши юборади. Менесфейга кўмак бериш учун Беламонзода Аякс, унинг биродари Тевкр ва Пандион келишади. Аякс деворга кўтарилаёзган қахрамон Эпиклни улкан тош отиб улоқтиради. Тевкр камон ўқи билан Главкни ярадор қилади. Бироқ Сарпедон чекинаё демасди. У, ҳатто, деворнинг бир қисмини бузишга ҳам эришади. Бироқ уни Аякс билан Девкр даф этишади. Сарпедон ўзининг ликияликларини янги ҳужумга отлантиради. Улар деворга яна бир бор ташланишади, лекин юнонлар уни эгаллашга йўл қўйишмайди. Ликияликлар деворни эгаллай олишмайди, юнонлар ҳам уларни ҳайдаб чиқара олишмайди. Бу жангда ликияликлар ҳам, юнонлар ҳам жангда устунликка эриша олишмайди. Муаззам Ҳектор юнонлар қароргоҳига биринчи бўлиб бостириб киради. У икки азамат йигит пишанг билан зўрға жойидан қўзғата олиши мумкин бўлган каттакон харсангни кўтариб, дарвозага уради. Бу зарбага дарвоза ҳам, унинг орқасига тиралган бақувват танба ҳам дош беролмай, бўлак-бўлак бўлиб кетади. Ҳектор ланг очилган дарвоза орқали юнонлар қароргоҳи томон отилади. Унинг ортидан Троя лашкари ҳам бостириб киради. Девор шундай ҳамла билан забт этилган эди. Юнонлар, ноилоҳ, ўз кемалари томон қоча бошлайдилар. Қароргоҳда саросима бошланади.

КЕМАЛАР ЯҶИНИДА ЖАНГ

Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Энди жанг шундоққина кемалар пойида давом этарди. Зевс мухорабани кузатмай қўяди, чунки у биронта ҳам тангри ёки маъбуда юнонларга кўмаклашишга журъат эта олмаслигига қатъий ишонар эди. Жанггоҳдаги урушни кузатиш учун Фракия тоғига чиққан тангри Посейдон Зевснинг бепарволигини кўриб, шоша-пиша ўз қасрига тушади; унинг одим отишидан тоғлар ларзага келади. Посейдон қасрига етиб келиб, отларини жангаробага қўшади-да, уларни денгиз тўлкинлари узра учириб, Трояга равона бўлади. Отлар туёқларини тўлкинларга теккизмай, мисоли қуюндек учадилар. Тангри Посейдон бир зумда Трояга етиб боради. У денгиз бўйидаги ҳайхотдай бир ғор ичига жангароба билан отларини олиб киради, отларнинг оёғини тилла занжирлар билан тушовлаб, шу ерда колдиради. Сўнг ўзи Калхас қиёфасига кириб, иккала Аякснинг кўзи олдида намоён бўлади-да, уларни жанг қилишга руҳлантиради. У ҳукмдорлик асосини пахлавонларга теккизиб, уларнинг вужудига беназир қувва уфуради. Шу ондаёқ Аякслар Калхас қиёфасида намоён бўлган бул хилкат худо эканлигини тушунадилар ва яна ҳам жасорат ва матонат билан жангга отиладилар. Посейдон юнон қўшинларини оралаб, уларнинг барини мардона жанг қилишга рағбатлантиради. Юнон сарбозлари икки Аякс атрофига жипслашиб, мисли девордек саф тортадиларки, қалқонга калкон, дубулғага дубулға туташиб кетади: улар найзаларини ўқталганча трояликларни кутадилар. Бу томонда эса трояликларга бош бўлиб Ҳектор хужумга ўтади.

Тоғ чўққисидаги қоядан узилган залварли тош пастга думалаб, водийга тушиб туриб қолмагунича йўлида учраган ҳамма нарсани пайхон ва вайрон қилганидек, қалкон ва найза билан қуролланган Ҳектор ҳам юнонлар сафи устига шундай шиддат билан бостириб келарди. У метин девордек зич турган саф каршисида тўхтади ва трояликларни юнонлар сафини ёриб ўтишга даъват этади. Қирғинбарот жанг бошланиб кетади.

Посейдоннинг набираси Амфибак ҳам ҳалок бўлади. Посейдон ғазабга минади. У шоҳ Идоменейни набирасининг ўлими учун қасос олишга отлантиради. Обдор силоҳ-совут кийиб олган Идоменей Зевс чакмоғидек ярқираб, жангга отилади. Идоменей ҳозиргина найзасини Приам ўгли Денфобнинг қалқонига уриб, синдириб олган ва янги найза учун кетаётган Мерионга дуч келади. Идоменей Мерионга найза тутаяди ва иккала қахрамон бир бўлиб юнонларнинг сўл қаноти томон йўл олишади.

Келаётган Идоменейга трояликларнинг кўзлари тушиб, унга томон отилишади. Идоменей ҳам трояликлар томон интилиб, уларни қочишга маж-

бур этади. У трояликларни исканжага олганини кўрган Приамнинг ўғли Деифоб Энейни кўмакка чорлайди. Улар бир бўлиб, шунингдек, Парисни ҳамда Агенорни ҳам чақириб, Идомейга хужум қилишади. Идомей атрофида кирғин бошланиб кетади. Унга ёрдамга эса кўплаб қахрамонлар етиб келишади. Қахрамонлар кўксидаги мис совутлар шамширларнинг қаттиқ урилишидан жарангларди.

Ҳектор кемаларни ҳимоя қилаётган икки Аяксга қарши жанг қилади. Бир кўшга кўшилган ҳўкизларгина аҳиллик билан омов тортишгани каби, улар ёнма-ён туриб, жон-жаҳдлари билан жанг қилишарди. Аякслар теграсида жуда кўп сарбозлар жанг қиларди. Локрида кўшини эса, саф орқасида туриб, хужумга ўтган ёв устига камону палақмонлардан ўқ ва тош ёғдирардилар. Трояликлар ларзага келиб, чекинишга ҳам тайёр эдилар, бироқ шу пайт қахрамон Полидамант Ҳекторга шундай маслаҳат беради:

– Сен энг диловар мардларни йиғиб, улардан юнон кемаларига хужумни давом эттирайликми ё орқага чекинайликми, деб сўра.

Ҳектор қахрамонларни кенгашга тўплаш учун жанггоҳда зир югуради, лекин кўпчилики топа олмайди – баъзилари юнон кемалари пойида маҳв бўлиб ётишар, бошқалари жароҳат азобига дош бера олмай, жанггоҳни тарк этган эдилар. Ёлғиз Парис ҳамон юнонлар ҳамласини қайтариш билан банд эди. Ҳектор инисига таъна қила бошлайди, бироқ у ноҳақ таъна қилаётганди: Парис диловарона жанг қилар эди – кўп қахрамонларнинг ярадор, ундан ҳам кўпроғининг ҳалок бўлгани Париснинг айби эмас эди. Парис акасига, трояликларни жангга бошла, деб даъват қилади. Трояликлар бўрондек хужумга ўтадилар, аммо юнон сарбозлари бундан эсанкирамайдилар. Теламонзода Аякс Ҳекторни кўриб қолиб, уни юнон кўшини сафига яқинроқ келишга ундайди. Шу пайт Аякснинг боши узра бургут чарх уриб уча бошлайди, юнонлар Зевснинг бу аломатини кўриб, қувониб кетадилар. Лекин Ҳектор кўмондонлик қилаётган трояликлар даҳшатли ҳайкирганча юнонларга ташланадилар. Юнонлар ҳам ёвга шундай ҳайқирик билан жавоб қиладиларки, икки томон лашқарининг наъраси арши аълогача эшитилади.

Бу наъра Махаон билан ўз чодирда ўтирган Несторнинг қулоғига етиб боради. У қалқон билан найзасини қўлига олиб, чодирдан чиқади. Қария Агамемноннинг ёнига келади. У Микена шоҳи Диомедни ҳамда Одиссейни учратиш қолади: улар яраланган ҳолда, найзаларига таяниб келишмоқда эди. Улар жангни кузатишмоқчи эди. Жанг кемалар ёнида давом этаётганини кўрганда, уларнинг юраклари аламдан зирқирайди. Трояликларнинг хужумидан ўзларини ҳимоялаш учун кўтарган деворлари бузилганини кўриб, шохларнинг кўнгли ғамга тўлади. Кўшинга қандай ёрдам беришни, ҳалокатдан қутулиб қолиш учун нима қилишни билмай, бошлари гаранг эди.

Агамемнон, ҳатто, кемаларни сувга тушириш ҳақида буйруқ бергани оғиз жуфтлайди. Бироқ Одиссей уни бундай қилишдан тўхтади, чун-

ки кемаларни сувга туширган сарбозлар жанг қилишдан кўра, кўпроқ кочишни хаёл қилишлари мумкин, дея хавотирланади. Диомед эса силох-совут билан кўшинга кўриниб, унинг руҳини кўтаришни, бироқ қайта яраланмаслик учун жангга кирмасликни маслаҳат беради.

Шу маҳал маъбуда Ҳера, юнонларнинг мағлубиятга учраётганини кўриб, хийла билан уларга ёрдам қилишни кўзлайди. У Зевсни ухлатиб кўймоқчи ва шу фурсатдан фойдаланиб, юнонларга зафар ато этмоқчи бўлади.

Маъбуда Ҳера Олимпдан парвоз қилиб, зумда Лемнос оролига етади ва у ердан ғафлаг тангриси Ҳипносни топади. Ҳера, чакмоқдор Зевсни ухлат, деб Ҳипносга роса ялинади, лекин Ҳипнос ҳеч рози бўлмайди, чунки у Зевс ғазабига дучор бўлишдан қўрқарди. Ахири Ҳера уни гапга кўндиради. У Ҳипнос билан бирга Ида тоғи чўққисига учиб келади. Бу ерда Ҳипнос Зевсга сездирмай, хушовоз сайроқи куш қиёфасида азим корақарагай шохлари орасига яшириниб олади ва бузург тангрини уйку оғушига олади. Кейин Ҳипнос Ида тоғидан тўғри зилзилакор Посейдон ҳузурига учиб бориб, унга Зевснинг маст уйқуга кетганини хабар қилади.

Посейдон бу хабардан қувониб кетиб, юнонларни яна жангга рағбатлантиради. Агамемнон, Диомед ва Одиссейлар яраланганликларига ҳам парво қилмай, юнон кўшинини яна сафга тизадилар. Кўшин Посейдон бошчилигида трояликлар устига юра бошлайди. Денгизда тўфон кўтарилганда, долғалар юнонларнинг кемалари ва чодирларигача етиб кела бошларди, энди юнонлар ҳам шу долғалар сингари трояликлар устига бостириб борарди. Яна қақшатқич жанг бошланади. Ҳектор Аяксга қарата найза отади, лекин найза уни яраламайди. Аякс эса кагтакон харсангни кўтариб, Ҳекторнинг кўксига отади. Ҳектор бу зарбадан Зевс йўллаган яшиндан қулаган эмандек ерга қулайди: қўлидан найзаси тушиб кетади, улкан қалқони уни босиб, ерпарчин қилади. Шунда юнонлар Ҳекторга ташланишади, лекин троялик қахрамонлар Приамзодани ҳимоя қилишиб, жангтоҳдан олиб чиқиб кетадилар. Улар хушидан кетган Ҳекторни Ксанф дарёси бўйига ётқизиб, юзига сув пуркайдилар. Ҳектор чуқур тин олиб, кўзини очади ва бошини кўтаради, шунда унинг оғзидан қон варақлаб оқа бошлайди. У яна чалқанча ётиб, хушидан кетади. Жангтоҳда эса, Ҳектор Аякс отган тошдан яраланганини кўрган юнонлар ҳамжиҳатлик билан трояликларга ҳамла қилардилар. Уруш янада кескинроқ тус олади. Бу жангда юнонлар томонидан ҳам, трояликлар томонидан ҳам кўплаб қахрамонлар ҳалок бўладилар. Трояликлар орқага қочадилар, фақат юнонлар қароргоҳини ўраган деворнинг ташқарисига ўтишгандан кейингина югуришдан тўхтайдилар.

Бу пайт Ида тоғи чўққисида ғафлаг уйқусида ётган Зевс уйғонади. У трояликлар чекинаётганини ва юнонлар Посейдон бошчилигида Троя кўшинини

таъқиб қилиб бораётганини кўриб дарғазаб бўлади. У Ҳерани койий бошлайди.

– Посейдонни юнонларга мадад беришга ундаганинг учун, – деб дағдага қилади у завжасига, – сени олтин занжир билан кишанбанд этиб, осмон билан замин оралиғига муаллақ осиб қўяман!

Лекин Ҳера, Посейдонни юнонларга кўмаклашишга ундаган мен эмасман деб, қасам ичиб, Зевсни ўз гапига ишонтиради.

Маъбуда Ҳера хаёл тезлигида Олимпга учиб боради. У ердаги зиёфатда унинг ўзи худоларни Зевс иродасига қаршилик қилмасликка кўндиради. Шунингдек, Ҳера уруш худоси Аресга унинг ўғли Аспалаф Денфоб томонидан ҳалок этилганини хабар қилади. Арес фарёд солади. У ғазабга келиб, ўрнидан туради-да, силоҳ-совутини кийиб, ўғли учун қасос олиш мақсадида жанг майдонига ошиқади. Бирок Афина буюк Зевснинг иродасини эслатиб, уни тўхтатиб қолади. Ҳера тангри Аполлон билан худолар даракчиси Иридани ёнига чорлаб, сизларни Зевс ўз қошига, Ида чўққисига қақиртирмоқда, дейди.

Аполлон билан Ирида Ида чўққисига, Зевс ҳузурига бордилар. Зевс Иридага Посейдон ҳузурига учиб, унга Зевснинг жанг майдонини тарк этиш тўғрисидаги амрини етказишни буюради. Ирида кўз очиб-юмгунча Посейдон қаршисида намоён бўлади ва Зевснинг амрини етказди. Лекин Посейдон иниси – Зевснинг амрига итоат этишни истамайди. «Зевс билан икковимизнинг ҳукмдорлик куввамиз баробар, у менга эмас, ўзининг ўғил-қизларига амр этсин», – дейди аччиқланган Посейдон. Лекин, барибир, ахири бузург Зевснинг буйруғига итоат этиб, жанг майдонидан чиқиб кетаркан, агар Зевс бундан буён ҳам Трояни аяшда давом этадиган бўлса, ўзи билан Зевс ўртасида адоват бошланажagini айтиб, таҳдид қилади.

Энди Зевс Аполлонга юзланади:

– Сен, Аполлон, менинг қалқонимни илкинга олгинда, уни силкитиб, юнонларни таҳликага сол; кейин ярадор Ҳекторнинг қудратини тикла.

Аполлон қарчиғайдек шўнғиб, Ҳектор қошига тушганида у аста ўзига кела бошлаган эди.

– Ўрнингдан тур, Ҳектор, – дейди унга Аполлон. – Мен тангри Аполлонман. Зевс мени сенга кўмаклашгани юборди. Сен қўшининг олдига бориб, уни юнонларга қарши хужумга даъват эт, трояликлар сафи олдида ўзим боргаймен.

Аполлон Ҳекторнинг вужудига бемисл қувва уфуради. Шунда у ўрнидан туриб, шахдам-шахдам юрганча трояликлар даврасига боради. Трояликлар ўз саркардаларини соппа-соғ кўриб, қувониб кетадилар. Юнонлар эса Ҳекторни душман сафида кўриб, хайрон бўладилар. Троя қўшини чекинишга барҳам бериб, яна юнонлар томонга бостириб бораверади. Жанг тобора даҳшатли тус олади, дарё-дарё қон тўкилади. Юнон-

лар Троя лашкарининг хужумини мардона туриб даф қиладилар. Лекин шу пайт бирдан Аполлон Зевс қалқонини силкита бошлайди, шундагина юнонлар сесканиб, юраклари орқага тортиб, кўркиб чекина бошлайдилар. Трояликлар уларни қувишга тушадилар. Аполлон эса девор олдидаги хандакни бир найза отими узунлигида тўлдириб, йўлни текислаб борарди. Юнонлар ўз кемалари тагига етгандагина қочишдан тўхтайдилар. Бу ерда улар, бизларни паноҳингизга олинг, деб худоларга тавалло қиладилар. Қария Нестор ҳам Зевсга тавалло қилиб:

– Зевс, юнонлар ватанларига эсон-омон қайтаришни илтижо қилиб, сенга қилган қурбонликларни эсла: О, Олимпик, юнонлар бошидан халокатни арит! Трояликлар тугал зафар қозонишига йўл қўйма, – дейди.

Зевс Несторнинг ноласини эшитади ва арши аълодан туриб момақалдироқ гумбурлатади. Трояликлар бу момақалдироқ садосини ўзлари учун эзгулик нишонаси деб қабул қиладилар ва бўрон пайтида денгизда кемалардан ҳам баландга кўтарилувчи мудҳиш долғалар сингари, юнонлар устига ташланадилар. Энди жанг шундоққина кемалар пойида давом этади. Бу жангда Аякс кемаларни ҳимоя қилиб, мардона олишади.

Аякс билан елкама-елка унинг биродари Тевкр жанг қилар ва троялик қаҳрамонларни камон ўқи билан махв этарди. Тевкр Гекторга ўқ отмоқчи бўлганда уни Зевс ҳимоя қилади. Тевкрнинг кўлидан камони тушиб, чилласи узилади, ўқлари сочилиб кетади. Тевкр даҳшатга тушиб, худолар иродасини англайди. Аякс эса биродарига камонни қўйиб, шамширни ишга солишни маслаҳат беради.

Жанг тобора шиддатли тус олади. Кемалар атрофида қон жилга бўлиб оқади. Юнонлар ўз қалқонларидан мис девор барпо этиб, кемаларни ихота қиладилар. Улар қанчалик зўр жасорат кўрсатиб, ўзларини ҳимоя қилсалар, трояликлар ундан-да шиддат билан ҳужум қиладилар. Бу пуршиддат муҳорабани четдан кузатган одам, жанг қилавериш биласи куриган лашкарлар эмас, эндигина жанггоҳга кириб келган, куч-қуввати зиёда қўшинлар олишмоқда, деб ўйлаши мумкин эди. Ҳектор гўё учиб бораётган қушларни қийратувчи бургут янглиғ юнонларни беаёв махв этарди. Мана, у бир кўли билан Протесилай кемасининг қуйруғидан ушлаганча, кемага ўт қўйиш учун менга машъала беринглар, деб баралла ҳайқиради трояликларга. Бундай даҳшатли ҳужумга, ҳаттоки, қодир Теламонзода Аякс ҳам бардош бера олмайди, у найзасини дамодам ишга солиб, душман ҳамласини базўр қайтаради. Қалқоннинг огирилигидан Аякснинг чап кўли увушиб қолади. У бўғик нафас олар, аъзои баданидан тер ариқ бўлиб оқарди. У чекина бошлайди. Шунда олдинга отилиб чиққан Ҳектор Аякс найзасининг пайқонини шамшири билан чопиб ташлайди. Юнонларнинг кемаларини ёндириш Зевснинг иродаси бўлаётганини Теламонзода тушунади. Чиндан ҳам, трояликлар Протесилайнинг кемасига

ўт қўйиб юборадилар, кема аланга олиб ёна бошлайди. Энди бутун юнон лашкарини ҳалокатга маҳкум деб ҳисоблаш мумкиндек бўлиб кўринганди. Аммо айна шу пайт бирдан мутлақо қутилмаган томондан юнонларга мадад кучи етиб келади.



ПАТРОКЛНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ ВА ЎЛИМИ



Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Патрокл кўшини юнонлар қароргоҳига ёриб кирган пайтда, ярадор Эврипилнинг ёнида ўтирган Патрокл дахшатдан сакраб туриб кетиб, фарёд қилади ва аччиқ кўзёш тўкканча Ахиллеснинг чодирига отилиб қиради.

– Патрокл, – дея савол беради унга Ахиллес, – нечун сен онасининг этагидан тутиб, «кўтар» деб ёлборган жажжи қизалокдек йиғламоқдасан? Наҳотки, Фтиядан хунук хабар келган бўлса? Ёхуд юнонларнинг ўз кемалари яқинида ҳалок бўлаётганига ачиниб йиғлаяпсанми? Нечун бу қадар андухдасан, дардингни мендан яширма.

– Эй, Пелейзода! – деб жавоб қилади унга Патрокл. – Юнонлар бошига ғоят огир мусибат тушди! Энг диловар йигитлар яраланганлар. Наҳотки, энди ҳам юнонларга ёрдам қўлини чўзмасанг? Агар ўзинг ёрдам қилишни истамасанг, ижозат бер, мен сенинг мирмидонлик лашкарингга бош бўлиб жангга қирай. Силоҳ-совутингни бер. Шояд трояликлар мени сен деб ўйлаб, жангни тўхтатишса. Унда биз янги куч билан ғанимларни кемалар пойидан улоқтириб ташлардик.

Патрокл Ахиллесга шундай сўзлар билан илтижо қиларди, ҳолбуки, ғофил банда бу билан ўзига ўлим тилаётганини билмасди.

Юнонлар танг аҳволга тушиб қолганидан Ахиллес вокиф бўлади. Фақат Ҳекторнинг овозини эшитаётганди. Демак, жангда Юнонистоннинг биронта ҳам қахрамони иштирок этмаётган экан-да?! У юнонларнинг буткул қирилиб кетишини хоҳламасди. Шунга кўра, у Патроклга ўзининг силоҳ ва совутини беришга рози бўлиб, унинг трояликларга қарши жанг қилишига ижозат беради; «Лекин, – деб шарт кўяди у, – фақат менинг кемаларим хавф остида қолган тақдирдагина жангга кирасан». Шундай ҳолдагина Патрокл трояликларга зарба бериши ва кемани ёнғин хавфидан асраб қолиши лозим эди. Айна чоғда, Ахиллес мирмидонларни Троя қалъаси тагига бошлаб боришни қатъиян ман қилади, зеро, у эъзозли дўсти Патроклнинг ҳалок бўлишидан хавотирда эди.

Дўстлар шу гапларни бир-бирларига айтиб туришганида Ахиллес ўз кемаларидан бирига Ҳектор томонидан ўт қўйилганини кўриб қолади.

– Тезроқ бўл, Патрокл! – деб бакиради у ғазабга минганча. – Кемалар орасида аланга кўтарилганини кўрмоқдаман. Тезроқ куроллан! Унгача ўзим мирмидонларни жангга сафлаб тураман!

Патрокл бир зумда Ахиллеснинг совутини кийиб, силоҳларини қўлига олади, фақат унинг найзасинигина қолдиради; зеро, ул найза шу қадар залварли эдики, Ахиллесдан ўзга ҳеч бир зот уни кўтариб жангга киришга қодир эмасди. Ахиллеснинг аравакаши Автомедонт унинг жангаробасига отларни қўшади. Бу аснода Ахилл ўз мирмидонларини сафга тизади. Улар кийикка ташланишга ҳозир йиртқич бўрилардек, жангга киришга ошиқишарди. У сарбозларни жангу жадалга руҳлантирар экан, шундай мардона жанг қилинларки, шоҳ Агамемнон жасоратингизни кўриб, мендек шавкатли қахрамонни ноҳақ таҳқирлаганини тушунсин, дейди. Мирмидонлар жанггоҳга куюндек отилиб кирадилар. Даҳшатли қичқириклари атрофни босиб кетади. Шунда трояликлар Ахиллес совутини кийган Патроклни кўриб: «Ие, Ахиллес Агамемнонга бўлган адоватини унутиб, юнонларга ёрдамга келибди-да», – деб ўйлайдилар. Энди Троя лашкарининг юрагига ғулғула тушиб, қочишни ўйлай бошлайди. Шу аснода Патрокл ўзини жангнинг энг қайнаган ерига уриб, Протесилай кемаси пойида урушаётган трояликларни найзаси билан қийрата бошлайди. Ваҳимага тушган трояликлар орқага чекинадилар.

Лекин улар қароргоҳни дарҳол ташлаб чиқиб кетмайдилар, дастлаб кемалардан узоклашадилар. Юнонлар трояликларни таъқиб қилишар, кўплаб троялик қахрамонлар ер тишлатилган эди. Бироқ трояликлар, қароргоҳда узок қола олмайдилар. Юнон қахрамонлари улар устига ваҳший бўрилар галасидек ташланадилар. Трояликлар майдондаги хандақлар орқали қочадилар, кўплари ҳалок бўлишади. Қахрамон Теламонзода Аякс Ҳекторни маҳв этиш истаги билан ёнарди. Ҳектор, гарчи ғалаба трояликлар қўлидан чиқиб кетаётганини кўриб турган бўлса ҳам, чекинмаётганди; у трояликларни таъқиб қилаётган юнонларни нима қилиб бўлса ҳам тутиб туриш истагида эди. Ниҳоят, Ҳектор ҳам чекинишга мажбур бўлади. Жангаробага қўшилган отлари кушдек учиб, уни зовур оша кенг далага олиб чиқадилар.

Патрокл юнонларни қочаётган ғаним орқасидан қувишга даъват этганча, отларини зовур томон ҳайдайди. Пелейнинг боқий отлари зовур устидан жангароба билан сақраб ўтиб, майдондан югуриб кетишади. У олазарак бўлиб Ҳекторни қидиради, лекин Ҳектор аллақачон ўз жангаробасида қочиб қолган эди. Кенг далада чопиб бораётган Троя лашкари пойидан кўтарилган чанг ҳамма ёқни бурқаб олган эди.

Трояликлар Троя шаҳар девори ортига яшириниш учун шошиларди. Бироқ Патрокл чекиниб бораётган кўпчиликнинг йўлини тўсади. Уларни орқага, кемалар томон қувиб бориб, кўпчилигини оғир найзаси билан

халок этади. Сарпедон кўпчилик қаҳрамонлар Патрокл кўлидан ер тишла-ётганлигини кўриб, ўз ликияликларини тўхташга даъват этади. Сарпедон Патрокл билан жанг қилмоқни истайди. У жангаробадан сакраб тушиб, Патроклни кута бошлайди. Ахиллеснинг дўсти жангаробасидан тушади. Икки қаҳрамон, баланд қояда ўлжа учун шовкин солиб уришаётган калхатлардек, бир-бирига ташланади. Зевс бу курашни кўриб қолади. Унинг Сарпедонга раҳми келади-да, ўз ўғлонини кутқармоқчи бўлади. Ҳера Зевснинг ўғлига ачинаётганини эшитади. Унга ўғлини кутқармасликни маслаҳат беради. Кўпчилик тангриларнинг ўғлонлари Троя остонасида жанг қилишаётганини, кўпчилиги халок бўлганини эслатади. Агар Зевс Сарпедонни кутқарса, бошқа тангрилар ҳам ўз ўғлонларини кутқаришни истаб қолишади. Агар қисматида бўлса, Сарпедон Патроклнинг кўлидан ўлим топиши лозим, дейди у. Зевс Ҳеранинг маслаҳатига кўнади. У Троя майдонларига қонли шудринг тушириб, Патроклнинг кўлидан ўлим топиши лозим бўлган ўғлини шарафлайди.

Патрокл биринчи бўлиб найза отади ва Сарпедоннинг содик хизматкорини ўлдиради. Сарпедон ҳам найзасини отади, лекин Патроклга тегмайди; найза ёнидан учиб ўтади-да дўсти Ахиллнинг жангаробасига қўшилган отлардан бирига тегиб, ўлдиради. Қаҳрамонлар иккинчи марта найзалашишади. Сарпедон яна нишонга тегмайди. Патроклнинг найзаси эса Сарпедоннинг кўксига санчилади. Ликия шоҳи илдизидан чопилган эмандек гурсиллаб йиқилади. Сарпедон дўсти Главкка баланд овозда му-рожаат қилиб:

– Дўстим Главк, ликияликларни ўз шоҳлари Сарпедон учун жасорат билан жанг қилишга даъват эт, ўзинг ҳам мен учун жанг қил. Юнонлар менинг силоҳ-совутимни ечиб олишса, сен абадул-абад шарманда бўлурсан, – дейди.

Булар Сарпедоннинг кўксидан ўлими олдидан отилиб чиққан гаплари эди, сўнг тангри Танат унинг кўзларини мангуга юмади. Главк дўстининг овозини эшитгач, қайғуга чўмади. Унга ёрдам беролмаганидан азоб чекарди, зеро, ўзи ҳам жароҳат аламини тортиб ётганди. У худога тавалло қилиб, жароҳатини даволашни сўраб, дуо қилади. Аполлон Главкнинг илтижоларини эшитиб, жароҳатига шифо беради. Главк ликияликларни ҳамда Троя қаҳрамонлари Эней, Агенор, Полидамант ва обдор дубулғали Гекторни Сарпедон жасади учун жанг қилишга тўплайди. Қаҳрамонлар йиғилиб, Главкка кўмакка ошиқишади. Патрокл ҳам юнон қаҳрамонларини ёрдамга чақиради; биринчи бўлиб иккала Аякс етиб келишади. Сарпедон жасади атрофида жанг кизиб кетади. Зевс эса, жанг янада шиддатли бўлиши учун ўғлининг жасади устини зулмат билан қоплайди.

Қуроолларнинг шарақа-шуруқи шунақанги кўтариладики, гўёки саржинчилар тўдаси тоғ ўрмонларида дарахт чопаётгандек туюлади. Сарпе-

дон жасади эса чанг ва қонга булганиб, камон ўқлари бошдан-оёқ санчилган ҳолда ётарди. Зевс жанг майдонидан кўзини узмасди; у Патроклни ўғлимнинг жасади ёнида ҳалок қилайми ёки яна буюк қаҳрамонликлар кўрсатишга ҳамда трояликларни шаҳар деворига қадар қувиб боришига кўйиб берайми, деб ўйларди. Зевс Патроклнинг умрини узайтиришга қарор қилиб, Ҳектор қалбига кўркув солади. У биринчи бўлиб жанг майдонини ташлаб қочади, сўнг бошқа жангчилар ҳам унга эргашишади. Юнонлар Сарпедоннинг силоҳ-совутини ечиб олишади, Патрокл уларни кемалар ёнига олиб боришни буюради. Шунда чакмоқдор Зевс Аполлонни чакиради, унга Сарпедоннинг жасадини олиб, чанг ва қонни ювиб, муаттар мойлар суртиб, ҳашаматли либос кийдиришни буюради. Сўнг ака-ука тангрилар – Уйку ва Ўлим Сарпедоннинг жасадини, Сарпедоннинг дўст, биродарлари уни буюк эҳтиром билан дафн этишлари учун Ликияга олиб боришлари лозим эди. Аполлон Зевснинг амрини бажо келтиради.

Патрокл бу пайт трояликларни шаҳар деворлари томон тиркиратиб борарди. У ўз ажали сари елдек учиб бораётган эди. У йўл-йўлакай анча-мунча қаҳрамонларни ер тишлатади. Агарда бу пайт тангри Аполлон Зевснинг амри билан Троянинг юксак минорасига келиб инмаганида борми, Патрокл шу кетишда Трояни ҳам забт этган бўларди. У шаҳар девори бошига уч марта кўтарилади, аммо ҳар сафар Аполлон унинг ҳамласини қайтаради. У тўртинчи марта деворга ҳамла қилганида, Аполлон таҳдидли хайкириб, шундай дейди:

– Эй, диловар Патрокл, чекин! Азим Трояни вайрон қилиш сенга эмас, Ахиллеснинг қисматига битилган!

Бу каломни эшитиб, Патрокл орқага чекинади, зеро, у бандаларни олисдан туриб ҳам олтин ўқлари билан махв этувчи чўнг мерган тангри Аполлоннинг қаҳрини келтиришга журъат эта олмайди.

Ҳектор Аскей қопқасига етгандагина отларни тўхтатади; у Патроклга қарши ҳужум қилсаммикин ёки бутун лашкарга Троя қалъасига кириб жон сақлашни буюрсаммикин, деб тараддудда турар эди. Шу пайт унинг қаршисида Аполлон ўз тоғаси, яъни Ҳекубанинг акаси қиёфасида намоён бўлади ва унга очиқ майдонда Патроклга ҳамла қилишни маслаҳат беради. Ҳектор маслаҳатга қулоқ солиб, аравакаши Кебрионга отларни жанггоҳ томон йўналтиришни амр этади. Патрокл жангаробада келаётган Ҳекторни кўриб, дарҳол ерга сакраб тушади ва ўнг қўлига харсангтош олиб, чап қўлида найзасини ўйнатганча, ғанимининг яқин келишини кута бошлайди. Ҳекторнинг жангаробаси яқинлашганида, Патрокл тош отиб аравакашнинг бошини мажақлайди. Кебрион ўзини денгизга отган ғаввос каби жангаробадан йиқилди.

– Кебрион мунча тез шўнғимаса?! Денгизга ўзини отганида, кемадан сувга шўнғиб, анча-мунча жонивор тутган бўларди. Қарасам, трояликлар

орасида гаввослар анча-мунчага ўхшайди, – деб истехзо билан кулди Патрокл.

Шундай деб, Патрокл Кебрион жасадига ташланади.

Ҳектор жангаробадан сакраб тушади ва аравакашининг жасадини химоя қила туриб, Патрокл билан олиша бошлайди. Қирғинбарот жанг бошланади. Юнонлар билан трояликлар ўрмонзор водийда бир-бирига тўқнаш келган шарқ ва жануб шамоллари – Эвр билан Нот сингари (бундай пайтда дарахтлар шувиллаб эгилар, шохлари билан бир-бирларини савалар, илдиз-пилдизи билан кўпорилиб ағдарилаётган эманлар, карагайлар, қоракарагайларнинг қасир-қусури чор атрофни босиб кетарди) шиддат билан олишардилар. Трояликлар билан юнонлар узок вақт жанг қиладилар. Мана, куёш ҳам мағрибга оға бошлайди. Патрокл трояликларга уч карра ҳамла қилади ва ҳар ҳамласида найзаси билан тўққиқтадан трояликни маҳв этади; у тўртинчи марта ҳужумга ташланганида бошдан-оёқ зулматга бурканган Аполлон унга қарши чиқади. У Патроклнинг орқасидан келиб унинг гардани ва елкасига мушт уради. Патроклнинг кўзи тинади. Тангри Аполлон Патроклнинг бошидан бир вақтлар бузург Пелейнинг бошини безаган дубулғасини юлиб олади, дубулга ерда думалаб кетади. Шу пайт Патроклнинг кўлидаги найза ҳам «қарс» этиб синиб, залварли қалқони ерга гумбуллаб тушади. Кучдан қолган ва силоҳ-совутидан маҳрум бўлган Патрокл трояликлар олдида турарди. Бироқ Патрокл курул-аслаҳасиз бўлса ҳам, қахрамон Эвфорб унга рўпарадан ҳужум қилишга ботина олмайди, унга орқадан найза санчади ва трояликлар тўдасига яширинади. Шунда Патрокл жон сақлаш мақсадида юнонлар сафи томон тисарила бошлайди. Лекин Ҳектор унинг ночор аҳволга тушганини кўриб қолади ва найза отиб уни маҳв этади. Камоб жилға бўйида сув талашиб ёввойи қобонни ўлдирган шердек, Ҳектор Патроклни ўлдиради. Приамзода севинчдан қийқириб юборади – у Ахиллеснинг жонажон дўсти, азим шаҳар Трояни вайронага айлантирмоқчи бўлган қахрамонни ўлдирган эди. Патрокл ерга кулайди ва жони узилиш олдидан Ҳекторга шундай дейди:

– Энди сен, Ҳектор, ғалаба қозондим, деб керилишинг мумкин. Ҳолбуки, бу зафарга сен Зевс билан Аполлоннинг ёрдамида эришдинг. Мени сен эмас, худолар мағлуб этишди, улар мени силоҳ-совутимдан маҳрум қилишди. Худолар учун бу кийин эмас. Сенга ўхшаганларнинг йигирматаси бир йўла менга ҳамла қилганида ҳам, ҳаммасини бир ўзим найзам билан маҳв этган бўлардим. Мени Аполлон билан Эвфорб ўлдиришди, сен эса – ўлдирганларнинг учинчиси бўлдинг. Энди менинг гапларимни ёдингда сақла: сенинг ҳам кунинг битай деб қолган, ажалинг ёнгинангда турипти. Машъум тақдир сенинг пешонангга Ахиллеснинг зарбасидан ҳалок бўлишни ёзган.

Шу гапдан сўнг Патроклнинг жони узилади. Унинг руҳи зимистон Аид салтанатига оҳиста учиб кетаркан, навқирон ва кудратли вужудни тарк этганидан зор-зор йиғлаб нола қилади.

Ҳектор эса жони узилган жасадга қараб ҳайқиради:

– Нечун менга ўлимни башорат қиялпсан, Патрокл? Ким билсин: балки Ахиллес менинг найзамдан махв бўлиб, дунёдан олдинроқ кўз юмар?

Кейин у Патроклнинг баданидан ўз найзасини тортиб олиб, Ахиллеснинг отларини қўлга киритиш мақсадида Автомедонтга ташланади.



ПАТРОКЛНИНГ ЖАСАДИ УЧУН ЖАНГ



Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Шоҳ Менелай тупроққа қоришиб ётган Патроклни кўриб, бу қахрамоннинг жасадини трояликлар таҳқиридан ҳимоя қилгани тепасига югуриб боради, ахир Патрокл шу Менелайни деб келган эди-ку бу жанггоҳга. Менелай қалқони билан ўзини пана қилиб, залварли найзасини силкитиб, Патрокл теграсида мисоли пурдаҳшат шердек юарди.

Патроклнинг икки кураги орасини жароҳатлаган троялик Эвфорб Патроклнинг жасадига эга чиқмоқчи бўлади. У жасадни тортиб олиб, Менелайдан ўз биродарининг хунини олиш ниятида унга яқин боради: Спарта шоҳи Менелай жангда унинг биродарини ўлдирган эди.

Мана, Эвфорб Менелайнинг қалқонига найза отади, аммо найза қалқонни теша олмайди. Менелай эса қаттиқ зарб билан Эвфорбнинг томоғига найза санчади, навқирон йигит шу заҳоти ерга кулаб, жон беради. Менелай дарҳол унинг бебаҳо силоҳ-совутларини ечиб ола бошлайди, лекин шу чоғ Ҳектор Аполлон қутқуси билан Менелай тепасига бостириб келади. Менелай Патроклнинг жасадини қолдириб, аста орқага чекинади; бу қилмиши учун у юнонлардан дашном ейишини билса ҳам, ёлғиз ўзи трояликлар қуршовида қолишдан кўрққан эди. Менелай Аяксни ёрдамга чақиради. Аякс етиб келганида Ҳектор Патрокл жасадини қўлга киритиб, унинг силоҳ-совутларини ечиб олишга улгурган эди. Энди Ҳектор Аяксдан кўрқиб, жасадни ташлаб, орқага чекинади. Приамзоданинг чекинганини кўрган Главк, юнон қахрамонларидан кўрқдинг-а, юраксиз, деб Ҳекторга маломат қилади ва шундай таъналар билан уни яна жангга киришга ундайди. Ҳектор Патроклнинг силоҳ-совутларини Трояга олиб кетаётган навкарларини ёнига чақириб олади, совутларни ўзи кияди. Чақмоқдор Зевс Ҳекторнинг Ахиллес курулларини тақаётганини кўриб, шу гапларни кўнглидан ўтказади:

– Аё бадбахт, ажалинг яқинлигини сезмаяпсан. Сен жангтоҳларда барчанинг қалбига даҳшат соладиган энг диловар қахрамоннинг совутини

киймоқдасан. Мен эса сенга завжанг Андромаха Ахиллеснинг бу совутларини ҳеч қачон сендан қабул қилиб олмайдиган қилиб зафар ато этгум.

Зевс шундай деб ўйларкан, бу ниятининг рўёбга чиқишига кафолат сифатида қошларини мудҳишона чимирди.

Ҳекторнинг қалби диловарлик ва шижоат руҳи билан йўғрилади. У ўз кўшини томон жадал юриб бориб, барча қахрамонларни жангга руҳлантиради. Шу аснода Менелай баралла наъра тортиб, юнонларни Патроклнинг жасадини муҳофаза қилишга даъват этади. Биринчи бўлиб олийзода Аякс, сўнг Идоменей, Мерион ва бошқалар келишади. Қахрамон юнонлар қалқонларидан зич девор ҳосил қилиб, Патрокл жасади атрофини ўрайдилар, трояликлар уларга ҳамла қилиб, даф этадилар. Улар яна Патрокл жасадини эгаллаб олишади. Лекин пахлавон Теламонзода Аякс трояликлар ҳамласини даф қилиб, Патроклнинг оёғидан тортиб кетаётган қахрамонни маҳв этиб, жасадни қутқариб қолади.

Яна жасад учун шиддатли қирғин бошланиб кетади – трояликлар ларзага келдилар. Бироқ тангри Аполлон Энейни жангга руҳлантиради. Эней лашкарни чекинишдан тўхтатиб қолади. Янада кўпроқ қон тўкила бошлайди. Ер юзи қонга, жанг майдони эса уйқашиб ётган жасадга тўлади.

Жанг юхо алангадек қизиқ борарди. Зевс эса Патрокл жасадини қуюқ зулмат билан чулғади. Ҳамма ёқ шу қадар сим-сиё эдики, гўё энди осмонда на қуёш, на ой бордек эди. Бироқ зулмат фақат Патроклнинг жасади атрофида бўлиб, жанг майдонининг қолган қисми қуёш нури билан чароғон, самода эса булут асло кўринмасди. Қахрамонлар Патрокл жасадини эгаллаш учун зулмат ичра жанг қилишарди.

Жанггоҳдан нарида Ахиллнинг боқий арғумоқлари ўз соҳиблари дўстининг ҳалокати туфайли кўзёш тўкиб туришарди. Аравакаш Автомедонт уларни жойидан жилдиришга беҳуда уринарди, арғумоқлар бошлари эгик ҳолда қимир этмай туришарди. Ёллари ергача осилиб тушганди. Зевснинг кўзи отларга тушди-да: «Бахти қаро отлар! Сиз, боқийларни нега ҳам Пелейга тухфа этдик? Наҳот, одамларнинг қайғу-ҳасратини кўринлар деб совға қилдик? Зотан, бутун коинотда инсондан-да бахти қаро бирон-бир жонзот йўқ! Лекин қайғурманг, Ҳектор ҳеч қачон сизларга эга чиқолмайди. Автомедонтни жанггоҳдан олиб чиқишингиз учун сизларга куч-қувват ато этгайман. Трояликларга яна ғалаба бахш этгум, бироқ бу ғалаба шу куннинг адоғигача, қуёш ўз ётоғига ботгунча берилди», – деб ўйлайди.

Зевс отларга муаззам куч пуркайди ва арғумоқлар Автомедонтни жанг майдонига елиб олиб киришади. Ахиллнинг аравакаши оғир найзани кўлига олиб, қахрамон Аретни ер тишлатади. Патроклнинг ўлими учун ҳеч бўлмаса шу билан қасос олдим-ку, деб хурсанд бўлган Автомедонт душманнинг силоҳ-совутини ечиб олади.

Патрокл жасади атрофида жанг қизигандан қизиб борарди. Жанг қилаётган юнонлар олдига кип-қизил булутга чулғанган маъбуда Афина тушиб келади-да, қахрамон Феникс қиёфасига кириб уларга далда беради. Менелай Фениксга жавоб берар экан (у Афинани таний олмаганди), барча худолардан олдин Афинадан мадад сўрайди. Хурсанд бўлган маъбуда Менелай жисмига енгилмас куч пуркайди. Аполлон эса трояликларга илхом бағишларди. Жанггоҳда тобора кўпрок қон тўкилмоқда эди. Зевс қалқонини бир силкитган эди, момақалдироқ гумбурлайди. Эллада қахрамонлари даҳшатга тушадилар. Юнонларнинг қочишини кўрган Теламонзода Аякс маъбус тортиб қолди. У Зевсга тавалло қилиб, зулматни тарқатишни, юнонларни ҳалок этмасликни сўради. Башарти сенинг ироданг шундай бўлса, майли, ҳалок этгин, фақат бу ишни ёруғда қилгин, деб ўтинди. Зевс Аякснинг ноласини эшитди. Зулмат тарқалди ва яна куёш чарақлай бошлади. Аякс Несторнинг ўғли Антилохни топиб, уни Патрокл ўлдирилгани, трояликлар унинг жасадини эгаллаб олишлари мумкинлиги тўғрисидаги хабар билан Ахилл хузурига юборишни Менелайдан сўрайди. Менелай Аякснинг илтимосини бажариб, Антилохни топади ва Патроклнинг ўлими ҳақида хабар беради. Антилох даҳшатга тушади. У Патрокл ҳалок бўлганини ҳали билмасди. Несторнинг ўғли аччиқ кўзёш тўкиб, Ахилл хузурига йўл олади.

Аякс Менелай билан Мерионга жасадни кўтариб, қароргоҳга олиб боришни маслаҳат беради. Ўзи эса, трояликларнинг ҳамласини қайтарганча, уларни пана қилади. Патрокл жасадини кўтариб олишганини кўрган трояликлар шу заҳоти қахрамонларга қутурган итлардек ташланадилар. Лекин Аякс трояликлар томонга ўгирилиши билан улар қўрқувдан ранглари қув ўчиб, таққа тўхтаб қоладилар. Жанг шаҳарлар кулини кўкка совурувчи ғоратқор ёнғин каби тобора кучайиб борарди. Патроклнинг жасадини кўтариб олган Менелай оҳиста юриб борар эди. Эней билан Ҳектор бошчилигида бостириб келаётган трояликлар хужумини Аякс зўр-базўр қайтарарди.

Бу маҳал Ахиллес ўз чодири олдида, нега Патрокл ханузгача жангдан қайтмаяпти, деб хавотирланиб ўтирарди. Юнонлар яна қочиб келишаётгани уни ташвишга солаётганди. Энди у, Патрокл ҳалок бўлмадимикан, деб ҳам ўйлай бошлаганди. Шу пайт бирдан унинг қошига Нестерзода Антилох юм-юм йиғлаб келади. У Ахиллесга Патроклнинг ҳалок бўлганини хабар қилади. Ахиллес бу шум хабарни эшитиб, тавсифлаб бўлмас даражада андуҳга ботади. У ўчоқдан ҳовучлаб кул олиб, бошидан сочади, кўкрагини ерга бериб ётиб, аламга чидай олмай, сочларини юла бошлайди. Навқирон Антилох ҳам унга қўшилишиб йиғлайди. У, Ахиллес тағин ўз жонига қасд қилиб қўймасин деб, қахрамоннинг қўлларида маҳкам ушлайди. Ахиллес хўнграб йиғлайди. Ўғлининг бу фигонини маъбуда Фетида эшитади,

эшитиб у ҳам нола чекиб йиғлай бошлайди. Унинг ҳузурига эгачи-сингиллари – Нерейнинг барча қизлари етиб келиб, улар ҳам дод-фарёд қила бошлайдилар.

– Опа-сингилларим, – деб хитоб қилади Фетида. – Бошимга мусибат тушди! Нечун Ахиллни дунёга келтирдим?! Нечун тарбияладиму нечун Троя остоналарига боришга йўл бердим?! Энди унинг Пелейнинг чарогон қасрига қайтганини асло кўрмагайман. Бутун қисқа умри давомида у жафо тортиши лозим! Унга кўмак бера олмайман! Ҳозир бориб, нечун ғам-андухга ботганини билиб оламан!

Мана, Фетида зум ўтмай ўз эгачи-сингиллари билан Ахиллеснинг қаршисида намоён бўлади. У арзанда ўғлининг бошидан кучганча юм-юм йиғлаб сўрайди:

– Нечун фарёд солиб йиғламоқдасен? Дардингни яширмай, онаи-зорингга баён эт. Ахир Зевсдан қилган илтижоинг вожиб бўлди, юнон кўшинини трояликлар то бандаргоҳгача қувиб борди-ку! Юнонлар энди сендан фақат бир нарсани – уларга мадад беришингни кутмоқдалар.

– Мен бундан воқифман, онажон, – деб жавоб қилади Ахиллес. – Лекин қандай хурсанд бўлай – Патроклдан жудо бўлиб қолдим-ку! Мен уни барча қаҳрамонлардан ҳам кўпроқ ардоқлардим, жонимдан ҳам ортиқ эъозлар эдим. Ҳектор шу жонажон дўстимни маҳв этиб, отам Пелейга тангрилар армуғон этган совутларни ечиб олипти. Агар мен ўз найзам билан Ҳекторни маҳв эта олмасам, агар уни ўлдириб, Патроклнинг хунини олмасам, бу ёруғ дунёда иснодга қолиб, бош кўтариб юрганимдан ўлганим афзал.

– Ахир агар Ҳектор ўлса, унинг кетидан ўзинг ҳам нобуд бўласан-ку! – дейди Фетида.

– Баски дўстимни ўлимдан асраб қола олмаган эканман, бу кунимдан ўлганим яхши! Бугундан эътиборан мен Агамемнонга бўлган адоватимни унутаман, фақат Ҳекторни ер тишлатиш мақсадида яна жангга кираман. Ўлимдан кўрқмайман! Ҳеч бир кимса ўлимдан қочиб қутула олмайди, ҳатто, буюк Ҳеракл ҳам, гарчи чақмоқдор Зевснинг суюкли ўғли бўлган эса-да, ундан қутула олмаган. Мен тақдири азалда битилган ерда жон казо қилишга тайёрман, аммо олдин улкан шону шухратга сазовор бўлмоғим шарт. Йўқ, онажон, йўлимни тўсма!

Ахиллес волидасига шундай жавоб қилади. Маъбуда Фетида ўғлига юзланиб дейди:

– Фақат битта илтимосим бор, ўғлим: мен тангри Ҳефест ҳузурига бориб, сен учун янги силоҳ-совут ясашиб келмагунимча жангга кирмай тур.

Соҳибжамол Нерей қизлари денгизга шўнғишди. Фетида Троя деворлари яқинида юз берган ҳодисалардан отаси Нерейни хабардор қилишни улардан илтимос қилди. Ўзи эса юксак Олимпга, тангри Ҳефест ҳузурига елди.

Юнон қахрамонлари бу пайт трояликларнинг хужумига базўр дош бериб туришарди. Шиддатли аланга мисол юнонлар ортидан қувиб бораётган Ҳектор жасадни Менелайнинг қўлидан тортиб олишга учинчи бор уринаётган эди. Аякслар уни учинчи бора даф этишмоқда эди. Агар маъбуда Ҳера томонидан жўнатилган тангриларнинг хабарчиси Ирида Ахилл хузурига келмаганида Ҳектор Патроклнинг жасадини аллақачон эгаллаб олган бўларди. У Ахиллни бориб, дўстининг жасадини ҳимоя қилишга даъват этади. Бироқ Ахилл жангга киролмас, силоҳ-совути йўқ эди. Шунда Ирида Ахиллга юнонлар қароргоҳини ўраб турган кўтарма устига қуролсиз чиқиб, ўз талъати билан босиб келаётган трояликларга даҳшат солишни амр этади.

Ахилл кўтарма томон йўл олади. Афина-Паллада унинг елкасига қалқонини қўяди, бошини олтин булут ва ғаройиб ёғду билан музайян этади. Ахиллнинг боши узра кўтарилган нур осмони фалаккача чиқиб борарди. Ахилл кўтарма устига чиқади-да, даҳшатли наъра тортади. У билан баробар Афина-Паллада ҳам наъра тортади. Трояликларни даҳшат қамраб олади. Отлари наърадан чўчиб, ортга қарамай қочади. Ахиллнинг боши атрофидаги оловни кўрган аравакашлар даҳшатга тушишади. Ахилл уч бора наъра тортади, трояликларнинг бутун қўшини уч бора саросимага тушади. Шу аснода ўн икки нафар троялик қахрамон ҳаётдан кўз юмади. Уларнинг бир қисми найзадан ҳалок бўлади, қолгани отларнинг туёғи остида янчилади. Юнонлар эса Патроклнинг жасадини олиб чиқиб, замбилга ортишади-да, қаттиқ фарёд уриб, Ахиллнинг чодирини томон йўлга тушишади. Пелей ўғли ҳам уларнинг ортидан боради. Қонли жангга ўзи юборган дўстига қараб, бор овоз билан дод солади.

Ҳера қуёш худоси Ҳелиосга вақтликроқ Океан сувига ботишни амр этади. Тун киради. Жанг тугаб, юнонлар қаттиқ уйқуга кирадилар. Трояликлар эса кенгашмоқ учун майдонга йиғилишади. Улар тик турган ҳолда кенгашадилар. Ахиллнинг хужумидан кўрқиб, биронтаси ҳам юраги бетлаб ўтира олмайди: Полидамант уларга тонг отиб, Ахиллнинг хужумини кутмай, Трояга қайтишни маслаҳат қилади. Агар у очиқ майдонда трояликларга хужум қилса, кўплаб қахрамонларнинг бошига етади. Башарти, девор устида туриб жанг қилишса, Ахилл ўзининг учқур аргумоқларида Троя атрофида беҳуда югуриб-елади – уни муҳосара қилишга кучи етмайди. Бироқ Ҳектор Полидамантнинг маслаҳатини рад этади; у трояликларга, қароргоҳ атрофига соқчиларни қўйиб, майдонда қолишни буюради. Ҳектор юнонларнинг кемаларига яна хужум қилиб, уларни Троададан қувиб чиқаришга ҳали ҳам умид боғлаб турарди. Агар Ахилл яна жангда қатнашишга қарор қилса, ўзи у билан жангга киришдан бош тортмаслигини Ҳектор эълон қилади. Шунда иккисидан бири – ё Ҳектор, ёки Ахилл уйга зафарга чулғаниб қайтишади. Афина-Паллада

трояликларнинг эс-хушини олиб кўяди ва улар кароргоҳдаги майдонда қолишади.

Юнонлар кароргоҳида эса Ахилл кўлини дўсти Патроклнинг кўксига кўйиб, унга мотам тутарди. Сайёд болаларини ўғирлаб кетган шер мисол оғир ингранарди. Овдан қайтган шер уясида шербаччаларни тополмай, қаттиқ наъра тортиб, ўрмон ичра юрар ва ўғрининг изини ахтарар эди, гўё.

– Ё худолар! – хитоб қилади Ахилл. – Нечун мен Патроклнинг отасига ватанга Патрокл билан қайтаман, деб ваъда бердим? Йўқ, Троя заминини қирмизи қонимиз билан бўяш иккимизнинг ҳам тақдиримизга битилган. Сафардан қайтаётган мени на падарим Пелей, на суюкли онам кутиб олишади. Азизим Патрокл, ўлсам ҳам майли, бироқ олдин Ҳектордан қасос олиб, сени дабдаба билан дафн қилгум.

Кейин у ёру дўстларини чақириб, Патроклнинг қонга беланган жа-садини ювишни ва бутун баданига муаттар мойлар суришни амр этади. Дўстлари унинг амрини бажо келтиришади. Сўнг Патроклнинг жасадини мухташам безатилган маҳофага ётқизиб, устига ҳарир мато, мато устидан ғоят кўркам, гулдор чойшаб ёпадилар. Мирмидонлар туни билан Патроклга аза тутиб йиғлаб чиқадилар. Ахилл ва Патрокл томонидан асир олинган троялик ва дарданиялик аёллар ҳам йиғлашади.



ФЕТИДА ҲЕФЕСТ ҲУЗУРИДА. АХИЛЛЕСНИНГ ҚУРОЛЛАРИ



Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Маъбуда Фетида дарҳол мунаввар Олимпга парвоз этиб, тўғри тангри Ҳефестнинг мис қасрига равона бўлади. Борса, Ҳефест ўз темирчилик устахонасида қора терга чўмиб бир йўла йигирмата сепоя ясаётган эди. Сепоялар олтин ғалтакларга ўрнатилган, тангрилар даврасига ўзлари ғилдираб бориб, яна ўзлари қайтиб келишарди. Бу сепояларга бежирим тутқичлар ўрнатишгина қолган эди. Фетида устахонага оҳиста кириб келганида тангри Ҳефест шу тутқичларни қоқиш учун мих тайёрлаётганди. Фетидани Ҳефестнинг соҳибжамол завжаси Харита қарши олади. У Фетиданинг кўлидан лутфан тутиб, шундай такаллум қилади:

– Хуш келибсан қасримизга, Фетида, кўпдан бери камнамосан. Не зарурат бошлаб келди сени бу ерга?

Харита маъбуда Фетиданинг олдига тезроқ чиксин деб Ҳефестни чорлайди. Қачонлардир ўзини Ҳера Олимпдан улоқтирганда ҳаётини сақлаб қолган маъбуда Фетида ҳузурига келганини эшитиб, Ҳефест хотинининг чорлови билан дарҳол чиқади. У сандон ёнидан туриб, ишлаб турган

барча асбобларини йиғиштиради-да, кумуш қопланган сандикка солади. Кўлини, кўксини, бўйнини ҳамда юзини нам сочиқ билан артиб, тер ва курумни ювиб, кийинади ҳамда йўғон асога таяниб, маъбуда Фетиданинг олдига чиқади. Тангри Ҳефестни ўзи олтиндан қуйган, бамисоли тирик кўринадиган хизматкор кизлар кўлтиғидан олишганди.

Ҳефест ҳам Фетиданинг кўлини тутиб, унга савол беради:

– Эй, маъбуда, тилагингни айт! Мен сенинг ҳар қандай илтимосингни бажаришга розиман – кўлимдан келса бас.

Шунда Фетида дув-дув кўзёш тўкиб, ўғли Ахиллес отаси Пелейга худолар тортиқ қилган силоҳ-совутларидан айрилгани, жонажон дўсти Патроклнинг Ҳектор томонидан ўлдирилгани, Ахиллес энди дўстига аза тутиб, кўксини захга бериб ётгани ва қотилдан интиком олиш иштиёқида ёнаётгани ҳақида бирма-бир сўзлайди.

– Афсуски, – дейди маъбуда, – ўғлим жангга кира олмаяпти, зеро, унинг силоҳ-совути йўқ. Шунинг учун, Ҳефест, Ахиллесга қурол-яроғ ясаб берармикансан, деб қошинга келган эдим.

Ҳефест Фетиданинг гапларини эшитиб, дарҳол унинг ўғлига қурол ясаб беришга рози бўлади.

– Ахиллес учун, – дейди у маъбудага, – гўзалликда шундай ғаройиб қурол ва совутлар ясаб берайки, кўрганлар хайратда қолсин.

Ҳефест устахонасига қайтади. Босқонини олиб, ўчоққа ўрнатади-да, олов ёқишни буюради. Босқон Ҳефестнинг ихтиёрига монанд дам равон, дам шиддат билан дам босиб, ўчоқдаги алангани гуркиратарди. Ҳефест ўчоққа мис, қалайи, кумуш ҳамда қимматбаҳо олтин ташлайди. Сўнг сандонга қўйиб, кўлига тўқмоғини, кажомбурини олади.

Ҳефест Ахиллесга даставвал қалқон ясайди. У қалқонни ғоят антиқа тасвирлар билан безайди. Унда ер, денгиз ва осмонни тасвирлайди, осмонда эса қуёш, ой ва юлдузларни акс эттиради. Юлдузлар орасида Хулкар, Ҳиадаларни, Орион ва Катта Айиқ юлдузлар туркуми порлаб турибди. Қалқонда Ҳефест иккита шаҳарни ҳам акс эттиради. Бир шаҳарда тўй ўтказилаётганини кўрсатади. Кўчада куёвнавкарлар ва навқиронлар хори кетмоқда, аёллар эшик остоналарида туриб уларни томоша қилишмоқда. Майдонга эса халқ йиғини тўпланган. Унда икки фуқаро қотиллик учун тўланадиган хун ҳақида баҳслашишмоқда. Фуқаролар икки гуруҳга бўлиниб, баҳслашувчиларга хайбаракаллачилик қилишмоқда. Хабарчилар уларни тинчлантиришмоқда. Атрофда шаҳар оқсоқоллари давра куриб ўтиришибди. Уларнинг ҳар бири асосини кўлига олиб, баҳсли масала бўйича ўз қарорини билдирмоқда. Даврага икки талант¹ тилла қўйилган, у масаланинг энг адолатли ечимини айтган кишига берилади. Бошқа шаҳарни душман қамал қилган. Қамалдагилар шаҳар мудофааси учун

¹ Оғирлик ўлчови. Танга бўлмагани учун олтин оғирлиги бўйича баҳоланган.

хотинлари, ўспиринлар ҳамда кексаларни қолдириб, ўзлари пистирмага чиқишган. Уларга қудратли ва ваҳшатли тангри Арес ҳамда маъбуда Афина-Паллада раҳнамолик қилишмоқда. Икки айғоқчи душманни кузатиш учун олдинга чиқарилган. Мана, ёғий қўлга туширган пода ҳам кўринди. Пистирмада турган фуқаролар қорамол ва қўй-эчкиларни қайта қўлга киритишмоқда. Шовқин-сурон душман қароргоҳигача етиб бориб, улар ёрдамга шошилишмоқда. Мана, қонли жанг бошланиб кетди, жангчилар орасида эса ғазаб-алам ва ғалаён маъбудалари ҳамда қаҳхор ўлим худоси изғиб юришибди. Ҳефест қалқонда экинзорни ҳам тасвирлаган. Қўшчилар омов билан ерни шудгор қилишмоқда. Дала поёнига етишгач, уларга қадахларда май тутишади. Тангри буғдой ўримини ҳам тасвирлаган. Баъзи ўроқчилар буғдой ўраётган бўлишса, бошқалари уни боғлашмоқда, болалар эса машоқ теришмоқда. Экинзор соҳиби буғдой серҳосил бўлганидан қувониб турибди. Бир чеккада аёллар ўроқчиларга овқат тайёрлашмоқда. Уларнинг ёнида эса узум узишмоқда. Йигит-қизлар саватларда узилган узумни ташишмоқда. Хушсурат йигит лира чалмоқда, унинг атрофида эса бир гуруҳ кишилар қувноқ қўшиқлар айтишмоқда. Ҳефест хўкиз подасини ҳам тасвирлаган. Подага икки шер хужум қилмоқда. Подачилар шерларни хайдашга уринишмоқда, лекин итлар уларга ташланишга юраги бетламай, фақат хуриб туришибди. Уларнинг ёнида водийда ўтлаб юрган сур терили қўйлар, қўйхона, оғилхона, подачилар чайласи акс эттирилган. Ниҳоят, Ҳефест қўл ушлашиб рақс тушаётган йигит-қизларни ҳамда уларнинг рақсини томоша қилаётган аҳолини ҳам акс эттирган. Қалқоннинг атрофида эса Ҳефест ерни айланиб оқаётган океанни тасвирлаган. Қалқонни ясаб бўлгач, Ахиллеснинг гавдасига мос зирх, ундан кейин мисоли аланга товланувчи, чўққисига олтин тож қадалган зилдек оғир дубулға ва юмшоқ қалайдан пойзирх¹ ҳам тайёрлайди.

Ҳефест ишни тугатгач, буларнинг барини Фетидага олиб бориб тутказди. Шунда маъбуда, бу силоҳ-совутни ўғлига тезроқ етказмоқ учун Олимпдан заминга лочиндек парвоз қилади.

АХИЛЛЕС АГАМЕМНОН БИЛАН ЯРАШАДИ

Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Шафқ кўринар-кўринмас, тонг сахарлаб Фетида ўғлига силоҳ-совутларни олиб келганида, уни Патроклнинг жасади устида фарёд қилиб турган алфозда кўради.

¹ Антик давр жангчилари таққан, тиззадан падини ўқдан, шамширдан ихота килувчи зирх.

Олиб келган силоҳ-совутларини ўғлига кўрсатиб, унга таскин беришга уринади.

Силоҳ-совутлар шу қадар ярқираб эдики, биронта ҳам мирмидон унга боқа олмайди. Ахиллнинг ҳам кўзлари чақнаб кетади. Силоҳ-совутни олиб, завқ билан трояликларга қарши жангга киришга шайланади. Бироқ бир нарса унга тинчлик бермасди: Патроклнинг жасади бузилиши мумкин эди. Аммо маъбуда Фетида мурдага оби ҳаёт ва амбар қуйиб, уни сақлаб қолишга ваъда бериб, ўғлини хотиржам қилади: бундан Патроклнинг жасади янада кўркам тортиши лозим эди. Ўғлига эса юнон шоҳлари кенгашига боришни маслаҳат беради.

Ахиллес денгиз соҳили ёқалаб бораркан, ҳаммани халқ йиғинига чақиради. Бутун юнон лашкари Агамемноннинг чодирини олдидаги майдонга тўпланади. Чодирларда ҳам, кемаларда ҳам ҳеч ким қолмайди. Одиссей билан Диомед ҳам оқсоқланиб етиб келишади, оғир жароҳатдан азобланиб ётган Агамемнон ҳам чодирдан чиқади. Барча халқ тўпланиб, майдонга жимлик чўккач, Ахиллес Агамемнонга ярашишни таклиф қилади. У ҳаммани тезроқ трояликлар билан жанг қилишга шоширади. Юнонлар Ахиллес билан Агамемнон ўртасидаги адоват барҳам топганини эшитиб, суюниб кетадилар. Шунда Агамемнон ўрнидан туради; у айбини бўйнига олади, адоват маъбудаси мени йўлдан оздирган эди, деб эътироф этади. Одамлар боши узра енгил одимловчи бу маъбуда уларни ўз тузоғига илинтирарди. Ахир у, ҳатто, Зевсни ҳам гафлат оғушида қолдирганди-да. У ярашсам бераман, деб ваъда қилган армуғонларини ҳозирнинг ўзида Ахиллесга олиб келиб топширишни буюради. Лекин Ахиллесга ҳеч қандай тухфа, армуғон керак эмас эди; у фақат жангни, Ҳектордан қасос олишни ўйлар, шу боис барчани жанггоҳга даъват этарди. Бироқ қув Одиссей Ахиллесга ҳозирча жангни бошлашни пайсалга солиб туришни маслаҳат қилади. Жангчилар жангга кириш учун даставвал қоринларини тўйдириб, шароб ичиб олишлари кераклигини, бу пайтда Ахиллес тухфани ҳамда қайтарилган Брисеидани қабул қилиб олиши даркорлигини айтади. Агамемнон Одиссейнинг маслаҳатини маъқул топади. У йигитларни олиб, тухфаларни ҳамда Брисеидани келтиришни Одиссейнинг ўзидан илтимос қилади, жарчи Тальфибийни эса, ярашув учун қурбонлик қилишга қобон келтиришга жўнатади. Ахилл барчага тухфа ҳақида ташвиш чекмай, жанг ҳақида ўйлашни беҳуда илтимос қиларди. У юнонлар ҳозироқ жангга кириб, ўлдирилганлар учун ўч олгандан кейингина, кечқурун зиёфатга ўтиришни истарди. Ахилл ҳозир зиёфатдан бош тортар, чодирда садоқатли дўстининг жасади беқасос ётгани учун томоғидан қил ҳам ўтмасди. Бироқ Одиссей жанг бошлашни нарига суришга Ахиллни ахири кўндиради. У Агамемнон чодирдан Ахиллесга

аталган совғаларни олиб чиқади, қахрамонлар эса унинг олдига асираларни ва Брис қизини етаклаб келишади.

Кейин ҳамма чодир-чодирига тарқалади. Мирмидонлар эса, Агамемноннинг совғаларини кўтаришиб, ўз кемалари томон равона бўлишади. Ахиллес ҳам улар билан бирга кетади.

Тез орада Ахилл ҳузурига юнон шоҳлари келишиб, уни таомланишга кўндирмоқчи бўлишади. Ахилл овқатланишдан бош тортади. Ахилл ҳузурида Агамемнон, Менелай, Одиссей, Нестор, Идомей ва Феникс қолишади; улар буюк қахрамонни овутмоқчи бўлишади, у эса фақат Патрокл ҳақида ўйларди. Ахилл хўрсинар экан, бундай деди:

– Патрокл, бир вақтлар жанг олдидан гизо қилишни менга ўзинг таклиф этардинг. Энди эса найза зарбидан бежон ётадирсан. Падаримнинг ўлими ёки, ҳатто, Аскиросда қолдирганим ўғлим Неопотолемнинг ўлими ҳақида хабарни эшитганимда ҳам мусибатим бунчалик оғир бўлмасди. Ёлғиз ўзим ёт ерларда ўламан, деб умид қилардим; сен Фтияга менинг ёшгина ўғлимни олиб қайтасан, деб ўйлардим.

Ахилл аччиқ кўзёш тўқди. Атрофида ўтирган қахрамонлар ҳам ўз ватанларида қолдириб келган қадрдонларини эслаб, уҳ тортишарди. Зевс Олимпда туриб Ахиллнинг қайғусини кўради-да, қахрамоннинг чодирига бориб, унинг вужудини оби ҳаёт ва амбар билан суғоришни амр этади. Афина Олимпдан бургутдек учиб келиб, Ахилл кучдан қолмаслиги учун унинг вужудини оби ҳаёт ва амбар билан суғоради.



АХИЛЛЕС ТРОЯЛИКЛАРГА ҚАРШИ ЖАНГГА КИРАДИ



Ҳодирнинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Юнон қўшинининг дасталари қуролланиб, бирин-кетин қароргоҳдан чиқа бошлайдилар. Шамолдан учган қор парчалари мисол жанг майдонига йўл олардилар. Улар сонсиз-саноксиз эди. Дубулғалар, найзалару қалқонлар куёш шуъласида товланади. Қўшин оёғи остида денгиз соҳили ларзага келарди. Пелей ўғли Ахилл ҳам қуроллана бошлайди. У Ҳефест ясаган совутларни кияди, шамшир тасмасини елкасига осади, тўлин ойдек порлаб турувчи қалқонини, яна сандиқда ётган маҳобатли найзасини ҳам қўлига олади: бу найза билан фақат Ахиллнинг ўзи жанг қила олар эди. Бошига мисоли юлдуз порловчи дубулғани кияди-да, чодирдан чиқади. Унинг кўзларида ғазаб чакна, юраги эса ҳануз чидаб бўлмас андуҳдан изтироб чекарди. Ахиллеснинг отларини жангаробага қўшадилар. Аравакаш Автометонд жангаробага чиқиб, қўлига қамчи ва жиловни олади. Ахил-

лес ҳам жангаробага чикиб, отларни жанггоҳ сари елдирар экан, отларига қарата муурожаат қилади:

– Эй, Ксанф ва Балий, илохий Подарганинг зурриёдлари! Мени жангдан Патрокл каби ўлик эмас, тирик олиб чиқинглар, жасадимни жанг майдонига ташлаб келманглар!

Шу он Ҳера томонидан соҳибқаромат қилиб яратилган Ксанф тўсатдан тумшуғини ҳам қилиб, инсон товуши билан дейди:

– Эй, буюк Ахилл, бугун сени жангдан тирик олиб чиқамиз, бироқ кунинг битиб қолай деяпти. Патроклнинг ўлимида бизнинг айбимиз йўқ. Уни ёйандоз Аполлон маҳв этди, шу тангри Гекторга зафар келтирди. Биз Зефирмонанд¹ учсак-да, сенинг тақдирингга Аполлоннинг ва фоний марднинг қўлидан ўлим топиш битилган.

Шунда Ахилл ғазаб билан ҳайқиради:

– Нечук сен, Ксанф, менга ўлим тўнини бичаяпсан! Тақдиримда шу ерда, ота-онамдан йироқда ҳалок бўлиш ёзилганини ўзим ҳам биламан. Бироқ Патрокл учун ўч олиб, тупроқни трояликлар қони билан суғормасдан жанг майдонини ташлаб кетмайман!

Ахилл шундай деб, отларни жанг майдони томон ҳайдаб кетади. Бу аснода юнонлар жанг майдонида саф тортиб, Троя яқинидаги тепаликни эгаллаган трояликларга қарши ҳужумга ўтган эдилар.

Олимпада эса чақмоқдор Зевс маъбуда Фетидага барча тангри ва маъбудаларни илохий кенгашига чақиришни амр этади. Ҳамма тангрилар, ҳаттоки, дарё ва ирмоқлар маъбудаларию чашмалар санамлари ва маъбудаларигача Зевс қўшиқига йиғиладилар.

– Энди мен, – дейди чақмоқдор тангри мажлисга тўпланганларга юзланиб, – заминда бораётган муҳорабага аралашмайман, фақат Олимп чўққисига ўтириб уни кузатажакман. Аммо сизлар ўз майлингизга қараб, юнонлар ёхуд трояликлар тарафида туриб жанг қилишингиз мумкин.

Зевс трояликлар Ахиллнинг шиддатли ҳужумига чидай олмасликларидан ва Ахилл, тақдир тақозосига зид ўлароқ, Трояни эгаллаб олиши мумкинлигидан чўчирди.

Илохий каломдан сўнг барча тангри ва маъбудалар дарҳол заминга учиб тушдилар. Маъбудалардан Ҳера билан Афина-Паллада, тангрилардан Посейдон, Ҳермес ва Ҳефестлар юнонлар тарафига ўтадилар, маъбудалар: Афродита, Артемида ва Латона, тангрилар: Арес билан Аполлон ҳамда Аскамандр дарёси маъбуди Ксанф трояликларнинг ёнини ола бошлайдилар.

Олимпик тангрилар қўшинларга яқинлашиши билан маъбуда Эрида икки ўртада низо кўзгайди. Афина-Паллада юнон лашкари узра учиб ўтаркан, даҳшатли наъра тортади. Бу наърага жавобан қарши ёқдан Арес-

¹ Зефир – ғарб шамоли.

нинг бўрон увиллашини эслатувчи хайкириғи янграйди. Икки қарама-қарши тараф тўкнашади. Зевс момақалди роғи гумбурлаб, осмони фалакни титратади. Тангри Посейдон бутун рўйи заминни ларзага келтиради. Юксак тоғлар этагидан чўккисигача тебрана бошлайди, муаззам Трояда зилзила туради, юнон кемалари зириллайди. Марҳумлар руҳи салтанатининг ҳукмдори Аид даҳшатга келади. У, агар ер ёрилса, зулмат салтанатининг ёруғ жаҳонга намоён бўлишидан қўрқиб, ўтирган тахтидан сапчиб туриб кетади, зеро, наинки фоний бандалар, ҳатто, бокий тангрилар ҳам бу мудҳиш салтанатни кўрганда баданлари жимирлаб кетишини Аид яхши биларди. Шиддатли жанг бошланади. Ахиллес Ҳектор билан тўкнашиш иштиёкида ёнар эди.

Новакандоз Аполлон Приамнинг ўғли Ликаон қиёфасида Энейга намоён бўлади-да, у – Афродитанинг ўғли Эней – тубан маъбуда Фетида-нинг ўғли Ахилл билан жангга киришдан кўрқилишининг хожати йўқлигини айтади. Шу гапи билан у Энейни жангга руҳлантиради, натижада Анхизнинг ўғли дадил олға чиқади. Бу ҳолни кўриб қолган Ҳера Аполлон Энейга кўмаклашиши мумкинлигидан чўчийди. Посейдон эса худоларга ҳозир жангга аралашмай, бир вақтлар Ҳеракл денгиз соҳилида барпо этган кўтармага чиқиб ўтиришни, жангга тангри Арес ва тангри Аполлон аралашганидан кейингина унга қўшилишни маслаҳат беради. Юнонларга кўмаклашиб турган худолар Посейдоннинг маслаҳатига кириб, жанг майдонидан нарига бориб ўтиришади. Трояликларга кўмаклашаётган худолар эса Калликолон дўнгликларидаги харсанглар устига ўтириб олишади.

Эней билан Ахилл майдонга тушишади. Ахилл Анхиз ўғлини масхараомуз кулиб кутиб олади: бир марта ўзидан тирақайлаб кочганини эслатади-да, тезроқ жангчилар орасига кириб яширинишни маслаҳат беради. Бироқ Эней ўзини гўдакдек кўрқитиш беҳудгалигини айтади. Қаҳрамонлари билан машҳур қандай зотдан эканлигини Ахиллнинг ёдига солади. Эней жангни тезроқ бошлаш иштиёки билан ёнарди. Қудратли қўли билан Ахиллнинг қалқонига найза отади; у тангри ясаган қалқонни инсон қўли тешиб ўтолмаслиги ҳақида ўйламаганди. Ахилл ҳам найзасини Энейнинг қалқонига отади. Найза қалқонни тешиб ўтади, бироқ Эней энгашиб қолади, найза эса устидан учиб ўтади. Даҳшатдан Энейнинг кўз олди қоронғилашади, ахир ўлишига бир баҳя қолганди-да. Ахилл шамширини яланғочлайди, Эней эса улкан харсангни кўтариб олади. Эней ҳалок бўларди-ю, аммо тангри Посейдон унинг ўлимини хоҳламайди. Тангри дарҳол қаҳрамонга кўмакка келади. Ахиллнинг найзасини олиб, унинг оёқлари остига кўяди. Зилзилакор тангри Ахиллнинг кўз олдини қуюқ зулмат билан қоплайди, Энейни эса ўзининг қудратли қўллари билан қайноқ жанг майдонидан анча нарига улоқтиради. У ерда Посейдон Энейга рўпара бўлади-да, Ахилл тирик экан, жангчиларнинг

олдинги сафига чиқмасликни буюради. Посейдон Ахиллнинг кўз олдидаги зулматни таркатади. Оёқлари остида ётган найзасини кўрган Фетиданинг ўғли ажабланади, Эней эса кўринмасди. Энейга худолар ҳомийлик қилаётганликларини Ахилл тушунади; бундан буён ўзи билан жанг қилишга Энейнинг юраги дов бермаслигига энди у амин эди.

У қаҳру ғазаб билан жангга отилади, кўзлари олазарак бўлиб Ҳекторни кидираркан, йўл-йўлакай жуда кўп қаҳрамонларни маҳв этади. Гап шундаки, тангри Аполлон Ҳекторнинг Ахиллга ҳамла қилишига йўл қўймаётган, унга ўз қўшинининг орқа сафларида жанг қилишни амр этган эди. Бу пайт Ахилл найза отиб Полидорни ер тишлатади. У Троя шоҳи Приамнинг тирик қолган ўғиллари ичида энг кичиги эди. Ҳектор ўз укасининг ҳалок бўлганини кўриб, Аполлоннинг ўғитини унутади ва Ахилл жанг қилаётган ерга отилади. Ахилл Ҳекторни кўрадию пуртахдид кўзлари қувончдан чақнаб кетади.

– Э, юрагимни чуқур қайғу билан заҳарлаган қотил мана бу ёқда эканку! – дейди Ахилл. – Қани, яқинроқ кел, сени тезроқ Аид салтанатига равона қилдирай.

Аммо Ҳектор Ахиллга бундай жавоб қилади:

– Аид салтанатига қай биримиз равона бўлишимиз ҳали маълум эмас. Гарчи мен сенчалик қудратли бўлмасам ҳам, Ахилл, бугун ким маҳв бўлиши ёлғиз худоларгагина аёндыр. Шуни билки, менинг ҳам найзам ўтқирдыр.

Ҳектор шундай деб туриб найза отади. Лекин Афина-Паллада ўз нафаси кучи билан найзани қайтаради ва у Ахиллнинг оёғи остига келиб тушади, энди Ахилл Ҳекторга ташланади, аммо шу чоғ Аполлон ёрдамга етиб келиб, Ҳекторни зулмат пардасига ўрайди. Ахилл Ҳекторга кетма-кет уч карра ҳамла қилади, лекин ҳар гал унинг найзаси қора булутга санчилади. У тўртинчи марта ҳамла қилар экан, шундай деб даҳшатли наъра тортади:

– Сен, кўппак, яна ўлимга чап бердинг! Бу гал ҳам сени Аполлон қутқариб қолди. Лекин, агар тангрилар ичида менинг ҳам пушти-панохим борлиги рост бўлса, ҳадемай сени албатта маҳв этгум.

Шундан сўнг Ахилл ғазабланганча жанггоҳдаги бошқа троялик қаҳрамонларга ҳужум қилиб, найзаси билан уларнинг кўпини ер тишлатади. У трояликлар сафида тизгинлаб бўлмайдиган ёнғиндек кутурадди. Ғаллакор хирмонда арпа янчар экан, бошоқлар ҳўкизлар туёғи остида янчилганидек, жасадлар, қалқонлар, дубулғалар Ахилл оғлари туёғи остида парчаланарди. Дарғазаб Ахилл жанговар шон-шуҳратга ташна эди; у қўлини қонга бўяганди. Трояликлар жанг майдонидан қоча бошлашди. Бироқ Аскамандр бўйида Ахилл уларга етиб олади. Ёғийнинг сафини ёриб кирган Ахилл қочқинларни иккига ажратиб ташлайди. Трояликларнинг бир қисми Троя томон ўзини уради, бироқ Ҳера қуюқ зулмат пайдо қилиб, уларнинг йўлини тўсади. Бошқа бир қисми дарё томон югуради.

Троя сарбозларидан кўпчилиги паноҳ излаб ўзини Аскамандр дарёсига отади. Бунинг натижасида дарёда кучли тўлқин кўтарилади. Баъзилар дарёдан сузиб ўтиб жон сақламоқчи бўладилар, бошқа бировлар ўзларини тикка кесиб тушган баланд қирғоқ панасига оладилар. Ахилл шамширини яланғочлаб, ўзини Аскамандр сувига отади ва қочаётган трояликларни пайдар-пай қира бошлайди. У троялик ўн икки нафар ўспиринни тутиб олади, қўлларини қайиш билан боғлаб, уларни қароргоҳга олиб боришни ўз мирмидонларига топшириб, яна трояликларни қақшагишга киришади.

Аскамандр соҳилида Приамнинг навқирон ўғли Ликаонга етиб олади. Бу йигитни Ахилл бир маҳаллар узумзорда асир олиб, қул қилиб Лемносга сотиб юборганди. Бахти қаро Ликаон Ахиллнинг оёқларини кучиб, катта товон эвазига раҳм қилишини сўраб ёлборади. Бироқ дўсти Патрокл учун қасос ўти билан ёнаётган Ахилл Ликаонга раҳм қилмайди. Ахир унданда машҳурроқ муҳориб Патрокл ҳалок бўлди, Ахиллнинг ўзи ҳам ҳалок бўлади, шундай экан, Ликаонга нечун шафқат қилмоғи лозим? Пелей ўғли ўткир шамширини Ликаоннинг бўғзига тикади ва у тил тортмай ўлади. Фетиданинг ўғли унинг жасадини оёғидан судраб бориб, балиқларга ем бўлсин деб, Аскамандр сувига улоқтиради.

Ахилл янада қаттиқроқ қутура бошлайди. У трояликларни Аскамандрга қанча қурбонлик қилманглар, бу сизларни менинг қаҳримдан қутқара олмайди, деб кўрकिлади; Патрокл ва бошқа ҳалок бўлган юнонлар учун ўч олиб, барингизни қириб ташлайман, дейди. Шунда Аскамандр дарёси тангриси Ксандр Ахиллнинг бу мағрур гапларидан ғазабга келади. Айни маҳалда дарё тангриси Аксийнинг ўғли Астеропей Ахиллга қарши жангга отланади. Астеропей Ахиллга бир йўла иккита найза отади. Найзаларнинг бири билан у қаҳрамоннинг ўнг қўлини тирсагидан осонликча яралайди. Ахилл ҳам улкан найзасини Астеропейга отади. Найза унинг яқинидан учиб ўтиб соҳилга чуқур санчилади. Астеропей Ахиллнинг найзасини ердан суғуриб олмоқчи бўлади, бироқ бунинг уддасидан чиқмайди – Ахиллнинг найзасини, ҳатто, ердан кўтариб олишга ҳам унинг кучи етмасди. Пелейнинг муаззам ўғли қилич яланғочлаб унинг устига бостириб боради ва бир зарба билан ўлдиради. Ахилл Астеропейнинг ҳам жасадини Аскамандр сувига улоқтиради. У яна кўплаб қаҳрамонларга қирон солади.

Шунда дарё маъбуди Ксанф дарё қаъридан туриб баралла ҳайқиради:

– Ахилл! Сен трояликларни менинг сувимдан ҳайдаб чиқар, уларни сувда эмас, очиқ далада кийрат! Уларнинг сувимда оққан жасадлари тўғон бўлиб, денгизга бориб қуюлишимга имкон бермаётир. Трояликларни менинг ўзанимда ўлдиришдан ўзингни тий!

– Ксанф! – деб жавоб қилади Ахилл дарё тангрисига. – То трояликларни Трояга қувиб қириб, Ҳектор билан жанг қилмагунимча, уларни пашшаддай қиравераман!

Шундан кейин Ксанф наъра тортиб, тангри Аполлонга юзланади:

– Чўнгмерган тангри! Сен чакмоқдор Зевс амрини бажармаяпсан. Ахир у сенга, тоғу тошлару дала-даштлар зулмат пардасига бурканмагунча трояликларни муҳофаза қил, деб буюрмаганмиди?

Аскамандр дарёси қаттиқ тўлқинланади ва даҳшатли шовуллаганча, ўлганларнинг жасадларини кирғоққа чиқариб ташлай бошлайди, тирикларни эса дарё тангриси соҳилдаги ғорга яширади. Сувга сакраган Ахиллнинг чор атрофида тўлқинлар кўпириб, уни домига тортмоқчи бўлади. У ортиқ оёқда туролмасди. Ахилл соҳилда турган чўнг чинорга қўли билан ёпишади, бироқ илдизини Аскамандр ювиб юборган чинор кулаб, дарёга кўприкдек ётади. Ахилл дарёдан отилиб чиқиб, кенг дала томон югуради. Аскамандрнинг даҳшатли долғаси уни сувга чўктирмоқчи бўлиб, ордан кувиб боради. Аскамандр томонидан Ахиллга қарши лойқа кўшона тоғдек кўтарилади. Ахилл бу пўртанага қарши курашишга бир неча бор уриниб кўрди, бироқ бу фоний банда боқий худо билан кураша олармиди?! Тўлқин уни босиб кетар, елкаларига шапиллаб урилиб, суриб кетарди. Ниҳоят Ахилл нигоҳини осмонга қаратиб, ҳайқирди:

– Чақмоқдор Зевс! «Қисматимга Троя остоналарида Аполлоннинггина ўқидан ҳалок бўлиш битилган, мен тошқин тоғ дарёсини кечиб ўтаман», деб чўкиб ўлган ёш чўчкабоқар мисол шон-шуҳратсиз ўлиб кетавераманми? Мени буюк Троянинг энг шонли ўғлони Ҳектор ўлдириб қўяқолгани маъқулроқ эди!

Пелей ўғли шу гаплари айтиб тугатмаёқ олдида Посейдон билан Афина-Паллада намоён бўлишади. Худолар Ахиллнинг кўнглини кўтариб, трояликларни кувиб, шаҳарга киритмагунча ва Ҳекторни маҳв этмагунча мардона жанг қилаверишни буюрадилар. Ғалабадан сўнг қароргоҳга шон-шуҳрат билан қайтасан, дейдилар. Афина-Паллада унинг кўксига бекиёс куч пуркайди. Аскамандр у билан кураша олмасди, шунинг учун биродари, жилға тангриси Симоисни кўмакка чақиради. Аскамандр томонидан Ахиллга қарши кўтарилган лойқа пўртана тоғдек кўтарилади. У Ахиллни ҳар томондан девордек қуршаб ола бошлайди. Маъбуда Ҳера Пелейзодага ўлим таҳлика солаётганини кўриб кўркиб кетади ва дарҳол ўғли – тангри Ҳефестни Ахиллга ёрдамга юборади. Шу заҳоти далада Ҳефест пуркаган улкан аланга кўтарилади. Ахилл маҳв этган трояликларнинг жасадлари ловуллаб ёна бошлайди. Симоис тўлқинидан сув босган дала зумда қурийди-колади. Шунингдек, Ҳефест дарёга ҳам ўт қўйиб юборади.

Дарё бўйидаги чинорлар, қора қайинлар, мажнунтолларни аланга қоплайди, нам қамишзор ва нилуфарлар ҳам ёниб кетади. Сувдаги балиқлар хароб этувчи ёнғиндан жон саклаш учун талвасада ўзларини дарё тубига уришарди. Симоис аланга оғушида қолгач, тангри Ҳефестга бор овози билан тавалло қила бошлади:

– О, Ҳефест! Тангрилардан ҳеч бири сенга бас келолмайди! Мен ҳам сен билан жанг қилишга ҳеч қачон ботина олмайман! Ўрни ўчир, бундан буён трояликларга асло ён босмайман! Пелейнинг ўғли уларнинг додини бераверсин!

Оловнинг ҳароратидан сув бикирлаб қайнайди. Дарё оқишдан тўхтайди. Аскамандр иссиқдан адойи тамом бўлай дейди. Тангри Ксанф, ўғлингни ҳовуридан тушир, деб Ҳерага илтижо қилади ва энди ҳеч қачон трояликларга ёрдам бермайман, деб қаттиқ қасам ичади. Ҳера тангри Ҳефестни шахдидан қайтаради, олов ўчади.

Энди худолар ўртасида кучли нифоқ бошланади. Улар шиддат билан жангга кирадилар. Замин уларнинг пойи остида инграйди. Тангриларнинг бир-бири билан жанг қилаётганини кўрган Зевс кулиб юборади. Уруш худоси Арес маъбуда Афина-Палладага ташланади: Диомед уни шу маъбуданинг ёрдами билан жароҳатлаган эди, энди Арес Афинадан қасд олиш иштиёқида ёнарди. Мана, у маъбуданинг қалқонига найза отади, аммо найза қалқонни тешиб ўта олмайди. Афина каттакон харсанг олиб Аресга отади. Харсанг тангрининг бўйнига бориб тегиб, уни йикитади. Ареснинг совутлари бу зарбадан жаранглаб кетади, боши чанг-тўзонга бурканади. Муҳаббат маъбудаси Афродита Аресга ёрдамга келади ва уни жанггоҳдан олиб чиқиб кетмоқчи бўлади. Лекин Афина найза отиб, бу маъбуданинг кўксини жароҳатлайди, Афродита ерга қулайди. Денгиз худоси Посейдон Аполлонни яккама-якка жангга даъват этади. Лекин чўнгмерган худо у билан олишишдан бош тортади. Зеро, у зилзилакор Посейдонга қарши қўл кўтаришдан ҳайиқарди. Маъбуда Артемида Посейдон билан жанг қилишдан бош тортган оғаси Аполлонга маломат қила бошлайди. Бу маломатни эшитиб қолган сармаъбуда Ҳера ғазабга келиб, Артемиданинг биладиган маҳкам ушлаб, камонини тортиб олади ва шу камон билан навнихол маъбудани савалайди. Артемиданинг садоғидаги ўқлар сочилиб кетади ва у юм-юм йиғлаганча, калхатдан қочган кабутардек, жанггоҳдан қочади. Маъбуда Латона қизининг ерда ётган камонини кўтаради, ўқларини териб олади-да, унинг орқасидан кетади. Бу аснода Артемида Олимпга парвоз қилади ва аччиқ-аччиқ йиғлаб, Ҳера мени таҳқирлади, деб Зевсга арз қилади. Қолган тангри ва маъбудалар ҳам, баъзилари зафар кучганидан мағрур бўлиб, бошқалари алам ва ғазаб билан, Олимпга қайтадилар. Аполлон эса, дарҳол Трояга парвоз қилади: тагин юнонлар, тақдири азалга зид ўларок, Троя деворини бузиб, шаҳарни вайрон қилишмасайди, деб кўрқарди у.

Баланд минорада турган кекса шоҳ Приам майдонда Ахиллни кўриб қолади; у трояликларни тиркиратиб кувиб келарди. Шоҳ:

– Қопқани очинглар, токи трояликлар шаҳарга кириб, ўзларини панага олсинлар! – деб амр этади. Аполлон қахрамон Агенор вужудига буюк

мардлик уфуриб, уни Ахиллга қарши жангга даъват этади. Ўзи эса, қуюк туманга бурканиб, уни Ахиллнинг ўқидан асраб қолиш учун ёнидан жой олади. Агенор найзасини силкитиб, яқинлашиб келаётган Ахиллни кутиб турарди. У қудратли қўли билан душманига найза ирғитади. Найза пойзирхга тегиб, чеккага отилиб кетади. Ахилл Агенорга ташланади. Тангри Аполлон эса Агенорни зулматга чулғаб, муқаррар ўлимдан сақлаб қолади. Аполлон Агенор қиёфасига кириб, майдондан қоча бошлайди. Ахилл эса, тангрини қуваётганидан беҳабар, уни таъқиб қиларди. Аполлон шу тариқа трояликларни асраб қолади ва уларга муқаддас Трояга яшириниш имконини яратиб беради.

Трояликлар шаҳарга кириб, жон сақлаб қоладилар.

Жанг-жадалда ҳориб-толган трояликлар шаҳар деворига чиқиб олиб, чанқоқларини қондирадилар, терларини артадилар. Жанг майдонида ёлғиз Ҳектор қолади. У Аскей қопқаси бўсағасида, гўё беаёв қисмат даъвати сеҳрлаб қўйгандек, тош қотиб турарди.

АХИЛЛЕС ҲЕКТОР БИЛАН ЯККАМА-ЯККА ЖАНГ ҚИЛАДИ

Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Ахилл тангри Аполлонни узоқ вақт таъқиб қилди. Ниҳоят, ёйандоз тангри тўхтади-да, унга кимни таъқиб этаётганини ошкор қилди. Ахиллнинг қазаби қайнади. Қўлидан келганида Аполлондан шунақанги ўч олардики! Пелейзода таъқибни тўхтатиб, яна Троя девори томон жадал йўл олди.

Ахилл Троя қалъаси томон худди куз осмонида порлаб турувчи Сириус юлдузидек чақнаб югуриб келарди. Фоний бандалар бу юлдузни пажми завол деб юритардилар, зеро, у одамларга бадбахтлик олиб келарди. Троя томон яқинлашиб келаётган Ахиллни кўриб кўрқиб кетган мўйсафид Приам Ҳекторга илтижо қила бошлади:

– Суюкли ўғлим, тезроқ шаҳарга кириб ол! Пелейзода билан жангга киришма, у сендан қудратлироқ! Трояга кириб ол! Ахир троялик барча эркагу аёлларни қутқаргувчи сенсан-ку! Ахилл нечта ўғлимни ҳалок этганини бир ўйлаб кўр. Ҳеч бўлмаса мени, бадбахт мўйсафидни аягин, Зевс умрим поёнида менинг бошимга не-не савдоларни солмади. Менинг ўғлонларимнинг ҳалокатини кўрмоғим, қизларни тутқунликка қандай олиб кетишаётганини, бегуноҳ гўдақларни қандай ўлдиришларини кўришим қолувмиди? Ўзимни ўз уйимнинг остонасида ўлдиришади, ўзим боққан кўппаклар эса қонимни ялашадими? Шафқат қил, Ҳектор!

Кекса малика Ҳекуба ҳам ўқиб йиғлаб, ўғлига шундай тавалло қилади:

– Нури дийдам, тезроқ кўрғонга кир! Ёдингдами, мурғаклигингда сени эркалаб, оқ сут бериб аллалаганларим? Нахотки, энди менинг кўз олдимда сени, кўзичоғим, махв этсалар-у, бошинг узра аза тутиб кўзёш қилиш онаизорингга ҳам, завжанг Андромахага ҳам насиб этмаса, нахотки, сенинг жасадинг мирмидонлар кемалари ёнидаги кутурган итларга ем бўлса?

Бироқ Ҳектор Ахиллни шу ерда қарши олишга қатъий аҳд қилади; у кўксиди қалқон билан деворга суяниб, ғанимини кутади. Энди у Ахилл билан жанг қилишдан бўйин товлай олмасди. Приамзода трояликлар уни, ўзининг кучигагина ишониб, Трояни нес-нобуд қилдинг, деб айб-лашларидан кўрқарди. Ахир Полидамант унга, Ахилл жангга кирмасдан бурун қўшининг билан Трояга яширин, деб маслаҳат бермаганми-ди? Энди Ҳекторнинг олдида ягона чора – Ахилл билан жангга кириб, ё зафар кучиш, ёки ҳалок бўлиш қолганди. Ҳекторнинг хаёлидан Ахилл истиқболига қуролсиз бориб, унга соҳибжамол Еленани ва Менелайдан ўгирлаб кетилган барча бойликларни қайтаришни, уларга кўшиб буюк Троя бойлигининг ярмини беришни таклиф қилиш ҳақидаги фикр ҳам ўтди. Бироқ Ҳектор бу фикридан дарҳол воз кечди. Ахилл ўзи билан битим тузмаслигини, қуролсиз бўлса ҳам, заифа аёлни ўлдиргандек ҳалок қилишини биларди у.

Мана, Ахилл яқин келиб қолди. Шунда Ҳекторнинг вужудини кўркув камрайди ва Пелейнинг пурважоҳат ўғлидан қочиб, Троя қалъаси атрофида гир айлана бошлади. Ахилл эса уни каптарни қувган калхат мисол кува кетади. Троя атрофидан уч марта қувишиб ўтишди.

Қаҳрамонлар шиддат билан югуриб боришарди. Ҳектор трояликлар Ахиллни ўққа тутишларига имкон яратиш учун бир неча бор девор панасига ўтмоқчи бўлади, бироқ Ахилл бундай қилишга қўймасди. Буюк Ахилл Приамзодани аллақачон қувиб етган бўларди, лекин Аполлон Ҳектор вужудига куч-қувват пуркади. Бу икки қаҳрамон Аскамандр чашмаси ёнидан тўртинчи марта чошиб ўтишганида, чакмоқдор Зевс олтин тарозунинг икки палласига иккита ажал қуръасини ташлайди; қуръаларнинг бири Ахиллники, иккинчиси Ҳекторга тегишли эди. Мана, Ҳекторнинг қуръаси қўйилган палла пасайиб, Аиднинг зимистон салтанатигача тушиб боради. Буни кўрган тангри Аполлон Ҳекторни тарк этади. Ахилл ёнига эса бу пайт маъбуда Афина-Паллада яқинлашади. У диловар йигитга югуришдан тўхташни амр этади ва бу сафар Ҳектор устидан зафар қозонажagini башорат қилади. Маъбуда Ахиллга шундай ваъда қилиб, ўзи Ҳекторнинг иниси Деифоб қиёфасига киради-да Ҳекторга юзланиб, уни Пелейзода билан олишишга кўндиради ва, ўзим сенга ёрдам бераман, деб ваъда қилади. Ҳектор югуришдан тўхтади. Қаҳрамонлар юзма-юз тўқнашишади. Биринчи бўлиб Ҳектор рақибига юзланади:

– О, Пелейзода, бас, энди сендан ўзимни олиб қочмайман! Майли, жанг қилайлик, кўрамиз, сен ўлдиармикинсан мени, ё мен зафар кучармиканман. Лекин, кел, жанг олдидан худоларни шоҳидликка даъват этайлик! Онт ичиб айтаманки, агар чакмоқдор тангри менга зафар ато этса, сенинг жасадингни хўрламайман. Сен ҳам шу шартга амал қил.

Лекин Ахилл унга жавобан шундай дағдаға қилади:

– Йўқ, о манфур ғаним! Пеш қилма менга шартингни! Шерлар билан одамлар ёки бўйлар билан қўйлар орасида шартнома тузиб бўлмаганидек, биз иккимиз орамизда ҳам бунинг имкони йўқ. Асло! Яхшиси, бутун куч-қудратингни йиғ, ҳарб ишида эришган жамики маҳоратингни ишга сол. Зеро, жон сақлашга ҳеч бир имкониң қолмади! Бугун мен дўстим Патриоклнинг ҳамда сен маҳв этган ўзга ёру биродарларимнинг хунини олгум сендан.

Метинбилак Ахилл шундай деб туриб, Ҳекторга найза отади. Ҳектор энгашиб, ажалкаш найзага чап беради. Энди Ҳектор найзасини Ахилл қалқонининг қоқ ўртасига уради. Лекин найза тангри Ҳефест ясаб берган қалқонга худди енгил таёкчадек урилиб, бир четга учиб кетади. Ҳекторда бошқа найза йўқ эди. Шунда у эсанкираб қолади ва баралла овоз билан Деифобни ёрдамга чақиради. Аммо Деифоб ғойиб бўлган эди. Шундагина у ўзининг Афина-Паллада томонидан алданганини ва энди ўлиши муқаррар эканлигини англайди. У шамширини ғилофидан суғуриб, Ахиллга ташланади. Ахилл ҳам Ҳекторга ҳамла қилади ва бақувват қўлидаги найза билан унинг халқумини жароҳатлайди. Ҳектор ўлим талвасасида ерга гурсиллаб кулайди. Энди музаффар Ахиллга зўр-базўр бир неча сўз айтишгагина мажоли қолган эди унинг:

– Ахилл, сенинг ҳаётинг ҳаққи ва қариндошларинг ҳаққи, ўтинаман, жасадимни мирмидон кўппакларига ташлаб хўрлама, уни отам билан волидамга қайтариб беру эвазига улардан оғзингга сиққанча товон талаб қил.

– Йўқ! – деб жавоб қилади унга Ахилл. – Сен, манфур кўппак, бекорга ёлборяпсан! Агар кўксимда аланга олаётган қахру ғазабга ихтиёримни берганимда, жасадингни ўзим пора-пора қилган бўлардим. Ҳаттоки, энг бебаҳо тухфалар олиб келиб, олдимда тоғ-тоғ қилиб уйиб ташлашганда ҳам, ўзинг баробар олтин беришганда ҳам, ҳеч ким сенинг жасадингни хомталаш қилаётган итларни қувиб юбормагай! Бинобарин, падаринг Приамга ҳам, волиданг Ҳекубага ҳам жасадинг устида аза тутиб кўзёш қилиш насиб этмагай!

Жони узилаётган Ҳектор Ахиллга сўнгги сўзларини айтди:

– Илтижоимга кулоқ осмаслигингни билардим! Зеро, сен кўксингда юрак деб олиб юрган нарса юрак эмас, бир парча тошдир. Лекин худолар ғазабидан кўрк! Ул ғазабга дучор бўлишинг аниқ! Ҳали Аскей қопқаси

бўсағасида иним Парис сени тангри Аполлоннинг мадади билан махв эта-
жак.

Ҳектор ўлади. Унинг руҳи марҳумнинг талх қисматидан зор-зор нола
чекиб, сим-сиё Аид салтанатига учиб кетади.

Ахилл тантана билан барча юнонларни ёнига чакиради. Улар ерда
узала тушиб ётган Ҳекторнинг маҳобатли бўй-басти ва кўркем жамоли-
га ҳайрат билан боқадилар. Кейин уларнинг ҳар бири Ҳектор жасадига
бир-бир найза санчиб оладилар. Энди Ҳекторга ҳамла қилиш осон эди.
Ваҳоланки, Ҳектор юнонлар кемаларига ўт кўйганида бундай қила олмас-
дилар.

Ахиллнинг кўнглига ножоиз бир фикр келади. У мурданинг тўпиғидан
товонига ўтган пай оралиғини тешиб, бу тешиқдан чайир тасма ўтказадид-
да, тасманинг иккинчи учини жангаробага боғлайди. У Ҳектордан ечиб
олган совулларни баланд кўтарганча, жангаробага сакраб чиқади ва отлар-
ни кенг майдондан чоптириб кетади. Майдон узра чанг-тўзон кўтарилади.
Ҳекторнинг кўркем боши ўйдим-чўнқир ерларга урилиб судралиб борар-
кан, чангга ботиб унниқиб кетади.

Троя девори бошида Ҳекуба дилбандининг жасадини Ахилл хор
қилаётганини кўриб, аламга чидай олмай, кумушдек оппоқ сочларини
юлади, бошидан уртуғини отиб ташлаб, кўксига мушт уриб фарёд чека-
ди. Приам ҳам аччиқ кўзёш тўкади. Бутун трояликлар шоҳга жўр бўлиб
уввос солиб йиғлайдилар. У ўзини майдонга чиқариб юборишларини ил-
тижо қилади. У голиб Ахиллга қарияга шафқат қилишини, ўзи каби кекса
отаси Пелейни ёдга олишини сўраб ёлвормоқчи эди. Шу чоғ Андромача
трояликларнинг аянчли фарёдини эшитади. У тикиб ўтирган каштасини
ташлаб, қалъа девори томон отилади. Девор бошига чиқиб, ўз шавҳари
жасадининг Ахилл жангаробаси ортидан тупроққа қорилиб судралиб
бораётганини кўради. Ҳекторнинг бахти қаро завжаси бу машъум ман-
зарани кўрадию ҳушидан кетиб, жориялари қўлига йиқилади. Унинг бо-
шидан маъбуда Афродита армуғон қилган бебаҳо уртуғи сирғалиб тушиб
кетади. Ҳушига келгач эса, фарёд солиб йиғлай бошлайди. Андромача-
нинг қалбини чуқур қайғу чок қилаётган эди. Энди ёруғ дунёда унинг
ҳеч кими қолмаганди. Ўғли, кўркем Астианакс етим қолганди. Энди у
бахти қаро етим бўлиб ўсади, уни ҳеч ким озорлардан ҳимоя қилмайди.
Андромачанинг кўнгли мусибатдан чок-чок бўлганди. Унинг атрофига
тўпланган Троя аёллари ҳам унга жўр бўлиб нола қилишади. Троянинг
буюк муҳофизи ҳалок бўлган эди.

ПАТРОКЛНИ ДАФН ҚИЛИШ

Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Юнонлар ўз кемалари олдига қайтадилар. Ахилл мирмидонларга ўз чодирларига тарқалишга рухсат бермади. У мирмидонларга Патроклнинг руҳини шод қилиш учун жангаробаларда марҳумнинг атрофидан уч карра айланиб ўтишни амр этади. Ахилл ҳам аччиқ кўзёш тўкарди. У қўлини марҳум дўстининг кўксига қўйди-да, шундай такаллум қилди:

– Шод бўл, мард Патрокл! Сенга берган ваъдамнинг устидан чикдим! Сенинг маофанг ёнига Ҳекторнинг мурдасини келтирдим ва уни итларга ем қилиб ташлайман. Сенинг ўлимнинг учун қасос олиш мақсадида троялик ўн икки ёш йигитни дафн гулхани ёнида ўлдираман.

Ахилл Ҳекторнинг жасадини судраб келиб, ўлик Патрокл ётқизилган маофа тагига улоктиради ва устига ҳеч нима ёпмай шундай қолдиради. Сўнг Пелейзода ўз фукароси – мирмидонларга катта зиёфат беради.

Ўзини эса юнонлар шоҳлари Агамемнон ҳузурига боришга кўндирадилар. У ерда ювиниб олиб, зиёфатда иштирок этишини анча илтимос қилишади. Ахилл зиёфатда қатнашишдан бош тортади. Фақат катта дафн гулхани ёқишни юнонларга амр этишни Агамемнондан илтимос қилади.

Юнон қаҳрамонлари тановул қилгани ўтирадилар, кейин эса ҳамма ўз чодир-чодирига тарқалади. Ёлғиз Ахилл серталотум денгиз бўйида кўксини ерга бериб, маҳзун оҳ уриб ётаверади. Ниҳоят, уни ҳам уйку элилади.

Тушига Патроклнинг арвоҳи киради ва руҳи Аид салтанатида ором топиши учун дафн маросимини тезроқ ўтказишни сўраб ёлворади. Патроклга ўзининг хоқини Ахилл дафн этиладиган қабрга кўмишни васият қилади. Ахилл билан Патрокл ҳоқи маъбуда Фетида берадиган битта хокдонга солиниши лозим эди. Ахилл тушида қўлларини Патроклга узатади, бироқ арвоҳ ғамгин нола қилиб, кўздан йўқолади. Уйғониб кетган Ахилл яна фарёд қила бошлайди. Барча мирмидонлар унга қўшилиб йиғлашади. Тангри Ҳелиос – Куёшнинг хабарчиси маъбуда Эос – Шафақ уларни йиғи устида кўради.

Агамемнон эрта тонгда туриб, юнонларни Ида тогининг ёнбағридан дафн гулхани учун ўтин келтиришга юборади. Юнонлар гулхан учун олиб келган ўтинларни денгиз соҳилида тоғ қилиб уядилар. Сўнг мирмидонлар усти ўз сочлари билан ёпилган Патроклнинг жасадини маофада олиб чиқиб, тантанали вазиятда шу уйилган шоҳлар устига ётқизадилар. Башарти ватанимга тирик қайтсам, сочимни дарё маъбуди Асперхейга¹ на-

¹ *Асперхей* – Фессалия жанубидаги Сперхей дарёси.

зир қиламан, деб ният қилган Ахилл сочини кесиб, Патроклнинг қўлига солади. Сўнг Ахиллнинг илтимосига кўра, Агамемнон барча жангчиларни кема томон жўнатади, гулхан ёнида фақат юнонларнинг шоҳлари қолишади. Улар Патрокл шарафига қанчадан-қанча кўйлар, қорамолларни қурбонликка сўядилар ва уларнинг ёғи билан марҳумнинг бутун баданини мойлайдилар; яна марҳумнинг атрофига асал ва мой тўлдирилган хумларни териб кўядилар. Бундан ташқари, Патрокл шарафига яна тўртта от билан иккита итни ҳам сўядилар. Ахилл ўз кўли билан ўлдирган, асир тушган ўн икки нафар троялик йигитнинг жасадини ҳам гулхан учун уйилган шоҳлар устига ташлайдилар. Ҳекторнинг жасади эса шундоққина гулхан ёнида тупроққа қорилиб ётарди. Уни маъбуда Афродита хушбўй мойлар билан мойлаб, кўриқларди, тангри Аполлон эса, офтоб тиғида Ҳекторнинг жасади қуруқшаб қолмаслиги учун унинг устига булут юборган эди.

Дафн маросими учун ҳамма нарса шай бўлгач, Ахилл гулханни ёқади. Лекин у ёнмайди. Шунда Ахилл шамол маъбудлари Борей ва Зефирга тавалло қилиб, гулханга шамол йўллашни сўрайди. Тангрилар хабарчиси Ирида шитоб билан Зефир кўшқи томон учади. У ерда барча шамол маъбудлари зиёфатда ўтиришарди. Уларни Пелейзодага кўмак беришга даъват этади. Борей ва Зефир булутларни ўйнатиб, даҳшатли шовқин билан денгиз устидан учиб боришади. Уларнинг дастидан денгизда баланд тўлқинлар кўтарилади. Улар дарҳол Трояга етиб келиб, оловга дам босишади. Гулхан алангаси осмони фалакка кўтарилиб, тун бўйи гуриллаб ёнади. Ахилл эса, кўшқадаҳдан гулханга май паймо қилиб, муттасил Патроклнинг руҳини чакириб туради.

Эрталабга бориб бу улкан гулхан аста сўна бошлайди. Ҳолдан тойган Ахилл шу сўнаётган гулхан яқинида ерга ётиб ухлаб қолади. У юнон саркардаларининг гўнғир-гўнғир овозидан уйғониб кетади. Ахиллнинг илтимоси билан саркардалар май сепиб гулханни ўчирадилар, Патроклнинг суяқларини териб, олтин хокдонга соладилар. Кейин оғочлардан чор девор тиклайдилар ва шу девор ичига хокдонни кўйиб, устига баланд қилиб мозоркўрғон барпо этадилар.

Дафн маросими ниҳоясида Ахилл марҳумнинг шарафига дабдабали дафн ўйинлари ўтказлади. Ўйин жангаробаларда югуриш билан бошланади. Унда Адмет ўғли қахрамон Эвмел, қахрамон Диомед, шоҳ Менелай, Несторнинг ўғли Антилох ва қахрамон Мерион иштирок этишади. Биринчи бўлиб Диомед ўз отларини елдириб келади; унга маъбуда Афина кўмаклашганди. Несторнинг ўғли Антилох ундан бир оз ортда қолиб келади. Унинг ортидан Менелай келарди, Несторнинг ўғли айёрлик қилиб ундан иккинчи мукофотни тортиб олади. Охирида Мерион келади. Энг машхур аравакаш бўлган қахрамон Эвмел билан эса бахтсиз ҳодиса рўй беради. Маъбуда Афина унинг ғолиб чиқишини истамай, жангароба-

сининг тоқа шотисини синдиради. Эвмел жангаробадан учиб тушиб, халок бўлади. Ахилл жангаробада югуриш мусобақасининг барча ишти-рокчиларига катта тухфалар беради. Қария Несторга ҳам тухфа беради; у энди мусобақаларда катнаша олмас, қариллик ўз ишини қилиб, уни за-ифлаштириб қўйганди, ваҳоланки, бир вақтлар у ҳам ўйинларда муаззам қахрамонлар устидан ғолиб чиқарди.

Сўнг муаззам қахрамон Эпей билан қахрамон Эвриал муштлашув жангида мусобақалашади. Эпей мушти билан Эвриални уриб ағдариб, ғолиб чиқади. Теламонзода Аякс билан шоҳ Одиссей кураш тушишади. Улар жуда узоқ олишишади. На униси, на буниси бир-бирини йиқаолади. Уларга мукофот тенг берилади. Тез югуришда эса Оилей ўғли Аякс би-лан Одиссей ҳамда Несторнинг ўғли Антилох бахслашишади. Олдинда Аякс, ортидан Одиссей шамолдек учиб боришарди. Одиссей Афинага та-валло қилиб, зафарни ўзига олиб беришни сўрайди. Қахрамоннинг ноласи Афинага етиб боради; Аякс сирпаниб, йиқилади. Маррага биринчи бўлиб Одиссей етиб келади ва биринчи мукофот соҳиби бўлади. Курол билан олишувга Диомед билан Теламонзода Аякс тушишади. Қахрамонлар жон-жаҳдлари билан олишадилар, бироқ юнонлар улар бир-бирини ўлдириб қўйишидан қўрқишади. Қахрамонлар олишувни тўхтатишади, уларга мукофот тенг берилади. Оғир лаппак улоқтиришда қахрамон Полипет ғолиб чиқади. Камондан ўқ узиш бўйича мусобақалашади учун узун хода-га каптар боғлаб қўйишади. Новакандоз уни ўқ билан уриши лозим эди. Қахрамон Тевкр майдонга чиқади. У камонни тортиб, ўқни қўйиб юбора-ди. Лекин ўқ каптар боғланган ипга тегиб, узади. Каптар осмонга парвоз килади, бироқ қахрамон Мерион уни камондан ўқ отиб, уриб туширади. Унга камондан ўқ узганлик учун мукофот берилади. Найза отишда ғолиб чикқанлик учун мукофот шоҳ Агамемнонга тегади; ҳеч ким унингчалик маҳорат билан найза ота олмайди.

Ўйинлар тугайди. Ҳамма ўз чодир-чодирига тарқайди, салдан кейин бутун қароргоҳ маст уйқуга ғарқ бўлади. Фақат Ахиллгина бедор эди. Бул ғамзада пахлавон дўстини қўмсаб, ҳануз кўзёш қиларди. У ўрнидан ту-риб, соҳил ёқалаб узоқ вақт тентираб юради. Ниҳоят, қирмизиранг тонг отади, шу заҳоти у отларни жангаробага қўшиб, бадбахт Приамзоданинг жасадини ерда судраганча Патроклнинг қабри атрофини уч марта айланиб чиқади. Шундан кейингина унинг қўнгли таскин топиб, Ҳекторнинг жаса-дини тупроққа улоқтириб, ўз чодир сари равона бўлади.



ПРИАМ АХИЛЛЕСНИНГ ЧОДИРИДА. ҲЕКТОРНИ ДАФН ҚИЛИШ



Ҳомернинг «Илиада» достони бўйича баён қилинади

Ахиллнинг Ҳектор жасадини таҳқирлаётганини Олимпдаги тангрилар ҳам кўрадилар. Тангри Аполлон Ахиллдан каттик ғазабланади. Кўпчилик тангрилар, Ҳермес Ҳекторнинг жасадини ўгирласин, деган қарорга келадилар. Аммо маъбудалардан Ҳера ва Афина-Паллада, шунингдек, тангри Посейдон ҳам бунга рози бўлмайдилар. Ўн бир кундирки, Ҳектор Ахиллнинг чодирини олдида бекафан тупроққа қорилиб ётарди. Шунда Аполлон тангриларга:

– Бу нима қилганингиз? Уззукун Ҳекторнинг жасадини хўрлаётган, раҳм-шафқат, ор-номус нималигини унутиб қўйган Ахиллга мурувват кўрсатмоқдасиз-а! – деб маломат қилади.

Оқибатда Аполлон билан Ҳера жанжаллашиб қолишади. Чақмоқдор Зевс жанжални босади. Худолар хабарчиси Иридани маъбуда Фетидани чақириб келишга юборади. У Фетидани Ахилл хузурига юборишга қарор қилади. Фетида бориб, ўғлим, сен Ҳектор жасадини бой товон эвазига падари Приамга топшираркансан деб, Зевснинг амрини Ахиллга етказиши лозим эди. Зеро, тангри Зевс барча трояликлар ичида ҳаммадан ҳам шу бузург Ҳекторни кўпроқ эъзозлар эди.

Хаёлдек учкур Ирида кўз очиб-юмгунча фурсат ўтмай, Фетида қошида намоён бўлади. Фетида, денгиз маъбудлари қуршовида ўғли учун кўзёш қилиб ўтирарди. Иридадан Зевснинг амрини эшитган Фетида азадорлар либосини кийиб, юксак Олимпга кўтарилади. Тангрилар Фетидани хурмат билан кутиб олишади. Афина уни Зевснинг ёнига олиб бориб ўтказади, Ҳера эса унга олтин қадахда муаттар оби ҳаёт тутади. Зевс ўз амрини унга билдиради. Маъбуда Фетида шу ондаёқ ерга инади ва ўғлининг чодирини қиради. У маҳзун Ахиллнинг ёнига ўтириб, меҳрибонлик билан сочларини силайди.

– Ўғлим, – дейди маъбуда. – Зевс ҳам, ўзга тангрилар ҳам сендан ранжимокдалар, улар сенга, беназир музд эвазига, Ҳекторнинг жасадини Приамга қайтариб беришни буюрдилар.

Кудратли Ахилл тангрилар амрига итоат этади.

Шу аснода чақмоқдор Зевс тангрилар муждачиси Иридани Приам хузурига юборади. Ирида турфа ранг қанотини ёзиб, Приам саройига келганида шўрпешона қария ҳалок бўлган ўғлига аза тутиб, хўнг-хўнг йиғлаганча кўксини ерга бериб ётарди. Атрофида барча ўғлонлари фарёд солиб ўтиришарди. Ирида чолнинг тепасига боради ва Зевс номидан унга юнонлар қароргоҳига, Ахиллес хузурига улкан музд билан бориш-

ни амр этади. Ирида шоҳ Приамга, сени тангри Ҳермеснинг ўзи юнонлар қароргоҳига кузатиб боргай, деб ваъда қилади.

Приам муждакаш маъбуданинг сўзларини эшитибок ўрнидан туради, қасрга кириб, отларни жангаробага қўшишни ва совғалар учун яна бир аравани ҳозирлашни буюради. Сўнг у қасрга кириб, ёнига завжаси Ҳекубани чақиртиради ва юнонлар қароргоҳига бормоқчи эканини айтади. Ҳекуба қўрқиб кетади ва эрига ёлбориб, зинхор бора кўрма, борсанг, Ахилл сени ҳам ўлдиради, дейди. Лекин Приам завжасига тасалли бериб: «Мен Ахиллнинг хузурига олимпик тангриларнинг хоҳиши билан кетмоқдаман», – дейди. У аравага беназир ва бебаҳо тўхфалар ортиб йўлга отланади. У ўғилларини сусткашликда айблаб, койийди. Ўғиллари отасининг ғазабидан қўрқиб, аравага хачирларни қўшишади, унга музд учун катта кути қўйишади ҳамда отларни жангаробага қўшишади. Приам жангаробага чиқиб отларга қамчи босади. Жангаробанинг олдида хачирлар қўшилиб, совғалар ортилган арава борарди. Ҳамма Приамни худди ўлимга кузатаётгандек, орқасидан фарёд солиб йиғлаб қолади.

Приам кенг далага чиққанида, чакмоқдор Зевс унинг олдида ўзининг ўгли тангри Ҳермесни юборади. Ҳермес ўзининг қанотли пойабзалини оёғига боғлаб, фонийларнинг кўзини ёпадиган таёғини кўлига олади-да, Троя томон учади. Приам дарё бўйида тўхтаб, от ва хачирларни суғораётган пайтда Ҳермес унинг қаршисида ғоят ўктам йигит қиёфасида намоён бўлади. Приам уни кўриб, бу йигит мени ўлдириб, молларимни торож қилгани келган-ов, деб ўйлаб, қўрқиб кетади. Бироқ йигит қиёфасидаги Ҳермес ўзини Ахиллнинг навқари деб танитиб, Приамни қароргоҳга бехатар кузатиб қўймоқчи эканлигини айтади. Мўйсафид хурсанд бўлиб, йигитга қимматбаҳо қадаҳни совга қилмоқчи бўлади, бироқ Ҳермес совгани олишдан бош тортади. У Приамнинг жангаробасига чиқиб, отларга қамчи босади. Юнонлар қароргоҳи ёнида соқчилар туришарди, аммо Ҳермес уларни каттиқ уйкуга солиб қўяди. Тангри дарвоза турумини очиб, Приамни махфий равишда қароргоҳ орқали олиб ўтади. Ҳермес мирмидонлар қароргоҳи дарвозасини ҳам очади. Приам Ахиллнинг чодир олдида етиб борганида Ҳермес қарияга ўзининг кимлигини ошқор қилади ва чодирга дадил кириб бораверишни буюради. Ахилл эндигина таомланишни тугатганди. Ҳеч ким сезмаган Приам чодирга киради ва Ахилл қаршисида тиз чўкиб, унга илтижо қилади:

– Эй, бузург Ахиллес! Ўз падари бузрукворингни кўз олдинга келтир: у ҳам мен сингари кексайиб қолган. Балки ҳозир унинг шаҳрини ҳам ёвлар қуршаб олгандир-у, яқинида бечорага ёрдам кўлини чўзувчи биронта халоскор йўқдир. Вале мен падарингдан ҳам бадбахтроқман; деярли барча ўғлонларимдан жудо бўлдим. Сен менинг энг буюк, энг азамат ўғлоним – Ҳекторни ҳам махв қилдинг. Мен шу ўғлимни деб кемангиз пойига кел-

дим. Шўрпешона чолга раҳминг келсин! Беназир муздимни қабул қил. Бирон-бир фоний банданинг бошига тушмаган мусибатлар менинг бошимга тушди. Нечоғлик бахти қаро эканлигимни кўряпсан: фарзандларим қотилининг қўлини ўпишга мажбурман.

Шу гаплардан кейин Ахилл ҳам ўз падарини қўмсаб, аччиқ кўзёш қилади. Приам эса ерга ётиб, ўз Ҳектори дардида тинмай йиғларди. Ниҳоят, Ахилл ўрнидан туради, у Приамни ҳам оёққа турғазиб шундай дейди:

– Эй, бахти қаро чол! Сен ҳаётингда кўп азобу укубатларни бошингдан кечирибсан! Вале ўғилларингнинг қотили хузурига, яна бир ўзинг, қандай юрак ютиб келдинг? Қалбинг метиндек экан! Хўп, тинчлан, йиғини бас қил. Қани, ўтир. Худолар кишилар тақдирига ҳаётда дарду алам чекишни ёзиб қўйишган, ўзлари, боқийлар эса ғам-андух нималигини билишмайди. Кўзёш тўкишни бас қил, ҳалок бўлган Ҳекторни кўзёш билан тирилтира олмайсан, ахир. Ўрнингдан тур, мана бу ерга ўтир!

– Йўқ, Ахилл, – дейди унга Приам. – Ҳекторни қайтариб бермагунингча ўтирмайман. Сен тухфаларни қабул қилиб олгину ижозат бер, дилбандимнинг дийдорига кўзларим тўйсин.

Ахилл Приамга ўқрайиб қараб шундай дейди:

– Аччиғимни келтирма, чол! Ҳекторнинг жасадини қайтариб беришим лозимлигини ўзим ҳам биламан. Зевсинг иродаси бу. Бу ҳақда менга онам – маъбуда Фетида хабар келтирди. Сени ҳам бу ерга тангри бошлаб келганини биламан, ақс ҳолда юнонлар қароргоҳига келишга юрагинг дов бермасди. Жим бўл! Йўқса, ғазабим қайнаб, Зевсинг илтижо қилувчиға шафқат қил, деган ўгитини унутиб қўйишим мумкин.

Ахилл шундай деб чодирдан чиқиб кетади. У дўстларини чақириб, Приамнинг от ва хачирларини қўшдан чиқаришни ва Идеё чодирга олиб киришни буюради. Сўнг жориялар Ҳектор жасадини ювадилар, унга қимматбаҳо либос кийдирадилар. Ахиллнинг ўзи жасадни кўтариб, шинам безатилган маофага ётқизади, ёр-дўстлари эса бу маофани мурда билан бирга кўтариб, аравага олиб чиқиб қўядилар. Буёқ Пелейзода Ҳекторнинг жасадини қайтаргани учун ғазабланмасликни сўраб Патрокл руҳига муножот қилади. У Приам келтирган муздларнинг бир қисмини Патроклга бағишлашга аҳд қилади. Ахилл шу ишларни бажариб бўлиб, чодирга қайтади ва қарияга ўғлининг жасадини қайтаришганини айтади. Сўнг дастурхон тузаб, чолни тановул қилишга даъват этади. Бул сернеъмат шомлик пайтида Приам худди тангрилардек кўркам ва салобатли Ахиллга маҳлиё бўлиб тикилади, Ахилл ҳам бу нуроний мўйсафиддан кўзини уза олмай, унинг доно каломларини жон қулоғи билан тинглайди.

Овқатдан сўнг Приам, ўғли Ҳектор ҳалок бўлганидан буён ҳали мижжа қоқмаганини айтиб, Ахиллдан бир оз мизғиб куч йиғиб олишга ижозат

сўрайди. Ахилл унга ва Идейга чодир олдига тўшак солишни буюради. Приам тўшакка ётганида Ахилл ундан Ҳекторни дафн қилиш учун неча кун керак бўлишини сўрайди. Приам дафн маросими учун ўн кун мухлат сўрайди. Ахилл шу ўн кун мобайнида ўзи ҳам уруш қилмасликка, юнонларни ҳам жангга киришдан тўхтатиб туришга сўз беради. Ахилл қарияга далда бермоқ учун унинг қўлини лутф ила сиқади ва у билан хайрлашади.

Барча жангчилар уйқуга чўмишади, мунаввар Олимпда худолар ҳам пинакка кетишади. Фақат тангри Ҳермес бедор эди. У Приамнинг тўшаги ёнига келиб, уни уйғотади-да, юнонлар қароргоҳини тезроқ тарк этишни буюради. Тангри Приамни бирон киши кўриб қолиб, бой музд олиш илинжида уни тутиб қолишидан кўрқарди. Приам кўрқиб кетиб, ўрnidан туради-да, Идейни уйғотади. Ҳермес отлар ва хачирларни кўшиб, уларни қароргоҳдан махфий равишда олиб чиқиб кетади. Аскамандр соҳилига етиб келгандагина тангри Приамни тарк этади.

Тонг чоғида Приам Трояга яқин келиб қолган эди. Уни биринчи бўлиб Кассандра кўради, у акасига аза тутиб, шундай фарёд чекадики, унинг бу ноласи бутун трояликларни ларзага келтиради. Халқ Троя қопқаси олдида тўпланади. Ҳекуба билан Андромаха ҳаммадан олдинга ўтишиб, дод солиб йиғлаганча, сочларини юлишади. Оломон ҳам уларга жўр бўлиб юм-юм йиғлайди ва Ҳекторнинг жасади ётган аравага яқинроқ боришга интилади. Лекин халқ Приамнинг каломига кулоқ осиб, маофа қўйилган араванинг Трояга кириши учун йўл очади.

Андромаха фарёд чекиб йиғлайди – у ўзининг яккаю ёлғиз химоячиси – эрига аза тутарди. Энди у Троянинг вайронага айланишини, юнонлар троялик барча хотин-халажни асира этиб, ўз юртларига олиб кетишларини биларди. Ҳекуба ҳам нуридийдасига аза тутиб, бўзлаб йиғлайди.

Елена ҳам Ҳекторга аза тутиб, оҳ уриб, нола чекади. У Ҳекторнинг оғзидан ҳеч қачон таъна, ҳақорат эшитмаганди. Билъакс, у ҳамиша хушму-омалалик билан Еленанинг ёнини оларди, шу Ҳекторнинг ҳомийлиги туфайли Еленани саройда ҳеч ким хафа қилмасди. Мана энди у бутун Трояда биттаю-битта бўлган ҳабибидан жудо бўлди. Эвоҳ, бу ерда уни Ҳектордан ўзга ҳамма ёмон кўради.

Приам дафн гулхани учун ўтин тайёрлашни буюради. Троя аҳли тўққиз кун мобайнида муттасил Ида тоғидан ўтин ташийди. Ўнинчи кунга ўтганда Ҳекторнинг жасадини тоғдек уйилган оғочлар устига олиб чиқиб кўядилар ва гулханни ёқиб юборадилар. Гулхан ёниб бўлгач, марҳумнинг хокини йиғиб, олтин хокдонга соладилар, хокдонни лаҳадга қўйиб, уни тош тахталар билан ёпадилар, сўнг тошлар устида мозорқўрғон барпо этадилар. Қабр устига тоғдек баланд қилиб тупроқ уяётган чоғларида, соқчилар, тагин юнон лашкари тасодифан бостириб келмасин, деб хушёр кузатиб турадилар. Дафн маросими тугагач, Приам бутун элга маърака оши беради. Трояликлар буюк Ҳекторни шу тарика дафн этишади.



АМАЗОН АЁЛЛАР БИЛАН ЖАНГ. ПЕНФЕСИЛИЯ



*Овидийнинг «Қаҳрамон аёллар» ва Вергилийнинг «Энеида»
дostonлари бўйича баён қилинади*

Хекторнинг ўлимидан сўнг Троянинг бошига оғир кунлар тушади. Шаҳар аҳли ўзининг энг қудратли химоячисидан жудо бўлган эди. Трояликларнинг юнонлар билан очик майдонда жанг қиладиган холи қолмаганди. Трояда Ахилл билан яккама-якка жангда беллашишга юраги дов берадиган азамат йўқ эди энди. Бу азим шаҳарнинг куни битиб қолгандек туюларди ҳаммага. Худди шу пайт кутилмаганда трояликларга мадад кучи етиб келади.

Довюррак суворалар – амазон аёллар олис Понтдан¹ ўз маликалари Пенфесилия бошчилигида учқур отларда Трояга ёрдамга келадилар. Пенфесилия кунларнинг бирида шикор пайтида бехосдан ўз синглисини ўлдириб қўйган эди; бул қотиллик маъбуда Артемидани қаттиқ ғазаблантиради. Шу боис Пенфесилия юнонлар билан жанг қилиб гуноҳини ювмоқчи бўлади. У трояликларга мадад бериш билан уларнинг пушти-паноҳи Артемиданинг шафқатига мушарраф бўлмоқчи эди. Ареснинг иктидорли қизи Пенфесилия, Юнонистоннинг барча шавкатли қаҳрамонларини Троя бўсағасидан қувиб маҳв этгум, барча кемаларига ўт қўйиб юборгум, деб керилади. Трояликлар амазон аёлларни зўр шоду хуррамлик билан қарши оладилар. Шоҳ Приам Пенфесилияни ўз қизидай кутиб олади, унинг шарафига улкан зиёфат беради.

Эртаси куни обдор совутлар кийиб, ажиб силоҳлар таққан амазон аёллар Троя қўшинига бош бўлиб юнонларга қарши жанг бошлайдилар. Приам қўлларини кўкка кўтариб, худолардан ғалаба илтижо қилади. Бироқ худолар буни безътибор қолдиришади. Энди мудҳиш қонли муҳораба авжга минади. Пенфесилия ўз суворалари – амазон аёллар билан юнонлар сафини мисли даҳшатли қуондек ёриб кириб, ул қаҳрамонларни пайдар-пай маҳв эта бошлайди. Юнонлар ларзага келиб, орқага чекинадилар. Пенфесилия уларни то кемалар турган бандаргоҳгача сиқиб боради. Амазон аёлларнинг зафар қозониши аниқ бўлиб қолган шу дамда, бирдан Ахилл билан Теламонзода Аякс юнон қўшинига ёрдамга етиб келишади. Улар бу жангда иштирок этмаётган эдилар, чунки икковлари ҳам қадрдон дўстлари Патроклнинг қабри ёнида кўкракларини ерга бериб, оҳ чекиб юм-юм йиғлаб ётардилар. Бу икки қаҳрамон яқинлашиб келаётган жанг овозини эшитиб, жадал қуролланадилар ва иккита йирткич шер мисоли жанггоҳ сари отиладилар. Шунда, амазон аёллар ҳам, трояликлар ҳам бу

¹ Понт – Қора денгиз.

икки пахлавоининг зарбасига дош бера олмайдилар. Бирдан Пенфесилиянинг кўзи иктидорли Ахиллга тушади ва унинг қаршисига мардона юриш қилади. У Ахиллга найза отади, аммо найза Ахиллнинг қалқонига бориб урилиб, чил-чил синади. Амазонлар маликаси Ахиллга яна найза отади. Ахиллеснинг ғазаби қайнаб, ағёр аёлга ҳамла қилади ва унинг кўксини яралайди. Пенфесилия ўлар даражада жароҳатланганини ҳис қилади. У бор кучини йиғиб, шамширини яланғочламоқчи бўлади, лекин Ахилл найза отиб, ҳам Пенфесилияни, ҳам у минган отни бир йўла маҳв қилади. Пенфесилия ўзи минган от билан бирга ерга қулайди. Ахилл унинг бошидан дубулгасини ечиб олади, бир қарашдаёқ у жанг худоси Ареснинг қизини танийди ва унинг гайритавсиф хусни жамолини кўриб лол қолади. Ҳалок бўлган Пенфесилияни гўзалликда маъбуда Артемидага қиёс қилса бўларди. Ахилл ўзи маҳв этган соҳибжамолнинг бошида турар экан, кўнглида унга муҳаббат пайдо бўлаётганини ҳис қилади. Ахилл чуқур андуҳга ботиб турганида, бу ерга Терсит келади. У Ахиллнинг жиғига тегиб, мархума Пенфесилияга қайғураётгани устидан кулади ва жасад тепасига келиб, унинг кўзига найза санчади. Бу бадкорликдан қаттиқ даргазаб бўлган Ахилл Терситнинг юзига қулочкашлаб тарсаки туширади ва бир зарба билан уни ўлдириб қўяди. Диомед қариндошини ўлдиргани учун Ахиллга нисбатан қаҳр-ғазабга тўлади. Юнонлар бу икки қаҳрамонни аранг яраштириб қўйишади.

Шундан кейин, Ахилл Пенфесилиянинг жасадини оҳиста кўтариб, жанггоҳдан олиб чиқади. Юнонлар Пенфесилиянинг, шунингдек, ҳалок бўлган яна ўн иккита амазон аёлнинг жасадини қурола-аслаҳалари, совутлари билан бирга трояликларга топширадилар, трояликлар дабдабали мотам маросими уюштириб, мархумаларнинг жасадларини гулханда қуйдирадилар.

Ахилл эса Лесбос оролига йўл олади. Ўша ерда у тангри Аполлон билан маъбуда Артемидага ҳамда уларнинг онаси Латонага бисёр қурбонликлар бахшида қилиб, Терситнинг қонини тўкиб ботган гуноҳдан фориг қилишларини илтижо қилади. Аполлоннинг амри билан Ахиллни қув Одиссей гуноҳдан фориг қилади.



ЗАНЖИЛАР БИЛАН ЖАНГ. МЕМНОН



Ҳолмернинг «Одиссея», Гесиоднинг «Теогония» ва Вергилийнинг «Энеида» достонлари бўйича баён қилинади

Пенфесилиянинг ўлиmidан кейин юнонлар ҳужумини даф қилиш трояликлар учун янада мушкуллашади. Лекин кутилмаганда уларга яна мадад кучлари етиб келади. Бутун замин теграсини ўраб олган мўйсафид ва бепоён, серталотум Океан соҳилидан Мемнон Трояга етиб келади. У

тонг маъбудаси, соҳибжамол Эос билан Тифоннинг ўгли ва Приамнинг кариндоши эди. Фоний бандалар орасида биронта ҳам зот гўзалликда унга тенг кела олмас эди. У тангри Ҳефест ясаб берган олтин силоҳ-совутда Троя лашкари орасида мисоли тонг юлдузидек порлаб турарди.

Маъбуданинг азамат ўгли Мемнон Ахилл учун муносиб рақиб эди. Яна Троя девори тагида қақшатқич жанг авжга минади. Троя кўшини олдида Мемнон, юнон лашкари олдида Ахилл жанг қиларди. Лекин у Мемнон билан тўқнашишдан ўзини олиб қочаётган эди. Чунки у, агар Мемнонни маҳв этса, ўзи ҳам тезда Аполлоннинг қаттол ўқидан ҳалок бўлажagini яхши биларди. Мана, Мемнон кекса Несторга ҳамла қилади. Кексайиб қолган қаҳрамон ёш Мемнон билан жанг қила олармиди?

Нестор отларини орқага буриб, Мемнон ҳужумидан қочиб қутулмоқчи бўлади. Аммо шу пайт Парис ўз камони чилласини таранг тортиб ўқ узади ва Несторнинг отларидан бирини ўлдиради. Ҳалокат ёқасида турганини ҳис қилган Нестор ўгли Антилохни ёрдамга чақиради. Садоқатли ўғил ўз отасига ёрдамга отилади. У отасининг Мемнон кўлида ўлишига йўл қўйгандан кўра, ҳалок бўлишни афзал кўради ва улкан бир харсангни кўтариб Мемнонга отади.

Лекин Мемноннинг бошидаги тангри Ҳефест ясаб берган дубулға унинг жонига ора киради. Мемнон Антилохнинг кўксига найза санчади ва қалби чок бўлган ўғил тил тортмай ўлади – у ўз жонини фидо қилиб, азиз падарини ўлимдан сақлаб қолганди. Ўғлининг ҳалок бўлганини кўрган Нестор аччиқ кўзёш тўкади. Мемнон эса, шу пайт ўзига Несторнинг бошқа ўғли – Фрасимед дўсти Ферей билан ҳужум қилганига қарамай, Антилохнинг совутларини ечиб олишга уринади. Бу ҳолни кўрган Нестор ўғлининг жасадини муҳофаза қилишга отилади. Бироқ Мемнон қария билан жангга киришмади, унга қўл кўтаришни истамади. Юнонлар билан занжилар Антилохнинг жасади устида жон олиб, жон бериб олишадилар. Нестор иқтидорли Ахиллни ёрдамга чақиради. Ахилл Антилохнинг ҳалок бўлганини эшитиб даҳшатга тушади. Чунки у Антилохни барча қаҳрамонлардан кўра кўпроқ яхши кўрар эди. Унинг Патроклдан кейинги эъзозли дўсти – Антилох эди. Ахилл Мемноннинг ўлиmidан кейин сал вақт ўтар-ўтмас ўзи ҳам ҳалок бўлиши муқаррарлигини унутиб қўйиб, жангга отилади. Яқинлашиб келаётган Ахиллни кўрган Мемнон унга қарата улкан харсангтош отади, лекин тош Ахиллнинг қалқонига урилиб, анча нарига учиб тушади. Ахилл эса, найза билан Мемноннинг елкасини жароҳатлайди. Мемнон яраланганига парво қилмай, ўзи ҳам Ахиллнинг қўлини яралайди. Шундан сўнг бу икки паҳлавон қиличларини яланғочлаб бир-бирларига ҳамла қиладилар. Икковлари ҳам куч-қудратда тенг, икковлари ҳам маъбудазода, икковларининг ҳам устида Ҳефест ясаган совут-силоҳлар ярақларди. Қаҳрамонлар кўксларини қалқонлар билан тўсиб

олиб жанг қилишарди. Бу яккама-якка жангни юксак Олимпдаги худолар кузатиб ўтирардилар. Бу икки қахрамоннинг оналари маъбуда Эос билан маъбуда Фетида, ҳар бири Зевсга илтижо қилиб, ўз ўғлонини паноҳида асрашни тавалло қиларди. Шунда Зевс қўлига олтин тарозуни олиб, унинг паллаларига икки қахрамоннинг қисматини қўйиб тортади. Мемнон қисмати солинган палла пастга тортиб кетади – у Ахиллнинг қўлидан ажал топмоги лозим эди. Маъбуда Эос юм-юм йиғлай бошлайди: у эрка ўғлонидан жудо бўлаётган эди. Мана, ниҳоят, Ахилл ўзининг залварли найзасини Мемноннинг кўкрагига ботиради. Мемнон ёруғ жаҳондан кўз юмади. Мотамсаро маъбуда Эос андуҳга ботиб, қора булутга бурканади. Шунда у жанг майдонига ўз ўгиллари – шамол худоларини юборади, улар Мемноннинг жасадини ҳавога кўтариб, олис Эсеп дарёси¹ соҳилига олиб кетадилар. Бу ерда навниҳол санамлар мархумга аза тутадилар ва қабри устига дахма тиклайдилар.

Занжиларни эса худолар кушларга айлантирадилар. Шундан буён улар ҳар йили Эсеп соҳилига, Мемноннинг қабрига учиб боришиб, ўз подшоларига аза тутарканлар.

Юнонлар навқирон Антилохни иззат-икром билан дафн қилиб, унинг хокини кулдонга солибдилар ва кейинчалик Ахилл билан Патроклнинг хоклари қўйилган қабрга қўйибдилар.



АХИЛЛЕСНИНГ ЎЛИМИ



Ахиллес трояликлардан қаттиқ ғазабланади, Патрокл билан Антилохнинг ўлими учун улардан даҳшатли ўч олмоқчи бўлади. У кутурган шер мисоли жанг қилиб, Троя мардларини пайдар-пай маҳв эта бошлайди. Ниҳоят, трояликлар шоша-пиша орқага чекинадилар ва Троя қалъаси ичига яширинадилар.

Ғазабнок Ахилл трояликларни таъқиб қилиб, то Аскей дарвозаси бўсағасигача кувиб боради.

Агар тангри Аполлон трояликларнинг жонига ора кирмаганида, Ахилл муқаддас Трояга бостириб кириб, уни кунпаякун қилиши турган гап эди. Тангри мудҳиш наъра тортиб, Ахиллнинг йўлини тўсади. Лекин паҳлавон унга итоат этмайди. Унинг ўзи чўнгмерган тангридан ғазабда эди, чунки Аполлон Ҳекторни ва бошқа трояликларни бир неча марта Ахиллнинг ҳамласидан кутқариб қолган эди. Аёвсиз қисмат ақли-хушини олган Ахилл, ҳатто, тангри Аполлоннинг ўзини ҳам найзаси билан жароҳатламоқчи бўлиб, дағдаға қилади. Бундан қаттиқ ғазабланган Аполлон, бир замонлар Пелей билан Фетиданинг никоҳ тўйида, уларнинг бўлғуси фарзандлари – Ахиллни ўз паноҳида асрашга сўз берганини ҳам унутиб қўяди. У қора

¹ Эсеп дарёси – Кичик Осиёдаги дарё (ҳозирги Чалтапарё).

булутга бурканиб, ҳеч бир жонзотга кўринмаган ҳолда, Парис отган камон ўқини Ахиллга йўналтиради ва ўқ буюк қахрамоннинг ягона заиф ери – товонига бориб тегади (Ахилл чақалоклик пайтида онаси маъбуда Фетида, ўғлини боқий қилиш мақсадида, товонидан ушлаб, Аид салтанатидаги Стикс дарёсига шўнғитиб олган эди; бунинг оқибатида Ахиллнинг бутун вужуди метин янглиғ пишиб, ўқ ўтмайдиган бўлган эди-ю, фақат товонига сув тегмай қолган эди. («Ахиллес товони» («Ахиллесова пята»), яъни «қалтис ер» деган ибора шундан олинган.) Ахилл ажали етганини сезади. У камон ўқини товонидан суғуриб оладию ерга гурсиллаб қулайди. У ўзини адойи тамом қилгани учун тангри Аполлонга аччиқ маломат қилади. Чунки ҳеч бир фоний банда тангриларнинг кўмагисиз уни ўлдира олмаслигини яхши биларди. Ахилл яна уриниб, бор кучини йиғади, худди ўлим талвасасидаги шердек мудҳиш қиёфада ўрнидан туради ва анча-мунча трояликларни маҳв этади. Аммо шу пайт унинг жисми совий бошлайди. Жон узилар пайт яқин қолган эди. У гандираклаб кетиб, найзасига таяниб қолади. Шунда бор кучини йиғиб, трояликларга таҳдидона ҳайқиради:

– Бадбахтлар, хаммангиз нобуд бўлгайсиз! Ўлганимдан кейин ҳам сизлардан ўч олишимни қўймайман!

Бу ҳайқириқдан кўрқиб кетган трояликлар қочишга тушадилар. Лекин Ахиллнинг тобора мажоли қурий бошлайди. У тамомила кучдан қолиб, ерга қулайди. Унинг олтин силоҳ-сўвоти жаранглаб кетади, ер ларзага келади. Ахилл ўлади. У трояликларни шу қадар даҳшатга солиб қўйган эдики, ўлик қахрамонга яқинлашишга ҳам уларнинг юраги дов бермайдди. Бора-бора улар юрак ютиб, бу энг бузург қахрамон жасади тепасига яқинлашадилар ва жасад теграсида қирғинбарот жанг бошланиб кетади. Бу жангда ҳам юнонлар, ҳам трояликлар томонидан энг қудратли муҳориблар қатнашадилар. Ахилл теварагида ўликлар тоғ-тоғ уйилиб кетади, у эса энди жанг суронини эшитмай, қимир этмай ётарди. Бу жангнинг ниҳояси йўқдек туюларди. Бирдан Зевс момақалди роғи гумбураб, бўрон кўтарилади ва трояликлар ҳужумига чек қўяди. Зевс Ахиллнинг жасади трояликлар қўлига тушишини хоҳламаган эди. Мана, қудратли Теламонзода Аякс Ахиллнинг жасадини кўтариб, кемалар томон олиб кетади, Одиссей эса, уни трояликлар ҳамласидан муҳофаза қилиб боради. Одиссей устига ўқ ва найзалар ёмғирдек ёғилади, бироқ у кадам-бақадам чекиниб борар экан, душманнинг ҳужумини мардларча қайтарарди.

Аякс Ахилл жасадини бандаргоҳга олиб келади. Юнонлар уни ювиб-тарайдилар, баданига муаттар мой суртадилар ва ғоятда дабдаба билан безатилган маофага ётқизадилар. Бутун аҳли юнон маофа теграсига тўпланиб, ўзларининг энг буюк қахрамонларига аза тутарканлар, фарёд солиб йиғлайдилар, аччиқ аламдан сочларини юладилар. Шунда юнонларнинг ноласини Фетида денгиз қаърида туриб эшитади. У

ўз опа-сингиллари – Нерей қизлари билан бирга денгиз тубидан сузиб чиқади. Ёлғиз ва суюкли ўғлининг ҳалок бўлганини эшитган она шундай аянчли оҳ урадики, жами юнонлар бу фигондан ларзага келадилар. Агар кекса Нестор тўхтатиб қолмаганида, улар қўрққандан кемалари томон қочиб борган бўлардилар. Фетида, унинг эгачи-сингиллари ва барча юнонлар Ахиллга ўн етти кун аза тутадилар. Юксак Олимпдан музалар учиб тушадилар. Улар марҳум шарафига мотам мадҳиясини ижро этадилар. Қаҳрамонга Олимпдаги тангрилар ҳам аза тутадилар. Ўн саккиз кун деганда улкан дафн гулхани ёкилиб, унда Ахиллнинг жасади куйдирилади. Бу энг улкан қаҳрамон шарафига юнонлар жуда бисёр қурбонликлар қиладилар, сердабдаба силоҳ-совутларини кийиб, дафн маросимида иштирок этадилар. Гулхан ёниб кул бўлгандан кейин Ахиллнинг хокини йиғиб, бир вақтлар тангри Дионис Фетидага тухфа қилган олтин хокдонга соладилар. Патроклнинг хоки ҳам шу хокдонга солинган эди. Ахилл, Патрокл ва Антилох учовлари битта қабрга дафн этиладилар. Юнонлар барпо қилган юксак мозорқўрғон қаҳрамонларнинг беназир шавкатидан далолат бериб, узок денгизда сузиб юрган кемаларга кўриниб турарди.

Дафн маросимидан кейин марҳум шарафига турли ўйинлар, мусобақалар уюштирилади. Мусобақа ғолибларига тухфа қилиш учун Фетида денгиз тубидан бебаҳо совринлар олиб чиқади. Бу соврин ва мукофотлар шу қадар серзийнат, серҳашам эдики, агар буюк Ахилл тирик бўлганида, уни ҳам албатта ҳайратга келтирган бўларди.



ТЕЛАМОНЗОДА АЯКСНИНГ ЎЛИМИ



Софоклнинг «Жалчибардор Аякс» фоҳиаси бўйича баён қилинади

Ахилл ўлгач, Фетида унинг тангри Ҳефест томонидан ясалган олтин совутларини ўғлининг жасадини муҳофаза қилишда кўпроқ жонбозлик кўрсатган пахлавонга бериш ҳақида амр этади.

Бинобарин, у совутларни ё Аякс, ё Одиссей олиши керак эди. Оқибат, бу икки пахлавон совутларни талашиб баҳс қила бошлайдилар. Зеро, бу мукофотга икковлари ҳам лойиқ эдилар. Лекин мунозара ҳадеганда ажрим бўлавермагач, асир тушган трояликларни ҳакамлик қилишга ундайдилар. Маъбуда Афина-Паллада бу масалада ҳам ўз арзандаси Одиссейни қўллайди. Агамемнон билан Менелай шу маъбуда кўмагида Аякснинг қуръасини алмаштириб қўядилар, бунинг устига, ҳакамлик қилган трояликларнинг овозларини нотўғри ҳисоблайдилар, натижада совутлар Одиссейга тегади. Қудратли Аякс қаттиқ хафа бўлиб, ўз чодирига кириб кетади, у Атрей ўғилларидан ва Одиссейдан ўч олишга аҳд қилади.

Кечаси, бутун қароргоҳ маст уйкуда ётганида, у Агамемнон билан Менелайни ўлдирмоқ ниятида шамшир яланғочлаб чодиридан чиқади. Лекин маъбуда Афина-Паллада унинг миясига телбалик дардини уфуради. Афина кўпдан бери Аяксдан дарғазаб эди. Чунки у ўз қудратига ишониб, худолар мададидан юз ўгирган эди. Телба Аякс қоронғида буқалар подасига ташланади ва уларни юнонлар деб ўйлаб, аямай қийрата бошлайди. Омон қолган буқаларни эса асирлар деб фараз қилиб, ўз қароргоҳига ҳайдаб киради. Бу ерда телба Аякс уларни қаттиқ қийноққа солиб ўлдира бошлайди. Чунки улар Аякснинг кўзига Атрейзодалар бўлиб кўринади. Ниҳоят, аста-секин Аякснинг эси жойига кела бошлайди, шунда у чодирининг ўлдирилган буқаларга тўлиб кетганини кўриб даҳшатга тушади. У навқарларидан, не ҳол юз берди, деб сўрайди. Нима иш қилиб қўйганини билгач, бу буюк қаҳрамон қаттиқ руҳий изтиробга тушади ва қилган гуноҳини ўз қони билан ювишга аҳд қилади. Аякс ўғли Эврисакни иниси Тевкр ва ўзи билан Саламиндан келган сарбозларнинг ихтиёрига қолдириб, бир вақтлар Ҳектор совға қилган шамширини олади-да, денгиз соҳили томон йўлга тушади. Аяксдан, йўл бўлсин, деб сўрашганда, у: «Худоларга сиғиниб, раҳм-шафқат сўрамоқчиман, шамширимни эса, тангри Аид билан Тун маъбудасига бахшида қилмоқчиман», – дейди.

Аякснинг тунги қилмиши бутун қароргоҳга овоза бўлади. Ҳамма ёқда у ўлдирган буқалар, қўйлар ҳамда подачиларнинг жасадлари ётарди. Одиссей қон изларини текшириб кўриб, ҳаммаси Аякснинг иши эканлигини аниқлайди. Буни эшитиб, Агамемнон билан Менелай қаттиқ ғазабланадилар ва Аяксдан ўч олмоқчи бўладилар.

Бу пайт Аякснинг ўғай укаси Тевкрдан келган одам Аякснинг ёр-биродарларига шундай дейди:

– Буюк қаҳрамон Теламонзодадан кўз-қулоқ бўлиб турунглар, бугун у ҳалокатга учраши мумкин. Илло бугунги кун бехатар ўтса, кейин Аяксга ҳеч нима таҳдид солмайди.

Орадан сал вақт ўтар-ўтмас, қароргоҳга Тевкрнинг ўзи ҳам етиб келади. У огасининг денгиз бўйига кетганини эшитиб, уни қидириб кетади. Тевкр, акам бирон фалокатга учрамадимикин, деб хавотирда эди. Дарҳақиқат, у денгиз бўйида Аякснинг ўлиб ётганини кўради: у ўзини шамшир тигига отиб ўлдирган эди. Юнонлар ичида Ахиллесдан сўнг энг қудратли паҳлавон ҳисобланган Аякс шундай ҳалок бўлган эди.

Менелай билан Агамемнон Тевкрга Аяксни дафн қилишига ижозат бермайдилар. Бу – Тевкр билан Атрейзодалар ўртасида ошқора ихтилоф келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин эди; агар Одиссей аралашмаганида, юнонлар қароргоҳида ўзаро киргин бошланиб кетиши мумкин эди. Одиссей, жанг майдонида ўз жасорати билан юнонларга кўп мадад берган буюк қаҳрамон – Аяксни дафн этиш учун унинг иниси Тевкрга руҳсат

бериш керак, деб Агамемнонни гапга кўндиради. Натижада, Ахиллнинг мозоркўрғони ёнида яна бир улкан мозоркўрғон пайдо бўлади; бу кабрга иқтидорли Теламонзода Аякснинг хоки қўйилган эди.

ФИЛОКТЕТ. ТРОЯНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Софоклнинг «Филоктет» фоҳуаси бўйича баён қилинади

Юнонлар Ахилл ва Аякснинг ўлиmidан кейин ҳам Трояни жидду жаҳд билан камал қилишда давом этадилар, лекин қанча ҳаракат қилмасинлар, шаҳарни забт эта олмайдилар. Кунларнинг бирида пистирмада ётган Одиссей кошифкаромат Приамзода Ҳеленнинг, қандай қилиб Трояни забт этиш мумкинлиги ҳақида айтган башоратини эшитиб қолади ва айёрлик билан уни асир олади. Натижада у, Ҳераклнинг заҳарли камон ўқлари билан қуролланган Филоктет ҳамда Ахиллнинг навжувон ўғли Неоптолем юнон қўшинлари сафига келиб қўшилсаларгина Трояни забт этиш мумкинлигини билиб олади. Шу заҳоти Одиссей ўша икки қаҳрамонни олиб келиш учун узоқ сафарга жўнайди.

У биринчи навбатда Аскирос оролига, шох Ликомед ҳузурига боради. Бу ерда у Ахиллнинг навқирон ўғли Неоптолем билан учрашиб, уни Троя қамалида қатнашишга осонгина кўндиради. Чунки ўктам йигит Неоптолем ҳам ўз падари сингари буюк жасоратлар кўрсатиш иштиёқида ёнар эди. Натижада, гарчи Неоптолемнинг онаси Дидамия юм-юм йиғлаб, жангга борма, деб ўғлига ёлборса ҳам, у пайсалга солмай, Одиссей билан сафарга жўнаб кетади.

Аммо Филоктетни гапга унатиш анча мушкул бўлади. Маълумки, бундан ўн йил бурун юнонлар Трояга кетишаётганида, илон чакиб оғир яраланган Филоктетни Лемнос яқинидаги кимсасиз Хриса оролига ёлғиз ташлаб кетган эдилар. Мана, ўн йилдирки, у шу оролдаги бир ғорда азоб-укубатда кун кечирарди. Бу ғорнинг бири шарқ томонга, иккинчиси ғарб томонга чиқадиغان иккита туйнуғи бўлиб, ғорни шу туйнуклар орқали қишда қуёш иситар, ёзда шамол салқин қиларди. Филоктетнинг яраси ҳамон битмаган ва муттасил изтиробга соларди. У мудом очлик-муҳтожликда яшар, камонидан ёввойи каптарларни отиб, бир амаллаб тирикчилик қиларди. У оёғидаги яранинг оғриғидан базўр қадам қўйиб сувга борар, тошни тошга ишқаб жуда қийинчилик билан ўт чиқарарди. Хуллас, Филоктет бу Хриса оролида жуда оғир изтироб чекиб, муҳтожликда ўн йил яшади. Аҳён-аҳёнда қандайдир кема Хриса соҳилида лангар ташлар, лекин Филоктетни Юнонистонга олиб кетишга

биронта ҳам денгизчи рози бўлмасди. Уни бундай азоб-укубатга Атрейзодалар билан Одиссей мубтало қилган эди. Шу боис Филоктет улардан каттиқ нафратланарди. Қани энди уларга рўпара келсаю камонидан ўк отиб, ҳаммасини битта-битта гумдон қилса!

Одиссей агар Филоктетга дуч келса, соғ қолмаслигини яхши биларди; шунинг учун у Филоктетни ҳийла билан қўлга киритмоқчи бўлади. У Ахиллзода Неоптолемга бундай йўл-йўриқ кўрсатади:

– Сен ҳозир бориб, оролдан Филоктетни топасан-да, унга юнон саркардалари мени ҳақорат қилишди, шунинг учун Трояни тарк этиб, уйимга кетяпман, дейсан. Агар Филоктет, мени ҳам ўзинг билан Юнонистонга олиб кет, деб илтимос қилса, дарҳол рози бўл. Фақат шу йўл билан биз Филоктетни ҳам, унинг камонию ўқларини ҳам қўлга киритиб, ўзини бир амаллаб кемага олиб чиқамиз. Шундагина уни Троя бўсағасига олиб бориш мумкин бўлади.

Гарчи Неоптолем ёлғончилик билан иш кўришни хоҳламаса ҳам, Одиссей Филоктетни кемага олиб чиқишнинг бирдан-бир йўли шу, деб йигитчани гапга кўндиради. Неоптолем рози бўлади.

Мана, кема Хриса оролига етиб келади; Неоптолем бир неча сарбоз билан соҳилга тушиб, ғор томон йўл олади. Лекин ғорда Филоктет йўқ эди. Орадан сал вақт ўтар-ўтмас, унинг шу ғор томон келаётганини кўрадилар.

У оёғидаги яранинг азобига чидай олмай, баралла нола чекиб келарди. Филоктет келган одамларни кўриб кувониб кетади. Рўпарасида турган йигит Ахиллзода Неоптолем эканлигини билгандан кейин-ку, кўнгли тоғдек кўтарилиб кетади. Неоптолем бу жафокаш мухорибга Одиссей ўйлаб чиқарган воқеани сўзлаб беради, сўнг Ахилл, Патрокл ва Аяксларнинг ҳалок бўлганини айтади. Филоктет ўзи учун энг азиз бўлган ёронларининг дунёдан кўз юмганини эшитиб каттиқ ғамга ботади. Сўнг у Неоптолем билан Юнонистонга жўнашга рози бўлади; у, ҳатто, Ахиллнинг навқирон ўглига ўзининг камони билан ўқларини ишониб топшираркан, мени Одиссейнинг найрангларида ўзинг ҳифз қил, деб Неоптолемга ёлборади ва, бўлақол, тезроқ Юнонистонга жўнайлик, деб Неоптолемни шошира бошлади.

Шу чоғ, кутилмаганда бир сарбоз келиб, қахрамон Феникс Тесейзодаларни бошлаб келаётганини, улар Филоктетни зўрлаб Трояга олиб кетмоқчи эканини хабар қилади. Бу хабарни эшитган Филоктет нечоғли каттиқ азоб чекаётган бўлишига қарамай, соҳил томон шошилади. Филоктетнинг изтиробда эканини кўрган Неоптолем уни алдашга ортиқ журъат эта олмай, бор ҳақиқатни бу жафокашга сўзлаб беради. Неоптолем камон билан ўқларни Филоктетга қайтариб бермоқчи ҳам бўлади, лекин шу пайт пистирмадан отилиб чиққан Одиссей бунга йўл қўймайди. Манфур Одиссей ва Атрейзодалар қўлида муте кул бўлишни хоҳламаган Филок-

тет югуриб бориб қоя бошидан ўзини денгизга отмоқчи бўлади. Лекин Одиссей хизматкорларига, Филоктетни тутиб, мажбуран кемага олиб чиқишни буюради. Филоктетнинг бутунлай руҳи тушиб кетади. Неоптолем бу шўрпешонанинг изтироб чекишига ортиқча бардош қила олмай, камони билан ўқларини ўзига қайтариб беради. Одиссей тузган режа барбод бўлган эди. У юрагини ҳовучлаганча қочиб қолади, чунки Ҳераклнинг ўқларидан яраланган одам қандай даҳшатона азобда ўлишини яхши биларди.

Неоптолем Филоктетни ўзи билан Троядага боришга ва Трояни забт этишда юнонларга қўмаклашишга яна бир бор даъват этиб кўради. Бироқ Филоктет бундай таклифдан қатъиян бош тортади.

– Мени бу кимсасиз оролда қолдириб, не-не азобларга гирифтор қилган Агамемнон, Менелай ва Одиссейларнинг бадкорликларини асло унута олмайман, – дейди Филоктет.

«Наҳотки кўзлаган мақсадга эриша олмай, Хриса оролини тарк этсак, – деб ўйлайди Неоптолем. – Наҳотки отам тенги келадиган одамга яна бир марта ёлғон гапиришга мажбур бўлсам?»

Шу пайт тўсатдан Филоктетнинг қаршисида Ҳераклнинг мунаввар руҳи намоён бўлади. Руҳ Филоктетга Троя томон йўл олишни амр этади.

– У ерда жароҳатингга даво топгайсан, – дейди қахрамонлар қахрамони Ҳераклнинг руҳи, – ва сен Трояни забт этишда қахрамонлик кўрсатиб, улкан шон-шарафга муяссар бўлгайсен.

Филоктет дўстининг каломига кулоқ осиб, ўз ихтиёри билан Одиссейнинг кемасига чиқади ва Трояда томон сузиб кетади, у ерда ҳали гайритаъриф жасоратлар кўрсатиши керак эди.

Троя бўсағасига етиб келган Неоптолем қатор мардликлар кўрсатади. Куч-қудратда ва диловарликда Ахиллзодага тенг келадиган паҳлавон топилмайди. Бу ердаги жангларда жуда кўп троялик азаматлар Неоптолем зарбидан ер тишлайдилар. Ҳаттоки, у Ҳеракл авлодидан бўлган троялик энг иқтидорли қахрамон Телефзода Эврипилни ҳам яккама-якка жангда махв этади. Эврипилнинг онаси уни Трояга, шоҳ Приамга мадад бергани юборган эди, чунки бу аёл бебаҳо армуғон – Зевс ўқтам йигит Ганимедга бағишлаб ўстирган олтин узум навдасига учган эди. Гўзалликда тангримонанд Эврипил Мемнондан кейин Троянинг энг қудратли ҳимоячиси эди. Онасининг тамагирлиги унинг бошига етади.

Филоктет эса Трояга етиб келган дастлабки кунлардаёқ бу қонли муҳорабанинг сабабчиси бўлмиш Парисни камон ўқи билан яралайди. Ҳераклдан мерос қолган бу захарли ўқдан бедаво жароҳат вужудга келадик, энди Парис шу жароҳатнинг бетаскин азобларига чидолмай ўлиши муқаррар эди. Ўқнинг захри Париснинг баданига тобора чуқурроқ сингий бошлайди. Парис Трояни тарк этиб, бир вақтлар ўзи беташвиш пода бокиб

юрган ўрмонга бош олиб кетади ва ўша ерда не-не азоб-укубатда дунёдан кўз юмади. Унинг жасадини подачилар топишади, улар аччиқ-аччиқ йиғлаб, собиқ ошналарига аза тутадилар. Кейин улар шох-шаббаларни тоғ қилиб уйиб, устига Париснинг жасадини қўядилар-да, гулханни ёқиб юборадилар. Гулхан ёниб бўлгач, мархумнинг хокини йиғиб, хокдонга соладилар ва уни қабрга қўядилар.

Трояликлар учун ўз шаҳарларини ҳимоя қилиш кун сайин оғирлашиб боради. Шунга қарамай, юнонлар Трояни куч билан забт этишга ожизлик қиладилар. Шунда Одиссей яна бир найранг ишлатишга жазм қилади. У ўз юзини қамчи билан савалаб, ўзини бадбашара қилади, эгнига жулдур кийим кийиб, ялангоёқ гадо қиёфасида Троя шаҳрига киради: шу йўл билан у трояликларнинг ниятларини билиб олмоқчи бўлади. Трояликлар гавжум кўча-қўйда тиланчилик қилиб юрган бахти қаро гадони кўришади, аммо уни танишмайди. Фақат битта Еленагина таниб қолади Одиссейни. У қаҳрамонни ўз кўшкига чақириб олиб, уни ювиб тарайди ва кимлигини трояликлардан сир тутишга сўз беради. Одиссей трояликларнинг барча хуфя режаларини билиб олгач, орқага қайтади; йўл-йўлакай у троялик соқчиларнинг анча-мунчасини гумдон қилиб, эсон-омон қароргоҳга қайтиб боради. Кейин Диомед билан икковлон янада хавфлироқ қаҳрамонлик кўрсатишади, улар икковлари яна Трояга хуфиёна кириб боришади; энди улар Афина-Палладанинг муқаддас даргоҳида турган шул маъбуданинг самодан тушган ёғоч санами – Палладийни ўғирлайдилар. Юнонлар бу санамни қўлга киритишлари албатта шарт эди, зеро санам Трояда экан, шаҳарни забт этмоқ асло мумкин эмас эди. Мард паҳлавонлар ўз жонларини хавф остига қўйиб, санамни ўғирлайдилар, шаҳардан қайтиб чиқишаётганда жуда кўп трояликларни қийратишиб, эсон-омон қароргоҳга қайтадилар.



ТРОЯНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ



Асосан Вергилийнинг «Энеида» достони бўйича баён қилинади

Лекин шундан кейин ҳам юнонлар шаҳарни қўлга кирита олмайдилар. Натижада Одиссей саркардаларга найранг ишлатишни маслаҳат беради.

– Келинглр, жуда маҳобатли бир ёғоч от ясайлик-да, унинг ичига энг қудратли паҳлавонларимизни жойлаштирайлик. Қолган бутун қўшин бу аснода кемаларга чиқиб, Трояда соҳилини тарк этсин ва Тенедас оролининг панасига бориб турсин. Трояликлар отни шаҳарга олиб киришади, ана шунда қаҳрамонлар тунда от ичидан чиқишади-да, Троядага пинҳона қайтиб келган лашкаримизга шаҳар дарвозасини очиб беришади. Трояни қўлга киритишнинг бирдан-бир йўли шу, – деб ишонтира бошлайди Одиссей.

Кошифкаромат Калхас ҳам юнонларни найранг ишлатишга даъват эта бошлайди. Чунки сарпадар Зевс унинг ҳам кўнглига шу фикрни солган эди. Ниҳоят, юнонлар Одиссейнинг таклифини қабул қиладилар. Машҳур мусаввир Эпей ўз шогирди билан биргаликда ҳамда маъбуда Афина-Палладанинг мадади билан ниҳоятда улкан бир ёғоч от ясайди. Бу от ичига Неоптолем, Филоктет, Менелай, Диомед, кичик Аякс, Мерион, Одиссей ва яна бир неча паҳлавон кириб жойлашади. Хуллас, отнинг бутун ҳавол ери қуролли лашкарлар билан тўлади. Эпей отнинг қорнидаги лашкар кирган туйнукни шундай моҳирлик билан зичлаб беркитадики, от ичида одамлар бор деб энди ҳеч ким гумон қилмайди. Шундан сўнг, юнонлар ўз қароргоҳларидаги барча иншоотларга ўт қўйишиб, кемаларига чиқадиладар, очиқ денгиз томон сузиб кетадилар.

Бу аснода трояликлар қамалдаги шаҳарнинг юксак деворига чиқиб юнонлар қароргоҳида юз бераётган гайриоддий ҳаракатларнинг шоҳиди бўладилар. Улар юнонлар қароргоҳини кузатишаркан, анча вақтгача у ерда нималар бўлаётганига тушуна олмайдилар. Кейин бирдан, юнонлар қароргоҳининг ҳар ер-ҳар еридан қуюқ тутун кўтарилаётганини кўриб, беҳад суюниб кетадилар. Шундагина улар юнонларнинг Троадани тарк этиб жўнаб кетишаётганини тушунадилар. Трояликлар шоду хуррам бўлишиб, шаҳардан чиқадиладар ва ғаним қароргоҳига йўл оладилар. Дарҳақиқат, қароргоҳ ташлаб кетилган, барча иншоотлар ёниб кул бўлаётган эди. Трояликлар яқингинада Диомед, Ахилл, Агамемнон, Менелай ва бошқа қаҳрамонларнинг ҳашаматли чодирлари тикилган майдонни зўр қизиқиш билан кўздан кечиришар экан, хайрият, энди қамал бутунлай тугади, машъум урушнинг барча офатларига барҳам берилди, деб ишонгандилар.

Лекин шундай орзу-ниятлар билан қароргоҳни айланиб юрган трояликлар бирдан хангу манг бўлишиб, таққа тўхташади: улар ёғоч отни кўриб қолган эдилар. Шунда от атрофини ўраб олиб, бу хайратангиз иншоот ҳақида можаро талаша бошлайдилар. Бировлар, бу улкан отни денгизга улоқтирмақ керак, деб маслаҳат берса, бошқалар уни шаҳарга олиб кириб акрополга қўйиб қўйиш керак, дерди. Баҳс қизигандан қизийди. Шу пайт оломон орасида тангри Аполлоннинг қоҳини Лаокоон пайдо бўлади. У ўз ҳамшаҳарларига қизгин нутқ сўзлаб, бу ёғоч отни тезроқ йўқ қилиб ташлашга ундайди. Чунки бу от – Одиссей ўйлаб чиқарган яна бир найранг эканлигига Лаокооннинг ишончи комил эди. У юнонлар Троадани буткул тарк этиб кетишганига асло ишонмасди. Лаокоон, бу отга ишонманглар, деб фуқароларга илтижо қилади. У, гарчи юнонлар Трояга тухфа келтирган бўлишса-да, уларнинг найрангидан кўрқарди. У каттакон найза олиб отга қарата отади. Бу зарбадан от ларзага келади, унинг ичдаги қурол-яроғлар бўғиқ гумбурайди. Бироқ тангрилар трояликларнинг эси-

ни оғдириб қўйган эдилар, шу боис халқ ёғоч отни шаҳарга олиб киришга қарор қилади. Бу тақдири азал эди.

Трояликлар от атрофида ҳангомалашиб туришган чоғда, подачилар бу ерга қўллари боғлиқ бир асирни хайдаб келадилар. Бу юнон аскар-ри Синон бўлиб, ўз ихтиёри билан таслим бўлган эди. Уни трояликлар қуршаб олиб, хўрлай бошлайдилар. У юм-юм йиглаб, аччик қисматидан зорланади. Синоннинг кўз ёшлари Приамнинг ҳам, барча трояликлар-нинг ҳам раҳмини келтиради. Ҳамма ундан: «Кимсан, нечун қўшин би-лан кетмадинг?» – деб сўрайди. Шунда Синон, трояликларни лақиллатиш мақсадида, мутлақо ёлғон гапларни баён қила бошлайдики, бу гапларни унга Одиссей ўргатган эди. У Итака шоҳи жуда ёмон кўрадиган Паламед-нинг қариндоши бўлганим учун Одиссей ишни ҳалок этмоқчи бўлди, дей-ди. Шу боис, юнонлар қамални тўхтатишга қарор қилишганида Одиссей коҳин Калхасни, гўё худолар юнонларнинг ўз ватанларига эсон-омон етиб олиши учун улардан бир одамни қурбон қилишни сўраганликларини ово-за қилишга кўндиради. Бу хабарни бутун лашкарга овоза қилган Калхас узоқ вақт одамлар оралаб юриб, ниҳоят, Синонни кўрсатганмишу юнонлар дарҳол унинг қўлларини боғлаб, қурбонгоҳга етаклаб боришганмиш. Ле-кин Синон бир амаллаб арқонни узиб, қурбонгоҳдан қочган ва қамишзор ичига яширинганмиш. У юнонларнинг ўз ватанига сузиб кетишини пой-лаб, узоқ вақт шу ерда беркиниб ётганмиш. Кейин қамишзордан чиқиб, ўз ихтиёри билан троялик чўпонларга таслим бўлганмиш. Троя аҳли айёр Синоннинг гапига ишонади. Приам асирни озод қилишни буюради ва ун-дан юнонлар не мақсадда бу ёғоч отни қолдириб кетдилар, деб сўрайди. Синон айнан шу саволни кутаётган эди. У рост гапираётганига худоларни шохид қилиб шундай дейди:

– Юнонлар Троя акрополидан Палладийни ўғирлаб, маъбуда Афина-Палладанинг қаттиқ ғазабини келтирган эдилар. Бу отни улар маъбуданинг кўнглини юмшатиш мақсадида қолдирдилар. Агар отни шаҳарга олиб кир-сангиз, у Троянинг энг қудратли ҳимоячиси бўлгай.

Трояликлар Синоннинг гапига ишонадилар.

Бу аснода Афина-Паллада йўллаган бир мўъжиза Синон айтган гап-ларнинг тўғри эканлигига трояликларни янада кўпроқ ишонтиради. Ден-гиз сатҳида иккита баҳайбат илон пайдо бўлади ва буралиб-буралиб, соҳил томон сузиб кела бошлайди. Илонларнинг бошларидаги қип-қизил тожлари узоқдан чўғдек бўлиб кўринар, кўзларидан ўт чакнарди. Илонлар Лаокоон денгиз худоси Посейдонга атаб қурбонлик қилаётган ерда сувдан чиқадилар. Буни кўрган трояликлар даҳшатга келиб чор ёққа қоча бошлай-дилар. Шунда икки илон Лаокооннинг икки ўғлига ҳамла қилиб, даҳшатли таналари билан уларни ўраб олади. Лаокоон ўғилларига ёрдамга отилади, лекин илонлар уни ҳам чирмаб оладилар ва ота билан икки ўғилнинг бада-

нига заҳарли тишларини ботириб, азоблай бошлайдилар. Бечора Лаокоон ўзи ва ўғилларини илонлар домидан кутқаришга жон-жаҳди билан ури-нади, аммо заҳар тобора унинг баданига кўпроқ сингиб, оёқ-кўлларини чангак қила бошлайди. Лаокоон ва ўғиллари қаттиқ азоб тортишади. У ўғилларининг даҳшатли ўлим топганини ўз кўзи билан кўриб, жон талва-сасида мудҳишона фарёд қилади ва ўзи ҳам дунёдан кўз юмади. У худолар хоҳишига зид ўлароқ ватанини кутқармоқчи бўлган эди, шу густохлиги унинг бошига етади. Илонлар эса, ўз мудҳиш ишларини бажариб бўлиб, Афина-Паллада ҳайкалидаги қалқон панасига ўрмалаб кириб, кўздан ғойиб бўладилар.

Лаокооннинг ҳалокатидан кейин трояликлар ёғоч отни шаҳарга олиб кириш ҳам фарз, ҳам қарз эканлигига янада қатъийроқ ишонадилар. Шундан кейин, маҳобатли от дарвозага сиғмаганлиги сабабли шаҳар деворининг бир қисмини бузиб, шодиёна қийқириклар, мусиқа ва шўх куйлар садоси остида отни арқонлар билан зўр-базўр тортиб, шаҳарга олиб кирадилар. Отни девор оралиғидаги ёриқдан тортиб олиб ўтишаётганда, у бир эмас, тўрт марта девор раҳига урилиб тўхтаб қолади, у ҳар тўхтаганида, силкинишдан от ичидаги юнонларнинг қуроллари даҳшатли гумбурлайди, лекин бу садоларни трояликлар эшитишмайди. Ниҳоят, трояликлар отни судраб бориб, акрополга ўрнатадилар. Шунда Приамнинг соҳибқаромат кизи Кассандра ёғоч отни акрополда кўриб, даҳшатга келади. Бу от Трояни хароб қилади, деб башорат қилади у. Аммо трояликлар унинг башорати устидан куладилар – маълумки, халқ ҳеч қачон унинг башоратига ишонмасди.

От ичидаги юнонлар «тиқ» этган товушга қулоқларини динг қилиб, чуқур сукутда ўтирардилар. Улар зулфисумбул Еленанинг овозини эшитадилар: Елена бу қахрамонларнинг хотинлари овозига тақлид қилиб, уларни номба-ном чақирарди. Одиссей, «мен бу ёқдаман!», деб чинқирмоқчи бўлган қахрамонлардан бирининг оғзини зўрға ёпишга улгуради. От ичидаги юнонлар қулоғига Троя аҳлининг қамалдан озод бўлганлари шарафига ўтказаетган шодиёна базмлари садоси эшитилади. Ниҳоят, тун киради. Бутун шаҳар маст уйқуга кетади. Ҳаммаёқ сув куйгандек жим-жит бўлиб қолади. Шунда ёғоч от тагига келган Синон, энди хатар йўқ, бемалол тушаверинглар, деб овоз беради.

Бу орада Синон Троя дарвозаси олдида катта гулхан ёқиб, Тенедос ороли ортига бориб турган юнон кемаларига жадаллик билан шаҳарга бостириб келиш ҳақида дарак бериб улгурган эди. Юнонлар от ичидан аста-секин, товуш чиқармай тушадилар. Биринчи бўлиб Одиссей билан Эней тушади. Бу қахрамонлар Троянинг ғафлатга чўмган сокин кўчаларидан ҳар томонга изғиб кетадилар. Мана, ҳалокатга учраган Трояни ёритиб, уйлар аланга олиб ёна бошлайди, айна шу пайт пистирмада кутиб турган юнон даста-

лари ёғоч отни олиб кириш учун бузилган девор ёриғидан шаҳарга бостириб кирадилар. Даҳшатли жанг бошланади. Трояликлар қўлларига тушган нарсалар билан ўзларини ҳимоя қила бошлайдилар. Улар юнон қўшини бошига ёниб турган косовлар, хонтахталар, идиш-товокларни отадилар, ҳалигина зиёфат учун гўшт териблиб кабоб қилинган сихларни курол қилиб олиша бошлайдилар. Улар жон-жаҳдлари билан ўзларини ҳимоя қиладилар. Юнонлар устига бутун бошли буржни ағдарадилар. Лекин юнонлар ҳеч кимни аямайдилар. Троя кўчалари бўйлаб аёллар ва болалар фарёд уриб югуришади. Ниҳоят, юнонлар буржлар билан мустаҳкамланган девор билан ҳимояланган Приам қасрига яқинлашишади. Улар ваҳшиёна ғазаб билан бостириб келаверардилар. Неоптолем қаср дарвозасини болта билан бузиб, ичкарига биринчи бўлиб отилиб киради. Приам қасрини хотин-халаж ва гўдакларнинг дод-фарёди босиб кетади. Шоҳнинг қизлари ва келинлари тангрилар учун тикланган меҳроблар олдига тўпланишган эди: улар шу муқаддас жойдан паноҳ излаган эдилар. Приам совут кийиб, бу жигаргўшаларини ҳимоя қилишга ёки шу жангда ҳалок бўлишга жазм қилади. Лекин Ҳекуба кексайиб қолган эрига ёлбориб, меҳробдан паноҳ излашни илтижо қилади. Заиф қария қудратли қаҳрамонларга бас келармиди?

Шу пайт Неоптолем бостириб киради, у ўзи қувиб келган Приамнинг қағтиқ яраланган ўғли Политга найза санчади. Полит отаси пойига йикилиб, дунёдан кўз юмади. Шунда Приам Неоптолемга найза отади, лекин унинг найзаси Ахиллзодага гўё бир чўпдек бориб тегади. Оқибат, дарғазаб Неоптолем Приамнинг оппоқ сочларидан чангаллаб, унинг кўксига шамширини ботиради. Приам жуда кўп йиллар давомида муаззам Троя салтанатини бошқариб келган ўз қасрида шу йўсин ҳалок бўлади. Унинг ўғилларидан биронтаси ҳам омон қолмайди. Ҳаттоки, набираси, Ҳекторнинг ўғли гўдак Астианакс ҳам қатл этилади: уни бахти қаро онаси Андромаханинг бағридан юлиб олиб, Троянинг юксак девори устидан улоқтирадилар.

Саройга кириб келган Менелай маст уйқуда ётган Деифобни ўлдирди, Парис ўлгандан кейин Еленани шу хотин қилиб олган эди. У жаҳл устида собиқ завжаси соҳибжамол Еленани ҳам ўлдирмоқчи бўлади, аммо Агамемнон унинг қўлидан ушлаб қолади. Айни чоғда маъбуда Афродита Менелай қалбида Еленага муҳаббатни қайта уйғотади ва у Еленани зўр тантана билан ўз кемаси сари етаклаб кетади.

Приамнинг қизи соҳибқаромат Кассандра Афина-Палладанинг маъбадидан паноҳ излайди. Ойлейзода Аякс уни шу ердан топади, Кассандра Афина ҳайкали пойига тиз чўкиб, уни кучоқлаб олади. Лекин Аякс кўполлик билан Кассандранинг қўлидан куч билан силтаб тортади, оқибат муқаддас ҳайкал кулаб, чил-чил синади. Бу ҳол юнонликларнинг ғазабини

кўзгайди, маъбуданинг ҳам қаҳрини келтирадики, Афина шаккоклик қилган Аяксдан қаттиқ интиқом олади.

Троя қахрамонларидан фақат Энейгина қутулиб қолади. У кекса отаси Анхисни опичлаб, гўдак ўғли Асканийни кўтарганча шаҳардан хуфиёна бош олиб чиқиб кетади (Энейнинг шундан кейинги ҳаёти ва саргузаштлари антик давр Рим шоири Вергилийнинг «Энеида» достонида баён қилинган). Юнонлар яна троялик қахрамон Антенорга ҳам шафқат қиладилар. Чунки у доим сумбулсоч Еленани ва Менелайнинг Парис ўғирлаб келган молдавлатини юнонларга қайтариб бериш керак, деб трояликларга маслаҳат берарди.

Троя узоқ вақт аланга ичра қолади. Шаҳар узра бурксиб кўтарилган тутун осмони фалакка етади. Троя ёнғини узоқ-узоқлардан кўринади. Теварак-атрофда яшовчи халқлар қора устун бўлиб кўтарилган қуюқ тутунни ва кечалари шафқатдек кўзга ташланувчи ёнғинни кўриб, кўп йиллар давомида Осиёда энг қудратли давлат ҳисобланган муаззам Троя таслим бўлганини тушунадилар.

ЮНОНЛАРНИНГ ВАТАНГА ҚАЙТИШЛАРИ

*Асосан Эврипиднинг «Андромаха» ва «Ҳекуба»
фойдалари бўйича баён қилинади*

Юнонлар бениҳоя улкан ўлжаларни қўлга киритадилар. Улар тоғ-тоғ олтинкумушлар, қанчадан-қанча нодир буюмлар, сон-саноксиз соҳибжамол асираларни кемаларига чиқариб, юртларига олиб кетадилар.

Мана, юнон кемалари Ҳеллеспонтнинг нариги соҳилига етиб, лангар ташлайдилар. Шунда юнонларнинг кўзи олдида бузург Ахиллеснинг руҳи намён бўлади. Бу руҳ Ахилл арвоҳини хотирлаш учун Приамнинг бир вақтлар унга унаштирилган соҳибжамол қизи Поликсенани қурбон қилишларини талаб этади. Агамемнон Поликсенадан ажралишни хоҳламайди. Кассандра ҳам, синглимга шафқат қил, деб Атрейзодага ёлборади. Бироқ Одиссей, Ахиллнинг Троя қамали пайтида юнонларга кўрсатган улкан хизматларини эслатиб, Поликсенани шу қахрамон йўлига қурбонлик қилиш лозим, деб таъкидлайди. Қолаверса, Поликсенанинг ўзи ҳам қурбонлик пичоғига ўзини рўпара қилиш истагида эди. У мусофир юртларда асиралик азобини тортишдан фақат шу йўл билан қутулиши мумкинлигини биларди. Шунинг учун ҳам Поликсена қурбонгоҳ сари хотиржам йўл олади; у ерда Неоптолем қўлида қурбонлик пичоғи билан қизни кутиб турар эди. Ва лекин Поликсена, уни ўлимга йўлламоқчи бўлган йигитни ўзидан четлатади, зеро, у Аид салтанатига эркисиз кул сифатида рих-

лат этишни истамайди. У ўзи қурбонгоҳга қадам қўйиб, ўзи кўксини очиб беради, Неоптолем чуқур хўрсиниб, Поликсенанинг кўксига пичоқ уради. Ахилл шарафига тикланган қурбонгоҳ қизнинг қайноқ қонидан қирмизи рангга бўялади¹.

Ушбу қурбонлик таомилидан сўнг юнонлар ватанлари сари узоқ сафарга чиқадилар. Бу сафар пайтида улар кўп оғир укубату мусибатларни бошларидан кечирадилар. Кўпгина қаҳрамонларга она юрт жамолини кўриш насиб этмайди, улар йўлда нобуд бўлишади.

Афина-Паллада Троя харобазорга айлантираётган пайтдаёқ ғазабга миниб, ака-ука Менелай билан Агамемнон ўртасида низо уйғотган эди. Менелай дарҳол Юнонистонга жўнаб кетишни хоҳлаган, Агамемнон эса бисёр қурбонлар, хайр-эхсонлар билан маъбуда Афинанинг кўнглига раҳм-шафқат солмагунимизча, барча юнонлар Троадада қолмоғи лозим, деб талаб қилган эди. Ҳолбуки, маъбуданинг кўнглини асло юмшатиб бўлмаслигидан Агамемнон ғофил эди. Биродарлар ўртасидаги баҳс уззукун давом этади. Эртасига Юнон кемаларидан бир қисми ўз чекига тушган бой ўлжаларни олиб Троадани тарк этади. Нестор, Диомед, Неоптолем, Идомений ва Филоктетлар ҳам йўлга равона бўладилар. Бир оз кейин Менелай ҳам сафарга чиқиб, Лесбос оролида Нестор билан Диомедга етиб олади. Одиссей ҳам Троадани тарк этмоқчи бўлади, бироқ Тенедосда ўз ҳамсафарлари билан уришиб қолиб, Троадага, Агамемнон ёнига қайтади.

Сўнг Лесбосга тўпланган барча юнонлар Эфбея ороли сари сузадилар. Бу оролда тангри Ҳефестга аталган бурунда юнонлар тангри Посейдон йўлига қурбонлик қилиб, яна сузишда давом этадилар. Орадан тўрт кун ўтгач, Диомед Аргосга, Нестор Пилосга етиб олишади, Идомений, Филоктет ва Неоптолемлар ҳам ўз ватанларига эсон-омон етиб оладилар.

Лекин Менелай бу сафар пайтида кўп бахтсизликларга дучор бўлади. Атиканинг шарқий чеккасида, Суния бурни яқинида тангри Аполлон Менелайнинг дарғаси Фронтисни камондан ўқ отиб ҳалок этади. Менелай соҳилга тушиб, Фронтис хотирасига дабдабали дафн маросимини ўтказди, шундан сўнг йўлида давом этади. Унинг кемалари Лакониянинг жануби-ғарбидаги энг хатарли Малей бурнини айланиб ўтаётганида, Зевс бу ерга даҳшатли бўрон йўллайди. Денгиз устини улкан тўлқинлар қоплайди. Бу бўрон Менелай кемаларидан бир гуруҳини Крит ороли томон учуриб кетиб, у ердаги қояларга уриб, тилка-пора қилади; у кемалардаги юнонлар қаттиқ машаққатлар чекиб, зўрға жон саклаб қоладилар. Қолган кемалар, шунингдек, Менелай тушган кема ҳам, жуда узоқ вақт денгизда ҳар томонга сузиб юриб, охири Миср соҳилига келиб тўхтади. Менелай

¹ Ҳомердан кейинги ривоятларда Поликсена Ахиллнинг ўлимига сабабчи қилиб талкин этилган: гўё Ахилл Поликсена билан висол кўришиш (ёки никоҳ ўқитиш) учун Аполлон маъбадига келганмишу шу ерда Парис томонидан ўлдирилганмиш.

бегона халқлар орасида етти йил сарсон бўлиб юради. У сидонлар, эфиоплар ва бошқа кўплаб халқлар ҳузурида бўлади. Кипрга, Данилияга ва олис Ливияга боради, бу халқларнинг пода-пода корамоллари бор эди. Бу дарбадарлиги пайтида у кўп совға-саломлар йиғади, беҳисоб бойликлар орттиради. Мисрда Фооннинг завжаси Полидамна соҳибжамол Еленага сеҳрли гиёҳ шарбатидан тайёрланган ғаройиб дору совға қилади. Бу доруни майга кўшиб ичган киши энг оғир дарду ҳасратини ҳам унутарди. Ниҳоят, Менелай Мисрдан қайтаётганида, Фарос оролида тўхтади. Боди мурод эсишини кутиб, бу оролда йигирма кун қолиб кетади. Орол кимсасиз бир хилватгоҳ эди, ғамланган озиқ-овқат ва сув тугай бошлайди. Ҳадемай ҳамманинг очликдан ўлиши муқаррар эди. Шунда Менелай билан унинг ҳамроҳларини денгиз тангриси Протейнинг қизи маъбуда Идофея кутқариб қолади. У Менелай қошига келиб, қандай қилиб падари Протейни қўлга киритишни ва уни худолар иродасини ошкор қилишга мажбур этишни ўргатади. Менелай эрта тонгда ёнига энг бақувват ва довюрак ҳамроҳларидан уч нафарини олиб, денгиз бўйига боради. У ерда юнонларни Идофея кутиб олади: маъбуда ўзи олиб келган тўртта тюлень терисини Менелай билан унинг ҳамроҳлари устига ёпади, терининг бадбўй ҳиди димоғларига кириб қийнамасин учун Идофея қаҳрамонларнинг бурунларига муаттар анбар суради. Шундан кейин Менелай ва унинг ҳамроҳлари соҳилда қимир этмай ётадилар. Ниҳоят, денгиздан Протей бир пода тюленларни ҳайдаб чиқади. У тюленларни санаб бўлиб, қумлоқ соҳилга ётади ва бамайлихотир пинакка кетади. Шунда Менелай ўз ҳамроҳлари билан шовқин-сурон солиб Протей устига ташланади. Икки ўртада кескин кураш бошланади. Протей дам-бадам шер, илон, қоплон, тўнғиз, ҳатто, сув, дарахтга айлана бошлайди, лекин Менелай ва ҳамроҳлари уни қўлларидан асло қўйиб юбормайдилар. Ниҳоят, қария мот бўлиб, ўз қиёфасига қайтади ва Менелайга юзланиб, не истайсан мендан, деб сўрайди.

– Айт-чи, қария, – дейди Менелай, – қайси бир тангри мендан ғазабланганки, шу топгача бизга боди мурод йўлламаётир?

– Сен, – дейди Протей Менелайга, – хозир Мисрга қайт, у ерда худолар йўлига Ҳекатомба қурбон қил. Шундагина тангрилар сенга шафқат қилиб, ватанинга эсон-омон етиб олишинга имкон бергайлар.

Соҳибқаромат Протей яна Менелайнинг ҳамда унинг завжаси Еленанинг қисматини сўзлаб беради. Бундан ташқари, у Менелайга, Троя бўсағасидан қайтаётган ҳар бир юнон сафар чоғида ва сафар ниҳоясида бошидан нелар кечиришини ҳам башорат қилади.

Менелай Протейнинг амрини бажаради. У Мисрга қайтиб, худолар йўлига қурбонликлар қилади, шундан кейин худолар унинг кемаларига боди мурод йўллайдилар ва у ўз қадрдон юрти Спартага эсон-омон етиб

олади. Бу ерда эр-хотин яна кўп йиллар саодатли ҳаёт кечириб, мурод-мақсадларига етадилар. Менелай билан унинг соҳибжамол завжаси Елена вафот этишгандан кейин худолар уларни масъудлар оролига олиб ўтадилар ва у ерда Менелай билан Елена ғам-ташвишдан фориғ бўлиб, мангу фароғатда яшар эканлар.

Шоҳ Агамемнон ҳам ватанига қайтаётган чоғида кўп хатарли синовларни бошидан кечиради. Дастлаб у ҳамроҳлари билан Эвбея оролига бешикаст етиб олади. Лекин бу ерда, Герей бурни яқинида бирдан даҳшатли тўфон кўтарилади. Бу тўфонни юнонлардан қахрланган маъбуда Афина йўллаган эди. Маъбуда, айникса, Оилейзода Аяксдан дарғазаб эди. Бу тўфон пайтида кўп кемалар қояларга урилиб тилка-пора бўлади. Шулар катори Аякснинг кемаси ҳам ҳалок бўлади. Агар денгиз худоси бузургилзилакор Посейдон раҳм қилмаганида, Аякснинг ўзи ҳам денгизга ғарқ бўлган бўларди. Посейдоннинг амри билан тўлқинлар уни Герей қоясига чиқариб қўядилар. Аякс ҳалокатдан қутулиб қолади. Лекин шу оннинг ўзидаёқ унинг такаббурлиги бошига етади. У телбаларча ғурур билан тангрилар мададисиз, ҳаттоки, уларнинг хоҳишига зид ўларок ўзим ўлимдан қутулдим, деб ҳайқиради. Шунда тангри Посейдон унинг густоҳона каломини эшитиши ва қаҳри қайнаб, уч шоҳли асосини шаккок Аякс ўтирган қояга зарб билан уради. Қоя икки бўлакка айрилади ва бир бўлаги Аякс билан бирга денгиз қаърига ғарқ бўлади. Ҳозиргина денгиз офатидан Посейдон қутқариб қолган Аякс яна шу денгиз қаърида ҳалок бўлган эди. Агамемноннинг кемалари эса, денгиз тўфонидан бир амаллаб қутулиб қоладилар ва, ниҳоят, она ватан соҳилига эсон-омон етиб оладилар. Бироқ шоҳ Агамемноннинг олтинга бой Микенага қайтиши хайрли бўлмайди. Бу ерда уни ўлим кутаётган эди: Агамемноннинг бевафо хотини Клитемнестра уни ўлдиришга шайланарди. («Агамемнон ва унинг ўғли Орест» бобида қаранг.)

ОДИССЕЙНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ



ОДИССЕЙ САНАМ КАЛИПСО ОРОЛИДА

Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Шроядан Итакага қайтаётган Одиссей жуда кўп оғир фалокатлар, машъум хавф-хатарларга учрайди. Бу сафар пайтида унинг жамики ҳамроҳлари нобуд бўлади, ёвуз тақдир уларнинг биронтасига ҳам шафқат қилмайди. Одиссей узоқ вақт давом этган дарбадарликдан сўнг, Огигия оролига, санам Калипсо ҳузурига бориб қолади. Одиссей бу қудратли афсунгар аёл ихтиёрида етти йил муттасил азоб чекади. Мана, асоратнинг саккизинчи йили бошланади. Қаҳрамонимиз ўз ватани Итакани, хотини ва ўғлини интизорлик билан кўмсайди, аммо Калипсо ҳануз уни қўйиб юбормас эди. Ниҳоят, олимпик тангрилар Одиссейга шафқат қиладилар. Худолар анжуманида Зевс қизи Афина-Палладанинг илтимосини инобатга олиб, Одиссейни, гарчи тангри Посейдон ўз фарзанди циклоп (яккакўз) Полифемни кўр қилиб қўйган бу қаҳрамонни барча денгизларда тинмай таъқиб қилаётган бўлса ҳам, ватанига қайтаришга қарор қилади.

ИТАКАДА ОДИССЕЙНИНГ ЙЎҚЛИГИДА КУЁВЛАР УНИНГ МОЛ-ДУНЁСИНИ ТАЛАБ, ГУСТОҲЛИК ҚИЛАДИЛАР

Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Худолар Одиссейни ватанига қайтариш ҳақида қарор қилишган захоти жангчи маъбуда Афина юксак Олимпдан заминга, Итака оролига тушади ва тафийлар шоҳи Мент қиёфасига кириб, Одиссейнинг хонадони сари йўл олади. Маъбуда бу хонадонда Одиссейнинг хотини Пенелопага совчи бўлиб келган бир талай бебош куёвлар адабсизлик қилаётганини кўради. Куёвлар меҳмонхонада ястаниб ётишиб, кимор ўйнашар, зиёфат берилишини кутишарди. Афинага биринчи бўлиб Одиссейзода Телемахнинг кўзи тушади. Телемах бу сохта Ментни камоли илтифот билан қарши олади. У меҳмонни уйга бошлаб кириб, уни куёвлар ўтирган хонтахтадан алоҳида хонтахта ёнига ўтказди. Зиёфат бошланади. Куёвлар еб-ичиб, қоринлари тўйгач, хонанда Фемийни чакирадилар ва унга қўшиқ айтиб кўнглимизни хушнуд эт, деб буюрадилар. Бу аснода Телемах куёв-

ларга эшиттирмай, уларнинг бебошликларидан Ментга зорланади. Отаси Одиссей кайтмаётганидан куюнади; отам келганида, барча дарду балолардан халос бўлардим, деб ишонч билан айтади. У меҳмондан кимсиз, исмингиз нима, деб сўрайди. Афина-Паллада ўзини Мент деб танитади ва Одиссей билан таниш эканлигини айтиб, сен отангга жудаям ўхшар экансан, дейди; шундай сўнг у Телемаждан, уйингизда қандай байрам нишонланмоқда, нечун бу йигитлар бунчалик беадаблик килурлар, деб сўрайди.

– Буларнинг ҳаммаси онам Пенелопага уйланиш ниятида келган куёвлар, – деб жавоб қилади Афинага Телемах. – Улар, ичимиздан биримизни танла, деб талаб қўйишган онамга; бу суллоҳлар худонинг берган куни уйимизга келиб, уни бошларига кўтариб тўполон қилишмоқда, отам Одиссейнинг мол-давлатини совуришмоқда. Мана, Троя муҳорабаси туганига ҳам саккиз йил бўляпти, аммо отамдан ҳануз дарак йўқ. Агар отам Одиссей қайтиб келганида борми, бошимизга тушган бу шум савдолардан онам билан мени халос этган бўлур эди.

Афина Телемахнинг ноласини эшитиб, унга шундай маслаҳат беради:

– Сен Пилосга, қария Несторнинг қошига, кейин Спартага, шоҳ Менелайнинг хузурига бор, отанг Одиссей ҳақида ўшалардан сўраб-суриштир.

Афина шундай маслаҳат беради ва кушга айланиб, зумда кўздан ғойиб бўлади. Бу ҳолни кўрган Телемах маъбуда билан суҳбатлашганини фаҳмлайди.

Шу пайт Пенелопа ўз кўшкидан меҳмонхонага тушиб келади. У юнон қаҳрамонларининг Троя бўсағасидан қайтиши ҳақида куйлаётган Фемийнинг қўшигини эшитган эди. Бу ҳазин қўшиғингни бас кил, деб хонандадан илтимос қилади Пенелопа. Лекин Телемах онасининг гапини бўлиб, кўшиқни танлашда хонанданинг айби йўқлигини, уни айнан шу кўшиқни айтишга бузург тангри Зевс илҳомлантирганлигини айтади. У онасидан ўз кўшикга қайтишни ва у ерда аёл ва бека сифатида ўзига муносиб иш: ип йигириш, тўқиш, чўрилар ишини ва уйдаги тартибни кузатиш билан шуғулланишни илтимос қилади.

– Ўзингга номуносиб ишга аралашма, она, – дейди у. – Падарим Одиссейнинг уйида мен соҳибман, фақат мен фармон беришим мумкин.

Пенелопа ўғлининг гапига қулоқ солади ва итоаткорлик билан кўшикга қайтади, сўнг ёлғиз қолгач, Одиссейни эслаб аччиқ-аччиқ кўзёш тўкади; ниҳоят, Пенелопани маъбуда Афина бахш этган тотли уйқу элитади.

Куёвлар эса, Пенелопа чиқиб кетганидан кейин, унга қайси бирлари уйланишлари ҳақида узок вақт баҳслашадилар. Лекин Телемах куёвларга қарата шундай дейди:

– Мен бутун халқни йиғиб, бу бадкорлигингизни сўзлаб берайки, ул анжуман сизларнинг бебошликларингизга, уйимизни талон-торож

килишингизга барҳам берсин. Эҳтиёт бўлинглар, ҳали бу қилмишларингиз учун худоларнинг ғазабига учрагайсиз!

Бироқ Телемахнинг бу дўқ-пўписасига куёвлар парво ҳам қилмайди. Улар бутун уйни бошларига кўтариб бакиришади, вақтичоғлик қилишади. Вақт ярим кечадан оғандагина уй-уйларига тарқалишади.

Телемах энагаси (Одиссейнинг садокатли жорияси) кампир Эвриклея кузатувида ўз хобхонаси сари йўл олади. У тўшагига ётади, аммо кўзига уйку келмайди – бутун тун Афина берган маслаҳат ҳақида ўйлаб чиқади.

Эртаси куни тонг палласида Телемах жарчиларга жар солиб бутун аҳолини халқ кенгашига йиғишни амр этади. Халқ зум ўтмай кенгашга йигилади. Телемах ҳам бу йиғинга қўлида найза тутган ҳолда келади. Ортидан иккита ит эргашган эди. Шунда бутун анжуман йигитнинг ўқтамлиги, хушсуратлигига маҳлиё бўлиб қолади. Ҳаттоки, Итака мўйсафидлари ҳам ўзларини четга олиб, Телемахга йўл очадилар, у бориб отасининг ўрнига ўтиради. Сўнг халққа мурожаат қилиб, уйимизга бостириб кириб, бутун бойлигимизни талон-торож қилаётган бебош куёвлар дастидан онам билан мени халос этинглар, деб Зевс ҳамда адолат маъбудаси Фемидани тилга олиб ёлборади.

Телемах сўзлаб бўлиб жойига ўтиради ва бошини ҳам қилганча юм-юм йиглайди. Бутун жамоа чуқур сукутга толади. Шунда Пенелопага уйланмоқчи бўлганлардан Антиной деган йигит Телемахга қўрс гапларни гапира бошлайди:

– Сен бекорга биздан ўпкалаясан. Ҳамма айб онанг Пенелопада. У ҳеч биримизга турмушга чиқмаслик учун айёрлик йўлига ўтди. У бизга, қайинотам Лаэртнинг маофасига ёпиш учун ҳашамдор чойшаб тўқияпман, тўқиб бўлганимдан кейин орангиздан биттангизга турмушга чиқаман, деб ваъда берган эди. Тўғри, Пенелопа ҳар куни чойшаб тўқиш билан машғул бўляпти. Аммо тунда ўша тўқиган чойшабини чуватиб яна ипга айлантирмоқда¹. Хуллас, гап шу: то Пенелопа ўзига эр танламагунча, куёвлар Одиссейнинг уйдан кетмайдилар.

Антиной, ҳатто, Телемахдан онасини ўзининг отаси уйига жўнатиб юборишни талаб қилади, бу билан у Пенелопани эр танлашга мажбурламоқчи эди. Бироқ Телемах бу ишни қилишдан бош тортади.

У қўлларини кўкка чўзиб, Зевсга тавалло қилар экан, бу беҳаё куёвларнинг таҳқирларию ёвузликларига ўзинг шохид бўл, дейди. Чакмоқдор Зевс Телемахнинг ноласини эшитиб, дарҳол белги намоён қилади: мажлисга тўпланган халқ боши узра осмони фалакка икки бургут кўтарилиб, ўзаро олиша бошлайди, улар бир-бирларининг кўкси ва бўйнини қора қонга бўййдилар-да, сўнг мажлис аҳлини тонг қолдириб, кўздан гойиб

¹ «Пенелопа ипи» («Пряжа Пенелопы») ибораси ҳеч тугамайдиган ишни ифодалайди.

бўладилар. Қушлар билан фол очувчи коҳин Ҳалиферс бутун элга овоза қилиб шундай дейди:

– Халойиқ, Зевс намоён қилган аломатнинг маъноси бу турур: ҳадемай Одиссей соғ-омон қайтгай ва куёвларнинг шўрини қуритгай. У Итакага нотаниш қиёфада кириб келгай, хонадонини ғорат ва торож қилаётганларни бешафқат жазолагай.

Куёвлардан бири Эвримах коҳинни мазах қила бошлайди. У Одиссейнинг ўзини ҳам ўлдиражакларини айтиб таҳдид қилади.

– Биз, куёвлар, ҳеч кимдан: Телемахдан ҳам, кароматли қушлардан ҳам кўркмаймиз, деб керилади.

Телемах куёвлар билан ортиқ ади-бади айтишиб ўтирмайди. У халққа муурожаат қилиб шундай дейди:

– Менга бир учқур кема беринглар, у кемада Пилос оролига, мўйсафид Нестор хузурига бормоқчиман; шояд отам ҳақида бирон хушхабар эшитсам.

Бироқ Телемахнинг бу сўзини отасининг қадрдон дўсти Ментордан ўзга ҳеч ким қўллаб-қувватламайди. У Телемахни куёвлар хор қилишига йўл қўйиб бераётганлиги учун халққа иддао қилади. Фуқаролар лом-мим демай ўтиришарди.

Куёвлар орасидан Леоокрит турди-да, Телемахни мазах қилиб, агар Одиссей келиб, уйдан куёвларни қувадиган бўлса, уни ўлдиришини айтиб таҳдид қилади. Леоокрит шу қадар беодоб эдики, халқ йиғинини тарқатиб юборади.

Телемах чуқур қайғуга ботиб, денгиз соҳили томон йўл олади ва ўша ерда Афинага сиғиниб илтижо қилади. Шунда маъбуда Ментор қиёфасига кириб, йигитнинг истиқболида намоён бўлади. У Телемахга шундай маслаҳат беради:

– Сен куёвларни ўз ҳолига қўй, ул ғофил бандалар ўзларига гўр казиётганларидан беҳабарлар. Асло ғам чекма, Телемах, ўзим сенга кема топиб, ўзим сени Пилос оролига кузатиб боргум. Ҳозир уйингга бориб, узоқ сафар жабдуқларини тайёрла.

Телемах унинг гапига кириб, уйига қайтганда, яна куёвларни учратади. Улар зиёфатни бошламоқчи эдилар. Антиной Телемахни истехзоли гаплар билан кутиб олади-да, қўлидан тутиб, зиёфатда бирга бўлишга таклиф қилади. Бироқ Телемах ғазаб билан қўлини тортиб олиб, куёвларга худолар ғазаби билан таҳдид қилиб, нари кетади. У садоқатли оқсочи Эвриклеяни чорлаб, саёҳат учун зарур барча анжомларни олиш учун Одиссейнинг кенг омборхонасига кетади.

Телемах Пилосга жўнаб кетаётгани ҳақида фақат Эвриклеяга шипшийди ва йўқлигимни билдирмай, онамнинг ҳолидан хабар олиб тур, деб илтимос қилади. Садоқатли оқсоч, Итакани тарк этма, бўтам, деб Телемахга

ёлборади – у Одиссейзоданинг бу оғир сафар пайтида ҳалок бўлишидан хавотирда эди. Лекин Телемах аҳдидан қайтмайди.

Шу орада Афина-Паллада Телемах қиёфасига кириб, бутун шаҳарни айланиб чиқади, йигирма нафар ёш эшкакчиларни йиғади, сўнг Ноемон ҳузурига кириб, кема сўрайди. Ноемон ажойиб кемани бажонидил беради. Энди сафарга жўнашга барча нарса тайёр эди.

Шу аснода Афина куёвлар ишрат қилаётган меҳмонхонага кўринмай кириб, ҳаммаларини қаттиқ ухлатиб қўяди. Кейин яна Ментор қиёфасига кириб, Телемахни саройдан олиб чиқиб, кема олдига бошлаб боради. Телемахнинг ёр-биродарлари Эвриклея сафарга тайёрлаб қўйган озикларни бир зумда ташиб келиб кемага ортадилар. Телемах сохта Ментор билан кемага чиқади. Афина боди мурод уфуради ва кема очик денгиз сари қушдек учади.

ТЕЛЕМАХ НЕСТОРНИНГ, СЎНГ МЕНЕЛАЙНИНГ ҲУЗУРИГА БОРАДИ

Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Маъбуда Афина Телемахга хайрли сафар-бахшида этади. Сафарнинг эртаси куни эргалабоқ, қуёш худоси Хелиос қордек оппоқ отларида самога кўтарилиши билан кема Пилосга етиб боради. Бу пайт бутун Пилос аҳли денгизлар худоси Посейдон шарафига қурбонлик қилиш маросимига тўпланган эди. Халқ қурбонгоҳ тепасида бир талай буқаларни бўғизлаб, сернеъмат зиёфат ҳозирлигини кўраётган эди. Тўққиз хонтахтанинг ҳар бири атрофида беш юз нафардан пилослик ўтирарди. Хизматкорлар овқат ташиш билан машғул эдилар. Шу пайт Нестор ўз ҳузурига келаётган хорижлик одамларни кўради; уларнинг олдида Ментор қиёфасида маъбуда Афина-Паллада келарди. Пилоснинг қартайиб қолган шоҳи меҳмонларни очик чеҳра билан қарши олади. Шоҳнинг ўғли Писистрат уларни зиёфатга таклиф этади. У Афинага май тўлдирилган қадах тутқазиб, ундан тангри Посейдон шарафига май паймо қилишни сўрайди. Ёш Писистратнинг рафтори – қадахни даставвал маъбудага тутгани Афинага мақбул бўлади.

Зиёфат тугагач, Нестор мусофирларга юзланиб, қаердан бўласизлар, деб сўрайди. «Мен Одиссейнинг ўғли бўламан, – деб жавоб қилади Телемах. – Пилосга отамдан бирон дарак топармиканман, деб келувдим». Қария Нестор қаршисида турган йигитнинг Одиссейзода эканлигини эшитиб, беҳад қувониб кетади, чунки ақлу заковат бобида у Одиссейни барча қаҳрамонлардан афзал билар ва эъзозларди. Телемах зоҳирий кўриниши билангина эмас, донолиги билан ҳам отасига ўхшашидан ҳайратга тушади. Нестор Троядан қайтиш чоғида юнонлар бошидан кечган азоб-укубатлар

ҳақида Телемахга сўзлаб беради. Аммо Одиссей тўғрисида ҳеч нима айта олмайди. Бетийиқ куёвлардан кўрган жабр-ситамлари учун Телемахга ачинади.

– Менинг маслаҳатим, – дейди донишманд қария, – сен, Телемах, тезроқ уйингга қайт, лекин ундан олдин шоҳ Менелай билан учраш, зеро, у ўз ватанига ҳаммадан кейин қайтиб келди, шояд у отанг ҳақида бирон янги гап айтса. Қолаверса, имоним комилки, худолар, алалхусус, маъбуда Афина-Паллада сенга бу борада мадакдор бўлгайлар.

Кеч кириб қоронғи тушади. Телемах ўз кемасига бориб ётмоқчи бўлади, лекин Нестор уни қўйиб юбормайди. У Одиссей ўғлининг саройда тунаб қолишини ихтиёр қилган эди.

Ментор ҳам Нестор саройида тунашни Телемахга маслаҳат беради. Ўзи эса, гапига кўра, эски қарзини ундириш мақсадида кавконлар мамлакатига сузиб бориши лозимлиги учун кемага қайтмоқчилигини айтади. Бу гапни айтгач, сохта Ментор денгиз бургутига айланади-да, пилосликларни ҳайратда қолдириб, кўздан ғойиб бўлади. Нестор ҳам, бу ерда ҳозир бўлган бошқалар ҳам Телемахга маъбуда Афинанинг ўзи кўмаклашаётганини англашади.

Эртаси куни эрталаб Нестор шохлари зарҳалланган бир таначани маъбуда Афина йўлига қурбонлик қилади. Мана шу қурбонлик ва худойи ошдан сўнг шоҳ ўғиллари жангаробага отларни қўшадилар. Бу жангаробага Телемах билан Писистрат чиқишади ва улар Менелай хузурига равона бўлишади.

Отлар куюндек елади. Оқшом пайтида йигитлар қаҳрамон Диоклнинг юрти Ферага етиб борадилар. Диокл уларни эъзозлаб, тунаш учун бошпана беради, эрталаб эса, ғира-шира тонгда йигитлар яна сафарга чиқадилар ва ўша куни кечга томон Спартага етиб оладилар.

Телемах билан Писистрат Спартада катта тантана устидан чиқадилар: Менелай қизини Ахиллеснинг ўғли Неоптолемнинг уйига кузатаётган экан (Менелай Троя муҳорабаси пайтидаёқ Неоптолемга, сени куёв қиламан, деб ваъда бериб қўйган эди). Менелай бугун қўшалок тўй қилаётган эди: у айни пайтда ўғли Мегапентни ҳам уйлантираётган эди. Хонандалар лира жўрлигида қўшиқ айтиб, Менторнинг меҳмонлари кўнглини овлашар, икки йигитча лира садолари остида ракс тушишарди. Телемах билан Писистрат шоҳ саройига етиб келишганда базм авжида эди. Уларни Менелайнинг хизматкори кутиб олади. Мусофирларни кўриб, у Менелай хузурига югуриб боради-да, уларни саройда қабул қилиш-қилмаслигини сўрайди. Менелай дарҳол отларни жангаробадан чиқаришни ва меҳмонларни зиёфатга таклиф этишни буюради. Бошидан кўп оғир мусибатларни кечирган, ўзи ҳам кўпинча ўзгаларнинг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлган Менелай салтанатига келган ҳар қандай мусофирни аздахидил эъзозлаб,

меҳмон қилар эди. Хизматкор шоҳ амрини бажаргани югуриб кетади. Мана, навкарлар отларни жангаробадан чиқариб, мусофирларни саройга бошлаб кирадилар. Телемах билан Писистрат ғоят мухташам ҳаммомда ювиниб, оҳорли либос кийишгач, тўйхонага қадам ранжида қиладилар.

Менелай саройида ҳар қадамда дуч келган дабдаба ва ҳашаматдан улар тонг қотишади. Менелай мусофирларни хушмуомалалик билан кутиб олиб, ёнига ўтиришга таклиф этади.

Тўй гоятда сердабдаба эди. Менелай қасрининг кўркамлиги ва тўй маросимининг пуршукухлигидан ҳайратга келган Телемах Писистратнинг кулоғига пичирлаб шундай дейди:

– Бунақа баркамол ҳашаматни мен ҳеч ерда кўрмаганман. Ўйлайманки, фақат тангри Зевснинг арши аълодаги кўшки бундан зийнатлироқ бўлиши мумкиндир.

Менелай Телемахнинг бу сўзларини эшитиб қолади ва табассум ила шундай такаллум қилади:

– Фониёлар боқий худолар билан тенглаша олмайдилар. Саройим зийнати қанчалик беназир эрса, бу зеб-зийнатлар, бойликларни қўлга киритиш йўлида чеккан заҳматларим шунчалик оғир, бошимдан кечирган хавф-хатарлар шунчалик пурдаҳшатдир. Вале мен чеккан заҳмату мусибатлар нақадар оғир бўлмасин, Одиссейнинг қисматига тушган машъум савдолар олдида мисоли дарёдан томчидир.

Телемах отаси ҳақида бу гапларни эшитиб йиғлаб юборади. Шу пайт бу ерга Менелайнинг завжаси сумбулсоч гулбадан Елена кириб келади. Унинг ортидан жориялар олтин чарх ва калава солинган, чети кумушдан ишланган сават кўтариб келишарди. У меҳмонларга бир нигоҳ ташлайдию улардан бири Одиссейга худди қуйиб қўйгандай ўхшашлигини кўриб, ҳайратда қолади. Бу ҳақда у эри Менелайга айтади. Еленанинг гапини эшитган Писистрат, дарҳақиқат, қаршингизда турган бу йигит Одиссейзода Телемахдир, дейди. Менелайнинг севинчдан кўнгли тоғдек кўтарилади: ахир унинг ёнида ўзи учун чексиз жабру жафолар тортган жонажон дўстининг ўғли ўтирган эди-да. У Одиссейнинг Троя бўсағасида кўрсатган жасоратлари ва барча юнонлар кечирган машъум мусибатлар ҳақида ҳикоя қилади. Елена ҳам Одиссейнинг Трояга қандай кириб боргани ҳақида сўзлаб беради. Отаси ҳақида айтилган бу хотиралардан таъсирланиб кетган Телемахнинг кўзларида яна ғилт-ғилт ёш пайдо бўлади. Писистрат ҳам, Троя остоналарида ҳалок бўлган биродари Антилохни эслаб, кўзёш қилади. Ҳалок бўлган дўстларини эслаб, Менелай ҳам маъюс тортади. Шунда Елена зиёфатдагиларнинг вақтини чоғ қилиш ҳамда кўнгиллардан андухни қувиш учун қадаҳга мўъжизакор гиёҳ шарбатини қуяди. Хотиротларни унуттирувчи бу шарбатни унга Мисрда малика Полидамна совға қилганди. Бу аснода тўй тантанаси ҳам оёқлаб

қолган эди. Шу боис, Спарта шоҳи Телемах билан бўладиган суҳбатини эртанги кунга қолдиради.

Менелай эртаси куни барвақт туриб, Телемахдан не мақсадда Спартага келганини сўрайди. Телемах, отамнинг дарагини билгани келувдим, деб жавоб қилади. Менелай Одиссейнинг ўғлига ўз бошидан кечирганларини хикоя қилиб, шуларни баён этади:

– Бир вақтлар денгиз тангриси Протей менга Троя бўсағасидан ўз ванларига қайта бошлаган юнон қахрамонлари қисмати ҳақида сўзлаб берган эди. Ўшанда Протей айтган башоратга қараганда, Одиссей санам Калипсо оролида бандиликда яшаётган бўлиши керак. Отанг тўғрисида, Телемах, бор-йўқ билганим шу.

Кейин Спарта шоҳи Телемахга, биз билан ўн икки кун қол, энг азиз меҳмоним бўлгайсан, деб уни кўндирмоқчи бўлади. Лекин Телемах, мени йўлимдан тўхтатманг, рухсат этинг, тезроқ уйимга қайтай, деб Менелайдан илтимос қилади. Менелай билан Телемахнинг суҳбати узоқ давом этади.

КУЁВЛАР ТЕЛЕМАХГА ҚАРШИ ФИТНА УЮШТИРАДИЛАР

Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Куёвлар Телемахнинг Итакани тарк этиб, Пилос ва Спартага жўнаб кетганини бу ерга тасодифан келиб қолган Ноемондан эшитадилар. Улар Телемах мадад сўрагани кетган, деб ўйлаб кўркиб кетадилар. Антиной бир кемани сафарга тайёрлаб, денгизга сузиб чиқишни ва Телемахнинг қайтишини кутишни, сўнгра дабдурустдан хужум қилиб, уни ўлдиришни маслаҳат беради.

Барча куёвлар бу ёвуз ишга дарҳол розилик билдиришади. Улар эшкакчиларни тўплаб, денгиз соҳилига жўнашади, кемани жиҳозлаб, пистирма қўйиш учун Астерида ороли томон сузиб кетишади.

Пенелопа куёвларнинг шум ниятларидан хабар топади. У руҳан қаттиқ изтироб чека бошлайди. Чунки Телемах Итакадан жўнаб кетганидан у ҳам ғофил қолган эди-да. Пенелопа қайнотаси қария Лаэрт хузурига одам юбориб, набираси Телемах хавф остида эканлигидан уни огоҳ қилмоқчи бўлади. Аммо жория Эвриклея соҳибасини бу ниятидан қайтаради. У маликага маъбуда Афинага сиғиниб, ундан мадад сўрашни маслаҳат беради. Пенелопа жориянинг сўзига киради ва маъбуда йўлига қурбонлик қилиб, унга сиғинади. Шундан сўнг сержозиба чорпоясига ётиб уйкуга кетади. Маъбуда Афина Пенелопанинг таваллосини инобатга олади. У маст уйкуда ётган малика хузурига унинг опаси Ифтиманинг арвоҳини юбо-

ради. Арвох Пенелопага, ўглинг Телемах ўлмайди, деб айтади. Пенелопа эрининг такдири ҳақида сўраганида Ифтиманинг арвохи жавоб бермай, кўздан ғойиб бўлади. Уйгонган Пенелопа бу муждани худолар юборганини тушунади.

ОДИССЕЙ САНАМ КАЛИПСО **ОРОЛИНИ ТАРК ЭТАДИ**

Ҳомернини «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Кенгашга йиғилган бокий худолар, Афина Телемахни ўз ватанига бешикаст етказиши ва куёвларнинг ҳамласини баргараф этиши керак, деб қарор қиладилар. Ҳермес эса, Оигия оролига учиб бориб, санам Калипсога Одиссейни озод қилиш тўғрисида худолар амрини етказмоғи лозим эди. Чакмоқдор Зевс шу заҳотиёк Ҳермесни Калипсо хузурига жўнатади.

Хаёлдек учкур Ҳермес оёқларига қанотли кафшларини боғлайди, кўлига хукмронлик асосини олади-да, Олимпдан парвоз этади. Оигия бағоят гўзал орол эди. Унда чинорлар, тераклар, қарағайлар, арчалару сарвлар барқ уриб ўсардилар. Майсазорларни барра ўтлар гиламдай буркаган. Ўтлоқда очилган бинафша ва нилуфарлар атрофга муаттар ифор таратарди. Бутун орол тўртта булоқдан сув ичарди. Булоқлардан бошланган жилғалар дарахтлар оралаб нозланиб оқарди. Бу оролда салқин бир ғор бўлиб, санам Калипсо шу ғорда яшарди. Ғорнинг ҳамма ёғини ток навалари ўраб олган ва улардан ғарқ пишган узум бошлари шигил осилиб турарди. Ҳермес ғорга кириб борганида Калипсо тилла моки билан ажиб гуллар солинган уртук тўқиётганди. Одиссей ғорда йўқ эди. У денгиз бўйига бориб, бир қоя устида денгизнинг узок-узок уфқига махзун тикилиб ўтирарди. У ватани Итакани қўмсаб, дув-дув кўзёш тўкарди. Унинг ҳар бир куни мана шундай андуҳли ва танҳоликда ўтарди.

Калипсо ғорга кириб келаётган Ҳермесни кўриб, дик этиб ўрнидан туради ва тангри истикболи сари юради. У Ҳермесга жой кўрсатиб, уни амброзий ва оби ҳаёт билан меҳмон қилади. Ҳермес худолар таомини тановул қилиб қорни тўйгач, санамга тангри Зевснинг амрини баён этади. Калипсо Одиссейдан айрилишини эшитиб қаттиқ ғамга ботади. У Одиссейни оролда абадулабад олиб қолмоқчи ва унга бокийлик бахш этмоқчи эди. Лекин, начора, Зевс амрига зид иш кўра олмайди-ку.

Ҳермес оролдан учиб кетгач, Калипсо денгиз бўйига – ғамга ботиб ўтирган Одиссей қошига боради ва унга шундай дейди:

– Одиссей, бўлди, қайғуни тарк эт. Ватанингда кетишга ижозат бераман. Бор, кўлингга болта ол-да, дарахт кесиб, ўзингга пишиқ бир сол

яса. Сен шу солда денгиз сафарига чикқайсан, мен эса сенга боди мурод йўллагум. Агар худолар хоҳласа, эсон-омон ватанингга етиб олурсан.

– О, маъбуда, – дейди Одиссей Калипсога, – сен мени ватанимга қайтармоқчи эмассан, балки биронта шум ниятни кўзлаган бўлишинг керак. Ахир омонатгина бир солда қандай қилиб серталотум денгиздан сузиб ўтаман? Ҳаттоки, энг мустаҳкам учқур кемалар ҳам кўпинча бу денгизда беҳатар суза олмайди. Йўк, маъбуда, мени маҳв этиш ниятинг йўқлигини айтиб, бу ҳақда худоларнинг бузилмас қасамини ичсангина, солда сузишга рози бўламан.

– Одиссей, сени фоний бандалар ичида энг доно ва энг соҳибтадбир одам деб тўғри айтар эканлар! – дейди Калипсо. – Майли, эшит, Стикс суви ҳаққи қасам ичаманки¹, сенинг ўлишингни асло истамайман.

Калипсо Одиссей билан бирга ғорга қайтади. Тановул пайтида маъбуда Одиссейни оролда қолишга ундай бошлайди. У Одиссейни бокий бандага айлантиришга сўз беради. Лекин Одиссейнинг ватанга қайтиш истаги шу қадар кучли эдики, Калипсонинг ҳар қандай беназир ваъдалари ҳам Одиссейни Итакани унутишга мажбур эта олмасди.

Эртаси куни эрталабдан бошлаб Одиссей сол ясашга киришади. У тўрт кун тинмай меҳнат қилади, дарахт кесади, тўсинларни йўниб текислайди, уларни бир-бирига боғлайди, сўнг сол устига тахта ётқизади. Ниҳоят, сол тайёр бўлади. Одиссей унга мачта ўрнатиб, мачтага елкан осади. Калипсо Одиссей билан видолашаркан, унинг йўлига егулик овқат беради. Одиссей елканни ёяди, шунда боди мурод эсиб, солни очиқ денгиз сари ҳайдайди.

Одиссей самовий мавжудотлар – Плеяда буржи – Сурайёларга ҳамда Етти Оғайни юлдузларига қараб, ўн саккиз кун муттасил она юрти томон сузади. Худди шу пайт занжилар мамлакатидан қайтаётган денгизлар султони тангри Посейдон Одиссейнинг солини кўриб қолади ва қаттиқ ғазабланади. У ўзининг уч шоҳли асосини денгизга санчади. Денгизда даҳшатли бўрон кўтарилади. Бутун осмонни қора булут буркаб олади, ҳаммаёқ худди тун пайтидагидек сим-сиё бўлади. Чор ёқдан елиб келган шамол денгизни тўлқинлантира бошлайди. Одиссей шу қадар қаттиқ кўркиб кетадики, ҳатто, Троя бўсағасида шон-шавкат билан ҳалок бўлганларга ҳавас қила бошлайди. Мана, солга улкан бир тўлқин ҳамла қилиб, Одиссейни денгизнинг домига улоқтиради. Одиссей денгиз қаъридан зўрға сузиб чиқади. Эгнидаги Калипсо ҳадя қилган кийим сувда сузишга халал бера бошлайди. Шундай бўлса ҳам у бир амаллаб сузиб солга етиб олади, унинг четидан маҳкам ушлаб, устига чиқади. Пуршиддат шамоллар солни ҳар томонга итқитардилар.

¹ Ер ости Стикс дарёси суви билан ичилган қасам худоларнинг бузилмас қасами ҳисобланади.

Уни дам кутурган Борей, дам Нот суриб кетарди, дам уни Эвр ўйинчок қилиб ўйнарди, ўйнаб-ўйнаб, Зефир кучоғига улоқтиради. Сол атрофида тўлқинлар тоғдек кўтариларди.

Одиссей мана шундай хавф остида қолган пайтда уни денгиз маъбуда-си Левкотея кўриб қолади. Маъбуда денгиз тубидан чуррак қуш қиёфасида отилиб чиқиб, Одиссейнинг солига қўнади ва ўз қиёфасига киради. Сўнг у Одиссейга юзланиб, сен эгнингдаги либосингни ечиб, ўзингни сувга от ва соҳилга сузиб етиб ол, деб буюради. Маъбуда унга ўз уртугини бераркан, сени шу уртук ўлимдан асраб қолгай, дейди. Левкотея шундай дейди-ю, яна чуррак қуш қиёфасига кириб, учиб кетади. Ва лекин солни тарк этишга Одиссейнинг юраги дов бермайди. Шу пайт тангри Посейдон тоғдек улкан тўлқинни пайдо қилиб, уни Одиссейнинг соли устига ағдаради. Одиссей тилка-пора бўлган солнинг бир ходасини зўрға ушлаб қолиб, унга миниб олади. У шоша-пиша эгнидаги либосини ечади, Левкотеянинг уртугига ўранади-да, ўзини сувга отиб, қуруклик қайдасан, деб сузиб кетади. Буни кўрган Посейдон:

– Шу олган шувоғанг етар! Энди бундан буёғига, то биронта одам қутқариб олмагунча серталотум денгизда сузиб юравер. Энди хурсанд бўлсанг керак мендан! – дейди.

Посейдон шундай деб хайкириб, тулпорларини ўзининг сувости қасри томон учуриб кетади. Шунда Одиссейга маъбуда Афина ёрдамга келади. У барча шамолларга эсишни тақиқлайди ва кутурган денгизни тинчита бошлайди.

Одиссей икки кеча-кундуз жўшқин денгизда сузиб юради. Ниҳоят, маҳобатли тўлқин уни ўз ўрқачига кўтарган чоғда, у сал нарироқда қурукликни кўриб қувониб кетади. Лекин у соҳилга яқинлашганида пўртаналарнинг қаттиқ шовуллашини эшитади. Қудратли долғалар соҳилдаги қоялар ва сувости харсангларига қаттиқ куч билан уриларди. Бу ерда Одиссейнинг ҳалок бўлиши муқаррар эди, тўлқин уни қояларга олиб бориб уриб, парчинлаб ташлаши мумкин эди. Лекин бу сафар ҳам унга Афина-Паллада мадақкор бўлади. Одиссей бир қоятошни кучоқлаб олади, шунда орқага қайтган тўлқин уни ҳам ўзи билан оқизиб очиқ денгизга олиб чиқиб қўяди. Энди Одиссей соҳил ёқалаб сузаркан, қурукликка чиқиш учун қулай жой ахтара бошлайди. Ниҳоят, у бир дарёнинг денгизга қуйилиш ерига етади ва дарё тангрисига тавалло қилиб, ундан мадақ сўрайди. Дарё тангриси Одиссейнинг зорига қулоқ солиб, оқимини таққа тўхтатади, бу билан қахрамоннинг қирғоққа чиқиб олишига имкон яратади. Мана, Одиссей қирғоққа чиқади, лекин узоқ вақт денгизда сузиб тамомила силласи қуриганидан ҳушини йўқотиб ерга йиқилади. У зўр-базўр ҳушига келиб, кўзини очади. Устидаги Левкотеянинг уртугини ечиб, орқасига қарамасдан, уни сувга отади. Уртук пилдираб оқиб бориб, яна

эгасининг қўлига тегади. Одиссей эса, соҳилдан анча нарироқда буталари бир-бирига чирмашиб кетган икки туп зайтун дарахтини кўради, бу дарахтлар тагида хазон кўрпадек қалин бўлиб тўкилиб ётарди. Одиссей тунги аёздан сақланиш учун шу хазонга кўмилиб ётади, маъбуда Афина эса унга гафлат уйқусини уфуради.

ОДИССЕЙ ВА НАВСИКАЯ

Ҳоллернин «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Одиссей хазонга кўмилиб маст уйқуда ётганида, маъбуда Афина-Паллада феаклар шаҳрига йўл олади ва у ерда баҳрий Димантнинг қизи қиёфасига кириб, ширин уйқуда ётган шоҳ қизи Навсикая тепасига боради.

– Уялмайсанми, Навсикая, – деб маломат қила бошлайди у. – Ҳадемай келин бўласан-у, кийим-кечаклар билан ишинг йўқ. Кир-чирлар тоғ бўлиб уюлиб ётипти. Тўйинг яқин, тўйга озода кийимда боришларинг керак. Тезроқ ўрнингдан тур, ёнингга жорияларингни олгин-да, улар билан денгиз бўйига кир ювгани бор.

Навсикая тонг палласида уйғониб кетади. Кўрган тушини эслаб ҳайрон бўлади. У шу заҳоти ота-онаси олдига йўл олади. Онаси Арета аллақачон турган ва жориялар даврасида қирмизи ранг ип йигириш билан машғул эди. Қиз отаси шоҳ Алкинойга остонада тўқнаш келади. У Феакия оқсоқоллари анжуманига кетаётган эди. Навсикая отасига шундай такаллум қилади:

– Отажон, айтинг, хачирларни аравага қўшишсин: кир ювгани дарё бўйига бормоқчиман. Уйимизда кир кийимлар жудаям кўпайиб кетипти. Ахир сиз ҳам оқсоқоллар кенгашига чиннидай тоза кийим кийиб боришингиз керак-ку, ундан кейин, иниларим – шаҳзодалар ҳам Феакия қизлари билан ўйин-кулги қилгани тоза кийимда боришни хошлашяпти. Бу хонадонда мендан бошқа ҳеч ким кийим-бош ташвишини қилмайди.

Навсикая шундай деркан, келин бўлишни орзу қилаётгани ҳақида чурк этиб ҳам оғиз очмайди. Шоҳ Алкиной қизининг дил розини тушунади ва жилмайиб қўяди, сўнг қулларга хачирларни саватли аравага қўшишни амр этади. Навсикая ҳам шоша-пиша йўлга отланади.

Малика Арета қизи ва жориялар ишдан сўнг тамадди қилишлари учун озиқ-овқат ва май беради. Чўмилишгандан сўнг баданларига суртишлари учун олтин кўзада муаттар мой ҳам беради.

Навсикая билан унинг жориялари шод-хуррам бўлишиб денгиз соҳилига йўл олишади. Улар соҳилдаги сув ҳавзаларида кирларни ювиб, чайишади ва қуритгани қумлоқ соҳилга ёйишади. Навниҳол қизлар ишни

тугатишгач, дарёда чўмилишиб, баданларига муаттар мойлар суртишади. Кейин овкатланиб олишиб, сув бўйида копток ўйнаб, шўхлик қила бош-лашади. Аини шу чоғ маъбуда Афина-Паллада Одиссейни уйғотишнинг иложини топади. Навсикая коптокни дугоналарига отади, аммо Афина кизларнинг кўзига кўринмаган ҳолда коптокни қудратли қўли билан уриб, денгизга учириб юборади. Қизлар овозлари борича чинқириб юборишади. Бу чинқириқдан Одиссей уйғониб кетади. Одиссей ўзи ётган хилватгоҳдан чиқишини ҳам, чиқмаслигини ҳам билмай ўйланиб қолади. Ниҳоят, у баданини навалар билан тўсиб, ташқарига чиқади. Ҳамма ёғига сувўтлари, балчик ёпишган Одиссейнинг қиёфаси даҳшатли эди. Қизлар кўркиб ҳар томонга қочиб кетишади. Фақат Навсикаягина ўрнидан жилмайди: маъбуда Афина унинг юрагига далда берган эди. Аммо Одиссей бу дилбар қизга яқин боришга журъат эта олмай, узокдан туриб, ундан ёрдам сўраб шундай илтижо қилади:

– Сохибжамол қиз, пойингга тавалло қилиб бош ураман. Сени гўзалликда маъбуда Артемидага қиёс қилса бўлади. Мабодо маъбуда эмасмисан? Агар фоний банда эрсанг, шундай қизи бўлган отанг билан онанг дунёда энг саодатли кишилардир! Ўз чиройинг билан мен бир маҳаллар Делосда, тангри Аполлон меҳроби ёнида кўрганим хушқад пальма дарахтини эслатдинг. Менга раҳм қил, о ҳуснда беназир қиз! Мен йигирма кун муттасил серталотум денгизда сузиб, кўп изтироб чекдим. Худолар хайрингни берсин, баданимни ёпиш учун биронта увада либосни аяма мендан! Шу яхшилигинг учун боқий тангрилар ҳамма ниятларингни рўёбга чиқарсинлар! Сени севганинг билан қовуштириб, саодатли ҳаёт ато этсинлар!

– Эй, мусофир, – дейди Навсикая Одиссейга юзланиб, – гапларингга караганда, жайдари одамга ўхшамайсан, худолар сенга аклу заковат ато этишипти. Вале Зевс бахт ва бадбахтликни акобирларга ҳам, авомга ҳам бирдай раво кўради. Шу боис сен Зевснинг укубатларига собитлик ила бардош бер. Сенга шаҳарга борадиган йўлни кўрсатаман. Мен феаклар султони шоҳ Алкинойнинг қизи бўламан.

Шундан сўнг Навсикая жорияларини чақириб, Одиссейга тоза кийим беришни ва унинг қорнини тўйдиришни буюради. Одиссей дарёда чўмилади, баданига муаттар мой суртиб, ўзига берилган кийимни кияди. Афина эса Одиссейни шундай дилбар йигитга айлантирадики, денгиз бўйига бориб ўтирган Одиссейни кўрган Навсикая, бу хилқат Олимпдан учиб тушган худолардан бири бўлмасин тагин, деб гумонсирай бошлайди.

Шаҳарга қайтиш учун ҳамма нарса шай эди. Навсикая Одиссейга, менинг ортимдан юр, деб таклиф қилади.

Ундан фақат бир нарсани – шаҳарга ўзи ва жориялари билан бирга кирмасликни, саройга ёлғиз ўзи киришини, Алкинойнинг боғида,

маъбуда Афинага багишланган тўқай яқинида кутишини ўтинади. Малика феаклар ўзини хушсурат мусофир билан кўрса, ғийбат гапларни бошлаши мумкинлигидан, уни қаллиқликка танлаган, деб ўйлашидан кўрқарди.

– Маслаҳатимга кулоқ бер, – дейди у Одиссейга, – саройга кириб борганинда, даставвал менинг онам – малика Аретанинг оёғига йиқилиб, ундан ёрдам сўра, зеро, бутун халқ онамни донишмандлиги учун худди маъбудадек эъзозлайди.

Навсикая шундай деб хачирларни шаҳар томон ҳайдайди. Жориялар билан Одиссей унинг ортидан эргашадилар. Одиссей билан жориялар кетидан етиб келишлари учун у хачирлар кадамни секинлатиб борарди.

ОДИССЕЙ ШОҲ АЛКИНОЙ ҲУЗУРИДА

Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Саройга қайтган Навсикаяни инилари пешвоз чиқиб кутиб оладилар. Улар хачирларни аравадан чиқаришади, ювилган кир тўла саватни кўтариб, саройга олиб киришади. Навсикая эса ўз кўшкни томон йўл олади; у ерда қизнинг энагаси – оқсоч Эвримедуза хуштаъм кечлик ҳозирлаб, уни кутиб ўтирарди.

Одиссей шаҳар дарвозаси олдида бир оз кутиб туриб, сўнг ичкарига киради. Маъбуда Афина уни қора булут билан ўраб, кўзга кўринмас қилиб кўяди. Чунки феаклардан биронтаси уни ҳақоратлаб, озор бериши мумкин эди. Қопқа бўсағасида унинг қаршисида феак кизи қиёфасига кирган Афина-Палладанинг ўзи намоён бўлади. Одиссей ундан шоҳ Алкинойнинг қасрини кўрсатишни илтимос қилади, Афина уни қасргача кузатиб кўйишга рози бўлади-да, унга йўлда учраганларга ҳар хил саволлар билан мурожаат қилмасликни тайинлайди, чунки феаклар меҳмондўст эмаслар, дейди у. Одиссей чуқур сукутда маъбудага эргшиб бораркан, бу шаҳарнинг бағоят мухташамлиги, кемалар қатор тизилиб турган бандаргоҳи, шаҳарнинг хушманзара кенг майдони ва метин деворларига маҳлиё бўлади. Мана, улар Алкиной қасрига етиб келадилар. Одиссейни ёлғиз қолдирар экан, маъбуда худди Навсикая каби, даставвал малика Аретага ёлворишни маслаҳат беради. Сўнг Афина кетади.

Шаҳарнинг жамоли Одиссейни маҳлиё қилган бўлса, Алкиной қасрининг беназир бойликлари уни лол қолдиради. Бутун қаср обдор мисдан қурилган, деворлар усти бежирим темир панжаралар билан безатилган эди. Қасрга қирадиган эшик соф олтидан қуйилган, унинг кесакилари қумушдан, остонаси эса мисдан эди. Эшикнинг икки ёнида тангри Ҳефест шахсан ўз қўли билан ясаган, бири олтин, бири қумуш –

иккита жонли боқий ит турарди. Одиссей касрга киради. У ерда устига кимматбаҳо ёпқичлар тўшалган шоҳона безакли курсиларни кўради. Мармар тагликларга машғалалар ушлаган йигитчаларнинг олтиндан куйилган ҳайкаллари ўрнатилган. Алкинойнинг касри гоят ажиб эди. Лекин каср ёнига жойлашган бог ундан ҳам ғаройиброқ эди. Бу боғда турфа хил мевалар кишин-ёзин муттасил пайдар-пай пишиб турарди. Йил бўйи хил-хил пишган ҳосил берадиган ток ҳам шу ерда эди. Боғда мунаввар булоқ жилдирар, бошқа бир булоқ эса сарой остонасида отилиб турарди. Одиссей бул ажойиботларни узоқ вақт томоша қилади ва, ниҳоят, базмгоҳ хонага қадам ранжида қилади. Бу ерда шоҳ Алкиной, малика Арета ва Феакиянинг энг таникли ақобирлари ўтирардилар. Улар тангри Хермес ҳаққига муаттар май паймо қилаётган эдилар. Булутлар ўраб олган Одиссей Аретанинг истиқболига келиб, унинг пойига бош уради. Шу онда Афина булутни тарқатиб юборади ва ҳамманинг кўзи қахрамонга тушади. Барча хайратга келади. Одиссей эса баралла овоз билан: мен, бахти қаро мусофирдан ёрдамнингни дариг тутма, о маликам, деб илтижо қилади. Сўнг, тамил бўйича, паноҳ излаб келган арзғўй сифатида ўчоқ ёнидаги кул устига бориб ўтиради. Шунда феак оксоқолларидан энг кексасининг маслаҳати билан Алкиной Одиссейнинг қўлидан етаклаб келиб, ўз ёнига ўтказади. Сарой хизматкорлари Одиссейнинг олдига турли неъматлар ва май кўйишади, шунда зиёфатга йиғилганларнинг бари жаҳонгашта мусофирлар пушти-паноҳи чакмоқдор Зевс шарафига май паймо қиладилар. Алкиной эса йиғиндаги барчани мусофирга ҳурмат бажо келтириш учун эртаси куни ўтказиладиган зиёфатга таклиф этади, у худолардан бири фоний одам сифатида ташриф буюрди, деб ўйлаганди. Одиссей эса Алкинойни бу фикридан қайтаради. Одиссей санам Калипсо оролидан жўнаганидан бери не-не фалокатларни бошидан кечиргани ва шоҳ қизи Навсикая денгиз бўйида унга қандай ёрдам кўрсатгани ҳақида Алкинойга сўзлаб беради. Алкиной Одиссейнинг ҳикоясини зўр эътибор билан тинглайди.

– Ё олимпик мунаввар тангрилар! – дейди у мусофирнинг донишмандлигидан хайратга келиб. – Агар қизимга мана шу мусофир йигитга монанд қаллиқ ато этганингизда эди, унга беназир мол-дунёни сеп қилиб берган бўлур эдим. Аммо сени, эй мусофир йигит, хоҳишингга зид ўлароқ, оролимизда зўрлаб ушлаб турмоқчи эмасман. Биз сени ўз ватанингга элтиб кўюрмиз. Денгиз сафари нечоғлиқ узоқ ва хатарли бўлмасин, у феакларни чўчита олмайди!

Шу аснода кеч тушиб, зиёфат тугаганди. Малика Арета Одиссей учун тўшак тўшашни амр этади. Одиссей тўшакка ётгани ҳамано гафлат уйғусига ғарк бўлади. Бутун сарой ҳам пинакка кетади.

Эртаси куни эрталаб Алкиной бутун шаҳар аҳолисини кенгашга чақиришни буюради: шу кенгашда у Одиссейни ўз юртига олиб бориб

қўйиш масаласини ҳал қилмоқчи эди. Маъбуда Афина-Палладанинг ўзи жарчи киёфасида бутун шаҳарни айланиб, фуқароларни майдонга тўпланишга даъват этади. Алкиной майдонга Одиссейни ҳам бошлаб келади ва уни ўз ёнига ўтказади. Тезда бутун халқ йиғилади. Феаклар бу қахрамон йигитга ҳайрат билан боқадилар. Афина унга бемисл хусн ва комил салобат бахш этган эди. Шоҳ Алкиной жамоага юзланиб бундай дейди:

– Халойик, каломимга кулоқ солинг! Шаҳримизга мусофир ташриф буюрди. У биздан ватанига элтиб қўйишимизни илтимос қилмоқда. Бизлар ҳеч қачон ҳеч бир ажнабийнинг илтимосини ерда қолдирмаган эдик. Келинглар, сафарга кема тайёрлайлик-да, меҳмонимизни ўз юртига элтиб қўяйлик. Мана шу денгиз сафарига жўнашни хоҳлаганларни, шунингдек, шаҳримизнинг барча оқсоқолларини ҳам зиёфатга таклиф қиламан. Саройимдаги базмгоҳда биз меҳмонимиз шарафига ғайритаваиф зиёфат берурмиз. Бул зиёфатга хонанда Демодок ҳам таклиф қилинсинким, у ўзининг ажиб қўшиқлари билан меҳмонлар кўнглини хушнуд этсин.

Алкиной шу гапларни айтиши билан эллик икки нафар эшкакчи кемани сафарга ҳозирлашга кетишади. Оқсоқоллар Алкиной ортидан унинг саройига жўнашади. Шоҳнинг хизматкорлари ҳашаматли зиёфатга тайёргарлик кўриб, икки буқа, ўн икки қўй ва саккиз чўчқани сўйишади. Алкинойнинг хизматкори зиёфатга кўзи кўр хонанда Демодокни етаклаб келади. Мана, меҳмонлар ноз-неъматлар тўла хонтахталар атрофига ўтирадилар, шодиёна базм бошланади. Қоринлари тўйиб, кайфлари чоғ бўлади. Шунда Демодок кифарасини қўлга олиб, торларини чертади ва икки бузург қахрамон – Одиссей билан Ахиллеснинг бир тантанали зиёфат пайтида қандай мувоҳаса қилишгани ҳақида куйлай бошлайди. Бу кўшиқни эшитиб ўтирган Одиссейнинг хўрлиги келади, нохуш хотиралар эсига тушади ва аччиқ кўз ёшлари дув-дув оқа бошлайди. У йиғлаётганини феакларга сездирмаслик учун қирмизи ридоси билан бошини буркаб олади. Демодокнинг қўшиғи тугайди. Одиссей кўз ёшларини артади ва қўлига олтин қадах кўтариб, боқий тангрилар ҳаққига май паймо қилади. Демодок яна бошқа кўшиқ бошлайди; бу кўшиқ юнон қахрамонларининг Троя бўсағасида кўрсатган жасоратлари ҳақида эди. Кўшиқни эшитиб, Одиссей яна йиғлай бошлайди. Ҳеч ким унинг кўз ёшларига аҳамият бермайди, фақат шоҳ Алкиной ўйланиб қолади ва бу кўз ёшлар сабабини тушунади.

Зиёфат ниҳоясида Алкиной меҳмонларни шаҳар майдонида уюштирилган ўйинлар, мусобақаларда қатнашишга таклиф этади. Барча шоҳнинг ортидан кетади, қахрамон Одиссей унинг ёнида борарди. Феак ўспиринлари турли машқларда: тез югуриш, кураш, сакраш, муштлашиш ва лаппак ирғитишда мусобақалаша бошлашади.

Мусобақа тугай деб қолганида хушсурат, қудратли Эвриал шоҳ Алкинойнинг ўғли, барчадан барно Лаодам ёнига келиб, жуссасидан азаматлиги кўришиб турган мусофирни мусобақада катнашишга таклиф этишни айтади. Гўзал Лаодам даставвал иккиланиб туради, сўнг Одиссейнинг ёнига келиб, назокат билан уни ўйинларда иштирок этишга таклиф қилади. Бироқ Одиссей бу таклифни рад этади, чунки уни ватан фироқи қийнади. Эвриал Одиссейнинг рад этганини эшитиб, истехзо билан:

– Аё мусофир! Ёш ва қудратли пахлавонларга тенглаша олмаслигингни кўриб турибман. Сен, афтидан, денгизлар узра сузиб юриб, савдо билан шуғулланадиган тожирлардан бўлсанг керак, – дейди.

Одиссей қошини ғазаб билан чимирди-да, Эвриалга шундай деб жавоб берди:

– Гапларинг билан менга озор етказдинг, эй Эвриал! Сенга қараб туриб, худолар инсонга ҳамма нарсани ҳам беравермас эканликларини кўриб турибман. Сенга улар хусн беришибди-ю, ақлу идрок беришмабди. Сен мени ўз сўзларинг билан ҳақорат қилдинг, лекин шуни билгилки, мен мусобақалар борасида тажрибалиман. Жуда кўплаб жангларда иштирок этдим, олам-олам жафолар чекдим, кўпдан-кўп хавф-хатарга дучор бўлдим, анча кучимдан жудо бўлдим. Шунга қарамай, кучимни яна бир бор синаб кўраман.

Одиссей шуларни айтиб, улкан харсангни кўтаради-да, қудратли қўли билан уни улоқтиради. Харсангтош феаклар боши устидан шувиллаб учиб ўтади. Улар тош тегиб кетмасин деб, бошларини энгаштиришади. Лекин тош бутун оломоннинг устидан учиб ўтиб, шунақанги олисга бориб тушадик, биронта ҳам йигит бу тошдан анча-мунча енгил бўлган лаппакни ҳам бу қадар йироққа улоқтира олмасди. Феакиялик қария қиёфасига кирган Афина харсангтош бориб тушган ерни белгилайди ва, қанчалик қудратли бўлмасин, барибир, бирорта ҳам феакиялик йигит тошни бу қадар олисга ирғитишга қодир эмаслигини айтади. Шунда хурсанд бўлган Одиссей бундай такаллум қилади:

– Феакия йигитлари! Мен харсангтошни отганчалик йироққа лаппакни ирғитинг-чи! Агар мен отган тошгача етказиб отолсангиз, мен бошқа бяр тошни, эҳтимол, ундан-да йироққа ирғитарман. Барчангизни муштлашинг кураш ва югуришда мусобақага чақираман. Фақат Лаодам билан кураш тушмайман. Мени мехмон қилиб турган одамга қўлимни кўгармайман.

Шоҳ Алкиной Одиссейга бундай деб жавоб беради:

– Аё мусофир, шаддод Эвриалнинг истехзосигина сени ўзингнинг қудратли кучингни барчага кўрсатиш учун ўйинларнинг барча иштирокчиларини курашга чорлашга мажбур этганини кўриб турибман. Сен барча нарсада биздан ўзининг мумкиндир, фақат тез югуришда ўзолмассан. Чунки худолар феакларни югуришда ғолиб қилиб яратишган, боз устига

уларни илғор бахрийлар қилиб қўйишган. Биз барчамиз, булардан ташқари, қўшиқ айтишни, куй чалишни, шўх-шўх ўйнашни ва базми жамшидни сева-вамиз. Ҳозир бу ерга рақсада мохир йигитларни келтиришади ва сен, бу санъат билан биз бекор фахрланмаслигимизга ишонч ҳосил қиласан.

Алкиной яна Демодокка унинг кифарасини келтиришларини буюради. Энди Демодок хизматкорнинг қўлидан кифарани олиб, олтин торларни чертиб, шўх қўшиқ куйлай бошлайди. Навкирон йигитлар бу қўшиқ оҳангига гир-гир айланиб, энгил-енгил рақс туша бошлайдилар. Одиссей ёшларнинг рақсини завқ билан томоша қиларкан, уларнинг ҳар бир назокатли ҳаракатига қойил қолади. Йигитлар рақси тугагач, шох Алкиной шаҳарнинг барча улуғларига Одиссейга биттадан зарварақ либос ва бир талант¹дан олтин тухфа этишни буюради. Эвриал эса қилган ҳақорати эвазига Одиссейни алоҳида тухфа билан эъзозламоғи лозим эди. Эвриал шу ондаёқ қимматбаҳо шамширини ечиб, Одиссейга беради-да:

– О, мусофир! Сенга озор етказадиган гапларни айтган бўлсам, уларни оғзимдан ел олсин. Унутгил уларни! Илоҳо, йўлингни худоларнинг ўзи очсин, ватанингга эсон-омон етиб олиб, завжангни ва бутун оилангни тез орада соғ-саломат кўргин, – дейди.

– Сени ҳам худолар ўз паноҳларида асрашсин, Эвриал! – жавоб беради Одиссей, – менга етказган озоринг эвазига берган шамширинг учун ҳеч қачон афсусланмагайсан.

Кеч кириб, қуёш бота бошлайди, ҳамма яна шох Алкинойнинг саройи сари йўл олади. Одиссей эса ўз хобхонасига кириб, одамлар берган ҳада, тортиқларни Арета юборган ғоят бежирим тўқима қутига солади ва унинг атрофини арқон билан ўраб, бир вақтлар афсунгар Кирка ўргатганидек, арқон учини аломат йўсинда тугади. Кейин эгнига ғоят ҳашаматли либос кийиб, базмгоҳга чиқади. Бу ерда Одиссей Навсикаяни учратади. Шох қизи маҳзун оҳангда унга шундай тақаллум қилади:

– Эй, ўктам мусофир! Ҳадемай ўз ватанингга қайтиб борасан, у ерда мени ёдлаб тур. Ахир сени ҳалокатдан асраб қолишда менинг ҳам ҳиссам бор-ку!

– Соҳибжамол Навсикая! – деб жавоб қилди унга Одиссей. – Агар чакмоқдор Зевснинг карами билан ўз юртимга эсон-омон етиб олиш менга насиб этса, худонинг берган кунини сен халоскоримга худди маъбудага сиғингандек сиғингум.

Одиссей шундай деб Алкинойнинг ёнига бориб ўтиради, яна шодиёна базм бошланади. Шунда Одиссей Демодокдан, Троя бўсағасида юнонлар ясаган ёғоч от ҳақида куйлаб беришни илтимос қилади. Демодок қўшиқни

¹ Талант — қадимги Юнонистонда энг катта оғирликдаги олтин бирлиги. У тахминан 26,2 кг га тенг бўлган.

бошлайди, яна Одиссей аччиқ-аччиқ кўзёш тўкади. Шунда Алкиной хонанданинг қўшиғини бўлиб, Одиссейга юзланади:

– Эй, мусофир, нечун сен ҳар гал юнон қаҳрамонларининг Троя жангидаги жасоратлари ҳақида қўшиқ тинглаганингда кўзёш қилурсан? Айт менга, кимсан ўзинг, кимнинг фарзандисан? Онт ичиб айтаманки, ким бўлсанг ҳам, феақлар сени албатта ватанингга элтиб қўюрлар. Тўғри, бир вақтлар бобомдан эшитган эдим: денгизлар худоси Посейдон, денгизда адашган мусофирларни менинг хоҳишимга зид ўларок қутқариб, юртига олиб бориб қўйган феақларни қаттиқ жазога мустаҳиқ этгум, бир кунмас бир кун кемаларини улкан қояга айлантиргум, шаҳарлари атрофини сарбаланд тоғлар билан ўраб қўйгум, деб дағдаға қилган экан. Лекин шунга қарамай, мен ўз лафзимдан қайтмайман: барибир, сени она юртингга эсон-омон етказурмиз. Ҳозир эса, о мусофир йигит, кимлигингни билмоқчиман. Ўтинаман, бошингдан кечирган барча саргузаштларни, ғаму кулфатларни бизга бир бошдан сўзлаб бер.

– О, шоҳ Алкиной, – деб жавоб қилади Одиссей, – сен менинг қандай офату фалокатларни бошдан кечирганимни билмоқчисан, яна кимлигимни, қаерлик эканимни, ота-онамининг кимлигини ҳам билишни ихтиёр қилмоқдасан. Майли, ундай бўлса, эшит: исмим – Одиссей, отамнинг исми – Лаэрт, Итака оролининг шоҳиман. Санам Калипсо оролини тарк этганимдан кейин не мусибатларни бошимдан кечирганим ҳақида эшитдинг. Энди сенга Троядан жўнаганимдан сўнг бошимдан кечирган жамики саргузаштларни ҳикоя қилиб берурман.

Шундан сўнг Одиссей ўз саргузаштлари қиссасини ҳикоя қилишга киришади.



ОДИССЕЙ КЎРГАН-КЕЧИРГАНЛАРИНИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ



Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

КИКОНЛАР ВА ЛОТОФАГЛАР

– Бизлар Троядан чиқиб, боди мурод кўмагида поёни йўқ уммонда бамайлихотир сузиб кетдик, деб ҳикоясини бошлади Одиссей. Ниҳоят, киконлар юртига етиб бордик. Биз бу халқнинг Исмар деган шаҳрини забт этдик, шаҳарнинг бутун аҳолисини қириб ташладик, аёлларини асир олиб, шаҳарни вайрон қилдик. Мен ҳамроҳларимга тезроқ бу ердан кетайлик, ватанимизга етайлик, деб қайта-қайта гап уқтирмакчи бўлдим, аммо улар гапимга қулоқ солмадилар. Бу орада, таъқибимиздан қочиб қутулиб қолган исмарликлар теварак-атрофдаги киконларни ёрдамга чақириб келиб, бизга

хужум қилишди. Улар мўр-малахдек кўп, ўрмондаги япроқлардек беҳисоб эди. Биз киконлар билан кемаларимиз яқинида узоқ жанг қилдик, бироқ улардан енгилдик ва жанггоҳдан қочиб, жон сақлашга мажбур бўлдик. Бу жангда мен ҳар қайси кемадан олтигадан жасур эшкакчимдан ажралдим. Биз очик денгизга сузиб чиқишдан олдин уч марталаб ҳайқириб, йўқолган ўртоқларимизни чақирдик, лекин ҳеч бир садо эшитмадик, шундан кейингина, ҳалок бўлган дўстларимизга аза тутиб ва, айни чоғда, ўзимиз ҳалокатдан қутулиб колганимизга шукр қилиб, кенг денгизга сузиб чиқдик. Лекин шу заҳотиёқ чакмоқдор Зевс бизга шимол шамоли тангриси Борейни рўпара қилди. Борей денгизда улкан тўфон кўтарди. Осмонда сим-сиё булутлар суза бошлади. Ҳамма ёқни зулмат чулғади. Жўшқин Борей кетма-кет уч марта елканларимизни йиртиб учириб кетди. Ниҳоят, биз зўр қийинчиликлар билан эшкак эшиб, бир амаллаб хилват бир оролга етиб олдик. Ўша ерда икки кечаю икки кундуз бўроннинг тинишини кутиб ётдик. Учинчи кунга ўтганда яна мачталарни ўрнатиб, елканларни ёйиб, йўлимизга равона бўлдик. Бироқ жондан азиз ватанимизга етиб боролмадик, бўрон пайтида йўлдан адашдик ва ўн кунгача сарсонликда сузиб юриб, ниҳоят бир оролга етиб олдик. Кейин билсак, бу лотофағлар ороли экан. Биз денгиз бўйида гулхан ёқиб, овқат пишира бошладик. Бу оролда кимлар яшашини билиб келиш учун ҳамроҳларимдан уч кишини орол ичкарисига юбордим. Ҳамроҳларимизни лотофағлар очик чехра билан кутиб олишипти ва тотли нилуфар билан меҳмон қилишипти. Йигитларим нилуфардан татиб кўришгани ҳамоно ўз ватанларини буткул унутишипти ва Итакага қайтишдан тамоман бош тортишипти. Аммо биз уларни зўрлаб кемага судраб келдик, яна қочиб кетишмасин, деб эшкакнинг ёнидаги курсиларга боғлаб қўйдик. Кейин мен ҳамроҳларимга зудлик билан кемага чиқишни ва эшкак эшиб бўлса ҳам, бу ердан тезроқ бош олиб кетишни буюрдим. Зеро, мен бошқа дўстларим ҳам лаззатли нилуфардан татиб кўриб, ватанларини унутиб қўйишларидан хавотирда эдим.

ОДИССЕЙ ЦИКЛОПЛАР ОРОЛИДА. ПОЛИФЕМ

Ҳоллернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Биз ҳамроҳларимиз билан денгизда узоқ вақт сузиб юриб, ниҳоят, худоларни ҳам, қонунларни ҳам тан олмайдиган бадқаҳр циклоплар юртига бориб қолдик. Бу махлуқлар дехқончилик билан шуғулланишмас экан, лекин шунга қарамай, уларнинг экинзорлари ўз-ўзидан мўл-кўл ҳосил беравераркан. Форларда паҳлавон циклоплар яшашар, уларнинг ҳар бири фақат оиласини билар, халқ йиғинларига тўпланишмас экан. Биз соҳилга дар-

ров яқинлаша қолмадик, Циклоплар оролига яқин жойлашган кичикрок орол кўрфазига кирдик. Бу орол гарчи жуда унумдор бўлса ҳам, унга ҳеч қачон ҳеч кимнинг қадами етмаганди. Бу оролда ёввойи эчкилар сон-саноксиз юрарди, улар ҳеч қачон одамларни кўрмаганлиги учун биздан чўчишмасди. Қирғоққа тунда тушиб, соҳилда хотиржам пинакка кетдик, эрталаб эса эчки ови билан машғул бўлдик. Овдан сўнг кун бўйи соҳилда дам олиб, базм қилдик, қулоғимизга циклопларнинг хайқириви, қўй-қўзиларнинг маърагани эшитилиб турарди. Эртаси куни эрталаб, мен ўз кемамда циклоплар оролига сузиб боришга ва у юртда қандай халқ истиқомат қилишини билишга жазм қилдим. Биз торгина бўғоздан жадал сузиб ўтиб, соҳилга етдик ва лангар ташладик. Шундоққина қирғоққа яқин жойда биз ҳамма ёғини дафна дарахтлари чирмаб олган ғорни кўрдик, ғор олдидаги кенггина саҳн катта-катта харсангтошлар билан девор сифатида ўралган эди. Мен энг ишончли дўстларимдан ўн икки нафарини ёнимга олдим, яна бир меш май ва озик-овқат олиб, циклопнинг ғори томон жўнадик. Кейинчалик билсак, бу ғорда яшовчи циклоп ниҳоятда бадқаҳр экан, у бошқа ҳамюртларидан четда, ёлғиз ўзи подасини боқиб кун кечирар экан. У ҳамма циклоплар сингари одамзодга сира ўхшамас эди. У девдек баҳайбат бўлиб, ғайритаъриф қудратга эга, пешонасида биргина кўзи бор эди. Биз циклопнинг ғорига кирганимизда у ғорда йўқ эди. У ерда сават-сават пишлоқлар турар, челақлар, хурмачаларда қатик ивитиб қўйилганди. Ғорда, алоҳида тўсиқ ичида кўзичоклар ва улоқчалар учун алоҳида кўра қилинганди. Ҳамроҳларим, энг семиз кўзичок ва улоқчалардан елкамизга ўнгарайлик, пишлоқлардан олайлик-да, тезроқ кемамизга қочиб қолайлик, деб мени гапга унатмоқчи бўлдилар. Лекин мен, минг афсуски, уларнинг маслаҳатига кирмадим. Циклопни ўз кўзим билан кўришни истардим. Ниҳоят, циклоп келди. У орқалаб келган каттакон бир боғ ўтинни ғор олдидаги саҳнга ташлади. Бизлар циклопнинг важоҳатини кўриб, кўрққанимиздан ғорнинг энг қоронғи бурчагига биқиниб олдик.

Циклоп подасини ғорга ҳайдаб кирди, ғор оғзини каттакон бир қоятош билан тўсди-да, қўй, эчкиларни соғишга киришди. Соғиб бўлиб, ўзига овқат пишириш учун ўчоққа олов ёқди. Шу пайт у бизни кўриб қолди ва момақалдирокдек гумбурловчи дағал овоз билан сўради:

– Кимсанлар? Қаёқдан келиб қолдинглар? Бекорчиликдан денгизнинг бағрини тилиб, ҳамма одамларга қирғин келтириб юрганга ўхшайсанлар!

– Бизлар юнонлармиз, – деб жавоб қилдим мен циклопга. – Троядан келяпмиз. Денгиз тўфони туфайли бу ерга келиб қолдик. Илтмос қиламиз, бизни меҳмон билиб, очиқ чехра билан қабул қил уйингда. Ўзинг биласан, мусофирларни ранжитган, уларни меҳмоннавозлик билан кутиб олмаганларни Зевс ғазабига олгай.

– Чамаси, сен бу ерга осмондан тушганга ўхшайсан, мусофир, – деб тишларини ғижирлатганча дағдаға қилди циклоп. – Мени ўша худоларингдан кўрқади деб ўйласанг янглишасан! Ўша Зевсга қолган ишим йўқ менинг! Тарикча ҳам кўркмайман унинг ғазабидан! Сенларни аяб ҳам ўтирмайман! Кўнглим хоҳлаган ишни қилавераман! Қани айт-чи, каерда турипти кемаларинг?

Мен циклопнинг нима учун кемаларимни суриштираётганини тушундим ва шундай деб жавоб қилдим:

– Бўрон кемамизни соҳилдаги қояга олиб келиб уриб тилка-пора қилди, фақат мену манави дўстларим зўрға жон сақлаб қолдик.

Циклоп бошқа ҳеч нима демади. У маҳобатли қўллари билан икки ҳамроҳимни чангаллаб олиб, уларни ерга уриб ўлдирди. Кейин қозонга солиб пишириб еди. Бу мудҳиш манзара бизни ғайритаъриф даҳшатга солди, биз Зевсга сиғиниб, ундан мадад сўрай бошладик. Циклоп эса бу ваҳшатли тановулдан сўнг, баҳузур узала тушиб ётиб ухлаб қолди. Мен уни ўлдирмоқчи бўлиб шамширимни яланғочладим ҳам, лекин ғор оғзини тўсиб турган маҳобатли қоятошга кўзим тушиб, бу йўл билан қутула олмаслигимизни тушундим. Тонг отди. Циклоп дўстларимдан яна иккитасини тутиб олиб, уларни пишириб еди-да, қўй ва эчкиларни ғордан хайдаб чиқариб, ғор оғзини яна қоятош билан тўсиб қўйди. Мен бу ердан қандай қутулиб чиқиб кетиш ҳақида узоқ вақт бош қотириб ўтирдим, ниҳоят иложини топдим. Ғорда кўриниши мачтани эслатувчи каттакон бир хода ётган эди. Эҳтимол, циклоп бу ходадан ўзига гурзи ясамоқчи бўлгандир. Мен бу ходанинг учини шамширим билан чопиб ўткирлаштирдим-да, оловга тутиб куйдирдим, кейин яшириб қўйдим. Кечқурун циклоп подасини хайдаб келди. У яна икки ҳамроҳимни тутиб ўлдирди. У жирканч таомини еб бўлиб ухлагани ётмоқчи бўлди. Лекин мен унга яқин бориб, бир жом май таклиф қилдим. Циклоп майни ичиб, менга шундай деди:

– Ўшанингдан яна қуй, ундан кейин менга ўз исмингни айт, сен учун совга ҳозирламоқчиман.

Мен циклопга яна бир жом май тутдим, у яна сўради. Унга учинчи жомни узатарканман, шундай дедим:

– Сен менинг исминни билмоқчимидинг? Айтаман: менинг исмим Ҳечким.

– Ундай бўлса, эшит, Ҳечким, мен сени энг кейин ейман. Бу менинг сенга совғам бўлади, – циклоп шундай деб қаҳ-қаҳ уриб қулди. Кейин учинчи жомни ҳам сипқориб кайфи ошиб қолди ва ерга ётиб пинакка кетди.

Мен дўстларимга имо қилдим, биз ходани кўтариб, унинг ўткирлаштирилган учини оловда қиздирдик-да, циклопнинг кўзига бо-тириб уни кўр қилдик. У оғриқнинг аламидан баралла бўкириб юборди,

тутаб турган ходани кўзидан суғуриб олиб, бошқа циклопларни ёрдамга чақира бошлади. Циклоплар ғор оғзига югуриб келишиб:

– Сенга нима бўлди, Полифем? – деб сўрашди. – Нега уйқумизни буздинг? Ким хафа қилди сени?

– Ҳечким! – деб жон аччиғида бақирди Полифем. – У мени куч билан эмас, айёрлик билан маҳв этмоқда!

– Ким? – сўрашди яна циклоплар.

– Ҳечким, – деб жавоб қилди Полифем.

Циклопларнинг жаҳли чиқиб, Полифемга шундай деб бақирди:

– Агар ҳеч ким хафа қилмаган бўлса, нега бунча айюҳаннос соласан? Борди-ю тобинг қочиб қолган бўлса, бу энди Зевснинг хоҳишидирки, уни ҳеч бир жонзот ўзгартира олмайди.

Циклоплар шундай деб ғор-ғорларига қайтиб кетишди.

Тонг отди. Полифем ғор оғзидаги қоятошни инграб-синграб четга сурди ва қўй, эчкиларини битта-битта пайпаслаб кўриб ўтлагани чиқара бошлади. Шунда мен учтадан кўчқорни ёнма-ён боғлаб, ўртадаги кўчқорнинг қорни остига биттадан дўстимни боғладим. Ўзим эса Полифемнинг арзандаси бўлмиш маҳобатли кўчқорнинг қалин юнгидан чангаллаб, унинг қорнига осилиб олдим. Ўртоқларим боғланган кўчқорлар Полифемнинг ёнидан ўтиб кетишди. Энг охирида мен қорнига осилиб олган кўчқор ғордан чиқа бошлади. Полифем кўчқорни тўхташиб, эркалай бошлади ва унга ўзининг фалокатга учраганини айтиб, Ҳечким деган аблаҳдан зорлана бошлади. Ахири бу кўчқорни ҳам ўтказиб юборди. Бизлар шу тарзда муқаррар ўлимдан қутулиб қолдик. Ташқарига чиққанимиз ҳамона Полифемнинг қўй, эчкиларини кемамиз турган ерга ҳайдаб кетдик. У ерда бизни дўстларимиз қутаётган эди. Ҳамроҳларимнинг нобуд бўлган дўстларимизга аза тутишларига ҳам имкон бермай, Полифемнинг сурувларини шоша-пиша кемага ортдик-да, дарҳол соҳилдан узоқроққа сузиб кетдик. Биз одам овози эшитиладиган масофага сузиб борганимизда баралла ҳайкириб шундай дедим:

– Кулоқ сол, циклоп! Бераҳмлигинг бошингга етди – Зевснинг ғазабига учрадинг. Энди сен ҳеч қачон жаҳонгашта ғарибу бенаволарни ўлдириб ея олмайсан.

Циклоп овозимни эшитди, у ғазабга миниб, тоғдан бир қояни кўчириб олиб денгизга отди. Қоя кема тумшугини мажақлаб юборишига сал қолди. Мен узун таёқни қояга тираб, кемани ундан четлатдим; биз яна сузиб кетдик. Сал нарироққа сузиб боргач, яна Полифемга кичкириб дедим:

– Билиб қўй, Полифем, кўзингни кўр қилган одам Итака шоҳи Одиссей бўлади!

Ваҳший циклоп ғазабланиб фарёд қилди ва овозининг борича бўқирди:

– Соҳибқаромат авлиёнинг башорати тўғри чикди! Мен Одиссей деганлари девқомат бир паҳлавон бўлса керак деб юрардим, ҳолбуки, Одиссей, чувалчангдек экансан-ку!

Шундан кейин Полифем ўз падари тангри Посейдонга тавалло қилиб, ундан кўзини кўр қилганим учун мени жазога мустаҳиқ этишни илтижо қила бошлади. У аввалгисидан ҳам каттарок қояни кўтариб денгизга отди. Қоя кема қуйруғи яқинига келиб тушди. Ундан ҳосил бўлган кучли тўлқин кемамни денгизнинг анча узоқ ерига учуриб кетди. Бизлар шундай жон сақлаб қолгандик. Биз қолган кемаларим кутиб турган оролга эсон-омон етиб олдик. У ерда худолар шарафига бисёр қурбонликлар қилдик. Эртаси куни эса, ҳалок бўлган ўртоқларимизга қаттиқ қайғуриб, поёнсиз денгиз бўйлаб яна йўлимизга равона бўлдик.

ОДИССЕЙ ЭОЛ ОРОЛИДА

Бир оз вақтдан кейин Эол оролига етиб бордик. Мудом денгизда сузиб юрувчи бу оролнинг гир айланаси метиндек мустаҳкам мис девор билан ўралган, қирғоқларидаги тикка қоялар тўппа-тўғри тўлқинлар ичидан кўтарилган эди. Эол ўз хотини, олти ўғли ва олти қизи билан мана шу оролда саодатли, осойишта ҳаёт кечирарди. У ҳамиша вақтини ўзининг ҳашаматли қасрида оила аъзолари даврасида роҳатбахш зиёфатда ўтказарди. Эол бизларни бир ой муттасил меҳмон қилди ва юнон қаҳрамонлари Троя бўсағасида кўрсатган жасоратлар ҳақидаги ҳикояларимни мароқ билан эшитиб ўтирди.

Нихоят, мен ундан, ижозат бер, энди ўз ватанимизга борайлик, деб илтимос қила бошладим. Эол рози бўлди. Видолашув олдидан у менга оғзи кумуш чилвир билан боғланган каттагина меш берди. Бу меш Эолнинг измидаги шамоллар билан тўлдирилган эди. Фақатгина Зефир шамоли озодликда қолдирилганди. Бу шамолга менинг кемаларимни она юртим Итака сари ҳайдаб бориш вазифаси юкланганди. Эол то ватанимга етиб олмагунимча мешнинг оғзини очмаслигимни буюрди. Бироқ ватанимга қайтишни Зевс менга раво кўрмади. Сафаримизнинг ўнинчи куни уфқда Итака кўринган чоғда, худолар мени ғафлат оғушига олдилар. Шунда ҳамроҳларим, Эол мешга олтин тўлдириб берган бўлса керакки, Одиссей уни очдирмаяпти, деб гумонсирашган. Уларнинг синчковлиги кўзиб, мана шу тахмин билан мешнинг оғзини ечишган. Натижада мешга қамалган шамоллар ташқарига отилиб чиқиб, денгизда даҳшатли бўрон кўтаришди.

Мен бўроннинг шовқинидан уйғониб кетдим, даҳшатдан ўзимни денгизга отмоқчи бўлдим-у, бироқ тақдирга тан бериб, чакмонимга ўрандим-да, кеманинг бурнига ётиб олдим.

Бу бўрон кемаларимизни яна Эолнинг оролига ҳайдаб келди. Мен ҳамроҳларимдан бирини ёнимга олиб, Эолнинг саройига бордим ва ватанимизга қайтишга яна бир бор ёрдам бер, деб илтижо қила бошладим. Лекин Эол мени ўз саройидан қувиб чиқараркан, худоларнинг ғазабига

учраб, уларнинг таъкибида бўлган бандаларга ҳеч ҳам ёрдам бермам, деб айтди. Аччиқ кўзёш тўкиб, Эол саройини тарк этдим.

ОДИССЕЙ ЛЕСТРИГОНЛАР ОРОЛИДА

Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Яна денгизда суза бошладик. Олти кундан кейин қандайдир бир оролга етиб бордик. Секин бир кўрфазга сузиб кирдик. Ўн битта кемам соҳилга бориб тўхтади, ҳамроҳларим кемаларни қумлоқ соҳилга тортиб чиқариб кўйишди. Мен ўз кемамни кўрфаз оғзида қолдирдим. Кейин юксак бир қоя бошига кўтарилиб, атрофни кўздан кечирдим. Ҳеч ерда на ўтлаб юрган моллар, на ишлов берилган экинлар кўринди. Фақат жуда олисда у ер-бу ерда тутун кўтариларди. Мен дўстларимдан уч кишини танлаб, оролда кимлар яшашини билиб келгани юбордим. Улар жўнаб кетишди. Дўстларим улкан бир шаҳар яқинидаги қудуқ бошида баҳайбат гавдали бир кизни учратишипти; бу қиз ҳамроҳларимни шаҳарга, ўз отаси Антифатнинг саройига бошлаб борибди. Антифат лестригонлар шоҳи экан. Саройда дўстларим гавдаси мисли тоғдек баланд бир аёлни кўришипти. Бу – Антифатнинг хотини экан. Малика оқсоқоллар анжуманида ўтирган эрини чақириб келгани одам юборибди. Антифат кела солиб дўстларимдан бирини ўлдириб, гўштидан ўзига овқат тайёрлабди. Қолган икки одамим кемага қочиб боришибди. Шунда шоҳ Антифат наъра тортиб, лестригонларни чақирибди. Улар денгиз соҳилига югуриб кетишибди. Лестригонлар тоғдан қоятошларни синдириб олиб, кемаларимизга ота бошладилар. Кемаларнинг қасир-қусур этиб синаётгани, ҳалок бўлаётган ҳамроҳларимнинг оху фарёди ҳамма ёқни босиб кетди. Лестригонлар ўн битта кемадаги барча ҳамроҳларимни ўлдиришди ва уларнинг жасадини худди сихга тортгандек қилиб узун ёғоч козиқларга тортиб, шаҳарга олиб кетишди. Мен ўз кемамда зўрға қочиб қутулиб қолдим. Энди ўн иккита кемамдан фақат биттагина меники қолган эди.

ОДИССЕЙ АФСУНГАР КИРКА ОРОЛИДА

Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Биз нобуд бўлган ўртоқларимизга аза тутиб, аччиқ кўзёш тўкканча, бепоён денгизда узоқ вақт суздик. Сузиб-сузиб, ахири Эея оролига етиб бордик; бу ерда куёш худоси Ҳелиоснинг кизи сумбулсоч афсунгар Кирка яшарди. Биз бу ерда сокин кўрфаз бўйида икки кун турдик. Учинчи кунга ўтганда белимга шамширимни тақиб, қўлимга найза олиб, оролнинг ичка-

рисига равона бўлдим. Йўлда учраган баланд бир қоя бошидан олисдаги ўрмон ортидан тутун кўтарилаётганини кўрдим. Шундан кейин кемамга қайтдим ва оролни кўздан кечириб, кимлар яшашини билиб келиш учун ҳамроҳларимдан уч-тўрт кишини юборишга аҳд қилдим. Йўл-йўлакай каттакон бир бугуни найза отиб ўлдирдим-да, уни кемага олиб келдим. Биз буғу гўштидан овқат пиширдик. Кейин май ичиб, тамадди қилиб олдик ва денгиз тўлқинларининг аллалаши остида пинакка кетдик. Эрталаб ҳамроҳларимни икки гуруҳга бўлдим. Бир гуруҳга ўзим, иккинчисига Эврилох раҳбарлик қилди. Биз орол ичкарасига қайси гуруҳ боришини аниқлаш учун қуръа ташладик; қуръа ўн икки кишидан иборат бўлган Эврилох гуруҳига чиқди.

Улар йўлга тушишди. Лекин орадан унча кўп вақт ўтгани ҳам йўқ эди, каттик ҳаяжонланган Эврилох ҳаллослаб югуриб келди. Ранги қув ўчган эди.

– Ҳа, нима гап, тинчликми? – деб сўрадим ундан.

– Фалокат, фалокат, – деб бақирди у ваҳимали ҳайқириб. – Бизлар орол ичкарасида Кирканинг қасрига рўпара келдик. Қаср олдида қўлга ўргатилган шерлар, бўрилар айланиб юришарди. Улар бизни кўриб олдимизга югуриб келишди ва ўз эгаларига эркалангандек, бизга суйкала бошлашди – Кирка уларга сеҳрли дори ичириб, ипақдек мулойим қилиб қўйган экан. Шу пайт саройдан янгроқ кўшиқлар эшитила бошлади. Биз баралла овоз билан Киркани чақирдик. Афсунгар аёл саройдан чиқди, бизларга илтифот кўрсатиб, ичкарига таклиф қилди. Ҳамма ҳамроҳларим ичкарига киришди. Мен дарвоза ёнида қолдим. Кейин билсам, Кирка дўстларимга қадахларда сеҳрли гиёҳлар толқони аралаштирилган май сузиб, уларни меҳмон қилган. Улар майни ичишган. Шунда Кирка қўлидаги сеҳрли таёқча учини ҳамроҳларимга бир-бир теккизиб, ҳаммаларини чўчкага айлантирган. Лекин ақл-идроқларини олмаган. Мен чўчкага айланиб юм-юм йиғлаётган дўстларимни Кирка огилхонага ҳайдаб кирганини, уларнинг охурига ем, яъни эман ёнғоғи солганини кўрдим. Кўрдим-у, уларни қутқаришга кўзим етмаслигини билиб, югурганимча сенинг олдинга келдим.

Эврилох олиб келган бу шум хабарни эшитиб, шу заҳоти Кирка саройи сари йўл олдим. Ниятим битта – қандай қилиб бўлмасин, дўстларимни Кирка сеҳридан қутқариш эди. Йўлда тўсатдан қаршимда тангри Ҳермес бир дилбар йигит қиёфасида намоён бўлди. У менга ўртоқларимни афсунгар сеҳридан қутқариш йўлини ўргатди, яна у менга бир мўъжизакор гиёҳнинг томирини берди: бу томир Кирка сеҳрини бетаъсир қилар экан. Мен Кирка ҳузурига бордим. Афсунгар аёл мени хушмуомалалик билан қарши олиб, саройга бошлаб кирди ва ғоятда сербезак курсига ўтқазиб, менга сеҳрли май сунди. Мен майни бамайлихотир ичиб юбордим. Шунда у менга сеҳрли таёқчасининг учини теккизиб деди:

– Қани, энди чўчқахонага жўнаб қол, ўша ерда бошқа чўчқалар билан ахлатингга ботиб ётавер.

Мен тангри Ҳермес ўргатганидек иш тутдим: қилич ялангочлаб афсунгар аёлга ташландим ва уни ўлдиришга чоғландим. Кўрқиб кетган Кирка қаршимда тиз чўкди.

– Кимсан? – деди у. – Шу пайтгача ҳали ҳеч ким менинг сеҳрли маъийм таъсиридан қутула олмаган эди. Билдим, сен – қув Одиссейсан! Бир вақтлар Ҳермес сенинг келишингни башорат қилганди-я, менга.

Мен қиличимни кинига солиб қўйдим ва Киркага менга ҳеч қандай зиён етказмаслик ҳақида қасам ичирдим. У худолар қасамини тилга олиб онт ичди. Кирка саройда қолиб хордиқ чиқаришни таклиф этди. Мен рози бўлдим. Дам олиб ўтирган чоғимда, Кирканинг жориялари – дарё ва жилга тангриларининг қизлари, шукуҳли зиёфат тадоригини кўра бошладилар. Мен серҳашам либослар кийиб ясандим ва зиёфатгоҳга кириб, анвойи ноз-неъматлар билан тўлдириб ташланган хонтахта ёнига ўтирдим, ўтирдиму чуқур ўйга толдим. Кирка кайфиятимнинг бузуклиги сабабини сўради. Мен унга, то ҳамроҳларимнинг ҳаммасини асл қиёфасига қайтармагунингча туз ҳам татимайман, деб жавоб қилдим.

Кирка шу заҳоти чўчқаларни оғилхонадан олиб чиқиб, уларга сеҳрли малҳам сурди-да, ҳаммаларини яна аввалги ҳолига қайтарди, дўстларим энди аввалгидан ҳам ўктамроқ ва бақувватроқ қиёфага кирган эдилар. Улар мени кўриб, шодланиб кетишди. Бу шодмонликдан, хатто, Кирка ҳам таъсирланиб кетди. Афсунгар аёл мендан, денгиз бўйига бориб, у ерда қолган ҳамроҳларининг ҳам саройимга бошлаб кел, деб илтимос қилди. Мен шу заҳоти Кирканинг илтимосини бажаришга киришдим. Гарчи Эврилох, маккор афсунгарга ишонманглар, деб соҳилдаги дўстларимни йўлдан қайтаришга астойдил уринган бўлса ҳам, мен уларнинг ҳаммасини Кирка саройига бошлаб келдим. Кирка ҳаммамиз учун зўр зиёфат берди.

Бизлар, Кирка саройида бир йил қолиб кетдик. Йил ўтгач, мен ватанимизга жўнаш учун ижозат бер, деб Киркадан илтимос қила бошладим. Афсунгар аёл илтимосимга рози бўлди.

– Лекин, – деди у, – сен ватанингга қайтишдан олдин зулмат Аид салтанатига тушишинг ва у ерда фивалик соҳибкаромат Тиресийнинг арвоҳини учратиб, ундан ўз қисматинг ҳақида сўраб билиб олишинг лозим.

Шундан кейин Кирка менга арвоҳларнинг ер ости салтанатига қирадиган ғорни қандай топишни айтиб, қурбонлик қилиш таомилини ва ўлганларнинг арвоҳларини қандай чорлашни ўргатди. Мен афсунгар аёлнинг ўғитларини диққат билан тингладим, сўнгра ҳаммамиз йўлга отлана бошладик. Биз заминнинг энг нариги сарҳадига, зимистон Аид салтанатига тушадиган ғор сари узоқ сафар қилишимиз керак эди.

ОДИССЕЙ АИД САЛТАНАТИГА ТУШАДИ

Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Мен ҳамроҳларимга энди қаёққа боришимизни айтганимда, улар ваҳимага тушдилар, лекин амримга итоат этиб, эшкакларни қўлга олдилар. Афсунгар Кирка бахш этган боди мурод кемамизни учуриб кетди. Ниҳоят, биз мўйсафид Океан сувига етиб бордик ва киммерийларнинг аянчли ўлкаси соҳилида тўхтадик: бу ўлка аҳлига тангри Хелиос ҳеч қачон нур сочмас эди. Шу боис бу мамлакатни ҳамиша аёзли туман буркаган, уни мудом тунги зулматнинг сим-сиё пардаси ўраган эди. Биз кемамизни соҳилга чиқариб қўйдик ва Кирка қурбонлик қилиш учун ҳадя қилган совлиқ билан қора кўчқорни олиб, Коцит ва Пирифлегетонт дарёлари Ахеронт дарёсига қуйиладиган қоя тагига равона бўлдик. У ерга етиб бордик. Мен шамширим билан чуқур ўра қазидим, ўрага бол, май ва сув паймо қилиб, устидан арпа уни сепдим, сўнг шу ўра лабида қурбонликка аталган қўйларни бўғизладим. Қон ўрага қуйилди. Шу пайт мархумларнинг руҳлари ўра тепасига гала-гала бўлиб учиб келиб, парвона бўлишди, ким биринчи бўлиб қурбонлик қонидан ичиши ҳақида чуғурлашиб баҳслаша бошлашди. Бу ерда келинлар, йигитлар, қариялар ва мардларнинг руҳлари учиб юрарди. Мени ҳам, ҳамроҳларимни ҳам даҳшат босди. Биз қурбонликка сўйилган қўйларни ёқиб юбориб, бадқовоқ тангри Аид билан унинг завжаси маъбуда Персефонага сиғина бошладик. Мен мархумлар руҳини яқинлаштирмаслик учун ўра лабида қилич яланғочлаб турдим. Даставвал навнихол Эльпенор руҳи яқинлашиб келди. Унинг руҳи ўлганлар руҳи салтанати дарвозасига биздан олдин етиб борди. Эльпенор ўзининг жасадини кўмишни илтимос қилди, токи руҳи Аид салтанатида ҳаловат топсин. Унинг илтимосини бажаришга ваъда бердим. Бу ерга онам Антиклеянинг руҳи ҳам учиб келди. Мен Итакадан Трояга жўнаб кетаётганимда онам тирик эди. Қанчалик оғир бўлмасин, онамнинг руҳини ҳам ўра оғзига яқин йўлатмадим, зеро, қурбонлик қонини биринчи бўлиб соҳибқаромат Тиресий ичмоғи шарт эди. Ахири Тиресийнинг руҳи ҳам учиб келди. Бу жисмсиз руҳ қон ичиб бўлиб, менга шундай сўзлар билан юзланди:

– Сендан, Одиссей, зилзилакор тангри Посейдон қаттиқ ғазабланмоқда: сен унинг ўғли циклоп Полифемни кўр қилиб қўйибсан. Вале Посейдоннинг хоҳишига зид ўлароқ, – деб башорат қила бошлади Тиресий, – сен ватанингга етиб олурсан. Агарда, – деб илова қилди руҳ, – ҳамроҳларинг Тринакрия оролида ўтлаб юрган Хелиосга қарашли буқаларга тегишмаса. Борди-ю, йўлдошларинг ўшал буқаларни сўйишса, унда ҳаммалари ҳалок бўлгайлар, ёлғиз сен омон қолгайсан ва кўп укубатларни бошингдан кечириб, ахири уйингга етиб олгайсан. Бориб куёвлардан интиқом олур-

сан. Аммо шундан кейин ҳам тинчимагайсан. Сен елкангга эшкак қўйиб жаҳонгашталиқ қилишинг, то бахрийлик нималигини билмайдиган, умрида ҳеч қачон кема кўрмаган халқни учратмагунигча кетаверишинг лозим.

– Ахир ундай халқни мен қандай билиб оламан? – деб сўрадим Тиресийнинг руҳидан.

– Бу осон, – деди рух. – Сенга рўпара келган одам, нима қилиб елкангда белкурак кўтариб юрибсан, деб сенга савол беради. Ана шунда сен ўша мамлакатда Посейдон ҳаққига ҳашаматли қурбонлик қилишинг, шундан кейингина уйингга қайтишинг керак бўлади. Уйингга қайтгач, барча худолар шарафига бисёр қурбонликлар қил, ана шундан кейингина Итакада умрингнинг охиригача роҳатда ва ҳаловатда умр кечиргайсан.

Соҳибқаромат Тиресий мана шу башоратларни айтганидан сўнг гойиб бўлди. Мен у ерда яна кўп одамларнинг руҳини учратдим. Онамнинг руҳи қон ичиб бўлиб, ўлмасидан олдин Итакада юз берган воқеаларни сўзлаб берди.

– Аммо, – деб тасалли берди у, – падаринг Лаэрт ҳам, завжанг Пенелопа ҳам, ўғилчанг Телемах ҳам соғ-саломатлар.

Мен меҳрибон онажонимни кучмоқчи бўлиб уч марта қўлларимни чўздим, лекин ҳар сафар унинг бевазн руҳи қўлимдан чиқиб кетди. Аид салтанатида яна кўп қаҳрамонларнинг руҳларини учратдим, лекин уларнинг барини бир-бир санаб чиқишга ожизман. Ундан кейин, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди, энди ҳикоямни шу ерда тўхтатсаму ҳамма ухлаб хордиқ чиқарса...

Лекин зиёфатга ташриф буюрганлар, шунингдек, малика Арета билан шоҳ Алкиной ҳам Одиссейдан ҳикоясини давом эттиришни илтимос қилишди. Одиссей рози бўлди.

– Мен Аид салтанатида шоҳ Агамемноннинг ҳам руҳини учратдим. У ватанига қайтган куниёқ хотини Клитемнестра билан Эгисф томонидан ўлдирилганини аччиқ нола қилиб сўзлаб берди. Агамемноннинг руҳи Итакага қайтганимдан кейин завжам Пенелопага ишониб қўя қолмасликни маслаҳат берди. Мен яна Ахиллес, Патрокл, Антилох ва Теламонзода Аякларнинг ҳам руҳларини кўрдим. Ахиллесга ўгли Неоптолемнинг буюк жасоратларини гапириб бердим. Ахиллес бундан жуда хурсанд бўлган эса-да, ўлиқлар салтанатидаги ҳаётдан нола қилиб, марҳумлар руҳи салтанатида подшо бўлгандан ер юзида гадо бўлиб яшаганим афзал эди, деди. Мен қудратли Аяк билан ярашиб олмоқчи эдим – Ахиллеснинг силоҳ-совутини талашганимизда уни жуда қаттиқ хафа қилган эдим, бироқ у бир оғиз сўз ҳам айтмай, нари кетди. У ерда яна ўлиқлар қозиси шоҳ Миносни ҳам учратдим. Тантал билан Сизиф чекаётган азобларга шоҳид бўлдим. Ахири менинг олдимга қаҳрамонлар қаҳрамони бузург Ҳераклининг руҳи

яқинлашди; унинг ўзи ҳозир Олимпда, боқий тангрилар анжуманида. Мен яна қадим ўтмишдаги бошқа бузург қаҳрамонларнинг руҳлари яқин келишини кутдим, лекин атрофимда йиғилган руҳлар шунақа чуввос солишиб Аид салтанатини бошларига кўтаришдики, мен кўркиб кетиб, кемам томон қочиб қолдим.

Биз шоша-пиша кемани мўйсафид Океанга туширдик ва шу заҳоти киммерийлар юртини тарк этдик. Денгизда жадал сузиб, тезда Эея оролига етиб олдик ва лангар ташлаб, хотиржам ётиб ухладик.

ОДИССЕЙ СИРЕНАЛАР ОРОЛИ ЁНИДАН ҲАМДА СКИЛЛА ВА ХАРИБДАЛАР ЁНИДАН СУЗИБ ЎТАДИ

Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Эртаси кунни Эльпенорни дафн этдик, қабри узра мозоркўрғон кўтардик. Афсунгар Кирка қайтиб келганимиз дарагини эшитиб, соҳилга келди; унинг орқасидан жориялари оламжаҳон неъматлару меш-меш майлар кўтариб келдилар. Бизлар денгиз бўйида ярим тунгача маишат қилдик. Кейин ҳамроҳларим ухлаб қолишди. Ана шунда Кирка йўлда бизни қандай хавф-хатарлар кутаётгани ҳақида гапирди ва уларга чап бериш йўлини ўргатди.

Тонг отиб, шафақ осмонни мунаввар қила бошлаши билан ўртоқларимни уйғотдим. Биз кемани сувга туширдик, дўстларим бараварига эшкак эша бошладилар, кемамиз очиқ денгиз томон қушдек учди. Боди мурод елканларни шиширди ва хотиржам сузиб кетдик. Сиреналар оролига етай деб қолганимизда мен ҳамроҳларимга шундай сўзлар билан мурожаат қилдим:

– Биродарларим! Ҳозир биз сиреналар ороли ёнидан сузиб ўтамыз. Сизларга маълум бўлсинки, сиреналар орол ёнидан сузиб ўтаётган баҳрийларни мафтункор қўшиқлари билан ўзларига чорлайдилар, сўнг уларни ваҳшиёна ўлдирадилар. Бутун орол улар азоблаб ўлдирган кишилар суяги билан тўлган. Шунга кўра, сиреналар қўшиғини эшитиб ҳалокатга учрамаслигиниз учун кулоқларингизга майин мум чаплайман: мени эса мачтага чандиб боғлаб қўйинглар, зеро, афсунгар Кирка сиреналар қўшиғини тинглашимга ижозат берди. Мабодо сиреналар қўшиғига мафтун бўлиб, мени ечинглар, деб илтимос қилгудек бўлсам, яна ҳам маҳкамроқ чандиб боғланглар мени.

Шундай деб айтиб бўлишим билан бирдан шамол таққа тинди-қолди. Дўстларим елканларни туширишиб, эшкак эшишга ўтирдилар. Бу пайт сиреналар ороли ҳам кўрина бошлаган эди. Мен дарҳол ҳамроҳларимнинг кулоқларига мум чапладим, улар эса мени мачтага шундай сириб

боғлашдики, ҳатто бирон бўғинимни қимирлатишга ҳам имкон қолмади. Кемамиз орол ёнидан ғизиллаганча сузиб ўта бошлади, оролдан сиреналарнинг мафтункор кўшиқлари эшитилиб турарди.

– О, муаззам Одиссей, биз томон суз, биз томон! – деб куйлашарди сиреналар. – Биз томон бур кемангни, биз томон! Ҳали шу чокқача биронта ҳам баҳрий хузурбахш кўшиғимизни тингламай сузиб ўтмаган. Ҳар бир ўткинчи бизда манзил куриб, кўшиқларимизни мириқиб тинглайди, кўп ғаройиб гапларни эшитиб, сўнг йўлига равона бўлади. Биз ҳамма нарсадан – юнонлар Троя бўсағасида худолар амри билан не кулфатларни бошдан кечирганларидан ҳам, рўйи заминда нималар содир бўлаётганидан ҳам вокифдирмиз.

Бу кўшиқ мени оҳанрабодек ўзига торта бошлади. Шунда ўртоқларимга, мени ечинглар, деб ишора қилдим. Аммо улар буйруғимни унутмаган эдилар: мени янада маҳкамроқ чандиб боғладилар. Ниҳоят, сиреналар ороли орқада қолиб, кўздан ғойиб бўлди, шундагина ҳамроҳларим кулоқларини мумдан тозаладилар ва мени мачтадан ечиб олдилар.

Бундан буёғига кемамиз тинчгина сузиб бораверди. Шу пайт кутилмаганда узоқдан даҳшатли бир шовқин эшитилди, тутун кўринди. Мен билардим: бу Харибда эди. Ўртоқларим кўрқиб кетишди, қўлларидан эшак бандлари тушиб кетди, кема тўхтаб қолди. Мен дўстларимнинг ҳар бири олдига бориб, уларга далда бера бошладим.

– Биродарлар! Биз кўп бало-офатларни бошимиздан кечирдик, кўп хатарлардан жон сақлаб қолдик. Бардам бўлинглар, азаматлар, эшакларни олинглар! Зевс бизга мадаккор бўлгай. Кемани мудҳиш шовқин эшитилаётган, тутун буруксаётган ердан узоқроққа йўналтиринг. Қояни ёнлаб ўтинг!

Мен шундай деб ҳамроҳларимга далда бердим. Улар бор кучларини ишга солиб, эшак эша бошладилар. Ва лекин Скилл ҳақида уларга ҳеч нима демадим. Билардимки, Скилл олти нафар ҳамроҳимни юлиб олиши керак эди, лекин Харибда ҳаммамизни домига тортиб маҳв этиши муқаррар эди. Ўзим, Кирканинг ўгитини унутиб қўйиб, қўлимга найза олиб, Скиллинг хужумини кута бошладим. Лекин атрофга олазарак бўлиб қанча тикилмай, уни кўрмадим.

Кемамиз торгина бўғоздан ғизиллаб сузиб борар эди. Биз Харибданинг денгиз сувини қандай сипқараётганини кўрдик, унинг баҳайбат коми яқинида тўлқинлар шовуллар, ўрадек чуқур қорнида эса денгиз ўтлари ва балчиқ худди тагига ўт ёқилган қозондагидек варақлаб қайнарди. Харибда сувни қисиб чиқарган чоғда эса, унинг атрофида тўлқинлар даҳшатли шовуллаб, туғён кўтарар, шўр сув зарралари қоянинг қир учигача сачрарди. Мен Харибда ўпқонига тикиларканман, даҳшатдан рангим қув ўчиб кетди. Худди шу лаҳзада машъум Скилл ўзининг олтита бўйнини баравар

чўзиб, ҳар бирида уч қатордан тиши бўлган олтига баҳайбат оғзини очиб, бир йўла олтига ҳамроҳимни тишлаб олди. Мен фақат Скиллинг олтига оғзида олтига дўстимнинг қўл ва оёқлари ликиллаганини кўрдим, уларнинг жон ҳолатда додлаб, мени ёрдамга чақирганларини эшитдим, холос. Скилл уларни ўз ғори оғзида кўз очиб-юмгунча еб юборди. Биз жуда кўп машаққатлар билан Харибда ва Скилл ёнидан сузиб ўтиб кетдик, шундан кейин тангри Хелиос ороли – Тринакрия сари равона бўлдик.

ОДИССЕЙ ТРИНАКРИЯ ОРОЛИДА. ОДИССЕЙ КЕМАСИ ҲАЛОКАТГА УЧРАЙДИ

Бир оздан кейин уфқда тангри Хелиоснинг ороли кўринди. Биз у оролга яқинлаб сузиб боравердик. Қулоғимга оролда ўтлаб юрган буқалару қўй-қўзиларнинг маърагани энди аниқ эшитила бошлади. Соҳибқаромат Тиресийнинг маслаҳати ва афсунгар Кирканинг ўгити ёдимда эди, шу боис ҳамроҳларимни бу оролда манзил қурмасликка, уни ёнлаб ўтиб кетишга ундай бошладим. Ниятим – яқинлашиб келаётган энг мудҳиш хатарга чап бериш эди.

Бироқ Эврилох менга деди:

– Бунча бераҳм бўлмасанг, Одиссей?! Ўзинг мисдан қуйилгандек, чарчаш нималигини билмайсан. Биз толиқдик; неча-неча тунни бедор ўтказдик, сен эса бизга соҳилга тушиб, озикланиб, хордик чиқаришни тақиқламоқчисан. Тунда денгизда сузиш хавфли-ку. Тунда қутурган шамол кўтарадиган бўронга дуч келса, ҳатто, худоларнинг хоҳишига ҳам қарамай, кемалар кўпинча чўкиб кетади. Йўқ, соҳилга тушишимиз лозим, эртага тонг сахарлаб йўлга тушамиз.

Қолган йўлдошларимиз ҳам Эврилохнинг гапига қўшилишди.

Шунда фалокатга учрашимиз муқаррар эканлигини тушундим. Мана, биз оролга етиб келиб, кемани кирғоққа чиқариб қўйдик. Мен ҳамроҳларимга тангри Хелиоснинг буқаларини ўлдирмаслик ҳақида қасам ичирдим. Ўзимизга кечлик овқат пиширдик. Тановул пайтида мальун Скилла домига тортиб кетган ўртоқларимизни эслаб йиғлаб олдик. Кечликдан сўнг ҳаммамиз шу соҳилда уйкуга кетдик.

Кечаси, Зевснинг амри билан даҳшатли бўрон кўтарилди. Шиддатли Борей шамоли жазаваси тутиб ўкира бошлади, бутун осмонни қора булут буркаб олди, қоронғи тун баттар сим-сиё бўлди. Эргалаб кемамизни бўрондан эҳтиёт қилиш учун соҳилдаги улкан бир ғорга тортиб олиб кирдик. Мен, Хелиоснинг подасига тега кўрманглар, деб дўстларимдан яна бир бор илтимос қилдим. Улар илтимосимни бажаришга ваъда бердилар. Бир ойгача шамол тинмай увиллаб, сафарга чиқишимизга имкон бермади. Ғамланган овқатларимизни ҳам еб тугатдик. Энди ов қилиб, балиқ тутиб,

бир амаллаб кун кечира бошладик. Очлик азоби кун сайин ҳамроҳларимни кўпрок изтиробга сола бошлади. Бир куни мен бир ўзим орол ичкарисига йўл олдим ва ўша ерда олимпик тангриларга сиғиниб, бизга боди му-род йўллашларини илтижо қила бошладим. Шунда худолар мени ухлатиб қўйганларини сезмай қолибман. Мен маст уйқуда ётганимда Эврилох ҳамроҳларимни тангри Ҳелиос подасидан энг зотдор буқаларни танлаб олиб, сўйишга кўндирибди. Ватанга қайтгач, ҳашаматли ибодатхона қуриб ва қимматбаҳо тухфалар қилиб, тангри Ҳелиоснинг кўнглини оламиз, дебди. Ҳатто, агар худолар уларни буқаларни сўйганлик учун ҳалок этишса-да, очдан ўлгандан кўра, денгизга чўкиб кетган афзал, дебди.

Ҳамроҳларим Эврилохнинг гапига киришибди. Подадан энг яхши буқаларни сўйишибди. Гўштнинг бир қисмини худолар йўлига бағишлаб қуйдиришипти. Бизда ун ҳам, май ҳам колмаган эди, шунинг учун қурбонлик устидан эман баргларини сочишиб, сув паймо қилишипти. Кейин ўзлари учун кабоб пишира бошлашипти. Шу онда мен уйғониб кетдим ва кемамиз турган соҳил томон йўл олдим. Димоғимга узоқдан кабоб ҳиди келдию шу заҳоти фалокат юз берганини сездим.

– Ё, олимпик муаззам тангрилар! – дедим ҳайратга келиб. – Нечун мени ғафлат уйқусига солдингиз. Мана, оқибатда, ҳамроҳларим Ҳелиоснинг буқаларини бўғизлашиб, энг улкан жиноятга қўл уришипти!

Шу орада санам Лампетия бу гапни Ҳелиосга етказибди.

Бу фожиадан хабар топган бузург тангри Ҳелиос ғазабга минибди. У ҳамроҳларим устидан олимпик худоларга шикоят қилибди ва: «Бас энди, мен зулмат Аид салтанатига тушаману бундан буён жамолимни тангриларга ҳам, бандаларга ҳам зинҳор-базинҳор кўрсатмайман!» – деб дағдаға қила бошлабди. Шунда Зевс куёш тангрисини юпата бошлабди:

– Мен, – дебди у, – сенга шаккоклик қилганларнинг кемасини тилка-пора қилгум, ўзларини маҳв этгум.

Мен гапимга кирмаган ҳамроҳларимни қаттиқ койидим, лекин энди бу бефойда эди. Худолар бизга даҳшатли бир нишона намоён қилдилар; сўйилган буқаларнинг терилари худди жони бордек ҳаракат қилиб, гўштлири эса аянчли овоз билан маърай бошлади. Кутурган бўрон олти кунгача бир зум ҳам тинмади. Ниҳоят, етгинчи куни боди мурод эса бошлади. Бизлар шу заҳоти йўлга тушдик. Лекин Тринакрия ороли уфқда эндигина кўзимиздан ғойиб бўлган ҳам эдики, чакмоқдор Зевс бошимиз узра қора булутларини йиғди. Зефир увиллаб хужум қилди, даҳшатли бўрон кўтарилди. Шунда кемамиз мачтаси мўрт чўпдек синиб, кема сахнига кулаб тушди, дарғанинг бошини мажақлаб юборди ва у денгизга кулади. Яшин чакнаб, кемамизни пора-пора қилиб юборди. Жамики ҳамроҳларимни денгиз домига тортиб кетди. Сув сатҳида биттагина мен қолдим. Мен бир амаллаб мачта бўлаги билан кема пуштагини тутиб олиб,

уларни бир-бирига боғладим. Ниҳоят, бўрон ҳам тинди. Нот шамоли эса бошлади. У мени тўппа-тўғри Харибда томонга учириб кетди. Бу маҳал Харибда денгиз сувини шовуллатиб ютаётган эди. Мен Харибданинг ўпқонмисол оғзи ёнидаги қояда ўсаётган анжир шохига зўрға осилиб олдим. Харибда денгиз суви билан бирга менинг кема қолдиғидан ясаган солимни ҳам ютиб юборди. Мен шу шохга осилганча Харибданинг солимни кусиб чиқаришини узоқ кутдим. Ниҳоят, солим Харибданинг бахайбат оғзидан яна оқиб чиқди. Мен анжир шохини кўйиб юбориб тўғри ўз солимга сакраб тушдим. Шу зайлда Харибданинг ўпқони оғзидан жон саклаб қолдим. Шунингдек, Зевснинг инояти билан даҳшатли махлук Скилладан ҳам қутулиб қолдим. Қутураётган денгизда ёнидан сузиб ўтганимни Скилла сезмай қолди.

Мен тўққиз кунгача поёнсиз денгизда сузиб юрдим, ниҳоят, тўлқинлар мени санам Калипсонинг оролига оқизиб олиб бориб қўйди. Бу оролда бошимдан кечган воқеаларни, о шох Алкиной ва малика Арета, сизларга олдинроқ сўзлаб берган эдим.

Одиссей ўз саргузаштлари ҳақидаги қиссани шу гаплар билан тугатади.



ОДИССЕЙ ИТАКАГА ҚАЙТАДИ



Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Эртаси куни феаклар денгиз сафарига ҳозирлик кўра бошладилар. Улар Одиссейга тортиқ қилинган беҳисоб ва бебаҳо совғаларни кемага ортидилар. Бу ишга шох Алкинойнинг ўзи бош-қош бўлиб турди. Сафар тадориги кўриб бўлингач, шох саройида тангри Зевс шарафига қурбонлик қилиниб, зиёфат берилди. Одиссей кеч киришини сабрсизлик билан кутарди. У кўшнинг уфққа ёнбошлаётганини кўриб, суюнганидан қўнгли ёришиб кетди. Чунки сафарга жўнаш пайти яқинлашаётган эди. Ниҳоят, қош қорайди. Одиссей шох Алкиной ва унинг завжаси маъбудамонанд Арета билан хайр-маъзур қилиб, кема сари йўл олади. У кемага чиқиб ўзи учун ҳозирланган тўшакка ёнбошлайди. Билаги бақувват эшкакчилар эшкак эшишга тушадилар, кема очик денгизга сузиб чиқади. Шунда худолар Одиссейга оромбахш уйқу ато этадилар ва у бутун сафар мобайнида маст уйқуда ётади. Кема денгизда лочиндан тез учиб, эрта тонг палласида Итака соҳилига етиб келади ва наядаларга бахшида этилган ғор яқинида лангар ташлайди. Феаклар уйқудаги Одиссейни оҳиста кўтариб кемадан туширадилар ва уни қумлоқ соҳилга ётқизадилар. Феакияда унга тортиқ этилган барча совғаларни ҳам кемадан олиб тушиб, қаҳрамоннинг ёнига териб қўядилар-да, сўнг ўз юртларига қайтиб кетадилар. Шунда Посей-

дон ватанига қайтаётган бу кемаларни кўриб қоладию унинг амрига зид ўлароқ Одиссейни ватанига элтиб қўйган феаклардан қаттиқ ғазабланади. У Феакия фуқароси устидан чакмоқдор Зевсга шикоят қилади. Зевс оғаси Посейдонга феаклардан қандай интиком олишни ўргатади:

– Сен, – дейди у, – феаклар кемаси ўз бандаргоҳига кирганида уни юксак бир қояга айлантириб қўй.

Посейдон Феакия оролига «ғув» этиб учиб боради ва ўша ерда кеманинг сафардан қайтишини кута бошлайди. Мана, денгизнинг осмон билан ўпишган узоқ уфқида феаклар кемаси кўринади. Бу маҳал бутун орол аҳли денгизчиларни қарши олгани соҳилга тўпланган эди. Ана, кема бандаргоҳга кира бошлайди. Шу пайт у бирданига юксак бир қояга айланиб қолади. Юз берган бу мўъжиза ҳақида шоҳ Алкинойга хабар қиладилар. Шоҳ бу мўъжиза сабабини тушунади: ҳа, тангри Посейдон денгизда адашган мусофирларни уй-уйларига элтиб қўйган феакларни шундай жазолаган эди. Алкиной дарҳол бутун аҳолини тўплаб, Посейдон ҳаққига қурбонликлар қилишни буюради. Феаклар Посейдонга аздаҳидил сиғинишиб, бизни ғазабингга олма, деб илтижо қила бошлайдилар ва бундан буён ҳеч бир мусофирни ватанига олиб бориб қўймасликка қасам ичадилар.

Энди Одиссейдан эшитайлик. У кўзини очиб, денгиз бўйида ётганини кўради. Атрофга кўз ташлаб, ўз ватани Итакани танимади, чунки маъбуда Афина ҳамма ёқни куюк туман билан бурқаб ташлаган эди. Одиссей: «Феаклар мени қандайдир бир хилват оролга ташлаб кетишибди», – деб ўйлаб, тамомила руҳи тушиб кетади ва баралла овоз билан ўзининг аччиқ қисматидан зорлана бошлайди.

У атрофига кўз ташлаб, феаклар тақдим этган совғаларнинг қатор тизилиб турганини кўради. Сўнг чуқур андухга ботиб, соҳил ёқалаб кета бошлайди. Бирдан рўпарасида чиройли бир йигит пайдо бўлади.

– Бу ер қандай мамлакат? – деб сўрайди Одиссей йигитдан.

– Бу Итака ороли, – деб жавоб қилади йигит. – Ўзингиз ким бўласиз?

– Менинг ватаним, – дейди эҳтиёткор Одиссей, – Крит ороли. Идомейнинг ўғли Архиллохни қасос олиб ўлдирганим учун қочдим. Финикияликларнинг кемасида Пилосга ва Элидага бормоқчи эдим. Лекин денгизчилар ухлаб ётганимда маккорлик қилиб бутун бойлигимни ўғирлаб, ўзимни бу ерга ташлаб кетишибди.

Йигит Одиссейнинг хикоясини эшитиб, жилмаяди ва бирдан ўз қиёфасини ўзгартиради. Одиссейнинг қаршисида энди маъбуда Афина турарди. У эҳтиёткорлик қилиб ўзини танитмаган Одиссейни мақтайди ва бундан буён ўзим сенга кўмаклашгум, деб кўнглини кўтариб қўяди. Агар қаердадир ёрдам бермаган бўлсам, деди маъбуда, фақат Посейдонни ғазабга келтирмаслик учун шундай қилдим. Афина унга ўзини ҳеч кимга танитмасликни тайинлайди. Лекин Одиссей Итакага келганига ҳамон

ишона олмасди. Шунда Афина Итакани буркаб олган туманни таркатиб юборадию Одиссей ўз ватанини танийди. У ерга ётиб, ватан тупрогини аздади, ихлос билан ўпа бошлади. Шундан сўнг, Афина Одиссейни нотавон бир кашшокқа айлантиради. Қахрамоннинг юзини ажин босади, елкаларидаги терилари шалвираб буришади, озиб, эти билан устухони қолади, қалин, қўнғирок сочлари тўкилади, нигоҳлари хиралашиб, қовоқларини қасмоқ босади. Афина унга искирт ва жулдур кийим кийдиради, елкасига ямоқ халта осади, қўлига ҳасса тутқазади. Кейин маъбуда Одиссейнинг феаклардан олган совғаларини ғорга яшириб қўйишни амр қилади-да, унга чўчкабоқар Эвмейнинг олдига шу гадо киёфасида боришни буюради. Ўзи эса, Спартага парвоз қилади: у Одиссейнинг ўғли Телемахни Итакага олиб келиши керак эди.

ОДИССЕЙ ЭВМЕЙНИНГ **КУЛБАСИДА**

Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Одиссей чўчкабоқар Эвмейнинг кулбасига яқинлашганида, Эвмей эшик олдида ишлаб ўтирар эди. Гадо келганини кўрган итлар жонжаҳдлари билан ҳуриб, унга ташланадилар. Яхшиямки, Эвмей югуриб келиб итларни қувиб юборади, бўлмаса улар Одиссейни ғажиб ташлашлари муқаррар эди.

– О, мусофир, – дейди гадо киёфасидаги Одиссейни танимаган Эвмей, – сал бўлмаса нобуд бўлардинг. Ана унда соҳибим Одиссейнинг шахид кетганидан пора-пора бўлган қалбим баттар изтироб чекарди. Хўп, қани, юр кулбамга. Қорнингни тўйғазай, йўл юриб чарчагандирсан – ётиб дамингни оласан.

Одиссей Эвмейнинг чўчка кўралари бўлган ховлисидан ўтиб, девори бесўнақай харсангтошлардан тикланган кулбасига киради. Эвмей меҳмони учун таом ҳозирларкан, шох-шабба устига ўтқазади. Сўнг қўрага бориб, иккита чўчка боласини сўйиб, пишириб келади. Овқат билан ичиш учун ёгоч хурмачага шароб ҳам куяди, сўнг борини дастурхонга қўяди. Одиссейнинг уйини худди денгиз қароқчилари сингари ғорат қилаётган, подалари, сурув-сурув қўйларини сўйиб, ҳар кунни ишратда, маишатда ўтказаётган бебош куёвлардан зорланади. Одиссей чўчкабоқарнинг нола-сига диққат билан кулоқ солар экан, суллоҳ куёвлардан қандай ўч олиш ҳақида ўйлайди. У тановул қилаётиб, Эвмейдан унинг соҳиби ҳақида сўрайди. Эвмей, соҳибим ҳалок бўлган, деб айтади.

– Йўк, – деди Одиссей унга жавобан, – онт ичиб айтаманки, соҳибинг тирик, у тез орада уйига қайтиб келади.

Лекин Эвмей мусофирнинг кароматига ишонмайди ва ундан: «Кимсан ўзинг, қаерлик бўласан?» – деб сўрайди. Одиссей ўз кечмишлари ҳақида бир уйдирма тўқиб сўзлаб беради.

У акалари мерос тақсимлашда унга кам бериб, хафа қилишганини, бой меросхўр кизга уйланганини, ўзи ҳам бойиб кетганини, Троя остоналаридаги жангларда қатнашганини, ватанига қайтгач, Мисрга жўнаб кетганини ҳикоя қилиб беради. Мисрликлар унинг ҳамроҳларини шаҳарларини ғорат қилишгани учун ўлдиришганини, ўзи эса Миср шоҳидан шафқат сўраб, қутулиб қолганини айтади. Гўёки Мисрда етти йил бўлган-у, сўнг Финикияга кетган. Бир финикиялик уни Ливияга боришга кўндирган. Ўша финикиялик билан йўлга чиққанда, Зевс уларнинг кемасини яшин билан уриб, ҳалокатга дучор қилган. Унинг ўзигина омон қолган; тўлқин уни феспротлар мамлақати соҳилига улоқтирган. Мана шу оролда, гўёки, феспротлар шоҳи Одиссей туҳфалар билан она юртига қайтаётганини унга ҳикоя қилган. Ниҳоят, у феспротлар кемасида Дулихийга равона бўлган. Бироқ феспротлар шумлик қилиб, уни қулликка сотмоқчи бўлишади; улар Итака соҳилига келиб тўхташганида ғоят машаққат билан уларнинг қўлидан қочади. Эвмей бу уйдирма воқеаларнинг барига ишонди. Бироқ у Одиссей ҳақида феспротлар шоҳидан эшитганига ишонмади. Эвмей, сен Одиссейнинг қариндошлари тақдирлашлари учун Одиссей ҳақидаги воқеани ҳикоя қилмоқдасан, деб унга иддао қилади. Бироқ Одиссей унга:

– Эй Эвмей, қулоқ сол, агар Одиссей қайтиб келса, менга янги либослар бериш ҳақида ваъда бер. Агар мен алдаган бўлсам, чўпонларни чақириб, мени қоятош чўққисидан денгизга улоқтир, токи бундан буён ҳар хил қаланғи-қасанғилар уйдирма гапларни тўқиб юришмасин.

Бир оздан сўнг чўпонлар даладан пода хайдаб келадилар. Улар семиз бир чўчқани сўйиб, кечлик овқат пиширадилар. Овқат пайтида Эвмей мусофир мехмонни эъозлаб, унинг олдига гўштнинг энг мазали бўлагини қўяди ва май тўлдирилган қадахни биринчи навбатда унга узатади.

Улар хотиржам кечлик қилишаётган чоғда ташқарида кучли бўрон кўтарилиб, ёмғир шаррос ёға бошлайди. Ҳаво совийди. Одиссейнинг ухлаганда ёпиб ётиш учун хатто жуббаси ҳам йўқ эди. Шунда зора гапимни тушуниб, жубба беришса, деган мақсадда у даврада ўтирганларга бир воқеани ҳикоя қилиб беради.

– Қулоқ сол, Эвмей, сизлар ҳам эшитинглар, – деб ҳикоясини бошлайди Одиссей. – Троя жанги пайтида кунлардан бир кун Менелай, Одиссей ва мен қамишзорда пистирмада ётган эдик. Кечаси совуқ баданни ачита бошлади. Бунинг устига, қор гупиллатиб ёғиб берди. Мен бўлсам жуббамни қароргоҳда унутиб қолдирган эдим. Совуқ суяк-суягимдан ўтиб кетди. Ахири совуққа чидолмаётганимни Одиссейга айтдим. У гапимни эшитиб, дарҳол бир найранг ўйлаб чиқарди: ўрнидан турди-да, ёнида ётган сар-

бозларни уйғотиб, ёмон туш кўрганини, шу боис кемаларимиздан жуда ҳам узоклашиб кетганимиздан хавотирланаётганини айтаркан, биронта сарбоз Агамемнон олдига бориб, мадад кучи бошлаб келмаса бўлмайди, деди. Шунда сарбозлардан бири ирғиб ўрнидан турди, елкасидаги жуббасини отиб юбориб, кемаларимиз турган бандаргоҳ томон югуриб кетди. Мен бўлсам, у ташлаб кетган жуббани ёпиниб, эрталабгача мазза қилиб ухладим.

Эвмей мусофирнинг нимага шама қилганини тушунади. У Одиссей учун ўчоқ яқинига пўстаклардан жой солади, устига ёпиниш учун ўзининг қишлик жуббасини беради. Одиссей оромбахш уйқуга кетади. Эвмейнинг ўзи елкасига шамшир осиб, кўлига найза олиб, чўчкахонага чиқиб кетади.



ТЕЛЕМАХ ИТАКАГА ҚАЙТАДИ



Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Маъбуда Афина-Паллада Одиссейни қашшоқ гадо қиёфасига киритгач, ўзи Спартага равона бўлади ва зумда у ерга етиб боради. Спартада у шоҳ Менелайнинг қасри сари йўл олиб, тўғри Телемах билан Писистрат ухлаб ётган хонага қиради. Телемахнинг уйқуси беҳаловат эди. У тушида ҳам отаси хақида қайғуларди. Афина Одиссей ўғлининг боши узра туриб, унга шундай такаллум қилади:

– Телемах, сен ўз ватанингда, мол-мулкингни ташлаб келган жойга қайтишинг лозим. Бебош куёвлар молу давлатингни торож қилмоқдалар. Тезроқ қайтиб бормасанг, бутун бойлигингдан жудо бўласан. Шуни ҳам унутмаки, аёлларнинг кўнгли беқарор бўлади. Онанг Пенелопа Эвримахга турмушга чиқишга рози бўлса, сени унутиб юбориб, бутун меҳрини кейинги эридан туғилган фарзандларига қаратиши мумкин. Тезроқ уйингга қайт. Лекин ёдингда бўлсин, куёвлар йўдингга пистирма қўйишмоқчи. Шунинг учун орол ёнидан коронги тунда сузиб ўтгину тонг палласида одамлар кўзидан йироқ бўлган қирғоққа бориб лангар ташла. Кейин тўғри чўчкабоқар Эвмейнинг олдига бор. Ўша ерда туриб қайтиб келганинг хақида онанг Пенелопага хабар юбор.

Афина шундай деб ғойиб бўлади.

Телемах «ялт» этиб кўзини очадию дарҳол дўсти Писистратни уйғотади ва: «Ҳозироқ Пилосга қайтамиз», – деб уни шошира бошлайди. Лекин Писистрат: «Ахир мезбон билан хайрлашмай кетсак беадаблик бўлади-ку, тонг отгунча сабр қилайлик», – дейди. Телемах дўстининг маслаҳатига кўнади. Бир оздан сўнг тонг маъбудаси Эос осмонга зар кокилини ёяди. Эрталаб йигитларнинг олдига шоҳ Менелай қиради. Одиссей-зода шоҳни эшик олдида кутиб олади ва тезроқ она юрти Итакага жўнаб

кетиши учун ундан розилик сўрайди. Менелай рози бўлади, лекин унга совға-салом тайёрлагунларича бир оз кутишни ва сафар олдидан тановул қилиб олишни таклиф қилади.

Менелай кулларига тезроқ таом тайёрлашни тайинлаш учун кетади. Сўнг Елена ва ўғли Мегалентни чакириб, улар билан хазинага киради. У ердан Телемах учун тухфалар танлаб олади; соҳибжамол Елена ҳам совға – Телемахнинг бўлажак қаллиғи учун ўзи тўқиган ҳашаматли либосни танлайди.

Азамат йигитлар қоринларини тўйғазиб, Менелай тухфа этган совға-саломларни олиб йўлга ҳозирланадилар. Менелай қўлида май тўла кўза билан саройдан чиқади-да, худоларга тавалло этиб, май паймо қилади ва йигитлардан кекса Несторга дуойи саломини етказишни илтимос қилади. Телемах жангаробага чиқиб, жиловни қўлига олиши билан сарой устида ғозни чангаллаб олиб кетаётган бургут пайдо бўлади. Менелай хизмат-корлари шовқин-сурон солиб, бургутнинг ортидан югуришади. Бирок бургут баландлаб, саройнинг ўнг томонига ўтиб кўздан ғойиб бўлади. Бу худоларнинг аломати эканлигини ҳамма тушунади. Телемах бу аломатни изохлаб беришни Менелайдан сўрайди. Спарта шоҳи ўйга чўмади. Унинг ўрнига соҳибжамол Елена жавоб беради.

– Гапимни тингланглар! Буни менга Олимпдаги худолар ваҳий қилишди. Бургут ғозни қандай чангаллаб олиб қочган ва пора-пора қилган бўлса, Одиссей ҳам уйига қайтгач, куёвларни шундай қийратади. Эҳтимол, аллақачон уйга қайтиб, куёвларни жойи растонига етказишни ўйлаётгандир.

– Соҳибжамол Елена! – хитоб қилади Телемах. – Муаззам Зевс сенинг айтаётганларингни рўёбга чиқарса, мен уйга қайтгач, сенга маъбудалардек сиғинажакман.

Телемах шу гапларни айтиб, отларга қамчи босади. Отлар уларни Пилос томон шамолдек учириб кетади.

Йигитлар кечкурун Фера шаҳрига етиб борадилар ва шаҳар ҳокими қахрамон Диоклнинг саройида тунайдилар, эртаси кун эса, Пилосга етиб оладилар. Телемах Писистратдан отасининг қасрига кирмасликни илтимос қилади: агар кирса, қария Нестор уни яна ушлаб қолиб, меҳмон қилиши мумкинлигидан чўчиётган эди. Писистрат дўстининг илтимосини кондириб, уни тўғри кемаси турган бандаргоҳга олиб боради. Отаси бундан ранжишини Писистрат биларди. У, ҳатто, қайтишганини эшитиб, Несторнинг ўзи етиб келиб, тутиб қолмасин деб, Телемахни ўзи шошира бошлайди. Телемахнинг ҳамроҳлари шошиб-пишиб мачтани кўтаришади. Энди соҳилдан силжишмоқчи бўлиб туришганида кема ёнига соҳибкаромат Феоклимен етиб келади. У содир этган котиллиги учун ўч олишларидан кўрқиб, Аргосдан қочиб келаётган эди. У Телемахдан ўзи

билан кемада Итакага олиб кетишни илтимос қилади; у ерда мактулнинг қариндошлари уни таъқиб қилишмасди. Телемах Феоклименни кемага олишга рози бўлади. Кема дарҳол сафарга чиқади ва боди мурод кўмагида очик денгизда кушдек учади.

Бу аснода Одиссей ҳали ҳам Эвмейникида эди.

Эрталаб Одиссей садақа тўплагани шаҳарга чиқмоқчи эди; у, ҳатто, куёвлардан ўзини хизматга олишни сўрамоқчи бўлганди. Лекин Эвмей куёвлар қутурган, шафқатсиз одамлар эканлигини айтиб, уни бу ишдан қайтаради. Шунда Одиссей отаси Лазрт ва завжаси Пенелопа ҳақида суриштиришга тушади. Эвмей мусофирга эмас, Одиссейнинг ўзига ҳикоя қилаётганини билмаган ҳолда, ҳамма гапни айтиб беради. Ниҳоят, Одиссей Эвмейнинг ўзи Итакага қандай қилиб келиб қолганини ҳикоя қилиб беришни сўрайди. Эвмей бажонидил рози бўлиб, Сира оролида туғилганини, шох Ктесийнинг ўғли эканлигини ҳикоя қилади. Кунлардан бир кун оролга финикиялик савдогарлар келишади. Улар Ктесийнинг финикиялик жориясини Эвмейни ўғирлашга кўндиришади, бунинг эвазига уни ватанига олиб кетмоқчи бўлишади. Жория рози бўлиб, Эвмейни яширинча саройдан олиб чиқади-да, финикияликлар кемасига олиб боради. Финикияликлар денгизда Финикия соҳиллари томон сузиб кетишади. Олти кун сузишади. Еттинчи кун маъбуда Артемида сотқин жорияни ўз камонидан ўқ отиб, ўлдиради. Финикияликлар эса Итака соҳилига тушиб, гўдак Эвмейни Лазртга сотишади.

Одиссей Эвмейнинг ҳикоясини диққат билан тинглайди. Эвмей ҳикоясини тугатганида тун ярмидан оғганди. Одиссей билан Эвмей ухлашга ётишди, бироқ узоқ ухлашмади – тез орада тонг шафағи ёғду сочиб, улар ўриндан туриб кетишди.

Шу кун тонгда Телемах ҳам Итакага етиб келади. У, Афина амр этганидек, кўздан пана жойда соҳилга тушади-да, Феоклименга вақтинча бошпана бериб туришни дўсти Перайядан илтимос қилади. Сўнг энди Эвмейнинг ҳузурига йўл олмоқчи бўлганида бошлари узра чангалида каптар билан лочин пайдо бўлади. Шунда Феоклимен Телемахнинг қўлидан тугтиб:

– Телемах, бу саодатли аломат, Итакада сенинг уругингдан-да қудратлироқ уруғ йўқ. Сизлар Итакада абадулабад ҳукмронлик килурсизлар, – деб унга аста шипшийди.

Бу башоратдан Телемахнинг кўнгли кўтарилади. У ўзининг ҳамроҳларини кемада шаҳар бандаргоҳига жўнатиб юборади-да, ўзи эса, қалби қувончга тўлиб, Эвмей ҳузурига йўл олади.



ТЕЛЕМАХ ЭВМЕЙНИКИДА. ОДИССЕЙ ВА ТЕЛЕМАХ



Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Одиссей билан Эвмей жуда барвақт уйғонишади. Нонушта тайёрлаб еб, куч олишади. Шу маҳал бирдан Эвмейнинг кучуклари шўх-шўх во-виллашиб, ҳовлига кириб келаётган Телемах олдига югуриб боришади ва унинг оёғига суйкалишиб, эркалана бошлашади. Чўчкабоқар ҳам соҳиби келганини кўриб, унга пешвоз чиқади ва худди узоқ жудоликдан кейин ўз ўғлонини учратган отадек севиниб кетиб, дув-дув кўзёш тўкканча, Телемахни бағрига босиб ўпа бошлайди. Одиссей ҳам ўрнидан туради, у ўз ўрнини меҳмонга бўшатмоқчи бўлади. Лекин Телемах унга мулойимлик билан шундай дейди:

– Ўтиравер, мусофир! Асло безовта бўлма, менга Эвмей жой тайёрла-гай!

Эвмей шоша-пиша Телемахнинг тагига курси қўяди, нонушта ва май олиб келади. Овқат пайтида Телемах, бу мусофир ким, у Итакага қандай келиб қолди, деб сўрайди Эвмейдан. Эвмей унга Одиссейдан эшитган уйдирма гапларни сўзлаб беради ва: «Уни уйингга олиб бориб меҳмон қилсанг бўларди», – деб айтади. Лекин Телемах бундай қилишга сўз бера олмас эди, чунки бебош куёвларнинг танобини тортиб қўйишга кучи ет-мас эди ҳали.

– Мен, – дейди у, – бу мусофирга фақат янги либос ва шамшир тухфа этишим ҳамда юртига қайтиб кетишига қўмаклашим мумкин, холос.

Одиссей Телемахга ачиниб, ҳеч нарса билмагандай, куёвларнинг қутуришини, Итака халқи ва қариндошларининг унга муносабатини су-риштира бошлайди.

– Ҳақоратларга чидаб, мол-мулкининг талон-тороғ қилинишини кўргандан кўра, киши қутурган куёвларни куч билан қувиб чиқаришга уриниб ҳалок бўлгани маъқул, – деб суриштиришни тугатади Одиссей.

Телемах бу гапларга нима ҳам дея оларди? Фақат ўзига, ёлғизгина ўғилга қутурган, боз устига ўзини ўлдиришни ният қилиб қўйган куёвлар тўдаси билан олишиш жуда қийинлигинигина айтиши мумкин эди, холос. Телемах, ҳатто, қайтиб келганини онаси Пенелопага хабар қилишга ҳам кўркади.

Шундан кейин Эвмей шаҳарга жўнайди. Эвмей яширинча саройга бо-риб, Пенелопага ўғлининг эсон-омон қайтиб келганини айтиши керак эди. Набирасининг бедарак кетганидан хавотирланиб ўтирган кекса Лаэртга эса Пенелопанинг ўзи биронта садоқатли жорияси орқали хабар қилиши мумкин эди.

Эвмей Телемахнинг амрини бажаргани шошилинч жўнаб кетади. У кўчага чиққанидан кейин, Одиссейнинг рўпарасида маъбуда Афина намоён бўлади. Лекин у Телемахнинг кўзига кўринмайди. Маъбуда Одиссейни уйдан ташқарига чакириб олади ва девор панасида турганча, қахрамонга таёқчасининг учини теккизиб, уни асл қиёфасига қайтаради-да, ўғлингга ўзингни танит, деб амр этади.

Одиссей қайтиб кулбага кирганида шу қадар соҳибжамол ва соҳибкамол бўлиб кўринадики, Телемах уни биронта боқий тангри деб ўйлаб хайратда қолади.

– О, мусофир! – дейди у. – Сен зумда ўзга қиёфада намоён бўлдинг! Фаҳмимча, сен боқий тангрисан! Бизларга шафқат қил! Сенга улкан қурбонликлар бахшида этгумиздир.

– Йўк, мен тангри эмасман! – деб жавоб қилади Одиссей. – Мен сенинг отанг Одиссейман.

Кўзларида меҳр ёшлари пайдо бўлган Одиссей ўғлини бағрига босиб ўпади. Лекин Телемах отасининг ниҳоят ватанига қайтиб келганига дарров ишона қолмайди. Рост-да! Ҳозиргина нотавон бир қария қиёфасида бўлган одамнинг дабдурустдан бунчалик ўзгариб кетишига қандай ишониб бўлади? Наҳотки фоний бир банда бундай мўъжизага қодир бўлса? Телемахнинг дилида шубҳа уйғонади, лекин Одиссей: «Мени маъбуда Афина қари мусофирга айлантирганди, энди асл қиёфамга қайтарган ҳам ўша маъбуда», – деб ўғлининг шубҳасини йўқ қилади. Энди Телемах қаршисида турган одам ўз падари эканлигига ишонади. Кўзи қувонч ёшларига тўлиб, отасини кучади. Учрашувнинг илк қувончли дамларидан кейин у ватанига қандай қайтганлигини, учқур кемада Итакага ким олиб келиб қўйганини отасидан суриштира бошлайди. Одиссей ўғлига ўзининг бу ерга қандай келиб қолганини, феаклар берган совға-саломларни хуфия ғорга қандай яшириб қўйганини, кейин маъбуда Афинага рўпара келиб қолганини ва унинг амри билан Эвмейникига келганини бирма-бир сўзлаб беради. Одиссей ўғлидан куёвларнинг кирдикорлари ҳақида сўрайди. Баттол куёвларнинг бебошликлари Одиссейни қаттиқ газаблантиради ва у улардан ўч олмоқчи бўлади. Лекин қўлидан келармикин? Куёвлар кўпчилик. Ҳамма томондан келишган. Улар бир юз ўн олти нафар. Наҳотки бор-йўғи икки киши – Одиссей билан Телемах – шундай оломонга қарши очик жанг қилиб енгиб чиқа олса? Дарвоқе, Одиссей томонида шундай мададкор кўмакчилар борки, ҳеч бир фоний банда уларга қарши кураша олмайди. Бу мададкорлар – чакмоқдор Зевс билан унинг кизи Афина-Паллададир.

Одиссей шуларнинг илоҳий қувваларига суяниб, куйидагича иш кўрмоқчи бўлади: Телемах шаҳарга, ўз қасрига, куёвлар хузурига бориши керак, унинг кетидан Одиссей билан Эвмей ҳам йўлга тушадилар. Одиссей яна қашшоқ мусофир қиёфасига кириб, тиланчилик қилганча ўз қасрига

кириб боради. У ерда куёвларнинг барча таҳқир ва хўрлашларига тишини тишига босиб бардош бериши лозим. Кейин унинг ишораси билан Телемах зиёфатхонадаги ҳамма яроқ-аслаҳаларни ими-жимиди олиб чиқиб кетади. Фақат ўзи билан отаси учунгина курол колдиради. Бу тадбирнинг энг муҳим томони – Одиссейнинг ўз юртига қайтиб келганини ҳаммадан, хаттоки, Пенелопадан ҳам сир сақлашдан иборат эди. Чунки Одиссейнинг кул ва чўрилари орасида унга хиёнат қилувчилар ҳам топилар эди. Ота-бола шу зайлда узок вақт маслаҳатлашиб ўтирадилар.

Бу аснода Телемахнинг кемаси шаҳар бандаргоҳида лангар ташлайди. У билан сафарда бирга бўлган дўстлари шу заҳоти Телемахнинг она юртга қайтиб келгани ҳақида Пенелопага хабар қиладилар. Шу хушxabар билан келаётган элчи Одиссей саройининг қопқаси олдида Эвмей билан учрашади ва улар Пенелопа хузурига биргаликда кириб борадилар. Элчи Пенелопага ўғлининг қайтиб келганини баланд овоз билан хабар қилади. Эвмей эса, маликага яқин бориб, Телемах тайинлаган гапларни унинг кулоғига шипшиди. Пенелопа ўғлининг эсон-омон қайтиб келганини эшитиб, қувониб кетади.

Телемахнинг қайтиб келгани ҳақидаги хабар зумда куёвлар кулоғига ҳам етади. Улар кўрқиб кетадилар. Ҳаммалари шаҳар майдонига йиғилишиб, ўзаро маслаҳатлаша бошлайдилар. «Телемах йўлимизга тўғаноқ бўлиб турибди: уни ўлдириш керак!» – деб маслаҳат беради Антиной. Лекин тангри Зевснинг ғазабига учрашдан кўрққан Амфином унинг фикрига қўшилмайди. «Биз, – дейди у, – даставвал худоларга тавалло қилиб кўрайлик. Агар улар бизга хайрли белги намоён қилсалар, унда ўзим Телемахни гумдон қиламан. Акс ҳолда, Телемахга қўл кўтаришни сизларга ҳам маслаҳат бермайман». Куёвлар Амфиномнинг фикрига қўшиладилар, шундан сўнг ҳаммалари яна Одиссейнинг саройи сари йўл оладилар.

Жарчи Медонт куёвларнинг қора ниятларини Пенелопага етказди. Пенелопа улар ишрат қилиб ўтирган меҳмонхонага тушиб, сизлар шунчалик бадниятмисизлар, деб аччиқ-аччиқ маломат қилади. У, айниқса, Антинойдан хафа бўлади:

– Ёдингдами, бир вақтлар Одиссей отангни халқ ғазабидан қутқариб қолган эди? – деб таъна қилади унга. – Яхшиликка ёмонлик экан-да!» Эвримах Пенелопага тасалли беради. «Ҳеч биримиз ҳеч қачон Телемахга қарши қўл кўтармаймиз», – дейди у. Лекин Эвримахнинг тили бошқаю дили бошқа эди: у ҳамиша Телемахни гумдон қилишни ўйларди.

Бу аснода Эвмей ўз кулбасига қайтади. Маъбуда Афина бу пайт Одиссейни яна аввалги мусофир чол қиёфасига киритган эди. Чунки Эвмей унинг Одиссей эканлигини ҳозирча билмаслиги керак эди-да. Чўчкабоқар унга шаҳарда кўрганларини сўзлаб беради, сўнг ҳамма учун кечлик овқат пиширишга киришади.

ОДИССЕЙ ЎЗ САРОЙГА МУСОФИР ЧОЛ ҚИЁФАСИДА КИРИБ КЕЛАДИ

Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Эртаси куни тонг шафағи уфқ осмонини қирмизи рангга бўяган чоғда, Телемах шаҳарга йўл олади. У кетатуриб, Эвмейга мусофир чолни шаҳарга кузатиб қўйишни буюради. «Ҳозирча ўша ерда хайр-садақа йиғиб юрсин», – дейди. У саройга кириб бораркан, кекса энагаси Эвриклеяга тўқнаш келади. Энага Телемахни соғ-саломат кўриб, беҳад суюниб кетади, кўзларидан шашқатор ёш оқиб, арзандасини бағрига босади. Бошқа жориялар ҳам Одиссей ўғлонини қарши олгани пешвоз чиқадилар. Ўғлининг қайтиб келганини эшитган Пенелопа ҳам кўшқидан тушади. У Телемахни бағрига босади ва: «Жаҳонгашталиқ қилган чоғингда отанг ҳақида бирон янгилик эшитдингми?» – деб сўрайди. Лекин Телемах онасининг саволини жавобсиз қолдиради – у соҳибкаромат Феоклименни саройга бошлаб келиш учун шаҳар майдонига шошилаётган эди.

Шаҳар майдонида куёвлар оломони Телемахни қуршаб оладилар: улар «зиёратинг қабул бўлсин», деб Телемахга тилёғламалик қила бошлайдилар. Лекин аслида қора ниятли одамлар қандай қилиб бўлса ҳам Телемахни ўлдиришни кўзлар эдилар. Салдан кейин бу ерга Телемахнинг дўсти Перай Феоклименни бошлаб келади. Соҳибкаромат йигит, Телемах Итакада йўқлигида, вақтинча шу Перайникида яшаб турганди.

Телемах шу ондаёқ Феоклименни ўз уйига таклиф қилади. Уйда улар иккови ғоят гўзал мрамор ҳаммомда чўмилишиб, сўнг тановул қилгани ўтирадилар. Шу пайт емакхонага Пенелопа чиқади ва йигитлар ёнига ўтириб кашта тика бошлайди. Телемах онасига ўзининг Пилос ва Спартага қилган сафари ҳақида сўзлаб беради. Пенелопа ўғли отаси ҳақида ҳеч бир дарак топмаганини эшитиб, қаттиқ куюнади. Лекин соҳибкаромат Феоклимен унга таскин бера бошлайди. «Имоним комилки, – дейди у, – эрингиз Одиссей ҳозир Итакага етиб келган, фаҳмимча, у шу яқин атрофга яшириниб, куёвларга қирон келтириш учун пухтароқ ҳозирлик қўраётган бўлса ажаб эмас. Шуниси ҳам борки, – дейди у, – агар Одиссей Итакага келмаган бўлса, тангрилар Телемахга бу ҳақда белги намоён қилармидилар?»

Пенелопа, Телемах ва Феоклимен суҳбатлашиб ўтиришганда куёвлар ҳовлида эрмакка лаппак улоқтириш, найза отиш каби ўйинлар билан машғул эдилар. Бир маҳал чўпонлар куёвларнинг базмига аталган бир гала эчки ва қўйларни ҳайдаб келишади. Шунда куёвлар базмга ҳозирлик қўргани «гурра» ичкарига кирадилар. Жарчи Медонт уларни дастурхонга таклиф этади.

Бу пайт Одиссей билан Эвмей аста-аста юриб шаҳар томон келишарди. Одиссей бемажол қашшоқ чол қиёфасида ҳассага таянган эди. Улар шаҳар чеккасидаги булоқ бошига етишганида чўпон Мелантийга рўпара келадилар. Бу сурбет чўпон мусофир чолни етаклаб келаётган Эвмейни кўриб, икковларини мазах қила бошлайди:

– Қаранглар, нобакор Эвмей нотавон чолни етаклаб келяпти! Ҳой, овсар Эвмей, каёққа олиб кетяпсан бу гадони? Эҳтиёт бўл, агар уни Одиссейнинг уйига етаклаб киргудек бўлсанг, куёвлар бу рамақижоннинг суробини тўғрилаб қўйишади!

Мелантий шундай деб туриб Одиссейни қаттиқ тепади, лекин Одиссей унинг тепкиси зарбидан «қилт» ҳам этмайди. Дарғазаб Одиссей бу сурбет чўпонни тутиб олиб миясини пачакламоқчи бўлади-ю, лекин ҳозирча бу шаштидан қайтади.

– Шошмай тур ҳали, – деб пўписа қилади Эвмей чўпонга, – Одиссей қайтиб келса, ҳолингга маймунлар йиғлайди.

– Энди Одиссей икки дунёда ҳам қайтиб келмайди, – деб густоҳлик билан жавоб қилади Мелантий, – яқинда куёвлар Телемахни ҳам гумдон қилишади, сени бўлса, Эвмей, биронта хорижий савдогарга қул қилиб сотиб юборишади.

Мелантий шундай таҳдид сўзларни айтиб жўнаб кетади.

Эвмей билан Одиссей шошилмасдан йўлларида давом этадилар ва, ниҳоят, шоҳ саройи бўсағасига етиб келадилар. Ичкаридан кифара садоси ва қўшиқ эшитиларди. Куёвлар базми айни қизиган пайт эди. Эвмей билан Одиссей гангир-гунгур гаплашганча ҳовлига кирадилар. Ҳовлига кираверишда, дарвозанинг шундоққина тагида Одиссейнинг қариб қолган ити Аргус ётарди. У соҳибининг овозини эшитган ҳамона дарров қулоқларини диққайтиради. Вафодор Аргус ўз эгасини танийди, думини ликиллатади, ўрнидан туриб эгаси олдига пешвоз югуриб бормоқчи бўлади, лекин унинг қимирлашга ҳам ҳоли қолмаган эди. Ҳамманинг эътиборидан қолган бу қари итнинг умри тугаган эди. Одиссей ҳам вафодори Аргусни бир қарашда танийди. Шу заҳоти кўзига ғилт-ғилт ёш келади; у йиғлаганини Эвмейга сездирмаслик учун дарров қўли билан ёшини артиб олади. Шу пайт Аргус бир силкинадию жон қазо қилади. У ўз соҳибини йигирма йил кутган ва энди уни, ҳатто, гадо қиёфасида ҳам бир қарашда таниган эди.

Базмхонага олдин Эвмей киради, у Телемахнинг ёнига бориб ўтиради. Орқасидан Одиссей ҳам киради. Лекин у меҳмонлар даврасига бормай, шундоққина остонада, эшикка суяниб ўтиради. Телемах уни кўрган заҳоти хонтахтадан нон билан бир бўлак гўшт олиб, Эвмейга тутқазади ва гадога элтиб беришни буюради, яна: «Айт унга, меҳмонлар олдига келиб, бемабол хайр-садақа сўрайверсин», – деб тайинлайди. Шунда Одиссей ўрнидан

туриб, меҳмонлар қошига бир-бир келиб садақа сўрай бошлайди. Ҳамма меҳмонлар ҳам унга бирон нима хайр қилишади, фақат Антиной унга ҳеч нима узатмайди. Лекин Одиссей: «Хайр қилинг, афандим», – деб унинг тепасида туриб олади. Бағри тош, кўрс Антинойнинг ғазаби қайнаб, Одиссейни хайдаб юборади. Одиссей ундан нари кетар экан, шундай дейди:

– Қарасам, худолар сенга ҳусн беришга беришибди-ю, аммо ақл улашганда сени четлаб ўтишибди. Бўлмаса, мендек бир кашшоқдан бир бурда нонни, – яна ўзингнинг эмас, бировнинг нонини аярмидинг?

Бу маломатдан қаҳри қайнаган Антиной ёнида турган курсини олиб, зарб билан Одиссейга отади, курси учиб бориб Одиссейнинг елкасига тетади. Лекин Одиссей бу кучли зарбадан хиёлгина ҳам гандиракламайди, у пойдор қоядек қилт этмай тураверади, фақат бошини таҳдидона бир силкиб қўйиб, яна остона олдига бориб ўтиради-да, шундай дейди:

– Агар одам ўз мол-дунёсини ҳимоя қиламан деб калтак еса, бунинг ҳеч уятли томони йўқ. Интиком маъбудалари Эринияларнинг қашшоқ гадоларга ҳам ҳомийлик қилишлари рост бўлса, бу ерда Антинойга куёв бўлиш эмас, ўлим насиб этгай.

Антиной Одиссейнинг бу гапини эшитиб баттар ғазабланади, лекин ўзга қайлиқлар унга таъна қиладилар:

– Ахир садақа сўраб келган бу мусофирни олдин ўзинг таҳқирладинг-ку. Эҳтиёт бўл, аксар пайт боқий худолар одамлар орасига шунақа мусофир қиёфасида кириб келганларини эшитганмиз. Тағин панд еб қолма.

Телемах отасининг Антиной томонидан таҳқирланганини кўриб қаттиқ ғазабланади, лекин Одиссей билан тил бириктирганини эслаб, ғазабини тизгинлайди.

Антинойнинг мусофир қарияни ҳақорат қилгани Пенелопанинг ҳам қулоғига етади ва у суллоҳ Антинойдан янада қаттиқроқ нафратлана бошлайди. У Эвмейни ёнига чақиртириб, ундан бу мусофирнинг кимлигини суриштиради. Одиссей бир вақтлар шу мусофирнинг отаси уйида меҳмон бўлганини эшитиб, шундай дейди:

– Одиссей қайтишига аминман, шунда у ўғлим Телемах билан биргалликда бу сурбет куёвлардан шафқатсиз қасос олгай!

Пенелопа шу гапни айтиб бўлиши билан, Телемах қаттиқ аксириб юборади. Бу ҳол Пенелопани севинтириб юборади: «Ҳақ рост», – дейди у ва бир кунмас бир кун бу суллоҳ куёвларнинг эри томонидан албатта маҳв этилажагига қатъий ишонади.

Пенелопа мусофирдан ўз шавҳари Одиссей тўғрисида сўрамоқчи бўлади ва Эвмейга, уни қошимга бошлаб кел, деб буюради. Лекин Одиссей шу топда Пенелопанинг ҳузурига бора олмаслигини айтади; у куёвларнинг баттар ғашига тегмаслик учун Пенелопадан кечгача сабр қилиб туришни илтимос қилади. Пенелопа уни кутишга рози бўлади.

Куёвлар базми тобора авжга мина бошлайди.

Қоронги тушиб тун бошланади. Эвмей аллақачон уйига жўнаб кетган эди. Лекин куёвлар ҳамон тарқалишмасди. Шу пайт бирдан остонада бир гадо пайдо бўлади. Унинг исми Ир бўлиб, мечкайлиги ва бадмастлиги билан бутун Итакага отнинг қашқасидек танилган эди. Ир базмхона эшиги тагида ўтирган бегона гадони кўриб, уни бу ердан ҳайдашга тушади. Лекин Одиссей жойидан жилмайди. Шунда Ир, агар ҳозироқ туёғингни шикиллатмасанг, пўстагингни қоқаман, деб дўқ қилади. Ўртада жанжал кўтарилади. Жанжални Антиной эшитиб қолади. У вақтичоғлик қилиш учун эрмак топилганидан хурсанд бўлиб, Ирни мусофирга гиж-гижлайди, олишувда ғолиб чиққанга эчкининг қовурилган ошқозонини ваъда қилади, яна, ўша голибнинг ҳар куни келиб, меҳмонлардан хайр-садақа сўрашига ижозат беради. Куёвлар Ир билан Одиссейнинг атрофини ўраб олишиб, икковини гиж-гижлай бошлайдилар. Одиссей ракиби билан олишишга розилик билдиради, лекин Ирга кўмаклашмайсизлар, деб куёвларга қасам ичдиради. Куёвлар қасам ичишади. Шунда Одиссей эгнидаги чувринди либосини ечиб, у билан белини боғлайди. Куёвлар-мусофирнинг алпкелбат жуссасини, унинг мушакдор билаклари, кенг кўкраги ва яғринини кўриб ҳанг-манг бўлиб қоладилар. Ир Одиссейнинг важоҳатини кўриб кўрқиб кетади, аммо энди олишмай иложи йўқ эди, чунки куёвларнинг амри билан куллар унинг белини бир зумда боғлашиб, Одиссейга рўпара қилишган эди. Ир кўрққанидан дағ-дағ титраб, оёғида зўрға турарди. Одиссей унинг ахволини кўриб: «Бунини бир мушт билан ўлдириб қўяқолсаммикин ё фақат бир зарб билан йиқитсаммикин? – деб ўйлайди. – Йўқ, ўлдирмайман, куёвлар билагим кудратини кўриб, мендан шубҳаланиб қолишлари мумкин». Шунинг учун, Ир Одиссейнинг елкасига бир мушт туширганидан кейин, Одиссей ўз навбатида рақибининг кулоғи остига бир шапалоқ уриб, уни чалпак қилади. Ир ерга ётиб олиб оғриқдан додлай бошлайди. Шунда Одиссей уни оёғидан олиб, базмхонадан ховлига судраб чиқиб кетади ва дарвоза яқинида уни деворга суяб ўтқазиб қўяди-да, йиртиқ халтасини елкасига ташлаб, ҳассасини қўлига тутқазади. Одиссей, уни ўз уйдан ҳайдамоқчи бўлган Ирни шундай жазолаган эди. Куёвлар суллоҳ Ирдан кутулганларига хурсанд бўлишиб, мусофир гадони зафар билан самимий табриклашади. Амфином эса, унга бир қадах май тутаркан, худолар сенга яна бахт ва бойлик ато этсинлар, деб тилак билдиради. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу Амфином кўпинча куёвларни бебошлик қилишдан қайтарар ва ҳаминша Телемахни ҳимоя қилар эди. Бунини Одиссей эшитган эди, шунинг учун у Амфиномни фалокатдан кутқармоқчи бўлиб, унга маслаҳат беради:

– Сен, Амфином, ҳозироқ уйингга кет. Ҳадемай бу ерга Одиссей етиб келади, ана унда куёвларнинг биронтаси ҳам соғ қолмайди.

Бирок Амфином мусофирнинг маслаҳатига қулоқ солмайди, у ўз ихти- ёри билан ўз ажали сари бораётган эди.

Бу аснода Афина-Паллада Пенелопа кўнглида куёвлар ҳузурига чиқиш истагини уйғотади: у куёвлардаги бу жувонга уйланиш иштиёқини янада зўрайтирмоқчи ва, айни пайтда, Пенелопанинг ўз эри ва ўғлига нақадар вафодорлиги, нечоғлик меҳр қўйганлигига Одиссей билан Телемахни яна ҳам кўпроқ ишонтирмоқчи бўлади. Пенелопа Эвриномага дарҳол икки жор- рияни чақиришни буюради. Бу жориялар уни куёвлар ишрат қилиб ўтирган базмхонага етаклаб боришлари лозим эди. Эвринома буйрукни бажаргани хонадан чиқади, шу заҳоти маъбуда Афина Пенелопани бир зумгагина ух- латиб қўяди ва унга уйқудалик чоғида шундай баркамол ҳусн ато этадики, Пенелопанинг жамоли мисоли муҳаббат маъбудаси Афродитаникидек ну- рафшон бўлади. Шу пайт жориялар киришиб, Пенелопани уйғотишади. У ўрнидан туриб куёвлар ҳузурига йўл олади. Меҳмонлар базмхонага кириб келган Пенелопанинг жамолига махлиё бўлиб қоладилар. Пенелопа эса, ўғли Телемахни ёнига чақириб олиб, ўз уйингда шу шўрлик мусофир- ни таҳқирлашларига йўл қўйиб қўйгани уялмадингми, деб унга маломат қилади. Телемах онасининг таънасига мутелик билан қулоқ солади. Шун- да Эвримах исмли бир куёв Пенелопага юзланиб, унинг ҳуснижамолига ҳамду санолар айта бошлайди. Пенелопа унинг мақтов сўзларини эшитиб бўлгач, унга жавобан, аввалги ҳусну латофатидан заррача ҳам қолмагани, Одиссей кетгандан кейин ҳусни хазондек сўлгани, фақат шавҳари Одис- сей қайтиб келсагина яна гулдек очилиб кетажagini гапирди. Кейин у куёвларга маломат қилиб: «Сизлар мени орангиздан биронтангизга мажбуран турмушга чиқишга ундамоқдасиз, боз устига, уялмай-нетмай Одиссейнинг уйида ишрат қилиб, унинг давлатини ғорат қилиб ётиб- сизлар. Қадимги удумимизни унутгансизлар. Илгари қайлиқлар беҳисоб совға-саломлар билан ўз қаллиғининг кўнглини овлашар, унинг кўнглида муҳаббат туйғусини уйғотишар эди», – дейди. Бу таъна сўзларини эшитган куёвлар дарҳол хизматкорларини қимнатбаҳо совғалар олиб келишга юбо- радилар ва Пенелопанинг кўнглини овлаш ниятида унга ўша совғаларни ҳада этадилар. Пенелопа совғаларни индамай қабул қилиб, хосхонасига чиқиб кетади.

Пенелопа кетиши билан куёвлар жорияларга базмхонани яхшироқ ёритиш учун учта катта чироқ олиб келиб ёқишни буюрадилар. Жория- лар буйрукни бажарадилар. Шунда Одиссей жорияларга, сизлар бориб ўз ишларингиз билан шуғулланаверинглар, чироқларга ўзим қараб ту- раман, дейди. Лекин Меланто исмли жория Одиссейни куракда турмай- диган сўзлар билан ҳақорат қилиб устидан кулади. Одиссей бу беадаб Мелантога, устингдан Пенелопага арз қиламан, деб пўписа қилади. Жо- риялар кўрқиб кетиб, тез чиқиб кетадилар. Одиссей базмхонада ёқилган

чироқларга кўз-қулок бўлиб туради. Шунда Эвримах куёвларни дилхуш қилиш учун Одиссейнинг устидан кулиб, шундай дейди:

– Назаримда, манави мусофирни ҳузуримизга бирон-бир тангри юборган-ов, базмхонамиз чароғон бўлсин учун. Қаранглар, бу уйни чироқлар эмас, балки манавининг битта ҳам туки йўқ боши ёритиб турипти.

Куёвлар қаҳ-қаҳ уриб кулишади, Эвримах эса, Одиссейни баттар мазах қила бошлайди. Лекин Одиссей унга сиполик билан жавоб қилади:

– Эвримах! Сен жуда калондимоғ бўлиб кетибсан. Улфатларинг заиф одамлар бўлгани учун ҳам, ўзингни қудратли деб фараз қиялсан. Агар шу топда бу ерга Одиссей келиб қолса борми, шўринг қуриб, қочгани жой топа олмай қолардинг.

Бу гапдан ғазаби қайнаган Эвримах ерда турган бир курсини олиб, уни Одиссейга отади. Лекин Одиссей эпчиллик билан чап бериб қолади. Курси учиб бориб, меҳмонларга қадахларда май сунаётган қулнинг қўлига тегади. Қул аламдан инграб йиқилади, қўлидаги кўза ерга тушиб, май тўкилади. Куёвлар шовқин кўтаришади. Улар, мана шу бадбахт мусофир келгандан буён тинчимиз йўқолди, деб зорлана бошлайдилар. Лекин Телемах, бу бетинчликка сабаб бошқа, ҳаммангизнинг кайфингиз ошиб қолди, энди базмга чек қўйиш керак, дейди. Телемахнинг бу гапи куёвларни ранжитган бўлса ҳам, яна бир қадахдан май ичиб, базмни тугатиб уй-уйларига кетишга мажбур бўладилар.

Базмхонада битта ҳам куёв қолмайди. Шунда Одиссей Телемахга, бу ердаги ҳамма қурол-яроқларни олиб чиқиб кетиш керак, деб айтади. Телемах энага Эвриклеяни чақириб, ҳамма жорияларни хона-хоналарига қамаб қўйишни буюради: базмхонадан қурол-яроқларни, тутунда бузилмаслиги учун, олиб чиқиб кетилаётганини ҳеч ким кўрмаслиги керак эди. Эвриклея шу заҳоти Телемахнинг амрини бажаради. Телемах билан Одиссей қуролларни ташишаётганда маъбуда Афина ўзи кўзга кўринмаган ҳолда нурафшон чироғи билан ота-боланинг йўлини ёритиб туради. Қандайдир хуфия бир нур ҳамма ёқни чароғон қилиб турганини кўриб ҳайрон қолган Телемах, бу ниманинг ёруғи, деб отасидан сўрайди. Лекин Одиссей унга савол беришни ман этади, чунки ўғли саволлари билан маъбудани газаблантириб қўйишидан қўрқар эди. Қуроллар йиғиштириб бўлингач, Одиссей Пенелопанинг ҳузурига йўл олади. Пенелопа бу мусофир чолдан эри Одиссей тўғрисида бирон хушxabар эшитиш ниятида, уни сабрсизлик билан кутмоқда эди. Телемах эса бу пайт ўз хобхонасига кириб, оромбахш уйкуга ғарқ бўлади.



ОДИССЕЙ ВА ПЕНЕЛОПА



Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Птелемах ухлагани кириб кетгандан кейин Пенелопа жориялари билан базмхонага келади. Жориялар соҳибалари учун ўчоқ яқинига фил суягидан ясалиб, кумуш билан безатилган оромкурси қўядилар ва куёвлар маишат қилган хонтахта устидаги овқат қолдиқларини йиғиштиришга тушадилар. Жория Меланто яна Одиссейни бўралаб қаргаб, уйдан ҳайдай бошлайди, агар ҳозироқ қорангни ўчирмасанг, ўчоқдан ёниб турган косовни олиб уриб ҳайдайман, деб пўписа қилади. Одиссей унга ғамгин боқиб шундай дейди:

– Нега менга ҳадеб тирғанасан? Тўғри, мен қашшоқ гадоман! Нима қилай, пешонамга ёзилгани шу экан. Илло бир вақтлар мен ҳам жуда бадавлат бўлганман. Бироқ Зевснинг иродаси билан барча бойликларимдан жудо бўлдим. Ким билсин, эҳтимол, сен ҳам бир кун келиб гўзал жамолингдан айриларсан, ана унда сен ҳам соҳибангнинг нафратига учрагайсан. Билиб қўй, агар Одиссей қайтиб келса, бу густоҳлигинг учун у адабингни бергай. Мабодо қайтиб келмаган тақдирда ҳам, уйда Телемах бор, у жорияларнинг барча қилмишларидан хабардор. Ундан ҳеч нимани яшириб бўлмайди.

Одиссейнинг бу гапларини Пенелопа эштиб қолади ва у ғазабланиб Мелантога шундай дейди:

– Нима бало, ҳаммага худди кутурган итдек ташланасан?! Ҳамма қилиқларингни кўриб, билиб юрибман! Бу бадхулқлигинг учун каллангни олишга тўғри келмасин, тағин. Нима, мусофирни бу ерга мен тақлиф қилганимни билмайсанми?

Пенелопа мусофир учун ўчоқ яқинига курси қўйишни буюради. Мусофир уй соҳибасининг рўпарасига ўтиради. Шунда Пенелопа ундан Одиссей тўғрисида сўрай бошлайди. Мусофир бир замонлар Одиссейни ўз уйида меҳмон қилгани ҳақида сўзлайди. Ўшанда Одиссей Троя жангига кетаётганида денгизда довул кўтарилиб, Крит оролида лангар ташлашга мажбур бўлган эди, дейди у. Демак, бу қария Одиссейни йигирма йил бурун кўрган экан. Пенелопа шу тўғрида ўйлаб йиғлаб юборади. Кейин у мусофирнинг қанчалик рост гапирганини синамоқчи бўлиб, ўша пайтда Одиссейнинг қандай кийинганлигини сўрайди. Мусофир учун бу энг осон савол эди, албатта, чунки у ўз либослари ҳақида сўзлаб бериши керак эди. Мусофир Одиссей кийган кийим-бош ҳақида энг майда икир-чикиригача муфассал сўзлаб беради. Пенелопа унинг рост гапираётганига ишонч ҳосил қилади. Кейин мусофир, Одиссей тирик, яқинда у феспротлар мамлакатаида бўлганмиш, кейин тангри Зевснинг

башоратгоҳига сиғинмок учун Додонага ўтганмиш, деб Пенелопани ишонтиришга уринади.

– Одиссей яқинда қайтиб келади, – дейди мусофир. – Йил охирламасдан, хаттоки, янги ой туғмасдан қайтиб келгай Одиссей.

Кошкийди мусофирнинг шу айтганлари рост чиқса! Лекин Пенелопа ҳеч ишона олмасди: ахир у эрини шунча йиллар интизор бўлиб кутди, аммо у ҳануз қайтмаяпти. Пенелопа жорияларга мусофир учун қалин қилиб ўрин солишни буюради. Одиссей бекага миннатдорлик изҳор этади ва ётишимдан олдин энага Эвриклея оёқларимни ювиб қўйса, деб илтимос қилади. Эвриклея мусофирнинг оёқларини ювиб қўйишга бажонидил рози бўлади: чунки мусофирнинг бўй-басти ҳам, киёфаси ҳам, хаттоки овози ҳам ўзи боқиб катта қилган Одиссейга жуда-жуда ўхшаб кетаётган эди. Мана, Эвриклея мис тоғорада сув олиб келиб, мусофирнинг оёқларини ювмоқчи бўлиб энгашади. Шунда бирдан кўзи Одиссейнинг оёғидаги бир чандиққа тушади. Бу чандиқ кампирга жуда яхши таниш эди. Бир вақтлар Одиссей Парнас тоғи ёнбағрида Автоликнинг ўғиллари билан ов қилиб юрганда, уни қобон жароҳатлаган эди. Эвриклея мана шу чандиқ орқали бу мусофирнинг Одиссей эканлигини билиб олади. У ҳайратга келиб, беҳосдан тоғорадаги сувни тўкиб юборади. Кўзлари жикка ёшга тўлиб, шодликдан титроқ овоз билан шундай дейди:

– Одиссей, сенмисан, жигаргўшам? Сени олдинроқ танимаганимни қара-я!

Эвриклея шу заҳоти Пенелопага эри келганини хабар қилмоқчи бўлади, лекин Одиссей қўли билан кампирнинг оғзини ёпиб, пичирлаб дейди:

– Ҳа, мен ўша сен тарбиялаб ўстирган Одиссейман, энага! Лекин оғзингни юм, сиримни ошкор қилма, йўқса мени хароб қиласан. Қайтиб келганимни биронта ҳам одамга айта кўрма! Агар айтсанг, энагам бўлганинга ҳам қарамай, аёвсиз жазолайман сени.

Эвриклея сир сақлашга қасам ичади. У Одиссейнинг қайтиб келганидан боши кўкка етиб, тоғорада яна бошқатдан сув олиб келиб, соҳибининг оёқларини ювади. Пенелопа не ҳол юз берганини пайқамайди, чунки бу пайт унинг эътиборини маъбуда Афина ўз ихтиёрига олган эди.

Одиссей яна ўчоқ ёнига келиб ўрнига ўтиради, шунда Пенелопа ўзининг аччиқ қисматидан зорланади ва яқинда хобида кўрган тушини сўзлаб беради. Тушида бир бургут учиб келиб, унинг қордек оппоқ хонаки ғозларини битта қўймай чўқилаб ўлдирганмиш, шунда Итаканинг барча аёллари Пенелопа билан бирга ғозларга аза тутишиб йиғлашганмиш. Лекин шу маҳал бургут яна қайтиб учиб келганмиш-да, қаср томига қўниб олиб, одамга ўхшаб гапира бошлаганмиш: «Пенелопа, – деганмиш у, – бу кўрганинг туш эмас, балки яқинда юз беражак воқеанинг аломати.

Гозлар – куёвлардир, мен бўлсам – яқинда қайтиб келгувчи Одиссейман».

– Ўзинг кўриб турибсанки, – дейди Одиссей Пенелопага, – кўрган тушинг кундай равшан, уни таъбирлашга ҳам ҳеч ҳожат йўқ.

Лекин Пенелопа Одиссейнинг қайтиб келишига ҳамон ишонолмасди.

– Эртага мен куёвларни бир синаб кўрмоқчиман, – дейди у мусофирга. – Яъни Одиссейнинг камонини қазноқдан олиб чиқаман-да, уларга шу камондан ўқ отиб нишонга теккизишни таклиф қиламан. Қайси йигит шу таклифимни бажарса, ўшанга турмушга чиқишга рози бўламан.

Мусофир Пенелопанинг бу ниятини маъқуллайди ва синовни пайсалга солмасликни маслаҳат бериб, яна шуни илова қилади:

– Аминманки, куёвлардан биронтаси ҳам камон чилласини тортиб, ўқни нишонга теккизишга улгурмай, Одиссей бу ерга етиб келади.

Пенелопа мусофир қария билан шундай суҳбатлашиб ўтирар эди, холбуки, у ўз эри Одиссей билан суҳбатлашаётганини билмасди. Энди вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолганди. Шунда Пенелопа ўрнидан туриб, ўз хобхонаси сари йўл олади, у ерда маъбуда Афина уни ширин ғафлат оғушига олади.

Одиссей бўлса, буқа териси ва пўстақлар тўшалган юмшоқ тўшақда узоқ вақтгача мижжа қоқмай ётади. У ҳамон куёвлардан қандай ўч олиш тўғрисида ўйларди. Шунда унинг тўшаги бошига Афина яқинлашади; у Одиссейга ёрдам беражагини, ҳадемай барча чеккан азобу укубатлари бошидан соқит бўлажагини айтиб, унинг кўнглини тинчитади.

Шундай оромбахш каломлар билан маъбуда Афина Одиссейни ахири ухлатиб кўяди. Аммо унинг уйқуси узоққа чўзилмайди. Пенелопанинг аччиқ фиғони уни уйғотиб юборади: шўрлик аёл Одиссейдан ҳануз дарак йўқлигига чидолмай фарёд чекиб йиғларди. Одиссей туриб ўрнини йиғиштиради ва ҳовлига чиқиб, Зевсга сиғиниб илтижо қилади:

– Ё бузург тангри, каромат қил, бугун эрталаб мен эшитадиган биринчи сўз орқали хайрли хабар бер менга!

Зевс унинг илтижосини безътибор қолдирмайди: шу заҳоти осмонда момақалдирок гумбурлайди. Бу эрта Одиссей биринчи сўзни қўл тегирмонда ун тортаётган чўри хотиннинг оғзидан эшитади. «Илойим, бугун куёвларнинг Одиссей саройида ишрат қилиши охирги марта бўлсин», деб тилак билдиради аёл. Одиссей бу гапни эшитиб қувониб кетади. Энди у куёвлардан интиқом олишида чакмоқдор Зевснинг мададкор бўлишига қатъий ишонганди.

ОДИССЕЙ КУЁВЛАРДАН ҚАСОС ОЛАДИ

Ҳолмернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Эрталаб бир тўда жориялар базмхонага киришиб, уни бугунги бўладиган куёвлар базми учун йиғиштиришга киришадилар. Эвриклея жорияларни сувга юбориб, уларга хонанинг ҳамма ёгини ювишни, ўтирғичларга янги алвонранг шолчалар ёзишни ва идиш-товоқларни саришталашни буюради. Бу орада Телемах ўз хобхонасидан чиқади, у энагадан, мусофир яхши ётиб турдими, деб сўрайди, сўнг ўзи шаҳар майдонига йўл олади. Бу аснода Эвмей, Филотий ва Мелантийлар куёвлар базмига сўйиш учун саройга бир гала эчки, қўй, чўчка ва бир сигирни ҳайдаб келадилар. Эвмей ва Филотий мусофир билан самимий саломлашадилар, чунки улар дарбадарликда жаҳон кезиб юрган, бошпанаси бўлмаган бу фақир одамнинг ҳолига ачинардилар.

Филотий мусофирга қараб туриб, соҳиби Одиссейни эслайди: наҳотки, соҳибим Одиссей ҳам мана шу шўрликка ўхшаб бегона юртларда бошпанасиз дарбадар юрган бўлса, деб қайғуради у. Эвмей билан Филотий худоларга сизинишиб, соҳибимиз Одиссейни эсон-омон уйига қайтаринглар, деб тавалло қиладилар. Шунда Одиссей бу содиқ хизматкорларининг кўнглини кўтармокчи бўлади ва Филотийга юзланиб шундай дейди:

– Эй, Филотий, муаззам Зевс ҳаққи ва Одиссей саройидаги муқаддас олов ёнувчи ўчоқ ҳаққи, онт ичиб айтаманки, ҳали сен бу ердан кетиб улгурмасингданок, Одиссей уйига қайтиб келади, кейин унинг бебош куёвлардан қандай қасос олишини ўз кўзинг билан кўрасан.

Эвмей ва Филотий мусофир билан шундай хушмуомала бўлган бўлсалар, кўрс Мелантий, аксинча, яна уни ҳақорат қила бошлайди, агар ҳозирнинг ўзида Одиссейнинг уйдан қорангни ўчирмасанг, абжағингни чиқараман, деб дағдаға қилади.

Мана, бу орада куёвлар ҳам йиғила бошлайдилар. Улар Телемахни ўлдиришга аҳд қилган эдилар, аммо тангри Зевс юборган нишона уларни бу шум ниятларидан қайтаради. Куёвлар хонтахталар атрофига ёнбошлаб ёгадилар ва яна зиёфат бошланади. Телемах эшик олдида Одиссей учун курси ва хонтахта қўяди. Сўнг унинг олдида ноз-неъматлар ва май қўйишни буюради, айна пайтда, бу навкирон Одиссейзода катъий оҳангда шундай дейди:

– О, мусофир! Шу ерда бемалол ўтириб, меҳмонларим билан барабар майшат килавер. Унутмаки, сени беҳурмат қилишларига асло йўл қўймайман! Менинг уйим – қаланғи-қасанғи одамлар тўпланадиган мараз қовоқхона эмас, балки шоҳ Одиссейнинг муҳташам қасридир.

Телемахнинг бу сўзларини эшитган Антиной густохлик билан дейди:

– Дўстлар! Майли, Телемах оғизда таҳдид қилаверсин бизга! Зевс хатарли белги намоён қилмаганида-ку, аллақачон унинг танобини тортиб қўйган бўлардик, кейин маҳмадоналик қилиб ғашимизга тегмаган бўларди!

Антинойнинг бу таҳдидига Телемах чурқ ҳам этмайди. У жимгина ўтириб, Одиссейнинг шартлашилган ишорасини кута бошлайди. Маъбу-да Афина эса, Одиссей қалбида ўч олиш иштиёқини янада алангалатиш мақсадида куёвларни баттар қутуртира бошлайди. Ктесипп деган куёв маъбуданинг васвасасига учиб шундай ҳайқиради:

– Кулоқ солинглар, биродарлар! Анави мусофирга Телемах бир дунё овқат билан май инъом этди. Келинлар, биз ҳам уни курук қўймайлик. Масалан, мен унга мана буни садақа қиламан.

Ктесипп шундай деб, ўтирган еридан Одиссейга сигирнинг пишган пойини отади. Одиссей бу зарбага зўрға чап бериб қолади. Буни кўрган Телемах Ктесиппга шундай дағдаға қилади:

– Мўлжални хато олганингга шукр қил! Йўкса, мен камонимдан сени беҳато нишонга олган бўлардим. Ана унда отанг сенинг никоҳ тўйингга эмас, жанозангга ҳозирлик кўрган бўларди. Ҳаммаларингни яна бир марта огоҳлантириб айтаман; менинг уйимда меҳмонимни таҳқирлашларингга йўл қўймайман!

Куёвлар Телемахга гап қайтармай, жим бўлиб қолишади. Агелай эса, келинлар, шўрлик мусофирни тинч қўяйлик, деб куёвларга маслаҳат беради.

Шу чоғ бирдан маъбуда Афина куёвларнинг эс-хушини олиб, уларни худди телбалардек қаҳ-қаҳ уриб кулдира бошлайди. Улар ваҳшиёна кийқиритиб, қотиб-қотиб куладилар. Юзлари докадек оқариб, кўзлари филт-филт ёшга тўлади, қалбларини ғам-ҳасрат туйғуси изтиробга солади. Улар мисоли ваҳший ҳайвонлардек хом гўштларни ғажий бошлайдилар. Айни пайтда, улар шу телбалик васвасаси билан Телемахни мазах қилишга тушадилар. Лекин Телемах уларнинг бу мазах сўзларига парво қилмай, жим ўтираверади. Пенелопа ўз кўшиқда ўтириб, маишат қилаётган куёвларнинг жазавага тушиб бақириб-чақираётганларини эшитади.

Нихоят, у ўрндан туради-да, эри Одиссейнинг хазиначиси сақланган казноққа йўл олади. Бу ерга кириб, у Одиссейнинг метиндек мустаҳкам камонини олади. Бу камон бир вақтлар шоҳ Эвритники эди. Уни Одиссейга Эвритнинг ўғли Ифит совға қилган эди. Пенелопа шу камон билан ўқ тўла садокни олиб, базмхона сари боради. У базмхонага кириб, устун ёнида туради-да, куёвларга мурожаат қилиб дейди:

– Гапимга кулоқ солинглар! Мен сизларга Одиссейнинг камонини олиб келдим. Орангизда кимда-ким шу камоннинг чилласини тортиб, ўқ узса ва

узган ўқи ўн икки ҳалқа ичидан учиб ўтиб, нишонга тегса, мен ўшанга турмушга чиқишга розиман.

Шундай деб, Пенелопа камонни Эвмейга беради. Эвмей ўз соҳибининг камонини кўриб, аччиқ-аччиқ кўзёш тўкади ва уни куёвлар олдига олиб боради. Бу ҳолни кўриб, садокатли Филотий ҳам йиғлаб юборади. Куёвлар эса Одиссейни кўмсаб кўзёш қилаётган бу хизматкорлардан қаттиқ ғазабланадилар. Бу аснода Телемах ерга таёкчалар ўрнатиб, уларга ҳалқалар илади. У ўзи биринчи бўлиб камондан ўқ отмоқчи бўлади; у камонни уч марта эгади, лекин камон чилласини ҳеч таранг торта олмайди. У тўртинчи марта камон тортишга уринганида, Одиссей бош ирғаб, унга имо қиладию Телемах ниятидан қайтади. Энди куёвлар навбатма-навбат камон тортмоқчи бўладилар. Биринчи бўлиб камонни Лейод кўлига олади, лекин у гумбир камоннинг чилласини хиёлгина ҳам торта олмайди. Шундан кейин Антиной Мелантийга камонни ёглаш учун чўчка мойи олиб келишни буюради. У, мой суртилган камоннинг эгилиши осон бўлади, деб ўйлаган эди. Лекин ҳамма куёвларнинг ҳаракати зое кетади. Ҳеч ким камон чилласини торта олмайди.

Бу маҳал Эвмей билан Филотий базмхонадан чиқиб кетадилар, Одиссей ҳам уларнинг ортидан чиқади. Ҳовлида у содиқ хизматкорларини тўхтатиб, уларга ўзининг Одиссей эканлигини ошкор қилади ва бунинг исботи учун оёғидаги қобон тишининг изи – чандикни кўрсатади. Қувончдан бошлари кўкка етган Эвмей билан Филотий соҳибларининг қўл ва оёқларини ўпа бошлайдилар. Одиссей уларни тинчитади, сўнг Эвмейга, мен кўлимга камонни олганим ҳамано энага Эвриклеянинг олдига югуриб бориб, барча жорияларни хоналарига қамаб қўйишни тайинлайсан, деб буюради. Филотийга эса ҳамма дарвозаларни маҳкамлаб беркитишни амр этади. Шундан кейин Одиссей яна базмхонага қайтиб, эшик олдидаги ўз ўрнига хотиржам ўтиради.

Одиссей қайтиб келганида, Эвримах камонга мой суртиб, уни оловга тутиб қиздираётган эди. Кейин у қизиган камонни эгишга уринади, лекин, барибир, эга олмайди. Куёвлар барча хатти-ҳаракатлари пучга чиққанини кўриб, камон тортишни эртага қолдиришга, бутун эса, маишатни давом эттиришга қарор қиладилар. Шунда Одиссей, рухсат берсанглар, мен ҳам бир уриниб кўрардим, деб куёвлардан илтимос қилади. Куёвлар Одиссейнинг бу илтимосини эшитиб, уни мазах қилиб кула бошлайдилар. Лекин ичларида, бу мусофир бизни шарманда қилиб қўйиши ҳам мумкин, деб кўрқадилар. Пенелопа камонни мусофирга беришни талаб қила бошлайди. Телемах онасининг сўзини бўлиб, ундан ўз хонасига кириб кетишни илтимос қилади, сўнг Эвмейга камонни мусофирга олиб келиб тутқазишни буюради. Эвмей камонни кўлига олганида куёвларнинг ғазаби қайнаб, бутун базмхонани бошларига кўтарадилар. Эвмей кўрқиб кетади, лекин Телемах унга бақариб беради. Эвмей камонни олиб келиб, Одиссейга тутқазадию

ўзи шошганча Эвриклеянинг олдига югуради ва унга Одиссей тайинлаган гапни айтади. Филотий бўлса, бу маҳал дарвозани маҳкамлаб беркитади.

Одиссей камонни қўлига олади ва худди қўшиқ айтишга чоғланган хонанда ўз кифарасини чертиб, синаб кўрганидек, у ҳам камонни синчиклаб кўздан кечиради. Одиссей ўз камонини ҳеч қийналмасдан эгади, чилласининг нечоғлик таранглигини бармоғи билан чертиб синаб кўради. Чилла даҳшатли даранглайди. Буни кўриб куёвларнинг ранги ўчиб кетади. Шу пайт осмонда момақалдироқ гумбурлайди – бу Зевснинг Одиссейга берган ризолик аломати эди. Одиссейнинг қалби қувончга тўлади. У ўтирган ўрнида чиллага ўқ қўйиб, уни нишонга отади. Ўқ ўн иккита халқанинг ҳаммасининг ичидан учиб ўтади. Одиссей Телемахга қараб шундай дейди:

– Телемах! Мана, меҳмонинг сени хижолатга қўймади! Ўзинг кўрдинг, мен камон тортишда асло қийналмадим. Йўқ, ҳали куч-қувватдан қолмабман! Энди бу базмгоҳда бошқача кифара янграйди!

У қовоғини солиб, Телемахга ишора қилади. Телемах белига шамширини такади, қўлига найза олиб, Одиссейнинг ёнига келиб туради.

Одиссей эгнидаги жулдур кийимини ечиб ташлаб, остонада туриб олади, садокдаги ўқларни ерга, оёғи остига тўкиб, куёвларга қараб ҳайқиради:

– Мен биринчи нишонга бехато урдим! Энди ўзимга янги нишон танладим, бу нишонни ҳали ҳеч ким мўлжалга олгани йўқ. Аминманки, ўқимнинг нишонга бориб тегишида ёйандоз тангри Аполлоннинг ўзи менга мададкор бўлгай!

Одиссей шундай деб камонидан Антинойга қарата ўқ отади. Ўқ қадахдаги майни энди сипқармоқчи бўлиб турган Антинойнинг томоғини тешиб ўтади. У гандираклаб кетиб, хонтахтани ағдариб юборади ва ерга йиқилиб, тил тортмай ўлади. Куёвлар дод солишиб, ўринларидан туриб кетадилар. Улар деворга осилган қуроқларини олмоқчи бўладилар, лекин қарасалар, бу ерда биронта қурол йўқ. Шу маҳал Одиссей яна таҳдид солиб ҳайқиради:

– Ҳа-а, мальюн кўппаклар! Мени энди қайтиб келмайди, деб ўйлаганмидиларинг? Мол-давлатимни бемалол торож қилмоқчимидиларинг? Овора бўласанлар! Энди ҳаммаларинг ўлимга маҳкумсанлар!

Шунда Эвримах худонинг зорини қилиб, бизларга раҳм қил, торож қилинган молларинг эвазига беҳисоб товон тўлаймиз, деб ёлборади, лекин Одиссей унинг ноласига қулоқ солмайди. Одиссейнинг қалбида қасос ўти аланга оларди. Куёвлар ўзларини ҳимоя қилишдан ўзга чора қолмаганини тушунадилар. Улар шамширларини яланғочлаб, хонтахталарни қалқон қилиб, Одиссейнинг ажалкаш ўқларидан ўзларини ҳимоя қилишга киришадилар. Эвримах қўлида шамшир билан Одиссейга ҳамла қилади, лекин кўкрагига санчилган камон ўқидан маҳв бўлиб ерга қулайди. Шу чок

Амфином Одиссейга ташланади, лекин уни Телемах найза отиб ўлдиради. У Амфиномни ўлдиргач, курол олиб келгани югуриб чиқиб кетади. У омборхонадан ўзи, Одиссей, Эвмей ва Филотий учун тўртта қалқон ва саккизта найза кўтариб чиқади. Бу вақт ичида Одиссей куёвларга қарата камонидан пайдар-пай ўқ узарди. У отган ўқнинг биронтаси хато кетмасди, куёвлар бирин-кетин кулаб, ер тишлашарди. Мана, Телемах курол кўтариб кириб келади. Одиссей куролланади, Телемах, Эвмей ва Филотийлар қўлларидаги найзаларни силкитиб, Одиссейга қўлдош бўлиб туришади.

Телемахнинг чиқиб курол олиб келганини хоин Мелантий сезиб қолади; у ими-жимида омборхонага кириб бориб, у ердан ўн иккита қалқон билан ўн иккита найза олади: отасига ёрдамга шошилган Телемах омборхона эшигини кулфлашни унутган эди. Мана, энди куёвлар ҳам куролланишади. Уларнинг куролланганини кўрган Одиссейнинг юраги орқага тортиб кетади. Демак, кимдир хоинлик қилиб, куёвларни курол-яроқ билан таъминлаган. Яхшиямки, Эвмей хушёрлик қилиб, омборхонага пусиб кирган Мелантийни пайқаб қолади ва бу ҳақда Одиссейга хабар қилади. Одиссей Эвмей билан Филотийга хоинни омборхонага кирган пайтида тутиб, оёқ-қўлини чандиб боғлаб, ўша ерга қамаб қўйишни буюради. Эвмей билан Филотий омборхонага аста оёқ учида юриб бориб, Мелантийни янги курол-аслаҳалар кўтариб чиқаётган чоғида тутиб, ерга таппа босадилар-да, оёқ-қўллари орақасига қайриб боғлаб, шу омборхонанинг ўзида уни шифтдаги тўсинга осиб қўядилар ва истехзо билан шундай дейдилар:

– Энди, Мелантий, курол-яроқларни ўзинг қўриқлайсан-да! Сени биноийдек жойлаштирдик, ғафлатда қолиб, тонг отганини сезмай қолмассан.

Улар шундай деб, яна бир талай курол олиб, куёвлар ҳамласини даф қилаётган Одиссей билан Телемахга ёрдамга шошиладилар.

Худди шу пайт Афина-Паллада Одиссейнинг ёнида унинг итакалик дўсти Ментор қиёфасида намоён бўлади. Одиссей уни ёрдамга чақиради; куёвлар эса, агар Одиссейга ёрдам берсанг ўлдирамиз, деб Менторга пўписа қила бошлайдилар.

Бу пўписани эшитган Афина куёвлардан багтар ғазабланади. У Одиссейга юзланиб: нега шалвирайсан, қани сенинг Троя бўсағасида кўрсатган жасоратларинг, деб маломат қилади, сўнг у бирдан қалдирғочга айланиб, шифтга учиб чиқади-да, куёвлар тепасидаги харига қўнади. Куёвлар Одиссейга, Телемахга ва уларнинг икки содиқ хизматкорига ҳамла қилиб, уч марта кетма-кет найзалар отишади, лекин Афина ҳар сафар найзалар йўналишини ўзгартиради.

Одиссей билан унинг сафдошлари эса, ҳар ҳамлада тўрттадан куёвни махв этар эдилар. Филотий ўз найзаси билан Ктесиппни ўлдиради ва суюниб кетиб шундай дейди:

– Энди тилингни тиядиган бўлдинг, касофат сўконғич! Одиссейга «садақа» қилганинг – молнинг пишган оёғи эвазига, мана, ажойиб «шувағанг»ни олдинг.

Махв бўлган куёвлар бирин-кетин ер тишлайверадилар. Шу пайт бирдан маъбуда Афина куёвларнинг боши узра ўзининг дахшатли калконини силкитади. Куёвлар ваҳимага тушиб, худди телба одамлардай ўзларини ҳар ёкка ура бошлайдилар, одатда, яйловда ўтлаб юрган буқалар, уларни сўна чакқанида, ўзларини қўярга жой топа олмай, ҳар томонга шунақа шаталоқ отадилар. Одиссей, Телемах, Эвмей ва Филотийлар эса, худди кабутарларни кийратувчи лочинлар янглиғ, куёвларни тўхтовсиз кириб ётардилар. Ҳалок бўлаётганлар жон аччиғида дод солардилар. Улар ажалкаш ўқлардан ҳеч ерга яширина олмасдилар. Шу пайт Лейод исмли куёв Одиссей олдига югуриб келиб, ундан шафқат сўрайди, лекин Одиссей унга шафқат қилмайди, шамшир билан калласини чопиб ташлайди. У куёвлар базмида ноиложликдан қўшиқ айтган хонанда Фемийга Телемаҳнинг илтимоси билан ва яна сигир терисини ёпиниб беркиниб олган жарчи Медонтгагина раҳм қилади. У Фемий билан Медонтга, ховлига чиқиб, ўша ерда мени кутиб туринглар, деб буюради. Ўзи, биронта куёв тирик қолмадимикин, деб ҳамма ёкка кўз югуртириб чиқади: биронта ҳам куёв жон сақлаб қололмаган эди.

Шундан сўнг Одиссей Эвриклеяни чакиртиради. Энага соҳибининг амрига қулоқ солиб, зумда етиб келади ва ҳамма ёғи қонга беланган Одиссей куёвларнинг жасадлари тепасида худди буқалар подасини ғажиб ташлаган шердек турганини кўради. Одиссей энагани куёвларга муттасил ёрдам қилиб келган жорияларни чақириб келишга юборади. Эвриклея ўн икки нафар жорияни бошлаб келади. Улар келиб, дод солиб йиғлай бошлайдилар ва Одиссейнинг буйруғи билан жасадларни сарой олдидаги пешайвонга олиб чиқиб, қатор қилиб ётқизадилар. Кейин улар бутун базмхонани ювиб тозалаб чиқадилар. Шундан сўнг Одиссей уларнинг ҳаммасини, ўзи билан Пенелопага хиёнат қилганлиги учун, қатл этишни буюради. Шунингдек, у хоин Мелантийни ҳам қатл этиради.



ОДИССЕЙ ПЕНЕЛОПАГА ЎЗИНИ ТАНИТАДИ



Ҳолмернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Одиссей Эвриклеяга исириқ олиб келиб тутатишни ва шу йўл билан базмхонани поклашни буюради. Ниҳоят, мана, Одиссейнинг садоқатли жориялари тўпланишади ва ўз соҳибларини ўраб олиб, унинг

кўлларида ўпишади, хоки пойини кўзларига суртишади. Ахири эсон-омон қайтиб келганидан беҳад кувониб, кўзёш қилишади. Одиссей ҳам ўзини садоқатли хизматкорлари даврасида кўриб, севинганидан кўз ёшларини тия олмайди.

Аҳли хоиадон Одиссейни қутлаш билан банд бўлган пайтда, Эвриклея Пенелопанинг хобхонасига югуриб бориб, уни уйғотади ва унга хушхабарни, яъни шавҳари Одиссей, ниҳоят, қайтиб келганини ва ҳамма куёвларни қириб ташлаб, улардан интиком олганини айтади. Пенелопа бунга ишонмайди. Эвриклея мени калака қилмоқчи, деб ўйлайди у. Лекин Эвриклея, Одиссейнинг қайтиб келгани рост, деб соҳибасини азза-базза ишонтиришга уринади; Пенелопа билан кеча анча маҳалгача суҳбатлашиб ўтирган мусофир Одиссейнинг ўзи эканлигини, Эвриклея уни оёгидаги чандикдан таниб қолганини, аммо у қайтиб келганини вақти-соати келгунча, ҳатто, Пенелопадан ҳам сир тутишни буюрганини бирма-бир сўзлаб беради. Лекин Пенелопа Одиссейнинг бир ўзи шунча куёвни қириб ташлаганига ҳеч ишона олмасди. Ниҳоят, у базмхонага тушишга рози бўлади. Тушиб Одиссейни кўради-ю, дарҳол ўзимни унинг кучоғига отсаммикин, ё олдин бу мусофирнинг чиндан ҳам эрим эканлигини ўзидан сўраб-суришгирсаммикин, деб тараддудда қолади. Мана, Пенелопа бориб мусофирнинг ёнига ўтиради. У мусофирнинг чеҳрасига тикилиб қараркан, унинг дам Одиссейга ўхшаб кетаётганини, дам эри эканлигига кўнглида шубҳа уйғотаётганини ҳис қилади. Онасининг иккиланаётганини кўрган Телемах унга таъна қилиб дейди:

– Шунчалик тошбағирмисан, онажон? Шунча йилдан бери интизор бўлиб кутган эринг қайтиб келса-ю, сен бир оғиз ҳам илик сўз айтмай, гунг бўлиб ўтирсанг-а. Оғир жудоликдан кейин қайтиб келган жуфти ҳалолини бунчалик совуқ кутиб оладиган сендақа хотин дунёда топилмаса керак.

– Нуридийдам ўғлим, кўриб турибсанки, ҳаяжонланганимдан тилим лол бўлиб қолди, – деб жавоб қилади Пенелопа. – Агар бу мусофир ҳақиқатан ҳам Одиссей бўлса, у билан икковимиз ўртамизда шундай бир сир борки, биз шу сир орқали бир-биримизни таниб олурмиз.

Шунда Одиссей жилмайиб, Телемахга дейди:

– Ўғлим! Онангни тинч қўй. Саволини бериб, Одиссей эканлигимга ўзи ишонч ҳосил қилсин. Ҳозир эса, биз қандай қилиб куёвларнинг ҳалок бўлганини вақтинча шаҳар аҳолисидан сир сақлаш ҳақида ўйлашимиз керак. Зеро, энг аслзода йигитларни маҳв этдик, уларнинг қариндошлари биздан ўч олиш мақсадида исён кўтаришлари мумкин.

Одиссей Фемийга кифара чалишни, бутун аҳли хонадонга – қуллару чўриларга эса шўх-шўх қўшиқ айтиб, ўйинга тушишни буюрадики, қасрда шодиёна зиёфат бўлаётгандек кўринсин. Шу заҳоти Одиссейнинг буйруғини бажаришга киришадилар. Дарҳақиқат, сарой яқинидан ўтган одамлар, Пе-

нелопа куёвлардан биронтасига турмушга чиқаётганга ўхшайди, никоҳ тўйи бўляпти, деб ўйлайдилар.

Бу орада Одиссей ювиниб, покланиб, шоҳона либослар кияди ва кўшкка чиқиб Пенелопанинг рўбарўсига ўтиради. Энди Афина Одиссейга илохий ҳусн ато этган эди. Одиссей Пенелопани ишонтириш учун фақат икковларигагина аён бўлган сирни очишга аҳд қилади. У Эвриклеяни чакириб, ўзи учун чорпоёга тўшак солишни буюради, шунда Пенелопа энагага бундай дейди:

– Яхши, сен бунга тўшак сол, Эвриклея, фақат мухташам чорпоёни эрим Одиссейнинг хобхонасидан ташқарига олиб чиқ.

– Малика! – дейди унга Одиссей. – Ўша ўзим ясаган чорпоёни мendan бошқа ким ҳам жойидан жилдира олиши мумкин? Ўзинг яхши биласан-ку, мен уни саройимиз яқинида ўсган азим зайтун дарахтининг тўнкасидан ясаган эдим. Ўзим у зайтунни кесгандим, сўнг тўнкасининг атрофини ўраб, ундан чорпоё ясагандим, чорпоёни олтин, кумуш ва фил суяги билан безагандим. Балки, мен йўқлигимда биронта одам у тўнкани арралаб, ўрнидан кўзғатгандир?

Мана шу гапдан кейин, Пенелопа қаршисида ўтирган одам Одиссей эканлигига ишонч ҳосил қилади. Чунки ўша чорпоёнинг қандай ясалиб, қандай тузилганини фақат эр-хотин – икковларигагина билишарди. Пенелопа юм-юм йиғлаб, ўзини Одиссейнинг кучоғига отади ва қалби тўла меҳр билан уни ўпа бошлайди. Одиссей ҳам кўзлари жикка ёшга тўлиб, вафодор завжасини кўксига босиб кучоқларкан, ундан қайта-қайта бўса олади – денгиз тўфони соҳилга чиқариб ташлаган баҳрий тирик қолганига шукур қилиб ерни шундай ўпади. Одиссей билан Пенелопа бир-бирларини бағирларига босганча, узоқ вақт йиғлайдилар. Агар маъбудда Афина бу висол тунини узайтирмаганида ва шафақ маъбудаси заркокил Эосга бош кўтариб самога чиқишни тақиқламаганида, улар шу алпозда бир-бирларини кучганча тонг оттирган бўлардилар.

Мана, Одиссей билан Пенелопа меҳмонхонани тарк этиб, оромгоҳлари томон йўл оладилар. Телемах қуллар ва жорияларга қўшиқ ва рақсни бас қилишни буюради, шунда бутун сарой маст уйқуга кетади. Фақат Одиссей билан Пенелопа бедор эдилар. Одиссей завжасига бошидан кечирган воқеаларни баён қилиб беради, вафодор Пенелопа унинг ҳикояларини жон қулоғи билан тинглайди. Кейин Пенелопанинг ўзи ҳам, Одиссей йўқлигида куёвларнинг дастидан бошига не-не мусибатлар тушганини сўзлаб беради.



КУЁВЛАРНИНГ РУҲЛАРИ АИД САЛТАНАТИДА



Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Тангри Ҳермес ўзининг олтин таёқчаси билан одамларнинг киприкларини юмиб ухлатар ва шу таёқча билан уларни уйқудан уйғотар эди. Ҳозир эса у куёвларнинг руҳини шу олтин таёқчаси билан имлаб чақиради ва руҳлар аянчли нола чекишиб, унинг орқасидан парвоз қилишади. Уларнинг бу ноласи қоронги горда оромини йўқотиб, ҳар ёққа зир-зир учган кўршапалакларнинг чийиллашига ўхшайди.

Куёвларнинг руҳлари тангри Ҳермесга эргашиб хилват йўлдан турнақатор тизилишиб учиб борарди. Ҳермес уларни мўйсафид Океан сувлари ёнидан, куёш тангриси Хелиоснинг қопқаси ёнидан, уйку тангрилари салтанати ёнидан, Левкада қояси ёнидан олиб ўтиб, тобора олислаб борарди. Ниҳоят, улар оч сарик рангли ёввойи лолалар очилган ўтлоққа етдилар, марҳумларнинг руҳлари шу ерда маскан қуради. Куёвларнинг руҳларини биринчи бўлиб Ахиллеснинг руҳи қарши олади, бу руҳ билан ёнма-ён Патрокл, Антилох ва Теламонзода Аяксларнинг руҳлари ҳам учиб келган эди. Куёвларнинг руҳлари ул руҳларни қуршаб оладилар. Бу ерга Агамемноннинг ҳам руҳи учиб келади. У янги келган руҳлар орасида Амфимедонтнинг руҳини таниб қолади: Агамемнон бир вақтлар Одиссейни Троя урушига даъват этиш учун Итакага борганида шу Амфимедонтнинг уйида меҳмон бўлган эди.

– Айт-чи менга, – деб Агамемноннинг руҳи Амфимедонтнинг руҳига юзланади, – нечун сизлар бу зулмат салтанатига галалашиб келдинглар? Денгиз бўрони пайтида нобуд бўлдингларми, ё босқинчилик қилиб одамларнинг уйларини горат қилганингларда сизларни маҳв этдиларми?

Шунда Амфимедонтнинг руҳи аслзода йигитларнинг, энди Одиссей жанггоҳдан қайтиб келмайди деб ўйлаб, Пенелопага уйланмоқчи бўлганлари, лекин Пенелопанинг Одиссейга содиқ қолиб, бошқа эрга тегишдан қатъиян бош тортгани ҳақида, кейин бирдан Одиссей Итакага қайтиб келиб, шоҳ саройида бебошлик қилиб, унинг мол-давлатини ҳавога соғуришгани, ғорат қилишгани учун Пенелопага уйланмоқчи бўлган куёвлардан шафқатсиз ўч олгани тўғрисида ҳикоя қилиб беради. Агамемноннинг руҳи Одиссейнинг барча хавф-хатарни енгиб, эсон-омон ўз юртига етиб олганини эшитиб, беҳад севиниб кетади ва шундай такаллум қилади:

– Қадрдоним Одиссей, сен бахтли экансан! Вафодор хотининг Пенелопанинг шону шухрати беназир бўлмай, унинг тўғрисида қўшиқлар тўкилмай ва садоқати доврўғи одамлар хотирасидан мангу ўчмамай! Илло

менинг қисматим ачиқ бўлди. Менга ўз хотиним хиёнат қилди. Унинг бу манфур қилмиши ҳам одамлар хотирасида тоабад сақланур.



ОДИССЕЙ ОТАСИ ЛАЭРТ ҲУЗУРИДА



Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Эрта тонгда Одиссей, Телемах, Эвмей ва Филотийлар обдор яроғ-аслаҳалар, калқон ва найзалар билан куролланишиб, Лаэрт ҳузурига йўл оладилар. Куёвларнинг ҳалок бўлгани ҳадемай бутун шаҳарга овоза бўлишини Одиссей биларди, шунинг учун у Пенелопага саройдан ҳеч қаёққа чиқмасликни буюради. Сўнг ҳамроҳлари билан биргаликда тонгги куюқ тумандан фойдаланиб, шаҳар кўчаларидан шипиллаганча юриб ўтади ва далага чиқиб олади. Салдан кейин улар Лаэртнинг уйига етиб борадилар. Одиссей ҳамроҳларини уйга киритиб юбориб, уларга овқат таррадудини кўришни буюради, ўзи эса, Лаэртни учратгани боққа йўл олади. Одиссей кекса отасини иш устида учратади: у бир ниҳол атрофини чопиб юмшатаётган эди. Лаэртнинг кийим-боши қирк ямоқ, оёгида йиртиқ кафш, бошига эчки терисидан тикилган яғири чиқиб кетган қалпоқ, қўлига эса қўлқоп кийган эди. Одиссей отасини бу аянчли аҳволда кўриб, юраги эзилиб кетади ва кўзлари ғилт-ғилт ёшга тўлади. Одиссей, кимлигимни отамга ҳозир айтсаммикин, ё юз-кўзимга, бўй-бастимга қараб, ўзи мени таниб олармикин, деб ўйлайди.

Ниҳоят, мана бундай иш тутади: у отасининг тепасига бориб, уни гўё танимагандек ва оддий бир кулдек ҳисоблаб, бу боғ кимга қарашли, соҳибингнинг исми нима, деб сўрайди. Кейин ўзини хорижлик бир зот деб танитиб, шу гапларни илова қилади:

– Бир вақтлар мен итакалик Одиссейни ўз уйимда меҳмон қилиб кўпгина совға-саломлар билан кўнглини хушлаган эдим. Энди унинг меҳмоннавозлигидан баҳраманд бўлиш орзусида ўзим бу ерга ташриф буюрдим. Айтгин-чи, ўзи мен чиндан ҳам Итака оролига келиб тушдимми ё адашиб бошқа ерга келиб қолдимми?

Қария Лаэртнинг кўзидан бир томчи ёш худди марварид донасидек думалаб тушади ва у шундай жавоб қилади:

– Эй, мусофир йигит! Сен адашмагансан, чинданам Итакага келиб тушгансан. Фақат бу ерда энди Одиссейни учрата олмайсан. Унинг уйини ёвуз одамлар эгаллаб олишган. Одиссей нобуд бўлган бўлса керак. Мен унинг отасиман. Айт-чи менга, ўзинг кимсан? Қай мамлакатдан келдинг?

Одиссей исмини ўзгартириб ўзини танитади ва яна Итака шоҳи ҳақида гап очиб, уни, яъни Одиссейни ўз уйида меҳмон қилганига беш йил бўлганлигини айтади. Лаэрт бу гапни эшитиб қаттиқ ғамга ботади. У

ердан ҳовучлаб тупроқ олиб ўз бошидан сочади ва оғир кайғуга бардош бера олмай фарёд чекиб йиғлай бошлайди. Одиссей отасининг изтироб чекишига ортик дош бера олмайди. У отаси томон отилиб, уни ўз бағрига босганча шундай такаллум қилади:

– Отажон! Мен ўғлинг Одиссейман! Худодарнинг марҳамати билан она юртимга соғ-саломат қайтиб келдим! Бўлди, йиғлама энди! Уйимни форат қилган куёвлардан ҳам қасос олиб бўлдим!

Лаэрт олдиниға ишонмайди, агар чиндан ҳам ўғлим бўлсанг, бунга далил кўрсат, деб талаб қилади Одиссейдан. Шунда Одиссей отасига оёғидаги тўнғиз тишидан қолган чандикни кўрсатади ва болалик чоғида отаси унга тортик қилган ҳамма мева дарахтларини бирма-бир санаб тилга олади. Қария севинганидан йиғлаб юборади, Одиссейни кучоклаб шундай дейди:

– Ё, бузург падарим Зевс! Баски, анави ёвуз одамлар қилмишларига яраша жазо олган эканлар, унда мунаввар Олимпни тангрилар тарк этмаганига имон келтираман! Лекин бутун Итака аҳли ўз хешларининг хунини талаб қилиб ҳали бу ерга бостириб келмасалар эди, деб кўрқаман.

Одиссей отасига тасалли беради ва уни уй томон етаклайди. Бу пайт уйда уларга дастурхон мунтазир эди. Лаэрт уйига кириб ювинади, эгнига янги, оҳорли либос кияди, маъбуда Афина эса уни бир оз ёшартириб, хийла тетиклаштиради. Ҳаммалари шод-хуррам кайфиятда тановул қилгани ўтирадилар. Шу маҳал бу ерга кекса кул Долий ўғиллари билан кириб келади. Киради-ю, кўзи меҳмонга тушиб, донг қотиб қолади: у бир қарашдаёқ Одиссейни танийди. У югуриб келиб, Одиссейнинг қўлини ўпади, хоки пойини кўзига суртади, севинганидан боши осмонга етиб, худоларга шукрона айта бошлайди. Шу куни кекса Лаэртнинг уйида зиёфат хушчакчаклик билан ўтади.

❁ **ФУҚАРОЛАР ИСЭНИ. УЛАР ОДИССЕЙ** ❁ **БИЛАН СУЛҲ ТУЗАДИЛАР**

Бу аснода, Одиссей қайтиб келганмиш, у ҳамма куёвларни ўлдирганмиш, деган миш-миш бутун шаҳарга тарқалади. Куёвларнинг қариндош-уруғлари ғазабга минишиб, айюҳаннос солишганча Одиссей саройига бутун халқни бошлаб борадилар ва у ердан куёвларнинг жасадларини олиб чиқадилар. Кейин бутун халқ шаҳар майдонига тўпланиб, қандай тadbир кўриш ҳақида маслаҳат қуради. Антинойнинг отаси кекса Эвпейт бутун халқни Одиссейга қарши исён кўтаришга ва ҳалок бўлган куёвлар учун қасос олишга даъват этади. Лекин хонанда Фемий билан жарчи Медонт халқни Одиссейга қарши қўл кўтармасликка ундадилар, улар Одиссейга тангрилар мададкор бўлганини, куёвлар эса Зевс иродаси

билан махв этилганини ўз кўзлари билан кўрганлари ҳақида гапирадилар. Соҳибқаромат Ҳалиферс ҳам Одиссейни ҳимоя қилиб сўзлайди.

– Эсингиздами, – дейди у, – мен ҳам, Ментор ҳам Одиссейнинг уйида бебошлик қилиш яхшиликка олиб бормайди, деб бутун элга неча-неча марта таъкидлаган эдик. Лекин бизга ҳеч ким кулоқ солмади. Ҳамма айб куёвларнинг ўзида. Менинг маслаҳатим: агар бошларингга яна фалокат орттиришни истамасанглар, яхшиси, Одиссейнинг раъйига юринглар.

Аҳолининг бир қисми Ҳалиферснинг гапига киради, лекин қолганлар Эвпейт бошчилигида жадал қуроллана бошлайди.

Маъбуда Афина юксак Олимпдан туриб буларнинг ҳаммасини кузатаркан, чакмоқдор Зевсга шундай дейди:

– Падари бузрукворим! Қандай қарорга келганингни менга айт! Итакада улкан жанг кўзгайсанми ёки довлашганлар ўртасида сулҳ ўрнатасанми?

– Эрка қизим! – дея жавоб қилади Зевс. – Ахир ўзинг, Одиссей куёвлардан интиком олиши керак, деган қарорга келувдинг-ку. Ана, у интиком олди, интиком олишга ҳаққи бор эди. Одиссей Итака шоҳи бўлмай. Биз эса, куёвларнинг қирилганини эл хотирасидан фаромуш қилурмиз. Итакада, бир вақтлардагидек, яна муҳаббат, маъмурчилик ва хотиржамлик ҳукм сурмай.

Зевс шундай дейди. Афина шу заҳоти Итакага парвоз қилади. Бу пайт оломон Лаэртнинг уйига яқин бориб қолган эди. Буни Долийнинг бир ўғли кўриб қолади. Лаэртнинг уйидагилар қўлларига қурол оладилар. Ҳаттоки, қариялар: Лаэрт билан Долий ҳам қуролланишади. Ҳаммалари ҳовлига чиқишади. Шу маҳал маъбуда Афина Одиссейнинг олдида унинг қадрдон дўсти Ментор киёфасида намоён бўлади. Одиссей маъбудани таниб қувониб кетади ва Телемахга қараб шундай дейди:

– Ўғлим! Мана, ўз жасоратлари билан доврўқ қозонган авлод фарзанди эканлигини исботлайдиган пайт келди.

– Азиз отажон! – дейди Телемах. – Сенинг шавкатли номингга асло доғ туширмасмен: бунга ўзинг шоҳид бўлурсан ҳали!

Лаэрт набирасининг бу сўзларини эшитиб, қалби қувончга тўлади ва шундай дейди:

– Ушбу шодиёна кунга етказганингиз учун минг қатла шукр сизларга, о тангрилар! Ўғлим билан набирамнинг диловарлик ҳақидаги баҳсларини эшитиб, беҳад хурсанд бўлиб кетдим!

Шу чоқ Афина Лаэртга яқин келади ва унга маъбуда Афина билан чакмоқдор Зевсдан мадад сўраб, душманлар томонига нишонга олмаган ҳолда найза отишни буюради. Лаэрт қулочкашлаб туриб найза улоқтиради. Найза учиб бориб Эвпейтнинг мис дубулғасини тешади ва қалласини чок қилади. Эвпейт ерга қулаб, тил тортмай ўлади. Шундан кейин Одиссей билан Телемах ғанимлар устига бостириб борадилар. Шу ернинг ўзида бутун

оломон тутдай тўкилиши муқаррар эди. Лекин яхшиямки, маъбуда Афина орага киради: у даҳшатли наъра тортиб халойиққа бундай дейди:

– Итака фуқаролари, жангни тўхтатинг! Бехуда қон тўкилишига йўл қўйманг! Тезроқ уй-уйларингизга тарқалинг!

Итакаликларни бу наъра даҳшатга солади, қўлларидан яроқлари тушиб кетиб, ўзлари ерга ётиб оладилар. Сўнг хушларини йиғиб олиб, жонларини ховучлаганча тирақайлаб қоча бошлайдилар. Одиссей баралла ҳайкирганча оломон ортидан қувишга тушади. Лекин бузург Зевс шу пайт чакмоқ отади, чакмоқ ярақлаб, Афинанинг рўпарасига, ерга келиб урилади. Шу боис маъбуда Одиссейни шаштидан қайтариб, шундай тақаллум қилади:

– Эй, Лаэртнинг тангриваш ўғли, ғзабингдан туш! Қонли жанг бошладан ўзингни тий, йўқса чакмоқдор Зевснинг қаҳрига учрашинг мумкин!

Одиссейнинг дили қувонади ва ғзабидан тушиб, Итака фуқаросини таъқиб қилишдан воз кечади. Шундан кейин, орадан сал вақт ўтмай, Афина-Паллада Ментор қиёфасига кириб, Итака аҳли билан шоҳ Одиссей ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатади. Иккала тараф мангу тотувликда яшашга аҳд-паймон қилади.

АГАМЕМНОН ВА УНИНГ ЎҒЛИ ОРЕСТ



АГАМЕМНОННИНГ ЎЛИМИ

Эсхилдини «Агамемнон» фожияси бўйича баён қилинади

Агамемнон Троя урушига жўнаб кетаркан, Троя таслим бўлиб, қонли уруш тугаган ҳамоно, дарҳол хотини Клитемнестрада бу хушxabарни етказишга ваъда берган эди. Бу ниятини у куйидагича бажармоқчи бўлганди: Агамемноннинг чопарлари тоғ чўққиларида гулхан ёқишлари лозим эди. Бир чўққидан иккинчи чўққига гулхан орқали хабар қилинса, вақт анча тежалар ва хабар саройга тезроқ етиб келар эди, бинобарин, Клитемнестрада буюк Троянинг таслим бўлганини ҳаммадан олдин билган бўлур эди.

Троя қамали тўққиз йил давом этиб, ўнинчи йил бошланади. Қоҳинларнинг башорат қилишича, шу ўнинчи йил Троя таслим бўлиши керак эди. Шунга кўра, энди Клитемнестрада Троянинг махв бўлгани ва эри Агамемноннинг ўз юртига қайтаётгани ҳақида бугун бўлмаса, эртага хабар олиб қолиши мумкин эди. У эрининг қайтаётганидан ғофил қолмаслик учун ҳар куни тунда бир қулни шоҳ саройининг баланд томига чиқариб пойлоқчилик қилдирадди. Қул ёзнинг илиқ кечаларида ҳам, бўрон кутурган момақалдиروқли тунларда ҳам, қор гупиллаб ёққан аёзли киш тунлари совуқ қотиб бўлса ҳам – ҳар кеча тонг отгунча том бошида мижжа қоқмай, узок-узокларга тикилиб турар эди. Кунлар бирин-кетин ўта бошлайди, қул маликанинг амрига итоат этиб, ҳар кеча шартли хабарни, яъни узокда гулхан ёнишини кутади. Бу хабарни Клитемнестрада ҳам кутарди. Лекин унинг мақсади эрини шоду хуррамлик билан кутиб олиш эмас эди. Йўқ, асло! У аллақачон эрига бевафолик қилиб, бошқа эркакка, яъни Эгисфга кўнгил қўйган, шу боис, эри шоҳ Агамемнон жанггоҳдан зафар билан қайтган куни уни ўлдиришни кўзлаб қўйган эди.

Зим-зиё тун. Мана, шарқ томонда уфқ хиёлгина ёриша бошлайди. Тонг яқин. Шу маҳал бирдан том бошида турган қул олисдаги тоғ чўққисида лоп этиб аланга кўтарилганини кўради. Бу – кўпдан кутилаётган ишора эди.

Буюк Троя таслим бўлди, яқин кунларда Агамемнон уйга қайтади. Қул суюниб кетади – энди унинг машаққатли тунги пойлоқчилиги тугаётган эди. Қул югурганича Клитемнестрада хузурига бориб, бу хабарни етказди. Клитемнестрада учун бу хабар қувончли эдими, ўзи?

Малика аҳли хонадон ўртасида шубҳа уйғотмаслик учун ўзини хурсанд бўлгандай қилиб кўрсатади ва жорияларига худолар йўлига дарҳол шукрона эҳсонлар қилишни амр этади. Аслида эса, бу бадният аёл эри Агамемнонни уйга етиб келган заҳоти ўлдиришни кўзлаётган эди.

Мана, шаҳар аҳолиси Агамемноннинг саройи олдидаги майдонга тўпланади. Троянинг ниҳоят таслим бўлгани ҳақидаги хабар зумда бутун шаҳарга тарқалган эди.

Шаҳар оқсоқоллари шохни қарши олиш учун сарой олдида тўпланадилар. Лекин Агамемноннинг яқин орада қайтиб келишига шубҳа қилувчилар ҳам бор эди улар орасида. Бу маҳал шаҳарга чопар кириб келади оқсоқолларнинг шубҳа қилишига ўрин қолмайди: у Агамемноннинг яқин келиб қолганини хабар қилади. Клитемнестра яна ўзини суюниб кетгандек қилиб кўрсатади. У гўё эрини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриш ниятида қасрга шошилади, лекин аслида у эрини кучок очиб кутиб олмоқчи эмас, балки усталик билан ўлдиришга ҳозирлик кўрмоқчи эди.

Ниҳоят, узоқда ўз музаффар қўшини олдида жангаробада елиб келаётган Агамемнон ҳам кўринади. Аскарлар гул-чечакларга бурканган эди, уларнинг кетидан беҳисоб ўлжалар ортилган аравалар ва жуда кўп асиралар келарди. Шох Агамемноннинг ёнида жангаробада Приамнинг маҳзуна қизи соҳибкаромат Кассандра ўтирарди. Халойиқ ўз шохини шодиёна ҳайқириқлар билан қарши олади. Клитемнестра ҳам эри олдида пешвоз чиқади. У шохнинг оёғи остига, то саройга кириб боргунча алвонранг пояндоз ёздиради. У эрини эмас, гўё боқий тангрини қарши олаётгандек хушвақт кўринади. Агамемнон бундай илохий иззат-эҳтиромни қабул этсам худоларнинг қаҳри келмасмикин, деб тараддудга тушади. Шу боис, у кафшларини ечиб, пояндоз устидан саройга ялангоёқ кириб боради. Фосиқ ва ғаддор Клитемнестра унинг орқасидан кузатиб бораркан, ўзининг ҳижрон азобида қанчалик изтироб чеккани ва шавҳарини қандай интизорлик билан кутгани ҳақида гапирарди. Лекин у остонага борганда тўхтаб шундай дейди:

– Ё, Зевс! Ё, Зевс! Илтижомни рўёбга чиқар! Кўзлаган ниятимни бажаришда менга мадад бер!

Фуқаро шох саройи олдидаги майдонда уймалашиб сукут сақлаб турарди. Халқнинг кўнгли ғаш эди, у оғир бир фалокат юз беришини сезаётган эди, шунинг учун ҳеч ким тарқалмасди.

Бирдан саройдан Агамемноннинг жон талвасасидаги фарёди эшитилади. Агамемнон ҳаммомдан чиқаётган чоғида хотини Клитемнестра эрининг бошига каттакон чойшаб ёпиб, уни ойболта билан чопиб ўлдирган эди. Чунки Агамемнон чойшаб остида худди тўрга илинган қушдек ўзини ҳимоя қила олмаган эди.

Уст-бошига кон сачраган Клитемнестра кўлида конли ойболта билан халқ олдига чиқади. Унинг ваҳшиёна қаттоллигидан барча фуқаро даҳшатга келади; аммо Клитемнестра, гўё улкан жасорат кўрсатган одамдай, ўз қилмишидан фахрланади. Лекин бора-бора у ҳам виждон азоби-га туша бошлайди, зеро, бир кунмас бир кун Агамемнон учун ўч олувчи касоскор албатта келиши уни ваҳимага сола бошлайди.

Шу чоғ саройдан Эгисф чиқиб келади. Энди у шоҳона либос кийиб, кўлига салтанат таёқчасини ушлаб олган эди. Бунни кўрган халқ қаттиқ ғазабланади. Агар Клитемнестра орага тушиб ҳимоя қилмаганида, одамлар Эгисфни шу ернинг ўзида тилка-тилка қилиб ташлаган бўларди. Агамемноннинг ўлдирилганидан қаттиқ ғамга ботган фуқаро бирин-кетин тарқала бошлайди. Эгисф билан Клитемнестра эса, оғир гуноҳ қилиб, ҳокимиятни кўлга киритганларидан хурсанд бўлишиб, саройга кириб кетадилар.

Лекин улар интиқомдан қочиб кутула олмайдилар – бешафқат тақдир уларни қилган ёвузликлари учун энг даҳшатли жазога ҳукм этган эди.



ОРЕСТ ОТАСИНING ҚОТИЛИДАН ЎЧ ОЛАДИ



Эсхилнинг «Хозфрлар» (яъни «Мархулнинг руҳини ёдлаб қабри устида шай пайло қилувчилар») фожияси бўйича баён қилинади

Агамемнон ўлдирилганидан кейин орадан кўп йил ўтади. Кунларнинг бирида мархумнинг қаср яқинидаги қабри тепасига ажнабийча либос кийган икки навжувон яқинлашади. Уларнинг бири – ўн саккиз ёшлардаги йигитча беллидаги камарга шамшир осиб олган, ундан хиёл каттарок ёшдаги иккинчи йигит эса кўлига иккита найза ушлаган эди. Йигитчаларнинг кичиги қабрга яқинлашиб, ўз сочидан бир тутамини қирқади-да, уни қабр устига қўяди. Бу йигитча Агамемноннинг ўғли Орест бўлиб, уни отаси ўлдирилган кунни энагаси саройдан олиб қочиб кетиб қутқарган, кейин мусофир юртда – Фокида шоҳи Строфий боқиб тарбиялаган эди. Иккинчи йигит Строфийнинг ўғли, яъни Орестнинг кадрдон дўсти Пилад эди. Орест отасининг руҳига бағишлаб, бир тутам сочини унинг қабрига энди-гина қўйган эди ҳамки, сарой қопқаси олдида қора кийган бир тўда асира чўрилар пайдо бўлади. Улар тўғри Агамемноннинг қабри томон йўл оладилар. Бу чўрилар орасида ўлдирилган шоҳнинг қизи Электра ҳам бор эди. Шоҳ қизи ҳам барча чўрилар сингари қора кийган, сочлари кесилган – демакки, асира аёллардан ҳеч ҳам фарқ қилмас эди. Орест билан Пилад шоша-пиша ўзларини панага оладилар ва шу ердан туриб асираларнинг хатти-ҳаракатини кузата бошлайдилар. Асира чўрилар қабр тепасига

келиб, баралла овоз билан ув тортиб йиғлайдилар ва қабрнинг атрофини уч марта айланадилар. Маълум бўлишича, Клитемнестра бугун кечаси ёмон туш кўрган ва Агамемноннинг арвоҳи мендан ғазабланмоқда, деб қўрқиб, унинг арвоҳидан раҳм-шафқат сўрагани асира чўриларни юборган эди. Лекин чўрилар Агамемнонни ўлдирган маликадан нафратланар эдилар. Бунинг устига, Клитемнестра уларга зулм ўтказгани-ўтказган эди. Чунки бу чўриларнинг ҳаммаси Троядан келтирилган асиралар эди; Клитемнестра уларни кўрганида кўз олдига ўз қўли билан ўлдирган эри Агамемнон келаверарди.

Лекин Электра отаси Агамемноннинг арвоҳидан раҳм-шафқат тилаш ўрнига, асира чўриларнинг маслаҳати билан, тангриларга сиғиниб, Клитемнестрадан қасос олишни илтижо қила бошлайди. Унинг бошқача йўл тутиши мумкин эмас эди. Электра ўзининг қаттол онасидан нафратланарди.

Мархумнинг гўрига назрлар қўйилиб, чўрилар кетишга шайланишганида, бирдан Электра қабр устида бир тутам сочни кўриб қолади. Соч толаси ўзиникига жуда ҳам ўхшаб кетар эди, шунинг учун, бир қарашдаёқ, Орестнинг сочи эканлигини фаҳмлайди. У соч толасини қўлига олади-да, нечун Орест ўзи келмай, соч толасини бировдан бериб юборибди экан, деб ўйланиб қолади. У шундай хаёл суриб турганида, Орест опаси ёнига аста юриб келади-да, отини айтиб чақиради. Электра аввалига Орестни танимайди: чунки уни гўдаклик чоғида кўрган эди. Орест болалигида опаси тўкиб берган қўйлақчани кўрсатади. Электра ўзи тўқиган қўйлақни кўриб, инисини танийди ва севиниб кетади. Орест опасига, тангри Аполлоннинг хоҳиши билан бу ерга келганини, зеро, Аполлоннинг Дельфадаги ибодатхонасини зиёрат қилгани борганида, тангри унга отасини ўлдирган онасидан ва унинг ўйнаши Эгисфдан интиқом олишни амр этганини сўзлаб беради. Агар амримни бажармасанг, сени телба қилиб қўяман, деб таҳдид қилипти Аполлон Орестга. Шундай қилиб, Орест эҳтиёт бўлишни ва унинг ўз ватанига қайтиб келгани ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасликни опасидан илтимос қилади.

Электра саройга қайтади. Орадан бир оз вақт ўтгач, Орест билан Пилад сарой дарвозасини тақиллатадилар. Улар дарвозани очган хизматкорга Клитемнестрага жуда муҳим хабар олиб келганларини айтадилар. Хизматкор маликани чақириб чиқади, шунда Орест: мени ҳузурингизга Фокида шоҳи юборди, Орест ўлди, шоҳ эса унинг жасадини нима қилишни билмаётганини айтди, дейди. Клитемнестра бу хабарни эшитиб севиниб кетади: хайрият, дейди у ичида, Агамемноннинг қасоскори ўлипти.

Малика шу заҳоти Эгисфга одам юбориб, унга Орестнинг ўлганини маълум қилади. Қувониб кетган Эгисф ҳамиша ўзи билан бирга олиб юрувчи сарбозларни қолдириб, шошганча саройга етиб келади. Эгисф

Ўз ажали сари шошилган эди. У саройга кириб келган ҳамоно Орестнинг шамшири уни ер тишлатади. Бу фожиани кўрган бир қул даҳшатга тушиб, Клитемнестра хузурига ёрдамга югуради. Шунда қаттол малика ўз ёвузликлари учун жавоб бериш пайти келганини тушунади.

Бирдан унинг хонасига қўлида қонга бўялган шамшир билан Орест кириб келади. Клитемнестра Орестнинг оёғига йиқилиб, шафқат қилишни сўрайди, ахир мен сенинг оқ сут бериб бокқан онанг бўламан, деб ялинади. Лекин Орест онасига раҳм қила олмас эди, у Аполлоннинг иродасини бажариши шарт эди. У онасининг билагидан маҳкам ушлаб, Эгисфнинг жасади ётган ерга судраб боради ва ўша ерда жонини олади. Орест шу зайлда отаси учун интиқом олган эди.

Клитемнестра билан Эгисфнинг қатл этилганини эшитган халқ даҳшатга тушиб, сарой олдида тўплана бошлайди. Одамларнинг биронтаси золим Эгисфга ҳам, ғаддор Клитемнестрага ҳам заррача куюнмайди. Шу пайт сарой қопқаси ланг очилиб, одамлар Эгисф билан Клитемнестранинг қора қонига бўялиб ётган жасадларини ва бу жасадлар тепасида қилич яланғочлаб турган Орестни кўрадилар. Орест бу қотилликка қўл уриб ўзини тўғри иш қилган деб ҳисоблайди, чунки у Аполлоннинг амри билан отаси учун интиқом олган эди. Лекин шу маҳал бирдан Орестнинг рўпарасида бешафқат қасоскор илоҳалар – Эриниялар пайдо бўладилар. Уларнинг бошларида заҳарли илонлар тўлганар, ғазаб тўла кўзларида ўт чакнарди. Орест дағ-даг титрай бошлайди. У аста-секин эсидан айрилади бошлаганини ҳис қилади. Шу боис, Эриниялар томонидан қувилган Орест саройни тарк этиб, тангри Аполлоннинг паноҳидан нажот излаб, тўғри унинг Дельфадаги муқаддас боргоҳи сари равона бўлади. Зеро, у шу тангрининг амрини бажарган эди.

АПОЛЛОН БИЛАН АФИНА-ПАЛЛАДА ОРЕСТНИ ЭРИНИЯЛАР ТАЪҚИБИДАН ҚУТҚАРАДИЛАР

Эсхилнинг «Эвменидалар» (яъни «Валинеъ мат маъбудалар») фожиаси бўйича баён қилинади

Орест қасоскор Эриниялар таъқибидан қочиб, дарбадарликда не-не азобу уқубатларни бошидан кечириб, ахири муқаддас Дельфага етиб боради ва Аполлоннинг маъбадига кириб, у ердаги омфал¹ ёнига ўтиради.

¹ *Омфал* – муқаддас тош (аксар пайт фазодан тушган метеорит); бундай тошнинг энг машҳури Аполлоннинг Дельфадаги маъбадига қўйилган бўлиб, у мармар тошнинг шарсимон бўлагини ифодалаган; бу тош юнонларга маълум бўлган ер маркази («ер киндиги»)нинг рамзи ҳисобланган.

Шум илоҳалар, ҳатто, Аполлоннинг маъбадига ҳам Орестнинг орқасидан қувиб кириб келадилар. Лекин ёйандоз тангри Аполлон бу ерда уларнинг даҳшатли кўзларини юмиб ухлатиб қўяди.

Кейин у Эринияларга сездирмасдан Орестнинг қаршисида намоён бўлади ва унга Афинага боришни, ўша ерда маъбуда Афина-Палладанинг энг қадимги тасвирига сиғиниб, ундан ҳимоят сўрашни амр этади. Аполлон бахти қаро Орестга кўмаклашишга ваъда беради ва ўз оғаси Ҳермесни унга ҳамроҳ қилади. Орест ўрnidан туриб, секингина маъбаддан чиқади ва Ҳермес билан биргаликда Афина сари йўл олади.

Орест жўнаб кетиши билан Аполлон маъбадида ер остидан Клитемнестранинг арвоҳи бош кўтариб чиқади. У Эринияларнинг ухлаб қолишганини кўриб қаҳри келади ва уларни туртиб уйғотаркан, ўз она-сининг қонини тўккан қотилни таъқиб қилмай қўйган бу илоҳалар бошига таъна тошини ёғдиради. Арвоҳ, Орестни бир лаҳза ҳам тинч қўймай, орқасидан қувинглар, деб Эринияларни шошира бошлайди. Аммо улар чуқур ғафлат оғушида эдилар, тушларида инграшар, гўё қочиб кетаётган қотилнинг орқасидан қувишаётгандек ўқтин-ўқтин чинқириб юборишарди. Ниҳоят Эриниялардан биттаси зўр-базўр кўзини очади ва қолган дугоналарини ҳам уйғотади. Эриниялар Орестнинг қочиб кетганини кўриб, қаттиқ газабланадилар ва, қотилни сен қочириб юборгансан, деб Аполлонга таъна қила бошлайдилар. Лекин Аполлон Эринияларга камонини ўқталиб, ҳаммаларини маъбаддан қувиб чиқаради. Шунда бу интиқом илоҳалари ғазаб отига миниб, чувиллашганча Орестнинг орқасидан гала-лашиб қувиб кетадилар.

Бу орада Орест Афина шаҳрига етиб боради ва маъбуда Афина ҳайкали пойига ўтириб, уни кучоклайди. Бир оздан сўнг бу ерга Эриниялар ҳам елиб келишади. Дарғазаб интиқом илоҳалари шўрлик Орестни тилка-тилка қилиб ташлардилар-у, лекин маъбуда Афинанинг тасвирини таҳқирлашга журъат эта олмайдилар.

Эринияларнинг даҳшатли чувиллашларини маъбуда Афина эшитиб, зумда бу ерга етиб келади. Эриниялар, Орестни бизга топшир, деб маъбудага дағдага қилишади. Улар ўз волидасини ўлдирган бу йигитни энг оғир қийноқларга солишни жазм қилган эдилар. Орест эса, Афина-Паллададан, мени ҳимоятингга ол, деб илтижо қилади. У отаси Агамемнон маккор Клитемнестра томонидан қандай қабохат ила ўлдирилганини маъбуданинг эсига солади.

– Ахир мен онамдан ўз хоҳишим билан қасос олибманми? – дейди у. – Мен тангри Аполлоннинг амрини бажардим-ку. Ўтинаман сендан, о муаз-зама маъбуда, мени ўзинг сўроқ қил ва устимдан ўзинг ҳукм чиқар!

Афина Орестнинг илтижосини инобатга олади. У йигитнинг тақдирини ҳал қилиш учун афиналик оқсоқоллардан ҳакамлар ҳайъатини (яъни

ареопагни) жорий қилади. Шу пайтдан бошлаб Афинада ареопаг мудом ҳакамлик қилиб келган. Ҳакамлар, одатда, Арес тепалиги деб номланувчи жойда йиғилиб (бир замонлар амазон аёллар Тесейга ҳужум қилишганида шу тепаликда манзил куришган ва тангри Арес шарафига қурбонликлар қилишган эди), жиноятчилар устидан ҳукм чиқарганлар.

Мана, Афина сайлаган ҳакамлар Арес тепалигига (Ареопагга) йиғилишади, бу ерга иккита кути келтириб қўядилар: ҳакамлар овоз бериш пайтида, шу кутиларга тош ташлашлари ва шу йўл билан маҳкум устидан ҳукм чиқаришлари лозим эди. Суд бошланади. Бу судда маъбуда Афина ҳам қатнашади. Тепаликка тумонат одам йиғилган. Ҳамма ҳакамларнинг қандай ҳукм чиқаришини билишни истарди. Эриниялар Орестни айбдор деб ҳисоблашар ва уни шафқатсиз жазога тортишни талаб қилишарди. Орестни ҳимоя қилгани тангри Аполлоннинг ўзи етиб келади. У Орестни ҳимоя қилувчи каломларини хотиржамлик билан баён қилади. Аполлон йиғитнинг қилмишини оқлайди, зеро, Орест Клитемнестрадан энг мудҳиш ёвузлик қилгани учун, яъни ўз эрини, бузург қаҳрамон шоҳ Агамемнонни ўлдиргани учун ўч олган эди. Бу рафтори билан Орест Аполлоннинг хоҳишини бажарган эди. Ҳакамлар айбловчи Эринияларнинг ва ҳимоячи Аполлоннинг сўзларини эшитиб бўлиб, овоз беришга киришадилар.

Агар айбловчи ва оқловчи овозлар барабар бўлиб қолса, унда Орест оқланади, деб қарор қиладилар. Мана, ҳакамларнинг овози санаб чиқилганда, оқловчи ва айбловчи овозларнинг тенг эканлиги маълум бўлади. Бундай бўлишига сабаб, маъбуда Афина ҳам Орестни ёқлаб овоз берган эди. Овоз берар экан:

– Менинг онам йўқ, фақат отам бор. Отам эса бузург тангри Зевсдир, – деган эди.

Шундай қилиб, Орест оқланади, бинобарин, Эриниялар уни таъқиб қилишга барҳам беришлари керак эди.

Бундай ҳукмни эшитиб Эринияларнинг фиғонлари фалакка чиқади, зеро, ҳакамлар уларни жиноятчини бешафқат жазога мустаҳиқ этиш ҳуқуқидан маҳрум этган эдилар. Эриниялар, бутун Аттикани харобазорга айлантирамиз, эл бошига олам-олам кулфатлар ёғдирамиз, деб дағдаға қиладилар. Лекин Афина бу илоҳаларнинг қаҳрини юмшатади: у Эринияларни Атикадаги муқаддас ғорни маскан қилиб, шу ерда мангу қолишга кўндиради, шундай қилсангиз, бутун Афина аҳолисининг ҳурмат ва эъзозига доимо мушарраф бўлгайсиз, деб уқтиради уларга.

Ғазабнок илоҳалар Афина-Паллада таклифига рози бўладилар. Шундан сўнг шаҳар фуқароси Эринияларни улар учун аталган муқаддасгоҳга – Арес тепалиги пойидаги ғорга иззат-эҳтиром билан олиб бориб қўяди. Шу пайтдан бошлаб Эриниялар бутун Аттikanинг пушти-паноҳига айланадилар ва халқ уларни энди Эвменидалар деб атай бошлайди.

ОРЕСТ АРТЕМИДАНИНГ МУҚАДДАС ТАСВИРИНИ ОЛИБ КЕЛГАНИ ТАВРИДАГА БОРАДИ

*Еврипиднинг «Ифигения Тавридада» фожиаси бўйича
баён қилинади*

Орест, барибир, Эриниялар таъкибидан кутула олмайди. Уларнинг баъзилари ареопаг чиқарган ҳукмга итоат этмай, ҳамон Орестга тинчлик беришмас, уни кечаю кундуз таъкиб қилишгани қилишган эди. Ниҳоят, бу азоблардан тоқати тоқ бўлган Орест яна Дельфага, Аполлоннинг ибодатгоҳига қочиб боради. Бу ерда Аполлон унга йироқ Тавридага бориб, у ердан маъбуда Артемиданинг муқаддас ҳайкалини олиб келишни амр этади. Бу ниҳоятда хатарли сафар эди. Тавридада истиқомат қилувчи тавр қабиласи бу ерга қадам ранжида қилган барча мусофирларни ўшал муқаддас ҳайкал пойида маъбуда йўлига қурбон қилар эди. Орест бошига ҳам шундай савдо тушиши мумкин эди.

Шунга қарамай, Орест узоқ сафарга равона бўлади. У нима қилиб бўлса ҳам, Эриниялар таъкибидан кутулиши керак эди. Унинг сафари бехатар ўтади ва у ўз дўсти Пилад билан эсон-омон Тавридага етиб олади. Орест кемасини соҳилдаги қоялар орасига яшириб, ўзи Артемиданинг маъбади сари йўл олади. Лекин Орест ўз опаси Ифигениянинг шу ибодатгоҳда башоратчи қоҳина бўлиб яшашини, ҳатто, хаёлига ҳам келтирмаган эди (эсингизда бўлса, бир вақтлар, Троя урушига кетаётган юнонлар Ифигенияни маъбуда Артемида йўлига қурбон қилмоқчи бўлган эдилар). Орест билан Пилад Артемиданинг ҳайкалини кундуз уни ўғирлашга журъат этмай, қоронғи тушишини кута бошлайдилар. Аммо кеч кирмасдан олдин йигитларни чўпонлар кўриб қолиб, уларга хужум қилишади ва узоқ олишувдан кейин икки оғайнининг қўлларини боғлаб, шоҳ ҳузурига олиб боришади. Шоҳ бу иккала йигит Артемида йўлига қурбон қилиниши керак, деб ҳукм чиқаради.

Эртаси куни эрталаб қўллари боғлиқ асирларни ибодатгоҳга олиб бордилар. Қоҳина Ифигения ўз жигарини танимайди, албатта. Шу боис уни ўз қўли билан ўлдириши керак эди. Шу кеча Ифигения жуда ёмон туш кўрган эди. Тушида кучли зилзила бўлиб, отасининг қасри вайрон бўлганмиш, фақат биттагина устун тиккайиб қолганмиш. Қараса, шу устундан оч сариқ соч толалари тўкилиб тушаётганмиш; Ифигения устунни гўё қурбонликка ҳозирламоқчи бўлгандай, тозалаб ювганмиш. У укаси Орестни нобуд бўлган деб ўйлаб, унинг руҳига қурбонлик бағишламоқчи бўлади.

Коҳина қурбонлик қилиш билан банд бўлган чоғда шоҳ навкарлари унинг хузурига қўллари боғлиқ Орест билан Пиладни ҳайдаб келадилар. Ифигения, кимсиз, қаердан бўласиз, деб савол беради уларга. У бандиларнинг юнонистонлик эканлигини эшитиб, шоҳ Агамемноннинг қисмати ҳақида ва ўз иниси Орест ҳақида суриштиради. Орест билан Пилад коҳинага ҳеч қандай қувончли гап айта олмайдилар.

Ниҳоят, Ифигения йигитлардан фақат биттасини қурбон қилишга, иккинчиси эса, Орест номига ёзилган мактуб билан Юнонистонга юборишга аҳд қилади: у ўзининг тирик эканлигидан иниси Орестни огоҳ қилмокчи эди. Лекин суҳбат пайтида опа-ука топишишгани маълум бўлади. Бу учрашувдан Орест билан Ифигения беҳад қувониб кетадилар. Бироқ ўлимдан қандай жон сақлаш керак? Қандай қилиб Тавридадан қочиб кета олишсин?

Шунда Ифигения фириб ишлатишга аҳд қилади. У таврлар шоҳига Артемиданинг ҳайкали ифлос бўлиб кетганини айтиб, уни ва у билан бирга қурбонликка сўйиладиган икки мусофирни ҳам денгиз сувида ювиб, чўмилтириб поклаш лозимлигини айтади. Шоҳ бунга рози бўлади.

Ифигения ибодатгоҳ ходималари билан биргаликда тантанавор юриш қилиб, денгиз бўйига (Орестнинг кемаси яшириб қўйилган ерга) боради. Маъбад ходималари маъбуда Артемиданинг ҳайкалини кўтариб, шоҳ навкарлари эса, қўллари кишанланган Орест билан Пиладни ҳайдаб борар эдилар. Мана, аҳли маросим денгиз соҳилига етиб келади. Шунда Ифигения шоҳ навкарларига бу ердан кетишни буюради; чунки покланиш маросими бегона кўзлардан сир тутилмоғи лозим эди. Шоҳ хизматкорлари соҳилдан узоқлашиши билан Ифигения иниси Орестни ва унинг садоқатли дўстини озод қилади-да, улар билан биргаликда кемага чиқа бошлайди. Бу ёқда навкарлар покланиш маросимининг жудаям чўзилиб кетганидан шубҳаланиб, денгиз бўйига йўл оладилар. Қарасалар, соҳилда кема турганмиш-у, банди Орест коҳина Ифигенияни шу кемага олиб чиқаётганмиш. Шунда шоҳ навкарлари коҳинани кутқариш учун Орестга ташланадилар. Икки ўртада жанг бошланади. Лекин бу жангда Орест билан Пиладнинг қўли баланд келиб, навкарларни тиркиратиб қувадилар. Мана, Орест ва унинг ҳамроҳлари Ифигения билан бирга кемага чиқадилар. Эш-какчилар эшкак эшишади ва кема очиқ денгизга сузиб чиқади. Ва лекин Тавридадан осонликча чиқиб кетиш уларга насиб этмайди.

Денгизда каттиқ довул кўтарилиб, Орестнинг кемасини яна қирғоққа суриб келади. Агар шу аснода маъбуда Афина-Паллада ёрдамга етиб келмаганида борми, кемадаги юнонларнинг бари таврлар шоҳи қўлига асир тушиб ҳалок бўлишлари муқаррар эди. Маъбуда Афина Таврида шоҳи кўзи олдида намоён бўлиб, унга нафақат Ифигенияни, унинг иниси ва инисининг ҳамроҳларини, шунингдек, Артемида ибодатгоҳидаги ҳамма ходималарни ҳам қўйиб юборишни амр этади. Шоҳ маъбуданинг амрига

кулоқ солади. Бир вақтлар маъбуда Артемида томонидан Тавридага олиб кочиб келинган Ифигениянинг ўз ватанига қайтиб кетишига ниҳоят имкон тугилади.

Орест ватанига қайтиб бориши ҳамоно, унинг йўқлигидан фойдаланиб, тахтга ўтириб олган Эгисфода Алетни ўлдиради. Опаси Электрани ўзининг садоқатли дўсти, унинг учун қурбон бўлишга ҳам тайёр бўлиб Тавридага борган Пиладга турмушга беради. Ифигения эса, Аттикада, Афина яқинида, денгиз бўйида қурилган Артемиданинг маъбадида қоҳина бўлиб қолади.

ФИВА АФСОНАЛАРИ СИЛСИЛАСИ



ЭДИП. УНИНГ БОЛАЛИГИ, ЁШЛИГИ ВА ФИВАГА ҚАЙТИШИ

Софоклнинг «Шоҳ Эдип» фоҳиаси бўйича баён қилинади

Фива шоҳи Полидор Кадмнинг ўғли эди. Бу шоҳ билан унинг завжаси малика Нюктидадан Лабдак туғилади. Шаҳзода Лабдак отасининг ўлимидан сўнг Фива салтанатига шоҳ бўлади. Салтанат Лабдакнинг ўғли валиаҳд Лайга отасидан мерос қолади. Кунларнинг бирида Лай шоҳ Пелопснинг саройига ташриф буюриб, уникида узоқ вақт меҳмон бўлади. Лекин Лай меҳмондўст Пелопснинг юзига оёқ тираб, унга кўрнамаклик қилади: у Пелопснинг ўғилчаси шаҳзода Хрисиппни ўғирлаб, ўз юрти Фивага олиб қочиб кетади. Фарзандидан жудо бўлган ота қаттиқ қайғуга ботади, газаб отига миниб, Лайнинг бошига лаънатлар ёғдиради ва Олимп ахлига: ё тангрилар, шундай қилинларки, ўғлимни ўғирлаб кетган бу нонкўрни ўз пушти камаридан дунёга келган ўғли қатл этсин, деб илтижо қилади. Хрисиппнинг отаси Лайни шундай лаънатлайди, энди бу лаънат худолар томонидан амалга оширилиши шарт эди.

Лай етти дарвозали Фивага қайтиб келгач, Менойкейнинг қизи Иокастага уйланади. У ўз салтанати Фивада узоқ йиллар осойишта ҳаёт кечиради. Фақат бир нарса уни безовта қиларди: фарзанди йўқ эди. Ниҳоят, Лай Дельфага бориб, Аполлоннинг башоратгоҳида тангридан ўзининг бешфарзандлиги сабабини сўрамоқчи бўлади. Аполлоннинг коҳинаси Лайга ғоятда мудҳиш жавоб қилади:

– Эй, Лабдакзода, – дейди у, – тангрилар истагингни вожиб этурлар, сен ўғил кўрасан, лекин шуни билки, ўз ўғлинг қўлидан ажал топгайсан. Зеро, Пелопснинг лаънати ижобат бўлгай!

Лай бу башоратдан қаттиқ ҳаяжонга тушади. У бешафқат қисмат таъқибига қандай чап бериш ҳақида узоқ вақт ўйлайди; ахири, ўғли туғилган заҳоти уни ўлдиришга аҳд қилади.

Орадан кўп вақт ўтмай малика Иокастанинг кўзи ёрийди. Бадқаҳр ота чақалоқнинг оёқларини тасма билан чандиб боғлаб, унинг товонларини ўткир бигиз билан тешади, сўнг қулини чақириб, чақалоқни Киферон тоғидаги ўрмонга олиб бориб ташлашни буюради. Лай чақалоқни ваҳший ҳайвонлар еб кетади, деб ўйлаган эди. Лекин кул шоҳнинг амрини бажармайди. У чақалоққа раҳм қилиб, уни ими-жимиди Коринф шоҳи Полибнинг қулига бериб юборади. Кифероннинг ёнбағрида ўз ҳукмдорининг

подасини боқиб юрган бу қул чақалокни шоҳ Полибга олиб бориб беради. Бу шоҳ бепарзанд эди, шу боис, у чақалокни ўз вориси сифатида боқиб тарбиялай бошлайди. Шоҳ Полиб, боланинг жароҳатдан шишиб кетган оёқларини кўриб, унга Эдип деб исм қўяди («Эдип» – юнон тилида «оёғи шишган» деган маънони билдиради).

Алқисса, Эдип Полибни ўз отаси деб, малика Меропани эса ўз волидаси деб билиб, шоҳ саройида ўсиб-улғаяди. У йигит бўлиб, ёр-дўстлари билан улфатчилик қилиб юрган кунларнинг бирида Эдипнинг ошналаридан бири кайфи ошиб қолиб, уни «асранди» деб айтади. Эдип бу гапдан хангу манг бўлиб қолади. Унинг дилида шубҳа уйғонади. У Полиб билан Меропа хузурига бориб, ўз ота-онасининг кимлигини суриштиради. Лекин у минг ялиниб-ёлбормасин, на шоҳ, на малика унга ҳеч нима айтмайдилар. Шундан кейин Эдип Дельфага бориб, бор ҳақиқатни ўша ерда аниқлашга қарор қилади.

Эдип Дельфага оддий бир мусофир сифатида жўнайди. У ерда Аполлоннинг башоратгоҳига кириб, ўз қисмати ҳақида савол беради. Мунаввар Аполлон унга башоратчи пифия тили билан шундай жавоб қайтаради:

– Эдип, сенинг қисматинг ғоятда мудҳишдир! Сен отангни ўлдириб, ўз волиданга уйланасан. Бу машъум никоҳдан фарзандлар туғилади, аммо улар тангриларнинг қаҳрига ва жамики бандаларнинг лаънатига учрайди.

Эдип бу башоратдан даҳшатга тушади. Нима қилсин? Қандай қилиб бу шум толедан қочиб қутулсин? Падаркуш бўлишдан, ўз онасига уйланишдек гуноҳи азимдан сақланмоқ учун қандай иш тутсин? Ахир башоратчи пифия унинг ота-онаси кимлигини айтмади-ку! Эдип, ота-онам чиндан ҳам Полиб билан Мерона бўлса-я, деган хаёлга бориб, Коринфга қайтмасликка аҳд қилади. Наҳотки, у Полибни қатл этиб, Меропага уйланса? Эдип шундай даҳшатли хаёлга бориб, бутун умрини хешу ақраболарсиз беватан бир жаҳонгашта сифатида дарбадарликда ўтказмоқчи бўлади.

Бироқ тақдири азалдан қочиб қутулиб бўларканми? Эдип ўз қисматидан қочишга қанча кўп уринса, тақдири азалда битилган йўлдан шунча тўғри кетиб борарди.

У Дельфадан саргардон бир мусофир сифатида жўнаб кетади. Қаёқка боришини билмай, биринчи тўғри келган йўлдан кетаверади. Бу йўл Фивага олиб борар эди. Эдип йўлда, Парнас тоғининг этагида, учта йўл келиб туташган тор бир дарада жангаробада келаётган улуғвор киёфадаги бир мўйсафидга тўкнаш келади; унинг аравакаши жарчи эди, жангароба орқасида эса мўйсафиднинг хизматкорлари келишарди. Жарчи Эдипга дағдаға қилиб, унга четга чик, деб бақиради ва айни пайтда камчи урмоқчи бўлади. Бундай кўрс муомаладан аччиғи чиққан Эдип жарчини бир уради ва жангароба ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлади. Шу пайт қутилмаганда, қария кўлидаги асоси билан Эдипнинг бошига туширади.

Эдипнинг қаҳри кайнаб, аччиқ устида ҳассаси билан чолни шундай урадики, шўрликнинг шу бир зарбадан жони узилиб, ерга қулайди. Кейин Эдип чолнинг одамларига ташланиб, уларнинг ҳаммасини ер тишлатади, фақат биттагина қул ўзини панага олиб, жон сақлаб қолади. Тақдири азал шу зайлда амалга ошади: Эдип, Фивани қонхўр Сфинкс дастидан қандай қутқарсам экан, деб сўрагани Аполлоннинг Дельфадаги башоратгоҳига кетаётган ўз падари Лайни, танимай, беҳосдан ўлдириб қўйган эди.

Кейин Эдип бамайлихотир ўз йўлида давом этади. Бу қотилликда у ўзини айбдор деб ҳисобламайди: ахир уришни бошлаган у эмас-ку, у фақат ўзини ҳимоя қилди. Эдип йўл юриб кетаверади, кетаверади ва ахири Фива шаҳрига етиб боради.

Фивада чуқур қайғу ҳукм сураб эди. Кадм шаҳрини бирваракайига икки фалокат мотамсаро қилган эди. Тифон билан Эхиднадан туғилган даҳшатли Сфинкс Фива яқинидаги Сфингион тоғини маскан қилиб олиб, узлуксиз равишда янгидан-янги қурбонлар талаб қиларди, бу офат етмагандай, шоҳ Лайнинг қули унинг нотаниш бир одам томонидан ўлдирилгани ҳақида шаҳарга шум хабар олиб келади. Шаҳар аҳолиси мушкул аҳволга тушганини кўрган Эдип уни фалокатдан қутқаришга жазм қилади ва тўғри Сфинкс олдига равона бўлади.

Сфинкс – боши аёл кишиники, танаси ва ўтқир тирноқли панжалари баҳайбат шерники, қанотлари бургутники каби маҳобатли бўлган бир даҳшатли махлуқ эди. Худолар, то Сфинкснинг топишмоғини биронта одам тўғри топмагунча, у Фивани тарк этмайди, деб ҳукм чиқарган эдилар. Бул топишмоқни Сфинксга музалар айтиб берган эканлар.

Сфинкс йўлдан ўтган ҳар бир йўловчини тўхтатиб, топишмоғини айтар, лекин ҳеч бир кимса уни топа олмас, натижада, Сфинкс ўша шўрликнинг баданига метин панжаларидаги ўтқир тирноқларини ботириб қаттиқ азоблаб ўлдирарди. Жуда кўп фивалик шавкатли қаҳрамонлар ўз шаҳарларини Сфинксдан қутқаришга бел боғлаган, аммо ҳаммалари ҳам ҳалок бўлган эдилар.

Мана, энди Эдип Сфинкс қошига келади ва ундан шундай топишмоқни эшитади:

– Айт-чи менга: ким эрталаб тўрт оёқлаб, кундуз икки оёқлаб, кечкурун эса, уч оёқлаб юради? Ер юзидаги жамики жонзотларнинг биронтаси ҳам унга ўхшаб кўп ўзгармайди. У тўрт оёқлаб юрганида нимжон бўлади ва бошқа пайтлардагига нисбатан секин ҳаракат қилади.

Эдип шундай жавоб қилади:

– Бу одамзод! У гўдаклик чоғида, яъни ҳаётининг эрта тонгида нимжон бўлади ва тўрт оёқлаб эмаклаб, секин ҳаракат қилади. Кундузи, яъни балоғатга етган пайтида у икки оёғида юради, кечкурун, яъни қариганида

эса, у мункиллаб, дармонсиз бўлиб қолади, шу боис ҳассага таянади, яъни уч оёклаб юради.

Мана, Эдип Сфинкснинг топишмоғини тўғри топади. Шу заҳоти Сфинкс қанотларини ёядию қоя чўққисидан ўзини денгизга отади. Бу худоларнинг ҳукми эди: агар Сфинкснинг топишмоғини бирон кимса тўғри топса, Сфинкс шу заҳоти ҳалок бўлиши лозим эди. Эдип шу зайлда Фивани даҳшатли махлуқдан ҳалос этган эди.

Кейин Эдип яна Фивага қайтади. Фуқаролар шу куннинг ўзидаёқ уни шоҳ этиб сайлайдилар. Чунки ҳалок бўлган Лайнинг ўрнида салтанатни бошқараётган Креонт, кимки шаҳримизни Сфинксдан ҳалос этса, ўша бизнинг шоҳимиз бўлмай, деб олдиндан ҳукм чиқариб қўйган эди. Мана, Эдип Фивага шоҳ бўлиб тахтга ўтиради ва Лайнинг беваси Иокастага уйланади, ундан икки қиз (Антигона ва Исмена), икки ўғил (Этеокл ва Полиник) кўради. Шундай қилиб, шум тақдирнинг иккинчи ҳукми ҳам вожиб бўлади: Эдип ўз онасига уйланади ва онаси ундан фарзандлар туғади.



ЭДИП ФИВАДА



Софоклнинг «Шоҳ Эдип» фоҳиаси бўйича баён қилинади

Халқ шоҳ деб эълон қилган Эдип Фива давлатини донолик билан бошқаради. Узоқ вақтгача бутун Фива аҳли ҳам, шоҳ оиласи ҳам тинч ва осуда ҳаёт кечиради. Аммо тақдири азал Эдипнинг бошига бадбахтликлар ёғдиришга шайланарди. Кунлардан бир кун Фива энг мудҳиш офатга гирифтор бўлади. Ёйандоз тангри Аполлон Фивага ажалкаш ўлат уфуради. Ўлат каттаю кичикни бирдай қийрата бошлайди. Бутун Фива улкан бир қабристонга айланади. Кўчалар ва майдонларда ўликлар дафн этилмай ётарди. Ҳамма ёқдан фарёду фиғон, аёллар ва оназорларнинг аччиқ йиғилари эшитиларди.

Фивада наинки даҳшатли офат, шунингдек, очарчилик ҳам авж олган эди. Зеро, далаларда ҳеч бир зироат унмаган, ҳайвонлару паррандалар мудҳиш ўлатдан қирилаётган эди. Бузург Кадм тиклаган бу шаҳарнинг гўё куни битгандек туюларди. Шаҳар фуқаролари худолардан нажот тилаб, улар йўлига не-не қурбонликлар қилишмади. Бироқ худолар халқ илтижосини инобатга олмади, офат тобора авжга минаверди.

Шунда бутун шаҳар фуқароси ўз подшоҳи Эдип қошига тўдалашиб келади ва:

– Бизга ёрдам бер, машъум фалокатдан қутулиш йўлини ўргат! – деб илтижо қилади. – Ахир бизларни шум Сфинкс дастидан ўзинг ҳалос этгандинг-ку!

Халк бошига тушган бу аччиқ қисмат Эдипнинг ўзини ҳам қаттиқ ташвишга солаётган эди. У Иокастанинг акаси Креонтни Фива бошига тушган бу офатдан кутулиш йўлини билиб келгани тангри Аполлоннинг Дельфадаги башоратгоҳига аллақачон юборган эди. Креонт ҳадемай қайтиб келиши керак эди. Эдип уни сабрсизлик билан кутарди.

Мана, Креонт ҳам башоратчи коҳиннинг жавобини олиб қайтиб келади. Жавобда айтилишича, Аполлон ўз жиноятлари билан Фива фуқаросини энг машъум фалокатларга мубтало қилган нобакор одамни шаҳардан қувмоқни амр этипти. Фуқаро шоҳ Лайнинг жонига қасд қилган қотилни шаҳардан бадарға қилиб ёки уни қатл этиб, гуноҳдан фориг бўлиши лозим экан. Бироқ Лай қотилини қандай қилиб топсинлар? Ахир у бир вақтлар катта йўлда ўлдирилган, кейин жон сақлаб қолган биттагина қулни ҳисобга олмаса, унинг ҳамма ҳамроҳлари ҳам маҳв этилган эди-ку! Эдип, нима қилиб бўлса ҳам, қотилни топишга қатъий аҳд қилади; қотил ким бўлмасин, қаерга яширинган бўлмасин, ҳаттоки, у шоҳ саройидан паноҳ топган ва шоҳнинг энг яқин хеши бўлса ҳам, топиб аёвсиз жазолашга қарор қилади. У қотилни қандай қилиб топиш ҳақида маслаҳатлашгани барча халқни катта анжуманга тўплайди. Халқ, бу ишда фақат соҳибкаромат Тиресийгина ёрдам бериши мумкин, деб айтади. Шоҳ амри билан дарҳол кўзи кўр соҳибкаромат Тиресийни етаклаб келадилар. Эдип ундан Лай қотилининг исмини айтишни талаб қилади. Лекин шўрлик чол нима деб жавоб қилсин? Ҳа, у қотилнинг кимлигини билади, аммо уни айтишга тили лол.

– Ижозат бер, уйимга кетай, шундай қилсанг, тақдирнинг укубатларига бардош бериш иккаламиз учун ҳам осонроқ бўлади, – дейди Тиресий.

Лекин Эдип қаттиқ туриб соҳибкароматдан жавоб талаб қилади.

– Нечун жавоб беришни истамайсан, малъун? – деб ҳайқиради Эдип. – Бу ўжарлигинг, ҳаттоки, жонсиз тошнинг ҳам қаҳрини уйғотиши мумкин!

Тиресий анчагача оёқ тираб, қотилнинг исмини айтишдан бош тортиб туради, лекин шоҳнинг ғазабнок сўзларига дош бера олмай, ахири сирни очади.

– Эй, Эдип, бу мамлакатда ҳокимлик қилиш билан ўзинг уни шу балою офатларга гирифтор қилдинг. Сен ахтараётган қотил ўзингсан! Сен, билмай туриб, ҳар биримиз учун дунёда энг азизу мўътабар бўлган инсонга – ўз волиданга уйландинг.

Эдип бу гапларни эшитиб, Тиресийдан қаттиқ ғазабланади. У соҳибкароматни ёлғончи деб атайди, уни қатл этмоқчи бўлади, сенга бу гапларни Креонт ўргатган, чунки у салтанатни мендан тортиб олмоқчи, деб дағдаға қилади. Лекин Тиресий шоҳнинг дарғазаб сўзларини ўзининг ҳақгўйлигига ишончи комил одамдек хотиржамлик билан тинглайди. Эдип, кўзи очик бўла туриб, ўзи истамаган ҳолда қилаётган ёвузликлар-

ни кўрмаётган эдики, кўзи кўр Тиресий буни аниқ кўриб турарди. Эдип ўзининг каерда яшаётганини ҳам, ўзига ва ўз оиласига ўзи душман эканлигини ҳам кўрмасди. Тиресий шоҳнинг дўк-пўписаларидан кўркмайди: у, котил шу ерда, рўпарамда турипти, деб Эдипнинг юзига тикка гапиради:

– Гарчи котил Фивага ажнабий сифатида кириб келган бўлса ҳам, – дейди у, – аслида унинг киндик қони шу Фивада тўкилгандир. Қотилнинг пешонаси шўр: унинг очик кўзлари ҳали басир бўлмай, ҳозир у бадавлат, аммо гадога айланмай; у бутун бойлигидан, ёру дўст, хешу акраболаридан жудо бўлиб, Фивадан қувғинди бўлиб чиқиб кетмай.

Тиресийнинг бу гапларини эшитиб турган одамлар даҳшатга тушадилар, чунки бу соҳибкароматнинг оғзидан ҳеч қачон ёлғон сўз чиқмаганини улар яхши билар эдилар.

Эдип эса, ғазаб отига миниб, бу гапларни Тиресийга сен ўргатгансан, деб Креонтга дағдаға қилади ва уни Фива салтанатига кўз олайтирганликда айблайди. Бу ерга Иокаста чиқиб келади. Эдип унга Тиресий айтган гапларнинг барини сўзлаб беради ва, акангнинг нияти бузуқ, деб Креонтни унга ёмонлай бошлайди. Сўнг у Иокастадан Лайнинг ўлдирилиши тафсилоти ҳамда унинг ёлғизгина фарзандини чақалоқ чоғида Киферон тоғидаги ўрмонзорга қандай олиб бориб ташланганини сўраб-суриштиради. Иокаста бўлган воқеанинг ҳаммасини бир бошдан сўзлаб беради. Шунда Эдипнинг қалбида шубҳанинг дастлабки нишонлари пайдо бўла бошлайди. Кўнгли қандайдир мудҳиш бир фалокат юз беришини сезиб, қаттиқ эзилади.

– Ё, Зевс! – деб нола қилади Эдип. – Не савдоларни солмоқчисан менинг бошимга? Наҳотки Тиресий эмас, мен сўқир бўлсам!

Эдип чақалоқни кутқариб қолган кул ҳақида ҳам суриштиради: каерда у, тирикми? Маълум бўлишича, у кул ҳозир Киферон тоғининг ёнбағрида пода боқар экан. Эдип дархол унга одам юборади. У бутун ҳақиқатни билишни истарди.

Кулга одам жўнаб кетиши билан бу ерга Коринфдан чопар етиб келади. У шоҳ Полибнинг оғир касалликдан сўнг қазо қилганини хабар қилади. Демак, Полиб ўғли томонидан ўлдирилмаган. Агар Эдип Полибнинг ўғли бўлса, унда тақдирнинг амри вожиб бўлмабди: ахир тақдири азалда Эдип ўз падарини ўлдириши керак эди-ку. Балким, Эдип Полибнинг ўғли эмасдир? Эдип, шояд тақдир тақозосидан кутулиб қолган бўлсам, деб умидвор бўла бошлайди. Лекин чопар унинг умидини пучга чиқаради:

– Полиб сенинг отанг эмас эди, – дейди у Эдипга. – Чунки сени чақалоқлигингда ўзим Коринф шоҳи Полибга олиб бориб бергандим. Менга эса, сени шоҳ Лайнинг кули тутқазган эди.

Эдип чопарнинг бу гапларини эшитиб, даҳшатга тушади, мудҳиш ҳақиқат тобора кўпроқ ойдинлаша бошлайди.

Мана, подачи ҳам шу ерда. Аввалига у гапиришни истамайди, сирни яширишга уринади. Лекин Эдип, подачига дағдаға қилиб, агар у ҳақиқатни яширса, энг даҳшатли жазо билан қатл этилажагини айтади.

Подачи кўркиб кетиб ўз қилмишига иқрор бўлади:

– Бир вақтлар мен манави чопарга тутқазган чақалок, дарҳақиқат, шоҳ Лайнинг ўғли эди; шоҳ ўз фарзандини ўлимга маҳкум этган эди; лекин мен бечора мурғак болага ачиниб, уни асраб қолувдим.

– Ўша бегуноҳ гўдаклик чоғимда ўлиб кета қолсам бўлмас эканми, ё тангрилар! – деб зорланади Эдип ва подачига ўгирилиб: – Нега мени чақалоклигимда ўлдириб юбора қолмовдинг, ахир! – деб маломат қилади.

Энди, Эдип учун ҳамма нарса ойдин эди. У Лайнинг қандай ўлганини Иокастанинг гапларидан билиб олган эди. Демак, Эдип ўшанда, катта йўлда ўз падарини ўлдирган. Бундан чиқди, унинг ҳақиқий отаси – Лай ва тукқан онаси – Иокаста. Тақдирнинг бешафқат амри вожиб бўлган эди.

Эдип теран руҳий изтиробга тушиб, ўз қасри сари йўл олади. У – падаркуш, ўз онасининг эри; болалари – унга айни чоғда ҳам фарзанд, ҳам она томондан ини ва сингил.

Қасрда у яна бир мудҳиш фалокат устидан чиқади. Ғайринсоний даҳшатларга дош бера олмаган Иокаста ўз жонига қасд қилиб ўлипти. Бу оғир мусибатлардан ақли-хушини йўқотиб қўйган Эдип Иокастанинг бе-лидаги камар тўқасини олиб, унинг ўтқир тиғи билан ўз кўзларини ўйиб ташлайди. У куёш нуридан баҳраманд бўлишни, ўз фарзандларини, жонажон ватани Фивани кўришни истамаган эди. Энди унинг учун дунёда ҳамма нарса барбод бўлган эди, энди унга қувонч бегона.

У, айни чоғда ҳам тоғаси, ҳам қайиноғаси бўлмиш Креонтга илтижо қилиб шундай дейди:

– Эй Креонт, мени тезроқ Фивадан қувиб чиқар. Фақат, ўтинаман сендан – фарзандларимга ўзинг оталик қил.



ЭДИПНИНГ ЎЛИМИ



Софоклнинг «Эдип Колонда» фоҳиаси бўйича баён қилинади

Лекин Креонт Эдипни Фивадан шу заҳоти қувиб чиқармайди. Сўқир шоҳ саройнинг одамлари кўзидан йироқ бир хилват гўшасида ўз ёғига ўзи қовурилиб ғам-андухда кун кечиради. Ҳолбуки, Фива фуқаролари Эдипнинг Фивада қолишидан норози эди, чунки бунақада мамлакат худоларнинг ғазабидан фориг бўлмагай, деб хавотирланар эдилар. Шунинг учун бутун Фива аҳли кўр Эдипнинг дарҳол шаҳардан бадарға қилинишини талаб қила бошлайди. Эдипнинг ўғиллари: Этеокл билан Полиник ҳам бундай талабга эътироз билдирмайдилар. Чунки ўзлари Фивага ҳукмронлик

қилишни истардилар. Оқибат, фуқаро Эдипни шаҳардан қувғин қилади. Шундан сўнг, унинг икки ўғли ва Креонт ҳокимиятни ўзаро бўлишиб оладилар.

Мункиллаб қолган, кўзи кўр Эдип боши оққан томонга тентираб кетади. Агар Эдипнинг пок қалбли, метин иродали қизи Антигона ўз ҳаётини отасига бағишламаганда борми, турган гапки, бу нотавон чол дала-даштда хору зорликда ўлиб кетган бўларди. Антигона қувғин қилинган отасига йўлдош ва қўлдош бўлади. У бахти қаро қарияга ҳамдарад ва ҳамнафас бўлиб, уни етаклаганча кўп ўлкаларни кезади, юксак тоғлардан ошади, қоронғи ўрмонлардан ўтади.

Узоқ давом этган дарбадарликдан кейин Эдип кизи билан Аттика вилоятидаги Афина шаҳрига етиб келади. Лекин Антигона отасини қандай ерга бошлаб келганини билмайди. Сал нарироқда шаҳар девори ва эндигина балқиб чиқаётган қуёш нурига ғарқ бўлган миноралар кўзга ташланарди. Шаҳар девори этагида печак гуллар ва ток навдалари билан ўралган ям-яшил дафна бутазори бор эди. Бутазорнинг у ер-бу ерида яшил тусдаги зайтун мевалари қумушсимон товланар, у ердан булбулларнинг хушовоз хонишлари эшитиларди. Майсазор водийнинг ҳар ер-ҳар еридан жилғалар янгроқ жилдираб оқар, ҳамма ёқда нарғиснинг юлдузсимон гуллари оқариб кўринар, заъфар гул хушбўй ис таратарди. Йўл азобидан тинкаматори қуриган Эдип шу ям-яшил дафназорга киради ва бир туп дафна соясига, харсангтош устига ўтиради, Антигона эса бу ер қайси ўлка эканлигини сўраб билмоқ учун йўл ёқасига чиқиб кетади. Шу чоқ бу ердан бир деҳқон ўтиб қолади, у Эдипнинг саволига шундай жавоб беради:

– Бу қишлоқнинг номи Колон. Сен ўтирган дафназор Эвменидаларга назр қилинган. Дафназор атрофидаги бутун водий эса, тангри Посейдон билан титан Прометейга бахшида этилган. Бу ердан сал нарироқда Афина шаҳри бор. У шаҳарда Эгейнинг ўғли бузург қахрамон Тесей ҳокимлик қилади.

Эдип бу гапни эшитиб, биронта одамни шоҳ Тесей ҳузурига юборишни деҳқондан илтимос қилади.

– Агар Тесей менга бир оз фурсатга бошпана беришга рози бўлса, мен унга жуда катта ёрдам кўрсатгайман, – дейди у.

Лекин бу силласи қуриган кўзи кўр қариянинг қудратли шоҳ Тесейга ёрдам кўрсатишига деҳқоннинг ҳеч кўзи етмайди. У чолдан шубҳаланганча Колонга йўл олади ва ўша ерда Эвменидаларнинг муқаддас дафназоридан ўтириб олиб, кимсан, Тесейдек улуг зотга ёрдам бермоқчи бўлган кўзи ожиз қария ҳақида гапириб беради.

Эдип эса Эвменидаларга назр қилинган муқаддас дафназорга келиб қолганини билиб, кўнгли таскин топади: энди унинг қуни битиб қолган, демакки, бу ёруғ жаҳондаги машъум изтироблари барҳам то-

падиган пайт яқин эди. Гап шундаки, тангри Аполлон унга, узоқ давом этган жуда машаққатли дарбадарликдан кейин, муаззама маъбудаларнинг муқаддасгоҳида ўлим топурсан, сенга бошпана берган кимса улкан мукофотга сазовор бўлгай, сени қувғин қилганларни эса, тангрилар шафқатсизлик ила жазога мустаҳиқ этгайлар, деб башорат қилган эди. Мана, ўша Аполлон тилга олган муаззама маъбудалар – Эдипни шу чоккача бетўхтов таъқиб қилиб келган Эвменидалар экан-да. Шунинг учун ҳам, у ахири ором оладиган пайти келганига ишонади.

Бу орада Колон фуқароси Эвменидаларнинг муқаддасгоҳига киришга журъат этган одам кимлигини билгани дафназорга шошилади. Зотан, фуқаро наинки ғазабнок маъбудаларнинг бу муқаддас масканига қиё боқишга, ҳаттоки, уларнинг номини тилга олишга ҳам кўрқар эди. Эдип яқинлашиб келаётган колонликларнинг овозини эшитиб, Антигонадан, мени дафназорнинг ичкарироғига олиб кир, деб илтимос қилади. Лекин бу муқаддасгоҳни булғаган шаккок ким бўлди, деб ҳайқирган оломоннинг овозини эшитган Эдип халқ олдига чиқиб, ўзини танитади. Шунда одамлар қаршиларида турган Эдип эканлигини билишиб, даҳшатга келадилар. Ахир бу шум тақдир бандаси, бу бахти қаро, шўрпешона Лайзода билмай туриб қилган даҳшатли жиноятларни бутун Юнонистонда ким ҳам эшитмаган дейсиз! Йўқ, Колон аҳли Эдипнинг бул муқаддасгоҳда қолишига йўл кўя олмайди, халқ худоларнинг қаҳрига учрашдан кўрқади. Одамлар на Эдипнинг илтимосига, на Антигонанинг ёлборишларига кулоқ соладилар, улар кўзи кўр қариядан дарҳол Колон ҳудудидан чиқиб кетишни талаб қилдилар. Наҳотки, Эдип Афинадан – ҳимоятга муҳтож ҳар қандай кимсанинг паноҳгоҳи деб бутун Юнонистонга доврўғи кетган шу муқаддас шаҳардан ҳам ўзига бошпана топа олмаса? Ахир Эдип бу ерга ўз ихтиёри билан келгани йўқ-ку, унинг бу ташрифи бутун халққа эзгулик бахш этади-ку! Ахири бўлмагач:

– Лоақал Тесей келгунча сабр қилинглар, – деб илтимос қилади Эдип. – Менинг бу ерда қолиш-қолмаслигимни, майли, шу Афина шоҳи ҳал қилсин!

Фуқаро Тесейни кутишга рози бўлади. Шу маҳал узоқда бошига соябони кенг шляпа кийган аёлнинг жангаробада елиб келаётгани кўринади. Гарчи шляпанинг соябони аёл юзини пана қилиб турган бўлса ҳам, у Антигонанинг кўзига иссиқ кўринади, уни ўз синглиси Исменага ўхшатади. Мана, жангароба анча яқинлашиб қолади, Антигона яна тикилиброк қарайди: келаётган аёл чиндан ҳам Исмена эди.

– Ота! – дейди Антигона. – Бу томонга қизинг Исмена келмоқда. Ҳозир унинг овозини эшитасан.

Бу пайт Исмена етиб келиб, жангаробадан тушади ва ўзини отасининг кучоғига отади.

– Отажон! О, менинг бахти каро отам! – дейди Исмена. – Хайрият, сизлар билан дийдор кўришиб, икковингизни бағримга босадиган кун ҳам бор экан.

Исменанинг келганидан Эдипнинг кўнгли ёришади: энди унинг иккала қизи: ўзининг фидойи ҳамроҳи, кўмакчиси Антигона ҳам, отасини ҳеч унутмай Фивадан муттасил хабар юбориб турган Исмена ҳам унинг бағрида.

Лекин ҳозир Исмена отасига хунук хабар олиб келган эди: Эдипнинг ўғиллари аввалига аҳиллик билан биргаликда Фивани бошқаришипти. Аммо кейинчалик, кичик ўғил Этеокл оғаси Полиникни Фивадан қувиб, бутун ҳокимиятни бир ўзи эгаллаб олипти. Полиник Аргосга бориб, ўша ердан ўзига мадад кучи топибди. Энди у, ё бутун ҳокимиятни қўлга кири-таман, ё жангда ҳалок бўламан, деб Фивага қарши кўшин тортиб бораётганмиш. Яна Исменанинг айтишича, Дельфадаги Аполлон ибодатгоҳида ғойибдан хабар келиб, Эдип қайси ўғлининг тарафида бўлса, ўша ўғли зафар қозонгай, деган башорат эшитилганмиш. Исмена яна, Этеокл билан биргаликда ҳокимиятни бошқараётган Креонт ҳадемай бу ерга етиб келишини айтади. Креонт Эдипни қўлга тушириш мақсадида келаётганмиш.

Лекин Эдип на у, на бу ўғлига ён босишни истаydi; у ҳукмрон бўлиш иштиёқини фарзандлик бурчидан юқори қўйган ўғилларидан қаттиқ ғазабланади. Эдип Фивадан қувғин қилинган чоғда, уни ёклаб бир оғиз ҳам сўз айтмаган ўғилларига кўмаклашишни истамайди. Йўқ, улар отанинг мадади билан ҳокимиятни қўлга киритишни кўзласалар, овора бўладилар. Эдип шу ерда қолади, у Афина шахрини муҳофаза қилади!

Колон фуқароси, агар мудом Афинада яшаб қолмоқчи бўлсанг, Эвменидалар йўлига қурбонлик қил, деб маслаҳат беради Эдипга. Эдип, шу қурбонликни менинг номимдан биронтангиз қилинг, зеро, кўзим ожиз, ўзим мункиллаб қолган чолман – ҳаракат қилишга мадорим етмайди, дейди. Шунда Исмена қурбонлик қилишни ўз зиммасига олиб, Эвменидалар дафназори ичкарасига йўл олади.

Исмена кетиши билан бу ерга Тесей ўз мулозимлари билан етиб келади. У очиқ юз билан Эдипга салом беради ва уни ўз ҳимоятига олажагини изҳор этади. Тесей бу муҳожирнинг қисмати нечоғли оғир эканлигини, бошига мушқул савдолар тушганини яхши биларди. Ўзи ҳам мусофирчилик азобини кўп тортган, шунинг учун бу беватан шўрпешонани ҳимоя қилмай туролмасди.

Эдип Тесейга миннатдорчилик изҳор этади ва ўз ҳимоятига олишга сўз беради.

– Менинг қабрим, – дейди у, – Афинани абадулабад садоқат ила муҳофаза қилгай.

Лекин Эдип кўпдан орзу қилган оромга дарров муяссар бўла қолмайди. Тесей жўнаб кетгач, Фивадан кичик бир қўшин билан Креонт етиб келади. У Эдипни ушлаб, олиб кетмоқчи бўлади, чунки ўзи билан Этеоклнинг Полиник ва унинг муттафиқлари устидан зафар қозонмоғи учун унга Эдип зарур эди. Креонт Эдипни ўзи билан Фивага боришга унатмоқчи бўлади, ўз хешларинг даврасида роҳат-фаоғатда, беташвиш кун кечирасан, деб ваъда қилади у. Лекин Эдипнинг қарори қатъий, қолаверса, у Креонтнинг гапига ишонмайди ҳам. Креонтни бундай иш кўришга мажбур этган сабабни Эдип ўзи билади. Йўқ, у Креонт билан Фивага қайтмайди, бошига шунча оғир мусибатлар солган ўғилларининг биронтасига ҳам у асло зафар раво кўрмайди.

Креонт Эдипнинг гапга унамаётганини кўриб, сени зўрлаб бўлса ҳам Фивага олиб кетаман, деб дағдаға қилади. Лекин ҳеч қандай зўравонлик Эдипни кўрқита олмайди: уни Тесей ва бутун Афина аҳли ҳимоятига олган эди. Шунда Креонт бу кўзи кўр нотавон қарияга заҳарханда қилиб, қизи Исмена қўлга олинганини айтади; у Эдипнинг яккаю ёлғиз суянчиғи – Антигонани ҳам ҳибсга олажагини айтади ва шу заҳоти таҳдидини амалга ошириб, навкарларига Антигонани тутишни буюради. Шўрлик қиз фарёд чекиб, Афина аҳлини ёрдамга чақиради, қўлларини сўқир отаси томон чўзиб юм-юм йиғлайди – барибир, уни банди этиб олиб кетадилар. Энди Эдип ночор, нотавон бир банда: уни кўзи ўрнида кўз бўлган қизидан жудо қилган эдилар; у барча Эвменидаларни шохидликка чақириб, Креонтга лаънатлар ўқийди, ўз бошига тушган жамики азобу ўқубатларга унинг ҳам гирифтор бўлишини, фарзандларидан жудо бўлишини тилайди. Зўравонликка бир қўл урган Креонт эса, энди ўзини тўхтата олмайди: у Эдипнинг билагидан маҳкам ушлаб, ўзи билан олиб кетиш мақсадида судрай бошлайди. Колонликлар Эдипнинг ёнини олади, лекин афсуски, улар озчилик – Креонт қўшинига қарши туришга кучлари етмайди. Шу боис, улар дод солишиб халойиқни ёрдамга чақиривади. Бу бақирик-чақирикларни эшитган шох Тесей муқаддасгоҳга ўз мулозимлари билан етиб келади.

Креонтнинг бераҳмлиги Тесейнинг нафратини кўзгайди:

– Шўрлик Эдип билан унинг қизларини, яна келиб-келиб маъбуда Эвменидаларнинг муқаддас дафназорида ҳибсга олишга қандай қўлинг борди? Сен Афина аҳолисини кўрқоқ ҳисоблаб, менинг қудратимни сариқ чақача ҳам кадрламасанг керакки, Афина ҳимотида бўлган одамларни зўравонлик билан олиб кетмоқчи бўлибсан? Наҳотки, бундай ғайриқонуний иш тутишни Фивада ўрганган бўлсанг? Йўқ! Мен яхши биламан, Фива халқи қонунни топтаганлардан ҳазар қилади. Сен, Креонт, бу қилмишинг билан ўз халқингни бадном, ўз ватанингни ёмонотлик қилдинг. Гарчи ёши улуғ кекса одам бўлсанг ҳам, ҳозир эси йўқ гўдак боланинг ишини қилдинг. Талаб қиламан, Эдипнинг қизларини дарҳол қайтар!

Креонт ўз қилмишини оқлашга уринади:

– Мен, – дейди у, – ўз волидасига уйланган падаркушга Афина аҳли бошпана бермайди, деб астойдил ишонгандим.

Бирок Тесей ўз қароридан қайтмайди; у Креондан дарҳол Эдипнинг қизларини қайтаришни талаб қилади. Креонт ноилож Тесейнинг талабини бажаришга мажбур бўлади. Мана, қария Эдип ўз жигаргўшалари – қизларини яна бағрига босади, Афинанинг олийжаноб шоҳига миннатдорлик билдириб, унинг худолар марҳаматига мушарраф бўлишини тилайди.

Тесей Эдипга юзланиб шундай дейди:

– Гапимни эшит, Эдип; анави ерда тангри Посейдоннинг саждагоҳи бор. Креонт келмасидан сал олдин мен ўша саждагоҳда қурбонлик қилгани бориб, у ерда бир мусофир йигитни учратдим. У йигит сен билан суҳбатлашмоқчи.

– Ким экан у йигит? – деб сўрайди Эдип.

– Билмайман. У Аргосдан келипти. Ўйлаб кўр, Аргосда балки биронта қариндошинг, ё яқин одамнинг бордир? – дейди Тесей.–

– Йўқ, йўқ! – деб юборади бирдан бу гапни эшитган Эдип. – У йигит билан суҳбатлашишни илтимос қилма мендан, Тесей. Гапингдан маълум бўлишича, у менинг оқпадар ўғлим Полиник бўлиши керак. Унинг овозини эшитсам, қаттиқ азоб чекаман.

– Ахир у ўтинч билан келипти, – дейди Тесей, – ўтинчини рад этсанг худоларнинг қаҳри келади.

Антигона Полиникнинг шу ерда эканлигини эшитиб, у ҳам гуноҳкор ўғлингнинг гапларидан юз ўғирма, деб ёлборади отасига. Ахири Эдип ўғлининг ўтинчини эшитишга рози бўлади; Тесей Полиникни бошлаб келгани кетади.

Полиник келади. Унинг кўзларида ғилт-ғилт ёш. У очлик ва муҳтожликдан афт-ангори бир ҳолатга келган, оппоқ паришон сочларини шамол тўзғитган, ранг-рўйида очлик ва муҳтожлик нуқси кўришиб турган кўзи сўқир отасини жулдур кийимда кўриб, хўнграб йиғлаб юборади. Полиник ўз падарига қандай тошбағирлик қилганини энди тушунади. У қўлларини отаси томон чўзганча шундай дейди:

– Отажон! Юзингни тескари ўғирмай, бир оғиз каломингни мендан дариг тутма! Ўтинаман, саволимни жавобсиз қолдирма! О, сингилларим, сизлар ҳам илтимос қилинг отамдан: мендан икки оғизгина сўзини аяма-син.

Антигона, қандай илтимос билан келганингни отамга айт, аминманки, отам сўровингни жавобсиз қолдирмагай, дейди акасига.

Шунда Полиник укаси уни Фивадан қувғин қилгани, у Аргосга бориб, ўша ерда шоҳ Адрастнинг қизига уйлангани ва ҳокимиятни, тўнғич ўғил

сифатида, укасидан тортиб олиш мақсадида мададкор қўшин тўплагани ҳақида гапиради.

– Отажон! – деб гапида давом этади Полинник. – Бизлар, яъни Фивага қарши юришга шайланган ҳамма саркардалар илтижо қиламиз: умринг узок бўлсин, фарзандларингнинг роҳатини кўр, ота, биз билан бирга бўл; ўтинамиз сендан: кек сақлашга барҳам бер, мени ватанимдан қувғин қилиб, давлатимни тортиб олган Этеоклдан қасос олишда бизга мададкор бўл. Зеро, қоҳинларнинг башорати тўғри бўлса, сен ким томонида бўлсанг, ўша зафар қозонар экан. Илтимосимни лутфан қабул эт! Худолар ҳаққи ёлбораман сенга – биз билан юр. Сенга ўз қасрингни қайтариб бераман. Ахир бу мусофир юртда қашшоқликда кун кечирасан-ку. Мусофирликда мен каби қашшоқсан-ку.

Эдип ўғлининг гапига кулоқ солмайди. Унинг илтижоларига парво ҳам қилмайди. У Полинникка Фивани забт этиши учун керак. Ахир илгари Эдипни Фивадан қувган шу Полинник эмасмиди? Ахир шу ўғлининг касофатига қолиб йиртиқ-ямоқ жанда кийиб, сарсон-саргардон бўлиб юрипти-ку! Унинг иккала ўғли ҳам фарзандлик бурчини унутиб қўйишди, яхшиям қизлари бор экан: шулар оталарига жон фидо этиб, мудом уни эъюзлашмоқда, парвариш қилишмоқда.

– Йўқ, Фиванинг кулини кўкка совуришингда мададкор бўлмайман сенга. Фивани забт этишдан олдин ўзинг ер тишлаб, қора қонингга ғарқ бўлгайсан, сен билан бирга ининг Этеоклнинг ҳам жони узилгай! – дейди Эдип. – Мен сенларнинг бошларингга яна лаънат ёғдираман, токи ўз отасини қандай эъюзлаш лозимлиги ёдингиздан чиқмасин. Энди қорангни ўчир, ота безори, окпадар бола! Дуоибадларим тавқи лаънат бўлиб осилсин бўйнингга! Истайманки, ўз жигаринг билан бўлган олишувда ҳалок бўл! Сен ҳам сени қувғин қилганни ўлдир! Мен оға-инилар ўртасига адоват уруғини сочган Эвменидаларга ва жанг худоси Аресга сиғиниб, сенларни ўз ғазабларига олишини улардан илтижо қиламан. Энди жўна, ҳамроҳларинг олдига бориб, Эдип ўз ўғилларига не тухфаларни тенг бўлишганини баён қилиб бер.

– Шўрим қуриди! Қандай бадбахтман мен! – деб нола қилади Полинник. – Отамнинг бу жавобини қай тил билан дўстларимга баён қиламан! Йўқ, мен ўз қисматим сари гунг бўлиб боришим лозим.

Полинник отасидан ҳеч қандай ҳимоят ололмай, бўйнидаги окпадарлик гуноҳи билан қайтиб кетади. У, ҳатто, Антигонанинг, ўзингни ҳам, укангни ҳам маҳв этгувчи, Фивани вайронага айлантирувчи офаткаш урушни бошлама, яхшиси, Аргосга қайт, деган илтимосига ҳам кулоқ солмай жўнаб кетади.

Эдипнинг ҳам куни битиб қолаёзган эди. Шу маҳал беғубор осмонда чакмоқ чақиб, момақалдиروق фазони ларзага келтиради. Эвменидалар-

нинг дафназориди ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси Зевснинг бу даҳшатли нишонасидан ҳайратга келади. Ана, яна чакмоқ чақилди. Момақалди роқ гумбуради. Одамлар кўркувдан титраб кетадилар.

Эдип шунда қизларига юзланади:

– Бўталарим! Тезроқ Тесеини чақиринглар! Зевснинг бу момақалди роғи ҳадемай Аиднинг зулмат салтанатига рихлат этишимдан дарак бермоқда. Фурсат ғанимат! Тезроқ Тесейга одам юборинглар! Менинг куним битай деб қолди!

Эдип шу гапларни айтиб бўлган ҳам эдики, гўё унинг каломини тасдиқламоқчи бўлгандай, яна ларзакор момақалди роқ гумбуради. Тесеи ҳам бир зумда Эвменидалар дафназорига етиб келади. Эдип унинг овозини эшитиб шундай дейди:

– О, Афина султони! Менинг умрим тугаб қолди. Зевснинг чакмоғи ва момақалди роғи куним битгани ҳақида дарак бермоқда, бинобарин, мен сенга ваъда қилганим нарсани бажариб, сўнг жон қазо қилмоқчиман. Мен жон берадиган жойимга ўзим сени бошлаб бораман, илло қабрим қаерда эканлигини ҳеч кимга айта кўрма; қабрим сенинг шаҳрингни минг-минглаб қалқону найзалардан ҳам яхшироқ муҳофаза қилгай. У ерда сен шундай бир гап эшитасанки, у гапни бу ерда айта олмайман. Бу гапни сир сақла, фақат ажалинг етиб, кунинг битадиган пайтда уни тўнғич ўғлинггагина айт. У ҳам, кези келганда, бу сўзни ўз ворисига айтсин. Юр, Тесеи, сизлар ҳам юринглар, қизларим. Энди мен, сўқир одам, сизларга йўлбошчилик қиламан. Мени эса, Ҳермес билан Персефона етаклаб боргай.

Тесеи, Антигона ва Исмена Эдипнинг ортидан юрадилар. У ҳамроҳларига худди кўзи очиқ одамдай йўлбошчилик қилади. Мана, у ўликларнинг зулмат салтанатига тушадиган ерга етиб келиб, бир тош устига ўтиради. У жон қазо қилишга ҳозирланаркан, қизларини бағрига босиб шундай дейди:

– Қизларим, бугундан бошлаб сизлар отасиз қолурсиз. Ўлим тангри-си Танат мени ўз тасарруфига олди. Энди бундан буён менга ғамхўрлик қилиш ташвишидан озод бўлурсиз.

Антигона билан Исмена Эдипни кучоқлашганча дод солиб йиғлайдилар. Шу чоқ бирдан ер қаъридан сирли бир овоз эшитилади: «Тезроқ бўл, Эдип, тезроқ! Нима қилиб ўтирибсан? Нечун пайсалга соласан?» Эдип бу сирли овозни эшитиб, Тесеини ёнига чақиради, қизларининг қўлини олиб, унинг қўлига қўяди ва ундан қизларига ҳомий бўлишни илтимос қилади. Тесеи Эдипнинг илтимосини бажаришга сўз беради. Шундан кейин, Эдип қизларига нари кетишни буюради: улар ҳозир юз берадиган воқеани кўрмасликлари, Эдипнинг Тесеига айтадиган сирини эшитмасликлари керак эди. Антигона билан Исмена бу ердан узоклашадилар. Улар нарироққа бориб, оталарини охирги марта кўриб қолиш мақсадида

оркаларига ўгириладилар; лекин энди оталари йўқ эди, фақат Тесея худди кўзига мудҳиш рўё кўринган одамдек, қўллари билан кўзини беркитиб олган эди.

Кейин қизлар Тесеянинг тиз чўкиб ибодат қила бошлаганини кўрадилар. Жафокаш Эдип ўзининг азоб-укубатда ўтган умрини шундай яқунлаган эди, унинг қандай ўлгани ва қаерга дафн этилгани жамики фоний бандалар учун сир бўлиб қолган. У Аид салтанатига ҳеч бир нола чекмай, шундай бамайлихотирлик билан рихлат этган эдики, ҳеч бир кимсанинг ўлими уникачилик осуда бўлмаганди.



ЕТТИ САРҚАРДАНИНГ ФИВАГА ҚАРШИ ЮРИШИ



Эсхилнинг «Етти сарқарданинги Фивага қарши юриши» ва Еврипиднинг «Финиқия аёллари» нолили фожиалари бўйича баён қилинади

Кўзи кўр Эдип Фивадан бадарга қилинганида, унинг ўғиллари Креонт билан тил бириктиришиб, ҳокимиятни ўзаро бўлишиб олган эдилар. Ҳар қайси ўғил йил давомида навбатма-навбат ҳукмронлик қилишга келишган эди. Бироқ Этеокл акаси Полинник билан ҳокимиятни бўлишишни истамайди ва акасини кувиб юбориб, Фиванинг ягона ҳокими бўлиб олади. Полинник шоҳ Адрастнинг юрти Аргосга боради.

Шоҳ Адраст қаҳрамон Амифаон наслидан эди. Бир замонлар мазкур Амифаоннинг икки қаҳрамон ўғлони: бузург қошифқаромат Мелампод билан Биант шоҳ Пройтнинг қизларига уйланишиб, ўзаро божа бўлишган эди. Бу воқеа қуйидагича юз берганди: кунлардан бир кун Пройт қизлари ўз қилмишлари билан худоларнинг газабини кўзғашган, оқибат худолар бу қизларга телбалик дардини уфурган эдилар. Пройт қизлари жинлари кўзиган чоғларда ўзларини сигир деб фараз қилишар ва атрофдаги даладашда, ўрмонларда маъраганча, шаталоқ отиб югуришар эди. Мелампод қизларни бу дарддан фориг қилиш сирини билар эди. У шоҳ Пройт қошига келиб, унинг қизларини даволаши мумкинлигини айтади ва бу хизмати учун шоҳ давлатининг учдан бирини талаб қилади. Лекин Пройт бунга рози бўлмайди.

Шоҳ қизларининг дарди баттар зўрайиб, бу дард бошқа аёлларга ҳам юқа бошлайди. Шунда шоҳ Пройт Меламподдан нажот сўрайди. Энди Мелампод ўз хизмати учун шоҳ давлатининг учдан икки хиссасини талаб қилади: у бир хиссани ўзига олиб, иккинчи хиссани укаси Биантга бермоқчи эди. Пройт ноилож бу шартга рози бўлади. Шунда Мелампод азамат йигитлардан гуруҳ ташкил қилиб, тоғ-тошга йўл олади ва узок

давом этган таъқиблар, югуриб-елишлардан сўнг барча телба аёлларни, шунингдек, Пройт кизларини ҳам тутиб, ҳаммаларини даволайди. Натижада Пройт ўзининг шу икки қизини Мелампод билан Биантга турмушга беради.

Меламподдан Антифот, Антифотдан Оикл, Оиклдан Амфиарай дунёга келади. Биантдан Тал, Талдан эса, Адраст билан Эрифил туғилади. Мана, Мелампод насабидан бўлган Амфиарай ва Биант наслидан бўлган Адраст улғайишиб, катта йигит бўлишади. Шунда бу икки азамат каттиқ низолашиб қолади. Натижада, Адраст Искионга, шоҳ Полибнинг паноҳига қочишга мажбур бўлади. У ерда Адраст шоҳ қизига уйланади ва Искионга ҳоким бўлади. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Адраст ўз ватани Аргосга қайтади, Амфиарай билан ярашади ва уни синглиси Эрифилга уйлантиради. Кейин Адраст билан Амфиарай, ўртамазда вужудга келган ҳар қандай баҳс ё низога Эрифилга ҳакамлик қилсин, биз унинг ҳукмига ҳеч қандай эътироз билдирмай, итоат этгумиздир, деб қасам ичадилар. Амфиарай, бу ичган онти ўзининг ва бутун авлодининг бошига фалокат ёғдиришини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Фалокатнинг ибтидоси будир: Эдипнинг ўғли Полиник шоҳ Адрастдан паноҳ ва мадад излаб, бир куни ярим тунда унинг саройи олдига келади. Сарой бўсағасида у Ойней ўғли қаҳрамон Тидей билан тўқнашади; маълум бўлишича, Тидей ўз юртида амакисини ва амакиваччаларини ўлдириб қўйган, шу сабабли Аргосга қочиб келган экан. Шу пайт Тидей билан Полиник каттиқ баҳслашиб қолади. Ҳеч қандай эътирозни тан олмайдиган тажанг Тидей қўлига шамшир олади. Полиник ҳам қилич яланғочлаб, кўксини қалқон билан тўсади. Икки ўртада даҳшатли жанг бошланади.

Сиртига мис эритиб қуйилган қалқонлар шамширлар зарбидан жаранглайди. Йигитлар бу зулмат тунда мисоли иккита қутурган шердек олишадилар. Адраст бу жанг суронини эшитиб саройдан чиқади. У икки нотаниш йигитнинг жон-жаҳд билан олишаётганини кўриб донг қотиб қолади. Полиник совутлари устидан шер терисини ёпиниб олган, Тидейнинг елкасига баҳайбат қобон териси ташланган эди. Адраст буни кўрадию қохинлар қилган башорат эсига тушади: қизларингни шер билан қобонга эрга берасан, дейилган эди ул башоратда. Шоҳ дарҳол орага тушиб, рақибларни ажратади ва уларни саройига меҳмон сифатида таклиф қилади. Адраст сал вақтдан кейин катта тўй қилиб, қизи Демпилани Полиника, Аргеяни Тидейга турмушга беради.

Полиник билан Тидей шоҳ куёви бўлиб олишгач, ўз тожу тахтларини қайтариб олиш учун Адрастдан мадад сўрайдилар. Қайинота уларга ёрдам беришга рози бўлади; у фақат: бу жанговар юришда божам, иктидорли мухориб ва бузург қошифқаромат Амфиарай ҳам иштирок этсин, деб биттагина шарт қўяди.

Даставвал етти дарвозали Фива сари юришга қарор қиладилар. Амфиарай бу сафарда қатнашишдан бош тортади, зеро, бу сафарнинг худолар хоҳишига зид эканлигини у яхши билар эди. Шунга кўра, Зевс билан Аполлоннинг эрка кули бўлган Амфиарай худолар иродасига зид иш тутиб, уларнинг қаҳрига учрашни истамайди. Тидей қанча ялиниб-ёл-бормасин, Амфиарай ўз қарорида қатъий туриб олади. Тидейнинг ғазаби қайнайди, агар Адраст ўртага тушиб уларни яраштирмаса, улар тоабад ёвланиб қолган бўлардилар. Бу ишга Полиник аралашади: Амфиарайни Фивага қарши юришда иштирок эттириш учун бир фириб ишлатади. У Эрифиланинг молпараст тамагир аёл эканлигини биларди; шунинг учун Полиник унга Фива шахрини бунёд этган шоҳ Кадмнинг хотини Ҳармониянинг қимматбаҳо маржонини совға қилади. Бу совға эвазига Эрифила эри Амфиарайни Фива юришига жўнатмоғи лозим эди. Эрифила бу бебаҳо тухфага учиб, эрини Фивага жўнашга мажбур қилади. Амфиарай хотинининг ҳукмини рад эта олмасди: у Эрифилага уйланган пайтда, унинг барча талабларини сўзсиз бажаришга қасам ичган эди.

Шундай қилиб, Эрифила Ҳармониянинг ноёб маржонига учиб, ўз эрини муқаррар ўлимга йўллаган эди, айна чоғда, бул маржонга эга бўлган одам энг мудҳиш фалокатларга дучор бўлиши муқаррар эдики, бундан Эрифила беҳабар эди.

Фива сафарига жўнашга жуда кўп қаҳрамонлар рози бўлишади. Сафар иштирокчилари сафида Пройт авлодидан – иктидорли тангримонанд Капаней ва Этеокл, аркадиялик энг машҳур овчи аёл Атлантанинг ўғли – навқирон ва соҳибжамол Партенопай, шавкатли Хиппомедонт ва ўзга ажойиб қаҳрамонлар бор эди. Полиник Микенадан ҳам мадад кучи сўрайди. Микена ҳокими бу сафарда иштирок этишга рози бўлади, бироқ чақмоқдор Зевс даҳшатли нишона намоён қилиб, уни бу ниятидан қайтаради. Шунга қарамай, катта кўшин тўпланади. Етти саркарда Фивага қарши қўшин суриб боради. Буларнинг ҳаммасига Адраст лашкарбошилик қилади. Бу қаҳрамонларнинг ҳаммасини Фивага ажал ҳайдаб бораётган эди. Кошифқаромат Амфиарай, шу офаткаш сафарга бормайлик, деб қайта-қайта насиҳат қилади, лекин ҳеч ким унинг насиҳатига кулоқ солмайди. Ҳамма Фива бўсағасида шиддатли жанг қилиш иштиёкида ёнарди.

Мана, лашкар йўлга тушади. Амфиарай ўз оила аъзолари билан видолашади. У кетиш олдидан қизларини, ўспирин ўғли Алкмеонни ва энаганинг кўлидаги ўғилчаси Амфилохни бағрига босиб ўпаркан, мени ўлимга юбораётган онанг Эрифиладан қасос ол, ўғлим, деб Алкмеонга илтижо қилади.

Амфиарай юрагида оғир дард билан жангаробага чиқади; у ўз болаларини охирги марта кўраётганини яхши билар эди. Бу кошифқаромат жангаробада турганча хотини Эрифилага шамширини ўқталади ва ўз эрини ўлимга йўллагани учун унга лаънат тошини отади.

Лашкар Немеяга эсон-омон етиб боради. У ерда ташналик азобидан қаттиқ қийналган аскарлар ҳар томонга сув қидириб кетадилар. Лекин ҳеч ерда биронта ҳам чашма учратмайдилар. Чунки, саркардалар Зевснинг дуои хайрини олмай сафарни бошлаган ва бу қилмишлари билан тангри-нинг ғазабини қўзғаган эдилар. Шу боис, санамлар Зевснинг амри билан барча чашмаларнинг кўзини ёпиб қўйишган эди. Ниҳоят, аскарлар Лемнос-нинг собиқ маликаси Ҳипсипилани учратиб қоладилар. У кўлига Немея шоҳи Ликургнинг кичкина ўғилчаси Офельтни кўтариб олган эди. Воқеа бундай бўлган экан: лемнослик аёллар исён кўтариб, ўз юртларида бутун эркак зотини қириб ташлашганда, Ҳипсипила ўз падари Фаонтни ўлимдан қутқариб қолган. Мана шу қилмиши учун уни Лемнос аёллари қул қилиб сотиб юборган эдилар. Энди Лемнос маликаси шоҳ Ликургнинг чўриси бўлиб, унинг гўдак ўғлига энагалик қилар эди. Ҳипсипила гўдак Офельт-ни майса устига ўтқазиб қўйиб, ўзи аскарларга ўрмон ичидаги булоқни кўрсатгани йўл олади. Лекин Ҳипсипила билан лашкар сал узоқлашиши билан буталар орасидан баҳайбат бир илон ўрмалаб чиқиб, гўдак Офельт-нинг вужудига чирмашади. Бола чинқариб юборади ва Ҳипсипила ёрдам-га югуриб келади. Шу аснода бу ерга Ликург билан унинг хотини Эвриди-ка ҳам етиб келадилар. Аммо илон гўдакни аллақачон бўғиб ўлдирган эди. Дарғазаб Ликург қилич яланғочлаб Ҳипсипилага ташланади, лекин Тидей аёлни ҳимоя қилади. У Ликург билан жанг қилишдан ҳам қайтмас эди, ле-кин Адраст билан Амфиарай унга таскин беришади. Улар қон тўкилишига йўл қўймайдилар. Қаҳрамонлар Офельтни дафн этадилар. Унинг жаноза маросимида ҳарбий ўйинлар уюштирадиларки, бу ўйинлар кейинчалик Немея мусобақаларига асос бўлади. Зийрак Амфиарай, Офельтнинг ўлими барча қаҳрамонлар бошига ёгиладиган фалокатдан дарак берувчи мудҳиш нишона эканлигини тушунади. У Офельтни Архемор (яъни ўлимга бош-лаб борувчи) деб атади ва саркардаларга Фива сафарини тўхтатишни маслаҳат беради, лекин бу гал ҳам унинг маслаҳатига қулоқ осмайдилар: бутун кўшин жидду жаҳд билан ўз ўлими сари кетиб борарди.

Мана, кўшин ўрмонзорга бурканган Киферон тоғи оралиғидаги дара-лардан ўтиб, Асоп дарёси бўйига, етти дарвозали Фиванинг девори пойига етиб боради. Саркардалар аввал шаҳарни камал қилмайдилар. Улар Фива ҳукмдорлари билан музокара олиб бориш учун шаҳарга Тидейни юбора-дилар. Тидей Фивага кириб, Этеокликнида бўлаётган қуюқ зиёфат усти-дан чиқади. Фиваликлар Тидейнинг гапига қулоқ ҳам солмайдилар; улар қаҳ-қаҳ уриб кулиб, Тидейни ҳам зиёфатга таклиф этадилар. Тидейнинг ғазаби қайнаб кетади, ёв ичида ёлғиз бўлишига қарамай, уларнинг бари-ни яккама-якка жангга даъват этиб, ҳаммалари устидан зафар қозонади, чунки Афина-Паллада бу олишув пайтида ўз арзандасига мадакдор бўлиб туради. Фиваликлар аламдан сочларини юладилар ва буюк қаҳрамонни

нобуд қилишга бел боғлайдилар. Улар Меонт билан Ликофон бошчилигида эллик нафар азамат йигитни ўз қароргоҳига қайтаётган Тидейга хужум қилгани пистирмага қўядилар. Лекин Тидей бундан ҳам омон чиқади. Аксинча, Фива йигитларининг барини қириб ташлайди, фақат тангриларнинг амри билан биттагина Меонтни тирик қолдиради: у Фивага қайтиб Тидейнинг жасорати ҳақида баён қилмоғи лозим эди.

Бу фожиадан сўнг, Аргосдан келган лашкар билан фиваликлар ўртасидаги адоват баттар авж олиб кетади. Етти саркарданинг ҳаммаси тангри Аресга, жанг тангриларининг барчасига, яна ўлим тангриси Танатга бағишлаб қурбонликлар қиладилар. Улар қўлларини қурбонлик конига ботириб, ё Фивани вайрон қиламиз, ё жанггоҳда ҳалок бўлиб ўз қонимиз билан Фива заминини суғорамиз, деб қасам ичадилар. Мана, Аргос қўшини хужумга тайёрлана бошлайди. Бош қўмондон Адрастнинг фармонига кўра, етти саркарданинг ҳар бири ўз қўшинини Фиванинг биттадан дарвозасига йўналтирмоғи лозим эди.

Бадқаҳр аждардек қонсираган паҳлавон Тидей ўз қўшини билан Пройтзодалар қопқаси рўпарасига бориб туради. Унинг бошидаги дубулғасига бир эмас, учта тароқ ўрнатилган, қалқонининг сатҳида юлдузлар чараклаган тунги осмон, қалқоннинг қоқ ўртасида туннинг кўзи – тўлин ой тасвирланган эди. Важоҳати алпмисол Капаней қўшинини Электра қопқаси қаршисига қўяди. У фиваликларга таҳдид қилиб: «Худолар қаршилиқ кўрсатса ҳам, шаҳрингизни забт этмай қўймайман! Ҳаттоки, чакмоқдор Зевснинг пуршиддат қаҳри ҳам мени бу ниятимдан қайтара олмайди!» – дейди. Капанейнинг қалқонида қўлида машъала тутган яланғоч қаҳрамоннинг тасвири туширилган эди. Пройт авлоди – Этеокл бўлса, ўз лашкари билан Ней қопқаси қаршисига келиб туради. Унинг қалқонига туширилган суратда қамалдаги қалъа минорасига нарвон кўйиб чиқаётган одам тасвирланган, тасвир остига эса: «Мени, ҳаттоки, тангри Арес ҳам махв эта олмайди», – деган сўзлар ёзилган эди.

Ҳиппомедонт Афина қопқасига ҳамла қилишга тараддуд кўради. Унинг куёшдек ярақлаб турган қалқонида оғзидан олов пуркаётган Тифон тасвирланган эди. Ҳиппомедонтнинг жанговар наъраси ғазабнок янграр, кўзлари дуч келган ҳар қандай одамни махв этгудек даҳшатли боқарди. Навқирон ва ўктам Партенопай ўз қўшинини Борейзодалар қопқаси рўбарўсига бошлаб боради. Унинг қалқонида жон бераётган фиваликни чангалида ушлаб турган Сфинкс тасвирланган эди. Соҳибқаромат Амфиарай Ҳомолойзодалар қопқасига ҳамла қилишни кўзлаган эди. У жангари Тидейдан ғазабланарди, уни тажовузкор, бадқирдор, қотиллар малайи, касофат деб бўралаб сўқарди. Бу юриш унга мутлақо манфур эди, у ўз ватани Фивага ажнабий қўшин билан ёв сифатида бостириб келган Полиникка ҳам маломат қилар эди. Келгуси авлод бу юриш иштирокчиларига лаънат-

лар ўқияжагини Амфиарай биларди. Шунингдек, у ўзининг ҳам бу жангда халок бўлиб, ўлиги шу Фива тупроғида қолиб кетажигига ишончи комил эди. Амфиарайнинг калқонида ҳеч қандай тасвир йўқ эди – важоҳатининг ўзи ҳар қандай тасвирдан таъсирлироқ эди. Охирги, еттинчи қопқа олдига Полинник ўз қўшинини тўплаган эди. Унинг қалқонига бир куролли қахрамонни етаклаган маъбуданинг тасвири туширилган бўлиб, тасвир тагига: «Ушбу мардни мен ўз шаҳрига, ота маконига музаффар сифатида бошлаб киргум», – деган сўзлар ёзилган эди. Метин деворли Фивага хужум қилиш учун ҳамма нарса шай эди.

Бу ёқда фиваликлар ҳам жангга ҳозирлик кўрардилар: Этеокл ҳар бир қопқа олдига машҳур қахрамонлар кўмондонлигида лашкар дастасини қўйиб чиқади. Ўзи бўлса, акаси Полинник хужум қилмоқчи бўлган қопқани ҳимоя қилмоқчи бўлади. Астахнинг иқтидорли ўғли Меланипп – Кадм ўлдирган аждарнинг тишларидан униб чиққан сарбозлардан бирининг зурриёди – Тидейга рўпара туради. Этеокл маъбуда Артемиданинг ҳимоятида бўлган Полифонтни Капаней қаршисига қўяди. Креонтзода Мегарей ўз дастаси билан Пройт ўғли Этеокл хужум қилмоқчи бўлган қопқа қаршисига бориб туради; Ойнорзода Ҳипербий Ҳиппомедонтга қарши, қахрамон Актор Партенопайга, қариялардек донишманд, йигитлардек қудратли Лейсфен Амфиарай рўпарасига турадилар. Фива қахрамонлари орасида Посейдоннинг қудратли ўғлони музаффар Периклимен ҳам бор эди.

Этеокл урушни бошлашдан олдин кошифқаромат Тиресийдан, бу уруш кимнинг зафари билан якунланади, деб сўрайди.

Тиресий шундай башорат қилади:

– Мабодо Креонтнинг ўғли Менойкей тангри Арес йўлига қурбон қилинса, шунда сен галаба қозонгайсан. Зеро, Арес ўзига назр қилинган аждарни ўлдирган Кадмдан хануз ғазабда.

Йигитча Менойкей бу башоратни эшитган ҳаммоно шаҳар девори бошига кўтарилади ва бир замонлар Ареснинг аждари яшаган ғор рўпарасида туриб, ўз кўксига ўзи ханжар уради. Креонтнинг ўғли кадрдон юрти Фивани ёвлардан халос этиш учун ўз ихтиёри билан ўзини тангри йўлига шундай қурбон қилган эди.

Ҳамма нарса фиваликларнинг галаба қозонишидан далолат бераётган эди. Қаҳҳор Ареснинг кўнглига раҳм солинган, ҳамма тангрилар уларнинг ирода ва ишораларига амал қилаётган фиваликлар тарафида. Лекин, шунга қарамай, зафар қозониш осон бўлмайди. Фиваликлар шаҳар дарвозаларидан чиқиб, Аполлоннинг муқаддасгоҳи яқинида Аргос лашкари билан жанг бошлайдилар. Душманнинг қудратли ҳамласи уларни орқага чекиниб, ўзларини шаҳар девори панасига олишга мажбур этади. Аргосликлар чекинаётган Фива қўшинини таъқиб қилиб, шаҳар деворига чиқа бошлай-

дилар. Файриинсоний кудрат соҳиби бўлган мутакаббир Капаней нарвон кўйиб, девор бошига кўтарилади. У сал бўлмаса шаҳарга ёриб кириши ҳам мумкин эди, лекин Зевс унинг хоҳишига зид ўлароқ Фивага кирмокчи бўлганларни ўз қаҳрига олади. Шунга кўра, улуғ тангри эндигина девор бошига чиққан Капанейга порлок чакмоғини отиб, уни маҳв этади. Капанейнинг бутун вужудини аланга олади ва жасади девор тагида турган аргосликларнинг оёғи остига келиб тушади.

Бу хужум пайтида навкирон Партенопай ҳам ҳалок бўлади: кудратли Периклемен деворда туриб улкан бир харсангтошни унинг бошига ташлаб мажақлаб юборган эди.

Аргосликлар девор тагидан чекинадилар: улар Фивани бу йўсиндаги хужум билан забт этиш мумкин эмаслигини тушунадилар. Энди фиваликларнинг руҳи кўтарилиб кетади; Фива деворлари қоядек пойдор турарди.

Шунда рақиблар, Фивага ким ҳоким бўлишини ака-ука Полиник билан Этеокл яккама-якка жангда ҳал қилишсин, деган қарорга келадилар. Мана, Эдипнинг ўғиллари яккама-якка жанг тараддудини кўра бошлайдилар. Фива қопқасидан силоҳ-совутини ярақлатиб Этеокл чиқиб келади; бу ёқда аргосликлар қароргоҳидан Полиник чиқади. Энди биродаркушлик жанги бўлиши керак эди. Оға-инининг кўзларида нафрат ўти аланга олган. Икковидан бири муқаррар маҳв бўлмоғи лозим эди. Аммо қисмат маъбудалари муаззама ва бешафқат Мойраларнинг ҳукми бошқача экан. Интиқом маъбудалари Эвменидалар эса, Эдипнинг дуоибадини, шунингдек, Лайнинг жиноятини ҳам, Пелопснинг лаънатини ҳам унутмаган эдилар.

Оға-инилар худди ўлжа талашган бадқаҳр шерлардек даҳшатли жанг қиладилар. Улар ўзларини қалқон панасига олиб, нафрат тўла кўзлари билан бир-бирларини кузатганча аёвсиз олишардилар. Мана, Этеокл қоқилиб кетади, шунда фурсатдан фойдаланган Полиник найза отиб, укасини сонидан жароҳатлайди. Жароҳатдан тиркираб қон оқа бошлайди. Лекин Полиник найза отган чоғида ўзи ҳам бир зумга очилган эди, Этеокл шу фурсатдан фойдаланиб, унинг елкасига найза санчади. Аммо найзанинг тиғи совутга қадалиб қайрилиб кетиб, дастаси чўрт синади. Энди Этеоклнинг шамширдан бошқа қуроли қолмаган эди. Шу боис, у дарҳол ердан қаттақон харсангни кўтариб уни акасига отади; харсанг Полиникнинг найзасига тегиб, уни синдиради. Энди иккала рақибда ҳам фақат шамшир қолган эди. Иккалови ҳам яраланган, икковининг ҳам совутлари қора қонга бўялган эди. Этеокл чаққонлик билан бир қадам орқага чекинади; Полиник унинг ниятини тушунмай, қалқонини кўтаради. Шу заҳоти Этеокл унга шамшир санчади. Полиник ерга йиқилади. Жароҳатидан қон варақлаб оқа бошлайди, ўлимнинг зулмат пардаси кўзини хиралаштиради. Этеокл қолиб чиққанидан мамнун; у акасининг силоҳ-совутини ечиб олгани тепасига югуриб келади. Шунда Полиник бор кучини йиғиб, ёнбоши-

га кўтарилади-да, шамширини укасининг кўксига ботиради; ботирадию шу заҳоти руҳи Аиднинг зулмат салтанатига учиб кетади. Этеокл мисоли тупига болта урилган азим эмандек акасининг жасади устига гурсиллаб қулайди ва тил тортмай ўлади. Ака-уканинг қони бир-бирига омухта бўлиб, атрофни кирмизи рангга бўяйди.

Фиваликлар ҳам, аргосликлар ҳам бу мудҳиш жангнинг интиҳосини даҳшат билан кузатадилар.

Қамалдаги ва қамал қилувчилар ўртасидаги яраш муддати узоққа чўзилмайди. Яна улар ўртасида қақшаткич жанг бошланиб кетади. Бу жангда худолар фиваликларга ҳомийлик қиладилар. Ҳиппомедонт ва Пройтзода Этеокл ҳалок бўладилар, қудратли Меланипп паҳлавон Тидейни оғир яралайди. Лекин Тидей сўнгги кучини йиғиб, Меланиппга найза отади ва уни маҳв этади. Афина-Паллада қора қонига беланиб жон қазо қилаётган Тидейни кўрадио падари Зевсга илтижо қилиб, бу арзандасини ўлимдан асраб қолишга, ҳаттоки, унга боқийлик ато этишга ижозат сўрайди. Сўнг у Тидей қошига шошилади. Аммо бу пайт Амфиарай Меланиппнинг калласини чошиб, уни жон бераётган Тидейнинг олдига ташлайди. Тидей каллани жон ҳолатда чангаллаб олиб, уни ерга уриб ёради ва ғанимининг мия қатигини ваҳший ҳайвондек ича бошлайди. Тидейнинг бу ваҳшиёна конхўрлигини кўрган Афина даҳшатдан сесканиб кетади ва арзандасидан юз ўгириб нари кетади. Шунда жони узилаётган Тидей зўр-базўр пичирлаб, фақат бир нарсани – ўзига насиб этмаган ўша боқийликни ўғли Диомедга бахш этишни маъбудадан илтижо қилади.

Фиваликлар Аргос қўшини устидан галаба қиладилар; жамики аргосликлар Фива бўсағасида қирилиб кетадилар. Амфиарай ҳам ҳалок бўлади. У Батон аравакашлик қилаётган жангаробасида бу қирғиндан қочиб қутулмоқчи бўлади. Лекин иқтидорли Периклимен унинг ортидан кува бошлайди. Мана, Периклимен буюк башоратчига етай деб қолади. У Амфиарайни маҳв этмоқчи бўлиб, қўлидаги найзани унга отишга чоғланади, бироқ шу пайт Зевснинг мудҳиш чакмоғи чакнаб, момақалди роқ гумбурайдию ер ёрилиб, Амфиарайни жангаробаси ва отлари билан ютиб юборади. Қахрамонлардан фақат Адрастгина жон сақлаб қолади. У ўзининг шамолдек учкур оти – Арейонда бу жанггоҳдан қочиб кетиб, Афина шахрига яширинади; кейин, сал вақт ўтказиб, Аргосга қайтади.

Фивада шодиёна. Шаҳар ёвдан сақлаб қолинган эди. Фиваликлар ҳалок бўлган қахрамонларини тантанали равишда дафн этадилар, аммо Аргосдан Полинник бошлаб келган саркарда ва сарбозларнинг жасадларини дафн қилмайдилар. Шулар қатори, ўз ватанига қарши бош кўтарган Полинникнинг ҳам жасади дафн этилмай ётаверади.

Ўз ўғиллари, эрлари жанг майдонида дафн этилмай ётганини эшитган Аргос аёллари Адраст бошчилигида Аттикага, шоҳ Тесей хузурига

йўл оладилар; улар ҳалок бўлган Аргос муҳорибларининг жасадларини қайтариб беришга фиваликларни мажбур этишни шохдан илтимос қилмоқчи эдилар. Аёллар Элевсинда, Деметра маъбади олдида шох Тесейнинг онасини кўриб қоладилар ва ундан ўз истакларини ўғли Тесейга етказишни ўтиниб сўрайдилар. Тесей узок вақт ўйланади, ниҳоят, Аргос аёлларига ва Адрастга кўмаклашишга рози бўлади. Худди шу маҳал Фива шоҳи Креонтнинг элчиси бу ерга ташриф буюради. Элчи шохдан Аргос аёлларига кўмаклашмасликни, Адрастни эса Аттикадан қувиб юборишни талаб қилади.

Бу талаб Тесейнинг жаҳлини чиқаради. «Креонтнинг менга буйруқ беришга қандай ҳадди сиғди? Шоҳ бўла туриб ўз ихтиёрим билан буйруқ бера олмас эканманми ҳали?» Шоҳ Тесей шундай деб аччиғланиб, дарҳол лашкар тўплайди ва Фивага қарши юриш бошлайди; у жангда фиваликлар устидан ғалаба қозонади ва ҳалок бўлган барча муҳорибларнинг жасадларини қайтаришга уларни мажбур этади. Етти ерда еттита гулхан ёқилиб, жангчиларнинг жасадлари куйдирилади. Саркардаларнинг жасадлари эса Элевсинга олиб борилиб, ўша ерда куйдирилади, мархумларнинг оналари ва хотинлари уларнинг хокларини ўз ватанларига – Аргосга олиб кетадилар.

Фақат Зевснинг чақмоғидан махв бўлган Капанейнинг хоки Элевсинда қолади. Унинг жасади муқаддас ҳисобланар эди, чунки уни чақмоқдор тангри ўлдирган эди. Афина аҳли улкан гулхан учун ўтин қалаб, устига Капанейнинг жасадини кўяди. Гулхан энди аланга ола бошлаган пайтда, бу ерга Капанейнинг завжаси – Ифитнинг соҳибжамол қизи Эвадна келди. У суюкли маҳбубининг ўлганига ҳеч чидай олмайди, эгнига муҳташам мотам либоси кийиб, шундоққина гулхан тепасида қад кўтарган қоя бошига чиқади ва ўша ердан ўзини гулханга отади.

Гўзал Эвадна шундай ҳалок бўлади ва унинг руҳи эрининг руҳи билан биргаликда Аиднинг зулмат салтанатига риҳлат этади.



АНТИГОНА



Софоклнинг «Антигона» фожияси бўйича баён қилинади

Фиваликлар Аргос кўшини устидан зафар қозонишгач, Этеоклнинг ҳамда фивалик барча муҳорибларнинг жасадларини дафн этиш учун тантанали маросим ўтказадилар. Лекин Фивага қарши кўшин тортиб келган Полиникнинг жасадини Креонт ҳам, бутун Фива фуқароси ҳам дафн этмасликка қарор қилади. Унинг жасади ваҳший ҳайвонлар ва қузғунларга ем бўлсин учун шаҳар ташқарисига, очик майдонга ташлаб қўйилган эди. Шу боис, дафн этилмаган Полиникнинг руҳи ўликлар салтанатида паноҳ топа олмай, мангу сарсонликка маҳкум этилганди.

Эдипнинг ўз жигари учун жонини фидо қилишдан ҳам қайтмайдиган оққўнғил ва меҳрибон қизи Антигона акасининг жасади хор бўлиб ётганини кўриб, қаттиқ изтироб чекади. Ниҳоят, у Полиникнинг жасадини ўзи дафн этишга қарор қилади. Гарчи Креонт Полиникни дафн этишга жазм қилган ҳар қандай одамни қаттиқ жазолаши ҳақида фармон чиқарган бўлса ҳам, Антигона ўз ахдидан қайтмайди. У синглиси Исменани ўзи билан бирга боришга ундайди, лекин Креонтнинг ғазабидан кўрккан Исмена опасига кўмаклашишдан бош тортади. У опасини Фива шоҳининг амрига зид иш қилмасликка чақиради ва онаси Иокастанинг ҳамда акаларининг шум қисматини эслатади. Наҳотки, энди ўзинг билан мени ҳам шармандаларча адои тамом қилмоқчи бўлсанг, деб таъна қилади у опасига.

Лекин Антигона синглисига кулоқ солмайди: у оғаси олдидаги жигарлик бурчини ёлғиз ўзи бажаришга, Полиникнинг хокини ерга кўмиш учун ҳар қандай таҳқир ва азобларга ҳам тишини тишига қўйиб бардош беришга тайёр. Шундай қилиб, Антигона ўз ниятини амалга оширади.

Орадан сал вақт ўтар-ўтмас, Креонтнинг фармони бузилгани ҳақида шоҳга хабар келади. Жанггоҳдаги соқчилардан бири, кимдир сезди-масдан келиб, Полиникнинг жасади устига тупроқ тортгани ва хуфиёна жаноза ўкигани тўғрисида шоҳга маълум қилади. Буни эшитган Креонтнинг ғазоби қайнаб, агарда жасад устига тупроқ тортган одамни топмасаларинг, ҳамма соқчиларни энг оғир қийноққа дучор қиламан, деб дағдаға қилади.

Соқчилар майдонга чиқишиб, Полиникнинг устидаги тупроқни олиб ташлайдилар ва сал нарироқдаги тепаликка бориб ўтирадилар. Чошгоҳ пайтида бирдан кучли бўрон кўтарилади, қуюн бутун майдонни чанг-тўзонга буркайди. Бир оздан сўнг бўрон тинади. Шунда соқчилар бир қизнинг Полиник жасади устида бош эгиб унга аза тутаётганини кўриб қоладилар; қизнинг ҳазин овози полапонларини ўғирлатган кушнинг ғамгин чинқиришига ўхшаб кетарди. Қиз эндигина ер ости тангрилари ҳаққига май паймо қилишга киришганида, соқчилар уни тутиб олиб, Креонт хузурига судраб борадилар. Бу қиз – Антигона эди.

Креонт Антигонага ўдагайлаб, ундан айбига иқрор бўлишни талаб қилади. Антигона айбини инкор қилмоқчи ҳам эмас. Тўғри, у Креонтнинг буйруғини бузган, илло расм-таомилга амал қилиб, худоларнинг иродасини бажарган эди. У ўлимдан кўркмайди, бу ҳасрату изтироб тўла ҳаётдан ўлимни афзал кўради. Креонт ғазабдан тутақиб кетиб, наинки Антигонани, унга қўшиб синглиси Исменани ҳам қатл этажagini, чунки унинг Антигонага кўмаклашганига қатъий ишонишини айтади.

Креонтнинг Исменани ҳам ўлдиришга қасд қилганини эшитган Антигона даҳшатдан титраб кетади. Наҳотки унинг касрига синглиси бегуноҳдан-бегуноҳ ўлиб кетаверса? Навкарлар Исменани тутиб келга-

ни жўнайдилар. Ана у сарой остонасида кўринади. Шўрлик қизнинг кўз ёшлари шашкатор оқмоқда. Лекин болалигидан кўрқоқ бўлиб ўсган Исмена опасининг ўлимга ҳукм этилганини эшитиб, ўзи ҳам Антигонанинг қисматига шерик бўлишга журъат этади. Креонтга, акам Полиникни дафн қилиш ва унга жаноза ўқишда мен ҳам қатнашганман, дейди у дадиллик билан.

Лекин Антигона бегуноҳ синглисининг жазоланишини хоҳламайди.

– Опажон, – деб эътироз билдиради унга Исмена, – мени камситма, сен билан ўлишга номуносиб деб ҳисоблама мени! Ахир сенсиз ҳаётнинг менга нима кераги бор? Қўй, мени бунчалик ерга урма!

Лекин Антигона бундай жавоб қилади:

– Йўк, синглим, сен ўлмаслигинг керак! Қилмаган ишингни қилдим дейишинг тўғри эмас! Битта менинг ўлимим кифоя! Сен ҳаётни танловдинг, мен бўлсам, ўлимни танладим!

Исмена Креонтга ёлбориб, ундан Антигонага шафқат сўрайди. Ҳеч бўлмаса, ўз ўғлининг қаллиғини ўлимга йўллаётганинг ҳақида ўйлаб кўр, деб илтижо қилади қиз. Лекин Исменанинг илтижолари Креонтга заррача таъсир қилмайди.

– Йўк, – дейди Креонт, – ўғлим Гемоннинг жинояткор қизга уйланишига асло йўл қўймайман! Антигона ўлиши шарт. Ўлим ўғлимни ундан жудо қилади.

Креонт навкарларига Антигона билан Исменани саройга олиб кириб қамаб қўйишни ва уларни сергаклик билан кўриқлашни буюради. Навкарлар Эдипнинг қизларини олиб кетадилар. Шаҳар аҳолиси уларни сукут сақлаб кузатиб қолади. Халқ Антигонага хайрихоҳ эди, чунки бу қизнинг жасоратига қойил қолган эди. Сўроқ пайтида Антигона Креонтнинг юзига ҳақиқатни дангал айтган эди:

– Агарда халқ амалпараст Креонтдан кўрқиб сукут сақламаганида, акамнинг жасади устига тупроқ тортганим учун менга тасанно айтган бўлар эди!

Мана, Креонтнинг навқирон ўғли Гемон ўз севгилисининг аччиқ қисматидан дарак топиб, дарҳол отаси олдига келади ва ундан Антигонага шафқат қилишни сўрайди.

– Ота, – деб хитоб қилади Гемон, – сен Антигонани савоб иш қилгани учун ўлимга йўлламоқдасан. Ҳолбуки, бутун Фива фуқароси уни бегуноҳ деб ҳисобламоқда. Сен ноҳақсан, ота! Антигона эмас, ўзинг худолар амрига терс иш қилмоқдасан!

Ўғлининг бу маломатидан Креонтнинг баттар ғазаби ортади: Гемон Антигонани севади, шунинг учун уни ҳимоя қилмоқда, деб ўйлайди у.

– Сен йигит эмас, хотинлар қулига айланиб қолибсан! – деб бақиради дарғазаб ота.

– Йўқ! – деб жавоб қилади Гемон. – Шуни билки, ота, мен ҳеч қачон ёвузликка ён босмайман. Сени ҳимоя қилмоқчиман, холос!

Аммо Креонт энди ўғлининг гапини эшитмас, у Антигонани қатл этишга қатъий қарор қилган эди.

Отасининг бу қарорини эшитган Гемон шундай дейди:

– Агар Антигона ўлса, бу ўлим яна бир одамнинг ўлимига сабабчи бўлади.

Бироқ Креонт ғазабининг чеки йўқ эди энди. У сарбозларга Антигонани шу ерга олиб келиб, Гемоннинг кўзи олдида қатл этишни буюради.

– Йўқ, у менинг кўз ўнгимда ўлмайди! – дейди Гемон. – Ота, энди сен мени ҳеч қачон кўрмайсан! Бундан буён хушомадгўй дўстларинг даврасида кўнглингга сикқанча бадкирдорлик қилаверасан!

Гемон шундай деб бу ердан жўнаб кетади. Одамлар, Гемоннинг авзойи бузуқ, бунинг оқибати ёмон бўлиши мумкин, деб шохни ниятидан қайтаришга уринадилар. Лекин қаҳҳор Креонт ўз сўзида қаттиқ туриб олади.

Мана, Антигонани адолатсиз қатлга олиб чиқадилар. Креонт қизни Лабдакзодалар дахмасига тириклайин дафн этишга қарор қилади. Антигона ўзининг сўнгги сафарига йўл олади, энди у Ахеронт соҳилига равона бўлиши керак. Уни тириклайин дахмага тикиб, кўмиб ташлашмоқчи; энди у одамлар орасида эмас, ўликлар анжуманида бўлади, аммо у на тирик бўлиб тирик, на ўлик бўлиб ўлик ҳисобланади. Бу сўнгги йўлга уни ёру дўстлари кузата олмайди; ҳеч ким унга аза тутиб йиғламайди. Ҳозир уни олиб кетишадияу ёруғ жаҳонни кўриш унга бошқа насиб этмайди.

Антигонани эндигина олиб кетишган эди ҳамки, бир бола кўзи кўр қошифқаромат Тиресийни Креонт ҳузурига етаклаб келади. У, ҳозир қурбонлик қилаётганида, тангрилар дахшатли нишона намоён қилишганини, уларнинг дафн этилмаган марҳумнинг жасадини кузгунлар ва итлар тилка-тилка қилиб ҳар томонга ташмалаб кетаётганидан қаттиқ қаҳрланаётганликларини айтади. Аммо ўлгудек ўжар Креонт Тиресийнинг гапига қулоқ осмайди.

– Ҳаттоки, Зевснинг бургути Полинининг жасадини чўқилаб, унинг бир парча гўштини чақмоқдор тангрининг тахтига олиб чиққан тақдирда ҳам, мен у жасадни дафн эттирмайман! – дейди Креонт.

Сўнгра у қошифқароматни хоинликда айблаб, сен ўз манфаатингни кўзлаб менга бундай маслаҳат беряпсан, дейди унга.

Тиресийнинг ғзаби қайнаб кетади.

– Йўқ, Креонт, – дейди у. – Ҳаммасига айбдор ёлғиз ўзингсан: сен Антигонани тириклайин дахмага тикиб, Полинининг жасадини таҳқирлаб, илоҳий таомилни оёқ ости қилдинг ва худоларга шак келтирдинг! Ҳали бу қилмишинг учун уларнинг ғзабига учрагайсан! Бутун хонадонинг

ғамхонага айланур, худоларнинг қарғиши сен учун энг азиз бўлган одамга ургай. Шафқат билмас Эриниялар сендан интиқом олгайлар. Уларнинг мудҳиш интиқомидан сени ҳеч қандай куч қутқара олмагай.

Соҳибқаромат Тиресийнинг бу сўзлари Креонтни чўчитиб юборади. Унинг ўзи шошганча далага чиқиб, дафн таомилини бажаради ва Аид билан Ҳекатага сиғиниб, ўзига ва бутун Фивага қаҳр қилмасликларини илтижо қилади. Креонт Полиникни дафн этиб бўлиб, шу мулозимлари билан тўғри Лабдакзодалар дахмасига йўл олади: у Антигонани дахмадан олиб чиқиб озод қилмоқчи эди. Лекин кечикади! Антигона ўз кўйлагидан сиртмоқ эшиб, ўзини осган эди! Креонт дахма ичида Антигонанинг жасади тепасида юм-юм йиғлаб ўтирган ўғли Гемонни учратади. Креонт худонинг зорини қилиб, ўғлидан дахмани тарк этишни илтимос қилади. Лекин Гемон отасининг кўзи олдида ўз кўксига ханжар санчиб, маҳбубасининг жасади устига йиқилади ва жон беради. Креонт беҳад қаттиқ изтиробда – у ўзининг охирги фарзандидан жудо бўлган эди. У аччиқ кўзёш тўкади.

Бу пайт чопар Креонтнинг завжаси Эвридикага ўғли Гемоннинг ўлгани ҳақида шум хабар олиб келади. Эвридика чопарнинг гапини жим туриб эшитади. Сўнг сарой ичкарасидаги хоналар томон йўл олади. У бир хилват гўшага кириб, худди ўғли Гемонга ўхшаб, ўз кўксига ханжар санчиб ўлади. Бу пайт Креонт кўлида ўғлининг жасадини кўтарганча саройга кириб келади. Бу ерда – сарой бўсағасида уни яна бир шум хабар кутарди: хотини ўз жонига қасд қилиб ўлган эди. Креонтдаги такаббурлик, риёсатпарастлик руҳи яксон бўлади. У шояд бу ғаму андуҳларим барҳам топса, деб фарёд чекканча, худолардан ўзига ўлим тилайди. Креонт ўзининг энг азиз жигарларидан шундай жудо бўлган эди.



ЭПИГОНЛАР¹ ЮРИШИ



Антиқ даврда яратилган турли асарлар бўйича баён қилинади

Ўтти саркарда Фивага юриш қилганидан сўнг орадан ўн йил ўтади. Бу вақт ичида Фива бўсағасида ҳалок бўлган саркардаларнинг ўғиллари ўсиб вояга етадилар. Мана, улар ўз оталарининг мағлубияти учун фиваликлардан қасос олишга аҳд қилишиб, янги жанговар сафар тадоригини кўра бошлайдилар.

Ушбу сафарда: Адрастнинг ўғли Айгиалей, Амфиарай ўғли Алкмеон, Тидейнинг ўғли Диомед, Полиникнинг ўғли Сфенел, Ҳиппомедонтнинг ўғли Полидор ҳамда Менестейнинг ўғли Эвриаллар иштирок этадилар.

¹ *Эпигонлар* – юнон тилида «авлодлар» демакдир.

Худолар бу эпигонларни (Фивага қарши янги юриш уюштирган саркардалар шундай деб юритиларди) ўз ҳимоятларига олган эдилар.

Дельфа ибодатгоҳидаги қоҳин, ушбу жанговар юришда Амфиарайнинг ўғли Алкмеон иштирок этсагина, эпигонлар зафар қозонгай, деб башорат қилади.

Шунда Полинникзода Ферсандр, Алкмеонни ўзим гапга кўндираман, деб отилиб чиқади. Алкмеон узоқ вақт иккиланиб туради. У марҳум падарининг охирги васиятини бажармай, яъни ўз эрини ажал домига юборган онасидан қасос олмай, Фивага қарши юриш бошлашга журъат эта олмасди. Шунда Ферсандр ҳам ўз отаси Полинникка ўхшаб, Алкмеоннинг онаси Эрифилани ишга солади. У Эрифилага Кадм хотини Ҳармония учун шахсан Афина-Паллада томонидан тўқилган бебаҳо кўйлакни совға қилиб, уни ўзига оғдиради. Эрифила, бир вақтлар Ҳармониянинг маржонига қандай учган бўлса, энди сеҳрли кўйлакка ҳам шундай маҳлиё бўладию Алкмеоннинг, унга кўшиб иниси Амфилохнинг ҳам жанговар сафарга қатнашишини талаб қилади.

Мана, эпигонлар кўшини Аргосдан жўнаб кетади. Кўшин унчалик йирик бўлмаса ҳам, унга зафар ёр бўлиши керак эди. Кўшинга Тидейзодани – ўз падари сингари қудратли ва довжорак муҳориб Диомедни лашкарбоши этиб сайлайдилар. Саркардалар ўз оталари учун қасос олиш иштиёқида бу жанговар сафарга шоду хуррамлик билан йўл оладилар.

Улар Фива яқинидаги Потния шахрига боришганида, Амфиарай маъбадининг қоҳинидан бу юришнинг нима билан яқунланишини сўрайдилар. Қоҳин фол очиб шундай дейди:

– Мен Амфиарай шавкатининг вориси бўлмиш Алкмеонни Фива қопқасига галаба билан кириб бораётганини кўрмоқдаман. Эпигонлар зафар қозонурлар. Бу тўқнашувда фақат олдинги ҳужумда жон сақлаб тирик қолган Адрастнинг ўғли Айгиалайгина ҳалок бўлиши керак.

Ниҳоят, эпигонлар кўшини етти дарвозали Фивага етиб боради. Эпигонлар аввалига Фива атрофидаги кишлоқларни харобазорга айлантирадилар, сўнгра Фивани қамал қиладилар. Фиваликлар кўшини ўз шаҳарларини қамал қилган ёвни қувиб юбориш мақсадида жанг майдонига отилиб чиқади; бу кўшинга марҳум Этеоклнинг жангари ўғли Фива шоҳи Лаодамант саркардалиқ қилади. Хунрезлик жанги бошланади. Бу жангда Ангисалай Лаодамант отган найзадан маҳв бўлади, лекин Лаодамантнинг ўзини ҳам Алкмеон ер тишлатади.

Фиваликлар мағлубиятга учраб, ўзларини Фиванинг метин девори панасига оладилар.

Кейин улар қамал қилган кўшин билан музокара олиб бормоқчи бўладилару ўзлари соҳибқаромат Тиресийнинг маслаҳати билан, хотин, бола-чақаларини олиб, Фессалиянинг шимолига йўл оладилар. Йўлда, санам Телпуза чашмаси бўйида соҳибқаромат Тиресий оламдан ўтади;

бу қария фиваликларни узоқ вақт қўллаб келган ва кўп марта фалокатдан асраб қолган эди.

Фива ахли кўп юриб, ахири Фессалиянинг Ҳестиотида музофотига етиб борадилар ва ўша ерда яшаб қоладилар.

Эпигонлар Фивани забт этиб, уни ғорат қиладилар. Қўлга киритилган олам-олам ўлжаларни ўртада бўлишиб оладилар. Ўлжанинг энг ноёб қисмини, шунингдек, Тиресийнинг қизи соҳибқаромат Мантони Дельфа башоратгоҳига назр қиладилар.

Эпигонлар ўз юртларига саодат ила қайтадилар. Полиникнинг ўгли Ферсандр эса Фивани тиклайди ва ўша ерда шоҳ бўлиб, ҳукмронлик қилади.

АЛКМЕОН

Ҳомернинг «Одиссея» достони бўйича баён қилинади

Алкмеон Фива урушидан қайтиб келгач, биринчи навбатда отаси Амфиарайнинг васиятини бажаради: у отасининг ўлими учун онаси Эрифиладан ўч олиб, уни ўз қўли билан ўлдиради. Эрифила жон бераётиб, қотил ўғлига ва унга бошпана берадиган мамлакатга лаънатлар ўқийди.

Қасоскор маъбудалар – Эриниялар Алкмеоннинг бу қилмишидан ғазабланиб, уни ҳамма ерда таъқиб қила бошлайдилар.

Бахти қаро Алкмеон ўзига бирон бошпана ва қон тўкиб қилган гуноҳидан покланиш учун бирон муқаддасгоҳ кидириб, узоқ вақт сарсон-саргардон бўлиб юради. Ниҳоят, у Аркадия вилоятидаги Псофид шаҳрига боради. Бу ерда шоҳ Фегей уни қотиллик гуноҳидан поклайди. Кейин Алкмеон шу шоҳнинг қизи Арсинояга уйланади. У, бундан буён Псофид шаҳрида роҳат-фароғатда тинчгина ҳаёт кечираман, деб ўйлаган эди. Аммо пешонаси шўр экан: умидлари пучга чиқади. Псофидда мудҳиш очарчилик бошланади, ҳамма ёқда бедаво ўлат ҳукм суради. Одамлар пашшадай қирила бошлайди. Шунда Алкмеон Дельфа башоратгоҳига бориб, ўз тақдири ҳақида сўрайди. Соҳибқаромат пифия унга шундай жавоб қилади:

– Сен Псофидни тарк этиб, Ахелой дарёси илоҳи ҳузурига боришинг керак. Фақат ўша ерда қотиллик иллатидан поклангайсан ва онанг сени қаргаган чоғда ҳали мавжуд бўлмаган юртда ҳузур-ҳаловат топгайсан.

Алкмеон хотини Арсиноя билан ўгли Клитийни қайнотаси уйда қолдириб, ўзи бу ердан бош олиб чиқиб кетади ва тўғри Ахелой соҳилига равона бўлади. У йўл-йўлакай Калидонга кириб, шоҳ Ойнейнинг азиз меҳмони бўлади.

Алкмеон феспротлар юртига ҳам киради, лекин улар худоларнинг қахридан кўрқиб, Алкмеонни қувиб юборадилар. Ниҳоят, Алкмеон Ахелой дарёси бўйига етиб боради. У ерда дарё илоҳи Алкмеонни қотиллик

гуноҳидан поклайди ва унга ўз қизи Каллирояни хотин қилиб беради. Алкмеон ўз хотини билан шу ерда, дарёнинг мансабида кум ва балчиқдан ҳосил бўлган оролда яшай бошлайди. Алкмеон онасидан қарғиш олган чоғда ҳали мавжуд бўлмаган мамлакат шу эди.

Лекин шум тақдир бу ерда ҳам Алкмеонни таъкиб қилишдан тўхтамайди. Хотини Каллироя, бир замонлар Полиникнинг, кейинчалик эса, унинг ўғли Ферсандрнинг Эрифиллага қимматбаҳо маржон ва Афина-Паллада шахсан ўз қўли билан тўкиган қўйлакни ҳадя этишгани ҳақида эшитиб қолади ва эридан шу ноёб буюмларни топиб келишни талаб қилади. Каллироя бу буюмларга эга бўлган одамнинг албатта ҳалокатга учрашини билмас эди. Алкмеон Псофидга бориб, шоҳ Фегайдан ўша машъум маржон билан қўйлакни талаб қилади. Бу бебаҳо буюмларни Дельфа башоратгоҳига назр қилиб, ёйандоз тангри Аполлондан гуноҳимдан ўтишни илтижо қилмоқчиман, дейди у шоҳ Фегайга. Шоҳ Алкмеоннинг гапига ишониб, унга ўша буюмларни беради. Лекин Алкмеоннинг қули бу буюмларнинг кимга аталганини Фегайга айтиб қўяди. Дарғазаб шоҳ ўғиллари Проной ва Агенорни қошига чақириб, Алкмеоннинг йўлига пис-тирма қўйишни ва у уйга қайтаётганида унга хужум қилишни буюради. Шаҳзодалар ота буйруғини бажариб, Алкмеонни ўлдирадилар.

Алкмеоннинг биринчи хотини Арсиноя эрининг ҳалок бўлганини эши-тади: у Алкмеонни ҳали ҳам яхши кўрар эди. Шу боис, бу жудоликка чи-долмай қотил акаларига лаънат ўқийди. Акалари бўлса, Арсинояни банди қилишиб, Аркадияга шоҳ Агапенор ҳузурига олиб борадилар ва унга ўз эри Алкмеонни ўлдирди, деб айб қўйиб, уни қатл эттирадилар.

Алкмеоннинг ўлганини Каллироя ҳам эшитади. У эрини ўлдирган Фе-гейзодалардан ва шоҳ Фегайнинг ўзидан ҳам қасос олишга жазм қилади. Лекин ким қасоскор бўлади? Каллироянинг ўғиллари Акарнан билан Амфотер ҳали чақалоқ – бешиқда ётишар эди. Шунда Каллироя Зевсга сиғиниб, ундан ўғилчаларини дарҳол азамат йигитларга айлантиришни илтижо қилади. Зевс Каллироянинг илтижосини бажаради. Чақалоқлар бир кечада балогатга етиб, забардаст йигитларга айланадилар. Улар Те-гей шахрига, шоҳ Агапенор ҳузурига боришиб, ўша ерда Фегайнинг икки ўғлини қатл этадилар. Кейин Псофидга бориб, шоҳ Фегайнинг ўзини ҳам ўлдирадилар. Шундай қилиб, бир вақтлар Эрифилла Полиник ва Ферсан-дрдан олган тухфалар Фегайнинг ва Фегай зурриётларининг бошига бало-офат ёғдирган эди.

Мана, Акарнан билан Амфотер қимматбаҳо маржон ва илоҳий қўйлакни олиб, оналарининг маслаҳатига кириб, уларни Дельфага олиб борадилар ва тангри Аполлонга назр қиладилар. Акарнан ҳам, Амфотер ҳам ўз ватан-ларида яшашни истамайдилар. Улар Акарнан номига қўйилган янги Акар-нания салтанатини бунёд қилишиб, ўша ерда яшаб қоладилар.

КИТОБДА УЧРАГАН АФСОНАВИЙ, ЖУҒРОФИЙ НОМЛАР, ИСМЛАР ВА АЙРИМ АТАМАЛАР ЛУҒАТИ



Абсурт – Колхида шоҳи Аэтнинг ўғли, Медеянинг акаси.

Авгий – Элида вилоятининг подшоҳи; унинг йилқи уюрлари беҳисоб бўлган. Авгийнинг 30 йил мобайнида тозаланмаган отхоналарини Ҳеракл Алфей дарёси сувини шу томонга очиб юбориб, бир кунда тозалаб чиққан. Лекин Авгий Ҳераклга ваъда қилган хизмат ҳақини тўлашдан бош тортади, оқибатда шу хасислиги бошига етади: Ҳеракл Авгийга қарши уруш очиб, Авгийнинг ҳам, унинг иттифоқчиларининг ҳам қўшинларини тор-мор келтиради.

Авлида – Бестия вилоятидаги шаҳар ва бандаргоҳ. Юнон қўшинлари Трояга жўнаш олдидан шу ерга тўпланишган.

Автолик – Одиссейнинг она томонидан бобоси, донғи кетган қаллоб ва ўғри. У ўз падари – тангри Ҳермесдан ғоят ажиб эпчиллик, уддабуронлик ва муғамбирлик хислатларини мерос қилиб олади. Одиссей табиатидаги қувлик ҳам шу бобосидан ўтган.

Атомедонт – Ахиллеснинг аравакаши.

Агамемнон – Микена ва Аргос шоҳи, Атрейнинг ўғли, Менелайнинг акаси, Агамемнон Троя бўсагасида иттифоқчи юнон лашкарининг бош саркардаси бўлган, Троя урушидан юртига қайтиб борган куни ўз хотини Клитемнестра ва унинг ўйнаши Эгисф томонидан ўлдирилган.

Адмет – Фессалиядаги Фера шаҳрининг шоҳи. Худолар Адметнинг ўрнига бошқа бирон кимса ўлишга рози бўлган тақдирда, унинг ўлими фурсатини кейинга суришга имкон яратишларини айтадилар. Адметнинг хотини Алкестида эрининг ўрнига ўлишга рози бўлади, лекин бу пайт Адметникида меҳмон бўлиб ўтирган Ҳеракл Алкестидани ўлим маъбудаси Танатнинг чангалидан қутқариб қолади.

Адонис – кузда ўлиб, баҳорда уйғонадиган (тириладиган) табиат худоси. Адонис ҳақидаги ривоят юнонларга финикияликлардан ва мисрликлардан ўтган бўлиб, унинг исми «хукмдор», «жаноб» деган маънони билдиради. Бу тангри ҳақидаги ривоят қадимги Бобил, Сурия, Иудея ва ўзга мамлакатларнинг диний ақидаларида кенг ўрин олган.

Адрастея – юнонча «ҳақ», «муқаррар» деган маънони билдиради, юнон ривоятида гўдак Зевсга мураббиялик қилган маъбуда.

Аид – Крон билан Реянинг ўғли, Зевснинг акаси, ер остидаги ўликлар салтанати худоси. Унинг исми «кўринмас» деган маънони билдиради ва бандаларни даҳшатга солувчи ўзга ном (дўзах) билан ифодаланади. Аид салтанати ёки

кўпинча соддагина қилиб Аид дейилганда, ўликлар салтанати, нариги дунё кўзда тутилади.

Акарнания – Ўрта Юнонистоннинг ғарбидаги вилоят.

Акрокоринф – Коринф шаҳридаги тоғ; бу тоғда Коринфнинг акрополи (яъни қальаси) бўлган. Шунинг учун у «Акрокоринф» деб юритилган.

Акрополь – Афина, Троя ва ўзга юнон шаҳарларида шаҳар марказидаги тепаликка ўрнатилган арк, ибодатхона, қалъа.

Алкестида – Адметнинг хотини.

Алкиной – феаклар шоҳи.

Алкиона – Марписса билан Иднинг қизи – Клеопатра шу ном билан ҳам юритилади; у Мелеагрнинг хотини; Клеопатра эрининг ўлимидан сўнг қаттиқ қайғуга ботиб, Алкионага, яъни оқчорлоқ қушга айланиб қолган.

Алкмена – Микена маликаси, Микенадан Фивага қочган Тиринф шоҳи Амфитрионнинг хотини. У Фивадалиқ чоғида, эрининг йўқлигидан фойдаланган Зевс Амфитрион киёфасида келиб, у билан қовушади. Алкмена Зевсдан Ҳераклга кўзи ёрийди.

Алкмеон – Амфиарейнинг ўғли.

Алоэй – жуда қадимда янчилган ғалла худоси ҳисобланган; уни Посейдоннинг ўғли деб тасаввур қилишган. Алоэй билан Ифимедеядан икки фарзанд – От ва Эфиалт туғилган.

Алфей – Пелопоннес вилоятидаги энг катта-дарё.

Алфея – Мелеагрнинг онаси («Мелеагр» бобига қаранг).

Амазон аёллар – камондан бехато ўқ отувчи, эркак зотидан нафратланувчи афсонавий сувора аёллар; улар Аскифияда ё Кичик Осиёда яшаганлар. Камончилласини тортиб ўқ узиш қулай бўлсин учун қизалоқларининг ўнг сийналарини куйдирганлар. (Amazones юнонча сўз бўлиб, а – инкор маъносини билдирувчи олд кўшимча, mazos – кўкрак дегани. Яъни, «амазон» сўзи «кўкраги йўқ» деган маънони билдиради.) Амазон аёллар насл қолдириш мақсадида йилда фақат бир марта кўшни қабила эркаклари билан қовушганлар, лекин ўзлари тукқан қизларинигина тарбиялаганлар, ўғил болаларни эса, оталари ихтиёрига юборганлар.

Амброзия – худоларга мангу навқиронлик ва боқий ҳаёт бахш этувчи муаттар таом.

Аммон – Ливия ва Мисрда юксак қадрланган худо; кейинчалик юнонлар уни Зевсга, румоликлар эса Юпитерга қиёс қила бошлаганлар.

Амфиарей – коҳинлар авлодидан бўлган машҳур башоратчи. Аргонавтлар юриши иштирокчиси.

Амфином – Пенелопага уйланмоқчи бўлган куёвлардан бири.

Амфитрион – Алкменанинг эри, Ҳераклнинг ердаги отаси ҳисобланади (қаранг: *Алкмена*).

Амфитрита – денгиз маъбудаси, Посейдоннинг завжаси.

Анафе – ҳозирги Анафи ороли (Эгей денгизининг жанубида).

Андромаха – Киликиядаги Фива шоҳи Этионнинг кизи, Ҳекторнинг хотини.

Антенор – троялик қария, шоҳ Приамнинг дўсти. Унинг ўн бир нафар ўғли бўлиб, ҳаммалари Троя мудофаасида иштирок этади. Антенор Еленани эри Менелайга қайтариш ва шу йўл билан урушга барҳам бериш тарафдори бўлган.

Антилох – Несторнинг катта ўғли; Троя жанги қатнашчиси; Патроклнинг ўлиmidан кейин Ахиллеснинг жонажон дўсти. Урушнинг охириги кунларида ўз гавдаси билан кекса отасини пана қилган чоғда Мемнон томонидан ўлдирилган.

Антиной – Пенелопага уйланмоқчи бўлган куёвлар ичида энг сурбети.

Антиф – Приамнинг ўғилларидан бири.

Антия – Претнинг хотини («Беллерофонт» бобида қаранг).

Аполлон (Феб) – Юнонистоннинг энг қадимий худоларидан; Зевс билан маъбуда Латона (Лето)нинг ўғли, Артемиданинг оғаси, Орфей, Лина ва Асклепийларнинг падари. Бир жиҳатдан у махвор тангри – камонидан ўқлар отиб, одамлар бошига хасталик, ўлат ёғдиради, аммо иккинчи жиҳатдан қуёш, зиё худоси, подалар ҳомийси, йўллар, йўловчилар, бахрийларнинг пушти-паноҳи, шунингдек, у шифокор тангри ҳам. Аполлон Ҳермесдан у кашф этган лира (сим торли мусиқа асбоби)ни олгач, музалар худоси бўлади ва уни Мусагет – музалар сардори, деб юрита бошлайдилар. Вақт ўтиши билан Аполлон санъат, назм ва мусиқа ҳомийсига айланади. Бундан ташқари, Аполлон ғойибдан хабар берувчи соҳибқаромат тангри сифатида танилган – қадимги дунёда унинг Дельфадаги маъбади энг муқаддас ҳисобланган. Аполлонга сиғинувчи яна бир марказ Делос ороли бўлиб, бу ерда ҳар тўрт йилда бир марта ёз охирида Аполлон шарафига байрам бўлиб турган. Аполлоннинг муқаддас жонзотлари: бўри, юнубалиқ (дельфин), оққуш ва бошқалар; ўсимликлардан: зайтун, дафна, норжил унга назр қилингандир. Аполлоннинг юнон ҳайкалтарошлари Скопас, Леохар, Праксителлер томонидан ишланган энг машҳур ҳайкаллари бизга румоликлар ишлаган нусхаларда етиб келган. Булардан энг машҳурлари: Аполлон Белведерий (яъни Ватиканнинг Белведер қасрига ўрнатилган Аполлон) ва Аполлон Мусагет.

Аргонида – Пелопоннес яриморалининг шимоли-шарқидаги вилоят.

Аргос – Фрикс билан Халкионанинг ўғли.

Аргус – баданининг ҳамма ёғи кўзлар билан қопланган алпкелбат паҳлавон; кўзларининг бир қисми ҳамиша уйғоқ бўлган. Дастлабки пайтларда Аргус юлдузли осмон ифодаси, деб эътироф этилган. Ҳермес Аргусни ўлдиргандан кейин эса, маъбуда Ҳера унинг кўзларини товуснинг думига жойлаштирган.

Арейфоой – Беотиядаги Арна шаҳрининг шоҳи; у ҳамиша улкан гурзи билан жанг қилган, лекин тор бир дарада куролини қулочкашлаб ишлата олмагани оқибатида ҳалок бўлган.

Ареонаг – юнонча «Арес тепалиги» деган маънони билдиради, қадимги Афинада олий суд ва сиёсий ҳокимиятнинг энг юқори органи.

Арес (римликларда *Марс*) – Зевс билан Ҳеранинг ўғли, уруш худоси; ғазабнок, муҳориблик тимсоли, ҳалокаат, вайроналик ва хунрезлик манбаи.

Арет – Несторнинг ўғли.

Арета – Шоҳ Алкинойнинг хотини.

Аркадия – Пеллопоннес яриморилининг марказидаги вилоят.

Артемида (римликларда *Даная*) – мангу бокира овчи маъбуда, Аполлоннинг синглиси, ҳайвонлар ҳомийси, ҳосилдорлик маъбудаси, тўлғоқ тутган аёлларнинг дардини енгиллаштирувчи маъбуда; кейинчалик уни Ой маъбудаси деб ҳам эътироф эта бошлайдилар. Артемида ҳам акаси сингари камон ва ўқлар билан куролланган.

Аскамандр – Троя яқинидан оқиб ўтиб, Ҳеллеспонтга куйилувчи дарё.

Аскей қопқаси – Троя қалъасининг ғарбидаги дарвоза. Одатда, Троя қўшини шу қопқа орқали жанггоҳга жанг қилгани чиқар эди.

Аскирос – Эгей денгизидаги орол; у Эвбея оролининг шимоли-шарқида жойлашган. Фетида ўз ўғли Ахиллесни урушга олиб кетишмасин деб, шу орол шоҳи Ликомеднинг саройига яширади.

Аскифия – аскиф (скиф) қабилалари юрти (қаранг: *Аскифлар*).

Аскифлар (*скифлар*) – жуда қадимда Қора денгизнинг шимолий соҳилида яшаган қабилаларнинг умумий номи.

Асклепий – Аполлоннинг ўғли, шифокор тангри. Ҳомернинг «Илиада»сида Асклепий – ҳали тангри эмас, балки фоний банда; юнон лашкари табиблари: Махаон ва Подалирийларнинг отаси.

Асоп – Жанубий Беотиядаги дарёнинг номи, шунингдек, ўша дарёнинг тангриси ҳам шу ном билан Асоп деб юритилади.

Астианакс – Ҳектор билан Андромаханинг гўдак ўғли; уни Неоптолем қалъа деворидан улоқтириб ўлдиради.

Атлас (*Атлант*) – Океан қизи Клименанинг титан Иапетдан (Иапет Гея билан Ураннинг ўғли бўлган) тукқан ўғли. Бошқа тахминларга кўра – Прометейнинг оғаси. Титанлар мағлубиятга учрагач, Атлас олис Ғарбда, Ҳесперидалар олмазори яқинида осмон гумбазини елкасида кўтариб туришга маҳкум этилган.

Атрей – Пелопснинг ўғли, Агамемнон билан Менелайнинг отаси. У ўз оғаси Фиест билан довлашиб қолиб, ниҳоятда мудҳиш жиноятга қўл уради: Фиестнинг болаларини ўлдириб, уларнинг гўшtidан таом тайёрлайди ва оғасини меҳмон қилади, кейин унинг тирик қолган ўғли Эгисфни ўз отасини ўлдиришга даъват этади. Лекин Фиест билан Эгисф Атрейнинг ўзини ўлдирадилар.

Аттика – Ўрта Юнонистоннинг жануби-шарқидаги вилоят.

Афина (римликларда *Минерва*) – Юнонистонда энг эъзозли маъбудалардан бири, донишмандлик маъбудаси, тинчлик даврида ҳам, уруш пайтида ҳам шахарлар ва давлатларнинг пушти-паноҳи; у бандалар учун қонунлар жорий қилган, илм-фан, деҳқончилик, ҳунармандчилик ҳомийси. Шунингдек, у бешафқат ва қонли уруш худоси Аресдан фарқли ўларок, адолатли ва мулоҳазали уруш маъбудаси ҳисобланади.

У Аттикада ва ўз номи билан аталувчи шаҳарда (яъни Адинада) энг олий тангри деб эътироф этилади. Бу маъбуда Афина аҳолисига муқаддас зайтун дарахтини инъом этиб, бутун мамлакатни тасарруф қилиш учун ўтказилган мубоҳасада, ҳатто, Посейдонни ҳам енгади ва Афина фуқаросини ўз ҳимоятига олади. Бу маъбуданинг Афинадаги энг муҳим саждагоҳи Парфенон бўлиб, у ерда маъбуданинг ҳайкалгарош Фидий томонидан ишланиб, олтин ва фил суяги билан сирланган энг маҳобатли ҳайкали ўрнатилган. Уни Афина-Паллада деб ҳам юритадилар.

Афина – Аттика вилоятининг асосий шахри, энг қадим замонлардан у Афина-Палладага сиғинувчи марказ бўлган. Милоддан аввалги V асрдан бошлаб Афина – бутун Юнонистон маданиятининг маркази.

Афродита (римликларда *Венера*) – даставвал ҳосилдорлик маъбудаси бўлган, кейинчалик муҳаббат маъбудаси ҳисобланган. Бир ривоятга кўра, у – Зевс билан санам Диананинг қизи; иккинчи бир нақлда – уни денгиз кўпигидан дунёга келган дейилади. Афродитани, шунингдек, денгиз сафарининг пушти-паноҳи деб ҳам эътироф этадилар. Унга, денгиз маъбудаси сифатида – юнусбалик; ҳосилдорлик маъбудаси сифатида – чумчук, кабутар, куён; муҳаббат маъбудаси сифатида хушбўй яшил бута, атиргул, кўкнор ва олма назр қилинган.

Ахейлар – энг қадимги юнон қабилаларидан бири; бу қабила мамлакатнинг шимолидан келиб, унинг аввалги аҳолиси – пеласглари забт этган ва улар билан қоришиб кетган. Ҳомернинг «Илиада»сида кўпинча барча юнон аҳли «ахейлар» сўзи билан ифодаланади.

Ахелой – Юнонистондаги энг йирик дарёлардан бири. У муқаддас ҳисобланган. Бу дарё тангриси Ахелой ҳар қандай жонивор қиёфасига кира олар эди. У буқа қиёфасига кириб, Деянира учун («Ҳеракл ва Деянира» бобига қаранг) Ҳеракл билан жанг қилган чоғида Ҳеракл унинг шохини синдириб олади; сув санамлари – наядалар бу шохни гулларга тўлдирадилар ва уни беназир маъмурчилик рамзига айлантирадилар.

Ахеронт – юнон ривоятида Аиддаги бир дарё; Харон ўлганлар руҳини шу дарёдан қайиқда олиб ўтади.

Ахиллес (*Ахилл*) – Троя урушининг асосий қаҳрамони, денгиз маъбудаси Фетида билан Фессалия вилоятидаги Фтия шахрининг шоҳи Пелейнинг ўғли. Троя урушида қатнашган юнон қаҳрамонлари ичида энг буюги; у Троя яқинида беҳисоб жасоратлар кўрсатади, лекин урушнинг охириги – ўнинчи йили Парис отган ўқдан ҳалок бўлади: у ўқни Аполлон Ахиллес баданидаги ягона қалтис жойга – унинг товонига йўналтирган эди.

Аякс Оилей ўғли – локрлар (қаранг) шоҳи ва Троя бўсағасида уларнинг саркардаси. Троя забт этилган чоғда у Афина маъбадида яширинган Кассандрани зўрлаб олиб кетмоқчи бўлади; оқибатда маъбуда Афинанинг ғазабига учрайди: маъбуда унинг Троядан қайтаётган кемасига Зевс чақмоғини отади, Аякснинг ўзини эса, Посейдон юксак қояга парчинлаб қўяди, сўнг бу қояни Аякс билан бирга қўшиб денгизга чўктириб юборади.

Аякс Теламон ўғли – Теламон – Саламин шоҳи ва Пелейнинг оғаси (демак, Аякс Ахиллес билан амакивачча). Аякс Троя жангида Ахиллесдан кейин турувчи энг қудратли жангчи. Ахиллес ҳалок бўлганида, унинг яроқларини талашиб, Одиссей билан баҳслашади. Фетида, бу яроқлар Ахиллеснинг жасадини муҳофаза қилишда кўпроқ жонбозлик кўрсатган қаҳрамонга берилсин, деб айтган эди. Баҳсни ажрим қилишни асир тушган трояликларга ҳавола қилишади. Улар Афнанинг таъсири билан баҳсни Одиссей фойдасига ҳал қилишади. Бундан қаттиқ ранжиган Аякс телба бўлиб қолади ва подадаги қорамолларни юнон саркардалари деб ўйлаб, уларни аёвсиз қира бошлайди. Кейин хушини йиғиб олгач, ўз жонига қасд қилиб ўлади.

Бевриқлар – Кичик Осиёдаги Вифинияда яшовчи қабиланинг номи.

Беллерофонт – даставвал уни қуёш тангриси деб эътироф этганлар: у қанотли от миниб, осмонда учиб юрган ва камонидан ўқлар отиб, бўронлар, вулқонлар ва зилзилалар қуввасининг тимсоли бўлган махлуқ Химерани маҳв этган эмиш. Айни пайтда, Беллерофонт ҳақидаги юнон ривоятда энг қўхна халқ эртакларининг аломатлари мавжуд. Коринф аҳолиси бу қаҳрамон шахсига сиғинган. Посейдоннинг маъбадида Беллерофонтнинг Пегас (қанотли от) билан бирга тасвирланган ҳайкали бўлган («*Беллерофонт*» бобига қаранг).

Беотия – Ўрта Юнонистондаги вилоят; пойтахти – Фива шаҳри.

Бистонлар – юнонларнинг таъбирича, Фракияда истиқомат қилган афсонавий халқ.

Борей – шимол шамоли ва шу шамол тангриси.

Бриарей – юзта қўли бўлган ниҳоятда қудратли, баҳайбат хилқат; Гея – ер билан Уран – осмоннинг ўғли.

Вифиния – Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбидаги вилоят.

Ганимед – Троя шоҳи Троснинг ўғли бўлиб, гоят хушсурат бўлгани учун Зевс ажиб тулпорлар эвазига уни отасидан сотиб олади. Анча кейинроқ яратилган афсоналарга кўра, Зевс бургути Ганимедни ўғирлаб, Олимп чўққисига олиб чиқиб кетади. Бу ерда Ганимед боқийликка мушарраф бўлади ва тангриларнинг базмларида соқийлик қилади.

Гаргафия – Беотия вилоятидаги водий. Бу водийдан шу номли булоқ қайнаб чиқади ва унинг жилғаси бутун водий бўйлаб оқиб ўтади.

Гебр – Фракиядаги дарё (ҳозирги кунда Юнонистон билан Туркия чегарасидан оқиб ўтувчи Марипа дарёси).

Гея – ер (замин) маъбудаси.

Гигантлар – энг баҳайбат паҳлавонлар; уларни замин маъбудаси Гея осмон тангриси Ураннинг бир неча томчи қонидан тукқан. Улар олимпик худоларга қарши жанг қилишган, аммо циклоплар ва Ҳеракл томонидан маҳв этилиб, ернинг энг чуқур қаърига ташланганлар.

Главк – 1) Ҳипполохнинг ўғли, ликияликлар шоҳи, Беллерофонтнинг набираси, Троянинг энг довурак ҳимоячиларидан бири; 2) Понтий лақабли Главк –

балиқчилар ва денгизчилар тангриси; башорат қилиш қобилиятига эга бўлган. Главк – сочи ва соқоли узун чолни эслатувчи ярим одам, ярим балиқ қиёфасида тасвирланган.

Горгона – сочлари илонлардан иборат мудҳиш махлук. Ривоятларда айтилишича, унга бир қараган одам тошга айланармиш. Афинанинг қалқонига тасвири туширилган Медуза исмли Горгона фоний бўлиб, уни Персий ўлдиради.

Данаидалар – Аргос шоҳи Данайнинг 50 та кизи. Улар ўз эрларини ўлдирадилар ва бу жиноятлари учун худолар уларнинг рухларини таги йўқ хумни сув билан тўлдиришга маҳкум этадилар.

Данайлар – Арголидада яшовчи бир қабила. Ҳомер «Илиада»да, ғайриюнонлардан фарқли ўлароқ, барча юнонларни ҳам шу билан атаган.

Девкалион – Крит шоҳи Миноснинг ўғли, Идомейнинг отаси.

Дедал – Афинада афсонавий ҳайкалтарош ва ихтирочи-уста. У жиянига ҳасад қилиб уни ўлдиради ва Крит оролига, Минос хузурига қочади; у ерда Лабиринт (кирган одам қайтиб чиқиб кетиши маҳол бўлган йўлак ва эшиклари ғоятда қўп бўлган қурилма) куради. Минос Дедалнинг ўз юртига кетишини хохламайди. Шунда Дедал патлар ва мумдан қанот ясаб, бу даргоҳдан учиб, қочиб кетади.

Деифоб – Приамнинг ўғли, довюрак муҳориб. Парис ҳалок бўлганидан кейин Еленани унга хотин қилиб беришган.

Деметра (римликларда *Церера*) – Зевснинг опаси, ҳосилдорлик ва деҳқончилик маъбудаси. Юнонларнинг асосий машғулотидеҳқончилик бўлган пайтдан бошлаб, улар бу муаззама маъбудага сиғиниб, уни эъзозлай бошлаганлар. Деметрага ва унинг қизи Персефонага сиғиниш маркази Элевсин ҳисобланган ва бу ерда она-бола маъбудалар шарафига дабдабали байрамлар ўтказиб турилган.

Дикэ – ҳақиқатпарвар, адолатпеша маъбуда.

Диокл – Орсилохнинг отаси, Пелопоннесда Фера шаҳрининг шоҳи.

Диомед – Тидейнинг ўғли, юнонларнинг энг буюк қаҳрамонларидан бири.

Дионис – зироат, май ва шаробпазлик худоси, Юнонистоннинг энг қадимги ва энг таниқли худоларидан бири. Ҳар йили кеч куздан то баҳоргача ўтказиладиган бир неча қувнок байрамлар Дионисга бағишланган. Унинг қаҳратон қишдаги изтироблари ҳақидаги мунгли мадҳияларидан – трагедия, ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба билан ўтадиган баҳорги хушчақчақ байрамлардан комедия вужудга келган деб фараз қиладилар.

Диоскурлар (яъни Зевс ўғиллари) – Кастор ва Полидевк; буларни яна Тиндарзодалар (яъни, Тиндарейнинг ўғиллари) деб ҳам юритишган. Ака-ука Диоскурларнинг учта жасорати бизга маълум: улар Аттикага юриш бошлаб, Тесей ўғирлаб кетган сингиллари Еленани озод қиладилар, аргонавтлар сафарида қатнашадилар; Афарейнинг ўғиллари – ўз амакиваччалари Идас ва Линкей билан жанг қиладилар. Айрим ривоятларда айтилишича, Зевс бу оға-ини ўртасидаги самимий меҳр-оқибатни тақдирлаб, уларни Жавзо буржиги (ё тонгги, ё оқшомги юлдузга) айлантирган. Юнонистоннинг турли вилоятлари Диоскурларга сиғиниш

маркази бўлган. Диоскурлар меҳмоннавозлик, йилқичилик, баҳрийликнинг пушти-паноҳи бўлган. Спарта шаҳрида улар давлат химоячиси ва гимнастиканинг ҳомийси ҳисобланганлар. Диоскурларга сиғиниш Италиядаги қабилалар ўртасида ҳам кенг ривожланган. Румода Диоскурлар ибодатхонаси бўлган. Диоскурлар деган ном оға-ини ўртасидаги самимий дўстлик рамзи бўлган.

Додона – Ўрта Юнонистоннинг ғарбидаги Эпир вилоятида жойлашган шаҳар. Жуда қадимда бу шаҳарда Зевснинг машҳур башоратгоҳи бўлган ва унда гоийбдан хабар берувчи муқаддас эман дарахти ўсган.

Дорийлар – Қадимги Юнонистоннинг асосий қабилаларидан бири. Бу қabila милоддан аввалги XII асрнинг бошларида Шимолий ва Ўрта Юнонистондан Пелопоннеснинг жануби-ғарбий ҳудудларига кўчиб ўтган; кейинроқ эса, Родос, Крит ва бошқа оролларда яшай бошлаган.

Дриадалар – юнон ва рим ривоятларида ўрмон санамлари. Бу санамлар дарахтларнинг пушти-паноҳи ҳисобланади; улар дарахтлар билан бирга дунёга келармиш, шу дарахтларнинг япроқлари орасида яшармиш ва дарахт қуриганида улар ҳам жон қазо қилармиш.

Еврипил – трояликларнинг энг сўнги иттифоқчиси, *Кетейлар* шоҳи *Телеф* билан *Приамнинг* синглиси *Астиоханинг* ўғли; *Астиоха* акасининг ваъдаларига учиб, ўғлини *Троя* жангига юборди, ҳолбуки, унинг ўша жангдан тирик қайтмаслигини билган эди.

Европа – Сидон шаҳри ҳокимининг қизи. Зевс унга ошиқ бўлиб қолади ва ювош буқа қиёфасида қизнинг олдига келиб, уни ўғирлаб кетади. Европа бу ажойиб буқа сағрисида ўтирганча денгиздан сузиб ўтади ва Крит оролига келади. Бу ерда Зевс Европа билан қовушади. Қиз чакмоқдор тангридан уч ўғил: *Минос*, *Сарпедон* ва *Радамантларни* туғади. Жуда қадимдан қолган қалликни олиб қочиб кетиб, унга уйланиш одати Европанинг ўғирланиши ҳақидаги ривоятда ўз аксини топган. Кейинчалик Европага Критнинг бефарзанд шоҳи *Астерион* уйланиб, унинг Зевсдан туғилган ўғилларини тарбиялаб ўстиради ва ўзидан кейин тожтахтни шу асранди ўғилларига қолдиради.

Елена – Леданинг Зевсдан тукқан қизи; *Эллада* (яъни Юнонистон) аёллари ичидан энг соҳибжамоли. Энг номдор паҳлавонлар унга совчи қўйишган, лекин қизнинг фоний отаси *Тиндар* (*Тиндарей*), *Одиссейнинг* маслаҳатига кириб, қаллик танлашни *Еленанинг* ўзига қўйиб беради, қолган даъвогар қаллиқларни эса, ўзаро дўст тутиниб, кези келганда *Еленанинг* эрига қўмаклашиш ҳақида қасам ичиради. *Елена* *Атрей* ўғли *Менелайни* танлайди. *Менелай* *Тиндарнинг* ўлимидан кейин *Спартага* шоҳ бўлган эди. *Троялик* шахзода *Парис* маъбуда *Афродитанинг* қўмагида *Еленани* ўғирлайди; шунда *Менелай* *Еленанинг* собиқ қаллиқларини тўплаб, *Трояга* қарши уруш очади; *Троя* уруши шундан бошланган эди.

Занжилар – (қаранг: *Эфиопия*).

Зевс – *Крон* билан *Реянинг* ўғли; у отасини тахтдан ағдариб, бутун жаҳон ҳукмронлигини ўз қўлига олган. *Зевс* – худолар ва бандалар шоҳи, осмон,

момакалдирок ва чакмоқ худоси; у энг олий адолатпаноҳ, обидлар (ибодат қилувчилар) ва мусофирлар ҳомийси.

Зефир – Ғарб шамоли.

Ида – Кичик Осиёда, Ҳеллеспонт бўғози тепасидаги юксак тоғ тизмаси. Троя шаҳри шу тоғ этагига жойлашган.

Идас – Афарейнинг ўғли, Кастор билан Полидевкнинг амакиваччаси ва иттифоқчиси бўлиб, Марписсани талашиб, Аполлон билан жанг қилади. Сўнг амакиваччалари билан олишиб, Касторни ўлдиради, лекин Полидевк билан олишайтган чоғида Зевс отган яшиндан куйиб кул бўлади.

Идей – 1) Приамнинг жарчиси; 2) Троя коҳини, Ҳефестнинг ўғли.

Идоменей – Девкалионнинг ўғли, Крит оролидаги Киос шаҳрининг шоҳи, Троя урушида критликлар саркардаси.

Из – Приамнинг никоҳсиз туғилган ўғли.

Икарый денгизи – Эгей денгизининг бир қисми бўлиб, у Самос, Парос ороллари билан Кичик Осиё соҳили оралағидадир.

Ил – Троснинг ўғли, Лаомедоннинг отаси, Приамнинг бобоси; у Троянинг шоҳи бўлган. Бу шаҳар Илнинг шарафига Илжон деб ҳам юритилади.

Илион – қаранг: *Троя*.

Илифиялар – тўлғоқ дардини кўзғаб, ҳомиладорларга кўзи ёришига кўмаклашувчи маъбудалар.

Иллирия – Адриатика денгизининг шарқий соҳилида жойлашган мамлакат.

Иокаста – Эдипнинг онаси ва айни пайтда хотини.

Иония – Кичик Осиёнинг ғарбий соҳили марказидаги вилоят.

Ирида – камалак тангриси, тангриларнинг қанотли даракчиси. Уни худолар билан бандалар ўртасидаги воситачи деб ҳисоблашган, чунки камалак ҳам осмон билан ерни бир-бирига туташтиради. Ирида Зевс ва Ҳеранинг амрини фонийлар ва боқийларга етказиб турган.

Искион – Пелопоннеснинг шимолида, Коринф бўғози соҳилида жойлашган шаҳар.

Исмена – Эдип билан Иокастанинг қизи, Антигонанинг синглиси.

Истм – Истм ёки Коринф бўйни – Пелопоннес яриморалини Ўрта Юнонистон билан уловчи бўйин.

Итака – Юнонистондан ғарбда, Иония денгизидаги ороллардан бири; Одиссейнинг ватани.

Ифигения – Агамемнон билан Клитемнестранинг қизи, Орестнинг опаси («Юнонлар Авлидада» бобига қаранг).

Ифит – 1) аргонавтлардан бири; 2) Ойхалия шоҳи Эвритнинг тўнғич ўғли, Иоланинг акаси.

Кадм – Сидон шоҳи Агенорнинг ўғли, Зевс ўғирлаб кетган Европанинг оғаси. У Агенорнинг фармони билан синглисини қидириб жаҳон кезади. Аммо уни топа олмайди. Кадм Дельфа башоратгоҳидаги ғойибдан хабар берувчи коҳинанинг

башорати бўйича, шу башоратгоҳ олдидаги сайхонликда ўтлаб юрган сигир оркасидан кетаверади ва у бориб ётган ерда шаҳар барпо қилади. Бу Беотиядаги Фива шахридир. (Беотия – «сигиробод» деган маънони билдиради.) Кадмнинг жаҳонгашталиги ҳақидаги афсонани ўқиб, жуда қадимда қабилалар жойдан-жойга кўчиб юришган бўлиши керак, деган тахминга бориш мумкин. Кадмни яна, Юнонистонда Финикия алифбосини жорий қилган, деб ҳам фараз қиладилар. Кадм билан хотини Ҳармониянинг илонга айланиб қолиши ва шудгорга экилган аждар тишларидан одамлар униб чиқиши эса, энг кўҳна диний эътиқод асорати бўлса керак.

Калидон – Этолия (Ўрта Юнонистоннинг ғарби) вилоятидаги шаҳар. Мелеагрнинг ватани.

Калипсо – Огигия оролида яшовчи санам; уни Атлантнинг ё Океаннинг қизи деб ҳисоблайдилар.

Каллироя – дарё санам. «Чиройли оқувчи» деган маънони билдиради.

Калхас – Троя бўсағасига жанг билан келган юнонларнинг фол очувчиси (афсонавий қошифқаромат). Хусусан, Троя билан бўладиган уруш ўн йил давом этишини ҳам шу Калхас олдиндан башорат қилган.

Кананей – баҳайбат жуссали паҳлавон, димоғдорлиги ва фосиклиги учун Фивага ҳужум қилган чоғида Зевс уни ўз чакмоғи билан ёндириб, кулга айлантирган.

Кария – Кичик Осиёнинг жануби-ғарбидаги, Ўрта денгиз соҳилига жойлашган вилоят.

Кассандра – Приамнинг қизи, башорат соҳибаси. Бу фазилатни унга Аполлон бахш этган. Бироқ у Аполлоннинг севгисини рад этгач, ул тангри дуо қилганки, оқибат, одамлар Кассандранинг башоратига (гарчи у ҳамиша тўғри бўлса ҳам) ҳеч вақт ишонмаганлар. Агамемнон уни асира қилиб ўз юртга олиб кетади. У ерда Кассандра Агамемнон билан биргаликда Клитемнестра ва унинг ўйнаши – Эгисф қўлида ҳалок бўлади.

Кастор ва Полидевк – (қаранг: *Диоскурлар*).

Кекроп (*Кекропс*) – Геянинг ўғли; қадимги Аттикада замин тангриси; уни илон баданли қилиб тасвирлаганлар, чунки заминдан таваллуд топган тангриларни илон қиёфасида тасвирлаш одат тусига кирган. Кекроп Аттика вилоятининг биринчи подшоҳи ҳисобланган, шунга кўра Акрополни ҳам, Аттикани ҳам Кекропия деб, Афина аҳолисини эса кекропияликлар деб юритганлар.

Кентаврлар – ярми одам, ярми от афсонавий махлуқлар. Улар ҳам, сатирлар (қаранг) сингари, Диониснинг мулозимлари бўлган.

Кеос – Эгей денгизидаги Киклад оролларида бири (Аттика вилоятининг жанубий сарҳади билан Эвбея ороли ораллиғига жойлашган).

Кералар – ажал рухлари; ҳавода учиб юриб, кези келганда, ўлаётган одамнинг жонини ўғирловчи аёл жинсидаги қанотли махлуқлар.

Кефиса – Беотиядаги дарё. У Парнас тоғининг шимолий ёнбағридан оқиб тушиб, Копайд кўлига қуйилади.

Киконлар – Фракияда яшаган афсонавий халқ.

Киликия – Кичик Осиёнинг жанубидаги мамлакат.

Киммерийлар – Ҳомернинг таърифлашича, энг чекка ғарбда, ҳеч қачон Ҳелиос (куёш) жамолини кўрсатмайдиган мангу зулмат ўлкада яшовчи афсонавий халқ; яна тарихий киммерий халқи ҳам бўлган: Ҳомер замонида бу халқ аскифлар билан бирга Кичик Осиёга бостириб кирган.

Кинт – Делос оролидаги тоғ.

Кипр – Ўрта денгизнинг шарқидаги орол; бу оролдаги Пафос шаҳрида Афродитанинг энг машҳур ибодатхонаси бўлган.

Киприда – Афродитанинг тахаллуси: афсонага кўра, у денгиз кўпиги орасидан чиқиб, энг аввал шу Кипр оролида заминга қадам қўйган эмиш.

Кирка (Цирцея) – Эл оролида яшовчи афсунгар. Ҳелиос билан Перса (Эетнинг синглиси)нинг қизи. У Одиссейнинг ўртоқларини чўчкага айлантириб қўйган эди; Кирка Одиссейдан ўғли Телегонни туғади.

Киферон – Ўрта Юнонистонда, Аттика билан Беотия оралигидаги тоғ. Ўз бағридаги ғорлар билан донг таратган бу тоғ санамлар маскани ҳисобланган.

Клеопатра – Ид билан Марписсанинг қизи, Мелеагрнинг хотини.

Климена – 1) лапифлар шоҳи Пирифойнинг онаси; у Еленанинг қўлида асира бўлиб кун кечирган ва у билан бирга кемада Трояга сузиб кетган; 2) Филакия шоҳи Ификлнинг онаси.

Клитемнестра – Леда билан Тиндарнинг қизи, Агамемноннинг хотини («Агамемнон ва унинг ўғли Орест» бобида қаранг).

Колон – Афинадан тахминан етти чақиримча масофадаги шаҳарча.

Колхида – Ғарбий Гуржистоннинг (хусусан, Рион пасттекислигининг) қадимги номи.

Коонт – троялик Антенорнинг ўғилларидан бири.

Копрей – Ҳераклга шоҳ Эврисфейнинг буйруқларини етказиб турувчи чопар; Эврисфей паҳлавон Ҳеракл билан шахсан учрашишдан кўрқар эди.

Коринф – Пелопоннеснинг шимолидаги йирик шаҳар; у Пелопоннесни Болқон яриморолининг қолган қисми билан улаб турувчи Истимий бўйига жойлашган.

Кос – Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилидаги ороллардан бири; машҳур табиб Ҳипократнинг ватани.

Коцит – Аиднинг ер ости салтанатида оқувчи дарёлардан бири.

Креонт – Эдипнинг тоғаси ва айни пайтда қайноғаси.

Криса – Коринф кўрфази соҳилидаги шаҳар; у Дельфа учун бандаргоҳлик вазифасини бажарган.

Крит – Ўрта денгиздаги улкан орол, қадимги юнон маданиятининг маркази бўлиб, у Ҳомер давридан анча илгари ҳам мавжуд бўлган.

Кромион – Истм бўйида, Коринф яқинидаги шаҳар.

Крон – Зевснинг отаси. Афсоналарда баён қилинишича, энг аввал жаҳонга Уран, яъни Осмон ҳукмронлик қилган. Ундан Гея, яъни Замин титанларни туққан.

Мана шу титанлардан бири – Крон ўз отасини тахтдан ағдариб, ўзи жаҳонга ҳоким бўлади; унинг ҳукмронлик даври олтин давр деб юритилади. Лекин Крон, хотини туғиб бераётган фарзандларидан биронтаси уни тахтдан ағдариши мумкинлигини ўйлаб, қўрққанидан, ҳар битта фарзандини туғилган заҳоти ютиб юбораверади. Шу йўсинда у уй-рўзгор маъбудаси – Хестияни, кейин Ҳерани, Деметрани, Аидни, Посейдонни ютади. Рея, ҳеч бўлмаса, охириги фарзандини асраб қолмоқчи бўлади ва Крит оролидаги энг чуқур ғорга бориб, ўша ерда чақалоғига кўзи ёрийди, сўнг мурғак чақалоқни ўша ғорга яшириб, Кронга йўрғакланган тош тутди. Крон тошни янги чақалоқ фараз қилиб, ютиб юборди. Ўша кутқариб қолинган чақалоқ Зевс эди. У ўсиб-улғайгач, отасини тахтдан ағдаради, унинг қорнини ёриб, оғалари ва опаларини кутқаради, ўзи жаҳонга ҳоким бўлади. Кронни ва унинг тарафдорлари бўлган титанларни эса Тартарга (қаранг) хибс этади.

Ксанф – Троя этагидан оқиб ўтувчи Аскамандр дарёсининг тангриси. «Ксанф» сўзининг ўзи «малла», «қўнғир» деган маънони билдиради, шунинг учун бўлса керак, кўпинча отлар шу сўз билан номланади. Чунончи, Ахиллеснинг ҳам, Ҳекторнинг ҳам оти «Ксанф» деб аталган.

Куретлар – Калидон шаҳрига яқин ерда яшовчи бир қабиланинг номи.

Лабдакзодлар – Кадмнинг набираси – Лабдак авлодлари.

Лай – Етти дарвозали Фиванинг шоҳи, Иокастанинг эри, Эдипнинг отаси.

Лакедемон – Пелопоннеснинг жануби-шарқидаги вилоят; унинг пойтахти – Спарта; шоҳ Менелайнинг салтанати.

Лаодамия – Беллерофонтнинг қизи.

Лаодика – Приам билан Ҳекубанинг қизи.

Лалифлар – Фессалияда яшаган афсонавий халқ.

Латона (Лета) – Зевсдан Аполлон билан Артемидани тукқан маъбуда.

Лазрт – Одиссейнинг отаси.

Левкада – юнонларнинг тахмин қилишича, тангри Аиднинг ер ости салтанатига кираверишда қад кўтарган оқ қоятош.

Левкотейя – денгиз маъбудаси. У Кадмнинг қизи, Смеланинг синглиси бўлиб, аслида Ино исмли фоний аёл бўлган. Лекин Зевснинг севгисига сазовор бўлиб, ундан тангри Дионисни тукқан. Смелага рашки келган сармаъбуда Ҳера Смеланинг барча қариндошларидан ўч ола бошлайди. У Инони ҳам телбалик дардига мубтало қилади. Натижада, Ино кўлидаги гўдак ўғли Миликерт билан ўзини денгизга отади. Худолар Инони денгиз маъбудаси – Левкотейяга, ўғлини эса, юнусбалиқлар подачиси, денгиз тангриси Палемонга айлантирадилар.

Леда – Этолия шоҳи Тестийнинг қизи, Тиндарнинг хотини; у Тиндардан Клитемнестра билан Касторни, Зевсдан эса Елена билан Полидевкни тукқан.

Лелеглар – Болкон яриморотида яшаган энг қадимий халқ; Ҳомернинг тасвирлашича, улар Кичик Осиёда, Ида яқинида истиқомат қилганлар.

Лемнос – Эгей дангизидagi орол, афсоналарда баён қилинишича, Ҳефестнинг темирчилик устахонаси ўша ерда бўлган.

Лерна – Арголида вилоятида, Лерна кўли бўйига жойлашган шаҳар.

Лесбоб – Эгей денгизидаги орол. У Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбидаги Мизия соҳили яқинида жойлашган.

Лестригонлар – афсонавий одамхўр халқ.

Лидия – Кичик Осиёдаги давлат; милoddан аввалги VI асрда эронийлар томонидан вайрон қилинган.

Ликаон – Пандарнинг отаси, Ликия шоҳи; Приамзодалардан бирининг исми ҳам шундай.

Ликия – «Илиада»да иккита вилоят шу ном билан аталади: бири – Кичик Осиёнинг жанубида; иккинчиси – Троя яқинида, Ида тоғи этагида. Ликаон билан Пандар шу иккинчи Ликиядан чиққанлар.

Ликомед – Троя жангида Беотия лашкарининг саркардаси, Аскирос оролининг шоҳи.

Локрида – Ўрта Юнонистонда, Беотия билан Этолия оралиғидаги вилоят.

Локр эли (локрлар) – Локрида вилоятининг аҳолиси.

Лотофаглар – лотос (нилуфар) еб кун кечирувчи афсонавий халқ. (Сўзма-сўз таржимаси – «нилуфархўрлар».)

Майя – тоғ санам, Атлантнинг кизи. Баъзида уни Вулканнинг завжаси деб ҳам юритишган. Римликлар уни Италиянинг энг қадимги илоҳалардан бўлмиш – ер маъбудаси Майяга қиёс қилишган ва ҳар йили 1 май куни унинг байрамини нишонлашган.

Марафон – Аттика вилоятидаги қадимги улкан қишлоқ.

Марписса – Иднинг хотини, Клеопатранинг онаси.

Махаон – Асклепийнинг ўғли, Троя жангида юнон қўшинларининг табиби.

Мегаара – Истмнинг шимолидаги вилоят; бу вилоят шарқда Аттика билан chegaradoш бўлган.

Медонт – 1) Оилейнинг ўғли, Аякснинг ўғай укаси; 2) итакалик жарчи; Одиссей йўқлигида Пенелопанинг куёвларига хизмат қилишга мажбур бўлган, ammo Телемах билан Пенелопага содиқ қолган.

Медуза – (қаранг: *Горгона*).

Мелантий – Одиссейнинг кули. У, ватанига жулдур кийимдаги мусофир қиёфасида қайтган ўз соҳиби Одиссейни танимайди ва уни қаттиқ таҳқирлаб калтаклайди. Одиссей дарбадарликда юрганида Мелантий Пенелопага уйланмоқчи бўлган куёвларга ён босади. Кейин, Одиссей у куёвлардан ўч олишга киришган чоғда, Мелантий куёвларни қурол-яроқ билан таъминламоқчи бўлади. Бу бадкорликлари учун Одиссей уни қаттиқ жазолайди, жасадини қийма-қийма қилиб, итлар олдига ташлайди.

Мемнон – эфиоплар (занжилар) шоҳи, маъбуда Эоснинг ўғли. Урушнинг ўнинчи йили Приамга кўмаклашгани Трояга келади. Мемнон иқтидори беназир паҳлавон эди, унинг ҳам силоҳ-совутларини, Ахиллесники сингари, Хефест ясаб берган эди. Мемнон жангда жуда кўп юнонларни, шу жумладан Антилохни ҳам

махв этади. Фақат шундан кейингина Ахиллес уни ўлдиришга журъат этади, чунки у Мемнон билан бўладиган яккама-якка жангдан кейин ўзининг ҳам паймонаси тўлишини яхши биларди, шунинг учун ҳам у занжилар шоҳи билан олишишдан ўзини олиб қочиб юрарди (занжилар шоҳи Мемнон воқеаси Ҳомернинг «Илиада»сига ҳам, «Одиссея»сига ҳам кирмаган; бу бизга «Илиада»нинг давоми бўлмиш «Эфиопида» дostonининг баёнидан маълумдирки, дostonнинг ўзи бизгача етиб келмаган).

Менадалар – Дионисга ҳамроҳ бўлиб юрувчи хоҳиналар. Бу сўз «жазавага тушганлар», «телбалар» деган маъноларни билдиради. Римда улар вакханкалар деб юритилган.

Менелай – Троя урушининг қаҳрамонларидан бири; Атрейнинг ўғли, Агамемноннинг иниси (ё акаси), Еленанинг эри.

Мент (*Ментес*) – Иония денгизидаги бир неча оролларда (бу ороллар ичида энг йириги Тафос ороли бўлиб, бугунги кунда у Меганиси деб аталади) истикомат қилувчи тафий халқининг шоҳи, Одиссейнинг жонажон дўсти.

Ментор – Одиссейнинг Итакадаги энг яқин дўсти ва тенгдоши. Одиссей Троя урушига кетаётиб, оиласига ғамхўрлик қилишни шу дўстига топширади. Ментор Телемахни тарбиялаб ўстиради, Пенелопага совчи бўлиб келган куёвларни ҳам бебошлик қилишдан қайтариб туради. Маъбуда Афина Юнонистон бўйлаб сафарга чиққан Телемахга шу Ментор қиёфасига кириб, хомийлик қилади. Шунга кўра, кўпинча бадий адабиётларда баобрў мураббийга «ментор» сўзи билан нисбат берилган.

Мерион – шоҳ Молнинг ўғли, критлик Идоменейнинг сафдоши ва ёрдамчиси.

Мероп – Коринф шоҳи Полибнинг хотини.

Мизия – Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбидаги мамлакат; унинг асосий шаҳри – Пергам.

Микена – Юнонистоннинг энг кўҳна шаҳарларидан бири. У Пелопоннеснинг шимоли-шарқидagi Аргонида вилоятга жойлашган бўлиб, Агамемнон салтанатининг пойтахти эди.

Мирмидонлар – ривоятларда баён қилинишича, Хера уфурган вабо пайтида, Ахиллеснинг бобоси Эак бутун халқидан жудо бўлган; лекин падари Зевс унинг таваллосига кулоқ осиб, чумолиларни одамларга айлантирган; шунинг учун янги вужудга келган бу халқни «мирмидонлар» (юнонча «мирмекс» сўзи – чумоли демакдир) деб атай бошлаганлар. Мирмидонлар шоҳи Ахиллес эди.

Мойралар (римликларда – *Паркилар*) – қисмат маъбудалари. Улар учта бўлган: 1) Клото – инсон ҳаёт ипини йигиради; 2) Лахесис – қарамай туриб, одам қисматига тушган куръани олади; 3) Атропос – ҳаёт ипини узади.

Мопс – юнон ривоятларида Аполлоннинг ўғли деб эътироф қилинади; соҳибқароматликни ҳам у Аполлондан ўрганган экан.

Музалар – санъат ва адабиёт маъбудалари. Уларнинг анъанавий миқдори – тўққизта; улар Парнас тоғида истикомат қиладилар; ҳар бир Муза санъат ё адаби-

ётнинг муайян бир турига ҳомийлик қилади. Музалар отаси – Зевс, онаси – хотира маъбудаси Мнемозинадир.

Наяндалар – чашма ва дарё санамлари.

Нелей – Посейдоннинг ўғли, Пилос шоҳи Несторнинг отаси.

Немея – Арголида (Пелопоннеснинг шимоли-шарқи)даги шаҳар.

Неоптолем – Ахиллеснинг ўғли. Ривоятларга кўра, Фетида ўз ўғли Ахиллеснинг қисматиغا Троя жангида ҳалок бўлиш ёзилганидан воқиф бўлиб, уни қизлари орасига яширади. Ахиллес шу шоҳ қизларидан Дейдамияни севиб қолади. Ахиллес Троя жангига жўнаб кетганидан кейин Дейдамия ўғил кўради ва унга Неоптолем деб исм кўядилар. Ахиллеснинг ўлимидан сўнг, Одиссей билан Диомед Неоптолемни ҳам Трояга олиб борадилар. Йигит юнонлар қўшини сафида мардона жанг қилади. Трояни забт этиш пайтида у ниҳоятда қаттиқ шафқатсизлик кўрсатиб, Приамнинг кўпгина фарзандларини, хаттоки, шоҳнинг ўзини ҳам ўлдиради.

Нерей – кўпинча «денгиз қарияси» деб юритилувчи тангри. Понт – денгиз билан Гея – ернинг ўғли.

Нереидалар (Нерей қизлари) – денгиз санамлари, Нерейнинг эллик нафар қизи. Ахиллеснинг онаси Фетида ҳам Нерейнинг қизи эди.

Нестор – Пилос оролининг шоҳи, Нелейнинг ўғли; у лапифлар билан кентаврлар урушида қатнашган, аргонавтлар билан бирга сузган, Калидон овида иштирок этган. У жуда узоқ умр кўради: Троя уруши пайтида ўз фуқароларининг учинчи авлоди устидан ҳукмронлик қилаётган бўлади; у ўз ўғиллари билан биргаликда Троя урушида қатнашади. Юнон қаҳрамонлари орасида ўз заковати ва сўзамоллиги билан ажралиб туради.

Ниоба – шоҳ Танталнинг қизи, Фива шоҳи Амфионнинг хотини. У олти қиз ва олти ўғил туққан. Ниоба ўн икки фарзанднинг онаси эканлигидан мағрурланиб, атиги икки фарзанди (Аполлон ва Артемида) бўлган маъбуда Латонага сиғинишдан ва унинг йўлига қурбонлик қилишдан бош тортади. Бундан қаҳрланган Латона ўз болаларига юзланиб, Ниобани жазолашни сўрайди. Оқибат, Аполлон билан Артемида камонларидан ўқ ёғдириб, Ниобанинг ҳамма болаларини ўлдирадилар; бу жудоликка дош беролмаган шоҳ Амфион ўз жонига қасд қилади. Ниобага эса, тангрилар шафқат қилишиб, уни ўз ватани Лидиядаги Сипил тоғига олиб чиқиб тошга айлантирадилар. Бу тошдан шаффоф булоқ суви мангу оқиб туради, гўёки, Ниоба гарчи тошга айланган бўлса ҳам, ҳамон нобуд бўлган фарзандларига аза тутишдан тўхтамайди.

Нот – жануб шамоли.

Огигия – юнонларнинг ҳисоблашчи, қаердадир ғарбда, денгизнинг қок ўртасига жойлашган орол.

Одиссей – Итака оролининг шоҳи, Лаэрт билан Антиклеянинг ўғли; Троя урушининг қаҳрамонларидан бири. Ҳомернинг «Одиссея» достонида бош қаҳрамон.

Оилей – Локрида шоҳи, «чакқон оёқ» Аякснинг отаси.

Ойней – Калидон ҳокими, қаҳрамон Тидейнинг ҳамда Мелеагр билан Деянирларнинг отаси.

Океан – 1) Тангри Океан – титанлардан; Уран билан Геянинг ўғли. Кроннинг акаси. 2) Ер курраси атрофида мудом айланиб оқувчи дарё. Океаннинг орти – нариги дунё.

Олимп – боқий тангрилар маскани бўлмиш афсонавий тоғ. Олимпни Фессалиядаги юксак тоққа қиёс қиладилар.

Оралар (*Ҳоралар*) – йил фасллари маъбудалари, арши аълонинг булутлардан вужудга келган қопқаларини гоҳ очиб, гоҳ ёпиб турувчи Олимп соқчилари. Улар жамиятда тартиб ва қонунни муҳофаза қиладилар; одатда, улар уч нафар бўладилар: Евномия (қонуншунослик), Дика (адолат), Эйрона (тинчлик). Бу маъбудалар қўлларига мева кўтарган навниҳол қизлар қиёфасида тасвирланганлар. Улар ҳам, яна Хариталар ҳам Афродитанинг доимий ҳамроҳларидир.

Орест – Агамемнон билан Клитемнестранинг ўғли. Отаси ҳалок бўлгандан кейин у мусофир юртда тарбия кўради, улғайиб кучга тўлгач, отасини ўлдирган ўз онаси билан Эгисфдан қасд олади, аммо кейинчалик унинг ўзини Эриниялар муттасил таъқиб қила бошлайдилар. Фақат Аполлон билан Афинагина уни Эриниялар уфурган изтиробли телбалик дардидан халос этадилар.

Орион – беотиялик паҳлавон овчи, тонг маъбудаси Эоснинг маҳбуби; у Артемиданинг ўқидан ҳалок бўлади. Осмондаги юлдузлар буржидан бири унинг номи билан аталган.

Оронт – Суриядан оқиб ўтувчи асосий дарё.

Орхомен – Беотия вилоятида, Кепис дарёсининг Копайд кўлига қуйиладиган ерида қад кўтарган шаҳар.

Осса – Ўрта Юнонистон (Фессалия)даги денгиз сатҳидан тахминан 1500 м баланд тоғ. Оссанинг тармоқлари Пелион тоғи билан туташган. «Осса билан Пелионни устма-уст кўйиш» ибораси ниҳоятда улкан ишни бажариш, деган маънони билдиради.

От ва Эфиалтес – Ифимедия билан Алоейнинг болалари (бошқа ривоятларга кўра, улар – Ифимедия билан Посейдоннинг фарзандлари). Болалар тўққиз ёшга кирганларида мудҳишона бўйлари ва қудратлари билан бошқалардан ажралиб турганлар; бу оғанин зиндонга ташлаган тангри Арейни фақат Ҳермесгина озод эта олган. От билан Эфиалтес Пелион тоғини Осса устига тиклаб, шу йўл билан Олимпга чикмоқчи бўлишган. Лекин Аполлон уларнинг бу шум ниятини пайқаб қолиб, ўз камонидан ўқ отиб уларнинг икковини ўлдирган.

Оэта – Фессалия вилоятидаги тоғ тизмаси. Махшур Фермопил йўлаги шу тоққа жойлашган бўлиб, милoddан аввалги 480 йилда юнонлар Спарта шоҳи Леонид бошчилигида форсларнинг йўлини шу йўлакда тўсган эдилар.

Пактол – Лидиядаги (Кичик Осиё) анҳор; унинг суви Герм дарёсига қуйилади.

Паллада – Маъбуда Афинанинг яна бир номи.

Пан (римликларда – *Фавн*) – ўрмонзорлар, дарахтзорлар, чўпонлар худоси, подалар кўриқчиси, овчилар, асаларичилар, балиқчилар пушти-паноҳи. Бу хушчакчак тангри Диониснинг ҳамроҳи, у ҳамиша санамлар даврасида бўлади, ўзи кашф этган ҳафтнай (свирел)ни чалиб, улар билан ракс тушади. Лекин айни пайтда у оромини, узлатдаги ҳаётини бузганларни даҳшатга, ваҳимага солиши мумкин (юнонча «паника» (вахима) сўзи шу тангрининг номидан олинган). У уруш пайтида ғанимларни ҳам шундай таҳликага сола олади. Юнонлар Марафон ва Саламин яқинида бўлган жангларда айнан шу Пандан мадад олганликларига ишонилган. Шунинг учун Афина марказидаги Акрополда бир ғор Панга бағишланган эди ва ҳар йили унинг шарафига машғалалар намойиши ўтказилар эди. Панда соҳибқароматлик истеъдоди бўлган ва бу истеъдодини у Аполлонга ҳам тортиқ қилган, деб ҳисоблашган.

Панафинейя – Афина шаҳрининг пушти-паноҳи маъбуда Афина-Паллада шарафига Атикада ўтказиладиган байрам. Бу байрам ҳар йили август ойида нишонланган, бундан ташқари, ҳар тўрт йилда бир марта «Буюк Панафинейя» номи билан ғоят зўр дабдабада байрам қилинган. Байрам, одатда, тунда машғала кўтариб югуриш мусобақаси билан бошланган. Бу байрамда от кўшилган жангаробада пойга ва гимнастика мусобақалари ўтказилган. Бу байрам сайлида нафақат Афина халқи, шунингдек, ўзга мамлакатларнинг элчихоналари вакиллари ҳам Афинага аталган назр-ниёзлари билан иштирок этганлар. Мазкур намойиш тасвири Афинанинг бош ибодатхонаси – Парфенон пештоқига ўйиб солинган. Панафинейя байрами худолар йўлига қурбонлик қилиш ва оммавий зиёфат билан яқунланган.

Пандар – Ликооннинг ўғли; Ликия шахзодаси, Троя кўшини сафида жанг қилган моҳир ёйандоз.

Парис – Приам билан Ҳекубанинг ўғли; Ҳекуба шу ўғлига бўйида бўлганида туш кўради; тушида у лаҳча чўғ ўтин тукқанмиш, кейин бу чўғдан бутун Троя ёниб кул бўлганмиш. Бу ғойибдан келган илохий ишора эди. Шунга амал қилишиб, янги туғилган чақалокни Ида тоғига олиб бориб ташлайдилар. Лекин чақалок ўлмайди, уни урғочи айиқ эмизади, кейин чўпонлар уни тарбия қилиб ўстирадилар. Олтин олмани талашган уч маъбуда шу Парисга мурожаат қилади. Парис улар ичида Афродитани афзал кўради; оқибат, Афродита уни Трояга қайтаради ва Еленани ўғирлашига кўмаклашади. Бу воқеа Троя урушининг бошланишига сабаб бўлади.

Парнас – Юнонистондаги тахминан 2500 м баландликдаги тоғ; Дельфа шаҳри шу тоғ этагига жойлашган. Қадимги юнон ривоятларига кўра, Парнас Аполлоннинг ва музаларнинг маскани бўлган.

Парос – Эгей денгизидаги ороллардан бири; бу орол ўзининг олий нав мрамари билан машҳур бўлган.

Патрокл – Ахиллеснинг энг қадрдон дўсти; у ҳали ёш йигитча пайтида, ўз тенгқури бўлган бир ўспиринни мусобақа ўйини чоғида бехосдан ўлдириб кўяди ва юртидан бош олиб чиқиб кетади; у Фтияга боради, бу ерда Патрокл Ахиллес

билан чин дўст тутинади ва умрбод унинг содик ҳамроҳи бўлиб қолади. Патрокл Троя урушида Ҳектор билан бўлган яккама-якка жангда ҳалок бўлади.

Пегас – Посейдон билан горгона Медузанинг ўғли. У Персей маҳв этган медузанинг жасадидан туғилади. Пегас Олимпга учиб чиқиб кетади ва у ерда Зевсга чакмоқ ва момақалдироқ ўқларини ташиб бериб туради. Пегасни музалар тулпорли деб атайдилар, чунки Ҳеликон тоғи музалар хонишидан завққа тўлиб, осмонга бўй чўза бошлаганида, Пегас падари Посейдоннинг маслаҳати билан тоғни бир тепиб, унинг ўсишини тўхтатади; айна унинг туёғи теккан ердан музалар чашмаси – ҳиппокрена (юнон тилида: «отбулоқ» дегани) қайнаб чиқа бошлайди. Бундан ташқари, Пегаснинг туёғи теккан Коринф тоғида Пирена чашмаси, Трезен якинида Ҳиппокрена булоғи кўз очади. Бу чашмаларнинг бари ажойиб хусусиятга эга бўлиб, шоирлар учун илҳом манбаига айланган эди.

Пелей – фессалиялик қаҳрамон; Эгина шоҳи Эакнинг ўғли, маъбуда Фетида-нинг эри. Ахиллеснинг отаси.

Пелион – Фессалияда, Олимпдан йироқ бўлмаган тоғ (қаранг: Осса).

Пелопоннес – Болқон яриморалининг жанубидаги яриморол.

Пелопс – Пелопоннеснинг кудратли ҳукмдорларидан бири. Шоҳ Танталнинг ўғли, Зевснинг набираси; Троя шоҳи Ил уни ўз ватани Сипилдан қувғин қилганида, у Юнонистоннинг кейинчалик унинг номи билан аталган яриморали – Пелопоннесга (бу юнонча «Пелопс ороли» демак) сузиб келиб, манзил куради. Бу ерда у жиноий йўл билан Писа шоҳи Эномайнинг қизи Ҳипподамияга уйланади ва ўзи шу шаҳарнинг ҳокими бўлиб олади. Лекин у узлуксиз жиноий қилмишлари билан худолар ғазабига учрайдики, бу ғазаб унинг бутун авлоди бошига мислсиз офатлар ёғдиради; Пелопснинг ўғиллари Фиест билан Атрей ўзаро довлашиб, энг мудҳиш ёвузликларга қўл урадилар. Фиестнинг ўғли Эгисф Атрейнинг ўғли Агамемнонни ўлдиради, сўнг Эгисфнинг ўзи ҳам Агамемноннинг ўғли Орест қўлида ҳалок бўлади. Юнонистонда ясалган кўҳна вазаларда Пелопс билан Ҳипподамиянинг жангаробада кетаётгани тасвирланган.

Пенелопа – Икарийнинг қизи, Одиссейнинг хотини. У югуриш мусобақасида ғолиб чиққан Одиссейга соврин сифатида берилган. Пенелопа образи кейинчалик вафодор хотин рамзи сифатида талқин этила бошлайди.

Пеонлар – Юнонистоннинг шимолидаги Пиония ўлкасида яшовчи халқ; кейинчалик Македония давлати шу ерда барпо бўлган.

Перай – итакалик йигит; Телемахнинг дўсти ва ҳамроҳи.

Персей – Юнонистоннинг энг машҳур қаҳрамонларидан бири; Зевс билан Дана-янинг ўғли; у Медуза исмли горгонанинг калласини чопиб, денгиз махлуқига инъом этилган малика Андромедани озод қилади. Персей Ҳераклнинг бобокалони эди.

Персефона – Зевс билан Деметранинг қизи. Уни Аид ўғирлаб кетиб, ўзига хотин қилиб олади; қаттиқ андуҳга тушган Деметра кизини қидириб, бутун ер юзини кезади; бу пайт экинзорлар ҳосил бермай қўяди. Буни кўрган Зевс Деметрага

тасалли бериш учун Персефона ярим йил Олимпда, ярим йил Аидда яшайди, деб қарор қилади. Персефона ҳақидаги афсонани табиатнинг қишда ўлиб, баҳорда жонланиши рамзи дейиш мумкин.

Пилад – Фокида шоҳи Строфийнинг ўғли. Орест, отаси Агамемнон ўлдирилганидан кейин шоҳ Строфийнинг саройида паноҳ топиб ўсади ва шаҳзода Пилад билан кадрдон, вафодор дўст тутинади.

Пилос – 1) Нестор давлатининг пойтахти; Пелопоннеснинг жануби-ғарбида, денгиз соҳилида жойлашган шаҳар; 2) Элидада, Алфейдан жануброқда жойлашган шаҳар.

Пирифлегетонт – Аиднинг ер ости салтанатида оқувчи дарёлардан бири.

Пирифой – Фессалияда яшаган афсонавий халқ – лапифларнинг шоҳи, Тесейнинг дўсти ва сафдоши. Унинг никоҳ тўйида маст бўлиб қолган кентаврлар лапиф аёлларига ташланадилар, бунинг оқибатида кентаврлар билан лапифлар ўртасида мудҳиш жанг бошланади; бу жангда Нестор ҳам қатнашади. Пирифой Персефонани ўғирлаш мақсадида Тесей билан бирга Аид салтанатига тушади; лекин иккала қаҳрамон ҳам у ерда Аид таклиф қилган ноёб курсиларга ёпишиб қоладилар. Аид қопқасини кўриқлаб турувчи уч бошли кўппак Кербер (Цербер)ни ўғирлаб чиқиш учун ўлиқлар салтанатига тушган Ҳеракл (бу унинг ўн иккинчи жасорати эди) Тесейни озод қилади, аммо Пирифой Аидда қолиб кетади.

Писа – Пелопоннес ғарбидаги шаҳар.

Писистрат – Несторнинг ўғли.

Пифия – Қадимги Юнонистонда Аполлоннинг Дельфадаги башоратгоҳида яшовчи соҳибқаромат қоҳина.

Пифос – Дельфа ибодатхонаси ва маъбадининг қадимги номи.

Плак – Кичик Осиёдаги тоғ.

Плеврон – Этолиядаги шаҳар.

Плеядалар (сурайёлар) – Атлантнинг етти қизи; уларни худолар бир туркум юлдузларга айлантиришган.

Полиб – 1) Менелай билан Елена жаҳонгашталиқ қилиб юришганида уларни ўз уйида меҳмон қилган мисрлик бойнинг исми; 2) Эдипни ўғил қилиб асраб олган Коринф шоҳи.

Полидамант – троялик қаҳрамон ва соҳибқаромат; Ҳекторнинг дўсти; фасоҳат ва заковат соҳиби.

Полидор – Приамнинг кичик ўғли.

Полиник – Эдип билан Иокастанинг ўғли.

Полиг – Приамнинг ўғилларидан бири.

Полифем – Одиссей кўр қилган бир кўзли циклоп.

Посейдон (румликларда – *Нептун*) – денгиз худоси, Крон билан Реянинг ўғли, Зевснинг оғаси. «Зилзилакор» сўзи унинг васфларидан бири.

Прет – Беллерофонтни ўз салтанатидан қувғин қилган ва уни ўлдирмоқни кўзлаган Тиринф шоҳи.

Приам – Троя шоҳи, пири бадавлат қария, эллик ўғил ва эллик қизнинг отаси; Парис, Ҳектор, Деифоб, Кассандралар шулар жумласидан.

Прометей (бу сўз юнон тилида «башоратчи» деган маънони билдиради) – худоларга қарши бош қўтарган паҳлавон, бандалар ҳомийси; у ердаги одамларга осмондан олов олиб тушиб беради, уларни турли хил хунар ва илмларга ўргатади. Худоларга зид бўлган бу фаолияти учун Зевс уни қаттиқ жазолайди.

Пропонтида – ҳозирги Мармар денгизи.

Протей – Посейдоннинг измидаги денгиз тангриси; ҳар турли қиёфага кириш қобилиятига эга бўлган бу соҳибқаромат қария Фарос оролида яшаб, Посейдоннинг тюлень подасини боқаркан.

Протесилай – Фессалия шоҳи; Ификлнинг навқирон ўғли; Трояга келган Фессалия қўшинининг саркардаси. Юнонлар Трояга етиб келишганида, Протесилай Троя соҳилига кемадан биринчи бўлиб сакраб тушади ва шу заҳоти Ҳектор отган ўқдан ҳалок бўлади. У ҳалок бўлгач, хотини Лаодамия ер ости тангриларига илтижо қилиб, эрини қисқа муддатга ёруғ жаҳонга чиқаришларини сўрайди; сўнг ўзи ҳам эрининг орқасидан Аидга рихлат этади.

Псофис – Пелопоннес яриморалининг Аркадия вилоятидаги тоғ ва шу номдаги шаҳар.

Рея – Уран (осмон) билан Гея (замин)нинг қизи, Кроннинг опаси ва хотини.

Родан – Тиррен денгизига оқиб тушувчи Рона дарёси.

Родос – Кичик Осиёнинг жануби-ғарбий соҳили қаршисида жойлашган катта орол.

Саламин – Аттика соҳилидаги орол, Аякс билан Тевкрнинг отаси – Теламоннинг ватани.

Самос – Кичик Осиё соҳилига яқин жойлашган орол; у ерда Ҳерага сиғинувчи маъбадлар бор.

Санамлар – табиат кучларини ифодаловчи майда илоҳалар. Улар ўрмонларда (*дриадалар*), тоғларда (*ореадалар*), булоқ ва дарёларда (*наядалар*) яшайдилар. Юнонлар санамларни навнихол дилбар қизлар қиёфасида тасаввур қилганлар.

Сатирлар – Дионис (Вакх)нинг ҳамроҳлари, ўрмон илоҳлари, ҳосилдорлик ҳомийлари. Уларни ярим одам, ярим така (эчки шохли, эчки ё от думли, бурунлари танқайган, сочлари пахмайган холда) тасвирлашган. Сатирларни ўзга илоҳлардан ажратиб турувчи аломатлар: тирс (тепасига қорақарағай ғуддаси ўрнатилган, печак ўт ва ток баргларига ўралган асо), найлар, бурғулар, май тўлдирилган меш ё ўзга идишлар. Афсоналарда сатирлар танбал, шахватпараст ва аксар пайт ширакайф қиёфада тасвирланади. Улар ўрмонларда санамлар билан сайр қилиб юришади, вақтичоғлик, ўйин-кулги билан машғул бўлишади.

Селена – ой маъбудаси, Ҳелиоснинг қизи (ё хотини ёки синглиси).

Селларлар – Зевс кароматини олдиндан башорат қилувчи қоҳинлар; улар муқаддас эман япроқларининг шитирлаши ёки шу дарахтга қўнган қушларнинг сайрашига қараб келажак ҳақида башорат қиладилар.

Сериф – Эгей денгизидаги ороллардан бири (Кикланд ороллари туркумида).

Сизиф – Коринфнинг айёр шохи; у, ҳатто, жонини олгани келган ўлим тангриси Танатни ҳам занжирбанд қилишга муваффақ бўлган. У тангриларга қарши қилган жиноятлари учун Аид салтанатида оғир харсангтошни тоабат тоғ бошига думалатиб олиб чиқишга маҳкум этилган эдиким, эндигина тоғ бошига етиб чиққанида, тош пастга думалаб тушиб кетарди.

Симоис – Троя этагидан оқиб ўтувчи дарё, Аскамандрнинг ирмоғи.

Симплегдалар – симплега қоялари (яъни «бир-бирига урилувчи» қоялар), юнонлар тасаввурича, Қора денгизга кираверишда жойлашган экан.

Сиреналар – ярми қуш, ярми аёл қиёфасидаги махлуқлар; улар ғоятда хушовоз кўшиқлари билан баҳрийларни ўзларига ром қиладилар, сўнг маҳв этадилар.

Солимлар – Ликиядан шимолда яшовчи қабила.

Спарта – Пелопоннес яриморалига жойлашган Лакония вилоятининг пойтахти. Шоҳ Менелайнинг ватани.

Сперхий – дарё тангриси.

Стикс – ерости салтанати (Аид)даги дарё; худолар шу дарё сувини тилга олиб қасам ичганлар; бу энг даҳшатли қасам бўлиб, уни бузишга ҳеч бир тангри журъат эта олмаган.

Строфадалар – Юнонистоннинг жанубида, Мессениянинг ғарбий қирғоғи рўпарасида жойлашган учта кичик-кичик орол.

Сфенел – 1) Троя урушининг иштирокчиси, Капанейнинг ўғли, Диомеднинг дўсти; 2) Эврисфейнинг отаси, Персей билан Андромеданинг ўғли ҳам Сфенел эди.

Сфинкс – танаси шер, калласи ва сийнаси аёлники бўлган афсонавий қанотли махлуқ.

Сцилла – Ҳекатанинг қизи, олти бошли, ўн икки оёқли, ҳар қайси бошидаги оғизда уч қатордан жуда ўткир тишлари бўлган махлуқ. У Сижжилия бўғозида (яъни Италия билан Сижжилия ороли оралиғида), иккинчи мудҳиш махлуқ – Харибданинг рўбарўсида яшаган. Булар орасидан сузиб ўтиш денгизчилар учун ниҳоятда хатарли бўлган.

Таврида – бугунги Қрим.

Таврлар – Таврида фуқароси.

Тайгет – Пелопоннесдаги тоғ.

Талос – 1) Ҳефест томонидан ясалган маҳобатли мис одам. Уни Зевс Крит оролини кўриқлаш учун шоҳ Миносга ҳадя қилган. Талос кунига уч мартадан оролни айланиб чиқар ва оролда манзил қурмоқчи бўлган одамга тош отиб, уни сохилга яқин йўлатмас эди. Мабодо бирон киши оролга қадам кўйгудек бўлса, Талос ўзининг мис баданини оловда тоблаб, ўша келгиндини маҳкам кучоқлаб куйдириб ўлдиради; 2) Дедалнинг жияни ва шогирди. У маҳоратда устозидан ўзиб кетади. Шунда ҳасад ўтида ёнган Дедал уни Акропол девори устидан жарга итариб юбориб ўлдиради.

Талфибий – Агамемноннинг чопари, кейинчалик унинг ўғли – Орестнинг мураббийи.

Тантал – Лидия шоҳи; у Зевс томонидан абадулабад очлик ва ташналик азобига маҳкум этилган: Тантал шундоққина замин неъматлари тагида туриб, улардан олиб ея олмайди, бўйнигача сув ичида туриб, бир томчи ҳам ича олмайди. «Тантал азоби» («муки Тантала») деган ибора шундан келиб чиққан.

Тартар – ерости салтанатининг энг қуйи қатлами; худолар у ерга ўз ганимларини ҳибс этар эдилар.

Тевкр – 1) Троянинг энг биринчи шоҳи, Троя аҳолиси шу шоҳнинг номи билан «тевкрлар» деб ҳам юритилган; 2) Теламоннинг никоҳсиз туғилган ўғли, Аякснинг ўғай укаси, моҳир ёйандоз.

Теламон – Саламин оролининг шоҳи, Эакнинг ўғли, Пелейнинг оғаси, Аякс билан Тевкрларнинг отаси. Аргонавтлар сафарида Ясоннинг ҳамроҳи.

Телебойлар – Ўрта Юнонистоннинг ғарбидаги Акарнания вилоятида яшовчи қабила.

Телемах – Одиссейнинг ўғли. Унинг исми «йироқда жанг қилувчи» деган маънони билдиради.

Телеф – отаси – Ҳеракл; онаси – Аркадия шоҳининг қизи Авги; уни маъбуда Артемиданинг охуси эмизган. Телеф Пергам шоҳларининг бобокалони ҳисобланади.

Тенедос – Эгей денгизида, Троада соҳилидан унча йироқ бўлмаган кичик бир орол; юнонлар Троя яқинида, пистирмада ёғоч от қолдириб, гўёки жўнаб кетишганида, шу оролга яширинишган эди.

Терсит – «Илиада» достонида юнонлар кўшинида оддий аскар. Хомер уни бадбашара, маҳмадона ва ҳасадгўй қилиб тасвирлайди (Терситнинг исми «густоҳлик», «безбетлик» деган маъноларни билдиради).

Тесей – Афиналик шоҳ Эгейнинг хотини Эфра билан тангри Посейдоннинг ўғли ҳисобланган, ўзи ҳам Афинада подшолик қилган. Тесей Аттика вилоятида улкан қаҳрамон ва Афина давлатининг бунёдкори сифатида эъзозланган. Аттикани бирлаштириш, Панафинейя (қаранг) ўйинларини жорий этиш Тесейнинг хизмати деб эътироф қилинади. Афиналиклар ўзларининг асосий қаҳрамонлари – Тесейни бениҳоя улуғлашга ҳаракат қиладилар ва уни паҳлавон Ҳеракл билан таққослайдилар. Шунинг учун Тесейнинг бир қатор жасоратлари Ҳераклнинг жасоратларига ўхшаб кетади, лекин, барибир, Тесей бутун юнон халқининг миллий қаҳрамони – Ҳеракл даражасига кўтарила олмайди.

Тестий – Этолия шоҳи, Леданинг отаси. Баъзан Фестий деб ҳам юритилади.

Тидей – Инейнинг ўғли. Аргос шоҳи Диомеднинг отаси.

Тиндар (*Тиндарей*) – Спарта шоҳи, Леданинг эри.

Тиресий – кўзи кўр машҳур соҳибқаромат қоҳин. Зевс унга келажакни башорат қилиш қобилиятини, айна пайтда, инсон ҳаётидан етти ҳисса (ёки тўққиз ҳисса) узунроқ умр ато этган.

Тириф – Юнонистоннинг Аргоида вилоятидаги энг қадимги шаҳарлардан бири.

Титанлар – Уран билан Геянинг фарзандлари. Улар ўз падари Кронни тахтдан ағдарган Зевсга қарши исён кўтардилар. Лекин Зевс уларни мағлубиятга учратиб, ҳаммаларини Тартар қаърига хибс этади.

Тифон – 1) Гея билан Тартарнинг ўғли; огзидан олов пурковчи юз бошли баҳайбат махлук. У Лерна аждарининг, жаҳаннам қопқасини қўриқловчи ит Цербернинг ва ўзга мудҳиш махлуқларнинг отаси ҳисобланган. Тифонни Зевс маҳв этиб, устига Этна тоғини ағдаради; тоғ залваридан қадди букилган Тифон аҳён-аҳёнда қимирлаб кўяди, шунда тоғ гумбурлаб, ўз қаъридан осмонга олов, тутун ва тошлар отади; Тифон ҳақидаги ривоят қадимги юнонларнинг вулқон ҳодисалари ҳақидаги тасаввурини ўзида акс эттиради; 2) тонг маъбудаси Эоснинг маҳбуби, Лаомедоннинг ўғли, Приамнинг оғаси, Мемноннинг отаси. Эос Тифонни ўғирлаб самога олиб чиқиб кетади ва у Олимпда боқийликка мушарраф бўлади.

Тмол – Кичик Осиёнинг Лидия вилоятидаги тоғ.

Трахина – Ўрта Юнонистоннинг шарқида, Малайя бўғози яқинида жойлашган Малид вилоятидаги шаҳар; ривоятларга кўра, бу шаҳарга Ҳеракл асос солган.

Тринакррия (бу сўз «уч қиррали» деб таржима қилинади) – Сижжилия оролининг қадимги номи – Тринакррияни афсонавий Тринакия оролига қиёс қилишганки, у ерда Хелиоснинг ҳар қайсиси 50 бошдан иборат бўлган 7 пода буқалари ва 7 сурув қўйлари ўтлаб юрган. Шуниси қизиқки, бу буқалар ва қўйлар камаймаган ҳам, кўпаймаган ҳам. Бу жониворлар йилнинг образли ифодаси ҳисобланган. Юнонларнинг тасаввури бўйича, йил 50 ҳафтадан иборат бўлган, ҳар бир ҳафта эса, етти кеча-етти кундуздан ташкил топган.

Троада – Кичик Осиёда Троя теваарига жойлашган вилоят.

Троисена – Пелопоннеснинг шарқида жойлашган Аргоида вилоятидаги шаҳар.

Трос – Троя шохларининг бобокалони; Троя шунинг номига қўйилган.

Троя (Илион) – Кичик Осиёда Аскамандр дарёси бўйида жойлашган шаҳар. Парис Еленани шу Трояга олиб қочиб келади; шу сабаб бўлиб, иттифоқчи юнон қўшинлари шаҳарга ҳужум қиладилар. Ўн йил давом этган қамалдан сўнг ёғоч от билан уюштирилган найранг оқибатида шаҳар забт этилади ва вайрон қилинади.

Тэнар – Пелопоннеснинг жанубий чегарасидаги бурун. Қадимги юнонларнинг тушунчаси бўйича ерости салтанатига қирадиган йўлларнинг бири шу бурун яқинида бўлган экан.

Уран – само; осмон худоси; Геянинг эри, титанлар падари ва оламнинг энг биринчи подшоҳи; ўғли Крон уни тахтдан ағдарган.

Фарос – Миср қирғоғи яқинидаги мўъжазгина орол; кейинчалик бу орол ўзининг маёғи билан донг таратган, зеро, Фарос маёғини дунёнинг етти мўъжизасидан бири деб ҳисобланганлар.

Фасис – ҳозирги Гуржистондаги Риони дарёси.

Феаклар – Итаканинг шимолидаги Схерия оролининг афсонавий аҳолиси. Худолар бу халқни жуда эъзозлашган, уларнинг байрам тантаналари ва базмларида ўз қиёфаларини ўзгартирмай қатнашганлар; феаклар саодатли ҳаёт кечиришган, уларнинг ерлари серҳосил, ўзлари ғоят баркамол денгизчи бўлишган, кемалари тўфонда ҳам, туманда ҳам йўлдан адашмай, кўзлаган манзилга етиб бораверган. Ўзининг меҳмоннавозлиги ва кемаларни бошқаришдаги маҳоратлари билан довруқ қозонган бу халқ кема ҳалокати оқибатида Схерияга келиб қолган денгизчиларни ўз ватанларига элтиб қўйишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб билган.

Феб – Аполлоннинг диний исми.

Феба – Артемиданинг диний исми.

Феникс – 1) Ахиллесга нотикқлик санъати ва ҳарб ишидан сабоқ берган фессалиялик қария. У Ахиллес билан бирга Троя урушига борган, унга мураббийлик қилган; 2) Сидон шоҳи; Кадм билан Европанинг отаси.

Феоклимен – соҳибқаромат йигит. У қонли интиқомдан қочиб, Телемахнинг кемасига чиқиб олган ва у билан бирга Итакага келган эди.

Фера – Юнонистоннинг ғарбида жойлашган Фессалия вилоятидаги энг қадимги шаҳар; у Пилос билан Спартанинг қоқ ўртасида жойлашган. Бу шаҳарда Диокл ҳукмронлик қилган.

Феспротлар – Юнонистоннинг шимоли-ғарбида, Эпир вилоятида истиқомат қилувчи халқ.

Фессалия – Шимолий Юнонистоннинг шарқидаги вилоят.

Фетида – денгиз қарияси Нерейнинг маъбуда қизи, Пелейнинг хотини, Ахиллеснинг онаси. Унинг никоҳ тўйида «адоват олмаси» («яблоко раздора») туфайли уч маъбуда ўртасида низо вужудга келади. Бу низо Троя урушининг бошланишига сабаб бўлади.

Фива – 1) Беотиядаги етти дарвозали шаҳар; 2) Мисрдаги юз дарвозали шаҳар – қадимги Мисрнинг пойтахти; у Нил дарёсининг ўрта оқимида жойлашган; 3) Мизиядаги шаҳар (бу шаҳарнинг жуғрофий жойлашган ери аниқ эмас); у Андромаханинг ватани бўлиб, Ахиллес томонидан ғорат қилинган.

Филоктет – Троя юриши қатнашчиларидан бири; Ҳераклнинг бу қадрдон дўсти унинг камони ва ўқларини мерос қилиб олган. Лашкар Трояга кетаётганида, Филоктетни илон чақиб олади, оқибат, бадани яра бўлиб, ундан шундай бадбўй ҳид тарқай бошлайдики, юнонлар уни тақир Лемнос оролига ташлаб кетишга мажбур бўладилар. Бу оролда Филоктет ов билан шуғулланиб, ўн йил кун кечиради. Бироқ Трояни Ҳераклнинг камони ва ўқларисиз забт этиб бўлмаслиги юнонларга аён бўлади; шундан кейин улар Филоктетни олиб келиш учун Одиссей билан Неоптолемни Лемнос оролига юборадилар; булар ўксиган қаҳрамонни авраб-савраб Троя бўсағасига бошлаб келадилар. Бу ерда табиб Махаон унинг яраларини тузатади ва Филоктет жангга қиради.

Филотий – Одиссей саройидаги хизматкорлардан бири.

Финикия – Ўрта денгизнинг шарқий соҳилидаги мамлакат.

Фиталзодлар – Элевсинда диний мавзудаги томошаларга асос солган қахрамон Фиталнинг зурриётлари. Бу томошаларда маъбуда Деметрани шарафловчи хуфия маросимлар тараннум этилган.

Флегрей майдони – бу майдон вулқон отилиши натижасида вужудга келган бўлиб, Италиянинг Кампания вилоятида, Кума ва Капуя оралиғидаги денгиз соҳили бўйлаб чўзилган эди.

Флегрийлар – афсонавий қабила.

Фоант Андремонзода – Этолиядаги Плеврон ва Калидон шаҳарларининг шоҳи.

Фокида – Ўрта Юнонистоннинг марказида жойлашган вилоят.

Фразимед – Несторнинг ўғли.

Фракия – Юнонистоннинг шимоли-шарқида, Хеллеспонт ва Пропонтида (Мармар денгизи) соҳилларида жойлашган улкан вилоят.

Фригия – Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбидаги мамлакат.

Фтия – Фессалияда мирмидонларнинг бош шаҳри; Пелей ва Ахиллес салтанатининг пойтахти. У Эгей денгизидagi Пегасей кўрфазида жойлашган.

Фуриялар – (қаранг: *Эриниялар*).

Фурот – Евфрат дарёси.

Хаос – дунё ва ҳаёт пайдо бўлмасидан олдинги ибтидоий ғайримуташаккил олам.

Харибда – юнонлар уни Италия билан Сижжилия оралиғидаги бўғоз сувини кунига уч марта домига тортиб, уч марта яна қайтарувчи даҳшатли гирдоб қиёфасида тасвирлаганлар; бу бўғознинг қарама-қарши соҳилида олти бошли махлуқ Сцилла яшаган.

Хариталар (римликларда – *Грациялар*) – гўзаллик, назокат ва шодлик маъбудалари, улар уч нафар бўлиб, мангу навнихол қиёфада тасвирланадилар.

Харон – юнон ривоятида, ерости салтанати – Аидда ўлганлар руҳини қайиқда олиб ўтувчи одам. Харон бу хизмати учун бир обол (энг майда кумуш танга) олган. Дафн таомили бўйича, мурданинг тили остига шундай танга қўйиб қўйилар экан. Харон фақат жасади дафн этилган ўликлар руҳинигина дарёдан олиб ўтган.

Химера – қадимги Юнонистон ривоятларида оғзидан ўт пурковчи арслонбош, аждардум ва эчкитана даҳшатли махлуқ. Уни Беллофонт ўлдиради.

Хирон – Асклепий, Ҳеракл, Ясон, Ахиллес ва бошқа қахрамонларни тарбиялаб ўстирган донишманд кентавр.

Хрис – Аполлоннинг қоҳини.

Хриса – 1) санам; 2) Аполлонга назр қилинган афсонавий орол (Лемнос яқинида).

Хрисаор – юнон ривоятида Посейдон билан горгона Медузанинг ўғли. Персей Медузанинг калласини узгандан кейин, Хрисаор онасининг жасадидан туғилган.

Циклоплар – афсонавий бир кўзли ваҳший паҳлавонлар. Антик давр хомершуносларининг талқини бўйича, бу халқнинг ватани Сижжилия ороли бўлган.

Эак – Пелей билан Теламоннинг отаси, Ахиллеснинг бобоси. Сўнгги ривоятларда баён қилинишича, Эак Посейдон ва Аполлон билан биргаликда Троя қалъаси деворларини тиклаган. Қалъа қурилиб битгач, унинг деворига илонлар ўрмалаб чиқа бошлаган, лекин улар деворнинг фақат фоний Эак қурган қисмидангина ошиб ўта олганлар. Бу нишонани коҳинлар Трояни келгуси авлод забт этгай, деб таъбирлайдилар. Охир-оқибат, ҳақиқатан ҳам, Троя деворига Эак зурриётлари: Теламон (Эакнинг ўғли) ва Неоптолем (Ахиллеснинг ўғли, Эакнинг эвараси) чиқадилар. «Эак» сўзининг киноявий маъноси – «одил қози»дир.

Эбея – Эгей денгизидаги катта бир орол; у Ўрта Юнонистоннинг шарқий соҳилларига яқин жойлашган.

Эвен – Этолия (Ўрта Юнонистоннинг гарби) вилоятидаги дарё.

Эксин понти – ҳозирги Қора денгиз.

Эмей – Одиссейнинг садоқатли хизматкори. Чўчқабоқарлар бошлиғи.

Эменидалар – раҳмдил, лутфкор илоҳалар.

Эер – шарқ шамоли.

Эвриклея – Одиссейнинг жорияси; Телемахни тарбиялаб ўстирган энага.

Эврилох – Одиссейнинг қариндоши ва ҳамроҳи.

Эвримах – Пенелопага уйланмоқчи бўлган қуёвлардан бири.

Эвринома – Пенелопанинг жорияларидан бири.

Эврипил – Фессалиядаги Ормений шахрининг шоҳи. Троя урушининг фаол қатнашчиларидан бири.

Эврисфей – Персейзода Сфенелнинг нимжон ўғли; Зевс билан Данаядан туғилган Персейнинг учта ўғли бўлган: Сфенел, Алкей ва Электрион. Алкейнинг ўғли Амфитрион Электрионнинг қизи Алкменага уйланган. Алкмена Зевсдан Ҳераклни туғиши керак эди; Зевс бу бўлажак ўғлонини ҳоким қилиш ниятида, Персейзодалар авлодида биринчи бўлиб туғилган чақалоқни ҳукмдор қиламан, деб худолар анжуманида сўз беради; бироқ маъбуда Ҳеранинг айёр ҳаракати билан биринчи бўлиб Ҳеракл эмас, Сфенелнинг ўғли, яъни Персейнинг набираси Эврисфей дунёга келади. Кейинчалик Ҳеракл шу Эврисфейнинг қўлида қул бўлиб хизмат қилади ва машҳур ўн икки жасоратини амалга оширади.

Эврит – Ойхалия шахрининг шоҳи, машҳур ёйандоз. Соҳибжамол Иоланинг отаси.

Эрот – Пелопоннеснинг жануби-шарқида, Лакониядаги дарё. Спарта шахри ҳам шу дарё бўйида жойлашган.

Эвфем – Посейдоннинг ўғли; аргонавтлар сафарида иштирок этган юнон қаҳрамонларидан бири.

Эвфорб – троялик қаҳрамон, Панфойнинг ўғли.

Эгида – эчки терисидан ишланган қалқон («эгида» – эчки териси дегани). Ҳомер замонида бундай қалқон расмдан қолган бўлиб, у фақат Зевс билан Афинагагина нисбат берилади ва улар «эгидабардор» (кўчма маъноси – муҳофиз) деб юритиладилар.

Эгиох – Зевс васфларидан бири, «эгида ушлаган» деган маънони билдиради.

Эгисф – Фиестнинг ўз қизи Пелопия билан қовушиши оқибатида туғилган хароми ўғли. Пелопия чақалоқ ўғлини ўрмонга олиб бориб ташлашни буюради. Болани подачилар эчки сути билан боқиб ўстирадилар. Микена шоҳи Агамемнон Троя жангига жўнаб кетганида катта йигит бўлиб қолган Эгисф шоҳ хотини Клитемнестранинг ўйнаши бўлиб олади ва Агамемнон жангтоҳдан ўз шахрига қайтиб келган кун у ўйнаши Клитемнестра билан биргаликда шоҳ Агамемнонни ўлдиради.

Эдонлар – Стримон дарёси бўйида яшовчи фракиялик қабиланинг номи.

Эея – афсонавий орол; юнонларнинг фарази бўйича, у орол узоқ ғарбда, Океаннинг нариги чеккасида бўлган.

Электра – 1) Савр буржидаги етти юлдузнинг бири; Дарданнинг хотини; 2) Агамемноннинг қизи, Орестнинг опаси.

Элида – Пелопоннеснинг шимоли-ғарбидаги вилоят.

Эллада – (қаранг: Эллинлар).

Эллинлар – юнонлар демак. Юнонистон юнон тилида Эллада деб аталган.

Эндимион – Зевс Олимпга олиб чиқиб кетган ғоятда гўзал фоний йигит. Лекин бу йигит худолар масканида сармаъбуда Ҳерани тасарруф қилмоқчи бўлади; шу гуноҳи учун Зевс уни Кариядаги ғорда мангу уйқуга маҳкум этади. Эл орасида кенгрок тарқалган бошқа ривоятга кўра, Эндимионга ошиқ бўлган маъбуда Селена (Ой) уни мангу навқирон ҳолда сақлаш мақсадида ухлатишни Зевсдан илтимос қилади ва кейинчалик Эндимион билан қовушиб, ундан элликга қиз кўради.

Эней – Троя уруши қаҳрамонларидан бири. Анхис (Троя шоҳи Илнинг набираси) билан Афродитанинг ўғли. Эней Ида тоғида туғилади, унга санамлар мураббиялик қиладилар. Троя таслим бўлгандан кейин, у ўз отасини опичлаб, ўғилчасини етаклаб, ёнгин чулғаган шаҳардан қочиб чиқиб кетади. Эней узоқ вақт жаҳон кезиб, ниҳоят, Италияда ўз салтанатини барпо қилади; унинг авлодлари Рим шахрига асос соладилар.

Эноо – шаҳарларни ғорат қилувчи конталаб уруш маъбудаси, Ареснинг ҳамроҳи.

Эол – шамолларни бошқарувчи илоҳ.

Эос – тонг шафағи маъбудаси. Ҳелиоснинг синглиси. Ҳиперионнинг қизи. Эос билан Астрейдан юлдузлар, шунингдек, шимол шамоли – Борей, шарқ шамоли – Нот ва ғарб шамоли – Зефирлар туғилган. Рум афсоналарида Эос Аврорага муқояса қилинади.

Эпидавр – Пелопоннес (Болқон ярим оролининг жануби)даги шаҳар. Табобат тангриси Асклепийга сиғиниш маркази.

Эпир – Юнонистоннинг шимолидаги вилоят.

Эрехтей – дастлаб уни Эрихтонийга муқояса қилишган; фақат милoddан аввалги V асрнинг охирларидан бошлаб Эрехтей Еврипиднинг асарларида мустақил қахрамон сифатида эсланади.

Эрибея – От ва Эфиалтеснинг ўғай онаси.

Эрида – адоват маъбудаси. Ареснинг синглиси ва доимий ҳамроҳи; жанжал, фалокат, очлик ва шу сингари иллатларнинг онаси. Рим ривоятида уни уруш маъбудаси Беллонанинг ҳамроҳи Дискордия билан қиёс қиладилар.

Эридан – 1) Оврупонинг шимоли ёки ғарбидаги афсонавий дарё. Уни баъзан ерости салтанатида деб ҳам тасвирлаганлар; 2) ҳозирги По дарёси.

Эриниялар – қотилларни таъқиб қилувчи интиқом маъбудалари. Улар Аид салтанатида истиқомат қиладилар. Эриниялар сочи ўрнида илонлар тўлганувчи, қамчи ёки машғалалар билан қуролланган бадбашара кампирлар қиёфасида тасвирланганлар. Рим ривоятида фуриялар деб юритиладилар.

Эриона – Оилейнинг хотини, «чаққоноёқ» Аякснинг онаси.

Эрифейя – ер юзининг энг чекка ғарбидаги орол. Унинг Эрифейя, яъни «Қизил» деб юритилишига сабаб, кунботар чоғда у ер кип-қизил шафакка бурканади.

Эрихтоний – Афинанинг афсонавий шоҳи; Ҳефест билан Геянинг ўғли. Аттика вилоятида Афина шахсига сизинишнинг жорий қилиниши, умумафина байрамларининг таъсис этилиши, Афина ва Посейдон ибодатхоналарининг қурилиши – булар ҳаммаси Эрихтонийнинг фаолияти деб таъкидланади.

Эрот (римликларда *Амур* ёки *Купидон*) – муҳаббат маъбудаси Афродитанинг ўғли.

Этеокл – Эдип билан Иокастанинг ўғли.

Этион – Кичик Осиёдаги Фива шахрининг шоҳи, Андромаханинг отаси.

Этна – Сижжилия оролидаги баланд тоғ.

Этолия – Ўрта Юнонистоннинг ғарбидаги вилоят.

Эфес – Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилидаги шаҳар.

Эфиопия (*Ҳабашистон*) – Ҳомер ва ўзга шоирларнинг таърифлашича, узок умр кўрувчи, масъуд занжиларнинг ўлкаси бўлиб, бу ўлка ер юзининг икки чеккасини – ғарбий ва шарқий сарҳадини эгаллаган. Аниқроқ маълумотларга кўра, Африка қитъасида Мисрдан жануброқда жойлашган мамлакат Эфиопия деб аталган.

Эфра – Тесейнинг онаси; уни Кастор ва Полидевк асир олиб, Еленага чўри қилиб беришган. Трояга ҳам у Елена билан бирга бориб қолган.

Эхидна – Тартар билан Реядан туғилган ярми аёл, ярми илон махлуқ; у Тифон билан қовушиб, жуда кўп дахшатли махлуқларни (масалан, Лерна хидраси, Кербер, Химера, Неменя шери, Сфинксларни) туғади.

Эя – афсунгар Кирка яшайдиган орол.

Япет – Прометей билан Атлантнинг отаси.

Ҳармония – «Кадм»га қаранг.

Ҳартиялар (ўғри санамлар) – қуюн ва ўлим шарпалари; кейинги афсоналарга кўра, боши ва сийнаси бўлиб, кўзга кўринмай учувчи ва одамларнинг жонини ўғирловчи қушлар.

Ҳеба – Зевс ва Ҳеранинг кизи; юнонлар таъбири бўйича, ўн саккиз ёшга тўлган одамларда зоҳир бўлувчи инсон ҳаётининг гуллаган даври ифодаси – мангу навниҳол маъбуда.

Ҳеката – титанлар кизи; энг қудратли маъбуда; у чакалоқ туғилаётганда, бола тарбиялашда оналарга кўмаклашади, хонадонга бойлик келтиради, мусобақада қатнашаётганларга, суд бўлаётганларга, жангтоҳда жанг қилаётганларга зафар ато этади; айни пайтда, у арвоҳлар, тунги босинқирашлар, сеҳру жодулар маъбудаси, шунингдек, ерости салтанатида руҳлар ҳокимаси. Ҳекатани уч бошли, олти қўлли махлуқ қиёфасида тасвирлаганлар.

Ҳекатомба – юнон тилида «юзта тана» демакдир. Бу сўз худо йўлига юзта тана (буқа)ни қурбонлик қилиш маъносини билдиради. Кейинроқ бориб, юнонлар ҳар қандай йирик қурбонликни шу ҳекатомба сўзи билан ифодалай бошлаганлар.

Ҳектор – Приам ва Ҳекубанинг ўғли, Троянинг асосий ҳимоячиси.

Ҳекуба – Приамнинг хотини, ўн тўққиз ўғилнинг (шулар жумласидан: Ҳектор ва Париснинг) ва шунча қизнинг (жумладан, Кассандранинг) онаси. Троя таслим бўлгандан кейин Одиссей уни асира қилиб олиб кетади.

Ҳелен – Приамнинг ўғли, гойибдан хабар берувчи соҳибқаромат йигит. Троя таслим бўлгандан кейин, Ахиллеснинг ўғли Неоптолемга қул бўлади, ўз соҳибининг ўлимидан кейин эса, унинг давлатидан бир қисмига меросхўр бўлади ва Эпир вилоятида «Кичик Троя» бунёд қилади.

Ҳеликон – Ўрта Юнонистондаги (Беотиянинг жануби) тоғ; юнон ривоятларига кўра, бу тоғда санъат ҳомийлари – музаларнинг маскани бўлган.

Ҳелиос – қуёш худоси. Шафақ – Эос ва Ой – Селенанинг оғаси, титан Ҳиперионнинг ўғли. У ўзининг порлоқ шуъласи билан фоний бандаларга ва барча жонзотларга ҳаёт бахш этади, жинойткорларнинг кўзини кўр қилади. У жуда юксакдан туриб, боқий тангрилару фоний бандаларнинг хатти-ҳаракатини кузатади.

Ҳеллоспонт – Кичик Осиёни Фракиядан ажратиб турувчи бўғоз. Бугунги кунда у Дарданил бўғози деб юритилади («Фрикс ва Ҳелла» бобини ўқинг).

Ҳера (римликларда – *Юнона*) – Зевснинг хотини ва, айни пайтда, опаси ҳамдир. Зевс уни ўз завжаси ва тангрилар маликаси деб эълон қилмасдан олдин икковларининг никоҳи дастлабки пайтларда замин билан само ўртасидаги иттифокни ифодалаган, кейинроқ эса, инсоний муносабат лойиҳасини ҳам билдира бошлаган. Ҳера никоҳ, эр-хотин ўртасидаги муҳаббат ва кўзи ёриётган ҳомиладорларнинг пушти-паноҳи бўлган. Ривоятларда Ҳера шафқатсиз, айёр, рашкчи қилиб тасвирланади: у ўз кундошларини маккорлик билан таъқиб қилади, Зевснинг фоний аёллардан туғилган болаларидан қаттиқ нафратланади.

Юнонистоннинг кўпгина шаҳарларида Ҳерага сифинувчи ибодатхоналар бўлган. Улар ичида энг таниқлиси Аргос шаҳрида бўлиб, у ерга Ҳеранинг олтин ва фил суягидан ясалган машҳур ҳайкали қўйилган. Бу шаҳарда ҳар беш йилда маъбуда Ҳера шарафига байрамлар ўтказиб турилган.

Ҳеракл (римликларда – *Ҳеркулес*) – Юнонистонда энг машҳур халқ қаҳрамони. Зевс билан Алкменанинг ўғли. У кўп вақт Ҳеранинг таъқибида бўлади ва шу маъбуда уюштирган фитналар оқибатида, Микена шоҳи, қўрқоқ ва нотавон Эврисфей қўлида хизмат қилади; Ҳеракл бу шоҳнинг амри билан ўн иккита энг машҳур жасорат кўрсатади. У ер юзини даҳшатли махлуқлардан тозалайди, Прометейни озод қилади, ҳатто, ўлим худосини ҳам енгади. Ҳеракл ўлганидан кейин, худолар уни Олимпга олиб чиқиб кетадилар ва у боқий илоҳга айланади. У муттасил Ҳеранинг таъқибида бўлгани сабабли, «Ҳеракл» исмини олган («Ҳеракл» сўзи «Ҳера туфайли жасоратлар кўрсатувчи» деган маънони билдиради); унинг асл исми Алкид бўлиб, бу сўзни «қудратли» деб таржима қилиш мумкин. Юлдузли осмон гумбазида Ҳеракл буржи ҳам мавжуд.

Ҳераклзодалар – Ҳеракл ва унинг тўнғич ўғли Ҳиллнинг кўп сонли зурриётлари. Улар Ҳераклга тегишли мулкни тортиб олиш мақсадида Пелопоннесга бостириб борганлар. Ҳераклзодалар ҳақидаги ривоят тарихий воқеани, яъни Пелопоннеснинг Қадимги Юнонистоннинг энг қўхна қабиласи – дорийлар томонидан босиб олинишини акс эттиради.

Ҳерения – денгиз бўйидаги шаҳар; унинг ҳокими Нестор эди.

Ҳермес (римликларда – *Меркурий*) – Юнонистоннинг энг қадимги тангриларидан бири. Зевс билан Майянинг ўғли. Худолар даракчиси. Подалар ҳимоячиси бўлган бу тангрини елкасига қўзичоқ кўтарган ҳолда («меҳрибон чўпон») тасвирлаганлар. Ҳермес тижоратга, шунингдек, эпчиллик, алдамчилик ва, ҳаттоки, ўғриликка ҳам ҳомийлик қилувчи тангридир. Булардан ташқари, у гимнастика билан машғул бўлган ёшларга (бундай машғулотлар юнон тарбиясида мажбурий ҳисобланган) пушти-паноҳ бўлган. Ҳомер дostonларида Ҳермес, биринчи навбатда, худолар муждачиси ва элчиси ҳамда ўлганлар руҳини Аиднинг ер ости салтанатига кузатиб қўювчи тангри сифатида тасвирланади. Ҳермес Аргусни ўлдирганидан кейин унга «Аргускуш» (яъни «Аргуснинг қотили») деб нисбат берилади.

Ҳермиона – 1) Елена билан Менелайнинг қизи бўлиб, уни Ахиллеснинг ўғли Неоптолемга турмушга берадилар; 2) Арголидадаги шаҳар.

Ҳеспер – юнон ривоятларида энг гўзал юлдуз – окшом юлдузи тангриси, титан Атласнинг оғаси. У ўз қизи Ҳесперидани Атласга хотин қилиб беради. Ҳесперида Атласдан тўрт қиз кўради. Улар Ҳесперидалар (яъни Ҳеспер набиралари) деб юритилади.

Ҳесперидалар (*Ҳеспер набиралари*) – юнон ривоятларида Ҳесперида билан Атласнинг қизлари – санамлар. Улар ер юзининг энг чеккасида, Океан бўйидаги боғда сармаъбуда Ҳеранинг никоҳ совғаси – меваси олтин бўлган олма дарахтини

кўриқлаб туришади. Бу санамлар, одатда, учта, баъзан эса, тўртта опа-сингил деб таърифланадилар; булар: Айгла – шуъла, Эрифия – лаъл, Ҳеспера – окшом ва Аретусалардир.

Ҳестиотида – Фессалиянинг энг ғарбидаги вилоят.

Ҳефест (римликларда – *Вулкан*) – олов худоси, темирчилик касбининг пуштипаноҳи. Ўзи ҳам мохир темирчи. Даставвал, вулқонлари отилиб турган вилоятларда, унга ерости олови худоси сифатида сиғинганлар. Ҳефест – Олимп аҳли ичида жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи ягона худо; у ўзига ва ўзга худоларга бағоят мухташам мис қасрлар қуради, Ахиллес учун ғаройиб яроқ-аслаҳалар, Диомед учун совутлар, Зевс учун салтанат таёқчаси билан эгида (кўн қалқон) ясаиди ва ҳоказо. Уни кўлига болға ё омбур ушлаган серсоқол, яғриндор темирчи киёфасида тасвирлаганлар.

Ҳиадалар – Савр буржидаги етти юлдуз. Бу юлдузлар балқиганида ерда йилнинг ёмғир фасли бошланади. Ҳиадалар, яъни ёмғир санамлари Атлантнинг қизлари бўлиб, улар овда шер панжасида ҳалок бўлган оғалари Ҳиасга мудом аза тутиб, тўхтовсиз кўзёш тўқадилар. Буни кўрган Зевс уларни осмонга олиб чиқиб, юлдузларга айлантирган.

Ҳиацинт – баҳорда уйғониб гулловчи ва кузда хазон бўлиб ўлувчи табиатни ифодалайдиган илоҳ. Одамларнинг ўсимликларга айланиши ҳақидаги ривоятлар антик давр адабиётида кўп учрайди (Дафна, Адонис, Наркис ва бошқалар ҳақидаги ривоятлар билан таққосланг). Ҳиацинтга сиғиниш маркази Амикла шаҳри бўлиб, бу ерда ҳар йили июль ойида Аполлон билан Ҳиацинтга бағишланган, уч кун давом этувчи Ҳиацинтия байрами жорий қилинган. Байрамнинг биринчи куни ўлганлар руҳига бағишлаб ҳазин қўшиқлар айтилиб, қурбонликлар қилинган, қолган икки кун байрам сифатида нишонланган ва Аполлон шарафига мусобақалар ўтказилган.

Ҳилас (*Ҳил*) – Ҳераклнинг арзандаси ва яроқбардори.

Ҳилл – 1) Ҳераклнинг тўнғич ўғли; 2) Лидия вилоятидаги Герм дарёсининг ирмоғи.

Ҳименей – ҳам юнонларда, ҳам римликларда никоҳ худоси.

МУНДАРИЖА



Биринчи қисм

ХУДОЛАР ВА ҚАҲРАМОНЛАР

ХУДОЛАР

Борлиқнинг ва худоларнинг пайдо бўлиши	5
Зевс	6
Зевснинг туғилиши	6
Зевс Кронни тахтдан ағдаради. Олимпик маъбудларнинг титанлар билан олишуви	7
Зевснинг Тифон билан олишуви	8
Олимп	9
Посейдон ва денгиз илоҳлари	11
Зимистон Аид салтанати	13
Ҳера	15
Ио	16
Аполлон	17
Аполлоннинг туғилиши	17
Аполлоннинг аждар Пифон билан олишуви ва Дельфа башоратгоҳига асос солиниши	18
Дафна	19
Аполлон Адмет хузурида	20
Аполлон ва музалар	21
Алоэнинг ўғиллари	22
Марсий	23
Асклепий (Эскулап)	23
Артемида	24
Актеон	25
Афина-Паллада	26
Афинанинг туғилиши	26
Арахна	27
Ҳермес	29
Ҳермеснинг Аполлон сигирларини ўғирлаши	29

Арес, Афродита, Эрот ва Ҳименей.....	32
Арес.....	32
Афродита.....	33
Пигмалион.....	34
Наркисс.....	34
Адонис.....	37
Эрот.....	38
Ҳименей.....	39
Хефест.....	39
Деметра ва Персефона.....	41
Аид Персефонани ўғирлайди.....	41
Триптолем.....	46
Эрисихтон.....	46
Тун, Ой, Шафак ва Куёш.....	47
Фазтон.....	49
Дионис.....	53
Диониснинг туғилиши ва тарбияланиши.....	53
Дионис ва унинг муқарраблари.....	54
Ликург.....	55
Минийнинг қизлари.....	55
Тиррен денгизи қароқчилари.....	56
Икарий.....	58
Мидас.....	58
Пан.....	59
Пан ва Сиринга.....	60
Паннинг Аполлон билан беллашуви.....	61

ҚАҲРАМОНЛАР

Беш давр.....	62
Девкалион ва Пирра (Тўфон).....	64
Прометей.....	66
Пандора.....	76
Эак.....	77
Данай қизлари (Данаидалар).....	79
Персей.....	82
Персейнинг туғилиши.....	82
Персей горгона Медузани ўлдиради.....	83
Персей ва Атлас.....	86
Персей Андромедани қутқаради.....	87

Персейнинг никоҳ тўйи.....	89
Персей Серифга қайтади.....	91
Персей Аргосда.....	92
Сизиф.....	93
Беллерофонт.....	94
Тантал.....	97
Пелопс.....	100
Европа.....	103
Кадм.....	105
Зет ва Амфион.....	109
Аэдона.....	111
Ниоба.....	113
Ҳеракл.....	116
Ҳераклнинг туғилиши ва тарбияланиши.....	116
Ҳеракл Фивада.....	119
Ҳераклнинг жасоратлари.....	120
Немея шери (биринчи жасорат).....	120
Лерна хидраси (иккинчи жасорат).....	121
Стимфал қушлари (учинчи жасорат).....	122
Керинея оҳуси (тўртинчи жасорат).....	123
Эриманф тўнғизи ва кентаврлар билан жанг (бешинчи жасорат).....	124
Шоҳ Авгийнинг молхонаси (олтинчи жасорат).....	125
Крит буқаси (еттинчи жасорат).....	126
Диомеднинг отлари (саккизинчи жасорат).....	127
Ҳеракл Адметнинг меҳмони.....	128
Ипполитанинг белбоғи (тўққизинчи жасорат).....	132
Ҳеракл Лаомедонтнинг қизи Ҳесионани кутқаради.....	134
Ҳерионнинг сигирлари (ўнинчи жасорат).....	135
Кербер (ўн биринчи жасорат).....	137
Ҳесперидаларнинг олмалари (ўн иккинчи жасорат).....	139
Ҳеракл ва Эврит.....	142
Ҳеракл ва Деянира.....	143
Ҳеракл Омфаланинг қули.....	146
Ҳеракл Трояни забт этади.....	147
Ҳеракл худолар билан бирга гигантларга қарши жанг қилади.....	148
Ҳераклнинг ўлими ва ўлимидан кейин олимплик худолар анжуманига қабул қилиниши.....	150
Ҳераклзодалар.....	155
Кекроп, Эрихтоний ва Эрехтей.....	157
Кефал ва Прокрида.....	159

Прокна ва Филомела.....	162
Борей ва Орифия.....	165
Дедал ва Икар.....	166
Тесей.....	168
Тесейнинг туғилиши ва тарбияланиши.....	168
Тесей Афинага кетатуриб йўлда кўрсатган жасоратлар.....	169
Тесей Афинада.....	172
Тесейнинг Критга саёҳати.....	174
Тесей ва амазон аёллар.....	177
Тесей ва Пейрифой.....	178
Еленанинг ўғирланиши. Тесей билан Пейрифойнинг Персефонани ўғирлашга жазм қилиши. Тесейнинг ўлими.....	179
Мелеагр.....	181
Кипарис.....	183
Кеик ва Алкиона.....	184
Орфей ва Эвридика.....	187
Орфей ер ости салтанатида.....	187
Орфейнинг ўлими.....	191
Ҳиацинт (Сумбул).....	193
Полифем, Акид ва Галатея.....	194
Диоскурлар (Кастор ва Полидевк).....	195
Атрей ва Фиест.....	198
Эсак ва Ҳесперия.....	201

Иккинчи қисм

ҚАДИМГИ ЮНОН ЭПОСИ АРГОНАВТЛАР

Фрикс ва Хелла.....	205
Ясоннинг туғилиши ва тарбияси.....	206
Ясон Иоллда.....	207
Ясоннинг ҳамроҳлар йиғиб, Колхида сафарига ҳозирлик кўра бошлаши.....	208
Аргонавтлар Лемнода.....	210
Аргонавтлар Кизик ярим оролида.....	211
Аргонавтлар Мизияда.....	212
Аргонавтлар Вифинияда.....	214
Аргонавтлар Финей хузурида.....	215
Симплегдалар.....	216
Аретиада ороли. Аргонавтларнинг Колхидага етиб бориши.....	217
Ҳера ва Афина Афродита хузурида.....	219

Ясон шоҳ Эет ҳузурида	220
Аргонавтларнинг Медеядан ёрдам сўрашлари	222
Ясон Эетнинг топшириғини бажаради	226
Медея тилларанг терини ўгирлашда Ясонга қўмаклашади	227
Аргонавтлар қайтадилар.....	229
Ясон ва Медея Иолқда. Пелийнинг ўлими	233
Ясон ва Медея Коринфда. Ясоннинг ўлими	235

ТРОЯ АФСОНАЛАРИ СИЛСИЛАСИ

Зевс билан Леданинг қизи – Елена	239
Пелей ва Фетида	240
Париснинг ҳукми	242
Парис Трояга қайтади	243
Парис Еленани ўгирлайди	244
Менелай Трояга қарши жангга шайланади	245
Ахилл	247
Троя	248
Юнон қаҳрамонлари Мизияда	249
Юнонлар Авлидада	251
Юнонларнинг Троя соҳили томон сузиб бориши. Филоктет	255
Троя қамалининг дастлабки тўққиз йили	256
Ахилл билан Агамемнон ўртасидаги низо	261
Ахей лашкарининг мажлиси. Терсит	267
Менелай билан Парис яккама-якка жанг қиладилар	271
Пандар қасамга хиёнат қилади. Жанг	274
Ҳектор Трояда. Андромаха билан видолашув	280
Жанг давом этади. Ҳектор билан Аякснинг яккама-якка олишуви	282
Трояликлар зафар қозонадилар	285
Агамемнон Ахиллес билан ярашмоқчи	288
Одиссей ва Диомед трояликлар қароргоҳига айғоқчиликка боришади.	
Рес тулпорлари	289
Юнонлар қароргоҳи яқинида жанг	291
Кемалар яқинида жанг	296
Патроклнинг жасоратлари ва ўлими	301
Патроклнинг жасади учун жанг	306
Фетида Ҳефест ҳузурида. Ахиллеснинг куроллари	311
Ахиллес Агамемнон билан ярашади	313
Ахиллес трояликларга қарши жангга киради	315

Ахиллес Ҳектор билан яккама-якка жанг қилади.....	322
Патроклни дафн қилиш	326
Приам Ахиллеснинг чодирисида. Ҳекторни дафн қилиш	329
Амазон аёллар билан жанг. Панфесилия	333
Занжилар билан жанг. Мемнон	334
Ахиллеснинг ўлими	336
Теламонзода Аякснинг ўлими.....	338
Филоктет. Троянинг сўнгги кунлари	340
Троянинг забт этилиши	343
Юнонларнинг ватанга қайтишлари	348

ОДИССЕЙНИНГ САРГУЗАШЛАРИ

Одиссей санам Калипсо оролида.....	352
Итакада Одиссейнинг йўқлигида <u>куёвлар</u> унинг мол-дунёсини талаб, густоҳлик қиладилар.....	352
Телемах Несторнинг, сўнг Менелайнинг хузурига боради.....	356
<u>Куёвлар Телемахга қарши фитна уюштирадилар</u>	<u>359</u>
Одиссей санам Калипсо оролини тарк этади	360
Одиссей ва Навсияка	363
Одиссей шоҳ Алкиной хузурида	365
Одиссей кўрган-кечирганларини ҳикоя қилади	370
Киконлар ва лотофағлар	370
Одиссей циклоплар оролида. Полифем	371
Одиссей Эол оролида	375
Одиссей лестригонлар оролида	376
Одиссей афсунгар Кирка оролида.....	376
Одиссей Аид салтанатига тушади.....	379
Одиссей сиреналар ороли ёнидан ҳамда Скилла ва Харибдалар ёнидан сузиб ўтади	381
Одиссей Тринакрива оролида. Одиссей кemasи ҳалокатга учрайди.....	383
Одиссей Итакага қайтади.....	385
Одиссей Эвмейнинг кулбасида.....	387
Телемах Итакага қайтади	389
Телемах Эвмейникида. Одиссей ва Телемах	392
Одиссей ўз саройига мусофир чол қиёфасида кириб келади	395
Одиссей ва Пенелопа	401
Одиссей <u>куёвлардан</u> қасос олади.....	404
Одиссей Пенелопага ўзини танитади.....	409

Куёвларнинг руҳлари Аид салтанатида	412
Одиссей отаси Лаэрт хузурида	413
Фуқаролар исёни. Улар Одиссей билан сулҳ туздилар.....	414

АГАМЕМНОН ВА УНИНГ ЎҒЛИ ОРЕСТ

Агамемноннинг ўлими	417
Орест отасининг қотилидан ўч олади	419
Аполлон билан Афина-Паллада Орестни Эриниялар таъқибидан кутқарадилар	421
Орест Артемиданинг муқаддас тасвирини олиб келгани Тавридага боради.....	424

ФИВА АФСОНАЛАРИ СИЛСИЛАСИ

Эдип. Унинг болалиги, ёшлиги ва Фивага қайтиши.....	427
Эдип Фивада	430
Эдипнинг ўлими.....	433
Етти саркарданинг Фивага қарши юриши.....	441
Антигона	449
Эпигонлар юриши.....	453
Алкмеон	455
Китобда учраган афсонавий, жуғрофий номлар, исмлар ва айрим атамалар луғати	457

Адабий-бадий нашр

Н.А. Кун

ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН

АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИ

Мухаррир Б. Худоерова
Бадий муҳаррир К. Закирова
Рассом-дизайнер Б. Зуфаров
Техник муҳаррир Т. Харитонова
Мусахҳихлар С. Салоҳутдинова, Г. Азизова
Кичик муҳаррир Д. Холматова
Компьютерда тайёрловчи Л. Абкеримова

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.09.

Босишга 2013 йил 2 сентябрда рухсат этилди. Бичими 70x100^{1/16}. Офсет қоғози.

«Times» гарнитурасида офсет усулда босилди. Шартли босма табоғи 40,3.

Нашр табоғи 29,52. Адади 3000 нусха.

Буюртма № 13-327.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Кун Н.А.

К-92 Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари / Н.А. Кун; таржимон
Қ. Мирмухамедов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2013. – 496 б.

ISBN 978-9943-28-008-3

УЎК: 398.22(38)
КБК 84(0)3

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-008-3



9 789943 280083